

**ВАХАБОВ А.В., ТАДЖИБАЕВА Д.А.,  
ХАЖИБАКИЕВ Ш.Х.**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ  
ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ  
МУНОСАБАТЛАР**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**“МОЛИЯ”**

65.5(9)

В32

**Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакiev Ш.Х.** Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., проф. А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Молия, 2011. - 708 б.

**ББК 65.5(9)  
УДК:339(075)**

Ўқув қўлланмада “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” фанларининг асосий масалалари қисқа ва тушунарли тилда баён этилган.

Ўқув қўлланманинг I қисмида жаҳон иқтисодиётининг асоси ҳисобланган халқаро меҳнат тақсимоти, жаҳон хўжалик тизимининг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, иқтисодий марказлари, макроиқтисодий ривожланиш моделлари таҳлил қилинган. Ушбу қисмда тараққий этган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари ўрганилган.

Ўқув қўлланманинг II қисмида халқаро иқтисодий муносабатлар фани асослари, халқаро савдо, ишлаб чиқариш омиллариининг халқаро ҳаракати, халқаро валюта-кредит ва молия муносабатлари, халқаро иқтисодий интеграциянинг назарий ва амалий масалаларининг моҳияти очиб берилган.

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юр்தларининг иқтисодиёт йўналишида ўқиётган бакалавр, магистрларига ва мазкур фанни ўқитадиган профессор-ўқитувчиларига мўължалланган.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистондаги Америка Қўшма Штатлари Элчи-хонасининг молиявий кўмаги билан амалга оширилган. Бу ерда билдирилган фикр, мулоҳаза, хулоса ёки тавсиялар муаллифларга тегишли бўлиб, АҚШ Ҳукуматиининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

**Тақризчилар:** иқтисод фанлари доктори, профессор Х.П. Абулқосимов, иқтисод фанлари доктори Д.В. Расулова

*Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети  
Ўқув-услугий кенгашиининг 2011 йил 14 декабрь 5-сонли қарорига асосан  
нашрга тавсия этилган*

© Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси,  
«Молия» нашриёти, 2011 й.

## КИРИШ

Ушбу қўлланма жаҳон иқтисодиёти ихтисослигидан ташқари жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларни ягона фан сифатида ўрганувчи талабаларга мўлжалланган. Муаллифлар жамоаси ўз олдига жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар, унинг амал қилиш механизми ва ривожланиш қонуниятлари, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва интеграциялашув йўналишлари тўғрисида тўлиқ тасаввур шакллантириш учун зарур бўлган барча масалаларни ихчам ҳажмда фаннинг мазмунига таъсир этмаган ҳолда кўриб чиқиш вазифасини қўйган. Шу мақсадда жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар муаммолари Ўзбекистон иқтисодиёти билан бевосита боғлиқликда таҳлил қилинган.

Қўлланма таркиби мантиқан унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда “Жаҳон иқтисодиёти” ва “Халқаро иқтисодий муносабатлар” фанлари предметининг асосларини, назарий ва амалий жиҳатларини узвий боғлиқ ҳолда ёритишга қаратилган.

Ўқув қўлланма икки – “Жаҳон иқтисодиёти” ва “Халқаро иқтисодий муносабатлар” қисмларидан иборат.

Қўлланманинг биринчи қисми, I бўлимида жаҳон хўжалигининг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари ва қонуниятлари, моҳияти очиб берилган. Жаҳон хўжалигининг таркиби, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жиҳатдан гуруҳланиши, макроиқтисодий ривожланиш моделлари ва рақобатбардошлигини ошириш йўллари таҳлил қилинган. Ушбу қисмда тараққий этган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари ўрганилган. II бўлимда жаҳон хўжалигида тараққий этган мамлакатларнинг тутган ўрни баҳоланган, АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи каби жаҳон хўжалиги марказлари иқтисодиётининг таркиби, ривожланиш тенденциялари ва Ўзбекистон билан олиб бораётган иқтисодий алоқалари ўрганилган. Ўқув қўлланманинг III бўлимида ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш ҳолати ва халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни баҳоланган, ривожланиш тенденциялари аниқланган, гуруҳланган, ривожланиш моделлари таҳлил қилинган. IV бўлимда эса бозор муносабатларини шакллантириш йўлидан бораётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларнинг мазмуни, амалга ошириш босқичлари аниқланган. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимида тутган ўрни баҳоланган, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг босқичлари, жумладан, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнлари тавсифланган ва мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига интеграциялашув йўналишлари баён қилинган.

Ўқув қўлланманинг иккинчи қисми, V бўлимида халқаро иқтисодий муносабатларнинг асослари ҳисобланган халқаро меҳнат тақсимоти ёритилган, халқаро савдо назарияларининг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари, халқаро савдонинг таркиби, ташқи савдони тартибга солиш усуллари ва эркинлаштириш йўналишлари баён этилган. Қўлланманинг VI бўлимида товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк савдосининг ҳолати, таркиби, ривожланиш тенденциялари, мазмуни ёритиб берилган. Ўқув қўлланманинг VII бўлимида иқтисодий омиллар ҳисобланган халқаро капиталлар миграцияси ва унда трансмилий корпорацияларнинг ўрни, халқаро ишчи кучи миграцияси ва юқори технологияларни халқаро узатишнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми ёритилган. Ўқув қўлланманинг VIII бўлимида халқаро валюта муносабатлари, халқаро валюта-кредит ва молия бозорлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг вужудга келиш сабаблари ва инқироздан чиқиш дастаклари ўрганилган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувини элтувчи халқаро иқтисодий ташкилотларнинг келиб чиқиш зарурияти, гуруҳланиши, фаолияти ва Ўзбекистон билан муносабатлари таҳлил қилинган. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ҳолати баҳоланган, ривожланиш тенденциялари аниқланган ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнларидаги фаолияти йўналишлари ёритилган.

Муаллифлар материални аниқ, мантиқан боғланган ҳолда баён этишга ҳаракат қилишган. Ўқув қўлланма бобларининг сўнггида асосий тушунчалар ва назорат саволлари келтирилган. Ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия институтларининг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси материаллари, хорж ва мамлакатимизда нашр этилган илмий монографиялар, илмий журналлардаги мақолалардан унумли фойдаланилди.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети “Макроиқтисодиёт” кафедраси профессори, и.ф.д. А.В.Вахабов, и.ф.н., доц. Д.А.Таджибаева, катта ўқитувчи Ш.Х.Ҳажикаевлар таркибидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган.


# **I ҚИСМ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ**

# 1 БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИ

## 1-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИНИНГ МОҲИАТИ, ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

### 1.1. Жаҳон хўжалигининг моҳияти

Жаҳон иқтисодиётига кенг ва тор маъноларда таъриф бериш мумкин<sup>1</sup>. Кенг маънода жаҳон иқтисодиёти – бу миллий иқтисодиётлар йиғиндиси сифатидаги тизим ҳисобланса, тор маънода – бу миллий иқтисодиётнинг ташқи дунёга товарлар, хизматлар ва иқтисодий ресурслар етказиб берувчи қисмларинигина қамраб олувчи тизимдир. Жаҳон иқтисодиётига берилган тор маънодаги таъриф иқтисодий назариядаги сотиладиган маҳсулотлар ва омиллар тушунчасига мос келади. Амалиётда кенг маънодаги таъриф кўпроқ қўлланилганлиги боис ҳам кейинги матнларда ушбу тушунчадан фойдаланамиз. Шу билан бирга сотиладиган маҳсулотлар ва омилларга асосланган хўжалик алоқалари юзлаб миллий хўжаликларни “жаҳон иқтисодиёти” деб, аталадиган бир тизимга бирлаштиришнинг эътиборга олиш лозим. Шунинг сабабдан ҳам жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ўзаро боғлиқдир (1.1.1-расм).



1.1.1-расм. Жаҳон иқтисодиётининг моҳияти ва таркиби

<sup>1</sup> Жаҳон хўжалиги, умумжаҳон хўжалиги синонимлар сифатида ишлатилади.

“Жаҳон иқтисодиёти” тушунчасидан “халқаро иқтисодиёт” тушунчасини фарқлаш лозим. Халқаро иқтисодиёт деганда жаҳон иқтисодиёти эмас, балки халқаро иқтисодий муносабатлар назарияси тушунилади.

**Жаҳон иқтисодиётининг субъектлари.** Жаҳон ҳўжалиги тизимини содда ҳолда унинг таркибий қисмлари ёки асосий қатнашчилари – субъектларидан иборат механизм кўринишида ифодалаш мумкин. Ушбу субъектларнинг асосийлари миллий иқтисодиётлар, шунингдек, трансмиллий корпорациялар (ТМК), интеграцион бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётлар жаҳон иқтисодиётининг асосий субъекти саналади. Миллий иқтисодиётларга хос асосий хусусият шундаки, дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодий суверенитетни сақлаб келишмоқда. Глобаллашув жараёни туфайли ташқи босимнинг кучайишига қарамасдан мамлакатларда энг муҳим иқтисодий қарорлар ташқаридан эмас, балки миллий ҳукуматлар томонидан қабул қилинмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳон иқтисодиётини таҳлил этишда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда мавжуд иқтисодий ривожланиш тенденцияларига таяниш лозим. Шунга қарамасдан миллий иқтисодиётларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти пасайиб бормоқда. Баъзи интеграцион бирлашмаларда иқтисодий суверенитет қарорлар қабул қилишнинг умумий механизми билан уйғунлашиб кетаётир. Миллий иқтисодиёт доирасида (айниқса, кичик мамлакатларда) иқтисодий қарорлар қабул қилишда ҳукумат ўз компания ва фуқаролари талабларидан эмас, балки (аксарият ҳолларда) халқаро иқтисодий ташкилотлар ва хорижий ТМКлар талабларидан, манфаатларидан келиб чиқишмоқда.

Аваллари у ёки бу мамлакатда ташқи иқтисодий фаолият билан миллий фирмалар шуғулланишган ва улар учун мамлакат ички бозори асосий бозор ҳисобланган. Аммо охириги ўн йилликда уларнинг кўпчилиги ТМКлар даражасига кўтарилишди ва бутун дунё уларнинг фаолият (савдо, саноат, молия) юритиш майдонига айланди. Натижада ТМКлар жаҳон иқтисодиётининг муҳим мустақил қисмига айланишди ва улар ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 1/5 – 1/4 қисми тўғри келмоқда. ТМКларнинг аксарият қисми ўз мамлакатлари ички бозори учун ишлашларига қарамасдан глобаллашув жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланишади. Глобаллашув жаҳонни ягона бозорга айлантириши воситаси сифатида ТМКлар учун манфаатли ҳисобланади, чунки улар ушбу бозорда энг кучли ҳўжалик субъектлари саналишади. Шу билан бирга ТМКларнинг манфаатлари доимо миллий иқтисодиёт манфаатлари билан мос келавермайди. Шунга қарамасдан глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви натижасида ТМКларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва жаҳон ҳўжалигининг бошқа субъектларига таъсири ортиб боради.

ТМҚлар фаолияти натижасида аксарият мамлакатлар иқтисодиёти ўзаро бирлашиб, халқаро ҳудудий иқтисодий бирлашмаларни ташкил этмоқда. Ушбу бирлашмалар жаҳон ҳўжалигининг жиддий механизмига айланди, баъзилари, жумладан Европа Иттифоқи (ЕИ) ташқи дунёда ўз аъзолари номидан фаолият олиб боришмоқда. Аммо кўпчилик интеграцион бирлашмалар (ЕИ ва Шимолий Америка эркин савдо ассоциациясидан (НАФТА) ташқари) ўз аъзолари миллий иқтисодиётига кучли таъсир кўрсатмайди. Ҳозирча халқаро иқтисодий интеграция жаҳоннинг нисбатан ривожланган ҳудудларида муваффақиятли амалга ошмоқда, бошқа ҳудудларда эса ушбу жараён уларнинг ривожланиш даражасининг организи билан чуқурлашиб боради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда халқаро иқтисодий ташкилотларнинг сони ва аҳамияти тубдан ошди. Ушбу ташкилотларда жаҳон иқтисодиётдаги улўши катта мамлакатлар ҳал қилувчи ролга эга. Бошқа мамлакатлар товарлар, хизматлар, капитал ва технология жиҳатдан қайд этиб ўтилган мамлакатларга боғлиқлиги сабабли халқаро ташкилотларда уларнинг фикрини қабул қилишга мажбур. Шу билан бир вақтда глобаллашув жараёни миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайишига олиб келмоқда. Шу сабабли миллий иқтисодиётларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишга интилиши кучайиб бормоқда ва ушбу ташкилотларга аъзолик кўплаб иқтисодий муаммоларни кўптомонлама келишувлар асосида ҳал этиш имконини беради. Натижада халқаро ташкилотлар жаҳон иқтисодиётининг (аввало, ривожланаётган кичик ва ўрта мамлакатларга нисбатан) кучли субъектларига айланиб боришмоқда.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг муҳим вазифаларидан бири – жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши тўғрисида статистик таҳлиллар тайёрлашдан иборат. Амалиётда Халқаро валюта фонди (ХВФ) (World Economic Outlook), Жаҳон банки (World Development Report), ЮНКТАД (World Investment Report), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) (World Trade Report) ва бошқа ташкилотларнинг нашрлари кенг фойдаланилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳияти ва шакллари. Жаҳон иқтисодиётининг тизим сифатидаги фаолияти товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати билан боғлиқ. Ушбу боғлиқлик асосида халқаро иқтисодий муносабатлар юзага келади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар – бу резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги ҳўжалик муносабатларидир. Халқаро иқтисодий муносабатларни шакллари бўйича гуруҳлаш мумкин.

Анъанавий тарзда халқаро товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк савдоси алоҳида шакл сифатида ажратилади. Ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати халқаро иқтисодий муносабатларнинг халқаро капитал ҳаракати, халқаро ишчи кучи миграцияси, технологияларни халқаро узатиш каби шакллари асосида ётади.



Капитал, меҳнат ва технологиядан ташқари бошқа иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланган табиий ресурслар ҳаракатчан эмаслиги боис, жаҳон хўжалик алоқаларида қазиб чиқарилган ва улар асосида тайёрланган маҳсулотларнинг халқаро савдоси орқали қатнашади. Тадбиркорлик қобилияти омили эса, одатда, капитал, ишчи кучи ва технологиялар билан биргаликда ҳаракатланади, шу сабабдан халқаро иқтисодий муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида қатнашмайди.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг кейинги шакли халқаро валюта-кредит ва моллия муносабатлари халқаро савдо ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати ҳосиласи ҳисобланса-да, жаҳон хўжалигида алоҳида аҳамиятга эга мустақил иқтисодий муносабатлар сифатида тан олинган.

## **1.2. Жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари**

Жаҳон хўжалигининг ривожланиш жараёни халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш эволюцияси билан узвий боғлиқ. Халқаро иқтисодий муносабатлар жаҳон хўжалигининг шаклланиши жараёнида алоҳида ўрин тутди.

Миллий иқтисодиётнинг байналмилаллашувида халқаро савдо тарихий аҳамият касб этади. Савдо алоқалари кулдорлик тузумида ҳам олиб борилган. Мисол тариқасида Рим империяси давридаёқ юридик жиҳатдан расмийлаштирилган халқаро савдо-сотикларнинг ўтказилганлигини келтириш мумкин. Бу турдаги савдо-сотиклар феодализм тузумида ҳам мавжуд бўлган. Бироқ мазкур ижтимоий-иқтисодий тизимлардаги натурал хўжалик юритишга хос хусусиятлар туфайли халқаро айирбошлашга ишлаб чиқарилган товарларнинг жуда кам қисми (қимматбаҳо газламалар, жавохирлар, зирavorлар, минерал хом ашёларнинг баъзи бир турлари, ширинликлар ва ҳ.к.) келиб тушган. Натурал хўжалик юритишдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш асосида капиталистик муносабатларнинг юзага келиши халқаро савдо ва жаҳон хўжалик алоқаларининг ривожланишига катта туртки бўлди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар аста-секин жаҳон хўжалигининг таркибий элементига айлана борди. Ҳозирги вақтда халқаро иқтисодий муносабатларни жаҳон хўжалигининг ривожланиши натижасида шаклланган мустақил иқтисодий тизим сифатида баҳолаш мумкин. Бу каби тасдиқлар жаҳон хўжалигининг ривожланиш жараёни ва унинг босқичларида ҳам ўз аксини топган (1.2.1-расм).

Босқичлари		Хусусиятлари
I	XV–XVI асрлар	Буюк географик кашфиётлар. Жаҳон мустамлака тизимининг шаклланиши. Жаҳон капиталистик бозорининг пайдо бўлиши. Мануфактура
II	XVII асрнинг биринчи ярми – XIX аср	Жаҳон капиталистик бозорининг шаклланиши. Халқаро меҳнат тақсимотивининг ривожланиши (саноат тўнтариши, буржуазия инқилоби, мануфактурадан фабрикали ишлаб чиқариш тизимига ўтиш). Жаҳон савдосининг халқаро иқтисодий муносабатлар шакли сифатида ривожланиши
III	I ва II жаҳон урушлари даври	Халқаро молия тизимининг беқарорлиги, саноат жиҳаддан тараққий этган мамлакатлардан узоқ муддатли капиталларнинг чиқиб кетиши
IV	XX асрнинг 50–90-йиллари	Халқаро иқтисодий муносабатларни қайтадан йўлга қўйиш ёки янги халқаро иқтисодий тартибни ишлаб чиқиш даври
V	XX асрнинг 90-йилларидан ҳозирга қадар	Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, ТМК ва ТМБ ролясининг кучайиши. Жаҳон бозорларининг глобаллашуви

### 1.2.1-расм. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш босқичлари

Жаҳон хўжалигининг вужудга келишидаги биринчи босқич XV–XVI асрларни ўз ичига олади. Ушбу босқич буюк географик кашфиётлар, жаҳон мустамлака тизимининг шаклланиши, жаҳон капиталистик бозорининг пайдо бўлиши ва мануфактура даври ҳисобланади. Бу давр мустамлака мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар савдосининг жадал ривожланиши билан тавсифланади. Жаҳон хўжалиги бу босқичда мамлакатларнинг (биринчи навбатда, мустамлака эгалари ва мустамлакалар) ташқи савдо соҳасидаги ўзаро муносабатларининг йиғиндиси сифатида талқин этилади ва устун даражада савдо капиталини сарф этиш соҳаси ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигининг ривожланишидаги иккинчи босқич XVII асрнинг биринчи ярми – XIX асрни қамраб олади. Ушбу босқич жаҳон капиталистик бозорининг шаклланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши (саноат тўнтариши, буржуазия инқилоби, мануфактурадан фабрикали ишлаб чиқариш тизимига ўтиш), жаҳон савдосининг халқаро иқтисодий муносабатлар шакли сифатида ривожланиши, миллий товарлар экспортининг кўпайиши билан тавсифланади. Мамлакатлар ўртасидаги

савдо интеграциясининг заифлашуви хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви билан боғлиқ қуйидаги тамойиллар ҳисобига ривожланган:

– халқаро меҳнат бозорида байналмилаллашув жараёнининг чуқурлашуви – 1870–1913 йиллар давомида Европани 36 млн. киши тарк этди ва уларнинг 2/3 қисми АҚШга кўчиб ўтди. Осиё худудида эса хитой ва ҳинд эмигрантларининг сони Европа эмигрантларидан ҳам ошиб кетди;

– халқаро капиталлар оқимининг кўнайтиши – 1914 йилга келиб узоқ муддатли хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 44 млрд. долларга етди ва ушбу жараёнда Буюк Британия, Франция ва Германия фаол иштирок этди. Халқаро капиталлар ҳаракатида умуман расмий чекловлар бўлмаган. Шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бозорининг байналмилаллашуви ҳам юқори даражага етди. 1913 йилда Лондон фонд бозорларида сотилаётган қимматбаҳо қоғозларда хорижий қимматбаҳо қоғозлар улуши 59% ни, Францияда эса ушбу кўрсаткич 1908 йилдаёқ 53% ни ташкил этди;

– тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таъсирида халқаро ишлаб чиқаришнинг ўсиши – 1914 йилга келиб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар халқаро капитал ҳаракатининг асосини ташкил қилди. Бу даврда Буюк Британия тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий экспортёри ҳисобланган. Жами тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 45% и Буюк Британия ҳиссасига, 20% и эса АҚШ ҳиссасига тўғри келган. Асосий импортёрлар АҚШ, Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари, Хитой ва Европанинг ривожланган мамлакатлари ҳисобланди. 1914 йилга келиб тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг асосий оқими ривожланган мамлакатларга йўналтирилган эди. Жаҳон хўжалигининг бу даври капитал ишлаб чиқариш соҳасида саноати ривожланган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва мустамлакалари билан бўладиган иқтисодий муносабатлари, халқаро иқтисодий муносабатлар мажмуасини ташкил эта бошлади.

Жаҳон хўжалигининг ривожланишидаги **учинчи босқич I ва II жаҳон урушлари** даврини ўз ичига олади. Ушбу давр жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг 1920 йилдан кейинги жадал ривожланишига қарамай халқаро молия тизимининг юқори даражада беқарорлиги, индустриал мамлакатлардан узоқ муддатли капиталларнинг чиқиб кетиши билан ажралиб туради.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишидаги **тўртинчи босқич II жаҳон урушининг охиридан бошланиб 90-йилларнинг биринчи ярмига қадар** давом этди. Ушбу давр халқаро иқтисодий муносабатларни қайтадан йўлга қўйиш ёки янги халқаро иқтисодий тартибни шакллантириш даври сифатида тавсифланади. Бу даврда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди: барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари; дунё мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида бирлашиш

тамойилларининг кучайиши; ташки савдо сиёсатини эркинлаштириш; илмий-техник тараққиётнинг жадал ривожланиши; мустамлакачилик тизимининг парчаланиши.

Бундан ташқари, бу даврда жаҳон хўжалиги тизимига ривожланаётган мамлакатларнинг фаол жалб этилиши, жаҳоннинг капиталистик ва собиқ социалистик хўжаликлари ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаоллашуви рўй берди. Миллий хўжаликларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш жараёни фаоллашиб, улар ўртасида ўзаро боғлиқлик сезиларли даражада кучайди. Жаҳон хўжалик алоқаларини тартибга солишчи халқаро ташкилотлар тизими яратилди ва халқаро корпорациялар фаолиятининг фаоллашуви кузатилди.

Жаҳон хўжалигининг бешинчи – замонавий ривожланиш босқичи 90-йилларнинг бошларидан бошланди. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (ЎИЁК) ва собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиши, Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиши, халқаро интеграция жараёнларининг кучайиши ва халқаро корпорацияларнинг жаҳон хўжалиги субъекти сифатидаги ролининг ортиб бориши жаҳон иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичидаги асосий омиллар ҳисобланади.

Жаҳон хўжалиги XX аср ва XXI аср бўсағасида глобал миқёсга эга эканлиги, бозор иқтисодиёти принципларига асосланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятлари асосида фаолият юритиши ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви билан ажралиб туради. Замонавий жаҳон иқтисодиёти уч элементни – миллий иқтисодиётлар, уларни боғлаб турувчи халқаро иқтисодий муносабатлар ва халқаро корпорациялар томонидан яратилган халқаро иқтисодиётни ўз ичига олади.

Демак, замонавий жаҳон хўжалиги – бу бозор иқтисодиётининг объектив қонунарига бўйсунувчи халқаро иқтисодий муносабатлар орқали ўзаро боғлиқ миллий хўжаликлар йиғиндиси сифатидаги глобал иқтисодий организмдир.

Жаҳон хўжалигининг амал қилиш жараёни XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб замонавий жаҳон иқтисодиётига хос қатор ривожланиш тамойиллари ва қонуниятларини ажратиш кўрсатиш имконини беради.

**1. Дунё мамлакатлари хўжалик ҳаётининг байналмилаллашиш жараёнининг чуқурлашуви.** Жаҳон хўжалиги ривожланишининг дастлабки босқичларида товар ишлаб чиқариш устуворлик қилган бўлса, ҳозирги даврда жаҳон хўжалик алоқаларига биргина миллий ишлаб чиқариш натижаларигина жалб этилмасдан, ишлаб чиқариш омиллари ҳам жалб этилмоқда. Замонавий жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациялашувини интенсив ривожлантириш, технологияларни халқаро айирбошлаш, халқаро капитал ва ишчи кучи миграцияси жараёнлари такомиллашмоқда.

**2. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви.** Ушбу ҳолат миллий иқтисодиётнинг ташқи дунё учун очиклигини билдиради. Халқаро товарлар савдосида божхона бождарини пасайтириш, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳитини яратиш, давлат ташқи миграция сиёсатини янада эркинлаштириш каби устувор йўналишлар амалга оширилмоқда.

**3. Худудий иқтисодий интеграциянинг кучайиши** – миллий хўжаликларнинг халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ҳолда иқтисодий жиҳатдан бирлашиш жараёнидир. Шунинг таъкидлаш керакки, жаҳон иқтисодиётидаги худудий интеграция жараёнларининг халқаро иқтисодий муносабатларга таъсири зиддиятлидир. Ушбу жараён, бир томондан, худудий интеграция бирлашмалари фаолиятига ижобий таъсир этса, иккинчи томондан, учинчи дунё мамлакатлари билан бўладиган иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига тўқтинлик қилади. Натижада жаҳон хўжалигида регионлашиш, яъни минтақаланиш жараёни вужудга келди.

**4. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг трансмиллийлашиши.** XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келган трансмиллийлашиш жараёни алоҳида мамлакатларга ёки бир неча мамлакатларга тегишли халқаро компаниялар фаолияти билан боғлиқ халқаро ишлаб чиқаришни юзага келтирди.

**5. Жаҳон хўжалик алоқаларини давлатлараро тартибга солиш тизимининг барпо этилиши ва иқтисодий қоидаларнинг бирхиллашуви.** Замонавий жаҳон иқтисодиётидаги тартиб-қоидалар халқаро валюта-кредит, савдо, ҳисоб-китоб муносабатларининггина қамраб олмай, балки халқаро айирбошлашда асосий битим бўлиб хизмат қилади. Дунё миқёсида ХВФ, Жаҳон банки, ЖСТнинг аҳамияти жуда катта.

**6. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви.** Ушбу жараён, бир томондан, жаҳон хўжалигининг юқорида қайд этиб ўтилган ривожланиш тамойилларини миқдорий жиҳатдан мужассамлаштиради, иккинчи томондан, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган замонавий ривожланиш тамойилларини акс эттиради:

– дунёдаги барча мамлакатларни жаҳондаги хўжалик жараёнларига жалб этиш;

– ишчи кучи, технология, капитал, товарлар ва хизматларнинг глобал бозорларини барпо этиш;

– жаҳон хўжалик алоқаларининг (транспорт, ахборот, банк, алоқа ва бошқалар) глобал инфратузилмасини яратиш;

– мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнларида ялпи ички талабларга қараганда ташқи талабларнинг устуқлиги;

– миллий ҳукумат иқтисодий функцияларининг кўпроқ халқаро иқтисодий ташкилотларга вакилликни топшириш;

– иқтисодий ривожланишнинг энг мақбул шакли, мамлакатларнинг тан олишича, бозор хўжалиги принципларидир;

- халқаро иқтисодий алоқалар билан хўжалик ҳаётининг қоидаларини универсаллаштиришни (ҳар томонлама) мукаммаллаштириш;
- халқаро рақобат ва халқаро ҳамкорликнинг глобал хусусиятга эга эканлиги;
- жуда катта ишлаб чиқариш кучларига асосланган халқаро ишлаб чиқаришни юзага келтириш.

### **1.3. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги илмий концепциялар**

Тўлиғича жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига бағишланган илмий назариялар мавжуд эмас. Аммо жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган кўпсонли иқтисодий, социологик ва ижтимоий-маданий назариялар мавжуд. Ушбу назарияларга куйидаги ривожланиш назарияларини киритиш мумкин:

- Иқтисодий ривожланиш босқичлари назариялари.
- Ягона индустриал ва янги индустриал жамият назарияси.
- Постиндустриал жамият назариялари.
- Ягона цивилизация ва цивилизациялар тўқнашуви назариялари.
- Цивилизациялар тўқнашуви назарияси.

**Иқтисодий ривожланиш босқичлари назариялари.** Америкалик иқтисодчи, социолог ва тарихчи Уолт Ростоу 1960 йилда “Иқтисодий ўсиш босқичлари: нокоммунистик манифест” деб номланган китобида иқтисодий ўсиш босқичлари назариясини яратди. Унда иқтисодий ўсишнинг куйидаги беш босқичи ажратиб кўрсатилади:

- аънавий жамият;
- ўсиш учун шарт-шароитларни яратиш босқичи;
- ўсиш (силжиш, кўтарилиш);
- етукликка интилиш босқичи;
- юқори оммавий истеъмол даври.

Иқтисодий ўсиш босқичларини ажратишда, одатда, куйидаги мезонлардан фойдаланилди: техниканинг ривожланиш даражаси, иқтисодиётнинг тармоқ таркиби, жамғарманинг миллий даромаддаги улуши, истеъмол таркиби ва ҳ.к.

Аънавий жамиятда (феодализм давригача) аҳолининг 75% дан ортиғи озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан банд бўлади. Иккинчи босқич кўтарилиш даврига ўтиш босқичи ҳисобланади: қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ташқи савдо каби саноат тармоғи ҳисобланмаган соҳаларда сезиларли ўзгаришлар юз беради. Учинчи босқич – кўтарилиш босқичи ҳисобланиб, икки йилдан бир неча ўн йилликларни ўз ичига олади (саноат тўнғариши). Ушбу даврда инвестициялар ҳажми ошади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори ортади ва янги техника, технологияларни ишлаб чиқаришга тезда жорий этиш бошланади.

У.Ростоу етукликка қараб ҳаракатланиш даврини (индустриал жамият) техник тараққиётнинг узоқ давом этадиган босқичи сифатида тавсифлайди: урбанизация жараёни чуқурлашади, малакали меҳнат улуши ошади, саноатдаги раҳбарлик малакали бошқарувчи менежерлар қўлида тўпланadi. Бешинчи босқичда (юқори оммавий истеъмол) тақлифдан талабга, ишлаб чиқаришдан товар ва хизматларни оммавий истеъмол этишга қараб силжиш рўй беради. У.Ростоу “Сиёсат ва ўсиш босқичлари” (1971) асарида иқтисодий ўсишнинг олтинчи босқичини ҳам кўрсатади. Унга мувофиқ инсоннинг маънавий ривожланиши биринчи ўринга қўйилади ва ушбу босқич ҳаёт сифатига эришиш босқичи, деб аталади.

**Ягона индустриал ва янги индустриал жамият назариялари.** Ягона индустриал жамият назарияси француз социологи Р.Арон номи билан боғлиқ бўлиб, турли мамлакатларда индустриаллашиш жараёни улар учун ягона индустриал жамиятнинг шаклланишига олиб келади, деган фикрга асосланади. Ушбу назарияга мувофиқ техник тараққиёт нафақат иқтисодий қонунларнинг амалда қўлланилишини, балки қонунларнинг моҳиятини ҳам модификациялайди: мулкчиликнинг етакчилик роли бекор қилинади, иқтисодий ҳокимият йирик корпорациялар қўлига ўтади, давлатнинг ёрдами билан бойлик ва камбағаллик ўртасидаги фарқ йўқотилади.

Янги индустриал жамият назарияси америкалик иқтисодчи Дж.Гэлбрейт томонидан яратилган. У мураккаб ва тақомиллашган техникани амалиётда қўллаш капитализмнинг қайта ички ривожланишига, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, яхши ташкил этилган хизматлар тизимига эришиш ва аввалги ижтимоий зиддиятларни юмшатиш имконини беради, деган ғояни исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳозирги капитализм иқтисодий тизими турлича икки сектор – “режали тизим” ва “бозор тизими”нинг мажмуасидан иборат.

**Постиндустриал жамият назарияси.** Америкалик социолог Даниел Белл фикрига кўра, постиндустриал жамият қўлидаги бешта белги орқали тавсифланади:

- товарлар ишлаб чиқариш тармоқларидан хизматлар кўрсатишга ўтиш;
- бандлар ўртасида малакали мутахассислар улушининг ортиб бориши;
- назарий билимларнинг етакчилиги;
- техник-иқтисодий муҳитнинг технологиялар устидан назорат ўрнатишга йўналтирилиши;
- янги “интеллектуал технологиялар” билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш жараёнининг таъминланиши.

Д.Белл “индустриализм” инкирозидан чиқиш йўлини “постиндустриал тенденцияларни” ривожлантириш ҳамда маданият ва дин ўртасидаги узилган алоқаларни тиклаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Постиндустриал жамият ҳақидаги ғояларнинг бошқа вариантини америкалик социолог ва футуролог А.Тоффлернинг супериндустриализм назариясида кўриш мумкин. У замонавий жамиятда юз бераётган, мураккаб ва турли хил ўзгаришлар жараёнларини индустриализмнинг фалокати ва “янги цивилизация”нинг дунёга келиши билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Бундай “ўтиш даврини”, у тарихий ривожланиш жараёнида юзага келадиган “ўзгаришлар тўлкини” назарияси билан тушунтиради.

Ягона цивилизация ҳақидаги ижтимоий-маданий назариянинг асосида барча мамлакатларнинг ягона сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тизим, яъни либерал демократияга қараб аста-секинлик билан ҳаракатланиш ғояси ётади. Ушбу назариянинг замонавий тарафдорлари бундай тизимга либераллашув натижасида Ғарб эришган, бошқа мамлакатлар ҳам бунга эришади ва бутун дунё ягона жамиятга айланади, деб таъкидлашади.

**Ягона цивилизация назарияси.** Ягона цивилизация назарияси жаҳон мамлакатларини ягона жамиятга бирлаштирувчи, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириб чегараларни йўқотувчи, тобора кучайиб бораётган кучга эътибор қаратади. Ушбу куч иқтисодиётларни байнал-милаллаш бўлиб, глобаллашувга айланади ва унинг трансмиллашувини ҳамда интеграциялашувини орқали намоён бўлади. Бу модернизациялашув туфайли Ғарбда дастлаб вужудга келган ҳозирги замон индустриал ва постиндустриал жамиятлар учун хос белгилар жаҳоннинг бошқа мамлакатлари учун ҳам хос бўлади.

**Цивилизациялар тўқнашуви назарияси** америкалик профессор С.Хаттингтонга тегишли бўлиб, унга мувофиқ сиёсий ва маданий дунё қиёфаси “совуқ урушдан” кейин янада кўп қутбли бўлади ва қуйидаги саккиз асосий цивилизациялардан ташкил топади: Ғарб, ислом, индуизм, хитой, япон, православ, африка ва латинамерика. Ушбу назарияга кўра охириги вақтларда жаҳон иқтисодиётида Ғарбнинг роли пасайиб, Осиё цивилизацияларининг ўрни эса сезиларли даражада ортиб боради. Цивилизациялар ўртасида, аввало, цивилизациялар ичидаги алоқалар цивилизация маркази ҳисобланган мамлакатларга томон тортилиб, кучайиб боради. Натижада истиқболда дунё ягона цивилизациядан эмас, балки турли цивилизациялар йиғиндисидан иборат бўлади ҳамда улар ўртасида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд бўлади.

#### **1.4. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви**

Глобаллашув жараёни замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим тенденцияларидан ҳисобланади. Чунки ушбу жараён жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган бошқа тенденциялар кучсиз намоён бўлаётган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам кузатилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг аксарият қисми трансмиллийлашиш, интеграциялашиш ва индустриаллашиш жараёнларига кам жалб этилган. ШУ билан бир вақтда ушбу



мамлакатлар жаҳон товарлар, хизматлар, капитал (асосан иқтисодий ёрдам кўринишида), ишчи кучи (экспортерлар сифатида) ва технологиялар бозорининг фаол иштирокчилари саналади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви – бу жаҳон иқтисодиётининг товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ва технологияларнинг ягона бозорига айланиш жараёнидир. Ушбу жараён жаҳон иқтисодиёти шакллана бошлаган даврдан бошланган.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви асосан қуйидаги йўналишлар бўйича ривожланади (1.4.1-расм):

- товарлар, хизматлар, технологиялар, интеллектуал мулк объектлари халқаро савдоси;
- ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати;
- халқаро молиявий операциялар.



1.3.1-расм. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви

Қайд этиб ўтилган уч йўналиш ўртасидаги нисбат охириги йилларда сезиларли даражада ўзгариб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув даражасини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ифодалаш мумкин:

- халқаро товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда унинг ўсиш суръатлари;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ва динамикаси;
- капиталнинг халқаро марказлашув ҳажми ва динамикаси;

– йирик, мураккаб комплекс халқаро инвестиция лойиҳаларининг шу турдаги лойиҳаларнинг умумий миқёсига нисбатан ҳажми ва динамикасининг ўзгариши;

– патентлар, лицензиялар, ноу-хау билан боғлиқ халқаро операциялар миқёси;

– банк ва бошқа кредит муассасалари халқаро операцияларининг ҳажми ҳамда динамикаси;

– халқаро фонд бозорлари ҳажми ва динамикаси;

– валюта бозорлари ҳажми ва динамикаси.

<b>Босқичлари</b>		<b>Хусусиятлари</b>
<b>I</b>	1890– 1920 й.й.	<b>Ҳом ашё манбаларини босиб олиш.</b> Асосий мақсад капитал, тўғридан – тўғри инвестицияларни экспорт қилувчи мамлакатлар назорати остида бўлган ҳудудларда табиий ресурсларни эксплуатация қилишдан иборат
<b>II</b>	1920- 1970 й.й.	<b>Бозорларни эгаллаш.</b> Тўғридан-тўғри инвестицияларни экспорт қилиш капитал экспорт қилувчи саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда жадал иқтисодий ўсиш босқичини тугатиш имконини берувчи товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг бошқа мамлакатларга кўчириб ўтказишга йўналтирилганлиги
<b>III</b>	1970 йилдан ҳозирга қадар	Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар табиий ресурслар ёки бозорларга эга бўлишдан ташқари жадал суръатларда ўсиб бораётган бозорларда глобал рақобат афзалликларини самарали таъминлаш, сақлаб қолиш ва оширишга эришишга ҳаракат қилишади: <ul style="list-style-type: none"> <li>– инвестициялар таркибини такомиллаштириш;</li> <li>– глобал ёки ҳудудий халқаро интеграция афзалликларидан фойдаланиш;</li> <li>– қўшимча технологик, ташкилий ёки бозор имкониятларига эга бўлиш.</li> </ul>

#### 1.4.1-расм. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув босқичлари

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни куйидаги омиллар таъсирида ривожланади (1.4.3-расм):

– иқтисодий – халқаро ишлаб чиқариш ва жаҳон савдосининг глобаллашуви;

– ижтимоий – дунё мамлакатларида одатларнинг бирхиллашиши, миллий анъаналарнинг кучсизланиши;


– сиёсий – давлат чегараларининг “шаффофлиги”, бир кутбли дунёнинг шаклланиши;

– технологик – транспорт ва ахборот узатиш воситаларининг ривожланиши;

– халқаро – халқаро иқтисодий ташкилотлар ролининг кучайиши, халқаро стандартларнинг жорий этилиши.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёни унга тескари жараён – иқтисодий фаолиятнинг худудий интеграциялашув жараёни билан бирга кечмоқда. Ушбу жараён чекланган миқёсда, товарлар ва ишлаб чиқариш омиларининг эркин ҳаракатига асосланган мамлакатлар гуруҳини қамраб олади.

Худудий интеграциялашув, бир томондан, бирли мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашиш жараёнини рағбатлантирса, иккинчи томондан, алоҳида иқтисодий гуруҳлар ўртасида қарама-қаршилик ва рақобатни кучайтириш орқали жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнини секинлаштиради.



1.4.2-расм. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув омиллари

Глобаллашув жараёни иқтисодий фаолиятнинг либераллашувини – халқаро савдо, хорижий инвестициялар, халқаро молия операцияларига қўйиладиган чекловларни қисқартириш ёки бартараф этишни тақозо этади. Шу билан боғлиқ ҳолда глобаллашув ва либераллашув битта жараённинг икки томони ҳисобланади, улар ўртасидаги қарама-қаршилик ушбу жараён ичидаги қарама-қаршиликни акс эттиради. Глобаллашув жараёни ичида турли иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий кучлар, турли хўжалик соҳалари, саноат ва молия гуруҳлари, тармоқлар ва мамлакатларнинг манфаатлари тўқнаш келади.

Глобаллашув жараёни жаҳон иқтисодиёти учун қуйидаги салбий оқибатларни юзага келтириши мумкин:

– глобаллашув миллий ва жаҳон иқтисодий ривожланишининг беқарорлиги ва нотекислигини кучайтиради. Ушбу ҳолат миллий хўжалик мажмуаларининг глобал бозор шароитларида самарали фаолият юрита олмайдиган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш бўғинларига бўлиниши билан боғлиқ;

– глобаллашув давлатнинг макроиқтисодий даражада тартибга солиш ролини сезиларли даражада чеклайди ва давлатнинг ички, ташқи иқтисодий алоқаларга таъсир кўрсатишнинг анъанавий дастакларини ўзгартириб юборади;

– глобаллашув ишлаб чиқариш ва истеъмолда салбий ташқи омилларнинг оммавий тарқалишига олиб келади. ТМҚларнинг глобал жаҳон бозорларига чиқиши ва глобаллашув жараёнидан фойда олишга интилиши борасидаги кучли рақобат уларнинг атроф-муҳитни ифлослантувчи ишлаб чиқариш ёки соғлиқ учун зарарли трансген маҳсулотларни яратиш каби жамият учун зарарли фаолият билан шуғулланишларига олиб келади.

Демак, глобаллашув – бу объектив, мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, унинг асосини жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув, трансмиллийлашув ва байнанмилаллашув жараёнлари ташкил этади.

### **Асосий тушунчалар**

**Жаҳон иқтисодиёти** – халқаро иқтисодий муносабатлар тизими орқали ўзаро алоқада бўлган миллий иқтисодиётлар йиғиниси.

**Жаҳон хўжалиги** – бир-бири билан ҳаракатчан ишлаб чиқариш омиллари орқали боғлиқ миллий иқтисодиётлар йиғиндиси.

**Жаҳон бозори** – халқаро меҳнат тақсимоти ва бошқа ишлаб чиқаришга асосланган барқарор товар-пул муносабатлари соҳаси.

**Экспорт** – товарларни хорижга олиб чиқиб кетишни кўзда тутувчи товарлар савдоси.

**Импорт** – товарларни хориждан олиб киришни кўзда тутувчи товарлар савдоси.

**Халқаро иқтисодиёт** – турли мамлакатларга тегишли хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар билан боғлиқ қонуниятларни ўрганувчи бозор иқтисодиёти назарияси.

**Халқаро иқтисодий муносабатлар** – резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги хўжалик муносабатлари.

**Глобаллашув** – жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашув, трансмиллийлашув ва байнанмилаллашув жараёнлари.

**Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви** – жаҳон иқтисодиётининг товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ва технологияларнинг ягона бозорига айланиш жараёни.

### **Назорат саволлари**

1. Жаҳон иқтисодиётининг тор ва кенг маъноларидаги тавсифи нима билан фарқ қилади?
2. Жаҳон иқтисодиёти тизим сифатида нимани ифода этади?
3. Жаҳон иқтисодиётининг субъектларига нималар киради?
4. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг қандай шакллари мавжуд?
5. Жаҳон иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичи қандай хусусиятларга эга?
6. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражаси қайси кўрсаткичлар орқали аниқланади?
7. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги қайси илмий концепциялар мавжуд?
8. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви нима ва унинг қандай белгилари мавжуд?
9. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви қандай босқичларга бўлинади?

## **II БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАРКАЗЛАРИ. ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖИҲАТДАН ГУРУҲЛАНИШИ**

### **2.1. Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш жиҳатдан гурӯҳланиш асослари**

Жаҳонда 193 та мустақил давлат, 61 та қарам ҳудуд ва 6 та низоли ҳудуд мавжуд. Халқаро статистикада “давлат” тушунчаси эмас, балки “мамлакат” тушунчаси қўлланилади. Чунки мамлакат албатта сиёсий мустақилликка эга бўлиши мажбурий эмас. Сиёсий-географик маънода мамлакат – бу муайян чегараларга эга, давлат суверенитетидан фойдаланувчи ҳудуддир. Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларни миқдорий жиҳатдан акс эттирувчи халқаро статистика нуқтаи назаридан эса “мамлакат” тушунчаси иқтисодий маънода қўлланилиши ва “иқтисодиёт” тушунчаси билан мос келади. Ушбу тушунча давлатнинг муайян ҳудудини, масалан, Хитой таркибига кирувчи Тайвань ва Гонконгни алоҳида иқтисодий ҳудуд сифатида ифода этиши мумкин.

Тайвань Хитойнинг бошқа субъектлари сингари унинг маъмурий округи ҳисобланади. Гонконг Сянган ҳудудининг инглизча номи бўлиб, Буюк Британия томонидан 1898 йилда Хитойдан ижрага олинган. 1984 йил сентябрь ойидаги Хитой-инглиз декларациясидан сўнг 1997 йилнинг июль ойида Гонконг устидан Хитой суверенитети ўрнатилди. Ҳозирги кунда Гонконг Хитой ҳудудларидан бири ҳисобланади ва ярим автоном субъект саналади. Гонконг халқаро келишувга мувофиқ Хитой Халқ Республикасидан алоҳида ўз мустақил ҳукуматига эга. Тайвань ва Гонконг Хитойнинг сиёсий-маъмурий ҳудудлари ҳисобланишига қарамасдан халқаро статистикада улар алоҳида мамлакатлар сифатида ҳисобга олинади.

Дунё мамлакатлари, бир томондан, бири-биридан иқтисодиётининг ҳажми, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, институционал ва маданий хусусиятлари билан фарқ қилса, иккинчи томондан, улар муайян ўхшашликларга ҳам эга. Ушбу ҳолат дунё мамлакатларини таҳлилий ва статистик мақсадларда гуруҳларга ажратиш, жаҳон иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш тенденцияларини ўрганиш мақсадида муайян мезонлар бўйича таснифлаш имконини беради.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси комплекс ва умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади ва куйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ/ЯММ;
- иқтисодиётнинг тармоқ таркиби;
- аҳоли жон бошига маҳсулотларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш (алоҳида тармоқларнинг ривожланиш даражаси);

- аҳоли турмуш даражаси ва сифати;
- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи.

Иқтисодий адабиётда, оммавий ахборот воситаларида мамлакатларни гуруҳлашнинг “стандарт таснифи” номини олган ёндашув кенг тарқалган. Яқин вақтларга қадар ушбу ёндашув Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан “Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари” (World Economic Outlook) деб номланувчи йиллик ҳисоботларида қўлланилган.

Стандарт классификацияда мамлакатлар уч гуруҳга ажратилади: ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари. Улар жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этади ва жаҳон аҳолиси, яъни ички маҳсулоти ва жаҳон савдосидаги улушини тавсифлайди.

Стандарт таснифи бирон-бир қатъий миқдорий мезонга эга эмас. У мамлакат иқтисодиётининг таркибий жиҳатлари, хўжалик фаолиятининг ташкилий тамойиллари, институционал ва маданий хусусиятлари ҳамда жорий иқтисодий муаммоларини ҳисобга олади.

Ушбу таснифи ривожланган мамлакатларга 29 та хусусий мулкчиликка ва ривожланган индустриал секторга асосланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар киради. Жумладан, 2002 йилда ривожланган мамлакатларда дунё аҳолисининг 15,4% и, яъни “олтин миллиард” деб аталувчи 1 млрд. киши яшаган ва улар ҳиссасига жаҳон ялпи маҳсулотининг 55,7% и ҳамда жаҳон товарлар ва хизматлар экспортининг 74,8% и тўғри келган (2.1.1-диаграмма).

2.1.1-диаграмма

**Жаҳон иқтисодиётининг таркиби, 2002 й.**  
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>



<sup>1</sup> World Economic Outlook: September 2003. IMF, 2003. P. 164.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари 28 та давлатни ўз ичига олади. Ушбу мамлакатлар ривожланган индустриал базага эга ва режали маъмурий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳолда чуқур иқтисодий инкирозни бошидан кечираётган мамлакатлардир. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари қуйидаги икки гуруҳга ажратилади:

- Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари (15);
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ва Монғолия (13).

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи энг кўпсонли ҳисобланади ва ушбу гуруҳга 125 та мамлакат киради. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларни иқтисодиёти қишлоқ хўжалик ва қазиб чиқариш саноатига асосланганлиги бирлаштиради. Ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноати суғ ривожланган ва оғир машинасозликка асосланган мустақил индустриал база аксарият мамлакатларда мавжуд эмас. Ушбу мамлакатларда фонд билан қуроолланганлик даражасининг пастлиги оқибатида меҳнат унумдорлиги ҳам пастлигича қолмоқда. Бу борада шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида Хитой, Камбоджа, Вьетнам ва қатор Африка давлатлари ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари сингари бозор ислохотларини амалга оширишмоқда. Аммо улар ҳозиргача ўз мустақил индустриал базасини шакллантирганларича йўқ. Аксарият ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти чуқур диверсификациялашмаган ва тор соҳага ихтисослашган. Ушбу ихтисослашув бирон-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва уни экспорт қилишга боғлиқ.

## 2.2. Халқаро молия институтлари томонидан гуруҳланиши

Халқаро валюта фонди (ХВФ) методикаси. ХВФ 2004 йилдан бошлаб дунё мамлакатларини таснифлашдаги ёндашувига ўзгартириш киритди. Эндиликда дунё мамлакатлари икки гуруҳга – “Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар” (advanced economics) ва “Бошқа бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар”га (other emerging market and developing countries) бўлинади. Ушбу тасниф бирон-бир қатъий иқтисодий мезонларни талаб этмайди ва ХВФ ёрдамида тарихий шаклланган ёндашувлар асосида таҳлилларни энгиллаштиришни кўзда тутди.

ХВФ таснифига фақат ташкилотга аъзо мамлакатларнигина киритади. Мисол учун Куба ва Корея Халқ Демократик Республикаси ушбу таснифга киритилмайди ва ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ХВФ томонидан мониторинг қилинмайди. Сан-Марино бўйича маълумотлар базаси тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги боис ушбу мамлакат ривожланган мамлакатлар гуруҳига киритилмайди. Худди шу сабабларга кўра Маршалл Ороллари, Микронезия Федератив Штатлари, Палау, Сомали ва Тувалу бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига киритилмайди.



ХВФ таснифига мувофиқ 2010 йилда ривожланган мамлакатлар гуруҳига 34 та мамлакат киритилган. Ушбу мамлакатларда дунё аҳолисининг 15,0% и яшайди, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 52,1% и ишлаб чиқарилади, жаҳон товарлар ва хизматлар экспортининг 63,6% и улар ҳиссасига тўғри келади. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия ва Канада “Қатта еттилик” – асосий ривожланган мамлакатлар гуруҳини ташкил этишади ва ушбу гуруҳ ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 39,3% и, жаҳон товарлар ва хизматлар экспортининг 34,9% и тўғри келади (2.2.1-жадвал).

### 2.2.1-жадвал

Ривожланган мамлакатларнинг дунё ялпи ички маҳсулоти, товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда аҳоли сонидаги улushi, 2010 йил (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>2</sup>

	Мамлакатлар сони	ЯИМ		Товарлар ва хизматлар экспорти		Аҳоли	
		Ривожланган мамлакатлар	Дунё	Ривожланган мамлакатлар	Дунё	Ривожланган мамлакатлар	Дунё
Ривожланган мамлакатлар	34	100,0	52,1	100,0	63,6	100,0	15,0
АҚШ		37,5	19,5	15,4	9,8	30,4	4,6
Евро зонаси	17	28,0	14,6	40,9	26,1	32,1	4,8
Германия		7,6	4,0	12,6	8,0	8,0	1,2
Франция		5,5	2,9	5,5	3,5	6,2	0,9
Италия		4,6	2,4	4,6	2,9	5,9	0,9
Испания		3,5	1,8	3,1	2,0	4,5	0,7
Япония		11,1	5,8	7,3	4,6	12,5	1,9
Буюк Британия		5,6	2,9	5,6	3,5	6,1	0,9
Канада		3,4	1,8	3,9	2,5	3,3	0,5
Бошқа ривожланган мамлакатлар	13	14,3	7,5	26,8	17,1	15,5	2,3
“Қатта еттилик”	7	75,4	39,3	54,9	34,9	72,4	10,9
Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари	4	7,5	3,9	15,4	9,8	8,3	1,2

Шунингдек, ривожланган мамлакатлар гуруҳи ичида Евро зонаси ва Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари ҳамда бошқа ривожланган мамлакатлар гуруҳлари ҳам ажратилади. 2010 йилдан бошлаб ушбу гуруҳга Эстония қўшилган (2.2.2-жадвал).

<sup>2</sup> World Economic Outlook: Slowing Growth, Rising Risks. September 2011. IMF, 2011. P. 167.

Ривожланган мамлакатларнинг гуруҳланиши<sup>3</sup>

Асосий валюта-лар зонаси	Евро зонаси		Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари	“Қатта еттилик” мамлакатлари	Бошқа ривожланган мамлакатлар	
	АҚШ	Австрия	Люксембург	Гонконг	Германия	Австралия
Евро зонаси	Бельгия	Мальта	Корея	Италия	Гонконг	Тайвань
Япония	Германия	Нидерландия	Сингапур	Канада	Дания	Чехия
	Греция	Португалия	Тайвань	Буюк Британия	Исроил	Швеция
	Ирландия	Словакия		АҚШ	Исландия	Швейцария
	Испания	Словения		Франция	Янги Зеландия	Корея Республикаси
	Италия	Финландия		Япония	Норвегия	
	Кипр	Франция				
	Эстония					

“Бошқа бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар”га ривожланган мамлакатлардан ташқари барча мамлакатлар қиради. Бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатлар географик жиҳатдан Марказий ва Шарқий Европа, МДХ, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, мамлакатлари ва Африканинг Саҳрои Кабир жанубдаги мамлакатларга бўлинади. Ушбу гуруҳ ҳиссасига дунё аҳолисининг 85,0% и, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 47,9%, жаҳон товарлар ва хизматлар экспортининг 36,3% и тўғри келади (2.2.3-жадвал).

<sup>3</sup> Ушга манба. Р. 168.

**Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларнинг дунё ялпи ички маҳсулоти, товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда аҳоли сонига даги улуши, 2010 йил (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>4</sup>**

	Мамлакатлар сони	ЯИМ		Товарлар ва хизматлар экспорти		Аҳоли	
		Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар	Дунё	Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар	Дунё	Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар	Дунё
Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар	150	100,0	47,9	100,0	36,4	100,0	85,0
Марказий ва Шарқий Европа	14	7,2	3,5	9,4	3,4	3,0	2,6
МДҲ	13	8,9	4,3	10,1	3,6	4,8	4,1
Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари	27	50,3	24,1	43,6	15,9	61,5	52,2
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси	32	18,0	8,6	14,7	5,3	9,8	8,3
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	20	10,5	5,0	16,8	6,2	7,1	6,0
Африканинг Саҳрои Кабир жанубдаги мамлакатлар	42	5,1	2,4	5,4	2,0	13,8	11,7

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар таҳлилий мезонлар бўйича ҳам гуруҳларга ажратилади. Таҳлилий мезонлар – мамлакатнинг экспорт даромадлари таркиби ва бошқа ташқи даромадларни ифода этади. Мамлакатлар ўртасидаги фарқ соф кредитор ва соф дебитор мамлакатлар сифатида ҳам таҳлил этилади. Бундан ташқари соф дебитор мамлакатлар ташқи молиялаштириш манбаи ва қарзларга хизмат кўрсатиш ҳолати каби молиявий мезонлар билан ҳам ўрганилади (2.2.4-жадвал).

<sup>4</sup> Ўша манба. Р. 167.

**Таҳлилий гуруҳларнинг дунё ялпи ички маҳсулоти, товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда аҳоли сонига доир улushi, 2010 йил (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>5</sup>**

	Мамлакатлар сони	ЯИМ		Товарлар ва хизматлар экспорти			Аҳоли	
		Ривожланган мамлакатлар	Дунё	Ривожланган мамлакатлар	Дунё	Ривожланган мамлакатлар	Дунё	
<b>Экспорт даромадларининг манбалари бўйича</b>								
Ёқилғи	27	18,0	8,6	26,6	9,7	11,6	9,8	
Товарлар (ёқилғидан ташқари)	123	82,0	39,3	73,4	26,7	88,4	75,2	
Шу жумладан бирламчи маҳсулотлар	20	2,3	1,1	2,6	1,0	4,8	4,1	
<b>Ташқи молиялаштириш манбалари бўйича</b>								
Соф дебитор мамлакатлар	121	50,5	24,2	43,1	15,7	61,8	52,5	
Шу жумладан расмий молиялаштириш	28	2,5	1,2	1,8	0,6	9,7	8,2	
<b>Қарзга хизмат кўрсатиш ҳолати бўйича соф дебитор мамлакатлар</b>								
Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга мамлакатлар ёки қарзлари 2004 йилдан 2008 йилгача қайта расмийлаштирилган мамлакатлар	44	4,9	2,4	4,4	1,6	9,6	8,2	
Бошқа соф дебитор мамлакатлар	77	45,5	21,8	38,7	14,1	52,1	44,3	
<b>Бошқа гуруҳлар</b>								
Юқори қарздорликка эга камбағал мамлакатлар	39	2,4	1,2	1,9	0,7	10,7	9,1	

Экспорт даромадларининг манбалари бўйича мезони “Ёқилғи” (Халқаро стандарт савдо таснифи (ХССТ 3) ва “Товарлар” (ёқилғидан ташқари) категорияларига бўлинади. “Товарлар” (ёқилғидан ташқари) категориясида “Бирламчи маҳсулотлар” (ёқилғидан ташқари) гуруҳи ҳам ажратилади (ХССТ 0,1,2,4 ва 68). Ушбу гуруҳга экспорт даромадларининг асосий манбаи ҳисобланган товарлар 2004–2008 йилларда жами экспортининг 50% идан ошган мамлакатлар киради (2.2.5-жадвал).

<sup>5</sup> Ўша манба. Р. 167.

**Бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар экспорт даромадларининг асосий манбалари бўйича гуруҳланиши<sup>6</sup>**

Мамлакатлар гуруҳи	Ёқилғи	Бирламчи маҳсулотлар (ёқилғидан ташқари)
МДҲ	Озарбайжон, Қозоғистон, Россия, Туркменистон	Монголия, Ўзбекистон
Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари	Бруней-Даруссалам, Тимор-Леште	Папуа-Янги Гвинея, Соломон Ороллари
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси	Венесуэла, Тринидад ва Тобаго, Эквадор	Гайана, Перу, Суринам, Чили
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	Жазоир, Бахрайн, Ироқ, Эрон, Яман, Қатар, Кувайт, Ливия, БАА, Оман, Саудия Арабистони, Судан	Мавритания
Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубдаги мамлакатлар	Ангола, Габон, Нигерия, Конго Республикаси, Чад, Экваториал Гвинея	Буркина-Фасо, Бурунди, Гвинея, Гвинея-Бисау, Замбия, Зимбабве, Конго Демократик Республикаси, Малави, Мали, Мозамбик, Сьерра-Леоне

Ушбу таснифда молиявий мезонлар бўйича соф кредитор, соф дебитор ва юқори даражада қарздорликка эга камбағал мамлакатлар ажратилади (илова №1). Соф дебитор мамлакатларга 1972 йилдан 2008 йилгача жорий операциялар бўйича салбий қолдиққа эга мамлакатлар киради. Соф дебитор мамлакатлар “расмий ташқи молиялаштириш” ва “қарзларга хизмат кўрсатиш ҳолати” мезонлари бўйича гуруҳларга ажратилади. Ташқи молиялаштириш категориясига 2004–2008 йилларда умумий қарзларининг 65% ва ундан ортиқ қисми расмий кредиторлар томонидан молиялаштирилаётган мамлакатлар киради. 2004–2008 йилларда 43 та мамлакат ташқи мажбуриятлар бўйича муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган ёки қарзларни расмий кредиторлар ёки тижорат банклари билан қайта расмийлаштирган. Ушбу мамлакатлар муддати ўтиб кетган қарздорликка эга ёки қарзлари 2004 йилдан 2008 йилгача қайта расмийлаштирилган мамлакатлар гуруҳига киради.

ХВФ ва Жаҳон банки баҳоларига кўра юқори даражада қарздорликка эга камбағал мамлакатлар гуруҳига ташқи қарз ҳажмини қисқа муддат ичида “иқтисодий мақбул” даражага етказиш мажбуриятини олган мамлакатлар киради. Кўпчилик мамлакатлар қарз юқини енгиллаштириш имкониятидан фойдаланишди ва ушбу қарздорлар рўйхатидан чиқиб кетишди.

<sup>6</sup> Уша манба. Р. 169.

**Жаҳон банки методикаси.** Жаҳон банки операцион ва таҳлилий мақсадлар учун дунё мамлакатларини иқтисодий ривожланиш даражасига кўра турли гуруҳларга ажратади. Ушбу тасниф асосида аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад кўрсаткичи ётади ва мамлакатлар қуйидаги уч гуруҳга ажратилади:

- паст даромадли мамлакатлар (low-income countries);
- ўрта даромадли мамлакатлар (middle-income countries);
- юқори даромадли мамлакатлар (high-income countries).

Бундан ташқари, ўрта даромадли мамлакатлар гуруҳида яна ўрта қуйи (lower-middle-income countries) ва ўрта юқори даромадли (upper-middle-income countries) мамлакатлар гуруҳлари ажратилади.

Жаҳон банки таснифида асосий таҳлилий категорияларга паст, ўрта ва юқори даромадлар тааллуқлидир. Улар Жаҳон банкининг кредит операциялари учун мезон сифатида қўлланилади. Ушбу операцион мезонлар бундан 30 йил олдин камбағал мамлакатларга нисбатан манфаатли кредитлаш шартларини белгилаш учун ишлаб чиқилган. Бунда асосий мезон – аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромад ҳажми хизмат қилади. Чунки ушбу кўрсаткич мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини бошқа кўрсаткичларга нисбатан яхшироқ тавсифлайди. Шу билан бирга ушбу кўрсаткичнинг минимал даражасини белгилашда аҳоли турмуш фаровонлигининг камбағаллик даражаси, болалар ўлими каби кўрсаткичлари билан Атлас усулига кўра ҳисобланган иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро барқарор боғлиқлик ҳам эътиборга олинади. Жаҳон банки қайд этиб ўтилган ўзаро боғлиқликни ва банк ресурсларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромаднинг чегара кўрсаткичларини белгилайди. Ҳар йили ушбу кўрсаткичлар халқаро инфляциянинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади, аммо чегаравий кўрсаткичларнинг реал аҳамияти ўзгармасдан қолади. Таҳлиллар кўрсатишича, 2004–2009 йилларда паст даромадли мамлакатлар гуруҳига кирувчи мамлакатлар сони 59 тадан 40 тагача қисқаргани ҳолда ўрта даромадли мамлакатлар сони 95 тадан 104 тагача, юқори даромадли мамлакатлар сони эса 56 тадан 70 тагача ошган (2.2.6-жадвал).

Жаҳон банки таснифи 214 мамлакатни қамраб олади. Уларнинг 186 таси Жаҳон банкига аъзо мамлакатлар ва бошқалари 30 мингдан ортиқ аҳолига эга мамлакатлардир. Даромадлар даражасига кўра гуруҳлаш мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра ўхшаш жиҳатларини тақозо этмайди. Паст ва ўрта даромадли мамлакатлар баъзан ривожланаётган мамлакатлар сифатида, юқори даромадли мамлакатлар эса ривожланган мамлакатлар сифатида қаралади. Жаҳон банки таснифида юқори даромадли мамлакатлар гуруҳида нефть экспорт қилувчи – Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Бруней, Қувейт каби ХВФ таснифи бўйича ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига кирувчи мамлакатлар ҳам учрайди.

**Дунё мамлакатларининг ақоли жон бошига тўғри келувчи даромад  
улуши бўйича гуруҳланиши<sup>7</sup>**

Гуруҳлар		2004 й.		2009 й.	
		Аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад, долл.	Гуруҳдаги мамлакатлар сони	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад, долл.	Гуруҳдаги мамлакатлар сони
Паст даромадли мамлакатлар		825 гача	59	995 гача	40
Ўрта даромадли мамлакатлар	Ўрта куйи даромадли мамлакатлар	826 - 3 255	55	996 - 3 945	56
	Ўрта юқори даромадли мамлакатлар	3 256 - 10 065	40	3 946 - 12 495	48
Юқори даромадли мамлакатлар		10 066 дан юқори	56	12 496 дан юқори	70

Жаҳон банки мамлакатларни ташқи қарз ҳолати бўйича ҳам гуруҳларга ажратади: ташқи қарзи юқори камбағал мамлакатлар; ташқи қарзи нормал даражадаги мамлакатлар; ташқи қарзи катта бўлмаган мамлакатлар; ташқи қарзи бўйича гуруҳланмаган мамлакатлар.

Ташқи қарз даражасини аниқлаш учун Жаҳон банки ҳисобот тизими бўйича мунгазам макроиқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларни бериб борувчи мамлакатларга нисбатан турли усуллар қўлланилади. Ушбу тизимга мувофиқ ташқи қарзи юқори мамлакатларга ташқи қарзга хизмат кўрсатишнинг жорий қиймати ялпи миллий даромаднинг 89% и ёки экспортнинг 220% идан ошадиган мамлакатлар киради. Ташқи қарзи нормал даражадаги мамлакатларга эса ушбу кўрсаткич 60% дан ошмайдиган, аммо критик даражага етмаган мамлакатлар киритилади.

Жаҳон банкига ҳисобот бермайдиган мамлакатларга нисбатан куйидаги чегаравий мезонлар белгиланган:

- ташқи қарзнинг ялпи миллий даромадга нисбати – 50%;
- ташқи қарзнинг экспортга нисбати – 275%;
- ташқи қарзга хизмат кўрсатишнинг экспортга нисбати – 30%;
- қарз бўйича фойзнинг экспортга нисбати – 20%.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ҳам бошқа халқаро ташкилотлар сингари ривожланаётган мамлакатларни географик мезон бўйича

<sup>7</sup> World Development Report 2006. World Bank. P. 291.; World Development Report 2011. World Bank. P. 303.

гурухлаштиради ва ушбу гурухга паст, ўртадан куйи ва ўртадан юқори даромадли мамлакатлар киради<sup>8</sup>:

- Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳудуди мамлакатлари – 24;
- Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари – 22;
- Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари – 30;
- Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари – 13;
- Жанубий Африка мамлакатлари – 8;
- Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатлари –

47.

Юқори даромадли мамлакатлар эса ИХТТга аъзо (30 та мамлакат) ва ИХТТга аъзо бўлмаган (40 та мамлакат) мамлакатларга бўлинади.

### **2.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) ёидашуви**

БМТга 191 та мамлакат аъзо. БМТ ўз ҳужжатлари ва нашрларида Жаҳон банки ҳамда бошқа турли мезонларга асосланадиган таснифлардан кенг фойдаланади .

БМТ дунё мамлакатларини уч гурухга – ривожланган (more developed regions), ривожланаётган (less developed regions) ва қоқоқ (least developed countries) мамлакатларга ажратади. Биринчи гурухга Европанинг барча мамлакатлари, Шимолий Америка, Австралия, Янги Зеландия ва Япония киради, иккинчи гурухга Африка, Осиёнинг (Япониядан ташқари) барча мамлакатлари, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси ҳудуди мамлакатлари ҳамда Меланезия, Микронезия ва Полинезия киради. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ривожланаётган мамлакатлар гурухи ичида қоқоқ мамлакатлар гурухи алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Дунё мамлакатларининг инсон тараққиёти даражаси бўйича гурухланиши. БМТ Тараққиёт Дастури ҳар йили Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза нашр этади ва унда дунё мамлакатлари ЮНЕСКОнинг Статистика институти томонидан махсус ишлаб чиқилган Инсон тараққиёти индекси асосида гурухларга ажратилади. Ушбу таснифга мувофиқ мамлакатлар инсон салоҳиятининг ривожланиш даражасига кўра юқори, ўрта ва паст кўрсаткичга эга мамлакатларга бўлинган. 2009 йилдан бошлаб эса мамлакатлар инсон салоҳиятининг ривожланиш даражасига кўра жуда юқори (42 та мамлакат), юқори (43 та мамлакат), ўрта (42 та мамлакат) ва паст (42 та мамлакат) кўрсаткичга эга мамлакатларга бўлинади<sup>9</sup>.

БМТнинг Инсон тараққиёти тўғрисидаги маърузасида мамлакатлар асосий агрегат кўрсаткичлар ва географик жойлашуви бўйича куйидаги уч гурухга ажратилади<sup>10</sup>:

<sup>8</sup> World Development Report 2011. World Bank. P. 305.

<sup>9</sup> Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2010. С. 143–146.

<sup>10</sup> Ўша манба, С. 227–228.



– ривожланган мамлакатлар, шу жумладан Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар (ИХТТ) (28) ва ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатлар (16);

– ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Араб давлатлари (16), Шарқий Осиё ва Тинч Океани худуди мамлакатлари (24), Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари (23), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси (32), Жанубий Осиё мамлакатлари (8), Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатлар (45);

– қолоқ мамлакатлар (23).

ИХТТ 1961 йилда АҚШ ва Канададан Маршалл режаси (1947) доирасида Европа иқтисодий тиклаш учун ажратиётган бошқариш ва тиклаш дастурларини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган Европа иқтисодий кооперацияси ташкилоти асосида шакллантирилган. Ҳозирги вақтда ИХТТга аъзо мамлакатларда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни муҳокама этиш ва ривожлантириш ички ва ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш форуми ҳисобланади. Натижада аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ва бажарилиши ихтиёрий бўлган “юмшоқ қонунлар” юзага келади.

**Қолоқ мамлакатлар.** БМТ 1971 йилдан бошлаб расмий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар гуруҳини ажратади. Ушбу гуруҳга дастлаб 24 та мамлакат кирган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 49 тани ташкил этади ва мамлакатлар рўйхати ҳар уч йилда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши ЭКОСОС томонидан қайта кўриб чиқилади <sup>11</sup>. Қолоқ мамлакатларни аниқлашда қуйидаги учта мезондан фойдаланилади:

– даромадларнинг паст даражаси – аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг уч йилдаги ўргача даражаси сифатида баҳоланади (750 долларгача рўйхатга киритиш учун, 900 доллардан юқори рўйхатдан чиқариш учун);

– инсон ресурсларининг ҳолати – овқатланиш, соғлиқ, таълим ва катта ёшдаги аҳолининг саводхонлигини ҳисобга олувчи инсон активлари индекси (composite human index – HAI) асосида аниқланади;

– иқтисодий боғлиқлик – (composite economic vulnerability index – EVI) асосида ҳисобланади ва қуйидаги кўрсаткичлардан ташкил топади:

- кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг беқарорлиги;
- товарлар ва хизматлар экспортининг беқарорлиги;
- ноанъанавий фаолият турларининг иқтисодий аҳамияти (ялпи ички маҳсулотда қайта ишлаш ва замонавий хизматлар улуши);
- товарлар экспортининг концентрациялашуви;
- табиий офатлар натижасида кўчирилган иқтисодий базанинг торлиги ва аҳоли улушининг салбий таъсири.

<sup>11</sup> UNCTAD HANDBOOK OF STATISTICS 2010, P.15.

Қолоқ мамлакатлар гуруҳи рўйхатига киритилган мамлакатлар юқори камбағаллик даражасига, иқтисодий ривожланишда катта тўсиқларга эга эканлиги, камбағаллик ва иқтисодий ривожланиш муаммосини ҳал этишда жаҳон ҳамжамиятининг ёрдамига муҳтожлиги билан ажралиб туради. БМТ мунтазам равишда қолоқ мамлакатларнинг муаммоларини муҳокама учун олиб чиқади ва уларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш зарурлигини таъкидлаб боради. Қолоқ мамлакат мақоми ушбу мамлакатлар гуруҳига муайян афзалликлар беради:

– икки томонлама, худудий ва кўп томонлама келишувлар ҳамда халқаро молия институтларидан ривожланиш учун имтиёзли молиявий маблағлар олиш имконияти;

– ЖСТнинг муайян келишувларига мувофиқ махсус концессиялар шаклида халқаро савдо тизимида имтиёزلарга эга бўлиш ва баъзи савдо ҳамкорлар бўйича бозорларга имтиёзли кириш ҳуқуқи;

– БМТнинг мақсадли дастурлари ҳамда икки ва кўп томонлама ҳамкорликдаги ривожланиш дастурлари бўйича техник кўмак олиш имконияти.

Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар. Ҳозирги вақтда жаҳон иқтисодийётида 31 та ривожланаётган мамлакат денгизга чиқиш йўлига эга эмас.

### 2.3.1-жадвал

#### Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар

Озарбайжон	Бутан	Македония	Парагвай	Чад
Афғонистон	Замбия	Малави	Руанда	Эфиопия
Арманистон	Зимбабве	Мали	Свазиленд	Туркменистон
Боливия	Қозоғистон	Молдавия	Тожикистон	
Ботсвана	Қирғизистон	Монголия	Ўзбекистон	
Буркина-Фасо	Лаос	Непал	Уганда	
Бурунди	Лесото	Нигер	Марказий Африка Республикаси	

БМТнинг Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ ушбу мамлакатлар денгиз қирғоғига эга бўлмаган мамлакатлар саналади. Уларнинг 15 таси Африкада, 12 таси Осиёда, 2 таси Лотин Америкасида, 2 таси Европада жойлашган ва 16 таси кам тараққий этган мамлакатлар гуруҳига киради. Осиёдаги 4 та мамлакат энг яқин денгиз портидан 3,5 минг км. узоқликда жойлашган. Ушбу мамлакатларнинг 7 тасидан денгиз портларигача 1,5 минг км., 11 тасида эса 1 минг км. масофа мавжуд.

Ушбу омил қайд этиб ўтилган мамлакатларнинг товар таркибида ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг экспортида оғир ва арзон товарлар устуворлик қилади. Транспорт ва сўғурта харажатлари ушбу мамлакатлар

иқтисодиётга оғир юк бўлиб тушади ҳамда экспортга йўналтирилган иқтисодий ўсишни таъминлашда жиддий тўсиқ бўлмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2002 йилда жаҳон хўжалигида транспорт ва суғурта харажатлари ўртача экспортга чиқарилаётган товар қийматининг 3,3% ини ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда 8,6% га тенг бўлган<sup>12</sup>.

Ушбу мамлакатлар иқтисодиётга импорт қийматининг юқорилиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунга қарамасдан мамлакатларнинг транзит муаммоларини ҳал этиш учун миллий транспорт ва самарали транзит тизимини ривожлантириш, ҳудудий савдо ва иқтисодий интеграцияни кенгайтириш, узок масофа туфайли транспорт харажатлари ошиб кетмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган тармоқларни ривожлантириш зарур.

**БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) таснифи.** ЮНКТАД дунё мамлакатларини БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти мезонларига мувофиқ ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари гуруҳларига бўлади.

Ривожланган мамлакатлар географик жойлашувига кўра Америка (5), Осиё (2), Европа (36) ва Океания (2) ҳудудларига ажратилади.

Ривожланаётган мамлакатлар эса Африка (56), Америка (41), Осиё (40) ва Океания (21) ҳудудларига бўлинади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари гуруҳига Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари киритилади.

ЮНКТАД ривожланаётган мамлакатларни қуйидаги мезонлар бўйича гуруҳлайди:

*экспортнинг исчислашуви:*

- нефть экспорт қилувчи мамлакатлар – 22 та мамлакат;
- саноат маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар – 12 та мамлакат;
- ривожланаётган мамлакатлар – 10 та мамлакат;
- янги индустриал мамлакатлар – 8 та мамлакат.

Иқтисодий ривожланиш даражаси (аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш)<sup>13</sup>:

- юқори – 4500 доллардан юқори (41 та мамлакат);
- ўрта – 1000 доллардан 4500 долларгача (52 та мамлакат);
- паст – 1000 долларгача (63 та мамлакат).

<sup>12</sup> Гурова И.П. Мировая экономика. Учебник. –М.: Омега-Л., 2007. С. 116.

<sup>13</sup> UNCTAD HANDBOOK OF STATISTICS 2010. P.16.

## Асосий тушунчалар

**Мамлакат** – муайян чегараларга эга, давлат суверенитетидан фойдаланувчи худуд.

**Стандарт тасниф** – бирон-бир қатъий миқдорий мезонга эга бўлмаган, мамлакат иқтисодиётининг таркибий жиҳатлари, хўжалик фаолиятининг ташкилий тамойиллари, институционал ва маданий хусусиятлари ҳамда жорий иқтисодий муаммоларини ҳисобга олувчи тасниф.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ) методикаси** – ушбу тасниф бирон-бир қатъий иқтисодий мезонларни талаб этмайди ва ХВФ ёрдамида тарихий шаклланган ёндашувлар асосида таҳлилларни энгилаштиришни кўзда тутди.

**Таҳлилий мезонлар** – мамлакатнинг экспорт даромадлари таркиби ва бошқа ташқи даромадларни ифода этувчи мезонлар.

**Юқори даражада қарздорликка эга камбағал мамлакатлар** – ушбу гуруҳга ташқи қарз ҳажмини қисқа муддат ичида “иқтисодий мақбул” даражага етказиш мажбуриятини олган мамлакатлар киради.

**Жаҳон банки методикаси** -- дунё мамлакатлари операцион ва таҳлилий мақсадлар учун иқтисодий ривожланиш даражасига кўра турли гуруҳларга ажратилади ва ушбу тасниф асосида аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад кўрсаткичи ётади.

## Назорат саволлари:

1. Нима учун жаҳон иқтисодиётида “давлат” тушунчаси эмас, “мамлакат” тушунчасидан фойдаланилади?
2. Дунё мамлакатлари қайси мезонлар бўйича гуруҳларга ажратилади?
3. Стандарт таснифга мувофиқ мамлакатлар нечта гуруҳга ажратилади?
4. ХВФ методикасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Жаҳон банки методикасининг асосий мезонлари нималардан иборат?
6. БМТ ёндашуви учун қандай хусусиятлар хос?
7. Дунё мамлакатлари инсон тараққиёти даражаси бўйича қайси мезонлар асосида гуруҳланади?
8. Қолоқ мамлакатлар гуруҳи учун қандай хусусиятлар хос?
9. Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган ривожланаётган мамлакатларга қайси мамлакатлар киради?
10. БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД) таснифи қандай мезонларга асосланади?

### **III БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНИНГ ЦИКЛИК РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **3.1. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш муаммоси**

Инсоният ўз тарихи мобайнида фаровон турмуш тарзини таъминлаш билан боғлиқ асосий вазифа – ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифасини ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Ер шари аҳолиси сонининг ортиб, эҳтиёжларнинг ўсиб бориши ва ресурсларнинг чекланганлиги ушбу муаммони янада мураккаблаштирмоқда.

Ҳар қандай миллий иқтисодиёт циклик ривожланади ва циклнинг барча фазаларини босиб ўтади. Жаҳон иқтисодиёти ҳам динамик ривожланаётган тизим сифатида циклик тебранишларга эга.

Миллий иқтисодиётларнинг циклик ривожланиши таҳлили жаҳон иқтисодиётининг умумий ривожланиш тенденциясини кўрсатди. Биринчидан, жаҳон иқтисодиёти ва унинг алоҳида соҳалари циклик тебранишларга эга, иккинчидан, жаҳон иқтисодиётидаги циклик тебранишлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Иқтисодий ривожланишдаги узоқ муддатли тебранишлар XX асрнинг 20-йилларида ушбу ҳолатнинг мавжудлигини асослаб берган иқтисодчи олим Н.Кондратьев номи билан “Кондратьевнинг узун тўлқинлари” деб аталади.

Николай Кондратьев барча мамлакатлар ва жаҳон иқтисодиёти ўз ривожланишида босқичма-босқич, тахминан 40–60 йилдан иборат пасаювчи ва кўтарилувчи циклик даврларни босиб ўтади, деган хулосага келган. Ўз навбатида, дунё мамлакатлари ва жаҳон иқтисодиёти “узун тўлқинлар” доирасида ўрта муддатли тебранишларга дуч келади. Ушбу тебранишлар ўртача 5–7 йилда такрорланиши ва узоқ цикл ичида бир неча марта рўй бериши мумкин.

Иқтисодчиларнинг фикрича, жаҳон иқтисодиётининг ривожланишидаги бу турдаги циклик тебранишларнинг пайдо бўлиши капитализмнинг жадал суръатларда ривожланиши билан белгиланиб, циклларнинг алмашинишидаги асосий омил ишлаб чиқаришнинг илмий-техник тараққиёт таъсирида ишлаб чиқариш кучларининг янгиланиши ҳисобланади.


XVIII аср охирларидан бошлаб жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида тўртта йирик циклик конъюнктура кузатилган (3.1.1- расм).

Биринчи тўлқин – текстиль саноати ва чўян ишлаб чиқариш.

Иккинчи тўлқин – денгиз ва темир йўл транспортининг ривожланиши.

Учинчи тўлқин – электротехника ва алоқа воситалари.

Тўртинчи тўлқин – кимё ва компьютер саноати.



### 3.1.1-расм. Жаҳон иқтисодиётидаги циклик тебранишлар

Мутахассисларнинг фикрича, бешинчи тўлқиннинг пайдо бўлишида информатика, биотехнология, ген инженерияси, тиббиёт, энергиянинг янги турлари, фазони ўзлаштириш соҳаларидаги янгиликлар ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин.

Шундай қилиб, кўтарилувчи тўлқинларнинг шарт-шароитлари фан ва техника соҳасидаги янгиликлар ҳисобланади. Ушбу янгиликлар жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш, таркибий силжишлар ва янги тармоқларнинг ривожланишини таъминлади.

Жаҳон иқтисодиётида содир бўлган барча иқтисодий ва молиявий инқирозлар эса бир-биридан чуқурлашуви, давомийлиги ҳамда сифат жиҳатдан халқаро ва миллий доирада содир бўлиши билан фарқланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 1960–2007 йилларда 21 та ривожланган мамлакатда ўртача 122 та рецессия юз берган. Ушбу рецессияларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бўлса-да, уларга хос бўлган қуйидаги умумий белгиларни ажратиш мумкин (3.1.1-диаграмма):

- одатда, рецессия бир йил давом этади ва ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли қисқаради. Хусусан, рецессия ЯИМ ҳажмининг 2% га қисқариши орқали намоён бўлади. Оғир кечадиган рецессия ҳолатида эса ушбу кўрсаткич 5% гача етиши мумкин;


- истеъмол ҳажмининг қисқариши сезиларли бўлмаса-да, sanoat ишлаб чиқариши ва инвестициялар ҳажмининг қисқариши ЯИМ ҳажмининг қисқаришига нисбатан юқори бўлади;

- одатда, рецессия халқаро савдо ва экспортнинг пасайиши билан мос келади, рецессиянинг пасайиши даврида эса импортнинг кескин қисқариши юз беради;

— рецессия даврида ишсизлик даражаси кескин ошади, инфляция эса товар ва хизматларга бўлган жами талабнинг қисқариши туфайли пасаяди. Уй-жой ва акционер капитали қийматининг пасайиши каби, рецессия ҳам молиявий бозорлардаги беқарорликка боғлиқ ҳолда рўй беради.

3.1.1-диаграмма

### Рецессиянинг асосий белгилари<sup>1</sup>



АҚШда рўй бераётган 2008–2009 йиллардаги рецессия 1960 йилдан кейинги саккизинчи рецессия ҳисобланади. Ушбу даврда рўй берган рецессияларнинг давомийлиги ўртача 11 ойни ташкил этгани ҳолда, энг узоқ давом этгани (1973 ва 1981 йиллар) 16 ой, энг қисқа вақт давом этгани (1980 йил) 8 ойга тенг бўлган. Мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ўртача 1,7% ни, энг юқори кўрсаткичи эса 3,0% ни ташкил этган.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётида Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1975, 1982, 1991 ва 2009 йилларда тўртта глобал пасайиш кузатишган бўлса шундан энг чуқур глобал пасайиш 2009 йилдаги пасайиш ҳисобланади. Ушбу инқирозларнинг ҳар бирининг сабабларини таҳлил қилиш бугунги кунда катта аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Классенс С., Коуз М.Э. Что такое рецессия? //Финансы & развитие, №3, 2009. С. 53.

Жаҳон иқтисодиётидаги глобал пасайишлар<sup>2</sup>

Қўрсаткичлар	1975 й.	1982 й.	1991 й.	2009 й.	1975, 1982 ва 1991 йилларда ўртача ўзгариш
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, ВХҚД буйича	-0,13	-0,89	-0,18	-2,5	-0,4
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, бозор баҳоларида	-0,33	-1,08	-1,45	-3,68	-0,95
Саноат ишлаб чиқариш	-1,6	-4,33	-0,09	-6,23	-2,01
Халқаро савдо	-1,87	-0,69	4,01	-11,75	0,48
Нефть истеъмоли	-0,9	-2,87	0,01	-1,5	-1,25
Ишсизлик даражаси, фойз ҳисобида (ривожланган мамлакатлар)	1,19	1,61	0,72	2,56	1,18
Капитал оқими, ЯИМга нисбатан фойз ҳисобида (ҳар икки йил учун ўртача)	0,56	-0,76	-2,07	-6,18	-0,76
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми	0,41	-0,18	0,62	-1,11	0,28
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция ҳажми	-2,04	-4,72	-0,15	-8,74	-2,3

1975 йилдаги пасайиш нефть нархининг кескин ошиб кетиши туфайли юз берган. 1973 йилда араб мамлакатлари томонидан нефтга эмбарго жорий этилиши натижасида нефть нархи қисқа муддат ичида тўрт бараварга ошиб кетган. Ушбу пасайиш АҚШда узоқ муддатли стагфляция (иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари ва инфляциянинг юқори даражаси)ни бошлаб берди.

XX асрнинг 70-80-йилларидаги иқтисодий цикл динамикаси, фойз ҳисобида<sup>3</sup>

Йиллар	Нефть баҳосининг ўзгариши	Инфляция суръатлари	Ишсизлик даражаси
1973	11,0	6,2	4,9
1974	68,0	11,0	5,6
1975	16,0	9,1	8,5
1976	3,0	5,8	7,7
1977	8,1	6,5	7,1
1978	9,4	7,7	6,1
1979	25,4	11,3	5,8
1980	47,8	13,5	7,0
1981	44,4	10,3	7,5
1982	-8,7	6,1	9,5

<sup>2</sup> Коце М.А., Лунгани П., Терронес Е.М. За границами стагнации // Финансы & развитие, №6, 2009. С. 27.

<sup>3</sup> Грегори Н. Мэнкью. Макроэкономика. –М.: МГУ, 1994. С.358–359.



1982 йилдаги пасайиш қатор ривожланган мамлакатларда қаттиқ пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши, нефть нархининг ошиб кетиши ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги қарздорлик муаммоси билан боғлиқдир.

1991 йилдаги пасайиш эса дунёнинг турли ҳудудларида рўй берган куйидаги муаммолар билан боғлиқ ҳолда рўй берган: АҚШда ссудажамғариш тармоқларидаги қийинчиликлар, Скандинавия мамлакатларидаги банк инқирози, Шарқий Европанинг ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги валюта инқирози, Форс кўрфазидagi уруш ва унинг оқибатида нефть нархининг ошиб кетиши.

2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШ ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглиқдан бошланган ва ликвидлик инқирозига айланиш орқали жаҳон иқтисодиётини тушкунлик ҳолатига олиб келган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юқорида кўриб чиқилган инқирозлардан ўзининг кескинлиги ва кўлами билан фарқ қилади. Жорий глобал иқтисодий тушкунлик глобал саноат ишлаб чиқаришнинг кескин қисқаришига ва жаҳон иқтисодиётида ишсизлик даражасининг тез суръатлар билан ўсишига сабаб бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошқа глобал рецессияларидан фарқи – бу инқирозда мамлакатларнинг иқтисодий цикл фазалари уйғунлашишни бошлади. Яъни 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири остида ривожланган мамлакатларнинг ҳаммасида ва ривожланаётган мамлакатларнинг ярмидан кўпроғида иқтисодий рецессия бошланди. 1975, 1982 ва 1991 йилларда рўй берган иқтисодий тушкунликлар камров жиҳатидан замонавий инқироздан ортда қолди. Шу сабабли олдинги инқирозлар даврида қўлланилган бир мамлакатдаги иқтисодий рецессияни бошқа мамлакат иқтисодий ўсиши ҳисобига қисқартириш стратегиясининг замонавий шарт-шароитда қўлланилмаслигига олиб келди.

Бугунги кунда иқтисодчи олимлар олдида турган асосий масала глобал рецессияларни олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олишнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат. Умуман олганда, иқтисодиётнинг циклик ривожланиши каби масалаларни таҳлил қилиш учун кўплаб ривожланган мамлакатларда махсус институтлар ташкил қилинган. Хусусан, АҚШда 1978 йилда Иқтисодий Тадқиқотлар Миллий Бюроси (ИТМБ), Евро зонада эса, 2002 йилда Иқтисодий Сиёсат Тадқиқот Маркази (ИСТМ) ташкил қилинган. Бу ташкилотлар иқтисодий рецессияларни таҳлил қилишда ўзига хос усул қўллашди ва 1975, 1982, 1991 йилларда бўлиб ўтган иқтисодий рецессиялар бўйича куйидаги хулосаларни олишди:

– саноат ишлаб чиқариш ва нефть истеъмоли инқироздан икки йил олдин қисқаришни бошлаган;

– халқаро савдо ва халқаро капитал миграцияси инқироздан бир йил олдин қисқаришни бошлаган;

– глобал ишсизлик кўрсаткичи инқироз йилларида ўзининг максимал чўққисига эришган.

Замонавий жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига ҳам шу каби хусусиятлар хосдир. Бу хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда глобал инқирозларни олдиндан аниқлаш мумкин, аммо инқирозларнинг кўлами макроиқтисодий агентларнинг ўзини тутиш хусусиятларига боғлиқ. 2006 йилдан бошлаб жаҳоннинг бир қатор етакчи тадқиқот институтлари АҚШда қайтарилмаган ипотека кредитларининг қиймати кескин ўсиб бораётганини таъкидлашган. Аммо юқори спекулятив даромад олиш мақсадида молиявий институтлар ўз фаолиятларини кенгайтиришга ҳаракат қилишди. Бу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг чуқурлашувига сабаб бўлди.

Замонавий жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш дунё мамлакатлари олиб бораётган иқтисодий сиёсатни кўп томонлама мувофиқлаштиришни талаб этади. Бу борада жаҳон иқтисодиётини халқаро даражада самарали тартибга солишда “20 гуруҳи” алоҳида роль ўйнайди. Ушбу гуруҳ томонидан 2008–2011 йилларда Вашингтон, Лондон, Питсбург, Торонто, Сеул, Париж саммитлари ўтказилди.

**Вашингтон саммити.** 2008 йил 15 ноябрда Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган катта йигирматалик давлатлари (G 20) мажлисида молиявий амалиётларни назорат қилишни такомиллаштириш учун миллий тизимлар устидан қўшимча халқаро ҳайъатлар ташкил этиш гоёяси муҳокама этилди. Аксарият сиёсатчилар халқаро назоратни кучайтириш инқирознинг тўхташи учун самарали восита бўлишига ишонч билдирдилар. Шу билан бирга мазкур таклифга мутлақо қарши бўлган гуруҳлар ҳам мавжуд. Улар молиявий тизимни назорат қилишга уриниш асрлар давомида шакланган эркин иқтисодий муносабатларга зид, деган фикрдалар.

**Лондон саммити.** Ушбу саммитда “20 гуруҳи” мамлакатлари барқарор иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи барча бозор тамойиллари ва қадриятлари масалалари бўйича янги глобал консенсусга эришиш истагини билдиришди. 2008 йил 2 апрелда Лондон шаҳрида 20 мамлакат раҳбарлари саммитида қабул қилинган қарорлар:

– жаҳон молия бозори қатнашчилари (давлатлар, тижорат банклари, рейтинг компаниялари, аудитор компаниялари, инвестицион, хедж фондлари) устидан назоратни кучайтириш ва янги халқаро молия бозори устидан назорат қилувчи орган тузиш;

– ривожланаётган мамлакатларга кризисга қарши чора-тадбирлар учун 2012 йил охирига қадар 1,1 трин. доллардан иборат маблағ жамланади ва улар халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки орқали тақсимланади;

– ҳаммаси бўлиб саммит қатнашчилари 2010 йил охирига қадар қўшимча кризисга қарши чора-тадбирлар учун 5 трлн. доллар маблағ сарфлаш ва ушбу пулларни тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банк тизимини тиклаш, камбағал мамлакатларга молиявий ёрдам бериш учун йўналтириш (100 млрд. доллар);

– халқаро валюта фондини фаолиятини ислоҳ қилиш ва устав капитали 250 млрд. доллардан 750 млрд. долларга етказиш. Халқаро валюта фондини турли шаклда молиялаштиришда йигирматалик давлатларининг қатнашуви.

– халқаро молия институтларини ислоҳ этиш (ХВФ) ва молиявий барқарорлик форуми ролини кучайтириш.

– офшор зона ва саккиз молиявий марказларга нисбатан кучли санкцияларни қўллаш тўғрисида келишиб олинди.

**Питсбург саммити.** Питсбург саммитида ишончли, барқарор ва мувозанатлашган ўсишни (A Framework for Strong, Sustainable and Balanced) таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги чора-тадбирларни белгилаб берувчи Чекланган келишувлар қабул қилинди. Чекланган келишувларни амалга ошириш механизми ўзида аъзо мамлакатлар томонидан иқтисодий сиёсат масалаларини ўзаро баҳолашни билдиради.

**Торонто саммити.** Ушбу саммитда кенг миқёсда ислохотларни амалга ошириш мувофиқлаштирилган иқтисодий сиёсат юритишни талаб этиши ва ўрта муддатли истиқболда қуйидагиларга эришиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилди<sup>4</sup>:

- жаҳон ишлаб чиқариш ҳажминини 4 трлн. АҚШ долларига етказиш;
- 52 млн. ишчи ўрнини яратиш;
- 90 млн. кишини камбағаллик ҳолатидан олиб чиқиш;
- жорий операциялар счётидаги глобал манфий мувозанатни қисқартириш.

“20 гуруҳи”нинг ривожланган мамлакатлари 2013 йилга бориб давлат бюджети камомадини икки бараварга қисқартириш ва 2016 йилгача давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини барқарорлаштириш мажбуриятини олишди.

**Сеул саммити.** Сеул саммитида макроиқтисодий ва валюта сиёсатини биргаликда олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Чунки молиявий инқирознинг чуқурлашуви валюта-молия соҳасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқарди. Жумладан, АҚШ Хитойни юан курсини сунъий равишда пасайтиришда айбласа, Хитой ва Европа Иттифоқининг баъзи мамлакатлари АҚШнинг иқтисодийётга қўшимча 600 млрд. доллар маблағ сарфлаганини ташқи савдодаги ҳамкор мамлакатларнинг валюталарига нисбатан доллар курсини пасайтиришга йўналтиришда айблади.

<sup>4</sup> Смыслов Д.В. Глобальные дисбалансы и согласование национальных макроэкономических политик в рамках «Группы 20». //Деньги и кредит, №8, 2011. С. 7, 10, 11.

“20 гуруҳи” мамлакатлари Сеул саммитида бозор оқали белгила-надиган валюта курслари тизимини ўрнатиш ёрдамида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, молия бозорлари барқарорлигини мутсаҳкамлашга қаратилган макроиқтисодий сиёсат юритиш мажбуриятини олишди.

**Париж саммити.** Ушбу саммитда барқарор глобал тенгсизликларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги кўрсаткичларни танлаб олишга келишилди:

— ички макроиқтисодий сиёсат кўрсаткичлари — бюджет камомати, давлат қарзининг ҳажми, хусусий жамғармалар даражаси, хусусий қарз миқдори;

— ташқи иқтисодий кўрсаткичлар — савдо балансининг ҳолати, инвестициялардан келадиган даромадларнинг соф оқими, бир томонлама ўтказмалар.

Қайд этиб ўтилган кўрсаткичлар динамикаси солиқ, бюджет, пул-кредит, валюта курси сиёсатини баҳолашда асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Париж саммити қатнашчилари халқаро валюта тизимини мустаҳкамлашга қаратилган ишчи дастурни қабул қилишди.

Демак, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви иқтисодий инқирозлар-ни ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига олиб келмоқда. Бундай шарт-шароитда ҳар қандай мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда ушбу инқирозларни олдиндан аниқлаш ва уларга қарши самарали чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этиб қолади.

### **3.2. Жаҳон конъюнктурасининг замонавий ҳолати ва иқтисодий ўсиш омиллари**

Иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш омилларини оқилона қўллаш натижаси ҳисобланади. Ҳар қандай хўжалик тизимининг самарали амал қилишига ресурсларнинг мавжудлиги ва уларни оптимал истеъмол қилиш усуллари таъсир қилади. Барча таркибий компонентлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш омилларининг нисбатидаги узоқ муддатли ўзгариш иқтисодий ривожланишнинг асосий шартларини белгилаб беради ва пировард натижада иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир ўтказиши.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида таркибий қайта қуришлар тенденцияси кучайиб бормоқда.

Инвестициялар таркиби, илмий-техник тараққиёт, меҳнат ресурслари (инсон капитали), халқаро иқтисодий муносабатлар динамикаси ва ўзгариши жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш омиллари ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражасининг ошишини таъминлаб берувчи иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи элементи асосий капиталга сарфланаётган инвестициялардир.

1970–1990 йилларда ривожланган мамлакатларда капитал қўйилмалар ҳажми ўртача 1,5 бараварга ортди ва уларнинг ривожланиш динамикаси жаҳон конъюнктурасидаги циклик тебранишларга боғлиқ. Кенг миқёсли инвестициялашга куйидаги омиллар таъсир қилади:

- кутилаётган фойда;
- кредит бозорларидаги ставкалар даражаси;
- фонд бозорларидаги котировкалар;
- жамғармалар даражаси;
- иқтисодий сиёсат.

Ўтган асрнинг 70–80-йилларидаги таркибий инкирозлар капитал қўйилмаларнинг технологик таркибини ўзгартириб юборди. Жаҳондаги жами талабнинг тайёр маҳсулот томон ўзгариши асосий капиталнинг фаол қисмига маблағлар сарфлаш чоғидаги устуворликларнинг ҳам ўзгаришига олиб келди. Иқтисодийнинг асосий соҳаси ҳисобланган қайта ишлаш саноатида амалга оширилаётган инвестицияларнинг фаол қисми 80-йилларда 77–85% гача етди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, иқтисодий ўсиш ва жамғармалар ўртасида кучли корреляцион боғланиш мавжуд. Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ишлаб чиқариш барқарор ўсишининг 2% га ошишига, ЯИМдаги жамғармалар улушининг 1% га қўлайишига олиб келади. ХВФ мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ушбу нисбат ривожланаётган мамлакатларда 0,5% ни ташкил этади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, юқори жамғариш нормасига эга бўлган мамлакатлар, бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолда, одатда, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлишади. Масалан, 2003–2008 йиллар мобайнида 164 та мамлакатдан 79 таси ўртача жаҳон кўрсаткичидан (22,3%) юқори жамғариш нормасига эга бўлган ва ушбу мамлакатларда ЯИМнинг ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 3,6% ни ташкил этган. Ушбу мамлакатларнинг 47 тасида жамғариш нормаси 25% дан, 17 тасида эса 30% дан юқори бўлган ва ушбу гуруҳ мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари мутаносиб равишда 3,8 ва 3,9% га тенг бўлган. Қолган 21 та мамлакатда жамғариш нормаси 15% дан паст бўлган ва ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатлари 1,8% ни ташкил этган. Аммо тадқиқ этилган мамлакатлар ичида кичик ёки кам ривожланган мамлакатлар улуши юқори. Ушбу гуруҳга Африканинг аксарият мамлакатлари ва кичик орол мамлакатлари қиради. Бу гуруҳга кирувчи мамлакатларнинг макроиқтисодий ривожланиш индикаторларига ташқи омиллар (алоҳида гуруҳ товарлар нархининг конъюнктураси, туристик бизнеснинг ривожланиш тенденцияси, табиий-иқлим шароитлар ва ҳ.к.) жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ушбу омиллар таъсирини

Йўқотиш мақсадида иктисодиёти ва ташқи савдоси таркибий жиҳатдан диверсификациялашган ривожланган мамлакатлар алоҳида таҳлил этилган бўлиб, уларнинг сони 81 тани ташкил этади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2003–2008 йилларда ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўртача ўсиш суръатлари 3,4% ни, жамғариш нормаси эса 22,5% ни ташкил этган. Жамғариш нормасининг ўсиши билан ЯИМнинг кўшимча ўсиш суръати ҳам ортиб боради. Жумладан, жамғариш нормаси 25% дан ортиқ мамлакатларда ЯИМнинг кўшимча ўсиш суръати 4,8% га тенг бўлган ҳолда, жамғариш нормаси 30% дан ортиқ мамлакатларда ушбу кўрсаткич ўртача 8,7% ни ташкил этган<sup>5</sup>.

1990-2010 йилларда жаҳонда асосий капиталга қўйилмалар ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ҳажми деярли уч бараварга ошган. Бу даврда ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотигаги улуши 18,7% дан 34,6% гача, жамғаришдаги улуши эса 17,2% дан 44,7% гача ортиши ушбу мамлакатларда жамғариш нормасининг ўсиб бораётганидан далолат беради. Жумладан, 2010 йилда ушбу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатларда 23,2 % ни, Хитойда эса 40,4% ни ташкил этди (3.2.1-жадвал).

### 3.2.1-жадвал

#### Жаҳон ялпи ички маҳсулоти ва капитал қўйилмаларда мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳининг улуши, 1990-2010 йй.<sup>6</sup>

	ЯИМ			Асосий капиталга қўйилмалар			Жамғариш нормаси, ЯИМга нисбатан %да, 2010 й.
	1990	2008	2010	1990	2008	2010	
Жамғ. трлн. долл.	22,2	61,5	63,5	5,0	14,1	13,7	21,6
Шу жумладан (%):							
АҚШ	26,2	23,4	23,1	21,1	18,7	16,3	15,2
Хитой	1,8	7,4	9,4	2,0	13,1	17,6	40,4
Ривожланган мамлакатлар (АҚШдан ташқари)	53,3	45,1	42,3	59,7	43,4	39,1	19,9
Ривожланаётган мамлакатлар (Хитойдан ташқари)	18,7	24,1	25,2	17,2	24,7	27,1	23,2

Мутахассисларнинг прогностларига кўра, ривожланган мамлакатларда ялпи жамғариш нормаси 2012 йилда 19,6% ни, 2013–2016 йилларда 20,5% ни, ривожланаётган мамлакатларда бу даврда 26,8 ва 26,7 %ни, жумладан, Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида 31,9 ва 32,5% ни ташкил этиши кутилмоқда (3.2.2-жадвал).

<sup>5</sup> Новиков М.М. Необходимые объемы инвестиций и фондовый рынок как потенциальный источник финансирования будущего роста. // Международная экономика, №11, 2009. С. 53.

<sup>6</sup> Григорьев Л., Иващенко А. Мировые дисбалансы сбережений и инвестиций. // Вопросы экономики, №6, 2011. С. 12.

**Жаҳон мамлакатлари ва ҳудудларида ялпи жамғариш нормаси,  
ЯИМга нисбатан % да<sup>7</sup>**

	1989-1996 йй. ўртача	1997-2004 йй. ўртача	2005 й.	2010 й.	2012 й.*	2013-2016 йй. ўртача*
Ривожланган мамлакатлар шу жумладан:	22,5	21,2	21,2	18,6	19,6	20,5
Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари	32,5	27,3	26,1	26,2	26,8	26,7
Ривожланаётган мамлакатлар шу жумладан:	25,9	25,0	26,8	31,3	31,9	32,5
Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари	22,4	21,3	21,4	21,0	22,4	22,8
МДҲ мамлакатлари	-	20,3	21,2	21,7	25,9	26,9
Лотин Америкаси мамлакатлари	20,1	20,7	20,5	21,8	22,9	23,5

Ҳозирда иқтисодий ўсишга нисбатан ижтимоий мезонлар ва талаблар ҳам ортиб бормоқда. Йирик ҳажмли инвестициялар экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш, “ифлослантирувчи” тармоқларни реконструкция қилиш, тозалаш иншоотларига маблағ сарфлаш, янги экологик хавфсиз ва ресурс тежовчи технологияларни яратишга йўналтирилмоқда.

Хитой охириги уч ўн йилликда йилига ўртача 8% ли иқтисодий ўсишга эришди ва мамлакатда камбағаллик кўрсаткичи 1981–2005 йиллар мобайнида 80% га қисқарди. Шунга қарамасдан Хитойда иқтисодий ўсиш инсон тараққиёти кўрсаткичларининг яхшиланиши билан бирга амалга ошмади. Таҳлиллар кўрсатишича, Хитой 1970 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича биринчи ўринни, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги кўрсаткичларнинг яхшиланиши бўйича эса 135 мамлакат орасида 79-ўринни эгаллади<sup>8</sup>. Ушбу соҳадаги муаммолар аҳолидан ундириладиган тўловлар ҳажмининг ортиши ёки умумий миллий миқёсда аҳолига кўрсатиладиган базавий хизматларни молиялаштиришнинг номарказлаштирилиши билан боғлиқ. Иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган мақсадли харажатлар одамларнинг яшаш манбаи ҳисобланган

<sup>7</sup> Булатов А. Россия в международном движении капитала: сравнительный анализ // Вопросы экономики, №8, 2011. С. 71.

<sup>8</sup> Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2010. С. 105.

худудлар, сув ва ҳаво тизимининг ифлосланиши, баъзида эса глобал салбий экологик оқибатларга олиб келди. Ушбу ҳолат эса аҳоли даромадлари ўртасидаги тенгсизликнинг чуқурлашувига сабаб бўлди. Жумладан, 2008 йилда Гуандун провинцияси уй хўжаликларидagi аҳоли жон бошига тўғри келувчи истеъмол ҳажми Тибетга нисбатан тўрт баравар юқори бўлган. Хитой ҳукуматининг кейинги беш йиллик режаларидagi асосий устуворлик мамлакатдаги ижтимоий дисбалансни йўқотишга қаратилган.

Иқтисодий ўсишни таъминлашнинг навбатдаги муҳим манбаларидан бири **технологик тараққиёт** ҳисобланади.

Технологик тараққиёт кенг қамровли тушунча бўлиб, инновацион жараёнлар, техник билимлар, бошқарув жараёнлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Технологик тараққиёт ишлаб чиқариш омилидан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги маҳсулотларнинг пайдо бўлиши ва мавжудларининг сифатини ошириш, товарларни бозорларда самарали сотишга олиб келади. Фан ва техника соҳасидаги янгиликлар, технологик жараёнларни амалиётга жорий этиш ишчи кучини сифат жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади. Шу тариқа технологик тараққиёт илмий-техник, таълим ва касбий салоҳиятнинг ошишига кўмаклашади.

Илмий-техник тараққиёт таъсирида меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларида сезиларли ўзгариш юз беради, иқтисодий ривожланишда табиий материалларга бўлган боғлиқлик пасаяди. Жумладан, электроника соҳасидаги ютуқларнинг асбоб-ускуналар ва роботлар билан биргаликда қўлланилиши эгилувчан ишлаб чиқариш тизимларининг яратилишига олиб келди.

XXI асрда жаҳон иқтисодиётида технологик ривожланиш даражаси ва динамикаси барқарор иқтисодий ўсиш асосини таъминлайдиган, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги чегараларни белгилаб берадиган асосий омилга айланди.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишидаги яна бир муҳим омил – бу меҳнат ресурслари, инсон капиталига харажатлар ҳисобланади.

Илмий-техник тараққиёт таъсирида иқтисодиёт таркибининг ўзгариши меҳнат ресурслари таркибининг ҳам ўзгаришига олиб келади, яъни янги касблар пайдо бўлади, ишчи малакасига, кадрларни қайта тайёрлашга бўлган талаб ортади. Технологик тараққиёт ишчиларни мунтазам ўқитиш, малакасини оширишни талаб этади.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бир вақтда иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатувчи ишсизлик муаммоси ҳам мавжуд. Ишсизлик ва реал ялпи ички маҳсулот ҳажми ўртасида Оукен қонуни деб ном олган боғлиқликни кузатиш мумкин: ишсизлик даражасининг бир фоизга ортиши реал ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатининг икки фоизга қисқаришига олиб келади.




Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳонда 2009 йилда 205,2 млн. киши ишсиз деб эътироф этилган ва уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 28 млн. кишига ёки 15,8% га ошган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири оқибатида эса 2008 йилга нисбатан 12% га ёки 22,8 млн. кишига кўпайган.

Ишсизлик даражаси ва иқтисодий ўсиш ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд. Жумладан, жаҳон ялпи ички маҳсулотининг ўртача ўсиш суръатлари 5% ни ташкил этган вақтда ишсизлик даражаси ўртача 6% га тенг бўлган. 2008–2009 йилларда жаҳон молиявий инқирозининг таъсирида жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг 2,8% дан 0,6% гача қисқариши, ишсизлик даражасининг 5,7% дан 6,3% гача ортишига олиб келган (3.2.1-диаграмма.)

3.2.1-диаграмма.

Жаҳонда ишсизлик даражасининг ўзгариши, 2000–2009 й.й.<sup>9</sup>



Жаҳон меҳнат бозоридagi салбий ҳолатлардан яна бири – ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг юқорилигидир. Хусусан, 2000–2009 йилларда жами ишсизлар таркибида ёшларнинг улуши ўртача 40% ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатларда жиддий муаммо ҳисобланади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланган мамлакатларда меҳнат бозорининг ривожланиш истиқболлари қуйидаги омиллар билан белгиланади (3.2.1-жадвал):

- меҳнатга лаёқатли аҳоли ўсиш суръатларининг секинлашуви;
- иқтисодий фаол аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдан катта аҳоли улушининг ортиб бориши;

<sup>9</sup> Global Employment Trends 2011: The challenge of a jobs recovery / International Labour Office. - Geneva: ILO, 2011. P. 63.

– хизматлар соҳасида аҳоли бандлигининг юкори суръатларда ривожланиш тенденциясининг сақланиб қолиши;

– кўп сонли паст малакали ишчи ўринларини сақлаб қолган ҳолда малакали ишчи кучига бўлган талабнинг ортиши.

### 3.2.3-жадвал

**Ривожланган мамлакатларда 2015 йилгача ишчи кучига бўлган талаб истиқболлари (ўртача йиллик ўсиш суръатлари, фоиз ҳисобида)<sup>10</sup>**

	ИХТТ	АҚШ	Ғарбий Европа
Меҳнатга лаёқатли аҳоли	0,3	0,6	0
Боғлиқлик кўрсаткичи:			
2010 йил	15,4	13,6	16,4
2015 йил	17,1	14,9	18,9
Бандлик	0,7	1,1	0,4
Ишсизлик	6,3	4,7	7,9

Шундай қилиб, юкори барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашнинг асосини иқтисодий ривожланиш омилларини тўғри қўллаш ва иқтисодий сиёсатда ҳисобга олиш ташкил этади.

### 3.3. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш

Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари алоҳида мамлакатлар, ҳудудлар ҳамда жаҳон бўйича иқтисодий ривожланиш динамикаси ва тенденцияларини тавсифлаб беради. Иқтисодчилар иқтисодий ўсишни миқдорий жиҳатдан тавсифлаш учун, одатда, ялпи маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад кўрсаткичларидан фойдаланишган.

Ушбу кўрсаткичлар ХХ асрнинг 60–70-йилларигача амал қилган. Аммо иқтисодиётнинг сифат кўрсаткичлари билан боғлиқ иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражаси ҳар доим ҳам иқтисодий ўсиш тушунчаси билан мос келавермайди. Таҳлиллар кўрсатишича, дунё мамлакатлари амалиётида иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмас.

Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш тушунчалари ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлаб иқтисодий ривожланиш жараёнлари ижтимоий ривожланиш билан бевосита боғлана бошланди ва ижтимоий кўрсаткичлар биринчи ўринга чиқди.

Ушбу муаммо турли халқаро иқтисодий ташкилотларнинг тадқиқот объектига айланди. Натижада ижтимоий ривожланишнинг ягона комплекс кўрсаткичлари ва иқтисодий ривожланишга баҳо бериш мезонларини ишлаб чиқиш мақсадида халқаро даражада тадқиқот ишларини олиб

<sup>10</sup> Vishnevskaya N. Проблемы и перспективы рынка рабочей силы. // Мировая экономика и международные отношения, 2000. С. 46.

бориш бошланди. Жумладан, 1970 йили Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) “базавий эҳтиёжлар” концепциясини илгари сурди. Эндиликда иқтисодий ўсиш, биринчи навбатда, ишсизлик, камбағаллик, алоҳида мамлакатлар ва жаҳон миқёсида ижтимоий тенгсизликнинг ўсиб бориши каби ижтимоий муаммоларни ҳал этиш нуктаи назаридан кўриб чиқила бошланди.

БМТ қошидаги Ижтимоий ривожланиш тадқиқот институти 7 та иқтисодий ва 9 та ижтимоий кўрсаткичларни ўз ичига олувчи ижтимоий ривожланишнинг комплекс индексини таклиф этди:

– маҳсулотларнинг асосий турларини истеъмол қилишнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори;

– қайта ишлаш саноатининг янги ички маҳсулотдаги улуши;

– ташқи савдо айланмасининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори, долл.;

– электр энергияси, газ, тоза ичимлик суви билан таъминланган иқтисодий фаол аҳоли улуши;

– кутилаётган умр узунлиги;

– 20 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган шаҳарлар улуши;

– оксилларни кундалик истеъмол қилиш;

– бошланғич ва ўрта маълумотга эга аҳоли улуши;

– иқтисослиги бўйича банд аҳоли даражаси.

Мамлакатларнинг ривожланиш даражасини таҳлил этиш учун аҳолининг асосий эҳтиёжларини қондириш ёки турмуш сифати кўрсаткичи ҳам таклиф этилди. Ушбу кўрсаткич Жисмоний турмуш сифати индекси номини олди ва куйидаги учта кўрсаткични қамраб олади:

– бир ёшдан кейин кутилаётган умр узунлиги;

– болалар ўлими даражаси;

– катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси.

1987 йилда эса Аҳолини жойлаштириш инқирози муаммолари Вашингтон кўмитаси мамлакатлар ўртасида аҳоли турмуш даражаси соҳасида фарқлар мавжудлигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Ушбу мақсадда кўмита томонидан Халқаро фаровон эмаслик индекси ишлаб чиқилди. Индекс соғлиқ, демографик ҳолат, моддий таъминот ва жамият ҳолатига боғлиқ ҳолда аҳоли турмуш даражасини тавсифлаб берувчи 10 кўрсаткични қамраб олган.

БМТ дастурлари доирасида 1990 йилда янги инсон тараққиёти концепцияси яратилди. Унда соғлиқ ва кутилаётган умр узунлиги инсоннинг ривожланишида энг муҳим мезон сифатида белгиланди.

Инсоннинг ривожланиши танлаш имкониятларининг кенгайиши жараёнидир. Инсон ривожланишининг ҳар бир босқичида энг муҳими – бу узок соғлом ҳаёт кечириб, билим олиш ва фаровон яшаши учун зарур ресурсларга эга бўлиш ҳисобланади. Уларсиз кўплаб имкониятлар амалга ошмасдан қолади. Аммо бу билан инсоннинг ривожланиши чегараланиб қолмайди. Бундан ташқари, юқори қийматга эга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий эркинликдан бошлаб ижод қилиш ва яратиш, қафолатланган

инсон ҳуқуқлари учун қулай шароитларгача бўлган имкониятлар ҳам мавжуд. Ушбу концепцияга мувофиқ инсоннинг ривожланишида даромад муҳим ҳисобланади, аммо даромад инсоннинг ривожланишидаги ягона йўналиш эмас. Демак, ривожланиш фақат даромад ва фаровонлик билан чекланиб қолмаслиги ва унинг марказида “инсон” туриши лозим.

Демак, иқтисодий ривожланиш тушунчасининг моҳияти иқтисодий ўсиш тушунчасидан тинчлик, хавфсизлик, экология ва ижтимоий адолатни ўз ичига олувчи мураккаб кенг қамровли тушунчага қадар ривожланиб борган.

### 3.4. Инсон тараққиёти индекси ва турмуш сифати

**Инсои тараққиёти индекси.** Юқорида қайд этилган концепцияга мувофиқ БМТ Тараққиёт Дастури Инсон ривожланиши салоҳияти индексини (ИРСИ) ишлаб чиқди ва ушбу индекс қуйидаги кўрсаткичлардан ташкил топган интеграл кўрсаткич ҳисобланади:

- туғилишда кутилаётган умр узунлиги;
- таълим даражаси (ўрта таълимнинг давомийлиги ва таълимнинг давомийлиги);
- аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад.

ИРСИ ҳар бир кўрсаткичи бўйича эришилган натижаларни акс эттирувчи ўрта геометрик индексдан иборат. Индексларни ҳисоблашда 0 дан 1 га қадар ўзгариб турувчи минимал ва максимал кўрсаткичлар белгиланган. Натижада минимал чегара кўрсаткичга нисбатан қанчалик ривожланишга эришилганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу кўрсаткичлар бўйича қуйидаги минимал чегаралар белгиланган: туғилишда кутилаётган умр узунлиги 20 йил, таълим соҳасида иккала кўрсаткич учун 0 йил ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад миқдори учун 163 доллар белгиланган.

Таҳлиллар кўрсатишича, ИРСИ кўрсаткичлари бўйича Япония, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, БАА етакчилик қилишади (3.4.1-жадвал).

#### 3.4.1-жадвал

#### ИРСИ учун мақсадли кўрсаткичлар<sup>11</sup>

Кўрсаткич	Максимал қиймат	Минимал қиймат
Туғилишда кутилаётган умр узунлиги	83,2 (Япония, 2010 й.)	20
Ўрта таълимнинг давомийлиги	13,2 (АҚШ, 2000 й.)	0
Таълимнинг давомийлиги	20,6 (Австралия, 2002 й.)	0
Таълимнинг ўртача индекси	0,951 (Янги Зеландия, 2010 й.)	0
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад миқдори (ҳарид қобилияти паритети бўйича, АҚШ долл.)	108 211 (БАА, 1980 й.)	163 (Зимбабве, 2008 й.)

<sup>11</sup> Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. – М.: Издательство «Весь Мир», 2010 йил маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллар жаҳонда ўртача ИРСИ 1980–2010 йилларда сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатади. Жумладан, ушбу кўрсаткич 1980 йилда 0,455 га тенг бўлгани ҳолда 2010 йилда 0,624 ни ташкил этди ва кўшимча ўсиш соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромаднинг икки баробарга ортиши туфайли юз берди. Ўзбекистонда ИРСИ 2005 йилда 0,588 га тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010 йилда 0,617 ни ташкил этди<sup>12</sup>.

Глобал кўрсаткичлар Хитой ва Ҳиндистон каби аҳолиси сони кўп мамлакатлар таъсирида бўлади. Шунга қарамасдан ИРСИ дунёнинг барча ҳудудлари ва мамлакатларида ошган. Нисбатан юқори ўсиш суръати Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳудудида кузатилди. Конго Демократик Республикаси, Замбия ва Зимбабведан ташқари 132 та мамлакатнинг барчасида 1980 йилга нисбатан инсоннинг ривожланиш даражаси яхшиланган (3.4.2-жадвал).

#### 3.4.2-жадвал

#### Инсон ривожланиши салоҳияти индексининг ўзгариши<sup>13</sup>

Мамлакатлар гуруҳи	1980 й.	1990 й.	2000 й.	2010 й.
ИХТТ мамлакатлари	0,754	0,798	0,852	0,879
ИХТТга аъзо бўлмаган мамлакатлар	0,701	0,761	0,799	0,844
Араб мамлакатлари	0,396	0,470	0,525	0,588
Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳудуди мамлакатлари	0,383	0,466	0,559	0,643
Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари	0,503	0,660	0,648	0,702
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари	0,573	0,614	0,660	0,704
Жанубий Осиё мамлакатлари	0,315	0,387	0,440	0,516
Сахарадан жанубда жойлашган Африка мамлакатлари	0,293	0,354	0,315	0,389
Кам тараққий этган мамлакатлар	0,251	0,292	0,325	0,386
Дунё бўйича	0,455	0,526	0,570	0,624

Таҳлиллар кўрсатишича, баъзи мамлакатлар ИРСИ бўйича сезиларли тараққиётга эришишлари учун узоқ вақт талаб этилади. Жумладан, Филиппин учун Испания даражасига эришишда 70 йил, Нигериянинг Мадагаскар, Камеруннинг Ботсвана кўрсаткичларига эришишлари учун эса 25 йил ёки битта авлод зарур бўлади. Даромадлар бўйича Осиё мамлакатлари, хусусан, Хитой ва Ҳиндистон ривожланган мамлакатларга яқинлашиб борса, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси ҳамда Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатлари ортда қолмоқда.

<sup>12</sup> Ўша манба С. 149.

<sup>13</sup> Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. – М.: Издательство «Весь Мир», 2010 йил март/апреллари асосида тузилган.

Таҳлиллар инсон тараққиёти кўрсаткичларини баҳолашнинг асосий моделлари ва ривожланиш тенденциялари бўйича қуйидаги хулосаларни олиш имконини беради:

— охирги ўн йилликда дунёнинг аксарият мамлакатлари соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида барқарор ҳамда узоқ муддатли тараққиётга эришдилар;

— Шарқий Осиё ва Тинч океани региони мамлакатлари ҳамда Ҳиндистонда кузатилган юқори иқтисодий ўсиш суръатларига қарамасдан даромадлар борасида ўзаро фарқнинг қисқариши кузатилмапти;

— охирги 40 йил мобайнида даромадларнинг ўзгариши ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим даражасининг ўзгариши ўртасидаги корреляция жуда сустлигича қолмоқда;

— глобал билим ва технологиялар инсон ривожланиш салоҳиятини оширишнинг харажатларини пасайтириш ва самарадорлигини оширишда янги имкониятларни вужудга келтирмоқда.

2010 йилдан бошлаб БМТ мутахассислари Инсон тараққиёти тўғрисидаги маърузада келтирилаётган ИРСИга қуйидаги учта кўрсаткични кўпиш таклифи билан чиқишди<sup>14</sup>:

1. Тенгсизликни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилган инсон салоҳияти ривожланиши индекси. Ушбу индекс 139 мамлакат учун ҳисобланган инсон салоҳиятининг ривожланишида соғлиқни сақлаш, таълим ва даромадлар соҳасидаги тенгсизлик сабабли рўй берган йўқотишларни акс эттиради. Қайд этиб ўтилган учта кўрсаткич бўйича тебраниш таълим соҳасидаги 1% дан (Чехия Республикаси) даромадлар бўйича 16% гача (Намибия) ташкил этади.

2. Гендер соҳасидаги тенгсизлик индекси. Ушбу индекс 138 мамлакат бўйича ҳисобланган бўлиб, репродуктив соғлиқ, инсон ҳуқуқларини кенгайтириш ва ишчи кучи бозорида тенг қатнашиш имкониятларини қамраб олади. Қайд этиб ўтилган кўрсаткичлар бўйича мамлакатлар ўртасидаги фарқлар 17% дан 85% гача тебраниб туради. Асосий катта фарқ Араб мамлакатлари ва Жанубий Осиё худудида кузатилади.

3. Кенг қамровли камбағаллик индекси. Ушбу кўрсаткич камбағаллик даражасини кунлик харажатлар орқали ҳисоблашга асосланган кўрсаткичдан фарқли ўлароқ, аҳолининг турмуш даражаси, таълим ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ ўнта кўрсаткичдан иборат. Уларга аҳолининг сув, электр энергия, ёқилғи билан таъминланганлиги, яшаш шароити, болаларнинг таълим билан қамраб олинганлиги, таълим давомийлиги, болалар ўлими, овқатланиш даражаси каби кўрсаткичлар кириди. Таҳлиллар кўрсатишича, 104 та ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг учдан бир қисми ёки 1,75 млрд. киши кенг қамровли камбағаллик даражасида яшайди. Аксарият ммалакатларда кунлик

<sup>14</sup> Иванов Н., Гоффе Н., Моусова Г. Глобализация и бедность. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2010. С. 86.

харажатлари 1,25 доллардан ошмайдиган аҳоли сони билан кенг қамровли камбағаллик индекси орқали аниқланган аҳоли сони ўртасида сезиларли фарқ юзага келади. Жумладан, Ўзбекистон, Танзания, Шри-Ланкада мос равишда 46%, 2%, 14% ва 5%, 89%, 65% га тенг. Ушбу фарқларнинг юзага келишидаги асосий сабаб аҳоли кенг қамровли камбағаллик индекси ёрдамида аниқланадиган ресурслардан текинга ёки паст нархларда фойдаланади.

Ушбу кўрсаткичлар ИРСИни янада батафсилроқ, тўлиқроқ акс эттириш имконини беради.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ИРСИ паст мамлакатларга нисбатан савдо имтиёзлари жорий қилиш, ташқи қарзлардан воз кечиш каби кўринишларда иқтисодий ёрдам кўрсатилади. Шунга қарамаздан ушбу мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этишлари устун даражада мамлакатдаги ички ҳолат ва ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсатга боғлиқ.

**Турмуш сифати.** Инсоннинг ривожланишидаги муҳим муаммолардан бири – аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Паст даромадли аҳоли гуруҳларининг ўзгармас ёки пасайиб борувчи улуши баъзан даромадаларнинг мутлақ кўрсаткичлар бўйича қисқариши билан биргаликда содир бўлади. Дунё мамлакатлари, мамлакатлар гуруҳлари ўртасида даромадларнинг қайта тақсимланиш муаммоси замонавий жаҳон иқтисодиётининг долзарб муаммоларидан саналади.

Ривожланган мамлакатларда даромадлар ўртасидаги фарқ икки кутбли характерга эга. Ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу муаммо кўпकिрали ва мураккаб бўлиб, турли жиҳатларга эга:

- шаҳар ва қишлоқ;
- анъанавий ва янги ишлаб чиқариш секторлари;
- этник гуруҳлар;
- регионал фарқ ва ҳ.к.

Ривожланаётган мамлакатларда даромадларнинг паст даражаси деярли ўзгармайди ва камбағаллик доимий ҳол ҳисобланади.

Мамлакатларнинг турли гуруҳларида даромадларни тақсимлашда ҳар хил тенденциялар кузатилади. Агар ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш даромадлар ўртасидаги фарқларнинг қисқаришига олиб келса, ривожланаётган мамлакатларда эса аксинча иқтисодий ўсиш миллий бойликни тақсимлашда тенгсизликнинг кучайишига олиб келади.

Даромадлардаги фарқ ва камбағаллик тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. Жамиятда табақалашув аҳоли турмуш даражасининг нисбий стандартларига асосланса, камбағаллик кўрсаткичи мутлақ кўрсаткичлар орқали тавсифланади.

Инсон фаровонлигини баҳолаш учун унинг эҳтиёжларини қондиришнинг иқтисодий ва ноиқтисодий жиҳатларини эътиборга олиш зарур. Ушбу кўрсаткичлар йиғиндиси инсон турмуши сифатини ташкил этади.

Турмуш сифати кўрсаткичларини объектив ва субъектив кўрсаткичларга бўлиш мумкин. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад, аҳоли миграцияси, умр узунлиги, ўлим, даромадларни тақсимлашдаги тенглик, таълим тизими, жиноятчилик даржаси каби кўрсаткичлар объекти кўрсаткичлар ҳисобланади.

Турмуш сифатининг субъектив кўрсаткичлари эса аҳоли ўртасида турли муаммолар ва жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланиладиган социологик сўровномаларда акс эттирилади.

Турмуш сифати ҳаёт сингари кўлқиррали тушунча бўлиб, уни битта кўрсаткич орқали ифодалаб бўлмайди.

Демак, иқтисодий ўсишни ягона мақсад сифатида эмас, балки аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатини ошириш воситаси сифатида кўриб чиқиш зарур. Иқтисодий ўсиш ижтимоий хизматлар ва ижтимоий кадриятларга путур етказмасдан амалга оширилиши ҳамда ижтимоий адолатни қўллаб-қувватлашга қўмаклашиши лозим.

### Асосий тушунчалар

**Иқтисодий цикллиқ** – иқтисодиётнинг цикллиқ ривожланиши ва циклнинг барча фазаларини босиб ўтиши.

**Иқтисодий инқироз (рецессия)** – иқтисодиётни шундай ҳолати, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотининг абсолют ҳажми камида икки квартал мобайнида кетма-кет қисқаради.

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози** – молиявий ва иқтисодий тушқуилиқ ҳолатининг дунё мамлакатларини қамраб олиши.

**Асосий капиталга қўйилмалар** – асосий фондларни қайта тиклаш, ривожлантириш ва янгилашга йўналтирилган моддий харажатлар.

**Жамғариш нормаси** – сарфланаётган капитал қийматининг ялпи ички маҳсулотга нисабти.

**Инвестиция нормаси** – инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга бўлган нисабти.

**Технологик тараққиёт** – инновацион жараёнлар, техник билимлар, бошқарув жараёнлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Оукен қонуни** – ишсизлик даражасининг бир фоизга ортиши реал ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатининг икки фоизга қисқаришига олиб келади.

**Инсон ривожланиши салоҳияти индекси (ИРСИ)** – туғилишда қутилаётган умр узунлиги, таълим даражаси (ўрта таълимнинг давомийлиги ва таълимнинг давомийлиги) ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад кўрсаткичлардан ташкил топган интеграл кўрсаткич.

**Турмуш сифати индекси** – инсон эҳтиёжларини қондиришнинг иқтисодий ва ноиқтисодий жиҳатлари, фаровонлигини баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар йиғиндиси.



## Назорат саволлари:

1. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишидаги цикларнинг турларини санаб ўтинг.
2. XX асрнинг 70, 80, 90-йилларидаги жаҳон иқтисодий инқирозларининг асосий хусусиятларини аниқланг.
3. Иқтисодий рецессия нима ва у қандай белгиларга эга?
4. Иқтисодий ўсишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Иқтисодий ўсиш ва жамғармалар ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
6. Нима учун таълим ва фан иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари ҳисобланади?
7. Иқтисодий ўсиш ва ҳаёт сифати ўртасидаги нисбат қандай?
8. Қайси кўрсаткичлар орқали инсон тараққиётини аниқлаш мумкин?
9. Инсон салоҳиятининг ривожланиш индекси қайси кўрсаткичлар мажмуидан иборат?
10. Иқтисодий ўсиш ва камбағаллик муаммоси ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

# IV БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ МОДЕЛЛАРИ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА МАМЛАКАТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ

## 4.1. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий моделлари

Жаҳон хўжалигининг замонавий глобал тизимида макроиқтисодий ривожланишнинг бир неча тури шаклланган. Табиийки, ҳар бир миллий иқтисодиёт макроиқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш модели тушунчасининг ягона таърифи йўқ. Иқтисодчилар унинг турли хил таърифларидан фойдаланишади, масалан, мамлакат модели, миллий модель, иқтисодий модель ва ҳ.к. Мамлакатнинг иқтисодий модели тушунчаси иқтисодий ўсишнинг асосий ва барқарор макроиқтисодий кўрсаткичларни билан боғлиқ. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи мураккаб кўрсаткичлар тизими ва улар ўртасидаги боғлиқлик миллий хўжаликнинг бир бутунлигини ифода этиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш моделини ташкил этади.

Мамлакатларнинг тегишли иқтисодий ривожланиш моделини танлашлари қуйидаги омилларга боғлиқ:

**1. Мамлакатнинг географик ўрни.** Аксарият мамлакатлар географик жойлашувига қараб иқтисодий ривожланиш йўлини белгилаб олинган. Масалан, Япония иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлиги мамлакатнинг қулай географик жойлашуви билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда мамлакатда бой табиий ресурс захираларининг мавжуд эмаслиги туфайли асосий эътибор ички иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган. Япония қаторига Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Вьетнам каби мамлакатларни киритиш мумкин.

**2. Миллий маданият, анъаналар, дин, ҳаёт тарзи билан боғлиқ хусусиятлар.** Одатда, Ғарб билан Шарқ қарашлари, фикрлари бир-бирига зид ёки қисман тўғри келмаслиги мумкин. Аслида бу кўринмас ҳолат бўлиб кўринса-да, баъзи мамлакатлар учун миллий маданият ва анъаналар иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамият касб этади.

**3. Тарихий омиллар.** Жаҳоннинг аксарият ривожланаётган мамлакатлари 1960 йилларда мустамлака тизимидан холос бўлиб, мустақил иқтисодий ривожланиш йўлига ўтдилар. Собиқ мустамлака мамлакатлар ва мустамлакачи мамлакатлар ўртасидаги тарихий шаклланган иқтисодий боғлиқлик бу мамлакатларнинг тегишли иқтисодий ривожланиш моделини танлашларига бевосита таъсир кўрсатган.

**4. Миллий менталитет.** Ҳар бир миллатга хос миллий менталитетнинг шаклланганлиги дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланиш моделлари хусусиятларини белгилаб беради.

## **5. Ўқтимой-иқтисодий омиллар ва ҳ.к.**

Юқорида келтирилган омилларни ҳар бир мамлакат ўз имконият ва хоҳишлари асосида танлайди. Иқтисодий моделларнинг асосий мақсади мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш бўлиб, бир моделни иккинчи моделдан фарқлантирувчи элементлар ва боғлиқликлар мавжуд. Бу фарқ ва боғлиқликлар қуйидагилардан иборат:

**Мулк шакллари**нинг нисбати. Мамлакатда давлат ёки хусусий мулк ўртасидаги нисбат алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, АҚШда хусусий мулк давлат мулкига нисбатан устуниқ қилса, Германияда аксинча, хусусий мулк давлат мулкига нисбатан паст кўрсаткичга эга.

**Давлатнинг роли.** Бунга ҳам биз АҚШ ва Германияни мисол қилиб ўтишимиз мумкин. Германияда давлат секторининг миқёси, давлатнинг иқтисодиётга аралашishi даражаси, давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши АҚШга нисбатан юқори ҳисобланади.

**Иқтисодиётнинг очиклик даражаси.** Шундай мамлакатлар борки, уларнинг иқтисодиёти ташқи алоқаларга, яъни экспортга боғлиқ бўлади. Бу каби мамлакатлар иқтисодиётининг очиклик даражаси юқори бўлади. Баъзи мамлакатларда эса протекционизм кучли бўлиб, уларда иқтисодиётнинг очиклик даражаси паст бўлади. Иқтисодиётнинг очиклик даражасига қараб ҳам моделлар фарқланади.

**Иқтисодиётни молиялаштириш манбалари ва миқёси, хорижий капиталнинг иқтисодиётдаги улуши.** Мамлакат молиялаштириш манбалари қанчалик хорижий капиталларга боғлиқ бўлса, бу мамлакат иқтисодиёти шунчалик ташқи иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса, ўз навбатида, салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

**Меҳнат бозори.** Одатда, ривожланаётган мамлакатларда ишчи кучи кўплиги сабабли арзон ишчи кучини яратади, ривожланган давлатларда эса, бу ҳолат фарқли равишда, ишчи кучи малакали, аммо қиммат бўлади.

**Ташқи иқтисодий алоқаларнинг характери, савдо сиёсати.** Бу омил юқоридаги иқтисодиётнинг очиклик даражасига ўхшаш бўлиб, мамлакат қанчалик ташқи иқтисодий алоқаларни жадал равишда ривожлантирса, ташқи савдога кенг йўл очиб бериш сиёсатини юритса, мамлакат иқтисодиёти шунчалик барқарорлашади.

**Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражаси.** Бир мамлакат бошқа мамлакатлар билан алоқа қилмасдан, яқка, алоҳида ҳолда ривожлана олмайди. Шунинг учун мамлакатлар бирлашган ҳолда ўз иқтисодиётини юритади. Мамлакатлар мақсадлари ва имкониятлари бир-бири билан кесишса, улар бир-бирлари билан ҳамкорлик равишда иш олиб боришади ва бунда анча қулайликларга эришилади. Бунга ЕИдаги ягона валютанинг киритилишини мисол қилишимиз мумкин.

Бир моделнинг иккинчи моделдан фарқини келтириб чиқарувчи элементлар ва боғлиқликлар:

- мулк шаклларининг нисбати;
- давлатнинг роли, давлат секторининг миқёси, давлатнинг иқтисодиётга аралаштириш даражаси; давлат харажатлари ва уларнинг ЯИМдаги улуши;
- иқтисодиётнинг очиқлик даражаси;
- иқтисодиётни молиялаштириш манбалари ва миқёси, хорижий капиталнинг иқтисодиётдаги улуши;
- меҳнат бозори;
- ташқи иқтисодий aloқаларнинг характери, савдо сиёсати;
- миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув даражаси ва ҳ.к.

Иқтисодий модель самарадорлиги куйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларда акс этади:

- ЯИМ ҳажми ва таркиби;
- ЯИМ динамикаси;
- ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;
- истеъмол нархлари индекси;
- бандлик даражаси;
- меҳнат унумдорлиги ва б.

Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланиш эволюцияси таҳлили макроиқтисодий ривожланишнинг куйидаги уч моделини ажратиш имконини беради.

Биринчиси – ўз-ўзидан ривожланувчи бозор тизими бўлиб, у илгари эркин рақобат капитализми, деб аталарди. Ушбу тизим асослари А.Смит асарларида таърифлаб берилган бўлиб, кейинчалик классик либерал йўналиш вакиллари томонидан кенг ривожлантирилди.

Бозор иқтисодиётининг классик модели хусусиятлари:

- тадбиркорлик эркинлиги;
- хусусий ташаббус эркинлиги;
- савдо эркинлиги;
- давлат ролининг чекланганлиги.

Ушбу модел XIX асрнинг иккинчи ярмигача кенг қўлланилган. Капиталнинг марказлашуви эркин тадбиркорлик моделини давлат–монополистик капитализми моделига айлантирди.

Иккинчиси – маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим.

XX асрнинг бошида бўлиб ўтган социалистик революция Россияда янги иқтисодий моделини шакллантирди. Ушбу тоталитар моделга куйидаги хусусиятлар хос:

- ўта юқори даражада ғоялаштирилганлиги;
- бошқарувнинг нобозор механизмлари;
- барча соҳаларнинг давлат назоратига олинганлиги;
- йирик индустриаллаштириш;
- хусусий мулкнинг инкор этилиши.

Ушбу тизимнинг назарий асослари марксизм ва социалистик иқтисодий фан вакиллари томонидан ишлаб чиқилган. Бу тизим самарадорлиги паст бўлганлиги, айниқса, ижтимоий масалаларда самарасиз бўлганлиги учун ҳозирги даврда жаҳон илмий жамоатчилигида унга салбий муносабат шаклланган.

Учинчиси – аралаш иқтисодиёт. XX асрнинг 20–30-йилларида бўлиб ўтган “Буюк депрессия” давлатнинг иқтисодиётга кенг аралашуви асосланган янги моделни шакллантирди. Ушбу модель Ж.М.Кейнс томонидан ишлаб чиқилган ва у давлатнинг қуйидаги янги функцияларига асосланган:

- давлат мулкнинг кўпайиши ва шу орқали давлатнинг тадбир-корлик фаолиятни юритиши;
- бир қатор тармоқларнинг давлат назорати остига олиниши;
- нархларнинг шаклланиш механизмининг давлат назорати остида бўлиши;
- давлат томонидан меҳнат бозорининг тартибга солиб турилиши;
- табиий монополия ва мамлакат инфратузилмасининг давлат томонидан назорат қилиниши.

Ушбу тизимда хусусий мулк устувор бўлган бозор асоси давлат таъсири билан тўлдирилади. Таникли венгер иқтисодчиси К. Полони таъбири билан айтганда, унда “бозор эркинлиги бозордан ҳимоялаш билан кўшилиб кетади”.

Қайд этиб ўтилган хўжалик юритишнинг дастлабки икки модели фаолияти тарихий жиҳатдан ҳозирги вақтга келиб тўла тугади. Айни маҳалда аралаш иқтисодиёт мазмуни уни турли мамлакатларда рўёбга чиқариш учун турли конкрет шакллари тақозо этади. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кўп вариантларда содир бўлишининг аниқ имкониятларини ва у объектив зарурлигини айни шу аралаш иқтисодиёт юзага келтиради.

Жаҳон тажрибаси капиталистик иқтисодиёт мулкчилик шаклининг хилма-хиллигига асосланган ўзига хос ривожланиш моделларини ажратиш имконини беради.

Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий ривожланиш моделининг бир нечта турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

– **либерал модель, англосакс мамлакатларининг неолиберал модели, хусусий-корпоратив модель.** Иқтисодиётнинг ўз-ўзини бошқаришнинг бозор механизми асосида қурилган, давлат мулкчилигининг оз улуши, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг сезиларсиз тўғридан-тўғри аралашуви билан тавсифланади. АҚШ, Буюк Британия мамлакатларида амал қилади;

– **ижтимоий бозор хўжалиги модели.** Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия, Швеция ва Францияда тузилган, ижтимоий

йўналтирилган бозор иқтисодиёти номини олди. Ушбу модел миллий бозор хўжалигининг ишлашига давлатнинг фаол таъсири; давлат ролининг юқорилиги, давлат мулкисининг катта улушга эгаллиги, кучли ижтимоий таъминот тизими; давлат харажатларининг юқори даражаси; аҳолининг кенг миқёсда ижтимоий кафолатлар билан таъминланганлиги; бандликнинг тартибга солиниши каби хусусиятлар билан тавсифланади. Ижтимоий бозор хўжалиги моделини Германия билан биргаликда Канада ва Исроил ҳам қўллади;

— **Шарқий Осиё модели.** Ушбу модель Япония ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида (Жанубий Корея, Тайван, Сингапур) қўлланилади. Моделнинг хусусиятлари миллий менталитет, шарқона анъаналар ва ҳаёт тарзи, маданият таъсирида шаклланган бўлиб, моделда халқ бирлиги, давлатга садоқатлилик, халқ миллий руҳи акс эттирилган. Шарқий Осиё модели асосида Япон модели ҳам шакллантирилган. Ана шу модель орқали Япония жаҳон хўжалигида етакчи ўринларга эришди. Моделнинг асосида иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатни кучайтириш туради.

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлактлари учун хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ривожланаётган мамлакатларнинг Лотин Америкаси, Африка, Хитой ва ўтиш иқтисодиёти мамлактлари моделларини ажратиш мумкин.

**Лотин Америкаси моделига хос хусусиятлар:**

— давлатнинг иқтисодиётга кучли ва ҳар доим ҳам самарали бўлмаган аралашуви;

— коррупция ва ҳаттоки жамиятнинг криминализациялашуви, хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда;

— ишлаб чиқаришнинг юқорида санаб ўтилган бозор иқтисодиётининг уч моделидан фойдаланувчи етакчи капиталистик мамлакатлар талабини қондириш, табиий ресурслар ва арзон ишчи кучи учун йўналтирилиши.

**Африка модели** — ушбу модель ҳам мулкчиликнинг ҳар хил шакллари ва бозор муносабатларига асосланади. Бу моделдан фойдаланувчи Африка мамлакатларида, авваламбор, аҳоли ўртасида саводхонлик даражасининг пастлиги, давлатни бошқариш, ҳатто хўжалик жараёнларини корхоналар ва фирмалар даражасида тартибга солиш ҳамда бошқаришда ожизлик кузатилади. Умуман, ривожланган мамлакатларнинг ёрдамсиз африкаликлар замонавий иқтисодиётни ташкил этишлари даргумон.

**Африка иқтисодиётига қуйидагилар хосдир:**

— малакасиз меҳнатнинг шафқатсиз эксплуатация қилиниши;

— ишлаб чиқаришга “юқори”дан тўғридан–тўғри аралашувда куч ишлатиш услубларининг кенг қўлланилиши;

— ниҳоятда паст самарадорлик даражаси.

Иқтисодий ривожланишнинг хитой модели бозор тамойиллари ва коммунистик ғояларнинг уйғунлигини тақозо этиши билан бошқа моделлардан ажралиб туради. Ушбу моделга хос бўлган асосий хусусият унинг эклектиклиги билан боғлиқ.

Хитой иқтисодиётида давлат роли сақланиб келади, олиб борилаётган ислохотлар шакланган иқтисодий тизимнинг давлат ва кооператив мақомини ўзгартирмайди, иқтисодиётда хорижий капиталнинг роли катта ва аҳолини ижтимоий қафолатлашга йўналтирилган ижтимоий дастурлар яхши ривожланмаган.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари модели – бу бозор ва маъмурий-буйруқбозлик моделлари ўртасидаги оралиқ моделдир. Ушбу моделга Марказий ва Шарқий Европанинг собиқ социалистик мамлакатлари, МДҲ мамлакатлари ва қатор Осиё мамлакатларини киритиш мумкин. Ушбу мамлакатларда амалга оширилаётган қайта ўзгаришлардан асосий мақсад бозор тамойилларига асосланган демократик жамият қуришдир.

Иқтисодий ривожланиш моделлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлигига қарамадан ушбу моделлар ўхшаш жиҳатларга ҳам эга ва уларнинг барчасини бозор иқтисодиёти моделларига киритиш мумкин.

Шу билан бир вақтда барча иқтисодий ривожланиш моделлари аралаш иқтисодиёт ҳисобланади. Чунки дунё амалиётида соф бозор ёки соф режали иқтисодиёт мавжуд эмас, уларнинг барчаси бозор ва режали иқтисодиёт механизмларини аралаш қўллайди.

#### 4.2. Неолиберал иқтисодий ривожланиш модели

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш моделларининг эволюцияси таҳлили кўрсатишича, ушбу моделларнинг шаклланиши эркин рақобат давридаги классик капитализм билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий таркибининг ўзгариши, иқтисодий ривожланишдаги устувор йўналишларнинг алмашиниши ривожланиш моделларининг трансформациялашуви, ривожланишнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтишга олиб келган.

Иқтисодий ривожланишнинг либерал моделига хос хусусиятлар:

- давлат мулки улушининг паст даражада эканлиги;
- хусусий мулкнинг етакчи мавқега эгаллиги, бу мамлакатларда хусусий мулкнинг муқаддас деб эълон қилинганлиги;
- тадбиркорлик эркинлиги;
- давлат ролининг чекланганлиги: унинг асосий вазифаси макроиқтисодий сиёсат юритиш ҳисобланади;
- давлат бюджети ва давлат харажатларининг ЯИМдаги улушининг пастлиги, кучсиз ижтимоий қафолатлар;

— аҳолининг даромадлар бўйича табақалашув даражасининг юқорилиги.

Мазкур модель АҚШ ва Буюк Британия, Ирландия, Янги Зеландия ва Чилида амал қилади. Европа қитъаси мамлакатлари иқтисодий модели (Германиядан ташқари) либерал-реформистик модель, деб юритилади.

Аксарият мутахассислар аралаш иқтисодиёт моделларини мамлакатларга хос тафовутлар бўйича америкача, англияча, шведча, японча ва ҳоказо, деб ажратиб кўрсатишади.

Бунда классик кўринишдаги америкача модель XX аср бошидан 20-йиллар охиригача, яъни 1929–33 йиллардаги «буқ депрессия»га (турғунлик)ча мавжуд бўлган, деб ҳисобланади. Сўнг президент Ф. Рузвельтнинг «янги йўли»ни амалга ошириш ва бошқарувнинг кейнсча усулининг кенгроқ қўлланиши жараёнида анча ўзгартирилган.

Америкача моделнинг ўзига хос хусусиятлари орасида у тадбиркорлар фаоллигини бутун чоралар билан рағбатлантиришга ва аҳолининг энг фаол қисмини бойитишга йўналтирилганлиги билан ажратиб кўрсатилади. Кам таъминланган гуруҳлар учун қисман имтиёз ва нафақалар ҳисобидан бирмунча мақбул турмуш даражаси яратиб берилади.

Давлат бошқаруви ва ижтимоий сиёсатга нисбатан қолдиқ принципи амалга оширилади. Яъни эркин рақобат асосида самарали иш олиб боришга қодир бўлмаган секторлар ва соҳалар бошқарилади. Ижтимоий сиёсат зиммасига эса энг муҳим эҳтиёжларни қондириш учун бозор ва оила амалга ошира олмайдиган ишларни бажариш вазифаси юклатилган.

Америкача солиқ сиёсати даромадларни қайта тақсимлаш мақсадида эмас, балки нарх-наво даражаси ҳамда таклиф ва талаб таркибига таъсир кўрсатиш учун амалга оширилади. Ундан ташқари, америкача моделда давлатнинг циклиликка ва инфляцияга қарши аралашуви аниқ кўриниб туради.

АҚШда қўлланиладиган модель иқтисодиётни ўз-ўзини бошқаришнинг бозор механизми асосида қурилган, давлат мулкчилигининг кичик улуши ва товар (маҳсулот ва хизмат)лар ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг сезиларли бўлмаган тўғридан-тўғри аралашуви билан тавсифланади. Ушбу моделнинг асосий афзаллиги қуйидагилардан иборат:

— ўзгариб турадиган бозор конъюктурасига тез мослашадиган иқтисодий механизмнинг мавжудлиги;

— тадбиркорлик фаоллигининг юқори даражадалиги ва капитални фойдали қўллашнинг янада кенг имкониятларига асосланган янгиликларга йўналтирилганлиги.

Айниқса, ушбу модель ишлаб чиқариш кучларининг юқори даражада ривожланганлиги, катта ҳажмдаги ички ва ташқи бозорлар ҳамда аҳолининг юқори турмуш даражасига эгаллиги шароитларида самаралидир.

XXI асрнинг дастлабки 10 йиллигида АҚШ дунёнинг энг етакчи иқтисодий мамлакати бўлиб келмоқда. Бугунги кунда дунёда юз бераётган



молиявий инқирозга қарамай, шунингдек тез ривожланаётган Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларининг (Хитой, Ҳиндистон, Бразилия) юқори суъратларда иқтисодий ривожланишига қарамай, АҚШ дунёда сифат, жаҳон хўжалик алоқаларидаги ўрни ва таъсир даражаси каби асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича етакчилиқни сақлаб келмоқда.

АҚШ, одатда, капиталистик тизим, деб таърифланувчи тизимга эга, бироқ капитализм – Карл Маркс томонидан яратилган ибора бўлиб, иқтисодиётнинг энг муҳим соҳалари устидан назорат капиталистларнинг кичик гуруҳи ҳўлида марказлашувини англатган. Бундан фарқли ўларок, аксарият америкаликлар капитализмни бир тўда шахслар эмас, балки миллионлаб инсонларга фойда келтирувчи “эркин ишбилармонлик ташаббуси” тизими маъносида тушунишади.

### **4.3. Иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий бозор хўжалиги модели**

Ижтимоий бозор хўжалиги моделига хос хусусиятлар:

- давлат ролининг юқорилиги, давлат мулкининг катта улушга эгалиги;
- давлат харажатларининг юқори даражаси;
- аҳолининг кенг миқёсда ижтимоий кафолатлар билан таъминланганлиги;
- бандликнинг тартибга солиниши.

Ижтимоий бозор хўжалиги моделига асосланган иқтисодиётга хос муаммолар:

- давлат бюджети камомади;
- ишсизлик;
- самарадорлик даражаси паст бўлган давлатнинг тадбиркорлик фаолияти.

Ижтимоий бозор хўжалиги моделини Германия билан бирга Канада ва Исроил ҳам қўллайди.

Социал-демократик модель – бу корпоратив типдаги модель ҳисобланади. Мазкур модель Швед модели деб аталадиган скандинавия мамлакатлари мисолида кўриб чиқилади. Ўз мазмунига кўра, бу модел ижтимоий бозор хўжалиги моделига жуда яқин туради ва уларни қуйидаги хусусиятлар боғлаб туради:

- давлат секторининг аҳамияти;
- давлатнинг етакчи роли, давлат бюджетининг ЯИМдаги улушининг 50% дан юқорилиги;
- демократиянинг ривожланган тизими;
- меҳнат муносабатларини тартибга солиш, касаба уюшмаларининг роли;
- бандлик сиёсати;

– аҳолининг даромадлар даражаси бўйича табақалашувини пасайтиришга йўналтирилган фискал сиёсат.

Лекин бу модель бир қанча муаммолардан ҳам холи эмас. Ижтимоий бозор хўжалиги моделига асосланган иқтисодийётга хос муаммолар:

– давлат бюджети камомати – давлат миллий иқтисодийётга фаол аралашаётганлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг юқорилиги давлат харажатларини ошириб, давлат бюджети камоматига олиб келади.

– ишсизлик–давлат мулки хусусий мулкига нисбатан кўплиги ва кичик, ўрта тадбиркорларнинг сустривожланганлиги ишсизлик муаммолари келиб чиқишига сабаб бўлади.

– самарадорлиги паст даражада бўлган давлат тадбиркорлик фаолияти.

Ушбу модель меҳнат ва капитал манфаатлари мувозанатини қатъий ушлаб тургандагина юқори энг сўнгги туб натижаларга эришишни таъминлайди. Аммо у америка моделига нисбатан бирмунча камроқ ўзгарувчан (мослашувчан), иқтисодий конъюнктура ўзгаришидан кучсиз таъсирланади.

#### 4.4. Иқтисодий ривожланишнинг Шарқий Осиё модели

**Шарқий Осиё модели.** Ушбу модель Япония ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бир қатор мамлакатларида (Жанубий Корея, Тайван, Сингапур) қўлланилади. Моделнинг хусусиятлари миллий менталитет, шарқона анъаналар ва маданият таъсирида шаклланган:

- қариндош-уруғчилик;
- давлат ва тадбиркорлар манфаатларининг узвий боғлиқлиги;
- иқтисодийётнинг экспортга йўналтирилганлиги;
- бир умрлик ёлланиб ишлаш тизимининг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш асоси эканлиги.

«Япония модели» деярли 150 йил давомида ўз ривожланиш хусусиятларига эга бўлган. Япония моделининг Европа мамлакатлари ва АҚШ моделларидан фарқи – жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида давлат ролининг юқорилиги билан ажралиб туришидир.

Япон модели – ватанпарварлик туйғуси асосида яратилиб, энг аввало, саноат маҳсулотларини экспорт қилиш эвазига хорижий валютани тушириш ва тушган валюта эвазига етакчи хорижий мамлакатлардан замонавий технологияларни сотиб олиш, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кабиларни ўз ичига олади.

«Япония модели»нинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мамлакатда бир хил соҳада фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқарувчи корхона ва компанияларнинг бирлашуви («кейретцу») ва бунинг натижасида молия-саноат гуруҳларининг ташкил қилиниши. Лекин кўллаб «кейретцу»лар урушдан олдинги монопол компаниялар –

“дзайбацу”лардан келиб чиққан. Бу молия-саноат гуруҳлари йирик банклар, савдо ва саноат компаниялар томонидан бошқарилади;

**Иккинчидан,** мамлакатда меҳнат муносабатлари тизимининг шаклланиши, яъни:

– япон миллий урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда ишхона раҳбарияти томонидан ишчиларнинг доимий меҳнат фаолиятини кафолатлаш;

– фуқароларни бутун умрга иш билан таъминлаш;

– ишчи ўринларга юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш;

– ишчиларнинг доимий равишда иш фаолиятларини алмаштириб туришлари;

– компания ва фирмалар раҳбарлари томонидан ишчи-хизматчиларни мунтазам равишда ҳар томонлама рағбатлантириб туриш;

– ишчиларнинг “ишхона – бу бизнинг уйимиз” шиори остида фаолият кўрсатиши;

– ишхоналарда ишчиларнинг меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилиниши.

**Учинчидан,** мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида ҳукуматнинг аҳамияти ва унинг кучи назорати. Ҳукумат мамлакатдаги барча иқтисодий муаммоларни “Молия-саноат гуруҳлари” раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳал қилади.

Шу билан бирга ҳукумат марказлашган умумдавлат ривожланиш режаларини куйидаги йўналишларда ишлаб чиқади: иқтисодий тараққиёт; социал-таъминот; ер ва ер ости манбаларидан унумли фойдаланиш; саноат тармоқларини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш.

**Тўртинчидан,** ҳукумат томонидан мамлакатда ҳар қандан бизнесга қарши қаттиқ кураш олиб бориш ва назорат ўрнатиш.

**Бешинчидан,** миллий кадрлар тайёрланишини такомиллаштириш, яъни талабаларни хорижий мамлакатлардаги энг олий ўқув муассасаларига ва ишчи-хизматчиларни хорижга малака ошириш учун юбориш.

#### **4.5. Иқтисодиётнинг очиқлиги ва рақобатбардошлиги**

Дунё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг қайси моделини танламасин мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги ўрни унинг рақобатбардошлик даражаси билан белгиланади. Халқаро рақобат техник тараққиётнинг энг муҳим омилли ҳисобланади ва унинг таъсирида ишлаб чиқариш, бошқарув технологияларининг доимий янгиланиб бориш жараёни давом этади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот янгиланади ва сифати ошиб боради. Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш, халқаро рақобатни вужудга келтиришнинг муҳим шарти дунё мамлакатлари иқтисодиётининг очиқлиги билан белгиланади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ташқи дунёга нисбатан ёпиқлик албатта инкирозга олиб келади. Мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимотига интеграциялашиш даражаси – бу иқтисодиётнинг очиклик кўрсаткичидир.

Миллий иқтисодиёт учун жаҳон бозорига жалб этилганлик муҳим аҳамият касб этади. «Очиқликнинг» рационал даражаси ва тавсифини танлаш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаб бериши мумкин.

Очиқ иқтисодиёт – бу ташқи иқтисодий алоқалари ривожланган, миллий иқтисодиётнинг нисбий устунликларига таяниб, жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиб борувчи иқтисодиётдир. Очиқ иқтисодиёт, одатда, миллий иқтисодиётга нисбатан кўлланилади.

Жаҳон амалиётида иқтисодиётнинг очиклик даражаси куйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади:

- экспорт квотаси;
- импорт квотаси;
- ташқи савдо квотаси;
- импорт эластиклиги коэффиценти;
- экспорт эластиклиги коэффиценти;
- экспорт ва импорт таркиби;

– иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар ва четга чиқарилган капиталнинг жами капитал ҳажмидаги улушлари. Агар ички инвестицияларда хориждан келган маблағлар улуши қанча катта бўлса ва капитал ташқарига қанча кўп чиқса, иқтисодиёт шунчалик очик бўлади;

– меҳнат ресурслари таркибида хориждан келган ва хорижга чиқиб кетган ишчи кучи ҳиссаси. Ушбу кўрсаткич қанча катта бўлса, иқтисодиёт шунча очик бўлади.

Иқтисодиётнинг очиклик даражасига таъсир этувчи омиллар куйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасининг юқорилиги;
- иқтисодиёт таркибида қайта ишлаш ва юқори технологияли тармоқларнинг улуши;
- мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ҳажми;
- мамлакатнинг табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси.

Ўзбекистон иқтисодиёти эркинлашиб, очиклик даражаси ортиб, жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучайиб бормоқда. 2010 йилда Ўзбекистонда экспорт квотаси 33,5% га, импорт квотаси 22,6% га ва ташқи савдо квотаси 56,1% га тенг бўлди<sup>1</sup>.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг очиклик даражаси миллий ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркибига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

ҳажмининг умумий таркибида базавий тармоқлар улуши қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётнинг очиклик даражаси шунчалик паст бўлади. Ушбу ҳолат базавий тармоқларнинг халқаро ихтисослашув жараёнига кам даражада жалб этилганлиги ва асосан ички бозорга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

Ички талаб ва таҳлил мувозанатининг макроиқтисодий таҳлиллари кўрсатишича, одатда, ушбу мувозанат реал амалиётда ўз тасдиғини топмайди. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ушбу кўрсаткичдан четланиш шунчалик юқори бўлади. Мамлакатнинг техник-иқтисодий ривожланиш даражасининг юқорилиги товарлар ва хизматлар таклифининг кўпайишига ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг рағбатлантирилишига олиб келади. Бу эса иқтисодиётнинг очиклигини аниқлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси юқори, технологик жиҳатдан чуқур меҳнат тақсимотига асосланган тармоқ таркибига эга мамлакатларда иқтисодиётнинг очиклик даражаси ҳам юқори бўлади. Мутлақ кўрсаткичлар бўйича иқтисодий салоҳияти паст, табиий ресурслар билан кам таъминланган мамлакатлар иқтисодиётининг очиклик даражаси эса паст бўлади.

Қайд этиб ўтилганидек, иқтисодиётнинг очиклиги халқаро рақобатнинг муҳим шarti ҳисобланади. Мамлакатларнинг рақобатбардошлиги қандай аниқланади ва у нималарга боғлиқ? Нима сабабдан баъзи мамлакатлар рақобат жиҳатдан бошқа мамлакатларга нисбатан илгарилаб кетган?

Рақобатбардошлик тушунчасига иқтисодий адабиётда “фирмаларнинг мавжуд шароитда рақобатчиларига нисбатан баҳо ва баҳосиз тавсифига кўра товарларни лойиҳалаштириш, тайёрлаш ва сотиш борасидаги реал ва потенциал имкониятларидир”, дея таъриф берилади.

XX асрнинг 90-йилларида америкалик иқтисодчи Гарвард университети бизнес мактаби вакили Майкл Портер “Мамлакатларнинг рақобат афзалликлари” номли китобида халқаро рақобатнинг замонавий муаммоларини таҳлил этди.

М. Портер фикрича, мамлакатнинг рақобатбардошлигини унинг миллий компаниялари таъминлаб беради, шунинг учун дастлаб мамлакат рақобатбардошлигини эмас, балки миллий компаниялар рақобатбардошлигини таҳлил этиш лозим. У мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлаб берадиган қулай муҳитни яратиш куйидаги тўртта муҳим кўрсаткичга боғлиқлигини таъкидлайди:

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- талаб кўрсаткичлари;
- яқин ва хизмат кўрсатувчи (ёрдам берувчи) тармоқлар;
- рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

Ушбу муҳит доирасидаги миллий компанияларнинг самарали фаолияти мамлакатнинг рақобатбардошлик рейтингини белгилаб беради.

Мутахассислар мамлакатнинг рақобатбардошлигини аниқлаш учун 340 дан ортиқ кўрсаткичлар ва 100 дан ортиқ усуллардан фойдаланишади. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини аниқлашда қуйидагилар асосий омиллар сифатида хизмат қилади:

- иқтисодий салоҳият ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари;
- саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги;
- илмий-техник тараққиётнинг ривожланиш даражаси ва уни ўзлаштириш суръатлари;

- халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш;
- ички бозор ҳажми ва динамикаси;
- иқтисодиётда давлатнинг роли;
- молия тизимининг эгилувчанлиги;
- меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ва малака даражаси;
- ички сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат;
- иқтисодиётнинг жаҳон талабига мослашиш даражаси ва қобилияти.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Менежментни ривожлантириш халқаро институти (International Institute of Management Development, IMD) ҳар йили дунёнинг етакчи 47 мамлакатига рақобатбардошлик нуқтаи назаридан баҳо беради. Таҳлиллар 287 мезон бўйича гуруҳланган 8 та омил бўйича амалга оширилади:

- миллий иқтисодиёт тавсифи – ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамғармалар ҳажми, пировард истеъмол даражаси, аҳоли турмуш даражаси, иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлиги даражаси;

- иқтисодиётнинг байналмилаллашув даражаси;
- сиёсий тизимнинг барқарорлиги;
- молия тизими;
- инфратузилма;
- бошқарувнинг самарадорлиги;
- фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси;
- меҳнат ресурсларининг тавсифи.

Мамлакатлар рақобатбардошлигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири – бу Жаҳон иқтисодий форумининг (**World Economic Forum, WEF**) методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифловчи муҳим макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида рақобатбардошликнинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги (**The Global Competitiveness Report**) маърузасида чоп этилади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлигини баҳолаш кўпсонли маълумотларни йиғиш асосида рақобатбардошлик кўрсаткичларини асосий омиллар бўйича ҳисоблашни кўзда тутди. Кейин барча омилларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи агрегат индекс ва субиндекслар ҳисобланади. Замонавий рақобатбардошлик методикасида 12 та асосий омил ажратилади (4.5.1-расм).



4.5.1-расм. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг гуруҳланиши<sup>2</sup>

Қайд этиб ўтилган омиллар уч гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ базавий талабларни ўз ичига олади, иккинчи гуруҳ бизнес муҳит самарадорлигини оширувчи омилларни қамраб олади, учинчи гуруҳ эса бизнесни такомиллаштириш омилларини бирлаштиради. Ҳар бир гуруҳ муайян субиндекслар билан тавсифланади. Субиндексларни ҳисоблаётган вақтда ҳар бир гуруҳнинг вазни қуйидагича белгиланади биринчи гуруҳ – 25%, иккинчи гуруҳ – 17%, учинчи гуруҳ – 50% (4.5.1-жадвал).

<sup>2</sup> The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. p. 8.

**Ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ  
кўрсаткичларининг улуши, фоиз ҳисобида<sup>3</sup>**

Субиндекслар	Ресурсларга йўналтирилган босқич	Самарадорликка йўналтирилган босқич	Иновацияга йўналтирилган босқич
Базавий талаблар	60	40	20
Самарадорлик кўрсаткичлари	35	50	50
Иновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари	5	10	30

Бунда ҳар бир субиндекснинг аниқ мамлакат учун ҳисобланган натижавий Глобал рақобатбардошлик индексига (GCI) қўшган ҳиссасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишнинг қайси босқичида эканлигини аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу ёндашув иқтисодий ривожланиш жиҳатдан турли даражадаги мамлакатларнинг рақобатбардошлигини таққослаш имконини беради. Мисол учун, Ангола ва АҚШ. Агар Ангола учун энг муҳим вазифа базавий талабларга (ишлаб чиқаришни мавжуд ресурсларни максимал жалб этган ҳолда ривожлантириш) эришиш бўлса, АҚШда эса аллақачон инновацион омилларга эътибор қаратилган.

Мамлакатлар ривожланиш босқичларига кўра қуйидаги икки мезон бўйича гуруҳланади:

- аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми (бозор баҳоларида) (4.5.2-жадвал);
- мамлакатнинг омилларга боғлиқлик даражаси. Ушбу кўрсаткич хом ашё экспортининг умумий экспортдаги улуши орқали аниқланади. Экспортнинг 70% дан ортиғи хомашёдан иборат мамлакатлар ресурсларига боғлиқ бўлади.

**Иқтисодийётнинг ривожланиш босқичларини аниқлашда  
кўлланиладиган даромадлар чегараси<sup>4</sup>**

Ривожланиш босқичлари	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми, АҚШ долл.
Биринчи босқич: Ресурсларга йўналтирилган	<2,000
<i>Биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтиш</i>	2,000-3,000
Иккинчи босқич: Самарадорликка йўналтирилган	3,000-9,000
<i>Иккинчи босқичдан учинчи босқичга ўтиш</i>	9,000-17,000
Учинчи босқич: Иновацияга йўналтирилган	>17,000

<sup>3</sup> The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 8.

<sup>4</sup> The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 11.



Уч босқичдан иккаласининг ўртасида жойлашган мамлакатлар “Ўтиш босқичидаги” мамлакатлар ҳисобланади (4.5.3-жадвал).

4.5.3-жадвал

**Мамлакатларнинг ривожланиш босқичларига кўра гуруҳланиши<sup>5</sup>**

Босқичлар	Таққосланаётган мамлакатлар	Ушбу босқичдаги бошқа мамлакатлар	Рақобатбардошликнинг муҳим соҳалари
Биринчи босқич (омилларга йўналтирилган)	Ҳиндистон	Миср, Қирғизистон, Молдова, Филиппин, Тожикистон	Базавий талаблар (зарур) ва самарадорлик кўрсаткичлари (жуда муҳим)
Биринчи босқичдан иккинчи босқичга ўтиш	Хитой, Озарбайжон, Қозоғистон	Арманистон, Венесуэла	Базавий талаблар (зарур) ва самарадорлик кўрсаткичлари (аҳамияти ортиб боради)
Иккинчи босқич (самарадорликка йўналтирилган)	Аргентина, Бразилия, Колумбия, Мексика, Руминия, Украина	Босния ва Герцоговина, Болгария, Перу, Сербия, Жанубий Африка, Таиланд, Тунис, Уругвай	Базавий талаблар (жуда муҳим) ва самарадорлик кўрсаткичлари (зарур)
Иккинчи босқичдан учинчи босқичга ўтиш	Чили, Эстония, Литва, Польша, Туркия, Россия	Венгрия, Словакия, Латвия, Тайван, Хитой	Барчаси юқоридагидек муҳим, ammo инновацион омилларнинг аҳамияти ортиб боради
Учинчи босқич (инновацияга йўналтирилган)	АҚШ	Чехия, Франция, Германия, Ирландия, Исроил, Япония, Корёя Республикаси, Испания, Швеция	Учта соҳа ҳам муҳим: базавий талаблар, самарадорлик кўрсаткичлари ва инновацион омиллар

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири мамлакатларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичларига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Жумладан, глобал рақобатбардошлик индексида биринчи ўнликка кирувчи мамлакатлардан АҚШ, Дания, Канада ва Нидерландия каби мамлакатлар 2008–2009 йилдаги рўйхатдан пастга тушишган. Ушбу рўйхатда энг охириги ўринларни асосан Африканинг кам тараққий этган мамлакатлари эгаллайди (4.5.4-жадвал).

<sup>5</sup> The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 12.

**2009-2010 йиллар учун глобал рақобатбардошлик индекси бўйича  
биринчи ва охириги ўнликка кирувчи мамлакатлар<sup>6</sup>**

Мамлакатлар	2009-2010 й.		2008-2009 й.	Мамлакатлар	2009-2010 й.		2008-2009 й.
	Ўрни	Балл			Ўрни	Ўрни	
Швейцария	1	5,60	2	Парагвай	124	3,35	124
АҚШ	2	5,59	1	Непал	125	3,34	126
Сингапур	3	5,55	5	Тимор	126	3,26	129
Швеция	4	5,51	4	Мавритания	127	3,25	131
Дания	5	5,46	3	Буркина Фасо	128	3,23	127
Финландия	6	5,43	6	Мозамбик	129	3,22	130
Германия	7	5,37	7	Мали	130	3,22	117
Япония	8	5,37	9	Чад	131	2,87	134
Канада	9	5,33	10	Зимбабве	132	2,77	133
Нидерландия	10	5,32	8	Бурунди	133	2,58	132

Рақобатбардошлик муаммоси билан боғлиқ муҳим масала – бу иқтисодий хавфсизлик масаласидир.

Миллий иқтисодиёт ва компанияларнинг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлиги билан боғлиқ мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги турли позициялари мамлакатнинг ички ва ташқи ҳолати, иқтисодий хавфсизлигига жиддий таъсир этиши мумкин.

Мамлакатларнинг нотекис ривожланиши ўзаро муносабатларда тенг бўлмаган шароитларни яратди. Табиийки, ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга нисбатан иқтисодий босим ўтказишлари мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда иқтисодий хавфсизлик тўғрисидаги масала ривожланаётган мамлакатлар томонидан кўтарилган. Натижада 1974 йилда Коллектив иқтисодий хавфсизликнинг Бразилия концепцияси қабул қилинган.

Халқаро иқтисодий хавфсизлик – бу мамлакатларнинг иқтисодий манфаатларига зарар келтирувчи хавфлар ва уларнинг иқтисодиётини издан чиқаришга бўлган уринишларни бартараф этишнинг кафолатланган механизмини яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар йиғиндисидир. Ушбу экспансия куйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- савдо шароитининг ўзгариши;
- эмбаргонинг қўлланилиши;
- юқори тариф чекловлари;
- савдода миқдорий чекловлар;
- демпинг;
- технологиялар ҳаракатидаги тўсиқлар;
- илмий-техник тараққиёт ютуқларининг тарқалишидаги тўсиқлар;

<sup>6</sup> The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 13.

*пул-кредит сиёсати ва валюта режими соҳасида:*

- валюта курсини ўзгартириш;
- хорижий банкларда мамлакат жамғармаларини музлатиш;
- кредит чекловларини жорий этиш;
- “капиталнинг чиқиб кетиши” ва ҳ.к.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи салбий оқибатлар:

- “ақлларнинг оқиб кетиши”ни ташкил этиш;
- транспорт алоқаларининг бузилишини координация қилиш;
- экологик хавфсизлик;
- наркотиклар контрабандаси, қурол-яроғ, хавfli вирусларни тарқатиш ва ҳ.к.

Ушбу сиёсатга қарама-қарши восита сифатида жарима, таъсир ўтказиш босими, кредит бериш имкониятини тўхтатиш, халқаро ташкилотлар аъзолигидан чиқариш каби таъсир этишининг амалий воситалари хизмат қилиши мумкин.

Миллий иқтисодий хавфсизлик – бу мамлакат такрор ишлаб чиқариш жараёнига хавф солувчи, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ҳамда ижтимоий тўқнашувларнинг юзага келишига олиб келувчи ички ва ташқи салбий оқибатлардан миллий иқтисодиётнинг ҳимояланганлик даражасидир.

Миллий иқтисодий хавфсизлик мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодий салоҳияти, миллий бойлик ҳажми, ресурслар билан таъминланганлигига боғлиқ.

Жаҳонда иқтисодий хавфсизликнинг нисбий миқдорий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Масалан, агар озиқ-овқат ва бошқа товарлар импорти жами импортнинг 20% идан ошиб кетса, ушбу ҳолат миллий иқтисодий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатади ва унинг таркибини ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Демак, хўжалик ҳаётининг байналмилаллашув жараёни халқаро ва миллий иқтисодий хавфсизликни сақлаб туриш ҳамда қўллаб-қуватлаш жараёнидагина ривожланиши мумкин.

### **Асосий тушунчалар**

**Иқтисодий ривожланиш модели** –мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ақс эттирувчи мураккаб кўрсаткичлар тизими ва улар ўртасидаги боғлиқлик, миллий хўжаликнинг бир бутунлиги.

**Иқтисодиётнинг очиклиги** – мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимотига интеграциялашиш даражасидир.

**Очик иқтисодиёт** – ташқи иқтисодий алоқалари ривожланган, миллий иқтисодиётнинг нисбий устунликларига таяниб, жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиб боровчи иқтисодиёт.

**Либерал модель** – иқтисодиётнинг ўз-ўзини бошқаришнинг бозор механизми асосида қурилган, давлат мулкчилигининг оз улуши, товарлар

ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг сезиларсиз тўғридан-тўғри аралашуви билан тавсифланувчи модель.

**Ижтимоий бозор хўжалиги модели** – миллий бозор хўжалигининг ишлашига давлатнинг фаол таъсири, давлат ролининг юқорилиги, давлат мулкнинг катта улушга эгаллиги, кучли ижтимоий таъминот тизими, давлат харажатларининг юқори даражаси, аҳолининг кенг миқёсда ижтимоий кафолатлар билан таъминланганлиги, бандликнинг тартибга солиниши каби хусусиятларга эга модель.

**Шарқий Осиё модели** – миллий менталитет, шарқона анъаналар ва ҳаёт тарзи, маданият таъсирида шаклланган, иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатни кучайтиришга асосланган модель.

**Африка модели** – ушбу модель ҳам мулкчиликнинг ҳар хил шакллари ва бозор муносабатларига асосланади.

**Миллий иқтисодий хавфсизлик** – мамлакат такрор ишлаб чиқариш жараёнига хавф солувчи, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ҳамда ижтимоий тўқнашувларнинг юзага келишига олиб келувчи ички ва ташқи салбий оқибатлардан миллий иқтисодиётнинг ҳимояланганлик даражаси.

**Халқаро иқтисодий хавфсизлик** – мамлакатларнинг иқтисодий манфаатларига зарар келтирувчи хавфлар ва уларнинг иқтисодиётини издан чиқаришга бўлган уринишларни бартараф этишнинг кафолатланган механизмини яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар йиғиндиси.

### Назорат саволлари

1. Давлатнинг иқтисодий ривожланишга кўрсатадиган самарали таъсири нима билан белгиланади?

2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг қандай усуллари ва дастаклари мавжуд?

3. Иқтисодиётни маъмурий давлат усуллари орқали тартибга солишнинг чекланганлиги нимада?

4. Иқтисодиётни тартибга солишнинг қандай бозор усуллари мавжуд?

5. Жаҳон иқтисодиётида макроиқтисодий ривожланишнинг қандай асосий моделлари мавжуд?

6. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларга хос ривожланиш моделларининг асосий типларини санаб ўтинг.

7. Неолиберал ва статистик ривожланиш моделлари нималар билан фарқланади?

8. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг мазмунини аниқланг.

9. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини қайси кўрсаткичлар орқали аниқлаш мумкин?

10. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз ва у қайси кўрсаткичлар орқали аниқланади?


## II БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА САНОАТ ЖИҲАТДАН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАР

### 5-БОБ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТ ЖИҲАТДАН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАР

#### 5.1. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг умумий тавсифи, белгилари, гуруҳланиши ва ривожланиш моделлари

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар – жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Ушбу гуруҳга 30 дан ортиқ мамлакат киради ва баъзан ушбу мамлакатлар “ривожланган” ёки “саноат жиҳатдан тараққий этган” мамлакатлар, деб аталади.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларга хос бўлган асосий хусусиятлардан бири – даромадларнинг аҳоли қатламлари ўртасида нисбатан текис тақсимланиши ва мамлакат ҳудудининг бир текис ўзлаштирилиши ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганлиги, хусусан, аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, илм-фанни ривожлантиришга катта миқдорда маблағ сарфлаш (ЯИМга нисбатан 2–3%) ва унинг ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, тиббиёт, таълим, маданият соҳаларига сарфланаётган харажатларнинг юқорилиги ва атроф-муҳит муҳофазасига ажратилаётган сарф-харажатларнинг (ЯИМга нисбатан 3–4%) юқорлиги билан ажралиб туради.



#### 5.1.1-расм. Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларининг ривожланиш кўрсаткичлари

Ривожланган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни куйидаги миқдорий ва сифат кўрсаткичлар билан ифодаланади (5.1.1-расм):

а) миқдорий кўрсаткичлар:

– жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 57% и;

– жаҳон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг 40% и ушбу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

б) сифат кўрсаткичлар:

– иқтисодиётнинг кўп тармоқли таркибга эгаллиги. Хизматлар соҳаси ушбу мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 60% дан ортигини ташкил этади;

– жаҳон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги улушининг юқорилиги. Ушбу мамлакатлар ҳиссасига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг 80% га яқини тўғри келади;

– жаҳон илмий-тадқиқот ишланмалари ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги улушининг юқорилиги. Улар ҳиссасига ушбу маҳсулотларнинг 90% га яқини тўғри келади;

– аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажмининг жаҳондаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 4,4 мартага (2009 йил) юқорилиги (1962 йилда – 3,6 марта). Бу кўрсаткич 15 минг доллардан 38 минг долларгача тебраниб туради;

– жамятнинг ижтимоий таркибида табақалашув даражасининг пастлиги ва юқори турмуш даражаси стандартларига эга ўрта синф мавжуд.

XXI асрнинг бошида ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар гуруҳи Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Осиё, Австралия ва Океанияда жойлашган қирққа яқин мамлакатларни ўз ичига олади. Уларнинг 34 таси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)<sup>1</sup>. Ушбу мамлакатларни жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳни “Катта еттилик” мамлакатлари ташкил этади: АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Канада ва Италия. Катта еттилик мамлакатлари жаҳон хўжалиги тизимининг ривожланиш йўналишларини ва барча давлатларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тенденцияларини белгилаб беради. Бу етакчилик мамлакатлар худудининг ҳажми ва аҳолисининг сони билан эмас, балки жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, юқори меҳнат унумдорлиги, фан ва техника соҳасидаги улкан ютуқлари билан белгиланади.

---

<sup>1</sup> Австралия (1971), Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Венгрия (1996), Германия, Греция, Дания, Исроил (2010), Ирландия, Исландия, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Мексика (1994), Нидерландия, Янги Зеландия (1973), Норвегия, Польша (1996), Португалия, Словакия (2000), Словения (2010), АҚШ, Туркия, Финляндия (1969), Франция, Чехия (1995), Чили (2010), Швейцария, Швеция, Эстония (2010), Жавубий Корея (1996), Япония (1964). Аъзолик муддати кўрсатилмаган мамлакатлар ИХРТга 1961 йилда аъзо бўлишган.


Иккинчи гуруҳни худудий жиҳатдан нисбатан катта бўлмаган, юқори ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эга (Австрия, Бельгия, Дания, Нидерландия, Швеция ва б.) мамлакатлар ташкил этади. Ушбу мамлакатларнинг баъзилари жаҳон товарлар ва хизматлар савдосида етакчи ўринга эга.

Учинчи гуруҳга “кўчириб ўтказилган капитализм” мамлакатлари (Австралия, ЖАР, Исроил) киради.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) мутахассислари ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар гуруҳига Европа Иттифоқининг 15 мамлакатини, Жанубий-Шарқи Осиёнинг тўртта янги индустриал мамлакатлари (Корея Республикаси, Сингапур, Тайвань, Гонконг) ҳамда АҚШ, Япония, Канада, Мексика, Австралия, Исландия, Исроил, Янги Зеландия, Норвегия ва Швейцарияни киритишади. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, халқаро мақомига мувофиқ Тайвань Хитой провинцияси, Гонконг эса 1997 йил 1 июлдан бошлаб Хитойнинг махсус маъмурий худуди сифатида қаралади.

Жаҳон савдо ташкилоти ривожланган мамлакатлар гуруҳига 36 та мамлакатни киритади.<sup>2</sup>

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар жаҳоннинг уч иқтисодий ва сиёсий марказини («триада») ташкил этишади (5.1.2-расм).



<sup>2</sup> Шимолий Америка (Мексикадан тапқари), ЕИ-27, Европа эркин савдо ассоциацияси (Исландия, Лихтенштейн, Норвегия, Швейцария), Австралия, Япония ва Янги Зеландия.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2010 йилда ривожланган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг (ЯММ) 52,1% и, товарлар ва хизматлар экспортининг 63,6% и, жаҳон аҳолисининг 15,0% и тўғри келган (5.1.1-жадвал).

5.1.1-жадвал

Ривожланган мамлакатларнинг дунё ялпи ички маҳсулоти, товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда аҳоли сонидаги улушининг ўзгариши (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>3</sup>

Мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи	Сони		ЯММ		Товарлар ва хизматлар экспорти		Аҳоли	
	2001 й.	2010 й.	2001 й.	2010 й.	2001 й.	2010 й.	2001 й.	2010 й.
Ривожланган мамлакатлар	24	34	77,1	52,1	64,3	63,6	14,5	15,0
АҚШ			29,9	19,5	9,6	9,8	4,6	4,6
Евро зонаси	12	17	16,0	14,6	28,7	26,1	5,0	4,8
Германия			6,6	4,0	10,0	8,0	1,3	1,2
Франция			4,8	2,9	5,1	3,5	1,0	0,9
Италия			4,0	2,4	3,9	2,9	0,9	0,9
Япония			11,8	5,8	6,3	4,6	2,0	1,9
Буюк Британия			4,9	2,9	4,0	3,5	1,0	0,9
Канада			2,2	1,8	3,6	2,5	0,5	0,5
Бошқа ривожланган мамлакатлар	8	13	12,9	7,5	21,8	17,1	4,0	2,3
Маълумот учун:								
“Қатта еттилик”	7	7	64,2	39,3	42,5	34,9	11,2	10,9
Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари	4	4	3,4	3,9	9,9	9,8	1,3	1,2

Шунга қарамасдан 2001–2010 йилларда ривожланган мамлакатларнинг жаҳон ЯММдаги улуши 77,1% дан 52,1% гача, товарлар ва хизматлар экспортидаги улуши эса 64,3% дан 63,6% гача қисқарган. Хусусан, “Қатта еттилик” ва АҚШнинг жаҳон ЯММ ҳамда товарлар ва хизматлар экспортидаги улуши сезиларли қисқарган (мос равишда 64,2% дан 39,3% гача ва 29,9% дан 19,5% гача). Ушбу ҳолат жаҳон иқтисодийётида ривожланаётган мамлакатлар ролининг ортиб бораётганлигини кўрсатади.

<sup>3</sup> World Economic Outlook: October 2001. IMF, 2001. P. 185.; World Economic Outlook: September 2011. IMF, 2011. P. 167. маълумотлари асосида тузилган.



Хўжалик механизмидаги давлат сектори ва бозор элементларининг ўзаро нисбатига кўра, ривожланган мамлакатларда “аралаш иқтисодий”нинг бир нечта моделларини ажратиш мумкин:

*Либерал (америкача) модель* – ушбу моделга хусусий мулкчилик, ишлаб чиқариш, савдо, инвестиция, ишчи кучидан фойдаланиш соҳаларида бозор-рақобат механизмининг устуворлиги ва ижтимоий табақаланишнинг юқори даражаси хосдир. Ҳукумат иқтисодий макро ва микро даражада қонунлар чиқариш орқали солиқ ҳамда пул-кредит сиёсатини олиб бориш, рақобатни ривожлантириш, монополиялар ҳукмронлигини чеклаш, аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилиш каби мақсадларда тартибга солади. Ушбу модель АҚШ ва Буюк Британия учун хос бўлиб, ҳозирда Ирландия ва Италиянинг иқтисодий тизими ҳам маълум даражада либерал моделга яқинлашмоқда.

*Ижтимоий-бозор хўжалиги модели (Германия)* – ушбу модель рақобатга асосланган бозор механизми ривожланган ижтимоий инфратузилмага эга ижтимоий бозор хўжалигини ўзида акс эттиради. Бу модел тартибга солинмайдиган капитализм шароитида жамиятдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини (кам таъминлаганлар, ишсизлар, ёшлар, кичик ва ўрта фирмалар) мунтазам қўллаб-қувватлашни кўзда тутади. Давлат етарли даромад даражасини мустақил таъминлай олмайдиган ижтимоий тоифаларнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда кенг қамровли мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

*Швед модели* – ушбу моделда ижтимоий консенсусга эришиш мақсадида даромадларни кенг қўламда қайта тақсимлаш асосида ижтимоий кафолатларни таъминлашга эришилади. Бу мақсадга эришишда умумжамиат манфаатлари ва хусусий сектор манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам берадиган касаба уюшмалари ва турли хил “эркин уюшмалар” муҳим ўрин тутаяди. Бу жараён тadbиркорлар ва касаба уюшмаларининг келишувлари ҳамда сиёсий кучларнинг музокаралари воситасида амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу модель иқтисодий қарорларнинг турли гуруҳлар қарама-қаршилиги ва мақсадларини давлатнинг фаол иштирокида мувофиқлаштирилиши орқали амалга оширилиши туфайли “корпоратив модель” ҳам деб номланади.

*Япон модели* – иқтисодий ривожланишнинг япон моделини швед моделининг яна бир кўриниши сифатида келтириш мумкин. Япон модели тартибга солинувчи “корпоратив капитализм” модели ҳисобланади. Бунда хусусий капитални жамғариш имкониятлари давлатнинг иқтисодий ривожланишини дастурлаш, таркибий, инвестиция, ташқи иқтисодий ва ижтимоий сиёсат соҳаларидаги фаол роли билан уйғунлашиб кетади. Tadbиркорлик секторида давлатнинг улуши юқори бўлмайди. Давлат асосий эътиборни узлуксиз касбий тайёргарлик орқали ишчи кучининг малакасини оширишга қаратади. Шунингдек, япон моделига меҳнат ва ишлаб чиқаришни

ташқил этишнинг илғор шакллари миллий анъаналар билан уйғунлаштириш хусусияти ҳам хос. Шунинг учун иқтисодий ривожланишнинг япон моделини иерархик корпоративизм, деб ҳам аташади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти охириги юз йилликлар давомида бошқа иқтисодий тизимлар олдида ишлаб чиқариш кучларининг ўзгаришларига мослашувчанлиги ва эгилувчанлиги, фан-техника тараққиёти ютуқларини ўзлаштириш лаёқатининг юқорилиги, истеъмол талабларининг ўзгаришига тезда жавоб бера олиши каби афзалликларини намойиш эта олди.

## **5.2. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари**

Саноати жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётини айирбошланиши мумкин бўлган барча неъматларни такрор ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ҳажмини хоҳлаган нисбатда ошириши мумкин бўлган иқтисодиёт сифатида таърифлаш мумкин.

Бу мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларидан бири – иқтисодиётнинг циклик ривожланишга эгалигидир. Иқтисодиёт назариясида инвестицион фаоллик, пул массасининг ҳажми, ялпи харажатлар, асосий капиталнинг оммавий тарзда янгиланиши, ишлаб чиқаришнинг технологик асосларининг алмашинуви кабилар циклик ривожланиш сабаблари сифатида келтирилади.

XX асрнинг охири чорагида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти куйидаги циклик пасайишларни бошидан кечирди: 1974–1977, 1980–1982, 1990–1993, 1997–1998 ва 2000–2001 йиллар. XX асрнинг 70-йилларидан фарқли равишда 80–90-йиллардаги цикл муайян даражада синхрон бўлмаган тарзда юз берганлиги билан тавсифланади. АҚШ ва Канада иқтисодий ўсишнинг энг юқори нуқтасига 1982–1993 йилларда эришган бўлса, ушбу кўрсаткичга Япония 1984 йилда, Буюк Британия, Франция ва Италия – 1988 йилда, Германия 1990 йилда эришган. Бу даврда АҚШ, Буюк Британия ва Канадада янги пасайиш намоён бўла бошлади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида 2007–2008 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида янги циклик пасайиш юз берди. Таҳлиллар кўрсатишича, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан ушбу мамлакатларда ялпи ички маҳсулот 3,7% га, ялпи жамғариш 12,5% га, ички талаб 2,9% га, экспорт ва импорт мос равишда 11,9 ва 12,4% га қисқарди (5.2.1-жадвал).

Ривожланган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича бир хил эмаслиги бозор иқтисодиёти ривожланишининг даврийлиги билан бевосита боғлиқ. Ушбу ҳолат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли босқичлари, меҳнат унумдорлиги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлардаги тафовутларда намоён бўлади. XIX аср бошларида жаҳон иқтисодиётида Англия етакчилик қилган бўлса, XIX аср

охирига келиб етакчилиқ АҚШ кўлига ўтди. XX аср бошларига келиб, Германия ва Франция жаҳон иқтисодиётидаги ўз мавқеларини тезда мустаҳкамлаб олдилар.

5.2.1-жадвал

**Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси<sup>4</sup>**

	1993-2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
ЯИМ	2,8	1,9	3,1	2,7	3,1	2,8	0,1	-3,7	3,1
Хусусий астеъмол харажатлари	2,9	2,8	2,7	2,7	2,6	2,4	0,1	-1,4	1,9
Давлат астеъмоли	2,0	2,2	1,8	1,3	1,7	1,9	2,2	2,5	1,2
Ялпи жамғариш	3,4	2,1	4,5	4,3	4,0	2,2	-2,8	-12,5	2,2
Ички талаб	2,8	2,1	2,9	2,8	2,7	2,3	-0,1	-2,9	1,8
Инфляция	2,2	1,9	2,0	2,3	2,4	2,2	3,4	0,1	1,6
Экспорт	6,0	4,0	9,6	6,5	9,1	6,8	2,1	-11,9	12,3
Импорт	6,3	4,8	9,7	6,7	7,9	5,2	0,6	-12,4	11,7

Иқтисодий тараққиётдаги кескин ўзгаришлар жаҳон урушлари билан боғлиқ бўлиб, урушлар алоҳида мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳининг жаҳон ҳўжалигидаги ўрнининг ўзгаришига олиб келди. Мисол учун Биринчи жаҳон уруши Германиянинг мағлубияти ва АҚШ, Англия, Франциянинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрнининг кучайишига олиб келган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши эса АҚШнинг сўзсиз ривожланган мамлакатлар етакчисига айланишига олиб келди.

XX асрнинг иккинчи ярмида фан-техника ютуқлари таъсирида ривожланган мамлакатларда меҳнат унумдорлиги даражаси орасидаги фарқнинг қисқариш жараёни кучайди. АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулоти, жаҳон савдоси ва капиталлар миграциясидаги улуши қисқарди. Ғарбий Европа, хусусан, Германия ва Япониянинг жаҳон ҳўжалигидаги мавқеи кучайди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб жаҳон ҳўжалигида учта иқтисодий марказ (АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония) шаклланди.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида глобаллашув жараёни етакчи тенденция ҳисобланади. Ушбу мамлакатларнинг экспорт квотаси, капитал қўйилмалар таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар улуши, ишчилар таркибида хорижлик ишчилар улуши, интеллектуал мулк савдосининг ҳажми ортиб бормоқда. Бу жараён аввало ривожланган мамлакатлар таркибида содир бўлмоқда. АҚШ ва Япония экспортининг географик таркибида ривожланган мамлакатлар улуши

<sup>4</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение расков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011 йил маълумотлари асосида тузилган.

тахминан 50% ни ташкил этади. Шунга қарамасдан ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари географиясида ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг улуши ортиб бормоқда. Жумладан, 2000–2010 йилларда АҚШ, Европа ва Япония экспортининг таркибида Хитойнинг улуши мос равишда 2,1; 1,7; 8,9% дан 7,2; 2,9; 22,3% гача ортган<sup>5</sup>. Демак, глобаллашув натижасида ривожланган мамлакатларнинг ўзаро бир-бири билан иқтисодий боғлиқлигидан ташқари уларнинг бошқа мамлакатларга ҳам боғлиқлиги ортиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги яна бир муҳим тенденция интеграция ҳисобланади. Жаҳоннинг етакчи уч маркази ўртасида иқтисодий муносабатлар фаол ривожланаётган бўлса-да, интеграция жараёнлари учликнинг асосини ташкил этувчи интеграцион гуруҳлар ва уларнинг аъзолари ўртасида янада жадал суръатларда ривожланмоқда. Мисол учун НАФТА доирасидаги савдо ҳажми ушбу гуруҳнинг жами ташқи савдосида 1970 йилда 36% ни, 1990 йилда 41% ни, 2010 йилда эса 48,7% ни ташкил этди. НАФТАнинг бошқа мамлакатлар билан савдосида Европа мамлакатларининг улуши юқори ва бу кўрсаткич 2010 йилда 16,8% га тенг бўлди<sup>6</sup>.

Интеграцион бирлашмалар аъзолари ўртасидаги савдо жараёнлари ЕИда ҳам фаоллашиб бормоқда. ЕИ ичидаги савдо ҳажми 1970 йилдаёқ 60% ни ташкил этгани ҳолда ҳозирга қадар 55% дан 67% га қадар ўзгариб туради. Жумладан, ушбу кўрсаткич ЕИ-27 да 2010 йилда 65,3% ни ташкил этди. Шу билан бир вақтда Европанинг бошқа ҳудудлар экспортидаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилда МДҲ экспортида Европа мамлакатларининг улуши 52,4% га, Африка ва Яқин Шарк мамлакатлари экспортининг таркибида мос равишда 36,2 ва 12,1% га тенг бўлди<sup>7</sup>.

Япониянинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари Шарқий, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳисобланади ва уларнинг мамлакат ташқи савдосидаги улуши 40% дан юқори, Япониядан ушбу мамлакатларга йўналтирилган тўғридан-тўғри инвестициялар эса шу турдаги жами инвестицияларнинг 25% ини ташкил этади.

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги муҳим жиҳатлардан бири иқтисодиётга давлат аралашувининг камайиши, иқтисодиётнинг эркинлашиш жараёнидир. Биринчи жаҳон урушидан XX асрнинг 80-йилларига қадар ривожланган мамлакатларда давлат томонидан иқтисодиётга аралашиб даражаси давлат харажатлари ва иқтисодиётда давлат сектори улушининг ўсиши шаклида жадал суръатларда ортиб борди. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиши натижасида аксарият ривожланган мамлакатларда давлат

<sup>5</sup> WTO. International Trade Statistics 2011. P. 232, 234, 234.

<sup>6</sup> Ўша манба. P. 21.

<sup>7</sup> Ўша манба. P. 21.

харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қисқариб борди. Бундан ташқари, хусусийлаштириш, транспорт ва алоқа, энергетика, коммунал хўжалик каби тармоқларда давлат мулкани хусусий компанияларнинг бошқарув ихтиёрига топшириш бошланди.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни эркинлаштириш иқтисодий сиёсатда кейнсчиликдан неоклассиклар, неолиберализмдан институционализм томон чекиниш билан бирга олиб борилди. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсат мактабларида тўпчанган бой тажриба, ғоя ва дастакларни мавжуд иқтисодий ҳолат ва иқтисодий ривожланиш модели хусусиятларига мос равишда самарали қўллашга ҳаракат қилишади.

### 5.3. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг таркиби

XXI асрнинг бошларига келиб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг таркиби постиндустриал таркибга эга бўла бошлади. Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг таркибида 1980 йилда бирламчи (қишлоқ хўжалиги, қазиб чиқариш, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги) тармоқларнинг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,5% ни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 2% гача қисқарган. Ушбу вақт ичида иккиламчи тармоқлар (саноат ва қурилиш) улуши 33,5% дан 26% гача қисқаргани ҳолда, учламчи тармоқлар (хизматлар соҳаси) улуши 63% дан 73% гача ошган<sup>8</sup>.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ривожланган мамлакатларда, хусусан, АҚШда қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон саноати самарадорлигининг ўсиши натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида бирламчи тармоқлар улушининг кескин пасайиши ва миллий хўжаликлар таркибида қайта ишлаш саноатининг улушининг сақланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши барқарор ортиб бориши кузатилди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг рўй беришида хизматлар соҳаси ва самарасиз ишлаб чиқаришларнинг қисқариши, 1973–1975 йиллардаги энергетика ва хом ашё инкнрози катта туртки бўлди.

Ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги 1900, 1950 ва 1970 йилларда дунё қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг учдан бир қисмини ишлаб чиқарган бўлса, ушбу кўрсаткич XXI асрнинг бошларига келиб 25% га тушиб кетди. Бу ҳолат агросаноат мажмуасининг қисқариши эвазига эмас, балки ривожланган мамлакатлар аҳолиси сонининг секин кўпайиши ва аксарият озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг тўйиниши билан боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ўз аҳолисини озик-овқат билан таъминлашдан (Ғарбий Европа XX асрнинг ўрталарига қадар

<sup>8</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Львенева. –М.: Магистр, 2010. С. 253, 254; World Development Report 2011. World Bank. P. 313.

ўзини озик-овқат билан таъминлай олмаган) ташқари миллиардлаб бошқа мамлакатлар аҳолисини озик-овқат билан таъминлай бошлади. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби ривожланган мамлакатларнинг барчасида қишлоқ хўжалиги давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланади ва агросаноат мажмуасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ривожланган мамлакатларда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга қисқариб бориш тенденциясига эга. Саноат улушининг қисқариши ривожланаётган ва ўтиш иқтисодийети мамлакатлари томонидан кучли рақобат натижасида енгил саноат, металлургия мажмуаси каби тармоқларнинг тугатилиши ёки баъзи тармоқларда ўсишнинг секинлашуви (кимйё, ўрмон мажмуаси), ривожланган мамлакатларда аксарият саноат тармоқлари маҳсулотларига бўлган талабнинг қисқариши билан изоҳланади. Шу бир вақтда саноатнинг баъзи тармоқлари (ёқилғи-энергетика мажмуаси) барқарор суръатларда ривожланмоқда, жумладан, машинасозлик мажмуасининг дунёдаги ўрни янада кучаймоқда.

Ривожланган мамлакатларда ёқилғи-энергетика мажмуаси қуйидаги омиллар таъсирида ривожланмоқда:

— энергия тежовчи технологияларнинг ўзлаштирилиши натижасида ишлаб чиқаришда энергия сиғимининг камайиши. Мисол учун 1973–1985 йилларда ИХТТга аъзо мамлакатларда ялпи ички маҳсулот 32% га ўсгани ҳолда энергия истеъмоли 5% га ошди. Бундан ташқари ривожланган мамлакатларда янги технологиялар ва устун даражада хизматлар соҳасининг ривожланиши таъсирида ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғимкорлиги пасайиб бормоқда. Мисол учун 1970–2000 йилларда АҚШ ялпи ички маҳсулотининг энергия сиғимкорлиги<sup>9</sup> 0,713 дан 0,417 гача пасайди;

— ривожланган мамлакатларнинг ёқилғи импортига боғлиқлиги;

— ёқилғига бўлган талабнинг қисқариши билан бир вақтда электроэнергияга бўлган талабнинг ўсиши.

Ушбу омиллар ўртасидаги боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда ривожланган мамлакатларда бирламчи энергия ресурсларига бўлган талаб ва электроэнергия ишлаб чиқариш барқарор суръатларда ўсиб боргани ҳолда ушбу мамлакатларнинг нефть ва газ импортига кучли боғлиқлиги сақланиб қолади.

Машинасозлик мажмуаси ривожланган мамлакатлар саноатининг асосини ташкил этади ва саноат ишлаб чиқаришининг 30–45% и ушбу мажмуа ҳиссасига тўғри келади. Ривожланган мамлакатлар машинасозлик маҳсулотларининг аксарият қисмини ишлаб чиқаришади. Улар машинасозлик соҳасининг мураккаб бўлмаган (арзон автомобиллар) ёки оралиқ маҳсулотларини (компьютерларнинг эҳтиёт қисмлари)

<sup>9</sup> Минг долларлик ялпи ички маҳсулот (доний нархларда) ишлаб чиқариш учун сарфланган шартли ёқилғи, тонна.

ривожланаётган мамлакатларда ТМК филиаллари орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, нисбатан мураккаб машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Ривожланган мамлакатларда электрон машинасозлик машинасозликнинг асосий тармоғига айланиб бормоқда. Мисол учун, 2010 йилда АҚШ, ЕИ-27 ва Япониянинг офис ва телекоммуникация асбоб-ускуналари, интеграл схемалар ва электрон компонентлар, автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари жаҳон экспортининг таркибидаги улуши мос равишда 20,5%, 33,2% ва 39,0% ни ташкил этди<sup>10</sup>.

Хизматлар соҳаси транспорт, савдо, майший хизмат ва таълимнинг ҳисобига ХХ асрнинг биринчи ярмидаёқ ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг асосий тармоғига айланиб улгурди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин хизматлар ижтимоий соҳа – таълим, фан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий таъминот ҳисобига, кейинчалик эса молия хизматлари ва ахборот-коммуникация хизматлари ҳисобига жадал суръатларда ривожланди. Жумладан, 2010 йилда жаҳон транспорт, туризм ва тижорат хизматлари экспортида АҚШ, ЕИ-27 ва Япониянинг улуши мос равишда 35,6%, 25,8% ва 42,1% ни ташкил этди<sup>11</sup>.

Ривожланган мамлакатларда молия сектори иқтисодиёт ҳолатини ифода этувчи асосий индикаторга айланиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда давлат харажатларининг ортиши бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларининг вужудга келишига олиб келди. Ушбу мамлакатлар учун мунтазам бюджет тақчиллиги хос бўлиб, 2008 йилдан бошлаб биронга мамлакатда консолидациялашган бюджет профицитга эга бўлмаган. Хусусан, 2010 йилда ушбу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан Ирландияда 32,4% га, АҚШда 11,2% га, Грецияда 10,5% га, Испанияда, 9,2% га, Португалияда 9,1% га, Францияда 7,0% га, Евро худудидида 6,0% га тенг бўлди<sup>12</sup>.

Ривожланган мамлакатларда давлат бюджети тақчиллигининг сабаблари ХХ асрда давлат харажатларининг кескин ошиб кетиши билан боғлиқ. Йирик мамлакатларда ушбу харажатларни давлат қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ҳисобидан қоплаш имкони мавжуд. Бу мамлакатларда ялпи ички маҳсулот, кўпроқ ички бозор ва ички талаб учун мўлжалланган. Ўрта ва кичик мамлакатларда бундай имконият мавжуд бўлмагани сабабли улар давлат бюджетини мувозанатлашга эътибор беришга мажбур бўлишади.

Бюджет тақчиллиги давлат қарзининг ўсишига олиб келади. Европа мамлакатларининг аксариятида давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50% дан ошади. 2010 йилда эса ушбу кўрсаткич Греция (130,2%),

<sup>10</sup> WTO. International Trade Statistics 2011. P. 96, 111, 118.

<sup>11</sup> Ўша манба. P. 96, 111, 118.

<sup>12</sup> Соколов В.В. Зона евро: современный этап. //Деньги и кредит, №8, 2011. С. 49.

Италия (118,4%), Исландия (115,6%), Бельгияда (100,2%) 100% лик кўрсаткичдан ошиб кетди. Жаҳоннинг муҳим иқтисодий марказлари АҚШ ва Японияда давлат қарзи 2010 йилда мос равишда 92,7 ва 225,9% га тенг бўлди<sup>13</sup>. Давлат қарзи Молия вазирлиги томонидан бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида чиқариладиган қимматбаҳо қоғозлардан иборат бўлади.

Бюджет тақчиллиги инфляцияни келтириб чиқиш сабабларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат уруш давларигагина хос бўлган бўлса, ҳозирда замонавий иқтисодиётнинг асосий хусусиятига айланиб қолди. Ғарбий Европада инфляциянинг ўртача йиллик суръатлари 1820–1900 йилларда 0,1% га, 1990–1998 йилларда 3,6% га тенг бўлган. XX асрнинг 70–80-йилларидан бошлаб ривожланган мамлакатларда инфляция суръатларининг пасайиши кузатилмоқда. Шунга қарамасдан инфляция суръатлари ушбу мамлакатларда юқориликгача қолмоқда: 1988–1997 йилларда ўртача 3,4%, 1998–2007 йилларда 2,0%, 2008–2010 йилларда 1,7%. Ривожланган мамлакатларда инфляция даражаси 2010 йилда 0,7% дан (Япония) 5,4% гача (Исландия) ўзгариб турди.

**Ижтимоий соҳа.** XX асрда аксарият ривожланган мамлакатларда аҳолининг даромадлар бўйича табақлашувидagi фарқнинг қисқариши кузатилди. Аҳоли даромадларининг ўсиши битан бир вақтда бой ва камбағал қатламлар даромадларидаги фарқлар қисқарди. Мисол учун Жини коэффиценти Буюк Британияда солиқлар тўлагунга қадар 1938 йилда 0,43 га, урушдан кейинги даврда эса 0,3–0,36 оралиғида, АҚШда 1929 йилда 0,51 га тенг бўлгани ҳолда урушдан кейинги даврда 0,38–0,44 оралиғида ўзгариб турди.

Ривожланган мамлакатларда аҳоли даромадларининг кескин ошиши натижасида ўрта синфнинг шаклланиши ижтимоий табақалашувнинг қисқариш сабабларидан бири ҳисобланади. XIX асрда олиб борилган либерал иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий соҳага нисбатан эътиборсизлиги XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ижтимоий қарама-қаршиликларга олиб келди. Натижада ривожланган мамлакатларда XX асрда давлатнинг ижтимоий сиёсати ўзгарди, давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий соҳага ажратила бошланди, сиёсий ҳаётнинг демократлашуви аҳоли ўртасида ижтимоий тўсиқларнинг қисқаришига олиб келди.

Ривожланган мамлакатларда турли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделлари доирасида иш вақти давомийлиги ва ишсизлик даражаси ўртасида фарқ кузатилади. Аҳоли турмуш даражасининг юқориликгача қарамасдан АҚШ ва Япония ривожланган мамлакатлар ўртасида бир ишчига ҳисобланган расмий иш соатлари (1800 соат атрофида) бўйича етакчилик қилишади. Бу кўрсаткич 2003 йилда Буюк Британияда – 1700, Италияда – 1600, Германия ва Францияда – 1500, Нидерландия ва Норвегияда – 1400 соат атрофида бўлган.

<sup>13</sup> Оверченко М. Три угрозы мировой экономики. //Ведомости, 14.03.2011.



Ишсизлик даражаси ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделлари доирасида фарқ қилади.

Ғарбий Европада ишсизлик даражаси 1913 йилда 1,5% ни, 1950–1973 йилларда ўртача 2,9%, 1973–1998 йилларда 7,1%, 1998–2007 йилларда 8,5% ни ташкил этгани ҳолда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида 2010 йилда 10,1% га тенг бўлди. Ғарбий Европада ишсизлик даражаси иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари сабабли тарихий ўсиб бориш тенденциясига эга. Жумладан, ЕИга аъзо мамлакатлар ўртасида энг юқори ишсизлик даражаси 2011 йилнинг охирига келиб Испания (22,6%), Греция (17,6%), Латвия (16,1%), Литва (15,5%), Ирландия (14,2%), Словакия (13,5%), Эстонияда (12,8) кузатилди<sup>14</sup>.

АҚШда ишсизлик даражаси 1913 йилда 4,3% ни, 1950–1973 йилларда ўртача 4,6% ни, 1973–1998 йилларда 6,6% ни, 1999–2007 йилларда 4,9% ни ташкил этган бўлса, молиявий-иқтисодий инқироз туфайли 2010 йилда 9,6% га қадар ошди. Умуман, АҚШда ишсизлик даражаси Ғарбий Европага нисбатан инқироз таъсирини ҳисобга олмаганда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари туфайли камроқ ўзгаришга эга.

Японияда ишсизлик даражаси 1950–1973 йилларда ўртача 1,6% ни, 1973–1998 йилларда 2,5% ни, 1998–2007 йилларда 4,6% ни ташкил этган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири оқибатида ишсизлик даражаси ортиб, 2010 йилда 5,1% га тенглашди.

Таҳлиллар ишсизлик даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан Япониянинг иқтисодий ривожланиш модели 1998–2007, 2008–2010 йилларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пастлигига қарамасдан ишсизлик даражасининг пастлигини намойиш этмоқда. Бунинг сабаби япон моделига хос бўлган коммунизм билан боғлиқ бўлиб, япон фирмалари ўз ишчиларини камдан-кам ҳолларда ишдан бўшатишади.

Ривожланган мамлакатларда, хусусан, Ғарбий Европа мамлакатларида ижтимоий йўналтирилганликнинг кучайиши демографик жараёнлар билан боғлиқ. Гап умумий аҳоли сонига кекса ёшдагилар (65 ёшдан ошган) улушининг ошиши билан изоҳланадиган демографик вазият – *аҳолининг қариши* муаммоси ҳақида бормоқда. Агар кексалар сонининг умумий аҳоли сонигаги улуши 12% дан ошса, ушбу мамлакатлар аҳолиси қариётган ҳисобланади. Мисол учун 2003 йилда кексалар сонининг улуши Европа Иттифоқи мамлакатларида – 15%, АҚШда – 12%, Японияда – 15% ни ташкил этган. Аҳолининг қариши пенсия тўловлари, кексаларни парваришлашни ташкил этиш ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш учун кўшимча маблағларни талаб этади. Аҳолининг қариши маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибига жиддий таъсир ўтказиши.

<sup>14</sup> Аутсорсингу ишдуга замену //Коммерсантъ, 30.01.2012.

Аксарият Ғарб иқтисодчилари аҳолининг қариши муаммосини иқтисодий салоҳиятнинг пасайиши билан боғлайдилар. Улар пенсия жамғармаларига тўланадиган бадалларнинг оширилиши ишловчиларнинг “кексалик”ка олиб қўядиган жамғармаларининг камайишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Натижада инвестицион ресурслар камаяди ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши сусаяди. Бошқа таҳлилчиларнинг фикрича, туғилишнинг пасайиши сабабли болалар ва ўсмирлар таъминотига кетадиган харажатлар қисқаради ва ишловчиларга тушадиган иқтисодий юк енгиллашади.

**Ташқи иқтисодий алоқалар соҳаси.** Ривожланган мамлакатлар жаҳон савдосида етакчилик қилишса-да, охириги ўн йилликда уларнинг улуши қисқариш тенденциясига эга. 1953 йилда жаҳон товар экспортида “Катта еттилик” мамлакатлари улуши 46,4% ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2010 йилда 34,1% га тенг бўлди. Ушбу ҳолат асосан АҚШ ва Буюк Британия улушининг қисқариши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг жаҳон экспортидаги улуши 1953–2010 йилларда мос равишда 18,8% дан 8,6% гача ва 9,0% дан 2,7% гача пасайган<sup>15</sup>.

Ривожланган мамлакатларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳаракатидаги улуши ҳам қисқариб бориш тенденциясига эга. Мисол учун ушбу мамлакатларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишдаги улуши 1995–2000 йилларда 73,4% га тенг бўлгани ҳолда ушбу кўрсаткич 2010 йилда 48,4% ни ташкил этди. Тўғридан-тўғри инвестицияларни четга чиқаришда эса уларнинг улуши ушбу даврда 89,3% дан 70,7% га қадар қисқарди<sup>16</sup>.

#### **5.4. Ривожланган мамлакатларда “янги иқтисодиёт”нинг шаклланиши**

Ривожланган мамлакатларда “янги иқтисодиётнинг” шаклланиши ХХ аср охири ХХI аср бошларида жаҳон иқтисодиётидаги энг муҳим йўналишлардан биридир. Ушбу ҳодисанинг асоси глобал бозор иқтисодиёти ҳисобланади. Бироқ, бундай иқтисодий ҳодисанинг энг муҳим жиҳатини ахборот технологиялари ифодалайди. Янги иқтисодиёт бу – инсон капиталининг моддий-ашёвий ресурслар – ер ва капиталга нисбатан катта улушга эга бўлганлиги билан тавсифланадиган соҳалар мажмуидир.

Янги иқтисодиёт қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади:

- таълим;
- ахборот-коммуникация бозорлари;
- инновацияларни ишлаб чиқиш;

<sup>15</sup> WTO. International Trade Statistics 2011. P. 22.

<sup>16</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2007 год: Транснациональные корпорации, добывающая промышленность и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2007. С. 10; Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 19.

- юкори технологиялар;
- интеллектуал хизматлар.

Янги иқтисодиёт баъзида маҳсулотни яратиш жараёнида ахборотлар ва билимларнинг етакчи ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда “ахборотлашган иқтисодиёт”, “билимлар иқтисодиёти” ёки “интенсив иқтисодиёт”, деб ҳам аталади.

Янги иқтисодиёт инсоният тарихидаги иқтисодий инқилобларнинг (биринчиси – аграр, иккинчиси – саноат) учинчиси – ахборот инқилобидан кейин вужудга келган. Мутахассислар ушбу инқилобнинг ривожланган мамлакатларда бошланиш сабабини инвестицияларнинг умумий ҳажмида инсон капиталига сарфланган инвестициялар улушининг ортиб бориши билан боғлайдилар. Таҳлиллар кўрсатишича, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 1950–2000 йилларда 47–48% дан 70% гача ўсган. Ривожланган мамлакатларда XX аср бошида моддий-ашёвий капитал инсон капиталига сарфланган инвестициялардан қиймати бўйича икки баробар ошган бўлса, XXI аср бошида бу капитал инсон капиталидан ўртача 1,5 баробарга камайди. АҚШда бу кўрсаткич 2,4–2,6 баробарга камайган. Инсон капитали иқтисодиёт таркибида туб ўзгаришлар ва янги соҳаларнинг ривожланишига ёрдам беради.

XX асрнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатларда катта ёшдаги аҳолининг таълим олиш давомийлиги сезиларли даражада узайди. Мисол учун Италияда 5,5 йилдан 13,3–13,5 йилгача, Японияда 9–9,2 йилдан 15,9–16,1 йилгача, Францияда 9–9,4 йилдан 17–17,2 йилгача, АҚШда эса 11,3 йилдан 19,6–20 йилгача. АҚШда бу кўрсаткич Ғарбий Европанинг етакчи мамлакатлари ва Японияга нисбатан икки баробар – 2,1 йилдан 4,3 йилгача ошди.

Ривожланган мамлакатлар жаҳон технологик ривожланишидаги етакчи мавқеини фаол инновацион фаолият олиб бориш орқали таъминлашади. Ушбу мақсадга эришиш учун ривожланган мамлакатлар ИТТКИга катта миқдорда маблағ сарфлашади. Мисол учун 2010 йилда биргина АҚШ 395,8 млрд. доллар ҳажмида ИТТКИни ривожлантириш учун мблағ сарфлаган (5.4.1-жадвал).

Мисол учун 2009 йилда АҚШ федерал бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратаётган маблағлар миқдори (инқирозга қарши рағбатлантириш маблағларидан ташқари) 165 млрд. долларни ташкил этди ва шундан 41,3 млрд. доллари фундаментал тадқиқотлар учун, 30,7 млрд. доллари амалий тадқиқотлар учун, 85,3 млрд. доллари тажриба-лойиҳа ишларига сарфланган<sup>17</sup>.

ЕИ мамлакатлари илм-фанни ривожлантиришга сарфланаётган маблағлар миқдорини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3% га етказишни режа қилган.

<sup>17</sup> Расулев А.Ф., Тростянский Д.В. Развитие инновационной деятельности национальной экономики в посткризисный период. // Экономика и финансы, № 1. 2011. С. 10.

**Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда ИТТКИ  
харажатлари, 2010 й.<sup>18</sup>**

	ИТТКИ харажатлари		
	млрд. долл.	ЯИМдаги улуши, %	Жаҳон ИТТКИ харажатларидаги улуши, %
АҚШ	395,8	2,8	34,4
Япония	142,0	3,3	12,3
Германия	68,2	2,4	5,9
Жанубий Корея	42,9	3,0	3,7
Франция	41,5	1,9	3,6
Буюк Британия	37,6	1,7	3,3
Канада	23,7	1,8	2,1
Италия	18,7	1,1	1,6
Тайвань	18,2	2,3	1,6
Испания	17,2	1,3	1,5
Австралия	15,3	1,8	1,3
Швеция	11,6	3,3	1,0
Нидерландия	10,6	1,6	0,9
Исроил	9,1	4,2	0,8
Австрия	8,2	2,5	0,7

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, фаол инновацион фаолият давлатнинг фан-техника тараққиёти соҳасидаги етакчи роли орқали белгиланади. Давлат ушбу соҳадаги миллий устуворликларни аниқлайди, инновацион ривожланишга молиялаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш тизими орқали фаол таъсир ўтказиши. Бундан ташқари давлат томонидан инновацион фаолиятда тadbirkorлик секторининг катнашишини рағбатлантириб бориши натижасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланаётган ички харажатларнинг катта қисми бизнес томонидан таъминланмоқда. Мисол учун ушбу кўрсаткич ЕИда 56% га, АҚШда 63% га, Японияда эса 74% га тенг. ИХТТ мамлакатларида корпорацияларнинг умуммиллий тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланаётган харажатлар таркибидаги улуши ўртача 70% га яқинлашмоқда.<sup>19</sup>

Ривожланган мамлакатларда инсон капиталига сарфланаётган инвестициялар ҳажмининг ошириб бориши билан бир қаторда асосий капиталнинг фаол элементи ҳисобланган ахборот технологияларига сарфланаётган инвестициялар ҳам жадал суръатларда ўсаётганлигини кузатиш мумкин. Ривожланган мамлакатлар ўртасида ушбу кўрсаткич бўйича АҚШ етакчи мавқега эга ва 1970–80 йилларда ахборот

<sup>18</sup> R&D Magazin. 2011 Global R&D Funding Forecast. P. 5.

<sup>19</sup> Федяшева Г. Развитие инновационного потенциала Узбекистана в условиях модернизации экономики // Рынок, деньги, кредит, № 08(171), 2011. С. 49.

технологияларини ривожлантиришга сарфланаётган харажатлар йилга ўртача 20–25% га, 1990 йилларда эса 30–35% га ўсиб борган.

ИТТКИга катта миқдорда маблағ сарфлайдиган ва йирик интеллектуал капиталга эга компанияларга хос белги бу компаниялар акцияларининг юқори даражада котировка қилинишидир. Трансмиллий компанияларнинг бу белгиси ва уларда ишловчилар сонига қараб “эски” ва “янги” иқтисодий компанияларига ажратиш мумкин.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳонда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг ярмини ишлаб чиқарадиган, 368,0 минг кишини иш билан таъминлайдиган, дунё бўйлаб завод ва фабрикаларига эга АҚШ автомобиль sanoatининг “катта училиги” молия бозорига мол-мулки компьютерлар ва бир нечта офислардан иборат, маҳсулотини эса глобал интернет тармоғига кириш ҳуқуқсиз кўриб бўлмайдиган ёш Интернет-компаниялар училигига қараганда тўрт баробар паст баҳоланади (5.4.2-жадвал).

#### 5.4.2-жадвал

**Ривожланган мамлакатларнинг “эски” ва “янги” иқтисодий вакили сифатидаги компанияларининг таққослама кўрсаткичлари, 2010 й.<sup>20</sup>**

Компания	Капиталлашиш даражаси, млрд. долл.	Ходимлар сони, минг киши.	Компания	Капиталлашиш даражаси, млрд. долл.	Ходимлар сони, минг киши.
Ford Motor	56,4	164,0	Apple	321,1	49,4
General Motors	48,4	67,0	Intel	110,7	82,5
Johnson Controls	28,2	137,0	Cisco Systems	94,8	70,7
Жами	133,0	368,0	Жами	526,6	202,6

Ахборот технологияларини ўзлаштиришда ривожланган мамлакатлар ўртасида табақалашув мавжуд бўлиб, АҚШ ушбу соҳада етакчи мавқега эга. Таҳлиллар кўрсатишича, АҚШда ҳар минг кишига тўғри келувчи компьютерлар сони 1990 йилда 190–210 тани, 2000 йилда 500 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2008 йилда 787 тага етди. Интернетдан фойдаланувчилар сони 1995 йилда – 32,8%, 2000 йилда – 50%, 2008 йилда эса 75,9% га етди. Умуман, XXI аср бошида АҚШда жаҳон компьютер имкониятининг тахминан 40% и тасарруф этилган.

Ахборот технологиялари иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни тубдан ўзгартириб боради. Ривожланган мамлакатлар ўртасида Интернетдан янада самаралироқ фойдаланиш бўйича рақобат кучаймоқда. Масалан, 2008

<sup>20</sup> www.ft.com.

йилда Исландияда Интернетдан фойдаланувчилар улуши 90% ни, Швецияда 87,7% ни, Норвегияда 82,5% ни ташкил этди<sup>21</sup>.

Ахборот технологиялари таъсирида бозор механизми, бизнес ва миллий хўжалик таркиби, жаҳон иқтисодиётининг инфратузилмасида янги жараёнлар бошланди. Бошқача айтганда, бозор муносабатларининг ўзига хос янги ривожланиш босқичи бошланди.

Интернет бизнеснинг куйидаги икки тармоқдан иборат янги соҳасини вужудга келтирди;

— интернетни техник, технологик ва дастурий таъминлаш;

— интернет тизимида бевосита тадбиркорлик билан шуғулланиш ёки интернет-бизнес.

Тахлиллар кўрсатишича, Интернет орқали электрон савдо билан шуғулланиш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ушбу савдо ҳажми ҳар 2–2,5 йилда икки бараварга ошмоқда ва унинг салоҳияти ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 30% ига тенг, деб баҳоланмоқда. Жаҳон электрон савдосининг ҳажми 1990 йилларнинг ўрталарида 5–10 млрд. долларни ташкил этган бўлса, XXI аср бошида 100–150 млрд. долларга етди ва яқин истиқболда 2 трлн. доллардан ошиб кетиши кутилмоқда.

Демак, истиқболда иқтисодиётнинг sanoat жиҳатдан таракқий этиши ахборотлашиш жараёнининг интеллектуал таркиби билан бевосита боғлиқ.

## **5.5. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлатнинг роли**

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлатнинг аралашуви 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози шароитида инқирозга қарши чора-тадбирларни бошқариш билан асос солинган. Кейнс назариясига мувофиқ, солиқ, кредит, нарх сиёсати, давлат харажатларини бошқариш, жумладан, ҳарбий, талабни рағбатлантириш ва чеклаш каби чора-тадбирлар инқирозга қарши сиёсатнинг асосий воситалари бўлди. Давлат инқироз даврида ялпи талабни давлат харажатларини ошириш, бизнесга солинадиган солиқларни пасайтириш, кредит олиш ҳуқуқини кенгайтириш, юмшоқ пул-кредит сиёсатини олиб бориш орқали рағбатлантирди. Иқтисодий ўсиш даврида эса давлат ўз харажатларини қисқартирган, қаттиқ пул-кредит сиёсати юритиб, солиқларни оширган ва кредит олиш ҳуқуқини чеклаган.

Урушдан кейинги йилларда кўпчилик ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш сиёсати, деб ном олган иқтисодиётни узок муддатли тартибга солишнинг турли шакллари юзага кела бошлади. Тартибга солишнинг шундай шаклларида бири иқтисодий дастурлаш ва баъоратлаш ёки индикатив режалаштиришдир. У 1947 йилда Францияда вужудга келди, кейинчалик Бенилюкс мамлакатларида, 1950–60 йиллардан

<sup>21</sup> Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.: ПРООН. – М., Издательство «Весь Мир», 2010. С. 211.

бошлаб Швеция, Буюк Британия, Италия, Германия, Испания, Финляндия ва Япония киришди.

Индикатив режалаштириш куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради:

– макроиктисодий ва ижтимоий сиёсатнинг устувор мақсадларини асослаш;

– ўзаро боғлиқ ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар мажмуи ва уларга эришиш муддатларини белгилаш;

– режалаштирилган даврда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи иктисодий меъёрларни белгилаш;

– ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;

– давлат ва нодавлат бошқарув органлари томонидан иктисодиётни тартибга солиш.

Индикатив режалаштириш дастурлари 3–5 йилга тузилади. Шу билан бир вақтда улар қисқа муддатли (уч йилдан кам) ва узоқ муддатли (10–15 йил) бўлиши ҳам мумкин.

Давлат харидлари, буюртмалари, давлат бошқарув органлари, ҳудудий ҳокимиятлар, тадбиркорлар уюшмалари, касаба уюшмалари, корхоналар ўртасидаги муддатли шартнома шаклидаги шартнома-режалар индикатив режалаштириш воситалари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда индикатив режалаштиришнинг бош мақсади мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Индикатив режалаштириш давлат сектори учун бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ўз ичига олади, хусусий корхоналар эса гарчи улар учун бу мажбурий бўлмаса-да, ушбу режага мос иш тутадилар. Мисол учун, Японияда ишлаб чиқиладиган “умумдавлат ижтимоий-иктисодий ривожланиш режалари” расман қонун ҳисобланмаса-да, иктисодий субъектларни шу дастурлар умуммиллий манфаатлар йўлида бажаришга йўналтирадиган ва сафарбар этадиган давлат дастурларини ифода этади. Япония чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери индикатив режалаштириш асосида аниқ мақсадга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги шароитда индикатив режалаштиришнинг асосий мақсади миллий иктисодиётни ривожлантиришнинг давлат ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим бўлган энг муҳим устувор йўналишларини танлаш бўлган – стратегик шакли кенг тарқалмоқда. Мисол учун, Франциянинг ўнинчи индикатив режасида 1989–1992 йилларда иктисодиётни ривожлантиришнинг куйидаги олгита устувор йўналишлари белгилаб берилган: бандликни таъминлаш, таълим, илмий тадқиқотлар, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш, давлат хизматларини янгилаш. Улар давлатнинг мақсадли грантлари сифатида расмийлаш-тирилган ва молиявий имтиёзлар тизими билан таъминланган.

АҚШда стратегик режалаштириш муваффақиятли рақобатга эришишнинг янги йўллари излаш, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, штатлар ва маҳаллий ҳокимиятларга тўлиқ ишонч ҳамда молиявий мадад беришга асосланган самарали иқтисодий сиёсат учун кўмак беришга йўнаштирилгандир.

Ривожланган мамлакатларда бюджетли режалаштириш кенг қўлланилмоқда. Ушбу мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга таъсир этиш воситаларидан бири пул-кредит сиёсатидир. Уни давлатларнинг марказий банклари олиб борадилар ва улар: дисконт сиёсати ёрдамида фойз ставкаларини ўзгартирадилар; хусусий банкларнинг марказий банкларнинг махсус ҳисобларида сақланадиган мажбурий энг кам захиралари меъёрларини белгилайдилар; очиқ бозорда давлатнинг қимматли қоғозлари ва нодавлат компаниялар, банкларнинг қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга оширади.

Пул-кредит сиёсати иқтисодиётни ривожлантиришда даврий тебранишларни камайтириш ва инфляция жароёнлар билан курашишда ишлатилади. Ишлаб чиқариш ва ишчанлик фаолиятини рағбатлантириш учун марказий банк мажбурий энг кам захиралар меъёрларининг ҳисоб ставкасини пасайтиради, шунингдек, банкларнинг кредит имкониятларини кенгайтириш ва хусусий бизнес учун кредитни янада манфаатли қилиш учун очиқ бозорда қимматли қоғозларни фаол сотиб ола бошлайди.

Солиқ сиёсати тадбиркорлик сектори ишчанлигини фаоллаштиришни, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ва ишлаб чиқаришнинг ҳудудий жойлаштирилишини рағбатлантирувчи дастак бўлиб хизмат қилади. Солиқ сиёсати ўзига хос тури жадаллаштирилган амортизация ҳисобланади. Фирма, корхоналар фойдасини жиҳозлардан уч-тўрт йил фойдаланилиши давомида амортизация фондига ўтказишга руҳсат берилади. Бу эса капиталнинг жамғарилиши, уни техник янгилаш ва иқтисодий ўсишни тезлаштиришга ёрдам беради.

Ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси ушбу мамлакатларда амал қиладиган иқтисодий ривожланиш моделларига мос равишда фарқланади. Жумладан, давлат харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши Ғарбий Европа моделида нисбатан юқори (50% атрофида), америка (33% атрофида) ва япон моделида нисбатан пастроқ (25%). Мисол учун, 2010 йилда давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши Австрия (52,3%), Бельгия (53,0%), Дания (55,8%), Ирландия (53,0%), Италия (51,2%), Франция (56,3%), Швецияда (53,7%) 50,0% дан юқори бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич АҚШда 41,4% га, Японияда эса 39,7% га тенг бўлди (5.5.1-жадвал).

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлат аҳамиятини янада оширди.

Умуман, ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар жаҳоннинг уч иқтисодий ва сиёсий марказини (“триада”) ташкил этишади. Ушбу учлик ичида иқтисодий кучлар нисбати ўзгариб туради, иқтисодий



алоқалар интеграцион бирлашмалар – ЕИ ва НАФТА ичида жадал суръатларда ривожланмоқда.

5.5.1-жадвал

**Давлат харажатлари ЯИМга нисбатан %<sup>22</sup>**

Мамлакат	2009	2010	Мамлакат	2009	2010
Австрия	52,3	52,3	Нидерландия	50,0	50,1
Бельгия	54,0	53,0	Норвегия	46,1	45,5
Буюк Британия	47,2	46,6	Португалия	48,0	47,7
Германия	47,6	46,5	Россия	40,5	39,3
Дания	58,4	55,8	Словакия	40,8	38,9
Исроил	42,4	42,0	Словения	46,8	47,7
Ирландия	49,0	53,0	АҚШ	43,3	41,4
Исландия	52,1	48,2	Финляндия	49,4	50,2
Испания	45,8	45,6	Франция	56,0	56,3
Италия	51,9	51,2	Швейцария	36,7	36,4
Канада	43,8	42,7	Швеция	52,7	53,7
Кипр	46,4	47,4	Чехия	46,1	45,9
Люксембург	42,5	42,0	Япония	39,7	39,7

Ривожланган мамлакатларнинг тармоқ таркибида охириги ўн йилликларда постиндустриал ўзгаришлар юз берди. Бирламчи тармоқларнинг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2% гача, иккиламчи тармоқларнинг улуши 26% гача қисқарди, учламчи тармоқлар улуши эса 73% га қадар ортди.

Ривожланган мамлакатлар учун мунтазам бюджет тақчиллиги ҳосилдир. Ривожланган мамлакатларда давлат бюджети тақчиллигининг сабаблари ХХ асрда давлат харажатларининг кескин ошиб кетиши билан боғлиқ. Бюджет тақчиллиги инфляцияни келтириб чиқариш сабабларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат уруш давларигагина хос бўлган бўлса, ҳозирда замонавий иқтисодиётнинг асосий хусусиятига айланиб қолди.

Ривожланган мамлакатлар жаҳон савдоси ва капиталлар ҳаракатида етакчилик қилишса-да, охириги ўн йилликда уларнинг улуши қисқариш тенденциясига эга. Жумладан, “Катта еттилик” мамлакатларининг жаҳон товар экспортидаги улуши 1953–2010 йилларда 46,4% дан 34,1% гача қисқарди.

ХХ асрда аксарият ривожланган мамлакатларда аҳолининг даромадлар бўйича табақалашувидаги фарқнинг қисқариши кузатилди.

**Асосий тушунчалар**

“Катта еттилик” мамлакатлари – жаҳон ҳўжалиги тизимининг ривожланиш йўналишларини ва барча давлатларда ижтимоий-иқтисодий

<sup>22</sup> Куликов А.Г., Куликова Е.Г. Россия и Китай: пути модернизации //Деньги и кредит, №5, 2011. С. 34.

тараққий тенденцияларини белгилаб берувчи мамлакатлар гуруҳи (АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Канада ва Италия).

**Либерал (америкача) модель** – хусусий мулкчилик, ишлаб чиқариш, савдо, инвестиция, ишчи кучидан фойдаланиш соҳаларида бозор-рақобат механизмининг устуворлиги ва ижтимоий табақаланишнинг юқори даражаси хос бўлган модель.

**Швед модели** – ижтимоий консенсусга эришиш мақсадида даромадларни кенг кўламда қайта тақсимлаш асосида ижтимоий кафолатларни таъминлаш устуворлик қилувчи модель.

**Япон модели** – хусусий капитални жамғариш имкониятлари давлатнинг иқтисодий ривожланишини дастурлаш, таркибий, инвестиция, ташқи иқтисодий ва ижтимоий сиёсат соҳаларидаги фаол роли билан уйғунлашиб кетувчи тартибга солинувчи корпоратив капитализм модель.

**Янги иқтисодиёт** – инсон капиталининг моддий-ашёвий ресурслар – ер ва капиталга нисбатан катта улушга эга бўлганлиги билан тавсифланган соҳалар мажмуи.

**Янги иқтисодиёт** – махсулотни яратиш жараёнида ахборотлар ва билимларнинг етакчи ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда “ахборотлашган иқтисодиёт”, “билимлар иқтисодиёти” ёки “интенсив иқтисодиёт”, деб ҳам аталади.

**Индикатив режалаштириш** – иқтисодиётни узоқ муддатли тартибга солиш тури бўлиб, иқтисодий дастурлаш ва башоратлашга асосланади.

### **Назорат саволлари**

1. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларга хос бўлган асосий белгиларни санаб ўтинг.

2. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг асосий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига қайси кўрсаткичлар киради?

3. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг қандай ривожланиш моделлари мавжуд?

4. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни қандай?

5. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар учун қандай ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари хос?

6. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти қандай таркибга эга?

7. «Катта егитилик»нинг ривожланган мамлакатлар гуруҳидаги ўрни қандай?

8. «Янги иқтисодиёт» нима ва унинг қандай омилларини биласиз?

9. Қайси мамлакатлар ИТТКИ харажатлари бўйича етакчи ҳисобланади?

10. Ривожланган мамлакатларда давлатнинг роли қандай?

## 6-БОБ. АҚШ ИҚТИСОДИЁТИ

### 6.1. АҚШда бозор иқтисодиётининг ривожланиш омиллари ва хусусиятлари

АҚШ иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш даражаси бўйича дунёнинг энг йирик мамлакати ҳисобланади. АҚШ иқтисодиётининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларини белгилаб беради.

Мамлакат ҳудуди 9,7 млн. кв. км.ни, аҳолисининг сони 310 млн. кишини (2010 й.) таъкил этади. АҚШда 100 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади ва шундан келиб чиқишига кўра европаликлар 80% ни, қора танли америкаликлар 12% ни, испан тилида сўзлашувчи америкаликлар 5% ни, келиб чиқиши бўйича осийликлар 2% дан кўпроқни, 1% га яқини эса ҳиндулардир.

АҚШ ЯИМ ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринни (2010 йилда 14,5 трлн. долл.), аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми бўйича 5 ўринни (2010 йилда 46 774 долл.) эгаллайди. АҚШ ҳиссасига жаҳон 2010 йилда ЯИМнинг 23% и, жаҳон валюта захираларининг 61,4% и, СДР валюта саватида долларнинг улуши 41,9% ни таъкил этди<sup>1</sup>.

АҚШ федератив республика ҳисобланиб, маъмурий жиҳатдан 50 та штат ва федерал Колумбия округига бўлинади. Ҳозирда АҚШ қуйидаги тўртта иқтисодий ҳудудга ажратилади: Шимоли-Шарқ, Ўрта Ғарб, Жануб ва Ғарб.

Шимоли-Шарқий иқтисодий ҳудуд ҳудуди жиҳатдан катта бўлмасида, унда мамлакатнинг расмий пойтахти – Вашингтон ва “иқтисодий пойтахт” – Нью-Йорк жойлашган. Нью-Йорк мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10% ини беради.

Ўрта Ғарб Чикаго – Детройт, Кливленд каби мамлакат ҳудудининг 20% ини эгаллайдиган саноат марказларини ўз ичига олади.

АҚШнинг Жануби мамлакатда нефть, газ, кўмир, фосфоритларни казиб чиқариш бўйича биринчи ўринда туради. Бу ҳудуд ҳиссасига матолар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 9/10 қисми тўғри келади.

Ғарб АҚШнинг энг тараққий этган ҳудуди ҳисобланиб, Калифорния, Вашингтон штатлари, Лос-Анжелес шаҳри киносаноат, ҳарбий саноат мажмуаси, авиация, космос ва электрон саноатининг ривожланганлиги билан ажралиб туради.

АҚШда қўлланиладиган макроиқтисодий ривожланиши модели иқтисодиётни ўз-ўзини бошқаришнинг бозор механизми асосида қурилган, давлат мулкчилигининг кичик улуши ва ишлаб чиқариш жараёнида

<sup>1</sup> Красавина Л.Н. Тенденции развития международных валютных отношений в условиях глобализации мировой экономики. //Деньги и кредит, №11, 2011. С. 15.

давлатнинг сезиларли бўлмаган тўғридан-тўғри тартибга солиши билан тавсифланади.

АҚШ иқтисодиёти қуйидаги афзаллик ва омиллар асосида ривожланган:

- йирик ишлаб чиқариш салоҳиятининг мавжудлиги;
- бой табиий хомашё захиралари, юқори демографик салоҳият, илмий техник ва технологик устунликка эгаллиги;
- мамлакатнинг қулай геополитик жойлашуви ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай имкониятларнинг мавжудлиги;
- мамлакат ҳудудида 150 йилдан ортиқ вақт мобайнида урушлар бўлмаганлиги;
- ички бозор миқёси ва ҳажмининг катталиги;
- постиндустриал иқтисодий таркибга эга янги ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланганлиги;
- ривожланган хизматлар соҳаси ва бозор инфратузилмасининг мавжудлиги;
- давлат томонидан иқтисодий фаолият эркинлигининг эркин рақобатни ҳимоялаш, тадбиркорликни рағбатлантириш, монополияга қарши чора-тадбирлар ёрдамида қўллаб-қувватланиши.

XXI аср бошида АҚШ иқтисодиёти ривожланиш жиҳатдан янги технологик босқичга ўтди. Бу босқич микропроцессорлар, микроэлектроника, биоинженерия соҳасида янги авлод техника ҳамда технологияларини жорий этиш орқали табақалашган ва майда серияли ишлаб чиқаришни шакллантириш босқичи ҳисобланади.

Замонавий АҚШ иқтисодиёти иқтисодиётнинг фан сиғимкорлиги даражасининг ортиши, “билимлар иқтисодиётининг” шаклланиши билан ажралиб туради. 2010 йилда АҚШ ИТТКИни ривожлантириш харажатлари учун 395,8 млрд. доллар сарфлади. Ушбу кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 2,8% ни, жаҳон ИТТКИ харажатларининг 34,4% ини ташкил этди<sup>2</sup>.

АҚШ иқтисодиётига хос хусусиятлардан бири мамлакатда кенг камровли ахборот инфратузилмасининг шаклланганлигидир. АҚШ ҳиссасига жаҳонда ишлаб чиқарилаётган компьютерларнинг 40% и тўғри келади, иқтисодиётда Интернет орқали амалга оширилаётган савдо битимларининг ўзи 2000 йилларда 1,3 трлн. доллардан ошиб кетди.

АҚШ иқтисодиётининг ривожланишидаги кейинги муҳим хусусият дунёнинг бошқа мамлакатларида такрорланмайдиган хизматлар соҳаси улушининг юқорилигидир. Иқтисодиётда банд бўлганлар ва мамлакат ЯИМнинг 80% и хизмат соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга қайта ишлаш саноати ҳам жаҳон иқтисодиётида энг йирик тармоқдигича

<sup>2</sup> R&D Magazin. 2011 Global R&D Funding Forecast. P. 5.

қолмоқда ва таркибий жиҳатдан фан сифимкорлиги юқори тармоққа айланмоқда.

Замонавий АҚШ иқтисодиётини тавсифловчи жиддий ўзгаришлар мулкчилик муносабатларида ўз аксини топмоқда. Жумладан, агар 1970 йилда даромадларининг 70% и корпоратив секторда яратилган бўлса, бу кўрсаткич XXI аср бошларида 90% ни ташкил этди. Иқтисодиётда турли мулк шаклига эга компаниялар – инвесторлар (акционер капиталининг 80% дан ортиғи), ишчи-ходимлар (8%), истеъмолчилар ва нотижорат ташкилотлар (акционер капиталининг 12% и) кенг ривожланди ва ўз ўрнига эга бўлди.

АҚШ товарлар бозорининг амал қилиш ва иқтисодий ривожланиш циклларида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Ахборот технологияларининг ривожланиши материал захираларни бошқариш тизимини такомиллаштириб, уларнинг ортиқча тўпланиб қолишининг олдини олиш ва шу орқали ишлаб чиқариш капиталини жамғаришнинг моддий асосини қисқартириш имконини берди. Натижада охириги ўн йилликларда ишлаб чиқариш цикли билан боғлиқ иқтисодий пасайишлар қисқара борди, кўтарилиш босқичлари эса барқарор ва узок муддатли бўлиб борди. Жумладан, охириги 8 та пасайишга нисабатан 1900–1953 йилларда содир бўлган 14 та пасайишларда ЯИМдаги йўқотишлар уч баравар юқори бўлган. Иқтисодий кўтарилишларнинг ўртача муддати 1990–1953 йилларда 2,5 йилни ташкил этган бўлса, XX аср иккинчи ярмида 5 йилга тенг бўлди. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришнинг пасайиш босқичи 17 ойдан 11 ойгача қисқарди. Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ушбу тенденцияларга жиддий ўзгаришлар киритди.

АҚШ иқтисодий ривожланишидаги муҳим омишлардан бири – давлат томонидан тартибга солиш ҳисобланади. XX асрнинг 80-йилларига қадар иқтисодиётда давлатнинг роли ЯИМдаги улуши, федерал бюджет орқали қайта тақсимлаш, штатлар ва маҳаллий бюджетларда (70-йиллар охирида 34%) мунтазам ортиб борди. 80-йиллардан бошлаб давлат томонидан тартибга солиш Кейнс тамойилларидан чекина бошлади. XXI аср бошида мамлакат ЯИМда федерал бюджет улуши даромадлар бўйича 18–19% дан, ЯИМни яратишда давлат улуши 12% дан ошмайди.

АҚШ иқтисодиётида юқорида қайд этиб ўтилган ижобий тенденциялар бир қаторда жиддий муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, АҚШ иқтисодиёти циклик тебранишларга мойил. 2008 йилда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз ҳозирга қадар мамлакат иқтисодиётида стагнация ҳолатида ушлаб турибди.

Давлат бюджети, савдо ва тўлов баланси тақчиллиги мамлакат иқтисодиёти учун жиддий муаммо ҳисобланади. АҚШ давлат қарзи мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга ва 2010 йилда ЯИМга нисабатан 94,4% ни ташкил этди. ХВФ мутахассисларининг прогнозларига кўра 2016 йилгача ушбу кўрсаткич 115,4% гача ўсиши мумкин (6.1.1-жадвал).

**АҚШ давлат бюджети камомати ва давлат қарзи динамикаси,  
ЯИМга нисбатан %<sup>3</sup>**

	1995–2004	2005	2010	2011	2012	2016
Соф кредитлаш/соф қарз	–	–3,2	–10,3	–9,6	–7,9	–6,0
Жорий операциялар сальдоси	–	–5,4	–3,2	–3,1	–2,1	–2,7
Тўлов баланси сальдоси	–	–2,7	–7,0	–6,4	–5,0	–4,9
Соф қарз	43,2	42,7	68,3	72,6	78,4	88,7
Ялпи қарз	62,3	61,7	94,4	100,0	105,0	115,4

АҚШда аҳолининг қариши муаммоси долзарб муаммога айланиб бормоқда. 65 ёшдан катта аҳоли улуши 2030 йилга бориб 20% ни ташкил этиши башорат қилинмоқда. Бу ўз навбатида ижтимоий суғурта ва пенсия таъминоти тизимида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

## 6.2. АҚШ иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш динамикаси

АҚШ иқтисодиётининг тармоқ таркиби постиндустриал кўринишга эгаллиги билан ажралиб туради. АҚШ ЯИМ ҳажми 2010 йилда 14,5 трлн. долларни ташкил этди ва мамлакатда 26,5 млн.га яқин фирмалар, жумладан, 5,3 млн. корпорациялар, 2,3 млн. ҳамкорлик ташкилотлари ва 18,9 млн. хусусий (индивидуаль) тадбиркорлар мавжуд. Маҳсулотлар сотиш ҳажми (жами сотиш ҳажмининг 80% и) бўйича корпорациялар етакчи мавқега эга. Жами сотиш ҳажмининг 41% и кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига (500 млн. киши банд), 59% и эса йирик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида ишчи кучининг 52% и банд бўлса, йирик бизнесда бу кўрсаткич 48% га тенг.<sup>4</sup>

2010 йилда мамлакат ЯИМнинг 77% и хизматлар, 22% и саноат ва 1% и қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келди. 1980–2010 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 3% дан 1% гача, саноатнинг улуши 34% дан 21% га қисқаргани ҳолда, хизматлар соҳасининг улуши мутаносиб равишда 63% дан 77% гача ортди (6.2.1-жадвал).

<sup>3</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 207, 211.

<sup>4</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. –М.: Магистр, 2010. С. 263.

**АҚШ иқтисодиётининг тармоқ таркиби,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>5</sup>**

	1980 й.	1990 й.	2010 й.
Саноат	34	28	22
Қишлоқ хужалиғи	3	2	1
Хизматлар соҳаси	63	70	77

Постиндустриал иқтисодиёт таркибига эга саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ичида АҚШнинг рақобатчиси йўқ. Халқаро меҳнат тақсимоотида хизматлар соҳасига ихтисослаштириш бўйича рақобат афзаллигига эга Франция (78%), Бельгия (76%) ва Гонконг (92%) каби мамлакатлар иқтисодиётининг ҳажми кичик бўлганлиги сабабли АҚШга рақобатчи бўла олмайдилар.

АҚШ саноатида қайта ишлаш саноати етакчи мавқега эга. Ушбу тармоқда мамлакат ЯИМнинг тахминан 13% и яратилади ва ишчи кучининг 15% и банд. АҚШ дунёда қайта ишлаш саноати маҳсулотлари ҳажми (жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг 30% и) бўйича биринчи ўринни эгаллайди ва унинг ҳиссасига жаҳон машинасозлик экспортининг 14,0% и, кимё саноати маҳсулотларининг 14,5% и тўғри келади. АҚШ қайта ишлаш саноатида базавий (капитал, материал, энергия сифимкорлиги юқори) тармоқлардан фан сифимкорлиги юқори тармоқларни ривожлантириш йўлига ўтиш жараёни жадал суръатларда ривожланмоқда.

АҚШ қайта ишлаш саноатидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий хусусияти фан сифимкорлиги юқори (компьютерлар ишлаб чиқариш, асбобсозлик, авиакосмос саноати, кимё маҳсулотлари ва янги материаллар ишлаб чиқариш) тармоқларни комплекс ривожлантириш ҳисобланади. АҚШда қабул қилинган таснифга мувофиқ фан сифимкорлиги юқори тармоқларга ИТТКИ харажатлари сотиш ҳажмига нисбатан 3,5% дан кам бўлмаган, ИТТКИ соҳасида ҳар минг кишига 25 ва ундан ортиқ тадқиқотчи тўғри келади тармоқлар киради. Фан сифимкорлиги юқори маҳсулотлар қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилади: кимё, машина ва асбоб-ускуналар, авиакосмос саноати маҳсулотлари, махсус илмий асбоблар ва инструментлар.

АҚШда фан сифимкорлиги юқори тармоқларнинг устун даражада ривожланиши қуйидаги омиллар билан изоҳланади<sup>6</sup>:

– анъанавий тармоқларга нисбатан юқори жамғариш нормасига эгаллиги. Мисол учун, 2007 йилда компьютерлар ва электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида соф фойданинг акционер капиталга нисбати 10,2% ни, электр асбоб-ускуналарда – 18,3% ни ташкил этди;

<sup>5</sup> World Development Report 2012. World Bank. P. 396.

<sup>6</sup> Давыдов А. Структурные изменения в американской экономике. //Мировая экономика и международные отношения, 2009, №11. С. 40–41.

- миллий ва хорижий инвесторлар учун жозибадорлиги;
- Америка корпорациялари томонидан ИТТКИга сарфланаётган молиявий ресурсларнинг 80% га яқини ва илмий-тадқиқот ишларига жалб этилаётган кадрларнинг 80% ининг фан сиғимкорлиги юқори тармоқларда концентрациялашуви;

- ушбу соҳада меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик кўшимча ўсиш суръатлари 4% ни ташкил этади ва бу кўрсаткич бошқа тармоқларда 1–1,5% га тенг;

- ишлаб чиқаришда компьютерлар ва дастурий таъминотни янгилашнинг бошқа тармоқларга қараганда тезроқ амалга оширилиши;

- нисбатан катта бўлмаган капитал қўйилмалар ёрдамида илмий-техник ишланмаларнинг юқори самарадорлигини таъминловчи ва оммавий ишлаб чиқаришда янгиликларни жорий этишни жадаллаштирувчи венчур корхоналарнинг кенг миқёсли тармоғини яратиш. Тахлиллар кўрсатишича, Америка иқтисодиётининг фан сиғимкорлиги юқори тармоқларида бу корхоналарнинг 20% дан ортиғи фаолият юритади.

АҚШ қазиб чиқариш саноати мамлакат ЯИМнинг 1,3% ини яратса-да, бу тармоқнинг иқтисодиётдаги ўрни катта. АҚШ қазиб чиқариш саноатида нефть ва газ қазиб чиқариш етакчи мавқега эга. АҚШ нефть қазиб чиқариш бўйича дунёда 2–3 ўринларни (жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг 9% и), табиий газ (23%) ва кўмир (22%) қазиб чиқаришда 2-ўринни эгаллайди. Шу билан бир вақтда минерал ресурсларга бўлган ички истеъмолнинг катта қисми импорт ҳисобидан қопланади: нефть – 59%, темир рудаси – 17%, табиий газ – 15%, никель – 63%, боксит – 100%, марганец – 100%.

АҚШ меҳнат унумдорлиги юқори, ривожланган қишлоқ хўжалигига эга мамлакат ҳисобланади. Ушбу тармоқда мамлакат ЯИМнинг 1% и яратилади, 3,3 млн. киши ишлайди (жами ишчи кучининг 2,6% и). АҚШда 2,3 млн. фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, йиллик маҳсулот сотиш ҳажми 100 минг доллардан (фермерларнинг 46,6% и) ошадиган фермерлар ҳиссасига қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98% и тўғри келади. Сотиш ҳажми 1 млн. доллардан ошадиган фермерлар (фермерларнинг 1,4% и) ҳиссасига эса жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 41,7% и тўғри келади. Маълумотлар кўрсатишича, АҚШда ишлок хўжалик ишлаб чиқариши йирик фермер хўжаликларида концентрациялашган. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётда сезиларли улушга эга агросаноат мажмуасининг бир қисми ҳисобланади ва АҚШ агросаноат мажмуаси мамлакат ЯИМнинг 15% ини ишлаб чиқаради.

АҚШ пул-кредит тизимида Федерал захира тизими (ФЗТ) алоҳида ўрин тутди. ФЗТ Бошқарувчилар кенгаши, – 12 та федерал захира банки ва 6 мингга яқин хусусий банклардан ташкил топган. ФЗТ Европа Марказий банкдан фарқли пул-кредит тизимидан ташқари макроиқтисодий тартибга солишни ҳам амалга оширади. АҚШда 76 мингдан ортиқ тижорат банклари (филиаллари билан биргаликда), 13



мингдан ортиқ жамғарма банклар, 53 мингта молиявий ипотека институтлари, 28 мингга яқин суғурта компаниялари, 10 мингдан ортиқ кредит иттифоклари мавжуд. Бундан ташқари, Европадан фарқли АҚШда инвестициялар ва капитал оқиб ўтиш манбаи фонд биржалари ҳисобланади. АҚШ ҳиссасига жаҳон фонд бозорининг 40% и тўғри келади<sup>7</sup>.

**АҚШ ташқи иқтисодий алоқалари.** 2010 йилда АҚШ ташқи товарлар савдосининг умумий ҳажми 3 трлн. 248 млрд. долларни, экспорт ҳажми 1 трлн. 278 млрд. долларни, импорти эса 1 трлн. 969 млн. долларни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасининг ЯИМдаги улуши 27,7% га тенг бўлди<sup>8</sup>.

АҚШ ташқи товарлар савдоси балансининг камомати 2010 йили 690,9 млрд. долларни ташкил этди. Йирик жорий тўлов баланси қолдиғи АҚШнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги афзалликларидан ўз манфаатлари йўлида самарали фойдаланишни акс эттиради. АҚШ хорижий мамлакатлар, шу жумладан ўз ТМК филиалларидан ишлаб чиқариш харажатлари паст бўлган маҳсулотларни импорт қилади. Бир томондан, бу ҳолат инфляциянинг ўсишини чекласа, бошқа томондан, АҚШ компанияларига мураккаб, фан сиғимкорлиги юқори товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувига имкон яратади.

АҚШ жаҳон товарлар экспортида 2010 йилда 2-ўринни, импортида 1-ўринни, жаҳон хизматлар экспорти ва импортида 1-ўринларни эгаллади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози АҚШ ташқи савдосига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Мисол учун, 2009 йилда товарлар экспорти ва импорти 2008 йилга нисбатан мос равишда 18 ва 26% га пасайди (6.2.2-жадвал).

6.2.2-жадвал

**АҚШ ташқи савдосининг ҳажми ва ўзгариши, млрд. долл.<sup>9</sup>**

	2010 й.	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %		
		2005–2010 йилларда ўртача	2009 й.	2010 й.
Товарлар экспорти	1 278,3	7	-18	21
Товарлар импорти	1 969,2	3	-26	23
Хизматлар экспорти	518,3	8	-7	9
Хизматлар импорти	358,1	6	-8	7

<sup>7</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. –М.: Магистр, 2010. С. 266.

<sup>8</sup> Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011. P. 92.

<sup>9</sup> Ўша манба. P. 92.

АҚШ ташқи савдосининг товар таркибида саноат маҳсулотлари етакчи мавқега эга бўлиб, 2010 йилда саноат маҳсулотларининг товарлар экспортидаги улуши 78,8% ни, товарлар импортида эса 73,4% ни ташкил этди. АҚШ ташқи савдосида рақобатбардош соҳаларидан бири хизматлар соҳасидир. АҚШ хизматлар савдосида барқарор ижобий қолдиққа эга бўлиб, 2010 йилда бу кўрсаткич 160,3 млрд. долларни ташкил этди. Хизматлар савдоси туризм, транспорт, молия, савдо лицензияси ва роялти, телекоммуникация, илмий-техник ва бошқа хизматлар ҳисобига ўсмоқда. Жумладан, 2010 йилда АҚШнинг жаҳон хизматлар экспортидаги улуши 14,0% ни ташкил этди (8.2.3-жадвал).

8.2.3-жадвал

**АҚШ ташқи савдосининг товар таркиби, 2010 й.<sup>10</sup>**

	Товарлар			Хизматлар	
	Экспорт	Импорт		Экспорт	Импорт
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	11,2	5,9	Транспорт	13,7	21,5
Ёқилғи ва қазиб чиқарилган саноати маҳсулотлари	10,0	20,7	Туризм	25,6	22,9
Саноат маҳсулотлари	78,8	73,4	Бошқа тижорат хизматлари	60,7	55,6
Жаҳондаги улуши	8,4	4,5	Жаҳондаги улуши	14,0	10,2

АҚШ товарлар экспортида қайта ишлаш саноатининг улуши қарийб 80% етади. Жумладан, 2010 йилда АҚШнинг жаҳон автомобиллар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари савдосидаги улуши 9,1% ни, офис ва телекоммуникация жиҳозлари савдосида 8,4% ни, кимё саноати маҳсулотлари савдосида 11,1% ни ташкил этди.

АҚШнинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Таҳлиллар АҚШ ташқи савдо айланмасининг географик таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, 2000 йилда АҚШнинг НАФТА бўйича асосий савдо ҳамкорлари Канада ва Мексика ҳиссасига товарлар савдосининг 32,2% и тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 28,4% гача қисқарган. Кейинги ўринларда ЕИ-27 (19,8%), Хитой (13,7%), Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари (9,4%), Япония (6,6%) туради (8.2.4-жадвал).

<sup>10</sup> Ўша манба. Р. 80.

**АҚШ ташқи товар айлаимасининг географик таркиби,  
жамига нисбатан %да<sup>11</sup>**

	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	100	100	100	100	100	100	100
Канада	20,0	19,1	18,3	17,9	17,4	16,2	16,2
Европа Иттифоқи (27)	19,8	19,2	18,8	19,2	18,8	19,1	17,4
Хитой	8,5	11,9	12,4	12,7	12,2	13,6	13,7
Мексика	12,2	11,1	11,3	11,0	10,7	11,6	12,2
Жанубий Осиё мамлакатлари	12,8	10,1	9,9	5,9	8,6	9,1	9,4
Япония	8,2	7,0	7,0	6,7	6,2	6,3	6,6
Яқин Шарқ	2,9	3,7	3,8	4,0	4,9	4,0	3,9
Африка мамлакатлари	2,0	3,2	3,5	3,8	4,2	3,4	3,6
Бошқа мамлакатлар	12,1	13,1	13,4	17,3	15,1	15,1	15,2

АҚШ халқаро капиталлар миграциясининг фаол иштирокчиси ва дунёдаги энг йирик халқаро инвестори ҳисобланади. Мисол учун 2009 йилда АҚШда четга экспорт қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 248 млрд. долларни, жалб этилган инвестициялар ҳажми эса 130 млрд. долларни ташкил этди<sup>12</sup>. Четга капитал чиқариш асосан ТМК томонидан амалга оширилади ва 2010 йилда дунёдаги биринчи 500 та ТМКнинг 159 таси АҚШга тегишли бўлди<sup>13</sup>.

АҚШ жаҳондаги ишчи кучини жалб этувчи йирик марказлардан бири ҳисобланади. Жумладан, 1991–2004 йилларда 12,4 млн. киши АҚШда яшаш учун рухсат олган ва бу кўрсаткич 1970 йилларга нисбатан 70 марта кўп. Бундан ташқари, АҚШга ҳар йили 200–300 минг норасмий мигрант асосан Лотин Америкасидан кириб келади. Иммигрантлар АҚШ иқтисодиётига жумладан, илмий-техник соҳасига ижобий таъсир кўрсатади. Мисол учун компьютер, муҳандислик, математика, биология соҳаларида юқори малакали мутахассислар мигрантларнинг умумий ҳажмида 30% дан 50% гача қисмини ташкил этади.

### **6.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг АҚШ иқтисодиётига таъсири ва ундан чиқиш йўллари**

Ҳозирги глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари борасида иқтисодчи олимлар, мутахассислар, сиёсатчиларнинг

<sup>11</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида тузилган.

<sup>12</sup> World Investment Report 2010. P. 4, 5.

<sup>13</sup> [www.vedomosti.ru](http://www.vedomosti.ru)

қарашларида турлича ёндашувлар мавжуд. Айримлар бу инқироз АҚШ иқтисодиётида рўй берган иқтисодий танглик ҳолатидан бошланганлигини таъкидлашса, бошқалари олтин стантартидан воз кечиш ва бозор иқтисодиёти тизимининг камчилиги билан боғлиқ дейишмоқда. Шу билан бирга ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асосида фундаментал, хусусан, макроиқтисодий, микроиқтисодий ва институционал омиллар ётганини қайд этиш лозим.

Таҳлиллар АҚШ иқтисодиётида рўй берган рецессия сабабларини куйидагича таснифлаш имконини беради.

**Уй-жой бозорида капиталнинг ортиқча тўпланиши.** 2000 йилда фонд бозоридаги пасайишлар туфайли аҳоли жамғармалари асосан уй-жой қурилиши секторида йўналтирилди. Ушбу ҳолат уй-жой нархларининг кескин ошишига олиб келди. Хусусан, 1997–2006 йилларда типик Америка уйларининг нархи ўртача 124% га қимматлашди. 1990 йилларда уйларнинг ўртача нархи оилаларнинг 2,9–3,1 йиллик даромади миқдорида тебраниб турган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич оилаларнинг йиллик даромадидан 4 мартага, 2006 йилда эса 4,6 мартага ошиб кетди<sup>14</sup>. Уй-жой бозорида бошқа соҳаларга нисбатан капиталнинг ортиқча тўпланиши молиявий-иқтисодий инқирознинг асосий катализаторига айланди.

**Жадал суръатларда кенгаётган ипотека бозори билан боғлиқ ҳолда чиқарилган деривативларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши.** Ушбу бозорга куйидаги икки йўналишга оид омиллар таъсир этган. Биринчидан, Федерал захира тизими (ФЭТ) қайта ҳисобга олиш ставкасининг пастлиги (2004 йилда 1%) ва хориждан арзон молиявий ресурсларнинг жалб этилиши туфайли кредит ресурслар қийматининг арзонлашуви. Бу ҳолат ипотека бозорида кенг миқёсли қарз олиш, шу жумладан “ишончсиз қарз олувчилар” томонидан қарз олишга олиб келди. 2007 йилнинг мартида “ишончсиз қарз олувчилар” сони 7,5 млн. кишига ва улар олган кредитлар миқдори эса 1,3 трн. долларга етди. Ушбу турдаги кредитларнинг жами кредитлар ҳажмидаги улуши 2004 йилда 10% ни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб 20% га етди. Иккинчидан, ипотека кредитлари ва уй-жойга бўлган талабнинг ортиши секьюритизация механизмининг тарқалишига олиб келди. Бу механизм ипотека бозорида кредиторлар рискин қарз олувчиларнинг қарз мажбурияти асосида облигациялар чиқариш ва давлат кафолатларини бериш йўли билан минималлаштиришни назарда тутди. Бунда облигациялар очик бозорларда олди-сотди қилинади ва кредиторлар рисқи уларнинг эгаларига ўтиб қолади.

ФЭТ амалга оширган пул-кредит сиёсатининг ўзгариши натижасида бу тизим жиддий инқирозга юз тутди. 2004–2006 йилларда ФЭТ фоиз ставкаларни 5,25% гача кўтариши натижасида 2007 йил бошида АҚШда

<sup>14</sup> Сулян В.Б. США: уроки кризиса. //США и Канада, №7, 2010. С. 6.

аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати, кўлами кенгайди ва кучайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди. 2007 йилда кредиторлар 1,3 млн.та уй-жойни қарздорлардан тортиб олишни бошлашди ва бу кўрсаткич 2006 йилга нисбатан 73% га кўпайди. 2008 йилда бу кўрсаткич 2,3 млн.та уй-жойга тегишли бўлиб, 2009 йилнинг сентябрига келиб АҚШдаги жами уй-жой эгалари 14,4% га етди<sup>15</sup>.

Америка ипотека инқирозининг таҳлили яна шуни кўрсатадики, ипотека кредитлари уй-жой нархининг 120–130 фоизи миқдорида берилган. Яъни, 100 минг долларга нархланган уй учун 120–130 минг доллар кредит ажратилган. Бу ҳол, табиийки, қарз олувчига кредит қайтаришда қўшимча оғирлик юки туширган. Шундан сўнг банклар кредитни қайтара олмаган қарздорлардан олиб қўйилган уй-жойларни сота бошлаган.

Қарз олувчиларнинг кенг миқёсда кредитларни қайтармаслиги қарз олувчиларнинг қарз мажбурияти остида чиқарилган облигацияларнинг кадрсизланиши, ипотека банклари ва бошқа ипотека деривативларига эга молиявий институтларда ликвидлик инқирозини келтириб чиқарди. Бу эса, ўз навбатида, уй-жой нархининг кескин тушиб кетиши ва уй-жой қурилиши билан боғлиқ тармоқларда талабнинг қисқаришига олиб келди. 2008 йилнинг сентябрига келиб уй-жойлар нархи 2006 йилга нисбатан ўртача 20% га тушиб кетди<sup>16</sup>.

**Банк ва бошқа молия институтларида иқтисодий кредитлаш учун ресурсларнинг етишмаслиги.** 2008 йилда АҚШ иқтисодийнинг аксарият тармоқларида инвестицион фаоллик кескин пасайиб деярли тўхтаб қолди.

**Хомашё ва нефть нархининг жадал суръатларда ошиши.** Бир баррель нефть нархининг 150 долларгача ошиб кетиши АҚШда бензин нархининг икки баравар ошишига олиб келди. Натижада истеъмол ва ишлаб чиқариш талабининг қисқариши юз берди.

**Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш дастакларининг самарасиз эканлиги.** Давлатнинг деривативларни молиявий институтлар томонидан мустақил бошқаришга рухсат бериши натижасида 2008 йилда жами деривативлар ҳажми 683 трлн. долларни ташкил этди. Хусусан, кредитли, дефолтли своплар ҳажми 1988–2008 йилларда 100 бараварга ошган<sup>17</sup>.

<sup>15</sup> U.S. Economic Forecasts. P. 99. [http://www.e-forecasting.com/US Economic Forecasts.htm](http://www.e-forecasting.com/US%20Economic%20Forecasts.htm).

<sup>16</sup> Суляев В.Б. США: урок кризиса. //США в Канада, №7, 2010. С. 5.

<sup>17</sup> Economic Report of the President. Washington. 2010. P. 99.

Америка аҳолиси ва давлат қарзининг юқорилиги. Америка аҳолисининг ипотека бўйича қарзи 1990 йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 46% ни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич 2008 йилга келиб 78% га тенг бўлди ва 10,5 трн. долларни ташкил этди. Хусусий қарзлар улуши истеъмол кредитлари билан биргаликда 1981 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 123% га тенг бўлган ҳолда, бу кўрсаткич 2008 йилда 209% ни ташкил этди ва деярли 21 трн. долларга тенглашди. Бу даврда банкларнинг қарзи кескин ошиб кетди. Жумладан, йирик бешта инвестицион банкларнинг (“Леман бразерс” – кейинчалик банкрот бўлди, “Беар Стирнс” ва “Мерил Линч” – сотилди, “Голдман Сакс” ва “Морган Стэнли” – тижорат банкларига айлантирилди) қарзи 2004–2007 йилларда 4,1 трн. долларга етди<sup>18</sup>.

Давлатнинг ташқи қарзи 2006 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 63,9% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб 93,2% га тенг бўлди<sup>19</sup>. АҚШ аҳолиси ва давлат қарзи турли хил оқибатларга олиб келади. Чунки АҚШ газначилигининг давлат облигациялари кўринишидаги давлат қарзи ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида қайтарилмайди. Қисқа муддатли истеъмол кредитлари олти ойдан бир йил муддатгача қайтарилиши туфайли жиддий хавф тугдирмайди. Молиявий инқирознинг кўрсатишича, ипотека бўйича қарзлар эса уларга хизмат кўрсатиш имконияти бўлмаган ҳолларда иқтисодиётда жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

**Табиий офатлар ва сув тошқинлари.** Ушбу табиий офатлар мамлакат иқтисодиётига юз миллионлаб долларлик иқтисодий зарар келтирди.

Юқорида кайд этиб ўтилган сабаблар оқибатида АҚШ иқтисодиётида рецессия ҳолати бошланди ва ялпи ички маҳсулот 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 0,7% га, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 3,5% га пасайди (6.3.1-жадвал).

6.3.1-жадвал

### АҚШнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси<sup>20</sup>

	1993-2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
ЯИМ	3,4	2,5	3,5	3,1	2,7	1,9	-0,3	-3,5	3,0
Хусусий истеъмол харажатлари	3,8	2,8	3,3	3,4	2,9	2,3	-0,6	1,9	2,0
Давлат истеъмоли	1,7	2,2	1,4	0,6	1,0	1,3	2,2	2,0	0,9
Ялпи жамғариш	5,6	3,3	6,3	5,3	2,5	-1,4	-5,1	-15,2	1,0
Ички талаб	3,8	2,8	3,5	3,3	2,5	1,4	-1,0	-3,6	1,8
Инфляция	2,5	2,3	2,7	3,4	3,2	2,9	3,8	-0,3	1,6

<sup>18</sup> Супия В.Б. США: уроки кризиса. //США и Канада, №7, 2010. С. 7.

<sup>19</sup> Оверченко М. Три угрозы мировой экономике. //Ведомости, 14.03.2011.

<sup>20</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 193–200.

2008 йилнинг 11 ойида бандлик даражасининг ойига ўртача 137 минг кишига пасайиб бориши 2008–2009 йилларда ишсизлик даражасининг 5% дан 10% гача ортишига олиб келди<sup>21</sup>.

**АҚШнинг инкирозга қарши чора-тадбирлари.** АҚШ ҳукумати 2008 йилдан бошлаб қарз олувчиларга молиявий ёрдам кўрсатиш ва молия институтларига давлат инвестицияларини киритишни кўзда тутувчи қатор қонун ва дастурлар ишлаб чиқди. АҚШда давлат томонидан шу мақсадда “Иқтисодий барқарорлик тўғрисида”ги фавқулодда, “Иқтисодиётни рағбатлантириш тўғрисида”ги ва “Американи тиклаш ва реинвестициялаш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

**АҚШ ҳукуматининг инкирозга қарши амалга оширилган биринчи дастури.** АҚШ конгресси томонидан 2008 йил октябрь ойида “Иқтисодий барқарорлик тўғрисида”ги фавқулодда қонун қабул қилди. Ушбу дастурга мувофиқ, 700 млрд. долларга тенг маблағ инкирозга учраётган банк ва молия ташкилотлари зарарларини қоплаш, шу орқали муаммонинг чуқурлашиб кетиши олдини олиш учун сарфланди. Бу тадбир мамлакатнинг собиқ молия вазири номи билан “Полсон режаси” деб аталади ва қуйидаги чора-тадбирларни қамраб олди:

– АҚШ молия вазирлиги банк ва молия компанияларининг муаммоли ипотека қимматбаҳо қоғозларини 700 млрд. доллар ҳажмда 2009 йил 31 декабрга қадар сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлди;

– АҚШ молия вазирлиги таркибида махсус бўлинма тузилиб, у федерал резерв тизими, уй-жой қурилиш ва шаҳарни ривожлантириш вазирлиги, қимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси билан ҳамкорликда банк ва компаниялардан муаммоли активларни баҳолаш методикаси ва сотиб олиш механизминини ишлаб чиқиши керак;

– банклар юқори рискли ипотека қимматли қоғозлар бозорини суғурталаш тизимининг қатнашчиси бўлиши керак;

– Молия вазирлиги молия компаниялари ва банклардан сотиб олинган муаммоли ипотека қимматли қоғозларини кейинчалик бозорда сотиши ёки сўндирилиш муддатига қадар сақлаши мумкин;

– дастурнинг энг йирик қатнашчилари давлатга акция ёки қарз дастакларини сотиб олиш ҳуқуқини бериш орқали уларнинг капиталлашуви ўсиб бориши орқали бюджетга даромад келиб тушиши таъминланади;

– фуқаро ва юридик шахсларнинг банкдаги омонатларини мажбурий суғурталаш ҳажми 100 мингдан 250 минггача етказилиши керак. 2009 йил 31 декабрга қадар муддатда давлат томонидан қўйилган омонатлар 100 фоиз қафолатланади;

– қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича комиссия дастур доирасида фаолият кўрсатаётган корхоналарда амал қилаётган бухгалтерия

<sup>21</sup> Economic Report of the President. Washington. 2010. P. 75.

хисоби қоидаларини қайта кўриб чиқиши мумкин (ҳамма активлар жорий баҳоларда баҳоланади);

– Молия вазирлиги бузиладиган ипотека шартномалари сонини минималлаштириш мақсадида уларни реструктуризация қилиш чораларини ишлаб чиқиши зарур;

– хонадон хўжалиги ва корхоналарга 150,5 млрд. доллар миқдорда солиқ имтиёзлари берилади;

– АҚШ давлат қарзининг чегаравий ҳажми 10 млрд. дан 11,3 млрд. долларгача кўнайтирилиши керак.

**АҚШ иқтисодийгини тиклаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чоралар дастури.** 2009 йилнинг январда АҚШ ҳукумати иқтисодийгини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида навбатдаги “Американи тиклаш ва реинвестициялаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилди ва бу қонунга мувофиқ солиқ имтиёзлари, ижтимоий дастурлар, турли инвестиция лойиҳалари учун 787 млрд. доллар маблағ сарфланиши режалаштирилган. Ушбу қонун доирасида “Американи тиклаш ва реинвестициялаш режаси” ишлаб чиқилди ва у икки қисмдан иборат. Биринчи қисм рағбатлантирувчи солиқ имтиёзларидан, иккинчи қисми эса инфратузилма, инвестиция, фан, таълим ва ижтимоий дастурларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутди (6.3.2-жадвал).

6.3.2-жадвал

**АҚШнинг инқирозга қарши кураш дастурининг таркибий  
йўналишлари  
(American Recovery and Reinvestment Act)<sup>22</sup>**

Йўналишлар	Млрд. долл.	Улуши, %
Солиқ юкни камайтириш	288	36,6
Штатларни ва маҳаллий ҳокимият органларини солиқлардан озод қилиш	144	18,3
Инфратузилма ва фан	111	14,4
Ижтимоий ҳимоя	81	10,3
Соғлиқни сақлаш	59	7,5
Маориф	53	6,7
Энергетика	43	5,5
Бошқалар	8	1,0
<b>Жами</b>	<b>787</b>	<b>100</b>

Режада кўзда тутилган чора-тадбирлар қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

– уч млн. ишчи ўрнини яратиш ва сақлаб қолиш;

<sup>22</sup> [www.recovery.gov/](http://www.recovery.gov/).



- соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш;
- муқобил манбалар ҳисобидан энергия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва унинг ҳажмини ҳар уч йилда икки бараборга ошириш;
- федерал мулк ҳисобида турувчи биноларнинг 75% ини қайта таъмирлаш (жумладан, мактаблар ва бир миллионга яқин хусусий уйлар);
- 7 млн. талаба учун грант тизимида ўқишни молиялаштиришни ошириш, ўқиш учун тўловлар бўйича солиқларни пасайтириш;
- инфратузилмани ривожлантириш учун кенг миқёсли инвестицияларни амалга ошириш, жумладан, йўллар, кўприклар, дамбалар, жамоат транспорти тизими, темир йўллар, аэропортлар қуриш ва таъмирлаш;
- 129 млн. иш билан банд уй хўжалиklarининг ҳар бирига 800 доллар миқдоридан солиқдан озод қилиш мақсадида маблағ ажратиш.

**АҚШнинг молиявий тартибга солиш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган режаси: (Б.Обама режаси, 2009 йил июнь).**

– молия компаниялари устидан назоратни кучайтириш мақсадида уларга капитал билан таъминланиш даражасини ошириш ҳамда хедж фондларига эса қимматбаҳо қоғозлар ва биржа комиссиясидан рўйхатдан ўтиш юклатилди;

– банкрот ёқасига келиб қолган компанияларнинг бошқарувини давлат ўз қўлига олиши мумкин;

– бозорларда, шу жумладан деривативлар савдосининг шаффофлик даражасини ошириш мақсадида янги қоидалар киритилади ва рейтинг агентликлари фаолияти устидан кучли назорат ўрнатилади. Қарздорлик дастакларини чиқарувчи банклар ўз зиммасига кредит рискининг 5 фоизни олишга мажбур.

– молия хизматлари истеъмолчиларини ҳимоя қилишга қаратилган янги агентлик шу мақсадда тузилдики, истеъмолчилар сотиб олаётган хизмат хавфсизлигига ишонишлари керак (ипотека кредити ёки кредит карталари);

– турли мамлакатларда фаолият кўрсатаётган йирик молиявий институтлар фаолиятини тартибга солиш координациялашувини кучайтириш.

АҚШ ҳукуматининг 2009–2010 йиллардаги рағбатлантириш дастурларининг ўзигина ялпи ички маҳсулотга нисбатан мос равишда 2 ва 2,3% ни ташкил этди. Қайд этиб ўтилган учта қонун давлатнинг инқирозга қарши молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини ўз ичига олади ва умумий миқдори 1,6 трлн. долл. ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 11,5% ни ташкил этади.

АҚШ жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва жаҳон иқтисодиётида етакчилик мавқеини сақлаб қолиш бўйича барча шарт-шароитларга эга.

#### 6.4. Ўзбекистон ва АҚШ ташқи иқтисодий алоқалари

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг келиб чиқиш тарихи, ривожланиш динамикаси, шарт-шароитлари ва омилларига эътибор берадиган бўлсак, бу ҳамкорлик босқичма-босқич ривожланиб келганлиги ва жадал суръатларда ривожланаётганлигини кузатиш мумкин. АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич мустақилликнинг дастлабки уч йилини ўз ичига олади. АҚШ 1991 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олди ва 1992 йилнинг 19 февралда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

1993 йилдан бошлаб АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг иккинчи босқичи бошланди. Жаҳоннинг етакчи давлати ҳисобланган, улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган давлат АҚШ билан ҳамкорлик 90-йилларнинг ўрталарига келиб кўн томонлама ва ўзаро фойдали аҳамият касб этди. Ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг иккинчи босқичи 2001 йил 11-сентябрь воқеаларига қадар давом этди. Бу даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасида иқтисодиётнинг ўсишига эришилди. Жаҳон ҳамжамоатчилигида, хусусан АҚШ нигоҳида Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақаси хавфсизлигини таъминлаш, халқаро терроризмга қарши курашда етакчи куч сифатида қарала бошлади. Натижада АҚШ томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотларнинг ўзига хослиги тан олиниб, бу йўналишда ҳамкорлик ривожлана бошланди.

Ҳамкорликнинг янги сифатидаги стратегик шерикликка асосланган учинчи босқичи 11-сентябрь воқеаларидан кейин бошланди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги халқаро терроризмга, наркобизнесга қарши кураш, минтақада барқарорликни таъминлаш бўйича манфаатларнинг муштарақлиги натижасида узоқ йиллар давомида Афғонистонга ўрнашиб олган терроризмни йўқотиш имконияти пайдо бўлди. Ушбу манфаатларнинг мос келиши иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқди.

Ўзбекистон билан АҚШнинг ўзаро манфаатли савдо муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга қаратилган фаол сўй-ҳаракатлари ўзининг ижобий самарасини берди.

АҚШ Ўзбекистоннинг йirik савдо-иқтисодий ҳамкори ҳисобланади ва иккала мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2010 йилда 184,1 млн. долларни ташкил этди (6.4.1-жадвал).

Ўтган давр мобайнида икки томонлама савдо муносабатларини йўлга қўйиш негизида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор соҳалари ҳам белгиланиб борди. Шунга кўра, Америка компаниялари тоғ-кон

ва нефть-газ мазмунда қатор устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агросаноат мажмуи, озиқ-овқат саноати ва транспорт инфратузилмасининг технологик базасини ривожлантиришда иштирок этмоқда.

6.4.1-жадвал

Ўзбекистон ва АҚШ ташқи савдо айланмаси, млн. долл.<sup>23</sup>

	2000 й.	2005 й.	2010 й.
Ташқи савдо айланмаси	199,0	259,6	184,1
Экспорт	158,0	108,2	52,1
Импорт	41,0	151,4	132,0
Сальдо	-117,0	-43,2	79,9

Ўзбекистон АҚШнинг савдо ва ривожланиш агентлиги, Хориждаги хусусий инвестициялар корпорацияси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Мисол учун, АҚШнинг савдо ва ривожланиш агентлиги томонидан олтин казиб олиш, уяли ва кабель телевиденияси тизимларини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 224,1 млн. долларлик учта лойиҳа суғурта қилинган. Бундан ташқари, хориждаги хусусий инвестициялар корпорацияси Ўзбекистонда иқтисодийнинг базавий тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, суғурта кафолати воситасида АҚШ компанияларини давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларига жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларга хусусий инвестицияларни жалб этиш борасида мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Республикада АҚШ инвесторлари иштирокида ташкил этилган 300 дан ортиқ корхона, жумладан, 200 дан ортиқ кўшма корхоналар ва 100 га яқин тўлиқ АҚШ сармоясига асосланган корхоналар фойда кўрсатмоқда. Мазкур корхоналар фаолияти саноатнинг тоғ-кон, кимё, енгил саноат, озиқ овқат ва машинасозлик каби соҳаларини қамраб олади. Мисол тариқасида “Женерал Моторс”, “Кейз корпорейшн”, “Кока-Кола”, “Тексако”, “Бейкер Хьюз”, “Дюневэнт”, “Проктер энд Гембл”, “Эй-Ай-Джит” каби йирик компанияларни келтириш мумкин. Хусусан, 2011 йилда “Женерал Моторс” компанияси билан ҳамкорликда автомобилларнинг кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхонанинг фойдаланишга топширилиши мамлакат ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш ёки маҳаллий автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш билан биргаликда автомобиль двигателларини ташқи бозорларга экспорт қилиш имконини ҳам яратди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида тоғ-кон, самолётсозлик, машинасозлик ва транспорт инфратузилмаси, иқтисодийнинг технологик базасини ривожлантириш, АҚШ компанияларининг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасидаги тажрибасидан фойдаланиш, маркетинг, инжиниринг, лизинг ва инвестиция хизматлари, логистика, халқаро юк

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари.

ташиш соҳаси, иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун менежер ва мутахассислар тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иқтисодий ҳамкорлик катта истиқболларга эга.

### **Асосий тушунчалар**

**Базавий тармоқлар** – капитал, материал, энергия сиғимкорлиги юқори тармоқлар.

**Фан сиғимкорлиги юқори тармоқлар** – ИТТКИ харажатлари сотиш ҳажмига нисбатан 3,5% дан кам бўлмаган, ИТТКИ соҳасида ҳар минг кишига 25 ва ундан ортиқ тадқиқотчи тўғри келадиган тармоқлар.

**Федерал захира тизими (ФЗТ)** – АҚШда марказий банк, вазифасини бажарувчи, пул-кредит тизими билан биргаликда макроиқтисодий тартибга солишни ҳам амалга оширувчи тизим.

**Давлат бюджети** – давлат даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик мажмуи.

**Давлат қарзи** – давлатнинг фуқаролар, банклар, корхона ва ташкилотлар, хориж мамлакатларидан қарзи бўлиб, манбаига кўра ички ва ташқи қарзга бўлинади.

**“Ишончсиз қарз олувчилар”** – тўлов қобилиятига эга бўлмаган ҳолда кредит олган ва кредитларни қайтара олмаган қарз олувчилар.

**Ипотека инкирози** – ипотека бозори билан боғлиқ ҳолда чиқарилган дериватларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши натижасида юзага келган инкироз.

**“Полсон режаси”** – 700 млрд. долларга тенг маблағнинг АҚШда инкирозга учраётган банк ва молия ташкилотлари зарарларини қоплаш ва шу орқали муаммонинг чуқурлашиб кетиши олдини олиш учун сарфланиши.

### **Назорат саволлари:**

1. АҚШ иқтисодиётининг ривожланиш омиллари нималардан иборат?
2. АҚШ иқтисодиётининг замонавий хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
3. АҚШ иқтисодиётида давлатнинг ўрни қандай?
4. АҚШ иқтисодиёти қандай таркибга эга?
5. АҚШ ташқи иқтисодий алоқаларининг таркибини баҳолаш ва диверсификациялаш йўналишларини аниқланг.
6. АҚШ иқтисодиётида рўй берган рецессия сабаблари нималардан иборат?
7. АҚШ ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозига қарши кураш дастурларининг хусусиятлари ва йўналишлари нималардан иборат?
8. Ўзбекистон ва АҚШ иқтисодий ҳамкорлиги ҳолатини баҳолаш ва ривожланиш истиқболларини аниқланг.

## **7-БОБ. ҒАРБИЙ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЁТИ: ТАРКИБИ ВА ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЧУҚУРЛАШУВИ**

### **7.1. Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича гуруҳланиши ва интеграция жараёнлари**

Жаҳон иқтисодиётида ХХ аср ўрталарига қадар Европа етакчилик ролини эгаллаб келган бўлса, Иккинчи жаҳон урушининг салбий оқибатлари туфайли иқтисодий салоҳият жиҳатдан АҚШдан анча ортда қола бошлади. Европанинг қайта тикланиши ва ривожланишининг асосий кучи сифатида бозор, хусусий тадбиркорлик, рақобат, давлат бошқаруви асосидаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган жараёнларни кузатиш мумкин.

Ғарбий Европа 24 та мамлакатни қамраб олади ва бу мамлакатларни худудининг катталиги жиҳатдан қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- йирик мамлакатлар – Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Италия, Швеция, Финландия, Норвегия;
- ўрта мамлакатлар – Исландия, Греция, Португалия, Ирландия, Австрия;
- кичик мамлакатлар – Дания, Бельгия, Нидерландия, Швейцария;
- жуда кичик – “кўғирчоқ” мамлакатлар – Люксембург, Лихтенштейн, Мальта, Андорра, Сан-Марино, Монако, Ватикан.

Ғарбий Европа ягона иқтисодий худуд сифатида жаҳон хўжалигида саноат ва қишлоқ хўжалиги, товарлар ва хизматлар экспорти, олтин-валюта захираси ва халқаро туризмнинг ривожланганлик даражаси бўйича етакчи ўринда туради. Ғарбий Европа халқаро меҳнат тақсимоотида саноати (машинасозлик, кимё, электротехника) ривожланган худуд сифатида тан олинган. ХХ аср бошига келиб Ғарбий Европа халқаро меҳнат тақсимоотида офис жиҳозлари, аниқ механика, оптика, телекоммуникация, алоқа воситалари каби тармоқлар бўйича мустақкам ўрин эгаллади.

Европа иқтисодиётининг глобал рақобатбардошлигини таъминлаб берувчи тармоқлар қуйидагилар ҳисобланади:

- а) анъанавий тармоқлар:
  - автомобилсозлик – Германия, Франция;
  - авиация саноати – Буюк Британия, Германия, Франция;
  - текстиль саноати – Италия, Франция.
- б) янги тармоқлар:
  - дастурий таъминот – Германия, Бельгия, Ғолландия;
  - рақамли телевидения – Франция, Германия;
  - мобиль алоқа – Швеция, Финландия, Буюк Британия.

Ғарбий Европа юқори даражада интеграциялашганлиги билан ажралиб туради. Ғарбий Европа интеграцияси аъзо мамлакатлар иқтисодий

сиёсатини ўзаро мувофиқлаштириш, иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик афзалликларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Ғарбий Европада интеграцион жараёнлар 1950 йилда (1952 йилдан Европа кўмири ва пулат бирлашмаси) Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург томонидан эркин савдо ҳудудини ташкил этишдан бошланди. Ушбу мамлакатлар 1957 йилда Рим иқтисодий ҳамкорлик шартномасини имзолашди. 1958 йили Ғарбий Европада “Евротом” бирлашмаси ташкил қилинди. Рим шартномасини имзолаган мамлакатлар Европа ҳамкорлиги ёки умумий бозор мамлакатлари, деб атала бошланди.

1993 йили Европа Иқтисодий Ҳамкорлиги Европа Иттифоқи (ЕИ) сифатида қайта ташкил қилинди. ЕИга аъзо бўлишда демократия тамойилларига риоя этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳурмат қилиш, рақобатбардош бозор иқтисодиётига эга бўлиш, ЕИнинг умумий қоида ва стандартларини тан олиш каби Копенгаген мезонларига риоя қилиш талаб этилади.

7.1.1-жадвал

### Европа Иттифоқи интеграциясининг босқичлари

Санаси	Ҳуқуқий асоси	Мақсади	Аъзолари
25.03.1957 й.	Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисидаги Рим келишувининг имзоланиши	Божхона иттифоқи ва ягона ички бозорни шакллантириш	Германия, Франция, Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия
08.04.1965 й.	ЕИ Кенгаши ва Комиссиясани тэъсис этиш		Германия, Франция, Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия
01.07.1968	Божхона иттифоқи шаклланишининг тугатиши		Германия, Франция, Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия
29.06.1985 й.	Оқ китобнинг нашр этилиши (279 та чора-тадбирлардан иборат ягона ички бозорнинг шаклланишини тугатиш режаси)	Ягона ички бозорга ўтиш муддатларининг белгиланиши – 1992 йил декабрь	Германия, Франция, Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Греция, Испания, Португалия
17.02.1986 й.	“Ягона Европа Акти”нинг имзоланиши		
06.02.1992 й.	ЕИ тўғрисидаги Маастрихт шартномасининг имзоланиши	Иқтисодий ва валюта иттифоқининг тузилиши	Германия, Франция, Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Греция, Испания, Португалия, Австрия, Финляндия, Швеция
1.01.2002 й.	Иқтисодий ва валюта иттифоқининг шаклланиши	Муомалага ягона валюта – евронинг киритилиши	Германия, Франция, Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Греция, Испания, Португалия, Австрия, Финляндия, Швеция

ЕИ ривожланиш жараёнида олти марта кенгайди ва ҳозирги вақтда 27 та мамлакатни ўзида бирлаштиради (7.1.2-жадвал).

7.1.2-жадвал

### ЕИнинг кенгайиш босқичлари

Санаси	Мамлакатлар	Сони
1957 йил 25 март	Бельгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция	6
1973 йил 1 январь	Буюк Британия, Дания, Ирландия	9
1981 йил 1 январь	Греция	10
1986 йил 1 январь	Испания, Португалия	12
1995 йил 1 январь	Австрия, Финляндия, Швеция	15
2004 йил 1 май	Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония	25
2007 йил 1 январь	Болгария, Руминия	27

Валюта Иттифоқини шакллантириш 1999 йилда ташкил қилинган Европа валюта тизимига (ЕВТ) асосланади. ЕВТга аъзо бўлиш учун даввогар мамлакатлар иқтисодиёти қуйидаги Маастрихт келишуви мезонларига жавоб бериши зарур бўлади:

- давлат бюджети камомади ЯИМга нисбатан 3% дан ошмаслиги;
- давлат ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 60% дан ошмаслиги;
- камида икки йил валюта курслари механизмида қатнашиши ва миллий валюта курсини шу чегарада ушлаб туриш;
- инфляция даражаси биринчи учта мамлакатдаги ўртача даражадан 1,5% га ошмаслиги лозим;
- давлат облигациялари бўйича узоқ муддатли фоиз ставкаларининг инфляция даражаси энг паст мамлакатлардаги тегишли ставкалардан 2% га ошмаслиги зарур.

Валюта иттифоқини тартибга солиш тамойиллари Рим келишувида ишлаб чиқилган. 1993 йилда Маастрихт шартномаси имзолангандан кейин иттифоқ мамлакатлари 1999 йил 1 январдан валюта иттифоқини ташкил этиш мажбуриятини олишди. Шу кундан бошлаб евро жаҳон молия бозорларига ўша вақтдаги ЕИнинг 15 та мамлакатидан 11 тасининг ҳисоб-китоб валютаси сифатида тақдим этилди, 2002 йил 1 январдан бошлаб эса евро худудидга кирувчи 12 та мамлакат пул бирлиги сифатида муомалага киритилди. Евро ЕВТда 1979–1998 йилларда фойдаланилган Европа валюта бирлиги – ЭКЮнинг ўрнига жорий этилди ва ҳозирда ЕИнинг 17 та мамлакати евро худудига киради.

## 7.2. Европа Иттифоқи иқтисодийнинг таркиби ва ривожланиш тенденциялари

ЕИ доирасида бирлашган Европа дунёнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган минтақаларидан бири ҳисобланади. ЕИнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 21% ни ташкил этади. ЕИ ҳудуди минтақалари нотекис иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлиб, иқтисодий иттифоқнинг асосини евро ҳудудига кирувчи мамлакатлар ташкил этади. ЕИни ташкил этган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг янги аъзо мамлакатларга нисбатан пастлиги ЕИга хос хусусиятлардан бири ҳисобланади. Мисол учун, 2010 йилда ЕИда иқтисодий ўсиш 1,9% ни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич евро ҳудудига – 0,4% ни, Испанияда – 1,9% ни, Польшада – 3,8% ни ташкил этди<sup>1</sup>.

ЕИ иқтисодий тараққиётидаги муҳим вазифалардан бири – барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда 2000 йилда Лиссабон стратегияси қабул қилинган ва 2005 йилда янгиланган. Лиссабон стратегиясига мувофиқ ЕИда қуйидаги соҳаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлар сифатида белгиланган:

- инновациялар ва янги технологияларни ривожлантириш;
- кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш;
- ёшлар ўртасида бандликни ошириш.

Инновациялар ва янги технологияларни ривожлантириш учун сарфланаётган инвестициялар ҳажмини ЕИда ЯИМга нисбатан 3% га етказиш режалаштирилган бўлиб, илм-фан соҳасига сарфланаётган харажатлар миқдори йилига ўртача 100 млрд. евродан кам бўлмалиги лозим.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг ахборот тизимини яратиш вазифаси қўйилган.

Ёшлар ўртасида максимал бандлик даражасини таъминлаш уларнинг саводхонлик даражасини ошириш, жумладан, 25 ёшгача бўлганларнинг 85% и умумий ўрта маълумотга эга бўлиши зарурлиги белгилаб қўйилган.

ЕИ иқтисодийнинг тармоқ таркибида хизматлар улуши 63–65% ни, саноат 25–30% ни, қишлоқ хўжалиги 2–5% ни ташкил этади. Европа саноат жиҳатдан юқори даражада тараққий этган минтақа ҳисобланиб, ЕИнинг ҳиссасига жаҳон саноат маҳсулотларининг 1/3 қисми тўғри келади. ЕИнинг халқаро даражадаги тармоқ ихтисослашуви атом энергетикаси, нефть-газ мажмуаси, автомобилсозлик, авиакосмос, электротехника, электроника, юқори технологияли машинасозлик (станоксозлик, компьютерлар ва электроника маҳсулотларини ишлаб чиқариш), кимё,

<sup>1</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 196–197.



енгил ва озиқ-овқат саноати, биотехнологиялар, янги конструкцияли материаллар ишлаб чиқариш тармоқлари билан боғлиқ. Шу билан бирга охириги ўн йилликда қора металлургия, текстиль саноати каби анъанавий саноат тармоқларида эскириш ва инқироз ҳолатлари кузатилмоқда.

Европа ҳажми жиҳатдан АҚШдан кейинги ўринда турувчи агросонат мажмуига эга. Минтақа кишлоқ хўжалиги турли-туманлиги ва юқори самарадорликка эгалиги билан ажралиб туради. Аммо кишлоқ хўжалигининг самарадорлиги ЕИ доирасида амалга оширилаётган аграр сиёсат билан боғлиқ бўлиб, бу сиёсат асосида интервенция, давлат харидлари, миллий фермер хўжаликларини субсидиялаш каби дастаклар ташкил этади.

ЕИ иқтисодиётининг энг йирик сектори хизматлар соҳасидир. Ғарбий Европа мамлакатлари постиндустриал иқтисодиётдан янги технологиялар ва билимларга асосланган иқтисодий ривожланиш моделига ўтишмоқда. Бу соҳада компьютер технологиялари, электрон савдо, транспорт, туризм каби соҳалар барқарор суръатларда ривожланмоқда.

ЕИ иқтисодиёти миллий ва умумий даражада тартибга солинади. Ҳозирги вақтда ЕИ фаолиятининг муҳим йўналишларини қамраб олувчи умумий даражада тартибга солиш устуворлик касб этмоқда. Шу билан бирга миллий даражада тартибга солиш етакчи мавқега эга. Умумий даражада тартибга солиш эса евро худудида ягона пул-кредит сиёсатини олиб боришда муҳим роль ўйнайди.

Евро худудида пул-кредит сиёсати Европа Марказий банклари тизими ва миллий Марказий банклар орқали амалга оширилади. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси инфляциянинг йилига ўртача 2% атрофида бўлишини таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, унга пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш, аъзо мамлакатлар валюта захираларини сақлаш, бошқариш, тўлов тизимининг барқарорлигини таъминлаш ҳам қиради.

ЕИ солиқ-бюджет соҳасида солиқ сиёсати муҳим дастак ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат ўз миллий солиқ тизимига эга бўлиб, йиғилган солиқларнинг катта қисми миллий бюджетга келиб тушади. ЕИнинг бюджети ўз маблағлари, аъзо мамлакатлар ялпи миллий даромадидан ажратмалар (мамлакат иқтисодий салоҳиятига боғлиқ ҳолда 1% атрофида), учинчи мамлакатлардан импорт қилинаётган кишлоқ хўжалик маҳсулотларига солиқлар, божхона божлари, қўшилган қиймат солиғидан ажратмалардан шаклланади. ЕИ бюджетининг харажатлари қуйида-гилардан иборат:

- ягон кишлоқ хўжалик сиёсати;
- минтақавий ва ижтимоий сиёсат;
- ягона ташқи ва хавфсизлик сиёсати;
- “Эразмус” дастурлари (талабаларни айирбошлаш);
- таълимни ривожлантириш;

- кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;
- трансевропа инфратузилмасини ривожлантириш.

ЕИда ҳозирги вақтда 2007–2013 йилларга мўлжалланган бюджет амал қилади ва унинг миқдори 864,5 млрд. евродан иборат. Шундан 293 млрд. евро ягона қишлоқ хўжалик сиёсатини амалга оширишга, 157 млрд. евро янги аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти даражасига етказиш учун сарфланади. Мисол учун Польша иқтисодиётини ривожлантириш учун 60 млрд. евро ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич жами маблағнинг 38% ини ташкил этади<sup>2</sup>.

ЕИ мамлакатлари ташқи иқтисодий фаолияти, жумладан ташқи савдо соҳасида келишилган ҳолда ягона сиёсат олиб бориллади. Жаҳонда ЕИ номидан алоҳида мамлакатлар эмас, балки Европа Комиссияси фаолият юритади. ЕИ ташқи иқтисодий стратегиясини амалга оширишда ягона ташқи тариф, демпинг ва субсидияларга қарши кураш чоралари, Европа экспортчиларини қўллаб-қувватлаш, преференциал келишувлар каби дастаклардан фойдаланади.

ЕИ жаҳон товарлар ва хизматлар савдосининг йирик қатнашчиларидан ҳисобланади. Жумладан, 2010 йилда ЕИ ҳиссасига жаҳон товарлар экспортининг 15,1% и, импортининг 16,5% и, хизматлар экспортининг 24,4% и, импортининг 21,9% и тўғри келди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ЕИ ташқи савдосига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Мисол учун 2009 йилда товарлар экспорти ва импорти 2008 йилга нисбатан мос равишда 21 ва 26% га пасайди (7.2.1-жадвал).

#### 7.2.1-жадвал

#### ЕИ ташқи савдосининг ҳажми ва ўзгариши, млрд. долл.<sup>3</sup>

	2010 й.	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %		
		2005–2010 йилларда ўртача		2009 й.
Товарлар экспорти	1 788	6	-21	17
Товарлар импорти	1 991	6	-27	18
Хизматлар экспорти	685,2	7	-14	5
Хизматлар импорти	590,0	7	-13	4

ЕИ ташқи савдосининг товар таркибида саноат маҳсулотлари етакчи мавқега эга. 2010 йилда саноат маҳсулотларининг товарлар экспортидаги улуши 84,6% ни, товарлар импортида эса 62,1% ни ташкил этди. ЕИ ташқи савдосида хизматлар экспорти ва импорти таркибида етакчи ўринни транспорт мутаносиб равишда 24,6 ва 24,3% ҳамда туризм 14,1 ва 19,6% эгаллайди (7.2.2-жадвал).

<sup>2</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. –М.: Магистр, 2010. С. 276.

<sup>3</sup> Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011. P. 92.

ЕИ ташқи савдоснинг товар таркиби, 2010 й.<sup>4</sup>

	Товарлар			Хизматлар	
	Экспорт	Импорт		Экспорт	Импорт
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	7,2	7,7	Транспорт	24,6	24,3
Ёқилғи ва қазиб чиқариш саноати маҳсулотлари	8,2	30,2	Туризм	14,1	19,6
Саноат маҳсулотлари	84,6	62,1	Бошқа тижорат хизматлари	61,3	56,1
Жаҳондаги улуши	15,1	16,5	Жаҳондаги улуши	24,4	21,9

Таҳлиллар 2010 йилда ЕИ ташқи савдо айланмасининг 64% и ўзаро ички савдога, 5,1% и АҚШ, 5,0% и Хитой, 4,0% и МДҚ мамлакатлари, 3,2% и Африка мамлакатлари, 3,1% и Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келганини кўрсатмоқда.

### 7.3. Европа Иттифоқи иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ва ундан чиқиш йўллари

Глобал молиявий инқироз жаҳонда 1930 йиллардаги Буюк депрессиядан кейинги энг чуқур инқироз деб тан олинди ва бу инқироз ЕИ иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, бу инқироз ЕИнинг молиявий хизматлар улуши юқори бўлмаган (Буюк Британия) ва иқтисодиёти ташқи иқтисодий алоқаларга бевосита боғлиқ мамлакатлар (Германия) иқтисодиётида жиддий из қолдирди.

Европа Комиссияси маълумотларига кўра ЕИнинг реал ЯИМ ҳажми 2009 йилда 4,2% га, инвестициялар ҳажми 12% га қисқарди, бюджет камомадининг 3% ли мезоний кўрсаткичи эса 2008 йилнинг охирида бекор қилинди ва 2010 йилга келиб 6,4% га етди. ЕИда 2010 йилда ишсизлик даражаси ўртгача 9,6% ни, инфляция даражаси 2,1% ни, давлат қарзининг ЯИМга нисбатан улуши эса 80,2% ни ташкил этди (7.3.1-жадвал).

ЕИда молиявий-иқтисодий инқирозга қарши кураш режаси 2008 йилнинг кузидан амалга оширила бошлади ва у “Барқарорлик ва ўсиш” режаси, деб аталди. Ушбу режа 2009–2010 йилларга мўлжалланган бўлиб, умумий миқдори 200 млрд. евро ёки ЕИ ЯИМнинг 1,5% ини ташкил этди. Шунингдек, ЕИга аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодиётини юксалтириш учун яна шу мамлакатлар ҳисобидан 170 млрд. евро, Европа инвестиция банки ҳисобидан 30 млрд. евро ажратиш мўлжалланди ва қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олди:

<sup>4</sup> Ўша манба. Р. 92.

**ЕИ макронқисодий ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси<sup>5</sup>**

	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
ЯИМ	3,0	0,5	-4,2	1,9
Хусусий истеъмол	2,1	0,7	-1,7	0,8
Давлат истеъмоли	1,9	2,3	2,2	0,7
Инвестициялар	5,8	-0,8	-12,0	-0,7
Бандлик	1,7	0,9	-1,9	-0,5
Ишсизлик даражаси	7,2	7,1	9,0	9,6
Инфляция	2,4	3,7	1,0	2,1
Давлат бюджети тақчиллиги, ЯИМга нисбатан % да	-0,9	-2,4	-6,8	-6,4
Давлат ташқи қарзи, ЯИМга нисбатан % да	59,0	62,3	74,4	80,2

– бандликни қўллаб-қувватлаш – меҳнат бозорини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларига мослаштириш ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган қатламларига ёрдам бериш;

– тадбиркорларнинг ижтимоий харажатларини камайтириш, иш берувчиларнинг паст иш ҳақи учун тўлайдиган ижтимоий бадалларини камайтириш ва малакасиз ишчи кучи бандлигини оширишни қўллаб-қувватлаш;

– кичик ва ўрта корхоналарни (250 кишигача банд бўлган корхоналар) молиялаштириш манбаларини яхшилаш. ЕИ мамлакатларида кичик ва ўрта корхоналар ҳамма корхоналарнинг 90% ини ташкил этиб, уларда 23 млн. ортиқ киши банд;

– корхоналарни ташкил этиш соҳасидаги маъмурий тўсиқларни камайтириш. 2012 йилга қадар кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этишдаги расмиятчилик 25% га камайиши, корхона 3 кун ичида тузилиши ва уни очиб тўғрисидаги лицензияни олиш муддати 1 ойдан ортмаслиги лозим;

– инвестициялар инфратузилмани ривожлантириш учун йўналтирилиши ва шу мақсадда қўшимча 5 млрд. евро ажратиши кўзда тутилган;

– уй-жой секторида энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- “яшил” маҳсулотларни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш;
- тадқиқотлар ва илмий ишларни инвестициялашни рағбатлантириш;
- автомобилсозлик ва қурилишда янги технологияларни ривожлантириш, “яшил” автомобилни яратиш учун 5 млрд. евро ажратилади;
- ҳамма учун юқори тезликдаги интернетга кириш имкониятларини кенгайтириш.

ЕИ аъзо бўлган мамлакатларга қуйидагиларни тавсия этади:

- вақтинчалик ишсизлик бўйича нафақани кўпайтириш;

<sup>5</sup> Бардацци Р., Грассини М. Европейский Союз в кризисе: что дальше? //ЭКО, №12, 2011. С. 63–81.

- кам даромадли оилаларга солиқни камайтириш ва иш берувчилар учун оз иш ҳақидан тўланадиган ижтимоий тўловларни камайтириш;
- истеъмолни рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтириш;
- ЕИ Европа марказий банкига қайта молиялаш ставкасини пасайтириш ва Европа фондларига эса транспорт инфраструктурасига ажратиладиган ва Интернетга кириш имкониятини таъминлайдиган тадбирларга маблағ ажратиш.

- ЕИнинг энг камбағал минтақаларини ривожлантиришга мўлжалланган фондлар очилди ва Европа фондини аҳолини ижтимоий ночор қатламларига ёрдам сифатида ишлатиш дастурларини жадаллаштириш (2007–2013 йилларда шу мақсадлар учун 75 млрд. евро ажратилади).

Шундай қилиб, ЕИ мамлакатларида иқтисодиёт ва банкларни қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағлар ҳажми 2 трлн. евродан ортди. Шу билан бир қаторда ЕИнинг ҳар бир аъзоси ўзининг маблағлари ҳисобидан ҳам инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш учун алоҳида маблағлар ажратди.

Таҳлиллар ЕИда инқирозга қарши чора-тадбирларнинг аъзо мамлакатлар иқтисодий ўсишига турлича таъсир қилганлиги кўрсатди, жумладан, 2009 йилда ўртача 0,5–1,0%, 2010 йилда эса 0,3–0,6% га тенг бўлди<sup>6</sup>.

ЕИда инқирозга қарши амалга оширилаётган фискал чора-тадбирлар аъзо мамлакатлар иқтисодиётига оғир юк бўлиб тушади. Европа Комиссиясининг прогнозларига мувофиқ евро худудида давлат қарзи 2014 йилга бориб 100% дан ортиб кетиши мумкин. ЕИ бюджетидан санация учун ажратилган маблағларнинг умумий миқдори 2009–2010 йилларда 400 млрд. евро, миллий ҳукуматлар томонидан банк тизимида ажратилган маблағлар миқдори эса 1,2 трлн. евродан ортиб кетди<sup>7</sup>.

ЕИнинг инқирозга қарши сиёсатида англосаксон ва континенталь моделлари фарқланади. Биринчи моделда давлат томонидан молиявий хизматларга таъсир ўтказишдан национализация қилишгача бўлган чоралар қўлланилди. Иккинчи модель ичида қайта ишлаш саноатининг етакчи компанияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини ўз ичига олувчи француз ва давлат аралашуви нисбатан кам, асосан, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётган немис моделларини ажратиш мумкин.

ЕИда инқироздан кейинги иқтисодий тикланишнинг учта моделини ажратиш мумкин.

1. Ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши содир бўлган, ammo унинг ўсиш суръатлари тезда тикланган мамлакатлар. Ушбу мамлакатларга иқтисодий ўсиш инқирозгача бўлган даврга нисбатан барқарорлашган мамлакатлар қиради ва Евро худудида бу моделга Германия мисол бўла олади.

<sup>6</sup> Сидорова Е.А. Антикризисные программы в Германии и Великобритании. //Международная экономика, №4, 2010. С.30.

<sup>7</sup> Ҳша манба.

2. Редессиядан кейин иқтисодий ўсиш суръатлари аввалги даражага етган, ammo ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар қайта тикланмаган мамлакатлар. Ушбу гуруҳга евро худудининг кўпчилиги мамлакатлари киради.

3. Ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши чуқур бўлмаган, ammo узок давом этган мамлакатлар. Бу мамлакатларда иқтисодий ўсиш қиска муддатда, тез суръатларда тикланмади ва аҳоли даромадлари инқирозгача бўлган даврга нисбатан пастлигича қолди. Бу гуруҳга ЕИнинг Жанубий Европа мамлакатлари киради ва уларда 2010 йилдан бошлаб қарз муаммоси пайдо бўлди.

ЕИ мамлакатларида давлат молияси сектори инқироздан жиддий зарар кўрди. 2008 йилгача давлатнинг ташқи қарзи евро худудида Франция, Германия, Португалия, Грециядан ташқари барча мамлакатларда ЯИМга нисбатан пасайган бўлишига қарамасдан, аксарият мамлакатларда бу кўрсаткич юқорлигича қолди. Таҳлиллар Европа барқарорлик ва ўсиш пактида белгиланган давлат қарзининг ЯИМга нисбатан 60% ли кўрсаткичи 2010 йилда Эстония, Люксембург, Польша, Финляндия, Словакия ва Словениядагина бажарилганлигини кўрсатмоқда. ЕИда 2008–2010 йилларда иқтисодий пасайишларнинг олдини олиш, барқарорлаштириш дастурларининг ишга туширилиши сабабли давлат харажатларининг ортиши давлат қарзининг ўртача 23,3% га ўсишига олиб келди.

ЕИ мамлакатларида давлат бюджети камомадининг ўсиши куйидаги сабабларга кўра чуқурлашди: кўшимча давлат харажатларининг юзага келиши, ялпи даромадларнинг қисқариши ва ЯИМ ўсиш суръатларининг пасайиши. Мисол учун Италияда суверен қарзлар ортиб, 2004–2006 йилларда давлат харажатлари икки бараварга ўсди.

#### **7.4. Евро худудининг ривожланиш истиқболлари**

Ягона Европа валютаси евродан фойдаланувчи Европа иқтисодий ва валюта иттифоқи (ЕИВИ) 1991 йил 1 январдан бошлаб фаолият юрита бошлади ва унга 11 та мамлакат кирди. 2011 йилнинг июль ойидан бошлаб эса унинг таркибида 17 мамлакат фаолият олиб боради: Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Кипр, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Португалия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция ва Эстония. ЕИнинг евро худудига кирмаган 10 та мамлакатдан Буюк Британия ва Дания ЕВИ ташкил этилаётган вақтдаёқ махсус протоколларда ушбу худудда қатнашмасликларини эълон қилишган. Бошқа мамлакатлар ЕИ фаолияти тўғрисидаги шартномага<sup>8</sup> мувофиқ ягона Европа валютасига ўтиш мажбуриятини олишган. Ушбу

<sup>8</sup> Европа Иттифоқи фаолияти тўғрисидаги шартнома Европа ҳамжамятини тузиш тўғрисидаги шартноманинг янги тахрири ҳисобланади, 2007 йил 13 декабрда Лиссабон шартномаси билан тасдиқланган ва 2009 йил 1 декабрдан кучга кирган.

қоида 2011 йил июль ҳолати бўйича Болгария, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Чехия, Швецияга жорий этилган. Бу мамлакатлар ЕИ ҳужжатларида “шартнома шартлари қисман қўлланилмайдиган мамлакатлар” сифатида келтирилади. Швеция евро худудига қатнашмасликка қарор қилди ва ЕИ тавсиялари бўйича ўз миллий қонунчилигига ўзгартиришлар киритмади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ЕИВИ нафақат аъзо мамлакатлар ўртасида савдо ҳажмининг ортишига, балки бу мамлакатлар ва валюта иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатлар ўртасида ҳам ташқи савдонинг кенгайишига олиб келди. Ушбу самара ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бориши билан ривожланаётган машинасозлик, кимё саноати каби тармоқларда яққол намоён бўлмоқда.

Евро худудига аъзо бўлишга даъвогар мамлакатлар иқтисодиёти куйидаги конвергенция кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинади:

– нархларнинг барқарорлиги – инфляциянинг ўртача даражаси йил давомида евро худудига кирган, инфляция даражаси паст учта мамлакатдаги ўртача инфляция даражасидан 1,5 пунктдан юқори бўлмаслиги лозим;

– давлат молиясининг барқарорлиги – Маастрихт шартномаси бўйича консолидациялашган бюджет камомати ЯИМга нисбатан 3% дан, жами давлат қарзи эса ЯИМга нисбатан 60% дан ошмаслиги лозим;

– камида икки йил валюта курслари механизмида (Exchange Rate Mechanism II (ERM II)) қатнашиши;

– конвергенциянинг номинал узоқ муддатли фоиз ставкаларида акс этиши - евро худудига кирган, инфляция даражаси паст учта мамлакатдаги ўртача номинал фоиз ставкалардан 2 пунктга ошмаслиги лозим.

ERM II механизми миллий валютанинг еврога нисбатан асосий паритетини тартибга солиш механизмини ўрнатишни тақозо этади. Валюталар курси паритетдан 15% гача фарқланиши мумкин. Мамлакатнинг евро худудига киришига қадар икки йилгача валюталарнинг еврога нисбатан девальвация қилинишига йўл қўйилмайди. Ҳозирги вақтда Латвия, Литва ва Дания ERM II механизми қатнашчилари ҳисобланилади. 2011 йил 1 январга қадар Эстония ҳам ERM II механизми қатнашчиси ҳисобланган. ERM II механизми қатнашчилари учун валюта курсларининг тебранишида амалдаги шартномаларда кўзда тутилган қоидаларга нисбатан торроқ йўлак белгиланган (7.4.1-жадвал).

2010 йил май ойида эълон қилинган конвергенция кўрсаткичлари таҳлили кўрсатишича, Латвия, Чехия ва Эстония инфляция бўйича, Чехия ва Швеция узоқ муддатли фоиз ставкалари бўйича, Болгария, Литва, Латвия, Польша, Руминия, Чехия, Швеция ва Эстония давлат ташқи қарзи бўйича меъёрий талабларни бажарган (7.4.2-жадвал).

**Валюта Иттифоқига аъзоликка даъвогар ва ERM II аъзолари  
ҳисобланган мамлакатларнинг валюта режимлари<sup>9</sup>**

Мамлакат	Валюта	ERM II механизмига қўшилган муддати	Валютларнинг марказий курси (1 еврога нисбатан)	Курсларнинг тебраниш чегаралари (марказий курсдан фарқ қилиши, +/- %)	Евронинг жорий этилиш муддати
Болгария	Лев	Еврони жорий этишга қадар камида 2 йил	1,95583	0,5	аниқ эмас
Венгрия	Форинг	Еврони жорий этишга қадар камида 2 йил	275,4119*	сузиб юрувчи	аниқ эмас
Дания	Дания кронаси	01.01.1999	7,46038	2,25	—
Лагвия	Лат	02.05.2005	0,702804	1	01.01.2014
Литва	Лит	28.06.2004	3,4523	қайд этилган	аниқ эмас
Польша	Злотий	Еврони жорий этишга қадар камида 2 йил	3,9946*	сузиб юрувчи	аниқ эмас
Руминия	Лей	Еврони жорий этишга қадар камида 2 йил	4,2099*	сузиб юрувчи	01.01.2015
Чехия	Чех кронаси	Еврони жорий этишга қадар камида 2 йил	25,290*	сузиб юрувчи	аниқ эмас
Эстония	Эстон кронаси	28.06.2004	15,6466	қайд этилган	01.01.2011

\* 2010 йилда ўртача курс.

Валюта интеграциясидан қўзланган стратегик мақсад мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини яқинлаштиришга хизмат қилувчи реал конвергенцияни таъминлаш ҳисобланади. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи

**Евро худудига кирмаган ЕИ аъзоларининг конвергенция  
кўрсаткичлари<sup>10</sup>**

Мамлакат	Инфляция (истеъмол нархлари, ўртача йиллик, %)			Узоқ муддатли фоз ставкалари			Бюджет камоади (ЯИМга нисбатан фоз ҳисобида)			Ялпи қарз (ЯИМга нисбатан фоз ҳисобида)		
	2008	2009	2010*	2008	2009	2010*	2008	2009	2010	2008	2009	2010
Болгария	12,0	2,5	1,7	5,4	7,2	6,9	1,8	-3,9	-2,8	14,1	14,8	17,4
Чехия	6,3	0,6	0,3	4,6	4,8	4,7	-2,7	-5,9	-5,7	30,0	35,4	39,8
Эстония	10,6	0,2	-0,7	-	-	-	-2,7	-1,7	-2,4	4,6	7,2	9,6
Лагвия	15,3	3,3	0,1	6,4	12,4	12,7	-4,1	-9,0	-8,6	19,5	36,1	48,5
Литва	11,1	4,2	2,0	5,6	14,0	12,1	-3,3	-8,9	-8,4	15,6	29,3	38,6
Венгрия	6,0	4,0	4,8	8,2	9,1	8,4	-3,8	-4,0	-4,1	72,9	78,3	78,9
Польша	4,2	4,0	3,9	6,1	6,1	6,1	-3,7	-7,1	-7,3	47,2	51,0	53,9
Руминия	7,9	5,6	5,0	7,7	9,7	9,4	-5,4	-8,3	-8,0	13,3	23,7	30,5
Швеция	3,3	1,9	2,1	3,9	3,3	3,3	2,5	-0,5	-2,1	38,3	42,3	42,6
Кўрсаткичларни инг метрий аҳамияти			1,0			6,0		-3,0			60,0	

\* 2009 йил апрелдан 2010 йил мартгача.

<sup>9</sup> European Commission ([http://ec.europa.eu/economy\\_finance/euro/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/economy_finance/euro/index_en.htm)).

<sup>10</sup> ECB Convergence Report, May 2010.



ЯИМ кўрсаткичи реал конвергенциянинг асосий кўрсаткичи саналади. Евро ҳудуди ташкил этилгандан кейин евро ҳудудига аъзоликка даъвогар мамлакатлар ва евро ҳудуди кўрсаткичи ўртасида фарқ сезиларли равишда қисқарди. 2000 йилда евро ҳудудига киришга даъвогар мамлакатлардан еттигасида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми евро ҳудуди даражасининг ярмини ташкил этган бўлса, 2007–2008 йилларда бу кўрсаткичга эга мамлакатлардан иккитаси – Болгария ва Руминия қолди (7.4.3-жадвал).

#### 7.4.3-жадвал

**Евро ҳудудига аъзоликка даъвогар мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ динамикаси (евро ҳудуди = 100)<sup>11</sup>**

Мамлакат	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
Болгария	24,8	31,7	33,4	34,5	38,2
Чехия	60,9	69,3	70,4	73,4	14,0
Эстония	40,0	56,2	59,6	63,0	62,1
Латвия	32,6	44,3	47,2	51,0	52,8
Литва	34,9	48,3	50,6	54,3	57,1
Венгрия	49,2	57,7	57,8	57,3	59,4
Польша	42,9	46,9	47,5	49,8	52,0
Руминия	23,2	31,9	35,1	38,1	-
Швеция	112,6	109,8	110,8	112,5	110,7
ЯИМнинг ўртача даражаси (Швециядан ташқари)	38,6	48,3	50,2	52,7	56,5

\* Харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган.

Таҳлиллар евро ҳудуди ва даъвогар мамлакатларда нархлар даражасининг барқарорлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Мисол учун, 2000 йилда қиёсий таққосланган нархлар даъвогар мамлакатлардан тўрттасида евро ҳудуди даражасидан икки барабар паст бўлган бўлса, 2008 йилда фақат Болгариядагина бу кўрсаткич сақланиб қолди.

2000–2008 йилларда ушбу мамлакатларда инфляция суръати ўсиш тенденциясига эга бўлди. Инфляциянинг ошиши жадал иқтисодий ўсиш, макроиктисодий нисбатларнинг бузилиши ва хомашё нархининг ошиши билан боғлиқ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ташқи талабнинг қисқариши, ташқи молиялаштириш шартларининг ёмонлашуви ва экспортнинг қисқаришига олиб келди. Жумладан, 2010 йилда истеъмол нархлар индекси даъвогар мамлакатлар – Болгария (3,0%), Венгрия (4,9%), Руминия (6,1%) ва Польшада (2,6%) евро зонасига (1,6%) нисбатан юқори бўлди<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> ECB Convergence Report. May 2010.

<sup>12</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 202.

## 7.5. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ташқи иқтисодий алоқалари

Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишида 1992 йилда «Ўзаро ҳамкорлик» тўғрисидаги Меморандумнинг имзоланиши муҳим аҳамиятга эга. 1994 йилда Ўзбекистон ва Европа давлатлари ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шу йили ЕИ Комиссиясининг (ЎзбюроКЕС) «Техник ҳамкорликни мувофиқлаштириш бюросини ташкил этиш» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. 1995 йилда Брюссель шаҳрида ЕИ Комиссияси таркибида республиканинг дипломатик миссияси ўз ишини бошлади.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга бағишланган «Ўзбекистон – ЕИ ва уларга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш» тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шу тарихда Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари тарихида Россиядан кейин иккинчи бўлиб ЕИ билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

ЕИ мамлакатлари Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим инвесторлар ҳисобланади. Республикамиз ҳудудида ЕИ мамлакатларининг 480 дан ортиқ фирма ва компаниялари фаолият олиб боради ва уларнинг 100 дан ортиғи тўлиқ Европа капиталига асослангандир.

ЕИнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- Ўзбекистоннинг геосиёсий ва стратегик жойлашуви;
- Ўзбекистоннинг табиий ва иқтисодий салоҳияти.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги савдо алоқаларига 1993 йил 8 июнда Брюсселда текстиль маҳсулотлари соҳасида тузилган шартнома асос ҳисобланади. Ушбу шартномада Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари учун белгиланган квотанинг ҳар йили 1,2% га ортиб бориши кўзда тутилган, бўлиб 2004 йилдан бошлаб томонлар Ўзбекистон текстиль маҳсулотларига нисбатан квотани бекор қилишга келишилди.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида савдо алоқалари барқарор суръатларда ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2000–2010 йилларда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 29,0% га ўсиб, 2010 йилда 1 млрд. 658 млн. еврони ташкил этди (7.5.1-жадвал).

Ўзбекистон ЕИга ноорганик кимё маҳсулотлари, газ, текстиль маҳсулотлари, ўғитлар, металл рудалар ва металл экспорт қилади. ЕИдан Ўзбекистонга транспорт воситалари, иқтисодиёт тармоқлари учун мўлжалланган махсус машиналар, тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари, автомобиллар импорт қилинади (7.5.2-жадвал).

**ЕИ ва Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг ўзгариши, млн. евро<sup>13</sup>**

	2000 й.	2005 й.	2009 й.	2010 й.	2009–2010 йилларда қўшимча ўсш, %да
Ташқи савдо айланмаси	1237	1119	1290	1658	29
Экспорт	653	529	318	415	31
Импорт	584	590	972	1243	28
Сальдо	69	-61	-654	-828	27

**ЕИ ва Ўзбекистон ташқи савдосининг товар таркиби, 2010 й<sup>14</sup>.**

Экспорт	Қиймати, млн. евро	Улуши, %	Импорт	Қиймати, млн. евро	Улуши, %
Транспорт асбоб-уқуналари	251	20	Ноорганик қимё маҳсулотлари	88	21
Иқтисодий тармоқлари учун мўлжалланган махсус машиналар	143	11	Газ	74	18
Тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари	131	11	Текстиль маҳсулотлари	56	13
Саноат учун махсус ихтисослаштирилмаган машина ва асбоб-уқуналар, машиналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари	118	9	Металл рудалар ва металл	37	9
Автомобиллар	59	5	Ўғитлар	31	7
Бошқалар	541	44	Бошқалар	129	31

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг истиқболи кўп жиҳатдан транспорт муаммолари билан боғлиқ. Бу соҳада ЕИнинг ТРАСЕКА дастури алоҳида эътиборга лойиқ. Ўзбекистон ва ЕИ ҳамкорлигининг истиқболли соҳалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– ЕИнинг йирик компанияларини Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларидаги инвестиция лойиҳаларига жалб этиш, хусусийлаштириш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш;

<sup>13</sup> <http://www.cisstat.com/rus/Evrostatbooklet.pdf>

<sup>14</sup> <http://www.cisstat.com/rus/Evrostatbooklet.pdf>

– хусусийлаштириш, стандартлаштириш соҳаларида миллий қонунчиликни ЕИ ва ЖСТ меъёрларига мувофиқлаштириш бўйича техник ҳамкорликни ривожлантириш;

– кичик ва хусусий тадбиркорликка кўмаклашиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва бу соҳада лойиҳаларни ЕИ томонидан молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш;

– қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кредитлар олиш;

– ТАСИС дастурлари доирасида таълим дастурларидан самарали фойдаланиш;

– ТРАСЕКА вап ИНОГЕЙТ лойиҳалари бўйича Ўзбекистоннинг транзит имкониятларидан кенг фойдаланиш ва ривожлантириш.

### Асосий тушунчалар

**“Евротом”** – ЕИ аъзолари томонидан 1957 йилда Рим шартномасига мувофиқ тузилган Европа атом энергияси бўйича ҳамжамияти ташкилоти.

**Рим шартномаси** – 1957 йилда Германия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург томонидан имзоланган, инсонлар, товарлар, хизматлар ҳамда капитал ҳаракати йўлидаги тўсиқларни бекор қилиш тўғрисидаги халқаро шартнома.

**Маастрихт шартномаси** – 1992 йилда Маастрихт (Нидерландия) шаҳрида Европа Иттифоқини тузишнинг асосини ташкил этувчи шартнома.

**Европа Иттифоқи** – Европанинг 27 та мамлакатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гуруҳ.

**Лиссабон шартномаси** – 2007 йил 13 декабрда Лиссабонда 27 мамлакатдан иборат ЕИнинг амал қилишини яхшилаш ва унинг жаҳон хўжалигидаги ўрнини мустақамлаш мақсадида имзоланган халқаро шартнома.

**Европа валюта тизими (ЕВТ)** – ЕИ аъзоларининг ҳудудий валюта гуруҳи.

**Евро** – Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатларда муомалада бўлган валюта.

**Евро ҳудуди** – ЕИга аъзо, ягона валюта – евро муомалада бўлган мамлакатлар ҳудуди.

**Валюта курслари механизми** – миллий валютанинг еврога нисбатан асосий паритетини тартибга солиш механизми бўлиб, валюталар курси паритетдан 15% гача фарқланиши мумкин.

## Назорат саволлари:

1. Ғарбий Европанинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнига баҳо беринг.
2. Ғарбий Европанинг рақобатбардош тармоқларига қайси тармоқлар киради?
3. Европа Иттифоқининг ривожланиши қандай босқичлардан иборат?
4. Европа Иттифоқи ривожланиши жараёнида неча марта кенгайган ва унга қайси мамлакатлар кирган?
5. ЕИ иқтисодиётининг таркиби қандай кўрinishга эга?
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ЕИ иқтисодиётига таъсири ва ундан чиқиш йўлларига баҳо беринг.
7. ЕИ инқирозга қарши дастурларининг усутвор йўналишлари нималардан иборат?
8. Евро ҳудудига кириш мезонлари нималарга асосланади?
9. Евро ҳудудининг ривожланиш истиқболларига баҳо беринг.
10. Ўзбекистон ва ЕИ иқтисодий алоқаларининг ривожланиш истиқболлари нималардан иборат?

## 8-БОБ. ЯПОНИЯ ИҚТИСОДИЁТИ

### 8.1. Япония макроиқтисодий ривожланиш моделининг босқичлари, омиллари ва хусусиятлари

Япония<sup>1</sup> замонавий жаҳон хўжалигида алоҳида ўринга эга мамлакат бўлиб, Мэйдзи (1868) инқилобидан кейинги юз йил ичида феодал давлатдан ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатига айланди. Бу даврда Япония иқтисодий жиҳатдан ўзини тиклабгина қолмасдан саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Япониянинг бу даврдаги иқтисодий ривожланишини олти босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

**Биринчи босқич** 1896 йилдан Иккинчи жаҳон уришининг охиригача бўлган даврни қамраб олади ва Японияда ҳарбийлашган иқтисодий тизимни шакллантириш босқичи ҳисобланади. “Янги иқтисодий тизим” хусусий фирмалар мақеини фақат маҳсулот ишлаб чиқариш учунгина масъуллиқ даражасигача пасайтириб қўйди.

**Иккинчи босқич** 1945 йилдан 1958 йилгача давом этди. Ушбу босқич 7 йиллик Америка ҳукмронлиги ҳамда қатор институционал ва иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши билан ажралиб туради. Улар таркибда 1946–1950 йиллардаги аграр ҳамда, Дзайбацуларни<sup>2</sup> тарқатиб юбориш билан боғлиқ ислохотларни ва америкалик иқтисодчилар Додж ва Шоулар томонидан инфляцияга қарши курашга қаратилган, “фалажли даволаш” номини олган ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу давр Япония иқтисодиётининг урушдан кейинги қайта тикланиш даври ҳисобланади.

**Учинчи босқич** 1958–1973 йилларни ўз ичига олади ва барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари туфайли япон иқтисодий мўъжизаси номига эга бўлди. Ўн беш йил ичида мамлакат ялпи миллий маҳсулоти 6,5 мартага, саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса 10 мартага ошди. Ушбу даврда япон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари йилга ўртача 11% ни ташкил этгани ҳолда ривожланган мамлакатлар ичида энг юқори кўрсаткични ташкил этди.

**Тўртинчи босқич** 1973 йилдан бошланади ва мамлакат иқтисодиётига 1970 йиллардаги жаҳон ёқилги инқирозларининг таъсири туфайли ўртача ўсиш суръатлари ва таркибий ўзгаришлар (1973–1980) даври номини олди. Японияда инқироз 1976 йилда бартараф этилди, аммо мамлакат иқтисодий жонланиш босқичига “таркибий касал тармоқлар” – энергия ва материал сифимкорлиги юқори тармоқлар, енгил саноатнинг меҳнат сифимкорлиги юқори тармоқлари ва кемасозлик тармоғидаги муаммолар билан кириб келди.

<sup>1</sup> Япония Тинч океанининг Шарқий Осиё соҳаларига яқин 6800 та ороллардан иборат бўлиб, умумий майдони 378 минг кв. км.ни ташкил этади. Япония ҳудудининг 99% и тўртта йирик орол – Хоккайдо, Хонсю, Сикоку ва Кюсюга тўғри келади.

<sup>2</sup> Япониядаги йирик молия-саноат гуруҳлари.

**Бешинчи босқич** “совун кўпиғи” иқтисодиётининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, бу давр Японияда йўқотилган ўн йиллик номини олди. 1990 йилнинг 1 октябри акциялар курсининг пасайиши билан бошланди ва Никкэй индекси<sup>3</sup> 20 минг иенагача пасайди, яъни 1989 йилнинг декабрига нисбатан 49% га қисқарди. Кейинчалик 1 октябрь қора душанба деб аталадиган бўлди. “Совун кўпиғи” иқтисодиёти инқирози билан боғлиқ салбий оқибатларнинг реал секторга таъсири натижасида Япония иқтисодиёти чуқур ва давомли депрессия ҳолатига тушиб қолди. Ушбу ҳолат 2004–2010 йиллардаги бироз жонланишни ҳисобга олмаганда 2011 йилгача давом этди.

Фикримизча, 2011 йил 11 мартдаги ер қимирлаши билан боғлиқ воқеадан сўнг Япония иқтисодиётининг ривожланишидаги **олтинчи босқич** бошланди.

Япониянинг иқтисодий ривожланиш моделига хос қуйидаги белгиларни ажратиш мумкин:

– давлатнинг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, савдо ва инвестициялар соҳасидаги улушининг пастлиги;

– давлатнинг тadbиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишдаги фаол иштироки;

– меҳнат бозорида фирмалар даражасида бир маротабалик меҳнат шартномаларининг қўлланилиши. Меҳнат муносабатлари «фирма патернализми»ни (бир умр ёлпаниб ишлаш тизими, фирма – бизнинг уйимиз) ифода этади;

– фирмалар ва давлатнинг ишчи кучи малакасини ошириш, ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиши;

– молия-саноат гуруҳларининг кейретсуларга асосланиши. Улар компанияни ташкил этишнинг тармоқли тизимига эғалиги, фирмалар ўртасидаги алоқаларни амалга ошириш мижозлар ва етказиб берувчиларнинг ўзаро ишонч муносабатларига асосланиши, мижозлар эҳтиёжига тезда мослашиши, саноат бирлашмаларининг вертикал интеграциялашиш принципи бўйича тузилганлиги, компания асосини банк ташкил этиши каби хусусиятларга эга. Япония саноат мажмуаси “Мицубиси”, “Мицуи”, “Сумитомо”, “Дайчи Кангин”, “Фуе”, “Санва” каби молия-саноат гуруҳларидан ташкил топган ва уларнинг ҳиссасига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 14–15% и тўғри келади.

Япония XX асрнинг иккинчи ярмида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлди ва ушбу кўрсаткич 1951–1960 йилларда ўртача – 8,1%, 1961–1970 йилларда – 10,7%, 1971–1980 йилларда – 4,6%, 1981–1990 йилларда 4,0% ни ташкил этди<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Токио фонд биржасининг биринчи секциясида савдода фаол қатнашадиган 225 та компания акциялари баҳосининг ўртача арифметик оддий усулда ҳисобланадиган Япония фонд индекси.

<sup>4</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливеицева. –М.: Магистр, 2010. С. 281.

Фикримизча, Япониянинг «иқтисодий мўъжизага» эришиш омиллари куйидагиларда намоён бўлади:

- ялпи жамғариш нормасининг юқорилиги – ушбу кўрсаткич 1990 йилларнинг ўрталаригача 30% дан юқори бўлди;

- ҳарбий харажатларнинг пастлиги – давлат бюджетидан ҳарбий мудофаа учун сарфланаётган харажатлар миқдори 1930–1940 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг 9–10% ини ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 1947–1980 йилларда 1% дан ошмади. Япония конституциясига мувофиқ ҳарбий мақсадлар учун сарфланадиган давлат бюджети харажатлари мамлакат ЯИМнинг 1% дан ошиқ бўлиши мумкин эмас;

- АҚШ ва Ғарбий Европага нисабатан япон ишчи кучининг арзонлиги, юқори малакага эгаллиги ва меҳнатсеварлиги;

- ҳорижий илмий-техник билимлардан ва юқори технологиядан самарали фойдаланиши;

- иқтисодиётда фаол таркибий қайта ўзгаришларнинг амалга оширилиши;

- экспортни ривожлантиришга йўналтирилган фаол сиёсатнинг олиб борилганлиги. Ҳукуматнинг урушдан кейинги иқтисодий ривожланиш концепциясига мувофиқ табиий ресурсларга бой бўлмаган мамлакат фақат экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарибгина «омон» қолиши мумкин эди. Бундан ташқари, япон экспорти иенанинг паст курси ёрдамида мунтазам рағбатлантириб борилди;

- урушдан кейинги иқтисодий ислохотлар – урушгача бўлган монополияларни йириклаштирди ва аграр ислохотлар амалга оширилди;

- иқтисодиётни давлат томонидан самарали тартибга солиш – умуммиллий иқтисодий дастурлар, устувор тармоқларга солиқ имтиёзларини жорий этиш, ички бозорга рақобатчиларни киритмаслик, инфляциянинг паст даражасини таъминлаш;

- мамлакат худудининг қулай иқтисодий-географик жойлашганлиги. Мамлакат Тинч океани ҳавзаси минтақасининг марказида жойлашганлиги сабабли, аксарият халқаро денгиз ва ҳаво йўллари бу худудни кесиб ўтади.

## **8.2. Япония иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш динамикаси**

Япония дунёнинг етакчи иқтисодий марказларидан бири ҳисобланади. 2010 йилда Япониянинг номинал ЯИМнинг ҳажми 5,5 трлн. долларни ташкил этди, кўрсаткич бўйича АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Шунга қарамасдан охириги йилларда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби йирик ривожланаётган мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишлари туфайли Япониянинг глобал иқтисодий тизимдаги ўрни бироз сустлашди. Мисол учун Япониянинг дунё ЯИМдаги ҳиссаси 1990 йилда 14,3% ни ташкил этган бўлса, 2010



йилга келиб ушбу кўрсаткич 8,7% га тенг бўлди<sup>5</sup>. ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми бўйича Япония 2000 йилда дунёда 3 ўринни эгаллаган бўлса, 2010 йилда 23 ўринни, Менежментни ривожлантириш халқаро институтининг халқаро рақобатбардошлик рейтингда мамлакат 1990 йилда 1 ўринни эгаллагани ҳолда 2010 йилда 27 ўринга тушиб қолди.

Япония иқтисодиётининг тармоқ таркиби ҳам ривожланган мамлакатлар каби постиндустриал кўринишга эга. 2010 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 71% и хизматлар, 29% и саноат, 1% и қишлоқ хўжалиги соҳасига тўғри келди. 1980–2010 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 4% дан 1% гача, саноатнинг улуши 42% дан 28% гача қисқаргани ҳолда, хизматлар соҳасининг улуши 24% дан 71% гача ортди (8.2.1-жадвал).

### 8.2.1-жадвал

#### Япония иқтисодиётининг тармоқ таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>6</sup>

	1980 й.	2000 й.	2010 й.
Саноат	42	36	28
Қишлоқ хўжалиги	4	2	1
Хизматлар соҳаси	54	62	71

**Реал сектор.** Япония қишлоқ хўжалиги меҳнат унумдорлиги бўйича бошқа тармоқлардан ортда қолди. Охириги йилларда мамлакатнинг ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлаш коэффициенти (40% дан паст) пасайиб, озиқ-овқат импортининг улуши ортиб бормоқда. Япон ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашни яқин истиқболда 45% га ошириш чора-тадбирларидан иборат махсус дастурлар ишлаб чиқди.

Япониянинг худудий жойлашуви денгиз билан боғлиқ тармоқларнинг ривожланиши ва аҳолининг озиқ-овқат истеъмолида денгиз маҳсулотларининг етакчи мақога эгаллигини таъминлаган. Япония денгиз маҳсулотларини истеъмол қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллайди.

Япония саноати дунё саноат маҳсулотларининг тахминан 12% ини беради ва асосан қайта ишлаш саноати маҳсулотларидан иборат. Мамлакат қайта ишлаш саноатида материал ва энергия сизимкорлиги юқори тармоқлардан илм-фан сизимкорлиги юқори тармоқларга ўтиш жараёни рўй бермоқда. Япония ҳозирга қадар катта миқдорда пўлат ва прокат, кемалар, матолар ишлаб чиқарса-да, электрон саноат, автомобилсозлик,

<sup>5</sup> World Development Report 2012. World Bank. P. 392, 393.

<sup>6</sup> World Development Report 2012. World Bank. P. 396.

саноат асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, кимё саноати тармоқлари юқори рақобатбардошликка эга.

Япония ривожланган транспорт тизимига эга ва у мунтазам илмий-техник ютуқлар асосида такомиллаштирилиб борилади. Автомобиль транспорти йўловчи ва юк ташишда етакчилик қилади. Мисол учун 2003 йилда мамлакатда 77,6 млн. автотранспорт воситалари рўйхатга олинган ва унинг 69% и энгил автомобилларга тўғри келади.

Япониянинг пул-кредит тизими Япония Банки (мамлакатнинг марказий банки), шаҳар (3 мингта) ва ҳудудий (12 мингта) филиалларга эга ўндан ортиқ банклардан – тижорат банклари, траст-банклар, узоқ муддатли кредитлар берувчи банклар (0,5 мингта филиал) ва 25 мингта почта-жамғарма кассаларидан иборат.

**Солиқ ва бюджет соҳаси.** Японияда йиғиладиган солиқлар ичида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи (бюджетга тушадиган солиқларнинг 40% и), корпоратив солиқ (30%) ва акцизлар устуворлик қилади. Мамлакатда солиқ юки давлат бюджети ҳажмининг ЯИМга нисбатан улушининг кичиклиги сабабли Европа мамлакатларига қараганда паст ҳисобланади.

1995–2010 йилларда давлат бюджети камомади ЯИМга нисбатан ўртача 5–8% ни ташкил этди. Бу Япония ҳукуматининг иқтисодиётни рецессия ҳолатидан (1990 йиллар, 2008–2010 йиллар) олиб чиқиш учун инқироз ҳолатидаги япон компаниялари ва банкларининг акцияларини чегараланган муддатга сотиб олиш шаклидаги ёрдами оқибатидир.

Давлат бюджети камомади давлат облигацияларини чиқариш йўли билан қопланади, бу эса катта миқдордаги давлат қарзларини юзага келтиради (6.2.2-жадвал).

#### 6.2.2-жадвал

#### Япония давлат бюджети камомади ва давлат қарзи динамикаси<sup>7</sup>

	1995–2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Соф кредитлаш/соф қарз	-6,3	-4,8	-4,0	-2,4	-4,2	-10,3	-9,2
Тўлов баланси сальдоси	-5,9	-4,6	-3,9	-2,6	-3,7	-7,1	-7,4
Соф қарз	54,6	84,6	84,3	81,5	96,5	110,0	117,2
Янги қарз	135,4	191,6	191,3	187,7	195,0	216,3	220,0

**Ижтимоий соҳа.** Япониянинг ижтимоий соҳасидаги эришган ютуқларининг муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

<sup>7</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 207.

– меҳнат бозоридаги янгиликлар – меҳнат бозорида бир умр ёллаб ишлатиш ва иш ҳақини ёшга қараб тўлаш тизимидан босқичма-босқич Ғарб меҳнат тизимига ўтиш амалга оширилди;

– таълим тизимини янгилаш – ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва индивидуалликни тарбиялаш тизимига ўтиш бошланди, умумтаълим мактабларига нисбатан тенглаштириш ёндашуви тугатилиб, хусусий мактабларни яратиш рағбатлантирилмоқда;

– истеъмол талаби таркибини ўзгартириш – жамғармалар ҳажми қисқариб, оила бюджетида шахсий истеъмол муҳим ўринга эга бўлмоқда. Японияда юқори сифатли товарлар ва хизматлар истеъмоли ортиб бормоқда, уй эгаларининг сони, хонадон хўжаликларида соғлиқни сақлаш, таълим, дам олиш харажатлари ортиб бормоқда;

– пенсия тизимида ислохотлар – мамлакат кейинги вақтларда пенсия тизимида муаммоларга дуч келди. Бунинг асосий сабабларидан бири пенсия тизимидаги катта миқдордаги молиявий камомад ҳисобланади. Япония ҳукумати пенсия тизимини ислоҳ этишнинг 10–15 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқди. Унда фуқароларнинг бадалларини босқичма-босқич кўпайтириб бориш ва базавий пенсияни субсидиялашда давлат улушини ошириб бориш кўзда тутилган.

Япония учун аҳолининг қариши муаммоси энг жиддий ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Япония дунёда аҳолининг кутилаётган умри узунлиги бўйича биринчи ўринда туради ва бу кўрсаткич ўртача 82 ёшни ташкил этади. Аҳолининг қариши жараёни билан боғлиқ қуйидаги салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Биринчидан, аҳоли таркибида ёшлар улуши қисқариб боради. Япон компаниялари ҳозирданоқ ноанъанавий дунёқарашга эга ҳаракатчан ёш ишчи кучининг етишмаслигини сезишмоқда. Япониядаги йирик компанияларнинг юқори бошқарув персоналнинг ўртача ёши 60 ёшга тенг.

Иккинчидан, аҳоли таркибида қариялар улушининг ортиб бориши пенсия таъминоти ва соғлиқни сақлаш харажатларининг кўпайишига олиб келади. Мамлакатда ижтимоий соҳада юзага келаётган мураккаб вазиятни юмшатиш мақсадида пенсияга чиқиш ёшини 60 ёшдан 65 ёшгача узайтирилди. Юқоридаги сабабларга кўра ижтимоий харажатларнинг ошиб кетиши давлат бюджети камомади ва давлат қарзининг ўсиб кетишига олиб келмоқда.

**Ташқи иқтисодий стратегияси.** Япония “иқтисодий мўъжизаси”нинг сабабларидан бири – ички бозорни ҳимоялаш ва маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишни ҳар томонлама самарали қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ташқи иқтисодий стратегиянинг танланганлигидир. Япония учун тўлов баланснинг жорий операциялар счёти бўйича катта миқдордаги ижобий қолдиқ хос бўлиб, 2010 йилда бу кўрсаткич 195,9 млрд. долларни ёки ЯИМга нисбатан 3,6% ни ташкил этди (8.2.3-жадвал).

**Япония тўлов балансининг жорий операциялар бўйича  
қолдиги динамикаси<sup>8</sup>**

	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Жорий операциялар қолдиги, млрд. долл.	165,7	170,4	211,0	157,1	141,8	195,9
Жорий операциялар қолдиги, ЯИМга нисбатан % да	3,6	3,9	4,8	3,2	2,8	3,6

XXI аср бошларида ЖСТ томонидан яқингача устун даражада нотариф тўсиқлар ёрдамида ёпиқ бўлган Япония ички бозорини эркинлаштириш борасидаги талаблар кучайиб бормоқда.

Япония жаҳон товарлар экспортида 2010 йилда 4-ўринни, импортида 4-ўринни, жаҳон хизматлар экспортида 6 - ва 5-ўринларни эгаллайди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Япония ташқи савдосига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Мисол учун 2009 йилда товарлар экспорти ва импорти 2008 йилга нисбатан мос равишда 26 ва 28% га пасайди (8.2.4-жадвал).

**Япония ташқи савдосининг ҳажми ва ўзгариши, млрд. долл.<sup>9</sup>**

	2010 й.	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %		
		2005–2010 йилларда ўртача	2009 й.	2010 й.
Товарлар экспорти	769,9	5	-26	33
Товарлар импорти	694,1	6	-28	26
Хизматлар экспорти	138,9	6	-14	10
Хизматлар импорти	155,8	5	-12	6

Япония ташқи савдосининг товар таркибида саноат маҳсулотлари етакчи мавқега эга. 2010 йилда саноат маҳсулотларининг товарлар экспортидаги улуши 94,4% ни, товарлар импортида эса 63,1% ни ташкил этди (8.2.5-жадвал).

Япония ташқи савдосининг географик таркибида ривожланган мамлакатлар етакчи улушга эга бўлса-да, охириги йилларда жиддий ўзгаришларга учрамоқда. Жумладан, 2000–2010 йилларда мамлакат ташқи савдо айланмасида АҚШ ва ЕИ-27 мамлакатларининг улуши мос равишда 25,2, 14,9% дан 13,0, 10,5% га қадар қисқаргани ҳолда, асосий истеъмол

<sup>8</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 207.

<sup>9</sup> Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011. P. 92.

Япония ташқи савдосининг товар таркиби, 2010 й.<sup>10</sup>

	Товарлар			Хизматлар	
	Экспорт	Импорт		Экспорт	Импорт
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	1,3	11,2	Транспорт	28,0	29,9
Ёқилғи ва қазиб чиқариш саноати маҳсулотлари	4,3	36,7	Туризм	9,5	17,9
Саноат маҳсулотлари	94,4	63,1	Бошқа тижорат хизматлари	62,5	52,2
Жаҳондаги улуши	5,1	4,5	Жаҳондаги улуши	3,7	4,4

товарлари ва хомашё етказиб берувчи Хитой ва Яқин Шарқ улуши мос равишда 11,4, 6,9% дан 22,2, 9,8% гача ортган (8.2.6-жадвал).

Япония ташқи савдосининг географик таркибдаги ўзгаришлар, жамига нисбатан % ҳисобида<sup>11</sup>

	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Ташқи савдо айланмаси – жами	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:							
АҚШ	25,2	18,1	17,4	16,1	14,1	13,8	13,0
Бразилия	0,6	0,6	0,7	0,7	1,0	0,9	1,1
Европа Иттифоқи (27)	14,9	13,2	12,5	12,7	11,7	12,4	10,5
МДҲ	0,7	1,1	1,3	1,8	2,2	1,2	1,8
Африка мамлакатлари	1,1	1,5	1,8	1,9	2,1	1,5	1,5
Яқин Шарқ	6,9	9,4	10,5	10,5	13,0	10,1	9,8
Хитой	11,4	18,6	18,7	19,2	18,6	21,9	22,2
Жанубий Осиё мамлакатлари	23,5	21,8	20,9	20,3	19,7	20,8	21,7
Бошқа мамлакатлар	15,8	15,6	16,2	16,7	17,5	17,3	18,5

Япония иқтисодиётининг асосини маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ташкил этади. Шарқий Осиё мамлакатлари билан ташқи савдосининг барқарор суръатларда ривожланиши ва япон компанияларининг ушбу ҳудудга инвестиция киритиши истикболли ҳисобланади. Биринчидан, Шарқий Осиё бозорлари жадал ва барқарор суръатларда кенгайиб бормоқда, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳудуд ичидаги иқтисодий

<sup>10</sup> Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011. P. 92.

<sup>11</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида тузилган.

ҳамкорлик учун очикдир. Иккинчидан, Шарқий Осиёда ЖСТ, Икки томонлама иқтисодий шартномалар бўйича ҳамкорлик, Эркин савдо тўғрисидаги келишув, Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги каби келишувлар доирасида савдо муносабатларини рағбатлантириш дастаклари мавжуд ва амал қилмоқда

### **8.3. Япония иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ва ундан чиқиш йўллари**

Ривожланган мамлакатлар ичида Япония жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан энг кўп зарар кўрган мамлакат ҳисобланади. Япония ҳукумати иқтисодиётда рецессия ҳолатининг бошланганлигини 2008 йил ноябрининг охирида расмий эълон қилди. 2008 йилда Япония иқтисодиёти хом ашё нархларининг ўсиб кетиши ва жаҳон молиявий бозорларида бошланган тушқунлик таъсирини бошидан кечирди. Бу ҳолат пул ресурсларининг молиявий бозорлардан товарлар бозорига оқиб ўтиши ва доллар курсининг пасайиши билан боғлиқ. 2008 йилда Япония ташқи савдо баланси 1960 йиллардан кейин биринчи марта камомад билан (172,8 млрд. иен ёки 1,74 млрд. долл.) ёпилди<sup>12</sup>.

Жаҳон молия бозорларида бошланган инқироз иенанинг ревальвациялашувини тезлаштирди. Японияда инфляция даражаси дунёдаги энг паст кўрсаткичга тенг бўлганлиги боис япон иенаси жаҳон валюта бозорида арзон ликвидлик манбаига айланди. Иена курси 2007 йилнинг охирида 1 доллар – 113 иенадан 2009 йилнинг сентябрида 1 доллар – 90–92 иенагача, еврога нисбатан эса 1 евро – 160 иенадан 130–132 иенага ошди.

Иенанинг ревальвацияга учраши ёқилги, хом ашё ва озиқ-овқат нархининг ўсишини қоплаган бўлса-да, хорижий бозорларда талабнинг пасайиши туфайли мамлакат экспортининг қисқаришига олиб келди. 2009 йилда айнан асосий экспорт бозорларидаги япон маҳсулотларига бўлган талабнинг қисқариши Япония иқтисодиётининг пасайишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Бунинг сабаби Япония экспорт квотаси ХХI аср бошида 11–12% дан 15–17% га қадар ошди. Мамлакат экспортининг 2/3 қисми машинасозлик маҳсулотларидан иборат. Иқтисодий инқирозгача бўлган вақтда машина ва асбоб-ускуналарнинг 28% и, жумладан, транспорт маҳсулотларининг 28% и ва электротехника машинасозлиги маҳсулотларининг 30% и ташқи бозорларга чиқарилган. Жаҳон рецессияси ушбу бозорларда автомобиллар, узоқ муддат хизмат қилувчи истеъмол товарлари ва инвестиция товарларига бўлган талабнинг кескин қисқаришига олиб келди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Япония саноати маҳсулотлари хорижий бозорларда “ортиқчалик” қилиб қолди ва экспорт

<sup>12</sup> Мировой кризис и Япония / Рук. проекта Э. В. Молодякова. – М.: “АИРО-XXI”, 2009. С. 59.

ҳажми кескин қисқарди. Саноат ишлаб чиқариш индекси 2009 йилнинг февралда 2005 йилга нисбатан 69,5% га тенг бўлди ва пасайиш 36,9% ни ташкил этди.

Мамлакат ЯИМ 2008 йилда 1,2%, 2009 йилда эса 6,3% га пасайди ва ушбу пасайишнинг 70% и япон товарларига бўлган ташқи талабнинг, қолган 30% и ички бозордаги талабнинг қисқариши билан боғлиқ (8.3.1-жадвал).

### 8.3.1-жадвал

#### Япониянинг макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси, ўтган йилга нисбатан %<sup>13</sup>

	1993– 2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Реал ЯИМ	0,8	1,4	2,7	1,9	2,0	2,4	-1,2	-6,3	4,0
Хусусий истеъмол харажатлари	1,2	0,4	1,6	1,3	1,5	1,6	-0,7	-1,9	1,8
Давлат истеъмоли	2,9	2,3	1,9	1,6	0,4	1,5	0,5	3,0	2,2
Асосий капитални ялпи жамғариш	-1,2	-0,5	1,4	3,1	0,5	-1,2	-3,6	-	-0,2
Ички талаб	0,8	0,5	1,6	1,9	1,1	1,0	-1,1	-3,4	1,5
Инфляция	2,1	2,1	2,2	2,2	2,2	2,1	3,3	0,3	1,6

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози йирик япон компаниялари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди. Жумладан, электротехника ва электроника саноати («Хитати», «Панасоник», «NEC», «Тосиба» ва «Сони») ва автомобилсозлик саноати («Тоёта», «Ниссан» ва «Хонда») компаниялари катта зарар кўришди. Мисол учун «Тоёта» компаниясининг сотиш ҳажми Шимолий Америка, Европа, Осиё ва Япониянинг ўзида 22% га қисқарди ва 461 млрд. иен (4,85 млрд. долл.) миқдорида зарар кўрди<sup>14</sup>.

Японияда ишсизлик даражаси жаҳон молиявий инқирози таъсирида 2009 йилда 5,7% га етди, бу кўрсаткич халқаро даражадан паст бўлса-да, Япония учун жуда юқори ҳисобланади. Ишдан асосан меҳнат шартномалари тугаётган, вақтинчалик ва тўлиқсиз иш кунда ишлаётганлар бўшатилади. Кенг миқёсда ишдан бўшатишлар эса завод ва фабрикалар ёпилган вақтда юз берди, аммо компаниялар давлатнинг бандликни сақлаб қолиш учун ажратган мақсадли субсидияларидан фойдаланган ҳолда доимий ишчиларини ишдан бўшатмасликка ҳаракат қилишмоқда.

Япония жаҳон молия инқирозининг маркази бўлмаган бўлса-да, япон компанияларининг акциялари Европа ва АҚШ компаниялари акцияларига қараганда кўпроқ қадрсизланди. Никкэй 225 биржа индекси 2008 майдаги

<sup>13</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С.195, 196, 207.

<sup>14</sup> Мировой кризис и Япония / Рук. проекта Э. В. Молодякова. –М.: «АИРО-XXI», 2009. С. 61.

14 400 пунктдан 2009 апрелидаги 7 560 пунктгача пасайди. Фонд бозоридаги илк пасайиш экспортёр компаниялар фойдасининг пасайиши ва хорижий филиалларидаги активларининг кадрсизланиши туфайли рўй берди. Токио фонд биржаси маълумотларига кўра 2009 йилнинг бошида листингдаги 30% гача акциялар хорижликларга тегишли бўлган ва уларнинг умумий биржа айланмасидаги улуши 60% ни ташкил этган. Инқироз бошланиши билан хорижий инвесторлар ўз акцияларини сога бошлашди. Таҳлиллар кўрсатишича, хорижий инвесторлар 2003–2007 йилларда сотиб олган акцияларининг 39% ини 16% ли курс қиймати бўйича сотишган<sup>15</sup>.

Япония ҳукумати 2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида умумий қиймати 75 трлн. иенага тенг учта (2008 йил 28 август, 30 октябрь, 12 декабрь) инқирозга қарши чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва ушбу тадбирларга маблағларнинг 12 трлн. иенасини бевосита бюджет маблағлари (ЯИМга нисбатан 2%) ташкил этди<sup>16</sup>. Инқирозга қарши қабул қилинган чора-тадбирлар дастурлари қуйидаги йўналишларни ўз ичига олди:

– молия тизимини қўллаб-қувватлаш – фонд бозорини барқарорлаштириш, ички кредитлаш шартларининг ёмонлашувини бартараф этиш, молиявий институтларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш, хусусий банкларга кичик ва ўрта корхоналарга кредит ажратишлари учун ҳукумат қафолатлари тизимини кенгайтириш кўзда тутилди;

– аҳолини ижтимоий ҳимоялаш – аҳолига бевосита пулли тўловлар тақдим этиш, тиббий ва мактаб муассасаларига молиявий ёрдам бериш, айрим импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари нархи устидан давлат назоратини ўрнатиш, тез юрар автомобиль йўлларида фойдаланганлик учун тўловларни пасайтириш, тиббий харажатларни қисман қоплаш каби чора-тадбирларни қамраб олди;

– бандликни қўллаб-қувватлаш – ҳукумат томонидан бандлик даражасини сақлаб қолаётган, ишга ногиронларни қабул қилаётган штатдан ташқари ишлаётганларни штатга қабул қилаётган компанияларни молиявий рағбатлантириш тизимининг жорий қилиниши, қисқартиришга тушиб қолган ишчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уй-жой ижараси ва янги иш ўрнини қидириш харажатлари учун кредитлар бериш каби чора-тадбирлардан иборат;

– ҳудудларга ёрдам бериш – жамоат ишларини молиялаштиришни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббий хизмат соҳаларида ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари.

<sup>15</sup> Ўша манба. С. 64.

<sup>16</sup> Деловая Япония, тома XIV–XV. Экономика и связи с Россией в 2007–09 гг. –М.: «ПОЛПРЕД Справочник», 2009. С. 5.



2009 йил 10 апрелда янги инқирозга қарши иқтисодийetni рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Бу режада умумий харажатлар 56,8 трлн. иенани (570 млрд. долл.), бевосита бюджет харажатлари эса 15,4 трлн. иенани (ЯИМга нисбатан 3%) ташкил этди<sup>17</sup>.

Биринчи ва иккинчи чора-тадбирлар дастурида асосий эътибор кичик ва ўрта корхоналарни банк кредитлари кўринишида қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ушбу корхоналарда иқтисодийетда ёлланиб ишлаётганларнинг 70% и банд бўлгани боис қабул қилинган чора-тадбирлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлди.

Иккинчи дастурда аҳолига 2 трлн. иена (20 млрд. долл.), аҳоли жон бошига 12 минг иенадан (120 долл.) “жонли” пуллар тарқатиш кўзда тутилди. 18 ёшдан кичик ва 65 ёшдан катта японияликлар қўшимча 8 минг иенадан олишди. Бу дастур 2009 йилнинг баҳорида амалга оширилди ва ЯИМга нисбатан 0,15% ни ташкил этди.

Учинчи дастур ички бозорни қўллаб-қувватлаш чораларини ўз ичига олди. Чакана савдо шохобчалари энергияни тежовчи музлаткич, совуткич, телевизорларни сотишни рағбатлантирувчи дастурлар доирасида харидорларга баллар қўйиб боришди. Ушбу баллар Suica карточкалари бўйича пулларга алмаштирилиб, жамоат транспортида йўл ҳақи сифатида фойдаланилди. Иккиламчи бозорда сотиб олинган уй-жойлар, “гибрид” автомобиллар ва электромобилларни сотиб олиш бўйича суғурга имтиёзлари жорий этилди. 13 йилдан ортиқ хизмат муддатига эга автомобиль эгалари (10 млн.) янги машина сотиб олиш вақтида 250 минг иена (2600 долл.) миқдорида давлат субсидиясини олишди.

Тўртинчи дастурда инфратузилма объектларини қуриш (шоссе, кўприklar ва йўл ўтказгичлар, мактаб бинолари) харажатлари ўрин олди. 2009 молия йилида иш ўринларини жадал суръатларда яратиш ва товарлар, хизматларга бўлган талабни ошириш мақсадида жамоат ишларига жалб этиш бўйича тузилган шартномалар 20% га ошди.

Япония ҳукумати томонидан амалга оширилган инқирозга қарши чоралар дастурлари натижасида 2009–2010 йилларда мамлакат иқтисодийетда кузатилаётган ижобий тенденциялар 2011 йил 11 мартдаги ер қимирилаши оқибатида тўхтаб қолди.

2011 йил 11 мартдаги ер қимирилаши Хонсю оролида жойлашган Иватэ, Мияги ва Фукусима префектураларида юз берди. Зилзила оқибатида Фукусима атом электр станциясининг ишдан чиқиши натижасида зарар кўрган префектуралар қаторига Хоккайдо, Аомори, Ибараки ва Чибаларни ҳам киритиш мумкин. Зарар кўрган ҳудудлар ҳиссасига жами аҳолининг 17% и, (22 млн. киши), мамлакат ЯИМнинг 15% и (74 трлн. иена), асосий капиталнинг 20% и (133 трлн. иена) тўғри келди<sup>18</sup>.

<sup>17</sup> Ўша манба. С. 6.

<sup>18</sup> Шейхова У.Д. Экономика Японии: современное состояние и тенденции развития. //Международная экономика, №11, 2011. С. 33.

Ушбу зилзила ва цунами Япония тарихидаги энг кучлиси бўлиб, катта иқтисодий йўқотишларга олиб келди. Дастлабки маълумотларга қараганда, уй ҳўжалиги, ижтимоий инфратузилма ва хусусий фирмаларга етказилган зарар миқдори мамлакат ЯИМнинг 3,3–5,2% ини ташкил қилган. Бундан ташқари ташқи савдо ҳажми, валюта қиймати, истеъмол буюмлари нархига жиддий салбий таъсир кўрсатди ва Япониянинг истиқболдаги иқтисодий ривожланиши ҳақида ноаниқликлар келтириб чиқарди (электр тармоқларидаги узилишлар, Фукусимадаги атом станциясидаги муаммолар, давлатнинг реконструкция харажатлари). Зилзила натижасида Токио вилоятидаги фабрикаларга етказилган зарар саноат маҳсулотлари, хусусан, автомобиль саноати маҳсулотларига бўлган талабга салбий таъсир кўрсатди. Япония Банки маълумотларига кўра мамлакатдаги тўққизта иқтисодий ҳудуднинг еттитасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда иқтисодий пасайиш юз берди.

Япония ҳукумати зилзила оқибатларини бартараф этиш учун дастлабки 15 ойда 3,2 трлн. иена (ЯИМга нисбатан 0,7%) ва кейинги 6 йил муддат ичида 5 трлн. иена сарфлашни белгиланган. 2011 йил 11 мартдаги зилзилада кўрилган зарар 16 трлн. иенадан 25 трлн. иенагача баҳоланмоқда ва зилзила оқибатларини қайта тиклаш харажатлари 2012 йил охиригача 5,6 трлн. иена (ЯИМга нисбатан 1,1%)ни ташкил этиши кутилмоқда<sup>19</sup>.

Мутахассисларнинг фикрича, 2011 йил 11 мартда юз берган табиий офат келтирган жиддий зарарга қарамадан Япония иқтисодиётининг қайта тикланишини таъминлаб берувчи асосий шарт-шароитлар ўзгармаган. Биринчидан, Япония экспорти ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларининг аксарият қисми Хитой, Европа Иттифоқи ва АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, Япония иқтисодиётига жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларининг 33,6% и Шимолий Америка, 26,6% и Европа Иттифоқи, 20% и Шарқий Осиё ҳиссасига тўғри келади<sup>20</sup>. Иккинчидан, табиий офатнинг иқтисодий самараси ижобий томонга ўзгариши мумкин. Чунки табиий офат келтирган зарарни бартараф этиш учун қўшимча инвестицияларнинг жалб этилиши, асосий фондларнинг янгиланиши узоқ муддатли истиқболда иқтисодий жонланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон иқтисодиёти марказларидан бири сифатида Япония АҚШ ва Ғарбий Европа ўртасида балансловчи вазифасини ўйнамоқда. Шунга қарамадан мамлакатдаги шу вақтгача самарали ҳисобланган, ташқи ўзгаришларга тез мослаша оладиган бюрократик тизим, макроиқтисодий сиёсатдаги ички ёпиқлик ва консерватизм Япониянинг жаҳон иқтисодий маркази сифатидаги мавқеининг пасайишига олиб келмоқда.

<sup>19</sup> [http://www.oecd.org/document/25/0,3746,en\\_2649\\_37443\\_47675097\\_1\\_1\\_1\\_37443,00.html](http://www.oecd.org/document/25/0,3746,en_2649_37443_47675097_1_1_1_37443,00.html)

<sup>20</sup> Шейхова У.Д. Экономика Японии: современное состояние и тенденции развития. //Международная экономика, №11, 2011. С. 31.

#### 8.4. Ўзбекистон ва Япония иқтисодий ҳамкорлиги

Япония Ўзбекистон Республикасининг муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 1992 йилдан Ўзбекистон ва Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича фаол алоқалар ўрнатилган. Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, таркибий қайта қуришларни амалга ошириш, гуманитар ва расмий ёрдам шаклидаги кредитлар, қайтарилмайдиган ссудалар кўрсатишдан бошланган.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият вазири ва «Мицубиси Корпорейшн», «Мицуи ва Ко» ЛТД, «Сумитомо Корпорейшн», «Нише Иваи Корпорейшн» компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Япониянинг «Банк оф Токио» ва «Сакура-банком» банклари ўртасида ҳамкорлик келишувлари имзоланди. Ўзбекистон ва Япония ўртасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш, Шаҳрисабз ва Чиноз туманларида текстил маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кўшма корхоналар бунёд этиш, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида аэропортларни халқаро талаблар даражасида таъмирлаш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди, Риштон ва Комацу шаҳарлари биродар шаҳарлар мақомини олишди.

Япония ўзбекистоннинг йирик инвесторларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги инвестицион ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида тоғ-кон саноати, нефть ва газ соҳаси, агросаноат мажмуаси, алоқа сектори белгиланган.

Япония Ўзбекистоннинг энг йирик инвесторларидан бири ҳисобланади. Япония инвестициялари иқтисодиётимизнинг нефтьгаз тармоқлари, транспорт сектори, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги тармоқларига сарфланмоқда. 2010 йилга келиб Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган япон инвестицияларининг умумий ҳажми 2,3 млрд. доллардан ортди. Давлат имтиёзли иена кредитлари йўналиши бўйича – 1,2 млрд. долларни, беғараз ёрдам йўналиши бўйича – 280 млн. долларни, техникавий кўмак йўналиши бўйича 110 млн. долларни, тижорат кредитлари йўналиши бўйича эса 720 млн. долларни ташкил этди<sup>21</sup>. Мисол учун «Ривожланишга расмий ёрдам» дастури доирасида Япония ҳукумати томонидан Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон лойиҳаси учун 150 млн. АҚШ доллари атрофида имтиёзли кредит ажратилди.

Ўзбекистонда ўнга яқин ўзбек-япон кўшма корхонаси, учта юз фоизли япон капиталига асосланган корхона фаолият юритмоқда. 1999-2001 йилларда Тошкент шаҳрида Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO), Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) ва Ўзбек-япон Маркази ўз мингтақавий ваколатхонларини очган ва беғараз техник ёрдам, икки

<sup>21</sup> Ўзбекистон – Япония: самарали ҳамкорликнинг 20 йили /Халқ сўзи, 26.01.12.

мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳамда гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда “Мицуи ва Ко ЛТД”, “Чори”, “Томен корпорейшн”, “Ай-Ти-Эс Джапан ЛТД”, “Мицубиси Корпорейшн”, “Тойота Цусе Корпорейшн”, “Марубени Корпорейшн”, “Сумитомо Корпорейшн” каби компанияларнинг ваколатхоналари очилган, “Сони”, “Хитачи”, “Панасоник” фирмаларининг савдо шохобчалари мавжуд.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо муносабатлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

#### 8.4.1-жадвал

#### Ўзбекистон ва Япония ташқи савдо айланмаси, млн. долл.<sup>22</sup>

	2000 й.	2005 й.	2010 й.
Ташқи савдо айланмаси	68,6	85,7	63,9
Экспорт	13,7	32,5	13,0
Умумий экспортдаги улуши, %	0,4	0,6	0,1
Импорт	54,9	53,2	50,9
Умумий импортдаги улуши, %	1,9	1,3	1,2
Сальдо	-41,2	-20,7	-37,9

Ўзбекистоннинг Японияга экспорт қилаётган маҳсулотларининг товар таркиби куйидагича: ноорганик кимё маҳсулотлари; ипак; пахта; калава; пахтали матолар; гиламлар; текстиль маҳсулотлари; кийим-кечак; сопол буюмлар; рангли металллар; механик асбоб-ускуналар.

Япония эса Ўзбекистонга, ўз навбатида, куйидаги маҳсулотларни етказиб беради: органик кимёвий бирикмалар; бўёқлар; фото ва кино маҳсулотлари; каучук ва резина маҳсулотлари; полиграфия саноати маҳсулотлари; кимёвий тола; ойна ва ойна маҳсулотлари; қора металл; механик асбоб-ускуналар; электр асбоб-ускуналар, аудио ва видеотехника; транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар; оптика, фото ва тиббиёт маҳсулотлари; соатлар ва эҳтиёт қисмлар; мусиқа асбоблари ва эҳтиёт қисмлар; мебель, ёритиш асбоблари.

Ўзбекистоннинг экспорт-импорт таркибида Япониянинг улуши 2000 йилда тегишлича 0,4 ва 1,9% ни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 0,1 ва 1,2% га тенг бўлди.

#### Асосий тушунчалар

**Никкэй индекси** – Токио фонд биржасининг биринчи секциясида савдода фаол қатнашадиган 225 та компания акциялари баҳосининг ўртача арифметик оддий усулда ҳисобланадиган Япония фонд индекси.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари.

**Дзайбацу** – XIX асрдан XX асрнинг биринчи ярмига қадар Японияда банк ва саноат бирлашмаларини назорат қилувчи йирик оилалар.

**Кейретсу** – битта компанияга тегишли ёки унинг бир қисми саналувчи фирмалар, филиаллар ва етказиб берувчиларнинг корпоратив иттифоқи.

**«Фирма патернализм»** – бир умр ёлланиб ишлаш тизими, фирма – бизнинг уйимиз шиорига асосланган меҳнат муносабатлари.

**“Совун кўпиги” иқтисодиёти** – Японияда 1980 йилларнинг иккинчи ярмида пул маблағларининг чайқовчилик фойдасини олиш мақсадида молиявий активларга жойлаштириш натижасидаги бозор қийматининг жадал суръатларда ўсиб кетиши.

**JETRO** – Япония ташқи савдо ташкилоти.

**JICA** – Япон халқаро ҳамкорлик агентлиги.

### **Назорат саволлари**

1. Япония макроиқтисодий ривожланиш моделининг омиллари нималардан иборат?

2. Япония “иқтисодий мўъжизаси”нинг сабаблари ва хусусиятларини санаб беринг.

3. Япония иқтисодиётининг таркиби ва халқаро меҳнат тақсимидаги ўрнига баҳо беринг.

4. Япония ташқи иқтисодий алоқаларининг товар ва географик таркиби қандай?

5. Япония иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қандай таъсир кўрсатди?

6. Япония ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш дастурларининг таркибий қисми нималардан иборат?

7. Японияда 2011 йил 11 мартда содир бўлган zilзила оқибатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳоланг.

8. Ўзбекистон ва Япония иқтисодий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

# III БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ

## 9-БОБ. РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҲОЛАТИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

### 9.1. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари ва гуруҳланиши

“Ривожланаётган мамлакатлар” атамаси иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлака тизимининг парчаланиши ва собиқ мустамлакаларнинг мустақилликка эришишлари натижасида пайдо бўлган.

Мазкур мамлакатлар гуруҳига жаҳон хўжалиги мамлакатларининг 80% и киради, дунё аҳолисининг эса уларда 85% и истиқомат қилади. Ушбу гуруҳга Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Исроилдан ташқари Осиёнинг барча мамлакатлари, Жанубий Африка Республикасидан ташқари Африканинг барча мамлакатлари, шунингдек Лотин Америкаси мамлакатлари киради.

Инглиз тилидаги адабиётларда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари “emerging markets” атамаси билан номланади. Иқтисодий адабиётда эса “шаклланаётган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар” ёки оддийгина “бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар”, деб таржима қилинади. Бу категорияга бозор ислохотларини амалга оширишда жиддий муваффақиятларга эришган, миллий банк-молия тизимини мустақамлаш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашишига эришган етакчи ривожланаётган ҳамда постсоциалистик мамлакатлар киради. Бу гуруҳга қирувчи мамлакатлар халқаро капитал бозорларида инвестиция ресурслари экспортёри ва импортёри сифатидаги ролининг кескин ошиб бораётганлиги билан ажралиб турадилар.

Ривожланаётган мамлакатлар учун қуйидаги умумий хусусиятлар хос.

**Иқтисодиётининг кўпукладлилиги.** Ривожланаётган мамлакатларда модернизация жараёнлари натижасида иқтисодиётнинг замонавий ва анъанавий секторлари ёнма-ён шаклланади. Мамлакат иқтисодий ривожланиши даражасининг ортиши билан биринчи сектор улуши иккинчи сектор ҳисобига кўпайиб боради. Натижада қатор ривожланаётган мамлакатларда капиталистик хўжалик уклади билан бир қаторда уруғ-аймоқчилик ва патриархал ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланади. Иқтисодиётда йирик ва бир-биридан фарқ қилувчи, ҳар бири яна майда секторлардан иборат таркибнинг мавжудлиги кўпукладлилиқ деб аталади.

**Иқтисодиётда давлатнинг роли.** XX аср мобайнида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодитётида давлатнинг роли катта бўлди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, паст даромадли мамлакатларда давлат харажат-

ларининг улуши 1990 йилда ЯИМга нисбатан 17,1% ни, 2001 йилда эса 20,1% ни ташкил этди. Бу мамлакатларда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари давлат ихтиёрида бўлишининг сабаби – давлат уларни ўзи ташкил этганлиги билан боғлиқ. Ривожланаётган мамлакатларда давлат харажатлари миқдорининг ривожланган мамлакатларга нисбатан пастлиги ижтимоий соҳага сарфланаётган харажатлар ўртасидаги фарқ билан белгиланади. Ривожланаётган мамлакатларда давлат харажатларининг аксарият қисми инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида давлат сектори улушининг юқорилиги кувиб етадиган иқтисодий ривожланиш модели билан бевосита боғлиқ бўлиб, иқтисодиётни саноатлаштириш давлатнинг фаол иштирокисиз амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолияти ҳуқуқий-институционал асосларини яратишда давлатнинг фаол аралашуви талаб этилди. Шу билан бирга ривожланаётган мамлакатларда давлатнинг иқтисодий “ўйин қоидалари”га риоя қилишдаги роли ривожланган мамлакатларга нисбатан самарасиз ҳисобланади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад юқори мамлакатларда тадбиркорлар учун ҳамкор томонидан шартнома бузилган тақдирда уни бартараф этиш учун ўртача 267 кун (19 та чора) кетади ва харажатлар ЯИМга нисбатан 8% ни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу жараён 304 кунни (28 та чора) ва харажатлар ЯИМга нисбатан 62% га тенг бўлади. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун юқори даромадли мамлакатларда ўртача 30 кун (7 та чора) ва харажатлар ЯИМга нисбатан 9% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич паст даромадли мамлакатларда 74 кун (11 та чора) ва харажатлар ЯИМга нисбатан 213% ни ташкил этади.<sup>1</sup>

**Саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларга иқтисодий ва сиёсий қаетда боғлиқлиги.** Ривожланган мамлакатларга нисбатан иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича катта фарқнинг мавжудлиги ривожланаётган мамлакатларни кувиб етадиган ривожланиш йўлига ундайди. Кувиб етадиган иқтисодий ривожланиш шароитида иқтисодиётни модернизациялаш эса нафақат ички, балки ташқи омиллар таъсирида амалга оширилади. Ушбу мамлакатларга ривожланган мамлакатлардан катта миқдорда капитал, технологиялар ва тадбиркорлик тажрибасининг кириб келиши натижасида иқтисодий ривожланишда боғлиқлик феномени юзага келади. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш бир нечта ёки битта хорижий мамлакатдаги иқтисодий ҳолатга боғлиқ бўлиб қолади. Ушбу феномен собиқ мустамлакаларда яққол намоён бўлади, уларнинг аксарият қисми собиқ мустамлакачилар ёки бошқа ривожланган мамлакатлар таъсири доирасига тушиб қолган.

<sup>1</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. –М.: Магистр, 2010. С. 294–295.

**Жамиятнинг ижтимоий таркиби.** Ривожланаётган мамлакатлардаги жамиятнинг ижтимоий тузилиши ривожланган мамлакатлардан кескин фарқ қилади. Аксарият ривожланаётган мамлакатлар жиддий ижтимоий муаммоларга дуч келмоқда. Бу мамлакатларда демографик портлаш муаммоси билан биргаликда аҳоли даромадлари борасида кучли ижтимоий табақалашув, ривожланмаган ижтимоий инфратузилма, юқори ишсизлик даражаси ва яширин иқтисодиётнинг юқори улуши мавжуд.

Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида ижтимоий инфратузилма – таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги ривожланмаган. Натижада, бу мамлакатларда саводсизлик даражаси жуда юқори (Бразилияда – 11%, Нигерияда – 31%, Ҳиндистонда – 39%, Мисрда – 29%), аҳолининг кутилаётган умри давомийлиги қисқа (Африканинг Саҳрои Кабиридан жанубда жойлашган мамлакатларда 50 ёш), аҳолининг жуда кам қисми канализация, тоза ичимлик суви қувурлари билан таъминланган (Африканинг Саҳрои Кабиридан жанубда жойлашган мамлакатларда 40% дан паст)<sup>2</sup>. Юқори даражадаги қашшоқликка қарши курашмасдан туриб иқтисодий ўсишни таъминлашга интилиш ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида ижтимоий вазиятнинг кескинлашувиغا олиб келмоқда.

**Ишлаб чиқариш кучларининг паст даражада ривожланганлиги.** Саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий инфратузилманинг техник жиҳатдан таъминланиш борасида қолақлик мавжуд. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ижтимоий ва технологик жиҳатдан турли таркибга эга. Шу билан боғлиқ ҳолда ривожланаётган мамлакатлар халқро меҳнат тақсимоотида турли даражадаги фаоллик билан қатнашади:

– иқтисодиётнинг хорижликлар қўлидаги соҳалари жаҳон бозорларига чуқур кириб борган;

– йирик ва ўрта миқий компаниялар иқтисодий ривожланиш даражаси ортган сари жаҳон маҳсулотлар бозорига маҳсулот олиб чиқишни кенгайтиришади;

– ижтимоий-иқтисодий таркибининг турличалиги ривожланаётган мамлакатлар ташқи иқтисодий алоқалари миқёсининг ривожланган мамлакатларга нисбатан кам бўлишига олиб келади.

**Ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида хорижий капитал ва ТМҚ ролининг катта аҳамиятга эгаллиги.** 1950 йилларда бу мамлакатларда АҚШ, Буюк Британия ва Франция компаниялари нефть, табиий газ, минерал ресурсларни қазиб чиқариш соҳасининг 70–100% ини назорат қилган. Ривожланган мамлакатларнинг компаниялари Жануби-Шарқий Осиё, Африка ва Лотин Америкасида қишлоқ хўжалик ерларининг катта қисмга эгалик қилишган. 1960 йилларнинг охирида хорижий капиталга тегишли корхоналарда ривожланаётган мамлакатлар ялпи маҳсулотининг 25% и ишлаб чиқарилган. 1990 йилларга

---

<sup>2</sup> Ўша маъна. С. 295.



келиб хорижий корпорацияларнинг филиаллари ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 7% ини ишлаб чиқаргани ҳолда, саноат экспортининг 30% и ТМК каналлари бўйича амалга оширилган. 1990 йилларда бу мамлакатларнинг хорижий капитал таъсирида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 4% ни ташкил этди.

Юқориди қайд этилган чора-тадбирларни амалга оширишга қарамасдан хорижий капитални фаол жалб этиш ривожланаётган мамлакатлар олдида турган куйидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини бермади:

— ривожланаётган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражаси жиҳатдан табақалашув жараёни чуқурлашди. Бунинг асосий сабаби аксарият инвестициялар устун даражада юқори фойда келтирадиган мамлакатларга жойлаштирилди (Хитой, Бразилия, Мексика);

— улар ўртасида хорижий капитални жалб этиш бўйича рақобат кучайди;

— хорижий капитал учун яратилаётган имтиёзлар аксарият ҳолларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларига зид ҳолда амалга оширилди. Спекулятив капиталга асосланган портфель инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш қатор ривожланаётган мамлакатларда барқарор иқтисодий ривожланишни издан чиқарувчи элементга айланди.

Ривожланаётган мамлакатлар стратегик ривожланишининг вазифалари куйидагилардан иборат:

— иқтисодий колоқликни бартараф этиш;

— иқтисодиётни эркинлаштириш;

— ривожланган мамлакатлар бозорига кириб боришни кенгайтириш учун кураш.

1960 йилларнинг ўрталарида ривожланаётган мамлакатлар БМТда “77” гуруҳини тузишди ва ҳозирги вақтда унга 150 та мамлакат аъзо. “77” гуруҳи ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига ҳар йили ўз ялпи ички маҳсулотларининг 1% ини, шу жумладан 0,7% ини иқтисодий ёрдам сифатида ўтказишларини талаб этди. Ривожланган мамлакатлар бу талабни қабул қилмаган бўлсалар-да, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга ўтаётган ресурсларни миқдорий ўлчаш бирлигига айланди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг тавсифланиши. Ривожланаётган мамлакатларни таснифлашда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

— географик жойлашиши;

— саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги;

— саноат маҳсулотларининг экспортдаги улуши;

— иқтисодий ривожланиш даражаси.

Жаҳон банки ёндашувига мувофиқ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича куйидаги уч гуруҳга бўлинади<sup>3</sup>:

<sup>3</sup> World development report 2011. Conflict, Security, and Development. The World Bank. Washington. 2011. P. 306, 315.

1. Юқори даромадли мамлакатлар. Бу мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромад 12 496 доллардан ошади, уларга Саудия Арабистони (17 700 долл.), Бруней (27 050 долл.), Кувайт (43 930 долл.) каби мамлакатлар киради.

2. Ўрта даромадли мамлакатлар. Бу гуруҳга аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромад 996–2 495 долларга тенг бўлган мамлакатлар киради.

3. Паст даромадли мамлакатлар. Бу гуруҳга аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромад 995 долларгача бўлган мамлакатлар киради. Паст даромадли мамлакатлар гуруҳига Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубдаги мамлакатларнинг деярли барчаси, Осиёдан–Афғонистон (370 долл.), Непал (440 долл.), Бангладеш (590 долл.), Тожикистон (700 долл.), Қирғизистон (870 долл.) Лотин Америкасидан–Гайяна (370 долл.) каби мамлакатлар киради.

Демак, ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича бир-биридан фарқланувчи уч турдаги мамлакатлар гуруҳидан иборат:

- янги индустриал мамлакатлар;
- ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари;
- қолоқ мамлакатлар.

Ушбу гуруҳлар ўртасида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромаддаги фарқ ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқдан юқори ҳисобланади. Мисол учун Лотин Америкаси мамлакатларида бу фарқ 27,4 мартага тенг. Шу сабабли ривожланаётган мамлакатлар бир-биридан ижтимоий-иқтисодий таркиби ва иқтисодий ривожланиш даражасига кўра фарқ қилади.

## **9.2. Ривожланаётган мамлакатларда саноатлаштириш моделлари**

Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий фарқни бартараф этишнинг стратегик воситаси – бу саноатлаштириш сиёсатидир. Ушбу сиёсатнинг асосини қайта ишлаш саноати ташкил қилади. Дунё амалиётида саноатлаштиришнинг қуйидаги назариялари мавжуд:

- эндоген ривожланиш;
- “янги иқтисодий тартиб”;
- “ўз кучига таяниш”.

Ривожланаётган мамлакатлар амалиётида қуйидаги уч хил саноатлаштириш дастури қўлланилган:

1. Саноатнинг асос (базис) тармоқларини ривожлантириш ва шу орқали кейинчалик истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (Жазоир, Эфиопия, Миср, Вьетнам).

2. Импортнинг ўрнини қоплаш сиёсати – оғир саноат тармоқларини ривожлантириш ва хорижий капитални чеклаш орқали миллий иқтисодий ривожлантириш (Лотин Америкаси мамлакатлари).

3. Экспортга йўналтирилган сиёсат – айрим товарларни ташқи бозорга олиб чиқиш учун бу товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш (Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари).

Ривожланаётган мамлакатларда саноатлаштириш даврини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Бу босқичлар Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатлари иқтисодий ривожланиши ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради:

- импорт ўрнини қопловчи тармоқларни ривожлантириш;
- экспорт салоҳиятини ва базавий тармоқларни шакллантириш;
- илм-фан сиғимкорлиги юқори тармоқларни ривожлантириш;
- янги индустриал мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви.

Биринчи босқич 1950 йилларни ўз ичига олади ва унда импорт қилинаётган товарларни маҳаллий маҳсулотлар билан алмаштириш вазиёси кўйилди. Бу эса валюта маблағларини тежаш ва ички бозорни асосий истеъмол товарлари билан тўлдириш имконини берди. Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатлари бу босқични Осиё мамлакатларига қараганда олдинроқ бошлашларига қарамасдан, ички бозорлари ҳажмининг катталиги сабабли бу босқич нисбатан узок муддат давом этди. Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари эса 1960 йиллардаёқ импорт ўрнини қоплаш босқичидан саноатлаштириш босқичига, экспорт салоҳиятини яратишга ўтишди. Бу даврда Лотин Америкаси ва Осиё янги индустриал мамлакатлари ўртасида сезиларли фарқ юз бермади.

Иккинчи босқич 1960 йилларни қамраб олади ва ушбу даврда экспортга йўналтирилган сиёсат борасида Лотин Америкаси ва Осиё янги индустриал мамлакатлари ўртасида иқтисодий ривожланиш жиҳатдан кескин фарқ юзага келди. Осиё мамлакатларида оммавий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат сиғимкорлиги юқори корхоналар барпо этилди. Лотин Америкаси мамлакатларида эса асосий эътибор қайта ишлаш ва қазиб чиқариш саноатининг капитал сиғимкорлиги юқори технологик тармоқларини ривожлантиришга қаратилди. Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида экспортга йўналтирилган ривожланиш модели иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш нуқтаи назаридан самаралироқ бўлиб чиқди.

Учинчи – илм-фан сиғимкорлиги юқори тармоқларни ривожлантириш, мустақил илмий тадқиқот базасини яратиш босқичи 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу босқич давлат ва хусусий сектор томонидан илмий-тадқиқот ва тажриба-лойиҳа ишларига сарфланаётган маблағларнинг оширилиб бориши билан ажралиб туради. Ривожланаётган мамлакатларда махсус иқтисодий ҳудудлар – илмий парклар шакллана бошлади. Ушбу босқичда янги индустриал мамлакатларда иқтисодий ривожланиш

муваффақиятли модернизациялаш жараёни амалга оширилди ва модернизациялаш муддати 10–25 йилни ташкил этди. Бу ўтиш иқтисодийети, хусусан, Ўзбекистон учун жуда муҳим ҳисобланади. (9.2.1-жадвал).

9.2.1-жадвал

**Янги индустриал мамлакатларда иқтисодийetni муваффақиятли модернизациялашинг жаҳон тажрибаси<sup>4</sup>**

Мамлакат	Бошланиши	“Барқарор ривожланиш”га ўтиш	Жадал иқтисодий ўсиш даврининг давомийлиги
Тайвань	1970-йилларнинг боши	1990-йилларнинг охири	25 йил
Малайзия	1980-йиллар	2000-йилларнинг боши	20 йил
Корея Республикаси	1980-йиллар	2000-йилларнинг боши	20 йил
Сингапур	1980-йиллар	1990-йилларнинг боши	10–15 йил
Чили	1960-йилларнинг охири	1980-йилларнинг охири	20 йил

Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодийetni модернизациялаш аҳоли даромадлари даражасининг ривожланган мамлакатларга нисбатан фарқини қисқартириши лозим эди. Барча мамлакатларда модернизация жараёнлари турли иқтисодий ривожланиш даражаси билан бошланиб, юқори, аммо турли натижаларга эришдилар. Жумладан, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори 1,8 мартадан (Чили) 3,8 мартагача (Тайвань), меҳнат унумдорлиги эса 1,3 мартадан (Чили) 2,4 мартага (Тайвань) қадар ошди (9.2.2-жадвал).

9.2.2-жадвал

**Янги индустриал мамлакатларда иқтисодийetni модернизациялаш натижалари<sup>5</sup>**

Мамлакат	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори*		Меҳнат унумдорлиги (1 ишчига тўғри келувчи ЯИМ миқдори, миңг долл.)	
	“Бошланиш”да миңг долл.	“Тугалланиш”да миңг долл.	“Бошланиш”да	“Тугалланиш”да
Тайвань	4	15	11	26
Малайзия	3	8	10	20
Жанубий Корея	4	13	14	30
Сингапур	7	15	...	30
Чили	4	7	14	18

\* ЯИМ 1990 йил нархларида ҳисобланган.

<sup>4</sup> Хейфец Б. А. Мировой опыт успешных модернизаций. //Международная экономика, №6, 2011. С. 23.

<sup>5</sup> Ўша манба. С. 24.

Янги индустриал мамлакатларнинг ривожланишидаги тўртинчи босқич – бу жаҳон хўжалигига интеграциялашув босқичи ҳисобланади. Янги индустриал мамлакатларда хорижий капитал қатнашмаган биронта тармок йўк. Бу соҳада илгари Лотин Америкаси мамлакатларида АҚШ компаниялари, Жануби-Шарқий Осиёда Япония компаниялари етакчилик қилишган бўлса, ҳозирда эса тескари жараён юз бермоқда.

Янги индустриал мамлакатларнинг sanoatlashish дараҳасини қуйидаги икки босқичга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич – иқтисодий ўсишда етакчи тармок сифатида қайта ишлаш sanoatlashish ривожлантириш босқичи. Бу тармокда ишлаб чиқариш ҳажми 1960–1995 йиллар мобайнида 6 бараварга ошган. Мазкур тармокнинг ривожланиш жараёни технологик жиҳатдан оддий ва кўп капитал талаб қилмайдиган матолар, кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан бошланган.

Иккинчи босқич – sanoatlashish ишлаб чиқаришининг ривожланиш босқичи. Бу босқичда ривожланиш ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ бўлгани сабабли капитал ҳам тегишли тармоқларга оқиб ўтган. Натижада қайта ишлаш sanoatlashish маҳсулотларининг умумий улушида ишлаб чиқариш воситалари улушининг ортиши кузатилди.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, Осиё мамлакатларида кемасозлик, автомобилсозлик, кейинги босқичларда аудио ва видео техникалар ишлаб чиқариш, компьютер ва ахборотлар индустрияси тармоқлари иқтисодиётни модернизациялашнинг харакатлантирувчи тармоқлари сифатида ривожлантирилган. Ушбу тармоқларнинг ривожланиши Ғарбда эришилган илғор технологияларни ўзлаштиришни талаб этади. Масалан, Японияда 1960–1970 йилларда технологиялар импорти уларнинг экспортдан саккиз баравар кўп бўлган. Бу тармоқлар қисқа муддатда оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берган. Жумладан, Корея Республикасида 2000 йилда умумий тоннажи 12,2 млн. тоннага тенг (жаҳон тоннажининг 54% и) савдо кемаларини ишлаб чиқарган. 1990 йилларнинг охирида жаҳонда мобиль телефонлар ишлаб чиқаришнинг 34% и Малайзия ҳиссасига тўғри келган. 2000 йилда жаҳон компьютерлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 39% и, телевизорларнинг 42% и, оргтехника ва офис ускуналарининг 50% дан ортиғи Хитойда ишлаб чиқарилган. У тармоқлар «миқёс таъсири» натижасидаги афзалликлар туфайли ички бозорга йўналтирилмаган. Масалан, Корея Республикасида 1967 йили мамлакатда 165 000 та автомобиль мавжуд бўлгани ҳолда, 300 000 та автомобиль ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилган. Иқтисодий ўсишнинг етакчи ишлаб чиқариш тармоқларида хомашё ва энергия сарфи тайёр маҳсулот қийматининг 10–12% идан (электроника) 22–25% гачасини (кемасозлик) ташкил этган<sup>6</sup>. Иқтисодиётни модернизациялаш туфайли

<sup>6</sup> Иноземцев В. Локомотив роста. //Ведомости, 20.04.2009.

яратилган янги тармоқларда модернизация жараёнини давом эттиришдан манфаатдор оммавий ишчи синфи пайдо бўлди. Масалан, 1990 йилларнинг охирида Малайзияда ишчиларнинг 14% и электроника саноатида, Кореяда ишчиларнинг 11% и кемасозлик ва автомобилсозлик саноатида, Хитойда ишчиларнинг 10% и оргтехника ишлаб чиқаришда банд бўлган. Охириги 25–30 йил ичида Осиё мамлакатлари иқтисодиётини «модернизациялаш локомотивлари» жаҳон иқтисодиётида реал воқеликка айланди.<sup>7</sup>

Охириги 10 йилликда Осиё ва Лотин Америкасидаги қатор мамлакатлар модернизациялаш жараёнлари туфайли юқори технологияни мужассамлаштирган махсулотларни экспорт қилувчи ҳудудларга айланди. Юқори технологияли маҳсулот қиймати ишлаб чиқариш миқёси кенгайиб борган сари арзонлашди ва улар саноат махсулотларини экспорт қилишга нисбатан самарали бўлиб қолди. Натижада ривожланган мамлакатларда ўта мураккаб ва капитал сизимкорлиги юқори бўлган микрочип ва фармацевтика махсулотлари ҳам модернизациялашни ҳаракатлантирувчи тармоқларга айланди.

### **9.3. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнининг ортиб бориши**

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалигидаги ўрни уларнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига 2010 йилда жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 48,0% и, жаҳон экспортининг 34,6% и тўғри келди<sup>8</sup>.

XXI аср бошига келиб жаҳон ҳўжалигининг ривожланишидаги асосий хусусият ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг барқарор суръатларда ривожланиши ҳисобланади. ХВФ маълумотларига кўра, агар 1990–йилларда бу мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик кўшимча ўсиш суръатлари 3,2% ни ташкил этган бўлса, 2000–2002 йилларда Лотин Америкасининг йирик мамлакатлари ҳамда Туркияда рўй берган молиявий ва бошқа қийинчиликларга қарамасдан бу кўрсаткич ўртача 4,8% га тенг бўлди. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар бу мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари 7,4% га етди ва ривожланган мамлакатларга нисбатан деярли уч барабарга ошди<sup>9</sup>.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш чоратадбирларининг самараси ўлароқ, 2010 йилда ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти ўртача 3,1% га, ривожланаётган мамлакатларда эса 7,3% га ўсди (9.2.1-жадвал).

<sup>7</sup> А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажитбакиев, Н.Г.Муминов. Хоразий ивестициялар. Ўқув қўлланма. –Т.: “Моля”, 2010. 245-б.

<sup>8</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 181.

<sup>9</sup> Миянь Чжу. Появление новых задач. //Финансы и развитие, Июнь 2011. С. 48.

**Ривожланаётган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида<sup>10</sup>**

	1993–2002	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Ривожланаётган мамлакатлар шу жумладан:	4,1	7,3	8,2	8,9	6,0	2,8	7,3
Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари	3,2	5,8	6,4	5,5	3,1	-3,6	4,5
МДҲ мамлакатлари	-1,2	6,7	8,9	8,9	5,3	-6,4	4,6
Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари	7,1	9,5	10,3	11,5	7,7	7,2	9,5
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари	2,7	4,6	5,6	5,8	4,3	-1,7	6,1
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари	3,3	5,4	6,0	6,7	4,6	2,6	4,4
Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатлар	3,7	6,2	6,4	7,1	5,6	2,8	5,4
Маълумот учун:							
Ривожланган мамлакатлар	2,8	2,7	3,1	2,8	0,1	-3,7	3,1

ХВФ мутахассисларининг прогнозларига кўра, бу мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқ сақланиб қолади. Ривожланаётган мамлакатларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши ушбу мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги ролининг ортиб боришига олиб келади. 1960 йилларда ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисми тўғри келган бўлса, 2009–2010 йилларда бу кўрсаткич учдан икки қисми ташкил этди. Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон савдоси ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳаракатидаги улуши ҳам барқарор ўсиб бориш тенденциясига эга.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги ролининг ортиб бориши узоқ муддатли тенденцияга эга. Охириги эллик йилда ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатларга нисбатан юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлишган ва 2010 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши харид қобилияти бўйича 48% ни ташкил этди.

Ривожланаётган мамлакатларда барқарор ривожланиш тенденциясининг истиқболда сақланиб қолиши куйидаги сабаблар билан белгиланади:

- бюджет тақчиллигининг юқори эмаслиги;
- бошқариладиган давлат қарзи;

<sup>10</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 193.

- барқарор банк тизими;
- паст циклик ишсизлик даражаси;
- барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари.

Ривожланган мамлакатлар эса аксинча, бюджет тақчиллигининг юқорилиги, давлат қарзининг катталиги, банк тизимидаги муаммолар, ишсизлик даражасининг юқорилиги ва паст иқтисодий ўсиш суръатлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишлари зарур. Бундан ташқари, кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг қуйидаги уч омиллини қўллаб-қувватлаш имконини беради:

- аҳоли урбанизациясининг чуқурлашуви жараёнида иш ўринлари яратишнинг юқори суръатларини таъминлаш;
- кенг миқёсли хорижий капитал ёрдамида инвестициялар ҳажмининг ўсиб бориши;
- юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиш орқали меҳнат унумдорлигининг ортиши.

ХВФ мутахассислари фикрича, агар бу тенденция сақланиб қолса, яна икки ўн йилликдан сўнг жаҳон ишлаб чиқариш ҳажми икки баравардан кўпроққа – 78 трлн. доллардан 176 трлн. долларгача кўпайишини, қўшимча ўсишнинг 61 трлн. доллари ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига, 37 трлн. доллари эса ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келишини баҳорат қилмоқдалар.

**Жаҳон хўжалигидаги асосий ўзгаришлар.** Жаҳон ялпи талаби ва ялпи тақлифида аҳолисининг сони ривожланган мамлакатлар аҳолисидан (1 млрд. киши) бир неча марта кўп ривожланаётган мамлакатларда жадал суръатларда ўсмоқда. Мисол учун, фақат BRIC мамлакатларида (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой) 3 млрд. киши яшайди. Ривожланаётган мамлакатларда жаҳон аҳолисининг 85% и яшайди ва уларда аҳоли даромадларининг юқори суръатларда ўсиб бориши жаҳон иқтисодиётида қуйидаги йўналишларда таркибий ўзгаришларни тезлаштиради:

- озиқ-овқат истеъмоли – озиқ-овқатга бўлган жаҳон талаби аҳоли даромадларининг ўсиб бориши билан ортиб боради. Ялпи талаб асосий озиқ-овқат маҳсулотлари биргаликда юқори қўшилган қийматга эга озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ҳам ортиб боради;

- ноозиқ-овқат (биржа) товарлар истеъмоли – уй-жой, транспорт ва энергияга бўлган талабнинг ўсиб бориши нефть ва металл каби тикланмайдиган ресурсларга бўлган талабнинг жадал суръатларда ортиб кетишига олиб келади. Таҳлиллар, жаҳонда охириги ўн йил ичида нефтьга бўлган талаб 13,5% га ошгани ҳолда, бу кўрсаткич ривожланаётган мамлакатларда 39,0% га тенг бўлгани ва уларнинг жаҳон нефть истеъмолидаги улуши 30,0% дан 50,0% га қадар ортганини кўрсатмоқдалар;

<sup>11</sup> Минь Чжу. Появление новых задач. // Финансы и развитие, Июнь 2011. С. 49.



— халқаро капиталлар оқими – ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 50,0% и тўғри келган ҳолда, жаҳон молиявий активларининг бор-йўғи 19,0% и ушбу мамлакатлар ихтиёрида ҳисобланади. Пул қаерда иқтисодий ўсиш ва даромад олиш имконияти мавжуд бўлса, ўша ҳудудларга оқиб ўтади. Жаҳон молиявий ресурслари ва капитал ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатлар томон ҳаракатланиб оқиб ўтмоқда. 1% лик молиявий активларнинг ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга оқиб ўтиши 2010 йилда ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмига тенг бўлади. АҚШдан ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган ўртача йиллик капитал оқими 2006–2007 йилларда 300 млрд. долларга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 550 млрд. долларни ташкил этди. Бу даврда ривожланган мамлакатларга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 900 млрд. доллардан 600 млрд. долларгача қисқарди<sup>12</sup>;

— жаҳон ишлаб чиқариш таркиби – жаҳон қайта ишлаш саноати таркиби ўзгариб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг юқори технологик машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришдаги улуши ортиб, паст технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш паст даромадли мамлакатларга кўчирилмоқда;

— ташқи савдо – жаҳон савдосининг таркибида ривожланаётган мамлакатлар улуши ортиб бориш тенденциясига эга. Ушбу мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг жадал суръатларда ўсиб бориши ривожланган мамлакатлар билан ўзаро ташқи савдонинг кенгайишига олиб келади;

— атроф-муҳит – атроф-муҳитга нисбатан босим кучайиб, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши ортиб бормоқда. Агар инсоният табиатни заҳарли чиқиндилар, углерод билан ифлослантиришни камайтирмаса, унинг салбий оқибатлари жуда ёмон бўлиши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлар ўз олдиларида турган узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий вазифаларни иқтисодий ривожланиш модели, турмуш тарзи ва сиёсатда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқалигина ҳал этишлари мумкин. Ривожланган мамлакатлар талаби билан боғлиқ иқтисодий ўсиш модели ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларига жавоб бермай қўяди. Фикримизча, бу мамлакатларда ташқи талабга асосланган иқтисодий ўсишдан кучли таклиф ва ўсиб бораётган ички талабга асосланган иқтисодий ўсиш моделига ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иқтисодий сиёсат таклифга йўналтирилиши лозим. Ривожланаётган мамлакатлар бу мақсадга эришиш учун куйидаги вазифаларни ҳал этишлари зарур бўлади:

---

<sup>12</sup> Ўша манба.

– озиқ-овқатга бўлган, ўсиб бораётган талабни қондириш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигига инвестицияларни кўпайтириш, ушбу соҳага юқори технологияларни, ихтироларни жорий этиш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини оширишни талаб этади;

– хизматлар соҳасини ривожлантиришга эътибор қаратиш, чунки ушбу соҳа доимий иш ўринларини яратиш имконини беради. Иқтисодий сиёсат рақобат учун бозорларни ёпиш эмас, балки очиб учун йўналтирилган бўлиши лозим. Хусусан, давлат кичик корхоналарни истеъмолчилар ҳисобидан ҳимоя қилмаслиги, монополияларга чек қўйиши зарур бўлади;

– инфрагузилма тармоқларини ривожлантириш. Бу – транспорт ва энергетика соҳаларига инвестициялар сарфлаш, инвестициялардан самарали фойдаланиш ва уй хўжаликларининг даромадларини кўпайтириш учун ишчилар малакасини оширишни тақозо этади.

Ривожланаётган мамлакатларда макроиқтисодий барқарорлик иқтисодий сиёсат чораларининг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. ХВФ мутахассисларининг фикрича, ушбу мамлакатларда кўйидаги икки соҳа истиқболда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин:

- ишончли соғлиқни сақлаш ва пенсия тизимларини яратиш;
- молиявий тизимни ислоҳ этиш.

Аҳоли сонининг ортиб бориши ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида пенсия тизими келажак авлодга оғир юк бўлиши ёки пенсия тўловларининг қисқариши кўпчилик аҳоли қатламларининг камбағаллик чегарасидан паства тушиб қолишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, юқори сифатли соғлиқни сақлаш тизимини кенгайтириш мақсадида бу соҳада туб ислохотларни амалга ошириш зарур.

Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асоси ҳисобланган иқтисодий фаоллик ва жамғармаларни инвестицияларга йўналтирувчи молия тизимини ислоҳ этиш лозим. Молиявий ташкилотлар ҳам хориждан жалб этилаётган капитални таъминлашда муҳим роль ўйнашади. Ривожланаётган мамлакатларда ўрта муддатли истиқболда хорижий капитал иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилга айланади.

#### **9.4. Ривожланаётган мамлакатларда камбағаллик муаммоси**

Жаҳон иқтисодиётидаги долзарб муаммолардан бири – бу ривожланаётган мамлакатлардаги камбағаллик муаммосидир.

Жаҳон банки камбағалликни аниқлаш учун уй хўжаликларида аҳоли жон бошига тўғри келуви даромадлар ва харажатлар кўрсаткичидан фойдаланади. Аҳоли харажатларида:

- инсоннинг озик-овқатга бўлган минимал эҳтиёжлари;
- яшаш минимумига мос келувчи товарлар ва хизматлар учун харажатлар.

Бундан ташқари, камбағалликни аниқлашнинг мутлоқ, нисбий ва субъектив усуллари мавжуд. Мутлоқ камбағаллик даражасига муайян мутлоқ минимумдан паст даромадга эга уй хўжаликлари ва индивидлар киритилади. Нисбий камбағалликка эса даромади жамиятда шаклланган стандарт истеъмолга етмайдиган уй хўжаликлари ва индивидлар киритилади. Субъектив камбағаллик эса аҳолининг ўз моддий ҳолатини баҳолашлари натижасидир.

Мутлоқ кўрсаткич камбағалликни аниқлашнинг иқтисодий, қолганлари эса комплекс ёндашувига тааллуқлидир.

Мутлоқ камбағалликни аниқлашда Жаҳон банки томонидан таклиф қилинган қатор мезонлардан фойдаланилади. Жаҳон амалиётида кенг тарқалган кўрсаткичлардан бири – бу киши бошига бир кунлик даромад ёки харажат 1,25 доллардан (харид қобилияти бўйича) опмайдиган мутлоқ камбағаллик тушунчасидир (2008 йилгача 1 долл.). Мазкур кўрсаткич мутлоқ камбағаллик даражасининг чегараси ҳисобланади ва ҳозирда дунёда 1,4 млрд. киши ушбу чегарада яшамокда<sup>13</sup>. Бундан ташқари, кунлик даромади 2,0 ва 2,15 долларгача бўлган кўрсаткичлардан ҳам фойдаланилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг 31% и камбағаллик даражасидан паст даражада яшайди. Ушбу кўрсаткич Африка ва Осиёнинг баъзи мамлакатларида 55,0 %дан паст эмас (Замбия (64,6), Нигер (78,2), Либерия (83,7), Непал (68,4), Бангладеш (57,8))<sup>14</sup>.

Камбағаллик чегарасидан паст даражада яшайдиган аҳоли улуши охириги ўн йилликларда қисқариб бориш тенденциясига эга. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра 1 доллардан кам даромадга яшайётган аҳоли сони 1991–2005 йилларда Шарқий Осиёда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг жадал ривожланиши таъсирида 4,7 мартага ошган. Бу эса кунлик даромади 1,25 долларгача бўлган аҳоли улушининг 77,7% дан 10,8% га қадар пасайишига, яъни 1071 млн. кишидан 316 млн. кишигача қисқаришига олиб келди. Кунлик даромади 2,15 доллардан кам аҳоли улуши эса 94% дан 42% гача пасайди, уларнинг сони 1293 млн. кишидан 796 млн. кишигача қисқарди<sup>15</sup>.

Жаҳон банки мутахассисларининг башоратларига кўра, 2015 йилга бориб жаҳон аҳолисининг таркибида 1 доллардан кам даромадга яшайётган аҳолининг жаҳон аҳолиси таркибидаги улуши 10,2% га қадар пасаяди (9.4.1-жадвал).

<sup>13</sup> Иванов Н., Гоффе Н., Монусова Г. Глобализация и бедность. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2010. С.31.

<sup>14</sup> World Development Report 2011. World Bank 2011. P. 308, 309.

<sup>15</sup> Иванов Н., Гоффе Н., Монусова Г. Глобализация и бедность. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2010. С. 31.

**Жаҳон банки прогнозлари бўйича бир кунда 1 доллардан кам даромадга яшайтган аҳоли сони ва унинг жаҳон аҳолиси таркибидаги улуши<sup>16</sup>**

«Глобал иқтисодий ёстиқболлари» докладлари	Аҳоли сони, млн. киши		Жаҳон аҳолиси таркибидаги улуши, %	
	1990 й.	2015 й.	1990 й.	2015 й.
2002 й.	1276	753	29,0	12,3
2003 й.	1292	809	29,6	13,3
2004 й.	1237	734	28,3	12,5
2005 й.	1218	622	27,9	10,2

Жаҳон ҳамжамияти камбағал Африка мамлакатларига ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Уларга нисбатан савдо имтиёзлари жорий қилинмоқда, ташқи қарзлардан кечиб юборилиб, техник ёрдам берилмоқда. ИРСИ паст мамлакатлар 2007 йилда расмий ёрдам ва бошқа ҳукумат каналлари бўйича олган ёрдамлари ҳажми ялпи миллий даромадларининг 15% ини ташкил этди. Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган мамлакатларида эса бу ёрдам ҳажми давлат бюджетининг ўртача 44% ига, Лаосда 89% га ва Эфиопияда 81% га тенг.

Ривожланаётган мамлакатларда камбағалликни камайтириш йўллари куйидагилардан иборат:

- барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва иш ҳақининг ўсиши;
- янги иш жойларини очиш ва бандликнинг ўсиши;
- аҳоли даромадлари тақсимланиши нотекислигининг пасайиши;
- таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларининг ривожланиши;
- инфляциянинг барқарорлашуви.

Шунга қарамадан, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этишлари ҳар бир мамлакатдаги ички ҳолат ва ҳукуматларнинг олиб бораётган иқтисодий сиёсатларига боғлиқ.

### Асосий тушунчалар

**“Ривожланаётган мамлакатлар”** – Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлака тизимининг парчаланиши ва собиқ мустамлакаларнинг мустақилликка эришишлари натижасида пайдо бўлган мамлакатлар.

**Бозор иқтисодиёти шаклланаётган мамлакатлар** – бозор ислохотларини амалга оширишда жиддий муваффақиятларга эришган, миллий банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашишга эришган етакчи ривожланаётган ҳамда собиқ социалистик мамлакатлар гуруҳи.

<sup>16</sup> Шипков Ю. Уровень бедности в современном мире: методологические споры. // Мировая экономика и международные отношения, №1, 2006. С. 14.

**Иқтисодиётнинг кўпукладлилиги** – иқтисодиётда йирик ва бир-биридан фарқ килувчи, ҳар бири яна майда секторлардан иборат таркибнинг мавжудлиги.

**Юқори даромадли мамлакатлар** – аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромад 12 496 доллардан ошадиган мамлакатлар.

**Ўрта даромадли мамлакатлар** – аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромад 996 доллардан 12495 долларгача бўлган мамлакатлар.

**Паст даромадли мамлакатлар** – аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи миллий даромад 995 долларгача бўлган мамлакатлар.

**Импортнинг ўрнини қошлай сиёсати** – оғир саноат тармоқларини ривожлантириш ва хорижий капитални чеклаш орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш (Лотин Америкаси мамлакатлари).

**Экспортга йўналтирилган сиёсат** – айрим товарларни ташқи бозор олиб чиқиш учун бу товарларни ишлаб чиқаришга иктисослашиш (Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари).

**Мутлоқ камбағаллик даражаси** – киши бошига бир кунлик даромад ёки харажат 1,25 доллардан (харид қобилияти бўйича) ошмайдиган минимум.

**Нисбий камбағаллик даражаси** – даромад жамиятда шаклланган стандарт истеъмолга етмайдиган минимум.

**Субъектив камбағаллик** – аҳолининг ўз моддий ҳолатини баҳолашлари натижаси.

### **Назорат саволлари:**

1. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг кўпукладлилиги нималарда намоён бўлади?

2. Нима учун миллий иқтисодиётнинг анъанавий тармоқлари ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига тўсқинлик қилади?

3. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлиги нималарда акс этади?

4. Ривожланаётган мамлакатларда давлатнинг роли қандай?

5. Ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий таркиб қандай хусусиятларга эга?

6. Иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича ривожланаётган мамлакатлар нечта гуруҳга бўлинади?

7. Ривожланаётган мамлакатларнинг саноатлаштириш моделлари нечи турга бўлинади ва қандай хусусиятларга эга?

8. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнининг ортиб бориши нималарда намоён бўлмоқда?

9. Камбағаллик муаммоси нима ва қайси кўрсаткичлар билан тавсифланади?

10. Ривожланаётган мамлакатларда камбағаллик муаммосини ҳал этиш йўллари нималардан иборат?

## 10-БОБ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ ИНДУСТРИАЛ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ

### 10.1. Янги индустриал мамлакатларнинг умумий тавсифи ва гуруҳланиши

XX асрнинг 60–80-йилларида ривожланаётган мамлакатлар таркибидан янги индустриал мамлакатлар гуруҳи ажралиб чиқди. Янги индустриал мамлакатлар иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича ривожланаётган мамлакатлардан ажралиб туради ва “янги индустриал ривожланиш модели”нинг пайдо бўлиши тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Мазкур гуруҳ мамлакатларининг ривожланиш хусусиятларини Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатлари мисолида кўриб ўтиш мумкин.

Янги индустриал мамлакатлар – саноатлаштириш, илмий ишлаб чиқаришнинг алоҳида турларини яратишда муваафқиятларга эришган, халқаро меҳнат тақсмоти ва халқаро савдода фаол қатнашувчи, саноат тармоқлари ва хизматлар соҳаси экспортга йўналтирилган ривожланаётган мамлакатлар гуруҳидир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича янги индустриал мамлакатларнинг айримлари дунёнинг етакчи ривожланган мамлакатлари даражасига яқинлашиб қолдилар.

Янги индустриал мамлакатлар иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича бошқа ривожланаётган мамлакатлардан тубдан фарқ қилади. Жумладан, Тайвань ЯИМ 1952–1993 йилларда 170 мартага, ташқи савдо айланмаси эса 534,6 мартага ортган. Мамлакатда иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръатлари 8,7% ни ташкил этган.

Ҳисоб-китобларга қўра 30 йил мобайнида (1996–1990) Осиё худуди иқтисодиётининг ўсиш суръатлари йилига 5% ни ташкил этгани ҳолда? Европа мамлакатларида бу кўрсаткич 2% га тенг бўлган. Тайвандан ташқари 1990 йилларда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари Жанубий Кореяда – 8%, Сингапурда – 8% атрофида, Малайзияда – 9% га тенг бўлди.

Янги индустриал мамлакатларнинг юқори иқтисодий ўсиш суръатлари аҳоли турмуш даражасининг ошиши билан ҳамоҳанг кузатилади. Хусусан, 1960 йилларнинг ўрталари 1990 йилларнинг бошларида бу мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад тўрт баравар ошган. Халқаро мутахассислар прогнозлари бўйича Шарқий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 2015 йилга бориб Ғарбий Европа мамлакатларидан, 2020 йилга бориб эса Шимолий Америка мамлакатларидан ошиб кетиши мумкин.

Янги индустриал мамлакатлар фақат уларга хос хусусиятларга эга. Янги индустриал мамлакатларни ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги мамлакатлар гуруҳига киритиш мумкин. Бу ҳолат жаҳон хўжалиги тизимининг яхлитлигини таъминлаш имконини беради.

Одатда, янги индустриал мамлакатлар қаторига Осиёнинг “кичик аждарҳолари” – Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур ва Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатлари – Аргентина, Бразилия, Мексикани киритишади. Санаб ўтилган мамлакатлар янги индустриал мамлакатларнинг биринчи тўлқини ёки биринчи авлоди ҳисобланишади.

Улардан кейин янги индустриал мамлакатларнинг иккинчи авлоди – Малайзия, Таиланд, Ҳиндистон, Чили; учинчи авлоди – Кипр, Тунис, Туркия, Индонезия; тўртинчи авлоди – Филиппин, Хитойнинг жанубидаги эркин иқтисодий ҳудудлари киради. Натижада янги индустриал мамлакатларнинг “янги индустриаллашиш” худуди юзага келади.

БМТ услубиятига мувофиқ мамлакатларни янги индустриал мамлакатлар қаторига киритиш мезонлари қуйидагилардан иборат:

- ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори;
- ЯИМнинг ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари;
- ЯИМда қайта ишлаш саноатининг улуши, мазкур улуш 20% дан кам бўлиши керак эмас;
- саноат маҳсулотлари экспортининг ҳажми ва унинг умумий экспортдаги улуши;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми.

ИХТТ томонидан 1995 йилда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан биринчи бўлиб Сингапурга “индустриал жиҳатдан ривожланган” мамлакат мақоми берилди ва 1996 йилнинг 1 январидан кучга кирди. 30 йил давомидаги барқарор иқтисодий ўсиш бу мамлакатнинг кичик порт шаҳридан дунёнинг энг бой мамлакатлари қаторига кириш имконини берди.

Сиёсий барқарорлик шароитида мамлакат саноати доимий равишда йилига ўртача 8,4% суръатда ривожланиб борди ва мазкур мамлакатда истиқомат қилувчи ҳар бир одамнинг турмуш даражаси ўртача 7 мартага ортди. Сингапурда яшовчи ўрта статистик одамнинг йиллик даромади 1995 йилда 22,3 минг долларни ташкил этди, бу эса ўша даврда собиқ метрополия давлати бўлган Буюк Британиядан анча юқоридир. Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси Гонконг кўпгина ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига кўра ўз метрополия давлатидан ўтиб кетди. 1990-йилларнинг охириларидан бошлаб Гонконг (Сянган) аҳоли жон бошига даромад даражаси бўйича дунёда 4 ва 5 ўринни эгаллаб келмоқда.

Янги индустриал мамлакатлар худудий жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади:

– Осиё (Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконг, Филиппин, Ҳиндистон, Таиланд).

– Лотин Америка (Бразилия, Аргентина, Мексика, Чили).

Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатлари Осиё мамлакатларидан қатор жиҳатлари билан фарқ қилади (10.1.1-жадвал).

**Осиё ва Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатлари  
ўртасидаги фаркли жиҳатлар**

<b>Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари</b>	<b>Лотин Америкасининг янги индустриал мамлакатлари</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>– импорт ўрнини қоплаш ва экспортга йўналтирилган сўғатнинг биргаликда олиб борилиши;</li> <li>– баъзи мамлакатлар иқтисодидиёти учун ташқи бозорга йўналтирилганликнинг устуворлиги ва тўлиқ экспортга йўналтирилган сўғатнинг олиб борилиши (Гонконг, Сингапур);</li> <li>– тадбиркорлик капиталининг қайта ишлаш саноати ва хом ашё тармоқларига йўналтирилганлиги;</li> <li>– иқтисодий ривожланишнинг кенг тармоқли мавбаларининг шаклланилиги;</li> <li>– оммавий истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича меҳнат – сизимкорлиги юқори корхоналарнинг барпо этилганлиги.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– протекционизм сўғатининг устуворлиги;</li> <li>– хорижий компаниялар томонидан рақобатнинг йўқлиги;</li> <li>– арзон кредитларнинг мавжудлиги;</li> <li>– тадбиркорлик капиталининг савдо, хизматлар соҳаси, қайта ишлаш саноатига йўналтирилганлиги;</li> <li>– Жанубий-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларига нисбатан юқори иқтисодий салоҳиятга эгалиги;</li> <li>– асосий эътиборнинг материал ва капитал сизимкорлиги юқори тармоқларни ривожлантиришга қаратилганлиги;</li> <li>– импорт ўрнини қоплаш сўғатининг мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалатидаги ўрнининг тубдан ўзгаришига олиб келмаслиги.</li> </ul>

Таҳлиллар Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари ташқи бозорга йўналтирилган ривожланиш йўлидан боргани ҳолда Лотин Америкасининг янги индустриал мамлакатлари асосан, ички манбаларга таянган ривожланиш йўлидан бораётганлигини кўрсатади. Бу ҳолат Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатларининг табиий ресурслар билан юқори даражада таъминланганлиги, аҳолисининг кўплиги билан изоҳланади.

Янги индустриал мамлакатларнинг ривожланиш моделлари. Юқорида қайд этиб ўтилган омиллар янги индустриал мамлакатларнинг Осиё ва Лотин Америкаси моделларининг шаклланишига муайян даражада таъсир қилган.

Биринчи модель – миллий иқтисодиётнинг устун даражада ташқи бозорга, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Иккинчи модель – миллий иқтисодиёт тармоқларини ички ресурсларга таянган ҳолда ривожлантириш, импорт ўрнини қоплашга йўналтирилгани иқтисодиётни шакллантиришга асосланган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, импорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқаришнинг ривожланиш стратегияси қатор ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнади.



Мазкур стратегия ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг содир бўлишига ва янги, фан сиғимкорлиги юқори муҳим тармоқларнинг яратилишига олиб келди.

Шунга қарамасдан импорт ўрнини қоплаш сиёсати узоқ муддатли истиқбол учун самарали ҳисобланмайди. Барча импорт ўрнини қоплаш сиёсатини олиб бораётган мамлакатларда табиий инқироз юз беради. Протекционизм ва хорижий компаниялар томонидан рақобатнинг йўқлиги, арзон кредитлар шароитида миллий иқтисодиётнинг “иссиқхона” режимида фаол яратилиши самарали ва эгилувчан иқтисодий тизимнинг яратилишига тўсқинлик қилади.

Умуман, импорт ўрнини қоплаш сиёсати ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнининг тубдан ўзгаришига олиб келмайди. Импорт ўрнини қоплаш кўпинча ташқи омиллارга боғлиқликни камайтириш ўрнига кўпайтириши мумкин. Импорт ўрнини қоплаш босқичини ҳамма ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, янги индустриал мамлакатлар босиб ўтган.

## 10.2. Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари

Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида иқтисодий ривожланиш муваффақиятлари куйидаги омиллار ва шарт-шароитлар билан белгиланади:

- ушбу мамлакатларда саноатлаштириш иқтисодий муваффақиятларнинг яққол намунаси сифатида намоён бўлиши;

- Осиё иқтисодий ривожланиш моделининг “намоёниш самараси” ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида рағбатлантирувчи омилга айланиши;

- минтақа мамлакатларининг тарихи, маданияти, иқтисодий ривожланиш хусусиятларининг ўхшашлиги.

Ушбу мамлакатлар ўз иқтисодий ресурслари билан таъминланиш жиҳатдан Японияга яқин туришади ва ўхшаш иқтисодий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда узоқ вақт минтақада етакчи мамлакат ортидан ривожланишди. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодиётни модернизациялаш тажрибаси “кувиб етадиган” иқтисодий ривожланишнинг классик намунаси ҳисобланади.

Таҳлиллар Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, хусусан, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори ўртасидаги фарққа кўра, икки гуруҳга ажратиш имконини беради:

а) Гонконг, Сингапур ва Тайвань. Бу мамлакатларда саноатлаштириш жараёнлари XX асрнинг 40-йилларида бошланган ва улар аҳолининг турмуш даражаси бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига кирдилар. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу мамлакатларнинг барчаси аҳоли сони унчалик кўп

бўлмаган орол мамлакатлар ҳисобланади. Бундан ташқари, Гонконг ва Тайвань узоқ муддат мобайнида коммунистик Хитойга қарши қўйилган ва хориждан катта миқдорда иқтисодий ёрдам олиб турган;

б) Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия, Индонезия, Филиппин, Вьетнам ва Лаос. Бу мамлакатларни Осиё «йўлбарслари» деб аташади ва уларда саноатлаштириш жараёнлари турли даврларда бошланган.

Жануби-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг таҳлили уларга хос бўлган куйидаги хусусиятларни ажратиш имконини беради:

– Япониядан фарқли равишда бу мамлакатлар Иккинчи жаҳон урушига қадар дунёда етакчи эмас эди ва саноатлаштириш тажрибасига эга бўлмаган. Улар саноатлаштириш сиёсатини деярли йўқ жойдан бошлашган;

– уларнинг аксариятида иқтисодиётда давлат сектори етакчилик қилган;

– бу мамлакатлар учинчи дунё мамлакатларидан ривожланган мамлакатлар қаторига киришни мақсад қилиб қўйишган;

– бирон-бир ҳудудда саноатлаштириш жараёнлари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари каби катта миқдордаги хорижий инвестициялар билан қўллаб-қувватланмаган;

– бу мамлакатларнинг барчаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан катта зарар кўришди. Мисол учун ХВФ маълумотларига кўра Сингапурда ЯИМнинг ўсиш суръати 2007 йилда 8,8% ни ташкил этгани ҳолда, 2008 йилда – 1,5%, 2009 йилда 0,8% га қисқарди, 2010 йилда эса 14,5% ни ташкил этди. Мамлакатда ишсизлик даражаси эса 2010 йилда 2,2% га тенг бўлди, 2011–2012 йилларда – 2,3% ни ташкил этиши кутилмоқда<sup>1</sup>.

Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари Иккинчи жаҳон урушидан кейин қолоқ, шолли ва айрим фойдали қазилмалардан бошқа деярли ҳеч нарса ишлаб чиқармайдиган мустамлака аграр мамлакатлар эди. Ҳозирга келиб бу мамлакатлар АҚШ, Япония, Ғарбий Европа мамлакатларини кийим-кечак, пойабзал, электрон маиший хизмат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаётган, жадал суръатларда ривожланаётган мамлакатларга айланишди. Бу мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон андозаларига жавоб бериши, юқори технологияларни мужассамлаштирганлиги, ишлаб чиқариш ва товарларнинг экологик талабларга жавоб бериш даражаси ортиб бораётганлиги билан ажралиб туришади.

Осиё “аждарҳолари” жаҳоннинг йирик молия марказларига ва дунёнинг етакчи капитал экспортларига айланишди. Бу мамлакатларда осмонўпар бинолар, замонавий аэропортлар қурилмоқда, космосга сунъий

<sup>1</sup> Стеркин Ф. Проще меняться, когда ты маленький. //Ведомости, 9.11.2011.

йўлдошлар учирилмоқда. Ўхпаш муваффақиятларга биров кечикиш билан Осиё “йўлбарслари” эришмоқда.

Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари саноатлаштириш жараёнини турли вақтда ва шароитда бошлашди. Сингапур, Тайвань ва Малайзияда бу жараёнлар XX асрнинг 40-йиллари охирида бошланган бўлса, Жанубий Корея ва Индонезияда 60-йиллар боши, Таиландда 60-йиллар охири, Вьетнам ва Лаосда 90-йиллар бошида бошланди. Саноатлаштириш жараёнлари бошланган даврда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ Малайзияда 300 долл., Жанубий Кореяда 100 долл., Тайванда 160 долл., Вьетнамда 220 долларга тенг бўлган.

XX асрнинг 70-йилларида ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръати Таиланд ва Индонезияда 7–8%, Малайзияда – 8,1%, Гонконг, Жанубий Корея ва Сингапурда – 9,5%, Тайванда – 10% дан юқори бўлди. 80-йилларда аксарият мамлакатларда ушбу кўрсаткич йилига 7% дан паст бўлмади. 1950–2000 йилларда бу минтақа ривожланаётган мамлакатлар иқтисодийнинг умумий ўсишига катта ҳисса қўшди. Мисол учун улар ҳиссасига 50–70-йилларда умумий иқтисодий ўсишнинг 73% и, 80-йилларда 64% и, 90-йиллар бошида эса 60% и тўғри келди.

Жануби-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларининг ривожланишида бу мамлакатларга хос миллий урф-одатлар муҳим аҳамият касб этган ва уларга хос қуйидаги жиҳатларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари тарихий (цивилизация) ресурслардан самарали фойдаланишди. Аҳолининг ҳукуматни ҳурмат қилиши ва сўзсиз итоат этиши, меҳнатсеварлик, жамоа бўлиб ишлаш, яқин қариндош-уруғчилик алоқалари мамлакатнинг саноатлаштириш жараёнида муҳим ва иқтисодий самарали бўлиб чиқди.

Иккинчидан, Жануби-Шарқий Осиё иқтисодий модели учун давлат ва бизнес ҳамкорлиги ҳосилдир. Давлат кредитлар ва ташқи иқтисодий имтиёзлар тизимидан фойдаланиб иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди, бу босқичда устувор тармоқларни қўллаб-қувватлади. Танлаб олинган устувор йўналишлар таркиби ўзгариб турди ва босқичларга боғлиқ ҳолда қуйидаги устувор тармоқлар ривожланди:

- 50-йиллар – текстиль ва шипа саноати;
- 60-йиллар – кимё саноати ва металлургия;
- 70-йиллар – машинасозлик, кемасозлик, автомобилсозлик;
- 80-йиллар – электротехника саноати ва электроника;
- 90-йиллар – информатика, янги материаллар ишлаб чиқариш, аэрокосмос саноати.

Мисол учун, Сингапурда 1960 йиллар ўртасидан – 1970 йиллар ўртасигача бўлган даврда хорижий ТМКни жалб этиш орқали меҳнат сиғимкорлиги юқори тармоқлар ривожлантирилди. 1970 йиллар ўртасидан 1980 йилларнинг охирига қадар эса хорижий корпорацияларга хизмат кўрсатувчи маҳаллий тармоқлар ривожлантирилди. 1990 йиллардан 2000 йилларнинг

охирига қадар ИТТКИ харажатларини ошириш ва давлат тадқиқот институтларини фаол яратишга эътибор берилди. Ҳозирги давр эса маҳаллий ИТТКИ базасида миллий юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш босқичи ҳисобланади<sup>2</sup>.

Учинчидан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари давлатнинг иқтисодиётдаги ролини босқичма-босқич камайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш, жамиятни демократлаштириш орқали иқтисодий ривожланиш сиёсатини ўзгартириб боришди.

Тўртинчидан, Жануби-Шарқий Осиё иқтисодий ривожланиш модели экспортга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. 2010 йилда экспортнинг ЯИМдаги улуши Индонезияда – 24,6%, Филиппинда – 34,4%, Жанубий Кореяда – 54,0%, Таиландда – 71,9%, Малайзияда – 97,3%, Сингапурда – 208,3% ни ташкил этди<sup>3</sup>.

Бешинчидан, Япония каби жамғармалар нормасининг юқорилиги. Жануби-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларида 1991 йилда жамғарма нормаси 30% дан паст бўлмаган, Сингапурда эса ушбу кўрсаткич 47% га, 2005 йилда эса 53,2% га тенг бўлди. 2010 йилда бу кўрсаткич Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари бўйича ўртача 33,4% ни ташкил этди<sup>4</sup>.

Олтинчидан, ташқи омилларнинг роли. Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялашда хорижий инвестицияларни жалб этиш, технологияларни импорт қилиш, хорижий мутахассислардан фойдаланиш, халқаро кредитлар ва экспорт муҳим аҳамият касб этди (10.2.1-жадвал).

#### 10.2.1-жадвал

#### Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида иқтисодиётни модернизациялашда ташқи омилларнинг ўрни<sup>5</sup>

	Хорижий инвестициялар	Юқори технологиялар импорти	Хорижий мутахассислар	Экспорт	Халқаро кредитлар
Тайвань	+	+	-	+	+
Малайзия	+	+	-	+	+
Жанубий Корея	+	+	-	+	+
Сингапур	+	+	-	+	+

<sup>2</sup> Медовников Д. Одного азарта мало. //Эксперт, №46, 2011. С. 61.

<sup>3</sup> Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011. P. 85, 96, 109, 136,153, 169.

<sup>4</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 222.

<sup>5</sup> Хейфец Б.А. Мировой опыт успешных модернизаций. //Международная экономика, №6, 2011. С. 6.

Ушбу мамлакатларнинг баъзиларида (Тайвань, Малайзия, Сингапур, Хитой) янги иқтисодийнинг шаклланиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратишдан бошланди. Хорижий илғор, юқори технологияларни импорт қилиш, ўзлаштириш ва кейинчалик кўпайтириш Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар иқтисодийни модернизация қилишда муҳим роль ўйнади. Жануби-Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатларида саноатлаштириш жараёнининг бошланишидаёқ мустақил, хорижий технологияларсиз бу вазифани ҳал этиш мумкин эмаслиги маълум эди. Янги индустриал мамлакатларнинг ривожланиши уларни Ғарбнинг “Ингув цехлари”га айлантириш йўналиши бўйича амалга ошди. Мисол учун, 1980 йилларда Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган компьютерлар сони 20 мартага ошди, уларнинг 95,0% и лицензиялар бўйича ишлаб чиқарилган бўлиб, маҳаллий эҳтиёт қисмлар қиймати 15,0% дан ошмаган, уларда ўрнатилган дастурлар хориждан импорт қилинган<sup>6</sup>.

Иқтисодийни модернизациялаш жараёнида Япония, Корея Республикаси ва Тайвань миллий капиталнинг ривожланишида хорижий капитални жалб этишга нисбатан устуворлик бердилар. Бу мамлакатларда давлат маблағлари ҳисобига корхоналар қурилди ва улар хусусий компанияларга берилди. Корея Республикасида маркашашув даражаси юқори бўлиб, 1961 йилда банк тизими национализация қилинди, Япониядан фарқли ўлароқ, устувор тармоқларни белгилаб олди ва уларга давлат ёрдам кўрсатди.

Жанубий Корея иқтисодийни модернизациялашда ишлаб чиқарилган маҳсулот миллий ички бозор катта бўлмагани учун экспортга йўналтирилди. Давлат томонидан маҳсулот экспорти солиқ имтиёзлари, субсидиялаш, имтиёзли кредитлар бериш дастаклари орқали қўллаб-қувватланди. Япония урушдан кейин кичик ва ўрта корхоналарни модернизациялашга устуворлик берган бўлса, Корея мамлакат ресурслари оз бўлганлиги учун йирик компаниялар ва молия гуруҳларини (чеболлар) қўллаб-қувватлашга асосий урғу берди.

Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида (Гонконгдан ташқари) замонавий ишлаб чиқариш таркибини шакллантиришнинг илк босқичида импорт ўрнини қоплаш сиёсати амалга оширилди (10.2.2-жадвал).

Импорт ўрнини қоплаш сиёсатининг давомийлиги ўртача 12 йилни ташкил этади. Бу мамлакатларда импорт ўрнини қоплаш сиёсати нагжасида вужудга келган қуйидаги салбий сабабларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ишчилар малакасининг паст даражаси;
- эски техника ва технологияларнинг қўлланилиши;

<sup>6</sup> Модернизация России: условия, предпосылка, шансы. Под редакцией В.Л.Иноземцева. Вып. 1. Стратегические проблемы модернизации. - М.: Центр исследований постиндустриального общества, 2009. С. 29.

**Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари иқтисодий  
ривожланиш моделларининг босқичлари**

Мамлакат	Давр	Стратегия
Гонконг	1953 йилдан hozirgi davrga qadar	Экспортга йўналтирилган сиёсат
Корея Республикаси	1953–1960 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсати
Тайвань	1953–1963 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсати
Сингапур	1959–1965 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсати
Филиппин	1949–1968 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсати
Индонезия	1961–1978 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсати
Таиланд	1961–1971 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсати
Малайзия	1957–1968 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсати

– корхоналарда ишни ташкил этишнинг бўшлиғи;  
– ички бозор ҳажмининг кичиклиги – ички бозор ҳажмининг кичиклиги ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ва янги sanoat ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятларини пасайтирди.

Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида экспортга йўналтирилган стратегияга ўтиш XX асрнинг 60–70-йилларида бошланди.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг дастлабки босқичида импорт ўрнини қоплаш сиёсати муҳим роль ўйнади:

– юқори божхона божлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилди;  
– арзон маҳаллий товарлар ички бозорни тезда тўлдирди;  
– экспортдан тушган хорижий валюта тушуми истеъмолга мўлжалланган товарларни импорт қилишга эмас, балки замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфланди. Бу, ўз навбатида, sanoatлаштириш жараёнини жадаллаштирди.

Ушбу мамлакатларда давлат sanoatлаштириш стратегиясини аниқлаш, миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларини таянлаш, экспортни рағбатлантириш усуллари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилишни белгилаб берди.

Юқоридаги сабабларга кўра Жануби-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш модели қатор камчиликларга эга бўлди:

– давлат ва бизнеснинг ҳамкорлиги аксарият мамлакатларда давлат ҳамда иқтисодиётнинг бирлашиб кетишига олиб келди. Бу жараён марказлашган ҳолда тартибга солиш (Малайзия), давлат томонидан йирик компанияларни қўллаб-қувватлаш (Жанубий Корея), ярим давлат компаниялари тизимини яратиш (Индонезия) каби шаклларда амалга оширилди. Коррупция кўпчилик мамлакатларда жиддий иқтисодий муаммага айланди;

– иқтисодий ўсиш суръатларига мутаносиб равишда иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг ўсиши содир бўлмади. 1980 йилларда Таиланд, Малайзия ва Индонезияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичи юқори иқтисодий ўсиш суръатларига қарамасдан “катта еттилик” мамлакатлари кўрсаткичларига нисбатан 7,2 ва 34% га қисқарди. Бу янги индустриал мамлакатларнинг ўз ички бозорларига таяниш имконини бермади ва экспортга йўналтирилганликнинг мезоний даражасини сақлаб қолишга мажбур қилди;

– Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида аҳолининг саводхонлик даражаси ривожланган мамлакатларга нисбатан пастигича қолмоқда. Жанубий Кореяда ёшларнинг ҳаммаси мактабларга боргани ҳолда Таиландда ёшларнинг 40% и, Индонезияда 45% и мактабга бориш имкониятига эга. Агар АҚШда коллеж битирувчиларининг 65% и олий ўқув юртларига кирса, Малайзияда бу кўрсаткич 12% ни ташкил этади;

– ушбу мамлакатларда фонд бозорларининг капиталлашиш даражаси жуда юқори. Мисол учун 1990 йилларда ривожланган мамлакатларда фонд бозорларининг капиталлашиш даражаси 100% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Сингапур, Малайзия, Гонконгга мос равишда 259, 452 ва 631% га тенг бўлган.

### **10.3. Лотин Америкаси янги индустриал мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари**

Лотин Америкаси Жанубий ва Марказий Американинг катта ҳудудини эгаллайди. Лотин Американинг барча мамлакатлари Испания ва Португалиянинг (Бразилия) собиқ мустамлакалари ҳисобланади. Лотин Американининг асосий мамлакатлари XIX аср бошидаёқ шаклланишига қарамасдан собиқ мустамлака эгаларининг ушбу мамлакатлар иқтисодиёти ва маданиятига таъсири сақланиб қолган.

Лотин Америкаси минтақасини шартли равишда қуйидаги уч қисмга ажратиш мумкин:

– Мексикадан Боливия ва Парагвайгача бўлган ҳудудлар. Мазкур ҳудудда жойлашган мамлакатларнинг ижтимоий таркиби ҳиндулар, метислар ва креоллардан иборат бўлиб, европаликлар томонидан ҳозирга қадар мавжуд ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган.

– Иккинчи ҳудуд Мексиканинг жанубидан Бразилиянинг шимолигача бўлган Кариб-Атлантика қирғоқбўйи ҳудудларини ўз ичига олади. Бу ҳудудларда тропик, ярим тропик деҳқончилик жадал суръатларда ривожлантирилган бўлиб, африкаликлар, мулатлар ва оқ танлилардан иборат этник таркиб шаклланган.

– Учинчи ҳудуд Лотин Америкаси “конуси”нинг жанубида жойлашган мамлакатлардан иборат. Ушбу ҳудудда ишлаб чиқаришнинг асосини ривожланган деҳқончилик ташкил этади.

Лотин Америкаси мамлакатлари ер ва табиий ресурсларга бой бўлиб, бу хусусияти билан Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларидан кескин фарқ қилади. Лотин Америкаси мамлакатлари темир рудалари, рангли металлар (мис, кўргошин, қалай, рух), уран, боксит, кўмир, нефть, табиий газ, олтин, олмос каби фойдали қазилмалар захирасига эга. Бундан ташқари, ўрмон ресурслари (Бразилияда) ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга яроқли катта майдонлар мавжуд. Худуд мамлакатларининг азалдан қишлоқ хўжалиги, хомашё экспорти ва қазиб чиқариш саноатини ривожлантиришга ихтисослашганлиги бежиз эмас. Масалан, яқингача Чили ва Венесуэла экспортининг 80% дан ортигини мис равишда мис ва нефть ташкил этар эди.

Лотин Америкаси худуди ўзига хос сиёсий хусусиятларга эга. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига нисбатан сиёсий ҳукуматнинг тез-тез алмашиб туриши, сиёсий-ижтимоий вазиятнинг беқарорлиги, мамлакатлар ўртасида юзага келадиган ҳарбий низолар (масалан, Эквадор ва Перу ўртасидаги ҳарбий низо) шулар жумласидандир. 1930–1980 йилларда Лотин Америкасининг аксарият мамлакатларида ҳарбий хунгалар ҳокимият тепасида эди.

Лотин Америкасида 1980 йилларгача “ичкарига” йўналтирилган иқтисодий ривожланиш модели амал қилди. Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий ривожланишини ҳокимият тепасида турган ҳукуматлар етарли даражада кескинликда ушлаб туришди.

Лотин Америкаси мамлакатларида “импорт ўрнини босувчи саноатлашиш” учун қуйидаги белгилар хос эди:

- оғир саноат соҳаларини ривожлантириш;
- хомашё экспортини кўпайтириш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини амалга ошириш.

Мазкур ривожланиш стратегияси 1950–1970 йилларда Лотин Америкаси мамлакатларида йилига ўртача 5–6% иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди. Шунга қарамай 1960 йилларнинг охирига келиб иқтисодий ривожланишнинг бу модели қуйидаги камчиликларга эга эканлигини кўрсатди:

- саноат товарларини маҳаллий ишлаб чиқаришнинг мавжуд эмаслиги;
- ишсизлик муаммосининг ҳал этилмаганлиги;
- ишчи кучи малакасининг ошмаганлиги.

1970 йилларда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун Лотин Америкаси оммавий тартибда унинг ички бозорларида етишмаётган товарларни импорт қила бошлади, қазиб чиқариш саноати соҳаларини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни давом эттирди. Ташқи қарзлар, авваламбор, нефтедолларлар молиялаштириш манбаи бўлиб хизмат қилди. Бироқ, нефть инқирози натижасида минтақа мамлакатларининг ташқи қарзи 1975 йилдан 1982 йилгача 42,5 млрд. доллардан 176,4 млрд. долларгача ошиб кетди.



1980 йиллар бошидаги жаҳон иқтисодий инқирози ва 1979 йилдаги иккинчи нефть инқирози оқибатлари Лотин Америкаси мамлакатлари хомашёсига бўлган талабнинг кескин пасайиши, нефть нархининг ошиб кетиши эса инфляция даражасининг кўтарилишига олиб келди. Инфляцияга қарши кураш фоиз ставкалари даражасини орттириш орқали олиб борилди, бу эса Лотин Америкаси мамлакатлари молиявий ҳолатини янада оғирлаштириб юборди. Лотин Америкаси мамлакатларида дефолт ҳолатининг содир бўлишини олдиндан сезган инвесторлар Лотин Америкасидан ўз капиталларини инвестиция иқлими қулай мамлакатларга оммавий олиб чиқиб кета бошладилар.

Лотин Америкаси ҳукумати бунга жавобан протекционизмга талабчанликни ошириб юбордилар. Божхона тарифларини 200% гача ошириш орқали импортни қисқартиришга, капиталнинг чиқиб кетишини эса миллий фоиз ставкалари даражасини ошириш орқали тўхтатишга ҳаракат қилдилар. Бироқ, Лотин Америкаси мамлакатларининг молиявий тизимига ташқи қарздорлик ташвиши катта босим ўтказди, фоиз ставкасини ошириш эса инфляциянинг жадал суръатларда ошиб кетишини тезлаштириб юборди. Минтақа иқтисодий стагнацияга тушиб қолди, аҳолининг тўлов қобилияти кескин даражада пасайди.

1980 йилларнинг иккинчи ярмида Лотин Америкаси давлатлари ривожланишнинг дастлабки моделининг чорасизлигини англаб, инқироздан чиқиб кетишга шароит яратган иқтисодий ўсишнинг янги моделини танладилар. Лотин Америкаси мамлакатлари ривожланишнинг янги модели негизда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасига кўра, ривожланишнинг ташқи омиллари, экспортга йўналтирилган иқтисодиётнинг тикланиши ётар эди. Ривожланишнинг мазкур модели “креол неолиберализми” сифатида машхур.

Иқтисодиётга неолиберализмни жорий этишда Чили етакчи мамлакат ҳисобланади. Кейинчалик Чили тажрибаси Аргентина, Бразилия ва Мексикада амалиётга жорий этилди. Бундан ташқари, Чили амалиётида биринчи марта Р.Рейган ва М.Тэтчерларнинг “неоконсерватив ғўқилоб” назарияси генерал А.Пиночет раҳбарлигида синаб кўрилди. Чили иқтисодиётини эркинлаштириш нархлар, фоиз ставкалари, ташқи савдо сиёсати, капиталлар ҳаракати, меҳнат бозори, солиқ соҳаларига ўз таъсирини ўтказди.

Чили “креол либерализми” тавсияси. Чили иқтисодиётининг ривожланиш муваффақиятлари айнан Пиночет номи билан боғлиқ, чунки Пиночет даврида Чили иқтисодиётини эркинлаштириш ва йирик масштабда неоконсерватив ислохотлар бошланди. Чили ислохотлари, қисқа муддатда мамлакатнинг қийин иқтисодий инқироздан чиқиб кетишига имкон яратди ва у XX асрда амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсатнинг энг яхши намуналаридан бири ҳисобланади.

Мамлакатда эркин иқтисодиётни шаклланишга олиб келган Чили ислохотлари мажмуий ва даврий бўлган. Уларнинг асосий таркибий қисмини қуйидагилар ташкил этган:

– **инфляцияга қарши сиёсати.** ХВФ ва “Чикаго мактаби” усуллари бўйича пул эмиссияси тўхтатилди, хусусийлаштириш ва солиқ тушумлари ҳисобига давлат харажатларини тартибга солиш, даромадларни ошириш орқали бюджет тақчиллиги бартараф этилди;

– **протекционистик чоралар ёрдамида ташқи савдодаги номунаносбликни бартараф этиш.** Экспорт, хусусан, ноанъанавий экспортни рағбатлантириш ва импортни чеклаш сиёсати олиб борилди (махаллий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун дастлаб импорт ўрнини қоплаш сиёсати амалга оширилди);

– **солиқ ислохотлари.** Солиқ базасини кенгайтириш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ ставкаларини ягоналаштириш; солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқлар тўлашдан бош тортишга қарши кураш. Чилида 1975 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи жорий этилди;

– **ташқи савдони эркинлаштириш.** Миллий валюта (песо) курсининг ошиб кетиши, девальвациясига йўл қўймаслик. Хорижий капитални жалб этиш, валюта чеклашлари ва хорижий қарзларга бўлган чеклашларни бекор қилиш. Кейинчалик мамлакат иқтисодиёти учун ташқи савдодаги эркин ва давлат тартибга солиш элементларини бирлаштириш хос бўлиб, песо курсининг чет эл валюталари қаторига киритилиши эса ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишининг барқарорлигини таъминлади ва инфляцияга қарши курашга ёрдам берди;

– **молия тизимини эркинлаштириш.** Фоиз ставкалари даражаси назоратининг бекор қилиниши, капиталнинг кириб келиши – чиқиб кетишининг либерал режими. Бироқ, Чилида миллий валюта курсини кескин пасайтириш, капиталнинг хорижга оммавий чиқиб кетиши дефолтга олиб келиши муқаррарлигини билиб, мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кўринишидаги узоқ муддатли капиталларни жалб қилишни афзал деб билдилар;

– **хусусийлаштириш.** Ўз вақтида С.Альенде ҳукумати томонидан миллийлаштирилган қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарига мулкчилик ҳуқуқлари қайта тикланди. Пиночет даврида Чилида “ультра либераллаштириш” сиёсати ўтказилди. 1986 йилда инфратузилма, транспорт, телекоммуникация соҳалари хусусийлаштирилди;

– **пенсия тизимидаги ислохотлар.** Чилида пенсия ислохотлари 1981 йилда ўтказилди ва бу ҳозирга қадар аксарият мамлакатлар учун намуна бўла олади. Нодавлат пенсия фондлари яратилиб, улар ўртасида омонатчилар маблағларини жалб қилиш ҳуқуқи бўйича жиддий рақобат авжига чиқиб кетди. Хар бир чилилик йилига икки марта пенсия фондиди ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлди. Давлат зарар келтираётган ва юқори рискдаги хусусий фондлар лицензияларини бекор қилиб, аҳоли

маблагларининг ҳимояланганлигини қафолатлади. Пенсия ислоҳотлари меҳнаткашлар жамғармаларининг инвестицияга айланишига имкон яратди, бу эса иқтисодий ўсишнинг йирик ички манбаи бўлиб хизмат қилди;

– ишчи кучи бозоридagi ислоҳотлар. Меҳнат унумдорлиги, ишчи кучи малақаси ва ҳақ тўлаш даражасини ошириш.

Чили ислоҳотларининг асосий натижалари қуйидагича<sup>7</sup>:

– Чили Лотин Америкасида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича етакчи мамлакатга айланди (ЯИМ ўсиш суръати 1980–1990 йилларда йилига ўртача 7% ни, 1993–2002 йилларда 5% ни, 2010 йилда эса 5,2% ни ташкил этди);

– мамлакатда ишсизлик даражаси пасайди, иқтисодиётнинг хусусий секторида янги иш ўринлари яратилди;

– мамлакат ташқи қарзининг ЯИМга нисбатан улуши 1985–1995 йилларда 128% дан 32% гача қисқарди, мамлакатнинг кредит рейтингси сезиларли даражада ошди;

– Чили 1970 йилларда мис экспортига тўлиқ боғлиқ бўлган бўлса (мамлакат умумий экспортининг 80%), 1995 йилга келиб экспортдаги мис улуши 40% ни ташкил этди, саноат экспорти эса 42% га ортди;

– мамлакат иқтисодиётининг очиклиги кучайди, жумладан, 2010 йилда товарлар ва хизматлар экспортининг ЯИМдаги улуши 40,2% ни ташкил этди;

– мамлакатдаги инфляция даражаси Лотин Америкасидаги энг паст кўрсаткич ҳисобланади (1990 йилларнинг ўрталаридан йилига 8% га яқин бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 1,5% га тенг бўлди);

– мамлакат давлат бюджетининг барқарор ижобий профицити (ЯИМга нисбатан 2%) ва савдо балансининг ижобий қолдиғига эга;

– ижтимоий соҳа ривожланди – мамлакатда ижтимоий тенгсизлик қисқарди, аҳолининг касбий малақаси ва таълим даражаси ошди;

– миллий иқтисодиётда етакчи роль давлатдан хусусий секторга ўтди, Чилидаги ресурслар бозор механизми дастаклари орқали тақсимлана бошлади.

XX аср охирида неоконсерватив ислоҳотлар кашфиётчиси ҳисобланган Чили Лотин Америкаси минтақасига намуна бўлди. Аргентина, Бразилия ва Мексика қисқа муддат ичида Чилига ўхшаш иқтисодий ислоҳотларни амалга оширдилар. Инфляция даражаси ва ташқи қарзлар микдорининг кескин қисқариши иқтисодий ислоҳотларнинг самарали натижаларидан ҳисобланади. Жумладан, Бразилияда 1993 йилда инфляция даражаси 2541% ни ташкил этгани ҳолда, 1995 йилга келиб уни 35% гача қисқартиришга эришилди, 2010 йилда эса 5,0% га тенг бўлди.

<sup>7</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 199, 205.; Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011. P. 40.

Лотин Америкасининг янги индустриал мамлакатлари барқарор иқтисодий ривожланиш йўлига ўтди, деб ҳисоблаш мумкин ва буни Чили тажрибаси тасдиқлайди. Шунга қарамасдан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш устун даражада “креол неолиберализми” моделига амал қилиш имкониятларига боғлиқ ҳисобланади.

### Асосий тушунчалар

**Янги индустриал мамлакатлар** – сановатлаштириш, илмий ишлаб чиқаришнинг алоҳида турларини яратишда муваффақиятларга эришган, халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро савдода фаол қатнашувчи, сановат тармоқлари ва хизматлар соҳаси экспортга йўналтирилган ривожланаётган мамлакатлар гуруҳи.

**Экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш модели** – миллий иқтисодиётнинг устун даражада ташқи бозорга, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий ривожланиш модели.

**Импорт ўрнини қоплаш модели** – миллий иқтисодиёт тармоқларини ички ресурсларга таянган ҳолда ривожлантириш, импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш модели.

**Кувиб етadиган модернизациялаш** – иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари устун даражада юқори жамғариш нормаси, яъни ЯИМда юқори инвестициялар улуши эвазига эришилиши.

**Сановат сиёсати** – ишлаб чиқаришнинг ўсишига, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга, иқтисодиётнинг тармоқ таркибини яхшилашга ва тайёр маҳсулот экспортини ривожлантиришга қаратилган давлатнинг узоқ муддатли чора-тадбирлар мажмуи.

**Сановат сиёсатининг «Шарқий Осиё» модели** – юқори технологияли тармоқларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, иқтисодий ўсишнинг, биринчи навбатда, фан-техника ютуқлари ва юқори технологияларни ўзлаштиришга (инновацияларга) боғлиқлигига асосланади.

**“Креол неолиберализми”** – Лотин Америкаси мамлакатлари ривожланишининг янги модели ҳисобланиб, унинг негизда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибасига кўра, ривожланишнинг ташқи омиллари, экспортга йўналтирилган иқтисодиётнинг тикланиши ётади.

**“Чикаго мактаби” усуллари** – пул эмиссияси тўхтатилиши, хусусийлаштириш ва солиқ тушумлари ҳисобига давлат харажатларини тартибга солиш, даромадларни ошириш орқали бюджет тақчиллигини бартараф этиш усуллари.

## Назорат саволлари:

1. Янги индустриал мамлакатлар таркибига қайси мамлакатлар киради?
2. Янги индустриал мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши учун қандай хусусиятлар хос?
3. Янги индустриал мамлакатларни қайси мезонлар бўйича гуруҳлаш мумкин?
4. Экспортга йўналтирилган иқтисодий сиёсат учун қандай хусусиятлар хос?
5. Импорт ўрнини қоплаш сиёсатининг мазмуни нималардан иборат?
6. Жануби-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
7. Жануби-Шарқий Осиё янги индустриал мамлакатларида иқтисодий ривожланиш муваффақиятлари қайси омиллар ва шарт-шароитларга боғлиқ?
8. Латин Америкаси янги индустриал мамлакатлари иқтисодий ривожланиш модели қайси омилларга боғлиқ?
9. Чили “креол неолиберализми” ислохотларининг қандай белгилари мавжуд?
10. Осиё ва Латин Америкаси янги индустриал мамлакатлари ўртасидаги фарқли жиҳатлар нималардан иборат?

## 11-БОБ. BRIC МАМЛАКАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ

### 11.1. BRIC мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги ролиянинг ортиб бориши

XXI асрнинг бошига келиб иқтисодий адабиётда ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига, жаҳон иқтисодиёти ва савдосида катта улушга эга Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойнинг инглизча талаффуздаги (Brazil, Russia, India, China) номларининг бош ҳарфларидан ташкил топган BRIC мамлакатлари гуруҳи пайдо бўлди. BRIC атамасини 2001 йилда “Goldman Sachs” иқтисодчиси Джим О’Нил муомалага киритган. 2011 йил январдан бу мамлакатлар гуруҳига Жанубий Африка Республикаси (South Africa) ҳам киритилганлиги туфайли эндиликда BRICS деб аталмоқда.

“Goldman Sachs” тадқиқотлари БРИК мамлакатлари бўйича қуйидаги иқтисодий прогнозларга асосланган (11.1.1-расм).

**Иқтисодиётининг ҳажми.** BRIC мамлакатлари кейинги 40 йил ичида ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича “Катта еттилик” мамлакатларини, Хитой эса ушбу кўрсаткич бўйича 2014 йилда Германияни, 2015 йилда Японияни, 2040 йилга бориб АҚШни ортда қолдириши мумкин.

**Иқтисодий ўсиш суръатлари.** BRIC мамлакатлари юқори, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эга. Goldman Sachs прогнозларига кўра, Ҳиндистон кейинги 30–40 йил ичида аҳоли сонининг ўсиши, инфратузилмани яхшилаш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиши мумкин.

**Даромадар ва демография.** BRIC мамлакатларида аҳоли даромадлари барқарор суръатларда ўсишига қарамасдан 2050 йилга бориб ҳам “Катта еттилик” мамлакатларига нисбатан орқада қолади. Жумладан, Россия 2050 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад кўрсаткичи бўйича “Катта еттилик”нинг энг камбағал мамлакатлари қаторига кириши, Хитойда эса бу кўрсаткич Жанубий Кореянинг ҳозирги вақтдаги даражаси 30 минг долларга етиши мумкин.


**Жаҳон бозоридаги талаб.** 2025 йилга бориб BRIC мамлакатларида йиллик харажатлар ҳажми “Катта еттилик” мамлакатлари кўрсаткичидан икки бараварга ошиб кетиши, 2050 йилга бориб эса тўрт бараварга ортиши мумкин.

**Валюта курсларининг тебраниши.** BRIC мамлакатларида кейинги 40 йил ичида реал валюта курси 300% га ўсиши мумкин.

BRIC мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги ролиянинг ортиб бориши қуйидаги омилларга асосланади.

Биринчидан, BRIC мамлакатлари барқарор, юқори ўсиш суръатларига эгаллиги билан ажралиб туради. Россия жуда катта миқдордаги табиий қазилма бойлиқларига, Бразилия ривожланган қишлоқ хўжалик базасига, Ҳиндистон нисбатан арзон, жаҳон иқтисодиёти миқёсида рақобатбардош интеллектуал ресурслар бозорига, Хитой эса арзон ишчи кучига эга. Шу тариқа BRIC

мамлакатлари жаҳон иқтисодиётида бир-бирини тўлдириб туради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра BRIC мамлакатлари 2050 йилга бориб жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 40–45% ини ишлаб чиқаради.



11.1.1-расм. BRIC мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнига баҳо<sup>1</sup>

Иккинчидан, BRIC мамлакатларида охириги ўн йилликда эришилган барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари бу мамлакатларга катта миқдорда хорижий инвестициялар кириб келишини таъминлади. 2006 йилдан бошлаб “BRIC-50” биржа индекси қабул қилинди. Ушбу индекс BRIC мамлакатларида ишбилармонлик фаоллигини акс эттириб, Бразилия, Хитой, Ҳиндистон ва Россиянинг 20 та жаҳон биржаларида юқори ликвидликка эга компаниялари акциялари курсига асосланади. Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон молиявий-

<sup>1</sup> БРИК — политическая реальность посткризисного мира? Новые возможности для России. Аналитические доклады. Выпуск 1(24) декабрь 2010. –М.: МГИМО-Университет, 2010. С. 54.

иқтисодий инквизи шароитида ҳам BRIC мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўсган. Жумладан, 2011 йилда BRIC мамлакатлари иқтисодиётига 5 трлн. доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб этилган<sup>2</sup>.

Учинчидан, BRIC жаҳоннинг йирик иқтисодий марказига айланиши мумкин. BRIC мамлакатлари бир вақтнинг ўзида таълим, тadbиркорлик, хорижий инвестицияларни жалб этиш, ички истеъмолни рағбатлантириш соҳаларида фаолликни оширдилар. Таҳлиллар BRIC мамлакатлари ўртасида 2000 йилдан бошлаб ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганлигини кўрсатмоқда. Мисол учун, 2010 йилда Хитойнинг Бразилия, Ҳиндистон ва Россия товар экспорти ва импортидаги улуши мос равишда 15,6; 5,9; 5,1 ва 14,2; 11,5; 15,7% га тенг бўлди<sup>3</sup>.

BRIC глобал иқтисодиётда муҳим роль ўйнамоқда. Яқин истиқболда ушбу мамлакатлар AQШ билан биргаликда биринчи бешликка кириши кутилмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, BRIC мамлакатларининг жаҳон ЯИМга кўшган ҳиссаси 1990–2010 йилларда 11% дан, 25% гача, глобал иқтисодий ўсишга кўшган ҳиссаси эса 23% дан 50% гача ошди. Ушбу мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000–2009 йилларда ўргача 7,9% ни ташкил этди. BRIC мамлакатларининг жаҳон савдосидаги улуши 15% ни ташкил этади ва уларда жаҳон табиий ресурсларининг учдан бир қисми тўшланган<sup>4</sup>.

Таҳлилларга кўра, 1990–2010 йилларда биргина Хитойнинг жаҳон ялпи миллий маҳсулотидagi улуши 1,8% дан 9,4% гача, асосий капиталга кўйилмалар таркибидagi улуши 2,0% дан 17,6% гача ортган (11.1.1-жадвал).

### 11.1.1-жадвал

#### Жаҳон ЯИМ ва асосий капиталга кўйилмаларининг географик таркиби, %<sup>5</sup>

	ЯИМ			Асосий капиталга кўйилмалар			Жамғариш нормаси, 2010, ЯИМга нисбатан % да
	1990	2008	2010	1990	2008	2010	
Жами, трлн. долл. шу жумладан (%):	22,2	61,5	63,5	5,0	14,1	13,7	21,6
AQШ	26,2	23,4	23,1	21,1	18,7	16,3	15,2
Хитой	1,8	7,4	9,4	2,0	13,1	17,6	40,4
Ривожланган мамлакатлар (AQШдан ташқари)	53,3	45,1	42,3	59,7	43,4	39,1	19,9
Ривожланаётган мамлакатлар (Хитойдан ташқари)	18,7	24,1	25,2	17,2	24,7	27,1	23,2

<sup>1</sup> www.infc.org

<sup>2</sup> Trade Profiles 2011. World Trade Organization. Switzerland, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>3</sup> Листова М., Грифанов А. Конец истории успеха. //Ведомости, 29.12.2011.

<sup>4</sup> Григорьев Л., Иващенко А. Мировые дисбалансы сбережений и инвестиций. //Вопросы экономики, №6, 2011. с. 12.



Иқтисодчи мутахассислар томонидан кейинги ўн йилликдан бошлаб BRIC мамлакатларининг глобал иқтисодиётга кўшаётган ҳиссасининг пасайиши, 2040 йилга бориб эса 40% кам бўлиши башорат қилинмоқда. Глобал иқтисодий ўсишда Ҳиндистоннинг улуши икки бараварга ортиши, бошқа мамлакатлар улуши ўзгармасдан қолиши ва Хитойнинг улуши кейинги 20 йил ичида 30% атрофида сақланиб қолиб, пасайиш тенденциясига эга бўлиши кутилмоқда.

## 11.2. BRIC мамлакатлари иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш тенденциялари

XXI асда ривожланаётган мамлакатлар қувиб етадиган индустриаллаштишни қувиб етадиган постиндустриаллаштиш билан ҳамоҳанг равишда олиб боришлари лозим бўлади. Ушбу жараён мураккаб бўлса-да, ривожланаётган мамлакатларда уни амалга ошириш имконияти мавжуд. Жаҳон, жумладан, Ҳиндистон амалиёти аграр мамлакатларда ҳам оқилона иқтисодий сиёсат натижасида босқичма-босқич биринчи ҳолатдан иккинчисига ўтиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

BRIC мамлакатлари иқтисодиётининг таркиби 1980–2010 йилларда жиддий ўзгаришларга учради. Жумладан, 1980 йилда BRIC мамлакатлари иқтисодиётининг таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 9% дан 38% гача ортган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 5% дан 17% гача пасайган. Бундай жиддий ўзгариш асосан Хитой ва Ҳиндистонда содир бўлган бўлиб, 1980–2010 йилларда қишлоқ хўжалигининг улуши мутаносиб равишда 30 ва 38% дан 10 ва 17% га қадар қисқарди (11.2.1-жадвал)

11.2.1-жадвал

### BRIC мамлакатлари иқтисодиётининг таркиби<sup>6</sup>

Мамлакатлар	ЯИМ таркиби, жамига нисбатан %да					
	Қишлоқ хўжалиги		Саноат		Хизматлар	
	1980	2010	1980	2010	1980	2010
Бразилия	11	7	44	27	45	66
Хитой	30	10	49	46	21	44
Ҳиндистон	38	17	26	28	36	55
Россия	9	5	54	37	37	58

BRIC мамлакатлари жаҳон савдосида салмоқли улушга эга бўлиб, 2010 йилда ушбу мамлакатларнинг жаҳон товарлар экспорти ва импортидаги ҳиссаси мутаносиб равишда ўртача 15,8 ва 4,5% ни, жаҳон хизматлар экспорти ва импортида эса 10,0 ва 12,5% ни ташкил этди. BRIC мамлакатлари

<sup>6</sup> От шпана к рынку. Отчет о мировом развитии – 1996. МБРР/Всемирный банк, 1996. С. 274, 275; World Development Report 2012. World Bank. P. 396.

экспортининг товар таркибида 2010 йилда саноат маҳсулотлари ўртача 55,0% ни, импортида эса 68,8% ни, хизматлар экспорти ва импорти таркибида эса туризм хизматлари етакчи мавқега эга бўлгани ҳолда мутаносиб равишда 60,1 ва 47,0% ни ташкил этди (11.2.2-жадвал).

11.2.2-жадвал

**BRIC мамлакатлари ташқи савдосининг товар таркиби, 2010 й.<sup>7</sup>**

	Товарлар			Хизматлар	
	Экспорт	Импорт		Экспорт	Импорт
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	13,3	8,5	Транспорт	20,3	27,2
Ёқалғи ва қазиб чиқариш саноати маҳсулотлари	31,7	22,7	Туризм	19,6	25,8
Саноат маҳсулотлари	55,0	68,8	Бошқа тўқораг хизматлари	60,1	47,0
Жаҳондаги улуши	15,8	4,5	Жаҳондаги улуши	10,0	12,5

Таҳлиллар кўрсатишича, BRIC мамлакатлари ташқи савдосига жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози жиддий салбий таъсир кўрсатган, жумладан, 2009 йилда товарлар экспорти 2008 йилга нисбатан – 22,5%, хизматлар экспорти эса 13,3% га қисқарди (11.2.2-жадвал).

11.2.3-жадвал

**BRIC мамлакатлари ташқи савдосининг ҳажми ва ўзгариши, млрд. долл.<sup>8</sup>**

	2010 й.	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %		
		2005–2010 йилларда ўртача	2009 й.	2010 й.
Товарлар экспорти	2399,8	13,5	–22,5	32
Товарлар импорти	2162,6	17,3	–23	34,8
Хизматлар экспорти	367,8	16	–13,3	21,8
Хизматлар импорти	438,3	18,3	–7,5	30,5

Ушбу ҳолат Бразилия экспортидаги муаммолар миллий валюта реал курсининг долларга нисбатан кўтарилиши, қайта ишлаш саноатининг арзонлиги Хитой ва бошқа Осиё мамлакатлари импорти билан қийин рақобат, Хитой иқтисодиётида Бразилия хомашёси экспортига бўлган талабнинг пасайиши билан боғлиқ бўлса, Россияда мамлакат экспорти ҳажмининг қисқариши ёқалғи ва қазиб чиқариш саноати маҳсулотларига жаҳон нархининг пасайиб кетиши, Хитой ва Ҳиндистонда эса саноат маҳсулотларига бўлган ташқи талабнинг қисқариши билан боғлиқдир.

<sup>7</sup> Trade Profiles 2011. World Trade Organization. Switzerland, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>8</sup> Trade Profiles 2011. World Trade Organization. Switzerland, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

Таҳлиллар BRIC мамлакатлари ташқи савдосининг товар таркиби бир-биридан жаддий фарқ қилишини кўрсатмоқда. Жумладан, 2010 йилда BRIC мамлакатлари товар экспорти таркибининг 53,2% ини саноат маҳсулотлари, 31,7% ини ёқилғи ва қазиб чиқариш саноати маҳсулотлари, 13,3% ини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 1,8% ини бошқа маҳсулотлар ташкил этган бўлса-да, Хитой ва Ҳиндистон товарлар экспортининг таркибида саноат маҳсулотлари (мутаносиб равишда 93,3 ва 63,9%) етакчи мавқега эга бўлиб, Россия экспортида ёқилғи ва қазиб чиқариш саноати маҳсулотлари (70,4%), Бразилияда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (34,0%) устуворлик қилганлигини кузатиш мумкин (11.2.4-жадвал).

11.2.4-жадвал

**BRIC мамлакатлари товар экспортининг таркиби, 2010 й.<sup>9</sup>**

	Бразилия	Россия	Ҳиндистон	Хитой
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	34,0	5,2	10,7	3,3
Ёқилғи ва қазиб чиқариш саноати маҳсулотлари	27,9	70,4	25,4	3,0
Саноат маҳсулотлари	35,2	20,2	63,9	93,6
Бошқа маҳсулотлар	2,9	4,2	...	0,1
Жаҳондаги улуши	1,3	2,6	1,4	10,4

BRIC мамлакатлари иқтисодийга хос хусусиятлардан бири ички талабнинг юқорилигидир. BRIC мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг кўшимча ўсиши, авваламбор, ички талабнинг – аҳоли, корхоналар ва давлат бошқарув органларининг истеъмол ва инвестицион харажатларининг жадал суръатларда кенгайиши билан боғлиқ. Мисол учун, Хитойда охириги ўн йилликда миллий экспорт ҳажмининг бир неча мартага ортиши билан бир вақтда 2000–2007 йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида инвестициялар (асосий капитални ялпи жамғариш) улуши соф экспортга қараганда жадал суръатларда ўсган. Ушбу кўрсаткичлар бу даврда мос равишда 6,5 ва 7 пунктга ўсган. Ҳиндистонда эса инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси, ташқи савдо баланси салбий қолдиққа эга бир вақтда, 8,9 пунктга ошган (11.2.5-жадвал).

BRIC мамлакатлари иқтисодий ривожланишидаги кейинги хусусият ички ҳудудий табақалашувнинг чуқурлиги билан боғлиқ. BRIC мамлакатлари ички ҳудудий ривожланиш жиҳатдан чуқур табақалашувга эга бўлиб, барчасида ҳудудлар ҳажми ва аҳоли сони бўйича бир-биридан тубдан фарқ қилади. Мисол учун ҳудудларнинг аҳоли сони бўйича табақалашув даражаси Ҳиндистонда энг юқори – 3 минг марта (вариация коэффициенти 126,1%),

<sup>9</sup> Trade Profiles 2011. World Trade Organization. Switzerland, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Хитой, Ҳиндистон ва Бразилияда ялпи ички маҳсулотдан  
фойдаланиш таркиби, фонзда<sup>10</sup>**

	Хитой		Ҳиндистон		Бразилия	
	2000 й.	2007 й.	2000 й.	2007 й.	2000 й.	2007 й.
Пировард истеъмол харажатлари	62,3	34,8	76,3	66,9	76,3	64,9
Ялпи жамғариш	35,3	42,3	24,3	35,8	24,3	35,8
Асосий капитални ялпи жамғариш	34,3	45,0	22,7	31,6	22,7	17,6
Соф экспорт	2,4	5,9	-1,0	-4,4	-1,0	-4,4

Хитойда эса энг паст – 34 мартага (вариация коэффициенти 63,4%)тенг. BRIC мамлакатларида ялпи минтақавий маҳсулотнинг мутлақ ҳажми бўйича табақалашув даражаси янада юқори ҳисобланади (11.2.6-жадвал).

**BRIC мамлакатларида минтақавий табақалашув кўрсаткичлари<sup>11</sup>**

	Бразилия	Россия	Ҳиндистон	Хитой
Аҳоли сони				
Аҳолиси кўпсонли худудларнинг камсонли худудларга нисбати, марта	101,8	248,6	2998,6	33,6
Вариация коэффициенти, %	118,9	92,2	126,1	63,4
Ялпи коэффициенти	0,4403	0,4040	0,5574	0,3341
Ялпи минтақавий маҳсулот ҳажми				
Маҳсулот ҳажми юқори худудларнинг маҳсулот ҳажми кам худудларга нисбати, марта	199,4	582,3	2298,2	90,0
Вариация коэффициенти, %	172,9	222,0	120,1	84,8
Жини коэффициенти	0,5581	0,5763	0,5416	0,4101

Бразилия ва Ҳиндистонда иқтисодий минтақалар ўртасидаги катта фарқ кичик миқдордаги ялпи маҳсулотга эга кўпсонли минтақаларнинг мавжудлиги билан изоҳланади (минтақаларнинг 50% ида ялпи маҳсулотнинг бор-йўғи 10% га яқини ишлаб чиқарилади). Россия учун эса ялпи маҳсулот ҳажми катта бўлган минтақалар сонининг кўпчилиги хос бўлиб, минтақаларнинг 10% и ялпи маҳсулотнинг деярли 50% ини ишлаб чиқаради. Хитойда минтақалар ўртасидаги фарқ бошқа BRIC мамлакатларига нисбатан паст ҳисобланади.

<sup>10</sup> Петров М., Плисский Д. Трансформация глобальных финансов. //Мировая экономика и международные отношения, №7, 2010. С. 5.

<sup>11</sup> Зайцева Ю. Межрегиональная дифференциация в странах БРИК: возможности оценки. //Мировая экономика и международные отношения, №5, 2010. С. 50.

Ушбу мамлакатларда (Ҳиндистондан ташқари) аҳоли минтақалар бўйича ялли минтақавий маҳсулотга нисбатан текис тақсимланган.

Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган ялли минтақавий маҳсулот ҳажми ва аҳоли сони ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд бўлиб, ялли минтақавий маҳсулотнинг аксарият қисми аҳоли зич жойлашган марказий ва жанубий штатларда (Махараштра, Уттар-Прадеш, Андхра-Прадеш, Тамил-Наду, Ғарбий Бенгалия ва Гужарат) ишлаб чиқарилади.

Бразилияда ялли минтақавий маҳсулотнинг асосий қисми жануби-шарқий минтақалар – Сан-Паулу (33%), Рио-де-Жанейро (11,5%), Минас-Жерайс (10%) ҳиссасига тўғри келади. Бразилияда ҳам Ҳиндистон сингари ялли минтақавий маҳсулот ҳажми ва аҳоли сони ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

Хитойда ялли минтақавий маҳсулотнинг ярмидан ортигини жануби-шарқий қирғоқ бўйи минтақалари ишлаб чиқаради. Мамлакатнинг шимоли-ғарбий минтақалари майдони жиҳатдан катта бўлса-да, минтақавий маҳсулотнинг 10% га яқин қисми ишлаб чиқарилади.

Россияда ялли минтақавий маҳсулотнинг асосий қисми пойтахт минтақалари – Москва (23,4%), Москва вилояти (4,2%), Санкт-Петербург (3,7%), нефть ва газ қазиб чиқарувчи минтақалар (Ханти-Манси автоном округи – 7,1%, Татарстон Республикаси – 2,7%, Красноярск ўлкаси – 2,6%, Ямал-Ненецк автоном округи – 2,4%, Бошқирдистон Республикаси – 2,3%, Свердловск вилояти – 2,9%)га тўғри келади. Россия ялли минтақавий маҳсулот ҳажми ва аҳоли сони ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат бошқа BRIC мамлакатларига қараганда арзон ишчи кучи ресурсларининг мажлудлиги ҳисобидан эмас, балки катта ҳажмдаги нефть, газ каби фойдали қазилма бойликлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, Россия аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялли минтақавий маҳсулот ҳажми бўйича чуқур табақалашувга эга ягона мамлакат ҳисобланади. Мисол учун, Россияда бу кўрсаткич ўртача даражанинг 25% идан кам бўлган ва ўртача даражадан 350% юқори бўлган минтақалар (Ненецк, Ханти-Манси ва Ямал-Ненецк) мавжуд<sup>12</sup>.

### **11.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг BRIC мамлакатлари иқтисодиётига таъсири ва ривожланиш истиқболлари**

Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан ривожланган мамлакатларга нисбатан кам зарар кўришди. Таҳлиллар кўрсатишича, 2008 йилда ривожланган мамлакатларда ялли ички маҳсулот 2007 йилга нисбатан 0,2% га ўсгани ҳолда, бу кўрсаткич ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида 6,0% га тенг бўлди. 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг таъсирида жаҳон ялли

<sup>12</sup> Ҷша маяба. С. 51.

ички маҳсулоти 0,5% га пасайди, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 3,4% ни, ривожланаётган мамлакатларда эса миллий капитал бозорларининг беқарорлиги, реал секторни молиялаштириш ва ташқи конъюнктуранинг ёмонлашуви сабабли 2,7 % ни ташкил этди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози BRIC мамлакатлари иқтисодиётига турлича таъсир кўрсатди. Жумладан, Бразилия сезиларли даражада АҚШ иқтисодиётига, Россия эса асосий экспорт товарлари бўйича ташқи бозор конъюктурасига боғлиқлиги сабабли иқтисодий ўсиш суръатлари ушбу мамлакатларда 2009 йилда мос равишда 0,6 ва 7,8% га пасайди. Хитой ва Ҳиндистон эса барқарор суръатларда ўсиб бораётган ички талаб таъсирида 2009 йилда мос равишда 9,2 ва 6,8% ли иқтисодий ўсишга эришди. Ушбу мамлакатлар 2010 йилда 10,3 ва 10,1% ли иқтисодий ўсишни намойиш этишди. ХВФ прогнозларига кўра, 2012 йилда BRIC мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 6,5% ни ташкил этиши кутилмоқда (11.3.1-жадвал).

### 11.3.1-жадвал

Жаҳон ва миллий ялпи ички маҳсулот динамикаси, 2005–2010 йй.,  
фоиз ҳисобида<sup>13</sup>

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
<b>Жаҳон</b>	<b>4,6</b>	<b>5,3</b>	<b>5,4</b>	<b>2,8</b>	<b>-0,7</b>	<b>5,1</b>
<b>Ривожланган мамлакатлар</b>	<b>2,7</b>	<b>3,1</b>	<b>2,8</b>	<b>0,1</b>	<b>-3,7</b>	<b>3,1</b>
<b>АҚШ</b>	<b>3,1</b>	<b>2,7</b>	<b>1,9</b>	<b>-0,3</b>	<b>-3,5</b>	<b>3,0</b>
<b>Евро зона</b>	<b>1,7</b>	<b>3,2</b>	<b>3,0</b>	<b>0,4</b>	<b>-4,3</b>	<b>1,8</b>
<b>Япония</b>	<b>1,9</b>	<b>2,0</b>	<b>2,4</b>	<b>-1,2</b>	<b>-6,3</b>	<b>4,0</b>
<b>Буюк Британия</b>	<b>2,2</b>	<b>2,8</b>	<b>2,7</b>	<b>-0,1</b>	<b>-4,9</b>	<b>1,4</b>
<b>Канада</b>	<b>3,0</b>	<b>2,8</b>	<b>2,2</b>	<b>0,7</b>	<b>-2,8</b>	<b>3,2</b>
<b>BRIC мамлакатлари</b>	<b>7,5</b>	<b>8,6</b>	<b>9,7</b>	<b>6,6</b>	<b>2,8</b>	<b>8,0</b>
<b>Хитой</b>	<b>11,3</b>	<b>12,7</b>	<b>14,2</b>	<b>9,6</b>	<b>9,2</b>	<b>10,3</b>
<b>Ҳиндистон</b>	<b>9,0</b>	<b>9,5</b>	<b>10,0</b>	<b>6,2</b>	<b>6,8</b>	<b>10,1</b>
<b>Бразилия</b>	<b>3,2</b>	<b>4,0</b>	<b>6,1</b>	<b>5,2</b>	<b>-0,5</b>	<b>7,5</b>
<b>Россия</b>	<b>6,4</b>	<b>8,2</b>	<b>8,5</b>	<b>5,2</b>	<b>-7,5</b>	<b>4,0</b>

Бошқа ривожланаётган мамлакатларга нисбатан иш ҳақининг ошиши, фоиз ставкаларининг юқорилиги, миллий валюта курсларининг тебраниши туфайли BRIC мамлакатлари компанияларининг фойдаси камайиб бормоқда.

BRIC мамлакатларидан капиталнинг чиқиб кетиши жиддий муаммага айланиб бормоқда. Мисол учун, 2010 йилда BRIC мамлакатларидан 15 млрд. доллар миқдоридан капитал чиқиб кетган ва бу охириги ўн йилда жалб этилган капитал қўйилмаларнинг 22% ини ташкил этади. 2010 йилда MSCI BRIC индекси – 24% га, Хитойнинг Shanghai Composite индекси – 23% га,

<sup>13</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ҳиндистоннинг BSE India Sensitive bylrcb – 23% га, Бразилиянинг Bovespa индекси – 16% га, Россиянинг ММВБ индекси эса 18% га пасайди. Шунга қарамадан, BRIC мамлакатларида ички истеъмолнинг ўсиши ва инфратузилманинг ривожланиши борасида катта салоҳият мавжуд.

Жаҳон молиявий инқирозининг BRIC мамлакатлар иқтисодиётига кўрсатган салбий таъсири бу мамлакатларда молиявий активлар ва жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг кескин қисқаришига олиб келди.

### 11.3.2-жадвал

#### BRIC мамлакатларида молиявий активлар ва хорижий инвестициялар ҳажмининг қисқариши, 2008 й.<sup>14</sup>

	Бразилия	Ҳиндистон	Хитой	Россия
Активлар ҳажмининг қисқариши, трлн. долл.	-0,2	-0,6	-2,4	-0,8
Хорижий инвестициялар ҳажмининг қисқариши, жумладан:				
трлн. долл.	-32	-28	-159	-0,7
ҲИМга нисбатан %да	-2,0	-2,3	-3,7	-4,1

1990 йилларда BRIC мамлакатларининг барчасида Мексика (1990 йилларнинг боши) ва Осиё-Тинч океани (1990 йилларнинг охири) инқирозлари таъсирида иқтисодий ўсишнинг пасайишига қарамадан, бу мамлакатларда 2000 йилларнинг бошида тўлов балансининг жорий операциялар счёти бўйича ижобий ўсиш кузатилди. Ушбу ижобий тенденция 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар фақат Хитой ва Россияда сақланиб қолди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар, 2000-2007 йилларда BRIC мамлакатларининг барчасида тўлов баланси барқарор ўсиш суръати ва ижобий қолдиққа эга бўлди:

- Бразилия тўлов баланси қолдиғи 39 мартага – 2 млрд. доллардан 87 млрд. долларгача;
- Россияда 9 мартага – 16 млрд. доллардан 150 млрд. долларгача;
- Ҳиндистонда 15 мартага – 6 млрд. доллардан 87 млрд. долларгача;
- Хитойда 43 мартага – 11 млрд. доллардан 461 млрд. долларгача ўсди.


Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида 2008 йилда 2007 йилга нисбатан BRIC мамлакатларининг барчасида (Хитойдан ташқари) тўлов балансининг умумий қолдиғи сезиларли даражада пасайди. Мисол учун, бу кўрсаткич Бразилияда 96,6% га, Ҳиндистонда 94,3% га, Россияда эса 1,2 мартага қисқарди. Бу даврда капиталнинг чиқиб кетиши Бразилия ва Ҳиндистонда 60% дан юқори, Хитойга 50% га, Россияда 3 мартага тенг бўлди. Россия ва Ҳиндистоннинг халқаро олтин-валюта захиралари инқирозгача бўлган даврга нисбатан тахминан 10% га қисқарди.

<sup>14</sup> Фролова Е.В. Мировой финансовый рынок: до и после кризиса. //ЭКО, №6, 2010. С. 169.

Таҳлиллар, BRIC мамлакатлари иқтисодийи жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида етакчи ривожланган мамлакатлар, жумладан, АҚШ ва ЕИ иқтисодийига нисбатан барқарор эканлигини кўрсатмоқда (11.3.1-диаграмма).

11.3.1-диаграмма


Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида халқаро захиралар, млрд. долл.<sup>15</sup>



BRIC мамлакатлари инқирозга қарши сиёсати устун даражада барқарор иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи, салбий тенденцияларни бартараф этишга қаратилган дастакларга асосланди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида BRIC мамлакатлари йирик молиявий маблағларни муаммоли секторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун сафарбар этишди (13.3.2-жадвал).

11.3.2-диаграмма

Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида инқирозга қарши чоралар ҳажмининг нисбати<sup>16</sup>



<sup>15</sup> Петрякова Е.М. Платежный баланс стран БРИКС. //Вопросы статистики, №1, 2012. С. 76.

<sup>16</sup> Ўша маъба. С.79.



ХВФ мутахассисларининг прогнозларига кўра, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари инқироз оқибатларини ривожланган мамлакатларга нисбатан тезроқ бартараф этишади ва 2012 йилдан бошлаб ўртача 6,5% ли иқтисодий ўсишга эришадилар ҳамда ички ишлаб чиқариш ҳажмини 6,5% гача, яъни ривожланган мамлакатларнинг нисбатан ўртача 1,5 бараборга оширадилар. Бу эса ривожланаётган мамлакатлари 2011–2012 йилларда жаҳон ялпи ички маҳсулотигадиги улушнни 50% га етказиш имконини беради.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида BRIC мамлакатларининг Россиядан ташқари барчаси глобал рақобатбардошлик кўрсаткичларини яхшилашга эришган. Жумладан, Бразилия 2009–2010 йилда Глобал рақобатбардошлик индекси (ГРИ) рўйхатида 56-ўринни эгаллаб, 2008–2009 йилги рўйхатга нисбатан саккиз поғона юқори кўтарилишга эришган. Ушбу кўрсаткич Хитой ва Ҳиндистон бўйича +1 ўринга тенг бўлган бўлса, Россия бу рўйхатда 63-ўринни эгаллаб, ўз кўрсаткичини 12 поғонага пасайтирган (11.3.3-жадвал).

### 11.3.3-жадвал

#### BRIC мамлакатларининг 2009–2010 йилларда глобал рақобатбардошлик индекси рўйхатидаги ўрни<sup>17</sup>

Мамлакатлар	ГРИ 2008–2009	ГРИ 2009–2010	Ўзгариш
Бразилия	64	56	+8
Хитой	30	29	+1
Ҳиндистон	50	49	+1
Россия	51	63	-12

Нобель мукофоти совриндори П.Кругман фикрича, Россия ўз салоҳиятига қарамасдан бор-йўғи хомашёга ихтисослашган, диверсификациялашмаган иқтисодиётга эга мамлакат ҳисобланади. Инвесторлар BRICнинг бошқа мамлакатларига нисбатан Россия истиқболига шубҳа билан қараб, инвестицияларини Бразилия ёки Хитойга иқтисодиётга киритишни афзал биладилар<sup>18</sup>.

Шу билан бирга BRIC мамлакатлари паст даромадли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. BRIC ва паст даромадли мамлакатлар ўртасида савдо, инвестиция ва молиялаштириш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин BRIC мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви паст даромадли мамлакатлар экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ҳажмининг ортишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда БРИК мамлакатлари ва паст даромадли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши мумкин:

<sup>17</sup> The Global Competitiveness Report 2009–2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 12.

<sup>18</sup> <http://top.rbc.ru/economics/14/02/2012/637788.shtml>

– BRIC мамлакатлари ва паст даромадли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши паст даромадли мамлакатларда хомашё ресурсларига боғлиқликнинг ортишига олиб келади. Аммо паст даромадли мамлакатлар муваффақлиги ривожланиш тенденцияларига эга BRIC мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланишлари мумкин. Қайта ишлаш саноатида Ҳиндистон ва Хитой рақобатбардошлиги ҳамда табиий ресурсларга бўлган талабининг ортиши паст даромадли мамлакатларда биржа товарларлари нархининг ўсишига ва қайта ишлаш саноатига иқтисослашувнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир вақтда Бразилия ва Россия (айрим ривожланган мамлакатлар – Австралия ва Канада) табиий ресурслардан иқтисодий ўсиш базаси сифатида унумли фойдаланган;

– қайта ишлаш саноати ривожланишининг фаоллашуви иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг асосий омилига айланиши, BRIC мамлакатлари томонидан технологияларни узатиш ва ишчилар малакасини оширишни молиялаштириш паст даромадли мамлакатларда қайта ишлаш саноатининг ривожлантиришини рағбатлантириши мумкин;

– имтиёзли, жумладан, тижорат шартлари асосида молиялаштириш қайта ишлаш саноатининг жадал суръатларда ривожланишига олиб келиши мумкин. Хитой тажрибасининг кўрсатишича, тижорат асосида молиялаштириш бу соҳада рақобатни рағбатлантиради ва занжирли реакция самарасини келтириб чиқаради;

– паст даромадли мамлакатлар BRIC мамлакатлари тажрибасидан юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этишда фойдаланишлари мумкин. Бу мамлакатлардан иқтисодий ўсиш имкониятларидан максимал фойдаланиш имконини берувчи инфратузилмани босқичма-босқич ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш талаб этилади. Хитой инфратузилмада мавжуд муаммолар ва ресурслардан фойдаланиш йўналишларини мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш натижасида инвестицияларни режалаштириш борасида жиддий муваффақиятларга эришди;

– BRIC ва паст даромадли мамлакатлар ўртасида халқаро ташкилотлар ҳамда донорлар паст даромадли мамлакатлар кўпроқ миқдорда ресурсларни ўзлаштиришлари учун макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш орқали боғловчи вазифасини ўташлари мумкин.

### Асосий тушунчалар

“Goldman Sachs” – жаҳоннинг йирик тижорат банкларидан бири (2008 йилга қадар инвестиция банки), молиячилар ўртасида «The Firm» сифатида машҳур.

BRIC – барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига, жаҳон иқтисодиёти ва савдосида катта улушга эга Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойдан иборат мамлакатлар гуруҳи.

**BRICS** – барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига, жаҳон иқтисодиёти ва савдосида катта улушга эга Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка Республикасидан иборат мамлакатлар гуруҳи.

**Ялпи минтақавий маҳсулот** – минтақа даражасида ялпи маҳсулот ҳажмидан оралиқ истъмолни айриб ташлаш орқали ҳисобланадиган ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичи.

**Минтақавий табақалашув** – минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасининг бир хил эмаслиги.

**Минтақа ички сийёсати** – давлат томонидан минтақа ресурсларидан оқилано фойдаланиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, минтақа ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

### **Назорат саволлари:**

1. BRIC мамлакатларига қайси мамлакатлар киради ва уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги роли қандай?

2. BRIC мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги ролининг ортиб бориши қайси омилларга асосланади?

3. BRIC мамлакатлари иқтисодиёти қандай таркибга эга ва ривожланиш омиллари нималардан иборат?

4. BRIC мамлакатлари минтақавий ривожланишидаги тафовутлар қайси сабабларга боғлиқ?

5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози BRIC мамлакатлари иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатди?

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози BRIC мамлакатлари тўлов балансига қандай таъсир кўрсатди?

7. BRIC мамлакатлари ва паст даромадли мамлакатлар ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

8. BRIC мамлакатларининг ривожланиш истиқболларига баҳо беринг.

## 12-БОБ. ХИТОЙ ИҚТИСОДИЁТИ

### 12.1. Хитой иқтисодий ислохотларнинг моҳияти, босқичлари ва омиллари

Хитой Осиё қитъасининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Тинч океанининг ғарбий денгизлари билан ўраб олинган. Хитойнинг куруқликдаги худуди 9,6 млн. кв. км. бўлиб, қирғоқ бўйлаб 18 минг километрлик чегарага эга. Худудий сувининг умумий майдони эса 4,7 млн. кв. км.ни ташкил этади. Хитой табиий бойликларга жуда бой мамлакат. Хитой куруқлик орқали 14 та ва қирғоқдан денгизлар билан ажралиб турадиган 6 та малакат билан чегарадош. Хитой кўпмиллатли мамлакат ҳисобланиб, унинг худудида 56 миллат истиқомат қилади. Хитойнинг ички худудларида социалистик тизим ҳукмронлик қилади. Хитой коммунистик партияси (ХКП) ягона бошқарув партияси ҳисобланади ва ХКП раҳномалигида мамлакатни бошқаришда кўппартиявийлик ҳамкорлигига асосланган сиёсат олиб борилади.

Ҳозирги вақтда Хитой 4 та марказий бошқарувидаги шаҳарлар, 23 та вилоят (провинция), 5 та автоном район, 2 та алоҳида маъмурий район ҳамда пойтахт – Пекингга бўлинган. Хитой дунё мамлакатлари билан мустақил ташқи иқтисодий алоқалар олиб боради.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хитой иқтисодий ривожланишини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр (1949–1978) – мамлакатнинг давлат сектори (давлат ва жамоавий корхоналари) устун турувчи марказлашган режали иқтисодиёт шароитида ривожланиши билан тавсифланади. Иккинчи давр (1978 йил охиридан ҳозирга қадар) эса иқтисодий эркинлашув, хўжаликни бошқаришда бозор тамойилларига босқичма-босқич ўтишга йўналтирилган.

1950 йиллар бошларига келиб урушлар сабабли иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакатга айланган Хитой ҳукуматида Хитой коммунистик партиясининг (ХКП) келиши ва Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) эълон қилинишидан сўнг ривожланишнинг социалистик йўлига қадам кўйилди, жуда қисқа муддатда саноатлаштириш амалга оширилди. Собиқ СССР ёрдамида 300 дан ортиқ йирик замонавий саноат объектлари қурилди, қишлоқ жойларда коллективлаштириш ўтказилди ва коммуналар тизими ташкил этилди. 1950–1970 йилларда Хитойнинг иқтисодий ривожланишига мамлакатда рўй берган “катта сакрашлар” (1958–1960) ва “маданий инқилоб” (1966–1976) каби жиддий сиёсий ўзгаришлар салбий таъсир кўрсатди. Маданий инқилоб халқ хўжалигини бошқариш тизимининг издан чиқиши ва иқтисодий тараққиётнинг орқада қолишига сабаб бўлди. Жумладан, 1977 йилда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 1957 йилга нисбатан 28% га пасайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок. Люд ред. С.Ф.Сутырина. –М.: Эксмо, 2008. С. 244.

“Қатта сакрашлар” сиёсатидан сўнг Хитойнинг собиқ СССР ва иттифок мамлакатларининг деярли барчаси билан иқтисодий муносабатлари ёмонлашди. 1960 йилларда Ғарб мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар янги йўналишда олиб борилди. Хитойнинг АҚШ ва қатор Ғарб мамлакатлари билан расмий муносабатларининг йўқлиги шароитида мамлакат учун Ғарб технологияси, асбоб-ускуналарини жалб қилиш ва Хитой маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишнинг муҳим йўли ҳисобланган Гонконг билан савдо муносабатлари жадал ривожлантирилди.

1970 йилларнинг охирида Хитойда иқтисодий ислоҳотлар йўналиши (“ислоҳотлар ва очиклик сиёсати”) белгиланиб олинди. Хитойдаги ислоҳотларнинг асосий мазмуни режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш эди. Аммо ислоҳотларнинг аниқ равшан концепцияси, яқиний мақсади белгиланмаганлиги сабабли туб ўзгаришларнинг расмий модели бир неча марта ўзгартирилди.

1984-1991 йилларда махсус ўзгаришлар киритилгандан сўнг иқтисодий ислоҳотлар аниқ мақсадли социалистик режали товар ҳўжалиги тизимини жорий қилиш моделига эга бўлди.

Хитойдаги иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳати ўзгаришларнинг босқичма-босқич амалга оширилишидир. Бунда мамлакатнинг демографик, иқтисодий ривожланиш, даромадлар, ҳўжалик юритишдаги кескин ҳудудий тафовутлар инobatга олинди. Мамлакат “қатта сакрашлар”дан чарчади, жадал сурьатлардаги иқтисодий ўзгаришлар эса халқ норозилигига сабаб бўлиши мумкин эди.

1978 йилда бошланган бозор ислоҳотлари кутилганидан ҳам ортик натижалар берди ва иқтисодий тизимнинг ўзгаришига олиб келди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида уч босқичли узоқ муддатли режа белгилаб олинди:

- қишлоқ ҳўжалигида ислоҳотлар ўтказиш ва ташқи иқтисодий очиклик сиёсатини жорий этиш (1970 йилларнинг охиридан 1984 йилгача);
- саноатда давлат секторини ислоҳ қилиш (1984–1988 йиллар);
- Хитойнинг ГАТТ/ЖСТ тизимига кириши (1992 йилдан кейин) билан боғлиқ иқтисодий ислоҳотлар комплекси.

Хитойда иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг муҳим вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- моддий ресурсларни директив режалаштириш ва марказлашган тақсимот таъсирини камайитириш орқали нархларни секин-аста эркинлаштириш;
- давлат ва корхоналар ўртасида мулкка эгаллик қилиш ва ҳўжалик юритиш ҳуқуқини бир-биридан ажратиш, давлат секторининг улущини сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантириш;
- ҳудудий ва маҳаллий маъмурият молиявий базасининг ҳўжалик ҳуқуқларини кенгайтириш.

– қирғокбўйи вилоятларининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш – хитой диаспораси яшайдиган Гонконг, Тайвань каби мамлакатлардан капитал жалб қилиш;

– юқори жамғариш нормаси ҳисобига иқтисодий ўсишни молиялаштириш (1980 йилларда 30% дан зиёд, 1990 йиллардан ва ҳозиргача 40% дан юқори);

– молия соҳасида давлат назоратини сақлаб қолиш.

Оилавий пудрат тажриба сифатида дастлаб камбағал ҳудудларда 1978 йилдан бошлаб эса бутун Хитой бўйича жорий қилинди. 1983 йилга келиб хитой деҳқонлари “халқ коммуналари” тизимидан оилавий пудрат тизимига ўтишди. Ер деҳқонларга узоқ муддатли ижарага берилди (аввалига 15 йилга, кейинчалик ижара муддати 30 йилгача узайтирилди), қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида бозор нархларида маҳсулотнинг маълум қисмини сотиш имконияти пайдо бўлди. Бир вақтнинг ўзида давлатнинг харид нархлари ҳам оширилди. Давлатнинг ғаллага бўлган монополияси 1985 йилгача сақланиб турди. 1980 йилларнинг иккинчи ярмига келиб бозор нархидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тахминан 60% и сотилди (1978 йилда – фақат 8%). Бу кўрсаткич 1990 йилга келиб 80% гача кўтарилди, 2005 йилда эса қарийб 100% ни ташкил қилди<sup>2</sup>.

1970 йилнинг охирида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва савдо муносабатларини кенгайтиришга қаратилган ташқи иқтисодий очиклик сиёсати эълон қилинди. Шу мақсадда денгиз бўйидаги вилоятларда турли хил махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил қилинди. Уларнинг энг машҳурлари Шэньчжень, Чжухай, Шаньтоу (Гуандун провинцияси) ва Сямэньлардир (Фуцзянь провинцияси).

Хитойда ташқи иқтисодий соҳанинг эркинлашуви босқичма-босқич амалга оширилди – дастлаб, Ташқи Иқтисодий Алоқалар вазирлигининг экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш монополияси тугатилди, кейинчалик эса ҳудудий бирликлар тармоқ ва маҳаллий ташқи савдо компанияларига бўлиб берилди. Давлатнинг экспортни харид қилиш тизими корхоналараро иқтисодий шартномалар тизими билан алмаштирилди, экспортёрлар учун валюта ажратмалари тизими жорий этилди.

1984 йилда давлат корхоналарида шартнома тизими киритилди. Давлат зиммасига солиқ ажратмаларнинг белгиланган миқдори бириктириб қўйилди, корхонанинг кенгайтиши натижасида шаклланган даромад корхона ихтиёрига қараб ишлатилиши мумкин эди. Аграр ислохотларга қадар давлат корхоналари ўз маҳсулотларини фақат давлат нархларида сотган бўлсалар, ислохотдан сўнг улар ўз маҳсулотларининг маълум миқдорини бозор нархларида сотиш имкониятига эга бўлдилар.

Саноат секторидagi ислохотлар қишлоқ хўжалиги ислохотларига қараганда анча мушкул кечди. Мазкур ислохотлар тўла муваффақият

<sup>2</sup> Ўша манба. С. 246.

қозонмади ва давлат сектори муаммоси ҳал этилмади. Ҳукумат давлат корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, мулкчилик ҳуқуқларини назорат қилиш, субсидияларни тақдим этишни давом эттирди.

1980 йиллар бошидан қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мартабаси ошди (1978–1988 йилларда ўсишнинг ўртача йиллик даражаси 28% ни ташкил қилди). Қишлоқ жойлардан шаҳарларга кўчиб боровчи иш кучи оқимини ушлаб туриш шароитида бу корхоналар ортиқча иш кучининг асосий қабул қилувчиларига айландилар. Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётнинг давлат секторига тегишли бўлиб, озиқ-овқат ва истеъмол товарлари, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг қатга қисми экспортга чиқди.

1980 йиллар ўрталарига келиб Хитойда икки секторли иқтисодиёт шаклланди: бозор шароитида мажбуран фаолият кўрсатаётган, марказлашган режалаштириш ҳамда таъминотга асосланган давлат корхоналари ва ўсиб боровчи ишлаб чиқариш блоки. Бу тизим ўз харажатларига эга бўлиб, хусусан, давлатнинг арзон нархларидаги ресурслар хариди ва маҳсулотларни бозор нархларида сотиш амалиётидан фойдалана бошлади.

1990 йилларда банк, солиқ ва валюта бошқаруви тизимлари ислоҳ қилинди. Давлат мулки соҳасида эса жиддий ва босқичма-босқич ислоҳ қилиш тадбирлари амалга оширила бошланди. 1994 йилда содир бўлган банк ислоҳоти махсус банкларни (Хитой Банки, Хитой қишлоқ хўжалиги банки, Хитой қурилиш банки, Хитой савдо-саноат банки) тижорат банкларига ўзгартириш, янги тижорат банкларининг ривожланиши ва нотижорат кредитлаш учун белгиланган учта асосий банк тузишга қаратилган эди. Пул-кредит операцияларининг янги турлари қисқа муддатли ва филиаллараро кредитлаш, траст операциялари, кредит карточкаларини ҳисоб-китобда ишлатиш, қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операциялар ривожланди.

Солиқ ислоҳотининг асосий мазмуни (1994 йил) – Хитой корхоналарида мулкчиликнинг барча шакллари учун даромад солиғи бир хил белгиланди, солиқ тушумларидан марказлашган бюджет улуши ортди. Солиқ ислоҳотларигача бўлган даврда узоқ муддатли битимларда белгиланган меъёрлар асосида даромаднинг маълум қисми марказга юборилиб, маҳаллий бюджетларда тўпланарди. Бугунги кунда ҚҚСнинг 75% и ва қатор бошқа солиқлар бевосита марказий бюджетга келиб тушади.

Валюта ислоҳоти натижасида 1994 йилнинг 1 январидан банклараро валюта биржасида ҳар кунлик савдо-сотик натижалари асосида юаннинг Хитой Марказий Банки томонидан белгиланган ягона бозор курси киритилди (1994 йилга қадар бараварига иккита валюта курси амал қилган: расмий ва бозор курси, 1993 йилга келиб бозор курсида валютанинг 80% и сотиб олинарди

ва сотиларди). Умуман, валюта ислоҳоти Хитойнинг ЖСТга кириш арафасида ўтказилди ва юанни конвертациялаш йўлидаги илк босқич ҳисобланди<sup>3</sup>.

1990 йиллар иккинчи ярмидан бошлаб давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни бошланди. Мудофаанинг замонавий технологиялар саноати, ноёб металлар қазиб чиқариш ва монополияси доирасида амал қиладиган соҳаларини хусусийлаштириш мумкин бўлмаган. Давлат энергетика ва транспорт корхоналарини хусусийлаштириш жараёнини назорат пакетини ўз қўлида сақлаб қолган ҳолда амалга оширган. Хусусийлаштиришнинг жадаллашуви билан давлат мулкнинг классик тушунчаси ўзгариб боради. Унинг таркибига нафақат давлат корхонасининг ўзи, балки акциядорлик ва аралаш компаниялардаги назорат пакети ёки оддий улуши пайлар ҳам қиради.

Муваффақиятли иқтисодий ислоҳотлар Хитойни иқтисодий ўсиш даражаси бўйича жаҳондаги пешқадам мамлакатлардан бирига айлантирди. Таҳлиллар кўрсатишича, Хитойда иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръатлари 1978–2010 йиллада 9,0% дан юқори бўлди. Жаҳон Банки маълумотларига кўра эса, охириги беш йил ичида, Хитой иқтисодиёти йилига ўртача 10% га, 1990–2010 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот ҳажми 341,4 доллардан 4392,6 долларгача, яъни 13,3 мартага ўсди.

Ж.Стиглиц ҳисоб-китобларига қараганда Хитой иқтисодиёти охириги 20 йил давомида жами ривожланиётган мамлакатларнинг қарийб ярим ялпи иқтисодий ўсишини таъминлаб берди<sup>4</sup>. 2008 йилда Хитой иқтисодиёти номинал қиймат бўйича Германияни ва 2010 йилга келиб Японияни қувиб ўтди, 2040 йилда эса АҚШни орқада қолдириб, жаҳондаги йирик иқтисодиётга айланиши kutilмоқда.

Хитой иқтисодий ислоҳотларининг жиддий ютуқларига қарамай иқтисодий ўзгаришлар эски муаммоларни келтириб чиқарди:

– аҳолининг ўта зичлиги ва ишчи кучининг ортиқчаллиги – қишлоқ жойларда аҳолининг 53% идан зиёди яшайди, қишлоқ хўжалигида эса аҳолининг 49% и банд;

– атроф-муҳитнинг бузилиши, ер фондининг камайиб бориши, сув ресурсларининг ифлосланиши (дарёларнинг 80% и зарарланган) – расмий маълумотларга кўра, экологик зарар мамлакат ЯИМнинг 10% ига тенг<sup>5</sup>;

– ҳудудлар бўйича иқтисодий ўсиш даражасининг нотекис ривожланиши. Хитойда аслида бир нечта ҳудудий иқтисодиёт мавжуд, Хитой ҳудудини шартли равишда уч иқтисодий ҳудудга бўлиш мумкин: 1) Шарқий денгиз бўйи минтақаси (Пекин, Тяньцзин, Шанхай, Гуандун, Хайнань); 2) Марказий; 3) Ғарбий. Иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ҳудуд мамлакат

<sup>3</sup> Александр С. Деньги от председателя, или финансовая стабилизация в Китае. //Центразия, 07.04.2003, <http://www.centrasia.ru/newsA.php?stx1049697540>

<sup>4</sup> Стиглиц Дж. Сравнение китайской и зарубежной экономических систем //Взглядясюс дунгай, №5, 2001. С. 4.

<sup>5</sup> Раковский С.Н. Китай в современном мире. //География, №18, 2007. <http://geo.1september.ru/article.php?IDж200701906>



шарқида жойлашган денгиз бўйи худуди ҳисобланади. Бу худуд Хитой умумий майдонининг 11% ини, жами аҳолининг қарийб 40% и мана шу худуд аҳолисини ташкил қилади. Бу худудларда давлат корхоналари улуши ва саноатнинг хомашё тармоқлари корхоналари нисбатан анча кам жойлашган (Гуандун, Цзянсу провинциялари). Ривожланиш даражаси ва суръати бўйича Марказий район иккинчи ўринда туради. Ғарбий худудлар эса умумий майдоннинг 18% ини ва жами аҳолининг 20% ини ташкил қилади;

– даромадларда табақалашув даражасининг ўсиши. Хитойда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларга эгаллиги билан бир қаторда ижтимоий табақалашув даражаси ҳам кескинлашиб бормоқда. Бир томондан, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ўртасида, иккинчи томондан эса, мамлакат денгиз бўйи провинциялари ва камбағал ички худудлари ўртасида фарқ йириклашиб бормоқда. Мисол учун Хитойда 2008–2010 йилларда Джини индекси ўртача 0,42 га тенг бўлди;

– мамлакатда 10% юқори даромад олувчиларнинг миқдорига умумий даромадларнинг 45% и тўғри келади, 10% камбағал яшовчилар эса, фақат 1,4% ни ташкил қилади. Ҳозиргача Хитойда мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ўз ичига олувчи ижтимоий қафолатларнинг мукамал тизими ҳали ҳам ишлаб чиқилмаган. Хусусан, 1993 йилда шаҳарларда яшовчиларнинг 71% тиббиёт суғуртасига эга бўлгани ҳолда бу кўрсаткич 2003 йилда 43% га, қишлоқ аҳолисида эса атиги 3% га тенг бўлди;

– шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш миқёслари тафовутини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча солиқларни олиб ташлагандан кейинги даромадлар ўртасидаги тафовут эҳтимоли 5:1–6:1 га етиши мумкин, бу эса дунё бўйича ижтимоий табақалашувнинг энг юқори даражаси ҳисобланади. Мамлакатнинг шарқий, марказий ва ғарбий провинциялари ўртасидаги жон бошига тўғри келувчи даромад кўрсаткичининг худудий ажралишида эса 1980 йилдаги 1,53 дан 1,89 марта, 2002 йилда 2,03 дан 2,57 мартагача ошди;

– камбағаллик миқёси ҳалигача аҳамиятли ҳисобланади. Мамлакатда камбағаллик даражасини пасайтириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилши натижасида абсолют қашшоқлик даражасида яшовчилар 1978 йилда 250 млн. кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2006 йилда 21,5 млн. кишигача қисқарди. Шунга қарамасдан Хитойда кунилик харажати 1,25 долларга тенг бўлганлар улуши 15,9% ни ташкил этади;

– ресурсларнинг самарасиз ишлатилиши. Хитойда бир дона маҳсулот ишлаб чиқаришга ривожланган мамлакатларга нисбатан 30% кўп энергия сарфланади. Саноатда меҳнат унумдорлиги АҚШга нисбатан 5% ни ташкил этади.

## 12.2. Хитой иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш динамикаси

Хитой эришган иқтисодий муваффақиятлар, шубҳасиз, йиғирма йилдан ортиқ вақт давомида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасидир. Бу муваффақиятлар натижасида Хитой жаҳон ҳўжалигининг ажралмас бир қисми сифатида халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг алоҳида ўрнига эга.

Хитой йирик аграр-индустриал мамлакат бўлгани боис, иқтисодий тараққиётининг асосий мақсади саноат ишлаб чиқариш даражаси бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаш ҳисобланади. Шу билан бирга иқтисодий қолоқликни бартараф этиш, ялли ички маҳсулот ҳажми ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорини ошириш мақсадида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб туриши лозим.

Хитойдаги иқтисодий ўсишни таъминлаб берувчи асосий куч ички истеъмол, ички талаб ва мамлакат аҳолисининг юқори суръатлар билан кўпайишидир. Хитойда иқтисодий ўсишни таъминлаб берувчи асосий манбалар куйидагилар ҳисобланади:

- меҳнат ресурслари;
- табиий ресурслар;
- барқарор жамғариш-инвестицион механизмнинг шаклланиши.

Хитой иқтисодиётининг юқори, барқарор суръатлар билан ўсиши куйидаги қайта ўзгаришлар жараёни билан бир вақтда рўй бермоқда:


- ижтимоий мулкнинг етакчи мавқеининг сақланиб қолиши шароитида кўп укладли иқтисодиётга ўтиш;
- натурал ва ярим натурал иқтисодиётнинг товар-пул муносабатларига асосланган иқтисодиётга айланиши;
- товар-пул муносабатлари, эркин нархларнинг шаклланиши ва банк тизимининг ислоҳ этилиши.

Хитой иқтисодиётининг ўсиш суръатларига таъсир этувчи асосий омил саноат ислохотлари ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, иқтисодий ислохотларгача бўлган даврда иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 5,3% ни ташкил этган бўлса, саноат ислохотлари даврида ушбу кўрсаткич ўртача 10,5% ни ташкил этган (12.2.1-диаграмма).

Фикримизча, Хитой саноат ислохотларининг муваффақият омиллари куйидагилардан иборат.

**Биринчидан**, давлатнинг иқтисодиётдаги роли. Давлат асосий фондларга сарфланаётган маблағларнинг асосий инвестори ҳисобланади. Хусусан, 2007 йилда бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан ажратилган маблағлар ҳажми ялли ички маҳсулотга нисбатан 23,8% ни ташкил этди.

**Иккинчидан**, юқори жамғариш нормасининг мавжудлиги. Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, иқтисодиётда модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали рақобатбардош иқтисодиётни яратган мамлакатлар узок давр мобайнида юқори инвестицион фаолликни намойиш

Хитой ялпи ички махсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари<sup>6</sup>

этишган. Хитойда жамғариш нормаси саноат ислохотларининг ҳамма даврида юқорилигича сақланиб қолган. 1978–2010 йилларда жамғариш нормаси мамлакат ЯИМга нисбатан 38,0% дан паст бўлмаган, жумладан, бу кўрсаткич 2010 йилда жорий нархларда 53,7% ни ташкил этди (12.2.1-жадвал)<sup>7</sup>.

## 12.2.1-жадвал

Хитойда жамғариш нормаси, ЯИМга нисбатан фозис хисобида (жорий нархларда)<sup>8</sup>

Йил	Капитални жамғариш, жами	Ялпи инвестициялар, жами	Шу жумладан:		Товарлар ва хизматларнинг соф экспорти
			Асосий капитал	Захираларнинг қўшимча ўсиши	
2000	37,7	35,3	34,3	1,0	2,4
2005	47,1	41,6	39,7	1,9	5,5
2006	49,3	41,8	39,6	2,2	7,5
2007	50,5	41,7	39,1	2,6	<b>8,8</b>
2008	51,6	43,9	40,7	3,2	7,7
2009	52,1	47,7	45,5	2,2	4,4
2010	53,7	...	...	...	7,9

Учинчидан, экспорт ҳудудларининг барпо этилиши. Мамлакатда экспорт ҳудудларини ташкил этиш 1979 йилдан бошланган бўлиб, дунё мамлакатлари

<sup>6</sup> <http://www.uniastrum.ru>

<sup>7</sup> Мозас П. Китай в период мирового кризиса: бенефициар, жертва или виновник? // Вопросы экономики, №9, 2010. С. 97

<sup>8</sup> Гельбрас В. Россия и Китай в условиях глобального кризиса. // Мировая экономика и международные отношения, №11, 2011. С. 64.

билан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, саноатнинг янги тармоқларини шакллантириш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга асосланган очиқ ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш кўзда тутилган. Иқтисодий очкичлик денгиз соҳили, мамлакатнинг ички ва чегарага тугаш ҳудудлари, Янзи дарёси хавзаси орқали амалга оширилди.

Хитой эркин иқтисодий ҳудудларини яратишда катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар талаб этилган ва бу қўйилмалар босқичма-босқич амалга оширилган. 1995 йилдаёқ ушбу ҳудудларга асосий капиталга сарфланган капитал қўйилмаларнинг 56,3% и йўналтирилган. Агар Хитойда инвестициялар ЯИМга нисбатан юқори суръатларда ўсганлигини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда экспортга йўналтирилган стратегиянинг нақадар мақсадли амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларига йўналтирилган давлат ва хусусий инвестициялар улуши жами инвестициялар ҳажмининг ярмидан оғиб кетган. Узоқ йиллар мобайнида жами хорижий инвестицияларнинг 70% дан ортиқ қисми бу ҳудудларга йўналтирилган. 2007 йилга келиб экспорт ҳудудларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 59,5% ни, бу ҳудудлардаги корхоналарнинг мамлакатдаги жами корхоналар сонидagi улуши эса саноатда 62,5% ни ташкил этган<sup>9</sup>.

Тўртинчидан, хусусий секторнинг ривожланиши. Ислохотлар даврида кўп укладли бозор ҳўжалигига асос солинди. Мамлакат ЖСТга аъзо бўлганидан сўнг хусусий сектор учун илгари ёпиқ ҳисобланган иқтисодиётнинг электроэнергетика, коммунал хизмат, нефть соҳаси, темир йўл, фуқаро авиацияси каби соҳаларида хусусий компаниялар фаолияти учун имкониятлар бирмунча кенгайтирилди.

Хитойда давлат корхоналарининг улуши 1997 йилда 262 мингтани ташкил этган бўлса, уларнинг сони 2008 йилда 110 мингтагача қисқарган ва мамлакат ЯИМнинг 20% дан камроқ қисми бу секторда яратилди. Шунга қарамадан асосий иқтисодий ресурслар – кредит ва ер давлат ихтиёрида қолган. Давлат ихтиёридаги йирик иқтисодий ночор корхоналар субсидиялар, имтиёзли кредитлар ёрдамида қўллаб-қувватланади ва 2009 йилда уларнинг сони 183 тани ташкил этган<sup>10</sup>.

Бешинчидан, Хитой илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг (ИТТКИ) замонавий базасини шакллантириш сиёсатини босқичма-босқич амалга оширмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, Хитой ривожланаётган мамлакатлар ичида кенгайтирилган илмий тадқиқот базасига эга бўлган бирдан-бир мамлакат ҳисобланади. ИТТКИга харажатлар 1990 йилларнинг ўрталарида ЯИМга нисбатан 0,57% га тенг бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич 2006 йилда 1,3% га тенг бўлган. 2020 йилга келиб бу кўрсаткични

<sup>9</sup> В.Гельбрас. Тридцатилетие эпохи "реформ и открытости" в Китае. //Мировая экономика и международные отношения, №6, 2009. С. 78

<sup>10</sup> Моззас П. Китай в период мирового кризиса: бенефициар, жертва или виновник? //Вопросы экономики, №9, 2010. с. 96

2,5% гача ошириш ва ўртача йилига 370 млрд. долларга етказиш режалаштирилган<sup>11</sup>.

Олтинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган саноат сисъатининг асосий омили иқтисодийга сарфланаётган инвестициялар ҳисобланади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Хитой иқтисодийга инвестицияларни жойлаштиришда етакчиликни сақлаб қолмоқда ва инвестициялар иқтисодий ўсишнинг асосий омили ҳисобланади. Масалан, 2009 йилнинг биринчи ярмида Хитойда инвестициялар, истеъмол ва экспорт иқтисодий ўсишга турлича таъсир кўрсатган. Бу даврда ЯИМ инвестициялар таъсирида 6,2% га ва истеъмол таъсирида эса 3,8% га қўшимча ўсгани ҳолда, экспортнинг қисқариши туфайли 2,9% га пасайганлигини кузатиш мумкин<sup>12</sup>.

Хитой дунёнинг бошқа мамлакатлари сингари XX асрнинг иккинчи ярмида миқдорий ва сифат ўзгаришларни бошидан кечирди. Мамлакат аҳолиси 2,3 бараварга (1952 йилги 576 млн. кишидан 2010 йилда 1 млрд. 338 млн. кишига) кўпайди.

12.2.2-жадвал

### Хитойнинг халқаро меҳнат тақсимогидаги ўрнининг ортиб бориши

Кўрсаткичлар	1900	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2010
Аҳоли, млн. киши	400	580	700	830	980	1155	1260	1338
Аҳоли сонининг ўсиши, марта, 1900-1		1,5	1,8	2,1	2,5	2,9	3,2	3,4
Жаҳон ЯИМдаги улуши, %	8,1	3,7	3,8	2,6	2,5	5,4	10,1	9,4
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми (ВХҚП, минг долл.)	0,5	0,5	0,7	0,6	0,7	1,7	3,9	7,5
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ўсиши, марта, 1900-1		0,9	1,3	1,1	1,3	3,2	7,4	12,9
Жаҳон экспортидаги улуши, %	3,1	1,8	2,5	2,0	2,2	4,5	7,7	10,4

XX асрнинг иккинчи ярмидан XXI асрнинг бошларига қадар иш билан банд аҳоли улуши 36% дан 56% га қадар ошди. Аҳолининг 77% га яқинини 16 ёшдан катталар ташкил этади. XXI асрнинг бошига келиб ишловчилар сони 711,5 млн. кишига етди, шундан 212,7 млн. киши шаҳарларда ишлайди. Шу йиллар мобайнида бандлик таркиби тубдан ўзгариб, шаҳарларда ишловчилар сони деярли 8,5 бараварга, қишлоқларда эса уларнинг улуши 2,7 бараварга

<sup>11</sup> Яков Б. Инновационные перспективы Китая. //Отечественные записки, №3 (42), 2008.; Кокшаров А. Внутреннее развитие через глобальную экспансию. //Эксперт, №46 (540), 11.12.2006.

<sup>12</sup> Ни Сюэлинь. Расширять внутреннее потребление! //Китай, №9 (47), 2009. С.32

ошди<sup>13</sup>. Шаҳарларда ипиловчилар сонининг ортиши асосан давлат секторининг кенгайиши натижасида юз берди. Шунингдек, бандликнинг хулудий ва тармоқ таркиби ҳам сезиларли даражада ўзгарди.

Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган фаолиятнинг кўллаб турлари қишлоқларга ҳам ёйилди. Бу даврдаги асосий иқтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аграр мамлакатни аграр-индустриал мамлакатга айлантирди. Натижада мамлакат ўз иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти билан келажақда дунёга бевосита таъсир қила олиш имкониятларига эга бўлди.

XXI асрнинг бошларига келиб Хитой иқтисодиёти таркиби индустриал-аграр таркибга эга бўлди. Ислохотлар даврида ЯИМ тизимида қишлоқ хўжалигининг улуши 28,0% дан 2010 йилга келиб 10,0% гача қисқарди, саноат, қурилиш ва хизматлар улуши эса 62% дан 90,0% гача ошди (12.2.3-жадвал).

12.2.3-жадвал

**Хитой ялпи ички маҳсулотининг тармоқ таркиби<sup>14</sup>, (% да)**

Йиллар	Қишлоқ хўжалиги	Саноат	Хизматлар
1978	28,0	48,0	24,0
1995	19,9	47,2	32,9
2000	15,1	45,9	39,0
2005	12,2	47,7	40,1
2007	11,1	48,5	40,4
2008	11,3	48,6	40,1
2010	10,0	46,8	43,2

2010 йилда Хитой ЯИМнинг 46,8% и саноат ва қурилиш ҳиссасига тўғри келди. Таҳлиллар кўрсатишича, 2010 йилда Хитой жаҳон қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг 19,8% ини ишлаб чиқарган.

Хитой XXI асрнинг бошларига келиб қатор товарларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринларга эга бўлди. Хусусан, пўлат эритиш, кўмир олтин, қазиб чиқариш, цемент, кимёвий ўғитлар, телевизорлар ишлаб чиқариш, бошқоқли эканлар, пахта ва мевалар етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринни, электроэнергия, кимёвий тола, пахта маҳсулотлари, гўшт, чой ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Хитой иқтисодиётининг базавий тармоқларини энергетика, транспорт, металлургия, кимё саноати ва оғир саноат ташкил этади. Унинг таянч тармоқлари эса машинасозлик, автомобилсозлик, электроника, тўқимачилик ва озик-овқат саноатидан иборат. Электроника, аэрокосмик саноат, янги технологиялар каби тармоқлар иқтисодий ривожланишда алоҳида аҳамиятга

<sup>13</sup> Михеев В. Китай: новые компоненты стратегии развития. // Мировая экономика и международные отношения, №7, 2004. С. 48.

<sup>14</sup> ХХРнинг статистик йиллик тўплами, турли йилларда

эга. Иқтисодиётдаги таркибий сиёсатдаги ўзгаришлар инвестициялаш соҳасидаги халқ хўжалигининг устувор тармоқларини ажратиб кўрсатишни тақозо этади.

Хитойнинг дунёдаги рақобатбардош маҳсулотлари тўқимачилик ва кийим-кечаклар ҳисобланади. Хитой тўқимачилик саноати бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Шу сабабдан ҳам бу соҳада мамлакат экспортга дунёнинг барча мамлакатлари ва қитъаларига кириб борган.

Замонавий Хитой тўқимачилик саноатининг хусусиятли жиҳати шундаки, бу соҳа хунармандчилик даражасидан йирик миқёсдаги ишлаб чиқаришга қадар ривожланиб борган. Тўқимачилик саноати билан бир қаторда тикувчилик ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Шунингдек, Хитой пойабзаллар ишлаб чиқариш бўйича ҳам дунёда биринчи ўринда туради.

Ҳозирги вақтда машинасозлик ва электроника саноатида ҳам сезиларли ривожланиш кузатилмоқда. Ишлаб чиқаришга хорижий технологиялар босқичма-босқич қўлланиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантириш устувор соҳалар сифатида белгилаб қўйилиши натижасида Хитой электр жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича ҳам дунёда етакчи ўринда турибди. Хусусан, мамлакат телевизорлар ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Хорижий мутахассисларнинг фикрича, Хитой телевизорларининг ўртача хизмат муддати 40 минг соатгача етади. Бу эса жаҳон стандартларидан юқори ҳисобланади.

Хитой телевизорлардан ташқари жаҳон бозорига стерео ва видео кассеталар, компьютерлар етказиб беради. Шу билан бирга Хитой электроника бозорининг баъзи соҳаларида, жумладан, ўтказгичлар ишлаб чиқариш соҳасида орқада қолмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Хитой иқтисодиётининг ўсиш суръатларини пасайтириш билан бирга хитой ҳукумати инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётни рағбатлантириш бўйича пул ва фискал сиёсати билан боғлиқ турли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитига Хитой марказлашган ҳукумат тизими ривожланган демократик мамлакатларга қараганда тезроқ мослаша олади, чунки ривожланган мамлакатларда бир қарорга келиш учун кўп вақт талаб этилади. 2008 йил 29 сентябрда Вакиллар Палатаси (АҚШ Конгрессининг куйи палатаси) молиявий муассасаларнинг зарар кўрган активларни олиш учун умумий фонддан 700 млрд. доллардан фойдаланиш йўли билан иқтисодиётни барқарорлаштириш тўғрисида қонунни рад қилгандан сўнг, дунё молиявий бозорларида инқироз бошланди, аммо Хитойни бу каби вазият издан чиқаришини тасавур қилиш қийин.

Хитой ҳукуматининг инқирозга қарши дастури ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. 2009 йилда Хитой иқтисодий ўсиш суръати 8,7% ни ташкил этди. Шу давр ичида 2,6 млн. янги ишчи ўринлари яратилди, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг даромадлари мос равишда 11,2 ва 6,8% га ошди.

### Хитой ҳукуматининг инқирозга қарши кураш дастурининг харажатлар таркиби<sup>15</sup>

	Жами молиявий маблағ, 2008–2010 йй., млрд. юан
Жами	4000
Уй-жой қурилиши	400
Қишлоқ инфратузилмаси (сув билан таъминлаш, электроэнергия, маҳаллий йўллар)	370
Транспорт (темир йўллар, аэропортлар, автомагистраллар)	1500
Соғлиқни сақлаш ва таълим (мактаблар ва касалхоналар қуриш)	150
Энергетика ва ағроф-муҳит ҳимояси	210
Иновациялар	370
Сичуань провинциясида ер қимирлаши туфайли зарар кўрган ҳудудларни таъмирлаш, 2008 й.	1000

Хитой ҳукумати 2008 йилда молиявий инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун 585 млрд. долл. сарфлади. Мазкур маблағлар Хитой иқтисодиётининг енгил саноат, машинасозлик, кemasозлик, автомобилсозлик, пўлат эритиш, информацион технологияларни ривожлантириш, нефткимё, логистика, рангли металлургия каби тармоқларига йўналтирилди. Хитой АСЕАН давлатлари билан биргаликда инвестиция ҳамкорлиги бўйича 10 млрд. долларга тенг миқдорда Фонд ташкил этишни режалаштирган. Фонд маблағлари Хитой-АСЕАН эркин савдо зонасини ташкил этишнинг биринчи қадам ҳисобланади.

Хитой ҳукуматининг чора-тадбирлари, инқироз оқибатларини камайтириш бўйича чоралар давлат харажатларини кўпайтиришни ўз ичига олади. Хитой ҳукумати томонидан олиб борилаётган инқирозга қарши чоралар хитой иқтисодий сиёсатининг инқироз бошланмасдан эълон қилинган узоқ муддатли мақсадларига мос келади.

### 12.3. Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни


Замонавий Хитой иқтисодиёти учун хос бўлган муҳим хусусият – бу мамлакат иқтисодиётининг ташқи бозорларга боғлиқлигидир. Хитой экспорт ҳажми бўйича дунёда 1 ўринни эгаллайди ва экспорт мамлакат валюта тушумларининг 80% ини беради. Иқтисодиётнинг экспорт тармоқларида 20 миллионга яқин киши ишлайди. Ташқи бозорларга саноат ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 20% и чиқарилади. Мамлакат экспортининг товар таркиби 50 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлардан иборат. Пойабзал,

<sup>15</sup> [http://mirec.ru/index.php?option=com\\_content&task=view&id=101](http://mirec.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=101)



кийим-кечак ва ўйинчоқлар дунё бозорларида энг рақобатбардош маҳсулотлар саналади. Шу билан бир қаторда электроника, велосипед, мотоцикллар, авиатехника, транспорт ва қурилиш машинасозлиги экспорти ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Хитой тўқимачилик саноати дунёда етакчи ўринни эгаллайди.

Хитой ташқи савдо айланмаси жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Хитойда 2000–2010 йилларда ташқи савдо айланмаси 6,3 мартага, яъни 474,3 млрд. доллардан 2 трлн. 973 млрд. долларгача ортди (12.3.1-расм).



12.3.1-расм. Хитой ташқи савдо айланмаси динамикаси, 2000–2010 йй.<sup>16</sup>

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида Хитой ташқи савдосининг кўрсаткичлари биринчи марта 2001 йилга нисбатан пасайди. Молиявий инқирознинг чуқурлашуви ва Хитой товарларига ташқи талабнинг қисқариши мамлакат экспорти ҳажмининг пасайишига олиб келиши мумкин. Мамлакат иқтисодиятининг юқори даражада экспортга йўналтирилганлиги шароитида Хитой жаҳон бозоридagi сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатга бевосита боғланиб боради.

Мамлакат ташқи савдоси сальдосининг ўзгариши кўплаб вақтинчалик ва доимий омиллар орқали изоҳланиши мумкин. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида мамлакат экспортининг қисқариши ва валюта тушумларининг камайишига қарамасдан, Хитой ташқи савдони рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, Хитойнинг экспорт маҳсулотлари халқаро бозорларда юқори рақобатбардошликка эга ва бу маҳсулотларга бўлган талаб муайян вақтга қадар сақланиб қолиши мумкин.

<sup>16</sup> Гельбрас В. Россия и Китай в условиях глобального кризиса. //Мировая экономика и международные отношения, №11, 2011. С. 66.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Хитой ташқи савдосига 2008 йилнинг иккинчи ярмидан салбий таъсир ўткази бошлади. Ташқи талабнинг пасайиши натижасида Хитой ташқи савдоси 2009 йилда 2,2 трлн. долларни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 13,9% га қисқарди. Хитой ҳукумати ташқи савдони рағбатлантириш учун қуйидаги чоратadbирларни ишлаб чиқди: биринчидан, ташқи савдо ташкилотлари олдига янги бозорларни излаш ва ўзлаштириш вазифаси қўйилди, иккинчидан, экспорт божларининг ҳажми қайта кўриб чиқилди, учинчидан, 2008 йилнинг декабрида 3770 мингга экспорт товарлари бўйича ҚҚСни қайтариш ставкалари пасайтирилди. Бу маҳсулотлар Хитой экспорти ҳажмининг 28% ини ташкил этади<sup>17</sup>.

Хитой ҳукумати томонидан ташқи савдони инқироздан кейинги даврда ривожлантириш мақсадида “йўл харитаси” эълон қилинди. Ушбу маърузага мувофиқ 2020 йилга бориб мамлакат ташқи савдо айланмаси 5,3 трлн. долларга, жумладан, товарлар савдоси 4,3 трлн. долларга, хизматлар савдоси эса 1 трлн. долларга ўсиши башорат қилинмоқда<sup>18</sup>.

Фикримизча, Хитой экспортининг пасайиши суръатлари вақтинчалик ҳолат ҳисобланади. Чунки, бир томондан, хитой экспорти паст таннархи туфайли рақобатбардош ҳисобланса, иккинчи томондан, Хитой аксарият маҳсулотлар бўйича жаҳон бозорида монопол мавқега эга. Мисол учун, 2008 йилда 10 млрд. жуфт пойабзал (жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг ½ қисми), жаҳон ўйинчоқлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 75% и, жаҳон гуруч етиштириш ҳажмининг 35% и, энергия тежовчи лампаларининг 85% идан фойдаланган, чўчка гўштининг 50% и, ўрдак ва ғоз гўшларининг 75% и, ўғитларнинг 30% и, станокларнинг 50% и, мусиқа асбобларининг 81% и, янги йил совғаларининг 70% и, рангли телевизорларнинг 98% и Хитойда ишлаб чиқарилган<sup>19</sup>.

Замонавийлашиб бораётган Хитой экспортининг товар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлган. Таҳлиллар кўрсатишича, 1980 йилларнинг биринчи ярмида экспортда бирламчи маҳсулотлар (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, нефть, минераллар) устун турган бўлса, бу товарларни сотиш учун жаҳон бозорида алоҳида маркетинг хизмати керак бўлмаган. 1980 йиллар ўртасидан бошлаб Хитой экспортда бу гуруҳ товарлар улуши пасайиб, тайёр маҳсулотлар улуши ортди. Мисол учун, 2010 йилда тайёр саноат маҳсулотининг солиштирма улуши хитой экспортда 93,6% ни ташкил этди (12.3.1-жадвал).

Машина-техника маҳсулотлари, пластмасса, тиббиёт ва оптика асбоб-ускунаси, темир ва пўлат – Хитой экспортининг асосий товар маҳсулотлари ҳисобланади. Импортда эса машиналар, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, фан сифимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар, нефть ва бошқа бирламчи маҳсулотлар етакчи ўрин эгаллайди. Хусусан, 2010 йилда Хитой импортининг 34,5% и бирламчи маҳсулотлардан иборат бўлган.

<sup>17</sup> [www.economist.com](http://www.economist.com)

<sup>18</sup> <http://russian.people.com.cn/31518/6955908.html>

<sup>19</sup> [www.economist.com](http://www.economist.com)

**Хитой экспорти товар таркибининг ўзгариши, (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>20</sup>**

	1985 й.	1991 й.	1995 й.	2005 й.	2010 й.
Бирламчи қайта ишлаш маҳсулотлари, ёқилғи ва хомашё	50,6	22,5	14,4	6,0	6,4
Саноат маҳсулотлари	49,4	77,5	85,6	94,0	93,6

Хитой экспорт маҳсулотларнинг сифатига келадиган бўлсак, Шимолий Америка, Европа Иттифоқи ва Японияга экспорт қилинаётган маҳсулотлар юқори сифат стандартларига эга. Бу маҳсулотлар асосан Хитойнинг денгиз бўйи провинцияларида жойлашган эркин иқтисодий ҳудудларида ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга Хитойнинг ички ва шимолий ҳудудларида жойлашган корхоналар эски, меҳнат унумдорлиги паст технологиялар билан жиҳозланганлиги туфайли, бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўпинча дунёнинг машҳур фирмалари маҳсулотларига ўхшаш қилиб (копирайт) ишлаб чиқарилади ва арзонлиги туфайли паст даромадли аҳоли ўртасида юқори талабга эга бўлади (масалан, МДХ мамлакатлари).

Хитой дунёнинг 182 та мамлақати билан савдо-иқтисодий алоқалар олиб боради. 80 та мамлакат билан ҳукуматлараро савдо шартномалари имзоланган. Хитойнинг асосий савдо ҳамкорлари Япония, АҚШ, ЕИ мамлакатлари ҳисобланади. Мисол учун, 2010 йилда Хитой товарлар экспортининг 45,4% и бу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келди (12.3.2-жадвал).

**Хитойнинг асосий савдо ҳамкорлари, 2010 й.  
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>21</sup>**

Экспорт	Улуғи	Импорт	Улуғи
ЕИ	19,7	Япония	12,6
АҚШ	18,0	ЕИ	12,0
Гонконг	13,8	Корея Республикаси	9,9
Япония	7,7	Тайвань	8,3
Корея Республикаси	4,4	Гонконг	7,6
Бошқа мамлакатлар	36,4	Бошқа мамлакатлар	49,6

Хитой 15 йиллик музокаралардан сўнг 2001 йилнинг 11 декабрида ЖСТга аъзо бўлди. Хитой иқтисодиётининг очиклиги қатор ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига қисқа муддатли истикболда салбий таъсир этиши, узок муддатли истикболда эса, бу ҳолат нафақат Хитой, балки унинг ташқи савдо ҳамкорлари учун ижобий оқибатларга олиб келади.

<sup>20</sup> [http://www.chinawindow.ru/?ru/news/kitaj\\_i\\_wto](http://www.chinawindow.ru/?ru/news/kitaj_i_wto)

<sup>21</sup> [www.economist.com](http://www.economist.com)

Хитой учун ЖСТга аъзо бўлишдаги рағбатлантирувчи омиллар иқтисодий ислохотларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ички тўсиқлар ва мамлакат иқтисодий ривожланиш суръатларини барқарор ушлаб туришни таъминловчи савдо манфаатларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ. Шунга қарамасдан баъзи ривожланаётган мамлакатлар Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши уларнинг дунё бозоридаги экспорт имкониятларининг қисқариши, хорижий инвестициялар оқимининг пасайишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Хитой ва ГАТТ/ЖСТ ўртасидаги келишув жараёнларини қуйидаги уч босқичга ажратиб мумкин: 1) 1986–1989 йиллар; 2) 1990–1995 йиллар; 3) 1995–2001 йиллар.

Хитой 1994 йилгача ГАТТга кириш мақсадида олдида қўйилган қуйидаги шартларнинг барчасини бажарди: ташқи савдони директив режалаштиришни камайтириш, лицензияга эга ва квоталанган товарлар сонини қисқарттириш, тўғри экспорт субсидияларини бекор қилиш, ягона солиқ тизими, миллий валюта сузиб юривчи бошқарув курсини жорий қилиш ва бошқалар.

1995 йилдан кейин Хитойнинг ЖСТ билан музокаралари, биринчидан, АҚШ ва Хитой ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашуви, иккинчидан, 1995 йилда ГАТТнинг ЖСТга алмаштирилиши оқибатида мураккаблашиб борди.

Келишувларнинг охириги босқичида Хитой олдида қуйидаги асосий масалалар қўйилди: экспорт-импорт режаларни ҳисобга олган ҳолда директив режалаштириш тизимини бекор қилиш; нарх белгилашни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш (бу саволларни ўрганиш демпингга қарши тадқиқотлар жараёнлари билан боғлиқ); ташқи савдо режими, лицензиялаш ва квоталаш тизими, давлат харидлари бозорининг очиклиги; экспортни субсидиялашни йўқ қилиш, давлат корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш ва кишлок хўжалигини протекционистик ҳимоя қилишдан воз кечиш.

ЖСТга киришда Хитой кўпчилик ҳолларда ривожланаётган мамлакат мақомини олиш ва ўзи учун қуйидаги ваколатларни таъминлашга муваффақ бўлди:

– ташқи савдони босқичма-босқич эркинлаштириш, импорт божларини камайтириш, ЖСТ қоидаларига мувофиқ келувчи миллий қонунчиликни шакллантириш учун ўртача 3–5 йилга тенг ўтиш даври ҳуқуқига эга бўлиш;

– ривожланаётган мамлакат сифатида кишлок хўжалигини маҳсулотлар нархининг 8,5% миқдорида субсидиялаш;<sup>22</sup>

– экспортга йўналтирилмаган ички ишлаб чиқаришни субсидиялаш ҳуқуқи (ЖСТ билан келишувга мувофиқ);

– маҳсулотларнинг асосий турларига давлат томонидан нарх ўрнатиш ва тартибга солиш ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда давлат савдо тизимини сақлаш ҳуқуқи;

<sup>22</sup> Потапов М. Вступление КНР в ВТО: условия присоединения и последствия для китайской экономики // Внешнеэкономическая модель развития стран Восточной Азии. -М.: Международные отношения, 2004. С. 88.

– хориж капитали учун хизматлар соҳасини очишда чекловларни сақлаш ҳуқуқи.

ЖСТ олдида Хитой томонидан қабул қилинган умумий мажбуриятлар қуйидагилардан иборат:

– бозор иқтисодиёти мамлакатлари халқаро қоидаларига мувофиқ келувчи миллий қонунчиликни тартибга солиш;

– экспорт ва ички бозорга мўлжалланган товарлар савдоси режимидаги фарқларни бартараф қилиш;

– иқтисодий сиёсатнинг очиқлигини таъминлаш;

– ҳамма компанияларга уч йил давомида мустақил ташқи савдо фаолияти олиб бориш ҳуқуқини бериш;

– ўтиш даврида ташқи савдони тартибга солиш нотариф чораларидан воз кечиш;

– қишлоқ хўжалиги экспортёрларини ҳисобга олган ҳолда экспортга субсидияларни беришни йўқ қилиш.

Хитойда муҳим стратегик товарларни сотиш ва сотиб олиш, бирламчи товар ва хизматларга нарх белгилашда давлат монополияси сақланиб қолди. Шубҳасиз, давлат қўлида ташқи иқтисодий сиёсатнинг амалий дастакларини сақлаб қолиши савдо шерикларига босим ишлатиш ҳамда ички бозор ҳимояси ва хитой экспортёрларининг ҳуқуқлари бузилганда унга жавобан чораларни қўллашни енгиллаштириб беради.

Хитойнинг ЖСТ олдидаги мажбуриятларини бир неча йўналишлар бўйича кўриб чиқиш мумкин. Жумладан, Хитой қишлоқ хўжалик соҳасида тарифларни оширмаслик ва уларнинг ўртача даражасини 31,5% дан 17,4% гача тушириш мажбуриятини олган. Хитой яқин йиллар ичида экспорт субсидияларини бекор қилиб, импортнинг кўплаб моддалари бўйича тариф квоталарини оширади. Тариф ставкалари квоталар доирасида минимал даражада (1–3%), квоталардан ташқарида стратегик маҳсулотлар (асосан донли маҳсулотлар) бўйича 80% дан 65% гача пасайтирилади.

Саноат маҳсулотлари бўйича эса Хитой миқдорий чекловларни босқичма-босқич бекор қилиш, уларнинг тариф ставкаларини 2005 йилдан 24,6% дан 9,4% гача пасайтириш ва инфорацион технологиялар тўғрисидаги келишувни ратификация қилиш мажбуриятини олган. Информацион технологиялар тўғрисидаги келишувнинг ратификация қилиниши телекоммуникацион асбоб-ускуналар, ярим ўтказкичлар, компьютер ва компьютер асбоб-ускуналари ҳамда инфорацион технологиялар тармоғининг бошқа маҳсулотлари бўйича барча тарифларнинг бекор қилинишига олиб келади.

Мажбуриятлар борасидаги энг истиқболли соҳа рақобат учун ёпиқ ҳисобланган хизматлар соҳасидир. Лицензиялаш, капиталда қатнашиш, географик жойлашув бизнесни ташкил этиш ва ташқи иқтисодий алоқалар билан операцияларни амалга ошириш қабиларга қўйилган тўсиқлар босқичма-босқич бекор қилинади ёки нисбатан юмшатилади. Хитой телекоммуникация,

молия хизматлари, тақсимот ва шунга ўхшаш тармоқларни хорижий хизмат кўрсатувчилар учун очишни ваъда бермоқда.

Хитой ўз бозорларини очиш билан бирга савдо ва инвестиция режимини эркинлаштириш мажбуриятини ҳам олмақда. Хитой мамлакат миқёсида ягона савдо сиёсатини юритиш ва фақат эълон қилиб бўлинган қонулар, меъёрий чора-тадбирлар бўйича санкцияларни таъминлашни, барча тақиқланган субсидияларни (давлат корхоналарига ажратиладиган субсидиялар билан биргаликда) бекор қилиш, ташқи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини эркинлаштириш ва давлат савдо компанияларига ҳам ўз операцияларини тижорат асосида амалга ошириш каби мажбуриятларни олган.

Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши билан боғлиқ ҳолда АҚШ Хитойга доимий энг қулайлик туғдириш режимини жорий этди. Бунга қадар Хитойга нисбатан қўлланиладиган энг қулайлик туғдириш режими мақомининг муддати ҳар йили АҚШ Конгресси томонидан узайтириб турилган. Хитойнинг баъзи савдо ҳамкорлари қатор товарлар бўйича миқдорий чекловларни бекор қилишларига тўғри келади. Тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотлари бўйича квоталар тўқимачилик ҳамда кийим-кечак бўйича келишувга мувофиқ босқичма-босқич бекор қилинади. Хитой ЖСТ доирасида савдо келишмовчиликларини бартараф этиш, савдо қоидалари ва савдони эркинлаштириш тўғрисидаги қўптомонлама келишувларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хитой учун бозорларга кириб боришдаги қийинчиликлар куйидаги учта дискриминацион ҳолатлар билан боғлиқдир:

Биринчидан, 12 йил давомида аниқ турдаги товарлар бўйича қўлланиладиган вақтинчалик ҳимоя механизми доирасида Хитойнинг савдо ҳамкорлари бу мамлакатдан кириб келаётган импортга нисбатан “бозорлар фаолиятини ишдан чиқариш ёки ишдан чиқаришга хавф туғдириши” мумкин деган сабабга кўра чекловлар жорий этишлари мумкин. ЖСТнинг одатдаги стандарт қоидалари бўйича импортга нисбатан чекловлар фақат “жиддий зиён етказиш ёки етказиш хавфи” туғлсагина қўлланилиши лозим. Бундан ташқари, биронта мамлакат ҳимоя механизмини қўлласа, қолган мамлакатлар ҳам зиён етказиш хавфини исботламасдан бу механизмни қўллаши мумкин.

Иккинчидан, 2005 йилнинг 1 январидан Хитойдан импорт қилинаётган тўқимачилик ва кийим-кечакларга нисбатан барча квоталар бекор қилиниши лозим бўлсада, махсус ҳимоя механизми 2008 йилнинг охирига қадар амал қилди. Мазкур механизм импортер мамлакатларга Хитойдан кириб келаётган импортни бу импорт ички бозорга зиён етказиш хавфини туғдирган ҳолларда чеклаш имконини берди.

Учинчидан, Хитой экспортлари демпинг баҳоларидан фойдаланганликда айбланишлари мумкин. Импортер мамлакатлар ўхшаш товарлар бўйича учинчи мамлакатлар баҳоларидан хитой фирмалари демпинг баҳоларини қўллаган ёки қўлланмаганликларини аниқлаш мақсадида фойдаланишлари мумкин.

Хитой юқорида қайд этиб ўтилган ютуқларга эришиши учун иқтисодиётда кўшимча таркибий ўзгаришларни амалга ошириши лозим. Тадқиқотлар кўрсатишича, хитойнинг меҳнат сигимкорлиги юқори тармоқларида (тўқимачилик ва кийим-кечак саноати) ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боради, юқори протекционистик тўсиқлар билан ҳимоя қилинадиган тармоқларда (автомобиль ва нефть-кимё саноати) эса қисқариб боради. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ер сигимкорлиги юқори донли экинлар ҳисобига қисқариши кутилмоқда. Молиявий хизматлар кўрсатувчи самарасиз давлат сектори ички бозорга хорижий фирмаларнинг кириб келиши муносабати билан кучли рақобатга учрайди.

Иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши оқибатида иқтисодиёт миқёсида рақобат кучаяди, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари жадаллашади.

### 12.3.3-жадвал

#### Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши билан боғлиқ иқтисодий самаралар<sup>23</sup>

Тадқиқот	Хитой учун кутилаётган иқтисодий самара	Глобал самара
Уолмсли ва Хертель (2000 й.) <sup>1</sup>	Фаровонликнинг ортиши: 23,7–25,6 млрд. долл. ЯИМнинг кўшимча ўсиши: 8,7–10,8%	Фаровонликнинг ортиши: 35,7–38,2 млрд. долл.
Ван (1997 й.) <sup>2</sup>	Фаровонликнинг ортиши: 12,4–30,3 млрд. долл.	Фаровонликнинг ортиши: 25,3–56,7 млрд. долл.
Чжай ва Ли (2002 й.)	Фаровонликнинг ортиши: ЯИМнинг 1,2% и миқдорда ЯИМнинг кўшимча ўсиши: 1,5%	
Уолмсли ва б. (2001 й.) <sup>2,3</sup>	Фаровонликнинг ортиши: 3,9–10,5 млрд. долл.	Фаровонликнинг ортиши: 20,5–25,7 млрд. долл.
Янчюэивна ва Мартин (2001 й.)	Фаровонликнинг ортиши: 28,6 млрд. долл. ЯИМнинг кўшимча ўсиши: 2,2%	Фаровонликнинг ортиши: 56,1 млрд. долл. ЯИМнинг кўшимча ўсиши: 0,2%

<sup>1</sup>Натижалар товарлар савдосини эркинлаштиришининг ўрта ёки узоқ муддатли самараларига тегишли.

<sup>2</sup>Тайваннинг ЖСТга аъзо бўлишilik самарасини ҳам ўз ичига олади.

<sup>3</sup>Қўйи кўрсаткичлар божлардан озод қилиниши ва божларни қайтаришни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган.

Кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар Хитойнинг ЖСТга аъзо эканлигидан манфаатдор бўлишлари мумкинлигини кўрсатмоқда. Қатор саноат жиҳатдан тараққий этган

<sup>23</sup> Эндрю Берг и Эйн Критер. Что будет означать вступление в члены ВТО для Китая и его торговых партнеров? //Финансы и развитие, №3, выпуск 39, 2002. С. 10.

мамлакатлар, жумладан, АҚШ ва Австралия Хитойнинг қишлоқ хўжалик бозорларига кириш имкониятига эга бўлишади. Мазкур мамлакатларнинг капитал ва технологик сизимкорлиги юқори товарларининг Хитой қайта ишлаш саноатида экспортга ҳам ортиб боради.

Хитой ва жаҳон иқтисодийи учун ЖСТга аъзо бўлиш оқибатлари қандай бўлди? ЖСТга аъзо бўлганидан кейинги йиллар давомида иқтисодий ўсишнинг жадал суръатлари (йилига 8–10%) натижасида Хитой ЯИМ миқдоси бўйича (жорий валюта курси ҳисобида) Буюк Британия, Германия ва Японияни ортда қолдириб дунёда 4-ўринга чиқди. 2001 йилда мамлакат ташқи савдо айланмаси ЖСТга аъзоликни қўлга киритган вақтда 509,6 млрд долларни<sup>24</sup> ташкил қилгани ҳолда, бу кўрсаткич 2010 йилда 2 трлн. 973 млрд. долларга тенг бўлди ва 2009 йилга нисбатан 34,7% га ўсди.<sup>25</sup> ЖСТ маълумотларига кўра 2010 йил Хитойнинг жаҳон савдосидаги улуши тахминан 10,4% ни ташкил этди ва ташқи савдо айланмаси миқдори бўйича АҚШдан кейинги иккинчи мамлакатга айланди.

ЖСТга кириш оқибатида Хитой экспортининг энг рақобатбардош товарлари – тўқимачилик, кийим-кечак, ўйинчоқлар, электроника, керамика ва пластмасса буюмлари, кимё ва фармацевтика саноати маҳсулотларининг жаҳон бозорига кириб боришига кенг йўл очиб берилди. Бундан ташқари, ЖСТга аъзолик Хитой меҳнат ресурслари экспортини янада рағбатлантирди.

Хитойнинг жаҳон хўжалигидаги улушининг ортиб боришига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири – мамлакат иқтисодийига жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳисобланади. Жалб этилаётган хорижий капиталнинг асосий қисми хорижда яшовчи Хитой диаспорасига тегишли “хуацяо” капиталидир. Сингапур, Гонконг ва Тайвандан Хитойга йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жами инвестицияларнинг ярмини ташкил этади.

Хитой иқтисодийи хорижий инвестицияларни жалб этишда махсус иқтисодий ҳудудлар алоҳида ўринга эга. Мамлакатда ЭИЗни ташкил этиш ташаббуси 1979 йилда ХКП МК томонидан илгари сурилган ва дунё мамлакатлари билан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга асосланган очиқ ташқи иқтисодий сиёсат олиб бориш кўзда тутилган. Иқтисодий очиллик денгиз соҳили, мамлакатнинг ички қитъа ва чегарага туташ районлари, Янзи дарёси ҳавзаси орқали амалга оширилди. Хорижий инвестициялар асосан махсус ташкил этилган комплекс иқтисодий ҳудудлар орқали кириб келади.

Хитой эркин иқтисодий зоналарини яратишда катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар талаб этилган ва бу қўйилмалар босқичма-босқич амалга оширилган. Узоқ йиллар мобайнида жами хорижий инвестицияларнинг 70% дан ортик қисми бу ҳудудларга йўналтирилган. Мисол учун, 2007 йилга келиб ЭИЗнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 59,5% ни ташкил этди (12.3.4-жадвал).

<sup>24</sup> <http://www.china.org.cn/russian/31516.htm>

<sup>25</sup> [http://www.russian.xinhuanet.com/russian/2009-01/15/content\\_800925.htm](http://www.russian.xinhuanet.com/russian/2009-01/15/content_800925.htm)



Экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларининг ЯИМдаги улуши, %<sup>26</sup>

Ҳудудлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Чжуцзян дарёси дельтаси (Гуандун)	11,7	11,8	12,2	12,3	12,5
Фуцзянь	3,7	3,6	3,6	3,6	3,7
Чанцзян дарёси дельтаси (Шанхай, Цзянсу, Чжэцзян)	21,2	21,7	22,3	22,5	22,7
Бохай қўлтиги зонаси (Пекин, Тяньдинь, Ляонин)	10,0	9,9	10,0	10,1	10,2
Шаньдун	8,9	9,4	10,1	10,4	10,4
Бешта ҳудуд бўйича жами	55,5	56,4	58,2	58,9	59,5

Экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларида корхоналарнинг тармоқ таркиби таҳлили кўрсатишича, 2007 йилда ушбу ҳудудлардаги корхоналарнинг мамлакатдаги жами корхоналар сонидagi улуши саноатда 62,5% ни ташкил этган (12.3.5-жадвал).

Хитой экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларида корхоналарнинг тармоқ таркиби, 2007 й. (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>27</sup>

Ҳудудлар	Қишлоқ хўжалиги	Саноат ва қурилиш	Хизматлар соҳаси
Чжуцзян дарёси дельтаси (Гуандун)	0,7	35,5	63,8
Фуцзянь	1,8	34,6	63,6
Чанцзян дарёси дельтаси (Шанхай, Цзянсу, Чжэцзян)	0,8	42,8	56,4
Бохай қўлтиги зонаси (Пекин, Тяньдинь, Ляонин)	1,1	25,0	73,9
Шаньдун	1,0	37,1	61,9
Маълумот учун:			
Экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларининг мамлакат корхоналари умумий сонидagi улуши, % да	38,6	62,5	37,1

Хорижий инвестицияли корхоналар, индивидуал ва хусусий корхоналар иқтисодиётнинг бошқа секторини ташкил этади, мулкчиликнинг давлат шаклига эса давлат ва жамоавий корхоналар киради. 2008 йил маълумотларига кўра, Хитойда 28,2 млн индивидуал саноат-савдо хўжаликлари<sup>28</sup> ва 6,6 млн. хусусий фирмалар<sup>29</sup> мавжуд. Бу мулкчилик шакли корхоналарининг охириги

<sup>26</sup> Гельбрас В. Тридцатилетие эпохи «Реформ и открытости» в Китае. //Мировая экономика и международные отношения, №6, 2007. С. 79.

<sup>27</sup> Ўша манба.

<sup>28</sup> <http://russian.sme.gov.cn/tuanjing/gaikuang/20081105/033829.html>

<sup>29</sup> [http://russian.china.org.cn/business/txt/2009-05/12/content\\_17765725.htm](http://russian.china.org.cn/business/txt/2009-05/12/content_17765725.htm)

йилларда тез суръатда ўсиши, биринчи навбатда, давлат сектори улущининг қисқариши ҳисобига рўй берган ва 1999–2004 йилларда хусусий тадбиркорликнинг тўла легаллашуви орқали таъминланди.

Ривожланаётган мамлакатлар ичида ТТХИ учун қулай инвестиция муҳитини яратган мамлакат Хитой ҳисобланади. Масалан, 2005 йилда мамлакат ҳиссасига жами жаҳон ТТХИнинг 8% и (72,4 млрд. долл.), 2006 йилда 5% и (69,5 млрд. долл), 2008 йилда эса 10,1% и тўғри келган. Хитой иқтисодиётига ТТХИ XX асрнинг 80-йилларидан юқори суръатларда кириб кела бошлаган. 1980 йилда Хитой иқтисодиётида жамғарилган ТТХИ 1 млрд. долларни, 10 йилдан кейин 21 млрд. долларни, яна 10 йилдан кейин эса 193 млрд. долларни ташкил этган. Охириги йилларда бу кўрсаткич 1,5 мартага ортган ва ҳозирда 293 млрд. долларга тенг деб, баҳоланмоқда<sup>30</sup>.

#### 12.4. Хитой иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари

Хитой иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга тузатишлар киритилди. Бу ўзгаришлар Хитой ЯИМнинг ўсиш суръати экспортга эмас, балки ички омишларга боғлиқ бўла бошлаган даврдан (2005) бошланди. Мамлакатда ўрта синф вакилларининг жадал суръатларда кўпайиши (йилига 10–15 млн. киши) ва урбанизация жараёнининг чуқурлашуви (20–30 млн.) ички истеъмолнинг юқори суръатларда ўсишига туртки бўлмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, янги хитой истеъмолчилар авлодининг аксарият қисми 2000 йилларда ҳаётларида биринчи марта музлатгич, телевизор, компьютер, уяли алоқа автомобиль, уй-жой, мамлакат ва хориж бўйлаб саёҳат қилиш каби товарлар ва хизматларга эга бўлиш имкониятига эришдилар.

Инвестицион талабнинг ўсиши давлат томонидан мамлакат бўйлаб замонавий ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфртузилмаларини яратишга қаратилган фаол сиёсат олиб боришини рағбатлантирди. Айнан ички истеъмол Хитойнинг 2008–2009 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан катта йўқотишларсиз чиқиб кетишига имкон яратди.

Янги Хитой иқтисодий ривожланиш моделининг яна бир таркибий элементи иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичларига (инновациялар, ҳаёт сифати, атроф-муҳит муҳофазаси) эришиш ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг XII беш йиллик режаси (2011–2015) иқтисодий ривожланиш мақсадларига жиддий ўзгартиришлар киритиши кутилмоқда.

Биринчидан, бу даврда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини қўллаб-қувватлаш эмас, балки барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш вазифаси қўйилган. ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатларини 8% (XI беш йилликда – 11,2%) атрофида таъминлаш режалаштирилган.

<sup>30</sup> Швандлар К.В. Прямые иностранные инвестиции в странах BRIC. //Банковское дело, №2, 2008. С.46,47.


Иккинчидан, аҳолининг иқтисодий-ижтимоий турмуш даражасини оширишга эришил. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш динамикасини иқтисодий ўсиш суръатлари билан тенглаштириш, иш ҳақини меҳнат унумдорлигини яхшилаш эвазига ошириш кўда тўтилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жой бошига тўғри келадиган ўртача даромадларини йилига 8% га ошириш режалаштирилган.

Хитойда ишсизлик даражасини пасайтириш учун XII беш йилликда хусусий тадбиркорлик, ишчиларни касбий жиҳатдан қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш, олий таълим мактаби битирувчилари ва қишлоқ жойлардан келаётган ишчиларни ишга жойлаштириш давлат дастурларини амалга оширишни рағбатлантириш режалаштирилган. Мисол учун, 2009 йилда армияда хизмат қилиш 130 мингга битирувчи ишга қабул қилинган. Умуман, XII беш йилликда шаҳар аҳолиси учун 45 млн., қишлоқ аҳолиси учун эса 40 млн. ишчи ўрни яратиб кўзда тутилган бўлиб, 2011–2015 йилларда ишсизлик даражасини 5% атрофида сақлаб туриш режалаштирилган.

Инфляцияга қарши кураш тадбирлари аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ўрта синфни янада кенгайтириш билан боғлиқ. 2008–2011 йилларда Хитой ҳукумати нархларнинг ўсиш суръатларини ўртача 4-5% атрофида сақлаб қолишга эришди (12.4.1-диаграмма).

12.4.1-диаграмма

Хитойда истеъмол товарлари нархининг ўзгариши,  
ўтган йилга нисбатан % да<sup>31</sup>



Шунга қарамасдан мамлакатда қуйидаги сабабларга кўра инфляция даражасининг ўсиб кетиш хавфи сақланиб қолмоқда:

- товарлар жаҳон нархининг ўсиши;
- мамлакат ичида пул массасининг юқорилиги;
- энергия ресурслари, хомашё, ер, ишчи кучи ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари таннархининг ортиши;

<sup>31</sup> Михеев В., Лукояна Н., Сафронова Е. Дальше – без заветов. //Мировая экономика и международные отношения, №12, 2011. С. 72.

– иш ҳақи, аҳолига ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш харажатларининг кўпайиши.

Хитой иқтисодиётининг технологик таркибини ўзгартириш. Мамлакатда инновацион курс миллий инновация стратегияси сифатида талкин этилмоқда. 2020 йилга бориб Хитой инновацион давлатга, 2050 йилда эса фан ва техника соҳасида жаҳондаги етакчи мамлакатга айланиши зарур. Хитойда давлат томонидан максимал даражада қўллаб-қувватланиши лозим бўлган юқори технологик тармоқлар белгилаб олинган:

- уяли алоқа;
- рақамли телевидение;
- кенг миқёсли Интернетга кириш;
- янги авлод дисплейлари;
- биофармацевтика;
- янги материаллар;
- энергиянинг янги манбалари;
- ахборотлаштириш.

XII беш йилликда Хитой иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар таркибини оптималлаштириш режалаштирилган. Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестициялар таркиби минтақавий солиқ ва рухсат бериш тизимини қўллаш орқали ўзгартирилади. Юқори технологик тармоқларга (фан сиғимкорлиги юқори ишлаб чиқариш, замонавий ноишлаб чиқариш хизматлари, янги энергетика, экология) йўналтириладиган инвестициялар имтиёزلарга эга бўлади. Энергия сиғимкорлиги юқори ва атроф-муҳитни ифлослантирувчи ишлаб чиқаришга инвестициялар сарфлаш қатъий чекланади.

Хорижий инвестициялар оқимининг аксарият қисми Ғарбий ва Марказий Хитой минтақаларига йўналтирилади. Бунда хорижий инвесторлар учун жой тайёрлаш мақсадида минтақавий солиқ имтиёзлари ва инфратузилмани ривожлантиришга давлат инвестицияларидан фойдаланилади.

Хитойда ижтимоий соҳада беқарорлик ортиб бормоқда. Ижтимоий муаммолардан бири камбағалларга ёрдам бериш сиёсатининг жамиятда чуқур табақалашув ортиб бораётган вақтда амалга оширилишидир. Хитойда юз минглаб миллионерлар, ўнлаб миллиардерлар жамиятда янги ҳаёт тарзини шакллантирмоқда. Ҳозирги вақтда Хитойда шаклланган ўрта синф юқори сифатли товарлар ва хизматларни талаб қилмоқда.

Хитой иқтисодиёти кенг миқёсда сифатли товарлар ва хизматлар таклифини таъминлаб бера олмади. Аксарият истеъмолчилар сифат, дизайн сабабли Ғарб брендларини маъқул кўришмоқда ва ушбу товарлар учун Хитойда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан кўпроқ пул тўлашга тайёрдирлар. Натигада хитойликлар томонидан хорижий люкс товарларга, хусусан, обрўли кийим-кечакларга сарфланаётган харажатлар ортиб бормоқда. 2020 йилга бориб Хитойнинг жаҳонда модага айланган кийим-кечаклар сотиб олиш бўйича иккинчи йирик бозорга айланиши башорат қилинмоқда. Бу

бозорнинг ҳажми 60 млрд. доллардан 200 млрд. долларгача ортади. Ҳозирда хитой истеъмолчилари ўз даромадларининг 40% ини модага айланган кийим-кечақлар ва аксессуарлар сотиб олишга сарфламоқда.

Хитой жаҳонда миллионерлар учун юқори классдаги товарлар сотиш ҳажми бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Мисол учун 2011 йил январдан апрелгача сотилган Bentley автомобилининг ҳар тўртинчиси Хитойда сотилган. Умуман, Хитойда Bentley автомобилларини сотиш ҳажми 66% га ўсган. Бундан ташқари, Хитой бизнес-класс самолётларини сотиш ҳажми бўйича ҳам дунёда иккинчи мамлакатга айланиши мумкин. Жумладан, 2010 йилда Хитой ҳиссасига Boeing самолётларини сотишнинг 30% и ва Airbus самолётларини сотиш ҳажмининг 25% и тўғри келди<sup>32</sup>.

Хитойда ўрта синфнинг ўсиб бораётган истеъмолини қондиришнинг яна бир мисоли 2015 йилга бориб “бир оила – бир фарзанд” сиёсатининг бекор қилинишидир. Ҳозирда иккинчи фарзанд биринчиси туғилгандан тўрт йилдан кейин ва онасининг ёши 28 ёшгача бўлсагина жарима белгиланади.

Мамлакатда демографик сиёсатнинг ўзгаришига иқтисодий сабаблар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Биринчидан, Хитой аҳолиси секин-аста қариб бормоқда, жумладан, 2000 йилда 65 ва ундан юқори ёшдагилар жами аҳолининг 7% ини ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич 2009 йилда 8,5% га тенг бўлди. 0 дан 14 ёшгача бўлганлар улуши эса 2000-2009 йилларда 22% дан 18,5% га қадар қисқарди. 2020 йилга бориб 65 ва ундан юқори ёшдагилар сони 250 млн. кишигача, 2050 йилда эса 440 млн. кишигача кўпайиши кутилмоқда. Бунда битта пенсия ёшидаги кишига 1,7 та ишловчи тўғри келади<sup>33</sup>. Иккинчидан, Хитойда туғилиш даражаси пасайиб бориш тенденциясига эга. Бу ўз навбатида ишчи кучи қийматининг ошишига олиб келади.

Аҳолининг қариб бориши ва ўсиш суръатларининг пасайиши Хитойда арзон ишчи кучининг етишмаслигига сабаб бўлади. Хитойнинг 17 та вилоятидаги 3 мингта қишлоқларида олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, 74% қишлоқларда биронта ишчи қолмаган. Жанубий ва Шарқий Хитойда 90% дан ортиқ корхоналарда 10% дан 30% гача ишчи кучи етишмайди.

Хитой жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан жаҳон иқтисодиёти ва молиясидаги ўз позицияларини мустаҳкамлаш йўлида самарали фойдаланди. 2011 йил июль ҳолатига кўра Хитой олтин-валюта захиралари ҳажми (3,2 трлн. долл.) бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллади. ХВФни ислоҳ этишнинг тадбирлари (2013-2014) тасдиқлангандан сўнг Хитой унинг учинчи йирик аъзосига айланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошида (2008) Хитой Қозғоғистон, Монголия, Янги Зеландия, Ўзбекистон, Сингапур, Исландия, Аргентина, Индонезия, Беларуссия, Малайзия, Гонконг ва Жанубий Корея билан СВОП келишувлар имзолади. Хитойда 15 та 93,8 млрд. доллар ҳажмида

---

<sup>32</sup> Уша манба. С. 73.

<sup>33</sup> Уша манба. С. 75.

15 та СВОП келишувлар мавжуд. Бошқа мамлакатлар билан юанда тўловларни амалга ошириш ҳажми 56 млрд. долларгача ўсди<sup>34</sup>.

Хитой компанияларининг хорижий инвестициялари ҳажми 2010 йилда 59 млрд. долларни ташкил этди. Молиявий ресурслар 129 та мамлакатда жойлашган 3125 та хорижий компанияларга сарфланган. Хитой хорижий капитал қўйилмаларини амалга оширишда бирлашиш ва қўшиб олишлар улуши кескин ошди. Мисол учун, 2010 йилда бу турдаги инвестициялаш ҳажми 23 млрд. долларни ёки хорижий инвестициялар ҳажмининг 40% ини ташкил қилди.

Хитойда янги XII беш йилликнинг асосий гоёси иқтисодий ўсиш суръатини ҳар қандай йўл билан таъминлаш эмас, балки иқтисодий ўсиш суръати, инфляция ва бандлик ўртасидаги балансни қўллаб-қувватлашдан иборат.

### 12.5. Ўзбекистон ва Хитой иқтисодий алоқаларининг устувор йўналишлари

Хитойда амалга оширилаётган муваффақиятли иқтисодий ислохотлар, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва доимий равишда ортиб бораётган иқтисодий салоҳият Ўзбекистон ҳамда Хитой ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имкониятларини яратмоқда. Хитойни Ўзбекистоннинг энг муҳим ва истиқболли ҳамкорларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистонда 380 дан ортиқ қўшма корхона, 58 та юз фоизли Хитой капиталига асосланган корхоналар фаолият олиб бормоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда 65 та йирик Хитой компанияларининг ваколатхоналари очилган бўлиб, улар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида 1994 йилда қабул қилинган энг қулайлик яратиш режими амал қилади.

2010 йилда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги товар айланмаси республика ташқи савдо айланмасига нисбатан 9,6% ни ташкил этган. Иккала мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 2000-2010 йилларда 22 мартага ошган (12.5.2-жадвал).

12.5.2-жадвал

#### Ўзбекистон ва Хитой ташқи савдо айланмаси, млн. долл.<sup>35</sup>

	2000 й.	2010 й.
Ташқи савдо айланмаси	95,5	2088,1
Экспорт	22,5	900,1
Умумий экспортдаги улуши, %	0,7	6,9
Импорт	73,0	1188,0
Умумий импортдаги улуши, %	2,5	13,5
Сальдо	-50,5	-287,9

<sup>34</sup> Уша манба. С. 76.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ўзбекистон экспортининг таркиби қуйидагича: пахта толаси, войлок, ипак, тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаш учун зарур эритувчи материаллар, хизматлар, шунингдек, пахта толаси, механик асбоб-ускуналар, мебель, кимёвий толалар, газлама, пахта ип-калава ва бошқалар.

Хитойдан импорт қилинадиган асосий маҳсулотлар таркиби эса қуйидагича: қора металллар ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, кофе, чай ва ширинликлар, механик асбоб-ускуналар ва электр, пойабзал, кийим-кечак, тўқимачилик ва трикотаж, трикотаж полотноси, руда, органик кимёвий бирикмалар, кимёвий толалар, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари, хизматлар, ноорганик кимёвий маҳсулотлар, бошқа металлдан ясалган маҳсулотлар, турли тайёр маҳсулотлар ва бошқалар.

Ўзбекистонда Хитой кукуматининг фойсиз ва узоқ муддатли кредитлари, Хитой Эксимбанки кредитлари ҳисобидан ижтимоий соҳа ва инфратузилмани ривожлантириш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хитой инвесторлари Ўзбекистонда нефть-газ соҳасида фаол фаолият юритмоқдалар. Жумладан, Хитой миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи акваторияси, Устпорт, Бухоро, Хива ва Фарғона худудларида геология қидирув ишларини олиб бормоқда (12.5.1-жадвал).

12.5.1-жадвал

**Ўзбекистон нефть-газ компаниясининг хитойлик ҳамкорлар билан олиб бораётган лойиҳалари**

Инвестор	Конлар	Капитал қўйилмалар, млн. долл.	Фаолият тури	Қўшма корхона
ХМНГК (CNPC)	Устпорт ва Бухоро-Хива худудлари	600,0	Геология қидирув ишлари	"УзХМНГК"
	Арнияз, Сардоб, Умид, Устпорт	47,3		
"Дунгшен" (Dong Sheng)	Фарғона водийси	113,0	Геология қидирув ишлари	"УзДунгшен"

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Хитой иқтисодий ҳамкорлик алоқаларида 2009 йилда Трансасий газ қувурининг ишга туширилиши муҳим ҳодиса бўлди. 7000 километр узунликдаги Туркменистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувури бу мамлакатлар ўртасидаги узоқ муддатли, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатлар тамойилига асосланган аънанавий ҳамкорлик рамзига айланди.

Транспорт ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик ҳам истиқболли лойиҳалар таркибига киради. Бунинг учун Ўзбекистон ўз худудида замонавий транспорт инфратузилмасини шакллантириши, келажакда Хитойни Европа билан туташтирувчи темир йўл йўлақларининг ишга туширилишида нисбий афзалликка эга бўлган муносиб транзит худуд вазифасини ўтамоғи лозим бўлади. Зеро, янги транспорт йўлақларининг барпо этилиши нафақат Хитойнинг Европа,

Яқин Шарқ, Россиянинг ғарбий ҳудудларига чиқишини, балки Марказий Осиё мамлакатларининг ҳам бу минтақалар билан савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашига асос бўла олади. Бундан ташқари, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда муайян маҳсулот ишлаб чиқариш борасида халқаро меҳнат тақсимооти муносабатларини ташкил этиш ва уларда муносиб иштирок этиш ҳам мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалардандир.

Ўзбекистон ва Хитой яқин истиқболда саноатнинг тоғ-кон, автомобиль ва нефть-газ тармоқларида йирик лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Жумладан, “Ўзкимёсаноат” ДАК Хитойнинг “CITIC Ltd.” Компанияси билан 2012–2015 йилларда Кўнғирот сода заводининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича Меморандум имзолади. Ушбу лойиҳа заводнинг ишлаб чиқариш қувватини 1,5 марта – йилига 150 минг тоннагача орттириш имконини беради.

“Ўзбекнефтегаз” 2012 йилда Хитойнинг CNPC корпорацияси билан биргаликда бутадиең каучукларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этишни режалаштирган. Мазкур лойиҳа доирасида йилига 60 тонна бутадиең каучиги олиш мумкинлиги ва унинг қиймати 400 млн. долларни ташкил этиши кутилмоқда. Бутадиең каучиги “Ўзкимёсаноат” ДАК ва Хитойнинг “CITIC Ltd.” компанияси билан биргаликда 2012–2016 йилларда ташкил этилиши режалаштириляётган шина заводи учун хомашё вазифасини ўтайди. Лойиҳа қиймати 155 млн. долларни ташкил этиб, йилига 1,5 млн. автошиналар, 200 минг қишлоқ хўжалик машиналари шиналари ва 100 минг поғона метр конвейер лентаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади<sup>36</sup>.

Бундан ташқари, “Ўзбекнефтегаз” 2012 йилда мамлакатнинг жануби-ғарбида жойлашган Газли ҳудудида газ конларини ўзлаштириш учун Хитой Эксимбанкдан 158,5 млн. доллар миқдорида кредит жалб этишни режалаштирган. Ушбу маблағлар газни магистрал тармоғига ташиш учун қувурлар ўтказиш ва инфратузилмани ривожлантириш учун сарфланади. Шунингдек, 2011–2020 йилларда умумий қиймати 1 млрд. долларга тенг “Қулбешкак”, “Ҳожиказган”, “Дояхотин”, “Сузма”, “Қумли”, “Чегарақум” каби конларини ўзлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши 2021 йилга бориб йилига 5 млрд. куб метр газ қазиб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги кундаги даражаси, бир томондан, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожлантириш хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, мазкур ҳамкорлик икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятларига тўлиқ мос келмайди.

Фикримизча, Хитой иқтисодиёти меҳнат сизимкорлиги юқори маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қиёсий афзалликка, бой тажрибага эга эканини назарда тутилса, Ўзбекистон учун ушбу тармоқларда мазкур мамлакат билан кооперацион алоқаларни жадаллаштириш лозимлиги фойдали

<sup>36</sup> <http://www.uzinform.com/ru/news/20110929/09167.html>



бўлади. Хитойнинг салоҳияти ва бой тажрибасидан келиб чиқиб, озиқ-овқат, тўқимачилик, машинасозлик, кимё, юқори технологиялар соҳасида қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

### Асосий тушунчалар

**“Катта сакрашлар”** – 1958–1960 йилларда амалга оширилган, хитой халқи учун ўта салбий оқибатлар келтирган, мамлакатнинг sanoat базасини мустақкамлаш, иқтисодийётни жадал ривожлантиришга қаратилган иқтисодий ва сиёсий компания.

**“Маданий инқилоб”** – 1966–1976 йилларда амалга оширилган, эски анъаналарни (традиционализм) йўқотиш ва авлодлар ўртасида низо келтириб чиқриш, шаҳар ҳаётининг барча соҳаларини сиёсийлаштириш ҳаракати.

**“Очиқ эшиклар сиёсати”** – 1970 йилларнинг охирида Хитойда режалли иқтисодийётдан бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ иқтисодий ислохотлар йўналиши.

**Махсус иқтисодий ҳудудлар** – ноанъанавий тармоқларни ривожлантириш, миллий иқтисодийётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ташкил этилган мамлакатнинг махсус иқтисодий имтиёзлар жорий этилган алоҳида ҳудуди.

**Хуацяо капиталли** – бошқа мамлакатларда вақтинчалик яшаётган ва хитойлик эмигрантларнинг авлодларига тегишли капитал.

### Назорат саволлари:

1. Хитой иқтисодий ислохотларига хос хусусиятлар нималардан иборат?
2. Хитой иқтисодий ислохотлар стратегиясининг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Хитой sanoat ислохотларига қандай омиллар таъсир кўрсатган?
4. Хитойнинг жаҳон иқтисодийётдаги ўрнига баҳо беринг.
5. Хитой ташқи савдосининг ривожланиш омиллари нималардан иборат?
6. Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлишидаги музокаралар ва уларнинг натижаларини баҳоланг.
7. Хитой иқтисодийётда хорижий инвестицияларнинг ўрни қандай?
8. Хитой иқтисодийётга хорижий капитални жалб этишда махсус эркин иқтисодий ҳудудларнинг ўрни қандай?
9. Хитой иқтисодийётининг ривожланиш истиқболларини белгилашда беш йиллик режаларнинг ўрни қандай?
10. Ўзбекистон ва Хитой иқтисодий алоқаларининг устувор йўналишлари нималардан иборат?

## IV БЎЛИМ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИ

### 13-БОБ. ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### 13.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти, мақсади ва принциплари

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари собиқ социалистик тизимга мансуб 28 та мамлакатни ўз ичига олади. Улар ривожланган индустриал базага эга ва режали маъмурий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳолда чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган мамлакатлардир. Иқтисодий адабиётда ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари куйидаги икки гуруҳга ажратилади:

- Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) мамлакатлари (15);
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ва Монголия (13).

<b>Иқтисодий ислоҳотларнинг классик тамойиллари</b>	<b>Ўтиш даврининг мақсади</b>	<b>Бозор муносабатларини ривожлантириш учун зарурий шартлар</b>
<ol style="list-style-type: none"><li>1. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.</li><li>2. Нархларни эркинлаштириш.</li><li>3. Хусусий мулкни шакллантириш.</li><li>4. Давлат мулкни хусусийлаштириш.</li><li>5. Очиқ иқтисодиётни шакллантириш.</li><li>6. Давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашувини чеклаш.</li></ol>	Товар ва хизматлар бозорини ривожлантириш, эркин нархларни шакллантириш, молня бозорини шакллантириш, меҳнат бозорини яратиб ва тартибга солиш, самарали бандликни таъминлаш.	<ul style="list-style-type: none"><li>– барқарор сиёсий режимни ўрнатиб;</li><li>– хўжалик юритишнинг бозор механизмни ривожлантириш ва такомиллаштириш;</li><li>– кулай инвестиция муҳитини яратиб орқали хоржий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш;</li><li>– фаол ташқи савдо сиёсатини олиб бориш;</li><li>– иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлини рағбатлантириш.</li></ul>

#### Бозор иқтисодиётига ўтишда давлатнинг вазифалари

1. Мулк ҳуқуқи ва тузилаётган хўжалик шартномаларини амалга ошириш имкониятларини таъминлаш ва ҳимоялаш (асосий вазифа).
2. Монополияга қарши қонунчилик орқали бозорларда рақобатга кўмаклавиш.
3. Оқилона солиқ ва гул сиёсатини юритиш.
4. Аҳоли ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш.
5. Инфратузилма тармоқларининг ривожланишига ёрдам бериш.

#### 13.1.1-расм. Ўтиш даврининг мақсади, тамойиллари ва шартлари

XX асрнинг 80-йилларида собиқ социалистик мамлакатлар иқтисодиётида куйидаги кризис ҳолатлари кузатила бошланди:

– МШЕнинг барча мамлакатлари бўйича истеъмол ва инвестициялар ҳажми пасая бошлади, ташқи қарз эса 85 млрд. долларгача ўсди (1972 йилда – 8 млрд. дол.), 2005 йилда МШЕ мамлакатларининг ташқи қарзи 293,4 млрд. долларга етди;

– ишлаб чиқаришда узоқ муддатли пасайиш кузатилди, иқтисодиётнинг нораціонал таркиби шаклланди ва рақобатбардошлиги пасайди. Натижада Шарқий Европа мамлакатларининг жаҳон савдо айланмасидаги улуши қисқарди. 1990 йилда бу мамлакатларда жами банд аҳолининг 21% га яқини ўрмон ва қишлоқ хўжалигида банд эди (Европа Иттифоқида 6,1%). Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган хомашё ва энергия сарфи ривожланган мамлакатлар даражасига нисбатан 20–40%, баъзида эса 100% дан ошиб кетди. Хизматлар соҳасида ривожланиш суръатларининг пастлиги;

– Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий ривожланиши экстенсив омилларга таянган ва асосан миқдорий кўрсаткичлар билан ифодаланган;

– самарасиз ишлаб чиқариш фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдаги сусткашлик билан бевосита боғлиқ эди;

– инфляция жараёнларининг кучайиши. Агар 1987 йилда инфляция суръатлари ойга 3–4% ни, 1992 йилда бу кўрсаткич ойга 21% ни ташкил этган бўлса, Польша ва Югославияда эса инфляция гиперинфляцияга айланди;

– ишсизлик яширин характерга эга бўлди.

МШЕ мамлакатларидаги иқтисодий ҳолат циклик ёки қисқа муддатли пасайиш бўлмасдан, узоқ муддатли чуқур инқироз натижаси эди. Режали иқтисодиётга асосланган мамлакатларда иқтисодий инқироз технологик тараққиёт, иқтисодий самарадорлик, экология, аҳолининг турмуш даражасига жиддий таъсир ўтказди ва салбий оқибатларга олиб келди.

1980–1990 йилларда Шарқий Европа мамлакатларидаги сиёсий воқеалар ва СССР, Чехословакия, Югославиянинг парчаланиб кетишидан кейин Варшава ҳарбий шартномаси барбод бўлди. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши ўз фаолиятини тўхтатди. Европанинг маркази ва шарқида жойлашган мамлакатлар эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантиришга киришдилар.

Жаҳон иқтисодиётида ўтиш даври иқтисодиёти бир хўжалик юритиш тизимининг бошқаси билан алмашиш ҳолатини ифода этади. Бу жараён нисбатан узоқ даврни ўз ичига олади. Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида давлат барқарорлаштириш жараёнларини кучайтиришга, миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини оширишга, янги хўжалик юритишнинг бозор тизimini амалга оширишни енгиллаштиришга ҳаракат қилади. Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиёти

ташки бозорга бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли ўз маҳсулотларини жаҳон бозорида сотишда қатор муаммоларга дуч келишди. Экспорт имкониятларининг етарли, юқори даражада эмаслиги эса валюта маблағларини жамлашда қийинчиликларни туғдирди. Бу эса, ўз навбатида, бу мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур бўлган импорт товарларни етарли даражада сотиб олиш имкониятини бермади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ишлаб чиқариш самарадорлигига бўлган талабларга нисбатан ёндашувлар бир хил эмас. Агар Шарқий Европада мамлакатларида хўжалик бошқарув механизмининг инкирозга учраганлиги жаҳон бозори талабларидан орқада қолганлиги билан баҳоланса, собиқ Иттифоқда эса режали иқтисодиётнинг аҳолининг ўсиб ва ўзгариб борадиган эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги танқид остига олинди.

Шарқий Европа мамлакатларида давлат ва кооператив мулк майда хусусий мулкни (хизматлар, чакана ва улгуржи савдо ишлари) сиқиб чиқармаган эди. Бу ҳолат айниқса Польшага хос бўлиб, мамлакат қишлоқ хўжалигида кооперациялаштириш жараёнлари амалга оширилмаган эди. Шундай қилиб, Шарқий Европада бозор иқтисодиётига хос бўлган хусусий хўжалик алоҳида иқтисодий уклад сифатида сақланиб қолган бўлиб, у бозор ислохотларини амалиётда амалга оширишни енгиллаштирган эди.

Бу мамлакатларда ўтиш даврининг мақсади товар ва хизматлар бозорини ривожлантириш, эркин нархларни шакллантириш, молия бозорини вужудга келтириш, меҳнат бозорини яратиш ва тартибга солиш, самарали бандликни таъминлашдан иборат.

Халқаро иқтисодий институтлар томонидан ўтиш даврида иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қуйидаги классик тамойилларни таъминлаш тавсия этилади:

- макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- нархларни эркинлаштириш;
- хусусий мулкни шакллантириш;
- давлат мулкни хусусийлаштириш;
- очиқ иқтисодиётни шакллантириш;
- давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашувини чеклаш.

Ушбу мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантириш учун қуйидаги зарурий шарт-шароитларни таъминлаш талаб этилади:

- барқарор сиёсий режимни ўрнатиш;
- хўжалик юриштирининг бозор механизминини ривожлантириш ва яқинлаштириш;
- қўлай инвестиция муҳитини шакллантириш орқали хорижий инвесторларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш;
- ташқи савдо сиёсатини олиб бориш;

– иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлини рағбатлантириш  
Бозор иқтисодиётига ўтишда давлат алоҳида роль ўйнайди ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

- мулк ҳуқуқи ва тузилаётган хўжалик шартномаларининг амалга оширилишини таъминлаш ва қимоялаш (асосий вазифа);
- монополияга қарши қонунчилик орқали бозорларда рақобатта кўмаклашиш;
- оқилона солиқ ва пул сиёсатини юритиш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш;
- инфратузилма тармоқларининг ривожланишига ёрдам бериш.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтишда мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олиш билан бирга трансформация моделларини аниқ ва расмий белгилабгина қолмай, балки иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг хориж тажрибасидан, ўзгаришларнинг барча фойдали иқтисодий воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

### **13.2. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар моделлари ва уларнинг натижалари**

МШЕ мамлакатлари таркибига Европа Иттифоқига аъзо 10 та – Марказий Европа (Венгрия, Польша, Чехия, Словакия) ва Жануби-Шарқий Европа (Словения, Болгария, Руминия), Болтиқ бўйи (Латвия, Литва, Эстония) ҳамда Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган Жануби-Шарқий Европанинг олтига (Албания, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Македония, Сербия ва Черногория) мамлакатлари киритилади. Ушбу мамлакатлар гуруҳида 124 млн. киши истиқомат қилади ва тахминан жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 2,6% и ишлаб чиқарилади<sup>1</sup>.

МШЕ мамлакатлари иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича биридан фарқ қилади. Мисол учун 2006 йилда собиқ Югославия республикаларида валютанинг харид қобилияти бўйича ҳисобланган аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромад кўрсаткичи 4 минг доллардан (Черногория) 24 минг долларгача (Словения) ўзгариб турган. Бу ҳолат МШЕ мамлакатларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда алоҳида ёндашувни талаб этди. Натижада бу мамлакатларда қисқа муддатда “фалажли даволаш”<sup>2</sup> усули ёрдамида либерал иқтисодиётни шакллантиришга йўналтирилган радикал чора-тадбирларни амалга ошириш

<sup>1</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. –М.: Магистр, 2010. С. 364.

<sup>2</sup> “Фалажли даволаш” деганда қисқа муддатда маъмурий-бўйруқбозликка асосланган иқтисодиётнинг хўжалик фаолияти марказлашуви бартараф этили, нархлар ва тапшиқ иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш билан беглик чора-тадбирлар ёрдамида ислоҳ этили тушунилади.

(Польша) ва нисбатан юмшоқ усуллар ёрдамида босқичма-босқич, кейинчалик радикал чора-тадбирларга асосланган жадал иқтисодий ислохотлар амалга оширилди (Болгария, Руминия).

МШЕ мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларни амалга оширишга куйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

- ислохотларни амалга оширишнинг рационаллиги ва кетма-кетлиги;
- иқтисодиёт таркибининг шартлари ва характериға мослиги;
- ривожланган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий техник ёрдами;
- хорижий капиталнинг роли.

МШЕ мамлакатлари ушбу омиллар таъсириға боғлиқ ҳолда иқтисодий жиҳатдан турли натижаларға эришишди. Венгрия, Польша, Чехия ва Словакия интенсив ислох этишға қаратилган чора-тадбирлар натижасида Болгария, собиқ Югославия республикалари ва Руминияға нисбатан юқори иқтисодий ўсишға эришди.

МШЕ мамлакатлари ХВФ томонидан таклиф этилган куйидаги тузилмавий элементларға эға ислохотлар моделиға амал қилишмоқда:

1. *Макроиқтисодий барқарорлик ва назорат.* Барқарорлаштириш дастурларини амалга ошириш:

- қаттиқ солиқ сиёсати;
- қаттиқ кредит сиёсати;
- инфляцияға қарши сиёсат;
- ташқи ҳисоб-китобларни тартибға солишға қаратилган харажатларни қайта кўриб чиқиш.

2. Бозор ва нарх ислохоти:

- ички нархларни ислох қилиш;
- ташқи савдони эркинлаштириш;
- иш ҳақи ва ишчи қучи бозорини эркинлаштириш;
- банк тизимини ислох қилиш.

3. Хусусий секторни ривожлантириш, хусусийлаштириш, миллий ишлаб чиқариш таркибини ислох қилиш:

- корхоналарни очиш ва ёпиш, хусусий мулк ҳуқуқини расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш;
- тармоқ ва ишлаб чиқариш ислохотлари, монополияларни бекор қилиш.

4. Давлатнинг куйидаги соҳаларидаги ролини қайта кўриб чиқиш:

- ҳуқуқий ислохотлар (конституцион, мулк, шартнома, банк, рақобат);
- ахборот таркибини ислох қилиш (ҳисобға олиш, назорат);
- иқтисодиётни билвосита бошқаришнинг институционал тизими (солиқ тизими, бюджетнинг шаклланишини назорат қилиш);
- ижтимоий соҳа (ишсизликдан суғурталаш, пенсия таъминоти, меҳнатға лаёқатсизлик, ижтимоий хизматлар: соғлиқни сақлаш, таълим).

МШЕ мамлакатларида иқтисодий ислохотлар жадал суръатларда марказлашган режали, самарасиз иқтисодий тизимдан турли мулк шаклларига, тадбиркорлик ташаббускорлигига, эркин бозор ва демократик институтларга асосланган самарали бозор тизимига ўтиш мақсадида амалга оширилди.

МШЕ мамлакатларининг Европа Иттифоқига кириши. 2004 йилда ЕИга МШЕ мамлакатларидан саккизтаси, 2007 йилда эса яна иккитасининг аъзо бўлиши ушбу мамлакатларнинг қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Биринчидан, Ғарбий Европа бозорларининг очилиши бу мамлакатлар ЯИМнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлади. ЕИга аъзо бўлишга тайёргарлик даври ва ундан кейинги даврларда МШЕ мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари ЕИ-15 мамлакатлари кўрсаткичларидан 1,7 марта юқори бўлди.

Иккинчидан, ЕИга аъзолик МШЕ мамлакатларида ишсизлик даражасининг пасайишига олиб келди, жумладан, ишсизлик даражаси 2003-2007 йилларда 11,3% дан 7,8% гача пасайди. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби МШЕ мамлакатларидан Ғарбий Европа мамлакатларига ишчи кучининг оқиб ўтиши (3 млн. киши) ҳисобланади. МШЕнинг баъзи мамлакатларида мигрантлар томонидан жўнатиладиган пул ўтказмалари ташқи молиялаштиришнинг хорижий инвестициялардан кейинги салмоқли манбасига айланди. Мисол учун, 2010 йилда Польшага 9,1 млрд. доллар, Сербияга 5,5 млрд. доллар, Руминияга 4,5 млрд. доллар миқдорда пул ўтказмалари кириб келган.<sup>3</sup> Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу мамлакатларда ишсизлик даражасининг ошишига олиб келди. Мисол учун, ишсизлик даражаси 2010 йилда Сербияда 19,6% ни, Словакияда 14,4% ни, Венгрияда 11,2% ни, Болгарияда 10,3% ни ташкил этди.<sup>4</sup>

Учинчидан, ушбу ҳудудга Ғарбий Европа капиталининг кириб келиши рағбатлантирилди ва МШЕ мамлакатларида инвестицияларнинг жамғармалардан сезиларли даражада ортиб кетиши жараёни юз берди.

Тўртинчидан, ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти билан бирлашиб бу мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг жадал суръатларда ўсишига олиб келди. МШЕ мамлакатларида ушбу кўрсаткичнинг йиллик ўсиши ўртача 2–3% ни ташкил этгани ҳолда, ЕИ-15 мамлакатларида бор-йўғи 0,75% га тенг бўлди.

ЕИга барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эга, рақобатбардор бўлмаган, тўлдирувчи характеридаги иқтисодиётга эга мамлакатларнинг аъзо бўлиши ЕИ-15 мамлакатлари иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳолат Ғарбий Европага маҳсулотлар, хизматлар, юқори технологияларни

<sup>3</sup> *Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2011. P. 13.*

<sup>4</sup> *Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011. С. 82.*

сотиш учун янги бозорларнинг вужудга келиши, арзон ишчи кучидан фойдаланиш имконини яратди.

XX асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йилларнинг бошларидаги “фалажли даволаш” оқибатида МШЕнинг барча мамлакатларида иқтисодий ривожланишнинг трансформацион пасайиши юз берди. Жумладан, ЯИМ миқёсининг пасайиши Чехияда 13% ни, Болгарияда 36% ни, собиқ Югославиянинг баъзи республикаларида 50% ни ташкил этди. Бу мамлакатларда иқтисодий ўсиш 1992 йилда Польшада, 1993 йилда Чехия ва Венгрияда, 1994 йилда Словакияда бошланди ва 90-йилларнинг охирига келиб ЯИМ ҳажми ислоҳотларгача бўлган давр даражасига етди. 2000 йиллардан бошлаб Болтиқбўйи ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида иқтисодий ўсиш бошланди.

Ҳозирда МШЕ дунёнинг жадал суръатларда ривожланаётган минтақаларидан ҳисобланади. Мисол учун, 1993–2002 йилларда ушбу мамлакатларда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 3,2% ни, 2003–2008 йилларда 5,5% ни ташкил этди. МШЕ мамлакатларида 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирида иқтисодий ўсиш 3,6% га пасайди, бу мамлакатларда амалга оширилган инқирозга қарши чоралар туфайли иқтисодий ўсиш 2010 йилда қайта тикланди ва 4,5% га тенг бўлди.<sup>5</sup>

Иқтисодий ўсиш омиллари таркибида ички истеъмолнинг кенгайиши, жумладан, саноатда инвестицияларга бўлган талабнинг ортишини алоҳида қайд этиш мумкин. Саноатнинг жадал суръатларда ўсиши миллий валюталарнинг еврога нисбатан паст курси билан қўллаб-қувватланаётган экспорт ҳажмининг ортишига олиб келди.

МШЕ мамлакатлари иқтисодиётининг таркиби аста-секин постиндустриал таркибга эга бўлиб бормоқда. Жумладан, хизматларнинг улуши ЯИМга нисбатан 52–58% дан (Албания, Руминия, Македония) 75% гача (Латвия) ташкил этгани ҳолда, “эски Европа” мамлакатларига нисбатан паст ҳисобланади (ЕИ-15 мамлакатларида ўртача 70%).

МШЕ мамлакатлари ЕИ-15 мамлакатларидан кишлоқ ва ўрмон хўжалигининг ЯИМдаги улуши бўйича ҳам ортада қолмоқда. Ушбу кўрсаткич Марказий Европа мамлакатларида 3–5% ни, Руминия, Болгария, Македония, Сербияда 9–13% ни, Албанияда 25% ни ташкил этади. Худуднинг нисбатан кам тараққий этган мамлакатларида иқтисодий ҳолат меҳнат унумдорлигининг пастлиги билан янада мураккабланиши. Натижада бу тармоқда иқтисодий фаол аҳолининг катта қисми банд (Руминияда 1/3, Польшада 1/5).

МШЕ мамлакатлари ЯИМда саноат ва қурилишнинг улуши ҳозирги даврда паст (Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида 20–30%) ёки жуда юқорилиги (Марказий Европа мамлакатларида 30–40%) билан ажралиб

<sup>5</sup> Уша манба. С. 197.



туради. Бу ҳолат айрим мамлакатларда саноатлашиш жараёнининг тугамаганлиги ёки айримларида эса индустриал таркибдан постиндустриал таркибга ўтилганлигидан далолат беради. Саноат таркибида анъанавий тармоқлар (енгил, озиқ-овқат, ёқилғи) улуши қисқариб, электротехника, автомобилсозлик, юқори технологик тармоқлар жадал ривожланиб, ҳиссаси ортиб бормоқда.

ЕИГА аъзо бўлишдаги ижобий омиллардан бири МШЕ мамлакатлари банк ва кредит тизимига хорижий капитални жалб этиш суръатларининг кескин ортиши ҳисобланади. Мисол учун, ушбу кўрсаткичнинг 1990 йиллар ўрталарида 20% дан 2000 йиллар ўрталаригача 66,7% га қадар ортиши натижасида Чехияда банк активларининг 92% и, Польшада 86% и, Венгрияда 70% и хорижий капитал (асосан немис капитали) назоратига ўтиб кетди.

МШЕ мамлакатлари молия тизими давлат харажатларининг юқорилиги билан ажралиб туради. Давлат харажатларининг улуши ЯИМга нисбатан Руминия ва Эстонияда тахминан 26% ни, Болгария, Чехия, Словакия, Польшада 35–40% ни ташкил этса, Венгрия, Словения ва Хорватияда 40% дан ошади. Шу билан бир вақтда бюджет тақчиллиги муаммоси мураккаб бўлиб, чуқурлигича қолмоқда. Мисол учун, бу кўрсаткич 2004–2007 йилларда Чехия ва Словакияда ЯИМга нисбатан 3% ни, Польшада 5% ни, Венгрияда 6,5–10,8% га тенг бўлган. Натижада МШЕнинг аксарият мамлакатларида давлат қарзи Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан юқори даражада сақланиб қолмоқда, жумладан, Венгрияда бу кўрсаткич 2006 йилда 70% ни ташкил этди.

ЕИнинг МШЕ мамлакатлари ҳисобига кенгайиши эски ва янги аъзо мамлакатлар солиқ ставкалари (корхон фойдаси ва ҚҚС) ўртасидаги фарқлар туфайли қатор муаммолар келтириб чиқарди. Янги аъзо мамлакатларда корхона фойдасига солинадиган солиқ ставкаси эски мамлакатлар ставкасига нисбатан ўртача икки бараварга паст ҳисобланади. Бундан ташқари, Словакия, Чехия, Болгария каби мамлакатларда солиқ имтиёзларининг мавжудлиги малакали, кам ҳақ оладиган ишчи кучи ва эркин маъмурий чоралар минтақага кўшимча хорижий капитал кириб келишини таъминлади.

### **13.3. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари иқтисодиёти**

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг иккинчи йирик гуруҳи МДҲ мамлакатлари ҳисобланади. Ушбу мамлакатларнинг баъзилари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича ривожланаётган мамлакатларнинг юқори гуруҳига кирган бўлса, баъзилари ривожланган мамлакатларнинг қуйи гуруҳига киради. Собиқ Иттифоқ иқтисодиёти устун даражада

ички иқтисодий алоқаларга асосланган ягона мажмуа сифатида узоқ вақт инкирозни ўз бошидан кечирди.

1991 йилда собиқ Иттифок республикаларидан иборат МДХ ташкил этилди (Россия Федерацияси, Арманистон Республикаси, Беларуссия Республикаси, Грузия, Молдавия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Туркменистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Украина, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси). Болтиқ бўйи республикалари МДХга киришдан бош тортди. Грузия 2009 йилда МДХ таркибидан чиқиб кетди.

МДХ мамлакатларини амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг суръатлари ва чуқурлигига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

– иқтисодий ислохотларни амалга оширининг “радикал” йўлини танлаган мамлакатлар (Россия, Қирғизистон ва Қозоғистон);

– иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич йўлидан бораётган мамлакатлар (Ўзбекистон, Туркменистон, Беларуссия);

– “оралиқ гуруҳ” мамлакатлари (МДХнинг бошқа барча мамлакатлари).

“Радикаллар” гуруҳига иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг “фалажли даволаш” усулини кўлаган мамлакатлар киради. “Оралиқ гуруҳ” мамлакатларига иқтисодий ислохотларни “радикал” ислохотларга нисбатан секинроқ, “босқичма-босқич” ислохотларга нисбатан жадалроқ амалга ошираётган мамлакатлар гуруҳи кирди. Ушбу гуруҳлаш шартлидир. Мисол учун, Беларуссияда бошқа МДХ мамлакатларига нисбатан ўзига хос ижтимоий-иқтисодий модель шаклланди. Корхоналарнинг аксарият қисми, жумладан, йирик корхоналар давлат ихтиёрида бўлиб, улар мамлакат ЯИМнинг тахминан 75% ини ишлаб чиқаради. Шу билан бир вақтда хўжалик юритиш механизми бозор мезонлари бўйича амал қилади: директив режалаштириш чекланган, давлат корхоналарининг ўзи ҳамкорларни қидириб топади, ҳамкорлик шартлари, маҳсулот нархи бўйича келишади, ишлаб чиқариш ва ишчилар таркибини белгилайди. Мамлакатда кенг қамровли ижтимоий кафолатлар сақланиб қолган.

МДХнинг барча мамлакатлари иқтисодиётида XX аср 90-йилларида бозор муносабатларининг асослари шаклланди:

– аксарият мамлакатларда хусусий мулк етакчи мавқега эга бўлди ва 90-йилларнинг охирига келиб ЯИМнинг 50% дан 75% гача бўлган қисми хусусий корхоналар хиссасига тўғри келди. Тадбиркорлар синфи ушбу мамлакатларда етакчи ижтимоий кучга айланди;

– нархларнинг шаклланиши эркинлаштирилди;

– ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бозор ислохотлари амалга оширилди ва ташқи бозорларнинг очиклиги таъминланди;

– аҳоли менталитетини бозор муносабатлари қоидаларига мослашишга йўналтирилган қайта ўзгаришларни амалга ошириш бошланди.

МДХ мамлакатларининг 1991–2010 йиллардаги иқтисодий ривожланишини куйидаги уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқичда (1991–1995) собиқ Иттифок республикаларида сиёсий мустақилликнинг ҳуқуқий асослари яратилди, халқаро иқтисодий, молия ташкилотларига аъзо бўлишди, ўзаро шартномалар имзоланди, мустақил давлат учун хос молиявий-иқтисодий, бюджет-солиқ, божхона ва бошқа иқтисодий институтлар шакллантирилди.

Шу билан бирга бу даврда ягона валютага асосланган ягона иқтисодий иқтисодий мақон барҳам топди, республикалар ўртасидаги кооперация алоқалари бузилди, учинчи мамлакатлар бозорига қайта ихтисослашиш бошланди ва миллий иқтисодиётларда инқироз ҳолатлари кучайиб борди. Деярли барча республикаларда ЯИМнинг кескин қисқариб, энг чуқур пасайиш мамлакатларда турли йилларда рўй берди. Жумладан, ушбу кўрсаткич 1990 йил даражасига нисбатан 1995 йилда Озарбайжонда 42,1% ни, Арманистонда 59,8% ни, Беларуссияда 66,1% ни, Грузияда 35,8% ни, Қозоғистонда 69,0% ни, Қирғизистонда 55,0% ни, Молдавияда 48,0% ни, Россияда 65,4% ни, Тожикистонда 34% ни, Туркменистонда 61,0% ни, Ўзбекистонда 81,6% ни, Украинада 47,1% ни ташкил этди.<sup>6</sup>

Иккинчи босқич (1996–2000) янги мустақил мамлакатларда сиёсий суверинитетнинг мустаҳкамланиши, мустақил фаолият олиб боровчи молиявий-иқтисодий тизимнинг яратилиши, узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланиши билан изоҳланади.

Бу босқичда МДХ мамлакатлари иқтисодиёти барқарорлашди, инфляция даражаси пасайди. Жумладан, 2000 йилда ушбу мамлакатларда ЯИМ ҳажми 1991 йилга нисбатан Озарбайжонда 59,3% ни, Арманистонда 76,9% ни, Беларуссияда 89,7% ни, Грузияда 47,5% ни, Қозоғистонда 77,9% ни, Қирғизистонда 72,0% ни, Молдавияда 44,0% ни, Россияда 69,1% ни, Тожикистонда 41,0% ни, Туркменистонда 77,0% ни, Ўзбекистонда 99,0% ни, Украинада 47,3% ни ташкил этди. МДХ мамлакатларидан ЯИМ ҳажми бўйича 1991 йил даражасига фақат Ўзбекистон эришди.

Учинчи босқичда (2001–2010) МДХнинг барча мамлакатларида иқтисодиётнинг мустаҳкамланиши содир бўлди, иқтисодий салоҳиятни ошириш учун мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланилди, иқтисодиёт таркибини ўзгартириш билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилди, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш жараёни фаоллашди. 2010 йилда Озарбайжон, Беларуссия, Қозоғистон, Туркменистонда ЯИМ ҳажми 1991 йил даражасидан ошди.

Тахлиллар МДХ мамлакатларида 2010 йилда фақат ЯИМ ҳажми бўйича 1991 йил даражасининг тикланиши ва ўсиш (114,0%) содир бўлганлигини, sanoat (95,0%), қишлоқ хўжалиги (90,0%), асосий капиталга

<sup>6</sup> Вапанов В. Распад ССР и его последствия для постсоветских республик. //Экономист, №11, 2011. С. 80.

инвестициялар (84,0%), аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар (51,0%) ҳажми бўйича эса ҳозирга қадар 1991 йил даражасининг тикланмаганлигини кўрсатмоқда (13.3.1-жадвал).

13.3.1-жадвал

**МДХ мамлакатларида асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар,  
1991 йилга нисбатан % да<sup>7</sup>**

	1992 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.
ЯИМ	86	63	68	94	114
Саноат	86	55	60	84	95
Қишлоқ хўжалиги	93	73	68	82	90
Асосий капиталга инвестициялар	61	36	34	60	84
Аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар	77	29	31	41	51

МДХ мамлакатларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг салбий оқибатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ислохотларнинг ижтимоий йўқотишлар билан бирга содир бўлиши. МДХ мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, ишсизлик даражасининг ортиши, ижтимоий хизматлар ҳажмининг қисқариши рўй берди;

- жамиятнинг ижтимоий жиҳатдан табақалашув даражасининг чуқурлашиши. Бозор иқтисодиёти жамиятда моддий таъминланиш бўйича табақалашувнинг кучайишига олиб келди ва бу кўрсаткич МДХ мамлакатларининг айримларида жуда юқори даражага етди;

- МДХ мамлакатларининг аксариятида илмий-техник тараққиётнинг орқада қолиши, меҳнат унумдорлигининг паст даражада эканлиги;

- яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги;

- МДХ мамлакатларининг халқаро меҳнат тақсимида хомашё ва ёқилги етказиб берувчилар сифатида ихтисослашиб қолиши.

МДХ мамлакатларида иқтисодий пасайиш даражаси МШЕ мамлакатларига нисбатан чуқур бўлиб, Хитой ва Вьетнам сингари иқтисодий ислохотлар бошланишидан кейин пасайишлар содир бўлмаган (2008–2009 йиллардаги инқирозни ҳисобга олмаганда). Шунга қарамасдан МДХ мамлакатларида саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши содир бўлди. Бу ҳолат ушбу тармоқларнинг харбий маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги билан изоҳланади.

Саноатнинг энгил саноат ва узоқ муддатли истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқлари сифатли ҳамда кенг ассортиментга эга импорт билан рақобат қила олмаганлиги сабабли МДХнинг айрим мамлакатларида музлаткичлар, видеамагнитофонлар, компьютерлар ишлаб чиқариш тўхтаб

<sup>7</sup> [www.cisstat](http://www.cisstat).

қолди. МДХ мамлакатларида хомашё, ёқилғи ишлаб чиқарувчи тармоқларда ишлаб чиқаришнинг пасайиши содир бўлмади ҳамда бу маҳсулотлар экспорти хорижий валюта тушумларининг асосий манбаи ва иқтисодийни қўллаб-қувватлаш воситасига айланди.

Таҳлиллар кўрсатишича, 1990 йилларда Ўзбекистон, Беларуссия, Қозоғистондан ташқари бошқа мамлакатларда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва ишчи кучи малакасининг кескин пасайиши содир бўлганлиги кузатилди. Грузия, Молдавия, Тожикистон ва Қирғизистонда эса саноат ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан бир вақтда бандликнинг аграрлашуви юз берди. Мисол учун 1990 йилда бу мамлакатларда қишлоқ хўжалигида аҳолининг 25% и банд бўлгани ҳолда, ҳозирда ушбу кўрсаткич тахминан 50% ни ташкил этмоқда.

МДХ мамлакатлари ташқи савдо айланмасининг асосини ўзаро савдо ташкил этади. Таҳлиллар, МДХ мамлакатлари ўртасидаги ташқи савдо айланмасида ўзаро савдо улушининг қисқариб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бу кўрсаткич 1995 йилда 34,0% ни ташкил этгани ҳолда, 2010 йилда 21,8% га тенг бўлди (13.3.2-жадвал).

### 13.3.2-жадвал

#### МДХ мамлакатлари ташқи савдо айланмаси, млрд. долл.<sup>8</sup>

	2009 й.			2010 й.			2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариш		
	Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
		Ўзаро савдо	Бошқа мамлакатлар билан савдо		Ўзаро савдо	Бошқа мамлакатлар билан савдо		Ўзаро савдо	Бошқа мамлакатлар билан савдо
Ташқи савдо айланмаси	713,3	157,9	555,4	933,6	203,7	729,9	131	129	131
Экспорт	425,2	78,9	346,3	559,2	103,6	455,6	131	131	132
Импорт	288,1	79,0	209,1	374,4	100,1	274,3	130	127	131
Ташқи савдо баланси	137,1	-0,1	137,2	184,8	3,5	181,3			

МДХ мамлакатларида иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинмоқда. Хорижий компанияларнинг аксарияти табиий ресурсларга бой мамлакатларга қизиқиш билдирмоқда. ЮНКТАД маълумотларига кўра МДХ минтақасига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми

<sup>8</sup> www.cisstat.org

1995–2000 йилларда ўртача 6,1 млрд. долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилдан 10 млрд. доллардан ошиб, 2008 йилда энг юқори даражага – 103,5 млрд. долларга етди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида эса 2009–2010 йилларда кескин пасайиб, мутаносиб равишда 62,4 ва 62,7 млрд. долларни ташкил этди.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этиш натижасида Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, Молдавия ва Қирғизистонда саноатнинг катта қисми хорижий инвесторлар назоратида бўлиб, капитал кўйилмаларнинг 15–30% и ташқи манбалардан молиялаштирилади. Марказий Осиё ва Кавказ республикаларида АҚШ, Фарбий Европа ва Япония каби анъанавий капитал экспортёрларидан ташқари Жанубий Корея, Хитой, Туркия компаниялари инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

МДХ мамлакатлари халқаро молия институтлари билан фаол ҳамкорлик алоқалари олиб боришмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Грузия, Арманистон каби мамлакатлар хориждан катта миқдорда халқаро кредитлар олишганлиги сабабли уларнинг айримларида давлатнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш муаммоси юзага келди.

#### **13.4. Ўзбекистон ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик алоқалари**

Ўзбекистон ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун Ўзбекистон Марказий Осиёда маҳсулотларни соғишнинг истиқболли, йирик ички бозорга, қулай инвестиция муҳитига, бой хомашё, инсон ва илмий-техник салоҳиятга эга муҳим ҳамкори ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон МШЕ мамлакатлари билан дипломатик алоқаларни ўрнатди ва иқтисодий ҳамкорликнинг барча соҳаларидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистон Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Руминия билан “Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги” келишувларга эга. Мазкур келишувлар доирасида бу мамлакатлар билан мумкин қадар қулайлик яратиш режими асосида икки томонлама савдо алоқалари ўрнатилган.

Ўзбекистондан МШЕ мамлакатларига пахта толаси, матолар, рангли металлар, ноорганик кимё маҳсулотлари, турли хил хизматлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (томат пастаси, мева ва сабзаватлар, соклар), автомобилсозлик саноати маҳсулотлари, кабель экспорт қилинади. Ўзбекистонга ушбу минтақадан ун, тайёр матолар ва кийим-кечак, керамика маҳсулотлари, механика ва электр асбоб-ускуналари, озиқ-овاقт маҳсулотлари, қурилиш материаллари, фармацевтика маҳсулотлари, мебель, транспорт воситалари олиб кирилади.

Ўзбекистонда 150 дан ортиқ МШЕ мамлакатлари капитали қатнашган қўшма ва 40 дан ортиқ тўлиқ хорижий капиталга асосланган корхоналар фаолият юритади. Ушбу корхоналар озиқ-овқат, спиртли ичимликлар, қўшлок хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, машинасозлик, савдо, транспорт хизматлари, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечак, кимё, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугулланади.

Ўзбекистон учун Руминия ва Болгариянинг Қора денгиздаги портлари орқали юклар ташиш соҳасида ҳамкорлик имкониятларини ривожлантириш истиқболлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон маҳсулотларини Руминиянинг Констанца порти, Қора денгизни Дунай–Рейн дарё транспорт тизими билан боғловчи Сулин канали орқали Европа марказига ташиб келтириш, кейин минтақанинг Шимолий денгиз портларига олиб чиқиш мумкин бўлади.

МДХ мамлакатлари Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорлари ҳисобланади. Шунга қарамасдан, мамлакат ташқи савдо айланмасида бу мамлакатларга нисбатан узоқ хориж мамлакатларининг улуши орта бошлади. Мисол учун, 1990–2010 йилларда МДХ мамлакатларининг Ўзбекистон ташқи савдо айланмасидаги улуши 60,1% дан 43,1% гача, экспорт ва импорти таркибидаги улуши эса муганосиб равишда 62,3 ва 57,4% дан 45,2 ва 40,1% га қадар қисқарди (13.4.1-жадвал).

13.4.1-жадвал

**Ташқи савдо айланмасининг географик таркиби (фоиз)<sup>9</sup>**

	1990 й.	2010 й.
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Узоқ хориж мамлакатлари	39,9	56,9
МДХ мамлакатлари	60,1	43,1
<b>Экспорт</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Узоқ хориж мамлакатлари	37,7	54,8
МДХ мамлакатлари	62,3	45,2
<b>Импорт</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Узоқ хориж мамлакатлари	42,6	59,9
МДХ мамлакатлари	57,4	40,1

Шундай қилиб, Ўзбекистон ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг фаоллашиши икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ҳамда глобал жаҳон бозорига интеграциялашишдан ўзаро манфаатлидир.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

## Асосий тушунчалар

**Ўтиш иқтисодий мамлакатлари** – собиқ социалистик тизимга мансуб, ривожланган индустриал базага эга, режали маъмурий иқтисодидан бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ҳолда чуқур иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган мамлакатлар.

**МДХ мамлакатлари** – 1991 йилда собиқ Иттифок республикаларидан иборат мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари.

**“Радикаллар” гуруҳи** – иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг “фалажли даволаш” усулини қўллаган мамлакатлар гуруҳи.

**“Оралиқ гуруҳ” мамлакатлари** – иқтисодий ислохотларни “радикал” ислохотларга нисбатан секинроқ, “босқичма-босқич” ислохотларга нисбатан жадалроқ амалга ошираётган мамлакатлар гуруҳи.

**“Фалажли даволаш”** – қисқа муддатда маъмурий-бўйруқбозликка асосланган иқтисодий хўжалик фаолиятининг марказлашувини бартараф этиш, нархлар ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ёрдамида ислох қилиш.

**Босқичма-босқич** – маъмурий-бўйруқбозликка асосланган иқтисодий хўжалик фаолиятининг марказлашувини бартараф этиш, нархлар ва ташқи иқтисодий алоқаларни босқичма-босқич эркинлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ёрдамида ислох қилиш.

## Назорат саволлари:

1. Социалистик хўжалик иқтисодиётдан бозор иқтисодиётининг афзаллигини тавсифлаб беринг.

2. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига қайси мамлакатлар киради?

3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг неча хил модели шаклланган?

4. Маъмурий бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич ва радикал концепциялари ўртасидаги асосий фарқлар нималардан иборат?

5. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислохотларга хос хусусиятлар нималардан иборат?

6. МШЕ мамлакатларининг ЕИга аъзо бўлишининг ижобий ва салбий оқибатларига баҳо беринг.

7. МДХ мамлакатлари иқтисодиётига қандай хусусиятлар хос?

8. МДХ мамлакатлари иқтисодиётининг шаклланиш босқичларига баҳо беринг.

9. Ўзбекистон ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг устувор йўналишлари нималардан иборат?



### 14.1. Россиянинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари

Россияда 1992 йилдан бошлаб бозор иқтисодиётига ўтишнинг неоплиберал сиёсати – “фалажли даволаш” шакли қўлланилди. Бунда аксарият товарлар ва хизматлар нархини эркинлаштириш, давлат мулкани тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги давлат монополиясини бекор қилиш каби чора-тадбирлар амалга оширилди.

XX асрнинг 90-йилларида Россия иқтисодиёти учун ялпи ички маҳсулот ҳажми ва ишлаб чиқариш имкониятларининг қисқариши каби хусусиятлар хос бўлди. Бу даврда Россия ЯИМ 1,4 бараварга қисқарди ва 1991 йилга нисбатан 62,5% ни ташкил этди<sup>1</sup>. Миллий иқтисодиётдаги энг чуқур пасайиш қайта ишлаш саноати тармоқларида содир бўлди ва ишлаб чиқариш ҳажми икки бараварга қисқарди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши талабга салбий таъсир кўрсатди, айниқса, ярим фабрикат маҳсулотларга бўлган талаб кескин пасайди. 1990–1998 йилларда капитал қўйилмалар қиймати 4 баравар қисқарди.

Ишлаб чиқаришга йўналтирилган капитал қўйилмалар таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши кескин пасайиб, пировард маҳсулотлар (машинасозлик, енгил саноат) ишлаб чиқарувчи тармоқларда капитал қўйилмалар ҳажми қисқарди. Инвестиция жараёнлари асосан аҳолининг бой қатламига мўлжалланган уйлар қуриш соҳасида фаол олиб борилди. Россияда капитал қўйилмаларнинг ЯИМдаги улуши 1990 йилга нисбатан 2 баравар қисқариб, 15% ни ташкил этди. Ишлаб чиқаришга йўналтирилган жамғармалар эса ЯИМга нисбатан 10% га ҳам етмади. Россияда бу даврда корхоналарнинг фақат ярми ўз даромадларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирди. Жамғариш меъёри эса жаҳон меъёрларига нисбатан пасайиб кетди.

1997 йилдан бошлаб асосий фондларни янгилаш коэффициентлари уларнинг эскириш коэффициентидан ортда қола бошлади. Натижада асосий фондларнинг емирилиши ва эскириши жараёни авж олди. Техник даражанинг деградацияси янги асбоб-ускуналарнинг жами фонддаги улушининг қисқаришида намоён бўлади. Янги асбоб-ускуналар деганда 5 йилдан кам муддат давомида фойдаланилган ускуналар тушунилади. Саноат ускуналарининг ўртача ёши 10,8 йилдан 16 йилгача ўсди. Саноат тармоқларида асосий фондларнинг эскириш кўрсаткичи 46,4% дан 52% гача ошди. Корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг ярмидан ортиғи қайта таъмирлаш ва техник қайта қуроллантиришга йўналтирилди. Аммо бу маблағлар

<sup>1</sup> Ломакия В.К. Мировая экономика: учебник. /М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. С. 642.

ишлаб чиқариш қувватларини оммавий янгилашга етарли бўлмай, инвестицияларнинг умумий қиймати кескин қисқарган эди.

Иқтисодиётнинг реал тармоқларининг инкйрози ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатди. Фондлардан фойдаланиш самарадорлиги бутун иқтисодиёт миқёсида қисқарди.

Ишлаб чиқаришда талабнинг кескин қисқариши спароитида жами талаб таркибида етакчи ўринни уй хўжаликлари эгаллади ва уларнинг истеъмоли 49% дан (1991) 65% га (1999) етди. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши спароитида ялпи талабни юқори даражада ушлаб туриш даромадларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга қайта тақсимлаш орқалигина мумкин эди. Бу ҳолатга давлат ва корхоналар харажатларининг хусусийлаштирилиши орқали ва уларнинг аҳоли бой қатлами (“янги русслар”) кўлида мужассамлашиши орқали эришиш мумкин бўлди. Аммо уй хўжалиқларининг истеъмоли мутлоқ қийматда ўлчаганда қисқарди. Натижада ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги мувозанат бузилди.

Аҳоли истеъмоли 1/5 га қисқарди. Истеъмолнинг асосини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил эта бошлади. Бу турдаги маҳсулотларнинг жами истеъмолдаги улуши 52% га етди, шундан 9% и нон маҳсулотлари ҳиссасига тўтри келарди. Шу билан бирга аҳоли томонидан сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли 40-50% га қисқарди. Аҳолининг ярмида оксил ва витаминлар истеъмоли илмий асосланган меъёрдан паст даражага тушиб кетди. Бундай ҳолат озиқ-овқат маҳсулотлари қувватлилиги даражасида ҳам кузатилди. Жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси бўйича Россия жаҳонда 1990 йиллардаги 6–7 ўриндан 45–ўринга тушиб қолди. Истеъмол даражасидаги бундай кескин салбий ўзгаришлар аҳолининг асосий қисмининг даромадлари камайиб кетиши билан боғлиқ.

Россия корхоналарида ишлаб чиқариш ва тўлов қобилиятининг пасайиши натижасида илмий-техник тадқиқотларга бўлган талаб ҳам қисқарди. Бу эса илмий-техник тадқиқотларни молиялаштиришнинг қисқаришига олиб келди. Давлат бюджети ҳисобидан илм-фанни молиялаштириш 10 баравар қисқарди. НИОКРни молиялаштириш қиймагининг ЯИМдаги улуши 1992 йилдаги 0,9% дан 0,2% гача пасайди. Илмий-техник мажмуа алоҳида қисмларга бўлинди.

XX асрнинг 90-йилларида Россия иқтисодиёти учун хос бўлган хусусиятлардан яна бири “ақлнинг оқиши” жараёнининг кескин, юқори суръатларда ривожланишидан иборат. Бу даврда Россиядан кўплаб олимлар, илмий ходимлар эмиграция қилишди. Натижада қатор илмий мактаблар фаолияти тўхтаб қолди ва фундаментал фанларнинг салоҳияти пасайди. Бу эса илмий тадқиқотлар самарадорлигининг пасайишига олиб келди. Агар 1980 йилларда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг 70% и жаҳон талаблари даражасида бажарилган бўлса, 90-йилларнинг ўрталарига келиб, бу кўрсаткич 25% ни ташкил эта бошлади.

Ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва талаб таркибидаги ўзгаришлар Россия иқтисодиёти таркибининг ўзгаришига олиб келди. Бу даврда ЯИМда моддий ишлаб чиқаришнинг улуши 65% дан 41% гача қисқарди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса мутаносиб равишда ўсди. Бу жараёни чуқур таҳлиисиз ижобий натижа деб баҳолаш мумкин. Аммо иқтисодий таркиб жиҳатидан хизматлар ўзининг асосий мақсадига мос келмас эди. Хизматлар таркибида етакчи ўринни молиявий хизматлар эгаллади. Россияда бу даврдаги молия хизматларига хос муҳим хусусият – хизматларнинг асосан чайқовчилик характерига эгаллигидан иборат. Бу ҳолат мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Саноат ишлаб чиқаришининг таркиби кескин ўзгариб, унинг таркибида электроэнергетика, ёқилги қазиб чиқариш, қора ва рангли металлургиянинг улуши ўсиб, машинасозлик ва енгил саноат улуши эса аксинча кескин пасайди.

Саноат тармоқларидаги таркибий ўзгаришларга талаб таркибидаги кескин ўзгаришлар таъсир кўрсатган. Ички талабга ихтисослашган қуйидаги тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайди: машинасозлик, енгил саноат, қурилиш материаллари. Ички иқтисодий инқироз шароитида хомашё тармоқлари ва бирламчи қайта ишлаш тармоқлари тараққий этган мамлакатларнинг ички бозорларига ихтисослашди. Энг оғир иқтисодий вазият фан сифимкорлиги юқори бўлган тармоқларда ва улар билан боғлиқ бўлган ҳарбий саноат мажмуасида кузатилган. Бир қатор ишлаб чиқаришлар тўлиқ тўхтаб қолди. Жаҳон амалиётида илм сифимкорлиги юқори товарларнинг қайта ишлаш саноатидаги улуши, одатда, 6% дан паст бўлмаслиги чегаравий меъёр сифатида қабул қилинган бўлса, Россияда бу кўрсаткич 2–2,5% дан ошмади.

XX асрнинг 90-йилларида Россиянинг марказлашган режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиши минтақалардаги муаммоларнинг кескинлашувига олиб келди ва иқтисодий қолоқ минтақаларнинг рўйхати кенгайди. Иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича ҳам минтақалар ички бозордан деинтеграциялашиб, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликларини ривожлантирдилар.

Москва ва Санкт-Петербург каби йирик шаҳарларда ишлаб чиқариш омилларининг ҳаддан зиёд марказлашуви рўй берди. Россия субъектлари ўртасида иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ бир неча юз бараварни ташкил қилди.

Иқтисодий ривожланишга инфляция даражаси ҳам салбий таъсир кўрсатди. 1992–1996 йилларда истеъмол нархлари индекси 2,2 минг баравар ошди. 90-йилларнинг охирига келиб инфляция суръатлари бирмунча пасайди ва йилга 30–86% ни ташкил қилди.

Шунингдек, 90-йилларда Россия иқтисодиётида долларизация жараёни ҳам авж олди. Аҳоли кўлидаги долларлар қиймати нақд пул массаси қийматига деярли тенглашиб қолди. Хорижий валюта жамғариш

воситаси вазифаси билан биргаликда тўлов воситаси вазифасини ҳам бажарди. Бу эса миллий пул бирлигини барқарорлаштириш жараёнига салбий таъсир кўрсатди.

1990 йилларнинг охирига келиб иқтисодий вазият ўзгара бошлади. Сиёсий ҳолатнинг барқарорлашуви иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратди. Мисол учун, 1990–2000 йилларда Россияда ЯИМ ҳажми йилига ўртача 4,8% га пасайган бўлса, 2000–2004 йилларда ўртача 6,1% га ўсди.

Иқтисодиётнинг тикланиши даврида, яъни 2000–2004 йилларда ички талабнинг ЯИМ динамикасига таъсири кучайиб борди. Ишлаб чиқаришда талабнинг ўсиши жами талаб таркибида уй хўжаликлари улушининг пасайишига олиб келди. Уй хўжалиklarининг истеъмоли 1999 йилдаги 65% дан 50% гача қисқарди. Аммо уй хўжалиги истеъмолининг таркибида озик-овқат маҳсулотларининг етакчи ўрни сақланиб қолди. Аҳоли истеъмоли миқдори ва таркибига ўртача даромаднинг паст даражаси салбий таъсир кўрсатди. Аҳолининг реал даромади 2004 йилда 1990 йилга нисбатан 66% га, даромад миқдори яшаш минимумидан паст бўлган аҳолининг улуши 18,0% га етди. Бу даврда аҳоли даромадларининг дециль коэффициентни бўйича фарқланиши 15 бараварни ташкил қилди.

2000 йилда Россиянинг иқтисодий ривожланишига давлат молиясининг мустаҳкамланиб бориши хос бўлган. Давлат бюджети ижобий сальдога эга бўлиб, турли йилларда ЯИМнинг 0,3% дан 7% гача қисмини ташкил қилди. Аммо иқтисодиётда инфляция даражасининг юқори суръатлари сақланиб қолди. Россияда 2000–2005 йилларда инфляциянинг ўртача йиллик даражаси 17% ни ташкил қилди.

Шунингдек, 2000 йилларда Россия миллий валютаси – рублнинг айирбошлов курси мустаҳкамланиб борди. Бу кўрсаткич биринчи ўринда жаҳон бозорида минерал ресурслар нархларининг кескин ўсиб боришига таъсир кўрсатди. Натижада Россиянинг валюта захираси кескин ўсиб, давлатнинг ташқи қарзи эса қисқариб борди.

2004 йилга келиб саноат таркибида ёқилги энергетикаси тармоғининг улуши 21,4% ни ташкил қилди ва етакчи ўринни эгаллади. Машинасозлик тармоғи иккинчи ўринга тушиб қолди. 1990 йилда бу тармоқнинг улуши 30,3% ни ташкил қилган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 18,6% гача тушди. Озиқ-овқат саноатининг улушида ҳам қисқариш кузатилди ва 2004 йилга келиб, бу тармоқнинг жами саноат маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 13,2% ни ташкил этди.

Россия иқтисодиётидаги бундай ижобий таркибий ўзгаришлар 2008 йилга қадар давом этди. 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсир кўрсата бошлади. Ташқи ва ички омиллар таъсири остида Россия иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши кузатилди.

14.1.1-жадвалда Россия иқтисодиётининг 1993–2013 йиллардаги ривожланиш динамикаси келтирилган.

**Россия макроиқтисодий ривожланишининг кўрсаткичлари  
динамикаси (1990 йилга нисбатан %да)<sup>2</sup>**

	1993	1995	1998	2000	2005	2008	2009	2010	2013*
Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	64,9	49,7	46,2	54,2	71,2	82,1	73,2	78,8	89,1
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	82,7	67,0	56,0	62,8	73,1	86,7	87,7	78,9	92,3
Асосий капиталга инвестициялар	44,9	30,7	21,0	25,9	41,5	65,3	54,7	56,1	68,6
Аҳоли ихтиёридаги даромад	51,1	40,0	32,8	36,7	63,3	82,9	84,3	89,0	99,5

14.1.1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни олиш мумкин:

– Саноат ва қишлоқ хўжалигида 1990 йилдаги ишлаб чиқариш ҳажми даражаси ҳали тикланмаган. Яппи ишлаб чиқариш 2009 йилда саноатда 73,2% га тикланган бўлса, қишлоқ хўжалигида 87,7% га тикланган;

– жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Россия иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Бу инқироз таъсирида Россия саноатида 1990 йилга нисбатан тикланиш жараёни тўхтаб қолган бўлса, қишлоқ хўжалигида тикланиш суръатлари пасайди;

– 2013 йилда саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 89,1% ни ташкил этиши кутилаётган бўлса, қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич 92,3% га тенг бўлиши прогноз қилинмоқда;

– асосий капиталга сарфланаётган инвестицияларда кескин ўзгаришлар кузатилди. Мисол учун, 2000 йилга қадар бу кўрсаткич қисқариб борган бўлса, 2000 йилдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар ўсиш тенденциясига эга бўлди. 2009 йилда инқироз таъсири остида Россия иқтисодиётида асосий капиталга инвестициялар ҳажми кескин қисқарди;

– ҳозирда Россия иқтисодиётида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиб бориши кутилмоқда ва 2013 йилда асосий капиталга инвестициялар кўрсаткичи 1990 йилга нисбатан тахминан 69% ни ташкил қилиши кутилмоқда;

– аҳоли ихтиёридаги даромад кўрсаткичи 1998 йилдан бошлаб ўсиб борди ва бу кўрсаткич 2013 йилда 1990 йилга нисбатан деярли 100% ни ташкил қилиши кутилмоқда.

<sup>2</sup> Непитой А.С. Императив смены экономического курса. //Бизнес и банки, №08 (1037) март 2011. С. 1.

## 14.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг Россия иқтисодиётига таъсири ва инқирозга қарши чоралар дастури

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз Россиянинг макроиқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. 2008–2009 йилларда бу инқироз ишлаб чиқариш миқёси ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Ушбу даврда Россиянинг қийин иқтисодий ва ижтимоий ҳолатга тушиб қолишига ташқи омиллар сабаб бўлди. Аммо мамлакат ички иқтисодиётидаги камчиликлар ҳам инқирознинг салбий таъсирининг янада кучайишига олиб келди.

Фикримизча, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Россия иқтисодиётига таъсири куйидаги ташқи омиллар билан изоҳланади.

**Биринчидан, Россиянинг экспорт товарларига жаҳон бозоридаги талабнинг кескин қисқариши.** Россия экспортида нефть маҳсулотлари, металллар ва бошқа хомашё ресурслари етакчи мавқега эга. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё бозорида ушбу товарларга бўлган талабнинг кескин қисқариши ва жаҳон хомашё бозорларидаги нархларнинг пасайишига олиб келди. Ташқи савдодан келадиган валюта тушумларининг қисқариши мамлакат тўлов балансида салбий ўзгаришларга сабаб бўлди, давлат бюджети даромад қисми тушумларини кескин камайтирди. Буларнинг барчаси рубль айирбобшлов курсининг девальвациясини келтириб чиқарди. Жумладан, Россияда бир АҚШ доллари курси 2008 йил 16 июлда 23,12 рублга тенг бўлган бўлса, 2009 йил 19 февралда 36,42 рублга тенглашди, яъни етти ой ичида рубль курси 57,5% га девальвация бўлди. Евронинг бу даврдаги курси 34,08 рублдан 46,84 рублгача ошди – девальвация даражаси 37,4% ни ташкил этди.

Шунингдек, жаҳон бозори конъюктурасидаги кескин вазият Россиянинг асосий экспортёр корхоналари ва тармоқларининг ривожланиш динамикасига салбий таъсир кўрсатди. Товар экспорт қилувчи корхоналар даромадларининг кескин қисқариши уларни инвестиция дастурларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Бу, ўз навбатида, мазкур дастурларни амалга оширишга кўмаклашувчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига олиб келди.

**Иккинчидан, жаҳон молия бозорларидаги пасайиш ва ликвидлик билан боғлиқ муаммолар.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ликвид воситалар таклифининг кескин қисқариши Россия корхоналарида пул бозори дастакларидан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйди. Бу ҳолат Россия ички бозорида кредит олиш имкониятларининг камайиши ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўсишига олиб келди.

Инқирозга қадар Россия корхоналари қайта кредитлаш<sup>3</sup> стратегиясидан кенг фойдаланишган. Инқироз шароитида бу стратегияни қўллаш имконияти кескин чекланди. Шу сабабли ликвидлик инқирозининг

<sup>3</sup> Қайта кредитлаш деганда эски кредитлар бўйича қарсларни қайтариш учун янги кредитлардан фойдаланиш тушунилади.

таъсири натижасида Россиянинг аксарият йирик корхоналари ва банклари оғир молиявий ҳолатга тушиб қолди.

**Учинчидан, Россия иқтисодиётидан хорижий капиталнинг чиқиб кетиши.** Ҳозирги инқироз шароитида 1997 йилда рўй берган Жануби-Шарқий Осиёдаги молиявий инқироздаги каби хорижий капитал ривожланаётган бозорларни жадал суръатлар билан тарк эта бошлади.

Россиядаги макроиқтисодий ҳолатнинг ёмонлашуви хорижий инвесторларга капиталнинг мамлакат иқтисодиётидан чиқишига ундай бошлади. Натижада Россия фонд бозорининг ҳажми 4,5 бараварга қискарди. Мисол учун, РТС индекси 2008 йилда эришган максимал қийматдан (2450) минимал қийматгача (550) пасайди. Фонд бозоридаги инқироз Россиянинг йирик корхоналари капиталлашиш даражасининг пасайиши ва хорижий капиталдан фойдаланиш имкониятларининг кескин чекланишига олиб келди.

Россия иқтисодиётига юқорида келтирилган ташқи омиллардан ташқари мамлакатда мавжуд ички номутаносибликлар ва омиллар сабаб бўлган. Бу омилларга куйидагиларни киритиш мумкин.

**1. “Узоқ муддатли” пуллардан кам миқдорда фойдаланиш.** Россияда жамғариладиган пенсия тизими ривожланмаган ва замонавий суғурта тизими ҳам мавжуд эмас. Пайли фондлар нисбатан кеч шаклланганлиги сабабли ушбу фондлар инқирозга қадар етарлича молиявий ресурсларни йиғиб олишга улгурмаган. Юқорида қайд этилганларнинг барчаси Россияда қисқа муддатли пуллардан кенг фойдаланишга, ликвид воситалар тақчиллигига, молия тизими ва реал секторнинг беқарорлашувига олиб келди.

**2. Россия фонд бозорида хорижий капиталнинг етакчи мавқега эгаллиги.** Россияда молиявий инқирознинг бошланиши 2008 йилнинг август ойида хорижий инвесторларнинг чайқовчилик капитални оммавий олиб чиқиб кетишлари билан боғлиқ. Жанубий Осетия ва Абхазиядаги кескин, уруш вазияти шароитида мамлакатдан 35 млрд. доллар чиқиб кетди ва бу Россия фонд бозорлари кўрган энг катта талафот бўлди. 2008 йилда Россиядан чиқиб кетган капиталнинг умумий қиймати 130 млрд. долларни ташкил этди.

**3. Хусусий сектор ташқи қарзининг иқтисодий хавфсизлик меъёрларидан юқори бўлиши.** Хориждан катта ҳажмдаги капиталнинг корпоратив секторга кириб келиши натижасида бу секторнинг ташқи қарзи жадал суръатлар билан ўсиб борди. Охириги уч йил ичида Россияда давлатнинг ташқи қарзи кескин қисқаргани ҳолда, ушбу даврда корпоратив секторнинг ташқи қарзи ўсиб борди. Инқироз бошида корпоратив секторнинг ташқи қарзи 5055 млрд. долларни ташкил этди ва у Россия ЯИМнинг 34% га тенг бўлди. Бундан ташқари, корпорациялар ўз қарзларини қайтариш мақсадида янги кредитлар олишди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ликвид воситаларнинг

камайиши кузатилади. Шу сабабли Россия корпорациялари янги кредитлар ола олмади ва эски кредитларни қайтаришда қатор қийинчиликларга дуч келишди. Натъжада, хусусий секторнинг ташқи қарзи жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Россия иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишида асосий катализаторга айланди. 2009 йилнинг охиригача Россия корпорацияларининг хорижга қайтариши керак бўлган қарзи 160 млрд. доллардан ошиб кетди.

**4. Иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий номуносибликлар.** Саноат тармоқларининг таркибий таҳлили натижаларига биноан хомашё тармоқлари, шу жумладан дастлабки ишлов бериш билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг ҳиссасига ялпи ишлаб чиқаришнинг 60% и тўғри келади. Саноат тармоқларининг улуши эса 20% ни ташкил қилади. Умуман олганда, жаҳон бозорида Россия қатор хомашё товарлари экспорти бўйича етакчи ўринларни эгаллайди. Мисол учун, табиий газ ва нефть қазиб чиқариш бўйича биринчи, полиматериаллар ишлаб чиқариш бўйича иккинчи, ишлов берилган чўян бўйича учинчи, пўлат ишлаб чиқариш, қора металл тайёр прокати, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи, темир рудасини қазиб чиқариш бўйича бешинчи ўринларни эгалайди.

Россия саноатининг таркибий тузилиши – бу мамлакатнинг ташқи савдоси таркибида ўз аксини топган. Миллий экспортнинг 2/3 қисмидан кўпроги минерал хомашё ва яримфабрикатлар экспортига тўғри келади. Айниқса, энерго ресурсларнинг, қора ва рангли металлларнинг, ўғит ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг Россия экспортдаги улуши юқори. Табиий газ, олмос, алюминий, никель, азотли ўғитлар экспорти бўйича Россия жаҳон иқтисодиётида 1-ўринни эгалласа, нефть ва нефть маҳсулотлари, электрэнергия ва қора металл прокатининг экспорти бўйича 3–4-ўринларни эгалайди.

**5. Инфляциянинг юқори суръатлари.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар Россияда инфляция даражаси 13% га етган эди. Инфляция суръатларини пасайтиришга қаратилган монетар сиёсат, хомашё экспортдан олинган валюта стерилизацияси самара бермади.

**6. Бюджет харажатларининг юқори суръатлар билан ўсиши.** Охири йилларда Россияда бюджет харажатларининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 35% ни ташкил этди. Бу ҳолат 2003–2007 йиллар ва 2008 йилнинг биринчи ярмида катта миқдорда хорижий валютанинг оқиб келиши билан боғлиқ бўлса, бошқа йилларда давлатнинг юқори даражадаги ижтимоий ва иқтисодий мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган. 2008 йилда Россия Федерал бюджет харажатлари ЯИМнинг 2,2% и миқдоридан ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Россия бошқа мамлакатлар каби кенг миқёсда бюджет экспансиясини қўллашга мажбур бўлиши бюджет харажатларининг янада ошиб боришига олиб келди.



**7. Монетар сиёсат.** Рублнинг дефицити Россиядаги инқирознинг асосий сабаби ва муаммосидир. Россия иқтисодиётининг монетизация даражаси юқори эмас ва бу кўрсаткич 2009 йилда 40% ни ташкил қилган. Россиянинг айрим ҳудудларида банклар актив фаолият кўрсатмайди.

Россия иқтисодиётида монетизация даражасининг паст бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатнинг Марказий банк сиёсати билан боғлиқ. Россия Марказий банки инфляцияга қарши кураш мақсадида пул массасини қисқартиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга Россия банк тизими бошқа мамлакатларга нисбатан кичик. Мисол учун, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда банк тизими активларининг ЯИМга нисбати 100% ни ташкил қилса, Россияда бу кўрсаткич тахминан 61% га тенг.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бошқа мамлакатларнинг Марказий банклари пул эмиссиясини ошириш ҳисобига макроиқтисодий субъектларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга ҳаракат қилинади. Россия Марказий банки эса ХВФ тавсияларига риоя қилиб, пул массасини қисқартириш ва чекловчи пул-кредит сиёсатини қўллаш орқали инфляцияга қарши курашади. Монетар сиёсатдаги ўзгаришлар мамлакат банклари ва ташкилотлари ликвидлигининг минимал даражагача пасайишига олиб келди. Бу эса молиявий беқарорлик, талабнинг қисқаришига шарт-шароит яратди ва инфляция суръатларининг ўсиб боришига сабаб бўлди.

**8. Иқтисодиётнинг “қизиқ кетганлиги”.** Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш натижасида Россия иқтисодиётининг қизиқ кетиши қуйидагиларда намоён бўла бошлади:

- давлат харажатларининг рационал чегарадан ўтиб кетиши;
- иқтисодий ўсиш суръатлари билан бирга инфляция даражаси суръатларининг ҳам ўсиб бориши;
- хорижий капитални жалб этиш суръатларининг кескин ўсиши;
- импортнинг жадал суръатлар билан ўсиши. 2007 йилда ички истеъмолнинг ярмидан ортиғи импорт ҳисобига қондирилди;
- иш ҳақи ўсиш суръатларининг меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларига нисбатан юқори бўлиши;
- малакали ишчилар етишмаслигининг ортиб бориши;
- саноат маҳсулотлари нархларининг кескин ўсиши. 2007 йилда саноат маҳсулотлари нархларининг ўсиш суръатлари истеъмол товарлари нархларининг ўртача ўсиш суръатларидан 2 баравар юқори бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Россиянинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан амалга оширилаётган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг самарадорлигига боғлиқ. Ушбу дастурнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- инқирозга қарши чора-тадбирлар асосан бюджет сиёсати дастакларидан иборат. Бюджет харажатларининг ортиб кетиши бюджет

камомадининг ошишига олиб келади ва шу орқали мамлакатни молиявий беқарор ҳолатга олиб келиши мумкин;

– реал ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Россия ҳукумати томонидан кенг миқёсли солиқ имтиёзлари жорий қилинди. Қабул қилинган солиқ имтиёзлари асосан бевосита солиқларга тегишлидир. Билвосита солиқларнинг камайтирилмаганлиги истеъмолчилар харид қобилиятининг пасайишига олиб келади. Чунки бевосита солиқлар ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланса, билвосита солиқлар истеъмолчилар томонидан тўланади. Бу эса яппи талабнинг камайишига олиб келиши мумкин;

– кредит тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан тижорат банкларига катта миқдордаги молиявий ресурслар ажратилди. Аммо бу ресурслардан фойдаланиш қаттиқ назоратга олинмаганлиги учун банкларнинг кредит бериш фаолиятида сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмади. Россия тижорат банклари давлат томонидан ажратилган ресурсларни асосан қатъий валюта харид қилишга сарфлашди;

– Россияда давлат ва банклар томонидан йирик корхоналарга бевосита молиявий ёрдам кўрсатилди. Аммо бу ёрдамнинг самарадорлиги паст даражада деб баҳоланмоқда. Чунки ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий муаммоси молиявий ресурслар етишмаслигида эмас, балки иқтисодий механизмларнинг амал қилиш тамойиллари бузилганлигидан иборат. Бундан ташқари, бир қатор корхоналарнинг самарадорлиги инкироздан олдин ҳам паст даражада бўлган. Бунга Россия автомобилсозлиги ёрқин мисол бўла олади. Бундай шароитда қўшимча молиявий ёрдамсиз корхоналарнинг самарадорлигини ошириб бўлмайди;

– миллий валютани босқичма-босқич девальвация қилиш. Бу сиёсат аҳолига валюта рискларидан суғурталаниш имкониятини берди ва рублнинг девальвацияси орқали Россия ҳукумати импортни чеклаш ва экспортни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилди. Бошқа тарафдан, девальвациянинг секинлик билан амалга оширилиши молия бозоридаги вазиятни мураккаблаштирди ва мамлакатнинг олти-валюта захираларининг кескин камайишига олиб келди. Мисол учун, Россиянинг олтин-валюта захиралари 2008 йил 1 августдан 2009 йил 1 мартгача 35,7% га камайди, яъни 7 ой давомида валюта курсини барқарорлаштиш учун 212,8 млрд. доллар сарфланди. 2009 йилда эса Россия миллий валютаси қадрининг ўсиши кузатилди ва 2009 йил 19 февралдан 2009 йил 19 ноябргача рубль курси бир АҚШ долларига нисбатан 36,42 рублдан 28,71 рублгача пасайди.

Россиянинг молиявий-иқтисодий инкироздан чиқishi ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш устун даражада ҳозирда амалга оширилаётган модернизация сиёсатининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Россия иқтисодиётини модернизациялаш икки муҳим компонентни ўз ичига олади: а) мамлакат ичида инновацион ва технологик кашфиётлар, янгиликларни яратиш; б) иқтисодиётнинг реал секторида фойдаланиш

учун юқори технология ва ускуналарни самарали импорт қилиш. Мамлакатда инновацион фаолият ривожлана борган сари инновацияни импорт қилишдан ички ишлаб чиқаришга ўтиш керак. Технологиянинг йирик истеъмолчисидан, технология сотиладиган бозордан жаҳон бозорига глобал юқори технология етказиб берувчи мамлакатга айланиш зарур.

Россия ҳукуматининг фикрича, иқтисодийetni модернизациялаш ғояси қуйидаги беш устувор йўналишга эга:

- самарали ёқилги ва янги турдаги ёқилгини ишлаб чиқариш;
- тиббийет технологиялари ва фармацевтика;
- ядро энергетикаси;
- инфорацион технология;
- космос ва телекоммуникация.

Модернизациялаш дастурининг пировард самараси устун даражада жамият элитасининг инновацион ўзгаришлар жараёнига реал жалб этилишига боғлиқ. Ушбу сиёсатнинг муваффақияти давлатнинг бизнес ва жамият билан ҳамкорлиги даражасига боғлиқ.

Россиядаги модернизациялашнинг мақсади аҳолининг ижодий ва тадбиркорлик қобилиятини тўлиқ намоён этувчи, ҳамма учун баравар имконият яратувчи иқтисодий муҳитни, рақобатбардош, диверсификациялашган иқтисодийetni яратишдир.

Россияни модернизациялаш – бу мамлакатни янги индустриалаштиришдан иборат бўлиб, асосий фондларни тубдан янгилаш, харажатларни оптималлаштириш, замонавий технология ва бошқарувни фаол жорий этиш асосида уни дунёдаги энг йирик саноат маҳсулотини экспорт қилувчи 10 та мамлакат қаторига қўшишни таъминлашдан иборат. Модернизациялаш муваффақиятини белгилаб берувчи кўрсаткич сифатида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик даражаси хизмат қилиши лозим. Шундай қилиб, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш стратегияси инновацион ривожланиш ва модернизациялашнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

### **14.3. Россия иқтисодийетининг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни ва ривожланиш истиқболлари**

Россия иқтисодийети халқаро меҳнат тақсимотида ўзига хос ўрин эгаллашига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- корпоратив стратегия ва амалиёт соҳаси – инвестиция салоҳияти, товар дизайни, юқори қўшилган қиймат занжирининг мавжудлиги;
- тадбиркорлик муҳити – сифатли илмий тадқиқотлар, ривожланган темир йўл инфратузилмаси, юқори малакали илмий ва муҳандис ходимларларнинг мавжудлиги.

Шу билан бирга юқорида келтирилган омилларнинг жаҳон иқтисодийетининг ўсишига таъсири нейтраль ёки салбий бўлган. Мутахассислар

фикрича, Россия иқтисодиёти учун энергетика, транзит, аграр тармоқлар, технологиялар каби соҳалар устувор ҳисобланади. Россия авиасозлик, кемасозлик, энергомашинасозлик ва ахборот технологиялари каби тармоқларда технологик устунликка эга. Россия инновация тизими авиация, ракета-космос, электроника, алоқа воситалари саноати, радио саноат, курол-яроғ ишлаб чиқариш, атом кемасозлиги, атом энергетика мажмуалари, кимё ва фармацевтика тармоқларини ўз ичига олади.

Россия халқаро савдода фаол иштирок этади. Унинг ташқи савдо квотаси 50% дан ошади. Россия экспорт квотаси 1990 йилда 18% ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 30% дан ошди. Бу ҳолат Россия иқтисодиётининг ривожланишида ташқи иқтисодий алоқалар муҳим ўрин эгаллашидан далолатдир.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Россия ташқи савдосига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Агар инқирозга қадар жаҳон савдо айланмасининг 2,0% и Россия ҳиссасига тўғри келган бўлса, инқироз шароитида унинг улуши 1,4% гача пасайди. Инқироз таъсирида мамлакат ташқи савдо айланмаси 36,2% га қисқарди. Россияда амалга оширилган инқирозга қарши чора-тадбирлар натижасида 2010 йилда ташқи савдо айланмасининг ҳажми тикланишни бошлади ва йил якунида 625,4 млрд. долларни ташкил этди.

Россиянинг олтин-валюта захираси ҳажми ташқи савдонинг ижобий сальдоси ҳисобидан ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 2009 йилда Россия ташқи савдо сальдоси 2008 йилга нисбатан 37,0% га қисқарган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 154,0% га ўсиб, 167,4 млрд. долларни ташкил этди. Ўз навбатида, экспорт ҳажми 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 35,5% га пасайгани ҳолда, 2010 йилда 131,0% га ўсди. Бундай ҳолат ва ўсиш динамикаси Россия импортида ҳам кузатилади. Жумладан, Россия импорти 2009 йилда 35,6% га қисқарган бўлса, 2010 йилда 118% га ўсиб, 229 млрд. долларга тенг бўлди (14.3.1-жадвал).

14.3.1.- жадвал

**Россиянинг ташқи савдоси айланмаси динамикаси,  
1995–2010 йй. (млрд. долл.)<sup>4</sup>**

	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Ташқи савдо айланмаси	145	149,9	369,2	468,6	578,2	763,5	495,2	625,4
Экспорт	78,2	103,1	241,5	301,2	351,9	467,6	301,7	396,4
Импорт	66,8	46,8	127,7	167,4	226,3	295,9	193,5	229
Савдо баланси сальдоси	11,4	56,3	113,8	133,8	125,6	171,7	108,2	167,4

<sup>4</sup> Ливецкий А.Ф. Внешнеэкономическая деятельность регионов России в постцентрализованной экономике // Международная экономика №11, 2011. С.78.

Россиянинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни ёқилғи-энергетика мажмуаси билан белгиланади. Бу ҳолат унинг ташқи савдосида ҳам ўз аксини топган. Россия экспортида минерал хомашёлар етакчи мавқега ва ўсиб бориш тенденциясига эга. Таҳлиллар кўрсатишича, 1995 йилда Россия экспортининг таркибида минерал хомашёлар улуши 42,5% ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда ушбу кўрсаткич 68,4% га тенг бўлди. Агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хомашё ресурсларининг нархи кескин пасаймаганида Россия экспорти таркибида минерал ресурслар улуши янада юқори бўларди. Жаҳон бозорларида ёқилғи энергетика маҳсулотлари нархининг пасайиши туфайли Россия экспорти таркибида бу маҳсулотлар улушининг 2008 йилга нисбатан 1,4% га камайишига сабаб бўлди. Россия экспорти таркибида машинасозлик, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларининг улуши камайиб бормоқда. Агар бу турдаги маҳсулотларнинг Россия экспортидаги улуши 1995 йилда деярли 10,2% ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бир қатор салбий омиллар таъсири остида бу кўрсаткич 5,4% гача камайди (14.3.2-жадвал).

#### 14.3.2.- жадвал

#### Россия ташқи савдосининг товар таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>5</sup>

	Экспорт			Импорт		
	1995	2000	2010	1995	2000	2010
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хомашёси	1,8	1,6	2,2	28,1	21,8	15,9
Минерал хомашёлар	42,5	53,8	68,4	6,4	6,3	2,3
Кимё саноати маҳсулотлари, каучук	10,0	7,2	6,2	10,9	18,0	16,1
Тери хомашёси	0,4	0,3	0,1	0,3	0,4	0,5
Ёғоч ва целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари	5,6	4,3	2,4	2,4	3,8	2,6
Текстиль, текстиль маҳсулотлари ва пойафзал	1,5	0,8	0,2	5,7	5,9	6,2
Металлар, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмлар	26,7	21,7	12,8	8,5	8,3	7,4
Машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари	10,2	8,8	5,4	33,6	31,4	44,4
Бошқа товарлар	1,3	1,5	2,3	4,1	4,1	4,6

Россиянинг машинасозлик, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларининг жаҳон бозоридаги улуши 0,4% ни ташкил қилади. Аммо Россиянинг бу турдаги маҳсулотлар экспортининг 40% ини ҳарбий техника маҳсулотлари ташкил қилади. Жумладан, 2009 йилда ҳарбий

<sup>5</sup> Россия в цифрах. 2011: Крат. Стат. Сб./Росстат. –М., 2011. С. 552–555.

техника маҳсулотларининг жами машиносозлик, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари экспортидаги улуши 61,2% ни ташкил қилди. Россиянинг ҳарбий техника маҳсулотлари экспортида авиацион ҳарбий техниканинг улуши юқори. Бу кўрсаткич турли йилларда 50% дан 60% гача ўзгариб туради. Ҳарбий сув транспорт воситаларининг ҳарбий техника экспортидаги улуши эса 19% ни ташкил қилади<sup>6</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳарбий техника ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича Россия жаҳон бозорида юқори даражада рақобатбардош деб ҳисобланади. Узоқ давр мобайнида Россия жаҳон бозорида бу турдаги маҳсулотларнинг алоҳида ўрнини сақлаб қолмоқда. Унинг бу бозордаги асосий рақобатчилари қаторига АҚШ, Германия, Франция ва Буюк Британияни киритиш мумкин. 2009 йилда жаҳон бозорида Россия ҳарбий техника бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллади. Жаҳон экспортида ҳарбий техника бўйича АҚШнинг улуши 38% ни ташкил қилса, Россиянинг улуши 14% га тенг бўлди.

Аммо Россия экспортида бирламчи қайта ишлаш маҳсулотларининг катта улуши ва бундай маҳсулотларнинг жаҳон бозори конъюнктурасида нархларнинг кескин тебраниши Россия иқтисодиётининг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга Россиянинг бир қатор тармоқларининг ва ички истеъмолчиларининг импортга боғлиқлигини кузатиш мумкин. Бу ҳолат айниқса машинасозлик ва техника маҳсулотларининг импортида кенг ривожланган. Машинасозлик ва техника маҳсулотларининг Россия импортидаги улуши 2008 йилда деярли 53% га етган. Жаҳон бозорида нархларнинг пасайиши сабабли 2010 йилда машинасозлик ва техника маҳсулотларининг Россия импортидаги улуши 44,4% гача пасайди. Шунингдек, Россия импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши нисбатан юқори бўлиб, 2010 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти 2009 йилга нисбатан 1,2% га ўсгани ҳолда импортдаги улуши 15,9% ни ташкил қилди.

Бундан ташқари, фан сиғимкорлиги юқори бўлган товар ва хизматлар бозорида Россиянинг улуши жуда ҳам кам. Россияда фан сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар экспортининг қиймати 2000–2006 йилларда 2 баравар ошганига қарамадан, бу турдаги товар ва технологияларнинг мамлакат экспортидаги улуши 2,7% ни ташки қилади. Бу турдаги маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги АҚШ улуши 24,9% ни, Европа Иттифоқининг улуши 15% ни ва Япониянинг улуши эса 13% ни ташкил қилса, Россиянинг улуши 0,3–0,4% га тенг. 2009 йилда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича Россия 160 та мамлакат орасида 80-ўринни эгаллади.

Фан сиғимкорлиги юқори бўлган жаҳон хизматлар бозорида Россиянинг улуши катта эмас. Бу кўрсаткич 1% дан ҳам кам. Компьютер

<sup>6</sup> Райская Н., Рашина Л., Сергиенко Я., Френкель А., Мальцева И., Баранов Э. Экономика в 2009–2 011 гг. //Экономист, №8, 2010. С. 42.

ва ахборот хизматлари экспорти ҳажми бўйича Россия Ҳиндистондан 38 баравар, АҚШдан 20 баравар ва Хитойдан 4,5 баравар ортда қолмоқда. Таълим хизматлари жаҳон бозорида эса Россиянинг улуши 0,25 га етмайди. The Economist Intelligence Unite хулосасига биноан Россия интернет-таълими бўйича 55-ўринни эгаллади. Шу сабабли экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва уни технологик янгилаш муаммоси Россия учун энг долзарб муаммолардан биридир. Ушбу муаммони ҳал этмасдан Россия иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилигини ошириб бўлмайди.

Мамлакатнинг халқаро капитал миграциясидаги ўрнини таҳлил қилиш учун бу мамлакатда амалга оширилган капитал экспорти ва импортини ички инвестициялари билан таққослаш зарур. 2010 йилда Россияда хорижий инвестициялар (54 млрд. долл.) асосий капиталга йўналтирилган жами инвестицияларнинг 12,9% ини ташкил қилди. Одатда, миллий иқтисодиёти Россия билан таққосланадиган БРИКнинг бошқа мамлакатларида бу кўрсаткич кичикроқ қийматни ташкил қилган. Мисол учун, бу кўрсаткич Хитойда 8% ни, Ҳиндистонда 7% ни, Бразилияда 15% ни ташкил қилган. Жамғарилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қиймати бўйича ҳам Россия иқтисодиёти Хитой ва Бразилия иқтисодиётлари билан бир хил даражада туради. ЮНКТАД маълумотларига кўра, Россияда бу кўрсаткич 324 млрд. долл. га етган бўлса, Хитой ва Бразилияда 328 млрд. долларни ташкил қилди. Россия Банки маълумотларига баноан Россияда жамғарилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг қиймати 491 млрд. долл. ни ташкил этди. Росстат маълумотларига кўра, бу инвестицияларнинг 75% и Кипр, Люксембург, Антил ва Виргиния ороллари каби офшор марказлар ҳиссасига тўғри келади (14.3.3-жадвал).

Россиядаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аксарият қисми ёқилғи-энергетика, озиқ-овқат ва савдо тармоқларида концентрациялашган. Шунингдек, кредит-молия соҳасида ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўп жамғарилган. Албатта, бу кўрсаткичлар 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири остида кескин ўзгарган.

Россиянинг етакчи ТМКлари ўз инвестицияларини асосан Европа Иттифоқига, АҚШга, МДҲ мамлакатларига ва офшор хуудларга йўналтиришади. Тармоқ таркиби бўйича Россия ТМКлари ўз инвестицияларини асосан ёқилғи-энергетика, металлургия, кимё мажмуаларига ва ўрмон хўжалигига йўналтиришади. Россия ТМКлари филиллари учун бундай ихтисослашувнинг ҳослиги, уларнинг бош қорхоналари ҳам айнан шу тармоқларда етакчилик қилишлари билан боғлиқ.

Ҳар қандай мамлакатнинг ташқи мажбуриятларининг муҳим қисмини ташқи қарзлар ташкил қилади. 2008 йилнинг ўрталарида бу кўрсаткич Россияда 527 млрд. долларни, яъни ЯИМнинг 49% ини ташкил қилган. Аммо ташқи қарзларда давлатнинг улуши жуда паст кўрсаткичдан иборат бўлган. Бу даврда давлатнинг ташқи қарзи 39 млрд. долларга тенг бўлгани

холда, Россия банклари ва корхоналарининг ташқи қарзлари 488 млрд. долл. га етган.

14.3.3- жадвал

**Россия иқтисодиётига жалб этилган ва четга чиқарилган хорижий инвестициялар таркиби, 2010 й.<sup>7</sup>**

	Россиядан четга чиқарилган, жамғарилган инвестициялар, жамига нисбатан %да				Россия иқтисодиётига жалб этилган, жамғарилган хорижий инвестициялар, жамига нисбатан %да			
	Жами	Тўғридан-тўғри	Портфель	Бошқа	Жами	Тўғридан-тўғри	Портфель	Бошқа
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100
Оффшор мамлакатлар ва худудлар	—	—	—	—	—	—	—	—
шу жумладан:								
Кипр	20,7	38,5	19,4	8,9	23,9	26,4	22,7	17,5
Люксембург	11,7	0,6	2,3	19,6	1,6	0,8	0	4,0
Швейцария	—	—	—	—	9,5	4,4	0,4	25,1
Виргин ороллари	2,5	3,5	12,3	1,3	6,8	3,2	28,1	12,4
Хорижий оффшор тармоғига эга мамлакатлар	—	—	—	—	—	—	—	—
шу жумладан:								
Нидерландия	13,5	1,9	0	10,3	24,8	34,3	1,4	4,1
Буюк Британия	7,2	3,0	50,2	7,8	3,9	4,1	0	4,1

Шунингдек, Россия халқаро ишчи кучи миграциясида ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Мамлакат асосан ишчи кучини импорт қилади. Мигрантлар сони бўйича Россия жаҳон хўжалигида АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Жумладан, 2010 йилда Россияда 12,3 млн. иммигрант истиқомат қилган. Россия асосан ишчи кучини Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларидан жалб қилади. Россияда 2010 йилда 1246,9 минг киши МДҲ мамлакатларидан ва 392 минг киши бошқа мамлакатлардан келиб ишлаган. 2010 йилда мамлакатда ишлаётган хорижлик ишчилар улуши қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноати тармоқларида 15,5% ни, қишлоқ хўжалигида 9,1% ни, транспорт ва алоқа тармоғида 4,3% ни ташкил этди<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> Булатов А. Россия в международном движении капитала: сравнительный анализ // Вопросы экономики, №8, 2011. С. 70.

<sup>8</sup> Щербачова Е. В 2010 году в Россия легально трудилось 1641 тысяча иностранных работников. // Демоскоп Weekly, №315–3161. 20.12.2008.



Бундан ташқари, Россия меҳнат ресурсларини ҳам экспорт қилади. Бунда иммигрантларнинг катта қисми Кипр, АҚШ, Мальта, Либерия ва Германияга миграция қилган. Меҳнат шартномаси бўйича эмиграция қилган россияликларнинг ярмидан кўпроғи “қулай байроққа” эга денгиз кемаларида ишлаш учун мамлакатни тарк этган.

**Россия ва ЖСТ.** Россиянинг ЖСТга қўшилиши бўйича ишчи гуруҳ ҳисоботи 2011 йил 16 декабрда ЖСТ вазирлар конференцияси томонидан маъқулланди. Бу – Россия ва ЖСТ ўртасида 18 йил давомида олиб борилган музокараларнинг яқунланганлигини билдиради.

ЖСТга аъзо бўлиш учун Россия ҳукумати ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олди:

– ҳукумат хусусийлаштириш дастурининг транспортлигини таъминлаш мажбурияти – ҳукумат Россиядаги хусусийлаштириш жараёни ҳолати тўғрисида ҳар йили ЖСТга ҳисобот бериши лозим бўлади;

– Россиянинг табиий газ дистрибуторлиги билан боғлиқ фаолияти фақат тижорат характерига эга бўлиши зарур;

– Россия “Аэрофлот”га экспорт ва импортнинг ҳажми ва йўналишига таъсир кўрсатадиган махсус ҳуқуқларни тақдим этишдан воз кечди;

– Россия шакар билан савдо қилишни эркинлаштириш мақсадида бу товарга тегишли тариф режимини 2012 йилда ислоҳ қилиши керак;

– мамлакатда товарлар экспорти ва импортидан ундириладиган солиқ ва йиғимларга қўшимча сифатида қўлланилувчи ва кўрсатилган хизматларнинг қийматини акс этирувчи тўловлар қиймати чекланиши керак. Россияда божхона расмийлаштируви учун тўловлар 30 000 рубль миқдоридида чеклаб қўйилиши кутилмоқда;

– “товарларни географик идентификациялаш” режимини ислоҳ қилиш мақсадида Фуқаролик кодексининг 1516-бандига ўзгартириш киритилиши зарур. Мутахассислар фикрича, бу ўзгариш Россияда шампань вносини ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин;

– Россия ҳукумати 2002 йилда қабул қилинган ва ҳозирда авиатехника импортида қўлланилувчи имтиёзли лизинг дастурини бошқа товарлар импортида ҳам қўллашга рухсат бериши керак.

Музокаралар давомида Россиянинг бошқа интеграцион блоклардаги фаолияти ҳам ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Россиянинг ёпиқ интеграцион блоклар қаторига кирувчи Божхона Иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий ҳудуди каби ташкилотларга аъзолиги ЖСТга кириш жараёнининг қийин кечиши сабабларидан бирига айланди. 2010 йилда Россия ҳукумати ЖСТга Божхона Иттифоқига аъзо бўлган мамалкатларнинг ҳаммаси биргаликда киришини эълон қилди. Кейинчалик Россия бошқа йўлдан боришга мажбур бўлди ва ҳозирда бу соҳада қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олган:

– Божхона иттифоқи доирасида Россия ЖСТ меъёрларига тўғри келмайдиган мажбуриятларни ўз зиммасига олмайди;

– Божхона иттифоқида Россия деярли ЖСТ агенти вазифасини ўтайди. Чунки Божхона иттифоқидаги муҳокамаларда Россия ЖСТ аъзоларининг тақсифларини тақдим этиши керак бўлади.

Россия узок давом этган музокараларда божхона божларини босқичма-босқич ислоҳ этиш ҳуқуқига эга бўлди. 14.3.4-жадвалда Россиянинг кейинги 8 йилда божхона божлари бўйича амалга ошириши керак бўлган ўзгартиришлари келтирилган.

14.3.4- жадвал

**Россия импортидаги савдо тўсиқларини камайтириш режаси<sup>9</sup>**

Йил	Озиқ-овқат товарлари	Ставкалар		Йил	Саноат товарлари	Ставкалар	
		Жорий	Янги			Жорий	Янги
2012	Мол гўшти	15	0	2013	Дизелли двигатель	5–10	2–9
2013	Гуллар	15	5	2014	Руда ва ўғит	10	3–6,5
2014	Мевалар	5–10	0–5	2015	Металл прокати ва компьютерлар	10–20	1,5–10
	Сабзавотлар	15–18	10–15	2016	Профном ва бутли қозонлар	15	7,5
2015	Сут	20–25	10–15	2017	Музлаткичлар ва мотоцикллар	20	10–15
	Шарбатлар	15	10	2018	Этиленгликоль, портловчи моддалар	10–20	5,5–6,5
2016	Спиртли ичимликлар	20	12,5	2019	Эски ва янги автомобиллар (5–7 йил хизмат қилган автомобиллар)	25	20
2017	Пивлоқ	15–25	0				
2018	Пиво	0,06 евро	0,018 евро				
2020	Чўчка гўшти	65	25				

Демак, Россия ташқи савдо сиёсатини ЖСТ меъёрларига тўлиқ ўтказиш учун 8 йил талаб қилинади. Бу даврда озиқ-овқат маҳсулотларида импорт божининг кескин пасайиши гўшт ва гўшт маҳсулотларига тааллуқлидир. Агар 2012 йилда мол гўшти импортидан ундириладиган бож 15% дан 0% гача туширилса, 2020 йилга келиб чўчка гўшти импортидан ундириладиган бож 65% дан 25% гача туширилади. Саноат маҳсулотлари импортида божхона божлари ўртача деярли икки баравар пасайтирилади. Бундай ўзгаришларда Россиянинг ички ишлаб чиқарувчилари инқирозга учрамасликлари учун ўз фаолиятлари самарадорлигини оширишлари керак

<sup>9</sup> Бутрия Д., Нетреба П., Сапожков О. Обязательства длительного срока хранения. //Коммерсант, №238, 20.12.2011. С. 6.

бўлади. Бу ислохотларнинг натижасида Россиянинг жаҳон бозоридagi ўрни қатор товарлар бўйича ўзгариши мумкин.

Шунингдек, Россия ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида бир қатор мажбуриятларнинг шартли кўринишига эга бўлишга эриша олди. Мисол учун, қора ва рангли металллар ва мис катодлари бўйича музокаралар боши берк кўчага кириб қолганди. Шу сабабли Россиянинг ЖСТга аъзо бўлишида бу турдаги товарлар бўйича Россиянинг мажбурияти шартли кўринишга эга. Актга биноан Россия ЖСТга аъзо бўлгандан кейин юқорида айтиб ўтилган товарлар бўйича экспорт божларини оширадиган бўлса, бошқа аъзо мамлакатлар икки томонлама ва кўп томонлама мажбуриятларининг бир қисмидан воз кечишлари мумкин бўлади.

Демак, Россия ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида ўз зиммасига катта мажбуриятларни олди ва шу сабабли мамлактнинг ЖСТга аъзо бўлиши унинг кейинги макроиқтисодий ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини баҳолаш муаммоли масаладир.

#### **14.4. Ўзбекистон ва Россия иқтисодий алоқаларининг ривожланиши**

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари иккала мамлакат ўртасида 1992 йил 20 мартда ўрнатилган дипломатик муносабатлардан кейин бошланди. Ўзбекистон ва Россия ўртасида иқтисодий муносабатлар узок муддатли стратегик аҳамиятга эга. 1991 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон ва Россия ўртасида 160 дан ортик халқаро шартнома ва 40 дан ортик бошқа хужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Россия иқтисодий алоқалари икки ва кўптомонлама келишувлар асосида амалга оширилади. Икки томонлама келишувларнинг асосини 1992 йил 13 ноябрда қабул қилинган “Савдо муносабатлари тўғрисидаги” келишув ташкил этади.

Россия Ўзбекистоннинг стратегик савдо ҳамкорларидан ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида савдо муносабатлари жадал суръатларда ривожланиб бормокда. 2000 йилдан бошлаб ўзаро йиллик савдо айланмаси 1 млрд. доллардан ошиб кетди. Жумладан, 2000–2010 йилларда Ўзбекистон ва Россия ташқи савдо айланмаси 6,3 мартага ошди. Ўзбекистон экспортёрлари учун Россия ички бозори катта аҳамият касб этади. 2010 йилда икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 6,371 млрд. долларни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 43,4% га ўсди, Ўзбекистон экспортида Россиянинг улуши 34,0% ни, импортда эса 22,0% ни ташкил этди (14.4.1-жадвал).

Ўзбекистон Россияга озик-овқат маҳсулотлари, автомашиналар, кимё саноати маҳсулотлари ва пластмасса, рангли ва қора металллар (кўрғошин, мис, вольфрам, молибден), кабель, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган турли хил техник воситалар, хизматлар, пахта толаси, табиий ёқилғи, нефть маҳсулотлари, сабзавотлар, газлама, пахта калаваси, жун, мева ва

Ўзбекистон ва Россия ташқи савдо айланмаси, млн. долл.<sup>10</sup>

	2000 й.	2005 й.	2010 й.
Ташқи савдо айланмаси	1010,3	2062,8	6371,0
Экспорт	545,5	1027,7	4435,1
Импорт	464,8	1035,1	1935,9
Ташқи савдо қолдиғи	80,7	-7,4	2499,2

сабзавотдан қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилади. Охириги йилларда Ўзбекистон экспортининг таркибида енгил автомобиллар (1,5–2 марта), мева ва поллиз экинлари (5), полиэтилен (2), тайёр текстиль маҳсулотлари (1,4–1,5), трансформаторлар (2), паст вольтли аппаратлар (1,5), қувур (1,5), ҳаво транспорти (1,7), туризм (1,4) улуши ортиб бормоқда. Мисол учун, 2010 йилда Россияга 74 419 та енгил автомобиль экспорт қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 25% ортиб 92 778 тани ташкил этди<sup>11</sup>.

Ўзбекистон Россиядан механик ускуналар, хизматлар, электр асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, каучук ва резина маҳсулотлари, оптик асбоб-ускуналар, фармацевтика маҳсулотларини импорт қилади.

Ўзбекистонда Россиянинг капитали иштирокида 300 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида кўплаб инвестицион лойиҳалар бўйича келишувлар имзоланган ва амал қилмоқда. Қуйидагилар шулар жумласида: Успортда геология қидирув ишларини олиб бориш лойиҳаси – 105 млн. долл. («Газпром» ОАЖ), Хаузақда Қандим конини ўзлаштириш – 100 млн. долл. («Лукойл»), «Уздунробита» компаниясида уяли алоқа тизимини кенгайтириш – 98 млн. долл. (МТС).

Ўзбекистонда 714 дан ортиқ (800 млн. доллардан ортиқ устав фондига эга) кўшма ва соф Россия капиталига асосланган корхоналар фаолият олиб боради.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида 2009–2013 йилларга мўлжалланган гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкентда М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академияси, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасида 2008–2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури амал қилмоқда.

Шу билан бирга ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ хўжалиги, автомобиль ва темир йўл машинасозлиги соҳаларида ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари.

<sup>11</sup> Эксперт, №4, 2012. С. 80.

## Асосий тушунчалар

**Градуализм** – бир иқтисодий тизимдан иккинчисига кескин ўзгаришларсиз, босқичма-босқич ўтиш қонуниятларини ўрганувчи илмий оқим.

**“Янги русслар”** – Россияда 1990 йилларда давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши оркали катта бойликка эга бўлган ижтимоий қатлам.

**Янги асбоб-ускуналар** – беш йилгача фойдаланилган асбоб-ускуналар.

**Қайта кредитлаш** – эски кредитлар бўйича қарзларни қайтариш учун янги кредитлардан фойдаланиш.

**РТС индекси** – Россияда 50 та юқори капиталлашиш даражасига эга компания қимматбаҳо қоғозлари асосида ҳисобланадиган фонд индекси.

**Иқтисодиётнинг “қизғиб кетиши”** – иқтисодий ўсишни кўллаб-қувватлаш натижасида давлат харажатларининг рационал чегарадан ўтиб кетиши, юқори инфляция даражаси, хорижий капитал ва импортнинг жадал суръатларда ўсиши, малакали ишчилар етишмаслиги, sanoat маҳсулотлари нархларининг кескин ўсиши.

### Назорат саволлари:

1. Россия иқтисодиётига хос хусусиятлар нималардан иборат?
2. Россия иқтисодиётининг таркиби қандай?
3. Россия иқтисодий ислохотлари градуализм ёки “фалажли даволаш” моделларининг қайси бирига тааллуқли?
4. Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши мамлакат иқтисодиётининг қайси тармоқларига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкин?
5. Россия ташқи савдосининг таркиби қандай кўринишга эга?
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Россия иқтисодиётига таъсирини баҳолаш.
7. Россия ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурининг устувор йўналишлари нималардан иборат?
8. Ўзбекистон ва Россия иқтисодий алоқаларининг ҳолати ва таркибига баҳо беринг.

## **15-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЧУҚУРЛАШУВИ**

### **15.1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “ўзбек модели”: моҳияти, принциплари ва босқичлари**

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ва инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилди.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз Президенти И.Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади ва вазифалари, уларни амалга ошириш йўллариининг аниқ ҳамда тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Мустақил давлатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ҳамда янгилашдан асосий мақсад республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантиришдан иборат, деб белгиланди.

Ўзбекистонда ушбу вазифалардан кўзланган мақсад мамлакат аҳолиси учун яшаш ва фаолият кўрсатишга зарур шароитлар яратиш, уларнинг маънавий, ахлоқий етуқлигига эришиш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг мустақил ривожланиш йўлини танлади ва иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга киришди. Бу жараёнда қисқа давр мобайнида шундай ривожланиш йўли учун пойдевор яратилди. Бунга кўра бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили Республикаимиз Президенти томонидан тақлиф қилинди.

Тараққиётнинг «ўзбек модели» куйидаги тамойилларга асосланади:

1. Иқтисодиётни мафқурадан холи этиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланиши.

2. Давлат бош ислоҳотчи, иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори.

3. Қонун устуворлиги, қонун олдида ҳамманинг бараварлиги ва ҳамманинг қонунга бўйсунуши.

4. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсат юритиш, аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг устуворлиги.

5. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш.

Ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида юз бераётган ислохотларни янада янги поғонага кўтаришдан иборатдир.


Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, "... айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда"<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида МДХдаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўйилмасликка эришди. 1991–1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши, МДХ давлатлари ўртасида энг паст кўрсаткич – 18,8% ни ташкил этди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич Россияда – 53%, Украинада – 52%, Беларусда – 54,6%, Қозоғистонда эса 75,4% га тенг бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1997–2003 йилларда йилига ўртача 3,8–5,2 % иқтисодий ўсиш суръатлари билан ривожланди. Қулай инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёنла-рининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2005 йилдан эътиборан йилига 7–9% даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади (15.1.1-диаграмма).

15.1.1-диаграмма.

**ЙИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>2</sup>**




<sup>1</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтирош, халқамиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 4-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард АҚШ долларидан 92,3 миллиард АҚШ долларигача ошди (15.1.2-диаграмма).

15.1.2-диаграмма.

**Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш суръати ва харид қобилияти паритети бўйича ҳажмининг ўзгариши, 1990- 2010 й<sup>3</sup>**



Кулай инвестиция муҳитининг яратилиши, инвестициялар оқимининг кучайиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларининг амалга оширилишини таъминлади. Хусусан, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича амалга оширилган сиёсатнинг натижаси сифатида 2000–2010 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30,1% дан 17,5% га камайиб, саноатнинг улуши 14,2% дан 24% га, хизматлар улуши эса 37% дан 49% га ўсганлигини кўрсатиш мумкин.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Харид қобилияти паритети мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди<sup>4</sup>.

1992–1994 йилларда истеъмол нархларининг ўртача ойлик ўсиши 21–23% ёки ўртача йиллик ўсиши 1000 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб миллий валютанинг муомаллага киритилиши, мустақил бюджет-солиқ сиёсатининг амалга оширилиши, нархларни эркинлаштириш жараёнининг ниҳоясига

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогноزلари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 15-б.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқамиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 5-б.



етказилиши ва шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар истеъмол нархлари инфляциясини 7–8% га тушириш имконини берди, бу эса қулай инвестиция муҳитини яхшилаш ва инвестицияларни рағбатлантиришдаги муҳим омиллардан бири бўлди.

Инвестицион фаоллик кўрсаткичлари кейинги йилларда инвестиция муҳитининг сезиларли даражада яхшилангани ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор тус олаётганининг ёрқин далилидир. Масалан, ўзлаштирилган капитал кўйилмалар ҳажми 1990–2000 йилларда 3,8 баробар ошди, 2010 йилда эса 1990 йилга нисбатан 11,6 баробар ортиб, 9,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ЯИМга нисбати 1990 йилда 6% ни, 2000 йилда 45,4% ни, 2010 йилда эса 56,1% ни ташкил этди. Агар 1990 йилда экспорт импортга нисбатан 79,8 миллион доллар ортиқ бўлган бўлса, 2010 йилда эса ташқи савдонинг ижобий қолдиғи 4244,8 миллион долларни ташкил этди.

Юқорида келтирилган рақамлар иқтисодий таркибининг юқори, барқарор суръатлар билан ривожланаётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради

## **15.2. Ўзбекистон иқтисодий таркиби ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни**

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Маълумки, бизга собиқ совет тизимидан бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яққаоқимлиги ҳалокатли даражага чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Шунини эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш республикамиз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлди.

XX аср 90-йилларининг биринчи ярмида собиқ Иттифоқ республикаларидаги аксарият саноат корхоналари фаолиятининг тўхтаб қолиши ва уларнинг банкротга учраши хомашё ва бутловчи қисмларга бўлган буюртмаларининг каттагина қисмидан маҳрум бўлган Ўзбекистон саноат корхоналарининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Бундай вазият таркибий қайта қуришлар, саноатни диверсификация қилиш ва экспорт бозорларини янгиладан белгилаб олишни талаб этадиган давр мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг вақтинча камайишига олиб келди.

Иқтисодиёт тармоқларини саноат асосида ташкил этиш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича муҳим инвестицион дастурлар ишлаб чиқилди.

2000–2010 йилларда қабул қилинган чора-тадбирлар мамлакатимизда саноатнинг автомобилсозлик, нефть ва газ-кимё, темир йўл машинасозлиги каби янги тармоқларнинг яратилиши 2010 йилга келиб саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши ҳамда ЯИМ таркибида саноат улушининг 24% га етишини таъминлади (15.2.1-жадвал).

15.2.1-жадвал

**Ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодий тармоқлари бўйича таркиби (физ ҳисобида)<sup>5</sup>**

	1990 й.	2000 й.	2010 й.
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Саноат	17,6	14,2	24,0
Қишлоқ хўжалиги	33,4	30,1	17,5
Қурилиш	5,8	6,0	6,4
Транспорт ва алоқа	5,2	7,7	12,4
Савдо	4,5	10,8	9,0
Бошқалар	22,2	18,7	23,7
Соф солиқлар	11,3*	12,5	7,0

\* Маҳсулотларга марказлашган субсидиялардан ташқари

2000–2010 йилларда саноат ва хизматлар соҳасининг барқарор ўсиши туфайли қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1% дан 17,5% га тушди. Ушбу кўрсаткич бўйича миллий иқтисодийтимиз қишлоқ хўжалигининг ЯИМ таркибидаги улуши 10% дан ошмайдиган, дунёнинг жадал ривожланаётган мамлакатларига яқинлашиб бормоқда.

Миллий иқтисодий таркибида юз бераётган сифат ўзгаришларнинг яна бир муҳим жиҳати – хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишидир.

Мустақиллик йилларида хизматлар таркибида деярли янги бўлган замонавий банк тизими, аудит, суғурта, лизинг, консалтинг, мобиль ва видеотелефон хизматлари, Интернет каби хизмат кўрсатиш соҳалари пайдо бўлди. Агар хизматлар улуши 1990 йили ялпи ички маҳсулотда 33,8% ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2000 йилда – 37%, 2010 йилга келиб эса 49% га етди.

Саноатнинг ўсиш суръатлари ва тармоқ таркиби. Собиқ совет хўжалик юритиш тизимининг барҳам топиши давридаги бир оз пасайишдан сўнг мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқариши ҳажми изчил, барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 2010 йилда 1990 йилдагига нисбатан 3 баробар ўсди (15.2.2-жадвал).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасида давлат статистика қўмитаси

**Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши, фоиз  
(1990=100 фоиз)**

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Саноат – жами	100	123,6	3,0 марта
Ёқилғи саноати	100	127,3	2,2 марта
Қора металлургия	100	58,8	1,5 марта
Рангли металлургия	100	107,4	113,4
Кимё ва нефть-кимё саноати	100	97,5	2,9 марта
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати	100	142,2	11,6 марта
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	100	2,5 марта	13,4 марта
Қурилиш материаллари саноати	100	58,4	1,3 марта
Енгил саноат	100	159,2	3,8 марта
Озиқ-овқат саноати	100	150	5,7 марта
Бошқа соҳалар	100	162,6	5,4 марта

Мустақиллик йилларида автомобилсозлик, нефть-газ, кимё саноати, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати ва енгил саноат каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсозлик саноати алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу тармоқ Асака шахрида АҚШнинг «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган, Тошкент шахрида Германиянинг дунёга машҳур «Даймлер Бенц» ва Самарқанд шахрида Япониянинг «Исузу» компаниялари билан ҳамкорликда автобуслар ишлаб чиқарадиган ҳамда Самарқанд шахрида Германиянинг «МАН» компанияси билан ташкил этилган юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган янги заводларини ўз ичига олади. Ана шундай ўзгаришлар натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990–2010 йилларда 11,6 баробар ўсди.

2000–2010 йилларда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш – 7,1 баробар, автобуслар – 2,6 баробар ва юк автомобиллари тайёрлаш – 12,9 баробар ошди.

Нефть қазиб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш саноатининг яратилиши мамлакатимизнинг ёқилғи хавфсизлигини таъминлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 1990 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсди. Табiiй газ ишлаб чиқариш суръати 1990–2010 йиллар давомида 1,6 баробар, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми эса 15,2 баробар кўпайди.

Ёқилғи мустақиллигини таъминлаш ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш дастури доирасида, истиқлол йилларида энг замонавий технологияларга эга бўлган хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи («Текнип», Франция) ва Шўртан газкимё мажмуаси («АББ») барпо этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тўлиқ реконструкция қилинди. Газ-кимё тармоғининг ташкил

этилиши табиий газни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва турдош тармоқларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш имконини яратди.

Кўнғирот сода заводида 2006 йилдан бошлаб кальцийли сода, Самарқанд кимё заводида нитрокальцийфосфат ўғити ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 2010 йилда минтақамизда ягона бўлган Дехқонobod калийли ўғитлар заводи ишга туширилди.

1990–2010 йилларда ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 13,4 баробар, озик-овқат саноатида – 5,7 баробар, енгил саноатда – 3,8 баробар ўсди.

1990 йилга нисбатан ип-калава ишлаб чиқариш 2,2 баробар кўпайди. Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 21 миллион квадрат метрдан зиёд бўлди, бу эса 2000 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 13,6 баробар кўпдир (15.2.3-жадвал).

15.2.3-жадвал

**Қайта ишлаш саноатида саноат маҳсулотлари айрим турларининг ишлаб чиқарилиши<sup>6</sup>**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1990 й.	2000 й.	2010 й.	2010 йилда 1990 йилга нисбатан
Кальцийланган сода	минг тн.	0	0	90,4	
Полиэтилен	минг тн.	0	0	129,2	
Мис	минг тн.	77,0	79,5	86,3	1,1 марта
Кучли ток кабеллари, радиочастотали ва алоқа тизими учун кабеллар	км.	18301	5545	115398	6,3 марта
Автомобиллар	дона	0	31285	220313	
Шу жумладан:					
Енгил автомобиллар	дона	0	30700	217733	
Автобуслар	дона	0	483	1268	
Юк автомобиллари	дона	0	102	1312	
Телевизорлар	дона	0	29315	96700	
Компьютерлар	дона	0	0	124000	
Лист ҳолидаги ойна	минг кв.м.	2480	3120	12599	5,1 марта
Шакар	тн.	0	10169	286055	
Ош тузи	тн.	0	28367	58613	
Папирос ва сigaretлар	млн. дона	4370	7766	13949	3,2 марта
Алкоголсиз ичимликлар	минг дал.	17499	17508	42968	2,5 марта
Пахтадан ип-калава	минг тн.	104,4	135,1	225,6	2,2 марта
Гиламлар ва гилам маҳсулотлари	минг кв.м.	1982	1594	21650	10,9 марта
Дори-дармон воситалари	млн. сўм	200,5	5219,2	160147	3,5 марта
Мебель	млн. сўм	462,2	12578,6	160279	1,6 марта

Ўтиш даврининг мураккаб шароитида макроиқтисодий барқарорликни мустақамлаш мақсадида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, хусусан, нефть, газ, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 55-б.

саноатини жадал ривожлантириш учун давлат барча шарт-шароитларни яратиб берди. Натижада чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди ва Ўзбекистон саноатининг тармоқ таркиби диверсификациялашди ва мутаносиблашди.


Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва мавжуд бой хомашё, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшилган қийматга эга бўлган чуқур қайта ишлаш саноати тармоқларини яратиш мақсад қилиб қўйилган. Бу мақсадларга эришиш учун “2011–2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди ва унга мувофиқ ялпи ички маҳсулотда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг улушини 2010 йилдаги 24% дан 2015 йилда 28% га кўпайтириш вазифаси қўйилди.

### 15.3. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг таркиби ва ривожланиш динамикаси

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини эркинлаштириш борасида чуқур ислохотлар амалга оширилиши натижасида ташқи савдонинг географик ва товар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон бугунги кунда 45 дан ортиқ мамлакатлар билан икки томонлама савдо алоқаларига эга. Мамлакат ташқи савдо йланмаси 1991 йилдаги 2,1 млрд. доллардан 2010 йилда 21,8 млрд. долл. ҳажмига етди, яъни 10,6 мартага ошди. Айни вақтда товарлар вах изматлар экспорти 10,6 мартага, импорт 19,3 мартага ортиб, ташқи савдо балансида 0,7 млрд. долларлик салбий сальдодан 4,2 млрд. долларлик ижобий сальдога эришилди (15.3.1-диаграмма).

15.3.1-диаграмма

Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши, млрд. долл.<sup>7</sup>



<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари.

Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодийтимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва яна машаъ етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улущининг камайиб бораётгани яққол кузатилмоқда.

Экспорт ва импорт таркиби тубдан ўзгарди. Ўзбекистон мустақиллик-кача бўлган даврдаги четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан, истеъмол товарларини олиб қирадиган мамлакатдан бугунги кунда тобора қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник, технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.

15.3.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг товар таркиби  
(фоиз ҳисобида)<sup>8</sup>**

	1990 й.	2000 й.	2010 й.
<b>Экспорт – жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Пахта толаси	59,7	27,5	11,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	9,7
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	2,9	5,1
Энергия ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	24,8
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	6,8
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	5,5
Хизматлар	1,3	13,7	9,1
Бошқалар	9,4	30,2	27,7
<b>Импорт – жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	44,1
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	9,7	13,6	14,3
Энергия ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	6,0
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	10,9
Хизматлар	1,5	8,5	4,7
Бошқалар	14,5	17,8	11,6

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яқсақоқимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди. Унинг экспорт таркибидаги улущи камайиб, 1990 йилдаги 59,7% дан 2010 йилда 11,3% га тушди. 1990 йилда экспортнинг

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

умумий ҳажмида хомашё ҳисобланмайдиган товарлар улуши 30% дан камроқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда ушбу кўрсаткич 70% дан зиёддир.

2000-2010 йилларда енгил автомобиллар экспорти – 7,6 баробар, пахта калаваси – 4,7, трикотаж матолар – 156, минерал ўғитлар – 11,7, нефть маҳсулотлари – 6,5, цемент – 6,3 баробар, сабзавот ва мевалар экспорти 14,1 баробар ўсди. Кичик бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми 10 баробардан кўпроққа ошди.

Мамлакатимиз истеъмол товарлари ишлаб чиқаришининг жадал суръатларда ривожланиши натижасида импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 4,5 баробар қисқарди. Масалан, охириги 15 йилда буғдой импорти нафақат тўхтатилди, балки Ўзбекистон ўз буғдойи ва ғалласидан тайёрланган урни экспорт қила бошлади. Гўшт маҳсулотларини импорт қилиш 5 баробар, сут маҳсулотлари 2,6 баробар, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 3,5 марта, алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар 16 ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари 7 баробардан кўпроқ, гилам ва ерга тўшаладиган қопламалар 10 марта, трикотаж матолар 10 баробар, тўқимачилик-трикотаж либослари 11 марта, пойабзаллар импорти 11 баробар камайди.

Машина ва ускуналарнинг импорт таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 12,1% дан, 2010 йилда 44,1% га етди.

Ташқи савдо географияси ҳам диверсификация қилинди. Ташқи савдода собиқ Иттифоқ республикаларига нисбатан узоқ хориж мамлакатларининг улуши орта бошлади. Жумладан, 1990-2010 йилларда Ўзбекистон экспортининг таркибида узоқ хориж мамлакатларининг улуши 37,7% дан 54,8% гача, импорт таркибида эса 42,6% дан 59,9% гача ортди.

Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиётига сарфланаётган инвестициялар ҳажми барқарор ўсиш суръатларига эга бўлди. Жумладан, «Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми ҳам йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир».<sup>9</sup>

Мамлакатимиздаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошиб, унинг ўсиш суръати 1995–2010 йилларда 110,5 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, «... ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда»<sup>10</sup>.

<sup>9</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: «Ўзбекистон», 2011. 29-6.

<sup>10</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: «Ўзбекистон». 2010. 37-6.


Республикаимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

Агар 1990 йилда мамлакатимизнинг инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2000 йилда инвестиция ва кредитлар улуши 23,2 фоизни, жумладан, ҳукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 3,4 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвесторлар учун яратилган қулай бизнес муҳити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини тубдан кўпайтириш имконини берди. Натижада 2010 йилда хорижий инвестицияларнинг жами капитал кўйилмалар таркибидagi улуши 29,1% ни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 25,3% ни ва ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар 3,8% ни ташкил этди (15.3.1-диаграмма).

15.3.2-диаграмма.

### Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш динамикаси<sup>11</sup>



Юқори кўшимча қийматга эга бўлган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жаҳондаги йирик ва машҳур АҚШнинг «Женерал Моторс», «Тексако», Германиянинг «МАН», «Даймлер Бенц», «Клаас»,

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўшам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 55-б.



Буюк Британиянинг «БАТ», Испаниянинг «Максам», Япониянинг «Исузу», «Иточу», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Кореан Эйр», «Ў» «Ў» Хитойнинг «СЎ» Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислоҳ тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва қатор араб давлатларининг инвестиция банклари мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлмоқда.

Инвестиция ва саноат соҳасидаги фаол сиёсат натижаси сифатида мустақиллик йилларида юртимизда энгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган янги автомобиль заводлари ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари барпо этилди.

**«Навой» халқаро аэропорти ва «Навой» эркин индустриал-иктисодий зонасини ривожлантириш.** Мамлакатимизда янгидан шаклланаётган йирик халқаро логистика марказларидан бири Навой аэропорти ҳудудидаги интермодаль логистика марказидир.

Ушбу аэропортнинг афзалликлари шундан иборатки, унинг Европа ва Осиёни туташтирадиган ҳаво йўлларининг чорраҳасида ўта қулай минтақада жойлашгани (аэропортдан 2000 километр узоқликдаги ён-атрофда 150 миллион аҳолига эга бўлган 40 та шаҳар мавжуд), унга жуда яқин масофадан халқаро автомобиль ва темир йўллари тармоқларининг ўтиши қўшни давлатлар, шунингдек, Россия, Европа ва Хитой билан зарур алоқаларни таъминлайди. Буларнинг барчаси Навой аэропорти минтақавий ва қитъалараро табиий логистика маркази сифатида ноёб мавқега эга эканидан далолат беради.

Жумладан, юклар Жануби-Шарқий Осиёдан Европага Дубай орқали эмас, балки Навой орқали ташилса, масофа 1000 километрга, вақт эса 1,5 соатга қисқаради ва ҳар бир самолётдан 15 тонна ёқилғи тежаб қолинади. Яна бир ижобий ҳолат – бу «Навой» ЭИИЗнинг Европани Хитой билан боғлайдиган қиска халқаро «Е 40» автомагистралига ва Марказий Осиё, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Форс кўрфази мамлакатлари билан боғлайдиган темир йўлларга яқинлигидир. Юкларни автомобилларда Навой орқали Хитой – Европа йўналиши бўйича ташиш, Россия–Хитой йўналишига қараганда масофанинг 1000 километрга қисқаришига ва ҳар бир автомобилдан 800 долларгача транспорт харажатларининг тежалишига олиб келади<sup>12</sup>.

Ҳозирги қунда Навой аэропорти орқали Франкфурт, Сеул, Брюссель, Милан, Дубай, Бангкок, Деҳли, Дакка ва Мумбай каби дунёнинг йирик шаҳарларига парвозлар амалга оширилмоқда.

<sup>12</sup> Саломова Г. СИЭЗ «Навои»: Уникальность. Развитие. Беспрецедентность. / Биржа, 24.10.09.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йилнинг декабрь ойида кенг миқёсдаги минтакавий тараққиёт дастурининг мантиқий давоми сифатида «Навоий» аэропортининг бевосита яқинида – Бухоро ва Самарканд шаҳарларидан 100-175 километр узоқликда 564 гектар майдонни эгаллаган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) ташкил этилди.

Эркин индустриал-иқтисодий зона – бу мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этишнинг муҳим омилidir. Навоий республикамызда саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бу ҳудудда 20 тадан ортик йирик саноат корхоналари фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони вилоят, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб беради. Ушбу ҳужжатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган.

Ўзбекистонда эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, бу ерда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларига экспорт қилинмоқда. Қолаверса, кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир қимматбаҳо металллар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани бу воҳанинг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан бораётганидан далолат беради.

Юксак самарали, замонавий хориж асбоб-ускуналари ва техникаси, технологик тармоқлар ва модуллар, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобидан юқори технологияларга асосланган, жаҳон бозорларида рақобатдош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқариш «Навоий» ЭИИЗ ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланди.

Бу ҳудуддаги ишлаб чиқариш фаолиятининг истиқболли йўналишлари – кимё ва нефтгазкимё, замонавий қурилиш материаллари саноати, электротехника саноати, машинасозлик, озик-овқат саноати, дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари ҳисобланади.

Мазкур ҳудуддаги ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг инвестиция фаолияти даврида энг кам ижара ҳақи эвазига ижарага берилади. Бундай енгиллик туфайли инвесторлар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун ер майдонларини сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида қўшимча маблағ сарфлашга ҳожат қолмайди.

«Навоий» ЭИИЗнинг эътиборга молик хусусияти шундаки, унинг ҳудудида ўзига хос ҳуқуқий тартиб амал қилади. Бу тартиб, жумладан, қуйидагиларни назарда тутати;

– ушбу ҳудудда рўйхатдан ўтган корхоналарни, улар киритадиган инвестициялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, барча турдаги солиқлардан 15 йилгача озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида солиқ тартиби;

– индустриал-иқтисодий зонанинг бутун фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқиш мақсадида олиб кириладиган ускуналар, хомашё ва материаллар учун тўланадиган божхона тўловларидан озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида божхона тартиби;

– мазкур зона ҳудудида ҳисоб-китоблар ҳамда тўловларни ўзаро тузилган шартнома ва контрактларга мувофиқ чет эл валютасида, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарлар учун ҳар икки томонга қулай бўлган тўлов шакллари ва ҳисоб-китоблардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган алоҳида валюта тартиби.

«Навоий» ЭИИЗ ташкил этилганидан буён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда, юксак технологияларга асосланган 19 та лойиҳа амалга оширилмоқда, 2010 йилда эса 7 та корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари бошланди.

#### **15.4. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишнинг стратегик йўналишлари мамлакатимиз иқтисодиётини яқин йиллар ичида ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда чуқур ўйланган ва пухта таҳлиллар асосида 2011–2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган, бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни амалга ошириш бошланди. Уларда саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг барқарорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимизда қулай инвестиция

муҳити ва уни баҳолашнинг халқаро мезонларини шакллантириш кўзда тутилади.

2011–2015 йиллардаги энг муҳим вазифа – макроиқтисодий барқарорлик ва изчил юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг сифат кўрсаткичларини, иқтисодиёт тармоқларини янада диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация этиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда хизматларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш ҳисобидан яхшилашдан иборат.

2011–2015 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8% дан юқори барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳажмининг 1,5 баробар, харид қобилияти паритети бўйича эса 1,6 баробар ўсишига эришиш кўзда тутилмоқда. Бунда иқтисодий ўсиш барқарорлиги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, паст инфляция кўрсаткичлари ва миллий валюта курсининг барқарорлиги орқали таъминланади.

Келгуси йилларда ички талабнинг ошиб боришига муҳим аҳамият берилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти ва маҳсулотлар бозорларидаги беқарорлик шароитида бундай ёндашув иқтисодиётни изчил ривожлантиришни барқарорлаштирувчи ва рағбатлантирувчи омили сифатида муҳим ўрин тутади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва уни янада диверсификация қилиш саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилдаги 24% дан 2015 йилда 28% га, қурилишда – 6,4% дан 7,6% га ошириш имконини беради. Натيجада 2011–2015 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баробар ортгани ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17,5% дан 13,5% га тушади<sup>13</sup>.

Бутун мамлакатимиз ва барча минтакаларда ўта қулай инвестиция муҳитини яратиш, табдиркорликка янада кўпроқ эркинликлар бериш, асоссиз турли бюрократик тўсиқларни барҳам топтириш борасидаги чоратадбирларни амалга ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатларда, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ва юқори технологияли тармоқларда ривожлантиришни, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 52,5% дан 2015 йилда ривожланган мамлакатлардаги каби, 60% дан юқори бўлишини таъминлайди.

**Инвестиция сиёсати.** 2011 – 2015 йилларда таркибий ўзгаришларни иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққоётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўшам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 120-6.

Ушбу мақсадлар учун 2011–2015 йилларда охириги 5 йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 млрд. доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмоқда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялли ички маҳсулотга нисбатан улуши 24% дан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодийetni модернизация қилишни таъминлайди<sup>14</sup>.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда ушбу кўрсаткич ялли капитал кўйилмалар ҳажмининг 76% ини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солиқ юқини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси алоҳида ўрин тутаети. Мазкур жамғарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 млрд. доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011–2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармоғини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, кимё саноатини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 4,7 млрд. доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг муҳим вазифаларидан бири – стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 млрд. долларга тенг бўлган Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини куриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири – мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, хорижий инвесторлар учун ишончли кафолатлар

---

<sup>14</sup> Ўша мавба. 121-б.

яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборатдир.

Бу вазифани амалга ошириш орқали 2011–2015 йилларда 13 млрд. доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ҳамда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги sanoat корхоналарини ташкил этиш бўйича хорижий инвесторлар иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида фикр юритилганда, аввало, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суолтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини куриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс куриш, автомобиль двигателлари, катта ҳажмда юк ташийдиган «МАН» автомобиллари, «Мерседес-Бенц» шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, «Клаас» компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга бўлган вертикал интеграциялашган тўқимачилик мажмуалари, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодий таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банклари, биринчи навбатда, мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осие тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислоҳ тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрالي участкаларини куриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

2011–2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 млрд. долларни ташкил этади ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлади. Уларнинг 75% дан ортигини тўғридан-тўғри хорижий

инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодийнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади.

**Саноат ривожи.** Саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш негизда саноатнинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар 2011–2015 йилларда юртимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,6 баробар оширишга қаратилган.

Саноат тармоқлари самарадорлиги ва рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида, 2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида дастур қабул қилинди. Ушбу Дастурда жами 47,5 млрд. долларлик 500 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган<sup>15</sup>.

Дастурда энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат соҳалари, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби устувор тармоқларни жадал ривожлантириш назарда тутилган.

Хусусан, 2011–2015 йилларда ёқилғи-энергетика комплекс ривожлантириш дастури доирасида мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада ривожлантириш, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни энергия билан ишончли ва сифатли таъминлаш, энергия қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўнлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилга бориб саноатда сарфланадиган энергия улушини камида 30% камайитириш мўлжалланмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рақобат қила олиш устунликларига, жумладан, табиий ресурсларнинг улкан салоҳиятига, қудратли ишлаб чиқариш ва техник база ҳамда юқори малакали кадрларга эга бўлган кимё саноати инвестициялар ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этувчан йўналиш ҳисобланади. Бу соҳада 2011–2015 йилларда кимё ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш, материаллар ва тайёр маҳсулотларнинг принципиал янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган 30 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилади ва кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,6 баробар оширилади.

---

<sup>15</sup> Ўша мавба. 125-б.

2011–2015 йилларда машинасозлик соҳасида енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни 1,2 баробар, замонавий автобуслар ишлаб чиқаришни 1,3 баробар, совутгич ва музлаткичлар ишлаб чиқаришни 4 баробар ҳамда телевизорлар ишлаб чиқаришни 5,1 баробар оширишга қаратилган 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда автомобилларнинг кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхонанинг фойдаланишга топширилиши нафақат ички эҳтиёжларни тўлиқ таъминлаш ёки маҳаллий автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, балки автомобиль двигателларини ташқи бозорларга экспорт қилиш имконини ҳам яратди. Самарқанд вилоятида катта ҳажмда юк ташийдиган «МАН» русумидаги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарадиган ва уларга хизмат кўрсатадиган мажмуанинг ташкил этилиши ҳам юк автомобилларига бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларининг ривожланиши учун асос бўлади.

Вертикал интеграциялашган янги замонавий тўқимачилик мажмуаларининг қурилиши пахта толасини юртимизда қайта ишлаш ҳажмининг 2 баробардан зиёд ошishiни таъминлайди. Бу, ўз навбатида, 2011–2015 йилларда калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмлари тайёрлашни тегишлича 3,2 ва 2,6 баробар ҳамда тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 1,7 баробар ошириш имконини беради.

Дастурнинг устувор йўналишларидан бири фармацевтика саноатини ривожлантиришдир. Ушбу йўналишда фармацевтика корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш орқали 150 дан ортиқ замонавий дори препаратларининг янги турларини ўзлаштириш, шу орқали дори-дармонлар истеъмоли таркибида юртимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар улушини 3 баробардан зиёд ошириш назарда тутилган.

Келгусида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур зонада етакчи хорижий корхоналар билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар, энг янги иситиш мосламалари, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, маиший электроника ва алоқа воситалари ишлаб чиқариш бўйича ўнлаб юқори технологияга асосланган янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиздаги хомашё ва табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшилган қийматга эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни жадал амалга ошириш саноат таркибида қайта ишлаш тармоқларининг улушини ошириб, 2010 йилдаги 41% дан 2015 йилда 49% га етказиш имконини беради.

Дастурни амалга ошириш 2011–2015 йилларда ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 2015 йилда 28% га етказилиши, умумий экспорт ҳажмида саноат маҳсулотлари улуши 1,4 баробар ортишини таъминлайди.



**Инвестициялар** – фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, банкларнинг мақсадли оманатлари, акциялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар.

**Инвестиция сиёсати** – инвестиция фаолиятини жонлантириш, иқтисодийetni юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадида иқтисодий субъектлар учун қулай хўжалик юритиш шароитларини яратишга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуи.

**Инвестиция дастури** – иқтисодийетга сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг устувор йўналишлари ва улардан самарали фойдаланишни белгиллаб берувчи ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик қарорларининг йиғиндиси.

**Инвестиция муҳити** – капитал қўйилмалардан самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгиллайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндиси.

**Эркин иқтисодий зоналар** – шундай географик ҳудудки, уларда мамлакатда қабул қилинган нормал хўжалик фаолияти тартибига қараганда имтиёзли солиқ тўлаш тартиби жорий этилади.

**Асосий капиталга инвестициялар** – асосий фондларни яратиш, тақрор ишлаб чиқариш ва сотиб олишга сарфланган бир йўла харажатлар.

**Асосий фондлар** – бир неча тақрор ишлаб чиқариш циклида қатнашиб, ўз қийматини тайёр маҳсулот қийматиға аста-секинлик билан ўтказиб борувчи ишлаб чиқариш воситалари.

**Инвестицияларнинг технологик таркиби** – бирон-бир объектга сарфланаётган капитал қўйилмаларнинг харажатлар таркиби ва уларнинг умумий смета қийматидаги улуши. Технологик таркиби капитал қўйилмаларнинг қанча қисми қурилиш-монтаж ишлари, машина ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш, лойиҳа-тадқиқот ишлари ва бошқа харажатларға йўналтирилганлигини англатади.

**Инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби** – капитал қўйилмаларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини тақрор ишлаб чиқариш шакллари бўйича тақсимланиши ва улар ўртасидаги нисбат. Ушбу таркиб капитал қўйилмаларнинг қанча қисми янги қурилиш, амалдаги ишлаб чиқаришни таъмирлаш ва техник қайта қуроллантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизациялашға йўналтирилганлигини ифода этади.

**Инвестицияларнинг тармоқ таркиби** – капитал қўйилмаларнинг иқтисодийет тармоқлари бўйича тақсимланиши.

**Инвестицияларнинг ҳудудий таркиби** – капитал қўйилмаларнинг мамлакат ҳудудлари бўйича тақсимланиши ва улар ўртасидаги нисбат.

**Хорижий инвестицияли корхоналар** - акциялари (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини хорижий инвестициялар ташкил этадиган корхоналар.

### **Назорат саволлари:**

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “ўзбек модели”нинг моҳияти, принциплари ва босқичларини тушунтириб беринг. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг таркиби қандай ўзгарди?

2. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги ўрнига баҳо беринг.

3. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

4. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш истикболларига баҳо беринг.

5. Ўзбекистон ташқи савдоси таркибида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

6. Мустақиллик йилларида қандай инвестиция сиёсати ишлаб чиқилди ва амалга оширилди?

7. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялашда ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қандай ўрин тутди?

8. Ўзбекистон иқтисодиётини 2011–2015 йилларда ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари қандай кўринишда бўлади?

# **II ҚИСМ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

### 16-БОБ. ХАЛҚАРО МЕХНАТ ТАҚСИМОТИ

#### 16.1. Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини очиб берувчи муҳим тушунчалардан бири халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) ҳисобланади. Дунё мамлакатлари у ёки бу даражада ХМТга жалб этилган бўлиб, ХМТнинг чуқурлашуви фан-техника тараққиёти таъсирида ривожланаётган ишлаб чиқариш кучларига бевосита боғлиқ. ХМТда қатнашиш мамлакатларга кўшимча иқтисодий самара беради ва ўз эҳтиёжларини кам харажатлар билан тўлиқроқ қондириш имкони пайдо бўлади.

Меҳнат тақсимоти – бу тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизимидир. У жамиятнинг ривожланиш жараёнидаги фаолиятининг сифат жиҳатдан табақалашуви натижасида шаклланади. Меҳнат тақсимоти турли шаклларда бўлади ва ушбу курсда ХМТ, яъни алоҳида мамлакатларнинг (ёки мазкур мамлакатларга тегишли алоҳида ишлаб чиқариш тармоқларининг) халқаро айирбошлаш учун муайян турдаги товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашуви ўрганилади.

Халқаро меҳнат тақсимоти моҳияти ишлаб чиқариш жараёнининг меҳнат фаолияти турли шаклларининг ихтисослашуви ва уларнинг кооперациялашувида, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимотини фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида ҳам кўриш мумкин.

Халқаро меҳнат тақсимоти давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимотининг даражаси ҳисобланади. У алоҳида бир давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

Жаҳон хўжалигини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда самарадорликни ўстириш, шунингдек, ишлаб чиқаришда харажатларни камайтиришга интилиш зарур. Халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши жараёнида асосий нарса, бу шу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда, манфаат қидириши ва топишидир.

Ҳар қандай мамлакатнинг халқаро алмашув жараёнида халқаро меҳнат тақсимотининг устунликларини амалга ошириши – биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ва ички бозор нархларидаги фарқни олиш; иккинчидан, арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиб, миллий ишлаб чиқаришдан воз кечган ҳолда ички харажатларни камайтириш имконини беради.

ХМТ капитализмнинг мануфактура даврида пайдо бўлган бўлиб (XVII – XVIII асрлар), саноат тўнтаришигача табиий равишда (табиий-иқлимий, географик шароитлар, хомашё захиралари ва энергия манбалари – XVIII

асрнинг охири XIX асрнинг биринчи ярми) кечган. Кейинчалик мамлакатларнинг бошқа иқтисодий омиллар – меҳнат, капитал, тадбиркорлик фобилияти, билимлар билан турли даражада таъминланглиги сабабли ихтисослашув чуқурлашди. Ҳозирда ушбу омиллар мамлакатлар томонидан жаҳон бозори учун қайси товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни белгилаб беради.

ХМТ назарияси буржуазия сиёсий иқтисод классиклари А.Смит ва Д.Рикардолар асарларида асосланди ва ривожлантирилди. А.Смит ХМТни таҳлил қилар экан, «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» китобида (1776 й.) савдо ва тадбиркорлик эркинлигининг зарурлигини исботлайди. Унинг фикрича, савдо эркинлигини турли йўллар билан чеклаш алоҳида минтақалар ва давлатлар ўртасида меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига халақит беради.

Савдо йўлидаги тўсиқларнинг йўқотилиши ҳамда халқаро айирбош-лаш миқёсининг кенгайиши миллий иқтисодиётларнинг ихтисослашуви ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини оширишга, умумжаҳон хўжалигининг пайдо бўлишига олиб келиши керак. А.Смит кейинчалик жуда машҳур бўлиб кетган эркин савдо шиорини олға сурди (*laissez-faire*).

А.Смит ғоллари кейинчалик инглиз иқтисодчилари – Д.Рикардо, Р.Торренс ва Жон Стюарт Милларнинг илмий ишларида ривожлантирилди.

Классикларнинг халқаро меҳнат тақсимоти тўғрисидаги илмий қарашларидаги асосий ютуқлари, деб ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлари назарияси тан олинган. Ушбу назария халқаро савдо ҳақидаги иқтисодий таълимотнинг «классик» асоси ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг нисбий харажатлари назарияси асосида мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш шароитларида фарқ мавжудлиги ҳақидаги ғоя ётади. Бунга кўра ҳар қандай мамлакатда ҳар хил табиий ва иқлимий шароитларда барча турдаги товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин, деб ҳисобланади. Масалан, Шотландияда узум етиштириш мумкин. Лекин унинг нархи жуда баланд, ундан олинadиган вино эса сифати пастлиги учун кам истеъмол қилинган бўларди. У ёки бу товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қиёсий таққослаш, талаб бўлган барча товарларни ишлаб чиқаришдан кўра энг кам харажат талаб қиладиган маълум бир товар ишлаб чиқариш фойдалироқ деган хулосага олиб келади. Ушбу товарга ихтисослашиш ташқи бозорда айирбош-лаш йўли билан бошқа барча товарларни олиш имконини беради.

Нисбий харажатлар назарияси бирон-бир товар ишлаб чиқаришда бир мамлакатнинг бошқа мамлакатдан абсолют устунлиги мавжудлигидагина эмас, балки бундай устунлик мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳам ихтисослашув фойдали эканлигини исботлайди.

Агар халқаро харажатларга нисбатан кам харажат билан товар ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаган ҳолларда ҳам баъзи товарларни ишлаб

чиқариш харажатлари ўртача харажатлар даражасидан паст бўлади. Бошқа товарларга нисбатан фойдалироқ бўлган мазкур товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш зарур. Натижада шу ҳолатдаги ихтисослашиш ҳам иқтисодий самара беради.

Шу билан бирга тескари ҳолат ҳам назарда тутилган. Мамлакат бир неча товарлар бўйича устунликка эга бўлган ҳолларда, мазкур устунлик максимал бўлган товарларнигина ишлаб чиқаришга ихтисослашиш зарур.

Иқтисодий назария классикларининг ғоялари Э.Хекшер, П.Самуэльсон, Б.Олин, В.Леонтьев ва бошқа ҳозирги замон иқтисодчилари томонидан ривожлантирилди.

Нисбий устунлик назариясининг кейинги ривожланиш босқичларида бирмунча мавҳумлаштирилган (абстрактлашган) модели юзага келган. Бу моделнинг камчиликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- у эркин рақобот принципларини абсолютлаштиради;
- у фақат муайян жуфт товарлар ва мамлакатларнигина кўриб чиқади;
- унда товар товарга тўғридан-тўғри айирбошланиши кўзда тутилади;
- модель ишлаб чиқариш миқёси ва транспорт харажатларининг таъсирини эътиборга олмайди.

Бундан ташқари моделда халқаро иқтисодий муносабатларнинг меҳнат ва капиталнинг халқаро ҳаракати, иқтисодиётга давлатнинг аралашуви, халқаро корпорацияларнинг ишлаб чиқаришдаги ихтисослашуви ва бошқа шунга ўхшаш омиллари ҳам эътиборга олинмайди.

Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат фаолияти шакллариининг ихтисослашуви ва кооперациялашуви, ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлади. Меҳнат тақсимоти фақат ажратиш жараёни сифатида эмас, балки жаҳон миқёсида меҳнатни бирлаштириш йўли сифатида чиқади.

Халқаро меҳнат тақсимоти мамлакатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимоти даражаси ҳисобланади. У алоҳида мамлакатларнинг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашувига асосланади.

ХМТ жаҳон ҳўжалигида кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда борган сари муҳим роль ўйнамоқда. ХМТ қуйидаги вазифаларни бажармоқда:

- ушбу жараёнларнинг ўзаро алоқасини таъминлайди;
- халқаро тармоқ ва минтақавий-тармоқ нисбатларини шакллантиради.

## **16.2. Мамлакатларнинг ХМТда қатнашишларига таъсир қилувчи асосий омиллар ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари**

Мамлакатларнинг ХМТда қатнашишларига нима туртки бўлади?

ХМТ ривожланишига таъсир этувчи омилларга қуйидагиларни кириштириш мумкин:

1. Мамлакат ички бозорининг ҳажми. Ривожланган бозорларга эга йирик мамлакатларда зарурий ишлаб чиқариш омиллари ва истеъмол товарларини топиш имконияти юқори бўлади. Демак, бу мамлакатларнинг халқаро ихтисослашув ва товар айирбошлашда қатнашиш эҳтиёжи кам бўлади. Шу билан бирга ривожланган бозор талаби импортни кенгайтиришни талаб этади. Бу – экспортга йўналтирилган ихтисослашувни кенгайтириш эвазига қопланади.

2. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси. Мамлакат иқтисодий салоҳияти қанчалик кам бўлса, унинг ХМТда қатнашиш зарурияти шунчалик юқори бўлади.

3. Мамлакатнинг табиий ресурслар билан таъминланганлиги. Мамлакатнинг юқори даражада моноресурслар билан таъминланганлиги (масалан, нефть), шунингдек, унинг фойдали қазилма бойликлари билан кам даражада таъминланганлиги ҳам унинг ХМТда фаол қатнашиш заруриятини келтириб чиқаради.

4. Мамлакат иқтисодиёти таркибида асосий саноат тармоқларининг улуши (энергетика, қазиб олиш саноати, металлургия ва б.). Асосий тармоқлар улуши қанча юқори бўлса, одатда, мамлакат ХМТ тизимига шунча кам жалб этилган бўлади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, юқорида келтирилган барча омиллар намоён бўлишига кўра ўзгармас эмас. Уларнинг таъсири у ёки бу даражада камайиши мумкин. Масалан, маҳаллий маҳсулотнинг халқаро рақобатбардошлигининг ўзгариши, экспортнинг чекланиши шулар жумласидандир.

ХМТнинг ривожланиш жараёнидаги асосий хусусият – ушбу жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ХМТдаги иштирокидан иқтисодий фойда, наф қидириши ва топишидир.

ХМТнинг ривожланиш тенденциялари иқтисодчиларнинг келажақда бу жараён янада чуқурлашиб боради деб хулоса чиқаришлари учун асос бўлади. Унинг асосида товарлар ва хизматлар айирбошлашнинг миқёси жадал суръатлар билан ўсиб боради.

Ҳар қандай давлат халқаро айирбошлов жараёнида ХМТнинг устунликларидан фойдаланар экан: биринчидан, экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ташқи ҳамда ички бозор нархлари ўртасидаги фарқдан ютиши; иккинчидан, ички харажатларни камайтириш мақсадида арзонроқ бўлган импортдан фойдаланиш эвазига миллий ишлаб чиқаришдан воз кечиши мумкин.

Жаҳон ҳўжалигини тизим сифатида кўриб чиққанда ХМТни бу тизимни ташкил қилган бирлаштирувчи асос деб тасдиқлаш мумкин.

### 16.2.1-жадвал


#### Халқаро меҳнат тақсимои суръатларининг коэффицентлари

	1971–1980 й.й.	1981–1990 й.й.	1991–2000 й.й.
Жаҳон	1,08	1,21	1,08
Ривожланган мамлакатлар	1,11	1,31	1,15
Ривожланаётган мамлакатлар	0,99	1,03	0,80

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатда ишлаб чиқариш ташқи истеъмолчиларга, ички талаб эса импортга йўналтирилган бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда ички бозорнинг нисбатан тез, аммо экстенсив тарзда кенгайиши кутилмоқда.

### 16.3. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашуви

ХМТ ички таркибга ва ривожланиш усулларига эга. ХМТнинг асосий ажралмас хусусиятлари ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашуви ҳисобланади (16.3.1-расм).



16.3.1-расм. Халқаро меҳнат тақсимотининг шакллари

Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви икки йўналиш бўйича ривожланади – ишлаб чиқариш ва худудий.

Ўз навбатида, ишлаб чиқариш йўналиши:

- тармоқлараро ихтисослашув;
- тармоқлар ичра ихтисослашув;
- алоҳида корхоналар ихтисослашувига бўлинади.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро худудий ихтисослашуви муайян товарлар ва уларнинг қисмларининг жаҳон бозори учун ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ўз ичига олади:

- алоҳида мамлакат;
- мамлакатлар гуруҳи;
- регионлар.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашувининг асосий турларига қуйидагилар киради:

- предметли (тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш) ихтисослашув;
- деталли (маҳсулот қисмлари ва компонентларини ишлаб чиқариш) ихтисослашув;



– технологик ёки босқичли (яъни, алоҳида технологик жараёнларни амалга ошириш. Масалан, йиғиш, бўяш ва ҳ.к.) ихтисослашув.

Жаҳон хўжалик алоқаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашув кенг тарқалган.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ХМТнинг динамик шаклидир. 1950–60 йилларда ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви бошланғич соҳаларда (автомобилсозлик, авиасозлик, пластмасса, эҳтиёт қисмлар, радиоаппаратуралар ва б. ишлаб чиқариш) олдинги ўринда эди. 1970–80 йилларда эса тармоқлар ичра ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви (масалан, тери ва резина пойабзаллар) ажралиб туради.

Охириги пайтларда асбоб-ускуналар мажмуасини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналарини «тайёр» ҳолда топшириш бўйича ихтисослашув ривожлана бошлади.

Деталли ихтисослашув – бу алоҳида деталлар, бутловчи қисмлар, агрегатлар ва уларни кейинчалик ушбу қисмларни йиғувчи ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб беришга ихтисослашувдир.

Турли мамлакатларга тегишли корхоналарнинг тайёр маҳсулот қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувлари замонавий фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг технологик таркибидаги мураккабликлар тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган деталлар ва бутловчи қисмларнинг кўпайишига олиб келди. Масалан, енгил автомобилда 20 мингтагача, пўлат куювчи станокларда 100 мингтагача, электровозларда эса 250 мингтагача деталлар ва бутловчи қисмлар мавжуд.

Бундай ихтисослашувга Швецияда ишлаб чиқарилган «Вольво» русумли автомобилни мисол сифатида келтириш мумкин. Ўзбекистонлик истеъмолчи Тошкентда шу маркадаги автомобилни сотиб олар экан швед маҳсулотининг учдан бирига эга бўлади. Швециядаги автомобиль компанияси бутловчи қисмларнинг 60% идан ортиқроғини хориждан келтиради.

Технологик ихтисослашув мамлакатнинг тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ муайян операцияга ихтисослашувини англатади (яъни муайян технологик жараён, масалан, йиғиш, бўяш, тайёрлаш ва ҳ.к.).

Халқаро меҳнат тақсимотининг бошқа бир шакли – халқаро ишлаб чиқариш кооперациясидир. Унинг объектив асоси бўлиб, ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ўсиб бораётган даражаси ҳамда мамлакат ичда ёки ташқарисида рўй беришидан қатъи назар, мустақил корхоналар ўртасидаги барқарор ишлаб чиқариш алоқалари жараёни ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш кооперацияси маълум бир муносабатлар тизими сифатида фаолиятнинг соҳаси ва ҳамкорликнинг усули ҳисобланади.

Халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ўзининг ривожланган шаклларида ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олади.

1. Ишлаб чиқариш-технологик ҳамкорлик. Улар: а) лицензиялар бериш ва мулкчилик ҳуқуқларидан фойдаланиш; б) лойиҳа конструкторлик ҳужжатларини, технологик жараёнларни, маҳсулотнинг техник даражаси ва

сифатини, қурилиш ва монтаж ишлари, кооперациялашган корхоналарни замонавийлаштиришни ишлаб чиқиш ва мослаштириш; в) ишлаб чиқаришни бошқариш, стандартлаштириш, унификациялаш, сертификациялашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш дастурларини тақсимлаш.

2. Кооператив маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган савдо-иқтисодий жараёнлар.

3. Сотилган техникага хизмат кўрсатиш.

Кооперация алоқаларини ўрнатишда фойдаланиладиган қуйидаги уч асосий усул алоҳида кўрсатиб ўтилиши лозим:

- ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш;
- шартнома асосида ихтисослашиш;
- қўшма корхоналар ташкил қилиш.

Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш, ўз навбатида, икки асосий шаклда амалга ошади: пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш.

Шартнома асосида ихтисослашиш ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутди.

Қўшма корхоналар – бу интеграциялашган кооперациядир.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви юқори технологик тармоқлар, аввало машинасозликда кенг тарқалган бўлиб, машинасозлик корхоналари ягона фабриканинг алоҳида цехлари каби турли мамлакатларда ягона режа ва ўзаро келишилган суръатларда ишлашади. Бундай кооперациялашувни машина ва транспорт воситаларининг умумий экспортидаги деталлар ҳамда кўшимча қисмлар улуши тўғрисидаги маълумотлар асосида кузатиш мумкин. Мисол учун, ушбу кўрсаткич 1995 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) мамлакатларида 30% ни, ТМКларнинг филиаллари фаолият юритаётган ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич янада юқори: Тайванда 36,3%, Гонконгда – 46,2%, Барбадосда – 61,6%, Никарагуада – 81,6% га тенг бўлди.

#### 16.4. ХМТнинг замонавий Ғарб назариялари

ХМТни модернизация қилиш соҳасидаги Ғарб тадқиқотларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- «ўзаро боғлиқлик» концепцияси ва унинг турли кўринишлари;
- ХМТнинг мавжуд моделларини қайта куриш бўйича аниқ тавсиялар ва режалар.

XX асрнинг 70-йиллари ўрталарида яратилган «ўзаро боғлиқлик» концепциясида илгари сурилган ғоялар энг кенг тарқалган. Улар меҳнат тақсимотида оид янги ва оптимал назарияларнинг асоси бўлиб қолди. Ушбу ғоялар баъзи саноати жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан расмий доктрина сифатида қабул қилинди.

«Ўзаро боғлиқлик» концепцияси вакилларида бири – голландиялик иқтисодчи К.Нувенхузе ўз фикрларини тасдиқлашда, аввало, барча мамлакатлар учун умумий бўлган экологик омилларга мурожаат қилади. К.Нувенхузе уларга атроф-муҳитнинг барқарор эмаслиги ва ердаги табиий ресурсларнинг чекланганлигини киритади. Унинг фикрича, ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга нисбатан хомашё бўйича, ривожланаётган мамлакатлар эса ривожланган мамлакатларга нисбатан техника, технология ва ҳ.к.лар бўйича қарам. Демак, улар ўртасида ўзаро боғлиқлик ва «ўзаро тазйиқ» мавжуд. К.Нувенхузе халқаро меҳнат тақсимотини мана шулардан келиб чиққан ҳолда куриш керак, деб ҳисоблайди. Бу назария бошқа мамлакатларда ҳаққоний танқидга учради.

Яна бир иқтисодчи Р.Купер (АҚШ) ҳам ўзаро боғлиқлик масаласига мурожаат қилади ва уни турли йўналишлар бўйича кўриб чиқади. Унинг фикрича, ўзаро боғлиқликнинг тўрт тури мавжуд:

1. Таркибий – мамлакатлар бир-бирларига нисбатан қанчалик очик ва ўзаро боғлиқ бўлса, бир мамлакат иқтисодиётида рўй бераётган ўзгариш иккинчи мамлакат иқтисодиётида ҳам ўз аксини топади.

2. Иқтисодий сиёсат соҳасидаги мақсадлар борасидаги ўзаро боғлиқлик.

3. Иқтисодий ривожланишнинг ташқи омиллари борасидаги ўзаро боғлиқлик.

4. Сиёсий ўзаро боғлиқлик.

Баъзи жиҳатларига кўра мазкур назария ижобий хусусиятга эга ва мамлакатларнинг жаҳон ҳўжалиги тизими доирасида ўзаро боғлиқлик тенденцияларининг кучаяётганлигини аниқ кўрсатиб беради.

«Ўзаро боғлиқлик» концепциялари умумий хусусиятга эга. Улар бошқа иқтисодий назариялар гуруҳи, яъни халқаро меҳнат тақсимотини замонавийлаштириш назариялари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро меҳнат тақсимотини замонавийлаштиришнинг асосий ғояси ривожланаётган мамлакатларнинг протекционизм сиёсатидан воз кечишлари ва иқтисодиётга хорижий капитални кенг миқёсда жалб этишлари лозимлигини илгари суради.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар худди шундай йўл тутдилар. Улар «очик эшиклар», «очик иқтисодиёт» сиёсатини эълон қилишди, кўплаб кўшма корхоналар, эркин тadbиркорлик иқтисодий зоналари ташкил этишди ва ҳ.к. Бу, жумладан, Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги «янги индустриал ммалакатлар»да кенг ёйилди. Шу билан бирга, улар протекционизм ғояларидан ҳам тўлиқ воз кечишмади (ундан зарур бўлганда фойдаланишмоқда).

Ғарб иқтисодчилари ва сиёсатчиларининг «Жануб» протекционизминини юмшатишга қаратилган чақирикларига нисбатан «ожанубликлар» ҳам ривожланган «Шимол»дан шунга ўхшаш турли преференциялар талаб қилишмоқда.

Ғарб иқтисодчилари нуқтаи назарига кўра янги ва замонавий халқаро меҳнат тақсимоти ғояларининг амалий моҳияти нимада? Асосий мазмун ривожланаётган мамлакатларни индустрия сиёсатида янги соҳаларга йўналтириш ҳисобланади. Уларга, биринчи навбатда, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган меҳнат ҳамда материал сиғимкорлиги юқори ҳамда стандартлаштирилган товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашув таклиф этилмоқда.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар эса юқори малакали ишчи кучи талаб қилинадиган ва фан-техника тараққиёти жадал ривожланаётган иқтисодиёт соҳаларига ихтисослашишлари лозим.

Бу назария амалиётда аста-секин амалга оширилмоқда. Масалан, ривожланаётган мамлакатларга жалб этилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар кўринишидаги хорижий капиталнинг умумий ҳажмида қайта ишлаш саноатига йўналтирилган капитал улуши ортиб бормоқда. Шу билан бирга «зарарли» ишлаб чиқаришнинг ривожланаётган мамлакатларга кўчиш жараёни рўй бермоқда.

Тармоқли ихтисослашув куйидаги уч босқичли схема бўйича амалга ошмоқда:

– ривожланган мамлакатлар, асосан, нисбатан малакали меҳнат ва замонавий технологиялар талаб қилувчи товарлар ишлаб чиқаришмоқда;

– ривожланаётган мамлакатларнинг баъзилари (кам ривожланганлари) меҳнат сиғимкорлиги юқори маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига хомашё етказиб беришга ихтисослашмоқда (энг кам ривожланган мамлакатлар бу схемага умуман тушмайди);

– саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар капитал сиғимкорлиги юқори бўлган технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтиришга интиломоқда.

Халқаро меҳнат тақсимотининг замонавий концепциялари ва уни замонавийлаштириш борасидаги режаларни таҳлил этиш, шунингек, мазкур концепцияларни амалиётга жорий этиш жаҳон ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг ҳозирги даражасида саноат жиҳатдан тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида янги турдаги халқаро ихтисослашиш ҳамда кооперациялашувнинг вужудга келаётгани ва ривожланаётган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучаяётганини кўрсатмоқда.

### Асосий тушунчалар

**Меҳнат тақсимоти** – тарихан белгиланган ижтимоий меҳнат тизими бўлиб, у жамиятнинг ривожланиш жараёнидаги фаолиятнинг сифат жиҳатдан табақалашуви натижасида шаклланади.

**Халқаро меҳнат тақсимоти** – бу давлатлар ўртасида меҳнатнинг ижтимоий-худудий тақсимланиши бўлиб, у алоҳида давлатлар ишлаб чиқаришларининг ихтисослашувига асосланади.

**Халқаро ихтисослашув** – мамлакатнинг маълум бир товарни ишлаб чиқаришга ўз потенциални концентрациялашуви.

**Халқаро кооперациялашув** – мамлакатларнинг олдиндан ўзаро келишилган ҳолда ишлаб чиқаришга халқаро ихтисослашуви.

**Ҳамкорликдаги дастурларни амалга ошириш** – пудратли ишлаб чиқариш кооперацияси ва ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш.

**Шартнома асосида ихтисослаштиш** – ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчилари орасида тақсимланишини назарда тутди.

**Қўшма корхоналар** – интеграциялашган кооперация.

### **Назорат саволлари:**

1. Халқаро ихтисослашув ва кооперациялашувнинг ривожланиши миллий иқтисодиётлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка қандай таъсир ўтказади?

2. Ишлаб чиқариш омилларидан бири ҳисобланган ер билан боғлиқ кооперация иқтисодий мазмунга эгами?

3. Жаҳон хўжалиги тизимида халқаро меҳнат тақсимоти қандай роль ўйнайди?

4. Қайси омиллар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига таъсир кўрсатади? Халқаро меҳнат тақсимоти чуқурлашувининг замонавий хусусиятларига мисоллар келтиринг.

5. Халқаро ихтисослашув ва кооперациялашув ўртасидаги фарқ нимадан иборат?

6. Миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш даражасини белгилаб берувчи асосий омилларни санаб ўтинг. Ушбу омиллар таъсирини тушунтириб бering.

### 17.1. Меркантилизм ва эркин савдо ғояси

Халқаро савдога оид назариялар ўз тарихига эга. Бу борадаги илк иқтисодий таълимот XVII асрдаёқ яратилган. Ўрта асрларда рўй берган Европадаги улкан ўзгаришлар, жумладан, янги қитъаларнинг кашф этилиши, мустамлакалардаги олтин ва бошқа бойликларни эгаллаб олишга интилиш ўз-ўзини таъминлашни тарғиб этувчи феодализм назарияси доирасидан чиқиб кетган янги хўжалик тизими доирасида товарлар ролини ва давлатларнинг халқаро савдога бўлган талабини асослаб бера оладиган янги иқтисодий назарияга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди. Шундай назариялардан бири меркантилизм таълимотидир. Меркантилизм мактаби XVI–XVII асрларда фаолият кўрсатган. Унинг энг йирик вакиллари инглиз иқтисодчилари Томас Ман (1571–1641) ва Уильям Стаффордлар (1554–1612) ҳисобланишади.

Меркантилистлар ўз назарияларида фақат чекланган миқдордаги бойликка эга бўлган статик қарашларни қўллаб-қувватлаганлар. Шу сабабдан бирон-бир мамлакат бойлигининг кўпайиши фақатгина бошқа мамлакатнинг қашшоқлашиши эвазига амалга ошиши мумкин. Демак, бойлиكنинг кўпайиши қайта тақсимот эвазига амалга ошар экан, ҳар бир мамлакат мустаҳкам иқтисодиётга ва бошқа давлатлар устидан ҳукмронликни таъминлаб бера оладиган армия, ҳарбий ва савдо флотидан иборат кучли давлат қурилмасига эга бўлиши зарур деб ҳисоблашган.

Меркантилистлар иқтисодиётни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий колониялар секторига бўлишган. Савдогарлар иқтисодиётнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишида энг муҳим гуруҳ, деб ҳисобланган, меҳнат эса ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида баҳоланган. Мамлакатнинг бойлиги унинг ихтиёрида бўлган олтин ва кумуш билан белгиланлиги сабабли ташқи савдо мактаби мамлакат миллий иқтисодиётини мустаҳкамлаши учун қуйидагиларга амал қилиш лозим, деб ҳисоблашган:

— ташқи савдода мусбат сальдони таъминлаш – экспортнинг импортдан катта бўлиши мамлакатнинг олтин захирасини бошқа мамлакатларнинг олтин манбалари ҳисобига ўсишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, ички харажатлар, ишлаб чиқариш ва бандликнинг ошишига олиб келади;

— экспортни ошириш ва импортни камайтиришга қаратилган ташқи савдо сиёсатини юритиш – тарифлар, квоталар ва бошқа дастаклар ёрдамида савдо балансининг мусбат савдо сальдосини таъминлаш;

— хомашёнинг олиб чиқиличини қаттиқ чеклаш ёки таъқиқлаш ва мамлакатда мавжуд бўлмаган хомашё импортдан бож ундирмаслик, чунки бундай чора-тадбирлар мамлакат олтин захирасининг кўпайиши ва тайёр маҳсулотларни паст нархлар бўйича экспорт қилиш имконини яратади;

– мустамлакаларнинг метрополиядан бошқа давлатлар билан ҳар қандай савдо алоқаларини таққиллаш ва мустамлакаларни хомашё таъминотчисига айлантириш.

Меркантилистлар ғоясига биноан иқтисодий тизимда тўлиқ бандликка эришиб бўлмайди. Шу сабабли хориждан келадиган кўшимча олтин кўшимча иш жойларнинг яратилишига, ишсизлик даражасининг пасайиши ва ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Меркантилистлар халқаро савдо назарияси ривожланишига жиддий улуш қўшдилар. Улар халқаро савдонинг мамлакат иқтисодий ўсиши учун аҳамиятини биринчи бўлиб чуқур таҳлил қилдилар ва унинг ривожланишининг муҳим моделларидан бирини ишлаб чиқдилар. Улар биринчи бўлиб замонавий иқтисодиётда тўлов баланси, деб аталадиган тушунчани таърифладилар.

Меркантилистлар ғоясининг асосий камчилиги – бу уларни бир мамлакат бойиши бошқа мамлакатларнинг қашшоқлашиши ҳисобига амалга ошади деб ҳисоблашганидир. Бундай ғояга амал қилиш жаҳон иқтисодиётида иқтисодий диспропорцияларга ва иқтисодий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди. Метрополияларнинг мустамлакалар ҳисобидан бойиши уларда ҳаддан зиёд олтин массасининг тўпланишига ва шу орқали гипер инфляцияга олиб келди.

Меркантилистларнинг ғоялари халқаро иқтисодиётдаги кейинги мактаблари ғояларига илмий йўналиш берди. Меркантилистлар ғоялари 1,5 аср мабойида кенг қўлланилган. Бунинг натижасида XVIII асрда халқаро савдо алоқаларда кескинликлар кузатилган.

«Эркин савдо» назарияси. Меркантилистларни танқид қилган асосий иқтисодчилардан бири Адам Смитдир (1723–1790). А.Смит мамлакатнинг бойлиги у эга бўлган олтин миқдорига эмас, балки унинг ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаси мамлакат эга бўлган олтин миқдорини ошириш эмас, балки халқаро меҳнат тақсимотида ўзига хос муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир. Шунингдек, А.Смит ғояларига биноан ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиш учун давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш керак. Ушбу сиёсат «Лэсса фэр»<sup>1</sup> номини олди.

А. Смит қарашларига мувофиқ:

– давлат ташқи савдога аралашини керак эмас ва мамлакат эркин савдо режимида рия қилини лозим;

– мамлакатлар ишлаб чиқаришда афзалликка эга бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишлари керак ва бу товарларни бошқа мамлакатлар афзалликка эга бўлган товарлар билан айирбошлаши керак;

– ташқи савдо миллий бозорларни бошқа мамлакатлар ҳисобига кенгайтириш орқали меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди;

<sup>1</sup> Лэсса фэр – французча «laissez-faire», яъни давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслик ва рақобат эркинлиги сиёсати.

— экспорт мамлакат иқтисодиёти учун ижобий омил ҳисобланади, чунки у ички бозорда сотилмаган ортиқча маҳсулотларни хорижга сотиш имконини беради;

— экспорт субсидиялари ички солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади ва ички нархларнинг ошишига олиб келади. Шунинг учун уларни бекор қилиши керак.

## 17.2. Мутлоқ ва нисбий афзаллик назариялари

А.Смит иқтисодий назарияга биринчи бўлиб «мутлоқ афзаллик» тушунчасини киритди.

Мутлоқ афзаллик – мамлакатлар мутлоқ афзалликка эга бўлган (таннархи пастроқ бўлган) товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни экспорт қилишади, бошқа товарларни (бошқа мамлакатлар мутлоқ афзалликка эга товарларни) эса импорт қилишади.

Бу назарияни тушунтириш учун “икки мамлакат – икки хил товар” моделидан фойдаланамиз. Фараз қилайлик, иккита мамлакат (Буюк Британия ва Португалия) ўзаро савдо алоқаларини ўрнатишмоқчи. Бу мамлакатлар фақат икки хил товар (мато ва вино) ишлаб чиқаришади. Бу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларининг меъёрлари куйидаги жадвалда келтирилган.

17.2.1-жадвал

### Мамлакатларнинг бир бирлик товар ишлаб чиқариш учун сафлайдиган иш вақти

	Буюк Британия	Португалия
Вино (1л)	4 соат	3 соат
Мато (1м <sup>2</sup> )	2 соат	3 соат

Жадвал маълумотларидан Буюк Британиянинг мато ишлаб чиқаришда мутлоқ афзалликка эга эканлиги кўриниб турибди. Чунки Буюк Британияда 1 м<sup>2</sup> мато ишлаб чиқариш учун 2 соат сарфланса, Португалияда 3 соат сафлаш керак. Демак, бу маҳсулотнинг Буюк Британиядаги таннархи Португалиядагига нисбатан арзонроқ бўлади. Ўз навбатида, Португалия вино ишлаб чиқаришда мутлоқ афзалликка эга. Чунки бу мамлакатда 1 л. вино ишлаб чиқариш учун Буюк Британияга нисбатан 1 соат камроқ вақт сарфланади. Демак, А.Смитнинг “мутлоқ афзаллик” назариясига биноан Буюк Британия мато ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ва уни экспорт қилиши керак. Ўз навбатида, Португалия вино ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва Буюк Британия бу маҳсулотни Португалиядан импорт қилади.



А.Смитнинг “мутлоқ афзаллик” назарияси узоқ йиллар давомида қўллаб мамлакатларнинг ташқи савдо сиёсати стратегиясининг асосини ташкил қилди ва бу мамлакатлар эркин савдо сиёсатини юритишди.

Аммо “мутлоқ афзаллик” назариясида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Хусусан, бу модель мутлоқ афзалликка эга бўлмаган мамлакатнинг халқаро савдодаги иштирокини тушунтириб бера олмайди. Фараз қилайлик, Буюк Британия ва Португалия ўртасидаги савдода мато ва винони ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ устунлик Буюк Британияга тегишли бўлсин. Бу товарларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган меҳнат ресурсларининг меъёрлари куйидаги жадвалда келтирилган.

17.2.2-жадвал

**Мамлакатларнинг бир бирлик товар ишлаб чиқариш  
учун сафлайдиган иш вақти**

	Буюк Британия	Португалия
Вино (1л)	2 соат	3 соат
Мато (1м <sup>2</sup> )	2 соат	6 соат

Бундай шароитда мутлоқ афзалликка эга бўлмаган мамлакатда ҳам халқаро савдода иштирок этишдан фойда олишини инглиз иқтисодчиси Д.Рикардо биринчилардан бўлиб исботлаб берган. Давид Рикардо (1772-1823) мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этишидан оладиган фойдаси муқобил нарх билан бегиланишини исботлаган.

Муқобил нарх – бу бир бирлик товарнинг ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатнинг иккинчи товарни ишлаб чиқаришга зарур бўлган харажат орқали ифодаланишидир. Бизнинг мисолимизда 1 л винонинг Буюк Британия учун муқобил нархи 2 соат/2 соат=1 га тенг бўлса, Португалияда 3 соат/6 соат=0,5 га тенг. Бу эса вино ишлаб чиқариш Португалияда Буюк Британияга нисбатан арзонроқ бўлишини акс эттиради. Шу сабабли мутлоқ афзалликка эга бўлмаган Португалия Буюк Британия билан савдо алоқаларига киришса, вино ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уни экспорт қилиб, ўрнига матони импорт қилади.

Нисбий афзаллик – агар мамлакат бошқа мамлакатга нисбатан кам харажатлар билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашса, ўзаро савдо иккала мамлакат учун ҳам фойдали бўлади. Бунда ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ афзаллик бўлиши шарт эмас.

**17.3. Хекшер-Олин назарияси. В.Леонтъев парадокси**

А.Смит, Д.Рикардо ва Дж.С.Милль назарияларида халқаро савдода мамлакатнинг ўрнини аниқлаш учун фақат битта ишлаб чиқариш омили бор деб фараз қилинган. Бу назарияларда мамлакатнинг халқаро савдода

эгаллаши мумкин бўлган ўрни улардаги меҳнат унумдорлиги билан белгиланган. Шу сабабли бу олимларнинг ишларини давом эттирганлар халқаро савдони бир нечта ишлаб чиқариш омили мавжудлигида таҳлил қилишга ҳаракат қилишган.

Швед иқтисодчилари Э.Хекшер ва Б.Олин ўз таҳлилларида ишлаб чиқаришнинг икки омилини – капитал ва меҳнат омилини кўриб чиқдилар. Уларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасига кўра мамлакатларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Меҳнат омилига нисбатан бой мамлакатлар – бу мамлакатларда меҳнат ресурслари кўп ва арзон бўлади. Уларга мисол қилиб Хитой ва Ўзбекистон каби мамлакатларни келтириш мумкин.

2. Капитал омилига бой мамлакатлар – бу мамлакатларда капитал катта ҳажмларда жамланган бўлади, аммо меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси пастроқ бўлади. Шу сабабли бу мамлакатларда реал иш ҳақи даражаси юқори бўлади. Шунингдек, ушбу мамлакатларда меҳнат ресурсларининг капитал билан таъминланганлик даражаси юқори бўлади. Уларга мисол тариқасида АҚШ ва Германия каби мамлакатларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, товарларини ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар – бу турдаги товарларни ишлаб чиқаришда капиталдан кўра меҳнат ресурслари кўпроқ талаб қилинади. Бу турдаги товарларга мисол қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини келтириш мумкин.

2. Капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарлар – бу турдаги товарларни ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан кўра капитал кўпроқ талаб қилинади. Бу турдаги товарларга мисол қилиб сифатида қайта ишлаш саноати маҳсулотларини келтириш мумкин.

Хекшер–Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси – мамлакат қайси ишлаб чиқариш омили билан нисбатан яхши таъминланган бўлса, шу омилни нисбатан кўпроқ талаб қилувчи товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ва уни экспорт қилиши керак.

Демак, Хекшер–Олин назариясига биноан АҚШ билан Хитой ўзаро савдо алоқаларига киришса, АҚШ капитал омилига бой мамлакат сифатида қайта ишлаш саноати маҳсулотларини экспорт қилади ва Хитойдан меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини импорт қилади.

Бу назария XX асрда кўплаб мамлакатларнинг ташқи савдо сиёсатининг асосини ташкил қилишига қарамасдан унда кўплаб камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, Хекшер–Олин назариясида мамлакатларнинг вақт ўтиши билан ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлиги ҳам ўзгариши инobatта олинмаган. Бундан ташқари, бир ишлаб чиқариш омилнинг ўрнига бошқасини қўллаш мумкинлиги ва шу сабабли капиталга бой мамлакатлар

ҳам меҳнат сифимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилиши мумкинлиги инобатга олинмаган.

Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси ўзининг барча камчиликларига қарамай, ҳозирги кунга қадар халқаро савдонинг ривожланишини тушунтириб берувчи энг илғор назариялардан бири саналади. Ушбу назария кўп маротаба катта ҳажмдаги статистик маълумотлар асосида турли мамлакатларга тааллуқли товар ва ишлаб чиқариш омиллари бўйича эмпирик синовлардан ўтди. Ушбу синовлардан энг машхурини АҚШда 1953 йилда В.Леонтьев ўтказди.

В.Леонтьев бир қанча эмпирик синовлар ўтказиш йўли билан Хекшер-Олин томонидан ишлаб чиқилган назариянинг шартлари амалиётда қўлланилмаслигини исботлади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШни бошқа мамлакатлар билан қиёсий таққосланганда, ўртача иш ҳақи даражаси энг юқори мамлакат ва капиталга бой давлатлардан саналарди. Шу сабабли мамлакат Хекшер-Олин назариясига мувофиқ, капитал сифимкорлиги юқори маҳсулотларни экспорт қилиши лозим эди. В.Леонтьев ушбу гипотезани текшириш мақсадида 1 млн. долларлик экспорт ва шунча миқдордаги импорт маҳсулотларига рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш учун қанча капитал ва ишчи кучи сарф этилишини ҳисоблаб чиқди. У ҳар бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича товар бирлиги учун сарф этиладиган капитал ва меҳнатни ҳисоблади. Бунда у фақатгина автомашина каби тайёр маҳсулотлар билан чегараланиб қолмай, балки ярим тайёр маҳсулотлар (резина, пўлат, ойна кабилар) учун кетадиган капитал ва ишчи кучини ҳам ҳисоблаб чиқди.

Сўнгра АҚШнинг 1947 йилдаги экспорт таркибидан келиб чиққан ҳолда 1 млн. долларлик экспорт товарларини ишлаб чиқаришга кетадиган капитал ва меҳнатнинг ўзаро нисбатини аниқлади. АҚШнинг ўша йилдаги импорт таркибидан мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган товарларни айириб ташлади ва бевосита импорт маҳсулотларнинг ўрнини боса оладиган Америка товарларини ишлаб чиқариш учун сарф этиладиган капитал ва меҳнат нисбатини ҳисоблаб чиқди. Аслида у Америка импорти бирлигига сарф этиладиган капитал ва меҳнат  $(K/L)$  им ҳамда экспорт бирлигига сарф этиладиган капитал ва меҳнат  $(K/L)$  х нисбатини солиштирди.

«Леонтьев статистикаси» номини олган ушбу нисбатга мувофиқ, агар мамлакатда капитал ва меҳнат сарфи нисабати  $\frac{(K/L)_m}{(K/L)_x} < 1$  бўлса, мамлакат капиталга бой ҳисобланади.

Агар бу нисбат  $\frac{(K/L)_m}{(K/L)_x} > 1$  бўлса, мамлакатда меҳнат ресурслари кўп ҳисобланади. Леонтьев Хекшер-Олин назариясига мувофиқ Америка экспорт товарлари импортнинг ўрнини боса оладиган товарларга қараганда кўпроқ капитал талаб этилишини кутган эди. Аммо кутилган натижа аксинча бўлиб чиқди: Америка импортининг капитал сифимкорлиги экспортга нисбатан 30% га юқори экан, демак, АҚШ кутилганидек капиталга бой мамлакат эмас,

балки аксинча, меҳнатга бой мамлакат эканлиги келиб чиқмоқда, бу амалдаги тасаввурга умуман тўғри келмади.

Леонтьев статистик маълумотларга Иккинчи жаҳон уруши ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин деб ҳисоблаб, 1951 йилда ушбу ҳисоб-китобни яна такрорлади. Америка импорти бу сафар ҳам экспортга қараганда капитал сиғимкорлиги юқори эканлигини кўрсатди (бу сафар 6% га ҳолос).

Леонтьевнинг давомчилари 1962 йилда ушбу ҳисоб-китобни такрорладилар. Аммо яна қутилган натижа олинмади. Бу сафарги ҳисоб-китобларга мувофиқ АҚШ импортининг капитал сиғимкорлиги 27% га экспортнинг капитал сиғимкорлигидан юқори чиқди.

Леонтьев модели бошқа мамлакатлар учун ҳам қўлланилди. Аммо натижа доимо Хекшер-Олин назариясини инкор этарди. Мисол учун 1950 йилларда меҳнат ресурсларига бой, деб ҳисобланган Япония капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилган экан.

Леонтьев модели асосида амалга оширилган ҳисоб-китоблар Хекшер-Олин назариясини инкор этганлиги учун ушбу тадқиқотлар натижаси иқтисодчи олимлар томонидан «Леонтьев парадокси» деб номланди.

Леонтьев парадокси – Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси амалиётда ўз тасдиғини топмаган: меҳнат ресурсига бой мамлакатлар капитал сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилади, капиталга бой мамлакатлар эса меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган товарларни экспорт қилади.

Кейинчалик Леонтьев парадокси атрофида қизгин тортишувлар бошланиб кетди. Тортишувлар Хекшер-Олин назариясининг тўғрилигини исботлашга қаратилди:

– Ишчи кучини малакали ва малакасиз ишчилар гуруҳига бўлиш ҳамда ҳар бир гуруҳнинг экспорт товарларни ишлаб чиқариш харажатларидаги улушини ҳисоблаш зарур. Америкалик олим Д.Кисинг 1966 йилда эълон қилган тадқиқотларида ишчи кучини малакасига кўра 8 хил категорияга бўлади. Шу орқали АҚШда юқори малакали ишчиларнинг ортиқчалиги ва малакасиз ишчиларнинг эса етишмаслигини исботлади. Шунинг учун АҚШ юқори малакали ишчилар меҳнатини талаб этувчи маҳсулотларни экспорт қилади. Малакали кадрларни тайёрлашга кетадиган харажатларни капитал сарфлар сифатида баҳолаш мумкин дейди. Бу эса малакали ишчилар ёрдамида ишлаб чиқарилган товарларнинг капитал сиғимкорлиги юқори деб ҳисоблашга асос бўлади.

– АҚШ импортида қазиб чиқариш саноати маҳсулотларининг улуши юқоридир. Бу маҳсулотларни қазиб чиқариш катта миқдордаги капитал харажатларни талаб қилади. Ўз навбатида, бу маҳсулотлардан экспортга йўналтирилган тармоқларда кенг фойдаланилади ва шу сабабли АҚШнинг экспорт тармоқларида ҳам капитал сиғимкорлиги юқори бўлади, деб ҳисоблаш мумкин. Америкалик олим Дж.Хартиген В.Леонтьев ҳисоб-китобларини ўша давр учун такрорлади ва капитал кўп талаб қилувчи

хомашёга боғлиқ тармоқларни эътиборга олмади. Натижада парадокс йўқолди ва Хекшер-Олин назарияси ўз исботини топди.

– В.Леонтьев ўз тадқиқотларида АҚШ ҳукуматининг ички тармоқларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсатини эътиборга олмаган. 1971 йилда америкалик олим Р.Бэлдвиге томонидан амалга оширилган қайта ҳисоб-китобларда ташқи савдо сиёсати хусусиятлари инобатга олинган ва В.Леонтьев парадоксининг самарасини 5% га қисқартиришга эришилган.

– В.Леонтьев тадқиқотларида АҚШ аҳолисининг диди инобатга олинмаган. Америкаликлар капитал сизимкорлиги юқори бўлган товарларни хуш кўришади ва ўзларида кўп бўлишига қарамасдан хориждан бундай товарларни сотиб олишади. Аҳоли дидининг халқаро савдога таъсири Хекшер-Олин назариясида ўрганилмаган ва шу сабабли бундай шароитда халқаро савдони бошқа моделлар орқали ўрганиш зарур.

– баъзи товарларни ишлаб чиқаришда омиллارнинг бир-бирининг ўрнини босиш даражаси юқори бўлади. Бундай шароитда битта товарни ишлаб чиқариш капиталга бой мамлакатларда кўпроқ капитал талаб қилишига, меҳнат ресурсларига бой мамлакатларда эса кўпроқ меҳнат ресурсларини талаб қилишига олиб келади. Масалан, АҚШда шоли етиштириш илғор технология ёрдамида амалга оширилганлиги боис, бу товар АҚШда капитал сизимкорлиги юқори товарлар гуруҳига киради, Вьетнамда эса шоли ишлаб чиқариш асосан меҳнат ресурсларидан фойдаланишга асосланганлиги учун шоли юқори меҳнат сизимкорлигига эга бўлади. Чунки, Вьетнамда шоли асосан кўл меҳнати ёрдамида етиштирилади.

#### **17.4. Халқаро савдонинг янги ва ўта янги назариялари**

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро савдо назарияларини ишлаб чиқиш қуйидаги уч хил йўналишда амалга оширила бошланди:

**1. Классик мактаб назарияларини ривожлантиришга ва кенгайтиришга йўналтирилган назариялар.** Бу назарияларга мисол қилиб П.Самуэльсон ва Р.Джонсларнинг “махсус ишлаб чиқариш омиллари” назариясини келтириш мумкин.

**2. Классик мактаб назарияларини инкор этмаган ҳолда халқаро савдонинг бу назарияларда ўрганилмаган жиҳатларини таҳлил қилишга йўналтирилган назариялар.** Бу назарияларга мисол қилиб С.Линдернинг “кесишувчан талаб” назариясини келтириш мумкин.

**3. Классик мактаб назарияларини инкор этувчи ва халқаро савдонинг янги асосларини тонишга йўналтирилган назариялар.** Бу назарияларга мисол қилиб “миқёс самараси” назариясини, “халқаро савдонинг динамик модели” назариясини ва Б.Балассанинг “тармоқ ичидаги савдо” назариясини келтириш мумкин.

П.Самуэльсон ва Р.Джонс ўзларининг “Махсус ишлаб чиқариш омиллари” назарияларида Хекшер-Олин назариясини кенгайтиришга ҳаракат қилишган. Хекшер-Олин назариясида ишлаб чиқариш омиллариининг фақат икки хил тури – капитал ва меҳнат инobatта олинган бўлса, “Махсус ишлаб чиқариш омиллари” назариясида ушбу омиллар сони учтага етказилди, булар капитал, меҳнат ва ер омиллари дир. Бундан ташқари, Самуэльсон-Джонс назариясида ишлаб чиқариш омиллариини икки гуруҳга бўлиш таклиф этилади:

**1. Ишлаб чиқаришнинг махсус омиллари** – муайян тармоқларда кенг қўлланилувчи ва бошқа тармоқларда эса деярли қўлланилмайдиган ишлаб чиқариш омиллари. Ушбу омиллар фақат бир тармоққа тегишли бўлганлиги учун тармоқлараро хўчиб юрмайди. Мисол учун капитал саноат тармоқларида кенг қўлланилади, қишлоқ хўжалигида эса унинг аҳамияти юқори эмас. Чунки қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш омиллариининг реверс самараси юқори бўлганлиги капитал ўрнига меҳнат ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Бошқа тарафдан юқори унумдорликка эга бўлган ер қишлоқ хўжалиги учун махсус омил бўлади. Чунки саноатда ернинг унумдорлик даражаси ҳеч қандай аҳамият касб қилмайди.

**2. Ҳаракатчан омил** – ҳамма тармоқларда кенг қўлланилувчи ва шу сабабли тармоқлараро эркин ҳаракатланувчи ишлаб чиқариш омили. Бу омилга мисол қилиб меҳнат ресурслариини келтириш мумкин. Мисол учун, агар ишчи кучи саноат корхонасида ўз иш жойини йўқотиб қўйса, у қишлоқ хўжалигига бориб ишлаши мумкин ва аксинча. Бундай ҳолатлар жаҳон хўжалигида кўп кузатилади. Ишчиларнинг қишлоқ хўжаликларииндан саноат тармоқларига ўтиши натижасида жаҳон хўжалигида урбанизация жараёни ривожланиб келмоқда.

**Махсус ишлаб чиқариш омиллари назарияси** – халқаро савдо ривожланишининг объектив асосини ички нисбий нархларни бир-биридан фарқ қилиши тапқил этса, бу ҳолатнинг асосий сабаби мамлакатларнинг махсус ишлаб чиқариш омиллари билан турлича таъминланганлигидан иборат дир. Мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиши натижасида экспорт тармоқлари учун махсус бўлган омиллар ривожланади, импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун махсус бўлган омил камаяди.

Халқаро савдо турли хил ишлаб чиқариш омилларига турлича таъсир кўрсатиши – бу омил эгаларини турмуш фаровонлигини халқаро савдога боғлиқ эканлигини англатади. Шу сабабли кўплаб иқтисодчи олимлар халқаро савдонинг аҳоли даромадига таъсирини ўрганишган. Бу борадаги асосий назарияларга қуйидагилар киради:

**1. Хекшер-Олин-Самуэльсон назарияси** – халқаро савдо мамлакатларда гомоген ишлаб чиқариш омиллариининг мутлоқ ва нисбий нархларининг мувозанатлашувига олиб келади. Бу эса гомоген ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг даромадлари ҳам мувозанатлашишини англатади.

2. **Самуэльсон-Джонс назарияси** – мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этиш натижасида экспорт тармоқлари учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади кўпаяди ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун махсус бўлган омил эгаларининг даромади камаяди.

3. **Столпер-Самуэльсон назарияси** – халқаро савдо таъсирида нархи ўсадиган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омилнинг нархи ҳам ўсади ва аксинча, нархи пасайган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омилнинг нархи ҳам пасаяди.

Демак, халқаро савдо мамлакатларнинг ялпи даромадига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга айрим омил эгаларининг турмуш фаровонлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан. Шу сабабли мамлакатнинг халқаро савдода иштирок этишдан олиши мумкин бўлган фойда – бу мамлакатнинг халқаро савдо алоқаларида эгаллаган ўрнига боғлиқ экан.

Бошқа тарафдан мамлакатнинг халқаро савдода рақобатбардош бўлиши унинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари таклифининг ўзгариши мамлакатнинг иқтисодий ҳолатига қандай таъсир кўрсатиши кўп жиҳатдан Т.Рибчинский томонидан ўрганилган.

Т.Рибчинский назариясига мувофиқ, ишлаб чиқариш омилларида нотекис фойдаланиш турли оқибатларга олиб келади. Мазкур омиллардан бирининг устун даражада ишлаб чиқаришга қўлланилиши ушбу омилдан доимий равишда фойдаланиладиган иқтисодий сектор улушининг ортишига олиб келади. Бу эса барқарор дунё нархлари шароитида бошқа секторларда товар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади. Чунки, арзон ишлаб чиқариш омилидан интенсив равишда фойдаланилаётган сектор томон бошқа секторлардан барча ҳаракатчан ишлаб чиқариш омиллариининг оқиб ўтиши юз беради. Инглиз иқтисодчиси Т.Рибчинский 1955 йилда мазкур қонуниятга асосланиб ўз назариясини яратди.

Т.Рибчинский назарияси – барқарор нархлар ва иқтисодиётда фақат иккита секторнинг мавжудлиги шароитида ишлаб чиқариш омилларида бирининг таклифининг кўпайиши ушбу омилдан интенсив фойдаланиладиган тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ва бу тармоқ корхоналари оладиган даромаднинг кўпайишига олиб келади, бошқа секторда эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ва олинadиган даромаднинг камайишига олиб келади.

Т.Рибчинский назариясига мувофиқ, янги қазилма бойликларнинг топилиши (масалан, нефть ва газ) бошқа тармоқларнинг (хусусан, қайта ишлаш саноати) ривожланишини пасайтириб қўйиши мумкин. Аксинча, ташқи савдо жадал суръатларда ривожланаётган иқтисодиётда ишчи кучи малакасининг ортиб бориши ва фаол капитал қўйилмалар хомашё қазиб олишнинг қисқаришига ва унинг импортига боғлиқлигининг кучайишига олиб келиши мумкин.

Бу назария амалиётда ҳам ўз тасдиғини топди. Т.Рибчинский томонидан аниқланган тамойиллар АҚШ иқтисодий ривожланиш жараёнида ва ташқи

иқтисодий алоқаларнинг тармоқ таркибида намоён бўлди. АҚШ минерал хомашёнинг нетто-экспортёридан нетто-импортёрига айланди. Рибчинский назариясининг амалиётда Канада, Буюк Британия, Голландия, Норвегия каби давлатларда минерал хомашё ресурсларини (газ, нефть) кидириш қайта ишлаш саноати ва бу тармоққа тегишли маҳсулотларни экспорт қилишнинг қисқариши эвазига ривожланганлиги билан ўз тасдиғини топган.

Голландиянинг деиндустриаллашуви, яъни “голланд касаллиги” номини олган ҳодиса Рибчинский назариясига яна бир мисол бўлади. Бу муаммо Шимоллий денгизда Голландия томонидан табиий газ конларининг фаол ўзлаштирилиши билан боғлиқ эди. Табиий газни ўзлаштиришнинг ошиб бориши ишчи кучини экспортга йўналтирилган қайта ишлаш саноати тамоқларидан нефть ва газни қазиб олиш тармоғига қўчишига олиб келди. Шу сабабли Голландиянинг саноат маҳсулотлари экспорти кескин қисқарди. Бу вазиятни Рибчинский назариясини қўллаш орқали олдиндан аниқлаш ва унинг олдини олиш мумкин бўлганди. Аммо Голландия ҳукуматининг самарасиз тармоқ сиёсатини олиб бориши натижасида қайта ишлаш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми қисқарди.

Шундай қилиб халқаро савдо билан нафақат ижобий, балки салбий оқибатлар ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Бу эса ташқи савдо сиёсатида икки тенденциянинг мавжудлигини тушунтириб беради, булар эркин савдо ва протенционизмдир.

Бир қатор иқтисодчи олимлар мамлакатнинг халқаро савдода тутган ўрнини технологик тараққиёт орқали тушунтиришга ҳаракат қилишди. Улар орасида М.Познер ва Р.Вернонларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Америкалик иқтисодчи Майкл Познер 1961 йилда халқаро савдони технологик тараққиёт билан боғлиқлигини очиб беришга ҳаракат қилди. Бу олим томонидан технологик узилиш модели ишлаб чиқилди.

М.Познернинг “технологик узилиш” моделига мувофиқ мамлакатнинг янги технологияни яратиши унга ушбу технология асосида товар ишлаб чиқаришда ва бу товарни жаҳон бозорида сотишда вақтинчалик монополияга эга бўлади. Бу эса, мамлакат бошқа ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлигида устунликка эга бўлмаса ҳам жаҳон бозорида етакчи экспортёрга айланиши мумкинлигини англатади.

М.Познернинг ушбу модели бошқа америкалик иқтисодчи Раймонд Вернон томонидан ривожлантирилди. 1966 йилда Р.Верноннинг “маҳсулотнинг ҳаётгийлик цикли” моделига бағишланган мақоласи чоп этилди.

“Маҳсулотнинг ҳаётгийлик цикли” назарияси – янги товарнинг кашф қилиниши маълум вақт давомида ихтирочи мамлакатга жаҳон бозорида етакчилик қилиш имкониятини беради, аммо кейинчалик маҳсулот ҳаётгийлик циклида бир босқичдан бошқа босқичга ўтгани каби бу товарни ишлаб чиқаришдаги устунлик ҳам бир давлатдан иккинчисига ўтади.

Маҳсулотнинг ҳаётгийлик цикли бешта босқичдан (вужудга келиш, ўсиш, тўйиниш, пасайиш ва ички ишлаб чиқаришдан воз кечиш) иборат циклни босиб ўтади ва улар бир-бири билан узвий боғлиқ. Мазкур назария халқаро



савдони маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли босқичлари асосида йўлга қўйиш лозимлигини тушунтиради.

Р.Вернон назариясига мувофиқ баъзи бир маҳсулотлар 5 босқичдан иборат циклни босиб ўтади ва уларни ишлаб чиқариш жойи цикл босқичлари-га боғлиқ равишда ўзгаради. Бу босқичларни кетма-кетликда кўриб чиқамиз:

**1-босқич. Вужудга келиш.** Бу босқичда янги товар яратилади ва бу товарни дастлабки ишлаб чиқариш бошланади. 1-босқичда янги товар фақат шу мамлакатнинг ўзида сотилади. Янги маҳсулот, одатда, унга талаб ва унга мос бозор бўлгандагина ишлаб чиқилади. Бу босқичда товар даставвал кам миқдорда ички бозорга чиқарилади. Кейинчалик товарнинг сифати ички истеъмолчилар талабига жавоб берадиган даражага етказилади.

Янги товар лойҳасини ишлаб чиқиш ва у асосида техника, технология яратиш катта миқдордаги капитални талаб қилади. Шу сабабли янги товарлар асосан капиталга бой, тараққий этган мамлакатларда яратилади.

**2-босқич. Ўсиш.** Бу босқичда маҳсулот муқаммал кўринишга келтирилади ва уни катта ҳажмда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Кейинчалик маҳсулотни хорижга экспорт қилиш бошланади. Иккинчи босқичда янги товарни экспорт қилиш бўйича мамлакат жаҳон бозориди монополияга эга бўлади. Чунки бошқа мамлакатларда бу товарнинг ўрнини босувчи товарлар хали ишлаб чиқарилмайди.

**3-босқич. Тўйиниш.** Янги товарни ишлаб чиқариш технологияси муқаммал кўринишга кетирилади ва товарнинг нархини пасайтириш мақсадида уни ишлаб чиқаришнинг бир қисми бошқа мамлакатларга ўтказилади. Арзонроқ ишчи кучидан фойдаланиш ҳисобига товарнинг таннарихи пасаяди ва корхона юқори даромад олишини давом эттиради.

3-босқичда янги товарни ишлаб чиқаришнинг бир қисми меҳнат ресурсларига бой мамлакатга ўтказилади. Шу тариқа маҳсулотни ишлаб чиқариш бир мамлакатдан бошқа мамлакатга узатилиши жараёни бошланади.

**4-босқич. Пасайиш.** Бу босқичда товарнинг нархи кўп жиҳатдан арзон табиий ресурслар ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига боғлиқ. Шу сабабли нисбатан арзонроқ меҳнат ресурсларига эга бўлган мамлакат янги товарни ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ ўз қўлига олади. Бу босқичга келиб юқорида кўрсатилган сабаблар таъсири остида янги товарни ишлаб чиқарган мамлакат бу маҳсулотни импорт қилишни бошлайди.

**5-босқич. Ички ишлаб чиқаришдан воз кечиш.** Олдинги босқичда бошланган жараён ривожланиб боради ва янгиликни амалга оширган мамлакатда бу товарни ишлаб чиқариш тўхтатилади. Чунки арзон хомашёга, ишчи кучига эга бўлмаган мамлакат корхоналари бозорда ўз рақобатбардошлигини йўқотиб қўйишади ва ўз салоҳиятларини янги товарларни ишлаб чиқишга йўналтиришади. Бу босқичга келиб янги товарни ишлаб чиқаришни тараққий этган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга узатиш тўлиқ нихоясига етказилади ва тараққий этган мамлакатлар бу товарни тўлиқ хориждан импорт қилади.

Халқаро савдо назариялари таркибида бир қатор назариялар классик мактабнинг халқаро савдо концепциясини тўлиқ рад этишади. Бу назариялар орасида миқёс самараси, тармоқ ичидаги савдо, монопол рақобат шароитидаги савдо каби назарияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Халқаро савдонинг миқёс самараси модели.** Умумий иқтисодий назариядан маълумки, ишлаб чиқариш миқёси кенгайиб боргани сари товарнинг таннархи пасайиб боради.

Миқёс самараси орқали ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил ёки деярли бир хил таъминланган мамлакатлар ўртасидаги савдо тушунтирилади. Миқёс самараси орқали технологик жиҳатдан бир-бирига яқин, ҳатто бир хил товар ишлаб чиқарадиган мамлакатлар ўртасидаги савдони ҳам тушунтириш мумкин.

**Миқёс самараси** – ишлаб чиқаришнинг шундай ривожланишики, бунда омиллар сарфининг бир birlikка ўсиши ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг бир birlikдан кўпроқ miқдорга ўсишига олиб келади ва буни куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

*17.3.1-жадвал*

### Миқёс самараси

Меҳнат (соат)	4	6	8	10
Товар (дона)	1	3	5	7
Товарнинг таннархи (соат/дова)	4,00	2,00	1,60	1,43

Миқёс самарасининг вужудга келиш сабаблари кўп, ammo уларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

– ихтисослашув даражасининг ўсиши – ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ишчиларнинг белгиланган операцияларни бажаришга ихтисослашувининг ўсишига олиб келади;

– ишлаб чиқаришнинг яхлитлиги – ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши шароитида ишлаб чиқаришга билвосита боғлиқ бўлган бўлимларнинг ҳажми деярли ўзгармасдан қолади. Бошқарув аппарати, бухгалтерия ва шу каби бошқа бўлимларнинг ойлик фонди ўзгармаслиги ҳисобига маҳсулотнинг таннархи пасаяди;

– технологик иқтисод – ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши шароитида технологик жараёнларни мукамаллаштиришга, маркетинг ва реклама ишларини олиб боришга қилинадиган харажатларнинг маҳсулот таннархидаги улуши пасаяди.

Миқёс самараси мамлакатдаги тармоқ ва корхоналарнинг рақобат бозоридаги ҳатти-ҳаракати ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ташқи ва ички миқёс самараларига ажралади.


Ташқи миқёс самараси – бутун тармоқда ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши натижасида фирма доирасида товар birlikгига тўғри келадиган харажатларнинг камайиши.

Ички миқёс самараси – фирма доирасида ишлаб чиқариш миқёсини кенгайтириш орқали товар бирлигига сарфланадиган харажатларнинг камайиши.

Ташқи миқёс самараси шуни назарда тутадикки, ҳар бир фирманинг ҳажми ўзгармаган ҳолда бир хил товар ишлаб чиқарадиган фирмалар сони ортади. Одатда, ушбу ҳолатда бозор етарли даражада рақобатбардошлигини сақлаб қолади, бу эса шу модель асосидаги савдо қонуниятларини халқаро савдонинг классик назарияларига яқинлаштиради, яъни экспортёрлар ўзлари таъсир кўрсата олмайдиган бозордаги нархда хоҳлаган миқдорда товар сотишлари мумкин.

Ички миқёс самараси эса ишлаб чиқариш миқдори ўзгармаган ҳолда товар ишлаб чиқарувчи фирмалар сони камайган ҳолатни назарда тутати. Ушбу вазият аксарият ҳолларда носоглом рақобатни келтириб чиқаради, яъни ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархига таъсир кўрсата оладилар ва товар нархини пасайтириш орқали сотиш ҳажмини орттиришлари мумкин. Ички миқёс самарасининг экстремал ҳолати соф монополия ҳисобланади.

**Монополистик рақобат шароитида савдо.** Маълумки, халқаро савдода соф мукаммал рақобат анча кам учрайди, бунинг сабаби жаҳон ҳолати ва товарлар бозорининг бўлишиб олинганлиги ва халқаро бозорларда ўзига хос олигополия ва монополияларнинг вужудга келганлигидир. Монополистик рақобат асосидаги савдо назариясининг ривожланишига америкалик иқтисодчи Пол Кругман катта ҳисса қўшди.



17.3.1-расм. Монополистик рақобат шароитида савдо

Агар  $X$  – маълум фирманинг сотиш ҳажми,  $S$  – тармоқдаги умумий сотиш ҳажми,  $n$  – тармоқдаги фирмалар сони,  $b$  – фирманинг ўз товари нархига боғлиқ равишда бозордаги улушини кўрсатувчи талаб ўзгарувчиси,  $P$  – мазкур фирма товари нархи,  $P^*$  – рақобатчи товарларнинг ўртача нархи бўлса,

$$X = S \left[ \frac{1}{n} - b x (P - P^*) \right] \quad (1) \text{ бўлади.}$$

Агар фирма ўз товарларини ўрта нархдан юқори нарх бўйича сотса ( $P > P^*$ ), унинг бозордаги улуши ( $S/n$ ) пасаяди ( $X < (S/n)$ ). Агар фирма ўз товарларини ўртача нархдан паст нархда сотса ( $P < P^*$ ), унинг бозор улуши кўпаяди ( $X > (S/n)$ ).

Монополистик рақобатнинг халқаро савдога таъсирини аниқлаш учун, энг аввало, фирмалар сони ва уларнинг товарлари нархи ўртасидаги учта асосий ўзаро боғлиқликни аниқлаш зарур:

— фирмалар сони қанчалик кўп бўлса, ҳар бир фирма ишлаб чиқарадиган товар ҳажми шунча кам бўлади, ўртача харажатлар ортиб боради;

— фирмалар сони қанчалик кўп бўлса, рақобат даражаси юқори бўлади ва товар нархи пасаяди;

— агар нарх ўртача нархдан юқори бўлса, бозордаги фирмалар сони ортади ва аксинча.

Монополистик рақобат моделида дастлабки икки боғлиқлик муҳим ҳисобланади. Халқаро савдо товар сотиш бозорлари сигимини оширади. Фирмалар сони ва бир фирмага тўғри келадиган ўртача ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги чизиқли тенглама билан ифодаланади:

$$C^* = (F/X) + c, \quad (2)$$

$$C^* = n(F/S) + c, \quad (2a)$$

Бу ерда:  $C^*$  – ўртача харажатлар,  $F$  – доимий харажатлар,  $c$  – фирманинг чегаравий харажатлари.

Формуладан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ҳажми, ўз навбатида, сотиш ҳажми ортиб борган сари фирманинг ўртача харажатлари камайиб боради, чунки доимий харажатлар янада кўпроқ товарлар сонига бўлинади. Бозор мувозанатда бўлган шароитда ҳар бир фирма товарининг нархи бир хил бўлади,  $P = P^*$ . Ушбу ҳолатда 1-формула  $X = S/n$  га келади.  $X$  қийматини иккинчи формулага қўйсақ, 2а-формула келиб чиқади. Бу формуладан кўриниб турибдики, тармоқда фирмалар сони қанчалик кўп бўлса, ўртача харажатлар шунчалик ортиб боради. Фирмалар сони ўзгармаган ҳолда сотиш ҳажмининг ортиши ўртача харажатларнинг қисқаришига олиб келади.


**Тармоқ ичидаги савдо ва тармоқлараро савдонинг фарқлари.** Тармоқ ичидаги савдо – бу мамлакатлар ўртасида бир тармоқнинг дифференциялашган маҳсулотлари билан савдо қилишидир.

Тармоқлараро савдо – мамлакатларнинг турли тармоқларнинг гомоген маҳсулотлари билан савдо қилишидир.

Тармоқ ичидаги савдо асосан дифференциялашган товарлар билан амалга ошади, баъзи вазиятларда гомоген товарлар билан ҳам амалга ошиши мумкин. Бунга сабаб сифатида транспорт харажатларини қисқартириш ва мавсумдаги фарқ бўлиши мумкин. 1-ва 2-мамлакатларда бир товарни ишлаб

чиқарувчилар ( $S, S'$ ) ва истеъмолчилар ( $D$  и  $D'$ ) географик жиҳатдан расмдагидек жойлашган.  $SD'$  масофа  $D'S'$  масофадан сезиларли даражада қисқа бўлганлиги сабабли иккинчи мамлакат учун товарни ўз ишлаб чиқарувчисидан сотиб олгандан кўра хориждан импорт қилиш фойдалироқ бўлади.

Шимолий ва жанубий ярим шарда йил фасллари турли вақтга тўғри келади, яъни Бразилия ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғим вақтида АҚШга экспорт қилади ва АҚШда йиғим вақтида АҚШдан сотиб олади.



17.3.2.-расм. Тармоқ ичидаги савдо

Дифференциялашган товарлар билан тармоқ ичидаги савдо сабаблари куйидагилар:

- Истеъмолчиларнинг истак ва хоҳишлари ҳар хил.
- Кесишувчи талаб.
- Миқёс самараси.


**Кесишувчи талаб назарияси.** Кесишувчи талаб назарияси псевдиялик иқтисодчи Стаффан Линдер томонидан ишлаб чиқилган. Бу назария халқаро савдони талаб томонидан тушунтирувчи камдан-кам назарияларнинг биридир. Бу назарияга кўра мамлакат экспорти импортёр мамлакатдаги талабга боғлиқ.

Камдан-кам товарлар фақат экспорт учун ишлаб чиқарилади. Товарларнинг асосий қисми ички бозорда сотилади, ички истеъмол тўлиқ қондирилгандан кейингина бу товар экспорт қилинади. Бу товарни хорижий мамлакатларга сотишда уни бу мамлакатдаги талаб таркиби ўз мамлакатидagi талабга ўхшаш бўлган мамлакатни танлаш мақсадга мувофиқ. Икки мамлакатда талаб таркибининг бир хил бўлиши мамлакатлар аҳолисининг даромад даражасига боғлиқ бўлади. Чунки даромад қанчалик юқори бўлса сифатли товарга бўлган талаб шунчалик ортиб боради.

**Кесишувчи талаб назарияси** — бу турли мамлакатлардаги истеъмолчиларнинг даромадлари ва истак-хоҳишлари деярли бир хил

бўлганлиги сабабли ҳар бир мамлакат учун ишлаб чиқаришда ва ички бозорда яхшироқ тажриба тўпланган товарларни экспорт қилиш осон бўлишидир.

Назариянинг график кўриниши куйидагича: фараз қилайлик, икки мамлакат мавжуд, биринчи мамлакатда даромад даражаси А дан С гача, бу даромад даражасида ушбу мамлакатда сотиладиган товарлар сифати А' дан С' гача. Иккинчи мамлакатда эса даромад даражаси В дан D гача, бу даромад даражасида ушбу мамлакатда сотиладиган товарлар сифати В' дан D' гача. Икки мамлакат ўртасидаги савдо сифати В' дан С' гача бўлган товарлар билан амалга ошади. Чунки бу ораликда икки мамлакатдаги истеъмолчиларнинг талаби кесишади.



17.3.3.-расм Кесишувчи талаб

**Фирманинг ташқи савдо фаолияти назарияси.** Ушбу назарияда таҳлил объекти сифатида мамлакат эмас, балки халқаро фирма кўриб чиқилади. Бунинг сабаби ташқи савдо операцияларининг катта қисми фирма ичидаги айланмасидан иборатлигидир. Бугунги кунда жаҳон товар ва хизматлар савдосининг 70% и, сотиладиган лицензия ва патентларнинг 80–90% и, капитал экспортининг 40% и фирма ичидаги алоқаларга тўғри келади.

Фирма ичидаги савдо жаҳон бозорида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотни йиғишда қўлланиладиган ярим фабрикатлар ва қўшимча эҳтиёт қисмларни айирбошлашга асосланади. Ташқи савдо статистикаси ташқи савдо йирик ТМКлар жойлашган мамлакатлар ўртасида жадал суръатлар билан ўсаётганлигини тасдиқлайди.

**Мамлакатларнинг рақобатбардошлик назарияси.** Бу назариянинг асосчиси америкалик иқтисодчи олим М.Портердир. XX аср 80-йилларининг охирида бу олим жаҳон экспортининг 50% тўғри келувчи 10 та мамлакатдаги

100 га яқин тармоқларни ўрганиб чиқди. Бу изланишлар натижасида М.Портер ўзига хос назария яратди. Бу назарияга биноан мамлакат фирмалари фаолият олиб боровчи рақобатбардош муҳитни иқтисодиётнинг 4 та муҳим кўрсаткичи шакллантиради:

- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик;
- талаб кўрсаткичлари;
- яқин ва хизмат кўрсатувчи (ёрдам берувчи) тармоқлар;
- рақобат муҳити ва фирма стратегияси.

Ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик – ишлаб чиқариш омиллари мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсир кўрсатишнинг ўрганиб бориш жараёнида, М.Портер одатдаги ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик қобилияти) билан бирга илмий-техник ва бозор таркибининг ахборот билан таъминланганлик даражаси; транспорт, соғлиқни сақлаш ва алоқа тизимларининг ҳолатини ҳам ишлаб чиқариш омили сифатида кўриб чиққан. М.Портер бошқа иқтисодчилардан фарқли равишда, мамлакат ишлаб чиқариш омиллари кўпини мерос сифатида эмас, балки ўзининг ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориши жараёнининг натижаси сифатида қўлга киритади, деб ҳисоблайди. Мисол учун ер тақчиллиги сабабли Япония кўп жой эгалламайдиган технологик жараёнларни кашф этди.

М.Портер фикрига кўра, рақобатбардошлик – бу мамлакатнинг шарт-шароити билан фирмалари стратегиясининг мутаносиблиги натижасидир. Фирма халқаро миқёсда рақобатбардош бўлиши учун мамлакатда шарт-шароит бор бўлиши мумкин, аммо фирма бу шарт-шароитдан тўғри фойдаланишни билиши керак, яъни кўп нарса фирманинг стратегиясига боғлиқ.

**Талаб кўрсаткичлари** – бунга, биринчи навбатда, талабнинг сифимкорлиги, унинг ривожланиши йўналиши, талабнинг товарлар турига кўра табақаланиши, истеъмолчиларнинг товар ва хизмат сифатига талабчанлиги киради. Товарлар халқаро савдога чиқишдан олдин ички бозорда, маҳаллий истеъмолчилар синовидан ўтиши керак. Мисол учун, Япон фирмалари энергияни тежайдиган кичик кондиционерларни олдин фақат ички истеъмолчилар учун ишлаб чиқарган ва кейинчалик бу кондиционерлар халқаро бозорга чиққан.

**Яқин ва ёрдам берувчи (хизмат кўрсатувчи) тармоқлар** – экспортёр фирмаларни керакли материаллар – яримфабрикатлар, қўшимча қисмлар ва ахборот билан таъминловчи қардош ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг юқори ривожланишга эгаллиги экспортёр фирманинг халқаро миқёсда рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Мисол учун, заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Италия фирмалари ривожланмоқда, бунинг асосида қимматбаҳо тошлар ва металлларга ишлов берувчи техника ишлаб чиқариш бўйича Италия дунёда етакчи мамлакат эканлиги ётади.

**Рақобат муҳити ва фирма стратегияси.** М.Портер битта миллий фирма кўлида ишлаб чиқаришнинг концентрациялашувини ижобий нагъжага олиб келишни инкор этади, айниқса, бу фирма давлат ҳимоясида бўлса. Одатда, бу фирмалар паст даражадаги самарадорлик ва меҳнат унумдорлигига эга бўлишади. Ички бозордаги кучли рақобат миллий фирмани ташқи бозорга йўл қидиришга мажбур этади.

Ички бозордаги рақобат курашида тобланган фирма ўз тажрибасини рақобат янада кучлироқ бўлган халқаро бозорда кўллайди. Ички кураш қанчалик оғир кечган бўлса, бу фирма халқаро бозорда муваффақиятга эришиш имконияти шунчалик катта.

М.Портер рақобат глобал кўринишда бўлиши керак деб ҳисоблайди. Фирма ўз товарини фақат ички бозорда эмас, балки бутун жаҳон бўйлаб сотишга ҳаракат қилиши керак. Бунда фирманинг стратегияси катта аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга битта универсал стратегияни келтириш мумкин эмас. Мисол учун мебель ва оёқ-кийим ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи бўлган Италия фирмалари қатъий бошқарув тизимига эга эмас. Оптика ва машина ишлаб чиқаришда дунёда етакчилик қилувчи Германия фирмалари одатий марказлашган, қатъий бошқарув тизимига эга.

Мамлакатни халқаро миқёсда рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи асосий 4 та кўрсаткичдан ташқари бошқа омиллар ҳам бор. Бу омиллар қаторида М.Портер тасодифий ҳодисаларни ҳам келтиради. Тасодифий ҳодисалар ҳукумат ва фирмалар фаолиятига унчалик боғлиқ бўлмаган ҳодисалардир. Улар мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириши ҳам, пасайтириши ҳам мумкин. Тасодифий ҳодисаларга янги кашфиётлар, йирик технологик силжишлар, ресурслар нархларининг кескин ўзгариши жаҳон молия бозорларидаги кескин ўзгаришлар, урушлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Умуман олганда, халқаро савдонинг назарий асослари меркантилистлар мактабидан бошлаб янги кейнсчилар мактабига қадар ривожланиб келган. Бу назариялар турли хил ёндашувларга асосланган ва уларнинг бир қисми ўзаро боғлиқликда, бир-бирини тўлдириб келса, бошқалари қарши йўналишда ривожланган.

Меркантилистлар биринчи бўлиб халқаро савдонинг ўзига хос моделини таклиф этдилар. Улар мамлакатнинг бойлиги мамлакатда мавжуд булган олтин ва кумуш миқдори билан боғлиқ деб ҳисобладилар. Меркантилистлар товарларни мамлакатга олиб киришга нисбатан уларни четга кўпроқ олиб чиқиш, экспортни кўпайтириш ва импортни қисқартириш учун ташқи савдони тартибга солиш, четга хомашё олиб чиқишни кескин чегаралаш ёки тақиқлаш, хомашёларни четдан божларсиз импорт қилишга рухсат бериш, колонияларнинг метрополиядан ташқари барча бошқа мамлакатлар билан ҳар қандай савдосини тақиқлаш керак деб таъкидлайдилар.



Адам Смит томонидан ишлаб чиқилган мутлоқ устунлик назариясига мувофик, мамлакатлар ўзлари энг кам харажатлар билан ишлаб чиқарадиган товарларни экспорт қиладилар ва бошқа мамлакатларда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқариладиган устунликка эга булган товарларни импорт қиладилар.

Классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири Д. Рикардо товар оқимлари ҳаракатига далил сифатида нисбий устунликнинг миқдорий назариясини таклиф этди. Албатта, нисбий устунлик назарияси мавҳум ва жуда соддалаштирилган табиатга эга ҳамда халқаро савдога бевосита таъсир кўрсатадиган бир қатор ҳодисаларни эътиборга олмади. Назариянинг чекланганлиги унинг яратилишида қилинган фаразлар билан боғлиқ.

Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясига кўра, омиллар сифимлиги маълум бир товарни яратиш учун ишлаб чиқариш омиллари нисбий сарфини, омиллар кўшлиги мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари билан нисбий таъминланганлигини белгилаб беради. Турли мамлакатларда товарлар нисбий нархидаги фарк, ўз навбатида, улар ўртасидаги савдо уларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан бир хил таъминланмаганлиги билан тушунтирилади.

Халқаро савдонинг стандарт модели халқаро савдода умумий мувозанат модели ҳисобланади ва мамлакат ичида товарга бўлган талаб ҳамда товар таклифини шу товарга бўлган хорижий талаб ва таклифни ўзаро боғлайди. Бу модель турли миқдордаги товарларни экспорт қилишга хоҳиш уйғониши учун мамлакат қанча миқдорда бошқа бир товарларни импорт қилиши кераклигини ифодаловчи ўзаро талаб тушунчасига асосланган. Ушбу модель халқаро савдонинг барча асосий параметрларини ва у билан боғлиқ бўлган миллий иқтисодиётнинг параметрларини ўрганиш имконини беради.

Халқаро савдода иштирок этувчи ҳар қандай мамлакат учун экспорт ва импорт нархларининг ҳар қанча ўзгариши реал даромаднинг ўзгаришини англатади. Товар нархи ошганда, бу товар экспорт қилинаётган бўлса, мамлакатнинг реал даромади ошади, агар бу товар импорт қилинаётган бўлса, аксинча, реал даромад камаяди.

Маълум бир товарнинг экспорт ва импорт нархларининг нисбати ёки экспорт ҳамда импорт нархлари индекслари нисбати орқали аниқланувчи мамлакат экспорт ва импорт нархларининг нисбати савдо шarti, деб аталади. Унинг ўсиши натижасида мамлакат бойлиги ортади, пасайиши натижасида эса бойлик камаяди. Таклифнинг ортиши (иқтисодий ўсиш) ва талабнинг ортиши (даромаднинг қайта тақсимланиши) савдо шartiга таъсир кўрсатиши мумкин.

XX асрда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги экспорт-импорт операцияларининг сифатий хусусиятларини эътиборга олувчи янги тамойиллар пайдо бўлди; кейинги йилларда бир қатор америкалик иқтисодчилар томонидан товар айирбошлашнинг турли омилларини ҳисобга олувчи «товарнинг ҳаётий цикли», «халқаро рақобат» ва бошқа моделлар ишлаб чиқилди.

**Мутлоқ устунлик назарияси** – мамлакатлар мутлоқ устунлик шароитида кам харажатлар билан ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилишда ва бошқа мамлакатларда мутлоқ устунлик шароитида кам харажатлар билан ишлаб чиқарилган товарларни импорт қилишда.

**Муқобил нарх** – бир бирлик товарни ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатнинг иккинчи товарни ишлаб чиқаришга зарур харажат орқали фойдаланиши.

**Нисбий устунлик назарияси** – агар мамлакат бошқа мамлакатта нисбатан кам харажатлар билан ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашса, ўзаро савдо иккала мамлакат учун ҳам фойдали бўлади. Бунда ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ устунлик бўлиши шарт эмас.

**Фойдали савдо** – бу халқаро савдонинг ҳар бир иштирокчиси олиши мумкин бўлган иқтисодий самара бўлиб, унга эга бўлиш учун мамлакат ўзи нисбий устунликка эга бўлган товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши керак.

**Ўзаро (ёки тесқари) талаб назарияси** – импорт қилинадиган товар нархи бу товарнинг импортини тўлаш учун экспорт қилиниши керак бўлган товарнинг нархи орқали аниқланади, шунинг учун ўзаро савдода яқиний нисбий нарх ҳар бир мамлакатдаги ички талаб билан аниқланади.

**Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг интенсиялиги кўрсаткичи** – маълум бир товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган битта ишлаб чиқариш омилини иккинчи ишлаб чиқариш омилига нисбати.

**Ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик кўрсаткичи** – мамлакат эга бўлган ишлаб чиқариш омилларининг бир-бирига нисбати.

**Хекшер-Олин назарияси** – мамлакат қайси ишлаб чиқариш омили билан нисбатан яхши таъминланган бўлса, шу омилига нисбатан кўпроқ талаб қилувчи товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ва уни экспорт қилиши керак.

**Ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг тенглашуви назарияси (Хекшер-Олин-Самуэльсон назарияси)** – халқаро савдо бу савдода иштирок этувчи мамлакатлардаги гомоген ишлаб чиқариш омилларининг мутлоқ ва нисбий нархининг тенглашишига олиб келади.

**Леонтъев парадокси** – Хекшер-Олиннинг ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг амалиётда ўз тасдиғини топмаганлигини исботлаган эмпирик синов натижаси: меҳнат ресурсларига бой мамлакатлар капитал сиғимкорлиги юқори маҳсулотларни экспорт қилади, капитал ресурсларига бой мамлакатлар эса меҳнат сиғимкорлиги юқори маҳсулотларни экспорт қилади.

**Маҳсус омил** – муайян тармоққа тегишли ва тармоқлар ўртасида ҳаракатланмайдиган ишлаб чиқариш омили.

**Ҳаракатчан (ёки мобилъ) омил** – тармоқлар ўртасида эркин ҳаракатланадиган ишлаб чиқариш омили.

**Меҳнат унумдорлигининг чегара миқдори** – қўшимча бир birlik ишчи кучида фойдаланиш натижасида ялпи даромадни ўсиш миқдори.

**Самуэльсон-Жонс назарияси** – халқаро савдода иштирак этиш натижасида экспорт тармоқлари учун специфик бўлган омил эгаларининг даромади ва импорт билан рақобатлашувчи тармоқ учун специфик бўлган омил эгаларининг даромади камаяди.

**Столпер-Самуэльсон назарияси** – халқаро савдо нархи ўсаётган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омил нархининг ўсишига ва аксинча, нархи пасаяётган товарни ишлаб чиқаришда нисбатан интенсив фойдаланиладиган омил нархининг пасайишига олиб келади.

**Т.Рибчинский назарияси** – барқарор нархлар ва иқтисодиётда фақат иккинчи секторнинг мавжудлиги шароитида ишлаб чиқариш омилларидан бирининг тақлифининг кўпайиши ушбу омилдан интенсив фойдаланиладиган тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ва бу тармоқ корхоналари оладиган даромаднинг кўпайишига олиб келади, бошқа секторда эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ва олинадиган даромаднинг камайишига олиб келади.

**«Миқёс самараси» назарияси** – ишлаб чиқаришнинг муайян технологик ва ташкилий хусусиятлари сабабли маҳсулот миқдорининг ортиши натижасида бир birlik товар ишлаб чиқаришга сарфланаётган ўртача харажатнинг камайишини ифода этади.

**Маҳсулотнинг ҳаётгийлик цикли назарияси** – янги товарнинг ишлаб чиқарилиши бир давлатдан иккинчи давлатга маҳсулотнинг ҳаётгийлик босқичига мувофиқ равишда кўчиб ўтади.


### **Назорат саволлари**

1. Меркантилизм назариясининг мазмуни қандай ва унинг чекланганлиги нимада?
2. Мамлакатларнинг ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлиги ва улардан фойдаланиш даражаси нима?
3. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назариясининг кучли ва кучсиз томонлари нимада?
4. В.Леонтьев парадоксини тушунтириб беринг.
5. Хекшер-Олин назариясига мувофиқ мамлакатларнинг ихтисослашуви қайси омилларга таяниши зарур?
6. Столпер-Самуэльсон назарияси мазмуни нимадан иборат?
7. «Миқёс самараси» назариясида ишлаб чиқариш харажатлари қандай килиб пасайтирилади?
8. Маҳсулотнинг ҳаётгийлик цикли назариясида маҳсулотнинг ҳаётгийлик цикли нечта босқичга бўлинади ва қайси босқичда савдо манфаатли ҳисобланади?
9. М.Портернинг рақобатбардошлик назариясига мувофиқ мамлакатнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

## 18-БОБ. ХАЛҚАРО САВДО: ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

### 18.1. Халқаро савдонинг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари


Жаҳон ҳўжалиги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири - бу халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив ривожланиб бориши ҳисобланади. Бу мамлакатлар, мамлакатлар гуруҳи, алоҳида фирма ва корхоналар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши тобора чуқурлашуви билан изоҳланади. Ушбу ҳолатни халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ҳўжалик ҳаётининг глобаллашуви, миллий иқтисодиёт очиклигининг кучайиши, мамлакатларнинг иқтисодий интеграциялашуви ва ҳудудий халқаро иқтисодий алоқалар стратегиясининг чуқурлашиб бораётганлигида кўриш мумкин.



#### 18.1.1-расм. Халқаро савдонинг ривожланиш асослари

Халқаро савдо ўзининг ривожланиш босқичларига эга бўлиб, ҳар бир босқич ўз тарихий хусусиятлари билан ажралиб туради:

- тапқи савдо алоқаларининг локал даражада шаклланиш босқичи – (VI–XIII асрлар) Ўрта ер денгизидан Шарққа томон халқаро савдо йўлларининг вужудга келиши;
- тапқи савдо алоқаларининг минтақавий даражада шаклланиш босқичи – (XII–XV асрлар) тапқи савдо алоқаларининг Ўрта ер, Болтиқ ва Шимолий денгизларида концентрациялашуви;
- тапқи савдо алоқалари глобаллашувининг бошланиш босқичи – (XV–XVII асрлар) Буюк география кашфиётлари туфайли халқаро савдо йўлларининг Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларига кўчиши;
- тапқи савдо алоқаларининг интенсивлашув босқичи – (XVIII–XIX асрлар) саноат тўнгариши, Ғарбий Европа ва АҚШ иқтисодиётининг индустриллаштирилиш жараёни билан боғлиқ;
- тапқи савдо алоқаларининг милитаризациялашув босқичи – (XIX охири – XX аср боши) Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари билан боғлиқ;
- интеграцион блоklar ва бирлашмаларнинг тапқи савдо муносабатларига фаол таъсир этиш босқичи – (XX асрнинг ўртаси ва иккинчи қисми);
- тапқи савдо алоқалари глобаллашув жараёнларининг замонавий босқичининг шаклланиши ва жаҳон бозорининг вужудга келиши



**18.1.2-расм. Халқаро савдонинг товар таркиби**

Халқаро савдонинг замонавий хусусиятлари:

- илм-фан ва техника тараққиёти таъсирида маҳсулот ҳамда хизматлар савдоси ҳажмининг кескин ортиши;
- халқаро савдо ривожланаётган мамлакатлар салмоғининг қисқариши;
- илм-фан ва техника тараққиёти таъсирида жаҳон экспортининг товар таркибидаги илм-фан сифимкорлиги юқори бўлган маҳсулот ва хизматлар улушининг ортиши;
- ташқи савдо айланмасининг жон бошига баҳоланган қийматининг нотекус тақсимланиши;
- янги тармоқ ва ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши;
- қатор мамлакатларнинг айрим маҳсулотлар импортига боғлиқлигининг ортиши;
- ташқи бозорда ортиқча маҳсулотни сотиш каби содда шаклининг турли мамлакат корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари асосида аввалдан келишилган ҳолда маҳсулотни етказиб бериш шаклига ўтилиши.

Халқаро савдонинг товар таркиби – халқаро савдонинг таркибини аниқловчи товар мутаносибликлари мажмуи ва алоқаларидан иборат бўлиб, мақсади инсон эҳтиёжларига мослаштириш нуқтаи назаридан халқаро савдо соҳасида товарларни дифференцияциялаш ҳисобланади.

Халқаро савдонинг ҳудудий таркиби – бу халқаро савдонинг ҳудудий таркибини аниқловчи мутаносибликлар ва алоқалар мажмуи бўлиб, бу таркиб халқаро савдонинг қуйидаги хусусиятлари ва ривожланиш йўналишларини ажратиш имконини беради:

- алоҳида мамлакатларнинг савдо оқимларини ажратиш;
- бир гуруҳ мамлакатлар ўртасидаги савдо оқимларини ажратиш;
- минтақалар ўртасидаги савдо оқимларини ажратиш.
- халқаро савдонинг асосий улуши оқимларининг ривожланган мамлакатлар гуруҳида йиғилганлиги;
- жаҳоннинг йirik савдо империялари бўлиб АҚШ, Германия ва Япония ҳисобланади;
- АҚШ экспортининг фаоллашуви;
- Япония экспортининг ўсиши (биринчи навбатда, бошқа Осиё мамлакатларига);
- Жанубий Осиё мамлакатларида халқаро савдонинг фаол ривожланиши (кўпроқ Покистон ва Ҳиндистон ҳисобига);
- Шарқий Осиё ва қисман Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро савдосининг устун даражада ривожланиши (Япониядан ташқари);
- Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ташқи савдосининг секин ривожланиши.

Халқаро савдонинг замонавий ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар тенденцияси қуйидагилар орқали ифодаланди:

- халқаро савдода бозор иқтисодиётига эга ривожланган мамлакатлар улушининг сақланиб қолиши;
- халқаро савдо асосий қисмининг ривожланган мамлакатлар гуруҳи ичида мужассамлашуви;
- ривожланаётган мамлакатлар улушининг ортиши;
- ривожланаётган ва ривожланган мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари ҳажмининг ортиши;
- ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларнинг халқаро савдодаги позициясининг заифлиги (ривожланган мамлакатлар ташқи савдо айланмасида 3,5%, ривожланган мамлакатлар ташқи савдо айланмасида 2,5%).

Демак, замонавий халқаро савдонинг асосий омиллари куйидагилардан иборат:

- миллий иқтисодиётларнинг очиқлиги;
- миллий иқтисодиётлар ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши;
- халқаро савдонинг худудий ва товар ўзгариши;
- халқаро савдо механизмларининг мураккаблашуви;
- хизматлар соҳасининг ривожланиши;
- интеллектуал ва илмий-техник фаолиятнинг моддийлашган ва моддийлашмаган шаклида ривожланиши.

## 18.2. Жаҳон савдосининг таркиби ва унинг ўзгариш тенденциялари

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро савдо жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. 1950–1998 йилларда жаҳон экспорти 16 мартага ортди. Ғарб мутахассисларининг фикрича, 1950 ва 1970 йиллар оралиғини халқаро савдонинг ривожланишидаги “олтин аср” деб аташ мумкин. Мана шу давр оралиғида жаҳон экспортининг ўртача йиллик ўсиш суръати 7% ни ташкил этади. Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб жаҳон экспортининг ўсиш суръати 5% га қадар, 80-йилларда эса янада пасая бошлади. XX аср 80-йилларининг охирига келиб жаҳон экспортининг ўсиш суръати жадаллаша бошлади. Масалан, 1988 йилда халқаро савдонинг ўсиш суръати 8,5% гача ортгани ҳолда 90-йилларда жаҳон экспортининг ўсиш суръатида яна пасайиш кузатилди, 90-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, ўртача 7% ни ташкил этган<sup>1</sup>.

Тақдирлар, жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 2005-2010 йилларда ўртача 2,0% ни, жаҳон товарлар экспорти ҳажмининг ўсиш суръати эса 3,5% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда. 2010 йилда бу кўрсаткич мос равишда 4,0 ва 14,0% га тенг бўлди (18.2.1-жадвал).

<sup>1</sup> Пузакова Е.П. Мировая экономика и международные экономические отношения. –Ростов-на-Дону.: Феникс, 2004. С.218.

Жаҳон ишлаб чиқариш ва савдоси ҳажмининг ўзгариши, фоиз ҳисобида<sup>2</sup>

	2005-2010 йй.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жаҳон товарлар экспорти	3,5	2,5	-12,0	14,0
шу жумладан:				
Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари	3,5	2,5	-2,5	7,5
Қазиб чиқариш ва ёқилғи маҳсулотлари	1,5	1,0	-5,5	5,5
Саноат маҳсулотлари	4,0	2,5	-15,0	18,0
Жаҳон товарлар ишлаб чиқариш	2,0	1,0	-2,5	4,0
шу жумладан:				
Қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари	2,0	3,5	0,5	0,0
Қазиб чиқариш ва ёқилғи маҳсулотлари	0,5	1,5	-1,5	2,0
Саноат маҳсулотлари	2,5	0,0	-4,0	5,5
Жаҳон ялпи миллий маҳсулоти	2,0	1,5	-2,5	3,5

Халқаро савдонинг барқарор ўсиш суръатига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши, ишлаб чиқариш ва капиталлар ҳаракатининг байналмилаллашуви;
- асосий капиталнинг янгиланиши, янги иқтисодий тармоқларнинг яратилиши ва ЖСТ тадбирлари ёрдамида халқаро савдонинг эркинлаштирилиши;
- халқаро савдонинг эркинлашуви, мамлакатларнинг импорт божлари ва миқдорий чекловларни бекор қилишга ўтишлари;
- трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон бозорларидаги фаолиятининг фаоллашуви;
- иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашуви;
- регионал тўсиқларнинг бекор қилиниши, умумий бозор, эркин савдо зоналарининг шаклланиши;
- собиқ колониал мамлакатларнинг мустақилликка эришиши. Ташқи бозорларга йўналтирилган иқтисодий моделга эга “янги индустриал мамлакатлар”нинг ажралиб чиқиши;
- ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг бозор иқтисодиётига ўтиши ва иқтисодиётлари очқилигининг чуқурлашуви.

Юқорида қайд этиб ўтилган омиллар халқаро савдонинг қуйидаги замонавий ривожланиш тенденцияларини белгилаб беради.

Биринчидан, халқаро савдонинг ривожланиш динамикаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар юқори ўсиш суръатлари билан таъсифланади. Таҳлиллар кўрсатишича, 1948 йилдан 2010 йилга қадар жаҳон

<sup>2</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 19.



товарлар экспорти 346 млрд. доллардан 15,2 трлн. долларгача, яъни 44 мартага ортган ва унинг ўртacha йиллик ўсиш суръати 7–8% ни ташкил этган.

Иккинчидан, мамлакатлар ташқи савдоси иқтисодий ривожланишга нисбатан жадал суръатлар билан ривожланган. Масалан, АҚШ ялпи ички маҳсулоти 1990–1995 йилларда 31,4% га ўсган бўлса, унинг экспорти – 48,4, импорти эса 50,5% га ортган.

Учинчидан, дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида экспорт ва импорт квоталарининг ортиши юз берди. Агар 1978–1987 йилларда жаҳон саноат маҳсулотининг 13,8% и экспорт қилинган бўлса, 90-йилларнинг иккинчи ярмида бу кўрсаткич 17% ни ташкил этди.

Тўртинчидан, халқаро савдонинг географик таркиби мамлакатларнинг худудий ёки ташкилий белгилари бўйича ривожланмоқда. Халқаро савдода етакчи мамлакатлар АҚШ, Европа Иттифоқи ва Японияга тегишли. Улар ҳиссасига жаҳон экспорти ва импортнинг 60% и тўғри келади. Жумладан, 2010 йилда жаҳон товарлар экспортининг 33,4% и, жаҳон товарлар импортнинг 37,4% и “катта еттилик” мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган.<sup>3</sup>

Бешинчидан, халқаро савдодаги асосий савдо муносабатлари саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ўртасида юз беради. Бу кўрсаткич умумий савдонинг 61% ини ташкил этади.

Олтинчидан, халқаро савдонинг товар таркиби ҳам ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга:

- халқаро товар айланмасига тортилаётган товарлар оқими чуқур диверсификацияга эга. Жумладан, Германия 180 та экспорт позициясига, Буюк Британия ва Франция – 175 та, Япония 160 тадан ортик позицияга эга;

- илмий-техник тараққиёт натижасида халқаро савдода тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2010 йилда жаҳон товарлар савдосининг тахминан 67,1% га тенг бўлди;

- халқаро савдода хомашё ва минерал ёқилгиларнинг улуши қисқариб бормоқда. Ушбу кўрсаткич 1937 йилда 38,6% ни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 20,4% га тенг бўлди;

- жаҳон савдосида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши қисқариш тенденциясига эга бўлиб, бу кўрсаткич 1937 йилда 22,8% га, 2010 йилда эса 7,5% га тенг бўлди;

- 1974–1975 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирозидан кейин жаҳон экспортнинг товар таркибида тўқимачилик ва кийим-кечаклар улуши орта бошлади. Бу соҳада ривожланаётган мамлакатлар улуши кескин кўпайиб борди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ташқи савдо нотекис ривожлана бошлади. Мазкур ҳолат жаҳон бозорида мамлакатлар ўрнининг ўзгариши билан изоҳланади. Хусусан, АҚШнинг жаҳон бозоридаги роли пасайиб бормоқда. Агар АҚШнинг жаҳон савдосидаги улуши 1948 йилда жаҳон

<sup>3</sup> Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

товарлар экспортининг 21,7% ини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 8,6% га тенг бўлди. Германия улуши эса бу давр оралиғида америка кўрсаткичига тенглашди. Германия билан бир қаторда Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳам жаҳон экспортидаги улуши ортиб борди ва 90-йилларда Ғарбий Европа халқаро савдонинг асосий марказларидан бирига айланди.

Таҳлиллар, 1948-2010 йилларда жаҳон товарлар экспортида Осиё мамлакатлари, жумладан янги индустриал мамлакатлар ва Хитой улушининг ортиб борганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бу даврда Осиё мамлакатларининг жаҳон товарлар экспортидаги улуши 14,0% дан 31,6% гача, Хитойнинг улуши эса 0,9% дан 10,6% гача ўсди (18.2.2-жадвал).

18.2.2-жадвал

**Жаҳон товарлар экспортининг географик таркиби, 1948-2010 йй<sup>4</sup>.**

	1948	1953	1963	1973	1983	1993	2003	2010
Қиймати, млрд. долл								
<b>Жами экспорт</b>	<b>59</b>	<b>84</b>	<b>157</b>	<b>579</b>	<b>1838</b>	<b>3676</b>	<b>7377</b>	<b>14851</b>
Улуши жамига нисбатан фоиз ҳисобида								
<b>Жами экспорт</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>
<b>Шимолий Америка</b>	<b>28,1</b>	<b>24,8</b>	<b>19,9</b>	<b>17,3</b>	<b>16,8</b>	<b>18,0</b>	<b>15,8</b>	<b>13,2</b>
<b>АҚШ</b>	<b>21,7</b>	<b>18,8</b>	<b>14,9</b>	<b>12,3</b>	<b>11,2</b>	<b>12,6</b>	<b>9,8</b>	<b>8,6</b>
<b>Жанубий ва Марказий Америка</b>	<b>11,3</b>	<b>9,7</b>	<b>6,4</b>	<b>4,3</b>	<b>4,4</b>	<b>3,0</b>	<b>3,0</b>	<b>3,9</b>
<b>Бразилия</b>	<b>2,0</b>	<b>1,3</b>	<b>0,9</b>	<b>1,1</b>	<b>1,2</b>	<b>1,0</b>	<b>1,0</b>	<b>1,4</b>
<b>Европа</b>	<b>35,1</b>	<b>39,4</b>	<b>47,8</b>	<b>50,9</b>	<b>43,5</b>	<b>45,4</b>	<b>45,9</b>	<b>37,9</b>
<b>ЕИ*</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>24,5</b>	<b>37,0</b>	<b>31,3</b>	<b>37,4</b>	<b>42,3</b>	<b>34,7</b>
<b>Германия</b>	<b>1,4</b>	<b>5,3</b>	<b>9,3</b>	<b>11,7</b>	<b>9,2</b>	<b>10,3</b>	<b>10,2</b>	<b>8,5</b>
<b>Франция</b>	<b>3,4</b>	<b>4,8</b>	<b>5,2</b>	<b>6,3</b>	<b>5,2</b>	<b>6,0</b>	<b>5,3</b>	<b>3,5</b>
<b>Италия</b>	<b>1,8</b>	<b>1,8</b>	<b>3,2</b>	<b>3,8</b>	<b>4,0</b>	<b>4,6</b>	<b>4,1</b>	<b>3,0</b>
<b>Буюк Британия</b>	<b>11,3</b>	<b>9,0</b>	<b>7,8</b>	<b>5,1</b>	<b>5,0</b>	<b>4,9</b>	<b>4,1</b>	<b>2,7</b>
<b>МДҲ</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>1,5</b>	<b>2,6</b>	<b>4,0</b>
<b>Африка</b>	<b>7,3</b>	<b>6,5</b>	<b>5,7</b>	<b>4,8</b>	<b>4,5</b>	<b>2,5</b>	<b>2,4</b>	<b>3,4</b>
<b>Яқин Шарқ</b>	<b>2,0</b>	<b>2,7</b>	<b>3,2</b>	<b>4,1</b>	<b>6,8</b>	<b>3,5</b>	<b>4,1</b>	<b>6,0</b>
<b>Осиё</b>	<b>14,0</b>	<b>13,4</b>	<b>12,5</b>	<b>14,9</b>	<b>19,1</b>	<b>26,1</b>	<b>26,2</b>	<b>31,6</b>
<b>Хитой</b>	<b>0,9</b>	<b>1,2</b>	<b>1,3</b>	<b>1,0</b>	<b>1,2</b>	<b>2,5</b>	<b>5,9</b>	<b>10,6</b>
<b>Япония</b>	<b>0,4</b>	<b>1,5</b>	<b>3,5</b>	<b>6,4</b>	<b>8,0</b>	<b>9,9</b>	<b>6,4</b>	<b>5,2</b>
<b>ЖСТга аъзо мамлакатлар</b>	<b>63,4</b>	<b>69,6</b>	<b>75,0</b>	<b>84,1</b>	<b>78,4</b>	<b>89,3</b>	<b>94,3</b>	<b>94,2</b>

\* 1963 йилда 6 та, 1973 йилда 10 та, 1983 йилда 12 та, 1993 йилда 25 та, 2010 йилда 27 та мамлакат.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Япония машина ва асбоб-ускуналар экспорти бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. Япония енгил ва юк автомобиллари, уй-рўзғор буюмлари экспорти бўйича қолган мамлакатларни орда қолдирди. Аммо япон экспортининг учдан бири АҚШга тўғри келади.

<sup>4</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 22.

Япониянинг АҚШ билан савдо дефицити 90-йилларда 50–60 млрд. долларни ташкил этган. АҚШнинг халқаро савдодаги улушининг қисқариб бориши америка ишлаб чиқариш тармоқлари рақобатбардошлигининг пасайиши билан боғлиқ.

Мутахассисларнинг фикрича, XXI аср бошларида АҚШ ва Осиё мамлакатлари халқаро савдода энг рақобатбардош мамлакатлар ҳисобланишади. 2030 йилга бориб АҚШ, Япония ва Хитой энг рақобатбардош мамлакатлар сифатида эътироф этилиши мумкин. Бундай узоқ муддатли истиқболли прогнозлар бўйича кейинги ўринларни Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия ва Швейцария банд этиши мумкин.


Жаҳон савдосининг ҳозирги вақтдаги ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, халқаро савдо кейинги ўн йилликларда шиддат билан ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Унда нафақат ривожланган, балки ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар ҳам фаол иштирок этиб, ҳар бир мамлакат ўз иштирокига қараб иқтисодий манфаатга эга бўлмоқда. Лекин ривожланган мамлакатлар томонидан ташқи савдо алоқаларига муҳим эътибор қаратилиши ва мамлакатнинг эга бўлган иқтисодий салоҳиятининг юқорилиги, бугунги кунда жаҳон савдосининг истиқболдаги стратегиясини белгилаб бермоқда.

### **18.3. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирозининг халқаро савдога таъсири**

Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози таъсирида 2009 йилда халқаро савдонинг йиллик ўсиш суръати 70 йил давомидаги энг қуйи даражасигача пасайди. 2009 йилда халқаро савдо 12% га қисқарди. Халқаро савдони 2009 йилда пасайиши халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан башорат қилинган эди. Аммо бу башоратлардан ҳеч бирида пасайиш суръатлари бундай кескин пасайиш тенденциясига эга бўлиши кутилмаган эди. Хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти томонидан халқаро савдонинг ҳажми 10%га қисқариши тахмин қилинган эди.

Иқтисодчи олимлар халқаро савдонинг бундай кескин қисқаришини қатор сабаблар билан асослаб беришга ҳаракат қилишмоқда. Бу сабабларнинг ҳаммаси жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози билан боғлиқ. Хусусан, жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози жаҳон аҳолисининг турмуш даражасини ёмонлаштирди. Бу эса инқироз шароитида уй хўжаликлари ва фирмаларнинг истеъмолини пасайтирди. Айниқса узоқ муддатли истемол товарларига (автомобилларга, маиший техникага ва ҳ.к.га) ва инвестицион товарларга (саноат техникасига) талаб кескин пасайди. Чунки бу товарлар савдоси бошқа товарларга қараганда кредит бозори ҳолатига кўпроқ боғлиқ ҳисобланади.

Узоқ муддатли истеъмол товарларига ва инвестицион товарларга бўлган талабнинг пасайиши ўз навбатида ушбу товарларни ишлаб чиқаришда ҳамашё ёки ярим фабрикат бўладиган товарларга талабнинг сусайишига олиб келди. Хусусан, 2009 йилда пўлат ва темирга бўлган жаҳон бозори талаби



**18.3.1-рasm. Халқаро товарлар савдосининг йиллик ўсиш суръатларининг ўзгариши<sup>5</sup>**

кескин қисқарди. Ўз навбатида темир ва пўлат каби хом-ашё товарларига жаҳон бозорида талабнинг пасайиши кўплаб мамлакатлар қурилиш тармоғидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши билан ҳам боғлиқдир. АҚШ, Буюк Британия, Ирландия ва Испания каби мамлакатларда инқироздан олдин қурилиш тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб келган. Бу ҳолат ўша даврда темир ва пўлат каби товарларга жаҳон бозорида юқори талабни шакллантирган. Аммо инқироз шароитида бу корреляцион боғлиқлик салбий оқибатга олиб келди.

Бошқа тарафдан олганда, жаҳон ЯИМ ва халқаро савдонинг товар таркиби бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун, узок муддатли истеъмол товарлари ва инвестицион товарларнинг жаҳон ЯИМдаги улуши оз бўлсада, ушбу товарларнинг халқаро савдосидаги улуши нисбатан катта ҳисобланади. Натижада бу товарларга жаҳон бозоридаги талабнинг қисқариши халқаро савдога жаҳон ЯИМга қараганда кўпроқ салбий таъсир кўрсатди.

Халқаро кооперацион алоқаларнинг ёмонлашуви ҳам халқаро савдо статистикасини ёмонлашувига олиб келди. Гап шундаки, халқаро кооперация доирасида айрим товарлар яқуний ҳолатига етгунга қадар мамлакатлар чегараларини бир неча марта кесиб ўтишади. Халқаро савдо статистикасида эса ушбу товарлар реэкспорти ва реимпорти мос равишда экспорт ва импортга кўшиларди. Натижада, халқаро савдо статистикасининг кўрсаткичлари ўсиб борарди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бундай товарларнинг халқаро ҳаракатини камайтиши халқаро савдо статистикасига салбий таъсир кўрсатди.

Шунингдек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жаҳон бозорида кўплаб товарларнинг нарҳини пасайишига олиб келди. Хусусан, нефтнинг ва бошқа базис тармоқ товарларининг нарҳларини кескин пасайиши ҳисобига халқаро савдонинг жорий нарҳлардаги қиймати (АҚШ долларига қиймати) 23%га пасайди.

<sup>5</sup> ЖСТ секретариати.

Натижада 2009 йилда жаҳоннинг деярли ҳамма мамлакатларида ва минтақаларида ташқи савдонинг қисқариши кузатилди. Қуйидаги 18.3.1-жадвалда жаҳонда ва унинг минтақаларида ЯИМнинг ва товарлар ташқи савдосининг йиллик ўсиш суръатлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

18.3.1-жадвал

2007-2009 йилларда халқаро жаҳон ялпи ички маҳсулоти ва товарлар савдосининг йиллик ўсиш суръатлари (2005 йил нархларида)<sup>6</sup>

	ЯИМ			Экспорт			Импорт		
	2007	2008	2009	2007	2008	2009	2007	2008	2009
Жаҳон	3,8	1,6	-2,3	6,4	2,1	-12,2	6,1	2,2	-12,9
Шимолий Америка	2,2	0,5	-2,7	4,8	2,1	-14,4	2,0	-2,4	-16,3
АҚШ	2,1	0,4	-2,4	6,7	5,8	-13,9	1,1	-3,7	-16,6
Жанубий ва Марказий Америка	6,4	5,0	-0,8	3,3	0,8	-5,7	17,6	13,3	-16,3
Европа	2,9	0,8	-4,0	4,2	0,0	-14,4	4,4	-0,6	-14,5
Европа Иттифоқи (27)	2,8	0,7	-4,2	4,0	-0,1	-14,8	4,1	-0,8	-14,5
МДҚ	8,3	5,3	-7,1	7,5	2,2	-9,5	19,9	16,3	-20,2
Африка	5,8	4,7	1,6	4,8	0,7	-5,6	13,8	14,0	-5,6
Осиё	6,0	2,7	0,1	11,7	5,5	-11,1	8,2	4,7	-7,9
Хитой	13,0	9,0	8,5	19,8	8,6	-10,5	13,8	3,8	2,8
Япония	2,3	-1,2	-5,0	9,4	2,3	-24,9	1,3	-1,3	-12,8
Хиндистон	9,4	7,3	5,4	14,4	14,4	-6,2	18,7	17,3	-4,4
Янги индустриал мамлакатлар	5,6	1,6	-0,8	9,0	4,9	-5,9	5,3	3,5	-11,4

Жадвал маълумотлари асосида жаҳон ЯИМ ва халқаро савдо ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлигини айтиши мумкин. Хусусан, жаҳон ЯИМ 2009 йилда (2005 йил нархлари бўйича) 2,3% га пасайгани ҳолда халқаро товарлар савдоси 12,2% га пасайди. Дунё мамлакатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш дастурларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 2010 йилда халқаро савдо юқори ўсиш суръатларига эга бўлди.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон экспорти ҳажми 2010 йилда ФОБ нархларида 14,9 трлн. долларни ташкил этди ва 1980 йилга нисбатан 7,5 мартага ошди. Ушбу давр ичида жаҳон экспортининг географик таркибида жиддий ўзгаришлар юз берган. Мисол учун, ривожланган мамлакатлар улуши 1980 йилда 66,3% ни ташкил этгани ҳолда 2009 йилга келиб 56,6% га тенг бўлди. Ривожланаётган мамлакатлар улуши эса 1980-2009 йиллар ичида 29,5% дан 39,5% га қадар ортди.

Халқаро савдонинг географик таркибини таҳлил қилиш халқаро товарлар экспортида Европа минтақаси, хусусан, ЕИ етакчилик қилаётганлигини тасдиқлайди. 2010 йилда Европада товарлар экспорти 5,2 трлн. долларни

<sup>6</sup> International Trade Statistics, WTO: 2010 press releases, 26 march 2010 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

ташқил қилди. ЕИда Германия энг йирик экспортёр мамлакат ҳисобланади. Германия экспорти 2008 йилда 9% га ўсгани ҳолда, 2009 йилда 22% га қисқариб 1 121 млрд. долларни ташқил этди. Натижада, Германия жаҳоннинг етакчи экспортёр мамлакатларида Хитойдан кейинги иккинчи ўринга тушиб қолди. 2010 йилда Германия товарлар экспорти 2009 йилга нисбатан 13% га ўсиб, 1 269 млрд. долларни ташқил этди ва жаҳон товарлар экспортидаги улуши 8,3% га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич бўйича Германия жаҳоннинг етакчи импортёр мамлакатлари рўйхатида АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринни эгаллади. Жаҳоннинг етакчи экспортёр мамлакатлари рўйхатида биринчи ўринни эгаллаган Хитойда товарлар экспорти 2010 йилда 2009 йилга 31% га ўсиб, 1 578 млрд. долларни ташқил қилди ва жаҳон товарлар экспорти таркибидаги улуши 10,8% га тенг бўлди (18.3.2-жадвал).

18.3.2-жадвал

**Жаҳон савдосида товарлар экспорти ва импорти бўйича етакчилик қилувчи мамлакатлар, 2010 й. (млрд. долл.)<sup>7</sup>**

		Қиймати, млрд. долл.	Жаҳон экспортдаги улуши, %	Йиллик ўсиш суръати, %
<b>Экспортёр мамлакатлар</b>				
1	Хитой	1578	10,4	31
2	АҚШ	1278	8,4	21
3	Германия	1269	8,3	13
4	Япония	770	5,1	33
5	Нидерландия	573	3,8	15
<b>Импортёр мамлакатлар</b>				
1	АҚШ	1969	12,8	23
2	Хитой	1395	9,1	39
3	Германия	1067	6,9	15
4	Япония	694	4,5	26
5	Франция	606	3,9	8

Жаҳоннинг етакчи импортёр мамлакатлари рўйхатида биринчи ўринни эгаллаган АҚШда товарлар импорти 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 23% га ўсиб, 1969 млрд. долларни ташқил қилди. Жаҳон товарлар импортида Хитойнинг улуши 9,1% га тенг бўлди ва рўйхатда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

2009 йилда халқаро савдода эришилган ижобий натижалардан бири бу Жаҳон савдо ташқилотида аъзо мамлакатлар томонидан инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш мақсадида ташқи савдо сиёсатида янги чекловлардан, протекционизм усулларидан фойдаланишига йўл қўйилмаганлигидан иборат. 2010 йил баҳорнда ЖСТ бундай миллий

<sup>7</sup> International Trade Statistics, WTO: 2010 press releases, 26 march 2010 маълумотлари асосида ҳисобланган.

чекловларни пасайтиришга эришди. Аммо кўплаб мамлакатларда ишсизликнинг юқори даражасининг сақланиб қолиши, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида мамлакатлар томонидан протекционистик сиёсатни қўллашга эҳтиёжини оширмоқда.

#### **18.4. Ўзбекистон ташқи савдосининг таркиби ва ривожланган омиллари**


Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо муносабатларини эркинлаштириш борасида чуқур ислохотлар амалга оширилиши натижасида ташқи савдонинг географик ва товар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон бугунги кунда 45 дан ортиқ мамлакатлар билан икки томонлама савдо алоқаларига эга. Ташқи савдо айланмаси 1991 йилдаги 2,1 млрд. доллардан 2010 йилда 21,8 млрд. долл. ҳажмига етди, яъни 10,6 мартага ошди. Айни вақтда товарлар ва хизматлар экспорти 10,6 мартага, импорт 19,3 мартага ортиб, ташқи савдо балансида – 0,7 млрд. долларлик салбий сальдодан 4,2 млрд. долларлик ижобий сальдога эришилди. Бу эса ишончли тўлов баланси ва иқтисодийтимиз барқарорлигининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хомашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2000–2010 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди.


Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулотлар улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодийтимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Жумладан, мамлакат экспортининг таркибида пахта толаси ва энергия ресурсларининг улуши 1995 йилда 27,4 ва 33,0% га тенг бўлгани ҳолда бу кўрсаткичлар 2010 йилга келиб мос равишда 11,3 ва 24,8% эга қадар қисқарди (18.4.1-диаграмма).

Импортнинг товар таркибида машина ва асбоб-усуналарнинг улуши 1995 йилдаги 29,1% дан 2010 йилда 44,1% га ортди. Шу билан бирга бундай ҳолат экспортимизнинг хомашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон бозори таъсирига боғлиқлигини камайитиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

2000–2010 йилларда республикаимиз импорти таркибида ҳам ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуролиштириш тадбирларининг кенг миқёсда амалга

Экспортнинг товар таркиби, жамига нисбатан фонзда<sup>8</sup>

оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди (18.4.2-диаграмма).

Импортнинг товар таркиби, жамига нисбатан фонзда<sup>9</sup>

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.




Ташқи савдо айланмаси, хусусан, экспортнинг географик таркибида МДХ мамлакатларининг улуши 2010 йил якунларига кўра 45,2% ни ташкил этди. 2010 йилда мамлақтимиз корхоналари экспортнинг 34,0% и Россия Федерацияси, 1,3% и Украина, 6,5% и Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.

Жами экспорт таркибида узоқ хориж давлатларига қилинган экспортнинг улуши 2010 йилда 54,8% ни ташкил этди (18.4.3-диаграмма).

18.4.3-диаграмма

Ўзбекистон экспортнинг географик таркиби,  
жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>10</sup>



Бу мамлакатлар бўйича мамлақатимиз экспортнинг диверсификациялашув даражаси нисбатан юқори бўлмоқда. Жумладан, 2010 йил маълумотларига кўра, фақат Хитой (6,9%), Туркия (5,5%), Афғонистон (5,1%), Эрон (4,4%), Корея Республикаси (1,2%), Сингапур (1,2%) мамлакатларига экспорт ҳажмининг мамлақатимиз экспортидаги улуши 1,0% дан кўпроқни ташкил этади.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясининг кенгайиши экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак<sup>11</sup>

Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – мамлақатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

<sup>11</sup> Қаримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 64-б.

Маълумки, 2009 йилда мамлакатимизда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун кўшимча омиллар яратишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70% дан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан, кўшилган қиймат солиғи бундан мустасно, озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ҳамда преференциялар бериш шулар жумласидандир (18.4.1-расм).




18.4.1-расм.

Жумладан, биргина 2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар каторида тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, 105,8 млрд. сўм миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатларининг кейинга сурилганлиги, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши ўртача 7,7%;

яъни паст даражада сақлаб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш имконини берди.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улущининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам калтис ҳолат ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради<sup>12</sup>.



18.4.2-расм.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслиқ имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

<sup>12</sup> Ўша манба.

## Асосий тушунчалар

**Халқаро савдонинг кўлами** – товар ва хизматлар халқаро савдосининг микдорий жиҳатлари.

**Халқаро савдонинг таркиби** – халқаро савдони аниқловчи худудий мутаносибликлар мажмуи ва алоқалари.

**Халқаро савдонинг товар таркиби** – халқаро савдони аниқловчи товар мутаносибликлар мажмуи ва алоқалари.

**Халқаро савдонинг худудий таркиби** – бу халқаро савдонинг худудий таркибини аниқловчи мутаносибликлар ва алоқалар мажмуи.

**Хомашё товарлари** – қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик ва ов маҳсулотлари, қайта ишлаш учун катта сарф-харажат талаб этмайдиган қазилма бойликлар.

**Ярим тайёр маҳсулот** – якунловчи қайта ишлашни талаб этадиган маҳсулотлар.

**Тайёр маҳсулотлар** – охиригача тайёр маҳсулотлар.

**Қисқа муддатда фойдаланувчи тайёр саноат маҳсулотлари** – 1 йил ва ундан қисқа даврда ишлатиладиган товарлар.

**Узоқ муддатда ишлатиладиган товарлар** – 1 йилдан узоқ ишлатиладиган товарлар.

**Қисқа муддатда ишлатиладиган истеъмол товарлари (ноозиқ-овқат)** – 1 йил ва ундан қисқа даврда ишлатиладиган товарлар.

**Ўрта муддатда истеъмол қилинадиган товарлар** – нисбатан кичик қийматга эга бўлган 1 йилдан 3 йилгача ишлатиш муддатига эга товарлар.

**Халқаро савдо сиёсати** – жаҳон савдосини тартибга солишга йўналтирилган халқаро ташкилот ва худудий иттифоқлар фаолияти.

### Назорат саволлари:

1. Халқаро савдонинг ривожланиш босқичларига хос хусусиятлар нималардан иборат?

2. Жаҳон савдоси қандай таркибга ва ривожланиш тенденцияларига эга?

3. Жаҳон савдосининг товар таркиби қандай кўринишга эга ва товарлар халқаро савдода қандай гуруҳланади?

4. Халқаро савдонинг худудий таркибидаги ўзгаришлар тенденциясига хос хусусиятлар нималардан иборат?

5. Халқаро савдонинг барқарор ўсиш суръатига қайси омиллар таъсир кўрсатади?

6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро савдога таъсирини баҳоланг.

7. Халқаро савдонинг замонавий таркиби ва ривожланиш истиқболларига баҳо беринг.

8. Ўзбекистон ташқи савдосининг таркиби ва ривожланиш омиллари нималардан иборат?

## 19-БОБ. ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ (ЖСТ) ВА ХАЛҚАРО САВДО

### 19.1. Тариф ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ): ташкил топши ва фаолият кўрсатиш принциплари

Халқаро савдони умумий норма ва қоидалар орқали тартибга солишга бўлган объектив эҳтиёж XX асрнинг 30-йилларида миллий ҳукуматларнинг протекционистик фаолияти туфайли халқаро савдо имкониятларини кескин тўсиб қўйган вақтларда сезила бошлаган эди. Ҳақиқатда халқаро савдонинг асосини икки томонлама савдо келишувлари ташкил қилган. Ушбу келишувларнинг камчилиги, улар икки томон ўртасидаги товарлар савдосининг қисқагина рўйхатини қамраб олишдан иборат. Икки томонлама шартномани имзолаш натижалари эса кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин эди. Жумладан, шартномалардан ўз томонидан ҳеч қандай имтиёз бермаган учинчи мамлакат ишлаб чиқарувчилари манфаат кўришарди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг савдо стратегиясининг глобал мувофиқлаштиришни таъминлашга йўналтирилган халқаро савдо ташкилотларини яратиш учун ҳаракатлар бошланди. Бу ҳаракатдан ҳаммадан кўра халқаро савдодаги улуши 40% атрофида бўлган АҚШ манфаатдор эди, ташки савдодаги нормал ҳолатларнинг бузилишидан, хусусан, улар жиддий зарар кўрар эди.

Халқаро савдо ташкилотини яратиш бўйича мунозаралар АҚШ ва урушдан кейинги Европа мамлакатлари ўртасидаги кескин тортишувлар шароитида бўлиб ўтди. Бу тортишувлар, хусусан, иштирокчи давлатлар берадиган овозлар миқдори билан ҳам боғлиқ эди. «Бир мамлакат – бир овоз» тамойилини ёқловчи европача ёндашувга тескари равишда АҚШ кўпроқ овозга эга бўлиш ғоясини кўтариб чиқди. Америкаликлар овозлар сони мамлакатнинг халқаро савдодаги улушига пропорционал тарзда олинishi лозим, деб ҳисоблашарди. Лекин улар ўз фикрлари ҳимоясини сақлаб қола олмадилар.

Халқаро савдо ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг тариф масалаларига бағишланган бўлимини ташкил қилиш бўйича махсус муназаралар Женевада бўлиб ўтди. Натижада 1948 йил 30 июнда тариф ва савдо масалалари бўйича вақтинчалик шартнома – ГАТТ (General of Trade and Tariff) 23 мамлакат томонидан имзоланди. Шу сабабли 1948 йил 30 июнь ГАТТ ташкил топган кун деб эътироф этилади.

1947 йил 21 ноябрда Гаванада БМТнинг савдо ва бандлик бўйича конференцияси очилди. Бу конференцияда расман 56 та мамлакат иштирок этган бўлиб, улар Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) низомини муҳокама қилишди.

1948 йил 24 мартда эса ушбу мамлакатларнинг аксарият қисми ХСТ низомини имзолади, аммо бу ҳужжатнинг миллий қонунчилик органлари томонидан ратификация қилиниши анча қийин кечди. Деярли ҳамма мамлакатлар низомнинг АҚШ конгресси томонидан ратификация қилинишини

кутишди. Аммо 1950 йилнинг декабрь ойида АҚШ конгресси 3 марта ХСТ низомини қайтаргандан кейин АҚШ президенти аппарати бу ҳужжатни бошқа ратификация қилишга ҳаракат қилмаслигини эълон қилди. Бу ҳолат ХСТ ташкил қилинмаслигига ва ГАТТ келишувининг 1994 йил охирига қадар халқаро савдо тўсиқлари халқаро даражада тартибга солувчи ягона дастакка айланишига олиб келди.

## **19.2. ГАТТ/ЖСТ доирасида амалга оширилган музокаралар эволюцияси**

ГАТТ доирасида ташкил этилган халқаро конференциялар “раундлар” деб номланган ва уларнинг биринчи бештасида музокаралар асосан божхона божларини пасайтиришга бағишланган. ГАТТнинг кейинги раундларида божхона божларини пасайтириш билан биргаликда бошқа масалалар ҳам ўрганилган. Масалан, 1964–1967 йиллардаги Кеннеди раундида демпингга қарши чоралар муҳокама қилинган. 1973–1979 йилларда 102 та мамлакат иштирокида бўлиб ўтган Токио раунди нотариф тўсиқлар билан курашишга бағишланган. Ушбу ўтказилган раунд натижасида 9 та саноат маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги божхона божлари 1/3 қисмга, жумладан, саноат маҳсулотларидан ундириладиган божхона божининг ўртача ставкаси 4,7% гача пасайди. Токио раунди жараёнида қатор масалалар ҳал этилмади. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси, ташқи савдодаги химоя чоралари бўйича келишувлар қабул қилинмади. Кўпчилик ҳолларда қабул қилинган кодексларни етакчи тараққий этган мамлакатлар имзолашди. Юқоридаги сабабларга кўра ҳал қилинмаган масалалар Уругвай раундида қолдирилди.

Қуйидаги 19.2.1-жадвалда ГАТТ раундлари тўғрисида маълумотлар келтирилган:

ГАТТ доирасида бўлиб ўтган саккизинчи Уругвай раунди давомийлиги ва иштирокчилари сони жиҳатидан аввалги раундлардан катта бўлди. Уругвай раунди 1986–1994 йилларда бўлиб ўтди ва унда 123 та мамлакат қатнашди. Уругвай раундида халқаро хизматлар савдоси, интеллектуал мулк ҳуқуқига амал қилиш, савдодаги низоларни ҳал этиш қоидалари, аёзо мамлакатлар ташқи савдо сиёсати тўғрисида ахборот бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси каби масалалар муҳокама қилинди.

ГАТТда кўплаб қарорлар қабул қилиниши АҚШ, БИ, Канада ва Япониядан иборат “кварро гуруҳи”нинг ўзаро келишиб олишига устун даражада боғлиқ эди. 1993 йилда кварро гуруҳи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг савдоси бўйича ягона қарорга келганини эълон қилди. Ушбу сабабга кўра Уругвай раунди 1994 йил 15 апрелда Марокашда ўз ниҳоясига етди.

## ГАТТ/ЖСТ доирасида амалга оширилган раундлар эволюцияси

Йиллар	Жойи ва номлаиши	Мавзуси	Мамлакатлар сони
1947	Женева	Тарифлар	23
1949	Аннеси	Тарифлар	13
1951	Торку	Тарифлар	38
1956	Женева	Тарифлар	26
1960–1961	Женева (Диплон раунди)	Тарифлар	26
1964–1967	Женева (Токио раунди)	Тарифлар ва антидемпингга қарши чора-тадбирлар	62
1973–1979	Женева (Кеннеди раунди)	Тарифлар, ташқи савдони нотариф тартибга солиш чора-тадбирлари ва тор доирадаги келишувлар	102
1986–1994	Женева (Уругвай раунди)	Тарифлар, нотариф чора-тадбирлар, хизматлар савдоси, савдо келишмовчиликларини тартибга солиш, интеллектуал мулк, Жаҳон савдо ташкилотини (ЖСТ) ташкил этиш ва атроф-муҳит муҳофазаси	125
2001	Доха (Қатар раунди)	Атроф-муҳит муҳофазаси	
2003	Канкун (Мексика) Доха раундининг давоми	Атроф-муҳит муҳофазаси	

Уругвай раундида эришилган муҳим ютуқлардан бири – ЖСТни тузиш тўғрисидаги келишувнинг қабул қилиниши бўлди. ЖСТ 1995 йил 1 январдан мустақил халқаро ташкилот сифатида ўз фаолиятини бошлади. 2011 йил декабрига келиб ЖСТ аъзолари сони 157 та бўлиб, 26 та давлат кузатувчи мақомига эга. Аъзо бўлган мамлакатлар ҳиссасига Жаҳон савдо айланмасининг 97% и тўғри келди ва 14,85 трлн. долларга тенг бўлди<sup>1</sup>.


Халқаро савдонинг ҳамма иштирокчилари учун ягона қоидалар ва жорий қилинган янги меъёрларни назарда тутувчи савдо ташкилотининг ташкил қилиниши халқаро савдо тўсиқларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этди.

ЖСТ қуйидаги функцияларни бажаради:

- келушувларни жорий этиш ва назорат қилиш;
- ўзаро музокараларни олиб бориш учун форумларни ташкил қилиш;
- низоларни ҳал қилиш;

<sup>1</sup> [www.wto.org](http://www.wto.org)

- турли мамлакатларнинг савдо сиёсатини амал ошириш тўғрисида ахборот бериш;
  - глобал иктисодий сиёсатни ишлаб чиқишда мамлакатлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;
  - ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам бериш.
- Халқаро савдони эркинлаштириш ва адолатлилигини таъминлаш ЖСТнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.



### 19.2.1-расм. ГАТТ/ЖСТнинг мақсади ва вазифалари

ЖСТ ўз фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида олиб боради:

- мумкин қадар қулайлик бериш режими – аъзо мамлакатларнинг ҳар бири бошқа аъзоларга нисбатан савдо шериклари сифатида тенг шароитларни қўллайди. Агар бирор-бир мамлакат ўзга савдо шеригига имконият берса, у ҳолда худди шундай режим ЖСТнинг бошқа аъзо мамлакатларига ҳам қўлланиши шарт;



– камситишсиз савдо – мамлакат савдо шериклари, хорижий товарлар ва хизматлар савдоси соҳасида шахслар ўртасида дискриминация ўтказмаслиги керак;

– савдо тўсиқларини бартараф этиш – музокаралар ўтказиш орқали мавжуд савдо тўсиқларини аста-секин бартараф этиш;

– башорат этиладиган савдо – хорижий инвесторлар, компания ва ҳукуматлар савдо тўсиқлари асоссиз жорий этилмаслигига ишонч ҳосил қилишлари шарт ва бозорни эркинлаштириш мажбуриятлари ЖСТга «боғланади»;

– рақобатбардошликни такомиллаштириш – ЖСТ қоидалари экспортни субсидиялаш ва демпинг каби халқаро савдодаги «адолатсиз» фаолиятларга тўсиқчилик қилади;

– ривожланаётган мамлакатлар учун етарли даражада қулай шарт-шароитлар яратиш – ривожланаётган мамлакатларга ўтиш даври ва махсус режимларни тақдим этиш кўзда тутилади.

ЖСТ ўз фаолиятини юриштининг дастлабки йилларида қуйидаги йўналиш бўйича ишлар олиб борди.

Биринчидан, ЖСТда янги музокаралар раундига тайёргарлик кўриш бошланди. ЖСТ савдо вазирларининг биринчи музокараси 1996 йилда Сингапурда бўлиб ўтди ва унда 4 та янги ишчи гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу музокаралар “Сингапур саволлари” деб номланган савдо ва инвестициялаш, савдо ва рақобат сиёсати, давлат харажатлари таъсири ва савдо жараёнини соддалаштириш каби масалаларни ҳал этишга бағишланди.

Иккинчидан, ЖСТнинг ГАТТ томонидан фарқланувчи янги қабул қилинган қоидаларнинг амалиётда қўлланилишини баҳолаш лозим эди.

Учинчидан, ЖСТнинг халқаро иқтисодий ташкилот сифатида жаҳон хўжалиги томонидан тан олинishi муҳим аҳамият касб этган эди.

Замонавий халқаро савдо тизимини ривожлантиришнинг муҳим босқичи ЖСТнинг Қатарда ўтказилган тўртинчи конференциясида бошланган эди. Ушбу конференция 2001 йилнинг 9 ноябридан 13 ноябргача Доҳа шаҳрида бўлиб ўтди ва “Доҳа раунди” деган ном олди. Доҳа конференциясининг мақсади халқаро савдога оид масалаларни қайта кўриб чиқиб уларни янги келушувлар асосида тасдиқлашдан иборат бўлган. Ҳамма музокаралар 2005 йилнинг 1 январь кунигача якунлашиши керак эди. Доҳа раундининг асосий натижаси сифатида ЖСТ савдо вазирларининг бешинчи конференцияси бўлиши керак эди. ЖСТ савдо вазирларининг бешинчи конференцияси 2003 йилда Мексикада – Канкун шаҳрида бўлиб ўтди ва унда маълум келишувларга келишилмади. Аксарият мамлакатлар учун Канкундаги келишмовчиликлар Сизтл шаҳрида бўлиб ўтган низоларга қараганда анча жиддий бўлди. Биринчидан, 1999 йилда Мексикадаги конференцияга тўсиқчилик қилган асосий сабаб антиглобалистларнинг ҳаракатлари бўлган ҳолда, 2003 йилда ҳолат кузатилмади. Иккинчидан ушбу конференциядан

аксарият мамлакатлар жиддий қарорлар қабул қилишни кутишган эди. Доҳа декларацияси ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган. Уларга техник ёрдам бериш назарда тутилган эди. ЖСТнинг навбатдаги конференцияларида ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам беришни амалга ошириш борасида вазирлар конференцияси ягона қарор қабул қилишга тўсқинлик қилаётган қуйидаги сабаблар мавжуд эди.

Биринчидан, Доҳа раундидаги музокараларда кўпчиликнинг фикрича, асосан тараққий этган мамлакатларнинг манфаатлари ҳисобга олинган эди. Бу камчиликлар “Сингапур саволлари”да ҳам кузатилиб, унда ривожланаётган мамлакатларга нисбатан кўшимча талаблар қўйилган эди. Конференцияда ишчи кучи миграцияси ривожланаётган мамлакатлар учун хал қилиниши лозим бўлган муаммо ҳисобланганлиги учун ривожланган мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланмади.

Иккинчидан, Доҳа конференциясида ривожланаётган мамлакатлар томонидан аввал қабул қилинган қарорларнинг амалиётга жорий этилиши моддий жиҳатдан чўзилиб кетди ва норозиликлар келтириб чиқарди. Шунингдек техник тўсиқлар, санитария ва фитосанитария чоралари борасида шартномалар матнига ўзгартиришлар киритилмаган эди.

### 19.3. ЖСТга аъзо бўлиш босқичлари

ЖСТга аъзо бўлиш жараёни узоқ ва мураккаб жараён бўлиб тўрт босқичдан иборат (19.3.1-жадвал).

*19.3.1-жадвал*

#### ЖСТга аъзо бўлиш босқичлари

Босқичлари	Талаблар
Тайёргарлик босқичи	Мамлакатлардан ЖСТ доирасидаги келишувларга тааллуқли савдо ва иқтисодий масалалар мазмуни очиқ берилиши талаб этилади. Ушбу маълумотлар “Ташқи иқтисодий режим тўғрисидаги Меморандум” шаклида тақдим этилиши зарур
Музокаралар босқичи	Ишчи гуруҳи ва аъзоликка даъвогар мамлакатлар ўртасида икки томонлама музокаралар бошланади. Бу музокаралар тариф ставкалари, бозорларга кириш бўйича аниқ мажбуриятлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли бўлиб, ЖСТ доирасидаги келишувларга тааллуқлидир.
Аъзолик шартларини лойиҳалаштириш босқичи	Ишчи гуруҳи икки томонлама музокараларни тугатгандан сўнг аъзолик шартларини шакллантиради. Ушбу шартлар “Аъзолик тўғрисидаги Протокол” ва аъзо бўлаётган мамлакат имзо қўйиши лозим бўлган рўйхатда акс эттирилади.
Қарор қабул қилиш босқичи	Ҳисобот, протокол ва мажбуриятлар рўйхати ЖСТ Бош Кенгаши ёки Вазирлар конференциясига тақдим этилади. Агар ЖСТ аъзоларининг учдан икки қисмига тенг овоз тўпланса, мамлакат ЖСТга аъзо бўлади.

Биринчи босқичда ЖСТга кўшилишни хоҳловчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари ЖСТда кузатувчилик ҳуқуқини берувчи ариза беради. Бунда ҳукумат ЖСТга юборувчи ўз меморандумида мамлакатнинг савдо ва иқтисодий сиёсатини тўлиқ қамраб олган жиҳатларни тақдим этади. Бу меморандум кўшилиш тўғрисидаги сўровларни тўлиқ ўрганиш учун асос бўлади. Шундан сўнг ЖСТга ариза берувчи давлатлар бўйича ишчи гуруҳ тузилади.

Иккинчи босқичда ишчи гуруҳ йиғилишларида ариза берган ҳукумат товар ва хизматлар савдосига нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олиш мақсадида қизиқувчи аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан икки ва кўп томонлама музокаралар олиб боради. Музокаралар натижасида ЖСТга кираётган давлат товарлар ва хизматлар савдоси бўйича бажариши лозим бўлган ва ўзгартирилмайдиган аниқ тарифлар беради.

Учинчи босқичда ариза берувчи давлатнинг савдо режимини ўрганиш ва бозорга киришга имкон берувчи музокаралар тузиш билан ишчи гуруҳ асосий кўшилиш шартларини ишлаб чиқади. Ушбу шартлар “Аъзолик тўғрисидаги Протокол” ва аъзо бўлаётган мамлакат имзо қўйиши лозим бўлган рўйхатда акс эттирилади. Йиғилиш натижасига кўра ЖСТга кираётган давлат тўғрисида қарор тайёрлайди ва бу ҳужжатлар Бош кенгаш ёки Вазирлар конференциясида тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тўртинчи босқич қарор қабул қилиш босқичи ҳисобланиб, ҳисобот, протокол ва мажбуриятлар рўйхати ЖСТ Бош Кенгаши ёки Вазирлар конференциясига тақдим этилади. Кўшилиш тўғрисидаги қарор ЖСТ аъзоларининг 2/3 қисми овоз берган тақдирда имзоланган ҳисобланади. ЖСТга аъзо бўлган давлат Уругвай раунди қамраб олган битимларни қабул қилиши ва амалга ошириши керак бўлади.

МДҲ мамлакатларидан Қирғизистон, Молдова, Грузия, Арманистон, Украина ва Россия ЖСТнинг аъзолари ҳисобланади. МДҲ мамлакатларининг ЖСТга аъзо бўлиш тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2011 йил ноябрда Россия ва ЖСТ ўртасида давом этаётган 18 йиллик музокаралар тугади.

**Россия ва ЖСТ.** Россия 2012 йилнинг сентябридан ЖСТнинг тўлақонли аъзосига айланади йилига ташкилотнинг янги аъзоси сифатида 3,5 млн. швейцария франки (3,1 млн. доллар) миқдорига аъзолик бадали тўлаб боради. Россиянинг ЖСТга аъзолиги хорижий бозорларда Россия компанияларига нисбатан камситишлардан холи бўлиш имконини беради. Россия иқтисодий ривожланиш вазирлиги маълумотларига кўра, фақат шу сабабга кўра россиялик тадбиркорлар йилига 2 млрд. доллар йўқотишади. ЖСТга аъзо бўлиш савдо тўсиқларининг пасайиши, халқаро савдо қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашиш имконини яратади. Шу билан бирга Россия ҳам бошқа аъзо мамлакатларга ўз бозорларини очиб бериши керак бўлади. Хусусан, 2020 йилга бориб Россияда импорт божларининг ўртача ставкаси 10,3% дан 7,1% гача, шу жумладан қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари учун 15,6% дан 11,2% гача, саноат товарлари учун эса 9,4% дан, 6,4% гача пасайтирилади<sup>2</sup>.

Россия ЖСТга аъзо бўлгандан бошлаб ташкилотнинг барча қондаларига рию қилиши зарур бўлади. Шунга қарамасдан, Россия учун темир йўл тарифларини бирхиллаштириш, миллий автомобилсозлик саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича ўтиш даври белгиланган. Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши мамлакат иқтисодиёти тармоқларига турлича таъсир кўрсатади. Россия саноати импорт қилинаётган асбоб-ускуналарга ўрнатилган божхона божларининг пасайишидан фойда кўради. Мисол учун, ФСК асбоб-ускуналарнинг 70% ини, “Русгидро” эса 20% ини олиб киради.

Хорижий бозорларга кириб боришдаги тўсиқларнинг камайиши, божларнинг пасайиши туфайли экспортга йўнатирилган тармоқлар, жумладан, юқори технологик тармоқлар, ўғитлар ишлаб чиқариш фойда кўриши мумкин. Чунки бу компаниялар хориж бозорларида узоқ вақтдан бери фаолият олиб боради.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, металлургия саноати ҳам савдонинг эркинлашувидан фойда кўради. Сабаби ЕИ бозорларига кириб бориш учун Россиянинг қора металл ишлаб чиқарувчилари айланма йўллардан фойдаланади. Россия ишлаб чиқарувчилари ярим фабрикатиларни етказиб бериш учун олдинга йирик прокат қувватларини сотиб олишга мажбур бўлишади. ЖСТ эса металлургия саноати маҳсулотларини тўғридан-тўғри Европа мамлакатларига сотиш имкониятини яратади. Рангли металлургия саноати эса экспорт божларининг 10% дан 5% га қадар пасайишидан фойда кўради.

Россиянинг қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва автомобилсозлик тармоқлари ЖСТга аъзо бўлишдан катта зарар кўриши мумкин. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги маҳсулотларига нисбатан импорт божлари ставкасининг 5% гача пасайтирилиши натижасида қишлоқ хўжалик техникаси импорти ортади. Россияга олиб кирилаётган янги ва эски автомобилларга нисбатан қўлланиладиган импорт божларининг пасайтирилиши янги автомобиллар импортининг 25–35% га, эски автомобиллар импортининг эса 5–10 баравар ўсишига олиб келиши натижасида миллий автокорхоналар кўрадиган зарар 16 млрд. доллардан ошиб кетиши мумкин<sup>3</sup>.

Россиянинг ЖСТга аъзо бўлишидан энг катта зарар қишлоқ хўжалигига тегишли бўлиши кутилмоқда. Жумладан, чўчқачилик ва чорвачилик (сут етиштириш) соҳасида 2020 йилгача чўчқа гўштига нисбатан қўлланилаётган 15,5% ли бож ставкалари квота доирасида 0 га тенглаштирилади, сутга нисбатан қўлланилаётган ставкалар эса 25% дан 15% га қадар пасайтирилади. ЖСТга аъзо бўлгандан бошлаб қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағ миқдори 9 млрд. долларга тенглашади ва босқинчма-

<sup>2</sup> Товкайло М., Лютова М. Накопец-го ВТО. //Ведомости, 30.12.2011.

<sup>3</sup> Оччиаников Р., Поляжова Ю. Вступление в ВТО должно снизить ценз. //Известия, 19.12.2011.

босқич 4,4 млрд. долларгача қисқартирилади. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиғи билан боғлиқ қутилаётган зарарлар Россиянинг фермерларни 4,4 млрд. доллар миқдорида қўллаб-қувватлаш ҳуқуқини сақлаб қолганлиғи, демпингга қарши чора-тадбирлар ва субсидиялар ёрдамида баргараф этилиши мумкин.

Россия қувур ишлаб чиқарувчилари ҳам ЖСТга аъзо бўлиш туфайли зарар кўриши мумкин. Россия, Украина ва Хитой ўртасидаги келишувлар ҳозирча қувур импортини чеклаш имконини беради. ЖСТга аъзо бўлиш эса қувур импортига нисбатан қўлланиладиган ўртача бож ставкаларини 3 баравар, яъни 5% гача пасайтиришни тақозо этади ва рақобатнинг кучайишига олиб келади. Мутахассислар фикрича, Россиянинг қувур ишлаб чиқарувчи компаниялари кўрадиган зарар 5 млрд. долларни ташкил этиши мумкин.

Россия кейинги беш йил давомида кўпсонли товарлар бўйича экспорт божларини бекор қилиши лозим бўлади. Нефть, нефть маҳсулотлари, газ, ўрмон маҳсулотлари, қора ва рангли металллар, темир йўл локомотивлари, тери ва тери маҳсулотлари бундан истисно. Россия хизматлар бозорининг 116 та сектори (30 та сектор бўйича ҳеч қандай чекловлар бўлмайди) бўйича хорижликларни киритиш мажбуриятини олди.

Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, Россиянинг ЖСТга аъзо бўлиши мамлакат ЯИМнинг қўшимча 3,3% га, истеъмолнинг 7,2% га, экспортнинг 13,2% га қўшимча ўсишига олиб келиши билан бирга бюджетга тушадиган импорт божларининг 33,4% га қисқаришига олиб келиши мумкин<sup>4</sup>.

#### 19.4. Ўзбекистон ва ЖСТ муносабатлари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига ва жаҳон хўжалиғига чуқурроқ интеграциялашиб боришга интишмоқда. Ҳозирги кунда жаҳондаги иқтисодий муносабатларда глобаллашув жараёни тобора кучайиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг “...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”<sup>5</sup> деган сўзларини эсга олиш муҳимдир. Шунингдек, дунёнинг йирик, жадал иқтисодий ривожланаётган мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, “...экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда”<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Уша манба.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. 11-б.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада

Ўзбекистон 1994 йилнинг июнидан ГАТТ/ЖСТда кузатувчи мақомига эга. 1994 йил декабрь ойида Ўзбекистон ҳукумати томонидан ГАТТ/ЖСТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиш тўғрисида ариза топширилди ва 1995 йилнинг январида Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши жараёни бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилинди. 1998 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон ташқи савдоси бўйича меморандум ЖСТда расмий равишда таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 декабрдаги 520-сонли қарори билан ЖСТ билан ишловчи Вазирликлараро комиссия таркиби тасдиқланди. Вазирликлараро комиссия таркибида қуйидаги 7 та ишчи гуруҳи ташкил қилинди:

- санитария ва фитосанитария чора-тадбирлари, савдонинг техник тўсиқлари масалалари бўйича маълумотлар тайёрлаш;
- қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ва экспорт субсидиялари бўйича маълумотлар тайёрлаш;
- савдо хизматларига таъсир кўрсатувчи сиёсий чора-тадбирлар бўйича маълумотлар тайёрлаш;
- интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо жиҳатлари бўйича ЖСТ битими доирасида маълумотлар тайёрлаш;
- хизматлар соҳасида тариф чегирмалари ва мажбуриятлари бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Ўзбекистондаги мавжуд қонун ҳужжатларини ЖСТ талабларига мувофиқ келадиган ҳолатга келтириш;
- Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишининг иқтисодий соҳаларига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши 2002 йил 17 июлда Женева шаҳрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон ташқи савдоси бўйича меморандумнинг ҳар бир моддасини ўрганиб чиқиш йиғилишининг асосий мавзуси бўлди.

Иккинчи йиғилиш 2004 йил 29 июнда Женевада бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ташқи савдоси бўйича меморандуми ва Ўзбекистоннинг аъзо мамлакатлар саволларига жавоблари муҳокама қилинди. Ўзбекистон 38 та асосий савдо ҳамкорлари билан музокаралар олиб бориши керак.

Учинчи йиғилиш 2005 йилнинг октябрь ойида Женева шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг ЖСТга киришининг афзалликлари:

- хорижий бозорларга чиқиш имкониятларининг кенгайиши;
- ЖСТга аъзо мамлакатлар олган мажбуриятлар туфайли барқарор ташқи савдо муҳитининг қарор топиши;
- ЖСТ томонидан субсидиялар, демпинг каби тақиқланган усуллардан ҳимояланиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятининг яратилиши;

– ташқи савдо ҳажмининг ортиши ва истеъмолчилар эҳтиёжининг самарали қондирилиши;

– ташқи савдо низоларини самарали ҳал этиш имконияти;

– кўптомонлама савдо тизимига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиш.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ЖСТга киришида кутилаётган асосий харажатлар куйидагилардан иборат:

– нисбатан кучли бўлмаган протекционизм шароитида рақобатбардош бўлмаган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ишчилар сони ва бюджетга солиқ ажратмаларини қисқартириши мумкин;

– рақобатбардош бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ҳисобига вақтинчалик ишсиз қолиши мумкин бўлган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоялаш мақсадлари учун давлат харажатларининг ортиши;

– товар ва хизматларни стандартлаш ва сертификациялаш, халқаро андозалар бўйича божхона амалиётларини жорий қилиш, тартибга солишнинг санитария чоралари, интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясини яхшилаш каби ЖСТга аъзо бўлиш билан боғлиқ қўшимча харажатларни бюджетдан молиялаштириш.

ЖСТ талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини ички қўллаб-қувватлаш ва экспорт субсидиялари даражасини аниқлаш учун базавий даврни аниқлаш талаб этилади. Унга кўра охириги уч йил базавий давр сифатида қабул қилиниши лозим.

Ўзбекистонда бу давр сифатида 1997–1999 йиллар қабул қилиниши кўзда тутилган. Чунки бу даврда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш даражаси куйидагича бўлган:

– 1997 йил – 9,2 %;

– 1998 йил – 23,9 %;

– 1999 йил – 11,9 %.

Қишлоқ хўжалиги бўйича Келишувлар доирасида ривожланаётган мамлакатлар учун ушбу соҳадаги минимал ставкалар 10% атрофида бўлиши кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг ЖСТ аъзолари билан қишлоқ хўжалиги бўйича музакоралар жараёни озик-овқат маҳсулотлари экспортдан манфаатдор ва қатъий позицияга эга, ЖСТга аъзо бўлаётган мамлакатлар учун максимал эркин савдо режимини яратишни кўзда тутувчи мамлакатлар билан келишишда мураккаблашади. Бу борада нисбатан қатъий позицияга эга мамлакатларга Керн гуруҳи<sup>7</sup> мамлакатлари киради.

<sup>7</sup> Керн гуруҳи (Cairns Group) – 1986 йилда ЖСТга аъзо, экспортда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улуши юқори бўлган мамлакатлар томонидан ташкил этилган. Ушбу гуруҳга куйидаги 19 та давлат киради: Канада, ЖАР, Покистон, Австралия, Янги Зеландия, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Филиппин, Аргентина, Боливия, Бразилия, Гватемала, Колумбия, Коста-Рика, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили.

## 19.5. Ўзбекистон ташқи савдосини эркинлаштириш йўллари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг таркибини такомиллаштириш ва эркинлаштириш борасида изчил ислохотлар олиб борилди. Ушбу ислохотларни бир неча босқичларга бўлишимиз мумкин. Таҳлиллар кўрсатишича, ислохотларнинг дастлабки босқичида ташқи савдони тартибга солишнинг инситуционал ва ҳуқуқий базаси яратилган бўлса, кейинги босқичларда ташқи савдони тартибга солишнинг халқаро амалиётига мос келадиган дастлабки жорий қилинди, экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсати олиб борилди, ташқи савдони босқичма-босқич эркинлаштириш натижасида миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациялашувига эришилди. Бу ўз навбатида экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш учун кучли рағбатлантириш омили бўлди (19.5.1-жадвал).

19.5.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосини эркинлаштириш босқичлари

Биринчи босқич – 1991–1994 йй.	Импорт ўрнини қоплаш сиёсатининг юритилиши. Ташқи савдони тартибга солишнинг инситуционал ва ҳуқуқий базаси яратилди. Ташқи савдо сиёсатида нотариф усуллар етакчилик қилди.
Иккинчи босқич – 1995–1997 йй.	Ташқи савдони тартибга солишнинг халқаро амалиётига мос келадиган дастлабки жорий қилинди. Бу давр миқдорий чекловларнинг қисқариши ҳамда кенг миқёсда экспорт ва импорт божларини фаол қўллаш даври ҳисобланади.
Учинчи босқич – 1977–1999 йй.	Бу давр ташқи савдони эркинлаштиришни чуқурлаштириш, тариф ва нотариф усулларни соддалаштириш, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган савдо сиёсатининг юритилиши, экспорт божларининг бекор қилиниши, экспортга йўналтирилган сиёсатнинг олиб борилиши билан изоҳланади.
Тўртинчи босқич – 2000–2003 йй.	Ташқи савдо ва валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган янги давр ҳисобланади. 2002 йилнинг 1 июладан бошлаб импорт тарифининг уч поғонали ставкалари (0;10;30) жорий этилди.
Бешинчи босқич – 2003 йилдан ҳозирга қадар	Ўзбекистон ташқи савдосини эркинлаштириш босқичи. Ташқи савдони босқичма-босқич эркинлаштириш натижасида миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациялашувига эришилди. Бу, ўз навбатида, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш учун кучли рағбатлантириш бўлди.

Республикамиз экспорти ва импортнинг товар ҳамда географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш қатор вазибаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.

киради: Канада, ЖАР, Покистон, Австралия, Янги Зеландия, Индонезия, Малайзия, Таиланд, Филиппин, Аргентина, Боливия, Бразилия, Гватемала, Колумбия, Коста-Рика, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили.



Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;

- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида экспортга товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўрсатиш керак.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010–2012 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажминини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташини тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажминини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман, ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш иқтисодийимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

### Асосий тушунчалар

**ГАТТ** – дунёнинг етакчи мамлакатлари томонидан халқаро савдодаги чекловларни пасайтириш бўйича тузилган кўптомонлама ҳукуматлараро келишув.

**ГАТС** – хизматлар савдоси бўйича кўптомонлама ҳукуматлараро келишув.

**ЖСТ** – халқаро товарлар ва хизматлар савдоси соҳасида мамлакатларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаб берувчи кўп томонлама савдо келишуви, йирик халқаро савдо ташкилоти.

**Кварро гуруҳи** – ГАТТ доирасида қарорлар қабул қилишда АҚШ, ЕИ, Канада ва Япониядан иборат гуруҳнинг ўзаро келишиб олиши.

**Керн гуруҳи** – 1986 йилда ЖСТга аъзо, экспортда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улуши юқори бўлган мамлакатлар томонидан ташкил этилган гуруҳ.

### **Назорат саволлари:**

1. Тариф ва савдо бўйича бош келишувни (ГАТТ) ташкил этиш зарурияти нимада?
2. ГАТТ/ЖСТ доирасида амалга оширилган музокараларда асосий эътибор нимага қаратилган?
3. ЖСТга аъзо бўлиш неча босқичдан иборат?
4. Ўзбекистон ва ЖСТ муносабатлари қайси босқичда?
5. Ўзбекистон ташқи савдосини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
6. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишидан қандай афзалликлар кутилади?

## 20-БОБ. ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ТАРИФ МЕТОДЛАРИ

### 20.1. Ташқи савдони тартибга солиш зарурати ва ташқи савдо сиёсати

Ташқи савдо сиёсати давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми саналиб, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш ва ташқи рақобатдан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга кўмаклашувчи чора-тадбирлар йиғиндисидир.


Ташқи савдо сиёсати куйидаги икки йўналишни ўз ичига олади:

- экспорт сиёсати;
- импорт сиёсати.

Экспорт сиёсати экспортга йўнатирилган ривожланиш модели доирасида ривожланади. Импорт сиёсатининг турларидан бири импорт ўрнини қоплаш сиёсати ҳисобланиб, бу сиёсат кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётининг саноатлашишида катта роль ўйнаган.

Ташқи савдо сиёсатининг асосида мумкин қадар қулайлик яратиш режими ётади. Ташқи савдо сиёсати турли даражада амалга оширилади: миллий, икки томонлама, худудий, халқаро. Қайд этиб ўтилган ҳар бир даража ўз хусусиятларига эга.

Давлатнинг ташқи савдога аралашуви миқёсига қараб ташқи савдо сиёсати протекционистик ва эркин савдо характериغا эга бўлади (20.1.1-расм)



#### 20.1.1-расм. Ташқи савдо сиёсатининг турлари

Эркин савдо муносабатлари, талаб ва таклиф асосида ривожланадиган эркин савдо давлатнинг энг кам аралашуви сиёсатини акс эттиради.

Протекционизм – тариф ва нотариф инструментларни қўллаш йўли билан икки бозорни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатидир. Қайси сиёсат афзал, деган савол иқтисодчиларнинг доимий баҳслашувига олиб келади. Миллий саноат ривожланишига имкон берувчи протекционизм афзалми ёки миллий ишлаб чиқариш устуворликларини халқаро устуворликлар билан қиёсий таққослаш имконини берувчи савдо эркинлигими?

Тарихнинг турли даврларида ташқи савдо амалиёти гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қайишиб келган, тўғри, у ҳеч қачан экстремал шакллардан бирантасини қабул қилмаган. XX асрнинг 50–60-йилларида халқаро

иқтисодиёт учун протекционизмдан ташқи савдони янада либераллаштириш томонга қайтиш хос бўлган бўлса, 70-йилларнинг бошидан тескари тамойил кўзга ташланди – мамлакатлар ўз ички бозорларини тариф ва нотариф тўсиқлар ёрдамида хорижий рақобатдан ҳимоя қилишни бошладилар.

Замонавий протекционизм нисбатан тор соҳаларда – қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, кийим-кечак ва пўлат тармоқларида мужассамлашган.


Протекционистик тамойиллар ривожланишининг қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин (20.1.2-расм):

– селектив протекционизм – айрим мамлакатлар ёки товарлар гуруҳига нисбатан қўлланилади;

– тармоқ протекционизми – муайян тармоқларни, аввало аграр протекционизм доирасида қишлоқ хўжалигини ҳимоялайди;

– жамоавий протекционизм – мамлакатлар бирлашмалари томонидан ушбу бирлашмага қирмайдиغان мамлакатларга нисбатан қўлланилади;

– яширин протекционизм – ички иқтисодий сиёсат усуллари ёрдамида амалга оширилади.



20.1.2-расм.

Савдо сиёсати доирасида иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар узвий боғланиб кетади. Халқаро иқтисодиёт асосан савдо сиёсати чораларини қўллашнинг иқтисодий шарт-шароитларини ва оқибатларини ўрганиб, ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни ихтисослашган фан тармоқлари, чунончи, халқаро савдо ҳуқуқи, халқаро маркетинг кабиларнинг кўриб чиқиши учун қолдиради.

Халқаро савдонинг давлат бошқаруви инструментлари ўз хусусиятига кўра тариф–божхона тарифини қўллашга асосланган ва нотариф – бошқа барча усулларга бўлинади. Бошқарувнинг нотариф усуллари миқдорий ва яширин протекционизм усулларига бўлинади. Савдо сиёсатининг алоҳида инструментлари кўпинча импортни чеклаш ёки экспортни рағбатлантириш зарурати туғилганда қўлланилади. Савдо сиёсати дастакларининг таснифи 20.1.1-жадвалда акс этган.

Давлатнинг халқаро савдо соҳасидаги асосий вазифаси – мамлакат экспортёрларига ўз маҳсулотларини иложи барича кўпроқ миқдорда хорижга экспорт қилишда ёрдам бериш, уларнинг товарларини ташқи бозорда янада рақобатбардош қилишдир. Мамлакат ичкарисида хорижий товарларга талабни кучайтириш, импортни чеклаш ҳам унинг вазифасига қиради.

Ташқи савдо сиёсатининг дастакларининг гуруҳлиниши<sup>1</sup>

Усуллари		Савдо сиёсатининг дастаклари	Устуи даражада тартибга солиш соҳаси	
Тариф		Божхона божлари		Импорт
		Тариф квотаси		Импорт
Нотариф	Микдорий	Квоталаш		Импорт
		Лицензиялаш	Экспорт	Импорт
		“Экспортни ихтиёрй чеклаш”	Экспорт	
		Давлат харидлари		Импорт
		Маҳаллий компонентларни ушлаб туриш талаби		Импорт
	Яширин	Техник тўсиқлар		Импорт
		Солиқлар ва йиғимлар		Импорт
		Субсидиялар	Экспорт	
	Молявий	Кредитлаш	Экспорт	
		Демпинг	Экспорт	

Дунёнинг турли мамлакатлари ўз савдо сиёсатларини амалга ошириш учун турли дастаклардан фойдаланадилар. Нотариф чеклашларнинг ўртача даражасига, одатда, у ёки бу чеклашга оид импорт ёки экспортнинг қиймат улуши сифатида қаралади. Бунда уларнинг натижа бериш даражасига тузатиш киритилади. Масалан, зарурий ҳужжатлар тақдим этилганда ҳокимият органлари томонидан бериладиган экспорт учун автоматик лицензия, шубҳасиз, белгиланган микдордан ортиқ товарларни экспорт қилишни тақиқловчи экспорт квотасига қараганда анча кам даражада экспортни чегаралайди. Товарларни экспорт ва импорт қилишга оид турли чеклашлар, танлаб лицензиялаш юқори даражада самарали микдорий чекловлар саналади. Автоматик лицензиялаш, мосланувчан квоталар кам самара берувчи чекловларга киради.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат халқаро савдо сиёсатининг у ёки бу дастакларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилар экан, одатда, уларнинг биргаликда таъсир кўрсатиши ва жорий вазиятга таъсирини, давлат ичкарисиди ва ундан ташқариди кутилаётган истиқболларни баҳолайди.


## 20.2. Божхона тарифининг турлари ва ҳисоблаш усуллари

Ташқи савдони тартибга солишда ҳукумат тариф ва нотариф дастакларни қўллайди ва ушбу дастакларнинг амалий қўлланилишини давлат ёки жамоат

<sup>1</sup> Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. Ч. I. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов. –М.: Междунар. отношения, 2000. С. 200.

ташкilotлари таъминлайди. Тарифлар божхона тарифларига асосланган дастаклар бўлса, нотариф дастаклар қолган ҳамма дастакларни ўз ичига олади.

Савдо сиёсатининг асосий дастаги – бу божхона тарифидир. Божхона тарифига турли хил таърифлар берилган, аммо фикримизча, улар орасида энг тўғриси қуйидагича: “божхона гарифи – бу махсулот божхона чегарасидан олиб ўтилатганда тўланиши керак бўлган божхона бождари ҳақидаги умумий маълумотдир”.



### 20.2.1-расм. Божхона бождарининг гуруҳланиши

Божхона божи махсулотни импорт ёки экспорт қилганда божхона ходимлари томонидан ундириладиган мажбурий тўловдир. Божхона божи қуйидаги вазифаларни бажаради:

– **фискаль** – давлат бюджетига келиб тушувчи тушумлардан бири божхона бождидир;

– **протекционистик (ҳимоя вазифаси)** – импортни чеклаш орқали миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилади;

– **балансловчи** – айрим сабабларга кўра ички нархи жаҳон нархидан паст бўлган махсулотларни хорижга оқиб чиқиб кетилишини чеклайди.

Божхона бождарини турли мезонлар бўйича қуйидагича гуруҳлаш мумкин (20.2.1-расм):

#### 1. Ундириш усулига кўра:

– **адвалор** – махсулотни божхона қийматидан фоиз шаклида ҳисобланувчи ва ундирилувчи бож;

– специфик – маҳсулотнинг ҳар бир ўлчов бирлигидан белгиланган миқдорда ундириладиган бож;

– комбинациялашган – адволор ва специфик узвий равишда биргаликда қўлланилувчи бож.

2. Ундириш объектига кўра:

– импорт – импорт қилинувчи маҳсулотлардан ундирилувчи бож;

– экспорт – экспорт товарларидан ундирилади;

– транзит – божхона ҳудудини кесиб ўтувчи товарлардан ундирилади.

3. Харақтерига кўра:

– даврий – даврий маҳсулотлар (асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)нинг халқаро савдосини тартибга солишнинг жорий дастағи бўлган божлар;

– демпингга қарши – мамлакат ҳудудига ўзининг ҳақиқий нархидан паст нарҳда товар олиб кирилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларга зарар етказилса, бу маҳсулот импортидан ундириладиган бож;

– компенсацион – импорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда бевосита ёки билвосита субсидиялар қўлланилган бўлса ва бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларга зарар келтириляётган бўлса, қўлланиладиган бож.

4. Келиб чиқишига кўра:

– автоном – давлат бошқа давлатлар билан келишиб ўтирмасдан жорий қилинган бир томонлама божлар;

– конвенцион – икки ёки куб томонлама келишув асосида жорий қилинувчи божлар;

– преференциал – саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатлардан импорт қилинадиган товарлардан ундириладиган чегирмали божлар.

5. Ставка турига кўра:

– доимий – шарт-шароит ўзгарса ҳам ўзгармасдан турадиган бож;

– ўзгарувчан – ҳукумат томонидан белгилаб қўйилган ҳолларда ўзгариб турувчи бождир.

6. Ҳисоблаш усулига кўра:

– номинал – божхона тарифида кўрсатилган бож ставкалари. Бу ставкалар мамлакат божхона ҳимояси тўғрисида фақат умумий маълумотларни бериши мумкин;

– реал – қисм ва деталлардан ундирилувчи божхона божларини ҳисобга олган ҳолда якуний товарлардан ундирилувчи ҳақиқий бож. Бу бож тариф эскалациясини акс эттиради.

Ҳар қандай давлат тариф сиёсатини кўлар экан тарифларни ягона тизимга бирлаштиради. Божхона органи олиб бориляётган божхона сиёсати доирасида бож тўламадан олиб чиқилиши (ёки олиб кирилиши) мумкин бўлган ёки бож ундирилиши лозим бўлган товарларни аниқлаштиради. Бож ставкалари товар турига қараб ўзгариб боради.

Божхона тарифлари юридик ва жисмоний шахслар учун ўрнатилади, бож ундириш принциплари турлича бўлади. Жисмоний шахслар шахсий эҳтиёжлари учун зарур бўлган ёки бож олинмайдиган минимум чегарасида товарларни бож тўламасдан олиб чиқиш ҳуқуқига эга. Одатда, давлат товарларни бож тўламасдан олиб чиқиб кетишнинг чегарасини (қийматли эквивалентини) белгилаб беради. Бундан ташқари, баъзи товарлар бўйича олиб чиқиш ва олиб киришнинг чегаравий меъёрлари ўрнатилади. Ўзбекистонда шахсий эҳтиёжлар учун бож тўламасдан 2 литргача спиртли ичимликлар, 1000 донагача тамаки маҳсулотлари, 30 метргача синтетик матолар, 5 килограммгача гўшт, 5 тагача тери маҳсулотлари ва ҳоказоларни бож тўламасдан олиб чиқиш ва олиб кириш мумкин. Олиб ўтилаётган товарлар ҳажми бу меъёрлардан ошганда жисмоний шахс экспорт ёки импорт божларини тўлайди.

Бошқа мамлакатларда товарларни бож тўламасдан олиб ўтиш меъёрлари, айниқса, спиртли ва тамаки маҳсулотлари учун бирмунча кам ўрнатилган. Масалан, Франция, Германия, Япония, АҚШ ва Украинада бож тўламасдан 200 дона сигарета олиб кириш мумкин.

Актив божхона сиёсатини олиб боришдан мақсад ички бозорни импорт товарлари билан тўлдириш ёки муайян товарларнинг ички бозорларга кириб келишининг олдини олишдан иборат. Агар давлат хориж товарларининг ички бозорларга кириб келишини маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар билан рақобат қилишини хоҳламаса, унда бу товарларнинг олиб кирилиши бутунлай тақиқланади ёки уларга нисбатан юқори тарифлар жорий этилади. Масалан, Япония ва Буюк Британияда божхона тарифлари 0 дан 30–40% гача ўзгариб туради. Мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ва товарларга нисбатан 0 ставкали, тайёр маҳсулотлар, айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган турдош маҳсулотларга нисбатан энг юқори ставкали тарифлар ўрнатилади. Ҳатто, энг тараққий этган мамлакатлар ҳам ички бозорларини тарифлар ёрдамида химоя қилади. Юқори божхона тарифлари маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар учун юқори харажатларни қоллаш вазифасини ўтайди.

### **20.3. Божхона тарифларини қўллашнинг жаҳон тажрибаси**

Тарифлар Ғарбий Европа мамлакатларида XVII асрдан бошлаб жорий этилган.

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан импортга нисбатан қўлланиладиган тариф ставкалари паст даражада бўлса-да, баъзи турдаги товарлар бўйича божхона ставкалари юқорилигича қолмоқда. Кўпчилик истеъмол, қишлоқ хўжалик ва меҳнат сиғимкорлиги юқори товарларга нисбатан жорий қилинган тариф ставкалари умумий тариф ставкаларидан 10–20 баравар юқоридир. Мисол учун, АҚШда кийим-кечак ва пойабзал импортига нисбатан жорий этилган тариф ставкалари 11% дан 48%



гача етиши мумкин. 2001 йилда кийим-кечак ва пойабзал импорти АҚШ умумий импортининг 6,5% ини ташкил этган бўлса-да, мазкур товарлардан ундирилган тарифлар тарифлардан тушадиган даромадларнинг деярли ярмини ташкил этган ва 20 млрд. долларга тенг бўлган. Худди шундай ҳолат бошқа саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида ҳам кузатилади. Масалан, Европа Иттифокида гўшт маҳсулоти импортига нисбатан жорий этилган тарифлар 236% ни, дон маҳсулотларига нисбатан 180% ни, спорт оёқ кийимларига нисбатан эса 17% ни ташкил этади.

### 20.3.1-жадвал

#### АҚШда автомобиллар ва пойабзал импортига жорий этилган тарифлардан келадиغان даромадлар<sup>2</sup>

	Қиймат	Тарифлардан келадиغان даромадлар
Автомобиллар	110	1,60
Пойабзал	15	1,53

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар олиб бораётган тариф сиёсати асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва меҳнат сиғимкорлиги юқори товарларни экспорт қилувчи ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Мазкур тариф сиёсати доирасида йиғилган импорт божлари суммаси турли мамлакатлардан кириб келаётган импортнинг умумий қийматига нисбатан йирик суммани ташкил этади ва уларнинг фойдадаги ифодаси турли мамлакатлар бўйича ўзгариб туради. Масалан, 2001 йилда АҚШга Бангладешдан импорт қилинадиган товарлар қиймати 2,4 млрд. долларни, улардан ундириладиغان божлар суммаси эса 331 млн. долларни ташкил этган. Таққослаш учун қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Франциядан АҚШга 2001 йилда 30 млрд. долларлик товар экспорт қилинган бўлиб, улардан ундирилган божлар суммаси эса 330 млн. долларни ташкил этган (20.3.2-жадвал).

### 20.3.2-жадвал

#### АҚШда импортдан ундириладиغان тарифларнинг қиймати жадвали<sup>3</sup>

	Импорт (млрд. долл.)	Ундирилган тарифлар (млн. долл.)	ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи улуши (долл.)
Бангладеш	2,4	331	370
Франция	30,0	330	24170

Шу тариха қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашё экспортидан енгил саноат маҳсулотлари экспортига ўтаётган Бангладеш каби камбағал мам-

<sup>2</sup> [www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2002/09/smith.htm](http://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2002/09/smith.htm). The Truth About Industrial Country Tariffs. //Finance and Development, Volume 39, Number 3 September 2002.

<sup>3</sup> The Truth About Industrial Country Tariffs. //Finance and Development, September 2002.

лакатлар саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан жорий этилаётган ва ўрнатилган юқори тарифларга дуч келишмоқда. Кийим-кечак ва пойабзалга жорий этиладиган махсус тарифлар саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлардаги истеъмолчилар харидига ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий. Мазкур тарифлар кам даромадли аҳоли гуруҳлари учун солиқ юки ҳисобланади. Масалан, АҚШда оила бошлиғи бир кишидан иборат оилаларда ўртача йиллик даромад 25095 долларни ташкил этади ва шундан 1 851 доллари кийим-кечак ва пойабзал сотиб олишга сарфланади. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, кийим-кечак ва пойабзалга сарфланган маблағнинг 307 доллари импорт божлари сифатида ундириб олинади. Оила бошлиғи икки кишидан иборат оилаларда ўртача йиллик даромад 66 913 долларни ташкил этади ва импорт божлари сифатида тўлайдиган тўловлар эса 470 долларга ёки умумий даромаднинг 0,7% ига тенг бўлади.

20.3.3-жадвал

**АҚШда оилалар томонидан импорт тарифи учун сарфлайдиган харажатлари<sup>4</sup>**

	Харажатлар (долл.)	Тариф ставкалари, %	Тарифларга харажатлар (долл.)
Озиқ-овқат (уйда)	1005	1–13	14
Кийим-кечак	1440	5–30	212
Пойабзал	411	10–30	68
Бошқа товарлар	67	0–11	8

Юқорида қайд этилган истеъмол товарлари учун жорий этилган тариф ставкалари қимматбаҳо буюмларга нисбатан қўлланиладиган тариф ставкаларига қараганда юқорироқдир. АҚШда ипақдан қилинган кўйлакка нисбатан жорий этилган тариф 1,9% ни ташкил этган ҳолда, пахтадан тўқилган кўйлакка нисбатан 20%, синтетик толадан тўқилган кўйлакка нисбатан эса 32,5% ни ташкил этади (20.3.4-жадвал).

20.3.4-жадвал

**АҚШда турли хил материаллардан тайёрланган товарларга нисбатан қўлланиладиган тарифлар<sup>5</sup>**

	Костюмлар	Кўйлақлар
Ипақ	1,9	1,9
Жун	12,0	14,3
Пахта	11,3	20,0
Синтетика	29,0	32,5

<sup>4</sup> The Truth About Industrial Country Tariffs. //Finance and Development, Volume 39, Number 3 September 2002.

<sup>5</sup> Ўша манба.

Шу тариқа бундай тарифлар тўқимачилик маҳсулотларидан бошқа маҳсулотларга нисбатан ҳам қўлланилади. Дискриминацион тарифларнинг яна бир тури тариф эскалацияси деб аталади. Мазкур тариф товарнинг қайта ишланганлик даражасига қараб мутаносиб равишда ортиб бораверади. Тариф эскалациясидан саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга нисбатан кенг миқёсда фойдаланишади. 20.3.5-жадвалда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан қўлланиладиган тариф эскалациясига оид мисоллар келтирилган.

20.3.5-жадвал

Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан қўлланиладиган тариф эскалацияси (товар баҳосига нисбатан фоизда)<sup>6</sup>

Товар номи	АҚШ	Буюк Британия	Европа Итлифоқи	Швеция	Япония
Тери хомашёси	1,1	5,4	0,0	0,0	0,0
Тери	9,6	14,9	7,3	7,0	19,9
Тери маҳсулотлари	15,5	18,7	14,7	12,2	23,6
Пойабзал	16,6	24,0	19,9	14,0	29,5
Жун хомашёси	11,4	0,0	0,0	0,0	0,0
Ип-калава	23,0	10,0	5,7	5,8	10,0
Матолар	50,1	17,5	16,0	12,8	20,0
Кийим-кечак	22,1	20,0	20,5	14,0	22,0
Пахта хомашёси	6,2	0,0	0,0	0,0	0,0
Ип-калава	13,1	7,5	10,0	10,0	5,6
Матолар	17,5	19,7	15,0	13,1	10,5
Кийим-кечак	26,6	25,0	18,5	14,6	21,0
Темир рудаси	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Чўян	1,8	3,3	4,0	0,0	10,0
Пўлат	10,6	11,1	6,9	3,8	13,0
Прокат	7,1	9,5	7,2	5,2	15,4

20.3.5-жадвалда келтирилган маълумотлар қуйидаги мисоллар билан тўлдирилиши мумкин. Масалан, Японияда какао хомашёсига 0 ставкали, какао кукунига 30%, тайёр маҳсулот шокаладга эса 35% ли тарифлар жорий этилади. Англия жут хомашёсига нисбатан тарифлар жорий этмайди, аммо жут калавасига 15% ли ва жутдан ясалган маҳсулотларга эса товар қийматига нисбатан 20% ли тариф жорий этилади. Табиийки, импорт тарифлари товарнинг қайта ишланганлик даражасига қараб мутаносиб равишда ортиб борар экан, солиққа тортиш оғирлиги товарнинг барча компонентларига эмас, биринчи навбатда, қайта ишлаш натижасида яратилган қўшилган қийматга тўғри келади. Шунинг учун саноатлашган экспортга нисбатан жорий этилган протекционистик тўсиқлар номинал тариф ставкаларидан бирмунча юқори бўлади.

<sup>6</sup> Уша манба.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, тараққий этган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари экспортга нисбатан қўлланилаётган тарифлар камлик қилса, уларга нотариф характердаги тўсиқлар ҳам жорий этилади.

Ғарб мамлакатларида ривожланаётган мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган экспорт товарларга нисбатан нотариф тўсиқларни қўллашнинг етти юздан ортиқ ҳоллари кузатишган. Уларга микдорий чеклашлар, лицензиялаш ва бошқа турдаги тўсиқларни киритиш мумкин. Нотариф тўсиқларни қўллаш бўйича етакчи мамлакатлар қаторига Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония ва Швейцарияни киритиш мумкин.

Ташқи савдонинг тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қайси усуллардан кўпроқ самарали фойдаланиш мумкин деган саволни асослаб бериш лозим. Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон амалиётида эркин савдо ғоясига халқаро ташкилотларнинг уставларида ва халқаро иқтисодий муносабатларга бағишланган дарсликлардагина амал қилинади.

Ҳозирги вақтда тарифларни қўллаш борасида муаммоларнинг вужудга келишининг сабаби тариф тўсиқларидан фойдаланишда қатъий назорат ўрнатилиши ҳисобланади. Мана шундай халқаро ташкилотлардан бири ЖСТдир. ЖСТга қадар фаолият юритилган Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ) доирасида асосий масала ўзаро савдо муносабатларида тариф тўсиқларини камайтиришга қаратилган эди.

ГАТТ фаолиятидаги асосий вазифа божхона божларини қисқартириш ёки бекор қилиш ҳисобланган. 1945–1947 йилларда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда божхона божларининг ўртача кўрсаткичи 40–60% ни, баъзи маҳсулотлар бўйича эса 70–90% ни (кимё маҳсулотлари) ташкил этган. 80-йилларга келиб божхона тарифлари 3–5% гача пасайди.

ГАТТ қоидалари тўла кучга кирган вақтдан бошлаб саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда импорт божлари 3/4 баробарга қисқартирилди. Жумладан, “Токио раунди” музокараларидан сўнг, бу кўрсаткич 4,7% ни ташкил этди. Божхона божларини камайтириш масаласи ҳозирга қадар муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. ГАТТнинг “Уругвай раунди”нинг ҳал қилувчи пакетда қатнашувчи мамлакатларда божхона божларини учдан бир қисмгача пасайтиришга эришилди. Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, пиво, баъзи спиртли ичимликлар, қурилиш жиҳозлари, офис мебеллари, ўйинчоқлар, фармацевтика маҳсулотлари божхона божларидан озод қилинди. Шу тарихга импортнинг 40% дан ортиги божхона божларидан озод қилинди. Бу жараён босқичма-босқич амалга оширилди ва 1998 йил 1 январдан бошлаб ГАТТга аъзо бўлган мамлакатларда божхона тўловлари ставкаси ўртача 3% ни ташкил этди.

ГАТТ/ЖСТ асосида аъзо мамлакатларнинг импортга тарифларини чеклаш мажбурияти ётади. Асосий талаб шуки, аъзо мамлакатлар бу ташкилотга кириш чоғида тарифларни ўзларига мажбурият қилиб олган ёки кўптомонлама музокара раундларида ўзаро келишилган даражадан оширмаслик мажбуриятини олишлари лозим. Ушбу тариф даражалари “тариф

мажбуриятлари” деб аталади. “Уругвай раунди”нинг асосий ютуғи шундаки, унда кўпчилик аъзо мамлакатлар томонидан ўзларидаги амалда мавжуд барча тарифларни қисқартириш мажбуриятларини олишди.

20.3.6-жадвал


**Мамлакат бюджетига тарифлардан келиб тушадиган тушумлар<sup>7</sup>**

Т/р	Мамлакат	Бюджет ҳажмига нисбатан фондда
1.	Гава	40,9
2.	Фил суяги қаргоғи	40,73
3.	Покистон	30,94
4.	Малайзия	28,23
5.	Хиндистон	24,07
6.	Венесуэла	18,0
7.	Корея	14,01
8.	Аргентина	13,31
9.	Россия	12,0
10.	Колумбия	11,58
11.	Канада	5,26
12.	Австралия	5,19
13.	Бразилия	4,22
14.	Мексика	2,73
15.	АҚШ	1,56
16.	Италия	0,21
17.	Франция	0,03
18.	Германия	0,02
19.	Буюк Британия	0,01

Иқтисодиётда ҳукумат томонидан қўлланилган протекционистик қадамлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга қисқа ҳамда узоқ муддатли истиқболда давлатнинг ўзига турлича таъсир кўрсатади. Бундай сиёсатнинг ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи миллий компанияларга таъсирини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

20.3.1-расм ёрдамида импорт божининг кичик иқтисодиёт (миллий нарх жаҳон нархига таъсир кўрсата олмайдиган иқтисодиёт)га таъсирини баҳолашимиз мумкин. Савдо бошланмасдан аввал, мамлакатда 100 та товар ишлаб чиқарилипти ва истеъмол қилиняпти, мувозанат нархи 8 долларга тенг (талаб ва таклиф чизиқлари Е нуктада кесишган). Агар товарнинг жаҳон нархи ички нархдан паст бўлса, мамлакатга жаҳон нархида (5 доллар) 120 та товар кириб келади, ички нарх жаҳон нархи даражасигача тушиб кетади. Бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар фақат 40 та товар таклиф қилади, истеъмол эса 160 тага етади. Миллий ишлаб чиқарувчиларни химоялаш мақсадида ҳукумат 2 доллар миқдорида божхона божи жорий қилса,

<sup>7</sup> Михайлуцкая А.И., Шимко П.Д. *Международная экономика*. Учебник. –М.: “Высшая школа”, 2002. С. 114.




20.3.1-расм. Импорт божи янинг миллий иқтисодиётга таъсири

экспортёрлар ўз товарини 7 доллардан сотишга мажбур бўлади ва ички бозордаги нарх кўтарилди. Бунинг натижасида ички ишлаб чиқариш 80 та товарни ташкил қилади, импорт эса 40 тагача қисқаради. Истеъмолчилар жами 120 та товар сотиб олади. Божхона божи ўрнатилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар а трапециянинг юзасига тенг бўлган қўшимча фойда кўради. С тўғри тўртбurchакнинг юзасига тенг бўлган сумма божхона божи сифатида давлат бюджетига тушади.

Бошқача қилиб айтганда, миллий компанияларнинг ички бозор учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари божхона солиғидан озод бўлганлиги сабабли унинг нархи импорт қилинаётган ана шундай товардан сезиларли даражада паст бўлиши мумкин, бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектлар янги технологиялар, хомашё ва материалларни тежаш ҳисобига харжатларини камайтириш заруриятига эҳтиёж сезишмайди. Амалда импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган соҳалардаги миллий фирмалар ўз товарларини импорт тарифига яқин нархларда сотади, натижада қўшимча фойда кўради. Миллий компаниялар даромадларининг ўсиши ва миллий ишлаб чиқаришнинг кенгайиши сабабларидан бири ана шундан иборат.

**Тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири.** Катта мамлакат учун импорт тарифи фақат ички ишлаб чиқаришни ҳимоялаш воситаси бўлиб қолмасдан, ташқи бозор билан савдо шартини яхшилаб олиш воситаси ҳамдир. Дарҳақиқат, катта мамлакат импортни қисқартирса, бу товарнинг асосий харидори бўлганлиги сабабли экспортёр мамлакат ушбу товар нархини пасайтиришга мажбур бўлади. Экспорт товарлари нархи ўзгармаган ҳолда импорт товарлар нархининг пасайиши импортёр мамлакат учун савдо шартининг яхшиланишига олиб келади ва катта иқтисодиётли мамлакат импорт божини жорий қилишдан соф фойда кўрмаслиги мумкин.



20.3.2-расм. Тарифнинг катта мамлакат иқтисодийётига таъсири


Катта мамлакат ҳукумати ички ишлаб чиқарувчиларни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида импортга бож жорий қилди. Бож ўрнатилиши натижасида товарнинг жаҳон нархи тушади. Лекин бу товарнинг ички нархи бож миқдорига ( $t$ )  $P_w$  дан  $P_{w+t}$  га мос равишда кўтарилади. Жами таклиф чизиги юқорига – янги  $S_{d+w+t}$  даражага сурилади. Таклифнинг янги даражасида ички талаб ва жами таклиф  $G$  нуқтада мувозанатга келади. Натижада ички ишлаб чиқариш  $Q_1Q_2$  гача ортиб, ички талаб  $Q_5Q_4$  гача камайд, импорт эса  $Q_1Q_5$  дан  $Q_2Q_4$  гача қисқаради.

Импорт тарифи жорий қилиниши натижасида истеъмолчиларнинг зарари  $a+b+c+d$  га тенг бўлди. Кичик мамлакатда бўлгани каби импорт божининг таъсирини иккига ажратиш мумкин: қайта тақсимланиш самараси ва йўқотиш самараси.

Катта мамлакат мисолида даромад самараси ички даромад ва савдо шарти самарасига ажралади. Ички даромад самараси даромаднинг ички истеъмолчилардан, савдо шарти самараси эса даромаднинг хорижий ишлаб чиқарувчилардан давлат бюджети фойдасига қайта тақсимланишини билдиради.

**Тариф квотаси.** Импорт божи ички қарама-қаршиликка эга. Яъни ишлаб чиқарувчилар, бир тарафдан, халқаро рақобатдан қутулиш мақсадида импорт божидан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан, иш вақтидан ташқари вақтда истеъмолчи сифатида импорт тарифига қаршидирлар. Бу зиддият қисман тариф квотасини жорий қилиш орқали ҳал этилади.

Тариф квотаси — ўзгарувчан божхона божи кўриниши бўлиб, бож ставкаси миқдори импорт қилинадиган товар ҳажмига боғлиқ бўлади: маълум чегарадаги импортга пастроқ миқдордаги бож, бу чегарадан ошиб кетганда юқорироқ бож ўрнатилади.




20.3.3-расм. Тариф квотаси

Фараз қилайлик, ички талаб ( $D_d$ ), ички таклиф ( $S_d$ ) ва жаҳон таклифи ( $S_w$ ) чизиклар билан ифодаланган. Савдо бошланмасдан олдин товар нархи 540 долларга тенг. Эркин савдо шароитида товар нархи 400 долларга тушади. Бу нархда мамлакат 5 бирлик товар ишлаб чиқаради ва 40 бирлик товар истеъмол қилади. Бинобарин, 35 бирлик товар импорт қилади. Ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида дастлабки 5 бирлик товар импортга 10 фоизли, ундан ортингига 20 фоизли импорт бож жорий қилинади. Илгари мамлакат сезиларли даражада кўпроқ товар импорт қилганлиги боис, товарнинг ички нархини 480 долларгача кўтарувчи икки каватли тариф юзага келади. Натижада ички ишлаб чиқариш 15 бирликка етади, истеъмол 30 тага, импорт 15 тага камаяди. Чегаравий самара  $a$  га тенг бўлади, тўғридан-тўғри иқтисодий зарар тарифдаги бўлгани каби  $b+d$  га тенг бўлади.

Даромад сегменти  $c$  бир неча сегментчаларга бўлинади. Дастлабки 5 бирлик товарга 10 фоизли, яъни 40 долларга тенг бож жорий қилинган, 200 долл. ( $c_1=5 \times \$40 = \$200$ ) миқдоридagi фойда бюджетга тушади. Кейинги 10 бирлик товарга 80 долларлик бож ўрнатилган, демак, 800 доллар ( $c_2+c_3=10 \times \$80 = \$800$ ) ҳам бюджетга тушади.  $c_4$  ( $c_4=5 \times \$80 - 5 \times \$40 = \$200$ ) сегмент эса маҳаллий компанияларнинг кўзда тутилмаган фойдасидир. Яъни бу компаниялар товарни 440 доллардан сотиб олиб 480 доллардан сотиб имкониятига эга бўлади. Агар экспортёрлар товар нархини 480 долларга оширишса, хорйжликлар кўзда тутилмаган даромадга эга бўлади.

**Экспорт тарифи.** Экспорт божлари экспорт товарлари мамлакат чегарасидан чиқиб кетаётганда олинадиган мажбурий тўловдир.





20.3.4-расм. Экспорт тарифи

Фараз қилайлик, ҳукумат экспортни бож орқали чекламоқчи. Кичик мамлакат мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, экспорт божининг жорий қилиниши жаҳон нархига таъсир кўрсатмайди. Бинобарин, савдо шарти ўзгармайди. Товар экспортининг фойдалилиги пасаяди ва ишлаб чиқарувчилар товарларнинг бир қисмини ички бозорга қайтаришади, натижада бу товарнинг ички нархи бож миқдоридан  $P_w$  дан  $P_{w+t}$  га тушади. Жами талаб чизиги экспорт тарифи миқдоридан пастга кўчади  $S_{d+w+t}$ . Талабнинг янги даражасида ички таклиф ва жами талаб мувозанатига  $G$  да эришилади, бу вазиятда экспорт тарифи ёрдамида ички истеъмол  $Q_1, Q_2$  га ортади, ички таклиф  $Q_3, Q_4$  га камаяди.

Экспорт миқдори эса  $Q_5, Q_1$  дан  $Q_4, Q_2$  га қисқаради. Демак, экспорт тарифи жорий қилиниши натижасида ички истеъмол ортди, ички таклиф ва экспорт миқдори қисқарди.

Экспорт тарифи ўрнатилиши натижасида истеъмолчилар а сегмент миқдоридан фойда кўришди. Давлат экспорт божи ёрдамида  $c$  га тенг миқдордаги фойдани ишлаб чиқарувчилардан ўз фойдасига қайта тақсимлайди.  $b+d$  сегментлари ишлаб чиқарувчиларнинг соф йўқотишларидир. Умуман олганда, экспорт тарифи ўрнатилганда ҳам импорт божи жорий қилинганида қайта тақсимлаш ва йўқотиш самаралари юзага келади.

#### 20.4. Тарифли бошқарувнинг афзаллиги ва камчиликлари

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги чеклашлар снѐсатини кенг қўламда ва фаол амалга ошириш давлатга қисқа муддатда муваффақият олиб келиши мумкин. Ушбу ютуқларга миллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, бож, солиқ, йиғимлар ҳисобига бюджет даромадини кўпайтириш, иқтисодий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Амалда эса бу тактик устуниклар стратегик, узоқ муддатли истиқболдан келиб чиққан ҳолда, қарама-қарши томонга ўзгаради. Давлатнинг тариф миқдорига кўпайтирилган импорт миқдорига тенг иқтисодий ютуғи истъёмолчилар томонидан давлат фойдасига тўлайдиган трансферт тўлови ҳисобланади. Албатта, маблағларнинг бир қисми ижтимоий эҳтиёжлар (ойликларни ошириш, нафақалар тўлаш)га сарфланиши мумкин, бироқ трансфертларнинг аксарият қисми бюрократик ўзбошимчалик ва маблағларни давлат ташкилотлари орқали ўтиши билан боғлиқ харажатлар туфайли қайтариб берилмайди.

Шунингдек, бошқа мамлакатларнинг протекционистик жавоб тадбирларини ҳам эътиборга олиш лозим. Бу тадбирлар туфайли товар айланмаси ҳажми камаяди, иш жойлари қисқаради, натижада қатор компанияларнинг маҳсулотлари миллий бозордан арзонроқ ва сифатсизроқ товар ишлаб чиқарувчи фойдасига сиқиб чиқарилади.

Истъёмолчиларнинг аксарият қисми “белбоғларини маҳкам бойлаб олишлари” керак бўлади, чунки оддий одамларнинг даромадлари ишлаб чиқарувчилар фойдасига қайта тақсимланади, зеро, божхона тарифи жорий этилишидан аввалги ва кейинги ички нархлардаги фарқ истъёмолчилар зиммасига тушади. Фақат импортнинг ўрнини қоплаш соҳасидаги компанияларнинг акцияларига эга бўлган унча катта бўлмаган айрим гуруҳларга кирувчи истъёмолчилар олиб кириш божларидан даромад олиши мумкин. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида протекционистик сиёсатни амалга ошириш нархнинг юқорилиги сабабли ички истъёмолнинг камайишига, солиқ базасининг қисқаришига ва умуман, жамият учун соф йўқотишларга олиб келади.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, протекционистик сиёсат босқичма-босқич тоталитар режимлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик тизимида чекланган макон ва замонда амалга оширилган.

Протекционизмнинг салбий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Аҳоли турмуш даражаси харажатлар улушининг ортиб кетиши туфайли пасайиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар ички бозорга олиб кирилган товарлар учун янада юқорироқ ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу инвестицияларга айланиши мумкин бўлган аҳоли жамғармаларининг камайишига олиб келади.

– Аксарият мамлакатлар томонидан тариф чеклашларининг жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи самараси вужудга келиши.

– Миллий иқтисодиётда самарасиз соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши. Турли имтиёзлар берилиши натижасида ишлаб чиқарувчиларда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбат бўлмайди.

– Иқтисодий соҳада коррупция ва эгаллаган мансаб, лавозимдан фойдаланишнинг кўринишлари кенг тарқалади. Миллий иқтисодиётнинг «ёпиқлиги», одатда, ТИФнинг криминаллашуви учун озуқа муҳитини яратади.

Хукуматнинг ТИФни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини жорий этишга мажбур этувчи омиллар таркибида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

– иқтисодиётнинг янгидан шаклланаётган соҳаларини қудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш;

– давлат кўмагисиз тузилмасини қайта қуришнинг иложи бўлмаган ҳақон бозорида рақобатбардош бўлмаган «эски» соҳаларни қўллаб-қувватлаш;

– камситувчи савдо сиёсати амалга ошираётган мамлакатлар ёки компанияларга жавоб тариқасида демпинг ва хорижий рақобатнинг бошқа нотариф усуллари билан курашиш;

– ҳақон бозор конъюнктурасидаги тебранишларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш. Бу омил хомашё ва табиий ресурслар экспорт қилувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади;

– бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш, кўпайтириш – ўтиш даври иқтисодиёти ва ривожланган мамлакатларда аксарият ҳолларда протекционистик сиёсатнинг таркибий унсурлари бўлган божхона божлари ва бошқа эгри солиқлар ҳисобига амалга оширилади.

Тариф усулларини қўллаш тарафдорларининг фикрича, тарифларнинг иқтисодиётга ижобий таъсири қуйидагича бўлади:

– тарифлар ёш тармоқларни ҳимоя қилишга хизмат қилади;

– давлат бюджетининг даромад манбаи сифатида фойдаланилади;

– мамлакат ичкарисида даромадни қайта тақсимлаш фаоллашади;

– арзон хорижий ишчи кучини жалб этиш имконияти яхшиланади;

– мамлакатнинг хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашувининг олди олинади.

Тариф усулларини қўллашга қарши бўлганларнинг фикрича, тарифларнинг иқтисодиётга салбий таъсири қуйидагиларда намоён бўлади:

– тарифлар ташқи савдони чеклаш, дунё ишлаб чиқариши ҳажмининг қисқариши сабаб бўлади;

– мамлакатлар ўртасида товарларнинг оптимал тақсимолига тўсқинлик қилади;

– истеъмолчига солиқ юкининг ортишига олиб келади;

– импортга белгиланган тарифлар экспорт ҳажмининг қисқаришига таъсир қилади;

– тарифларнинг белгиланиши мамлакатдаги ишсизлик даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, протекционизм ташқи савдо операцияларига турли-туман чеклашларни жорий этувчи давлатга вақтинчалик, тактик ютуқ келтирса-да, стратегия, узоқ муддатли стратегияда истиқболсиз сиёсат ҳисобланади. Бу

сиёсат XX аср тажрибасидан маълумки, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг пасайишига олиб келади. Шундай бўлса-да, иқтисодий эркинлаштириш курсини сақлаган ҳолда протекционизмнинг айрим унсурларидан оқилона фойдаланиш маълум вақт мобайнида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

### **Асосий тушунчалар**

**Ташқи савдо сиёсати** – миллий иқтисодиётнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш ва ташқи рақобатдан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга, қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндиси.

**Эркин савдо сиёсати** – ташқи савдодаги тўсиқларни минималлаштириш сиёсати.

**Протекционизм** – тариф ва нотариф инструментларни қўллаш йўли билан ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилишнинг давлат сиёсати.

**Тариф эскалацияси** – товарлардан ундириладиган импорт божининг маҳсулот қайта ишланганлик даражасининг чуқурлашувиغا мос равишда ортиб боришидир.

**Божхона божи** – божхона органлари томонидан товарлар импорт ва экспорт қилинаётганда ундириладиган ҳамда экспорт-импортнинг шартли эҳсанланган мажбурий тўлов.

**Оптимал тариф ставкаси** – иқтисодий фаровонлик ва миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини максимал таъминлаб берадиган тариф даражаси

### **Назорат саволлари:**

1. Ташқи савдони тартибга солиш зарурияти нимада?
2. Ташқи савдо сиёсати нима ва унинг қандай шакллари мавжуд?
3. Ташқи савдо сиёсатининг йўналишлари ва дастаклари нималардан иборат?
4. Божхона божи нима ва у қандай мезонлар бўйича гуруҳланади?
5. Божхона божи қандай вазифаларни бажаради?
6. Ривожланган мамлакатлар томонидан қўлланиладиган юқори тариф ставкалари ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?
7. Тарифларнинг катта мамлакат иқтисодиётига таъсири қандай самараларни юзага келтиради?
8. Тарифли тартибга солишнинг афзалликлари ва камчиликлари нималардан иборат?

## 21-БОБ. ТАШҚИ САВДОНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НОТАРИФ МЕТОДЛАРИ

### 21.1. Нотариф методларнинг гуруҳланиши

Давлат ташқи савдони тартибга солишда тариф методлари билан бир қаторда нотариф методлардан ҳам кенг фойдаланади. Уларнинг кўпчилиги божхона тарифларидан фарқли равишда миқдорий жиҳатдан ўлчанмайди ва шунинг учун статистикада яққол акс эттирилмайди. Нотариф методларнинг бу хусусияти ҳукуматларга ташқи савдо сиёсати соҳасида ўз мақсадларига эришишда улардан аралаш фойдаланишга имкон яратади.

Нотариф усуллар – товар айирбошлашга таъсир қилиш дастакларини, яъни мамлакатга олиб кириладиган ёки четга чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Нотариф усуллар миқдорий, молиявий, яширин ва ноиқтисодий усулларга ажратилади. Улар устун даражада ривожланаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклланаётган ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларига хосдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ташқи савдо давлат томонидан тартибга солиш тариф ва нотариф усуллар комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. XXI аср бошларида тариф усулларининг маъқеи пасайиб бормоқда. Ушбу ҳолат Жаҳон савдо ташкилоти томонидан аъзо мамлакатлар олдига қўйилган стратегик вазифа – улар ўртасидаги ўзаро товар савдосида тариф чеклашларини босқичма-босқич бартараф этиш вазифаси билан боғлиқ.

#### 21.1.1-жадвал

**Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан  
қўлланиладиган нотариф тўсиқлар (товар баҳосига нисбатан фоизда)<sup>1</sup>**

Мамлакатлар	Квоталар	Лицензиялар	Бошқа турдаги нотариф тўсиқлар	Жами
Австрия	12	9	5	26
Бельгия ва Люксембург	–	51	–	51
Канада	3	–	2	5
Дания	10	31	–	27
Германия	37	5	2	45
Финляндия	20	26	–	46
Франция	–	–	96	96
Ирландия	13	15	–	28
Италия	8	46	5	74
Япония	120	–	3	123
АҚШ	6	–	–	6
Норвегия	3	62	19	81
Швейцария	10	12	16	38
Швеция	2	3	6	11

<sup>1</sup> [www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2002/09/smith.htm](http://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2002/09/smith.htm).

Жаҳон амалиётида нотариф усулларга квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картел битимлар ва мамлакатлар ўртасида товар оқимлари йўлида техник тўсиқларни яратиш каби усуллар киритилади.

Давлатнинг ташқи савдо соҳасидаги асосий вазифаси – экспортёрларга ўз маҳсулотларини иложи борича кўпроқ миқдорда четга экспорт қилишларида ёрдам бериб, уларнинг товарларини ташқи бозорда янада рақобатбардош қилишда қўллаб-қувватлашдан иборат. Мамлакат ички бозорида хорижий товарларга талабни камайтириб, импортни чеклаш ҳам унинг вазифасига киради. Нотариф чеклашларнинг ўртача даражасига, одатда, у ёки бу чеклашга оид импорт ёки экспортнинг қиймат улуши сифатида қаралади. Бунда уларнинг натижа бериш даражасига тузатиш киритилади. Масалан, зарурий ҳужжатлар тақдим этилганда мутасадди ҳокимият органлари томонидан бериладиган экспорт учун автоматик лицензия, шубҳасиз, белгиланган миқдордан ортиқ товарларни экспорт қилишни тақиқловчи экспорт квотасига қараганда анча кам даражада экспортни чегаралайди. Товарларни экспорт ва импорт қилишга оид турли чеклашлар, селектив лицензиялаш юқори даражадаги самарали миқдорий чекловлар саналади. Автоматик лицензиялаш, мосланувчан квоталар нисбатан кам самарали чекловларга киради.

Бир сўз билан айтганда, ташқи савдо сиёсатининг у ёки бу дастакларини қўллаш ҳақидаги қарор қабул қилар экан, мамлакат ҳукумати, одатда, уларнинг биргаликда таъсир кўрсатиши ва жорий вазиятга таъсирини, давлат ичкарисида ва ундан ташқарида кутилаётган истиқболларни баҳолайди.

Нотариф усулларнинг сақланиб қолиши куйидаги сабабларга боғлиқ:

– аксарият нотариф чекловлар халқаро шартномалар орқали тартибга солинмайди ва уларни қўллаш миллий ҳукуматлар ташаббуси билан амалга оширилади;

– нотариф чекловлар товарлар нархининг дарҳол ошиб кетишига олиб келмайди ва истеъмолчига солиқ юки бўлиб тушмайди.

## 21.2. Миқдорий чекловлар

Ташқи савдонини миқдорий жиҳатдан чеклаш – бу давлат томонидан савдо айланмасининг нотариф методларини қўллаган ҳолда тартибга солишнинг маъмурий методидир. Давлат мазкур усул ёрдамида экспорт ёки импортга рухсат берилган товарларнинг миқдори ва номенклатурасини белгилайди. Миқдорий чекловлар бир мамлакат ҳукуматининг қарори ёки маълум товарлар савдосини мувофиқлаштирувчи халқаро савдо келишувлари асосида қўлланилиши мумкин.

Ташқи савдонини миқдорий жиҳатдан чеклаш усуллари куйидагилардан иборат:

- квоталаш/контингентлаштириш;
- лицензиялаш;
- “экспортни ихтиёрий чеклаш”.

**Квоталаш ёки контингентлаш.** Умуман, ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишда қўлланиладиган нотариф усулларнинг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг таркибида энг кенг тарқалгани квоталардир. Агар тариф усуллар аниқ бир товар гуруҳи бўйича экспорт ёки импорт ҳажми масаласини очик қолдирса, квоталар олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулотнинг қиймат ёки миқдорий ҳажмини тўғридан-тўғри чеклаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Квоталаш – бу товарлар экспорти ёки импортини муайян вақт ичида маълум миқдор ёки сумма билан миқдорий жиҳатдан чеклашдир. Квоталаш мавсумий кўринишда ёки характерда бўлса контингентлаш шаклига қиради.

Улар ўз йўналишига кўра қуйидагиларга бўлинади:

**Экспорт квотаси** – халқаро барқарорлашув шартномасига мувофиқ муайян товарларнинг умумий экспортдаги улушини белгилаш. ОПЕК ёки бирон-бир миллий ҳукумат томонидан мамлакат ички бозорида дефицит товарларнинг четга чиқиб кетишининг олддини олишда қўлланилади (Масалан, Россияда нефть экспортида).

**Импорт квотаси** – миллий товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш, савдо балансини мувозанатлашга эришиш, ички бозорда талаб ва таклифни тартибга солиш ҳамда бошқа мамлакатлар томонидан дискриминация (камситиш) савдо сиёсати қўлланилганда жавоб тариқасида қўлланилади. Масалан, АҚШ Янги Зеландиядан импорт қилинадиган сут ва қаймоқ ҳажмини 5,7 млн. литр, Нидерландиядан импорт қилинадиган музқаймоқ ҳажмини 104 минг кг., Швейцариядан келадиган пишлоқ ҳажмини 3.4 млн. кг. қилиб белгилаган<sup>2</sup>.

**Глобал квоталар.** Бу товарларнинг қайси мамлакатга экспорт ёки импорт қилинишидан қатъи назар, экспорт ва импортга нисбатан дунё миқёсида белгиланади.

**Индивидуал квоталар.** Глобал квота доирасида товарни экспорт ёки импорт қиладиган ҳар бир мамлакатга нисбатан белгиланади.

Импорт квоталарини жорий қилишда давлат миллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий рақобат таъсирини камайтиришга интилади. Бундай квоталарнинг ҳаракат механизми импорт тарифларидан фойдалангандаги ҳолатни эслатади, яъни импорт товарлар таклифи чекланганда ички нархлар жаҳон нархига нисбатан ўсиб боради. Бирок, тарифдан фарқли равишда, импорт квоталари хорижий рақобатнинг ички нархларга таъсир қилишига йўл қўймайди. Бу усул импортдан келадиган фойдани кўпайтиради ва мамлакат тўлов балансини мувозанатга келтириш жараёнини осонлаштиради. Халқаро битимлар орқали қатъий белгиланадиган тариф ставкалари ўрнатилган вазиятда мамлакат юқоридаги масалани ҳал эта олмайдди. ЖСТ экспорт-импорт операцияларига нисбатан миқдорий чеклашлар жорий қилишга рухсат беради.

<sup>2</sup> Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. Ч. I. Международная макроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов. –М.: Междунар. отношения, 2000. С. 234.

Ўз навбатида, экспорт квотаси миллий ишлаб чиқарувчиларни етарли табиий ресурслар билан таъминлаш, жаҳон бозоридаги экспорт баҳоларини ошириш ва ҳарбий-стратегик мақсадларга эришиш каби мақсадларга қаратилган бўлади.

Экспорт квоталари импорт квоталари сингари мамлакат ҳукумати томонидан бир томонлама тартибда ёки манфаатдор томон билан халқаро келишув асосида жорий этилиши мумкин. Улар глобал ёки маълум даврда амал қилувчи мавсумий кўринишда бўлиши мумкин.

**Лицензиялаш.** Квоталаш жараёни (бошқача қилиб айтганда, контигентлаш), одатда, лицензиялаш, яъни махсус рўйхатга киритилган ресурслар ва маҳсулотлар билан ташқи савдо операцияларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган давлат ташкилотлари (вазирликлар ва маҳкамалар) рухсати билан амалга оширилади.

Аксарият мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолиятни лицензиялаш жараёни халқаро ҳуқуқий актларга асосланади ва уларнинг энг муҳими 1947 йилда имзоланган Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув (ГАТТ) ҳисобланади. Кейинчалик ГАТТ доирасида баъзи бир бошқа шартномалар имзоланган.

**Лицензиялаш** – мутасадди давлат органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятга рухсат бериш орқали экспорт ёки импорт қилинаётган товарларни муайян вақт ичида маълум бир миқдорда экспорт ёки импорт қилишга рухсат бериш. Лицензиялаш квоталаш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш шакли ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида лицензиялар қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

**Бир маротабалик лицензия.** Давлат томонидан бирон-бир фирмага битта ташқи савдо шартномасини амалга ошириш учун бир йилгача муддатда товарни олиб кириш ёки олиб чиқиш тўғрисидаги ёзма рухсатнома.

**Бош лицензия** – бир йил мабойида чекланмаган ҳажмда товарни импорт ёки экспорт қилиш учун бериладиган рухсатнома.

**Глобал лицензия** маълум вақт ичида дунёнинг хоҳлаган мамлакатига чекланмаган миқдорда ёки қийматда товарни олиб кириш ёки олиб чиқиш кетиш тўғрисидаги ёзма рухсатнома.

**Автоматик лицензия** экспортёр ёки импортёр буюртмасига мувофиқ давлат томонидан дарҳол бериладиган ёзма рухсатнома.

Лицензияларни тақсимлаш механизми:

- аукцион;
- конкурс асосида лицензияларни сотиш (оптимал вариант). АҚШда аукционлар, одатда, видеоманитофонлар, қанд, автомобилларнинг импорти лицензияларини тақсимлашда ишлатилади;

- “яққол афзаллик тизими” – давлат томонидан маълум фирмага ўтган даврда қилинган импорт ҳажмига пропорционал тарзда ёки миллий импортёрларнинг талаби структурасига пропорционал тарзда лицензия бериш шакли. АҚШда бу лицензия тури нефтни импорт қилишда ишлатилади;



– баҳодан ташқари асосда лицензияларни тақсимлаш. Давлат томонидан товарлар импорти ва экспортини энг самарали шаклда амалга оширадиган фирмаларга беришда ишлатилади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўртасида экспорт-импорт операцияларини лицензиялаш товар айланмаси умумий ҳажмининг 5–6% и даражасига етади (Франция квоталаш ва лицензиялаш бўйича ўзига хос «пешқадам» ҳисобланади).

Лицензиялашни талаб этадиган товарлар рўйхатига, биринчи навбатда, экспортга мўлжалланган квоталанадиган маҳсулотлар, шунингдек, баъзи бир маҳсус гуруҳдаги товарлар: стратегик аҳамиятга эга товар ва ресурслар, доридармонлар, болалар ассортиментли товарлари ва бошқалар киради.

“Экспортни ихтиёрий чеклаш”. Мутахассисларнинг фикрича, экспорт квоталарининг муҳим турларидан бири “экспортни ихтиёрий чеклаш” ҳисобланади. Ҳукумат томонидан одатда йирик импортёр давлатнинг сиёсий таъйиқи остида экспортни ихтиёрий чеклаш жорий қилинади.

“Экспортни ихтиёрий чеклаш” – расмий давлатлараро ёки товар экспортига норасмий квота белгилаш тўғрисида савдодаги ҳамкор томонидан савдони чеклаш ёки экспортни кенгайтирмаслик тўғрисидаги мажбуриятга асосланган экспортни миқдор жиҳатидан чеклаш.

Бундай амалиёт АҚШ ва ЕИда Япония товарлари (автомобиллар, электроника, пўлат)га нисбатан кенг қўлланилади. Ҳозирги пайтда жаҳонда бундай турдаги 100 дан ортиқ битимлар имзоланган, бироқ бутунги кунда ЖСТ ўз олдига “экспортни ихтиёрий чеклаш”ни умуман бекор қилиш вазифасини қўймоқда.

Шунингдек, халқаро савдода иқтисодий санкциялар ҳам кенг қўлланилади. Бу санкциялар қаторига эмбарго ҳам киради. Бу усул бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдо операцияларини бутунлай тақиқлашни билдиради. Одатда, сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда эмбаргонини жорий қилиш бутун номенклатурадаги ёки алоҳида гуруҳдаги товарлар экспорти ёки импортини чеклашни назарда тутди. XX асрда савдони тартибга солишнинг бундай усулига БМТ қарорига кўра эмбарго сиёсати Ироққа, қисман собиқ Югославия, Ливан, Эрон ва баъзи бошқа мамлакатларга нисбатан амалга оширилган.


### 21.3. Савдо сиёсатининг молиявий методлари

Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари таркибидаги кейинги йирик гуруҳ молиявий усуллар ҳисобланади ва улар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- субсидиялар;
- экспорт кредитлари;
- демпинг.

**Субсидиялар** – миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва импортни билвосита камситишга қаратилган давлат бюджетидан ажратиладиган пулли тўловлар. Субсидиялар импорт товарлар билан рақобатга киришаётган ва экспорт учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарувчиларга берилиши мумкин. Биринчи ҳолатда у ички субсидия деб, иккинчи ҳолатда эса экспорт субсидияси, деб аталади.

Ички ва экспорт субсидияларининг фарқланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий оқибатлар турлича аҳамиятга эга. Уларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.



**21.3.1-расм. Ички субсидиялар**

**Ички субсидиялар.** Эркин савдо шароитида миллий ишлаб чиқариш ҳажми  $Q_1$  ни, ички истеъмол ҳажми  $Q_3$  ни, импорт  $Q_3 - Q_1$  ни ташкил этади.


Субсидия ажратилгандан кейин ички ишлаб чиқариш ҳажми  $Q_2$  гача ортади, истеъмол эса  $Q_3$  ҳолатида қолади, чунки истеъмолчилар товарни аввалгидек жаҳон нархида харид қилишади. Импорт ҳажми эса  $Q_3 - Q_2$ , яъни ички ишлаб чиқариш ҳажмининг кўшимча ортиши миқдорига мос  $Q_2 - Q_1$  равишда камаяди.

Миллий ишлаб чиқарувчилар ҳар бир маҳсулотнинг жаҳон баҳосидан субсидия миқдорига фойда олади ( $S = P_s - P_w$ ). Ҳукумат харажатлари 1-ва 2-фигураларни ташкил этади.

Субсидияларнинг бир қисми (1-фигура) мазкур товарларни ишлаб чиқарган корхоналар ҳисобига қайта тақсимланади. Қолган қисми (2-фигура) эса мамлакат иқтисодиётининг соф йўқотиши ҳисобланади. Чунки, субсидия

натижасида самарасиз ишлаётган миллий ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини сотиш имкониятига эга бўлишади.

Ички субсидияларнинг афзаллик томони шундаки, улар тариф ва квоталарни қўллаш орқали импортни миқдорий жиҳатдан чеклашдаги каби самарага эга бўлади. Бунда ички нархларнинг ўзгариши юз бермайди ва субсидия таъсирида ташқи рақобатдан ҳимояланаётган товарларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади.



21.3.2-расм. Экспорт субсидияси

**Экспорт субсидияси.** Эркин савдо шароитида импортёр мамлакат истеъмолчилари  $Q_1$  ҳажмдаги товарни жаҳон нархида  $P_w$  да харид қилишади. Агар экспортёр мамлакат ўз ишлаб чиқарувчиларига экспорт субсидиясини ажратса, ишлаб чиқарувчилар экспортга чиқарилаётган товар баҳосини субсидия миқдорига мос равишда пасайтира олишади. Натижادا товар таклифи  $S_w$  дан  $S_w^s$  гача, экспорт ҳажми эса  $Q_2$  қадар ортади.

Экспорт субсидиясини қўллашдан мақсад экспорт баҳосининг пасайиши натижасида ёмонлашган мамлакат савдо шароитини сотилаётган товарлар ҳажмини ошириш орқали яхшилаш ва субсидиялар кўринишидаги харажатларни қоплашдан иборат.

ГАТТ/ЖСТ қоидаларига мувофиқ, аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдода бевосита экспорт субсидияларидан фойдаланиш тақиқланган. Европа Иттифоқи доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бевосита экспорт субсидиялари бериш бундан мустасно. Юқорида кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши импорт қилаётган мамлакатта

компенсацияловчи импорт божлари олиш орқали жавоб чоралар кўришга асос бўлади. Бу божлар ЖСТ арбитражида баҳс ҳал этилгунга қадар сақланади.

Экспорт субсидияларининг миқдори ривожланган мамлакатлар қайта ишлаш саноати экспортининг 1% идан ошмайди, бироқ айрим товар гуруҳлари учун, айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида ушбу меъёр жуда юқори бўлиши мумкин.

ХВФ маълумотларига кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатлар жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини сақлаб қолишлари учун субсидиялардан кенг фойдаланишган. Бу ҳолат айниқса иқтисодиётда давлатнинг роли юқори бўлган мамлакатларда яққол кўзга ташланади.

Ривожланган мамлакатларда субсидиялардан нисбатан кам фойдаланилади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар ривожланган мамлакатларда бюджет субсидияларининг ЯИМдаги улуши ўртача 1,3% га тенг бўлган. Айниқса, макроиқтисодий ўсишнинг либерал моделидан фойдаланувчи мамлакатларда субсидияларнинг ЯИМдаги улуши юқори эмас. Мисол учун, 2010 йилда бюджет субсидияларининг ЯИМдаги улуши АҚШда – 0,4%, Буюк Британияда – 0,7%, Японияда 0,6% га тенг бўлди. Бу ҳолат биринчи ўринда ушбу мамлакатларда давлат корхоналарининг кам сонли эканлиги билан боғлиқ, Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида эса ушбу кўрсаткич нисбатан юқори бўлиб, давлатнинг иқтисодиётдаги роли билан боғлиқ. Мисол учун, 2010 йилда бюджет субсидияларининг ЯИМдаги улуши Россияда 4% ни, Венгрияда 1,4% ни, Болгарияда 1,3% ни, Словакияда эса 2,4% ни ташкил этди<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилган мамлакатлар орасида Россия алоҳида ажралиб туришига қарамадан мамлакатда субсидияларга доимо катта эътибор берилмаган. Мисол учун, 2006 йилда субсидияларнинг Россия ЯИМдаги улуши бор-йўғи 1,7% га тенг бўлган. Россияда корхоналарга ажратилаётган субсидиялар улушининг ЯИМга нисабатан 4,7% га қадар ортиши 2007 йилда 7 та давлат корхонасининг ташкил қилиниши билан боғлиқ. Россия ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар натижасида эса субсидияларнинг давлат бюджетидagi ўрни янада ортди. Хусусан, 2009 йилда бюджет субсидияларининг Россия ЯИМдаги улуши 5,4% га етди<sup>4</sup>.

Субсидиялар ёрдамида корхоналарни химоя қилиш ва экспортни рағбатлантиришнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– корхоналарнинг субсидиялардан фойдаланишга кўникаб қолиши фаолият самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишда сусткашликка олиб келади;

– субсидияларнинг давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши аҳоли зиммасига тушадиغان солиқ юкининг ортишини билдиради;

<sup>3</sup> Маховия А. Отлучить от казны. // Ведомости, 26.12.2011. С. 1.

<sup>4</sup> Ўша манба. С. 3.

– экспорт субсидияларининг қўлланилиши ички бозорда мазкур товарларнинг камомати ва нархларнинг ошишига олиб келади;

– субсидияларнинг қўлланилиши савдо урушларининг авж олишига шарт-шароит яратади.

**Экспорт кредитлари** ташқи савдо сиёсатининг молиявий усули бўлиб, миллий фирмаларнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришни давлат томондан молиявий рағбатлантиришни назарда тутлади.

Экспорт кредитлари қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

– миллий экспортёрларга субсидиялашган кредитлар бериш — давлат банклари томонидан бозор ставкасидан паст ставкаларда кредитлар ажратиш;

– кредит берган мамлакат товарини сотиб олиш шarti билан хорижий импортёрларга давлат кредитларини бериш;

– миллий экспортёрларни экспорт рискларидан суғурталаш.

Экспорт кредитлари қисқа, ўрта ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Экспорт кредитлари бўйича энг йирик уюшмалардан бири ИХТГ доирасида экспортни кредитлаш бўйича ҳукумат ва агентликлар вакилларидан иборат гуруҳ – Экспорт кредити гуруҳи ҳисобланади. Бу гуруҳ икки йил ва ундан ортиқ муддатга берилган экспорт кредитларини тартибга солади. Иккинчи йирик ташкилот кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш бўйича халқаро иттифоқ – Берн иттифоқи ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда экспорт кредитлари бошқа давлатларга ташқи ёрдам бериш шакли сифатида талқин этилади.

**Демпинг** – товарни ташқи бозорга мамлакатда мавжуд нормал баҳога караганда паст баҳоларда экспортга чиқариш. Ташқи савдо амалиётида демпингнинг қуйидаги шаклларида фойдаланилади:

– спорадик демпинг – ташқи бозорга ортиқча товар захираларини паст баҳоларда эпизодик сотиш;

– олдиндан ўйланган ёки атайлаб қилинган демпинг – бозордаги рақибни сиқиб чиқариш ва кейинчалик монопол баҳо ўрнатиш мақсадида экспорт баҳоларини вақтинчалик пасайтириш;

– доимий демпинг – доимий равишда товарларнинг экспорт баҳосини нормал баҳога нисбатан паст баҳоларда сотиш;

– тескари демпинг – товарлар экспорт баҳосининг мамлакат ички бозоридаги баҳоларга нисбатан ошиб кетиши.

– ўзаро демпинг – иккита мамлакатнинг бир хил товарлар бўйича паст баҳоларда ўзаро савдога киришиши.

Демпингдан, энг аввало, даврий пасайишлар ва ички талаб камайганда, иқтисодий таркибий қайта қуриш даврида фойдаланилади. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида шунга ўхшаш ҳодиса Шарқий Европа мамлакатларидан импорт қилинувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кузатилди, 70-йилларда АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан Японияга нисбатан демпингдан фойдаланиш айблови илгари сурилди.

Вақтинчалик ва айниқса, доимий демпингга қарши импортёр мамлакатлар ЖСТ моддаларига асосланган ҳолда импортга қарши импорт божларини жорий этиш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли кейинги йилларда яширин демпинг кенг тарқалмоқда. Бу экспортёр ва импортёрлар ўртасида импортёрлар томонидан ўз миллий бозорида товарларни экспортёр етказиб берган нархдан паст баҳоларда сотиш ҳақида яширин келишувни назарда тутати. Яширин демпинг йирик ТМКлар томонидан фирма ичида қўлланиладиган бутловчи қисмларнинг трансферти амалиётида кенг тарқалган (масалан, япон ТМКлари ичида).

#### 21.4. Савдо сиёсатининг яширин методлари

Ташқи савдони тартибга солишнинг миқдорий чеклаш усуллари билан бир қаторда яширин протекционизм усуллари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда яширин протекционизмнинг бир неча юз хил турлари мавжуд. Давлат улар ёрдамида экспорт ёки импортни бир томонлама чеклаши мумкин. Яширин протекционизм турлари:

- техник тўсиқлар (миллий стандартларга риоя қилиш, импорт қилинаётган маҳсулотларнинг сифат сертификатини талаб қилиш, товарларни махсус упаковкалаш ва маркалаш, санитария-эпидемиология қоидаларига риоя қилиш);

- ички солиқлар ва йиғимлар – мазкур усул импорт қилинаётган товарларнинг ички баҳосини оширишга қаратилган бўлиб, шу орқали импорт қилинаётган товарнинг рақобатбардошлигини туширишга қаратилган (қўшилган қиймат солиғи, савдо солиғи, акциз солиғи, божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар, порт солиғи, регистрация солиғи ва б.);

- давлат хариди доирасидаги сиёсат – давлат органлари ва корхоналаридан маълум товарларни қиммат бўлишига қарамасдан фақат миллий фирмалардан сотиб олишга йўналтирилган сиёсат;

- маҳаллий компонентларни ушлаб туриш талаби – ички бозорга мўлжалланган товарларнинг маълум бир қисмини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқарган бўлиши керак.

Яширин протекционизм усуллари моҳияти жиҳатдан марказий ҳукумат ва ҳатто маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташқи савдо йўлига божхона табиатига эга бўлмаган турли тўсиқларни ўрнатишини англатади. Яширин протекционизм усулларининг кўпчилиги халқаро савдо мувофиқлаштирилган тамойилларини бузишнинг яққол намунасидир. Алоҳида мамлакат импорт ёки экспортни бир томонлама чегаралашда фойдаланадиган яширин протекционизм усулларининг юздан ошиқ тури мавжуд.

**Техник тўсиқлар** – бу яширин протекционизм усули бўлиб, миллий техник, маъмурий меъёрлар ва қоидалар шундай ишлаб чиқиладигани, улар товарларни ташқаридан олиб киришга тўсиқлик қилади. Техник характердаги тўсиқларнинг энг кенг тарқалганлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- миллий стандартларга риоя этишнинг талаб қилиниши;
- импорт маҳсулотнинг сифати ҳақида сертификат олинишининг талаб қилиниши;
- махсус қадоклаш ва маркировкалашнинг талаб қилиниши;
- маълум санитария ва гигиена қоидаларига риоя этишнинг талаб қилиниши;
- атроф-муҳитни химоялаш бўйича тадбирлар ўтказишнинг талаб қилиниши;
- мураккаблаштирилган божхона расмиятчиликларига риоя этилишининг талаб қилиниши;
- истеъмолчилар ҳуқуқларини химоялаш тўғрисидаги қонунларга риоя этишнинг талаб қилиниши ва ҳоказолар.


**Ички солиқлар ва йиғимлар** – бу яширин протекционизм усули бўлиб, улар импорт товарнинг ички нархини кўтаришга ва бу орқали унинг ички бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиришга йўналтирилган. Улар марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жорий қилиниши мумкин. Импорт товарлардан олинадиган солиқлар тўғри солиқлар (қўшимча қиёмат солиғи, акциз солиғи, сотишдан олинадиган солиқ) ёки эгри солиқлар (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар, регистрация учун ва бошқа расмиятчиликлар учун йиғимлар, порт йиғимлари) кўринишида бўлиши мумкин.

**Давлат харидлари доирасида сиёсат** – бу яширин протекционизм усули бўлиб, унга кўра давлат органлари ва корхоналардан фақат миллий ишлаб чиқарувчилар товарларини (бу товарлар импорт товарлардан қиммат бўлса ҳам) сотиб олиш талаб қилинади.


**Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар** – бу давлат сиёсатининг яширин усули бўлиб, унга кўра ички бозорда сотиладиган пировард товарда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши қонуний равишда белгилаб қўйилади.

Савдо сиёсатининг яширин усулларининг кўпчилигини ва оқибатларини микдоран баҳолаш жуда қийин. Қуйида маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлигига талаблар мисолида яширин усулларнинг иқтисодий самарасини кўриб чиқамиз (21.4.1-расм).

Фараз қилайлик, мамлакатда товар таклифи  $S_d$ , товарга талаб эса  $D_d$  ни ташкил қилади. Эркин савдо шароитида  $1P$  нархда хориждан товар таклифи  $1S$  ни ташкил қилади. Ушбу мамлакатда ишлаб чиқариш таннархи хорижга нисбатан юқори бўлганлиги сабабли маҳаллий товарлар таклиф қилинадиган нарх ҳам юқори. Агар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хориждан таклиф қилинаётган товарлар микдорини ҳар бир нарх учун қўшиб чиқсак, ушбу мамлакат бозорида ана шу товарнинг жами таклиф тўғри чизиғига –  $2S$  эга бўламиз. Ички талаб жами талаб билан  $A$  нуқтада мувозанатга келади. Бу мувозанат нуқтада  $1P$  нархда  $6Q$  та товар сотилади, бу товарларнинг  $Q1$  таси ички ишлаб чиқарувчилар,  $5Q$  таси хорижликлар томонидан сотилади (21.4.1а-расм).



a)



b)

**21.4.1-расм. Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишлиги талаблари**

Ҳукумат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни химоя қилишга қарор қилади ва маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлиш талабларини жорий қилади. Чекловларга дуч келмаслик учун хорижий компаниялар ўз ишлаб чиқаришини шу мамлакат ҳудудига кўчириб ўтказди, бу эса уларнинг ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига олиб келади. Харажатлар ошиши натижасида товар қимматлашади хориждан таклиф чизиги  $S_1$  дан  $S_3$  га кўчиб ўтади. Бунинг натижасида жами таклиф чизиги ҳам  $S_2$  дан  $S_4$  га кўчиб ўтади ва В нуқтада мувозанатга келади. Натижада товар нархи  $P_2$  гача ошади ва сотилган ҳажми  $Q_4$  гача камаydi. Сотилган товарларни  $Q_2$  таси маҳаллий ишлаб



чиқарувчилар,  $Q_3$  таси эса мамлакатга ишлаб чиқаришни кўчириб ўтказган хорижликлар томонидан ишлаб чиқарилади.

Хорижга нисбатан қимматроқ маҳаллий компонентларни сотиб олиш талабига мувофиқ ишлаб чиқариш харажатлари ошиб кетди ва нарх  $P_1$  дан  $P_2$  га кўтарилди, истеъмолчиларнинг зарари эса  $a+b+c+d+e$  га тенг бўлди. Бу ерда:  $a$  сегмент – чегаравий самара (маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қайта тақсимланадиган сумма),  $b$  сегмент – химоялаш самараси (маҳаллий ишлаб чиқаришнинг хорижий ишлаб чиқаришга нисбатан самарасизлиги сабабли йўқотишлар)  $d$  сегмент – истеъмол самараси (нарх ошиши натижасида истеъмол микдоридаги йўқотишлар). Икки сегментнинг йиғиндиси  $c+e$  даромад эффекти (хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг нарх кўтарилиши натижасида олган кўшимча даромади)ни ифодалайди, бу ерда:  $c$  сегмент бу мамлакатда жойлашган хорижий ишлаб чиқарувчиларга тегади,  $e$  сегмент эса ишлаб чиқариш харажатларининг ортишини ифодалайди. Мамлакатнинг жами иқтисодий зарари  $b+e+d$  ни ташкил қилади.

## 21.5. Тартибга солишнинг ноиқтисодий методлари

Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф дастаклари орасидан ҳуқуқий дастаклар ҳам ўрин эгаллаган. Уларни одатда халқаро иқтисодий муносабатларда ноиқтисодий дастаклар, деб номлашади. Бу дастаклар икки ва кўп томонлама келишувларда ўз аксини топади.

**Савдо келишувлари, денгизда сузиш ва савдо сулҳи** – бу давлатлараро шартномаларнинг бир тури бўлиб, икки томонлама савдонинг тамойилларини ва режимини ўрнатади. Ўзаро савдода мамлакатлар бир-бирига нисбатан қулай шарт-шароит яратиб бериш учун ва нейтрал сувлардан, худуддан келишилган ҳолда фойдаланиш учун икки томонлама келишувлар имзолашга ҳаракат қилишади. Бундай келишувлар одатда ижро ҳокимиятлари томонидан тузилади ва кейинчалик мамлакатларнинг қонун чиқариш органлари томонидан ратификацияланади. Шунингдек, икки томонлама келишувлар одатда 5–10 йилга тузилади ва мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади.

Давлатлараро келишувларда мамлакатлар бир-бирига нисбатан қўйидаги ҳуқуқий режимлардан бирини қўллашга келишиб олишади:

1. **Миллий режим** – мамлакат ўзининг юридик ва jisмоний шахсларига яратиб берадиган шарт-шароитдан, режимдан ҳамкор мамлакат резидентларига ҳам фойдаланишга руҳсат беришини назарда тутувчи режим. Мисол учун, мамлакатларни импортёрлардан ундирадиган акиз солиғи ва ҚҚС ставкаси ички ишлаб чиқарувчилардан ундириладиган солиқ ставкаларидан юқори бўлади. Агар мамлакатлар ўзаро савдода миллий режимни қўллашга келишиб олишса, бу солиқ ставкалари ички ва хорижий субъектлар учун бир хил бўлади.

2. **Мумкин қадар қулайлик яратиш режими** – бир мамлакат томонидан учинчи мамлакат (савдо келишувида акс эттирилмаган мамлакат)га

яратган қулай шарт-шароитларни, афзаллик ва имтиёзларни ўз ҳамкор мамлакатига ҳам тақдим этишини назарда тутувчи ҳуқуқий режим. Аммо бу режимда куйидаги ҳолларда берилган имтиёзлар инобатга олинмайди:

- қўшни мамлакатларга тақдим этилган имтиёзлар;
- бир интеграцион гуруҳ ичида тақдим этилган имтиёзлар;
- БМТнинг 1971 йилда қабул қилган Умумий преференциялар тизими доирасида берилган имтиёзлар.

Бу режимга эга бўлиш бутунги кунда катта аҳамият касб этади. Мисол учун, ЖСТга аъзо бўлиш учун мамалкат бу ташкилотга кирувчи бошқа мамлакатларнинг ҳар бири билан “мумкин қадар қулайлик яратиш” режимини тақдим этиш бўйича келишув имзолаши шарт.

Ҳозирда жаҳон бозорининг турли сегментларида халқаро савдо муаммоларини мувофиқлаштирувчи қўллаб халқаро ташкилотлар, уюшмалар, кенгашлар фаолият юритмоқдалар, кўп томонлама халқаро битимлар имзоланган.

Масалан, айрим хомашё товарлари халқаро савдосини тартибга солиш мақсадида кўп томонлама битимлар имзоланган ва импортёр давлатлар ва экспортёрлар нигирокида халқаро ташкилотлар ташкил қилинган: какао (Какао бўйича халқаро ташкилот – International Cocoa Organisation), кофе (Кофе бўйича халқаро ташкилот – International Coffee Organisation – ICO), табиий каучук (Табиий каучук бўйича халқаро ташкилот – International Natural Rubber Organisation – INRO), шакар бўйича (Шакар бўйича халқаро ташкилот – International Sugar Organisation – ISO).

Нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ОПЕК фаолиятида аск этади. Ундан ташқари, давлатлараро уюшмалар ёки халқаро кенгашлар фаолият юритмоқдалар ва мис, боксит, темир рудаси, симоб, вольфрам, қалай, кумуш, фосфатлар, тропик турдаги ёғочлар, тери, дон, кокос маҳсулотлари, жут, пахта, қора мурч, чой, банан, ерёнғок, цитрус, гўшт ва уруғли ёғлар бўйича халқаро консултатив ташкилотлар.

БМТ доирасида жаҳон савдоси БМТнинг Савдо ва ривожланиш Конференцияси (UNCTAD) ва БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси (UNCITRAL) томонидан тартибга солинади.

### Асосий тушунчалар

**Нотариф усуллар** – товар айирбошлашга таъсир қилиш дастақларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради.

**Халқаро савдони миқдорий жиҳатдан чеклаш** – давлат томонидан савдо айланмаси нотариф методларини қўллаган ҳолда тартибга солишнинг маъмурий методи.

**Квоталаш** – товарлар экспорти ёки импортини муайян вақт мобайнида маълум миқдор ёки сумма билан миқдорий жиҳатдан чеклаш.

**Лицензиялаш** – давлат органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятга рухсат бериш орқали экспорт ёки импорт қилинаётган товарларни муайян вақт мобайнида маълум бир миқдорда экспорт ёки импорт қилишга рухсат бериш.

**«Экспортни ихтиёрый чеклаш»** – расмий давлатлараро ёки товар эспортига норасмий квота белгилаш тўғрисида савдодаги ҳамкор томонидан савдони чеклаш ёки экспортни кенгайтирмаслик тўғрисидаги мажбуриятига асосланган экспортни миқдор жиҳатидан чеклаш.

**Субсидиялар** – миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва импортни билвосита камситишга қаратилган давлат бюджетидан ажратиладиган пулли тўловлар.

**Экспортни кредитлаш** – ташқи савдонинг нотариф молиявий методи бўлиб, давлат томонидан миллий фирмалар экспортини ривожлантириш учун молиявий рағбатлантиришни кўзда тутати.

**Демпинг** – савдо сиёсатининг молиявий методи бўлиб, товарни ташқи бозорга мамлакатда мавжуд нормал баҳога қараганда паст баҳоларда экспортга чиқариш.

**Спорадик демпинг** – ташқи бозорга ортиқча товар захираларини паст баҳоларда эпизодик сотиш.

**Олдиндан ўйланган ёки атайлаб қилинган демпинг** – бозордаги рақибни сиқиб чиқариш ва кейинчалик монопол баҳо ўрнатиш мақсадида экспорт баҳоларини вақтинчалик пасайтириш.

**Доимий демпинг** – доимий равишда товарларнинг экспорт баҳосини нормал баҳога нисбатан паст баҳоларда сотиш.

**Тесқари демпинг** – товарлар экспорт баҳосининг мамлакат ички бозоридаги баҳоларга нисбатан ошиб кетиши.

**Ўзаро демпинг** – иккита мамлакатнинг бир хил товарлар бўйича паст баҳоларда ўзаро савдога киришиши.

**Техник тўсиқлар** – яширин протекционизм усули бўлиб, миллий техник, маъмурий меъёрлар ва қоидалар шундай ишлаб чиқилдики, улар товарларни хориждан мамлакат ички бозорига олиб киришга тўсиқлик қилади.

**Ички солиқлар ва йиғимлар** – бу яширин протекционизм усули бўлиб, улар импорт товарнинг ички нархини кўтаришга ва бу орқали унинг ички бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиришга йўналтирилган.

**Давлат харидлари донрасида сиёсат** – бу яширин протекционизм усули бўлиб, унга кўра давлат органлари ва корхоналардан фақат миллий ишлаб чиқарувчилар товарларини (бу товарлар импорт товарлардан қиммат бўлса ҳам) сотиб олиш талаб қилинади.

**Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлншлигига талаблар** – бу давлат сиёсатининг яширин усули бўлиб, унга кўра ички бозорда сотиладиган пировард товарда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг улуши қонуний равишда белгилаб қўйилади.

**Энг қулай савдо режимни яратиш** – бу халқаро савдо шартномаларда қатъий белгиланган шарт бўлиб, шартнома тузувчи шартномаларнинг бир-бирига барча ҳуқуқ, афзаллик ва имтиёзларни тақдим этиш кўзда тутилган ҳамда бу мамлакатлар уларда фойдаланилиши мумкин ёки учинчи давлат фойдалана олади.

**Миллий режим** – мамлакат ўзининг юридик ва жисмоний шахсларига яратиб берадиган қулайликдан кам бўлмаган режимни тақдим этадиган давлатлараро иқтисодий алоқалар режими.

**Мумкин қадар қулайлик яратиш режими** – бир мамлакат томонидан учинчи мамлакатга (савдо келишувида акс эттирилмаган мамлакатга) яратган қулай шарт-шароитларни, афзаллик ва имтиёзларни ўз ҳамкор мамлакатига ҳам тақдим этилиши назарда тутувчи ҳуқуқий режим.

### **Назорат саволлари:**

1. Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф методлари нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
2. Нотариф усулларнинг сақланиб қолишининг асосий сабаблари нимада?
3. Ташқи савдони миқдорий жиҳатдан чеклашнинг қандай усуллари мавжуд?
4. Квоталаш билан контингентлаштириш ўртасида қандай фарқ мавжуд?
5. Лицензиялаш нима ва у қандай усуллар ёрдамида тарқатилади?
6. Савдо сиёсатининг молиявий методларига қайси усуллар киради?
7. Ички ва экспорт субсидияларининг миллий иқтисодиётга таъсири қандай?
8. Савдо сиёсатининг яширин методлари қандай усуллардан иборат?
9. Дунё амалиётида ташқи савдони тартибга солишнинг яширин усуллари нима учун кенг тарқалган?
10. Тартибга солишнинг ноиқтисодий методлари нима ва улар қандай тартибда жорий этилади?

# VI БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ТОВАРЛАР, ХИЗМАТЛАР ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК САВДОСИ

## 22-БОБ. ЖАҲОН ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИ

### 22.1. Жаҳон бозори конъюнктураси ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар

Халқаро савдо қатнашчиларини, биринчи навбатда, товар бозорлари конъюнктураси қизиқтиради. Товарлар бозорининг турли-туманлиги уларни гуруҳлаштиришни тақозо этади. Ушбу бозорлар ҳудудий қамровига кўра қуйидагиларга ажратилади:

– ички бозор – бу барча ишлаб чиқарилган ва сотишга мўлжалланган маҳсулотларни ички бозорда сотишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар соҳаси;

– миллий бозор – бу муйян мамлакат бозори бўлиб, унинг бир қисми халқаро айрибошлаш (маҳсулот ва хизматлар экспорти ва импорти) билан боғлиқ;

– халқаро бозор – бу хорижий бозорлар билан боғлиқ ва хорижий харидор ҳамда сотувчига йўналтирилган миллий бозорлар сегментининг яхлитлиги;

– жаҳон бозори – бу жаҳоннинг барча мамлакатлар бозорларини умумлаштирувчи синтетик тушунча.

Бундан ташқари, жаҳон товарлар бозори иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар характериغا кўра ёпиқ, очик, преференциал бозорларга бўлинади.

Тизимли ёндашув асосида жаҳон бозорини таҳлил қилганда унинг қуйидаги асосий хусусиятларини ажратиш мумкин:

– жаҳон бозорининг шаклланишига макроиқтисодий субъектларни самарали халқаро айрибошлашни амалга ошириш мақсадида миллий чегаралардан чиқишлари сабаб бўлган;

– товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати жаҳон бозори конъюнктурасида ўз аксини топади;

– жаҳон бозори ишлаб чиқариш омилларини самарадорлиги юқори бўлган соҳаларга йўналтириш орқали улардан фойдаланишни оптималлаштиради.

– жаҳон бозори маҳсулотлар бўйича ўзига хос филтер вазифасини бажариб, халқаро сифат андозалари ва халқаро рақобатнинг қатъий талабларига мос келмаган маҳсулотларни халқаро айрибошлашдан чиқариб юборади.

Аммо халқаро савдода ҳар қандай маҳсулот ҳам иштирок эта олмайди. Яъни маҳсулотларни икки гуруҳга: савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган маҳсулотларга бўлиш мумкин. Савдо қилинадиган маҳсулотлар деганда хорижий бозорларда айрибошланадиган маҳсулотлар тушунилади ва аксинча,

савдо қилинмайдиган маҳсулотлар деганда ишлаб чиқарилган мамлакат бозорида сотилиб, халқаро айирбошлашда иштирок этмайдиган маҳсулотлар тушунилади. Савдо қилинмайдиган маҳсулотларга куйидагилар киради:

- улгуржи ва чакана савдо, ресторан ва меҳмонхоналар;
- транспорт, сақлаш, алоқа ва молиявий воситачилик;
- коммунал хизматлар ва курилиш;
- мудофаа ва мажбурий ижтимоий хизматлар;
- таълим, соғлиқни сақлаш ва жамоат ишлари;
- бошқа коммунал, ижтимоий ва хусусий хизматлар.


Савдо қилинадиган маҳсулотларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

– қишлоқ хўжалик, овчилик, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик маҳсулотлари;

– қазиб чиқариш саноати маҳсулотлари;

– қайта ишлаш саноати маҳсулотлари;

Қуйидаги 22.1.1-расмда савдо қилинадиган маҳсулотларни ташқи савдо операцияси турига кўра гуруҳланиши келтирилган.



**22.1.1-расм. Савдо қилинадиган маҳсулотларнинг гуруҳланиши**

Жаҳон бозорининг ҳолати, конъюктураси ва у билан боғлиқ нархлар халқаро савдо қатнашчиларининг доимий диққат марказида бўлади. Кенг маънода конъюктура, деганда муайян даврий ва географик миқёсда қатор омиллар таъсирида вужудга келадиган бозорнинг аниқ ҳолати тушунилади. Конъюктурага таъсир қилувчи омиллар, нархлар даражаси, уларнинг ўтган

даврд, ҳозирда ва келажакда ўзгариш динамикасига асосланган жаҳон бозори конъюнктурасининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш учун мураккаб таҳлилий ва истиқболли тадқиқотлар амалга оширилади.

Жаҳон бозори конъюктураси турли даражаларда фарқланади:

– умумиктисодий конъюнктура (мамлакатлар иктисодиёти ёки жаҳон хўжалиги);

– жаҳон бозорининг алоҳида сегментлари ва тармоқ конъюктураси;

– айрим маҳсулот ва хизматлар конъюктураси (у ёки бу товар ва хизматларнинг миллий ёки жаҳон бозори).

Вақт мезонлари бўйича жаҳон бозори конъюктураси учга бўлинади:

– жорий конъюнктура;

– қисқа ва ўрта муддатли конъюнктура;

– узоқ муддатли конъюнктура.


Жаҳон товарлар бозорини тизимлаштириш учун турли хил халқаро гуруҳлашлардан фойдаланиш мумкин. Бу гуруҳлаш таркибида БМТнинг халқаро тармоқлар гуруҳлашлари муҳим ўрин эгаллайди. Статистик мақсадларда бу таснифлагичда машина ва асбоб-ускуналар, хомашё ва ёқилги, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари ажратиб кўрсатилади. Ўз навбатида бу гуруҳлар ҳам бошқа кўйи гуруҳларга бўлинади, сабаби статистикада муайян тартиб ва изчиллик талаб этилади. Аммо аниқ белгиланган бозорларни ўрганишда товарларнинг таснифланиши ва эътиборга олинishi керак бўлган кўрсаткичлар тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб аниқланади. Мисол учун, нон ва нон маҳсулотлари бозорини чуқур таҳлил қилиш учун буғдой бозорида маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш зарур бўлади.

Жаҳон бозори конъюктурасини таҳлил қилишда бозорларни истеъмол ва инвестицион товарларга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу бозорлар нархларнинг шаклланиш хусусиятлари ва иктисодий цикллارга боғлиқлик даражаси билан бир-биридан ажралиб туради.

Шунингдек, фан сиғимкорлиги юқори товарлар бозори ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. ИХТТ таснифига мувофиқ фан сиғимкорлиги юқори товарларга қуйидаги тўртта тармоққа тегишли товарлар киради: аэрокосмос, фармацевтика, компьютер ва офис жиҳозлари ишлаб чиқариш, коммуникациянинг электрон воситалари.

Фан сиғимкорлиги юқори товарлар рўйхати миллий гуруҳлашларда янада каттароқ бўлиши мумкин. Масалан, АҚШда уларга биотехнология, янги материаллар, атом реакторлари, қурол-яроғларнинг алоҳида турлари ҳам киритилади.

Жаҳон бозори конъюктурасининг ҳолатига турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Ушбу омиллар қуйидаги 22.1.2-расмда гуруҳланган.



### 22.1.2-расм. Жаҳон бозори конъюктурасига таъсир этувчи омиллар

Бозор конъюктурасининг ўзгариши иқтисодий ривожланишнинг циклик хусусияти билан бевосита боғлиқдир. Бунда бозор конъюктурасининг узун цикллари (тўлқинлар) ажратилади. Бундай цикллار Кондратьев цикллари деб номланиб, таниқлик иқтисодчи олим Н.Д.Кондратьев илмий тадқиқотлари билан боғлиқ.

### 22.2. Тайёр маҳсулотлар бозорида нархларнинг шаклланиш хусусиятлари

Қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг жаҳон нархлари асосида йирик ишлаб чиқарувчи компанияларнинг экспорт баҳоси ётади. Ушбу нархлар тўлиқ харажатлар ёки тўғридан-тўғри харажатлар усули орқали аниқланади:

Тўлиқ харажатлар усули – бу усул асосида баҳонинг аниқланиши ишлаб чиқаришнинг тўлиқ харажатлари, кутилаётган даромад, маҳсулотни тўлиқ сотилиши ва ишлаб чиқариш қувватининг 75–85% ишлатилишини ҳисобга олиш ётади.

Тўғридан-тўғри харажатлар усули – барча харажатлар устама ва бевосита харажатларга бўлиниб, асосан ўзгарувчан харажатларни ўз ичига олади.

Алоҳида шартномалар асосида – етказиб берилувчи маълум бир товар тури ва хизмат нархлари айнан шу хилдаги товар тури ва хизмат нархларининг жаҳон бозоридagi даражасидан фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат товарнинг ўзига хос сифат белгилари, товарни юклаш ва тўлови, юкланган туркумнинг (партияси) ҳажми, ҳар икки томон муносабатларининг характери билан боғлиқ ҳолда тузилган шартноманинг ўзига хос талаблари билан изоҳланади.

Халқаро савдода нархлар турларининг кўплиги тайёр маҳсулотлар бозори шарт-шароитларининг ҳар хил эканлигини акс эттиради, мана шундай шароитда олди-сотди актлари тузилади. Кузатувлар жаҳон нархининг ўзгариб туриш тенденцияси ана шу шарт-шароитларга ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади. Товарларнинг ўзгарувчан нархини аниқлаш товар сифатининг доимийлигини, бир хил шароитдаги юклаш ва тўловларни таққослаб кўришни талаб қилади. Шунинг учун товарнинг ташқи савдо нархини асослаш; аниқлаш



ва келишиб олишда келишувнинг ўзига хос томонларини белгилаб берувчи табиати ҳақида аниқ тушунча, тасаввурга эга бўлиш керак.

Мисол учун, технологик-машина маҳсулотлари, мураккаб техник товарлар савдосини олиб кўрайлик, бу савдо ишлаб чиқарувчи – сотувчи ва истеъмолчи – харидорнинг бевосита иштирокида ўтказилиб, товарни етказиб беришнинг барча шарт-шароитлари келишиб олинади.

Халқаро савдо соҳасида қўлланиладиган жаҳон нархлари турларининг кўпчилигига қараб қуйидагича туркумлаш мумкин. Олди-сотди бўйича конкрет операциялар ўтказишни ҳисобга олган ҳолда:

– **шартномавий нарх** – сотувчи ва харидор ўртасида келишилган ва шартномада кўрсатилган аниқ баҳо. Одатда, у етказиб берувчи таклиф этган баҳодан паст бўлиб, тижорат сири сифатида ҳеч қасрда ошқор этилмайди;

– **маълумот берувчи нархлар** – махсус нашрларда, бюллетенларда, даврий адабнётларда, компьютер маълумот каналларида эълон қилинадиган сотувчи баҳоси бўлиб, қоидага кўра, улар анча баландроқ ва кам ҳаракатчан бўлади. Мазкур товар бозорда юзага келган умумий динамика ва тенденцияни ифодалайди;

– **биржа нархлари** – биржа орқали сотиладиган товарлар баҳосини акс эттиради. Ушбу товарлар таркибига асосан хомашё товарлари ва ярим фабрикатлар киради. Биржа савдосига қўйилган товар бозордаги конъюнктурани ўзида ифодалайди, кўп ҳолларда ноинқисодий омиллар таъсирга тушиб қолади; келишув чоғида товарнинг биржа котировкасини, товарни етказиб беришни, тўловни ва бошқаларни ўзида ифода эттирмайди, котировка баҳоси махсус бюллетенларда босиб чиқарилади. Алоҳида товарлар турларининг котировка нархлари кўпинча айрим биржаларда шаклланган нарх даражаси ва динамикасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

– **аукцион нархлар** – товарнинг савдо жараёнида вужудга келган баҳоси бўлиб, маълум бир даврдаги талаб ҳамда таклифни акс эттирувчи ва товарнинг реал баҳосидир. Аукционларда асосан санъат асарлари, мўйна, хайвонлар каби ўзига хос товарлар сотилади;

– **ташқи савдонинг статистик нархлари** – миллий ва халқаро статистик маълумотномаларда босилган ҳисоб-китоб нархлари, бу маълумотлар маълум бир товар бўйича аниқ баҳони акс эттирмайди. Ушбу нархлар фақат мамлакатлар ва жаҳон савдосининг ривожланиш динамикаси ва тенденциясини таҳлил қилиш, статистик ҳисоб-китоблар учун хизмат қилади.

Жаҳон бозорида нархлар вужудга келиш хусусиятларига қараб “эркин бозор” ва “ёпиқ бозор” нархларига бўлинади. “Эркин бозор” баҳоси рақобат шароитида юзага келади ва талаб билан таклиф нисбатини акс эттиради. “Ёпиқ бозор” баҳоси товарларни сотиш учун маълум бир жойда ташкил этилган, аукцион савдоларга оид баҳолар ҳисобланади. “Ёпиқ бозор” баҳоси сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзига хос муносабат бўлиб, мазкур товарга талаб ва таклиф объектларининг таъсири кам бўлади. Бу баҳолар фирмаларда ички

савдо, иқтисодий гуруҳларнинг минтақавий ва махсус преференциал келишувлар баҳосидир.

Келишувда белгиланган хизмат турига қараб баҳонинг қуйидаги турларини ажратиб мумкин:

- эркин конвертирланадиган валютада тўланадиган савдо битимлари нархи;
- эркин конвертирланмайдиган валютада тўланадиган савдо битимлар нархи;
- клиринг келишувлар бўйича шаклланган нарх;
- носавдо операциялар бўйича шаклланган нарх;
- трансферт нарх (фирма ичида).

Товар ва хизматларни олиб кириш – олиб чиқишига қараб нархлар экспорт нархларига (FAS ва FOB шартлари асосида белгиланган нархлар) ва импорт нархларига (CIF шартлари асосида белгиланган нархлар) бўлинади. FAS ва FOB экспорт нархлари бўйича экспорт қилувчи фирма импорт қилувчига товар нархига транспорт харажатларини ҳам ўз ичига олган нархда сотади. Бунда товарни кема бортига (FAS) етказиб бериш ёки юклаш харажатларини қўшиб ҳисоблаб, кема бортига чиқариб бериш кўзда тутилади. CIF импорт нархлари – FOB нархидан ташқари юкни экспорт қилувчи ёки импорт қилувчининг мамлакат чегарасигача транспортда етказиб бериш ва сугурта харажатларини ўз ичига олади.

Келишувларни ўрнатиш қоидалари қуйидагилардан иборат:

- шартнома нархи томонлар келишуви асосида белгиланади. Қоидага қўра, турли давлат ҳукуматлари ўртасидаги шартнома ва келишувлар асосида аниқланади;
- биржа котировкалари, аукцион савдолар нархи;
- йирик фирмаларнинг таклиф нархлари ва амалдаги битимлар нархи;
- халқаро битимларда иштирок этувчи мамлакатларнинг ички улгуржи нархлари, бу нархлар экспорт ва импортнинг божхона божидан ҳамда солиқлари ҳажмидан фарқ қилади.

Экспорт қилувчи мамлакатнинг экспорт нархи, асосий хомашё етказиб берувчи мамлакатлар нархлари, Ғарбий Европадаги йирик бозорларнинг импорт нархи жаҳон нархи бўла олиши мумкин:

- алюминий бўйича – Канаданинг экспорт нархи;
- ёғоч-тахта материаллари бўйича – Швейцария нархи;
- каучук бўйича – Сингапур биржасининг нархи;
- мўйна бўйича – Нью-Йорк, Лондон ва бошқа аукционлар нархлари.

Амалиётда жаҳон бозорида ўз товарининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида турли чегирмалар қўлланилади. Чегирмалар қўлланилганда ўрнатилган сумма олиб ташланган базис нарх – жаҳон нархи ҳисобланади.

Амалиётда қуйидаги чегирмалардан фойдаланилади:

- товарнинг нақд пулга сотиб олингандаги миқдори;

– прејскурант баҳосидан умумий чегирмалар (асосан кичик ҳажмли товарлар учун белгиланади);

– дилерлик чегирмалари;

– махсус чегирмалар (идораларнинг имтиёзга эга категориялари учун).

Чегирма ўлчовининг ҳар бири конкрет ҳолатда алоҳида аниқланади ва қоида бўйича биринчи таклиф этилган баҳосидан 2–10% атрофида бўлади. Аниқ шароитларда чегирма миқдори биринчи таклиф нархининг 20–30% ига етиши мумкин.

Жаҳон нархи даражаси ва ўзгариб туриш тезлиги қуйидаги омиллар таъсирида белгиланади:

– қиймат омили – ижтимоий зарур меҳнат сарфининг ўзгариши;

– конъюнктура омили – талаб ва таклиф нисбатининг ўзгариши билан боғлиқ;

– давлат томонидан тартибга солиб туриш омили – давлатнинг халқаро савдо соҳасида олиб борадиган иқтисодий сиёсати;

– валюта-молия омили – валюта бозорининг аҳволи;

– сиёсий омил – ҳарбий-сиёсий вазият.

XX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатлар, дунё хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг иқтисодий-сиёсий ривожланишининг ўзига хослиги жаҳон бозорида нархларнинг шаклланишида ўз ифодасини топди.

Бу даврда жаҳон нархларининг шаклланиш хусусиятлари:

– XX асрнинг иккинчи ярмида экспорт нархлари ўсиши динамикасида кўтарилиш тенденцияси кузатилди, айниқса, хомашё гуруҳидаги ёнилғи нархи кўтарилди, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларида унчалик катта кўтарилиш бўлмади;

– нархларнинг биринчи марта катта кўтарилиши Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ бўлган бўлса, иккинчиси 1970 йил ўрталарида бўлиб ўтган энергетика инқирози натижасида рўй берди;

– XX асрнинг 50–60-йиллари жаҳон экспортининг барча товарларининг индекс нархи ўртача кўтарилиши билан тавсифланади;

– XX асрнинг 80–90-йилларида озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашёларнинг баъзи бир турлари, ёнилғи, тайёр маҳсулотлар нархи пасайди.

### **22.3. Жаҳон қайта ишлаш саноати маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари**

Қайта ишлаш саноати кўп тармоқли бўлиб, ўзида 300 дан ортиқ тармоқ ва куйи тармоқларни билаштиради. Одатда, қайта ишлаш саноати тармоқлари қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилади: 1) конструкцион материаллар ва кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш; 2) машинасозлик ва металлни қайта ишлаш; 3) енгил саноат; 4) озиқ-овқат саноати. XX асрда жаҳон бозорида бўлиб ўтган ўзгаришлар таркибида қазиб чиқарувчи тармоқлар улущининг қисқариши ва

қайта ишлаш тармоқлари улушининг ортишини ажратиб кўрсатиш мумкин. Агар 1970 йилларда уларнинг нисбати 13/87 бўлган бўлса, 2000 йилларнинг бошига келиб бу нисбат 8/92 га ўзгарди. Бундан ташқари, ушбу давр мобайнида аксарият тараққий этган мамлакатларда қазиб чиқариш тармоқларининг ЯИМдаги улуши қисқарди. Аммо ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида қазиб чиқаришнинг улуши ортиб борган. XXI аср бошида ривожланган мамлакатларда бу соҳа улуши 2% ни ташкил этган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 14% дан ортди. Шунингдек, бу даврда яна жаҳон бозорида моддий ресурслар сивгимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар улуши қисқарди.

Иқтисодий муҳитдаги доимий тарзда юз берадиган ўзгаришлар таъсирида жаҳон иқтисодиётида қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришлар содир бўлади. Илм-фан тараққиёти машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг кескин ривожланишига таъсир этди. Мисол учун, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатининг жаҳон бозоридаги улуши 1975 йилда 37% ни ташкил этгани ҳолда 2004 йилда 55% га тенг бўлди. Шунингдек, қайта ишланган маҳсулотларнинг географик таркиби кескин фарқланишга эга бўлиб, асосий улуш (76%) ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Аммо Хитой иқтисодиёти ривожланишининг натижасида ривожланаётган мамлакатлар улуши ортиб бормоқда ва 1990–2000 йилларда ушбу мамлакатлар улуши 1,5% дан 7,1% гача ортди.

1990–2008 йилларда жаҳон саноат маҳсулотлари савдосида тармоқ ичидаги ихтисослашувнинг ривожланиб бориши кузатилган. Х.Эскейт, Н.Линденберг ва С.Мирудолар томонидан амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, 1990–2008 йилларда АҚШ ва Шарқий Осиё мамлакатларининг учинчи мамлакатларга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар экспорти йилига 7,1% га ўсган ҳолда, оралиқ ёки яримфабрика маҳсулотлар экспорти эса йилига ўртача 10,2% га ўсган. Қайта ишлаш саноатида эса, бу кўрсаткичлар мос равишда 6,6 ва 10,7% ни ташкил қилган. Бу эса трансмиллий вертикал интеграциялашган ишлаб чиқариш тузилмаларининг ривожланганлигини акс эттиради. Яъни, бу даврда саноат тармоғида тармоқ ичидаги ихтисослашув жадал суръатлар билан ривожланиб борган. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир қисмини бошқа мамлакатларга узатиш орқали тармоқ ичидаги интеграциянинг ривожланишига қуйидагилар сабаб бўлди:

– ташқи савдонинг эркинлашуви, жумладан транспорт ва алоқа харажатларини камайтириш натижасида ташқи савдо харажатларининг пасайиши;

– товарни ўз вақтида ва шикаст етказмасдан етказиб беришни таъминловчи инфратузилма ва логистика хизматларининг ривожланиши;

– халқаро меҳнат тақсимотини самарали ташкил этиш имконини берувчи ахборот технологияларнинг мукаммаллашуви.

Жаҳон тайёр маҳсулотлар бозори кўп тармоқли бўлиб, унинг тармоқ таркибида машинасозлик, офис ва телекоммуникация ускуналари,

автомобилсозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат тармоқларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу тармоқларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва ривожланиш динамикасига эга.

Жаҳон машина ва ускуналар бозори кенг диверсификациялашган. Бу бозор товар номенклатурасидан шахсий компьютерлар, уяли телефонлар, сунъий йўлдошлар билан бирга катта лайнерлар каби товарлар ҳам жой олган.

Машина ва ускуналар бозори ХХІ аср бошида глобал бозорга айланди ва унинг истиқболда ривожланиши кўп жиҳатдан инновациялардан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлмоқда. Шу сабабли, бу бозорга кирувчи товарларнинг таннархида инновацияларга сарфланган харажатлар катта улушга эга.

Машина ва ускуналар жаҳон бозорида умумий нарх ХХ аср охири – ХХІ аср бошида ўсиб бориш тенденциясига эга. Бунинг асосий сабаблари куйидагилардан иборат бўлди:

- товар диверсификациялашуви даражасининг ўсганлиги;
- товар сифатини ошириш учун кўпроқ харажатлар қилиниши;
- тадқиқотларга йўналтирилган харажатларнинг ошганлиги;
- инфляция жараёнлари.

Таҳлиллар кўрсатишича, алоҳида товарлар гуруҳи бўйича нархлар динамикаси умумий тенденцияга эга эмас. Узоқ давр давомида саноат тармоқларининг оммавий товарларига нархлар пасайиб борган бўлса, ностандарт товарларнинг нархи ошиб борган. Саноат тармоқларида миқёс самарасидан фойдаланиш орқали нархлар пасайтирилган бўлса, давлатнинг алоҳида тармоқларни қўллаб-қувватлаш дастурлари, ҳарбий буюртмалар, йирик лойиҳаларда давлатнинг иштирок этиши кабилар айрим товарлар бозорида нархнинг ошишига сабаб бўлмоқда.

Оммавий стандарт маҳсулотларнинг нархи ўртача харажатлар ва даромаднинг ўртача меъёри асосида шаклланади. Бу кўрсаткичларга тез-тез тебраниб туриш хосдир.

Машинасозлик тармоқлари орасида офис ва телекоммуникация ускуналари ўзига хос муҳим ўрин эгалайди. Бу тармоқда жаҳон экспорти ХХ асрнинг 90-йиллари давомида катта суръатлар билан ўсиб борган бўлса, ХХІ асрга келиб, бу тармоқ экспортининг ўсиш суръатлари пасайди ва 2000–2008 йилларда бу кўрсаткич йилига ўртача 6% ни ташкил қилди. Шунингдек, 1990–2010 йилларда бу тармоқнинг географик таркибида кескин ўзгаришлар бўлиб ўтди. 2010 йилда Хитой, ЕИ-27, Гонконг, АҚШ, Сингапур, Корея Республикаси, Япония каби мамлакатлар офис ва телекоммуникация ускуналари экспорти бўйича жаҳонда етакчилик қилишган. 2000–2008 йилларда Хитойда бу маҳсулотлар экспорти йилига 31%га ўсиб борган. Бу даврда ЕИ-27, Корея Республикасида офис ва телекоммуникация ускуналари экспорти йилига 5% га ўсган бўлса, АҚШ ва Японияда бу маҳсулотлар экспорти йилига 1% га қисқариб борган. Натижада 2010 йилда офис ва телекоммуникация ускуналарининг етакчи экспортёрлари орасида Хитой 1-

ўринга чиқиб олди. Хитойнинг жаҳон офис ва телекоммуникация ускуналари экспортидаги улуши 1990-2010 йилларда 1,0% дан 28,0% гача ўсган бўлса, бу бозорнинг етакчи экспортёри бўлган АҚШнинг улуши 17,3% дан 8,4% гача қисқарди. Ўз навбатида жаҳон офис ва телекоммуникация ускуналари экспортида ЕИ-27 Япониядан олиб, жаҳон экспортёрлари рўйхатида 2-ўринни эгаллади (22.3.1-жадвал).

22.3.1-жадвал

**Жаҳон машинасозлик маҳсулотлари экспортининг географик таркиби, %<sup>1</sup>**

Мамлакат	Офис ва телекоммуникация жиҳозлари			Мамлакат	Автомобиль ва унинг эҳтиёт қисмлари		
	1990 й.	2000 й.	2010 й.		1990 й.	2000 й.	2010 й.
Хитой	1,0	4,5	28,0	ЕИ-27	-	49,8	49,7
ЕИ-27	-	29,2	22,7	Япония	20,8	15,3	13,7
Гонконг	-	0,4	-	АҚШ	10,2	11,6	9,1
АҚШ	17,3	15,8	8,4	Мексика	1,4	5,3	5,1
Сингапур	6,4	4,3	7,9	Корея Республикаси	0,7	2,6	5,0
Корея Республикаси	4,8	6,1	6,0	Канада	8,9	10,5	4,6
Япония	22,5	11,2	5,8	Хитой	0,1	0,3	2,6
Тайпей	4,7	6,0	5,1	Таиланд	0,0	0,4	1,7
Малайзия	2,7	5,4	4,2	Туркия	0,0	0,3	1,3
Мексика	1,5	3,5	3,8	Бразилия	0,6	0,8	1,2
Таиланд	1,2	1,9	2,2	Аргентина	0,1	0,4	0,7
Филиппин	0,6	2,6	1,7	Хиндистон	0,1	0,1	0,7
Канада	1,9	2,1	0,7	ЖАР	0,1	0,3	0,6
Индонезия	0,0	0,8	0,4	БАА	0,0	0,1	0,5

Автомобиль ва унинг эҳтиёт қисмлари бозорининг географик таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. 2000 йилда бу турдаги маҳсулотлар экспортида Япония, ЕИ-27, АҚШ, Канада, Мексика етакчилик қилган. Бу мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши ЕИ ички савдосини инобатга олмаганда 55% ни ташкил қилган. Агар ЕИдаги ички савдо ҳам инобатга олинса бу кўрсаткич 92,5% га тенг бўлган. 2000-2010 йилларда ЕИнинг янги аъзоларида автомобилсозликнинг ривожланиши ЕИни бу турдаги маҳсулотлар экспорти бўйича жаҳонда биринчи ўринга олиб чиқди. Бу давр давомида Япония ва АҚШнинг жаҳон автомобиль экспортидаги улуши қисқарди, аммо улар бу тармоқда жаҳондаги ўз ўринларини (мос равишда 2- ва 3-ўринларни) сақлаб қолишди. 2000 йилда автомобил экспорти бўйича жаҳонда тўртинчи ўрин эгаллаган Канаданинг жаҳон экспортидаги улуши икки барабар қисқарди ва ҳозирда бу мамлакат жаҳон автомобиль ва унинг эҳтиёт қисмлари экспортида олтинчи ўринни эгалламоқда. Жаҳон автомобиль ва унинг эҳтиёт

<sup>1</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

қисмлари экспортида Мексика, Корея Республикаси ва Хитойнинг улуши ҳам жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Жаҳон кийим-кечак бозорида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлди. Энг кескин ўзгариш Хитойнинг кийим-кечак экспортида бўлди. Бу мамлакатнинг жаҳон кийим-кечак экспортидаги улуши 2000 йилда 18,3% ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 36,9% га етди. Бу ҳолат кўп жиҳатдан Хитойнинг ЖСТга аъзо бўлиши билан боғлиқ. Чунки, бу аъзолик Хитойга кўплаб мамлакатларнинг ички бозорларига эркин кириб бориш ва бу соҳадаги нисбий устунликлардан кенг фойдаланиш имконини яратди. Натижада 2010 йилда Хитойнинг кийим-кечак экспорти 130 млрд. долларга етди. Бундан ташқари, Хитойнинг жаҳон кийим-кечак бозоридаги муваффақиятлари унинг иқтисодийётида тўқимачлик тармоғининг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган. 2010 йилда Хитойда текстил маҳсулотлари экспорти 77 млрд. долларга етди ва бу мамлакатнинг жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги улуши 30,7% га тенг бўлди.

Бангладешнинг ҳам жаҳон кийим-кечак экспортидаги улуши ўсди. Бу мамлакатнинг жаҳон кийим-кечак экспортидаги улуши 2000 йилда 2,6% ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 4,5% га етди. Натижада, бу мамлакат жаҳоннинг етакчи кийим-кечак экспортёрлари рўйхатида 3-ўринга чиқди. Аммо Бангладеш, Хитойдан фарқли равишда, тўқимачилик маҳсулотларини асосан импорт қилади. Жумладан, 2010 йилда Бангладеш деярли 5 млрд. долларга тенг тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилди ва жаҳоннинг етакчи тўқимачилик импортёрлари орасида 9-ўринни эгаллади (22.3.2-жадвал).

### 22.3.2-жадвал

#### Жаҳон тўқимачилик ва кийим-кечак экспортининг географик таркиби динамикаси, %<sup>2</sup>

Мамлакат	Тўқимачилик маҳсулотлари			Мамлакат	Кийим-кечак		
	1990 й.	2000 й.	2010 й.		1990 й.	2000 й.	2010 й.
Хитой	6,9	10,4	30,7	Хитой	8,9	18,3	36,9
ЕИ-27	-	36,6	26,8	ЕИ-27	-	28,5	28,1
Ҳиндистон	2,1	3,6	5,1	Бангладеш	0,6	2,6	4,5
АҚШ	4,8	7,1	4,9	Туркия	3,1	3,3	3,6
Корея Республикаси	5,8	8,2	4,4	Ҳиндистон	2,3	3,0	3,2
Тай-пей (Хитой)	5,9	7,7	3,9	Вьетнам	-	0,9	3,1
Туркия	1,4	2,4	3,6	Индонезия	1,5	2,4	1,9
Покистон	2,6	2,9	3,1	АҚШ	2,4	4,4	1,3
Япония	5,6	4,5	2,8	Мексика	0,5	4,4	1,2
Индонезия	1,2	2,3	1,7	Таиланд	2,6	1,9	1,2
Таиланд	0,9	1,3	1,5	Покистон	0,9	1,1	1,1
Вьетнам	-	0,2	1,1	Малайзия	1,2	1,1	1,1
Мексика	0,7	1,7	0,8	Шри-Ланка	0,6	1,4	1,0

<sup>2</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

Тахлиллар кўрсатишича, 2000–2010 йилларда жаҳон кийим-кечак бозорида Туркия, Ҳиндистон ва Вьетнамнинг улуши ўсди. 2000 йилда бу мамлакатларнинг жаҳон кийим-кечак бозоридаги улуши мос равишда 3,3; 3,0 ва 0,9 га тенг бўлган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткичлар 3,6; 3,2 ва 3,1 га етди. Бу мамлакатларнинг жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги улуши ҳам ўсган. 2010 йилда Ҳиндистонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 13 млрд. долларга етди ва бу мамлакатнинг жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги улуши 2000 йилдаги 3,6% дан 2010 йилда 5,1% гача ўсди. Туркия ва Вьетнамнинг жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги улуши эса, мос равишда 2000 йилдаги 2,4% ва 0,2% дан 2010 йилда 3,6% ва 1,1% гача ўсди.

2000–2010 йилларда жаҳон кийим-кечак экспортида бир қатор етакчи мамлакатларнинг ўрни деярли ўзгармаган ёки уларда кичик пасайиш кузатилган. Бу мамлакатлар қаторига ЕИ-27, Покистон, Малайзия, Шри-Ланка ва Тунис киради. Аммо бир қатор етакчи мамлакатларнинг жаҳон кийим-кечак экспортидаги улуши кескин пасайган. Биринчи ўринда бу АҚШга тегишли. Агар АҚШнинг жаҳон кийим-кечак экспортидаги улуши 2000 йилда 4,4% ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 1,3% гача пасайган.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон тайёр маҳсулотлар экспортида Хитойнинг улушини ўсиб бормоқда. Бир қатор товарлар бўйича саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши эса қисқариб бормоқда.

### Асосий тушунчалар

**Ички бозор** – барча ишлаб чиқарилган ва сотишга мўлжалланган маҳсулотларни ички бозорда сотишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар соҳаси.

**Миллий бозор** – муайян мамлакат бозори бўлиб, унинг бир қисми халқаро айрибошлаш (маҳсулот ва хизматлар экспорти ва импорти) билан боғлиқ.

**Халқаро бозор** – хорижий бозорлар билан боғлиқ ва хорижий харидор ҳамда сотувчига йўналтирилган миллий бозорлар сегментининг яхлитлиги.

**Жаҳон бозори** – жаҳоннинг барча мамлакатлар бозорларини умумлаштирувчи синтетик тушунча.

**Савдо қилинадиган маҳсулотлар** – хорижий бозорларда айирбошланадиган маҳсулотлар.

**Савдо қилинмайдиган маҳсулотлар** – ишлаб чиқарилган мамлакат бозорида сотилиб, халқаро айирбошлашда иштирок этмайдиган маҳсулотлар.

**Жаҳон бозори конъюнктураси** – муайян даврий ва географик миқёсда қатор омиллар таъсирида вужудга келадиган бозорнинг аниқ ҳолати.



### Назорат саволлари:

1. Жаҳон бозорига таъсир қилувчи омиллар нима ва улар қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Жаҳон бозори конъюнктураси нима ва унга қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Тайёр маҳсулотлар бозорида нархларнинг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар тизими нималардан иборат?
4. Халқаро савдода қўлланиладиган нархларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Жаҳон қайта ишлаш саноати маҳсулотлари бозори қандай ривожланиш тенденцияларига эга?
6. Қайта ишлаш саноатига қайси тармоқлар киради?
7. Жаҳон қайта ишлаш саноати маҳсулотлари бозорининг географик таркиби қандай кўринишга эга?
8. Жаҳон кийим-кечак бозоридаги ўзгаришлар нималардан иборат?

## 23-БОБ. ЖАҲОН ХОМАШЁ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР БОЗОРИ

### 23.1. Жаҳон хомашё бозорларининг ривожланиш хусусиятлари

Жаҳон хўжалигининг ривожланишида табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган муаммолар муҳим роль ўйнайди. Ушбу муаммолар миллий иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш, молия-валюта ва ташқи иқтисодий фаолият каби соҳаларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш соҳаларининг кўпайиши хомашё ресурслари истеъмолининг ортиб боришига сабаб бўлади. Жаҳон иқтисодиётида хомашё маҳсулотлари истеъмолининг ўзгаришига куйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

– жаҳон товар ишлаб чиқариш даражаси – товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши хомашёга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади;

– илмий-техник ривожланиш – илмий-техник ривожланиш пировард маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ҳаражатлар даражасининг пасайиши ва таркибининг ўзгаришига олиб келади.

Иқтисодий ривожланишда табиий фойдали қазилма бойликларнинг sanoat захиралари муҳим аҳамиятга эга. Sanoat захиралари деганда mavjud нархлар ва техникавий билимлар даражасида ўзлаштириш учун самарали, сифатли ва яхши ўрганилган табиий фойдали қазилма бойликлар захиралари тушунилади. Бундай ресурслар миқдори жаҳон хўжалигида нисбатан чекланган.

Ҳар қандай товар ишлаб чиқаришнинг моддий асосини хомашё ташкил этади. Маҳсулотлар таркибида хомашёнинг улуши маҳсулот турига қараб ўзгариб туради. Масалан, ушбу кўрсаткич машинасозликда 10–12% гача, асосий кимёвий синтез маҳсулотларида эса 80–90% гача этади.

Табиий хомашё ресурслари аксарият мамлакатлар иқтисодиёти учун сезиларли аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат бойлиги ва даромад келтирувчи манбалардан биридир.

Табиий ресурслар куйидаги мезонларга кўра гуруҳланади:

- табиий муҳитга боғлиқлиги;
- тугалланиши;
- фойдаланиш йўналиши;
- физик ҳолати.

Ресурслар табиий муҳитга боғлиқлигига кўра эса куйидагиларга бўлинади:

- литосфера (фойдали қазилмалар, ер ва тупроқ ресурслари);
- гидросфера (музликлар, сувлар, қуруқлик ва дунё океани);
- атмосфера (шамол, иқлимий ва рекреацион);
- биосфера (флора ва фауна).

Қазиб чиқариш тармоқлари жаҳон миллий маҳсулотининг 11% ини ташкил этади. Ушбу соҳа ҳиссасига sanoat ишлаб чиқаришнинг 1/3 қисми

тўғри келади. Минерал ресурслар кўплаб давлатларнинг иқтисодий ривожланиши ва фойда олишида асосий роль ўйнайди.

Хомашё истеъмоли динамикасини асосан куйидаги омиллар белгилайди:

– моддий ишлаб чиқариш даражасининг ўсиши хомашёга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади;

– илмий-техник тараққиёт тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг камайиши ва таркибининг ўзгаришига олиб келади.

Жаҳон ялпи истеъмолининг ўсиши чекланган ресурслардан фойдаланиш муаммосини келтириб чиқаради. Ресурсларнинг чекланганлиги, ер курраси ва океанда қанча мавжудлиги уларга хос хусусият ҳисбланади. Назарий жиҳатдан минерал ресурслар узоқ вақт интенсив ишлатиш оқибатида тугаши мумкин. Аммо ер куррасида мавжуд аксарият ресурсларнинг умумий ҳажми истеъмоли қўлинаётганидан минглаб, миллионлаб марта кўпдир. Мисол учун 1990 йилда саноат захираларининг ўртача йиллик истеъмолга нисбати темир рудаси бўйича 250 йилни, никель бўйича – 76, алюминий бўйича – 280, кумуш бўйича – 60, кўмир, табиий газ ва нефть бўйича – мос равишда 400, 71 ва 45 йилни ташкил этган. Қазиб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида хомашё захиралари миқдори камайиб бормоқда. Шу билан бирга саноат учун ишлатиладиган хомашёдан самарали, тежамкорлик билан фойдаланиш ва янги конларни қидириб топиш ресурсларни кўпайтиради. Масалан, 1970–1990 йилларда мисни тежамкорлик билан ишлатиш ва янги конларни излаб топилиши натижасида жаҳонда мис захираси 1,17 мартага, боксит захираси эса 4,7 мартага кўпайди.

Табиий ресурсларнинг захиралари жаҳонда минтақа ва мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланган. Ривожланган мамлакатлар хиссасига ёқилғи бўлмаган ресурслар захирасининг тахминан 36% и, нефтнинг 5% и ва қайта ишлаб чиқариш саноатининг 80% и тўғри келади. Тахлиллар 2010 йилда жаҳонда аниқланган нефть захираларининг миқдори 1383,2 млн. баррелни ташкил этгани, жами захираларнинг 77,2% и ОПЕК мамлакатлари, 13,6% и ОПЕКга аъзо бўлмаган мамлакатлар, 9,1% и МДҲ, 6,6% и ИҲТТ мамлакатлари, 0,5% и эса ЕИ мамлакатлари хиссасига тўғри келганлигини кўрсатмоқда (23.1.1-жадвал).

Ривожланаётган мамлакатлар хиссасига эса ёқилғи бўлмаган минерал ресурсларнинг 50% дан ортиғи, нефть ва газ захираларинг 80% идан кўпроғи ва қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг 30% и тўғри келади. Саноатбоп фосфат захираларининг 90% и, кобальтнинг 88% и, мис ва никель захираларининг ярмидан кўпи ривожланаётган мамлакатларга тегишли ҳисбланади.

Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШнинг асосий муамоларидан бири бу нефть маҳсулотларига бўлган талаб, эҳтиёжларини қондиришдир. Ғарбий Европа мамлакатларининг нефть маҳсулотларига бўлган талаби қазиб чиқариладиган нефть миқдоридан 2,5 баробар, АҚШда эса 1,9 баробар ортиқ

Аниқланган нефть захираларининг миқдори, млн. баррель<sup>1</sup>

	1990 й.	2000 й.	2009 й.	2010 й.	2010 йилда жамига нисбатан % да
ИХТТ мамлакатлари	115,4	93,3	92,0	91,4	6,6
ОПЕК мамлакатлари	763,4	849,7	1068,6	1068,4	77,2
ОПЕКга аъзо бўлмаган мамлакатлар	176,5	168,2	182,6	188,7	13,6
ЕИ	8,1	8,8	6,2	6,3	0,5
МДҲ	63,3	87,1	125,4	126,1	9,1
Дунё бўйича - жами	1003,2	1104,9	1376,6	1383,2	100,0

бўлиб, Японияда нефтьга бўлган талабнинг деярли 100% и импорт ҳисобидан қoplanadi. ЕИда нефть ва нефть маҳсулотлари импортининг ярмидан ортиғи ОПЕК мамлакатлари (31,2%) ва Россия (24,0%) ҳиссасига тўғри келади (23.1.2-жадвал).

## 23.1.2-жадвал

ЕИ нефть ва нефть маҳсулотлари импортининг  
географик таркиби, 2000-2010 йй.<sup>2</sup>

	2000 й.	2005 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
ОПЕК мамлакатлари	39,3	32,3	30,9	30,5	31,2
Россия	15,5	21,0	20,0	23,2	24,0
Озарбайжон	0,6	0,7	2,2	2,4	2,6
Қозоғистон	1,5	3,0	3,1	3,0	3,6
Норвегия	10,5	8,6	6,8	7,3	6,0
Лотин Америкаси мамлакатлари	2,2	2,5	2,7	2,6	2,5
Африка ва Кариб хавзаси мамлакатлари	6,5	6,1	8,3	7,7	7,1
Бошқалар	23,9	25,8	26,0	23,3	23,0
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Таҳлиллар жаҳон хомашё бозори учун хос қуйидаги хусусиятларни ажратиш имконини беради:

– минерал хомашёнинг халқаро савдода муҳим категорияларидан бири эканлиги – жаҳон товар экспортининг 13% минерал хомашё ҳиссасига тўғри келади, минерал хомашё таркибининг 75% ини эса ёқилғи материаллари ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатлар томонидан минерал хомашё етказиб беришда нефтнинг улуши ортиб бормоқда;

<sup>1</sup> Кондратов Д. Перспективы евро для России: плюсы и минусы. //Экономист, №12, 2011. С. 72.

<sup>2</sup> Уша манба.

– хомашё ресурсларининг аксарияти ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда зарур бўладиган маблағларнинг асосий манбаи эканлиги – бу ҳолат ўз навбатида миллий иқтисодиётларнинг хомашё экспортига боғлиқлиги олиб келади;

– жаҳон хомашё бозори ижтимоий таркибда муомала соҳасининг муҳим ўринга эгаллиги – табиий ресурслардан фойдаланишда халқаро компаниялар фаол иштирок этади ва уларнинг аксарият қисми табиий ресурсларни қазиб чиқариш ва сотишга ихтисослашган;

– минерал хомашё нархини белгиланишда рента муносабатларининг муҳим аҳамиятга эгаллиги – ушбу харажатларнинг ҳажмига таъсир этувчи омиллар сифатида қазиб чиқаришнинг тоғ, геологик шарт-шароитлари, руда таркибда фойдали хомашё миқдори ва жойлашган ўрни муҳим ҳисобланади. Узоқ муддатли режалаштириш асосида фойдали бирикмаларга бой бўлмаган конларни ўзлаштириш доимо харажатларнинг мунтазам ортиб кетишига олиб келмайди;

– қазиб чиқаришнинг очик усулида қувватли техникалардан самарали фойдаланишнинг муҳимлиги – ушбу усул жорий харажатларни сезиларли даражада қисқартиради, захираси кам руда конларини тадқиқ этиш уларнинг иқтисодий жиҳатдан нафиллигини орттиради.

– табиий хомашё ресурслари нархларини ўсиб бориш тенденцияси (23.1.3-жадвал).

### 23.1.3-жадвал

#### Минерал хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти нархларининг ўзгариши<sup>3</sup>

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами бирламчи сектор маҳсулотлари	100	121	135	172	121	152
шу жумладан:						
Озиқ-овқат ва ичимликлар	100	110	127	157	136	152
Қишлоқ хўжалик хомашёси	100	109	114	113	94	125
Минераллар ва рангли металлар	100	156	183	169	136	202
Ёқилги	100	119	132	185	117	147
шу жумладан:						
Табиий газ	100	115	117	174	110	113
Хом нефть	100	121	133	182	116	149
Кўмир	100	104	138	266	149	206

Табиий хомашё ресурслари нархларини ўсиб бориш тенденциясига рента муносабатлари бевосита таъсир кўрсатади. Тоғ-кон sanoatida ишлаб

<sup>3</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 264.

чиқарувчилар нархи одатда, фаолият юритаётган конларда маҳсулот таннархи энг юқори бўлган корхоналар билан белгиланади. Бу ҳолат бошқа ишлаб чиқарувчиларга ҳам рента олиш имконини беради.

### **23.2. Жаҳон озиқ-овқат бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятлари**

Хўжалик фаолиятининг глобаллашуви ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг тобора чуқурлашиб бориши барча турдаги товарлар халқаро савдосини жадал суръатларда ривожлантирмоқда. Шу билан бирга халқаро миқёсда қишлоқ хўжалиги хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси тайёр саноат маҳсулотлари савдосига қараганда паст суръатларда ривожланмоқда. Шу боис жаҳон товар айланмасида аграр маҳсулотлар улуши аста-секин пасайиб бормоқда ва 2010 йилда унинг жаҳон экспортидаги улуши 9,2% ини ташкил этди. Ушбу ҳолат илмий-техник тараққиёт шароитида аграр соҳа экспортининг паст суръатларда ўсаётганини акс эттирса-да, амалда экспорт ва импорт ҳажми натура ва қиймат кўрсаткичларида ошиб бормоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш манбалари ва омиллари қуйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг дастлабки шarti ер ресурсларидир. Шимолий Америка ва Австралия йирик ер ресурсларига эга (тегишлича киши бошига 23,6 ва 15,5 га тўғри келади). Ривожланаётган мамлакатларнинг биронтаси Шимолий Америка ва Австралиядегидек катта ер ресурсларига эга эмас. Фақат Лотин Америкасида ҳар бир киши ҳисобига қишлоқ хўжалик ерларининг нисбатан юқори кўрсаткичлари қайд этилган – 1,5 га. Ривожланаётган мамлакатларда умумий ҳисобда ҳар бир кишига 0,67 гектар, жаҳон бўйича эса – 0,82 га қишлоқ хўжалик ерлари тўғри келади.

Ер ресурслари таркибида ишлов бериладиган ер майдонлари (суғориладиган, ҳайдаладиган ерлар) ҳажми муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги ўн йилларда ушбу кўрсаткич жаҳон миқёсида аҳоли сонининг ўсишига мос эмас эди ва аҳоли жон бошига 0,23 гектаргача камайди. Ушбу кўрсаткичнинг қисқариши Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Африканинг Саҳрои Кабиридан Жанубда жойлашган мамлакатлар ва ривожланган мамлакатларда юз берди. Бундай шароитларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ишлаб чиқаришни интенсивлашуви ҳисобига таъминланди.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим омилли қишлоқ хўжалигида кимёвий усуллардан фойдаланиш бўлди. Кимёвий ўғитларни, зараркунандалар ва бегона ўтлар билан курашиш воситаларини қўллаш асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги умумий ўсишининг 40 фоизини таъминлади. Агар 1973 йилда бутун дунёда 1 гектар ҳайдаладиган ерлар ва кўп йиллик экинларга 60 кг ўғитлар солинган бўлса, 2000–2002 йилларда – 99 кг ўғитлар ишлатилди. Минерал ўғитларнинг энг йирик дозалари Узоқ Шарқ ва Европа мамлакатларида қўлланилади.

Ривожланган мамлакатларда экологик ҳаракат таъсирида минерал ўғитлардан фойдаланиш миқдори ҳар бир гектарда 132 дан 121 кг гача камайди. Минерал ўғитлар Африка мамлакатларида оз миқдорларда – 1 га ишлов бериладиган ерлар ва кўп йиллик ўсимликларга 13,2 кг. қўлланилади.

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим манбаси қишлоқ хўжалик ерларини суғориш ҳисобланади. Мисол учун 2000–2002 йилларда жаҳонда ишлов бериладиган ерларнинг 19,7% и суғориладиган ерларни ташкил этгани ҳолда (1980 йилда – 17,7%) улар яппи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг тахминан 40% ини таъминлади. Ерларни суғоришнинг юқори кўрсаткичлари Жанубий Осиё (41,2%), Шарқий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида (38,4%) қайд этилган. Тропик Африка мамлакатларида эса ишлов бериладиган ерларнинг бор-йўғи 4,2% и суғориладиган ерлар ҳиссасига тўғри келади.

4. Илмий тадқиқотлар, биринчи гада донли экинлар ва ем-хашак экинларининг (сояли дуккаклилар, маккажўхори, помидор, рапс) юқори ҳосилдор гибридлари ва генетик янги навларини яратиш йўналиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг интенсификациялашга салмоқли ҳисса қўшди. Трансген экинлар майдонлари 18 та мамлакатда 2,8 млн. гектардан 67,7 млн. гектаргача кўлайди. Трансген маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг асосий улуши АҚШ (43%), Аргентина (14%), Бразилия, Хитой ва Жанубий Африка Республикасига тўғри келади. Деҳқончиликда илмий-техник тараққиёт ютуқларининг қўлланилиши донли экинлар ҳосилдорлигининг 33% дан ортиқ ўсишига олиб келди. Донли экинлар ҳосилдорлиги ўртача ҳар гектаридан 3,1 тоннани ташкил қилди.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Масалан, 1990–2002 йилларда озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 барабар ортди ва аҳолининг ўсиши суръатларига тенглашди. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ишлаб чиқаришдаги қулай таркибий ўзгаришлар бошқа ижобий тенденциялар учун замин яратди, жумладан, сўнгги ярим аср давомида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши қиймати пасайди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат экинлари улушининг ортиши ва техник экинлар улушининг пасайиши тенденцияси кузатилмоқда. Озиқ-овқат экинлари таркибида инсоннинг овқатланиши учун энг муҳими дон маҳсулотлари бўлиб қолмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, галла экинлари ҳисобига жаҳон аҳолиси ўзининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг 50% га яқинини қондирилади. Ушбу нисбат тобора чорвачилик маҳсулоти (17%) фойдасига ўзгариб бормоқда. 1 кг гўштни интенсив ишлаб чиқариш учун ўртача 4–5 кг озуқа талаб қилинса, унинг 50% ини дон ташкил қилади.

Жаҳон озиқ-овқат ишлаб чиқаришида асосий ўринни агросаноат мажмуаси ташкил этади. Агросаноат мажмуаси йирик тармоқлараро мажмуаси бўлиб, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш,

жамият эҳтиёжлари ва аҳоли талабига мувофиқ тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга йўналтирилган турли тармоқларни бирлаштиради.

Агросаноат мажмуасига қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, аграр сектор маҳсулотини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалик, савдо, транспорт корхоналари киради ва улар озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш натижасида олинмаган саноат маҳсулотларини яратиш ва тақсимлаш жараёнига бевосита ёки билвосита жалб қилингандир. Тахминий баҳоларга қараганда, агросаноат мажмуасининг жаҳон ЯММидаги улуши 20—25% ни ташкил этади ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида машиналар, асбоб-ускуналар ва кимёвий ўғитлардан фойдаланишнинг ҳажмининг кенгайиши, шунингдек хом ашёни қайта ишлашнинг чуқурлашуви ва хизматлар соҳаси корхоналари (савдо, транспорт ва жамоат овқатланиши) сонининг кўпайиши ҳисобига янада ортиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг муайян қисми саноат истеъмолига йўналтирилади. Соф техник экинлар – пахта, канош, натурал каучук, тамакилардан тапқари, саноатда қайта ишлашга озиқ-овқат сектори маҳсулотининг бир қисми йўналтирилади, жумладан, бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари бўлиш эм-хашак, ўғитлар ишлаб чиқаришга хос. Масалан, гўшт вазнини 1 кг га ошириш учун 4-5 кг аралаш эм-хашак керак, уни тайёрлаш учун эса соя, маккаҳўжори, озуқа дони ва бошқа ингредентлар талаб этилади. Денгиз балиғи ўғитлар олиш учун ёки озуқавий қўшимчалар сифатида қўлланилиши мумкин, 1 кг криветкаларни етиштириш учун эса 5 кг гача балиқ сарфлаш керак бўлади. Ҳайвон протеинлари – гўшт, денгиз маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсиши эм-хашак экинлари ишлаб чиқаришни тегишлича кўпайтиришни талаб қилади.

Дунё мамлакатларини аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий экспортлари (АҚШ, Канада, Австралия, ЖАР, Таиланд ва Европа Иттифоқининг айрим мамлакатлари).
2. Озиқ-овқат маҳсулотларини фаол экспорт қилувчи кичик мамлакатлар (Венгрия, Финляндия).
3. Озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги мавжуд ва уларни сотиб олиш имконига эга мамлакатлар (Япония)
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини зўрға таъминловчи мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Америка мамлакатлари).
5. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси глобал озиқ-овқат ҳолатига таъсир кўрсатмайдиган мамлакатлар (Папуа-Янги Гвинея, Исландия).
6. Озиқ-овқат етишмаслиги туфайли ўзини ўзи таъминлаш мақсадида сув ва ер ресурсларини ўзлаштираётган мамлакатлар (Миср, Индонезия, Покистон, Филиппин).



7. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси мунтазам равишда ёмонлашаётган мамлакатлар (Африканинг Сахрои Кабиридан Жанубда жойлашган мамлакатлар).

8. Аҳоли сони ресурс имкониятларидан жадал суръатларда ривожланётгани туфайли озиқ-овқат инкирози юзага келаётган мамлакатлар (Гаити, Непал, Сальвадор)

2005–2010 йилларда жаҳон озиқ-овқат бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти йилига ўртача 10% га ортиб боргани ҳолда 2010 йилда 1 трлн. 119 млрд. долларни ташкил этди (23.2.1-жадвал).

23.2.1-жадвал.

**Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг ўзгариши<sup>4</sup>**

	Ҳажми, млрд долл.	Жаҳон экспортидаги улуши, %		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариш, %		
	2010 й.	2005 й.	2010 й.	2005-2010 йй.	2009 й.	2010 й.
Жаҳон бўйича	1119	100,0	100,0	10	-11	12
шу жумладан:						
Европа	485	49,2	43,3	8	-11	5
Осиё	226	17,8	20,2	13	-11	22
Шимолий Америка	167	14,3	14,9	11	-13	14
Жанубий ва Марказий Америка	146	11,7	13,1	13	-10	17
Африка	44	3,3	3,9	14	4	17
Бошқалар	51	3,7	4,6	...	...	...

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси, жумладан, уларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун зарур маҳсулотлар савдосига жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари жалб қилинган. Сўнгги йилларда дунёда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёнинг камида тўртдан бир қисми халқаро бизнес каналларига келиб тушади.

Мавжуд статистика маълумотлари таҳлили кўрсатишича, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг катта қисми минтақалар доирасида амалга оширилади. Ушбу ҳолат транспорт харажатларини тежаш нуктаи назаридан амалга оширилади. Масалан, 2010 йилда Европа озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг 79,1% и Европа минтақаси ички савдоси ҳиссасига тўғри келди.

Таҳлиллар кўрсатишича, Осиё ва Африка қитғалари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи галда буғдой ва гўшт билан таъминлашда анча юқори тақчилликка эга минтақалар ҳисобланади. Шунингдек, Европа қитғасининг жаҳон бозорига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини етказиб беришдаги роли кескин ошиб бораётганини кузатиш мумкин, ваҳоланки ХХ

<sup>4</sup> International Trade Statistics. WTO, Geneva, 2011. P. 70.

аср ўрталаригача Европа озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи йирик минтақа ҳисобланган.

Шу билан биргаликда ХХ асрда жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида устун мавқеларни эгаллаган Шимолий ва Жанубий Америка, Австралиянинг тутган мавқеи пасайди. Ушбу ҳолат устун даражада ЕИнинг ягона қишлоқ хўжалик сиёсатини амалга оширишдаги муваффақиятлари билан белгиланади.

Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ЕИ (449,8 млрд. долл.), АҚШ (112,4 млрд. долл.), Бразилия (60,8 млрд. долл.), Хитой (44,2 млрд. долл.), Аргентина (33,7 млрд. долл.), Индонезия (25,6 млрд. долл.), Таиланд (25,0 млрд. долл.), Малайзия (23,6 млрд. долл.) йирик озиқ-овқат экспортёрлари ҳисобланади. Таҳлиллар, ривожланган мамлакатлар жами экспортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 8-9% ни ташкил этгани ҳолда ривожланаётган мамлакатларда (Хитойдан ташқари) ушбу кўрсаткичнинг 12-50% гача эканлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш даражасининг юқорилиги билан изоҳланади (23.2.2-жадвал).

23.2.2-жадвал

**Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи йирик мамлакатлар<sup>5</sup>**

	Ҳажми, млрд. долл.			Жами товарлар экспортидаги улуши, %	
	1990 й.	2000 й.	2010 й.	2005 й.	2010 й.
ЕИ	...	189,4	449,8	7,7	8,7
АҚШ	42,4	54,3	112,4	6,8	8,8
Бразилия	8,7	12,8	60,8	25,7	30,1
Хитой	7,9	13,6	44,2	3,2	2,8
Аргентина	7,0	11,5	33,7	46,2	49,5
Индонезия	2,9	5,5	25,6	11,3	16,2
Таиланд	6,6	9,9	25,0	11,6	12,8
Малайзия	3,4	5,4	23,6	7,0	11,9

Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида ЕИ (469,0 млрд. долл.), АҚШ (97,3 млрд. долл.), Япония (64,0 млрд. долл.), Хитой (59,5 млрд. долл.), Россия (34,4 млрд. долл.), Канада (27,9 млрд. долл.), Мексика (19,5 млрд. долл.), Корея Республикаси (19,2 млрд. долл.) каби мамлакатлар йирик озиқ-овқат импортёрлари ҳисобланади (23.2.3-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, Япония, Мексика, Бразилия, Корея Республикаси ва Россиядан ташқари бошқа барча қайд этилган мамлакатлар бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат маҳсулотларининг йирик экспортёрлари ва импортёрлари ҳисобланади. Ушбу ҳолат товарлар ассортименти, диверсификациялашуви даражасининг юқорилигидан далолат беради ва бу тенденция кўпроқ юқори даромадли мамлакатларга хос ҳисобланади.

<sup>5</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 73.

**Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчи йирик мамлакатлар<sup>6</sup>**

	Ҳажми, млрд. долл.			Жами товарлар импортидаги улуши, %	
	1990 й.	2000 й.	2010 й.	2005 й.	2010 й.
ЕИ	...	200,0	469,0	7,9	8,8
АҚШ	30,1	51,2	97,3	4,2	4,9
Япония	34,2	48,6	64,0	10,4	9,2
Хитой	4,6	9,0	59,5	3,3	4,3
Россия	...	8,3	34,4	14,3	13,8
Канада	7,1	12,0	27,9	5,6	7,1
Мексика	4,3	8,5	19,5	6,0	6,5
Корея Республикаси	3,9	7,7	19,2	4,4	4,5

XX аср бошларида жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари савдосидаги низоли масала халқаро савдода турли тариф ва нотариф чекловларни бекор қилиш орқали уни янада эркинлаштирилиши ҳисобланади. 1995 йилда ЖСТ доирасида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича шартнома умуман савдонинг эркинлаштирилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортнинг давлат томонидан субсидияланишини қисқартириш, ривожланган мамлакатлар озиқ-овқат маҳсулотлари бозорига ривожланаётган мамлакатлардан маҳсулот етказиб беришни соддалаштиришни назарда тутган бўлса-да, унинг шартлари мунтазам равишда бажарилмасдан келинмоқда.

### 23.3. Жаҳон озиқ-овқат инкирози ва уни ҳал этиш йўллари

2007-2008 йилларда бошланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарларининг нархининг кескин ўсиб бориши тенденцияси давом этмоқда. ФАО маълумотларига кўра ушбу даврда 55 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ўсди. Жумладан, 2010 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 24,3% га ва 2011 йилда эса 11% га, жумладан ривожланаётган мамлакатларда 20% гача ошди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари асосан ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий ўсиш натижасида аҳоли таркибида ўрта синфнинг шаклланиши туфайли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб кетиши, биоёқилғи ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи асосий мамлакатлардаги табиий иқлимнинг ноқулай келиши билан боғлиқ омиллар таъсирида содир бўлди.

Жаҳон озиқ-овқат инкирози – Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг сурункали иқтисодий қолоқлиги оқибатидир. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда 800 млн. киши тўйиб

<sup>6</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 74.

овқатланмайди (шундан 200 млн. Африкада, 221 млн. Ҳиндистонда, 142 млн. Ҳитойда) ва жаҳонда ҳар йили 30 млн. киши (шундан, 6 млн. болалар) очликдан вафот этади.

2008 йил бошида жаҳонда навбатдаги озиқ-овқат инқирози бошланди ва саккизта ривожланган мамлакатлар раҳбарлари Японияда махсус саммитга йиғилиб, ушбу ҳодисанинг жаҳон иқтисодиётига таъсири, оқибатларининг олдини олиш чораларини муҳокама қилишди.

**Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин ошиб кетиши.** БМТ, Жаҳон банки, ХВФ, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО) 2008 йил мартда жаҳон ҳамжамиятига озиқ-овқат инқирози хавф солаётганини расман эълон қилди. 2008 йилнинг 1 апрелида озиқ-овқат инқирози жаҳоннинг 39 та мамлакатини қамраб олди. 2009 йилдан бошлаб жаҳондаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари кескин ошиб кетди (деярли 40%). 2010 йилнинг декабрида эса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи навбатдаги рекорд даражада қимматлашди.

**Тизимли-иқтисодий сабаблар.** БМТ экспертлари ва жаҳоннинг етакчи мутахассислари ғалла, гуруч нархларининг назоратсиз ўсиб бориши ва бунинг оқибатида содир бўладиган инқирознинг ягона сабаби – бозор иқтисодиётининг қийматли (пуллик) неоклассик парадигмасига боғлиқ бўлиб жаҳон бозор иқтисодиёти қиймат кўрсаткичларига асосланиб, ишлаб чиқариладиган товарларнинг моддий-ашёвий номенклатурасини ҳисобга олмайди деган ғояга асосланади. Бу парадигма негизида қуйидаги тўртта эски постулатлар ётади:

- ҳамма нарсани пул ҳал қилади;
- иқтисодиётнинг ҳақиқий мотивацияси фойда олиш;
- хизматлар соҳасини сунъий ошириш ҳисобига ишлаб чиқаришсиз фойда олиш;
- пул бўлса зарур истеъмол товарларини сотиб олиш мумкин.

**Тор технократ-прагматиклар эгоцентриزم:** техника ва технологияларнинг қудратини мутлақлаштириш. Технократларнинг мазкур гуруҳи ХХ асрнинг охириги чорагида илмий-техник инқилоб дунёнинг йирик корпорациялари, мамлакатлар ва халқларнинг технологик ҳулқ-атвори услубини белгилаб берди. Индустириал ишлаб чиқаришдаги техник ютуқлар, авиакосмик ва чуқур сув ости техникасининг жадал ривожланиши техниканинг қудратли эканлиги ва табиат қонуниятларига қарши бориб бўйсундира олишига технократларни ишонтирди.

**Озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсишининг аниқ иқтисодий сабаблари.** Ҳитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг кескин ошиши, жаҳон бугдой захираси микдорининг сўнгги 30 йил ичида критик даражагача камайиб кетиши, давлат даромадларининг бир қисмини жаҳон бозорида нефть нархининг ошиб кетгани туфайли энергия ресурсларини сотиб олишга сарфланиши, транспорт хизматлари қийматининг ортиши, протекционизм сиёсати асосида “қўшнини

ҳонавайрон қилиш” тамойили бўйича гуруч етиштирадиган мамлакатларнинг ўзаро савдо урушлари, жаҳоннинг айрим мамлакатлари томонидан бугдой, гуруч, маккажўҳори, картошка, соя, қанд лавлаги ва пальма ёғидан биоёнилғи ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши.

**Экологик-иқлимий сабаблар.** Бу ерда гап сўнги 50 йил ичида инсониятнинг антропоген-техноген фаолияти натижасида экологик мувозанатнинг бузилиши ҳақида боради. Ушбу сабабга кўра сўнги йилларда сайёрамизда нокулай иқлимий ўзгаришлар юз бермоқда. Оқибатда 2007 йилда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари – Хитой, Вьетнам, Бангладеш, Индонезия, Филиппинда гуруч ҳосили қисман нобуд бўлди.

ФАО прогнозларига кўра жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш учун зарур бўладиган ишлаб чиқариш ҳажмини мунтазам равишда ошириб бориш зарур. Жумладан, 2020 йилда озиқ-овқатга бўлган қўшимча талабни қондириш учун 88,9 млн. тонна бугдой, 89,2 млн. тонна шўли, 107,5 млн. тонна макажўҳори, 36,7 млн. тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 89,5 млн. тонна сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш зарур бўлади (23.3.1-жадвал).

Сўнги ўн йилликлар ичида дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ижобий ўзгаришлар юз берди. 1990–2000 йилларда зарурий озиқ-овқат маҳсулотларининг энг кам миқдорини ҳам олмаётган аҳоли улуши 13% га қисқарди. Шунга қарамасдан, 2008 йилдаги озиқ-овқат инқирози натижасида тўйиб овқатланмаётганлар сони ортиб 2010 йилда 926 миллион кишини, ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг 16% ини ташкил этди. Ҳар йили ривожланаётган мамлакатларда 20 млн. бола ориқ туғилиб, тўйиб овқатланмаслик 5 млн. боланинг ўлимига сабаб бўлади ва тирик қолганлари эса турли касалликларга чалинади.

### 23.3.1-жадвал

#### Озиқ-овқатга бўлган ўсиб бораётган қўшимча талабни қондириш учун зарур бўладиган ишлаб чиқариш ҳажми, млн. тонна

	2008 йилдаги ишлаб чиқариш ҳажми	2020 йилда талабни қондириш учун зарур бўладиган ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш ҳажмини 2020 йилда қўшимча ошириш зарурлиги
Бугдой	683,4	772,3	88,9
Гуруч	685,8	775,1	89,2
Маккажўҳори	826,2	933,7	107,5
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	282,1	318,8	36,7
Сут ва сут маҳсулотлари	687,7	772,2	89,5

<sup>7</sup> Ведомости, №214 (2980), 14.11.2011. С. 17.

Тахлиллар кўрсатишича, Осиё-Тинч океани минтақасида тўйиб овқатланмаётганлар сони 2010 йилда 2008 йилга нисбатан 12% га, яъни 658 млн. кишидан 578 млн. кишигача қисқарганига қарамадан ушбу кўрсаткич юқори минтақа ҳисобланади. Қашишқларнинг мутлақ кўпчилиги Осиё (62,4%) ва Африкада (25,8%) яшайди. (23.3.2-жадвал).

23.3.2-жадвал

**Жаҳонда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улуши, 2010 й.<sup>8</sup>**

Минтақалар	Млн. киши
Ривожланган мамлакатлар	19
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	37
Лотин Америкаси ва Кариб хавзаси мамлакатлари	53
Африканинг Саҳрои Кабиридан жанубда жойлашган мамлакатлар	239
Осиё-Тинч океани минтақасида жойлашган мамлакатлар	578

Жаҳон озик-овқат инқироzi дунё мамлакатлари олдида озик-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Озик-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор 1974 йилда Жаҳон озик-овқат саммитида тақлиф қилинган бўлиб, “озик-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришларини қолаш учун асосий озик-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари доимо мавжудлигини” англатади.<sup>9</sup> Кейинги йилларда озик-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва тўйимлилиги ҳамда шахсий ҳоҳишларни ҳам инобатга олиш мақсадида озик-овқат хавфсизлиги тушунчаси кенгайтирилди. Озик-овқат хавфсизлиги соҳасида мавжуд замонавий адабиётда 200 дан ортиқ тушунчалар ва 450 кўрсаткичлар мавжуд.

2001 йилда озик-овқат хавфсизлиги ғоясига жисмоний ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам қўшилди. Ҳозирги ФАО белгиланган тушунча мазкур қўшимча жиҳатни куйидагича акс эттиради: “барча кишилар ўз овқатланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озик-овқат маҳсулотларига эга бўлиш учун жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларга эгаллиги озик-овқат хавфсизлиги таъминланганлигини билдиради”.<sup>10</sup>

Озик-овқат хавфсизлиги барча одамларнинг фаол, соғлом турмушини таъминлаш учун етарли миқдордаги озик-овқат маҳсулотларининг доимо мавжудлиги сифатида белгиланади. Хавфсизлик асосини озик-овқат маҳсулотларининг етарлилиги, кишилар томонидан уларни жисмоний ва иқтисодий жиҳатдан солиб олиш учун тўлов қобилияти ташкил қилади.

<sup>8</sup> Положение дел в связи с отсутствием продовольственной безопасности в мире, 2010. ФАО, Рим, 2010. С. 11.

<sup>9</sup> United Nations. 1975. Report of the World Food Conference, Rome 5-16 November, 1974. New York.

<sup>10</sup> FAO. 2002. The State of Food Insecurity in the World 2001. Rome.

Озиқ-овқат хавфсизлиги турли жаҳон, минтақа, миллий, маҳаллий ва уй хўжаликлари даражаларида белгиланади.

Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги шуни назарда тутадикки, бутун дунё яхлит тизим сифатида ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда озиқ-овқатларни таъминлаш лозим. Бунда савдо жараёнида тўсиқ бўлмаслиги, нархлар барқарор даражада ушлаб турилиши ва шу тариқа мамлакатлар эҳтиёжига қараб импорт ҳисобига ўз талабларини қондира олиши даркор. Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиб кетиши ёки нархларнинг кескин ошиб кетишидан ҳимояланиш учун зарур заҳираларни таъминлаш тизимини яратиб зарур.

FAO томонидан ишлаб чиқилган жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:<sup>11</sup>

- жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ғалла заҳираларининг аҳоли истеъмолига нисбати 17–18% га тенг бўлиши зарур;
- жамғармаларнинг бешта асосий экспортёрларга бўлган талаблар кўрсаткичи;
- бешта асосий экспортёрлардаги заҳираларнинг ўз ички истеъмоли ва экспортга нисбати;
- учта асосий импортёрларда донли экинлар ҳосили (Хитой, Ҳиндистон ва МДХ);
- кам даромадли ва озиқ-овқат танқис бўлган мамлакатларда донли экинларнинг етиштирилиши;
- Хитой ва Ҳиндистондан бошқа кам даромадли ва озиқ-овқат танқис бўлган мамлакатларда етиштирилган маҳсулот.

Озиқ-овқат хавфсизлиги барча мамлакатлардаги мавжуд заҳиралар ҳисобига истеъмолни таъминлаш мумкин бўлган кунлар миқдори билан ўлчанади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлашнинг минимал даражаси ўтган ҳосилдан олинган, дунё озиқ-овқат истеъмолининг 17% ини ташкил қилувчи ва тахминан икки ой давомида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлган жаҳон заҳираларидир. Фақатгина 1970–1990 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлашнинг минимал даражаси 40 кунгача қисқарган. Чунончи, 1995 йилда дон заҳиралари жаҳон истеъмолининг 14% игача тушиб кетди, бу эса донли маҳсулотлар нархининг жиддий ўсишига олиб келди. Ҳисоб-китобларга қараганда, дунё миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари аҳоли истеъмолини қондириш учун етарли миқдорда ишлаб чиқарилмоқда.

Очлик ва тўйиб овқатланмаслик бўйича умумий вазиятнинг ижобий ўзгариши жаҳоннинг аксарият минтақаларида иқтисодий ҳолатнинг яхшилангани билан боғлиқ. Ушбу кўрсаткич бўйича жиддий силжиш Хитой, Ҳиндистонда эришилди, жумладан ушбу мамлакатларда тўйиб овқатланмайдиган аҳоли улushi 21% дан 16% гача қисқарди. Тўйиб овқатланмаётган

<sup>11</sup> Measurements: A Technical Review. New York and Rome: UNICEF and IFAD.

аҳолининг мутлақ ва нисбий сони қисқарган бўлса-да, доимо оч юрадиган одамлар ёки тўйиб овқатланмайдиган одамларнинг умумий сони катталигича сақланиб қолмоқда.

#### 23.4. Ўзбекистонда озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденциялари

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Мазкур стратегия қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда ғалла билан таъминлаш, озиқ-овқат мустақиллигига эришиш вазифасини ҳал этишга қаратилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 1990 йилдаги 33,4% дан 2010 йилда 17,5% гача, пахта хомашёсининг улуши 15,9% дан 1,9% гача тушди, дон, сабзавотлар, мева етиштириш улуши эса мутаносиб равишда 1,4, 1,3 ва 0,7% дан 2,0, 2,3 ва 1,1% гача ортди (23.4.1-жадвал).

##### 23.4.1-жадвал

ЯИМда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улушининг ўзгариши, %<sup>12</sup>

	1990 й.	2000 й.	2010 й.
Ялпи маҳсулот, жами	33,4	30,1	17,5
Пахта хомашёси	15,9	3,6	1,9
Дон	1,4	3,4	2,0
Картошка	0,3	0,8	1,4
Сабзавотлар	1,3	2,4	2,3
Полиз маҳсулотлари	0,5	0,3	0,3
Мева	0,7	0,9	1,1
Узум	0,8	0,8	0,9

Аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жиддий ижобий ўзгаришларга эришиш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, озиқ-овқат етиштириш ва чорва маҳсулдорлигининг ошиши учун замин тайёрлади. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш борасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида қуйидаги ютуқларга эришилди:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ҳажмида асосан деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонининг ошиши ҳисобидан чорва

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик қўлама. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 42-б.



маҳсулотларининг улуши 1990 йилдаги 36,6% дан 2010 йилда 40,6% га етди, бу эса гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг 789,1 минг тоннадан 1461,4 минг тоннага (1,9 баробар кўп), сутнинг 3034,2 минг тоннадан 6169 минг тоннага (2 баробар), тухумнинг 1231,8 миллион донадан 3061,2 миллион донага (2,5 баробар) кўлайишига самарали таъсир кўрсатди;

– пахта хомашёсининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши қисқариб, 47,7% дан 11,1% га тушди, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари улушининг ўсиши, асосан уларнинг ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик даражасининг ошиши ҳисобидан таъминланди;

– ғалла майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш натижасида бошоқли дон етиштириш ҳажми 1990 йилги 2038,2 минг тоннадан 2010 йилда 7504,3 минг тоннага етди;

– картошка - 5 баробар, полиз маҳсулотлари - 1,2 баробар, мева - 2,6 баробар, узум - 1,3 баробар ортди;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этилди. Натижада мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 2000 йилга нисбатан 3 баробар ошди .

Бугдой, сабзовотлар, дуккакдилар ва полиз экинларини етиштириш ҳажмининг жиддий кўпайиши Ўзбекистонда озиқ-овқат билан таъминланганлик даражасини яхшилаш имконини берди (23.4.2-жадвал).

23.4.2-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш<sup>13</sup>

	Ўлчов барлиги	1990 йил		2000 йил		2010 йил	
		ҳажми	таркиби, фоиз	ҳажми	таркиби, фоиз	ҳажми	таркиби, фоиз
Ялпи маҳсулот, жами	млрд.сўм		100	1387,2	100	15810,7	100
шу жумладан:							
Пахта хомашёси	мингтн.	5057,7	47,7	3002,4	11,8	3442,8	11,1
Дон	мингтн.	2038,2	4,1	4101,4	11,4	7504,3	10,8
Картошка	мингтн.	336,4	1,0	731,1	2,8	1694,8	8,6
Сабзавот	мингтн.	2842,5	3,8	2644,7	8,1	6346,5	16,3
Полиз	мингтн.	1000,0	1,4	451,4	1,0	1182,4	2,1
Мева	мингтн.	660,4	2,0	790,9	3,0	1710,3	4,7
Узум	мингтн.	744,7	2,5	624,2	2,6	987,3	4,5
Гўшт (тўрик вазида)	мингтн.	789,1	20,1	841,8	23,8	1461,4	24,9
Сут	мингтн.	3034,2	10,0	3632,5	14,9	6169,0	11,5
Тухум	млн. дона	1231,8	1,1	1254,4	3,0	3061,2	2,7
Жун	мингтн.	25,8	2,3	15,8	0,1	26,5	0,1

<sup>1</sup> миллиард руб.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 47-б.


1991–2010 йилларда Ўзбекистонда донли экинлар етиштиришдаги кескин ўзгариш ҳосилдорликни ошириш ва экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига содир бўлди. Собиқ Иттифоқ инқирозидан кейин дон мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган аграр сиёсатнинг амалга оширилиши ушбу юксалишга замин яратди. Бугдой етакчи озиқ-овқат экинига айланди. Бугдой экиш учун ажратилган майдонлар 1991 йилдан 2010 йилгача 196% гача кўпайди – (488 минг. га дан қарийиб 1,5 млн. га ча). Экин майдонларининг кенгайиши ва ҳосилдорликнинг 242% га ортиши асосида бугдой етиштиришни 83% га ўсиши таъминланди. 2010 йилда бугдой барча донли экинлар ялпи маҳсулотининг 89,5% ини ташкил этди.

Бугдой етиштириш кўпайганлиги туфайли 2003 йилга келиб Ўзбекистон ички истеъмолида дон импорти коэффициенти кескин камайди. 1992 йилда Ўзбекистон ички истеъмолида дон импорти коэффициенти 82,2% ни ташкил этгани ҳолда ушбу коэффициент 2003 йилга келиб 4,5% га тенг бўлди. Ўзбекистонда дон мустақиллигига эришиш сиёсати дон етиштиришни самарали тарзда кўпайтириш имконини берди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли сонининг 38,2% га ўсиши билан бир вақтда аҳоли жон бошига тўғри келувчи озиқ-овқат истеъмоли гўшт ва гўшт маҳсулотлари (22,6%), сут ва сут маҳсулотлари (30,6%), тухум (42,3%), полиз маҳсулотлари (2,2 марта), картошка (1,5 марта), мевалар (3,6 марта), шакар (1,4 марта) маҳсулотлари бўйича сезиларли даражада ортди (23.4.1-диаграмма).

23.4.1-диаграмма

Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли,  
аҳоли жон бошига кг.<sup>14</sup>



<sup>14</sup> Муродов Ч., Саадова Х., Ильина Д. Обеспечение продовольственной безопасности: суть и значение осуществляемых мер по повышению эффективности сельскохозяйственного производства. //Экономический вестник Узбекистана, №4, 2011. С.72.

Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорлари таҳлили кўрсатишича, истиқболда озиқ-овқат истеъмоли ортиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан боғлиқ муаммолар чуқурлашиб боради. Шубу шароитда Ўзбекистон аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан ташқари минтақада озиқ-овқат маҳсулотлари экспортёрига айланиши мумкин.

### Асосий тушунчалар

**Саноат захиралари** – мавжуд нархлар ва техникавий билимлар даражасида ўзлаштириш учун самарали, сифатли ва яхши ўрганилган табиий фойдали қазилма бойликлар захиралари.

**Агросаноат мажмуаси** – қишлоқ хўжалиги хом ашёсини етиштириш, қайта ишлаш, жамият эҳтиёжлари, аҳоли талабига мувофиқ тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга йўналтирилган турли тармоқларни бирлаштирувчи йирик тармоқлараро мажмуа.

**Соф техник экинлар** – саноатда қайта ишланадиган, бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари ҳисобланган ем-хашак, ўғитлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ экинлар.

**Жаҳон озиқ-овқат инқирози** – биоёқилги ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи асосий мамлакатлардаги табиий иқлимнинг ноқулай келиши сабабли озиқ-овқат нархларининг кескин ўсиб кетиш сабабли Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги.

**Озиқ-овқат хавфсизлиги** – озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархларнинг ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатлар захираларининг доимо мавжудлиги.

**Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги** – бутун дунё яхлит тизим сифатида ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларининг мавжудлиги.

**Ижтимоий имконият** – барча кишилар ўз овқатланиш эҳтиёжлари ва шахсий ҳоҳишларига биноан фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш учун жисмоний, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларга эгаллиги.

**Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлашнинг минимал даражаси** – ўтган ҳосилдан олинган, дунё озиқ-овқат истеъмолининг 17% ини ташкил қилувчи ва тахминан икки ой давомида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш учун етарли бўлган жаҳон захиралари.

## Назорат учун саволлар

1. Жаҳон хўжалигини ривожланишида табиий хом-ашё ресурслари қандай аҳамиятга эга?
2. Жаҳон иқтисодийётида хом-ашё маҳсулотлари истеъмолнинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Жаҳон хомашё бозорлари учун қандай хусусиятлар хос?
4. Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш манбалари ва омиллари нималардан иборат?
5. Дунё мамлакатлари аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш даражасига кўра қандай гуруҳларга ажратилади?
6. Жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг таркибига баҳо беринг.
7. Жаҳон озиқ-овқат инқирозининг асосий сабаблари нималардан иборат?
8. Озиқ-овқат хавфсизлиги нима ва у қандай кўрсаткичлар орқали ифодаланади?
9. Ўзбекистонда озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденцияларига баҳо беринг.


24.1. Халқаро хизматлар: моҳияти, турлари ва гуруҳланиши

Жаҳон ҳўжалигидаги миллий иқтисодиётларнинг XXI аср бўса-ғасидаги хусусияти шундаки, унинг таркибида хизматлар соҳасининг улуши барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Хизматлар соҳасининг пировард натижаси товарлар кўринишида эмас, балки буюмлашган ноёб истеъмол қийматлари – хизматлар ҳисобланади.

XX асрнинг 80-йилларидаёқ жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 64% и хизматлардан иборат бўлишига қарамасдан узоқ давр мобайнида хизматлар халқаро иқтисодий муносабатлар фанида чуқур ўрганлмаган. Шу муносабат билан хизматлар тушунчаси таърифида иқтисодий адабиётда яқдиллик билан умумқабул қилинган илмий ёндашувлар йўқ.

Халқаро хизматлар савдоси соҳасини ўрганишдаги биринчи вазифа хизматларга таъриф бериш ва унинг иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларидан фарқини аниқлаб олиш зарур.

Хизматлар – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги келишув муносабатлари асосида бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган (меҳнат қонуний муносабатлари асосидаги фаолиятдан ташқари) фаолият.



24.1.1-расм. Халқаро хизматлар савдосининг хусусиятлари ва усуллари

Хизматлар – бу жамият, уй хўжалиги аъзолари, турли корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг эҳтиёжларини қондирувчи моддий-ашёвий шаклга эга бўлмаган иқтисодий фаолиятдир. Хусусан, 1993 йилдаги миллий счётлар тизимида хизматлар тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “хизматлар эғалик ҳуқуқи қўлланилувчи моддий объектлар шаклини қабул қила олмайди. Хизматлар реализацияси уларни ишлаб чиқариш жараёнидан ажралмасдир. Хизматлар истеъмолчилар буюртмасига асосан ишлаб чиқарувчилар томонидан кўрсатилувчи ва одатда, шу хизматларни истеъмол қилувчи бирликлар ҳолатининг ўзгаришига олиб келувчи турли фаолиятлар ҳисобланади. Хизматларнинг ишлаб чиқарилиши тугатилган вақт – бу хизматларни истеъмолчиларга тақдим қилиниши вақти билан мос келади”<sup>1</sup>.

Хизматлар соҳаси ривожланишининг фундаментал асоси ҳисобланувчи моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва хизматлар соҳасида халқаро меҳнат тақсимоти хизматлар турлари кўпайишига олиб келди.

Хизматлар қатор хусусиятларига кўра, жумладан, хизматларни етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги бевосита муносабатлар ўрнатилишига кўра товарлардан фарқ қилади.

Хизматлар ўзига хос меҳнат маҳсули бўлиб, моддий шаклга эга эмас, лекин баъзи хизматлар моддий неъмат шаклига эга бўлиши мумкин: масалан, компьютер дастурлари учун магнит ташувчилар, қоғозда босиб чиқарилган турли хил ҳужжатлаштириш шаклида ва бошқалар. Аммо Интернетнинг ривожланиши ва кенг тарқалиши хизматлар учун моддий қобикдан фойдаланиш заруриятини камайтирмоқда; унинг истеъмол қиймати жонли меҳнатнинг фойдали таъсирида ифодаланади. Транспорт компаниялари, қурилиш фирмалари, алоқа корхоналари, ахборот агентликлари ва ҳоказо хизматлар шулар жумласидандир. Уларнинг меҳнати номоддий шаклдаги аниқ маҳсулотни ишлаб чиқариб, бу маҳсулот олди-сотди объекти, истеъмол предмети ва ҳ.к. кўринишда бўлиши мумкин. Шу тарзда хизмат меҳнатнинг ўзига хос маҳсули сифатида моддий товар шаклида эмас, балки маълум бир функцияларни бажарувчи меҳнатнинг ўзи сифатида намоён бўлади. Хизматлар товарлардан фарқли ўлароқ, асосан бир вақтда ишлаб чиқарилади, истеъмол қилинади ва сақлашга мойил эмас. Шу туфайли хорижда хизматларнинг бевосита ишлаб чиқарувчиларининг мавжуд бўлиши ёки хизматлар ишлаб чиқарилаётган мамлакатда хорижий истеъмолчиларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Хизматлар капиталталаб ва илмталаб бўлиши, саноат хусусиятига эга бўлиши ёки шахсий эҳтиёжларни қондириши, махсус малака талаб қилмайдиган ёки ижрочининг юқори малакасини талаб қилиши мумкин. Лекин хизматларнинг ҳамма тури товарларга қараганда халқаро айирбошлашда иштирок этишга яроқли эмас, (масалан, коммунал

<sup>1</sup> Руководство по статистике международной торговле услугами. ООН: Нью-Йорк. 2004. С. 8.

хизматлар). Хизматлар соҳаси қоидага кўра моддий ишлаб чиқариш соҳасига қараганда давлат томонидан хорижий рақобатдан юкори даражада ҳимоя қилинади. Товарлар ва хизматларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари жадвалда акс эттирилган (24.1.1-жадвал).

24.1.1-жадвал

**Товар ва хизматлар фарқи**

<b>Товарлар</b>	<b>Хизматлар</b>
Сезиларли	Сезилмайдиган
Кўринувчи	Кўринмас
Сақлашга мойил	Сақлашга мойил эмас
Товарлар савдоси ҳар доим ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмайди	Хизматлар савдоси одатда ишлаб чиқариш билан боғлиқ
Товарлар экспорти хорижга қайта олиб кириш мажбуриятсиз товарларни боғжова ҳудудидан олиб чиқилиши аниқланади	Хизматлар экспорти норезидентга, агар у мамлакатнинг боғжона ҳудудда бўлса ҳам хизмат кўрсатишни аниқланади

Кўпгина хизматларнинг сезилмас ва кўринмаслиги туфайли уларнинг савдосини баъзида кўринмас (invisible) экспорт ва импорт деб аташади. Товарлардан фарқли равишда хизматларни ишлаб чиқариш уларнинг экспорти билан бир шартнома доирасида бирлаштирилган бўлади, сотувчи ва сотиб олувчининг бевосита учрашувини талаб қилади. Аммо бу ҳолда кўпгина истиснолар мавжуд. Масалан, баъзи хизматлар сезилувчан (маслаҳатчининг босиб чиқарилган доклади ёки дискетадаги компьютер дастури), кўриш имконига эга (театр томошаси ёки соч турмаги), сақлашга мойил (телефон автоответчик хизмати) ва доимо сотувчи ва харидорнинг тўғридан-тўғри алоқасини талаб қилмайди (банкда дебиторлик карточкаси бўйича автомат равишда пул бериш).

Халқаро товарлар савдоси ва хизматлар савдоси бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ. Товарларни хорижга етказиб беришда бозорларни таҳлил қилишдан бошлаб товарлар транспортировкасигача бўлган кўпгина хизматлар кўрсатилади. Халқаро айланмага келиб тушувчи кўпгина хизматлар турлари товарлар экспорти ва импорти таркибига киритилади. Шу билан бирга хизматлар савдоси анъанавий товарлар савдосига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга.

Халқаро хизматлар савдоси товарлар савдоси билан солиштирганда куйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- чегарада эмас балки мамлакат ичида ички қонунчиликка мос равишда тартибга солинади. Хизматнинг чегара билан кесилганлик ҳақидаги фактнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги хизмат экспорти мезони бўла олмайди;

– хизматлар сақлашга мойил эмас, улар бир вақтда ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Шу туфайли кўпгина хизматлар турлари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри шартномаларга асосланади;

– хизматларни ишлаб чиқариш ва реализацияси моддий ишлаб чиқариш ҳамда савдога қараганда катта давлат ҳимоясига эга. Кўпгина мамлакатларда транспорт, алоқа, молиявий ва суғурта хизматлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш бутунлай ёки қисман давлат мулки таркибида ва унинг қатъий назорати остида бўлади;

– халқаро хизматлар савдоси товарлар савдоси билан чамбарчас алоқада ва унга кучли таъсир қилади. Масалан, хизматлар соҳасининг катта ҳажмда техник хизматни, ахборот ва маслаҳат хизматларини талаб қилувчи илмталаб товарлар савдосига таъсири катта;

– хизматларнинг ҳамма тури товарларга қараганда савдо предмети бўла олмайди. Асосан, ички истеъмолга келиб тушувчи хизматлар халқаро ҳўжалик айланмаси таркибига киритилмайди.

**Халқаро хизматларнинг гуруҳланиши.** Ҳозирги кунда хизматларнинг иқтисодий ва халқаро савдодаги ўрни биринчи навбатда илмий техника инқилоби, халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, кўпгина жаҳон мамлакатларида аҳоли даромадларининг ва харид қобилиятининг ошиши натижасида жадал ўсиб бормоқда. Жаҳон бозорида савдо қилинувчи хизматлар таркиби турлича бўлиб, уларнинг сони 600 дан ортиқ. Шу боис уларни таснифлаш, маълум бир гуруҳларга ажратиш халқаро миқёсда музокаралар олиб бориш, хизмат турлари ва хизматлар савдоси тўсиқлари ҳақида маълумотлар базасини яратиш, халқаро хизматлар савдоси бўйича статистика ҳисобини олиб бориш каби масалаларни ҳал қилишда катта аҳамият касб этади. Ҳозирда кўпгина халқаро ташкилотлар, хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳамда Евростат томонидан хизматлар классификатори ишлаб чиқилган.

Хизматлар халқаро айирбошлаш нуқтани назаридан икки гуруҳга ажратилади:

– савдо қилинмайдиган хизматлар – улар ишлаб чиқарилган мамлакатда истеъмол қилинади, яъни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи бир мамлакат резиденти ҳисобланади. Бундай хизматларга коммунал ва маиший хизматлар киради.

– савдо қилинадиган хизматлар – улар бир мамлакат резиденти томонидан ишлаб чиқарилади ва бошқа мамлакат резиденти томонидан истеъмол қилинади. Бу хизматларга туризм, транспорт, банк хизматлари ва бошқалар киради.

Жаҳон банки гуруҳи хизматларни ишлаб чиқариш омиллари нуқтани назаридан қуйидаги гуруҳларга ажратади:



– омилли хизматлар (factor services) – ишлаб чиқариш омиллари, асосан капитал ва ишчи кучининг халқаро ҳаракати натижасида пайдо бўлувчи хизматлардир.

– омил бўлмаган хизматлар (non-factor services) – уларга транспорт, туризм ва бошқа номолиявий хизматлар кирadi<sup>2</sup>.

Бу тақсимот асосан омилсиз хизматларга эътиборини қаратган Жаҳон савдо ташкилоти доирасида халқаро хизматлар савдосини тартибга солиш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш кўп ҳолларда товарлар савдоси билан бир вақтда ёхуд у ёки бу мамлакатга инвестицияни амалга ошириш орқали содир бўлади. Шунинг учун истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш услубларига кўра хизматлар қўйидагиларга бўлинади:

– инвестиция билан боғлиқ хизматлар – банк, меҳмонхона ва мутахассис хизматлари;

– савдо билан боғлиқ хизматлар – транспорт, суғурта хизматлари;

– бир вақтнинг ўзида инвестиция ва савдо билан боғлиқ хизматлар – алоқа, қурилиш, компьютер ва ахборот хизматлари, шахсий, маданий ва рекреация хизматлари.

XX асрнинг 90-йилларида Уругвай раунди доирасида ЖСТ таркибига кирувчи Хизматлар савдоси бўйича Бош битим қабул қилинди. 1991 йилда ЖСТ секретариати аъзо мамлакатлар йиғилишидан кейин ГАТС доирасида “Бўлимлар бўйича хизматлар таснифланиши рўйхати (GNS/W/120)” ни ишлаб чиқди. Бу рўйхатда хизматлар соҳасини тартибга соладиган норматив ҳужжатларга мувофиқ келувчи бўлимлар ва бўлим остилар келтирилган бўлиб, унинг ёрдамида мамлакатлар норматив ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда мажбуриятларини муҳокама қилишлари ва ўз зиммаларига олишлари мумкин. Шу туфайли GNS/W/120 рўйхати статистик таснифлагич сифатида эмас, балки музокаралар олиб бориш учун ишчи ҳужжат сифатида қаралиши керак.

ЖСТ томонидан ишлаб чиқилган GNS/W/120 рўйхати 12 та асосий гуруҳга тақсимланган 160 дан ортиқ хизмат турларини ўз ичига олади:

1. Иш хизматлари (46).
2. Алоқа хизматлари (25).
3. Қурилиш ва инженерлик хизматлари (5).
4. Дистрибьюторлик хизматлари (5).
5. Таълим соҳасидаги хизматлар (5).
6. Атроф-муҳитни сақлаш хизматлари (4).
7. Молиявий хизматлар (17).
8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот хизматлари (4).
9. Туризм ва саёҳат хизматлари (4).

<sup>2</sup> Кокушкина И.В., Воронин М.С. Международная торговля и мировые рынки. –СПб.: «Техническая книга», 2007. С. 257.

10. Дам олиш, маданият ва спорт соҳаси хизматлари (5).

11. Транспорт хизматлари (33).

12. Бошқа хизматлар<sup>3</sup>.

ХВФ томонидан Тўлов баланси бўйича қўлланманинг 5-нашри ишлаб чиқилган бўлиб, унда резидент ва норезидент ўртасидаги хизматлар савдосини ҳисобга олиш ва таснифлаш бўйича тавсиялар берилган.

ХВФ таснифига кўра хизматлар 11 та таркибий қисмларга ажратилади:

1. Транспорт хизматлари.
2. Саёҳатлар.
3. Алоқа хизматлари.
4. Қурилиш хизматлари.
5. Суғурта хизматлари.
6. Молия хизматлари.
7. Компьютер ва ахборот хизматлари.
8. Роялти ва лицензия тўловлари.
9. Бошқа иш хизматлари.
10. Шахсий, маданий ва рекреация хизматлари.
11. Хукумат хизматлари<sup>4</sup>.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт таъшиқоти (ИХТТ) ҳамда Евростат<sup>5</sup> томонидан таклиф қилинган қўшма тасниф ХВФ таснифи билан чамбарчас боғлиқ. У тўлов балансида акс этадиган хизматлар савдоси бўйича операциялар учун ХВФ таснифининг кенгайтирилган шакли сифатида таърифланиши мумкин. У резидент ва норезидент ўртасидаги хизматлар билан боғлиқ барча операцияларни қамраб олади. Бу таснифнинг асосий категориялари қурилиш хизматларини ҳисобга олишдан ташқари ХВФ таснифининг 11 та асосий категориялари билан мос келади. Қўшма тасниф хорижда ва мамлакат ичида қурилиш бўйича маълумотларни олишни кўзда тутди. Бу маълумотлар қурилиш хизматларини кўрсатиш доирасида олинган товар ва хизматларни ўз ичига олади, ХВФ таснифи эса товар ва хизматларни харид қилиш харажатларини бошқа иш хизматлари ёки бошқа хизматлар моддалари бўйича ҳисобга олишни маслаҳат беради. Бу истиснони ҳисобга олмаганда қўшма тасниф асосида тақдим қилинган маълумотлар ХВФ талабларига жавоб беради.

Қўшма тасниф GNS/W/120 моддаларини, айниқса, молиявий ва телекоммуникация хизматларини ҳисобга олишда биринчи уриниш ҳисобланади ҳамда Европа Ҳамжамияти доирасида ягона хизматлар бозорини ташкил қилишнинг статистика натижаларини, хусусан, молиявий хизматлар, телекоммуникация ва транспорт хизматлари, туризм хизматлари ва аудиовизуал хизматлар билан боғлиқ кўрсатмаларни акс эттиради<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> Руководство по статистике международной торговле услугами. ООН: Нью-Йорк. 2004. С. 14.

<sup>4</sup> Уша мавба. С. 19.

<sup>5</sup> Organization for Economic Co-operation and Development and Eurostat. OECD Statistics on International Trade in Services (Brussels/Luxembourg and Paris, 2000), appendix 1: <http://www.oecd.org/std/TISclass.pdf>.

<sup>6</sup> Руководство по статистике международной торговле услугами. БМТ: Нью – Йорк. 2004. С. 17.

БМТнинг “Халқаро хизматлар статистикаси бўйича қўлланмаси”да Тўлов балансида акс этувчи хизматларнинг кенгайтирилган таснифи (ТБХКК) тавсия қилинган бўлиб, у Қўшма таснифнинг кенгайтирилган варианты ҳисобланади. ТБХКК га кўра хизматлар 11 та катта гуруҳга ажратилади, бу гуруҳлар ХВФ таснифи билан мос келади<sup>7</sup>.

Юқориди санаб ўтилган таснифлар бир қарашда бир-бирига ўхшаш кўринса ҳам улар ўртасида фарқлар мавжуд. Биринчидан, GNS/W/120 таснифи таркибига давлат хизматлари киритилмаган. Иккинчидан, GNS/W/120 да хизматлар сифатида кўриладиган операциялар ХВФ таснифида товарлар сифатида ҳисобга олинади, бу хорижга таъмирлаш учун юборилган кўпгина товарларнинг келгусида қайта ишлаш билан боғлиқ хизматларига тааллуқлидир. Учинчидан, ХВФ таснифининг баъзи таркибий қисмлари, айниқса, саёҳатлар товарлар билан операцияларни ўз ичига олади. Тўртинчидан, ХВФ таснифига роялти ва лицензия тўловлари киритилган. GNS/W/120 га эса франчайзинг тўловларидан ташқари бу таркибий қисм киритилмаган.

GNS/W/120 таркибига улгуржи ва чакана савдо шаклидаги дистрибуторлик хизматлари киритилган. ХВФ таснифи ва ТБХКК да бу хизматлар аниқланмаган. МСТда улгуржи ва чакана савдо корхоналари товарларни сотиб олиб, қайта ишлашсиз ёки энг кам миқдорда қайта ишлаб қайта сотувчи субъектлар сифатида таърифланади. Улар товар ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмолчиларга сақлаш, намойишни ташкил қилиш ва қулай жойга товарлар ассортиментини етказиб бериш хизматларини кўрсатадилар. Бундай хизматлар, хорижда товарларни қайта сотиш ҳизматида ташқари, ХВФ таснифида санаб ўтилган хизматлар билан боғлиқ халқаро операциялар таркибига кирмайди.

Транспорт хизматларига бир мамлакат резиденти томонидан бошқа мамлакат резиденти учун амалга ошириладиган барча транспорт хизмат кўрсатиш шакллари киради, улар таркибига йўловчиларни ташиш, товарларни ташиш (фрахт), ижара (чартерли ташиш), у билан боғлиқ ёрдамчи хизматлар киради. Транспорт хизматлари таркибига баъзи ўзаро боғланган фаолиятлар киритилмайди: ташқи савдо юқларини суғурта қилиш (суғурта хизматлари таркибига киради); юк ташувчи норезидентлар томонидан харид қилинувчи товарлар ва транспорт ускунасини таъмирлаш (хизмат сифатида эмас, товар сифатида ҳисобга олинади); темир йўллари, денгиз портларидаги ва аэропортлардаги қурилмаларни таъмирлаш (қурилиш хизматлари таркибига киритилади).

ТБХКК ва ХВФ таснифида транспорт тури ва хизмат шакли бўйича таснифни амалга ошириш тавсия қилинади. Агар ХВФ таснифи транспортнинг учта шаклини ажратишни тавсия қилса, ТБХККда транспортнинг қуйидаги саккизта шакли ажратилади: денгиз, ҳаво транспорти, темир йўл, автомобиль йўллари, ички сув транспорти, қувур

---

<sup>7</sup> Ўша маъно. С. 21.

орқали транспортировка қилиш ва бошқа ёрдамчи транспорт хизматлари. ТБХКҚда ХВФ таснифидаги каби хизматлар шакллари таснифи тавсия қилинади – йўловчиларни ташиш, юк ташиш ва бошқа ёрдамчи хизматлар.

ТБХКҚда саёҳатларни ҳисобга олишда саёҳатларнинг ўзини эмас, балки саёҳатга чиққан йўловчиларни харид қилган товар ва хизматларига қараб ҳисобга олишни тавсия қилади. ХВФ таснифида саёҳатларни иш билан боғлиқ ва шахсий саёҳатларга бўлиш тавсия қилинса, ТБХКҚ бу таркибий қисмларни яна таркибий қисмларга ажратишни тавсия қилади.

ТБХКҚда ХВФ таснифининг алоқа хизматлари таркибий қисмини иккита қисмга бўлишни тавсия қилади:

- почта ва курьерлик хизматлари;
- телекоммуникация хизматлари.

ТБХКҚда ХВФ таснифидан фарқли равишда компьютер ва ахборот хизматлари уч қисмга ажратилади: компьютер хизматлари, ахборот агентликлари хизматлари ва ахборот бериш бўйича бошқа хизматлар.

Роялти ва лицензия тўловлари. ТБХКҚда ХВФ таснифидаги ушбу таркибий қисмни франшиза ва ўхшаш ҳуқуқлар; бошқа роялти ва лицензия тўловларига ажратилади. Франшиза ва ўхшаш ҳуқуқлар таркибига рўйхатга олинган товар белгиларидан фойдаланганлик учун тўланадиган франчайзинг йиғимлари ҳамда роялти кўринишида келиб тушувчи халқаро тўловлар ва тушумлар кирди. Бошқа роялти ва лицензия тўловларига қонун асосида номоддий, ишлаб чиқарилмаган, номолиявий активлардан ҳамда эгалик ҳуқуқларидан фойдаланганлик учун халқаро тўловлар ва тушумлари кирди (масалан, кўлёмалар, компьютер дастурлари, кинематография маҳсулотларива овоз ёзувлари). Бунга актив ва ҳуқуқларни тўғридан-тўғри сотишдан тушган тўловлар ва тушумлар кирмайди (ХВФ таснифига кўра бу операциялар хизматлар сифатида эмас, балки капитал билан операциялар ҳисобига ҳисобга олинади). Шунингдек, чегараланган муддат давомида амал қилувчи аудиовизуал маҳсулотларни ижарага бериш ҳуқуқи ҳисобга олинмайди, у аудиовизуал ва у билан боғлиқ хизматлар таркибига киритилади.

## **24.2. Халқаро хизматлар бозори: таркиби, омиллари ва ривожланиш тамойиллари**

Халқаро хизматлар савдосинининг муҳим томони шундаки, аксарият ҳолларда хизматлар бозорида харидор билан сотувчи ўзаро алоқага киришиши зарур бўлади. Фақат шу ҳолатдагина хизматнинг халқаро олди-сотдиси амалга ошади. Халқаро хизматлар савдосини амалга оширишнинг қатор усуллари мавжуд:

1. Трансчегара савдо (cross-border trade) – сотувчи ва харидори чегарани кесиб ўтмайди, балки фақат хизмат чегарани кесиб ўтадиган вазиёт. Хизматлар савдосининг бу усули халқаро савдода товарлар

савдосига яқинлаштирилган. Масалан, хориждан телефон ёки факс орқали юридик маслаҳат кўрсатиш ёки хорижий ўқув ташкилотининг корреспондентлик ўқув дастурида иштирок этиш.

2. Хорижда истеъмол қилиш (consumption abroad) -- бир мамлакат истеъмолчиси бошқа мамлакат ҳудудида хизмат сотиб олади ва истеъмол қилади. Бу ҳолатда товарлар савдоси билан солиштиригандagi фарқ шундаки, хизматлар ва хизматлар сотувчиси чегарадан ўтмайди, уни хизматлар истеъмолчиси кесиб ўтади. Масалан, ўқишга ёки даволанишга хорижга кетиш.

3. Хизмат кўрсатувчи мамлакатда сотувчининг ҳозир бўлиши (commercial presence, ёки – right of establishment) – хизмат кўрсатувчи фирма чегарани кесиб ўтади ва бошқа мамлакат ҳудудида хизмат кўрсатишни амалга ошириш учун вакиллик ёки қиз фирма очади. Хизматнинг ўзи ва унинг истеъмолчиси бу ҳолатда чегарадан кесиб ўтмайди.

4. Хизмат кўрсатувчи жисмоний шахснинг ҳозир бўлиши (presence of natural persons providing services) – хизмат истеъмолчиси жойлашган мамлакатга чегарадан кесиб ўтувчи одамларнинг бевосита фаолияти билан боғлиқ. Масалан, бир мамлакатда ўз вакиллигини очиш учун хорижий банк персонали ёки чет эллик архитекторнинг хориждан келиши<sup>8</sup>.

Халқаро хизматлар савдоси халқаро товарлар савдосидан мутлоқ кўрсаткичлар бўйича ортда қолмоқда. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

– хизматларнинг аксарият қисми мамлакатлар ички бозорида сотилмоқда;

– халқаро хизматлар савдосининг ўсиб бориши техник таъминотнинг ривожланишини талаб қилмоқда;

– халқаро савдонинг эркинлашуви асосан халқаро товарлар савдоси соҳасида амалга ошмоқда. ГАТТ/ЖСТ фаолиятидаги эркинликлар биринчи ўринда халқаро товарлар савдосига тегишлидир.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрига кўра, тўлов баланснинг «хизматлар» моддаси қуйидаги сабабларга мувофиқ жаҳон хизматлар савдосининг ҳажмини тўлиқ акс эттира олмайди:

– кўпчилик ҳолларда хизматлар товарлар савдоси билан бирга амалга оширилганлиги боис уларнинг қиймати товарлар нархига қўшилиб кетади;

– баъзи ҳолларда хизматлар қийматини аниқлаш мумкин эмас (масалан, касални дорилар ёрдамида даволаш);

– хорижий ишчиларнинг ўз ватанларига жўнатаётган иш ҳақларини пул ўтказмаси шаклида ҳисоблашнинг қийинлиги;

– агар банк ва суғурта операциялари бўйича даромадлар шу мамлакатда қайта реинвестиция қилинса улар статистик ҳисобга киритилмайди;

– ТМКнинг фирма ичидаги савдо операциялари жараёнида ҳам хизматлар қийматини аниқлаш мумкин эмас.

<sup>8</sup> Дюмулен И.И. Международная торговля услугами. –М.: ЗАО Издательство «Экономшка», 2003. С. 83.

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларида хизматлар соҳасининг жадал суръатларда ўсиши қатор омиллар билан белгиланади. Биринчидан, бу даврда жаҳон иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланди ва аҳолининг турмуш даражаси ўсди. Иккинчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, ишлаб чиқаришнинг таркиби мураккаблашиб, бозорлар товарлар билан тўйиниб боргани сари хизматларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Учинчидан, маълум товарлар гуруҳига янги истеъмол хусусиятлари кўшилди (масалан, Интернет билан таъминланган мобил телефонлар) ва бу ҳолат хизматлар соҳасининг ривожланиш йўналишларини белгилайди.

Илмий техник ривожланиш шароитида хизматлар бозори ривожланишининг аҳамиятга молик омили бўлиб янги фаолият турлари, айниқса, хизматлар соҳасида пайдо бўлишига олиб келувчи меҳнат тақсимотининг ривожланиши ҳисобланади. Халқаро хизматлар бозори ривожланишига таъсир қилувчи омилларга, шунингдек, қуйидагилар киради:

– корхоналарда илгари амалга оширилган хизматларнинг трансформациялашуви – фирмалар ва жисмоний шахслар илгари ўзлари амалга оширган хизматлардан фойдаланиш учун эндиликда мутахассислар ёлламоқдалар. Ишлаб чиқариш хизматлари мустақил соҳага ажралди. Корхонанинг штат таркибида юқори малакали мутахассисларга эга бўлгандан кўра дастурий таъминот, лойиҳавий-конструкторлик ишланмалар, бозорни ўрганиш, юридик хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматларга ихтисослашган фирмаларга буюртма бериш фойдалироқ бўлиб қолди;

– Интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш имкониятларининг кенгайиши – аксарият хизматларни кўрсатишда таъминотчи ва истеъмолчининг бир жойда мавжуд бўлиши талаб қилинмайди. Масалан, узоқ масофаларга телекоммуникация ёрдамида молиявий хизматлар кўрсатилади. Ахборот олиш тезлиги ва ахборот соҳасидаги хизматлар иқтисодиётнинг ҳар қандай соҳасида рақобатбардошликни оширишнинг етакчи омилга айланди;

– хизматларнинг муҳим секторларида рақобатсиз бозорлардан рақобат мавжуд бозорларга трансформациялашиш – темир йўл транспорти, электр энергия, телекоммуникация узатиш, аънавий телефон линияларининг ўрнини босувчи уяли алоқанинг ривожланиши;

– хизматларнинг аксарият тармоқларида (масалан, молия соҳасида) ТМКларнинг пайдо бўлиши – йирик фирмалар ўз фаолият географиясини кенгайтириш ва ички корпорация оқимларини енгиллаштириш учун бошқа мамлакатлар бозорига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни олиб ташлаш ёки камайтиришда манфаатдор бўладилар.

Жаҳон хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари:

– фрахт (қира ҳақи) ва бошқа транспорт хизматлари улушининг пасайиши (халқаро савдода хомашё улушининг қисқариши билан боғлиқ);

– хизматлар экспортида сафарлар улушининг ортиши (транспорт воситаларининг такомиллашуви, туризм инфраструктурасининг ривожланиши билан боғлиқ);

– «алоҳида хусусий хизматлар» улушининг ортиб бориши (молия, суғурта, аудитор, маслаҳат ва бошқа хизматлар киреди).

– Хизматлар соҳасининг ривожланиши асосида қуйидаги омиллар ётади:

– асосан анъанавий хизматларга эҳтиёжлар ва талабларнинг ортиши;  
– хизматлар савдосини эркинлаштириш;  
– иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан хизматларни мустақил соҳага айлантириш;

– давлат хизматларини хусусийлаштириш;

– хизматлар савдосининг товарлар савдосига боғлиқлиги<sup>9</sup>.

Хизматларга эҳтиёжлар ва талабнинг ошиши фақатгина даромадларнинг кўпайиши ва урф-одатларнинг ўзгариши билан боғлиқ эмас. Аҳоли таркибидаги ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этди. Чунки хизматлар эҳтиёжининг катта қисмини ёшлар ва қариялар ташкил қилади. Аҳоли турмуш даражаси сифатини ошириш мақсади жорий даромад даражасини сақлаганда хизматлар истеъмолининг ошишига ва ноанъанавий хизматларга истеъмолчилар эътиборининг қаратилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, ноанъанавий хизматлар ривожланашига технологик инновациялар ёрдам беради. Ўз навбатида, истеъмолчилар томонидан хизматлар сифатига нисбатан талабчанлигининг ошиши компанияларда анъанавий ва ноанъанавий хизматлар сифатини яхшилаш заруриятини келтириб чиқаради.

Хизматлар ривожланишида савдони эркинлаштириш муҳим ўрин тутади. 1993 йилда халқаро савдо келишувларининг Уругвай раунди доирасида хизматлар савдоси бўйича бош битим (GATS – General Agreement on Trade in Services) имзоланди. У 1995 йилда ЖСТга айланган 1947 йилдаги Тариф ва савдо бўйича бош битимдан (GATT – General Agreement on Tariffs and Trade) кейин иккинчи йирик савдо келишуви ҳисобланади. ГАТС товарлар савдосида тўсиқларни камайтиришни кўзда тутади. Бу эса хизматлар экспортёрлари ва импортёрлари имкониятларини кенгайтиради ва шу соҳа ривожланишини рағбатлантиради. ГАТСда молиявий хизматлар савдосига, хусусан, суғурта, банк фаолияти, брокерлар ва молявий бозордаги бошқа воситачилар хизматларига валюта ва қимматли қоғозлар савдосига катта урғу беради. Жаҳон банки тадқиқотларига кўра эркинлаштириш натижасида ривожланаётган мамлакатлар хизматлар савдосидан даромадлар 2005–2015 йиллар мобайнида 6 трлн. АҚШ доллари даражасига етиб, товарлар савдосини эркинлаштиришдан олинган даромадлар 4 баравар юқори бўлади.

<sup>9</sup> Научные публикации. Бавковский вестник. Красавик 2007. С. 14.

Хизматлар савдосини эркинлаштириш таъминотчилар томонидан рақобатнинг ўсишига олиб келиб, кўп томонлама таъсирга эга бўлади. Хизмат ёки товар сотувчиси томонидан рақобат курашида кўшимча хизматларни сотиб олиш ҳисобига бу савдо ҳолатини мустаҳкамлаш зарурияти пайдо бўлади. Бундай кўшимча хизматларга реклама, маркетинг, суғурта, бухгалтерия ва консалтинг хизматлари бизнес режаларини ишлаб чиқиш, инвестициялаш, кредитлаш, ахборот хизматлари ва бошқалар кирди.

Тармоқдан алоҳида хизмат турларининг ажралиши (аутсорсинг – outsourcing) ихтисослаштиришнинг ривожланиши билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Қimmatли қoғoзлар бoзoри ривожланиши натижасида инвестиция брокерлик компаниялари пайдо бўлиши, суда капиталига талабнинг ошиши оқибатда кредит бюрсларининг шаклланиши, пенсия фондларининг пайдо бўлиши – буларнинг барчаси банк институтларидан нобанк ташиқлотларнинг ажралиб чиқиши тўғрисида хабар беради.

Хизматлар соҳаси ривожланишига, шунингдек, анъанавий давлат тармоқларини хусусийлаштириш ёрдам беради. Хусусийлаштириш таъсири эркинлаштириш таъсири билан ўхшаш. Нафақат таълим, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация, алоқа, транспорт, балки қисман қамоқхоналар ва колонияларни таъминлаш каби соҳалар хусусийга айланади.


Товарлар савдосининг хизматлар билан чамбарчас боғлиқлиги товарлар савдосининг ошиши хизматлар соҳаси ривожланишини рағбатлантиришга олиб келади. Масалан, товарлар экспорти экспорт ишлаб чиқаришни кредитлаш, экспорт таваккалчилигини суғурталаш билан боғлиқ. Бъзи товарлар сотувдан кейинги хизмат кўрсатишни талаб қилади, масалан, автомобиллар савдоси ихтисослашган сервис марказларда хизмат кўрсатиш билан амалга ошади. Товарларнинг хизматларга технологик қарамлиги махсус ускунани ўрнатиш бўйича ёки дастур таъминотчиси билан биргаликда компьютер харид қилиш бўйича хизмат сотиб олиш заруриятини белгилайди. Бу алоқалар натижасида ишлаб чиқариш ва товарлар савдосининг ўсиши хизматлар соҳасининг ривожланишига олиб келади.

Жаҳон савдоси таркибида халқаро хизматлар савдоси салмоқли улushга эга бўлиб, 2010 йилда унинг умумий қиймати 8,2 трлн. долларни ташкил қилди. Халқаро хизматлар экспорти жадал ўсиш суръатларига эга бўлиб, 2010 йилда 3,7 трлн. долларни ташкил этди ва 2009 йилга нисбатан 9% га ўсди. 2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози натижасида жаҳон савдоси 2009 йилда пасайиш суръатига эга бўлди. Жумладан, 2009 йилда транспорт хизматлари экспорти 23% га, туризм 9% га, бошқа тижорат хизматлари эса 8% га қисқарди (24.2.1-диаграмма).

Халқаро хизматлар савдоси таркиби мураккабдир. Халқаро хизматлар савдосида туризм ва транспорт соҳалари кўпроқ аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда қиймат жиҳатдан уларнинг халқаро хизматлар савдосидаги улushининг юқорилиги, шу билан бирга хизматлар экспортининг умумий ҳажмидаги улushининг камайиши кузатилмоқда. Хусусан, жами экспорт



### Халқаро хизматлар савдосининг ривожланиш динамикаси, 1990–2010 йй.<sup>10</sup>



қилинувчи хизматлар ҳажми 1975 йилдаги 155 млрд. доллардан 2010 йилда 3,7 трлн. долларгача, яъни 30 йил мобайнида 23,8 мартага ошди. Жами хизматлар экспорти ҳажмида транспорт хизматлари улуши 2000 йилдаги 23,2% дан 2010 йилда 21,3% га камайиб, 785 млрд. долларга тенг бўлди. Жами хизматлар импортида транспорт хизматларининг улуши 2000–2010 йиллар давомида деярли ўзгармаган (ўртача 27,3%) ва 2010 йилда 960 млрд. долларни ташкил этди. Жами хизматлар экспорти ва импортнинг умумий таркибида туризм хизматларининг улуши таҳлил этилаётган даврда 32,1 ва 29,9% дан мос равишда 25,4 ва 24,1% га қадар қисқарган. Бошқа тижорат хизматларининг улуши эса жами хизматлар экспорти ва импортнинг умумий таркибида 2000 йилда мос равишда 44,7 ва 41,7% ни ташкил этгани ҳолда 2010 йилга келиб 53,3 ва 48,5% га қадар ошди (24.2.1-жадвал).

Халқаро хизматлар савдоси таркибида бошқа тижорат хизматларининг ривожланиши йирик ҳажмларда ва жадал тарзда амалга ошмоқда. Молиявий хизматлар халқаро коммуникация, почта ва курьерлик алоқаси, компьютер ахборотлари ва ахборот айирбошлаш хизматлари, қурилиш хизматлари, роялти ва лицензия тўловлари, мутахассис, техник, маданий-соғломлаштириш ва бошқа тижорат хизматларининг ҳажми 2000 йилдаги 44,7% дан 2010 йилда 53,3% гача ошди. 2010 йилда ушбу турдаги хизматлар савдосининг умумий ҳажми 3,7 трлн. долларни ташкил этди. Бошқа тижорат хизматлари экспортнинг таркиби эса қуйидаги кўринишга эга бўлди: коммуникация хизматлари (4,3%), конструкция (4,8%), сугурта хизматлари (4,7%), молия хизматлари (13,5%), компьютер ва ахборот хизматлари (10,9%), роялти ва лицензия тўловлари (12,4%), бошқа

<sup>10</sup> International trade statistics 2011. World Trade Organization. Switzerland, 2011. P. 145.

**Жаҳон хизматлар савдосининг таркиби ва ўзгариши,  
2000–2010 йиллар<sup>11</sup>**

	Ҳажми, млрд. долл.	Тарқиб, %				
	2010 й.	2000 й.	2005 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
<b>Экспорт</b>						
<b>Ҳами</b>	3695	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
Транспорт	785	23,2	22,8	23,2	20,2	21,3
Туризм	940	32,1	27,6	24,8	25,6	25,4
Бошқа тижорат хизматлари	1970	44,7	49,6	52,0	54,2	53,3
<b>Импорт</b>						
<b>Ҳами</b>	3510	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:						
Транспорт	960	28,4	28,6	28,8	25,4	27,3
Туризм	850	29,9	27,0	23,9	24,6	24,1
Бошқа тижорат хизматлари	1705	41,7	44,4	47,2	50,0	48,5

бизнес хизматлари (48,0%), маданият ва дам олиш соҳасида персонларга кўрсатиладиган хизматлар (2,3%)<sup>12</sup>.

Жаҳон “бошқа тижорат хизматлари” экспортининг географик таркибида ривожланган мамлакатлар юқори улушга эга. Мисол учун 2010 йилда ушбу турдаги хизматлар экспортида ЕИ-27нинг ҳиссаси 45,6% га, АҚШнинг ҳиссаси эса 16,0% га тенг бўлди. Шунга қарамасдан таҳлиллар 2005–2010 йилларда жаҳон “бошқа тижорат хизматлари” экспортининг географик таркибида ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бу даврда ЕИ-27 мамлакатларининг улуши 50,4% дан 45,6% га қадар қисқаргани ҳолда Ҳиндистон ва Хитойнинг улуши мос равишда 3,1 ва 2,4% дан 4,9 ва 4,6% гача ўсган (24.3.1-жадвал).

Турли хизмат шакллари халқаро савдога турли даражада жалб қилинганлиги билан тавсифланади. Хизматларга молиявий кредит фаолияти ҳам тегишли бўлиб, у капиталлар мужассамлашуви қўшилиб кетиши ва йирик банк марказлари шаклланишида ўз аксини топади. Баъзи иқтисодчилар фикрича, иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни илмий-техник тараққиётнинг ривожланишига ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациясига трансчегара молиявий операцияларнинг кенгайиши асосланади. Ушбу операциялар таъсири остида ички ва жаҳон молиявий бозорлари ўртасида тўсиқлар секин-аста олиб ташланади.

<sup>11</sup> Ўша манба. Р. 144.

<sup>12</sup> Ўша манба. Р. 161–182.

**Жаҳон “бошқа тижорат хизматлари” экспортининг географик таркиби, 2005–2010 йй.<sup>13</sup>**

	2010 й. млрд. долл.	Улуши, %		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариши, %			
		2005 й.	2010 й.	2005– 2010 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
<b>Жами</b>	1970	100,0	100,0	10	13	-8	7
шу жумладан:							
<b>Шимолий Америка</b>	358	18,7	18,2	9	8	-3	8
АҚШ	314,6	16,0	16,0	10	8	-2	7
Жанубий ва Марказий Америка	44	1,8	2,2	15	21	-11	2
Европа	984	54,7	50,0	8	12	-11	2
ЕИ-27	897	50,4	45,6	8	12	-12	2
МДХ	30	1,1	1,5	18	32	-15	9
Африка	20	1,0	1,0	10	27	-12	4
Яқин Шарқ	33	2,1	1,7	–	–	-1	-15
Осиё	501	20,6	25,4	14	17	-5	19
Хиндистон	95,9	3,1	4,9	20	25	-15	36
Хитой	90,2	2,4	4,6	25	27	-3	38
Япония	86,7	4,8	4,4	8	17	-5	3

Молиявий битимларнинг имзоланишини тезлаштириш мақсадида Жаҳон молиявий марказлари ҳисобланувчи Нью-Йорк, Торонто, Лондон, Париж, Франкфурт, Амстердам, Цюрих, Токио, Сингапур, Сянган ва бошқа шаҳарларда 20 дан ортиқ компьютер марказлари ташкил қилинган.

Ривожланаётган мамлакатлар жаҳон молиявий хизматлар айланмасида ўз улушларини барқарор суръатларда ошириб бормоқдалар. Ушбу ҳолат Сингапур, Хитой, Жанубий Корея, Таишанд, Бразилия ва Туркия мисолида яққол кузатилмоқда. Суғурта хизматлари экспортида Мексика, Сингапур, Тайван ва Жанубий Африка Республикаси салмоқли ўринларни эгаллайди. Багам ва Антил ороллари, Гонконг, Сингапур ва бошқалар “молиявий гаванлар” деб номланади. Шунингдек, молиявий хизматлар соҳасининг ИТТКИ, тижорат тадқиқоти, Интернет орқали электрон савдонинг ривожланиши, телекоммуникация соҳалари, коинотдаги тижорат фаолияти, шу жумладан тижорат мақсадларида коинотга аппаратларини учтириш каби тармоқлари истиқболли ҳисобланади.

Телекоммуникация тармоғи ривожланиши қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- мобиль телекоммуникация сегментининг жадал ўсиши;
- Интернетнинг ривожланиши, нархларнинг пасайиши ва рақобатнинг кучайиши.

<sup>13</sup> Ҳа маъно. Р. 156.

Халқаро хизматлар савдосининг географик таркиби кескин ўзгариб бормоқда. Халқаро хизматлар савдоси, биринчи навбатда, ривожланган мамлакатлар ўртасида амалга ошмоқда. Аммо янги индустриал ва бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро хизматлар савдосидаги фаолиятининг ривожланиши ривожланган мамлакатларнинг халқаро хизматлар савдосидаги улущининг пасайишига олиб келмоқда.

Хизматлар савдосининг географик жиҳатдан чуқур табақалашганлиги билан ажралиб туради. Экспорт қилинувчи хизматларнинг 75% и ривожланган мамлакатлар, 24% и ривожланаётган мамлакатлар, 1% и эса халқаро ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, хизматлар иқтисодиёти ривожланган ва географик афзалликка эга мамлакатлар томонидан экспорт қилинади.

Ривожланган мамлакатлар жаҳон хизматлар бозорида бир вақтда асосий таъминотчи ва истеъмолчи ҳисобланади. Жумладан, ЕИ-27 ва АҚШ хизматларнинг асосий экспортёрлари сифатида жаҳон хизматлар ҳажмининг мос равишда 42,5 ва 14,0% ини таъминлайдилар. Бу мамлакатлар компаниялари учун хорижий филиалларда хизматлар ишлаб чиқариш катта аҳамият касб этади.

Таҳлиллар 2010 йилда жаҳон хизматлар экспорти бўйича АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Испания, Нидерландия, Сингапур, Гонконг, хизматлар импорти бўйича эса АҚШ, Германия, Буюк Британия, Хитой, Япония, Франция, Ҳиндистон, Ирландия, Италия, Нидерландия каби мамлакатлар биринчи ўнталиқни ташкил этганлигини кўрсатмоқда (24.2.2-жадвал).

24.2.2-жадвал

**Жаҳон хизматлар савдосида биринчи ўнталиқга кирган 10 та энг йирик мамлакат, 2010 й.<sup>14</sup>**

Мамлакатлар	Экспорт		Мамлакатлар	Импорт	
	Ҳажми, млрд. долл.	Улуғи, %		Ҳажми, млрд. долл.	Улуғи, %
АҚШ	518,3	14,0	АҚШ	358,1	10,2
Германия	232,4	6,3	Германия	259,7	7,4
Буюк Британия	226,8	6,1	Буюк Британия	160,9	4,6
Хитой	170,3	4,6	Хитой	192,2	5,5
Япония	138,9	3,8	Япония	155,8	4,4
Ҳиндистон	123,3	3,3	Франция	128,9	3,7
Испания	123,0	3,3	Ҳиндистон	116,1	3,3
Нидерландия	113,3	3,1	Ирландия	108,3	3,1
Сингапур	111,9	3,0	Италия	107,9	3,1
Гонконг	106,4	2,9	Нидерландия	106,1	3,0
Бошқалар	1864,6	49,6	Бошқалар	1694,0	51,7

<sup>14</sup> Ўша манба. Р. 218, 219, 220, 221, 222, 223, 224, 225.

Жаҳон хизматлар экспортида ривожланаётган мамлакатларнинг эгалланган ўрни уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва хорижий капиталнинг жалб қилинишига мутаносиб равишда мустаққамланиб борган. Бу ҳолат Осиёнинг Сингапур, Хитой, Корея Республикаси каби мамлакатлари учун хосдир. Тури мамлакатлар кўрсатилаётган хизматларнинг шакли ва хусусиятлари бўйича ажралиб турадилар. Масалан, Швейцария фирмалари банк ишида, савдода, моддий техника таъминотини ташкил қилишда, консалтинг ва таълим хизматларида кучли ҳисобланади. Англия фирмалари суғурталашда, қим ошди савдосида, пул операцияларини бошқаришда ва маслаҳат хизматларини кўрсатишда мустаққам ўринни эгаллайди. Сингапур корхоналари кема таъмирлашда, авиакомпанияларга, портларга ва терминалларга хизмат кўрсатишда кучли ўрин тутди. Америка фирмалари эса қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларда, меҳмонхона хўжалигини бошқаришда, бухгалтерия ҳисобида ва рекламада етакчи ҳисобланади. Жаҳон хизматлар бозорида йиллик юқори қўшимча ўсишни таъминлаётган муваффақиятли компаниялар таркибидан McDonald's ва Servicemaster (АҚШ), Saatchi & Saatchi и Hawley Group (Буюк Британия), Adia (Швейцария), International Servis System (Дания) ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

### 24.3. Халқаро транспорт ва туризм хизматлари

Хизматларнинг бир қисми халқаро савдода қатнашмайди. Фақат мамлакат ичида сотилади ва сотиб олинади. Халқаро хизматлар ичида транспорт хизматлари муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро транспорт хизматлари дейилганда бир мамлакат резидентининг иккинчи мамлакат резидентига барча турдаги транспорт воситалари бўйича кўрсатадиган хизматлари тушунилади.

Таҳлилий мақсадлар йўлида транспортнинг денгиз (асосан, ташқи савдо юкларини ташишда), ҳаво (асосан юклар ва одамларни мамлакатлараро ташишда) ва бошқа турлари ажратилади.

Транспорт харажатларининг халқаро савдога таъсири куйидагича:

– Транспорт харажатлари мамлакатнинг савдо шароитининг ёмонлашуви, ихтисослашув даражаси ва ташқи савдо ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

– Транспорт харажатлари Хекшер-Олин-Самуэльсон теоремасига мувофиқ ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг мамлакатлараро барқарорлашувига тўсқинлик қилади.

– Транспорт харажатлари ҳудудий меҳнат тақсимотига – корхоналар ва тармоқларни ҳудудий жойлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

– Транспорт харажатларининг ўзаро савдога киришаётган мамлакатлар ўртасида тақсимланиши талаб ва тақлиф эластиклигига боғлиқ; импортёр мамлакатда талаб эластиклиги қанчалик кам бўлса, транспорт

ҳаражатлари шунча юқори бўлади; экспортёр мамлакатда таклиф эластиклиги қанчалик кам бўлса, транспорт харажатлари шунча юқори бўлади.

Худудий меҳнат тақсимооти нуқтаи назаридан тармоқларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

– Ресурслар асосида ишловчи тармоқлар – хомашёни ташиш харажатлари тайёр маҳсулотни ташиш харажатларидан қимматга тушадиган тармоқлар. Уларга асосан қазиб чиқариш тармоқлари (тоғ-қон, алюминий ва кимё саноати) киради. Бу тармоқлар табиий ресурсларга яқин жойларда барпо этилади.

– Бозорга йўналтирилган тармоқлар – тайёр маҳсулотни ташишга харажатлар хомашёни ташиш харажатларидан қимматга тушадиган тармоқлар. Уларга асосан қайта ишловчи тармоқлар киритилади.

– Эркин йўналтирилган тармоқлар – ресурслар ва бозорларга йўналтирилмаган худудий ҳаракатчан тармоқлар ҳисобланиб, одатда, уларга қиммат турувчи, аммо енгил тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради. Мазкур тармоқларни жойлаштиришда асосий эътибор транспорт харажатларига эмас, балки ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштиришга қаратилади.

Жаҳон транспорт хизматлари экспортининг таркибида ривожланган мамлакатлар етакчи мавқега эга. Жумладан, 2010 йилда жаҳон транспорт хизматлари экспортининг таркибида ЕИ-27 мамлакатларининг улуши 43, 2% ни, АҚШнинг улуши эса 10,7% ни ташкил этган. 2005–2010 йилларда ушбу таркибда Хитойнинг улуши 2,7% дан 4,4% гача ортган (24.3.1-жадвал).

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос шаклларида бири халқаро сафарлар ҳисобланади ва улар миллий счётлар тизимида туризм деб аталади. Уларнинг ўзига хослиги шундаки, истеъмолчи хорижга, хизмат кўрсатувчига қараб ҳаракатланади ва норезидент сифатида товарлар (хизматлар) сотиб олади.

Халқаро сафарлар – саёҳатчилар томонидан хорижда сотиб олинган товарлар ва хизматлар йиғиндиси (саёҳатчи хорижда бир йилдан кам муддатда бўлса ва норезидент ҳисобланса).

Саёҳатчи – ўзи резидент ҳисобланмайдиган мамлакатда бир йилдан кам муддатда бўлган, бошқа мамлакатнинг давлат ташкилоти хизматчиси ёки оила аъзоси бўлмаган ва резидент учун ёлланиб ишламаётганлар киради.

Халқаро иқтисодий муносабатларда саёҳатчи борган мамлақатида 24 соатдан ортиқ вақт бўлса турист ҳисобланади.

Агар улар хорижда 24 соатдан кам бўлишса экскурсант ҳисобланади.

**Жаҳон транспорт хизматлари экспортининг географик таркиби,  
2005–2010 йй.<sup>15</sup>**

	2010 й. млрд. долл.	Улуши, %		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариши, %			
		2005 й.	2010 й.	2005– 2010 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
<b>Жами</b>	<b>785</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>7</b>	<b>16</b>	<b>-23</b>	<b>15</b>
шу жумладан:							
<b>Шимоллий Америка</b>	<b>84</b>	<b>11,3</b>	<b>10,7</b>	<b>6</b>	<b>13</b>	<b>-18</b>	<b>16</b>
АҚШ	71,1	9,3	9,1	6	14	-18	15
Жанубий ва Марказий Америка	25	2,9	3,2	9	20	-17	18
<b>Европа</b>	<b>374</b>	<b>50,8</b>	<b>47,6</b>	<b>5</b>	<b>15</b>	<b>-23</b>	<b>8</b>
ЕИ-27	339	46,0	43,2	5	15	-23	8
МДҲ	32	3,1	4,1	13	24	-16	20
<b>Африка</b>	<b>23</b>	<b>2,6</b>	<b>2,9</b>	<b>9</b>	<b>18</b>	<b>-15</b>	<b>20</b>
Яқин Шарқ	21	2,7	2,7	7	10	-14	11
Осиё	226	26,7	28,8	8	18	-28	26
<b>Япония</b>	<b>39</b>	<b>6,3</b>	<b>5,0</b>	<b>2</b>	<b>11</b>	<b>-33</b>	<b>23</b>
Жанубий Корея	38	4,2	4,8	10	33	-36	33
<b>Хитой</b>	<b>34,2</b>	<b>2,7</b>	<b>4,4</b>	<b>17</b>	<b>23</b>	<b>-39</b>	<b>45</b>

Экскурсантлар Европанинг кичик мамлакатлари статистикасида саёҳатчиларнинг олоҳида категорияси сифатида ажратиб кўрсатилади. Чунки, кўплаб хорижликлар бу мамлакатларга ярим кун ёки бир кунга келиб кетишади.

**Халқаро сафарларнинг гуруҳланиши**

	Ўз ичига олади	Ўз ичига олмайди
<b>Хизмат сафарлари</b>	Хизмат бўйича хорижда бўлган саёҳатчи томонидан амалга ошириладиган шахсий харажатлар: кема ва самолёт экипажлари, ҳукумат органлари, халқаро ташкилотлар, хусусий фирмаларнинг хизматчилари, мавсумий ишчилар	Саёҳатчи томонидан жўнатаётган ташкилот номидан ва ҳисобидан амалга оширилган харажатлар
<b>Шахсий сафарлар</b>	Шахсий ишлар бўйича (туризм) хорижда бўлган саёҳатчи томонидан амалга ошириладиган барча харажатлар: дам олиш, спорт билан шуғулланиш, қариндошларини борини, ўқини, даволашни, диний эhtiёжларни қондириш.	Саёҳатчиларни хорижга ва орқага ташини (мазкур хизматлар халқаро йўловчи транспорти хизматларига кирди)

<sup>15</sup> Ўша манба. Р. 146.

Саёҳатлар халқаро хизматлар савдосида муҳим ўрин тутади. Туризм транспорт, меҳмонхона хўжалиги, кўнгиш очар саноат, спорт, реклама, умумий овқатланишни қамраб олувчи бутун бир тармоқлар мажмуасига айланди. Аҳоли даромадларининг ошиши, транспорт воситалари ва меҳмонхона хўжалигининг такомиллашуви, ҳаво траснпорти орқали ташишнинг арзонлашиши, валюта олиб чиқиш чекловларининг заифлашиши ва чегарада расмийлаштиришнинг содалашиши натижасида туризмнинг халқаро хизматлар экспортидаги улуши ортиб борди.

Таҳлиллар туризм хизматлари 2010 йилда жами хизматлар экспорти-нинг 25,4% ини (940,0 млрд. долл.), жами хизматлар импортининг эса 24,1% ини (850 млрд. долл.) ташкил қилганлигини кўрсатмоқда. Халқаро туризм жаҳон молия-иқтисодий инқирози таъсирида 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 9% га қисқарди. Жаҳон туризм хизматлари экспортининг таркибида ЕИ-27 ва АҚШнинг улуши юқори бўлишига қарамасдан 2005–2010 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Мисол учун ушбу даврда ЕИ-27 ва АҚШнинг жаҳон туризм экспорти таркибидаги улуши мос равишда 42,8/14,8% дан 35,4/14,1% га қадар қисқарди (24.3.3-жадвал).

24.3.3-жадвал

**Жаҳон туризм хизматлари экспортининг географик таркиби,  
2005–2010 йй.<sup>16</sup>**

	2010 й. млрд. долл.	Улуши, %		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариши, %			
		2005 й.	2010 й.	2005-2010 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	940	100,0	100,0	6	10	-9	8
шу жумладан:							
Шимолий Америка	161	18,5	17,1	5	11	-11	10
АҚШ	133	14,8	14,1	5	13	-10	9
Жанубий ва Марказий Америка	43	4,5	4,6	7	8	-6	9
Европа	385	48,8	41,1	3	8	-13	-1
ЕИ-27	332	42,8	35,4	2	7	-13	-1
МДҲ	17	1,6	1,8	9	23	-22	2
Африка	42	4,2	4,5	8	7	-5	9
Яқин Шарқ	43	3,3	4,6	13	16	4	18
Осиё	248	19,1	26,4	13	12	-3	25
Хитой	46	4,3	4,9	9	10	-3	15
Австралия	30	2,4	3,2	12	12	1	19

<sup>16</sup> Ўша маъба. Р. 151.



2010 йилда жаҳон туризм хизматларининг биринчи ўнликка кирувчи экспортёрлари ЕИ-27 (332,0 млрд. долл.), АҚШ (133,0 млрд. долл.), Хитой (46,0 млрд. долл.), Австралия (30,0 млрд. долл.), Макао (27,1 млрд. долл.), Гонконг (22,2 млрд. долл.), Туркия (21,2 млрд. долл.), Таиланд (19,7 млрд. долл.), Малайзия (18,3 млрд. долл.) ва Канада (15,7 млрд. долл.) ҳисобланади. Асосий импортёрлар эса ЕИ-27 (115,9 млрд. долл.), АҚШ (82,0 млрд. долл.), Хитой (54,9 млрд. долл.), Канада (29,6 млрд. долл.), Япония (27,9 млрд. долл.), Россия (26,5 млрд. долл.), Австралия (22,4 млрд. долл.), Саудия Арабистони (21,1 млрд. долл.) Жанубий Корея (17,7 млрд. долл.) ва Гонконг (17,5 млрд. долл.) ҳисобланади<sup>17</sup>.

Европа мамлакатларидаги иқтисодий ҳолатнинг бекарорлиги туристларни асосан жадал суръатлар билан ривожланаётган Осиё мамлакатларидан, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатлардан жалб қилишга катта эътибор берилди.

#### 24.4. Халқаро хизматлар савдосини тартибга солиш усуллари ва йўллари

Жаҳон хизматлар савдоси ҳозирги кунда 40 дан ортиқ халқаро ташкилотлар, шу жумладан Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси (ЮНКТАД), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХҲТ), Илм-фан, маданият ва таълим бўйича БМТ ташкилоти (ЮНЕСКО), Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС) томонидан тартибга солинади. Шунингдек, халқаро хизматлар савдоси бир неча халқаро актлар, хусусан, Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари бўйича келишув (General Agreement on Trade Related Aspects of Intellectual Property Rights, TRIPS - ТРИПС) ҳамда Инвестиция чораларининг савдо жиҳатлари бўйича келишув (The Agreement on Trade Related Investment Measures, TRIMS - ТРИМС) (хизматлар соҳасини хорижий инвестициялашга боғлиқ томонларини) томонидан тартибга солинади.<sup>18</sup>

Халқаро хизматлар савдосини тартибга солувчи асосий халқаро ҳужжат бу Хизматлар савдоси бўйича бош шартномадир (*ГАТС*). *ГАТС ГАТТнинг* Уругвай раундида қабул қилинган ва ЖСТни ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг асосий иловаларидан бири ҳисобланади.

ГАТС биринчилардан бўлиб халқаро савдони амалга оширишнинг соғлом рақобат ва келишилган қоидаларига асосланган механизмни яратди. ГАТС 6 та бўлимга бирлаштирилган 35 та модда ва иловадан иборат.

ГАТСда халқаро хизматлар савдосининг қуйидаги жиҳатлари кўриб чиқилади:

– қўлланиш соҳаси ва мазмуни, умумий мажбуриятлар ва қоидалар (мумкин қадар қулайлик режими, ошқоралик, ривожланаётган мамла-

<sup>17</sup> Ўша манба. Р. 152.

<sup>18</sup> Сидорова Е.Ю. Международная торговля. –М.: «Экзамен», 2006. С. 116.

катларда қатнашиш хусусиятлари, иқтисодий интеграцияни ҳисобга олиш, ички тартибга солиш, ҳимоя чораларини қўллаш имконияти, умумий истиснолар, субсидиялар ва б.);

– махсус мажбуриятлар (бозорга рухсат, миллий режим, қўшимча мажбуриятлар);

– босқичма-босқич эркинлаштириш (махсус мажбуриятлар бўйича келишувлар, махсус мажбуриятлар рўйхати ва уларнинг ўзгариши);

– институционал мажбуриятлар (консултациялар, низоларни тартибга солиш ва қарорларни бажариш, Хизматлар савдоси бўйича Кенгаш);

– иловалар. Иловаларда молия хизматлари батафсил кўриб чиқилади, уларнинг таснифи берилади, ГАТСнинг умумий мажбуриятлари ва қоидаларидан чиқариб ташлаш имкониятлари.

ГАТСда қуйидаги икки турдаги мажбуриятлар кўзда тутилади:

– умумий – мамлакатлар томонидан сўзсиз қабул қилинади;

– махсус – у ёки бу мамлакат хизматлар бозорига кириб боришнинг аниқ шартлари билан боғлиқ мажбуриятлар.

Умумий мажбуриятлар – бу мумкин қадар қулайлик режими бўлиб, бу режим аъзо мамлакатларнинг миллий хизматлар бозорига киришида тенг ҳуқуқлилиқни таъминлайди. Шу билан бирга бу режим миллий хизматлар бозорига кириш усулларига нисбатан чекловлар ўрнатмайди.

ГАТС ушбу режимнинг мажбурийлигини белгилаш билан бирга, истисно ҳолатларини ҳам тан олади. Мамлакатнинг халқаро иқтисодий интеграцион бирлашма доирасида ҳамкор мамлакатларга нисбатан ўрнатадиган махсус имтиёзлар тизими мумкин қадар қулайлик режимидан истисно ҳолатларга қиради.

ГАТСнинг асосий қоидалари кўп жиҳатдан ГАТТ ни эслатади:

– миллий режим – хизматларнинг хорижий таъминотчилари ва хизматларнинг ўзи миллий хизмат ишлаб чиқарувчилар фойдаланадиган режимдан фойдаланишлари зарур;

– мумкин қадар қулайлик бериш режими – ҳаммага бир ҳил режимни ва битим иштирокчилари ўртасида камситишлар мавжуд бўлмаслигини кўзда тутади;

– ошқоралик – хизматлар савдосини тартибга солиш билан боғлиқ ҳамма маълумотлар, қонунлар, маъмурий қоидалар ва фармонлар нашр қилиниши керак;

– хизматлар савдоси доирасида музокаралар олиб бориш орқали секин-аста либераллаштириш – бу соҳа тўсиқларининг бир қисми Уругвай раундида камайтирилган, қолган қисмини келгуси музокараларда камайтириш мақсад қилиб олинган;

– ГАТТ ва ГАТСга умумий бўлган ЖСТнинг мунозараларни тартибга солиш тизими ёрдамида мунозара ва ихтилофли вазиятларни ҳал қилиш.

Жаҳон хизматлар бозорининг турли сегментларида хизматлар савдосини тартибга солиш ихтисослашган халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Халқаро фуқаро авиацияси — (ICAO), Жаҳон туризм ташкилоти (WTO), Халқаро денгиз ташкилоти (IMO) шулар жумласидандир.

Хизматларни давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- хизматларнинг ички бозорга кириб келишини тартибга солиш;
- миллий режим билан боғлиқ чекловлар.

Халқаро хизматлар савдосини давлат томонидан тартибга солиш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- божхона назоратининг турли хил шакллари;
- хорижий корхоналарнинг хизматлар соҳасидаги фаолиятига қўйиладиган чекловлар;
- хизматлар баҳосини назорат қилиш;
- мамлакатда амал қилувчи стандартлар тизимидан фойдаланиш;
- хизматларнинг алоҳида турларини лицензиялаш.

Хизматлар оқими тартибга солиш дастаклари товарлар савдосини тартибга солиш кабилдир. Мазкур ўхшашлик кўпчилик хизматлар савдосининг товарлар савдоси билан бирга амалга оширилади.

Товарлар ва хизматлар савдоси ўртасидаги фарқ эса баъзи хизматларнинг товарлар савдоси билан эмас, балки капиталлар ҳаракати билан боғлиқ эканлиги туфайли юзага келади. Шунинг учун ҳам хизматлар савдосини тартибга солиш усуллари ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Хизматларнинг ички бозорга кириб келишини тартибга солиш билан боғлиқ чора-тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Хизматлар савдосига оид чекловлар. Масалан, миллий қонунчиликда импорт қилинаётган барча юклар фақат маҳаллий суғурта компаниялари томонидан суғурта қилиниши лозим, деб белгиланиши мумкин.

2. Импорт қилинаётган хорижий хизматларга нисбатан миқдорий квота белгилаш. Масалан, хорижий кинофильмларни миқдоран чеклаш.

3. Хизмат кўрсатувчилар ҳаракатига нисбатан чекловлар. Масалан, врачлар даволаш учун рухсат олгунларига қадар тестлардан ўтишлари ва тегшли лицензияларни қўлга киритишлари лозим.

4. Хизматларни истеъмол этувчилар ҳаракатига чекловлар. Масалан, туристларга бериладиган визаларни миқдоран чеклаш.

## **24.5. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш истикболлари**

Туризм – кўпгина мамлакатларда катта даромад манбаи ҳисобланган юқори даромадли соҳа. Ўзбекистон туризмни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга. Ўзбекистонда туризм – дам олиш хизматларини ривожлантириш учун ноёб шифобахш манбалар ва архитектура ёдгорликлари мавжуд. Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ва сиёсий шароит хориждан

кўшимча туристларни жалб этди ва шу орқали мамлакатимиздаги кўрсатилган туризм хизмати қийматининг ўсишига олиб келди.

Мамлакатимизнинг туризм сектори хорижий ва маҳаллий инвесторларни инфратузилма лойиҳаларини ривожлантиришга жалб этади. Инвестицияларнинг аксарият қисми янги қурилиш объектлари ва мавжуд объектларни қайта таъмирлашга йўналтирилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда 10 дан ортиқ хорижий инвесторлар иштирокидаги меҳмонхоналар фаолият юритмоқда. 2009 йилда мамлакатнинг турли ҳудудларида 20 дан ортиқ ўрта ва кичик меҳмонхоналар қурилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 дан ортиқ туристик фирмалар фаолият кўрсатади ва 240 та меҳмонхона мажмуалари, шу жумладан, 5, 4 ва 3 қолдузли 120 та меҳмонхоналар меҳмон қабул қилишади. 2010 йилнинг охирида умумий сифими 2100 та жой ташкил қилувчи 56 та меҳмонхоналар ишга туширилди. Шунингдек, Ўзбекистонда туристлар учун 100 дан ортиқ кемпинг ва дам олиш уйлари мавжуд ҳамда 800дан ортиқ йўналишлар ишлаб чиқилган ва амал қилаётган бўлиб, улар орқали 600 дан ортиқ экскурсиялар ташкил қилинган.

Республикаимизда қабул қилинган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури туризм тармоғининг жонланишига ёрдам берди. Хусусан, охириги икки йил ичида туризм лицензиясига эга корхоналар сонини бир ярим баробар ошди ва ҳозирги кунда 700 тадан ортиқ турфирмалар мавжуд. Бундай чора-тадбирлар мамлакатдаги туристик корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми ошишига имкон берди. Ҳар йили Ўзбекистонга 1 миллионга яқин хорижий туристлар ташриф буюради. Хусусан, 60% саёҳатчилар Европа Иттифоқидан, 25% туристлар Осиё ва Америка мамлакатларидан, фақатгина 15% туристлар Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларидан келишади. Ўзбекистон ҳукумати статистикага ўзгартириш киритиш мақсадида мамлакатга россиялик туристлар оқимини оширишни муҳим вазифалардан бири қилиб белгилади.

Шу билан бирга Ўзбекистонга асосий туристлар оқимини таъминловчи Европа мамлакатларидан келаётган туристлар сонининг камайиши қисман бир неча Осиё мамлакатларидан туристлар ҳажмининг ошиши билан қопланди. Япония, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси Ўзбекистон учун туристлар оқимини таъминловчи мамлакатларга айланишди.

ЖСТ маълумотларига кўра 2010 йилда Ўзбекистонда 1187 млн. долларлик хизматлар экспорт қилинган ва ушбу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 14,6% га кўп.<sup>19</sup>

Ҳозирги вақтда хорижий туристлар Ўзбекистоннинг асосан бешта шаҳрига ташриф буюришяпти. Булар – Бухоро, Самарқанд, Хива ёдгорликлари, Тошкентнинг замонавий архитектураси, Жиззахнинг тарихий ёдгорликлари,

<sup>19</sup> International trade statistics 2011. World Trade Organization. Switzerland, 2011. P. 219, 223.

Зарафшон водийлари, Фарғона ва Чирчиқ водий воҳаларидир. Бу туризм объектларининг ҳар бири ўзбек халқининг кўп асрлик маданий тарихидир. Ҳозирда Ўзбекистонда 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд.

Ўзбекистондан оқиб чиқувчи туристлар тузилмасининг таҳлиллари мамлакатда тижорат туризмнинг юқори даражада ривожланиб бораётганидан далолат беради. Лекин бу масалада жиддий қийинчиликлар мавжуд бўлиб, туризм ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши зарур.

Кўпгина тарихий диққатга сазовор жойларни, қадимий ёдгорликларни ҳисобга олганда бу соҳадаги мамлакат салоҳияти жуда катта. Аммо шу билан бирга мамлакатда зарурий молиявий ресурслар ва етарлича ривожланган туризм инфратузилмаси мавжуд эмас. Шунинг учун бу соҳага хорижий капиталнинг оқиб келиши иқтисодий манфаат касб этади. Бу соҳадаги ҳамкорлик ўз натижаларини бермоқда: Тошкентда ва Самарқанд шаҳарларида ҳамда бошқа вилоятларда халқаро компанияларнинг капитали ҳисобига янги меҳмонхоналар қурилиб, эскиларини қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон меҳмонхоналарида ўртача ходимлар сони Европа мамлакатларидаги меҳмонхоналарга қараганда 2–3 баробар кўп. Масалан, скандинавияда ҳар 100 та хонага 44 та ходим, Англияда 90 та, умуман, континентда эса 60–70 та ходим ишлайди. Ўзбекистон ва ривожланган мамлакатлар бўйича бир меҳмонхона ишчисига тўғри келувчи даромадлар ҳақидаги маълумотларни солиштириш қийин ҳисобланади. Масалан, Европада бу кўрсаткич йилга хона хизматини кўрсатишда 90 минг АҚШ долларини, умумий овқатланиш корхоналари бўйича 42 минг АҚШ долларини, телефон хизматларини кўрсатиш бўйича 120 минг, кўшимча хизматлар кўрсатиш бўйича 60–70 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар меҳмонхона хўжалигининг меҳмонлар билан тўлиши ўртача йиллик 65,9% ва ўртача меҳмонхонада туриш тарифи 77,5 АҚШ доллари эканлигини ҳисобга олган ҳолда келтирилган.<sup>20</sup>

Ўзбекистон туризм маъмурияти олдига қуйидаги устувор вазифалар қўйилган: биринчи навбатида, миллий меҳмонхона стандартларини ишлаб чиқиш, жойлаштириш воситаларини таснифлаш, туризм қонунчилигини келгусида такомиллаштириш ва туризм статистикасининг янги услубларини жорий қилиш, туристик расмийчиликни соддалаштириш ва эркинлаштириш, Туризмни ривожлантириш фондиди ташкил қилиш, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда кадрларни тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодчиларининг фикрича, жаҳон хўжалигида туризм соҳасини ривожлантиришнинг турли иқтисодий моделлари амал қилади: марказлашган, бозор ва монетар модел.

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг бозор модели хусусий эгаликдаги ишлаб чиқариш воситалари тақлифига ва талабнинг ўзгариш тузилмасига

<sup>20</sup> [www.rhd.uz](http://www.rhd.uz).

таянади. Бу моделдаги бозор муносабатлари элементлари турли хил туризм хизматларининг олди-сотди жараёнида кенг қўлланилади.

Туризм соҳасида бозор иқтисодийгини монетар тартибга солиш концепцияси тариф нархларини ва инвестицияларни тартибга солишни кўзда тутлади. Молиявий-кредит механизмини тартибга солиш орқали туризмнинг ривожланиш самарадорлиги таъминланади. Монетар услуб ёрдамида туризм ривожланишининг биринчи шарт хўжалик юритиш соҳасида ўзини ўзи тартибга солувчи бозор иқтисодийгининг амал қилиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг монетар иқтисодий моделини яратишдаги биринчи қадам сифатида туризмни ривожлантиришнинг марказлашган модели натижаси сифатида “Ўзбектуризм” миллий компанияси ташкил қилинди.

Биз туризм монетар моделининг Туркия ривожланиш услубидан фойдаланишимиз зарур, унда турли йўналишларнинг миллий хусусиятларидан кенг фойдаланилади. Масалан, Туркияда французлар, немислар, араблар, африкаликлар ва бошқалар учун туризм марказлари мавжуд. Миллий йўналишлар ривожланишининг устунлиги шу миқдорда унинг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиб юқори даражада қулайлик яратиш ҳисобланади.

Туризмни ривожлантириш турк моделининг кейинги ўзига хос хусусияти – бу ихтисослашган йўналишлар бўйича, яъни нафақат туристлар тилини билиш, балки миллий хусусиятларни, урф-одатларни билиш бўйича кадрларни тайёрлашдир. Масалан, Англияда фақат Германия туристларига хизмат кўрсатувчи 50 дан ортиқ фирмалар мавжуд. Бу фирмаларнинг барча ишчилари уларнинг тилларини, миллий хусусиятларини ва эҳтиёжларини билишади. Туризмни ривожлантириш турк моделининг енгиллаштирилган шакли туризм шакллари, яъни экскурсия, савдо, иш, тоққа чиқиш, оилавий, шахсий саёҳатлар ва бошқалар бўйича ихтисослашган фирмаларни ташкил қилиш ҳисобланади.

Республикамизда бундай ихтисослашув замонавий талабларга жавоб бермайди, яъни фирмалар туризмнинг барча шакллари билан шуғулланишади.

Туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири Самарқанд, Бухоро ва Хива туризм объектларини реклама қилиш ҳисобланади. Бу билан “Ўзбектуризм” МК қошидаги махсус фонд шуғулланиши зарур. Кучли рекламасиз Ўзбекистонга туристларни жалб қилиш мумкин эмас.

“Ўзбектуризм” МК маълумотларига кўра бугунги кунда давлат туристик компанияси хизматларидан фойдаланувчи битта туристга хусусий фирма хизматларидан фойдаланувчи 45 та турист тўғри келади.

Республикада туризм ривожланишининг монетар тартибга солиш концепциясини амалга ошириш фақат туризм соҳасида ўзгаришларни таъминловчи бир қанча молиявий-кредит механизмларидан фойдаланиш мавжуд бўлган ҳолда бўлиши мумкин.

Туризм фирмалари иқтисодийтини тартибга солишнинг монетар модели талабларига жавоб берувчи ўзига хос туристик фирмаларни солиққа тортиш тизимини ишлаб чиқиш зарур. Амал қилувчи солиққа тортиш тизими туристларга турли хил хизмат кўрсатишни рағбатлантирмайди. Шунинг учун юқори даражадаги меҳмонхоналарни, кемпингларни ва бошқа туризм меҳмонхона объектларини қуриш учун туризм соҳасидаги хорижий капитал ва технологиялардан фойдаланишнинг мақсадли комплекс дастурини ишлаб чиқиш зарур. Хорижий капитал ёрдамида экскурсия учун тарихий, архителктура объектларини қайта таъмирлаш керак.

Халқаро туризмни ривожлантиришнинг монетар концепциясини амалга оширишнинг биринчи босқичи Ўзбекистонга хорижий туризмни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини яратиш ҳисобланади. Бу туризм ва экскурсиялар бўйича қўшма корхоналарни ташкил қилиш, туризм саноатининг хорижий кредитидан ва технологияларидан фойдаланишни талаб қилади.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг куйидаги устувор чораларни амалга ошириш керак:

- мамлакат ОЎЮларида, айниқса, туризмни ташкил қилиш ва иқтисодиёти бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш;

- туризм бўйича турли мулк шаклларини ва туризм хизматларининг бозор инфратузилмасини яратиш учун туризм бўйича 50% мулкни хусусийлаштириш;

- туризм хизматларига эркин келишилган тариф ва нархларни жорий қилиш, турли хизматлар кўрсатилиш миқдорини ва сифатини тартибга солиш имконини беради ва ишчиларни манфаатдор қилади.

### **Асосий тушунчалар**

**Хизматлар** – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги келишув муносабатлари асосида бошқа шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган (меҳнат қонуний муносабатлари асосидаги фаолиятдан ташқари) фаолият.

**Хизматлар** – бу жамият, уй ҳўжалиги аъзолари, турли корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг эҳтиёжларини қондирувчи моддий-ашёвий шаклга эга бўлмаган иқтисодий фаолият.

**Савдо қилинмайдиган хизматлар** – ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи бир мамлакат резиденти ҳисобланган ва ишлаб чиқарилган мамлакатда истеъмол қилинадиган хизматлар.

**Савдо қилинадиган хизматлар** – бир мамлакат резиденти томонидан ишлаб чиқариладиган ва бошқа мамлакат резиденти томонидан истеъмол қилинадиган хизматлар.

**Омилли хизматлар** – ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати натижасида юзага келувчи хизматлар.

**Омил бўлмаган хизматлар** – уларга транспорт, туризм ва бошқа номолиявий хизматлар киради.

**Халқаро транспорт хизматлари** – бир мамлакат резидентининг иккинчи мамлакат резидентига барча турдаги транспорт воситалари бўйича кўрсатадиган хизматлари.

**Ресурслар асосида ишловчи тармоқлар** – хомашёни ташиш харажатлари тайёр маҳсулотни ташиш харажатларидан қимматга тушадиган тармоқлар.

**Бозорга йўналтирилган тармоқлар** – тайёр маҳсулотни ташиш харажатлари хомашёни ташиш харажатларидан қимматга тушадиган тармоқлар.

**Эркин йўналтирилган тармоқлар** – ресурсларга ҳам, бозорларга ҳам йўналтирилмаган ҳудудий ҳаракатчан тармоқлар ҳисобланиб, одатда, уларга қиммат турувчи, аммо енгил тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради.

**Халқаро сафарлар** – саёҳатчилар томонидан хорижда сотиб олинган товарлар ва хизматлар йиғиндиси.

**Саёҳатчи** – ўзи резидент ҳисобланмайдиган мамлакатда бир йилдан кам муддатда бўлган, бошқа мамлакатнинг давлат ташкилоти хизматчиси ёки оила аъзоси бўлмаган ва резидент учун ёлланиб ишламаганлар киради.

**Умумий мажбуриятлар** – мумкин қадар қулайлик режими бўлиб, бу режим аъзо мамлакатларнинг миллий хизматлар бозорига киришида тенг ҳуқуқлилиқни таъминлайди.

**Махсус мажбуриятлар** – у ёки бу мамлакат хизматлар бозорига кириб боришнинг аниқ шартлари билан боғлиқ мажбурият.

#### **Назорат саволлари:**

1. Халқаро хизматлар деганда нимани тушунасиз?
2. Халқаро хизматларнинг қандай турлари мавжуд?
3. Халқаро иқтисодий ташкилотлар хизматларни қайси мезонлар асосида гуруҳлайди?
4. Халқаро хизматлар бозорининг ривожланишига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
5. Халқаро хизматлар бозорининг ривожланиш тамойилларига баҳо беринг.
6. Халқаро транспорт хизматларининг хизматлар бозоридаги ўрни ва таркиби қандай?
7. Туризм хизматларининг халқаро хизматлар бозоридаги ўрнига баҳо беринг.
8. Халқаро хизматлар савдоси қандай усуллар ёрдамида тартибга солинади?
9. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш истиқболларига баҳо беринг.



### 25.1. Интеллектуал мулк тушунчаси

Бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнида инсон салоҳияти, тафаккури маҳсули сифатида интеллектуал мулк объектларининг ўрни ва вазифаси муҳим аҳамиятга эга. Интеллект лотинча сўздан олинган бўлиб, “ақл”, “тафаккур”, “англаш” маъноларини билдиради. Интеллектуал мулк объектлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, улардан тижорат мақсадида фойдаланиш самарадорлиги саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар амалиётида ўз исботини толган.

XVIII–XIX асрларда “Интеллектуал мулк” атамаси ҳуқуқшунослар ва иқтисодий назария соҳа вакиллари ўртасида эпизодик тарзда қўлланилган бўлса, XX аср ўрталарига келиб кенг қўлланила бошланди.

**Интеллектуал мулк** – берилган маҳсулотлардан фойдаланиш, алмаштириш ва яратиш муносабатларини бошқарувчи, ҳуқуқий асосда амалга ошириладиган ижодий фаолият маҳсулотига эгаллик.

Интеллектуал мулк ижодий фаолият натижаси сифатида янги объектларнинг вужудга келиши ва ҳуқуқ доирасининг кенгайишига олиб келди. Масалан, XX асрнинг охириги ўн йиллигида интеграл микросхемалар топологияси ҳуқуқи пайдо бўлди.

Интеллектуал мулк институтининг шаклланиши ўзига хос тарихга эга. Биринчи патент 1421 йил Флоренцияда берилган. Ихтиро учун бериладиган патент ҳақидаги илк қонун 1623 йил Англияда қабул қилинган “Монополиянинг ўрни ҳақида”ги қонун ҳисобланади. Ихтиро учун эгаллик ҳуқуқининг ўрнатилиши 1790 йилдаги АҚШ Федерал ва 1791 йилда Франциядаги Патент қонунлари билан боғлиқдир. XIX асрнинг ўрталарида патент қонунлари Европанинг аксарият давлатларида қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддаси мулк ҳуқуқини шахснинг ўзига қарашли бўлган мол-мулкка ўз ихтиёри билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, ўзининг мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи сифатида белгилайди. Ушбу кодекснинг 169-моддасида интеллектуал мулк объектлари шахснинг мулки бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар интеллектуал мулк сифатида ажратилади:

– Муаллифлик ҳуқуқи. Муаллифлик ҳуқуқи адабиёт, санъат ва илмий асарларни яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади. Муаллифлик ҳуқуқи асосида қайсидир объектив шаклда мавжуд бўлган ижодий фаолиятнинг асл натижасини билдирувчи “асар” тушунчаси ётади. Айнан шу объектив шакл муаллифлик ҳуқуқида муҳофоза қилиш предметиدير. Муаллифлик ҳуқуқи фактларга,

очвишларга, принципларга, концепцияларга, усулларга, тизимларга, жараёнларга, услубларга ва ғояларга нисбатан жорий этилмайди.

– Турдош ҳуқуқ. Муаллифлик ҳуқуқини бериш учун ижоди етарли бўлмаган фаолиятлар учун муаллифлик ҳуқуқи намунаси бўйича XIX аср боши–XX аср иккинчи ярмида яратилган алоҳида ҳуқуқлар гуруҳидир. Турдош ҳуқуқлар тузилиши мамлакатларда турлича бўлади. Кенг тарқалганлари сифатида мусикачи-ижрочи, фонограмма тайёрловчи ва эфирга узатишни ташкиллаштирувчиларни кўрсатишимиз мумкин.

– Патент ҳуқуқи – ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделларга патент бериш йўли билан муҳофаза тартибини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар тизими.

– Саноат намуналари сифатида саноат ёки касаначиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни янги ва асл тасвирий-конструкторлик ташқи кўринишини аниқлайдиган ечимни муҳофаза қилиши мумкин.

– Товар белгилари. Интеллектуал мулк объектлари гуруҳини ягона ҳуқуқий маркетинг белгиларини муҳофаза қилиш институтига бирлаштириш мумкин бўлган ҳуқуқ бўлиб, қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади: товар белгиси, хизмат белгилари, фирма номлари, товар келиб чиққан жой номлари.

– Ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау) – бу ихтиёрий кўринишдаги маълумот бўлиб, тижорат сирини даражасида муҳофаза қилинади ва олди-соғди ёки рақобатчи устидан ғалаба қозониш учун фойдаланиладиган предмети бўлиши мумкин.

– Селекция ютуқлари – янги ўсимлик нави ёки ҳайвон турларини яратиш, уни бу янгиликларни муҳофаза қилиш ҳуқуқи.

Ҳар бир интеллектуал мулк объекти муҳофаза қилинади. Муҳофаза Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Берн Конвенцияси, Саноат мулкни ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси, Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битими, Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (РСТ), Товар белгиларига оид қонунлар тўғрисида шартнома (ТЛТ), Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома, Ўсимликлар янги навларини ҳимоя қилишга оид халқаро конвенция (UPOV), Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси, Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларнинг халқаро таснифи тўғрисидаги Ницца битими, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими, Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими ва бошқа халқаро битим ҳамда шартномалар орқали бажарилади. Интеллектуал мулк савдосида кўп томонлама шартномалар юқорида келтирилган битим ва шартномалар асосида амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳужжатларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- Патент – патент эгасининг ихтиро, саноат намунаси, фойдали модель, селекция кашфиётига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

- Товар белгисига гувоҳнома – гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгиси эгасининг мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

- Товар келиб чиққан жой номларига гувоҳнома – гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланишга оид гувоҳнома эгасининг ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

- ЭХМ учун дастур ёки маълумотлар базасига гувоҳнома – рўйхатдан ўтказилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

- Топологияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ҳуқуқ эгасининг топологиядан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқлайди.

## 25.2. Интеллектуал мулк савдосининг тартибга солиниши

Интеллектуал мулк объектларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш бу жараёни ҳуқуқий тартибга солиш ва муҳофаза қилишни талаб этади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқлардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳажми, микёси йилига юзлаб миллиард долларни ташкил этади.

Тақдирлар кўрсатишича, жаҳон савдосининг 5–7% гача бўлган қисми қалбаки ва ўғирланган маҳсулотлардан иборат бўлмоқда. Европа Иттифоқи комиссиясининг ҳисоб-китобига кўра, ушбу маҳсулотларнинг қиймати 200 млрд. евродан 300 млрд. еврога етади ва ўртача 200 минг ишчи ўрни йўқотилади (25.2.1-жадвал).

### 25.2.1-жадвал

#### Халқаро ташкилотлар томонидан қалбаки ва ўғирланган маҳсулотлар улушининг баҳоланиши<sup>1</sup>

ТАШКИЛОТ	БАҲО
Умумжаҳон божхона ташкилоти	Жаҳон савдосининг 5% га яқин қисми қалбаки маҳсулотлардан иборат.
Европа Иттифоқи комиссияси	Жаҳон савдосининг 5–7% гача бўлган қисми қалбаки маҳсулотлардан иборат бўлиб, уларнинг қиймати йилига 200–300 млрд. еврогача етади ва 200 минг ишчи ўрни йўқотилади.
Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти	Жаҳон савдосининг 5% га яқин қисми қалбаки маҳсулотлардан иборат.

<sup>1</sup> [http://europa.eu.int/comm/internal\\_market/en/intprop/indprop922.htm](http://europa.eu.int/comm/internal_market/en/intprop/indprop922.htm).

Интеллектуал мулк савдоси халқаро конвенциялар, битимлар, келишувлар ва шартномалар асосида халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солинади. Ушбу тизим самарали ташкил этилганлиги сабабли интеллектуал мулк объектлари савдосидан катта миқдорда даромад олинмоқда, гоълар, ишланмалар ва шахсий мулккий ҳуқуқлар ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида катта улушга эга бўлмоқда.

Интеллектуал мулк савдоси қуйидаги кўптомонлама шартномалар орқали тартибга солинади:

1. Саноат мулкани ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси – 1883 йил 20 март Парижда имзоланган. 1900 (Брюссель), 1911 (Вашингтон), 1925 (Гаага), 1958 (Лиссабон), 1967 (Стокгольм) йилларда қайта кўриб чиқилган ва 1979 йил 2 октябрда ўзгартиришлар киритилган янги наشري эълон қилинган. Париж конвенциясининг асосий мақсади интеллектуал мулк ҳисобланган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номлари, келиб чиқиш жой номларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

2. Фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш Берн Конвенцияси – 1886 йил 9 сентябрда имзоланган. Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат сифатида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилади.

3. Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битими ҳам интеллектуал мулк кўринишларини ҳимоя қилади ва 1891 йил 14 апрелда имзоланган ҳамда 1900 йил 14 декабрь Брюсселда, 1911 йил 2 июнь Вашингтонда, 1925 йил 6 ноябрь Гаагада, 1958 йил 31 октябрь Лиссабонда, 1967 йил 14 июль Стокгольмда қайта кўрилган. Бу битим имзолаган давлатда белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Махсус иттифоқ тузилади. Бу иттифоқ мамлакатда БМИТ билан келишилган ҳолда белгиларни рўйхатдан ўтказилади.

4. Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (РСТ) 1970 йил 19 июнда Вашингтонда имзоланган. 1979, 1984, 2001 йилларда қайта кўриб чиқилган ва ўзгартиришлар киритилган.

5. Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларни халқаро таснифи тўғрисидаги Ницца битими – 1957 йил 15 июнда Ниццада имзоланган. 1967 йил Стокгольмда ва 1977 йил Женевада қайта кўриб чиқилган.

6. Товар белгиларига оид қонунлар тўғрисидаги шартнома (ТЛТ) – 1994 йил 27 октябрда Женевада имзоланган.

7. Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими – 1971 йил 24 март Страсбургда имзоланган. Ушбу битим яратилаётган ихтироларни таснифлаш ва уларга патент бериш бўйича ҳуқуқларни ҳимоя қилади.

Қайд этиб ўтилган битим ва конвенциялар билан бир қаторда Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома, Ўсимликларнинг янги навларини ҳимоя қилишга оид халқаро конвенция (UPOV), Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш

тўғрисидаги Будапешт шартномаси, Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локарно битими, Аудиовизуал асарларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги шартнома, Олимпия белгиларини ҳимоя қилиш Вашингтон шартномаси ва бошқалар.

Халқаро технологияларни, жумладан, интеллектуал мулкларни узатишда уч ташкилот – ЖСТ, БИМТ ва БМТ тараққаёт дастури таҳлил қилиш ва тартибга солишни амалга оширади, уларнинг биринчи иккитаси асосан технологияларни узатишнинг халқаро битимлари борасида, учинчиси халқаро техник ҳамкорликни кўптомонлама молиявий канали сифатида иштираётган эди.

Интеллектуал мулк савдосининг ҳуқуқий жиҳатдан боғлиқ ЖСТ битими (TRIPS) 1995 йил кучга кирган интеллектуал мулкни тартибга солиш бўйича энг мақбул халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. ЖСТ битимлари каби уни бу битим интеллектуал мулкнинг хориж ҳуқуқлари муносабатларида миллий тартибда қўлланилишини кўзда тутган. У копирайт, тижорат маркалари ва белгилари, географик номлар ва саноат дизайнлари масалалари билан шуғулланади. Битим интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича ЖСТ аъзоларининг минимал мажбуриятларининг стандартларини аниқлашни, ЖСТ тизими орқали интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ҳуқуқи механизмиди ва шу соҳадаги низоларни ҳал этиш тартибиди, ҳимоя қилиш предметиди ва минимал давомийлигини амалга оширади. ЖСТга аъзо мамлакатларга Саноат мулкиди ҳимоя қилиш бўйича Париж, Фан, адабиёт ва санъат асарлариди ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенцияларида қўйиладиган минимал стандартлар риоя қилишлари керак.

Интеллектуал мулкни дунёда ривожлантириш ва уни ҳимоялаш билан 1964 йилда ташкил этилган ҳамда 1974 йилда БМТнинг ихтисослаштирилган идораси мақомига эга бўлган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) шуғулланади. БИМТ янги имзоланган халқаро битимларни ва миллий қонунчиликни модернизациялашни қўллаб-қувватлаш, давлатлараро ташкилий ҳамкорликни ташкиллаштириш, ихтиролар, белгилар ва саноат намуналариди халқаро ҳимоялашни енгиллаштириш учун ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам ва хизматларни тақдим этиш каби вазифаларни бажаради. БИМТ қошида арбитраж ва даллолик марказлари мавжуд. 1999 йилдан бошлаб Интернет тармоғида кенг тарқалган типик домен номларидан (.com, .net, .org) фойдаланиш ва рўйхатдан ўтказиш вақтида вужудга келган низоларни ҳал этиш хизматлариди кўрсатмоқда. БИМТ интеллектуал мулк соҳалариди тўлиқ қамраб олган 21 та битим ёрдамида бошқаради ва бу битимларга Саноат мулкиди ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенцияси (1883), Фан, адабиёт ва санъат асарлариди ҳимоя қилиш бўйича Берн конвенцияси (1886), Келиб чиқиш жой номлари ва уларни халқаро рўйхатдан ўтказиш бўйича Лисабон битими (1958), Саноат намуналариди депонентлаштиришди халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Гаага битимлариди (1934) киритиш мумкин.

Мисол тариқасида, БИМТнинг техник бошқарувида Берн конвенцияси доирасида фонограмма ишлаб чиқарувчиларни фонограмманинг тартибсиз тарқалишидан ҳимоя қилувчи шартнома мавжуд. БИМТни Берн ва Париж конвенцияларини имзолаган мамлакатлардан ташкил топган Бош ассамблея бошқариб, у томонидан сайланган бош директор ва 68 мамлакат вакилларидан иборат йўналтириш қўмитасидан иборат бўлади.

2000 йилда БИМТ ривожланишда интеллектуал мулкнинг аҳамиятини тушунириш мақсадида Халқаро интеллектуал мулк кунини таъсис этди. БИМТ Бош директори Фрэнсис Гаррининг таъкидлашича, “2009 йилда Халқаро интеллектуал мулк кунини Бутунжаҳон интеллектуал мулк тизимининг соф технологияларини яратиш, тарқатиш ва қўллашни рағбатлантиришга; яратиш вақтидан чиқитга чиққунга қадар атроф-муҳитга ижобий таъсир қилувчи маҳсулот яратишга йўналтирилган экологик дизайнга қўмаклашишга; истеъмолчиларга ахборот таъминоти амалга ошириш ва компанияларга рақобат афзалликларини тақдим этишга ёрдам берадиган яшил брендингга қўшадиган ҳиссасига қаратмоқда”<sup>2</sup>. Яъни, 2009 йилда устуворлик яшил инновацияларга берилган.

2009 йилнинг январий ҳолатига кўра, БИМТга жаҳондаги 180 дан ортиқ давлат аъзо бўлган.

БМТ Тараққиёт дастури – (UNDP) 1965 йилда ташкил этилган бўлиб, техник ёрдамни ривожлантириш учун кўптомонлама шартномаларни молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Тахминан ҳар йили 1 млрд. доллар миқдорига бўлган маблағни БМТга аъзо давлатлар ўз ихтиёрлари билан тақдим этишади. БМТ Тараққиёт дастурининг асосий вазифаси ривожланаётган давлатларга инсон капиталини ривожлантиришда, камбағалликка қарши курашда, атроф-муҳитни яхшилашда, бўш иш жойлари билан таъминлашда, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Дунё бўйлаб 132 та идораси ва 30 дан ортиқ халқаро ва ҳудудий ташкилотлар экспертизасидан фойдаланиб, БМТ Тараққиёт дастури маълум бир мамлакатларга технологияни узатиш ва мослаштиришда, камбағалликни йўқотишда, табиий ресурсларга ишлов бериш, ривожланаётган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги таъминлашда, ОИТСга қарши курашда техник ёрдам кўрсатади.

### **25.3. Жаҳонда интеллектуал мулк савдосининг ривожланиш тенденциялари**

Бугунги кунда интеллектуал фаолият, инновация, тажриба натижалари алоҳида ўрин тутмоқда. Интеллектуал фаолият ишлаб чиқаришнинг, иқтисодийётнинг бир меъёрида ва жадал ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон бозорининг янги сектори –

---

<sup>2</sup> [www.patent.uz/istoriya\\_uz](http://www.patent.uz/istoriya_uz)

интеллектуал мулк бозори, борган сари савдо айланмаларида янги объектларни ўзида мужассамлаштириб, барқарор суръатларда ривожланиб бормоқда, Интеллектуал мулк жаҳон иқтисодий ўсишининг энг чуқур жараёнларига интенсив таъсир қилиб, жаҳон меҳнат бозорининг янги йўналишларини ташкил топишига имкон бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлган Европа давлатлари ҳамдўстлиги – Европа Ҳамкорлиги ҳам интеллектуал мулкка бўлган эътиборини кучайтирмоқда. 2008 йил май ойида Брюсселда бўлиб ўтган контрафакт ва қароқчилик бўйича Конференцияда “Хитой ва Ҳиндистон каби янги иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга қарамасдан Европа дунёда йирик интеллектуал мулк экспортёри бўлиб, унинг дунё экспортидаги улуши ошиб бормоқда. ЕҲ рақобатбордошлигининг асосий кўрсаткичи нимада? Бу нарх эмас. Нарх кўрсаткичига таяниб Европа рақобат қилиши даргумон. Европа ўз мавқеини жаҳон бозорида баланд нархлар билан сақлаб қолишининг сабаби, ультразамонавий экологик технологиялардан фойдаланиб куёш батареялари, дизайнли сумкалар, камамбер пишлоқларининг сифати, товар белгилари, яхши ғояларни сифатли товарларда юзага чиқаришидан иборат”<sup>3</sup>.

Бу борада АҚШ, Осиё давлатларида интеллектуал мулк яратиш, технологияларни узатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Буни ХХ асрнинг 90-йиллардаги баъзи мамлакатлар эришган иқтисодий ривожланишида кўришимиз мумкин. Билимларнинг жадал ривожланиши интеллектуал мулкка нисбатан сиёсатнинг ўзгаришига ва интеллектуал активларни бошқаришнинг янги амалиёти қўлланилишига олиб келди. Бу ўзгаришлар янги юқори технологияларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди.

Баъзи ривожланган мамлакатлар “чет элдаги интеллектуал мулк ҳуқуқи муносабатларида қароқчилик йўлини қўллашга ўтишган” бир вақтда, интеллектуал мулк ривожланиш аҳамиятининг ва 90-йиллар бошида глобал савдонинг янги характерига интеллектуал мулк савдоси ҳуқуқи сиёсати ўртасидаги алоқа ўрнатилди. Бу борада Уругвай раундида TRIPS орқали интеллектуал мулк савдосида кўптомонлама шартномалар ҳуқуқлари белгиланди.

Шу тариқа бутун дунё фирмалари, жумладан, Япония, АҚШ ва Европа давлатларига хос бўлган ўзининг ихтироларини патентлашга мойиллик туғилди. Масалан, Японияга биринчи миллион патентларини бериш учун 95 йил, кейинги миллионинчи патент учун 15 йил вақт керак бўлди. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам патентларни бериш талаблари ўсиб бормоқда (25.3.1-расм).


---

<sup>3</sup> Barroso, J. M. D. Counting the Cost of Counterfeits: Fakes Cost More: Speech at the Global Anti-Counterfeit Summit, Brussels, 10 March 2008.



**25.3.1-расм. Алоҳида ривожланаётган мамлакатларда патент талабномаларининг умумий сони<sup>4</sup>**

БИМТ бажараётган маъмурий вазифаларнинг Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома асосида тушган патент миқдори халқаро патентлар талабининг умумий сони билан мос тушади. 250000 та талабномалар олиш учун 18 йил ва шу сонни икки бараварга кўпайтириш учун атиги 4 йил вақт керак бўлган (25.3.2-расм).



**25.3.2-расм. Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома асосида берилган талабномалар ўсиш динамикаси<sup>5</sup>**

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг берган маълумотларига кўра, 2007 йилда халқаро миқёсда халқаро патент талабномалари 156100 тага етиб, унинг асосини АҚШ, Япония, Германия, Корея, Франция, Буюк Британия, Хитой, Нидерландия, Швейцария, Швеция, Италия, Канада, Австралия, Финляндия, Исроил ва бошқа давлатлар фуқаролари томонидан тақдим этилган талабномалар ташкил этди. Масалан, 2007 йилда АҚШ 52 000, Япония 27 731, Германия 18 134 минг ихтирога патент бериб, уларни фуқаролик муомаласига киритди<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Идрис К. Интеллектуальная собственность: мощный инструмент экономического роста. Обзор. 2003.

<sup>5</sup> Ушча манба.

<sup>6</sup> [www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2008/article\\_006.html](http://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2008/article_006.html)



Интеллектуал мулк савдосида интеллектуал мулкнинг қуйидаги шакллари, жумладан, патент, товар белгилари, товар чиққан жой номлари, селекция ютуқлари ва бошқалар, ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиб савдолар амалга оширилади.


Патент тизими техник ва тадбиркорлик рақобатини келтириб чиқаради, чунки патент эгаси ўзининг ихтиросини батафсил ёритиб бериши зарур, бу эса маълум вақтда ушбу ихтиродан фойдаланиш имкониятини беради. Натижада патент эгаси ва унинг рақобатчилари ихтирони такомиллаштиришга ёки янги кашфиётлар қилишга ҳаракат қилишади. Масалан, 1896 йил Сакаши Тойота Европада фойдаланилган олдинги машиналарга ўхшаш механик тикув машинасининг такомиллаштирилган кўринишига патент олади. Ўттиз йилдан сўнг Сакаши автоматлаштирилган тикув машинасини яратишга муваффақ бўлади. Бу ихтирони тўлдирувчи ҳамда такомиллаштирувчи яна кўп патентлар олинади ва ниҳоят 1924 йили бозорда G типидagi Toyota автоматлаштирилган тикув машиналари чиқади. Сакашининг ўғли Киширо Тойота автоматлаштирилган тикув машиналарини сотиш учун “Длатт Бразерс” компанияси билан шартнома тузади. “Длатт Бразерс” компанияси Тойотага 100000 фунт стерлинг тўлаб, эвазига автоматлаштирилган тикув машиналарини ишлаб чиқариш ва Япония, АҚШ ҳамда Хитой давлатларидан бошқаларига сотиш ҳуқуқини олади. Бу илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш учун инвестицияни олиб кириш учун катта капитални таъминлади. Тойота 100000 фунт стерлингни компания автомобилларини ишлаб чиқариш учун биринчи капиталига ва тадқиқотларни молиялаштиришга қаратди. Бугунги кунга келиб эса Тойота компанияси дунёнинг автомобилсозлик соҳасида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда<sup>7</sup>.

Патент ахборотлари технологияларни узатишни осонлаштиради ва инвестициялар оқимини жадаллаштиради. Патент маълумотлар базаси ёрдамида лицензиялаш ва ҳамкорлар топишга ёрдам беради. Бир тадқиқот натижасига кўра АҚШнинг 67% компаниялари ўзлари ишлата олмайдиган технологик активларга (умумий ҳажми 115 млрд. дан 1 триллион АҚШ долларга баҳоланади) эгадирлар. 100 млрд. АҚШ доллари атрофидаги сумма ҳаракатсиз инновациялар учун Интеллектуал мулк компаниялари папкаларида музлатилган ҳолда сақланади. Интеллектуал мулк, илмий тадқиқот ва қайта ишлаш учун давлат томонидан молиялаштириладиган университетлар, илмий текшириш марказлари ўртасида жуда муҳим боғланиш бор. Бу борада бир ташкилот давлат томонидан ажратилган молиявий маблағлар орқали ихтироларга патент ёки лицензия олишлари мумкин. Бу эса ташкилотнинг лицензия ёрдамида даромад олиши ва бу даромаддан унумли фойдаланиб, янги тадқиқотлар олиб бориши учун имконият яратади. Масалан, АҚШда 80-йилларга келиб ҳукумат томонидан федерал бюджетдан молиялаштирилган университетларга ва кичик ташкилотларга ихтиролари учун эгаллик қилиш, ихтироларни сотиш жараёнида бевосита қатнашиш тўғрисида қонун қабул

<sup>7</sup> Ўши Т. Премьяленные инновации в Японии и роль систем: конкретное исследование на примере Toyota. Сент-Луис, Массури, 2000. С. 26.

қилинди. Бу университетлар ва саноат корхоналари ўртасида технологияларни узатиш суръатини жадаллаштириб юборди.

Қуйидаги статистик маълумотда (25.3.4-расм) муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимоя қилинадиган тармоқлар ҳақида тасаввур шаклланади. Мисол учун, 2001 йилда АҚШ муаллифлик ҳуқуқлари билан ҳимоя қилинадиган асосий саноат тармоқлари мамлакат иқтисодиётига умумий ҳажмда 791,2 млрд. доллар миқдорда ҳисса қўшди, бу эса ЯИМга нисбатан 7,7% ни ташкил қилди.



**25.3.4-расм. Муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган саноат тармоқларининг ЯИМдаги улуши, фоиз ҳисобида<sup>8</sup>**

Товар белгилари франчазининг асосий элементларидан ҳисобланади. Франшиз халқаро ассоциацияси берган маълумотларига қараганда, АҚШ улгуржи савдосининг учдан бир қисмини, жумладан, “Макдонольдс”, “Кока-кола”, “Дженерал моторс” ва “Ре-макс” товар белгилари ташкил қилади. Аксарият мамлакатларда товар белгиси ва франшизани биргаликда қўллаб самарали моделдан фойдаланишади.

#### **25.4. Ўзбекистонда интеллектуал мулк савдоси ҳуқуқий-институционал асосларининг такомиллашуви**

Мустақиллик йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фарб мамлакатларида қабул қилинган қонунчиликка мос келувчи интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш сиёсатини олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур соҳага оид эллиқдан ортиқ қонуний ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон 1991 йилнинг 25 декабридан эътиборан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (БИМТ) аъзоси бўлди. Шу билан бирга Ўзбекистон Халқаро битимлар ва Конвенциялар қатнашчиси. Жумладан, Берн Конвенцияси – муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан биридир. 2006 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонун халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мослаштирилди. Бу эса мамлакатимизда давлат ва ҳукуматимиз томонидан муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол

<sup>8</sup> [www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2008/article\\_006.html](http://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2008/article_006.html)

ифодасидир. Ўзбекистон Берн Конвенциясига (2005) аъзо бўлганидан ва тегишли Қонун (2006) қабул қилинганидан кейин Муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш агентлиги фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистонда фан-техника соҳасидаги интеллектуал мулк объектларининг салмоғи ортиб бормокда. Мисол учун 2003–2007 йилларда 7 мингдан ортиқ интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ 563 та шартнома тузилди<sup>9</sup>. 2010 йилда эса Давлат Патент идорасига интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш учун 5952 та талабнома топширилиб, Давлат реестрларида 2028 та объект рўйхатдан ўтказилди, муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк объектларига нисбатан 179 та ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари тузилди (25.4.1-жадвал).

25.4.1-жадвал

**Ўзбекистон Давлат Патент идорасида рўхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектларининг сони, 2010 й.**<sup>10</sup>

	Топширилган талабномалар	Рўйхатдан ўтказилган талабномалар	Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш бўйича шартномалар
Товар белгилари	4702	1381	160
Ихтиролар	632	192	8
ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар	299	277	3
Фойдали моделлар	175	78	2
Саноат намуналари	133	91	4
Селекция ютуқлари	11	10	2
Жами	5952	2028	179

Мустақиллик йилларида интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш учун 80 мингдан ортиқ аризалар берилган, 28 мингта объект рўйхатдан ўтказилган ва ҳуқуқий муҳофаза остига олинган. Муҳофаза қилинадиган интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни ўтказиш бўйича 3 мингга яқин шартнома тузилган<sup>11</sup>.

2009 йилда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, уларни амалга ошириш механизмлари янгидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини ривожлантиришнинг 2010–2015 йилларга мўлжалланган Концепцияси” да ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон қонунчилиги интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча жараёнларни тўлиқ қамраб олади. Масалан, Фуқаролик кодекси (6 бўлим, 60

<sup>9</sup> Интеллектуал мулк қонун химоясида// Халқ сўзи. 24 январь 2008 йил.

<sup>10</sup> www.patent.uz/uzb/stasi.

<sup>11</sup> Ершов А. Интеллектуальная собственность – золотой запас Узбекистана. 2007. С. 8.

боб) ва Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ алоҳида ҳолатлар ҳам кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 88-моддасига мувофиқ муаллифлик ҳуқуқи муаллиф вафот этгандан кейин 50 йилгача амалда бўлади ва бу «Адабий ва бадиий асарларни ҳимоялаш тўғрисида»ги Берн Конвенциясининг 7.1-моддасига мос келади.

Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги миллий қонунчилик босқичма-босқич равишда Жаҳон савдо ташкилоти меъёрлари ва талабларига мослаштириб борилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, Фуқаролик кодекси, «Муаллифлик ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурларни ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонунларга тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилиги интеллектуал мулкка оид қуйидаги категорияларни белгилаб беради:

– Муаллифлик ҳуқуқи (муҳофаза объекти: илм-фан, адабий ва бадиий асарлар, ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурлар) ва аралаш ҳуқуқ (фонограммалардан фойдаланиш).

– Кашфиётлар, саноат намуналари.

– Селекция ютуқлари.

– Ёпиқ (очилмаган) ахборотлар.

– Фирма номи, товар белгиси, товарнинг келиб чиқиши.

Муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқларнинг асосий соҳалари матбуот, дам олиш (аудио, видео, кино) соҳалари, компьютер дастурлари ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси ҳисобланмиш илм-фан, адабий ва бадиий асарлар ҳамда уларни акс эттириш усуллари (Фуқаролик кодексининг 1041-моддаси) нисбатан жорий этилади. Кашфиётларга нисбатан бериладиган патентдан фарқли равишда муаллифлик ҳуқуқи янгиликнинг ўзини эмас, балки янгиликни намойиш этиш усулини муҳофаза этади.

Аралаш ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлиб фонограммалар ишлаб чиқувчилар, ижрочилар ва тарғибот ташкилотларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқлардир.

Фирма номи, товар белгиси каби воситалар саноатнинг барча соҳаларида қўлланилади. Товар белгиси ва фирма номи ишлаб чиқарувчиларни индивидуаллаштириш учун хизмат қилади. Улар белгилар ёки символлар кўринишида бўлиб, ишлаб чиқарувчилар томонидан товарлар ва хизматларни идентификациялаш учун қайд этилади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ савдо белгиси эгасига товарлардан фойдаланишда тижорат мақсадларида истеъмолчиларни алдашнинг олдини олиш имконини беради. Товар белгисидан юридик шахс кейинчалик муддатини узайтириш имконияти сақланган ҳолда ўн йилгача фойдаланиши, фирма номини юридик шахс фаолияти тугагунча сақлаб

қолиши мумкин. Товар белгилари бўйича рўйхатдан ўтказилган белгилар сони 2004–2010 йиллар давомида 802 тадан 1381 тагача ортган (25.4.2-жадвал).

25.4.2-жадвал

**Ўзбекистонда 2006–2010 йилларда рўйхатдан ўтказилган  
товар белгилари сони<sup>12</sup>**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	Жами
Рўйхатдан ўтказилган белгилар	838	824	1085	1727	1381	6505
шу жумладан:						
Миллий талабнома берувчилар номига	267	446	991	840	852	3396
Хорижий талабнома берувчилар номига	557	639	736	648	529	3109

Хорижий талабнома берувчилар номига рўйхатдан ўтказилган товар белгиларининг энг кўп қисми АҚШ (169), Корея Республикаси (54), Польша (31), Россия Федерацияси (30) миллий талабнома берувчиларига тўғри келади. Бу мамлакат ларнинг субъектлари номига рўйхатдан ўтказилган товар белгилари хорижий талабнома берувчилар номига миллий процедура бўйича рўйхатдан ўтказилган товар белгиларининг 53,7% ини ташкил қилади. Ҳисобот йилида белгилар жами 50 мамлакатдан, 2009 йилда эса 44 мамлакатдан бўлган хорижий талабнома берувчилар номига рўйхатдан ўтказилган.

Товарнинг келиб чиқиши ёки унинг географик номи асосан вино, спиртли ичимликлар, пишлоқ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тааллуқлидир. Товарнинг келиб чиқиши ёки унинг географик номи товарнинг қайси ҳудудда ишлаб чиқарилганлиги, етиштирилганлиги ёки мазкур ҳудуднинг табиий шароитлари ва бошқа географик омилларига ишорадир.

Кашфиётлар асосан кимёвий воситалар, дори-дармонлар, электроника, саноат маҳсулотларига тегишли бўлиб, улар давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан патентланади. Патентлар кашфиёт эгасига кашфиётдан 20 йил мобайнида фойдаланиш, ишлаб чиқариш ёки сотиш бўйича тўлиқ ҳуқуқни беради. Патент олиш учун кашфиёт янгилик талабларига жавоб бериши керак. Кашфиёт сифатида қурилмалар, воситалар, ўсимлик ва жониворларнинг янги турлари, шунингдек, илгари маълум бўлган қурилма, восита ва усулларнинг янги турлари қабул қилиниши мумкин. Илмий назариялар ва математик методлар, хўжаликни бошқариш ва ташкил этиш методлари, шартли белгилар, қоидалар, алгоритмлар ва компьютер дастурлари (“Кашфиётлар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисидаги” Қонуннинг 5-моддаси) кашфиёт сифатида қабул қилинмаслиги мумкин. Ўзбекистонда 2010 йилда 192 та ихтиро рўйхатдан ўтказилган (25.4.3-жадвал).

<sup>12</sup> Асосий йўналишлар ва фаоллият натижалари. Йиллик ҳисобот. 20 йил. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, 2011. –Т., 2011. 45-б.

**Ўзбекистонда 2006-2010 йилларда рўйхатдан ўтказилган ихтиролар сони<sup>13</sup>**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	Жами
Рўйхатдан ўтказилган ихтиролар	272	312	288	235	192	1299
шу жумладан:						
Миллий талабнома берувчилар номига	161	128	114	129	111	643
Хорижий талабнома берувчилар номига	111	184	174	106	81	656
жумладан, РТС процедураси бўйича	104	174	162	98	71	609

Фойдали моделлар асосан саноатда механикани қўллаш соҳасида қўлланилади. Уларга ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметлари конструкцияси, уларнинг таркибий қисмлари киради. Шу тариха ҳуқуқий ҳимоя механика соҳасида моделлар ва дизайнларнинг функционал жиҳатларига тааллуқли бўлади. 2006–2010 йилларда Ўзбекистонда 362 та фойдали моделлар рўйхатдан ўтказилган. 2010 йилда рўйхатдан ўтказилган фойдали моделларнинг умумий миқдори ўтган йилга нисбатан 5,4% га кўпайди ва 78 тани ташкил этди, улардан 94,9% и миллий талабнома берувчилар номига рўйхатдан ўтказилди, қолган 5,1% и хорижий талабнома берувчилар ҳиссасини ташкил этди (25.4.4-жадвал).

## 25.4.4-жадвал

**Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар сонининг ўзгариши<sup>14</sup>**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	Жами
Рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар	35	70	105	74	78	362
шу жумладан:						
Миллий талабнома берувчилар номига	33	66	100	68	74	341
Хорижий талабнома берувчилар номига	2	4	5	6	4	21

Саноат намуналарида товарнинг эстетик жиҳатлари муҳим роль ўйнаган ҳолда, фойдали моделларда қурилмаларнинг аниқ конфигурациясига жиддий эътибор бериледи. Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда 2006–2010 йилларда 377 та саноат намуналари рўйхатдан ўтказилган.

Ҳисобот йилида рўйхатдан ўтказилган саноат намуналарининг сони ўтган йилдагига нисбатан деярли 28,2% га ортди ва 91 тани ташкил этди. Миллий талабнома берувчилар ҳиссасига рўйхатдан ўтказилган жами саноат

<sup>13</sup> Ўша манба. 30-б.<sup>14</sup> Ўша манба. 34-б.

намуналарининг 81,3% и тўғри келадики, бу 2009 йилга нисбатан 13,7% га ортик, хорижий талабнома берувчилар ҳиссасига эса 2010 йилда рўйхатдан ўтказилган саноат намуналарининг 18,7 % и тўғри келди (25.4.5-жадвал).

25.4.5-жадвал

**Ўзбекистонда рўйхатга олинган саноат намуналари сонининг ўзгариши, 2006-2010 й<sup>15</sup>.**

Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	Жами
Рўйхатга олинган саноат намуналари	72	76	67	71	91	377
шу жумладан:						
Миллий талабнома берувчилар номига	36	48	44	48	74	250
Хорижий талабнома берувчилар номига	36	28	23	23	17	127

Тижорат сирлари саноатнинг барча соҳаларига тегишлидир. Конфиденциал хусусиятга эга миқозлар рўйхати ёки рецептларга тааллуқли тижорат ахборотлари корхоналар учун энг қимматли капитал бўлиши мумкин. Бу шароитда бевосита ҳуқуқ ҳимоя ўрнида билвосита ахборотлар хусусияти ва унинг тижорат қийматига боғлиқ ҳимоя тури мавжуд бўлади. Тижорат сирлари патентлардан фарқли ахборотлар фош бўлгунга қадар ҳимоя қилинади.

Селекцион ютуқлар асосан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига тааллуқли бўлиб, уларни ҳимоя қилиш муддати рўхатдан ўтган вақтдан бошлаб 20 йилни ташкил этади. Жумладан, 2010 йилларда Ўзбекистонда 11 та селекция ютуқлари бўйича талабномалар топширилган.

ТРИПС келишуви интеллектуал мулкнинг фойдали моделлар ва селекцион ютуқлардан ташқари барча категориялари бўйича ҳимоянинг минимал стандартларини белгилаб қўйган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим халқаро келишувлар иштирокчиси ҳисобланади. Бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш борасида мунтазам, изчиллик билан ишлар олиб борилмоқда.

### Асосий тушунчалар

**Интеллектуал мулк** – берилган маҳсулотлардан фойдаланиш, алмаштириш ва яратиш муносабатларни бошқарувчи, ҳуқуқий асосда амалга ошириладиган ижодий фаолият маҳсулотига эгаллик.

**Муаллифлик ҳуқуқи** – адабиёт, санъат ва илмий асарларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиди.

<sup>15</sup> Ҳа маъба. 39-б.

**Турдош ҳуқук** – муаллифлик ҳуқуқини бериш учун ижоди етарли бўлмаган фаолиятлар учун муаллифлик ҳуқуқи намунаси бўйича XIX аср боши XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган алоҳида ҳуқуқлар гуруҳи.

**Патент ҳуқуқи** – ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделларга патент бериш йўли билан муҳофаза тартибидини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар тизими.

**Саноат намуналари** – саноат ёки касаначиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг янги ва асл тасвирий-конструкторлик ташқи кўриниши.

**Товар белгилари** – интеллектуал мулк объектлари гуруҳининг ягона ҳуқуқий маркетинг белгиларини муҳофаза қилиш институтига бирлаштириш мумкин бўлган ҳуқуқ бўлиб, куйидаги тушунчаларни ўз ичига олади: товар белгиси, хизмат белгилари, фирма номлари, товар келиб чиққан жой номлари.

**Ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау)** – бу ихтиёрий кўринишдаги маълумот бўлиб, тижорат сирини даражасида муҳофаза қилинади ва олди-сотди ёки рақобатчи устидан ғалаба қозониш учун фойдаланиладиган предмети бўлиши мумкин.

**Селекция ютуқлари** – янги ўсимлик ва ёки ҳайвон турларини яратиш, уни бу янгиликларни муҳофаза қилиш ҳуқуқи.

**Патент** – патент эгасининг ихтиро, саноат намунаси, фойдали модель, селекция кашфиётига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**Товар белгисига гувоҳнома** – гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгиси эгасининг мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**Товар келиб чиққан жой номларига гувоҳнома** – гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланишга оид гувоҳнома эгасининг ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига гувоҳнома** – рўйхатдан ўтказилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**Топологияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома** – ҳуқуқ эгасининг топологиядан фойдаланишга бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқлайди.

### **Назорат саволлари**

1. Интеллектуал мулк нима?
2. Интеллектуал мулк объектларига нималар киради?
3. Интеллектуал мулк савдоси қандай тартибга солинади?
4. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг қандай халқаро таъкилотларини биласиз?
5. Жаҳон интеллектуал мулк савдосининг ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?
6. Ўзбекистоннинг интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг халқаро таъкилотларга интеграциялашувини баҳолаб.



## **VII БЎЛИМ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИ**

### **26-БОБ. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ**

#### **26.1. Халқаро капитал миграцияси: сабаблари, омиллари ва кўрсаткичлари**

Халқаро иқтисодий муносабатларда капитални давлатлараро тақсимлаш иқтисодий ўсишнинг фаол омили бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиёт байналмилаллашган сари капитал фаолияти миллий доирадан халқаро миқёсга чиқади ва мамлакатлараро капитал экспорти юз беради. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг дастлабки босқичларида капитал sanoat жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан қолоқ мамлакатлар томон йўналган эди. Жаҳон хўжалик тизими алоқалари ривожланган сари капитал ҳаракати умумжаҳон доирасида юз бериб, унинг оқими ҳар томонлама, тўхтовсиз бўлади ва пуллик жамғармаларнинг инвестицияларга айланиши капиталнинг халқаро миқёсдаги ҳаракатини билдиради.

Иқтисодий адабиётда халқаро капитал миграциясининг моҳиятини очиб берувчи икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, улар орасидаги фарк қуйидаги сабаблар орқали очиб берилади:

- бозор ва уни ташкил этувчи хўжалик алоқаларининг ривожланиши;
- ушбу алоқаларнинг миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва такомиллашуви билан боғлиқ ролининг ўзгариши.

Биринчи ёндашув тарафдорлари учун халқаро капитал миграцияси – бу ишлаб чиқариш омилларидан бирининг ҳаракатидир. Бунда алоҳида товар ва хизматлар бошқа мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги туфайли ўша мамлакатлар томон оқиб ўтади. Бозорнинг алоҳида мамлакатлар миллий хусусиятларини ҳисобга олувчи универсал қиммати бу ёндашув тарафдорларининг диққат марказида туради.

Иккинчи ёндашув тарафдорларининг фикрича, халқаро капитал миграцияси ортиқча ишлаб чиқариш, молия ресурсларининг фойда олиш мақсадида хорижга узлуксиз жойлаштирилишидан иборат. Бу ерда бозор субъект сифатида эмас, балки миллий, ҳудудий ва халқаро миқёсда муайян мақсадга эришиш воситаси, объекти сифатида намоён бўлади.

XXI аср бошида иқтисодиётнинг глобаллашуви омилларидан бири капиталнинг мамлакатлар ўртасида ҳаракатланишининг барқарор суръатларда ўсиши ҳисобланади. Товар ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан ҳисобланган капиталнинг халқаро ҳаракати миллий иқтисодиёт чегараларидан чиқиб, бошқа мамлакатларга кўчади.

Халқаро капитал миграцияси жаҳон хўжалигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатларнинг ташқи иқтисодий ва

сиёсий алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини оширади, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, импортёр мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади.

Капитал миграциясининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

– капиталнинг фойз ставкаси билан белгиланадиган турли чегаравий унумдорлиги;

– фирмаларнинг ўз фаолиятини халқаро диверсификациялаштиришга интилишлари;

– товарларни импорт қилишга халал берадиган ва хорижий таъминотчиларни бозорга кириш учун капитал олиб киришга ундайдиган бож тўсиқларининг мавжудлиги;

– барқарор сиёсий вазият ва қулай инвестициявий муҳит.

Капитал миграцияси жараёнларига қуйидаги омиллар таъсир килади:

– ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг сақлаб турилиши;

– жаҳон иқтисодиёти ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар;

– ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациясининг чуқурлашуви;

– жаҳон иқтисодиётининг трансмиллийлашиши;

– ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва интеграциявий жараёнларнинг ривожланиши;

– бозорларнинг ўта тўйиниши ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини чеклайди;

– ривожланган мамлакатлардаги сотувчилар ўртасидаги кескин рақобат;

– миллий бозорнинг йирик молия-саноат гуруҳлари томонидан монополлаштирилиши;

– ҳаракатдаги технологияларни такомиллаштириш имкониятларининг чекланганлиги;

– саноати ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини, бандлик даражасини, илгор саноат тармоқларининг ривожланишини сақлаб туриш учун салмоқли ҳажмда капиталларни жалб қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсати;

– халқаро ташкилотлар томонидан халқаро инвестициявий бўшлиқни эркинлаштириш сиёсатининг юритилиши, инвестициявий шерикликнинг универсал меъёрларини ишлаб чиқиш;

– мамлакатлар ўртасида даромадлар ва капиталнинг икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳақидаги халқаро келишувлар, улар

савдо-сотиқнинг ривожланиши ва инвестицияларнинг жалб қилинишига кўмаклашади.

Хорижий инвестициялар бутун жаҳон иқтисодиётига ва халқаро бизнесга қуйидаги тарзда жиддий таъсир кўрсатади:

– капитал экспансияси миллий хўжалик ҳаётини байналмилаллаштириш миссиясини бажаради;

– капитал экспансияси янги технолгиялар ва “ноу-хау”ларни бутун дунёга тарқатиб, жаҳон бозорларининг диверсификациясини янада чуқурлаштиради, тегишлича, жаҳон ишлаб чиқариши халқаро бозорининг умумий самарадорлик даражасини, унинг рақобатбардошлигини оширади;

– капитал экспансияси ва унинг жаҳон иқтисодиётининг даромадли ўсиш нуқталарига кўчиб ўтиши узоқ истиқболда ишлаб чиқариш шарт-шароитларини тенглаштириш, миллий нархларнинг жаҳон нархларига яқинлашиши, иш ҳақи ва фойз ставкаларида миллий фарқларнинг йўқолиши тенденциясини юзага келтиради;

– ўзи учун бевосита ёки учинчи мамлакатлар бозорларига чиқиш учун трамплин сифатида барқарор бозорни таъминлаш;

– халқаро корпорацияларнинг турли мамлакатларда ўз “ички бозор”ларининг у ёки бу тармоқларини яратиши натижасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви жараёни билан тўлдирилади;

– ўз манфаатларини минтақавий ва юқорироқ халқаро даражадаги давлатлараро муносабатларга киритиш;

– шерик мамлакатларнинг ички ишлари ва давлатлараро муносабатларига аралашмаслик, тенглик, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар миллий анъаналари ва маданий қадриятларини, меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича умумэътироф этилган тамойилларга риоя қилган ҳолда халқаро ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида халқаро инвестицияларни эътироф этиш.

Мамлакатнинг халқаро капитал миграциясидаги иштирок этиш даражаси қатор кўрсаткичларда ифодаланади. Биринчи гуруҳ кўрсаткичларига қуйидаги мутлоқ кўрсаткичлар киради: капитал экспорти ва импортнинг ҳажми, капитал экспорти-импорти қолдиғи, мамлакатдаги хорижий капиталли корхоналар сони, улардаги бандлар сони ва ҳ.к. Капитал экспорти-импорти қолдигидан келиб чиқиб, жаҳон мамлакатлари капитал экспорт қиладиган (Япония, Швейцария), капитал импорт қиладиган (АҚШ, Буюк Британия) ҳамда экспорт ва импорт ҳажми тахминан бир хил бўлган мамлакатларга (Германия, Франция) ажратилади.

Бошқа гуруҳ кўрсаткичлар нисбий кўрсаткичлар бўлиб, улар халқаро капиталлар миграциясининг марказлари ва мамлакатнинг капитал импорти-экпортига боғлиқлигини акс эттиради:

1) капитал импорти коэффициенти – хорижий капиталнинг мамлакат ЯИИМдаги улушини кўрсатади:

$$K_{\text{имп}} = \frac{XK}{ЯИМ} \cdot 100,$$

бу ерда:  $K_{\text{имп}}$  – капитал импорти коэффициенти;  
*XK* – хорижий капитал ҳажми;  
*ЯИМ* – ялти ички маҳсулот.

Европа мамлакатларида ушбу коэффициентнинг энг юқори даражаси Бельгия ва Люксембургда кузатилади.

2) капитал экспорти коэффициенти - экспорт қилинадиган капиталнинг ЯИМдаги улушини акс эттиради:

$$K_{\text{экс}} = \frac{XK}{ЯИМ} \cdot 100,$$

бу ерда:  $K_{\text{экс}}$  – капитал экспорти коэффициенти;  
*XK* – хорижий капитал ҳажми;  
*ЯИМ* – ялти ички маҳсулот.

Европа мамлакатларида ушбу кўрсаткичнинг максимал миқдори Нидерландияда қайд этилган.

3) хорижий капиталнинг мамлакат капитал қўйилмаларига бўлган ички эҳтиёждаги улушини акс эттирувчи капитал:

$$K_{\text{э}} = \frac{XK}{D/(K)} \cdot 100$$

бу ерда:  $K_{\text{э}}$  – эҳтиёж коэффициенти;  
*XK* – хорижий капитал;  
*D/(K)* – мамлакатда капиталга бўлган талаб.

АҚШда барча капиталга бўлган ички эҳтиёжларнинг 33 фоизи хорижий капитал ҳисобига кондирилади.


4) бошқа нисбий кўрсаткичлар: хорижий ёки аралаш компанияларнинг миллий ишлаб чиқаришдаги улуши, капитал экспорти/импортнинг олдинги даврга нисбатан ўсиш суръатлари, мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган хорижий инвестициялар суммаси.

## 26.2. Халқаро капитал миграциясининг шакллари ва уларнинг гуруҳланиши

Халқаро капитал миграциясининг турли шакллари мавжуд бўлиб, амалиётда улар қатор мезонлар бўйича таснифланади (26.2.1-расм).

Халқаро амалиётда давлат капитали кўпроқ ссуда шаклида, хусусий ва узоқ муддатли капитал эса – тадбиркорлик шаклида намоён бўлади.

Келиб чиқиш манбаларига кўра халқаро капитал – бу давлат маблағлари ёки хусусий капитал кўринишида бўлади. Давлат капитали банклар ичида расмий капитал деб ҳам аталади. У давлат бюджетидан хорижга чиқариладиган ёки у ердан ё бевосита ҳукуматлар қарори билан, ёки ҳукуматлараро ташкилотлар қарори билан қабул қилинадиган маблағлардир.



26.2.1-расм. Халқаро капитал миграциясининг шакллари

Шаклларига кўра – бу давлат қарзлари, ссудалар, грантлар (совғалар), ёрдам кўринишида бўлиб, уларнинг халқаро ҳаракати ҳукуматлараро келишувлар билан белгиланади. Халқаро ташкилотларнинг кредитлари ва бошқа маблағлари ҳам шулар қаторига киради. Бироқ ҳар қандай ҳолларда ҳам бу солиқ тўловчиларнинг олувчига турли йўللار билан етиб борадиган пуллари ҳисобланади.

Хусусий капитал – бу хусусий шахслар томонидан хорижда жойлаштириладиган ёки хориждан қабул қилинадиган нодавлат манбалар маблағларидан иборат. Улар таркибига инвестициялар, савдо кредитлари, банклараро кредитлаш киради. Улар давлат бюджети билан бевосита боғлиқ бўлмайти, бироқ ҳукумат уларнинг кўчиб юришини кузатиб туради ва ўз ваколатлари доирасида уларни назорат қилиб, бошқариши мумкин.

Халқаро капитал миграциясининг асосий шакллари тадбиркорлик ва ссуда капитали кўринишида бўлади.

Капиталнинг тадбиркорлик шаклидаги миграцияси учун қуйидаги учта мажбурий белгилар хос бўлади:

- хорижда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ёки унда иштирок этиш;
- хорижий капитал қўйилмаларининг узоқ муддатлилиги;
- хорижий корхонага ёки унинг бир қисмига мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш.

Юқорида кайд этиб ўтилган хусусиятлар ва иштирок этиш мақсадларининг қанчалик амалга ошишига боғлиқ ҳолда тадбиркорлик капиталини четга чиқаришнинг икки тури ажратилади: тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар (ПИ).

ТТХИ – бу хорижий капиталнинг узоқ муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акционер капиталига

тўла эга бўлиш ёки камида 10% и хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

ХВЖ, ИРХТ (Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти) ҳамда БМТ миллий счётлари тизимидаги таърифларга мувофиқ, ТТХИ таркибига қуйидагилар киритилади:

- компанияларнинг ўз капиталини хорижга чиқариши;
- тўғри инвестор хорижий корхонадан олган фойдасини унинг фойдасига қайта молиялаштириши;
- капиталнинг бош фирма ва унинг хорижий корхоналари ўртасида ички корпоратив ўтказмалари.

Иқтисодий адабиётда тўғри инвестицияларнинг тор ва кенг маънодаги таърифлари ажратилади.

ТТХИнинг тор маънодаги таърифи ИХТТ томонидан берилган бўлиб, бу йўналишнинг базавий методологияси капитал ҳаракатини эркинлаштириш Кодексида баён этилган: мустаҳкам иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ҳамда корхона устидан назорат ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида капитал ва ресурсларнинг трансчегаравий ҳаракати қамраб олинади. Бундай ёндашув асосида инвестор сифатида мазкур мамлакатнинг норезидентлари ва хорижлик резидентлар майдонга чиқишлари мумкин. Ҳар иккала тоифалар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклланишининг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

- 100% ли хорижий мулкчиликка асосланган корхона, шуъба компанияси ёки бўлинмасини ташкил этиш ёки кенгайтириш;
- мавжуд корхонани тўлиқ мулкчиликка сотиб олиш;
- янги ёки ҳаракатдаги корхонада иштирок этиш;
- 5 йил ва ундан кўп муддатга қарз бериш.

ТТХИнинг кенг таърифи Жаҳон банки томонидан берилган ва “МИГА”ни (кўп томонлама инвестицион сугурталаш агентлиги) таъсис этиш ҳақидаги келишувда илк бор тилга олинган; у шунингдек, икки тарафлама кафолатли келишувлар учун ҳам хосдир. Бундай ёндашувда тўғри хорижий инвестицияларга капитал (ёки ресурслар)нинг ҳаракатланиши шаклларигина эмас, балки активларнинг (assets) бошқа турлари ҳам киритилади: ҳар хил турдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, акциядор бўлмаган турдаги инвестициялар (суббитимлар, бошқарув келишувлари, франчайзинг, лицензион битимлар, маҳсулот тақсимооти ва ҳ.к. лар) ҳам кирилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш шакллари ва усулларига тегишли турлича талқинларнинг берилиши жиддий муаммоларни келтириб чиқарди (масалан, НАФТА ва АСЕАН таърифлари шулар жумласидандир) ва амалий муаммоларни ҳал қилишда қатор вариантлар-опцияларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу – халқаро инвестициялаш масалалари бўйича музокаралардаги, иқтисодий дипломатиядаги мунозарали муаммолардан биридир.

Портфель инвестициялар – бу капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10% дан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларга улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

Ушбу турдаги тадбиркорлик капиталини олиб чиқиб кетишнинг ўзига хос белгилари 26.2.2-жадвалда яққол намоиш этилган.

26.2.2-жадвал

**Тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ўртасидаги ўзига хос фарқлар**

Белгилар	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Портфель инвестициялар
Олиб чиқишнинг асосий мақсади	Хорижий фирмани назорат қилиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритиш	Хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	а) хорижий фирмага тўлиқ эгаллик қилиш; б) акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВФ уставига кўра компания акциядорлик капиталининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак)	Хорижий фирма акциядорлик капиталининг камида 25 фоизини сотиб олиш (АҚШ, Япония ва Германияда – 10%)
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фойдаси, дивидендлар	Дивидендлар, фойзалар

Жаҳон иқтисодийнинг барқарор ривожланиши жараёнида портфелли инвестициялар улушининг орғиши табиий ҳолдир. Бу иккита ҳолат билан изоҳланади:

- жаҳонда молия бозорларининг жадал ривожланиши;
- портфель инвестицияларнинг юқори ликвидлилиги билан боғлиқ афзалликлар.

Портфель инвестициялар анча юқори ликвидликка эга бўлиб, ҳаракатчан ҳисобланади. Уларни рискли зонадан бойлик орттириш енгилроқ бўлган муҳитга кўчириш қийин эмас. Портфель инвестициялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва профессионал билимларни ошириш учун катта меҳнат талаб этмайди.

Капитални олиб чиқишнинг тадбиркорлик шакли ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадорлиги туфайли кўпичта “иккинчи иқтисодиёт” деб аталади.

Бопқа шакл – ссуда капиталининг ҳаракати миллий ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқага эга бўлмасдан қабул қилувчи мамлакатдаги тақрор ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тарзда таъсир қилиши мумкин. Капиталнинг ссуда шаклидаги миграцияси дегавда капитал-

нинг барча халқаро ҳаракатланиши тушунилиб, қуйидаги турдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бундан мустасно:

- давлат ва хусусий заёмлар;
- бошқа мамлакатларнинг облигациялари, хорижий компаниянинг векселлари ва трактини сотиб олиш;
- қарзлар бўйича тўловлар;
- банклараро депозитлар;
- ривожланишга расмий ёрдам.

Халқаро валюта фонди яна бир гуруҳ – “бошқа инвестициялар” гуруҳини ажратади. Бу гуруҳ инвестициялар асосан халқаро заёмлар ва банк депозитларидан ташкил топади. Улар баъзида портфель, баъзида тўғридан-тўғри инвестициялар таркибида бўлиши мумкин.

Баён қилинган схемада замонавий инвестиция амалиётига зид бўлган иккита ҳолат мавжуд.

Биринчидан, у мулақо мантиққа мос келади ва валюта-кредит муносабатлари позициясида ишлай олади. Бироқ савдо-иқтисодий алоқаларидан инвестицияларга боғлиқ турли операциялар келиб чиқади. Улар таркибида турлитуман сервис, маркетинг, бошқарув, технологик ва бошқа операцияларга берилган таснифга мос тушмайдиган инвестициявий ҳуқуқларни юзага келтиради. Улар хорижий инвесторга мулкчилик ҳуқуқини беришни кўзда тутмайди, бироқ мунтазам даромад олиш ҳуқуқини беради (роялти, рентайс ва ҳ.к.).

Иккинчидан, баён қилинган схемада барча шакллар бир маъноли бўлиб, бир чизиққа тортилгандек туюлади. Бироқ илгари олинган ва тақсимланган фойданинг қайта тақсимланиши эмас, балки ҳақиқий ишлаб чиқаришни бошқариш нуқтаи назаридан инвестицияларнинг қандай шакллари муҳимроқ, деган масала долзарб ҳисобланади.

Демак, капиталнинг ҳар бир гуруҳи яна қуйи гуруҳларга ажралиб кетади ва уларни шартли равишда экспорт ва импорт, деб ҳисоблаш мумкин (26.2.3-жадвал).

26.2.3-жадвал

### Халқаро капиталнинг функционал бўлиниши

Гуруҳлар	Қуйи гуруҳлар	Капитал ҳаракати
ТҲХИ	Хорижда	Резидент ва норезидент ўртасида узоқ муддатли ўзаро иқтисодий манфаатнинг вужудга келишига олиб келувчи капитал ҳаракати
	Мамлакат ичида	
Портфель инвестициялар	Активлар	Қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан боғлиқ капитал ҳаракати
	Пассивлар	
Бошқа инвестициялар	Активлар	Давлатлараро кредитлар ва банк депозитлари билан боғлиқ капитал ҳаракати
	Пассивлар	
Захира активлар	Монетар олтин	Тўлов баланси қолдигини қоплаш учун фойдаланиш мумкин бўлган активлар билан боғлиқ капитал ҳаракати
	Қарз олишнинг махсус қондиси (SDR)	
	ХВФнинг захира позицияси	
	Хорижий валюта	



Халқаро капитал миграцияси ва унинг ҳар бир гуруҳ доирасидаги миқёси жаҳондаги барча мамлакатларнинг консолидациялашган тўлов баланси маълумотлари, инвестицион позициялари асосида тахминан аниқланади.

### **26.3. Халқаро капитал миграциясининг таркиби ва ривожланиш тенденциялари**

Халқаро компанияларнинг пайдо бўлишига қадар барча хорижий инвестициялар портфель инвестициялар шаклида бўлган. ТТХИ XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади, аммо бу даврда портфель инвестициялар ҳажми тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига нисбатан икки баробар кўп эди.

ТТХИнинг аниқ молия-саноат гуруҳлари, халқаро фирмалар, ТМК фаолияти орқали амалга оширилиши уларга муайян устунлик беради. ТТХИни бошқариш портфель инвестицияларга қараганда осон бўлиб, уларнинг “ўйин қоидалари” аниқроқдир. Ушбу ҳолат бозор иқтисодиётини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

ТТХИга тааллуқли илк мисоллар XVII асрга бориб тақалади ва Ост-Индия инглиз компанияси фаолияти билан боғлиқдир. Иккинчи жаҳон урушигача инвестицияларнинг асосий ҳажми Европа ва Америка ўртасида ҳаракатланган. 1918–1938 йилларда Американинг “Форд” ва “Дженерал моторс” компаниялари Европа, Лотин Америкаси ва Осиёда биринчи филиалларини очишган<sup>1</sup>.

Тахлилий маълумотларга қараганда ТТХИ оқими бир неча ўн йилликлар мобайнида жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. 1914 йилдан Иккинчи жаҳон уруши охиригача бўлган муддатда хорижий инвестициялар ҳажми 30% га кўпайган ҳолда, кейинги 10 йил мобайнида икки баробар ўсган. XX асрнинг 60-йилларининг ўрталаридан бошлаб кейинги 25 йил мобайнида эса бу кўрсаткич 4 маротабага ошган.

Илк бор ТТХИ тўғрисидаги статистик маълумотлар 1970 йилларда пайдо бўлган ва 13 млрд. долларни ташкил этгани ҳолда уларнинг 60% и АҚШ, 91% и эса G-7 гуруҳи ҳиссасига тўғри келган<sup>2</sup>. ТТХИнинг ўртача йиллик ҳажми 1980 йилларнинг биринчи ярмида 44,5 млрд. долларни ташкил этган бўлса, ўн йилликнинг охирига келиб 140 млрд. долларга тенг бўлди. 1990 йилларда эса ТТХИ ҳажмининг ўсиши давом этиб, 235 млрд. доллардан 1,3 трлн. долларгача (2000 йил) ошди. 2000–2002 йилларда ТТХИ ҳажми биров кисқаргани ҳолда 2003 йилдан бошлаб барқарор ўсиб бориб 2007 йилда ўзининг энг юқори чўққисига эришди ва 1,9 трлн.

<sup>1</sup> Ивасенко А.Г., Наконова Я.И. Иностранные инвестиции. –М.: КНОРУС, 2011. С. 16.

<sup>2</sup> Киреев А.П. Международная экономика. В 2-х ч. – Ч. I. Международная микроэкономика: движение товаров и факторов производства. Учебное пособие для вузов. –М.: Международное отношения, 2000. С. 301.

долларга етди. ТТХИнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотигадаги улуши 1970 йилда 0,4% га тенг бўлгани ҳолда 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2,1% га тенг бўлди<sup>3</sup>.

ЮНКТАД маълумотларига кўра, 2010 йилда жаҳон бўйича ТМК филиалларида яратилган қўшилган қиймат ҳажми ва соғиш ҳажми мос равишда 33 ва 6,6 трлн. долларга етди. Бундан ташқари, ушбу филиаллар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 6,2 трлн. долларни ва жаҳон экспортининг учдан бир қисмини ташкил этди (26.3.1-жадвал).

### 26.3.1-жадвал


#### Жаҳон иқтисодиётига йўналтирилган ТТХИнинг ривожланиш динамикаси, трлн. долл.<sup>4</sup>

Кўрсаткичлар	1990	2005–2007 (ўртача йиллик кўрсаткич)	2008	2009	2010
ТТХИни жалб қилиш	0,2	1,5	1,7	1,2	1,2
ТТХИни четга чиқариш	0,2	1,5	1,9	1,2	1,3
Жалб қилинган ТТХИ ҳажми	2,1	14,4	15,3	18,0	19,1
Четга чиқарилган ТТХИ оқими	2,1	15,7	16,0	19,2	20,4
Жалб қилинган ТТХИдан олинган даромад	0,07	1,0	1,1	0,9	1,1
Четга чиқарилган ТТХИдан олинган даромад	0,1	1,1	1,1	1,0	1,3
ТМК филиалларининг савдо ҳажми	5,1	21,3	33,3	30,2	33,0
Хорижий филиалларда ишлаб чиқариш ҳажми	1,0	3,6	6,2	6,1	6,6
Хорижий филиаллардаги жами активлар ҳажми	4,6	43,3	64,4	53,6	57,0
Хорижий филиаллар экспорти	1,5	5,0	6,6	5,3	6,2
Хорижий филиалларда банд бўлганлар сони, млн. киши	21,5	55,0	64,5	66,7	68,2

XXI аср бошларида ТТХИ жаҳонда ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилда ТТХИнинг глобал оқими 5% га ортиб, 1,2 трлн. долларга етди. Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон саноат ишлаб чиқариш ва савдо ҳажми жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозигача бўлган давр даражасига тенглашган бўлса, ТТХИ ҳажми инқирозгача бўлган давр даражасига нисбатан 1,5% пастлигича қолди (26.3.1-диаграмма).

<sup>3</sup> Ливенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала (Инвестиционная политика зарубежных стран): учебник. – М.: Экономист, 2004. С. 33.; Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 22.

<sup>4</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. с. 22.

ТТХИнинг глобал оқими кўрсаткичлари (млрд. долл.)<sup>5</sup>

Сўнгги қирқ йил ичида ТТХИ ҳажмининг барқарор суръатларда ўсиши натижасида уларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидagi улуши саккиз бараварга ошди ва ҳозирда 16% ни ташкил этади. Ҳозирда ТТХИ ички инвестициялар ва ташқи савдога қараганда жадалроқ суръатларда ривожланмоқда. ТТХИ жаҳон хўжалиги глобаллашувининг асосий омилига айланди. ТТХИ фаоллашувининг сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучлари қуйидагилардан иборат:

- ТТХИ ёрдамида миллий бозорларда монополистик фойда олишнинг мумкинлиги;
- ташқи савдога нисбатан қўшимча фойда олиш имконияти;
- ТМКнинг ТТХИнинг элтувчилари сифатида майдонга чиқиши;
- ТТХИга нисбатан ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжининг кескин ўсиши;
- реципиент-мамлакатларда ТТХИни жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмларининг шаклланиши.


Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари амалда хорижий инвестицияларни экспорт ва импорт қилувчилар ҳисобланишади. Чунки, ТТХИ асосан ТМК орқали амалга оширилади. Шунинг учун ТТХИнинг таркибини хорижий капитални жалб қилувчи ва капитални четга чиқарувчи мамлакатларга гуруҳлаган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>5</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 15.

ТТХИ оқимининг йўналишлари мамалакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. ТТХИни асосан жалб этувчи ва чиқарувчи мамлакатлар саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ҳисобланишади ва уларнинг ҳиссасига ТТХИ йиллик оқимининг 80% и тўғри келади. Бундан ташқари, жамғарилган ТТХИнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори бўйича ҳам ривожланган мамлакатлар етакчи макъага эга. Мисол учун, 2010 йилда Россияда ушбу кўрсаткич 3 миң долларга тенг бўлгани ҳолда, Буюк Британия ва АҚШда мос равишда 3,5 ва 11,2 миң долларга тенг бўлди (26.3.2-диаграмма).

26.3.2-диаграмма

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида жамғарилган ТТХИнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори, миң долл<sup>6</sup>



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида 2008 йилда 2007 йилга нисбатан ТТХИни жалб этиш ва четга чиқариш ҳажми жаҳон бўйича тегишлича 14,2 ва 13,1% га қисқарган. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда ҳам салбий тенденцияга эга бўлиб, мутаносиб равишда 29,2 ва 16,7% ни ташкил этган. Бу даврда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИни жалб этиш ва олиб чиқиш ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган.

<sup>6</sup> Ведомости, 23.12.2011.

Халқаро капиталлар ҳаракатидаги жиддий ўзгаришлар АҚШдаги ипотека кредити инкирози таъсирида молия бозорларидаги шарт-шароитларнинг ёмонлашуви ва инфляция эхтимолининг кучайишига олиб келди.

АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Франция каби мамлакатлар халқаро бозордаги асосий инвесторлар бўлиб, ТТХИ таклифини шакллантирадиган мамлакатлар ҳисобланадилар. Шунга қарамасдан охириги йилларда ривожланган мамлакатларнинг ТТХИнинг глобал оқимидаги улуши қисқариб бормоқда. Жумладан, 1995–2005 йилларда хорижга чиқарилган жами ТТХИнинг 89,3% и, жалб этилаётган ТТХИнинг 73,4% и ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб мос равишда 70,7 ва 48,4% ни ташкил этди.

Таҳлиллар кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти АҚШ ва Европа банк тизими билан бевосита узвий боғланмаганлиги боис инкироздан жиддий зарар кўрмади. Ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари илк маротаба ТТХИ глобал оқимининг ярмидан ортигини жалб этишди. Ушбу мамлакатлардан ТТХИ олиб чиқиш илк маротаба рекорд ҳажмга етди ва уларнинг асосий қисми Жануб мамлакатларига йўналтирилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётида 2010 йилда ривожланаётган мамлакатлар ТТХИларни жалб қилиб, хорижий инвестициялар сифатидаги улушларини оширдилар, чунки ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари халқаро ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолда борган сари муҳим рол ўйнамоқда. ТМКлар эса бу мамлакатларда лойиҳаларни инвестициялаш ва маҳсулот бозорларини ўзгартиришда фаол қатнашмоқдалар. 2010 йилда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари илк бор глобал ТТХИ оқимининг ярмидан ортигини ўзлаштирдилар.

2010 йилда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидан ТТХИни четга чиқариш 21% дан ортди ва улар ҳиссасига глобал ТТХИ чиқаришнинг 29,4% и тўғри келди (26.3.2-жадвал).

2010 йилда жаҳондаги энг йирик 20 та инвесторлар таркибига олтига ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари кирди. Шу билан бирга ривожланган, жумладан, Европа мамлакатларининг инвестицион фаолиги пасайиш тенденциясига эгаллиги кузатилмоқда. Юқоридаги ҳолатга қарамасдан, улар ҳиссасига ҳозирга қадар энг юқори кўрсаткич ҳисобланган 2007 йилга нисбатан жами ташқи инвестицияларнинг ярми тўғри келмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, анъанавий равишда ривожланаётган мамлакатлар ТТХИни жалб этувчилар ҳисобланишади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса ривожланган мамлакатлар ТТХИнинг катта қисмини ўз иқтисодиётларига жалб этиш тенденциялари кузатилмоқда.

**ТТХИ оқимининг географик таркиби,  
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>7</sup>**

Йиллар	Жами	ТТХИни жалб этиш			ТТХИни четга чиқариш		
		Ривожланган мамлакатлар	Ривожланаётган мамлакатлар	Жануби-Шарқий Европа ва МДҲ	Ривожланган мамлакатлар	Ривожланаётган мамлакатлар	Жануби-Шарқий Европа ва МДҲ
1995–2000	100,0	73,4	25,4	1,2	89,3	10,4	0,3
2005	100,0	62,4	33,2	4,4	84,4	13,8	1,7
2006	100,0	65,7	29,0	5,3	84,1	14,3	1,5
2007	100,0	68,8	26,9	4,3	84,8	12,9	2,3
2008	100,0	57,5	35,6	6,9	81,5	15,4	3,1
2009	100,0	50,9	43,1	6,0	72,7	23,1	4,2
2010	100,0	48,4	46,1	5,5	70,7	24,8	4,6

Ривожланаётган мамлакатлар таркибида ТТХИ учун қулай инвестиция муҳитини яратган мамлакат Хитой ҳисобланади. Масалан, 2005 йилда мамлакат ҳиссасига жами жалб этилган ТТХИнинг 8% и (72,4 млрд. долл.), 2008 йилда эса 10,1% и тўғри келган. Хитой иқтисодиётига ТТХИ ХХ асрнинг 80-йилларидан юқори суръатларда кириб кела бошлаган. 1980 йилда Хитой иқтисодиётида жамғарилган ТТХИ 1 млрд. долларни, 10 йилдан кейин 21 млрд. долларни, яна 10 йилдан кейин эса 193 млрд. долларни ташкил этган. Охириги йилларда ушбу кўрсаткич 1,5 мартага ортган ва ҳозирда 293 млрд. долларга тенг деб, баҳоланмоқда<sup>8</sup>.

Таҳлиллар кўрсатишича, Хитой ва Ҳиндистон мамлакатлари иқтисодиётининг иқтисодий ўсиш суръатлари кўпроқ ички омилларга таянади. Жумладан, ЯИМда ТТХИнинг улуши (валютанинг харид қобилияти бўйича) Ҳиндистонда 0,3% дан, Хитойда эса 1% дан ошмайди. Иккала мамлакатда ҳам ички талабнинг ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатларидаги ҳиссаси 90% дан кам эмас<sup>9</sup>. Шу билан бирга Хитой ҳукуматининг инкирозга қарши кураш дастурларида асосий эътибор 800 млн. киши қишлоқларда яшовчи аҳолининг ички талабини кенгайтиришга

<sup>7</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2007 год: Транснациональные корпорации, добывающая промышленность и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2007. С. 10; World Investment Report 2010: Investing in a Low-carbon Economy. UNCTAD. -New York and Geneva, 2010. P. 31; Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитии. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 19.

<sup>8</sup> Швандар К.В. Прямые иностранные инвестиции в странах BRIC. //Банковское дело, №02, 2008. С.46–47.

<sup>9</sup> Мельяцев В. Экономический рост Китая и Индии: динамика, пропорции и последствия. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2007. С.19–20.

қаратилган. Ушбу вазифа кўчмас мулк, автомобиллар ва истеъмол кредитлари бозорини ҳар томонлама ривожлантириш ёрдамида ҳал этилиши режалаштирилган.

Ҳиндистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиши хорижий инвесторлар ишончининг ортиши ва кириб келаётган ТТХИ миқдорининг кўпайишига олиб келди. Аҳоли даромадларининг мунтазам ўсиб бориши маҳсулотларни сотиш бозорларини излаётган инвесторлар учун мамлакатнинг инвестицион имкониятларини оширди. Жумладан, мамлакатга Walt-Mart, General Motors, IBM, Toyota, Nissan каби йирик инвесторлар кириб келди. Жумладан, Ҳиндистон иқтисодиётига 2008 йилда 41,6 млрд. доллар ТТХИ жалб этилган.

Бразилия Лотин Америкасидаги энг йирик ТТХИни жалб этувчи мамлакат ҳисобланади ва 2008 йилда 45,1 млрд. доллар миқдоридан ТТХИ киритилган.

Россия ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари таркибидан энг йирик ТТХИни жалб этувчи мамлакат саналади. Жумладан, мамлакатга 1992 йилдан 2002 йилга қадар ҳар йили ўртача 2,4 млрд. доллар инвестиция кириб келган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 70,3 млрд. долларга тенг бўлган.

Реципиент-мамлакатларнинг умумий сони мутғасил ошиб бормоқда. ТТХИни жалб қилувчи мамлакатлар қаторига Аргентина, Чехия, Венгрия, Малайзия, Мексика, Польша, Таиланд қўшилди. Мазкур мамлакатларда иқтисодий ўсиш, саноат ишлаб чиқариш ва технологик тараққиёт хорижий капиталдан унумли фойдаланиш билан узвий боғлиқдир.

ТТХИнинг тармоқ таркиби ХХ асрдан бошлаб қуйидагича босқичма-босқич ўзгариб борди:


Таркибий ўзгаришларнинг биринчи босқичи ХХ асрнинг биринчи ярмини қамраб олди ва ТТХИ асосан табиий ресурсларни ўзлаштиришга қаратилди.

Иккинчи босқич ХХ асрнинг 50–80-йилларини қамраб олади. Ушбу даврда корпорациялар ўз стратегияларини хомашёни оддий қайта ишлашдан тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтира бошладилар. Хитой ТТХИни ушбу йўналишда жойлаштиришнинг намунаси бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Хитой жаҳон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг муҳим марказига айланиб бормоқда.

Учинчи босқич ХХ асрнинг 90-йилларидан ҳозирга қадар давом этмоқда. Бу даврда йирик хорижий капитал реципиент-мамлакатлар бозорларида банклар, суғурта компаниялари, транспорт фирмалари ва бошқа компанияларнинг сервис хизматлари сифатида жойлаштирила бошланди. Прогнозларга қараганда яқин келажакда сервис хизматларини кўрсатиш ҳажми саноат ва бирламчи секторнинг ишлаб чиқариш ҳажмига қараганда жадал суръатларда ривожланиши кутилмоқда. ТТХИни жадал суръатларда жалб қилиш йўлига ўтган Ҳиндистон сервис хизматлари бозорини барқарор суръатларда ўзлаштириб бормоқда.

## 26.4. Халқаро капитал миграциясини тартибга солиш усуллари

Жаҳон амалиётида халқаро капитал ҳаракатини тартибга солишнинг миллий ва халқаро усуллари қўлланилмоқда (26.4.1-расм).



26.4.1-расм. Халқаро капитал миграциясини тартибга солиш

ТТХИни халқаро даражада тартибга солишнинг асосий шакли халқаро инвестицион шартномалар ҳисобланади. Халқаро инвестицион шартномаларнинг моҳияти шундаки, улар икки ва кўп томонлама миллий давлатларнинг инвестиция сиёсатларини мувофиқлаштириш ва халқаро инвестициялар соҳасида тартибга солишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқишдан иборат.



Халқаро инвестицион шартномалар қатнашчилар таркибига кўра икки томонлама, минтақавий ва кўп томонлама бўлиши мумкин<sup>10</sup>.

Икки томонлама инвестицион шартнома икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш мақсадида тузиладиган махсус шартномадир.

Минтақавий инвестицион шартнома – бир минтақавий гуруҳга кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш хусусида имзоланадиган махсус шартнома. Минтақавий шартномаларнинг предмети бўлиб инвестицион режимни ўрнатиш, инвесторларга кафолатлар бериш, инвестицион низоларни тартибга солиш, минтақа ичида капитал, технология, малакали ишчи кучининг ҳаракати учун қулай эркинликни таъминлаш ҳисобланади.

Кўп томонлама инвестицион шартномалар манфаатдор мамлакатларнинг инвестицион ҳамкорликда қатнашиши ва аъзоларни кенг миқёсда қамраб олишни кўзда тутди.

Халқаро инвестицион шартномалар қатнашчилари сифатида миллий ҳукуматлар ва Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) каби халқаро иқтисодий ташкилотлар қатнашиши мумкин.

Таҳлиллар кўрсатишича, фақат 2010 йилда 187 та янги халқаро инвестицион шартномалар тузилган бўлиб, йилнинг охирига келиб жами шартномалар сони 6 092 тани ташкил этди<sup>11</sup>.

Халқаро инвестицион шартномаларнинг амал қилишида икки томонлама инвестицион шартномалар муҳим аҳамият касб этади. Илк инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама инвестицион шартнома 1959 йилда қабул қилинган бўлса, 1980 йилларда уларнинг сони 385 тага етди, 1990 йилларда эса 5 бараварга ошди. Бу даврда икки томонлама инвестицион шартномалар қатнашчилари ҳисобланган мамлакатлар сони 173 тани ташкил этгани ҳолда, асосий шартномалар ривожланаётган ҳамда ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ўртасида тузилди ва уларнинг сони 63 тадан 833 тагача ортди<sup>12</sup>. Охириги ўн йилликда икки томонлама инвестицион шартномаларни тузиш жараёни жадаллашди. Мисол учун, ҳозирда Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлмаган мамлакатлар ўртасида 1300 дан ортиқ икки томонлама инвестицион шартномалар мавжуд<sup>13</sup>.

ТТХИ соҳасидаги икки томонлама инвестицион шартномаларнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат<sup>14</sup>:

<sup>10</sup> Андриянов А.Ю., Валдайцев С.В., Воробьев П.В. Инвестиции: учебник. М.: Проспект, 2007. С. 575

<sup>11</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2011 год. Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 31.

<sup>12</sup> Ивасенко А.Г., Наимова Я.И. Иностранные инвестиции. –М.: КНОРУС, 2011. С. 184.

<sup>13</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2011 год. Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 31.

<sup>14</sup> Андриянов А.Ю., Валдайцев С.В., Воробьев П.В. Инвестиции: учебник. –М.: Проспект, 2007. С. 563.

- томонларнинг инвестиция соҳасидаги ўзаро муносабатлари принциплари тўғрисидаги декларация;
- ТТХИ аниқлашнинг умумий қоидалари;
- Икки томонлама ҳамкорлик шакллари;
- Шартномаларни амалга ошириш босқичлари;
- Инвестицияларни ҳимоялаш механизмлари.

Жаҳон хўжалигида кўптомонлама шартномалар асосида инвестицияларни кафолатлаш қоидалари билан инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (МАГИ) шуғулланади ва қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- хорижий инвестицияларни суғурталаш. Бунда инвестор рискларни суғурталайди. Одатда, суғурта суммаси инвестиция суммасининг 1% игача миқдорини ташкил этади. Миллий суғурта агентликлари ва компаниялари фақат ўзларининг тўғридан-тўғри инвесторларини суғурталайдилар;

- инвестиция низоларини ҳал этиш. Буни капитални қабул қилувчи ёки четга чиқарувчи мамлакатнинг миллий қонунчилиги ёки халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида амалга ошириш мумкин;

- икки ёқлама солиққа тортишнинг олдини олиш. Агар корпорация бир нечта мамлакатда иш юритаётган бўлса, ушбу мамлакатлар унинг фойдасини солиққа тортишга ҳаракат қилади. Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш ҳақидаги келишувга асосан хорижий корпорациялар капитални қабул қилувчи мамлакатда солиқнинг ўз мамлакатада тўланмаган қисмидангина солиқ тўлайди;

- маъмурий ва дипломатик қўллаб-қувватлаш. Одатда, капитал чиқарувчи мамлакатлар ўз инвесторларини қўллаб-қувватлайдилар. Бу мамлакатлар инвестиция киритилаётган мамлакат билан ўз инвесторлари учун кўлай шарт-шароитлар яратиш ҳақида музокаралар олиб борадилар. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида инвестицияларни рағбатлантириш бўйича миллий агентликлар ташкил этилган. 1995 йилдан бошлаб инвестицияларни рағбатлантириш бўйича Умумжаҳон ассоциацияси фаолият юритади ва унинг таркибида 100 та аъзо мамлакат мавжуд.

Халқаро капиталлар ҳаракати жараёнининг муҳим хусусиятларидан бири мазкур жараёнга давлатнинг фаол аралашувидир. Бунда давлат қуйидаги функцияларни бажаради:

- тартибга солиш;
- назорат қилиш;
- рағбатлантириш.

Жаҳон амалиётида халқаро капиталлар ҳаракатини давлат томонидан тартибга солишда муайян зиддиятлар мавжуд. Жумладан, мамлакатлар, бир томондан, халқаро капитал ҳаракати йўлидаги мавжуд чекловларни бартараф этишга ҳаракат қилишса, бошқа томондан, халқаро капитал ҳаракатини чеклаш чораларини кўришади.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, мамлакатдан капиталнинг четга чиқиб кетиши хорижий капиталнинг кириб келишига қараганда камроқ даражада тартибга солинади.

Халқаро капитал ҳаракатини давлат томонидан тартибга солишда миллий қонунлар, қарорлар ва маъмурий чекловлар асосий ўрин эгаллайди. Шуниси эътиборлики, кўпчилик саноат жиҳатдан ривожланган мамлакатларда (масалан, АҚШ, Германия, Франция ва Буюк Британия) хорижий инвестицияларни тартибга солиш бўйича махсус қонунлар ёки кодекслар қабул қилинмаган. Бироқ бошқа мамлакатларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, улардан фойдаланишга оид махсус миллий қонунлар қабул қилинган ва амал қилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш вазифаларини ҳал қилишда миллий қонунчиликка хорижий инвесторлар учун қулай миллий режимни шакллантириш ҳақидаги низомлар киритилади. Миллий режимда норезидентлар учун ҳўжалик фаолиятини юритиш борасидаги шарт-шароитлар резидентлар учун яратилган шарт-шароитлардан ёмон бўлмаслиги керак. Ушбу қоида муҳим аҳамиятга эга. Миллий режим – ҳўжалик юритиш фаолиятининг минимал шароитлари бўлиб, ушбу минимум хорижий инвесторлар учун ёмонлашиб, пасайиб кетмаслиги керак.

Жаҳон амалиётида хорижий инвестициялар ҳаракатини амалга ошириш кўпинча қўшимча иқтисодий, сиёсий ва тижорат рисклари билан боғлиқ. Шунинг учун хорижий инвестицияларни жалб қилувчи айрим мамлакатларнинг миллий қонунчилигида хорижий инвесторларга нисбатан қўшимча имтиёзлар қўлланилади. Турли мамлакатларда қўлланиладиган қўшимча имтиёзлар таркибида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– қайта инвестициялашга нисбатан имтиёзли солиқ режимини тақдим этиш;

– шартнома асосида инвестиция лойиҳаларига жалб қилинадиган хорижий мутахассисларнинг иш ҳақи ва бошқа мукофот тўловларини солиққа тортишнинг имтиёзли режимини яратиш;

– хорижий инвесторларнинг экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришларини ривожлантириш учун импорт кўринишида олиб қараётган мол-мулк, асбоб-ускуна ва технологияларини боғжона тўловларидан озод қилиш.

Шунингдек, агар хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат қонунчилиги миллий инвесторлар учун салбий томонга ўзгарса, одатда, хорижий инвестицияли корхоналар учун бу ўзгаришлар бўйича муддати кечиктирилиши кўзда тутилади.

Жаҳонда аксарият ҳолларда, хорижий инвесторлар учун имтиёзли режим хорижий инвестицияларни жалб қилишга максимал даражада интилаётган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари томонидан яратилади. Шу билан бирга халқаро инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида инвестиция фаолиятини кенгайтиришга ва барча учун ягона инвести-

ция режимини яратилган интилайган ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Бошқача айтганда, жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари умумий, бир хил тамойиллар асосида ишлайдиган ягона инвестиция режимини шакллантириш тарафдорларидир.

Давлат томонидан ТТХИни қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари таркибидан куйидагиларни ажратиш мумкин:


Давлат кафолатларини бериш. Инвестиция кафолатлари тўғрисидаги қондалар миллий ҳукуматлар томонидан қабул қилинади. Шу билан бирга улар икки томонлама ва бир нечта мамлакатлар иштирок этадиган минтакавий кўп томонлама келишувларда ҳам мавжуд бўлади. Икки томонлама келишувларда асосан куйидаги қондалар қайд этилади:

- хорижий инвесторлар учун миллий режим;
- хорижий инвесторларни ҳимоя қилиш (миллийлаштиришдан, капитал, фойда ва дивидендларнинг репатриациясидан);
- низоларни ҳал қилиш тартиби;
- сиёсий рисклар билан боғлиқ зарарлардан суғурталаш.

Ўзининг тартибга солиш режимларига ўзгартишлар киритган мамлакатлар сони 1992 йилда 43 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб уларнинг сони 50 тадан ошиб кетди. Бошқариш режимларидаги ўзгартишлар таркибидан ТТХИ учун қулайлик туғдирувчи режимлар улуши 2000 йилда 98% ни, ТТХИ учун ноқулайлик яратувчи режимлар улуши эса 2% ни ташкил этгани ҳолда ушбу кўрсаткич 2010 йилда мос равишда 68% ва 32% ни ташкил этган (26.4.1-диаграмма).

26.4.1-диаграмма

**ТТХИни тартибга солишнинг миллий режимларидаги ўзгартишлар динамикаси, 2000-2010 йй. (фоиз ҳисобида)<sup>15</sup>**



<sup>15</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организация международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 30.

Ушбу ҳолат миллий бошқарув режимида қўллаётган мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида протекционистик тенденцияларнинг кучаяётганлигидан далолат беради

## 26.5 Ўзбекистон халқаро капиталлар миграцияси жараёнида

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Миллий валютанинг жорий операциялар бўйича конвертациясининг таъминланиши ҳамда ислохотларни амалга ошириш стратегияси Ўзбекистонда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва хорижий капитал иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай асосни шакллантиради.

Республикамизда хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзларнинг кенг қамровли тизими шакллантирилган. Бу тизим «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати ва чоралари тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунларга асосланган. Ушбу қонунлар хорижий инвесторларнинг тенг ҳуқуқли ва адолатли шарт-шароитда фаолият олиб боришини таъминлайди. Бундан ташқари, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни ўз ичига олувчи қўшимча чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвесторлар фаолияти 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кафолатланади.

Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлашда давлат масъул орган ҳисобланади<sup>16</sup>. Хусусан, Адлия вазирлигига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияли корхоналарга нисбатан назорат қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг инвесторлар ҳуқуқларини бузувчи қарорларини тўхтатиб қўйиш, тегишли давлат ва бошқарув органларига бундай қарорларни бекор қилиш борасида таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган. Бундай ёндашув хорижий инвесторлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда хорижий инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтдан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 58-сонли қарори.

аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатларини инвестициялаш вақтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир<sup>17</sup>.

Хорижий инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида олган даромадлари унинг хоҳишига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ишлатилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади<sup>18</sup>. Ушбу қулайлик миллий валютамининг эркин конвертацияланиш имконияти жорий операциялар билан чекланган шароитда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Умуман, хорижий инвесторларга бериладиган асосий кафолатларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати куйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасидаги хорижий инвестициялар национализация ва реквизиция қилинмайди.

2. Хорижий инвесторларга фаолияти натижасида олинган фойда ва бошқа маблағларни ҳеч бир чекловларсиз чет эл валютасида хорижга ўтказиш кафолатланади. Шунингдек, импорт бўйича олиб кириладиган хомашё, бутловчи буюмлар ва замонавий технологиялардан олинган тушумни чет эл валютасига айирбошлаш таъминланади.

3. Чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулк олди-сотдисида эркин қатнашиши кафолатланади.

4. Хорижий инвестицияли корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилиш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотни импорт қилиш ва қўшма корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун бож тўламасдан мулк олиб киришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона кодекслари, Президент, фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари орқали хорижий инвесторлар учун имтиёзларнинг кенг тизими яратилган.

Бундан ташқари, иқтисодийнинг турли тармоқларида фаолият олиб бораётган ва хориждан тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб қилган корхоналар асосий фаолиятидан даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ягона солиқни тўлашдан 7 йилгача озод қилинади<sup>19</sup>.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида"ги Қонуни, 1998 йил.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг "Валютага тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни, 2003 йил.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги 3594-сонли Қарори.

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида 2008 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-927-сонли Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом” ва “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнида лойиҳалар ташаббускорлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш” Схемаси берилган бўлиб, унда хорижий инвесторлар фаолиятини бошқариш, уларга кўмак бериш тизими кўрсатиб берилган. Президент қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича қарорларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда, ҳар йилги Инвестиция дастурларини, шунингдек, тармоқлар ва мамлакат минтақаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини тайёрлашда етакчи бўлган ҳисобланади, унинг зиммасига мазкур масалаларни ҳал этишда идоравий мансублигидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти юкланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар таркибида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, 2000 – 2010 йилларда хорижий инвестицияларнинг жами инвестициялар таркибидаги ҳиссаси 23,2% дан 39,1% гача ортди. ТТХИнинг жами инвестициялардаги улуши эса 3,3% дан 25,3% гача, жами хорижий инвестициялардаги ҳиссаси эса 14,4% дан 87,0% га қадар кўпайган (26.5.1-жадвал).

Мамлакатимизга киритилаётган хорижий инвестицияларда давлат қафолатининг камайиб боришини хорижий инвесторларда республика-мизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга бўлган ишонч ортиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида, давлат томонидан иқтисодий манфаатли бўлмаган лойиҳаларни молиялаш тўхтатила бошланди. Ҳукумат томонидан фақат иқтисодий манфаат чегараланган ва ижтимоий муҳим лойиҳалар қафолатланади. Булар, биринчи навбатда, сув таъминоти, таълим ва соғлиқни сақлаш, транспорт ва алоқа инфраструктураси соҳаларидаги лойиҳалардан иборат.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш динамикаси<sup>20</sup>

Кўрсаткичлар	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2000-2010 йиллардаги ўзгариш (+) ва (-)
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Ички	76,7	78,3	81,5	75,5	70,0	67,6	70,9	-5,8
Ташқи	23,3	21,7	18,5	24,5	30,0	32,4	29,1	+5,8
Шу жумладан:								
ТГХИ	3,4	14,9	13,4	20,6	24,9	27,8	25,3	+21,9
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	19,9	6,8	5,1	3,9	5,1	4,6	3,8	-16,1
Жами инвестициялардаги хорижий инвестициялар улуши, %	23,2	21,7	19,0	24,5	25,8	35,4	29,1	+5,6
Жами инвестициялар таркибида ТГХИ улуши, %	3,3	14,9	14,1	20,6	20,9	30,5	25,3	+21,8
Жами хорижий инвестициялар таркибида ТГХИ улуши, %	14,4	68,5	73,9	84,0	80,8	86,2	87,0	+72,6

Иқтисодиётга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг тармок таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичларида иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестициялар таркибида саноат улуши етакчи ўринни сақлаб қолгани ҳолда пасайиш тенденциясига эга. Қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантиришга қаратилган ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар улуши тармок эҳтиёжига нисбатан пастроқ даражада сақланиб турибди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари таркибида хорижий инвестицияли корхоналар улуши ортиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналар сони 4563 тани ташкил этган бўлиб, жорий йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони 536 тани ташкил этди. Албатта, хорижий инвестицияли корхоналар орасида фаолият юритмаётганлари ҳам бор, лекин фаол ишлаб турган корхоналар сонининг тобора ошиб бориши ижобий кўрсаткич бўлиб, хорижий инвесторларнинг мамлакат иқтисодиётига қизиқиши ортаётганидан ва умумий бизнес юритиш муҳити яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра саноат тармоқлари улушига хорижий инвестицияли корхоналар маҳсулотининг қарийб 80% и тўғри келади. Фаолият кўрсатаётган хорижий инвестицияли корхоналарнинг энг юқори

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.



улуши саноат тармоғига тўғри келади. 2010 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналарнинг 31,7% и саноат тармоғида фаолият юритган (26.5.2-жадвал).

26.5.2-жадвал

**Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвестицияли корхоналарнинг тармоқ таркиби (жамига нисбатан % ҳисобида)<sup>21</sup>**

	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шундан:							
Саноат	50,1	56,6	53,8	48,8	50,4	46,7	31,7
Қишлоқ хўжалиги	1,6	2,4	2,3	2,2	2,1	1,9	1,8
Транспорт ва алоқа	4,9	4,4	4,2	4,4	5,0	3,8	4,1
Қурилиш	4,3	4,4	4,8	5,5	4,4	5,7	5,6
Бошқалар	39,1	32,2	34,9	39,0	38,1	41,9	56,7

Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий тақрибида нотеқислик сақланиб қолмоқда. Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустриал минтақалар – Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Навоий вилояти ва устувор, стратегик аҳамиятга эга лойиҳалар молиялаштирилаётган Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Сирдарё, Хоразм, Жиззах вилоятларининг улуши оз ҳисобланади (26.5.3-жадвал).

Хорижий инвестицияларнинг ўсишида халқаро молия институтлари қарзлари доирасида импорт алоқаларни қайд этиш тартибининг соддалаштирилиши, саноат корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта таъминлаш, солиқ юкининг пасайтирилиши, маҳсулот тақсимлаш тўғрисидаги битимнинг қўлланиши, шунингдек, хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномаларини тузиш йўли орқали алоҳида имтиёзлар, преференциялар тақдим қилиш асосий омиллар бўлди. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида донор мамлакатлар билан истиқболдаги устувор йўналишларни аниқлаш борасида биргаликдаги ишлар жадаллашди. Бунда, биринчи навбатда, асосий эътибор минтақалараро ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, экин ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, кадрлар тайёрлашнинг миллий таълим дастурини амалга оширишга кўмаклашиш, тиббиёт муассасаларини юқори технологиядаги ускуналар билан жиҳозлаш,

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

молжиявий ташкилотларнинг самарадорлигини ошириш кабиларга қаратилди. Хусусан, дунёнинг қатор давлатлари, биринчи навбатда, бугунги кунда бизда асосий ҳамкор сифатида қаралувчи, иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган, қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштириляётган ёки кўзда тутиляётган Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари барқарор суръатларда ривожланмоқда.

26.5.3-жадвал

**Хорижий инвестиция ва кредитлар минтақавий таркибининг ўзгариши, (%)<sup>22</sup>**

	2000 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2000-2010 йилларда
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1,4	5,1	6,1	4,3	1,6	2,7	1,4	3,1
Ақдихон вилояти	1,0	3,7	2,5	1,5	3,4	0,3	1,7	3,1
Бухоро вилояти	2,0	4,1	3,8	30,7	11,7	46,9	30,8	10,1
Жиззах вилояти	2,9	0,7	1,9	0,7	1,1	0,5	0,7	1,8
Қапқадарё вилояти	22,6	7,9	17,7	17,9	31,7	20,2	11,5	21,9
Навобий вилояти	5,4	7,8	0,8	9,0	2,9	0,5	9,9	5,0
Наманган вилояти	0,6	1,9	1,7	1,0	2,6	0,5	0,8	2,0
Самарқанд вилояти	3,3	5,2	4,0	2,0	2,2	1,3	0,9	3,0
Сурхондарё вилояти	0,8	1,6	1,7	2,4	5,0	1,5	1,4	1,6
Сирдарё вилояти	2,2	1,4	2,3	1,0	0,6	0,8	0,9	1,5
Тошкент вилояти	10,9	8,1	6,3	3,6	3,4	4,0	5,7	8,3
Фарғона вилояти	8,3	2,4	3,1	2,5	4,9	3,3	3,5	7,1
Хоразм вилояти	1,4	1,4	4,6	1,7	0,8	0,3	0,9	3,0
Тошкент шаҳри	36,3	45,7	43,7	21,7	28,1	15,8	28,8	38,0
Тақсимланмаган маблағлар	-	3,0	-	-	1,4	3,4	0,7	

Республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, балки янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлашга қаратилган.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Халқаро капиталлар миграцияси** – жаҳон иқтисодиётининг турли мамлакатлари ўртасида эгаларига қўшимча даромад келтирувчи капиталнинг қарама-қарши ҳаракати.

**Капиталнинг четга чиқиб кетиши** – капиталнинг бир қисмини миллий айланмадан ажратиб олиш ва уни тегишли шаклларда хорижий мамлакатлар иқтисодиётига ўтказиш жараёни.

**Хусусий капитал** – хусусий шахслар томонидан хорижга жойлаштириладиган ёки хориждан қабул қилинадиган нодавлат манбалар маблағлари.

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)** – хорижий капиталнинг узоқ муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акционер капиталига тўла эга бўлиш ёки камида 10 фоизи хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

**Портфель инвестициялар** – капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10% дан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларга улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

**Молиявий инвестициялар** – мулкка эгалик қилиш ва мулкдан даромад олиш билан боғлиқ бўлган акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар орқали қўйилмалар киритиш.

**Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар** – компанияларнинг халқаро бозорларда акцияларнинг йирик пакети ёки корхонани тўлиқ сотиб олишлари жараёни. Бу усул компанияларнинг бозордаги улушининг ортишига, капиталлашиш даражасининг ўсишига олиб келади.

**Миллий режим** – хўжалик юритиш фаолиятининг минимал шароитлари бўлиб, хорижий инвесторлар учун ёмонлашиб кетмаслиги керак.

**Халқаро инвестицион шартнома** – икки ва кўп томонлама миллий давлатларнинг инвестиция сиёсатларини мувофиқлаштириш ҳамда халқаро инвестициялар соҳасида тартибга солишнинг умумий қоидаларини ишлаб чиқишга қаратилган шартнома.

**Икки томонлама инвестицион шартнома** – икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш мақсадида тузиладиган махсус шартнома.

**Минтақавий инвестицион шартнома** – бир минтақавий гуруҳга кирувчи мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни амалга ошириш хусусида имзоланадиган махсус шартнома.

**Кўп томонлама инвестицион шартномалар** – манфаатдор мамлакатларнинг инвестицион ҳамкорликда қатнашиши ва аъзоларни кенг миқёсда камраб олишини кўзда тутувчи шартнома.

**Халқаро инвестиция сиёсати** – халқаро инвестиция оқимлари ҳаракатини эркинлаштиришга қаратилган халқаро тартибга солиш чора-тадбирлари тизими.

**Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлик (ИКХА)** – 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси хорижий инвесторларни нотижорат характердаги рисклар билан боғлиқ йўқотишлардан кафолатлаш орқали аъзо мамлакатлар иқтисодийетини ривожлантириш мақсадида инвестициялар оқимини оширишга кўмаклашиш.

**Инвестицион даъволарни тартибга солиш бўйича халқаро марказ (ИДГСХМ)** – 1966 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади хорижий инвестицияларни қабул қилувчи аъзо мамлакатлар ҳукуматлари, давлат органлари билан хорижий инвесторлар ўртасида вужудга келувчи келишмовчиликларни тартибга солиш, келиштириш; арбитраж судларида ишни кўриб чиқиш механизмларини яратиш орқали халқаро инвестиция фаолиятига кўмаклашиш.

**Инвестицион маркетинг хизматлари департаменти (ИМХД)** – агентликка аъзо бўлган ривожланаётган ва ўтиш мамлакатлари иқтисодийетига йўналтирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўллаб-қувватлайди. ИМХДнинг мақсади – ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва камбағалликка қарши курашиш учун жалб этилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг барқарорлигини таъминлашга ёрдамлашиш.

**Хорижий инвесторларга маслаҳат бериш агентлиги** – Умумжаҳон банкининг бўлимаси бўлиб, аъзо-мамлакатлар ҳукуматларини хорижий инвестициялар масалалари бўйича конфиденциал маслаҳатлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ташкилот.

**Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги** – 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади хорижий ишбилармон доираларни республикамиздаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида аτροφлича ахборот билан таъминлаш, уларга лойиҳаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

**Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** – 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади Ўзбекистон иқтисодийетининг муҳим, етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш.

### **Назорат саволлари**

1. Халқаро капитал миграциясининг сабаблари нималардан иборат?
2. Халқаро капитал миграцияси қандай кўрсаткичлар билан тавсифланади?
3. Халқаро капитал миграциясининг қандай шакллари мавжуд?

4. Тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг фарқи нимадан иборат?

5. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кескин ўсишининг сабабларини кўрсатинг.

6. Халқаро капитал миграциясини тартибга солиш зарурияти нималардан иборат?

7. Халқаро капитал миграцияси ҳаракатини тартибга солувчи қандай молиявий ташкилотларни биласиз?

8. Хорижий инвестициялар ҳаракатини тартибга солувчи қандай минтақавий молиявий ташкилотларни биласиз?

9. Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг институционал асослари нималардан иборат?

10. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар қандай таркибга эга?

## 27-БОБ. ХАЛҚАРО КОРПОРАЦИЯЛАР ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

### 27.1. Халқаро корпорацияларнинг вужудга келиш сабаблари функциялари ва гуруҳланиши

Барқарор суръатларда ривожланаётган трансмиллийлашув жараёни замонавий жаҳон иқтисодиётининг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ушбу жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи халқаро корпорациялардир. Халқаро корпорациялар савдо, инвестициялаш ва замонавий технологияларни элгувчилар сифатида жаҳон иқтисодиётининг асосий субъектларига айланишди.

Халқаро иқтисодий глобаллашувнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи халқаро корпорациялар ҳисобланади. Халқаро корпорациялар ички корпоратив меҳнат тақсимотини анъанавий меҳнат тақсимотининг халқаро даражасига олиб чиқишган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни штаб-квартираси қабул қилувчи мамлакатдан ташқарида бўлган фирмалар томонидан назорат қилинадиган ва бошқариладиган халқаро ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ. Халқаро корпорацияларнинг умумий назоратида бўлган ушбу фаолият жаҳон ЯММ ишлаб чиқариш ҳажмининг тахминан 25 фоизини ташкил қилади. Ушбу ишлаб чиқаришнинг 1/3 қисми қабул қилувчи мамлакатларда жойлашган.

Жаҳон иқтисодиёти амалиёти кўрсатишича, ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни халқаро корпорацияларни ташкил қилиш моделларига таянади.



27.1.1-расм.

Халқаро корпорацияларнинг вужудга келиши ТТХИ билан боғлиқдир. Жаҳон амалиётида ТМКга турли мамлакатларда ТТХИни амалга оширадиган йирик корпорациянинг таркибий-ташкилий шакли сифатида қаралади. Хорижий корхонанинг ташкил этилиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш фаолияти натижаси бўлиб, унда инвестор-

норезидент капиталнинг 50% дан кам бўлган қисмига эгалик қилади. Шуъба фирмада унинг улуши 50% дан ошади, хорижий филиал эса тўлиқ унга тегишли бўлади.

Иқтисодий адабиётларда халқаро корпорацияларнинг икки хил шакли фарқланади: трансмилий ва кўпмиллатли корпорациялар (27.1.1-расм).

Ғарб иқтисодий адабиётида халқаро монополистик уюшмаларнинг кўпмиллатли, халқаро, трансмилий ва глобал каби турлари фарқланади.

Россиялик иқтисодчилар, одатда, куйидаги тавсифларни берадилар: ТМК – бу хорижий активларга эга бўлган миллий монополиялардир. Уларнинг ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ фаолияти миллий давлат чегарасидан чиқиб кетади. АҚШда корпорация деб ҳиссадорлик жамиятларига айтилади. Замонавий ТМКнинг кўпчилиги Америка компанияларининг экспансияси туфайли вужудга келганлиги сабабли, бу атама жаҳон мамлакатлари иқтисодиётига кириб келди.

ТМКнинг ҳуқуқий режими ташкил топган филиаллар ва шуъба корхоналар орқали турли давлатларда фаолият юритишни назарда тутати. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий тадқиқот, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш хизматларига эгадирлар. Умуман, улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмуини ташкил этиб, бу мажмуада ҳиссадорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қилади. Шунингдек, филиал ва шуъба корхоналар аралаш корхоналар бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин.

Кўпмиллатли корпорациялар – ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот ишлари асосида бир неча давлат миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациялар. Бунга 1907 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Буюк Британия–Нидерландиянинг «Рояль-Датч Шелл» концернини мисол қилиш мумкин. Ушбу компаниянинг ҳозирги кундаги капитали 60:40 нисбатда тақсимланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) ТМК бўйича комиссияси халқаро компанияга куйидагича тавсиф беради:

– юридик шакли ва фаолият соҳасидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ мамлакатларда хўжалик субъектларига эга бўлган;

– битта бошқарув маркази орқали умумий стратегияни амалга ошириш ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритишга имкон берувчи қарорлар қабул қилиш тизими доирасида иш олиб борадиган;

– мулкчилик орқали бир-бирига боғланган алоҳида хўжалик субъекти сифатида, бунда хўжалик субъектларидан биттаси ёки ундан кўпроғи бошқаларининг фаолиятига билимлар, ресурслар ва масъулиятни бошқалар билан биргаликда фойдаланиш орқали жиддий таъсир кўрсата олади.

Жаҳон амалиётида халқаро корпорациялар дейилганда жаҳон товар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи йирик компаниялар тушунилади. Уларга куйидагилар киради:

- йиллик сотиш ҳажми 1 млрд. доллардан кам бўлмаслиги;
- умумий молиявий айланма маблағларининг бешдан бир қисмидан учдан бир қисмигача хориждаги операциялар улушига тўғри келиши;
- хориждаги активлар улуши 25% дан кам бўлмаслиги;
- камида олтита мамлакатда филиалларга эга бўлишлиги.

Шундай қилиб, халқаро корпорацияларнинг асосий хусусияти тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш жараёнидир.

XIX аср охирида вужудга келган халқаро корпорациялар эволюцион ривожланишнинг узун йўлини босиб ўтди, бу жараёнда уларнинг шакллари ва фаолият соҳалари устуворликлари, ички корпоратив тузилма ва стратегия ўзгариб борди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида корпоратив бирлашмаларнинг ўзаро ташкилий-ҳўжалик алоқалари асосида трансмиллий молия-саноат гуруҳларини (МСГ) барпо этишнинг турли шакллари мавжуд.

МСГ жаҳон иқтисодиётини халқаро ишлаб чиқаришга айлантириб, барча йўналишлар бўйича илмий-техника тараққиётининг жадал ривожланишини таъминлади. Улар таркибига маҳсулотнинг техник даражаси ва сифати, ишлаб чиқариш самарадорлиги, менежмент шакллариининг такомиллашуви, корхоналарни бошқариш каби йўналишларни киритиш мумкин. МСГ ўнлаб мамлакатларда ўз шубҳа корхоналари ва филиаллари орқали ишлаб чиқиладиган ягона илмий-ишлаб чиқариш ҳамда молия стратегияси бўйича фаолият олиб борадилар. МСГ улкан илмий-ишлаб чиқариш ва бозор салоҳиятига эга бўлиб, жаҳон иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлайди.

ТМК тарихан қисқа вақт ичида “янги индустриал мамлакатлар”нинг жадал суръатларда ривожланишида муҳим омил бўлди. Халқаро корпорациялар шаклланган даврдан бошлаб ўз ривожланиш стратегияларига эга бўлиб, куйидаги белгилар улар учун хосдир:

- ишлаб чиқаришни хорижий хомашё билан таъминлаш;
- хорижий бозорларда ўз филиаллари ёрдамида мустақкам ўрин эгаллаш;
- ишлаб чиқаришни харажатлар нисбатан паст бўлган мамлакатларда жойлаштириш;
- ишлаб чиқариш, савдо ва молия фаолиятини диверсификациялаш.

Халқаро корпорациялар фаолият олиб бораётган мамлакатларда умумий тартибдаги ва мультимиллийлаштириш билан боғлиқ рақобат афзалликларини қўлга киритиш усулларидадан фойдаланишади (27.1.1-жадвал).



**Халқаро корпорациялар томонидан рақобат  
афзалликларини қўлга киритиш усуллари<sup>1</sup>**

Афзаллик	Тавсиф
<b>I. Умумий тартбдаги рақобатнинг афзалликлари</b>	
Ўз технологиясига эга бўлиш	Ноу-хау ёки фирмага тегишли махсулотни ишлаб чиқариш, жараён ёки бошқарув технологияси, уни бошқа фирмалар фақат ИТТКИ ёки унинг эгасидан олиши мумкин
Маркага ёки савдо белгисига асосланган "гудвилль"	Сифат, хизматлар ва бошқаларга нисбатан тажриба асосида орттирилган обрў-эътибор
Ишлаб чиқариш қўламлари бўйича иқтисод қилиш	Катта қўламларда ишлаб чиқариш махсулот бирлиги қийматини пасайтиради
Ишлаб чиқариш диапазонни бўйича иқтисод қилиш	Бир нечта ишлаб чиқариш турлари "бир том остида" бирлаштириш ҳисобига харажатлар камайди
Харидлар қўламлари бўйича иқтисод	Харидларни катта ҳажмларда амалга ошириш ҳисобига хом ашё ва ярим тайёр махсулотлар қийматининг камайиши
– молиялаштиришда	Ўйрик фирмалар учун анча паст ставкаларда молиялаштиришдан фойдаланиш
– сотувларда	Хомашё ва махсулотни катта партияларда юклаш махсулот бирлигини ташиш қийматини пасайтиради
– рекламада	Бир нечта бозорлардаги сотувлар рекламанинг муайян "бозорлараро" ихтисослашишига имкон беради
Давлатнинг ҳомийлиги	Давлат бошқаруви остида бозорга эркин ёки преференциал тарзда қўллаб-қувватлаш орқали кириш
Ходимлар менежменти	Банд бўлганларнинг гуруҳли фаолиятини рағбатлантириш ва меҳнат унумдорлигини мақбуллаштириш кўникмалари
<b>II. Мультиимиллийлаштириш билан боғлиқ рақобат афзалликлари</b>	
Маркетингнинг мультиимиллий имкониятлари	Бир нечта мамлакатлардаги бозорларни ўрганиш билиш ва улардан фойдаланиш
Мультиимиллий таъминот манбалари	Бир нечта мамлакатлардаги хомашё, ярим тайёр махсулотлардан эркин фойдаланиш, бу ягона манбага нисбатан харажатларни анча пасайтиради
Мультиимиллий диверсификация	Бир нечта мамлакатларда операциялар олиб бориш "мамлакат қалтислиги"ни ва бизнес қалтислигини пасайтиради
Бир нечта мамлакатларнинг менежментдаги тажрибаси	Бир нечта мамлакатлар тажрибаси асосида шаклланган операцияларни бошқариш кўникмалари рақобатчилар олдига нисбий афзалликларни беради
Агломерация бўйича иқтисод	Бошқа фирмалар билан худудий ишлаб чиқариш кооперацияси натижасидаги агломерация бўйича иқтисод қилиш

ТМҚнинг махсулотни бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатлардаги филиалларида ишлаб чиқариш сабабларини аниқлаш учун унинг худудий жиҳатини ажратиб кўрсатиш зарур. Худудий жиҳат корпорациянинг арзон

<sup>1</sup> Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане. / «Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқаруви такомиллаштириш муаммолари» мавзундаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – М.: МГЭИ, 2008. 18-б.

хомашё ва иш кучидан фойдаланиш, маҳсулотни ташиш ва сақлаш харажатларини қисқартириш, божхона ва солиқ тўсиқларини четлаб ўтишга интилиши билан боғлиқ. Интернационал жиҳат эса бир нечта мамлакатларда ўз филиалларига эга корпорация ўз нисбий устунлигидан фойдаланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Иқтисодий мустақил бир неча корпорациядан кўра, маҳсулотни битта корпорация томонидан қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш афзалроқдир. Шунингдек, ТМК солиқларни қисқартириш мақсадида ҳисоботни бошқариши ва унга тегишли бўлган технология устидан назоратни ўрнатиши мумкин. Ушбу имконият тўлиқ назорат қилинадиган филиаллар ёрдамида амалга оширилади.

ТМКлар қуйидаги хусусусиятлари билан бошқа компаниялардан фарқланади:

- 1) халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчилари эканлиги;
- 2) халқаро ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиб, қўшимча имкониятларга эга бўлиши;
- 3) глобал ишлаб чиқариш кучлари ва ресурсларидан фойдаланиши;
- 4) оммавий истеъмолчилар учун ишлаши;
- 5) капитални базавий мамлакатда юз бераётган жараёнларга боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириши;
- 6) юқори технологияли ва фан сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларда фаолият олиб бориши. Ушбу тармоқлар ривожланиши катта ҳажмдаги капитал қўйилмалар ва юқори малакали мутахассисларни талаб этади.

Шу билан бирга ТМКнинг ривожланиши қуйидаги қарама-қарши тенденцияларга эга:

- улар ўртасида рақобатнинг кескинлашуви;
- ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши.

ТМК ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

1) халқаро кооперация – дастлаб, ривожланаётган мамлакатларнинг қазиб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқларида намоён бўлган бўлса, кейинчалик юқори технологияларни талаб қилувчи, илмий-техника тараққиёти ютуқлари кенг қўлланиладиган соҳаларда амалга оширила бошланди;

2) стратегик альянслар – жаҳон бозоридаги глобал иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида тузиладиган фирмалараро иттифоқ бўлиб, ушбу иттифоқ мазкур фирмаларнинг бошқа соҳаларда рақобатлашувига тўсқинлик қилмайди. Стратегик альянслар технологик тадқиқотларни олиб бориш, қўшма ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва маҳсулотни сотишда ҳамкорлик қилиш мақсадида барпо этилади;

3) стратегик оилалар – ўзаро рақобатда бўлган корпорацияларнинг халқаро бозорларда бир-бирини тўлдирувчи стратегияни амалга ошириш мақсадидаги бирлашувидир;

4) стратегик тизимлар – турли тармоқлардаги (ишлаб чиқариш корхоналари, савдо фирмалари, банклар) корхоналарнинг узоқ муддатли ҳамкорлигига асосланган бирлашма бўлиб, мақсади ахборотлар, персонал ва технологиялар алмашишдан иборатдир;

5) халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар. Халқаро рақобатнинг кучайиб бориши натижасида ХХ асрнинг 80-йилларидан бошлаб ТМК иштирокида фирмаларнинг бирлашиш ва қўшиб олиш жараёни кучайди. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби саноат тармоқларида тўлиқ қувват билан ишламаётган корхоналарнинг кўпайиши, ТМК даромадининг пасайиши, молия соҳасидаги ўзгаришлар оқибатида молиялаштиришнинг янги манбалари ва воситаларининг вужудга келиши ҳисобланади. Жумладан, 2010 йилда трансчегаравий бирлашган ва қўшиб олинган компанияларнинг қиймати 339 млрд. долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич жаҳон молия инқирозининг таъсирида 2009 йилда (250 млрд. долл.) 2008 йилга (707 млрд. долл.) нисбатан 47,9% га қисқарган<sup>2</sup>. Ушбу жараён асосан банк, суғурта, фармацевтика ва телекоммуникация соҳаларида юз бермоқда;

6) ТМКнинг халқаро қўшилиши деганда корпорацияларнинг қимматбаҳо қоғозларни шерикчилик асосида бошқариши тушунилади. Халқаро қўшилиб кетишлар асосан автомобилсозлик тармоқларида юз беради.

ХХ асрнинг 50-йилларидан бошлаб ТМК жаҳон бозорларини эгаллаш учун фаол ҳаракат бошладилар. Ушбу жараённинг ривожланишига халқаро иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви, янги мустақил мамлакатларнинг вужудга келиши, жаҳон истеъмол бозорида талабнинг ўсиши каби омиллар жиддий таъсир кўрсатди. ТМКнинг ҳажми ва сонининг жадал суръатлар билан ўсиши уларнинг жаҳон иқтисодиёти ривожланишидаги салмоғи ва аҳамиятининг кескин ошишига олиб келди.

## **27.2. Трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш кўрсаткичлари**

ТМК жаҳон хўжалигининг муҳим иштирокчиларига айланиб бормоқда. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари бевосита ТМК фаолиятига боғлиқ. Ушбу мамлакатлар экспортда миллий корпорациялар ва уларнинг хориждаги филиаллари ўртасидаги савдо алоқалари улуши юқори кўрсаткичга эга. Масалан, ХХ асрнинг 80-йилларида фирма ичидаги савдо улуши АҚШ экспортининг 14–20% ини, Япония экспортининг 23–28% ини ва ГФР экспортининг 24–28% ини ташкил этган.

ЮНКТАД маълумотларига кўра, 2008 йилда 82000 та ТМК қайд этилган бўлиб, филиалларининг сони 810 000 тани ташкил этган. ТМК жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. ТМК филиаллари орқали амалга оширилган экспортнинг ҳажми дунё экспортининг 1/3 қисмини ташкил этади ва уларда 68,2 млн. киши ишлайди. Ушбу кўрсаткич Германия иқтисодиётида банд бўлганлар сонидан икки баравар кўп.

<sup>2</sup> Доклад о мировых инвестициях, 2011 год. Способы организации международного производства, связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 7.

Халқаро ишлаб чиқариш деганда, ТМКнинг хорижий филиаллари томонидан сотилган маҳсулот тушунилади. Ушбу сотувларнинг аксарият қисмини филиаллар ишлаб чиқаради ва улар бош корпорациялар ишлаб чиқарган маҳсулотларни қайта сотиш билан шуғулланадилар. 1982 йилда ТМКнинг хорижий филиалларидаги сотиш ҳажми 2,5 трлн. долларни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2010 йилга келиб 33,0 трлн. долларга тенг бўлган.

Халқаро ишлаб чиқаришнинг асосини ТТХИ ташкил этади. Агар 1982 йилда ТМК томонидан четга чиқарилган ТТХИнинг умумий ҳажми 579 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20,4 трлн. долларга тенг бўлган. ТМК томонидан мамлакатлар иқтисодиётига четга чиқарилган ТТХИдан олинган даромадлар ҳажми эса мутаносиб равишда 46 млрд. доллардан 1,1 трлн. долларгача ортган (27.2.1-жадвал).

27.2.1-жадвал

### ТМК ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	Жорий баҳолардаги қиймати, млрд. долл.			2010 йилда 1982 йилга нисбатан, марта ҳисобида
	1982 й.	1990 й.	2010 й.	
Четга чиқарилган ТТХИнинг умумий ҳажми	579	1786	20408	35,3
Четга чиқарилган ТТХИдан олинган даромад	46	120	1 137	24,7
Трансчегаравий бирлашиш ва кўшиб олишлар сони	...	112	339	3,0*
Хорижий филиаллардаги сотиш ҳажми	2530	6026	32960	13,0
Хорижий филиалларнинг янги маҳсулоти	623	1477	6636	10,7
Хорижий филиаллардаги жами активлар ҳажми	2036	5938	56998	28,0
Хорижий филиаллардаги экспорт ҳажми	635	1498	6239	9,8
Хорижий филиаллардаги ишловчи ишчилар сони (минг киши)	19864	24476	68218	3,4

\* 1990 йилга нисбатан ҳисобланган.

2006–2008 йилларда биринчи 100 та ТМКнинг жами хорижий активлар миқдори, сотиш ҳажми ва ишчилар сонидagi улуши мос равишда 9, 16 ва 11% ни ташкил этган. Ушбу ТМКнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 2008 йилда 4% га тенг бўлган ва бу кўрсаткич 2000 йилдан буён ўзгармай келмоқда.

<sup>3</sup> World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. UNCTAD. -New York and Geneva, 2009.; Доклад о мировых инвестициях, 2011 год: Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011. С. 22.

100 та ТМК ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>4</sup>

	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2008 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариш, % ҳисобида
<b>Активлар ҳажми, млрд. долл</b>				
Жами	9 239	10 702	10 687	115,6
Шу жумладан, хорижда	5 245	6 116	6 094	116,2
Хориждаги активларнинг жами активлардаги улуши, %	57	57	57	100,0
<b>Сотиш ҳажми, млрд. долл</b>				
Жами	7 088	8 078	8 518	120,2
Шу жумладан, хорижда	4 078	4 936	5 208	127,7
Хориждаги сотиш ҳажмининг жами сотиш ҳажмидаги улуши, %	58	61	61	105,2
<b>Ишчилар сони, мвинг киши</b>				
Жами	15 388	14 870	15 302	99,4
Шу жумладан, хорижда	8 582	8 440	8 898	103,7
Хориждаги ишчилар сонининг жами ишчилар сонидagi улуши, %	56	57	58	103,6

XXI аср бошларида жаҳон иқтисодиётида трансмиллийлашиш жараёни чуқурлашиб бормоқда. У ёки бу компаниянинг хориждаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга жалб этилганлик даражаси трансмиллийлашув индекси (ТМИ) орқали аниқланади. У компаниянинг хориждаги ва ўз мамлакатидagi хўжалик фаолиятининг кўрсаткичларини қиёсий таққослаш йўли билан аниқланади. ЮНКТАД ушбу кўрсаткични компаниянинг жами активларида хорижий активларнинг улуши, жами сотиш ҳажмида хориждаги сотув ҳажмининг улуши, жами ходимлар сонидa хориждаги ходимлар сонининг улуши кўрсаткичларининг йиғиндиси сифатида баҳолайди.

1998 йилда жаҳондаги 100 та етакчи ТМКда ТМИ ўртача – 53,9%, 2006 йилда – 64,2%, 2007 йилда эса 62,4% ни ташкил этган. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич анча юқори бўлиб, шу жумладан Европа Иттифоқи–27 (ЕИ-27) мамлакатларида 66,4% га тенг.

Ривожланаётган мамлакатларда ТМК ТМИга нисбатан пастрок бўлса-да, уларнинг таркибида ҳам юқори трансмиллийлашув индексига эга ТМК мавжуд. Масалан, 2008 йилда Гонконг/Хитой “Hutchison Whampoa Ltd.” компаниясининг ТМИси 82,8% га тенг бўлган.

<sup>4</sup> Ўша манба.

**Жаҳондаги 100 та ТМҚнинг трансмиллийлашув индекси  
бўйича географик таркиби<sup>5</sup>**

Худуд	ТМИ		ТМҚ соми
	2006 й.	2007 й.	
Дунё бўйича ўртача	61,6	62,4	100
АҚШ	57,8	57,1	20
Япония	52,1	53,9	10
БИ-27	64,2	66,4	57
шу жумладан:			
Франция	63,8	63,6	14
Германия	54,8	56,5	13
Буюк Британия	72,8	47,1	15

ТМИнинг тармоқ таркибида телекоммуникация (70,3%), озиқ-овқат, тамаки саноати (68,1%) ва фармацевтика саноати (63,6%) корпорациялари етакчилик қилишади. Масалан, телекоммуникация соҳасига ихтисослашган “Vodafone Group Plc” компаниясининг (Буюк Британия) ТМИ даражаси – 88,6% га тенг.

**Жаҳондаги 100 та ТМҚнинг трансмиллийлашув индекси бўйича  
тармоқ таркиби<sup>6</sup>**

	Дунёдаги биринчи 100 та ТМҚ		Ривожланган мамлакатлардаги биринчи 100 та ТМҚ	
	2007 й.	ТМИ	2007 й.	ТМИ
Машинасозлик	13	56,0	3	39,3
Ёқилги энергетика	10	56,2	9	24,0
Электр ва электроника маҳсулотлари	9	57,7	19	59,9
Озиқ-овқат, тамаки	9	68,1	7	60,5
Фармацевтика	9	63,6	1	50,4
Қоммунал хизматлар	8	55,5	2	41,6
Телекоммуникация	8	70,3	7	47,7
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>62,4</b>	<b>100</b>	<b>54,4</b>

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози молия бозорларига таъсир ўтказиб, кўпчилик мамлакатларда ликвидлик муаммосини келтириб чиқарди. Инқирознинг микро-макро оқибатлари ТМҚнинг хорижга

<sup>5</sup> Ўша манба.

<sup>6</sup> Ўша манба.

капитал чиқариш имкониятларига сезиларли таъсир ўтказгани йўқ. ТМК аксарият тармоқларда инвестицияларни молиялаштириш бўйича юқори ликвидликка эга бўлганликлари сабабли, инқироз уларнинг юқори фойда нормасига жиддий таъсир кўрсатмади. АҚШ иқтисодиётидаги пасайишнинг макроиқтисодий даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва жаҳон молия бозорларига салбий таъсир кўрсатиши туфайли ушбу мамлакатларда инвестиция оқимининг қисқариши кутилмоқда. Бошқа томондан эса бу жараёнга ривожланаётган мамлакатлардаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

ТМКнинг фаолиятини таҳлил этишнинг муҳим йўналиши “FT 500” рейтинги ҳисобланади. Масалан, “FT 500” рейтингига кўра, 2010 йилда 500 та ТМКнинг 159 таси АҚШга тегишли бўлиб, ТМКнинг капиталлашув даражасида уларнинг улуши 36,5% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич бўйича Хитой ТМКнинг улуши Буюк Британия, Япония, Франция, Германия, Канада каби мамлакатларнинг ТМКни ортда қолдириб 7,4% га тенг бўлган (27.2.5-жадвал).

27.2.5-жадвал

**“FT 500” рейтингига кирувчи ТМКнинг капиталлашув даражаси, 2010 й.<sup>7</sup>**

Ўрни	Мамлакат	Компаниялар сони	Капиталлашув даражаси, млрд. долл.	Улуши, % ҳисобида
1	АҚШ	159	9578,9	36,5
2	Хитой	27	1945,2	7,4
3	Буюк Британия	30	1856,0	7,1
4	Япония	35	1333,0	5,1
5	Франция	24	1231,3	4,7
6	Канада	27	1046,8	4,0
7	Германия	19	994,3	3,8
8	Бразилия	11	884,0	3,4
9	Швейцария	14	856,7	3,3
10	Гонконг	18	796,9	3,0
11	Россия	11	673,3	2,6
12	Австралия	14	560,8	2,1
13	Ҳиндистон	14	510,6	1,9
14	Испания	7	433,5	1,7
15	Жанубий Корея	9	378,9	1,4
	Бошқа мамлакатлар	81	3139,9	12,0
	<b>Жами</b>	<b>500</b>	<b>26220,1</b>	<b>100</b>

<sup>7</sup> www.vedomosti.ru

“FT 500” рейтингига кўра жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ТМК фаолиятига жиддий таъсир кўрсатган. Таҳлиллар кўрсатишича, ТМКнинг капиталлашув даражаси<sup>8</sup> 2003 йилдан 2008 йилгача 12,6 млрд. доллардан 26,8 млрд. долларгача ошган, аммо молиявий инқироз натижасида бу кўрсаткич 2010 йилда 8,7 млрд. долларгача пасайиб кетди. 100 млрд. доллардан ортиқ қийматга эга компаниялар сони ҳам бу даврда 21 тадан 62 тагача ўсган ва инқироз туфайли 2010 йилга келиб 51 тага тушиб қолган (27.2.5-диаграмма).

27.2.5-диаграмма

**“FT 500” рейтингига кирувчи ТМКнинг капиталлашув даражаси ва қиймати 100 млрд. долл. дан ортиқ қийматга эга компаниялар сонининг ўзгариши<sup>9</sup>**



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ТМБ фаолиятига жиддий таъсир ўтказди ва уларнинг акциялари нархи 2007 йилдан бошлаб пасая бошлади. ТМБдан фарқли нефть ва газ соҳасида фаолият юритувчи ТМКнинг капиталлашув даражаси WPI маркали нефть нархининг энг юкори даражага чиқиши туфайли оша бошлади. Аммо “FT 500” рейтингги маълумотларига кўра инвесторларнинг инқироздан кўрқиб кетишлари натижасида акцияларни сотиб юборишлари 2009 йилнинг I кварталда нефть ва газ соҳасидаги ТМК капиталлашув даражасининг 38,4% га (2,4 трлн. долларга) пасайишига олиб келди. Шунга қарамасдан, бу ТМК рейтингда ТМБни ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

“FT 500” рейтингда нефть ва газ соҳасидаги ТМК сони биттага ошиб, 44 тани ташкил этган бўлса, ТМБ сони 15 тага қисқариб, 56 тага тенглашди. Банк секторининг капиталлашув даражаси икки бараварга

<sup>8</sup> Компаниялар капиталлашув (акциялар сонини унинг баҳосига кўпайтириш) даражаси бўйича амалга оширилган рўйхатга акцияларнинг камда 15% и эркин муомалада бўлган компаниялар киритилади.

<sup>9</sup> [www.vedomosti.ru](http://www.vedomosti.ru)



қисқариб, 1,937 трлн. долларни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 1999 йилга нисбатан 1,98 трлн. долларга, ТМБ сони эса 65 тага тенг бўлган. 2009 йилда “FT 500” рўйхатига миллийлаштирилган Белгия-Голландия банки “Fortis” (2008 йилда 133-ўринни эгаллаган), Буюк Британиянинг “НВOS” (2008 йилда 200-ўрин) банки (“Lloyds TSB” банки томонидан сотиб олинган) ва “ВТБ” (2008 йилда 200-ўрин) банклари кирмай қолди.

27.2.6-жадвал

**“FT 500” рейтингдаги ўзаришлар<sup>10</sup>**

Компаниялар	Мамлакатлар	2008 йилдаги ўрни	2009 йилдаги ўрни	Ўзгариш
<b>Рейтинг ортиган компаниялар</b>				
Schering Plough	АҚШ	394	103	291
Newmont Mining	АҚШ	483	208	275
Union Fenosa	Испания	460	203	257
Chubu Electric Power	Япония	491	285	206
Thomson Reuters	Канада/Британия	428	223	205
MasterCard	АҚШ	494	299	195
CITIC Securities	Хитой	369	174	195
Shin-Etsu Chemical	Япония	412	219	193
CLP Holdings	Гонконг	480	298	182
Amazon.com	АҚШ	301	126	175
<b>Рейтинг пасайган компаниялар</b>				
ING	Нидерландия	77	442	-365
Citigroup	АҚШ	53	358	-305
Норильский никель	Россия	141	430	-289
Сбербанк	Россия	91	374	-283
Anglo Platinum	ЖАР	246	422	-176
Volvo	Жанубий Корея	278	446	-168
Deutsche Post	Германия	228	387	-159
Barclays	Буюк Британия	119	277	-158
American Express	АҚШ	155	313	-158
Sun Life Financial	Канада	344	499	-155

Шунингдек, махсус молиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган компанияларнинг капиталлашиш даражаси ҳам 48,3% га (335,16 млрд. долл.) пасайган. Жумладан, “Lehman Brothers” инвестиция банки банкротга учради, “Bank of America” компаниясини “Merrill Lynch” компанияси сотиб олди, “Fannie Mae” ипотека агентлигини эса АҚШ ҳукумати қутқариб қолди. “FT 500” рейтингдаги энг катта йўқотиш “AIG” суғурта компаниясининг 2008 йил сентябрда миллийлаштирилиши ҳисобланади. Бу компания 2007 йилда рейтингда 51-ўринни эгаллаган ва қиймати 109,09 млрд. долларни ташкил этган.

<sup>10</sup> [www.vedomosti.ru](http://www.vedomosti.ru)

“FT 500” рейтингдаги етакчилар “ExxonMobil” ва “PetroChina” компаниялар ҳисобланишади. Россиянинг «Газпром» компанияси 2008 йилда 300 млрд. долларлик капиталлашиш даражаси билан рўйхатда 4-ўринни эгаллаган бўлса, 2009 йилга келиб 36-ўринга тушиб кетди (91,5 млрд. долл.). Россия компанияларининг сони 13 тадан 6 тага қисқарган ва ўзгаришларнинг деярли барчаси хомашё секторига тааллуқлидир: тўртта нефть ва газ соҳаси компаниялари, «Норильский никель» компанияси ва Сбербанк. «Норильский никель» ва «Сбербанк» рейтингда энг кўп ўрин йўқотган (тегишлича – 289 ва – 283 пунктгача) компаниялар ҳисобланишади. «Новатэк», “МТС”, «Вымпелком», «Северсталь» ва «НЛМК» компаниялари глобал рўйхатни тарк этишди.

Глобал рўйхатда хитой компанияларининг сони 25 тадан 27 тагача, жаҳондаги улуши эса 7,3% дан 7,4% га ортган. “Industrial & Commercial Bank of China” жаҳондаги энг йирик банк, “China Mobile” компанияси эса энг йирик технологик компания бўлиб қолмоқда.

Агар 1999 йилда жаҳоннинг энг йирик 10 та ТМК рўйхатида биронта Хитой компанияси мавжуд бўлмагани ҳолда, 2010 йилга келиб уларнинг сони учтани ташкил этган (27.2.7-жадвал).

27.2.7-жадвал

### Жаҳоннинг 10 та ТМК рўйхати<sup>11</sup>

1999 й.			2010 й.		
Компаниялар	Мамлакатлар	Капиталла- шиш даражаси, млрд. долл.	Компаниялар	Мамлакатлар	Капиталла- шиш даражаси, млрд. долл.
1. Microsoft	АҚШ	602,4	1. Exxon Mobil	АҚШ	417,2
2. General Electric	АҚШ	507,2	2. PetroChina	Хитой	326,2
3. NTT DoCoMo	Япония	368,4	3. Apple	АҚШ	321,1
4. Cisco Systems	АҚШ	366,5	4. Industrial & Commercial Bank of China	Хитой	251,1
5. Wall Mart Stores	АҚШ	307,9	5. Petrobras	Бразилия	247,4
6. Exxon Mobil	АҚШ	278,9	6. BHP Billiton	Австралия /Буюк Британия	247,1
7. Intel	АҚШ	275,0	7. China Construction Bank	Хитой	232,6
8. Nippon Telegraph & Telephone	Япония	272,6	8. Royal Dutch Shell	Буюк Британия	228,1
9. Lucent	АҚШ	235,1	9. Chevron	АҚШ	215,8
10. Nokia	Финляндия	208,2	10. Microsoft	АҚШ	213,3

<sup>11</sup> Овчаренко М. Америка судуль /Ведомости, №242 (2512), 22.12.2009.

Хитой компанияларининг капиталлашиш даражаси бўйича Буюк Британияни ортда қолдирди.

“FT 500” рейтингининг тармоқ таркиби таҳлиллари кўрсатишича, чакана савдо компаниялари 15-ўриндан 9-ўринга, электроэнергетика хизматларини кўрсатувчи компаниялар 8-ўриндан 6-ўринга кўтарилган, уларнинг жами капиталлашишдаги улуши мос равишда 2,2% дан 3,6% гача ва 3,3% дан 4,2% гача ортган. Тоғ-кон саноати ва металлургия тармоқлари компаниялари рўйхатда ўз ўринларини йўқотишган. Жумладан, тоғ-кон саноати компаниялари 6-ўриндан 10-ўринга, металлургия тармоғи компаниялари эса 13-ўриндан 19-ўринга тушиб, уларнинг капиталлашиш даражаси мос равишда 943,9 млрд. доллардан 436,9 млрд. долларга ва 641,6 млрд. доллардан 262,3 млрд. долларгача қисқарган. Биринчи ўнликни юқори технологик тармоқлар – компьютерлар ишлаб чиқарувчи, дастурий таъминот ишлаб чиқувчи ва алоқа компаниялари ташкил этишди.

ТМК фаолиятида ИТТКИ харажатлари алоҳида ўрин тутади ва корпорацияларнинг жаҳон юқори технологик маҳсулотлар бозорида инновацион лидерликни ушлаб туриш имконини беради. Таҳлиллар кўрсатишича, биринчи 1000 таликка кирувчи ТМКнинг ИТТКИ харажатлари 2010 йилда 550 млрд. долларни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 9,3% га ўсди. Жумладан, Roche Holding, Pfizer, Novartis каби ТМК томонидан ИТТКИ сарфланган маблағлар ҳажми 2010 йилда 9 млрд. доллардан юқори бўлган (27.2.8-жадвал).

27.2.8-жадвал

### ИТТКИ харажатлари инновацион рейтинг юқори ТМК рўйхати<sup>12</sup>

Компания	ИТТКИ харажати, млрд. долл.	2009-2010 йилларда ўзгартиш, %	Тулумлар да ИТТКИ улushi, %	Компания	ИТТКИ харажати, млрд. долл.	Рейтингдаги ўрни	Тулумлар да ИТТКИ улushi, %
Roche Holding	9,7	1,5	21,1	Apple	1,8	70	2,7
Pfizer	9,4	20,0	13,9	Google	3,8	34	12,8
Novartis	9,1	21,4	17,9	3M	1,4	86	5,4
Microsoft	8,7	-3,3	14,0	GE	4,0	32	2,6
Merck	8,6	53,0	18,7	Microsoft	8,7	4	14,0
Toyota	8,5	0,7	3,9	IBM	6,0	15	6,0
Samsung	7,9	23,2	5,9	Samsung	7,9	7	5,9
Nokia	7,8	-0,8	13,8	P&G	2,0	61	2,5
General Motors	7,0	16,0	5,1	Toyota	8,6	6	3,9
Johnson & Johnson	6,8	-2,0	11,1	Facebook	-	-	-
Газпром	0,8	-16,0	0,7				

2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг истеъмол ва “бошқа” секторларидан ташқари барча тармоқларида ИТТКИ харажатлари ошган. Жумладан, компьютерлар ва электроника секторига жами ИТТКИ харажатларининг 28% и тўғри келади.

<sup>12</sup> Милов Г. Инновации без делег. //Ведомости 26.11.2011. С. 12.

Демак, замонавий ТМКнинг афзалликлари технологик, бошқарув персоналининг юқори малакаси ва капитал ресурсларининг улкан ҳажмлари билан белгиланади. Бу афзалликларнинг мавжудлиги ТМК учун хорижда ўз филиалларини очишларини рағбатлантиради. Жаҳон иқтисодиётининг эркинлашуви ва глобаллашуви ушбу жараёни жадаллаштиради.

### **27.3. Трансмиллий банклар фаолиятининг ривожланиш йўналишлари**

Трансмиллий корпорацияларнинг халқаро бизнесдаги асосий ҳамкорлари трансмиллий банклар (ТМБ) ҳисобланади. ТМБ ривожланган мамлакатларда трансмиллий корпорациялар билан бир қаторда узоқ ва мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтишди.

ТМБ деганда жаҳон ссуда капитали ва молия-кредит хизматлари бозорида фаол қатнашиш имконини берувчи капиталга эга йирик банклар тушунилади. ТМБ трансмиллий компаниялар сингари ўз фаолиятларида қарорлар қабул қилувчи ягона марказга эга, кўпсонли филиаллар, бўлимлар ва ваколатхоналар тармоғини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ҳаракат қилишади.

Трансмиллий банкларнинг ривожланиши бир неча босқичларга бўлинади.

Биринчи босқич – XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидан бошлаб биринчи жаҳон урушигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич – Биринчи жаҳон урушининг охиридан Иккинчи жаҳон урушига қадар даврни қамраб олади. Жаҳон урушлари даврида халқаро молиявий фаолият секинлашган ва қисқарган.

Учинчи босқич – Иккинчи жаҳон урушидан XX асрнинг 70-йилларигача бўлган давр. Бу даврда урушдан кейинги иқтисодий тиклаш, мустамлакачилик тизимининг барбод бўлиши ва ривожланаётган мамлакатлар билан янги иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилиши янги халқаро банк таркибининг шаклланишини тақозо этган.

Тўртинчи босқич – XX асрнинг 80–90-йилларини ўз ичига олади. Бу босқичда жаҳонда ТМК жадал суръатлар билан ривожланди. Бу эса ТМКга молиявий хизмат кўрсатиш ва жаҳон молия бозорларида ўсиб бораётган талабни қондириш учун кенг тармоқли трансмиллий банкларга бўлган эҳтиёжни янада оширди.

Трансмиллий банкларнинг ривожланишидаги бешинчи босқич XXI асрнинг бошидан бошланади. Ҳозирда Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Евроосиёда ҳудудий интеграция жараёнлари кучайиб бормокда. ТМК ва ТМБ фаолияти таъсирида жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашув жараёни чуқурлашиб бормокда. Бундай шароитда ТМК ва бошқа халқаро бизнес қатнашчиларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун жуда катта ҳажмдаги капитал тўплаш зарур бўлади.

XXI асрнинг бошларига келиб жаҳонда учта асосий молиявий ҳудудлар (АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония) шаклланди ва уларда жаҳоннинг энг йирик трансмиллий банклари фаолият олиб боради. Қайд этиб ўтилган ҳудудларда қуйидаги молиявий марказлар пайдо бўлди:

- АҚШда – Нью-Йорк;
- Ғарбий Европада – Лондон (Буюк Британия), Париж (Франция), Цюрих (Швейцария), Люксембург, Франкфурт (Германия);
- Японияда – Токио.

Бундан ташқари халқаро даражада тан олинган молиявий марказлар ҳам мавжуд: Чикаго (АҚШ), Базел (Швейцария), Амстердам (Нидерландия), Вена (Австрия), Гонконг (Хитой), Тайвань, Сингапур, Сеул (Корея Республикаси), Сидней (Австралия), Кейптаун (ЖАР), Сан-Пауло (Бразилия), Ар-Риёд (Саудия Арабистони) ва бошқалар.

XXI асрнинг бошларига келиб жаҳонда йигирмага яқин йирик молиявий марказлар шаклланди ҳамда уларда ривожланган мамлакатларнинг мингдан ортиқ филиаллар ва бўлимларга эга трансмиллий банклари фаолият олиб боради. Мазкур банклар халқаро бизнесни молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилишади.

Даврий иқтисодий нашрларда жаҳоннинг йирик ТМБ рўйхати эълон қилиб борилади (жаҳон ва Европанинг 50, 100, 500 ёки 1000 та банклари ва ҳ.к.). Қуйида “FT 500” рейтингини бўйича активлар ҳажмининг камайиб бориш тартибида 10 та ТМБ рўйхати келтирилган (27.3.1-жадвал).

#### 27.3.1-жадвал

#### 10 та ТМБнинг жами активлар ҳажмининг камайиб бориши бўйича гуруҳланиши, 2010 й.<sup>13</sup>

Т/р	ТМБ	Мамлакатлар	Активлар ҳажми, трлн. долл.	Ходимлар сони, минг киши
1.	BNP Paribas	Франция	2,663	205,3
2.	Deutsche Bank	Германия	2,540	102,1
3.	HSBC	Буюк Британия	2,459	295,1
4.	Barclays	Буюк Британия	2,320	147,5
5.	Bank of America	АҚШ	2,265	288,0
6.	Royal Bank of Scotland	Буюк Британия	2,258	145,5
7.	Mitsubishi UFJ Financial	Япония	2,177	84,3
8.	Credit Agricole	Франция	2,126	87,5
9.	JP Morgan Chase	АҚШ	2,118	239,8
10.	Industrial & Commercial Bank of China	Хитой	2,042	389,8

<sup>13</sup><http://www.ft.com/reports/ft-500-2011>

XXI аср бошида юқорида санаб ўтилган ҳудудий молиявий марказлардан ташкил топган жаҳон молия бозори мингдан ортиқ ТМБ фаолиятини қамраб олди. Биринчи элликта ТМБнинг келиб чиқиш мамлакатлари географияси таҳлил қилинса, улар орасида 2008 йилда АҚШ ва Буюк Британия ТМБи сон жиҳатдан етакчилик қилгани ҳолда 2010 йилда етакчилик Хитойга ТМБига тегишли бўлди. ТМБнинг жами активлари 2010 йилда 55,4 трлн. долларни ташкил этган бўлиб, унинг таркибида энг юқори Хитой ТМБга тегишли – 15,2%. Таҳлиллар кўрсатишича, 2008–2010 йилларда биринчи элликталик ТМБ рўйхатида Бельгия, Нидерландия, Ирландия каби ривожланган мамлакатлар ўрнига BRIC мамлакатлари кириб келди. Жумладан, 2010 йилда BRIC мамлакатлари ТМБнинг рўйхатдаги сони 13 тани ташкил этиб, умумий активлар ҳажмидаги улуши 18,6% га тенг бўлди (27.3.2-жадвал).

27.3.2-жадвал

**Жаҳоннинг энг йirik 50 та трансмиллий банклари таркибининг ўзгариши, 2008–2010 йил<sup>14</sup>**

Мамлакатлар	2008			Мамлакатлар	2010		
	ТМБ сони	Активлар ҳажми, млрд. долл.	улуши, %		ТМБ сони	Активлар ҳажми, млрд. долл.	Улуши, %
АҚШ	8	7689,8	14,3	Хитой	8	8445,0	15,2
Буюк Британия	6	10308,7	19,2	АҚШ	5	7862,3	14,2
Франция	5	8709,6	16,2	Буюк Британия	5	9092,9	16,4
Германия	4	5426,5	10,1	Канада	5	2582,4	4,7
Швейцария	4	3602,3	6,7	Австралия	4	2312,7	4,2
Швеция	3	1285,4	2,4	Бразилия	3	1302,1	2,3
Япония	3	4167,2	7,7	Франция	3	6297,3	11,3
Италия	3	2955,3	5,5	Япония	3	5153,2	9,3
Бельгия	3	1572,5	2,9	Швеция	3	1422,2	2,6
Нидерландия	3	3270,1	6,1	Швейцария	2	2495,0	4,5
Канада	3	1319	2,5	Испания	2	2362,4	4,3
Испания	2	2277,9	4,2	Италия	2	2125,7	3,8
Дания	1	680,1	1,2	Россия	1	282,2	0,5
Ирландия	1	277,7	0,5	Германия	1	2539,9	4,6
Норвегия	1	263,6	0,5	Дания	1	576,5	1,0
Жами	50	53805,7	100,0	Ҳиндистон	1	322,8	0,6
				Норвегия	1	319,5	0,6
				Жами	50	55494,6	100,0

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жаҳон банк саноатининг ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, 2009-2010 йилларда Буюк Британия банкларининг активлари 5,3% га (700 млрд. долл.), АҚШ

<sup>14</sup> <http://www.ft.com/reports/ft-500-2011>

банк активлари 2,8% га (340 млрд. долл.) евро зонаси мамлакатлари банк активлари эса 250 млрд. долларга қисқарди. Ривожланган мамлакатлар банк тизимидаги кескин ўзгаришлар қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

– Ғарбий Европа ва АҚШ ТМБи томонидан “ёмон актив”ларни кенг миқёсда ҳисобдан чиқариши (27.3.3-жадвал). 2010 йилнинг охирида ТМБ томонидан ҳисобдан чиқарилган активлар миқдори 1,5 трлн. долларни ташкил этиб, уларнинг 2/3 қисми муаммоли кредитлар бўйича кўрилган зарарлар, 1/3 қисми эса қимматбаҳо қоғозлар ва ҳосила молия дастаклари бўйича зарарлардан иборат;

– Ривожланган мамлакатларда банклар фаолиятининг сустрлашуви натижасида 2009-2010 йилларда жаҳоннинг йирик ТМБнинг халқаро талаблари миқдори 800 млрд. долларга қисқарди;

– қарз олувчилар, жумладан, аҳоли тўлов қобилиятининг пасайиши натижасида ривожланган мамлакатлар кредит бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви. Хусусан, АҚШда 2009-2010 йилларда муаммоли қарздорлик даражаси икки бараварга ошди ва 5,5% ни ташкил этди;

– халқаро ва миллий қарз бозорларининг қисқариши. Мисол учун 2010 йилда евро зона ҳудуди мамлакатларида банкларнинг қарз мажбуриятлари миқдори 175 млрд. долларгача (инкирозгача 350-400 млрд. долл.) қисқарди.

*27.3.3-жадвал*

**Жаҳоннинг йирик зарарга ва ҳисобдан чиқарилган қарзларга эга банклари, млрд. долл.<sup>15</sup>**

	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2007-2010 йй.
Citigroup	29,1	63,4	30,7	24,0	147,2
Bank of America	12,1	29,2	35,5	27,6	104,4
Lloyds	6,8	28,9	36,1	10,3	82,1
HSBC	19,3	30,3	26,4	-	76,0
RBS	7,0	23,5	21,3	11,5	63,3
JP Morgan Chase	4,5	10,2	29,5	18,6	62,8
UBS	-	50,6	1,8	0,1	52,5
Well Fargo	3,5	8,7	18,2	13,8	44,2
Barclays	7,0	16,5	12,7	6,9	43,1
Santander	4,8	8,3	13,2	10,8	37,1
BNP Paribas	2,4	8,0	11,4	5,1	26,9
UnitCredit	3,5	5,1	11,3	7,0	26,9
Morgan Stanley	10,3	10,1	2,4	0,2	23,0
Commerzbank	3,9	13,3	4,5	0,6	22,3
Deutsche Bank	4,0	11,2	4,9	1,2	21,3

<sup>15</sup> Плясецкий Д.Е. Ключевые тенденции развития национальных и международных финансовых рынков в 2009-2011 гг. // Бизнес в банки, №16, апрель 2011. С. 1.

Трансмиллий банкларнинг халқаро фаолияти қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

– ТМБ – молиявий ресурс эгалари ҳамда инвесторлар ўртасидаги асосий ва йирик воситачилар эканлиги;

– ТМБ – молиявий ресурсларнинг эгаларидан қарз олувчиларга қараб ҳаракатланиш шакллари белгиланган ва каналларини тақсимловчилар ҳисобланиши;

– ТМБ – халқаро молия бозорларида қайтаришлилиги, муддатлилиги ва фойзалар тўлаш шартларида эркин пул маблағларини жалб этиш ҳамда жойлаштириш, халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширувчи универсал молия ташкилотлари саналиши;

– ТМБ - йирик ҳажмдаги инвестиция маблағларининг келиб чиқиши ва тақдим этилиши нўқтаи назаридан ишончли манба эканликлари.

Замонавий ТМБ миллий банклардан хорижда кенг тармоқли филиалларига эгаллиги билан ажралиб туради. Бу эса уларга ТМБ ва йирик инвесторларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини тезкорлик билан қондириш имконини беради.

#### **27.4. Ўзбекистонда трансмиллий корпорациялар фаолияти**

Республикаимиз иқтисодийётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, юқори илмий сифимли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш йирик ҳажмда инвестицияларни талаб қилади. Мазкур масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида МСГни тузиш лозим. МСГда молия капитали билан саноат капитали бирлашиб, нафақат инвестиция жараёнларининг фаоллаштишига, балки иқтисодийётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қўмаклашади.

Жаҳон амалиётига кўра, МСГни ташкил этиш қатор афзалликларга эга:

– инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун молия капитали билан саноат капитали бирлашади ва натижада молия ресурсларининг айланиши тезлашади;

– миллий компанияларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлиги ошади;

– гуруҳ аъзоларининг ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қулай имконият яратилади, бу иқтисодийётда дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни қисқартиради;

– янги техника ва технологияларни яратиш учун молия ресурсларни жамлаш имконияти туғилади;

– гуруҳ аъзоларининг депозитлари, ҳисобварақлари ва бошқа активлари концентрациялашуви натижасида тижорат банкларининг ресурс базаси кенгайди;



– гуруҳ аъзолари бўлмиш молия институтлари корхоналарнинг ва аксинча, корхоналар молия институтларининг бошқарувида иштирок этиб, корпоратив бошқарувнинг сифати ошади;

– гуруҳ аъзолари бўлмиш қарздорлар бошқарувидга иштирок этиши туфайли тижорат банкларининг уларни кредитлашларида риск даражаси пасаяди ва ҳоказо.

Ўтиш иқтисодийети шароитида МСГнинг пайдо бўлиш сабаблари куйидагилардан иборат:

– технологик ва кооперацион алоқаларни ўрнатиш заруриятининг мавжудлиги;

– иқтисодийётнинг мезодаражасида барқарорлаштирувчи субъектни яратиш зарурияти;

– капиталнинг концертациялашувининг халқаро тажрибасидан банк тизими ва хусусийлаштириш ёрдамида фойдаланиш зарурияти.

Россияда молия-саноат гуруҳлари реестрига 35 та молия-саноат гуруҳлари киритилган, жумладан, «Уральские заводы» (Ижевск), «Сокол» (Воронеж), «Нижегородские автомобили» (Нижний Новгород), «Магнитогорская сталь» (Магнитогорск) ва бошқалар. Мазкур гуруҳлар куйидаги микдорий кўрсаткичлар орқали тавсифланади:

– ишчилар сони бўйича: 10 000 кишигача –30%, 10 000 дан 100 000 кишигача –59%, 10 000 кишидан юқори –11%.

– консолидациялашган капитал ҳажми бўйича: 1,0 млн. рублгача – 44%, 1 млн. рублдан 10 млн. рублгача –42%, 10 млн. рублдан 50 млн. рублгача –14%.

– тармоқлар сони бўйича: 3 тагача –51%, 3 тадан 5 тагача –30%, 5 тадан юқори –19% <sup>16</sup>.

Ўзбекистонда саноат ва молия капиталининг интеграциялашувини кенгайтириш шакли сифатида банк МСГни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Банк МСГ таркибига куйидаги корхона ва ташкилотларни жалб этиш зарур:

– банк акционери ҳисобланган корхона ва ташкилотлар;

– акциялар пакетининг асосий қисми банк ихтиёрида бўлган корхона ва ташкилотлар;

– ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштириш учун инвестиция кўйилмаларига муҳтож корхона ва ташкилотлар.

Тижорат банклари иштирокида МСГни ташкил этиш ва у орқали банклар бозорида рақобатни янада ривожлантириш жаҳон амалиётида тез ўсиб бормоқда. Бозор иқтисодийети жараёнида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ривожланган давлатларда кенг тарқалиб борган. Жумладан, АҚШ МСГ фаолиятининг асосий қисми биринчи гуруҳ банкларнинг устуворлиги асосида

<sup>16</sup> Нешптовой А.С. Инвестиция: учебник. 7-е изд. –М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К<sup>о</sup>”, 2008. С. 382.

бошқарилади. АҚШдаги 122 та йирик корпорацияларнинг 25,2% ҳал қилувчи овози банклар томонидан берилади, бу ерда суғурта ташкилотларининг улуши 4,3% ни ташкил қилади<sup>17</sup>. АҚШда корпорацияларнинг фаолиятини бошқариш, маслаҳатлар бериш ва сиёсатини олиб бориш банклар томонидан амалга оширилади. Банклар орқали ташкил этилган мамлакатлардаги молия-саноат ташкилотларининг бошланғич босқичида молиявий ресурсларга талаб жуда юқори бўлган. Бундан ташқари, саноатда ишлаб чиқариш рентабеллиги юқори бўлмаган ва улар мустақил ривожлана олмаган. Бу эса мамлакатда саноат ташкилотларининг молия-кредит тизимига талаб юқори бўлганини кўрсатади. Саноат ташкилотларининг қўшимча капитали етарли бўлмагани учун акцияларини эмиссия қила олмаган. Мамлакатда фонд бозорининг ривожланиш даражаси паст бўлиши, қўшимча маблағларни жалб қилиш имконини бермаган. Россияда бугунги кунда МСГ сони 100 дан ортик бўлиб, уларнинг 90 таси ҳақиқий рўйхатга олинган бўлса, қолган қисmini трансмилий корхоналар ташкил қилади. Россияда МСГнинг кредит қўйилмалари 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 2,5% га ошган<sup>18</sup>. Аммо Россияда МСГнинг фаолияти тўлиқ ривожланган, деб айтиш қийин. Чунки, биринчидан, МСГни бирлаштирган корхоналар акцияси гуруҳ аъзолари орасида тақсимланмаган ёки маълум бир улушга эгаллик ҳуқуқи берилмаган, иккинчидан, ташкил этилган гуруҳлар иктисодиётнинг маълум бир йўналиши билан чегараланиб қолган, учинчидан, гуруҳларни бошқариш чегараси кичик бўлиб, гуруҳ раҳбари салоҳияти аъзолари орасида сезилмай қолмоқда. Россияда ташкил этилаётган МСГни тўрт тоифага ажратиш мумкин. Концептуал, қонун чиқарувчи, умумиктисодий ва ташкилий тизимли. Концептуал асосда ташкил этилган МСГ давлат томонидан назорат қилинади.

Иккинчи гуруҳ МСГни ташкил этиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, умумиктисодий МСГ ишлаб чиқариш, инвестиция ва молия билан боғлиқ бўлиб, банкларнинг бевосита иштирокини таъминлайди. Мамлакатдаги банклар салоҳиятининг юқори эмаслиги, бу жараёнларга иштирак этишини чегаралаб қўйган. Бу эса реал секторга инвестицияларни жалб этиш имконини бермайди. Россияда қонунларнинг тез-тез ўзгартирилиши МСГнинг фаолиятига кескин таъсир қилмоқда. МСГ фаолияти алоҳида қонун ёки мустаҳкам далолатномалар билан муҳофаза қилинмаган. МДҲ давлатларида ҳамкорликда МСГни ташкил этишнинг энг асосий муаммоси ҳам ушбу давлатларда МСГни ташкил этишдаги ҳуқуқий тамойилларнинг турличалигидадир.

Республикамизда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имкониятларини таҳлил этадиган бўлсак, йирик саноат корхоналари атрофида кичик гуруҳларни бирлаштириш ҳозирги кунда қўйилган мақсадга эришиш имконини

<sup>17</sup> Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – М.: МТЭИ, 2008. 145-б.

<sup>18</sup> Ўша манба.

берадимиз? Албатта, МСГни йирик sanoat корхонасида бирлаштириш учун унинг имкониятлари қолган гуруҳ аъзоларига нисбатан юқори бўлишни тақозо этади. Бунинг учун турли соҳаларда фаолият олиб бораётган корхоналар акцияларига эғалик ҳуқуқини қўлга киритиши ва шу асосда савдо уйларини ташкил этиши, ўзининг банкига эга бўлиши зарур бўлади. Бу асосда ташкил этилган МСГ республикамик иқтисодийётида монополлашув жараёнини юзага келтирса-да, ички муҳитда рақобатнинг кескин кучайишига олиб келади.

Чунки, ички гуруҳ аъзоларининг бевосита ўз маҳсулоти сифатини ошириши ва экспортбоп маҳсулотларни бошқа давлатларга жойлаштириш имконини кенгайтириш учун кураш олиб боришига зарурат туғдиради. Республикамикда йирик стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг давлат томонидан бошқарилиши бу жараённинг маълум маънода иқтисодий инкироз хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Иккинчи усул, яъни йирик банклар атрофида муҳим sanoat корхоналарини бирлаштириш.

Республикамикда банклар орқали МСГни ташкил этиш банклар бозорига бевосита ўз таъсирини ўтказиши. Йирик банкларнинг ўз атрофида sanoat корхоналарини бирлаштириши банклар ўртасида монополлашув даражасининг ортишига олиб келиши мумкин. Аммо, шу билан бирга, у жаҳон банклари билан рақобатлашув жараёнини вужудга келтиради. Бу эса банклар орқали иқтисодийётга инвестицияларни жалб этиш имконини оширади. Бирок юқоридаги таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, банкларнинг sanoat корхоналарини бирлаштирган ҳолда МСГни ташкил этиш учун капиталлари ва йирик sanoat гуруҳларидаги акциялар улуши юқори эмас. Бу эса банкларнинг йирик sanoat гуруҳлари олдида назорат қилиш имконини чегаралаб қўяди. Республикамикда МСГ босқичма-босқич йирик sanoat корхоналари орқали ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса банклар бозорига банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайишига ва уларнинг кредит қўйилмаларини иқтисодийётнинг муҳим йўналишларига жойлаштириш имконини оширади.

Шу билан бирга, республикамикда МСГни ташкил этишда, бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– тижорат банкларининг ресурс базаси чегараланган бўлиб, бу уларнинг ташкил этиладиган гуруҳ корхоналарига инвестиция қилиш имкониятини камайтиради;

– тижорат банклари капиталлашув даражаси нисбатан пастроқ бўлиб, ушбу ҳолат уларнинг гуруҳ ташкил этиш учун инвестицион фаолиятини чегаралайди;

– республикамикдаги кўпчилик корхоналарда асосий воситаларнинг эскириши юқори бўлиб, уларни янгилаш учун йирик ҳажмда инвестициялар зарур. Бундай ҳажмдаги инвестицияларни тижорат банклари бирданига молиялаштириш имкониятига эга эмас;

– мамлакатимизда йирик банклар сони кам бўлиб, улар иштирокида МСГ ташкил этилса, банк хизматлари бозорида рақобат пасайиши мумкин ва ҳоказо.

Ўзбекистонда МСГнинг шаклланиши ва амал қилишини таъминловчи шарт-шароитларни ташкил этиш бўйича таклифлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистонда МСГ фаолиятини ташкил этиш учун МСГни яратиш ва амал қилишини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Молия-саноат гуруҳлари тўғрисидаги” Қонунини қабул қилиш зарур.

2. МСГнинг ривожланиш концепцияси уларни юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, тўловга қобилиятли, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош тармоқларда яратишни кўзда тутиши лозим.

3. МСГ қатнашчиларининг таркиби ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шакли корхоналарнинг молиявий ва илмий тадқиқот салоҳияти, такрор ишлаб чиқариш босқичларини тўлиқ қамраб олишини эътиборга олган ҳолда турли-туман бўлиши зарур.

4. МСГ акционер жамиятлар шаклида таъсис этилиши лозим.

5. МСГ таркибига кирувчи тижорат банкларининг тўлақонли фаолият юритишлари учун уларга МСГ қатнашчиларининг акцияларини сотиб олиш ҳуқуқи берилиши зарур.

6. МСГ монополияга қарши чекловларни эътиборга олган ҳолда ташкил этилиши керак.

### Асосий тушунчалар

**Халқаро корпорациялар** – жаҳон товар ва ишлаб чиқариш омиллари бозорларига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи йирик компаниялар.

**Трансмиллий корпорациялар (ТМК)** – бош компания бир мамлакат капиталига тегишли бўлиб, филиаллари эса дунё бўйлаб тарқалиб кетган компаниялар.

**Кўнимиллатли корпорациялар (КМК)** – бош компания икки ва ундан ортиқ мамлакат капиталига тегишли бўлиб, хорижий бўлимлари турли мамлакатларда жойлашган корпорациялар.

**Стратегик альянслар** – жаҳон бозоридаги глобал иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида тузиладиган фирмалараро иттифоқ бўлиб, ушбу иттифоқ мазкур фирмаларнинг бошқа соҳаларда рақобатлашувига тўсқинлик қилмайди.

**Стратегик оилалар** – ўзаро рақобатда бўлган корпорацияларнинг халқаро бозорларда бир-бирини тўлдирувчи стратегияни амалга ошириш мақсадидаги бирлашуви.

**Стратегик тизимлар** – турли тармоқлардаги (ишлаб чиқариш корхоналари, савдо фирмалари, банклар) корхоналарнинг узоқ муддатли

ҳамкорлигига асосланган бирлашма бўлиб, мақсади ахборотлар, персонал ва технологиялар алмашишдан иборат.

**Трансмиллийлашув индекси (ТМИ)** – ТМКнинг хориждаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга жалб этилганлик даражаси.

**Трансмиллий банклар (ТМБ)** – жаҳон ссуда капитали ва молия-кредит хизматлари бозорида фаол қатнашиш имконини берувчи капиталга эга йирик банклар.

**Молия-саноат гуруҳлари (МСГ)** – ўзаро ташкилий-хўжалик алоқалари асосида ташкил этилган корпоратив бирлашмалар.

### **Назорат саволлари**

1. ТМК дейилганда нима тушунилади?
2. ТМК ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари қандай шаклларда намоён бўлади?
3. Халқаро бирлашиш ва қўшиб олишлар деганда нимани тушунасиз?
4. Трансмиллийлашув индекси нима ва у қандай ҳисобланади?
5. ТМК фаолияти ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига қандай таъсир ўтказади?
6. ТМБ нима ва улар қандай хусусиятларга эга?
7. ТМК фаолиятига баҳо берувчи қандай рейтингларни биласиз?
8. МСГнинг шаклланиши қандай босқичлардан иборат?
9. Ўзбекистонда МСГни ташкил этиш зарурияти ва хусусиятлари нималардан иборат?

### 28.1. Халқаро ишчи кучи миграциясининг назарий асослари

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг муҳим элементи ҳисобланган ишчи кучи миграцияси узоқ йиллар давомида иқтисодий тадқиқотлар объекти бўлиб келмоқда. Миграция сўзи латинча «migratio» сўзидан олинган бўлиб, «кўчиб юриш» маъносини билдиради. Умуман олганда аҳоли миграциясини ички ва ташқи миграцияга, ташқи миграцияни эса миграция мақсадидан келиб чиққан ҳолда турларга бўлиш мумкин. Уларнинг орасида иқтисодий миграция етакчи ўринни эгаллайди.

Аҳоли миграцияси соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг илк вакилларида бири инглиз олими Е.Равенстейн ҳисобланади. 1885 ва 1899 йилларда Лондонда нашр этилган илмий асарларида «миграция қонунларини» ишлаб чиққан ва миграциянинг йўналишлари ҳамда давомийлиги ўртасидаги олти асосий боғлиқлик мавжудлигини аниқлаган:

- икки географик пункт ўртасидаги миграция оқимининг давомийлиги мазкур пунктлар орасидаги масофага тесқари пропорционал;
- узоқ масофага кетаётган мигрантлар савдо ва саноат жиҳатдан тараққий этган йирик шаҳарларга интилишади;
- миграция босқичли жараён ҳисобланиб, у аввал географик жиҳатдан яқин шаҳарлар томон, кейин эса жадал суръатларда ривожланиб бораётган шаҳарлар томон юз беради:
- ҳар қандай миграцион оқим тесқари оқимни юзага келтиради;
- технологик тараққийёт ва коммуникациянинг ривожланиши аҳоли миграциясини кучайтиради;
- миграция ривожланишининг асосий омили иқтисодий омил ҳисобланади.


Халқаро миграция муаммосини 1960 йилнинг охиридан бошлаб иқтисодий ўсишнинг модели сифатида назарий жиҳатдан ўрганиш фаоллашди. Унинг асосий гоёси ишчи кучининг халқаро миграцияси ишлаб чиқаришнинг бир омили бўлиб, иқтисодий ўсишга таъсир қилиши ва уни келтириб чиқарувчи сабаб деб, давлатлараро иш ҳақи миқдоридagi фарқнинг мавжудлиги кўрсатилди. Неоклассиклар ҳар бир одам ўз меҳнатининг чекланган маҳсулини олиб, истеъмол қилишини, иммигрантни қабул қилувчи мамлакатнинг эса фаровонлиги ошишига олиб келиши ва эмиграция қилаётган мамлакатнинг эса иқтисодий ривожланиши аввалгидек қолиши ёки ҳар ҳолда ёмонлашмаслигини айтишади. Неокейнсчилар эса ишчи кучини экспорт қилиш натижасида, айниқса “ақлнинг оқиб ўтиши” мамлакат иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келиши мумкинлигини таъкидлашади.

Бундан ташқари, ишчи кучининг халқаро миграциясини ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатланиши сифатида ҳам кўриб

чиқиш мумкин. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ишчи кучининг халқаро миграцияси иқтисодий ва ноиқтисодий сабабларга кўра юз беради.

Ишчи кучининг халқаро миграциясининг иқтисодий сабабларини тадқиқ этиш учун халқаро капиталлар миграциясини таҳлил этишда кўлланиладиган усуллардан фойдаланиш мумкин. Фараз қилайлик, ишчи кучи халқаро миграциясининг асосий сабаби ривожланган мамлакатларда ўртача иш ҳақи миқдори ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Масалан, фақат икки мамлакат мавжуд. Биринчи мамлакат LA ҳажмда меҳнат ресурсларига эга, иккинчи мамлакат эса  $AL^1$  ҳажмдаги меҳнат ресурсларига эга (28.1.1-расм ).

1 Мамлакат



28.1.1-расм. Халқаро ишчи кучи миграциясининг иқтисодий сабаблари

Иккала мамлакатнинг меҳнат ресурслари ҳажми биргаликда  $LL^1$  ни ташкил этади.  $S_1$  ва  $S_2$  тўғри чизиқлар ишчи кучидан фойдаланиб яратилган маҳсулот ҳажми қийматининг ўсишини ифода этади. Агар ишчи кучининг халқаро миграцияси мавжуд бўлмаса, унда биринчи мамлакат ўзидаги мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланган ҳолда  $LC$  ҳажмдаги ўртача иш ҳақини таъминлаб беради. Шу тариқа иккинчи мамлакат ҳам  $L^1D$  ҳажмдаги ўртача иш ҳақини таъминлаб беради.

Биринчи мамлакат меҳнат ресурслари яратган маҳсулот ҳажми  $a+b+c+d+e+f$  ни, иккинчи мамлакатда яратилган маҳсулот ҳажми эса  $i+j+k$  ни ташкил этади.  $LC < L^1D$  тенгсизлик эса биринчи мамлакатда ишчи кучи қийматининг иккинчи мамлакатга қараганда пастроқ эканлигини кўрсатади.

Агар иккала мамлакат ҳам ишчи кучининг халқаро миграцияси йўлидаги тўсиқларни олиб ташласа, биринчи мамлакат меҳнат ресурсларининг АВ қисми иккинчи мамлакатга кўчиб ўтади. Натижада иккала мамлакатда ҳам иш ҳақи ВR даражада баланслашади.

Бир томондан биринчи мамлакатда қолган ва иккинчи мамлакатга кўчиб ўтган меҳнат ресурслари яратган маҳсулот ҳажми  $a+b+c+d+e+f+h$  ни, шундан  $a+b+c+d$  қисми ушбу мамлакат меҳнат ресурслари томонидан,  $e+f+h$  қисми эса иккинчи мамлакатга кўчиб келган чет эллик мигрантлар томонидан яратилади. Бунда иккинчи мамлакатга кўчиб келган ишчилардан фойдаланиб яратилган маҳсулот аввалги ҳажмидан  $h$  сегментга кўпроқ бўлади. Ишчиларнинг даромади  $a+b+d+e+f+h$  ни ташкил этиб, ишлаб чиқаришнинг қолган омилларининг даромадлиги  $c$  сегментга камаяди.

Иккинчи томондан эса, биринчи мамлакатдан иккинчи мамлакатга ишчи кучининг оқиб ўтиши икки мамлакатда иш ҳақининг LD дан LF гача камайишига олиб келади. Аммо ҳам ўзидаги ишчи кучидан ҳам хориждан келган ишчи кучидан фойдаланиш эвазига икки мамлакатнинг ички маҳсулотининг ҳажми  $i+j+k$  дан  $i+j+k+g+h+e+f$  гача ортишига сабаб бўлади. Тўғри  $h+e+f$  сегментлар хорижий ишчилар томонидан яратилган маҳсулот ҳисобланади ва унинг катта қисми даромад солиғини айириб ташлангандан кейин биринчи мамлакат ишчиларига иш ҳақи кўринишида берилиши лозим. Натижада ички ишлаб чиқариш ҳажмининг соф ўсиши фақат  $c$  сегментдан иборат. Икки мамлакатда ўртача иш ҳақининг пасайиши натижасида бу мамлакат ишчиларининг даромади  $i+k$  дан  $k$  гача қисқаради. Ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларининг даромадлиги эса  $i$  дан  $i+g+f$  гача ортади.

Жаҳон миқёси нуқтаи назаридан ишчи кучининг бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтиши натижасида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми  $(a+b+c+d+e+f) + (k+i+j)$  дан  $(a+b+c+d+e) + (e+f+g+h+i+j+k)$  га қадар ортади.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси натижасида хорижга алоҳида хусусиятга эга бўлган товар – ишчи кучи кўчиб ўтади. Унинг бошқа товарлардан асосий фарқи шундаки, у бошқа товарларни ишлаб чиқаришда асосий омил сифатида қатнашади.

Шундай қилиб, халқаро ишчи кучи миграцияси деганда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир давлатдан иккинчи давлатга иқтисодий ва бошқа сабабларга кўра бир йилдан ортиқ муддатга кўчиб ўтиши тушунилади. Ишчи кучи миграцияси туфайли турли мамлакатлардаги иш ҳақи даражаси ўртасидаги фарқ қисқаради. Ишчи кучи миграцияси натижасида жаҳон ишлаб чиқариш ҳажми меҳнат ресурсларини регионлар бўйича қайта тақсимлаш ва улاردан самарали фойдаланиш эвазига кўлаяди.



## 28.2. Халқаро ишчи кучи миграциясининг моҳияти, омиллари, сабаблари ва турлари

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, халқаро ишчи кучи миграцияси куйидаги сабабларга кўра содир бўлади:

- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасининг турличалиги;
- иш ҳақи миқдори ўртасида миллий фарқларнинг мавжудлиги;
- ишсизликнинг мавжудлиги;
- капиталнинг халқаро ҳаракати ва трансмиллий корпорациялар фаолияти.

Халқаро ишчи кучи миграцияси билан боғлиқ асосий тушунчалар:

Иммиграция – меҳнатга лаёқатли аҳолининг мамлакат ҳудудига бошқа мамлакатлардан кўчиб келиши.

Эмиграция – меҳнатга лаёқатли аҳолининг мамлакат ҳудудидан бошқа мамлакатларга кўчиб кетиши.

Миграцион қолдиқ – иммиграция ва эмиграция миқдори ўртасидаги фарқ.

«Ақлнинг оқиб ўтиши» – юқори малакали мутахассисларнинг мамлакатлараро миграцияси.

Реэмиграция – эмигрантларнинг ватанларига доимий яшаш учун қайтиб келишлари.

Жаҳон меҳнат бозоридаги вазият бошқа барча бозорлар каби талаб ва таклиф асосида аниқланади ҳамда қатор омиллар билан белгиланади. Бу омиллар шартли равишда иқтисодий, демографик, сиёсий омилларга бўлиниб, улар ўзаро боғланган. Булар орасида иқтисодий омиллар энг муҳим саналади. Чунки, қолган барча омиллар пировардида иқтисодий муаммоларга айланади ёки иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Иқтисодий омиллар деганда ҳар бир давлат иқтисодий тизимининг мустаҳкамлиги, унинг ўсиш даражаси ва ривожланиш кўлами тушунилади. Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий имкониятлар, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи миқдори ўртасида юзага келган сезиларли фарқ ишчи кучининг мамлакатлараро кўчиб юришига сабаб бўлувчи муҳим омил ҳисобланади.

Халқаро ишчи кучи миграциясининг жадал суръатларда ривожланишига таъсир қилувчи омиллардан бири демографик омилдир. Жумладан, ҳозирги вақтда Ғарбий Европада аҳолининг қариб бориши муаммоси мавжуд. Ушбу ҳудудда 2004 йилда аҳолининг ҳар олтинчиси 65 ёшда бўлган бўлса, 2020 йилда ҳар бешинчиси, 2050 йилда эса ҳар тўртинчиси, балки ҳар учинчиси шу ёшда бўлади ва уларнинг жами аҳоли сонидаги улуши эса 50% дан ортиб кетади. Шунингдек, ЕИ аҳолисининг 30–45% и 55–64 ёшда меҳнат бозоридан чиқиб кетмоқда, 65–69 ёшли аҳолининг ичида эса 10% игина ишламоқда, бу эса иқтисодий фаол аҳолининг қисқариб боришига айланмоқда<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Кокпаров А. Европа ва илге миграция. //«Эксперт», №37 (343), 7.10.2002. С. 21.

Натижада 65 ёшдаги аҳоли билан меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўзаро нисбати 1995 йил 1/3 дан 2050 йилда 1/2га кўтарилиб кетади. Бу силжиш ишчи кучининг меҳнат ресурсларига нисбатан камомати сезилишини кескин кучайтиради.

БМТ прогнозига биноан, 2000–2050 йилларда ривожланган мамлакатларда аҳолининг сонини, жумладан, унинг иқтисодий фаол қисмини сақлаб туриш учун жиддий компенсаторлик нетто-иммиграция керак бўлади. 2050 йилда 2000 йилдаги аҳоли сонини сақлаб қолиш учун ҳар йили 949 минг чет элликлар қабул қилиш керак, иқтисодий фаол аҳолини сақлаб қолиш учун эса 1,4 млн. иқтисодий фаол ва нофаол аҳолининг ўртасидаги тафовутнинг олдини олиш учун 12,7 млн. киши талаб этилади. Охириги ҳолатда 50 йил ичида мигрантларнинг оқими 700 млн. кишини ташкил этса, уларнинг маҳаллий аҳоли таркибидаги салмоғи 3/4 қисмини ташкил этади. ФРГ учун мисол тариқасида, бу кўрсаткич йилига 1 млн. аҳолига 44,8 минг кишини, АҚШ учун эса 43,2 минг, Япония учун 82,6 минг кишини ташкил этган бўларди (28.2.1-жадвал)

28.2.1-жадвал

**2000–2050 йилларда компенсаторлик иммиграциянинг прогнози, йилига ҳар 1 млн. аҳолига минг киши<sup>2</sup>**

	Олдинги йиллар иммиграция трендининг экстраполяцияси	Меҳнатга лаёқатли аҳоли (15–64 ёш) сонини сақлаб туриш учун зарур бўладиган иммиграция	65 ёшдан катта ва 15–64 ёшдаги аҳоли сонининг ўзаро нисбатини сақлаб туриш учун зарур бўладиган иммиграция
Германия	2,5	6,0	44,8
Франция	0,1	1,8	30,4
Италия	0,1	6,5	39,8
АҚШ	2,7	1,3	43,2
Япония	0	5,1	82,6
Россия	0,3	2,1	20,3

Аҳолининг турли сабабларга кўра бир мамлакатдан бошқасига кўчиб юриши дунё мамлакатларини ишчи кучини экспорт қилувчи ёки импорт қилувчи мамлакатларга ажратиш имконини беради (28.2.2-жадвал).

Халқаро ишчи кучи миграциясининг сабаблари, йўналишлари, қонунга мувофиқлиги ва ташкил этиш шаклларига қараб қуйидаги турларга бўлинади (28.2.1-расм):

1) маълум ҳудуд ва ҳудудлараро меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳаракати:

а) ички миграция – бир мамлакат/ ҳудуд /район миқёсида ишчи кучининг ҳаракатланиши. У миллий қонунлар, Меҳнат кодекси орқали бошқарилади ва тартибга солинади. Ташқи меҳнат миграцияси эса миллий

<sup>2</sup> Ўша манба. С. 30.

қонунчилик меъёрлари, БМТ стандартлари, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг кўрсатма ва тавсияномаларига мувофиқ келувчи давлатлараро келишувлар асосида бошқарилади.

### 28.2.2-жадвал

#### Ишчи кучини экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларга қўйиладиган талаблар<sup>3</sup>:

Мамлакат ишчи кучини импорт қилувчи мамлакат деб аталады, агар:	Мамлакат ишчи кучи донори ҳисобланади агар:
1) мамлакат аҳолисида чет эллик шахслар сони 2% дан кам бўлмаган ва камида 200 000 кишини ташкил этса;	1) аҳолининг 2% дан кўпроғи чет элда бўлса ёки уларнинг сони камида 200000 одамни ташкил этса;
2) мамлакатнинг иқтисодий фаол аҳолисида чет эллик шахслар 1% дан кам бўлмаса;	2) иқтисодий фаол аҳолининг камида 1% и (ёки 100 минга яқини) чет элда бўлса;
3) мамлакатдан чиқиб кетувчи пул ўтказмалари ЯММнинг 2% дан ортса (агар мигрантлар статистикаси чет элликлар ўртасида ўтказилса) ёки ЯММнинг 1% ини ташкил этса (агар статистика мамлакат фуқаролари ва мамлакат ичида фуқаролиги бўлмаган вақтинчалик мигрантлар ўртасида ўтказилса).	3) чет элда ишлаётган мигрантларнинг пул ўтказмалари ЯММнинг 1% идан кўпроқ бўлса.

б) ташқи миграция – бир мамлакат/худуд/район худудидан иккинчи бир мамлакат/худуд/районга ишчи кучининг кўчиши. У халқаро иқтисодий алоқаларда муҳим ўрин тутиб, аввало, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда ишсизлик сонини қисқартиради, хорижий валютанинг келиб тушишини таъминлайди. Бу эса мазкур мамлакат миллий даромадининг ўсишига таъсир этади. Ҳозирги халқаро иқтисодий алоқаларда айрим ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар учун бу соҳа валюта тушумларининг асосий манбаларидан бири бўлиб қолди;

2) миграциянинг вақти – мигрантнинг бориб ва қайтиб келиши орасидаги муддатга кўра:

- қайтиб келадиган (вақтинчалик);
- қайтиб келмайдиган (донмий);
- мавсумий (маълум мавсумдагина);
- маятникли (эрталаб мамлакатдан чиқиб кетади, иш вақти тугагач, яна ватанига қайтади).

3) миграциянинг шартли сабабларига кўра:

- ихтиёрий;
- мажбурий.

4) миграциянинг ташкил этилишига кўра:

- мигрант томонидан мустақил ташкил этилган;

<sup>3</sup> Иванюк И.В. Международная трудовая миграция: Учебное пособие. -М.: ТЕИС, 2005. С. 92.

- махсус ташкил этилган.
- 5) мамлакат қонунчилигига мувофиқ:
  - расмий;
  - норасмий.

Шундай қилиб, халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида глобализация ҳаракатлантирувчи кучлари ва унинг натижалари таркибида чегарадан ўтувчи миллионлаб аҳолининг ҳаракатланиши муҳим ўринни эгаллайди. Яхши иш ва юқори иш ҳақини қидириш йўлида сиёсий ёки бошқа сабаблар туфайли одамлар ўз ватанини вақтинча ёки умуман ташлаб эмиграция қилишади. Бунда мамлакатнинг кўпроқ аҳолиси чет элга вақтинча пул ишлаб топишга кетади. Кўп сонли чет эл персонали элчиҳоналар, турли хил хорижий ваколатхоналар ва фирмаларда ишлашади. Ишчи кучининг халқаро миграцияси сўнгги ўн йилликларда кучая бориб, ўз йўналишларини ўзгартириб, турли шакл ва кўринишларда дунё бўйлаб кенг ёйилмоқда ҳамда жаҳон хўжалиги тараққиётига, жаҳон меҳнат бозорига фаол жалб этилган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик, сиёсий ва маданий-диний вазиятига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда.



28.2.1-расм. Халқаро ишчи кучи миграциясининг шакллари

Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар учун бу ҳолатнинг ижобий томонлари билан бирга муаммолари ҳам мавжуд:

1. Ишчи кучини экспорт қилиш натижасида кўшимча валюта даромадлари пайдо бўлади. Туркия, Югославия, Миср, Покистон каби мамлакатларда ишчи кучи миграциясидан миллиардлаб доллар келиб тушмоқдаки, бу – мамлакатлар олдида турган мураккаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Айни вақтда бу усулда хорижий валюта топиб, иқтисодий ривожланишни такомиллаштириш зарарли бўлиб қолиши мумкин, чунки мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар ҳал қилинмай қолиши мумкин.

2. Иқтисодий конъюнктура яхши бўлмаганда ва ишсизлар сони ўсганда ишчи кучи миграцияси бандлик муаммосини маълум даражада ҳал қилиб беради. Бироқ ҳозирда эмиграция, одатда, мамлакат меҳнат ресурсларининг фақат 1–2% ини қамраб олмақда. Бу паст кўрсаткич бўлиб, ишсизлик даражасига сезиларли таъсир кўрсата олмайди.

3. ХМТ томонидан олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар эмигрантлар фаолиятининг янги турларига жиддий тайёргарлик кўрадилар ва янги тамроқларни ривожлантиришга фаол киришадилар. Аксарият мамлакатларнинг мигрантлари ўз ватанларига қайтиб келгандан кейин ишлаб чиқаришнинг янги усулларини жорий этганлар. Бироқ кўпчилик мигрантлар ўз ватанларига қайтмасдан, борган жойларида қолиб кетадилар. Баъзи ҳолларда малакали мигрантлар ўз мамлакатларига қайтганларидан кейин маҳаллий ишчиларга қараганда пастроқ унвонга эга бўладилар ва хорижда орттирган тажриба, ютуқларини амалиётга қўллай олмайдилар. Ишчи кучини жўнатаётган ва қабул қилаётган мамлакатлар ўртасида технология, sanoat таркиби ва иш жойларини ташкил этиш ўртасида фарқларнинг мавжудлиги ўз ватанларига қайтаётган мигрантлар учун қатор муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

4. ИХТТ мутахассислари фикрича, иммигрантлар аҳолининг қариши жараёнини юмшатишга ёрдам беради. Франция, Германия, Швеция каби мамлакатларга кўчиб келган хорижий оилаларда туғилаётганлар улуши мамлакатда туғилаётганларнинг 10% ини, Швейцарияда 24% ини, Люксембургда эса 38% ини ташкил этади. Натижада аҳоли қаришининг умумий суръатлари секинлашса-да, бу статистика маҳаллий аҳолининг туғилиши ва ўлиши нисбатига умуман таъсир этмайди.

5. Эмиграция натижасида ишчи кучининг тақчиллиги келиб чиқса ҳам, бу ижобий технологик ўзгаришларни, ишчи кучидан самарали фойдаланишни келтириб чиқариши мумкин.

6. Халқаро ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги муҳим омилларидан бири – бу мигрантларнинг пулли жўнатмаларидир.

7. Бундан ташқари, эмигрантларнинг ўз ватанларига тўпланган тажриба ва малакаларини ошириб қайтишлари натижасида, мамлакат бепул қўшимча малакали мутахассисларга эга бўлади.

Миграция ишчи кучининг экспорти ва импорт қилувчи мамлакатларга таъсир этувчи ижобий ва салбий оқибатларини қисқача қилиб қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин:

28.2.3-жадвал

**Халқаро ишчи кучи миграциясининг  
ижтимоий-иқтисодий оқибатлари**

	Ижобий	Салбий
Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакат	1. Ишчилар томонидан янги малакавий кўникмаларнинг эгалланиши.	1. Малакали ишчи кучини йўқотяш.
	2. Тўлов баланси камомадининг қисқариши.	2. Товарлар билан бир қаторда ишчи кучи бўйича халқаро талабга боғлиқликнинг кучайиши.
	3. Ички меҳнат бозоридagi талаб ва таклифнинг мувозанатга келиши.	3. Истеъмол учун мўлжалланган ишлаб чиқариш ресурсларини ўзлаштириш учун сарфланаётган капиталнинг бошқа соҳаларга йўналтирилиши.
	4. Ишлаб чиқаришни таркибан ва технологик жиҳатдан қайта куриш.	4. Инфляция даражасининг ошиши.
Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакат	1. Худудий таркибий силжишларнинг жадал тезлашуви.	1. Меҳнатни тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг секинлашуви.
	2. Маҳаллий ишчи-ходимларнинг вертикал ҳаракатчанлигига кўмаклашиши.	2. Ички меҳнат бозоридagi ҳолатнинг мураккаблашиши.
	3. Ишчи кучи совининг қисқариши билан боғлиқ ҳолда умумий ишчи кучи қиймагининг пасайиши.	3. Хорижий ишсизлар ва уларнинг оилаларига сарфланадиган харажатларнинг ошиши.
	4. Хорижий ишчиларнинг жамғаришга бўлган мойиллиги туфайли нархлар ўсишининг тўхтатилиши.	
	5. Ёш, малакали ишчиларни танлаб олинш орқали ишчи кучи сифатининг оширилиши.	

Қабул қилувчи мамлакат иқтисодиёти учун ишчи кучи миграцияси қуйидаги ижобий ҳолатларга олиб келиши мумкин:

- иқтисодиётда юқори мобилликка эга бўлган хорижлик ишчилар оқими туфайли таркибий, ҳудудий ва бошқа ўзгаришлар содир бўлади;
- иммигрантлар миллатнинг ёшаришига кўмаклашади, чунки эмиграция қилган аҳоли одатда меҳнатга лаёқатли ёшдагилардан иборат бўлади;
- жалб қилинувчи ишчи ва мутахассисларни ўқитиш, ўргатиш, малакасини оширишга кетадиган харажатлар қисқаради;
- иммигрантлар ички бозор сиғимини кенгайтиради, улар ҳисобидан тўпланган пул эса иқтисодиётни ривожлантиришга сарфланади;
- мигрантларнинг банклар ҳисобида сақланаётган вақтинчалик бўш пул маблағлари жалб қилувчи мамлакат иқтисодиётини молиялаштиришга ишлатилиши мумкин;
- иммигрантлар демографик вазиятни яхшилайтиди, жумладан, бу ҳолат туб аҳолиси қариб бораётган Ғарбий Европанинг sanoat жиҳатлан ривожланган мамлакатларига хосдир;
- чет эл ишчилари инқироз ва ишсизлик вақтида маълум бир амортизатор ўрнини эгаллайди, чунки улар биринчи навбатда ишдан бўшатилади, пенсия, тиббий суғурта билан таъминланмаган ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишида ҳисобга олинмайдилар.

Шу билан бирга ишчи кучини қабул қилишнинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Кўпинча, иммигрантларнинг иқтисодий самараси салбий қилиб таърифланади, чунки улар ишчи кучи ўрнини қисқартириб, маҳаллий аҳоли ўртасида ишсизлик даражасини оширади. Уларга жамиятда юз берадиган ижтимоий беқарорлик (маҳаллий ишчи даъвогарлик қилаётган иш жойининг хорижлик ишчи томонидан эгалланиши), миллатлараро келишмовчилик ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ишчи кучини импорт қилувчи мамлакатлар дуч келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар қуйидагилардан иборат:

- иммигрантларни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ қўшимча муаммолар;
- миллий валютанинг хорижга пул ўтказмаси сифатида чиқиб кетиши;
- ўргатилган мутахассис-иммигрантларнинг ўз ватанига қайтиши туфайли йўқотилишлар.

### **28.3. Халқаро ишчи кучи миграциясининг таркиби ва динамикаси**

Ишчи кучининг оммавий равишда кўчиб юриши ва халқаро меҳнат бозори жаҳон тақрор ишлаб чиқариш жараёнига жиддий таъсир ўтказади. Бу жараён ишчи кучини нафақат миқдорий жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ҳам тавсифлаш имконини беради. Ҳозирги вақтда одамлар бир мамлакатда туғилишлари, мактабгача бўлган тарбияни бошқа малакатда олишлари, учинчи мамлакатда ўқишлари, тўртинчи мамлакатда эса ишлашлари мумкин.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги пайтда 215,8 млн. киши ўз туғилган мамлакатларидан ташқарида яшайдилар ва ушбу кўрсаткич дунё аҳолисининг 2,3% ини ташкил этади (28.3.1-жадвал).

28.3.1-жадвал

**Халқаро ишчи кучи миграциясининг глобал оқими, млн. киши<sup>4</sup>**

Эмиграция	Иммиграция			
	Ривожланаётган мамлакатлар	ИХТТга аъзо юқори даромадли мамлакатлар	ИХТТга аъзо бўлмаган юқори даромадли мамлакатлар	Жами
Ривожланаётган мамлакатлар	74,0	73,3	24,2	171,6
ИХТТга аъзо юқори даромадли мамлакатлар	5,1	31,1	1,2	37,3
ИХТТга аъзо бўлмаган юқори даромадли мамлакатлар	1,4	5,1	0,3	6,9
Жами	80,5	109,5	25,7	215,8

Халқаро мигрантларнинг 16,3 миллиони қочоқлардан иборат бўлиб, қолган 93% и эса иқтисодий сабабларга кўра бошқа мамлакатларда яшашмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра яқин келажакда иқтисодий мигрантлар сони ортиб бориши кутилмоқда. Жумладан, ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларда 15 ёшдан 39 ёшгача бўлганлар сонининг 570 миллион кишига кўпайиши, ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларда эса аксинча, уларнинг сони 216 миллион кишигача қисқариши башорат қилинмоқда<sup>5</sup>.

Ҳозирги пайтда миграция оқимининг географик йўналишлари бўйича қуйидаги марказларни ажратиш мумкин:

**АҚШ, Канада ва Австралия.** Ушбу меҳнат бозорининг ўзига хос хусусияти шундаки, аввало, илмий-техник ходимлар, юқори малакали мутахассислар ишга қабул қилинади. Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан турли соҳалар бўйича юқори касбий малакага эга бўлган мутахассисларни ёллаши билан бошқа меҳнат бозорларидан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам АҚШда Нобель мукофотига сазовор бўлган олимларнинг 33% ини иммигрант мутахассислар ташкил этади.

АҚШ хориждан бир вақтнинг ўзида юқори малакали ва малакасиз ишчи кучини жалб қилади. Ҳар йили бу мамлакатга бошқа мамлакатларни

<sup>4</sup> Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010. P. 12.


<sup>5</sup> Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010. P. 12.



қўшиб ҳисоблагандагидан ҳам кўпроқ миқдорда ишчи кучи оқиб келади. Хусусан, 2010 йилда АҚШда 42,8 млн. иммигрант истикомат қилган ва бу кўрсаткич жаҳондаги жами иммигрантларнинг 19,8% ини ташкил этади. Бошқа мамлакатларда иммигрантлар сони АҚШга нисбатан камида 3,5 мартага кам (28.3.1-диаграмма).

28.3.1-диаграмма


**Жаҳондаги айрим мамлакатларда иммигрантлар сони  
(2010 йил, млн. киши)<sup>6</sup>**



АҚШга норасмий келаётган паст малакали ишчиларнинг аксарият қисми яқин Лотин Америкаси мамлакатлари – Мексика, Кариб ҳавзаси мамлакатларидан кириб келади. АҚШга юқори малакали ишчи кучи эса дунёнинг деярли барча мамлакатларидан келади (Ғарбий Европа, Лотин Америкаси, Россия, Ҳиндистон ва ҳ.к.). Жумладан, 2010 йилда Мексикадан АҚШга 11,6 млн. киши иш қидириб келган. Бу кўрсаткич бошқа мамлакатлар ўртасидаги миграция оқимидан уч баравар юқоридир (28.3.2-диаграмма).

<sup>6</sup> Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010. P. 12.

**Жаҳон мамлакатларида миграциянинг асосий йўналишлари  
(2010 йил, млн. киши)<sup>7</sup>**



Халқаро ишчи кучини жалб этувчи иккинчи йирик марказ **Ғарбий Европа** ҳисобланади.

Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, ЕИга аъзо мамлакатлар Жанубий Европанинг нисбатан кам тараққий этган мамлакатларидан (Португалия, Мальта, Испания), Шимолий Африканинг араб мамлакатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларидан, Шарқий Европа ва собиқ СССР республикаларидан ишчи кучини жалб этади. Африка мамлакатлари – Ғарбий Европанинг собиқ колонияларидан келаётган ишчилар салмоғи ишчи кучини жалб этувчи мамлакатлар билан тил, тарихий шаклланган анъаналар ва башқа алоқаларнинг умумийлиги сабабли юқоридир. Ғарбий Европа мамлакатларига ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб йилга жаҳоннинг турли минтақаларидан 6 миллиондан 12 миллионгача хорижий ишчи жалб этилган.


Натижада хорижий ишчиларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар сонидagi улushi ортиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилда бу кўрсаткич 2,4% дан (Финляндия) 66,6% гача (Люксембург) тенг бўлган (28.3.3-диаграмма). Европа мамлакатлари хорижий ишчиларнинг 18–25 ёшгача бўлган қисмига алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг учун кейинги йилларда хорижий ишчиларнинг орасида ёшларнинг сони Францияда – 40%, Голландияда –

<sup>7</sup> Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010. P. 6.

41%, Люксембургда – 44%, Белгияда – 41,8%, Германияда – 38% ини ташкил этмокда. Европада хорижий ишчиларни тилга ўргатиш, малакасини ошириш киска муддатда ҳал этилмокда ва хорижий ишчиларни жалб этишдаги мавжуд расмиятчиликлар соддалаштирилмокда. Натижада Европанинг саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлари арзон ишчи кучидан фойдаланишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиб, иқтисодий ривожланишда жаҳон ҳўжалигида етакчи ўринлардан бирини эгалламокда.

28.3.3-диаграмма

2007 йилда Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётида банд бўлганлар таркибида хорижий ишчиларнинг улуши, %<sup>8</sup>



Шунингдек, Ғарбий Европа интеграцияси доирасида умумий меҳнат бозорининг яратилиши натижасида бу мамлакатлар ўртасида ишчи кучининг эркин кўчиб юриши таъминланган.

Халқаро меҳнат бозорининг асосий марказларидан яна бири Яқин Шарқдаги нефть қазиб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи араб мамлакатлари ҳисобланади. Нефть қазиб олувчи бу мамлакатлар меҳнати оғир, паст иш ҳақи тўланадиган ишларга хорижий ишчиларни жалб этишади. Бу ишчилар асосан кўшни араб мамлакатларидан, жумладан, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Корея, Филиппиндан келишади. Саудия

<sup>8</sup><http://demoscope.ru/weekly/2010/0431/tema03.php>

Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Қатар, Баҳрайн, Қувайт ва Омон ишчиларининг ярмидан ортиғини хорижий ишчилар ташкил этади. Жумладан, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида хорижий ишчилар ишлар улуши БААда – 90%, Қувайтда – 70%, Саудия Арабистони ва Баҳрайнда – 40%, Омонда – 34% ни ташкил этмоқда. Саудия Арабистонининг ўзидагина Покистон, Ҳиндистон, Индонезия ва Мисрлик бўлган 7,3 млн. хорижий ишчилар ҳар йили ўз ватанларига 17 млрд. доллари миқдориди пул маблағларини юбормоқдалар.

**Бошқа ривожланаётган мамлакатлар.** XX асрнинг 90-йилларида янги воқелик вужудга келиб, ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ишчи кучи миграциясининг суръатлари жадаллаша бошлади. Одатда, ишчи кучи ҳаракати иқтисодий ислохотлар жадал суръатлар билан амалга ошири-лаётган мамлакатлар томон йўналади. Лотин Америкасида мавсумий ишчилар Аргентина ва Мексиканинг йиғув корхоналарида ишлаш учун боришади. Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубидаги мамлакатларга иммигрантлар оқимининг ярмидан ортиғи тўғри келади. 1991 йилда Форс кўрфазидаги урушдан кейин 1 млн.га яқин мисрлик Йроқни, 800 минг яманлик Саудия Арабистонини ва 500 мингга яқин фаластинлик, иорданиялик ишчилар Қувайтни тарк этишди. Уларнинг ўрнига эса ҳиндистонлик ва мисрлик ишчилар келишди<sup>9</sup>.

**Янги индустриал мамлакатлар.** Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиши вақтинчалик ишга ёлланувчи ишчиларнинг оқимини тезлаштирди. Бу ҳолат Жанубий Корея ва Малайзия мисолида яққол кўзга ташланади.

Агар ишчи кучини жалб этувчи марказларни кузатадиган бўлсак, унда йилига 25 мингдан ортиқ ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг деярли барчаси иқтисодий тараққий этган мамлакатлар эканини кузатиш мумкин (аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми 6900 доллардан ортиқ). Ишчи кучини оммавий равишда экспорт қилувчи мамлакатлар орасида Мексика ва Осиё мамлакатлари етакчилик қилишади.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра XX асрнинг 90-йиллари ўрталарида мамлакатлар ўртасидаги миграцион қолдиқ 1 млн. кишини ташкил этган. Яъни ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларга хорижга чиқиб кетганларга қараганда ўртача бир миллион киши кўпроқ келган. Тахминларга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги яқин йилларда жаҳон иқтисодиётида рўй берадиган иқтисодий барқарорлик миграцион қолдиқнинг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Демак, ишчи кучининг асосий марказлари ҳисобланмиш АҚШ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатларида меҳнат бозорларининг ҳолати 2012–2015 йилларда қатор омиллар таъсирида ривожланади. Уларнинг асосийлари – бу меҳнатга лаёқатли аҳоли

<sup>9</sup> Киреев А.П. Международная экономика. В 2 ч. Ч. I. Международная экономика: движение товаров и факторов производства: учеб. пособие для вузов. -М.: Междунаур. Отношения, 2000. С. 329.

суръатларининг секинлашуви, иқтисодий фаол аҳоли таркибида ёши катта аҳолининг кўпайиши кабилар ҳисобланади.


ИХТТ мамлакатларида XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши сезиларли даражада пасайиши кутилмоқда. Бу тенденция Европа мамлакатларида (0,5–0,2% гача) яққол кўзга ташланади. Италия, Австрия, Финляндия, Греция ва Испанияда эса бу кўрсаткич тескари тенденцияга ҳам эга бўлиши мумкин (0,1– 0,4% гача).

Юқоридаги сабабларга кўра ривожланган мамлакатлар ишчи кучини фаол жалб этувчи марказлар сифатида халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнида етакчи ўринларини сақлаб қолишади.

**Россия.** Бугунги кунда кўпчилик мутахассислар Россия иқтисодиётида 2020 йилларда иқтисодий ўсиш учун реал меҳнат унумдорлиги ортиши билан биргаликда миграция ҳисобига меҳнат ресурсларини кўпайтиришсиз мўлжалланган кўрсаткичга эришиш мумкин эмаслигини таъкидламоқдалар. Кўпгина минтақаларда маҳаллий бозор ишчи кучининг нисбий тақчиллигини сезмоқда. 2015 йилга келиб мамлакат ишчи кучи миқдори 8 млн.га қисқаради, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 18–19 млн. кишига етади (28.3.4-диаграмма).

28.3.4-диаграмма

**Россия аҳолиси ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўзгариши, 1990–2007 йиллар ва 2008–2025 йилларга прогноз<sup>10</sup>**



<sup>10</sup>Гюрюканова Е, Россия будет все сильнее зависеть от труда мигрантов. //Демоскоп Weekly, №315–3161. 20.12.2008.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг максимал қисқариши 2009–2017 йилларга тўғри келади. Бу гуруҳда аҳолининг ўртача йиллик камайиши 1 миллиондан ортмайди. XXI асрнинг биринчи чорагида меҳнатга лаёқатли ёшга етадиган аҳоли туғилиб бўлган, шунинг учун ҳам улар бу гуруҳдаги етишмовчиликни тўлдиролмайди. Россиянинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси сонини қисман ўлимни қисқартириш, бандликнинг кейинги ёш чегараларини ошириш мақсадида аҳоли соғлиғини яхшилаш йўли билан сақлаб қолиш мумкин. Шу билан бир қаторда мазкур чоралар тезкор натижани бера олмай, фақат нисбий самара бериши мумкин.

Россия асосан ишчи кучини Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларидан жалб қилади. Россияда 2010 йилда 1246,9 минг киши МДХ мамлакатларидан ва 392 минг киши бошқа мамлакатлардан келиб ишлаган. 2010 йилда мамлакатда ишлаётган хорижлик ишчилар улуши казиб чиқариш ва қайта ишлаш саноати тармоқларида 15,5% ни, қишлоқ хўжалигида 9,1% ни, транспорт ва алоқа тармоғида 4,3% ни ташкил этди<sup>11</sup>.

Кейинги йилларда ишчи кучи Марказий Осиёдан табиий ресурсларга бой Қозоғистонга ҳам кетмоқда.

#### **28.4. Халқаро ишчи кучи миграцияси ва пул ўтказмалари**

Халқаро ишчи кучи миграциясининг муҳим омилларидан бири – бу мигрантларнинг пул ўтказмаларидир. Пул ўтказмалари ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансининг «қулай» моддаси ҳисобланади. Мазкур ўтказмалар ўз мазмунига кўра, ташқи қарз ёки тўғридан-тўғри инвестициялар бўйича фоизлар тўланиши лозим бўлмаган хорижий пуллар ҳисобланади. Улар ёрдамида ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансида вужудга келадиган дефицитни қоплашлари мумкин.

Тўлов баланси статистикасида мигрантларнинг пул ўтказмалари дейилганда мигрантлар томонидан ўз мамлакатлари резидентларига юбораётган товарлар ва молиявий маблағлар тушунилади.

Агар мигрант қабул қилувчи мамлакат резиденти (ўзининг иммиграция мақомидан қатъи назар, ушбу мамлакатда бир йил ёки ундан ортиқ вақт яшаётган бўлса) ҳисобланса, унинг ўз ватанига юбораётган хусусий трансфертлари (натура ёки пул шаклида) ишчиларнинг пул ўтказмалари, деб аталади.

Агар мигрант қабул қилувчи мамлакатда бир йилдан кам муддат яшаётган бўлса, унинг барча даромадлари ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи, деб баҳоланади. Ушбу тўловларга вақтинча, мавсумий ишловчилар ва чегара ҳудудларда яшовчиларнинг барча турдаги иш ҳақи ва нафақалари кирилади.

---

<sup>11</sup> Щербакова Е. В 2010 году в России легально трудилось 1641 тысяча иностранных работников. //Демоскоп Weekly, №315–3161. 20.12.2008.

Бундан ташқари, мигрантлар томонидан амалга ошириладиган трансфертлар ҳам ҳисобга олинади. Одатда, мигрантлар бу трансфертларни бир йил муддат ичида яшаш жойини ўзгартираётганида амалга оширадilar ва улар пуллик трансфертларининг соф қийматини (молиявий ва номолиявий активлар) ифода этади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра 2008 йилда жаҳон бўйича пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 443 млрд. долларни ташкил этган ва бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан тахминан икки баравар юқсридир. Аммо жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида эмигрантлар томонидан жўнатилаётган маблағлар ҳажми 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 6,1% га қисқариб, 416 млрд. долларни ташкил этган. Жаҳон банки мутахассисларининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, бу ўтказмалар ҳажми 2010 йилда 440 млрд. долларга тенг бўлган ва кейинги йилларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлади. Жумладан, 2011 йилда – 5,4% га, 2012 йилда эса 7,5% га ўсиши башорат қилинмоқда<sup>12</sup>.


Пул ўтказмалари ривожланаётган мамлакатлар учун муҳим ташқи молиялаштириш манбаларидан бирига айланди. Аксарият мамлакатларда охириги ўн йилликда пул ўтказмалари оқими хусусий капитал ва расмий тақдим этиладиган иқтисодий ёрдам ҳажмидан ошиб кетган. Пул ўтказмалари баъзи мамлакатлар учун хорижий валюта тушумлари ва мамлакатда камбағалликни пасайтиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда ушбу маблағлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, жумладан, 2009 йилда пул ўтказмалари ҳажми 5,5% га қисқаргани ҳолда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 40% га, хусусий қарздорлик ва қимматбаҳо қоғозлар портфели ҳажми эса 80% га қисқарган (28.4.1-диаграмма).

Пул ўтказмаларининг тўртдан уч қисми ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган бўлиб, пул ўтказмаларининг умумий ҳажмида трансфертлар улуши ортиб бормоқда. Агар 1990 йилда трансфертларнинг улуши 45% ни ташкил этгани ҳолда, 2000 йилларнинг бошида бу кўрсаткич 60% дан ошган, 2009 йилда эса 73,8% га тенг бўлган. Трансфертларнинг ривожланаётган мамлакатларнинг пул ўтказмаларининг умумий ҳажмидаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, бу кўрсаткич 1990 йилда 7,8% га тенг бўлгани ҳолда, 2008 йилда 22,8% ни, 2009 йилда эса 20,8% ни ташкил этган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2009 йилда ривожланаётган мамлакатлар томонидан меҳнат миграцияси туфайли олинган пул ўтказмалари ҳажми 307 млрд. долларни ташкил этган ва ушбу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли 5,5% га қисқарган. Жаҳон банки маълумотларига кўра ривожланган мамлакатларда 2010 йилда пул ўтказмаларининг ҳажми 6,1% га ўсди ва 2011–2012 йилларда эса 6,2–8,1% гача ўсиши башорат қилинмоқда.

<sup>12</sup> Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010. P. 17.

1995–2010 йилларда ривожланаётган мамлакатларда пул ўтказмалари ва капиталлар оқими, млрд. долл.<sup>13</sup>



2009 йилда ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотда “миграндоллар”ларнинг улуши ўртача 2,0% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич баъзи мамлакатларда жуда юқори даражани ташкил этмоқда. Жумладан, 2009 йилда “миграндоллар”ларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Тожикистонда – 35% ни, Тонгода – 27,7% ни, Лесотода 24,8% ни ташкил этган. Ушбу гуруҳда Тожикистондан ташқари МДХнинг Молдова (23,1%), Қирғизистон (15,4%) ва Арманистон каби республикалари ҳам мавжуд (28.4.3-диаграмма).


Таҳлиллар кўрсатишича, пул ўтказмаларининг аксарият қисмини қабул қилувчи мамлакатлар кам сонлидир. Жумладан, пул ўтказмаларининг 3/4 қисми 30 та мамлакат ҳиссасига тўғри келади ва уларнинг 13 таси БМТ таснифига кўра ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Пул ўтказмаларининг учдан бир қисми қуйидаги йирик ривожланаётган мамлакатлар – Ҳиндистон, Хитой, Мексика ва Филиппин ҳиссасига тўғри келади (28.4.2-диаграмма).

Шу билан бир қаторда пул ўтказмаларини қабул қилувчи мамлакатларнинг биринчи ўнлигида Франция (15,9), Германия (11,6), Бельгия (10,4), Испания (10,2) каби sanoat жihatдан тараққий этган мамлакатлар ҳам мавжуд. Ушбу мамлакатларга пул ўтказмалари асосан Европанинг бошқа ривожланган мамлакатларидан кириб келади ва пул ўтказмаларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши катта эмас. Жумладан, бу кўрсаткич Германияда бор-йўғи – 0,3% га, Бельгияда эса 2,2% га тенг.


<sup>13</sup> Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010. P. 17.



Пул ўтказмаларини қабул қилувчи етакчи мамлакатлар,  
млрд. долл., 2010 йил<sup>14</sup>




Пул ўтказмаларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши,  
2009 йил, фоиз ҳисобида<sup>15</sup>




<sup>14</sup> Migration and Development Brief 13. November 8, 2010. P. 3.

<sup>15</sup> Уша манба. P. 3.

Пул ўтказмаларини чиқарувчи етакчи мамлакатлар,  
млрд. долл., 2010 йил<sup>16</sup>



Пул ўтказмаларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши,  
2009 йил, фоиз ҳисобида<sup>17</sup>



<sup>16</sup> Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010. P. 15.

<sup>17</sup> Ўша ман. а P. 16.

Пул ўтказмаларини жўнатувчи мамлакатлар гуруҳи ичида АҚШ етакчилик қилади. 2009 йилда АҚШдан бошқа мамлакатларга 48,3 млрд. доллар пул ўтказмалари амалга оширилган. Кейинги ўринларни Саудия Арабистони (26,0), Швейцария (19,6), Россия (18,6), Германия (15,9), Италия (13,0), Испания (12,6), Люксембург (10,6) ва бошқа мамлакатлар эгаллашади (28.4.4-диаграмма).

Жўнатилаётган пул ўтказмаларининг ялли ички маҳсулотга нисбатан улуши 20% гача бўлган мамлакатларга Люксембург (20%) ва Ливан (17%), 6% дан 10% гача бўлган мамлакатларга Омон, Кувайт, Бахрайн ва Саудия Арабистони, 5% гача бўлган мамлакатларга бошқа мамлакатлар қиради. Ривожланган мамлакатлардан Швейцария (4%) ва Исроилни (2%) ажратиб кўрсатиш мумкин (28.4.5-диаграмма).

Одатда, йирик миқдордаги пул ўтказмаларини ўтказиш (савдо, инвестиция ёки иқтисодий ёрдам мақсадлари учун) жараёнида транзакция харажатлари муаммо туғдирмайди. Ушбу харажатларнинг асосий пул ўтказмалари ҳажмидаги улуши юқори бўлмайди ва халқаро банклар ўз хизматларини рақобат нархларида тақдим этишади. Кам миқдордаги, масалан, 200 долларгача бўлган пул ўтказмаларида комиссия йиғимларнинг улуши 10–15 фоизгача бўлиши мумкин (28.4.1-жадвал).

#### 28.4.1-жадвал

#### Пул ўтказмаларини ўтказишдаги транзакция харажатлари (ўтказилган суммага нисбатан фоиз ҳисобида)<sup>18</sup>

	Йирик пул ўтказувчи операторлар	Банклар	Бошқа пул ўтказувчи операторлар	«Хавала» тизими
Бельгия – Нигерия	12	6	9,8	–
Бельгия – Сенегал	10	–	6,4	–
Гонконг – Филиппин	4,5	–	–	–
Янги Зеландия – Тонга (300 долл.)	12	3	8,8	–
Россия – Украина	4	3	2,5	1-2
Жанубий Африка – Мозамбик	–	1	–	–
Саудия Арабистони – Покистон	3,6	0,4	–	–
БАА – Ҳиндистон	5,5	5,2	2,3	1-2
Буюк Британия – Ҳиндистон	11	6	–	–
Буюк Британия – Филиппин	–	0,4–5,0	–	–
АҚШ – Колумбия	–	17	10	–
АҚШ – Мексика	5	3	4,7	–
АҚШ – Филиппин	1,2–2,0	0,4–1,8	–	–

<sup>18</sup> Дилип Р. Денежные переводы мигрантов - жилищный источник развития. // Финансы & развитие, Декабрь 2005. С. 43

Халқаро мутахассислар фикрича, пул ўтказмаларининг умумий ҳажмини аниқлаш учун расмий пул ўтказмалари ҳажмини 50% га кўпайтириш тавсия этилади.

Назарий жиҳатдан ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар даромади эмигрантларнинг хориждан жўнатадиган пул ўтказмалари билангина чекланиб қолмайди. Уларга фирмаларнинг хорижда ишга қабул қилишлари, эмигрантларнинг ўз ватанларига инвестиция олиб киришлари, қайта малака ошириш харажатларининг қисқаришига солинадиган солиқлар ва эмигрантлар учун бошқа мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган турли ижтимоий харажатлар каби мамлакат тўлов балансига ижобий таъсир этувчи даромад турлари ҳам киради. Бундан ташқари ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакат хорижда тажриба орттириб қайтган юқори малакали кадрларга ҳам эга бўлади.

### **28.5. Халқаро ишчи кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солиш усуллари**

Жаҳон иқтисодиётида ишчи кучининг халқаро ҳаракатчанлиги фаоллашган сари миграция жараёнларини тартибга солиш зарурияти долзарб бўла бошлади. Дунё давлатлараро миграция бўйича юридик нормалар ва қонун-қоидаларга муҳтож. Улар бир томондан, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган, иккинчи томондан эса, мигрантларни қабул қилувчи ва жўнатувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак.

Халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнини тартибга солишни икки турга бўлишимиз мумкин:

– ишчи кучининг халқаро миграциясини халқаро ташкилотлар ёрдамида тартибга солиш.

– давлат томонидан ташқи миграцияни турли усуллар орқали тартибга солиш.

Ташқи меҳнат миграциясини ташкил этишда, тажрибалар ва ахборотлар билан айирбошлашда, бу жараённи тартибли ва режали амалга оширишни таъминлашда миграция бўйича халқаро ташкилотларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу ташкилотлар таркибида ХМТ алоҳида ўрин тутди.

ХМТ 1919 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда унинг таркибида 71 та аъзо мамлакатлар бор ва бу мамлакатларда дунё аҳолисининг 98% и яшайди. Ҳар бир аъзо мамлакатдан ХМТга ҳукумат, меҳнаткашлар ва тадбиркорларнинг вакиллари киради. ХМТга аъзо мамлакатлар ХМТ Низомини бажаришлари шарт. ХМТ фаолиятининг мақсади аҳоли турмуш даражасини оширишга эришиш, ирқи, дини ва жинсидан қатъи назар, инсонларнинг маънавий ривожланишини таъминлашга имкон берадиган шарт-шароитларни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу

мақсадга эришиш учун ташкилот ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди (28.5.1-расм).



**28.5.1-расм. Халқаро меҳнат ташкилотининг вазифалари**

Бу ташкилот аъзо мамлакатлардаги (35 та аъзо) ўз бўлимлари орқали бўлажак муҳожирлар учун тил ўрганиш курсларини ташкил этади. Ушбу йўналишда ХМТ ҳам ўз ишини фаоллаштириб, меҳнат меъёрлари бўйича 1919–1990 йиллар давомида 174 та Конвенция ва 181 та тавсиялар қабул қилди. Уларда ишчи кучининг мамлакатлараро кўчиб юришини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, 1949 йилда қабул қилинган муҳожир – меҳнаткашлар тўғрисидаги конвенцияда ХМТга аъзо бўлган давлатларга муҳожирларни ишга қабул қилишда, иш ҳақи тўлашда ва уларнинг камситишларига йўл қўймаслик мажбуриятларини юқловчи қатор қондалар ўрин олган:

– ХМТнинг 1958 йилда қабул қилинган ижтимоий меҳнат ва бандлик соҳасида ҳуқуқларни чеклашга қарши Конвенция;

– ХМТнинг 1962 йилда қабул қилинган ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисидаги битим. Бу битимда Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлган давлатларда муҳожир-меҳнаткашлар манфаатлари талаб қилинадиган қондалар қайд этилган, яъни муҳожирлар ҳам туб аҳоли қатори мавжуд ижтимоий муҳофаза имтиёзларидан фойдаланишлари, уларнинг оилалари эса иш ҳақидан пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгилаб қўйилган.

– ХМТнинг 1975 йилда қабул қилинган муҳожир-меҳнаткашлар тўғрисидаги Конвенцияси. Бу ҳужжат миграция соҳасида суиистеъмолликларни, муҳожирларни яширин йўллар билан олиб келиш ва қонунсиз ишга ёллашга қарши қаратилган чора-тадбирларни белгилаб беради ҳамда муҳожирларни меҳнат, бандлик, ижтимоий таъминот, касаба уюшмаларига бирлашиш ва маданий ҳуқуқлари соҳасида ҳимоя қилишнинг баъзи чораларини кўзда тутди.


ХМТга аъзо бўлган ва унинг асосий ҳужжатларига имзо чеккан мамлакатлар, қайд этилган ҳужжатларда қабул қилинган тартиб-қондаларга амал қилишлари ва миллий меҳнат қонунчиликларини уларга мувофиқ ўзгартиришлари лозим.

Демак, халқаро меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш ишчи кучини қабул қилувчи ва ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг миллий қонунчилиги асосида амалга оширилади. Бундан ташқари ишчи кучи халқаро миграцияси халқаро ташкилотлар ва давлатлараро келишувлар томонидан ҳам тартибга солинади.

Давлатнинг миграция жараёнларидаги иштироки тарихдан маълум. XIII–XIX асрлардаёқ ишчи кучининг эркин кўчиб юришини чеклаш бўйича тўсиқлар мавжуд бўлган. Ҳозирда ишчи кучининг эркин ҳаракати қатор ҳуқуқий, маъмурий, маданий, тил, ижтимоий ва бошқа дастаклар ёрдамида тартибга солинади (28.5.1-расм).

Ишчи кучи миграциясидаги ҳуқуқий ва маъмурий тўсиқларни давлатнинг ўзи ўрнатиши ёки уларни бартараф этиши мумкин. Агар XX асрнинг ўрталаригача ишчи кучи ҳаракатини мамлакатлараро тартибга солиш асосан манфаатдор давлатларнинг икки томонлама шартномалари асосида амалга оширилган бўлса, кейинчалик, меҳнат соҳасида мамлакатлараро алоқаларнинг мураккаблашуви, жаҳон меҳнат бозорида фаолият кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Жумладан, 1953 йилда ИХТТ мамлакатлари, 1957 йилда эса Европа Ҳамжамаиятига кирувчи мамлакатлар ҳам ишчи кучининг эркин ҳаракатини қувватлаб чиқдилар.

Шунга қарамасдан, кўпчилик мамлакатлар ташқи савдони эркинлаштириш йўлидан бораётган бўлсалар-да, халқаро миграцияни чекловчи чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Биз юқорида ишчи кучининг халқаро миграцияси натижасида юзага келадиган ижобий иқтисодий самарани кўриб ўтган эдик. Ижобий иқтисодий самара билан бирга салбий самара ҳам олиш мумкин. Шулардан бири ривожланган мамлакатлар



**28.5.1-расм. Халқаро ишчи кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солиш хусусиятлари**

бюджетига иммигрантлар томонидан солинадиган юк ҳисобланади. Бу, айниқса, ривожланган мамлакатларнинг кам тараққий этган мамлакатлар билан яқин чегарада бўлишларида яққол кўзга ташланади. Масалан, АҚШ, Мексика ва Қариб ҳавзаси мамлакатлари, Франция ва Ғарб мамлакатлари, Германия ва Туркия. Бундай яқинлик иммигрантларнинг нафақат қонуний, балки ноқонуний оқимини ҳам кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, молиявий харажатларни талаб этади. Ҳисоб-китобларга кўра АҚШда 4 млн. га яқин, Ғарбий Европада эса 3 млн. га яқин ноқонуний иммигрантлар доимий яшашади.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси натижасида юзага келадиган муаммолар ишчи кучи миграциясини давлат томонидан ва давлатлараро тартибга солиш тизимининг яратилишига олиб келди.

Ишчи кучини қабул қилувчи кўпчилик мамлакатлар иммиграцияни тартибга солишда селектив ёндашувни маъқул кўришади. Бу ёндашувнинг мазмуни шундан иборатки, бунда давлат ўзига керакли ишчиларнинг мамлакатга кириб келишига тўсқинлик қилмайди, қолганларнинг мамлакатга кириб келиши тақиқланади. Ишчиларнинг у ёки бу мамлакатга кириб келиши мамлакатдан мамлакатга қараб ўзгариб туради. Одатда, иммигрантлар куйидаги категорияларга бўлинади:

– оғир меҳнат талаб қилувчи, зарарли, ифлос ва паст малака талаб этадиган ҳамда кам иш ҳақи тўланадиган ишларни бажарувчи ишчилар (қурилиш ишлари, мавсумий ишлар ва б.);

– янги ва истиқболли тармоқлар учун мутахассислар (дастурловчилар, тор мутахассисликка ихтисослашган муҳандислар, банк хизматчилари ва б.);

– ноёб мутахассислик вакиллари (олмосга ишлов берувчилар, санъат асарларини тикловчилар, ноанъанавий даволаш усуллари билан шуғулланувчилар);

– ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатга капитал киритувчи ва янги ишчи ўринларини яратувчи йирик бизнесменлар.

Меҳнат миграцияси билан ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг давлат идоралари мавжуд миллий дастурлар, шунингдек, икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар доирасида шуғулланишади. Одатда, иммиграция муаммоларини ҳал этишда камида учта давлат идораси иштирок этади: Ташқи ишлар, Адлия ва Меҳнат вазирликлари.

Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилигида иммиграциянинг ҳуқуқий асослари кўпсонли қонунлар ва қонуний актлар кўринишида бўлади. Иммиграцион қонунчиликнинг асосий хусусиятлари куйидагилар:

**Касбий малака.** Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг қонунчилигида мутахассислик бўйича билим даражаси ва стаж борасида қатъий талаблар мавжуд. Таълим борасида минимал ўрга мактабни тугатганлик ёки касб-хунар техникумини тугатганлик дипломи талаб этилади. Меҳнат стаж борасида камида 3–5 йил ва тавсиянома талаб этилиши мумкин.

**Ишчиларнинг шахсига оид чекловлар.** Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатлар иммигрантларнинг соғлиғига оид қатъий талаблар ҳам қўйишади. Мамлакатга наркоманлар, руҳий касал одамлар, СПИД вируси билан касалланганлар қўйилмайди. Иммигрантлар соғлиқлари тўғрисида қабул қилувчи мамлакат консулхонаси томонидан тасдиқланган маълумотнома тақдим этишлари ёки махсус тиббий кўрикдан ўтишлари лозим. Иммигрантларнинг ёши борасидаги чекловлар улар ишлаши лозим бўлган тармоқларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўрнатилади. Одатда, бу чегара 20–40 ёшгача тебраниб туради. Энг жиддий қонуний талаб сиёсий ва ижтимоий йўналишлардаги иммигрантлар учун жорий этилади. Қонунчиликда кўлинча олдин судланган, террористик ва фашистик ташкилотларга аъзо бўлганлар учун тақиқлашлар жорий этилади.

**Миқдорий чеклаш.** Ишчи кучини қабул қилувчи кўлчилик мамлакатларда иммигрантларни қабул қилишда миқдорий чеклашлар жорий этилади, яъни уларнинг максимал сони белгилаб қўйилади. Миқдорий чеклашлар иқтисодий миқёсида – меҳнат ресурсларига нисбатан хорижий ишчиларнинг максимал улушини белгилаш; алоҳида тармоқлар миқёсида – ушбу тармоқда банд бўлган ишчиларга нисбатан хорижий ишчилар улушини белгилаш; алоҳида корхона миқёсида – корхона



ишчиларига нисбатан хорижий ишчилар улушيني белгилаш ёки йил давомида мамлакатга кириб келаётганларнинг умумий сонини белгилаб қўйиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мисол учун, Испанияда вақтинчалик ишларга жалб этиладиган хорижликлар сони 2008–2009 йилларда 15,7 мингдан 901 кишигача, Россияда хорижий ишчиларни қабул қилиш 2009 йилда 4 млн. кишига, 2010 йилда 1,9 млн. кишига, 2011 йилда 1,7 млн. кишига қисқартирилган<sup>19</sup>.

Ишчи кучини импорт қилишни давлат томонидан тартибга солишнинг миқдорий чеклаш усули тегишли қонунлар орқали амалга оширилади ва ҳуқуқий органлар томонидан назорат қилинади.

**Иқтисодий тартибга солиш.** Бу усул иммигрантларнинг сонини қисқартиришни таъминловчи маълум молиявий чекловларни жорий этади. Юридик шахслар, яъни баъзи мамлакатларнинг фирмалари хорижий ишчиларни маълум бир айланмага эришганидан кейин ёки давлат бюджетига маълум тўловларни амалга оширгандан кейингина ёллашлари мумкин. Бир қатор мамлакатларнинг қонунчилиги иммиграцияни расмийлаштириш учун ва маҳаллий корхонага ишга жойлаштиш учун иммигрантларнинг маълум тўловларни амалга оширишларини талаб этади. Имтиёзлар корпорациянинг раҳбар ходимлари учун жорий этилади. Чунки, улар корпорация номидан битимлар тузиши, маҳаллий фуқаролар меҳнатидан фойдаланишлари мумкин.

**Вақтли чекловлар.** Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатларнинг кўпчилиги мамлакатга кириб келган хорижий ишчиларнинг мамлакатда бўлишларининг максимал муддатини белгилаб қўйишади. Муддат тугагандан кейин улар мамлакатни тарк этишлари ёки давлатнинг тегишли мутасадди органларидан муддатларини узайтиришлари керак бўлади. Мамлакатда талаба ёки стажёр мақомига эга шахслар мамлакатда қолишларини узайтиришлари учун руҳсат берилмайди. Улар албатта мамлакатни тарк этишлари ва маълум бир муддатдан сўнг яна шу мамлакатга келишлари мумкин.

**Географик имтиёзлар.** Иммигрантларни қабул қилувчи ҳар бир мамлакат иммиграциянинг географик ва миллий таркибини белгилайди. Бу усул, одатда, маълум мамлакатдан кириб келаётганлар сонини миқдорий квоталаш орқали амалга оширилади. Баъзан, инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари юз бераётир деган айблардан қочиш мақсадида ҳукумат географик имтиёзлар доирасида лотереялар ўтказишади. Масалан, АҚШда DV-1 дастури асосида иммигрантлик визаси учун лотерея ўтказилади. Иммиграцияни ҳисобга олиш статистикаси маълумотлари асосида АҚШга кўлаб ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар белгилаб олинади. Кейин махсус формула ёрдамида ҳар бир мамлакатга лотерея асосида квота ўрнатилади. Олдинги беш йил давомида бу мамлакатдан қанчалик кўп иммигрант келган бўлса, бу мамлакатга нисбатан шунча кам ўрин ажратилади. Мисол учун,

<sup>19</sup> Цапенко И. Экономический цикл и международная миграция населения. //Мировая экономика и международные отношения, №8, 2011. С. 38.

1996 йилда 55 минг иммигрант визаси учун лотерея ўтказилган. Шундан 20200 виза Африка мамлакатларига, 6837 виза Осиё мамлакатларига (Хитой, Тайвань, Ҳиндистон, Филлипин, Вьетнам ва Жанубий Кореядан ташқари), Европага 24 549 виза (Буюк Британиядан ташқари), Шимолий Америкага 8 виза, Океанияга 817 виза, Жанубий Америка, Марказий Америка ва Кариб ҳавзасига 2589 виза (Мексика, Ямайка, Сальвадор ва Доминикан республикасида ташқари) тўғри келди<sup>20</sup>.

**Тақиқлар.** Хорижий ишчи кучини ёллаш бўйича очиқ ва яширин тақиқлар хорижликлар шуғулланиши мумкин бўлмаган касблар тўғрисидаги қонунларда келтирилади. Очиқ тақиқлар хорижий ишчилар ишлаши мумкин бўлмаган тармоқлар ёки ихтисосликлар бўйича санаб ўтилади. Яширин тақиқлар, аксинча, фақат маҳаллий аҳоли ишлаши мумкин бўлган тармоқлар ихтисосликларни санаб ўтади ва бу йўналишда хорижликларнинг ишлашига йўл қўйилмайди.

Давлат томонидан ишчи кучини қабул қилишни чегаралаш ва тақиқлаш орқали тартибга солиш усулларини кўриб чиқдик. Шу билан бир қаторда мамлакатдан иммигрантларни чиқариб юбориш борасида реэмиграцияни рағбатлантирувчи чора-тадбирлар ҳам қўлланилади. Бунинг асосий сабаби касаба уюшмаларининг ҳукуматга ўтказадиган таъсири ҳисобланади. Натижада Ғарб мамлакатлари XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб иммигрантларни ўз ватанларига қайтариб юборишни рағбатлантирувчи фаол чораларни амалга ошира бошлашди. Реэмиграция борасида давлат томонидан амалга ошириладиган анъанавий чораларга қуйидагилар киради:

**Реэмиграцияни рағбатлантирувчи дастурлар.** Бу дастурларга ноқонуний равишда кириб келган иммигрантларни мамлакатдан мажбурий чиқариб юборишдан тортиб ватанларига қайтишни хоҳлайдиган иммигрантларга моддий ёрдам бериш билан боғлиқ чоралар киради. Ғарбий Европа мамлакатларида (Германия, Франция, Нидерландия) иммигрантларнинг кўнгилли равишда ишдан бўшашлари ва ўз ватанларига қайтишлари вақтида турли хил тўловлардан иборат рағбатлантирувчи дастурлар қабул қилинган. Баъзи ҳолларда иммигрант мамлакатни тарк этиш истагини билдириб ариза берган заҳоти ёрдам пули тўланса, баъзи ҳолларда эса у амалда мамлакатни тарк этгандан кейин тўланади. Иммигрантнинг бу ёрдам пулини олиши унинг мазкур мамлакатга қайтиб келиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Ёрдам учун ажратиладиган тўловлар хорижий ишчиларни ёллаб ишлатувчи корхоналар томонидан пенсия фонди ёки ижтимоий суғурга фондларига тўлайдиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бу усулдаги молиялаштириш бюджетнинг харажатлар қисмига ортиқча юк бўлиб тушмаса-да, амалда бюджетнинг харажатлар қисми иммигрантларни давлат томонидан электрон ҳисобга олиш ва ёрдам

<sup>20</sup> Киреев А.П. Международная экономика. В 2 ч. Ч. I. Международная экономика: движение товаров и факторов производства: учеб. пособие для вузов. –М.: Междунар. Отношения, 2000. С. 336.

пули тўлаши оқибатида кўпайиб кетади. Натийжада реэмиграция дастурларининг самарадорлиги пастлигича қолмоқда.

**Иммигрантларни касбий тайёрлаш дастурлари.** Иммигрантларнинг ўз мамлакатларига қайтишларини рағбатлантирувчи омил сифатида баъзи мамлакатлар (Франция, Германия, Швейцария) уларни касбий тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишади. Мантқан бу дастурлар иммигрантларнинг маълум касбий тайёргарликдан ўтганларидан сўнг ватанларига қайтишларига туртки бўлиши керак. Чунки хорижда малака ошириб, бирон-бир касбга ўрганган иммигрантлар ўз ватанларида юқори ҳақ тўланадиган ишга жойлашишларига умид қилишлари мумкин. Аммо бундай дастурларда қатнашишга иммигрантлар томонидан қизиқиш кам бўлиб, улар дастур доирасида олган касбий малакалари ўз ватанларида шунга яраша иш топишларида ёрдам беришига ишонилмайди. Шунинг учун иммигрантлар кам ҳақ тўланса-да, ривожланган мамлакатдаги мавжуд иш жойларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишади.

**Оммавий эмиграция қилувчи мамлакатларга иқтисодий ёрдам бериш дастурлари.** Ривожланган мамлакатлар ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар билан ишчиларнинг пул ўтказмаларини инвестициялаш ва давлатга янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида корхоналар куриш орқали ривожланаётган мамлакатларда реэмигрантлар учун иш жойларини яратишга ёрдам бериш тўғрисида келишувлар тузишади.

Бундай корхоналар кооперативлар, қўшма корхоналар, акционер жамиятлари шаклида бўлади. Бу дастурлар айниқса Германия ва Туркия ўртасидаги икки томонлама муносабатларда яққол кўзга ташланади. Бир қатор ҳолларда немислар пулига курилган янги турк компаниялари нафақат реэмигрантларни жалб қилиш марказлари бўлиб қолди, балки Туркиядан Германияга йўналган эмигрантларнинг янги оқимини тўхтатиб қолди.

Ишчи кучини қабул қилувчи мамлакатлар томонидан амалга оширилган фаол чора-тадбирларнинг аксарияти бу мамлакатларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиш имконини бермади. Дастурлар натижасида ўз ватанларига қайта бошлаган иммигрантлар оқими дастурларни молиялаштириш тугаши билан камая бошлади. Бу дастурлар самарадорлигининг муҳим сабабларидан бири – ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатларнинг эмиграция оқимини қисқартиришни хоҳлаганликларидадир.

**Эмиграция сиёсати.** Эмиграция сиёсатининг мақсади ишсизликни камайтириш, ишлаётган эмигрантларнинг экспорт-импорт операцияларини баланслаштириш учун ишлатилаётган молиявий маблағлари кириб келишига кўмаклашиши, эмигрантларга хорижда муносиб ҳаёт шароитлари билан таъминланиши, эмигрантларнинг ўз ватанларига қайтиб келиши уларнинг хорижда эгаллаган касблари, тўплаган тажрибаласи ва малакалари билан мос келиши керак.

XXI аср бошларида халқаро миграция жараёнида экспортёр мамлакатлар фаоллигининг кучаяётганлигини ушбу мамлакатлар томонидан эмиграция сиёсатининг қуйидаги шакллари амалиётда самарали қўллаётганлари билан изоҳлаш мумкин.

Эмиграция миқёси ва эмигрантларнинг сифат кўрсаткичларини тартибга солиш орқали экспортёр мамлакат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган сиёсат. Ақсарият мамлакатларнинг эмиграция сиёсати ўз фуқароларининг эркин ҳаракатланишини таъминлашга қаратилган бўлса, бошқалари юқори малакали мутахассислар масаласи ва демографик ҳолат ёмонлашганда чегараланган эмиграция сиёсатини олиб боришади.

Мамлакат иқтисодиётини ресурслар билан таъминлаш мақсадида ишлаётган – мигрантларнинг валюта маблағларини жалб этишга йўналтирилган сиёсат. Ушбу мақсадда миллий банкларда эмигрантлар учун қулай фоиз ставкаларида счётлар очилади, уларга ўзларининг молиявий воситаларини товар ва ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун фойдаланишга қулай шарт-шароитлар яратилади, баъзи бир давлатлар томонидан эса ишлаётган мигрантларнинг ўз мамлакатларига олинган иш ҳақининг катта қисмини юборишлари мажбурий қилиб белгиланган.

Хорижда ишлаш учун ишчи кучини ёллаш бўйича иқтисодий-ижтимоий кафолатлар билан таъминлай оладиган шартномалар ва иккиёқлама келишувлардан фойдаланиш йўли орқали эмигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат. Меҳнат миграцияси бўйича халқаро келишувлар шартларининг бажарилишини, мигрантларнинг мамлакат ичида юзага келиши мумкин бўлган баҳсли муаммоларини ҳал қилиш ва уларнинг асосий ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилиш мақсадида муассасалар, фондлар, вакилликлар, махсус кишиларни ташкил этиш йўли билан шу масалани ҳал этиш.

Ишлаётган мигрантларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат. Ушбу масалани ҳал этишнинг биргина йўли хорижда ишлаш учун фуқароларни ёллаш фаолиятини давлат томонидан мажбурий лицензиялашдир. Лицензиялашнинг мақсади–керакли маълумот, ишлаш тажрибаси, ишончли халқаро алоқаларига эга ва фаолиятининг натижаларига моддий ва ҳуқуқий жавобгарликни ола билладиган ташкилотларгагина хорижда ишлашни ташкил этиш воситачилигини амалга ошириш ҳуқуқини бериш.

Экспортёр ва импортёр мамлакатларнинг манфаатларини ўзаро ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш. Гап, хусусан, миграция, норасмий ҳаракатланишлар масштабини ушлаб туриш, мигрантларнинг ўз ватанларига қайтишини рағбатлантириш сиёсатини ўтказиш тўғрисида боради.

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, халқаро ишчи кучи миграцияси жаҳон иқтисодиётида меҳнат ресурсларини қайтадан тақсимлайди. Халқаро ишчи кучи миграцияси асимметрия билан ажралиб

туради, мамлакатларнинг иқтисодий манфаатларини тўқнаштиради ва халқаро миграцияни тартибга солишни долзарб мавзуга айлантиради. Фақатгина шу йўл билан халқаро ишчи кучи миграциясининг салбий оқибатларини камайтириш ва ушбу объектив жараёни глобал тараққиёт манбасига айлантириш мумкин.

## 28.6. Ўзбекистон халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнида

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига интеграциялашуви жаҳон меҳнат бозорида фаол қатнашишни тақозо этади. Ўзбекистон ХМТ аъзоси бўлиб, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда бу ташкилот қабул қилган ҳужжатларга амал қилмоқда. Хусусан, республикамизда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда Ўзбекистон фуқароларини чет элларда ўз касби бўйича шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ишга жойлаштиришни тартибга солиш ва бу жараёни мувофиқлаштириш борасида давлатнинг жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хорижий давлатларда ўз касблари бўйича меҳнат фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 14 июлдаги «Ишчи кучларини олиб келиш ва ташқарига олиб чиқиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида»ги, 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолиятини ташкиллаштиришни мукамаллаштириш тўғрисида»ги, 2007 йил 15 майдаги 97-сонли «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига ва шу қарорлар билан тасдиқланган Низомга асосан амалга ошироқдалар.

Ўзбекистон миграцион мақомига кўра экспорт-импорт қилувчи мамлакат ҳисобланади ва ташқи миграция бўйича манфий қолдиққа эга. Ўзбекистон аҳолиси жами миграциясининг 2–3% и ва ташқи миграцияси оқимларининг 10–15% и узоқ хорижга тўғри келади. Ўзбекистоннинг миграция алоқалари доирасига АҚШ, Исроил, Япония, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея каби мамлакатлар кирмоқда. Ўзбекистон барча МДҲ мамлакатлари билан салбий миграция қолдиғига эга. Жумладан, ташқи миграциянинг 70% га яқини Россия, 12–13% и Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади<sup>21</sup>.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига жадал сурьатларда интеграциялашуви, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ташқи миграция географик йўналишининг узоқ хориж мамлакатлари томон ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу ижобий силжишлар 90-йилларда бошланган

<sup>21</sup> Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. –Т.: Молия, 2010. 98-б.

бўлиб, халқаро миграция оқимида тadbиркорлар, банк хизматчилари, бизнес билан шуғулланувчилар кўлайиб борди.

Ўзбекистон меҳнат миграцияси бўйича қатор мамлакатлар билан битимлар имзолаган. Жумладан, 1994 йил июлда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ўртасида “Миграция соҳасида ҳамкорлик тўғрисида” Меморандум, 1995 йилда Корея Республикаси, 2007 йилда Россия билан икки томонлама келишувлар имзоланди. Чунончи, Корея кичик ва ўрта бизнес Федерацияси, Корея Қурилиш ассоциацияси билан ўқитиш, ишга жойлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Келишувлар имзоланганидан сўнг хорижликларнинг саноат тажрибаси тизими бўйича Корея Республикасида 1995–2008 йилларда 24 мингдан ортиқ фуқаролар ишга жойлашдилар<sup>22</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг хориж мамлакатларига ишчи кучини экспорт қилиши туфайли:

- ишчи кучи экспорти туфайли республика миллий даромадига хориждан маблаг келиб кўшилади. Бу даромад ҳисобига янги иш жойларини барпо этиш, ишсизларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маблағларга эга бўлиш мумкин;

- хорижда ишлаб келган фуқароларимиз ўзлари билан бирга энг замонавий билимларни, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни, замонавий технологияни ва янги техникани бошқаришни ўрганиб қайтадилар;

- фуқаролар хориж корхоналарида мавжуд бўлган меҳнатни ташкил этиш, меҳнат интизоми, ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш, унумли меҳнат қилиш, замонавий билимларни эгаллайдилар;

- мамлакатимизни ўз меҳнатсеварликлари билан жаҳонга танитадилар, чет тилларни ўрганадилар, меҳнат қилиш ва малака ошириш усулларини ўрганиб келадилар.

Ўзбекистон халқаро миграция алоқаларининг истиқболда янада ривожланишидан манфаатдор. Мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардошлигини юксалтириш халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди ва халқаро меҳнат миграциясининг фаоллашувига олиб келади.

### Асосий тушунчалар

**Ички миграция** – ишчи кучининг бир мамлакат/ хууд /район миқёсида ҳаракатланиши.

**Ташқи миграция** – ишчи кучининг бир мамлакат/хууд/район хуудидан иккинчи бир мамлакат/хууд/районга кўчиши.

**Халқаро ишчи кучи миграцияси** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга иқтисодий ва бошқа сабабларга кўра бир йилдан ортиқ муддатга кўчиб ўтиши.

---

<sup>22</sup> Ўша манба. 137-б.

**Иммиграция** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг мамлакат ҳудудига бошқа мамлакатлардан кўчиб келиши.

**Эмиграция** – меҳнатга лаёқатли аҳолининг мамлакат ҳудудидан кўчиб кетиши.

**Миграцион қолдиқ** – иммиграция ва эмиграция ўртасидаги фарқ.

**«Ақлнинг оқиб ўтиши»** – юқори малакали мутахассисларнинг мамлакатлараро миграцияси.

**Реэмиграция** – эмигрантларнинг ватанларига доимий яшаш учун қайтиб келишлари.

**Мигрантларнинг пул ўтказмалари** – мигрантлар томонидан ўз мамлакатлари резидентларига юбораётган товарлар ва молиявий маблағлар.

**Ишчиларнинг пул ўтказмалари** – қабул қилувчи мамлакат резиденти (Ўзининг иммиграция мақомидан қатъи назар, ушбу мамлакатда бир йил ёки ундан ортиқ вақт яшаётган бўлса) ҳисобланган мигрантнинг ўз ватанига юбораётган хусусий трансфертлари (натура ёки пул шаклида).

**Ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи** – қабул қилувчи мамлакатда бир йилдан кам муддат яшаётган мигрантнинг барча даромадлари.

**Трансфертлар** – мигрантлар томонидан амалга ошириладиган пуллик трансфертларнинг соф қиймати (молиявий ва номолиявий активлар).

**Давлатнинг миграция сиёсати** – ишчи кучи экспорти/импортини тартибга солишга қаратилган давлат сиёсати.

### **Назорат саволлари:**

1. Халқаро ишчи кучи миграцияси нима ва у қайси сабабларга кўра юз беради?

2. Халқаро ишчи кучи миграциясига қандай омиллар таъсир кўрсатади?

3. Халқаро ишчи кучи миграциясининг қандай турлари мавжуд?

4. Халқаро ишчи кучи миграциясининг замонавий таркиби ва динамикасини аниқланг.

5. Халқаро ишчи кучи миграцияси ва пул ўтказмалари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилинг.

6. Халқаро пул ўтказмаларининг географик таркиби қандай ўзгаришларга учрамоқда?

7. Халқаро ишчи кучи миграцияси халқаро даражада қайси ташкилотлар томонидан тартибга солинади?

8. Халқаро ишчи кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солишнинг қандай усуллари мавжуд?

9. Иммиграция сиёсати ва уни амалга ошириш дастаклари нималардан иборат?

10. Эмиграция сиёсати нима ва қандай хусусиятларга эга?

### 29.1. Техник тараққиётнинг халқаро савдога таъсири назариялари

Технологияни ишлаб чиқаришнинг алоҳида омили сифатида ўрганиш, аниқроғи, технология тушунчаси хусусида иқтисодий адабиётда ягона ёндашув йўқ.

Агар технология ишлаб чиқаришнинг муस्ताқил омили сифатида қараладиган бўлса, у бир томондан, ўзи ёрдамида ишлаб чиқарилган товарлар савдоси шартларининг ўзгаришига таъсир кўрсатади, иккинчи томондан эса, халқаро савдо предмети ҳисобланади. Технологиянинг халқаро ҳаракати икки хил шаклда амалга ошади: соф (лицензия, патент, «нау-хау» савдоси) ва технологик сифимкорлиги юқори товарлар савдоси кўринишида. Шу нуқтага назардан технологияга қуйидагича таъриф бериш мумкин: технология – бу амалий мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган илмий методлардир. Технология тушунчаси технологиянинг маҳсулотлар, жараёнлар ва бошқарув технологияси гуруҳларини ўзида мужассамлаштиради.

Технологияни халқаро узатиш – тижорат ёки беғараз асосда илмий-техника ютуқларининг давлатлараро ҳаракати.

Халқаро иқтисодиётда қуйидагилар технологияни элтувчилар сифатида намоён бўлади:

- товарлар – юқори технологияли товарлар савдоси;
- капитал – капитал сифимкорлиги юқори технологик товарлар савдоси;
- меҳнат – юқори малакали илмий-техника кадрларнинг халқаро миграцияси;
- ер – қазиб чиқариш учун янги илмий техника ютуқларидан фойдаланилган табиий бойликлар савдоси.

Технологияни назарий жиҳатдан асослашда микродаражада ёндашув мавжуд бўлиб, бу – корхона, фирма миқёсида технологиялардан фойдаланиш нуқтаи назаридан технологияга баҳо беришдир. Унга мувофиқ технология хомашёни қайта ишлашда материалларга ишлов беришдаги усул ёки восита. Технология – техник воситаларни мос тарзда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўллаш усули. Бир турдаги технологиядан фойдаланилганда корхоналарнинг баъзилари фойда олса, бошқалари ундан зарар кўриши мумкин.

Технологияларни гуруҳлашда фирмаларда ҳозирда қўлланилаётган замонавий Д.Вудворд ва Д.Томпсон усулларидан фойдаланилади.

Д.Вудворд таснифи бўйича технологиялар қуйидагиларга бўлинади:

1. Майда серияли ёки индивидуал ишлаб чиқариш технологиялари. Бунда фақат битта маҳсулот ёки бир хилдаги маҳсулотларнинг кичик серияси ишлаб чиқарилади. Мазкур маҳсулотлар олдиндан аниқланган харидор учун ва унинг ихтисослашувига мос равишда ишлаб чиқарилади. Масалан, компьютерлар, тижорат мақсадида фойдаланиладиган БОИНГ самолётлари, ҳарбий реактив самолётлар.



2. Оммавий ёки йирик серияли ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологиялар. Йирик серияли маҳсулотлар бу бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашишдир. Мазкур ишлаб чиқариш стандартлаштирилган деталларни қўллаш, конвейер асосида йиғиш каби усуллар билан характерланади.

3. Узлуксиз ишлаб чиқариш билан боғлиқ технологиялар. Бунда автоматлашган техник жиҳозлардан фойдаланилади. Технологиялар кун бўйи тўлиқ ишлаб, катта ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Д.Томпсон таснифи бўйича технологиялар қуйидагиларга бўлинади:

1. Кўп бўғинли технологиялар. Мазкур технологиялар кетма-кет бажарилиши лозим бўлган ўзаро боғлиқ вазифалар сериясидан иборат. Масалан, автомобилларни йиғиш муайян бир тартибда бажарилади.

2. Воситачи технологиялар. Бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган гуруҳлар тўқнашуви ва иш юзасидан ҳаракатларининг келиштирилиши билан характерланади.

3. Интенсив технологиялар. Махсус кўникма ва хизматлар қўллаш билан характерланади. Масалан, фильмлар монтажи.

Ушбу таснифлар ўхшаш, фақат биринчиси – фирмалардаги ишлаб чиқариш бўйича, иккинчиси эса – умуман иқтисодийнинг барча ишлаб чиқариш йўналишларида ҳисобга олинган.

Технология ривожланишининг асосида техник тараққиёт ётади. Техник тараққиётнинг кўлаб таърифлари ва таҳлилий услублари мавжуд. Техник тараққиётнинг маълум даражада оммабоп бўлган моделини инглиз иқтисодчиси Жон Хикс ишлаб чиққан. Ж.Хикснинг фикрича техник тараққиёт уч гуруҳга бўлинади: нейтрал, меҳнат омилини тежовчи ва капитални тежовчи.

**Нейтрал техник тараққиёт** – бир вақтнинг ўзида меҳнат ва капитал омиллари унумдорлигининг ортишини таъминловчи технологияга асосланган тараққиёт. Мазкур техник тараққиёт натижасида товар ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат ва капитал қисқартирилади.

**Меҳнат омилини тежовчи техник тараққиёт** – капитал унумдорлигининг меҳнат унумдорлигига нисбатан юқорироқ самара беришига асосланган тараққиёт. Мазкур техник тараққиёт натижасида товарни ишлаб чиқаришга сарфланадиган капитал миқдори нисбатан ошади, меҳнат сарфи эса капиталнинг ўзгармас нисбий баҳоси асосида қисқаради. Бунда товарларни ишлаб чиқаришга сарфланиши керак бўлган меҳнат ва капиталнинг умумий миқдори қисқаради, ammo капиталнинг роли нисбатан юқори бўлади. Мазкур техник тараққиёт иқтисодийда меҳнат билан бир вақтнинг ўзида меҳнат ва капитални тежовчи билан фойдали ҳисобланади.

**Капитал омилини тежовчи техник тараққиёт** – меҳнат унумдорлигининг капитал унумдорлигига нисбатан юқорироқ самара беришига асосланган тараққиёт.

Савдо алоқаларининг мавжуд эмаслиги шароитида ҳар қандай техник тараққиёт мамлакат фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади. Техник тараққиёт натижасида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Техник тараққиётнинг халқаро савдога таъсири унинг талаб (истеъмол) ва таклифга (ишлаб чиқариш) қандай таъсир этишига боғлиқ.

Техник тараққиёт натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши халқаро савдога нейтрал, ижобий ва салбий таъсир этиши мумкин. Техник тараққиётнинг халқаро савдога нейтрал таъсири савдо ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажми билан бир хил суръатларда ортиши билан боғлиқ. Техник тараққиётнинг халқаро савдога ижобий таъсири савдо ҳажмининг ўсиш суръатлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларидан ошиб кетганда юз беради. Бу таъсир, одатда, ўзгармас нисбий баҳолар шароитида импорт ўрнини қопловчи товарларга нисбатан экспорт товарларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишини билдиради. Техник тараққиётнинг халқаро савдога салбий таъсири ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари савдо ҳажмининг ўсиш суръатларидан ошиб кетганда юз беради. Бу таъсир одатда, ўзгармас нисбий баҳолар шароитида импорт ўрнини қопловчи товарлар ҳажмининг экспорт товарларни ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ортишини билдиради.

Халқаро савдода товарларнинг ҳаётийлик цикли талай мамлакатларнинг технологик янги товарларни ишлаб чиқаришга ва экспорт қилишга мослашаётганида, бошқа мамлакатларнинг аллақачон таниқли бўлган товарларни ишлаб чиқараётганидан келиб чиқади. Бир талай юқори капиталга ва малакали ишчиларга эга ривожланган мамлакатлар технологик янги воситаларга кўпроқ капитал жалб қилиш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда киёсий динамики (ўзгарувчанлик) мулкни бошқа мамлакатлардан олиш арафасида турибдилар.

Товарнинг ҳаётийлик цикли маҳсулотнинг яратилиши, ўсиши, етуклик ва тушиш фазалари давомийлигининг турли шакллардаги уйғунлигини ифода этади (29.1.1-расм).


Товарнинг ҳаёт цикли назарияси куйидаги фактлардан келиб чиқади: баъзи мамлакатлар янги технологиялар асосида товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашади, бошқалари эса бозорда аллақачон танилган товарлар ишлаб чиқаради. Бу ўринда товарнинг бешта ҳаётийлик цикли фарқланади.

I босқич янги маҳсулот ишлаб чиқариш босқичи, деб номланади. Янги маҳсулот ўзи ишлаб чиқарилган мамлакатдагина ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Одатда, ишлаб чиқариш унчалик катта бўлмаган ҳажмда амалга оширилади ва ички бозордагина сотилади. Товар сифати ишлаб чиқарувчи томонидан бозор талабига жавоб берадиган даражага етказилади.

II босқич маҳсулотнинг ўсиш босқичи дейилади. Товар мукамаллаштирилади, ички бозорда унга бўлган талаб ошади ва уни четга экспорт қилиш бошланади. Хорижий рақобат ҳали йўқ ва мамлакат ушбу товарни ишлаб чиқаришда ва сотишда вақтинча монопол мавқега эга бўлади.

III босқич товарнинг етуклик босқичи дейилади. Товар технологияси шу даражада ишлатилганки, уни кейинчалик ҳам фақат у ихтиро қилинган мамлакатда ишлаб чиқариш ноўрин ҳисобланади. Стандартлашган ишлаб чиқаришнинг бир қисmini ишчи кучи арзон бўлган мамлакатларга кўчириш самаралироқ ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар бу маҳсулотни, кашфиёт эгасидан олган лицензия асосида, ўзининг ички бозори учун ишлаб чиқара бошлайди.

IV босқич товар ишлаб чиқаришнинг пасайиши, деб номланади. Анча арзон ишчи кучидан имитатор (янги технологияни ўзлаштирувчи) мамлакат товарни нафақат ўз ички бозорига таклиф қилади, балки уни кашфиёт эгаси бўлган мамлакатга унинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини сиқиб чиққан ҳолда сотади. Ихтиро эгаси бўлган мамлакатда ички ишлаб чиқариш тез суръатлар билан пасайиб кетади ва экспорт тўхтатади.



29.1.1-расм. Товарнинг ҳаёттийлик цикли фазалари

V босқич – товарнинг ички ишлаб чиқарилишининг бутунлай тўхташ босқичи. Бу босқичда янги технологияни ўзлаштирувчи мамлакатлар ихтиро эгаси бўлган мамлакатлардан шу даражада ошиб кетадики, натижада ихтиро эгаси ҳисобланган мамлакат янги технология лицензиясини сотиб, ички

ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатиб, ички бозорни хориждан импорт қилиш ҳисобига тўлдиришга мажбур бўлади. Янги технология ихтиро қилинган мамлакат ҳали хорижий мамлакатларга маълум бўлмаган янги турдаги товар ишлаб чиқаришни ташкил этади.

Инновацион фаолиятдаги энг муҳим масала – янги технологияларнинг у ёки бу мамлакат иқтисодий ўсишига қўшган улуғлигини аниқлашдир. Технологик ривожланиш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ижобий боғлиқлик неоклассик ўсиш моделларидан бири бўлган экзоген техник ривожланиш модели орқали исботланган. Бу ҳақда янада аниқ ҳулосаларни Массачусетс технологик институти профессори, Нобель мукофоти совриндори Роберт Солоу келтириб ўтади. Р.Солоу биринчи бўлиб иқтисодий ўсишнинг муҳим омилли капитал эмас, балки технологик ривожланиш эканлигини асослаб берди. Унинг 1909–1957 йилларни қамраб олган статистик маълумотлар асосидаги ҳисоб-китоблари иқтисодий ўсишни таъминлашда ишчи кучининг кўпайиши ва капитал истеъмолининг ортиши муҳим бўлганлигини, аммо ҳал қилувчи омил эмаслигини кўрсатди. Шунингдек, Р.Солоу технологик ривожланиш натижасида қишлоқ хўжалигининг хусусий секторида маҳсулот ишлаб чиқариш 60–70% га ва меҳнат унумдорлиги эса 90% га ўсганлигини келтириб ўтади.

Нобель мукофоти лауреати Ян Тинбергеннинг АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Францияга оид 1870–1914 йилларни қамраб олувчи ҳисоб-китоблари юқоридаги мамлакатларнинг иқтисодий ўсишида техник ривожланишнинг улуғлиги – меҳнат ва капитал каби омилларга нисбатан сезиларли даражада паст эканлигини кўрсатди. Бундан келиб чиқиб АҚШ бир қатор реал сектор тармоқларида экстенсив ривожланишдан интенсив ривожланиш йўлига ўта бошлади. Кейинчалик ривожланишнинг бу модели бошқа мамлакатларга ҳам кўча бошлади.

## **29.2. Технологияларни халқаро узатиш шакллари ва механизмлари**

Халқаро технологик айирбошлашга инсон фаолиятининг қуйидаги тўрт соҳаси кенг жалб қилинади:

- илм-фан (табиатни англашнинг назарий қонуниятлари);
- техник (табиатни ўзлаштириш тажрибаси);
- ишлаб чиқариш (моддий нёъматларни яратиш);
- бошқариш (ишлаб чиқариш ва бошқа масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ фаолият).

Технологияни халқаро узатиш ҳуқуқий ҳимоя билан кафолатланган. Жаҳоннинг кўпчилики мамлакатларида янги технологиялар қатор ҳуқуқий дастаклар ёрдамида ҳимояланади.

**Патент** – ҳуқуматнинг мутасадди органлари томонидан ихтиро чига бериладиган гувоҳнома бўлиб, у ихтиродан фойдаланишда монополь ҳуқуқни беради. Патентнинг амал қилиш муддати 15–20 йил бўлиб, у берилган

мамлакат худудида амал қилади. Патентдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб туриш учун катта миқдордаги патент тўловини тўлаш талаб этилади.

**Лицензия** – технология эгаси (лицензиар) томонидан манфаатдор томонга (лицензиатга) патент билан ҳимояланган ёки ҳимояланмаган технологиядан муайян муддат ва маълум тўлов эвазига фойдаланиш учун бериладиган рухсатнома.

**Копирайт** (тақдим этиш ҳуқуқи) – адабий, аудио- ва видеоасар муаллифининг ўз ишини кўрсатиш ва тақдим этиш ҳуқуқи.

**Товар белгиси** – муайян ташкилот белгиси бўлиб, ундан товар ишлаб чиқарувчини индивидуаллаштириш учун фойдаланилади. Товар белгисидан эгасининг расмий рухсатсиз бошқа ташкилотлар томонидан фойдаланиш ман этилади. Кўпчилик ҳолларда товар белгиси расм, график тасвир, ҳарфлар аббевнатураси, корпорация ташкилотчиси ёки эгасининг исми шаклида бўлиши мумкин. Агар товар экспорт қилинса, товар белгиси импортёр мамлакатда рўйхатдан ўтиши зарур.

Технологияларни халқаро узатиш кўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

**Патент шартномаси** – халқаро савдо битими бўлиб, унга мувофиқ патент эгаси ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини харидорга беради. Одатда, тор доирада ихтисослашган кичик фирмалар ихтирони ишлаб чиқаришга жорий этиш имкониятига эга бўлмаганликлари сабабли патентни йирик корпорацияларга сотадилар.

**Лицензия шартномаси** – халқаро савдо битими бўлиб, унга мувофиқ кашфиёт эгаси технологияга бўлган эгалик ҳуқуқини харидорга муайян чегара ва шартларда фойдаланиш учун беради.

«Ноу-хау» – муайян ютуққа эришиш имконини берувчи техник тажриба ва ишлаб чиқариш сирларини тақдим этиш. Улар технологик, иқтисодий, маъмурий ва молиявий характерга эга бўлади. «Ноу-хау»да олди-сотди предмети бўлиб тижорат аҳамиятига эга бўлган патентланмаган ихтиролар хизмат қилади.

**Инжиниринг** – харид қилинган ёки ижарага олинган машина ва ускуналарни ўрнатиш ҳамда ишлатиш учун зарур бўлган технологик билимларни тақдим этиш. Инжиниринг лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини тайёрлаш, маслаҳатлар бериш, назорат қилиш, лойиҳалаштириш, тажриба ўтказиш, кафолат даври ва кафолат давридан сўнг сервис хизмат кўрсатиш каби комплекс тадбирларни қамраб олади.

Халқаро технологияни узатиш уч босқичда амалга оширилади:

- технологияни танлаш ва сотиб олиш;
- сотиб олинган технологияни ўзлаштириш ва унга мослашиш;
- **фан-техника** чегарасида жойлашган технологияни такомиллаштириш.

Халқаро технологияни узатишнинг кўйидаги каналлари мавжуд:

- ташқи савдо – технологияни машина-ускуналар билан биргаликда кўшиб узатиш;

– ички фирма канали – янги технологияни трансмиллий корпорацияларнинг филиаллари ва “қиз” корхоналарига етказиб бериш;

– фирмалараро канал.

Халқаро технологиялар узатишнинг асосий шаклларида бири лицензион савдо бўлиб, у лицензион шартнома асосида амалга оширилади. Лицензион шартномада лицензия тури (патентли ва патентсиз), технологиядан фойдаланиш ҳуқуқи, характери ва чегараси (оддий, истиснолик, тўлиқ), ишлаб чиқариш соҳаси ва территориал фойдаланиш чегараси белгиланади.

**Патентли лицензия** – патентдан фойдаланиш ҳуқуқини «ноу-хау»сиз тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Патентсиз лицензия** – ихтиронинг патентсиз «ноу-хау»дан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**Истисносиз лицензия** – лицензияларга шу технология ушбу ҳудудда жойлашган бошқа лицензиатларга ҳам тақдим этиш ҳуқуқини қолдирувчи лицензия.

**Истисноли лицензия** – лицензиатнинг технологиядан фойдаланиш монопол ҳуқуқини мавжудлигини ҳамда лицензиарни ушбу ҳудудда патентланган технологиялар ва «ноу-хау»лардан мустақил фойдаланиш ва уларни сотишни рад этилганини назарда тутувчи лицензия.

**Тўлиқ лицензия** – шартнома амал қилиши даврида лицензиарнинг патент ёки «ноу-хау»дан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини ва лицензиарнинг улардан мустақил фойдаланишдан воз кечишини белгиловчи лицензия.

**Лицензион тўлов** – лицензиат томонидан шартнома предметидан фойдаланганлиги эвазига лицензиарларга тўланадиган тақдирлов.

Лицензион тақдирлаш ҳажми технология нархи кўринишида намоён бўлади ва лицензиат фойдасининг бир қисмини ташкил этади. Технологик жиҳатдан афзаллик юқори фойда олишни таъминлайди. Технологияни сотиш жараёнида лицензиар юқори фойда олиш ҳуқуқини муайян улуш эвазига сотган бўлади. Фойданинг мазкур улуши лицензион мукофот бўлиб, унинг куйидаги турлари мавжуд:

**Роялти** – шартноманинг амал қилиш муддати даврида харидор даромадидан лицензиядан фойдаланишда оладиган фойдаси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган ажратмалар. Кўпчилик ҳолларда роялти лицензиат томонидан келишилган вақт мобайнида (ҳар йили, ҳар квартал, ҳар ой) қатъий белгиланган фоиз ставкаси кўринишида амалга оширилади. Роялти ставкалари асосан 3–5 % ташкил этади.

Халқаро амалиётда қабул қилинган усул бўйича роялти ставкасини куйидаги формула бўйича ҳисобланади;

$$C_R = \sum_{i=1}^T V_i \cdot Z_i \cdot R_i$$

бу ерда:  $C_R$  – лицензия нархи;

$V_i$  – бир йилдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ёки сотилишининг кутилаётган ҳажми;

$Z_i$  –  $i$ - йилда маҳсулот бирлигининг нархи;

$T$  – лицензион келишувнинг амал қилиш муддати (йилларда);

$R_i$  –  $i$ - йилда роялти ставкаси.

Роялти ставкаси йиллар бўйича ўзгариб бориши ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиши мумкин. Бунда ҳар бир йилга алоҳида махсус ҳисоблаш дастури ишлаб чиқиши мумкин ва унинг умумий суммаси лицензиянинг умумий нарҳини кўрсатади.

Агар роялти фойданинг бир қисми сифатида ҳисобланса, қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин;

$$C_R = \sum_{i=1}^T B_i \cdot R_i,$$

бу ерда:  $B_i$  – лицензиар фойдаси.

Лицензиат томонидан технологияларни яратиш лицензион шартномаларда нарҳларни белгилашга таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир. Технологияларни яратиш эҳтимоли қанчалик юқори бўлса, лицензиар томонидан олинadиган маблағ шунчалик кам бўлади. Назарий жиҳатдан лицензиат ўзи технология яратиш учун зарур харажатлар ҳажмига тенг бўлган маблағда лицензия учун пул тўлаши мумкин.

Лицензия тўловлари ҳажмига технологияларнинг ҳаётийлик муддати ва уни узатиш даврида ўз ҳаёт циклининг қайси босқичида эканлиги; лицензиатга белгиланувчи чекловлар характери ва сони; узатилаётган ахборотнинг ҳуқуқий ҳимояси даражаси (учинчи шахсда патентларнинг мавжудлиги узатилаётган технологиянинг қийматини оширади) таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган омилларни баҳолаш қийинчилиги ноаниқлик ва риск лицензион музокараларни узоқ муддатли ва кўп харажатли жараёнга айлантиради.

**Пауша тўлови** – шартномада қайд этилган бир марта тўланадиган тўлов бўлиб, лицензиядан фойдаланиш вақти билан боғлиқ бўлмай, эксперт баҳолаш асосида олдиндан белгиланади. Бу турдаги тўловлар асосан комплекс асбоб-ускуналар етказилиб берилганда ва технология қиймати асбоб-ускуналар қийматига киритилганда, лицензиат технологиядан фойдаланиш устидан назоратдан холи бўлишни хоҳлаган пайтда, муттасил амалга ошириладиган тўловларнинг хорижга ўтказилиши хавфи туғилганда амалга оширилади.

**Фойдада қатнашиш** – лицензия предметидан фойдаланиш эвазига олинган лицензиат фойдасининг бир қисмини лицензиарга ажратиш. Кўпчилик ҳолларда лицензиарнинг лицензиат фойдасида қатнашиши 30% ни (истисноли лицензия берилганда) ва 10% ни (истисносиз лицензия берилганда) ташкил этади.

**Мулкда қатнашиш** – лицензиат томонидан лицензиарга лицензиядан фойдаланганлик учун ўз корхоналари акцияларининг бир қисмини бериши. Бу

тўлов тури ТМКлар томонидан кўп фойдаланилади. Чунки, улар ўз технологияларини ишлатувчи хорижий корхоналар мулки устидан назорат ўрнатишни хоҳлайдилар.

Юқоридагилардан ташқари халқаро технологияни узатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган шартнома шакли – бу **франчайзингдир**. У инглизчадан устулик деб таржима қилинади ва коммерсия концепцияси шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Франчайзингнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

**Ишлаб чиқариш франчайзинги** – муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясига эга бўлган фирманинг мижоз фирмага мазкур маҳсулотни муайян ҳудудда тайёрлаш ва сотиш ҳуқуқини беради.

**Товар франчайзинги** – фирманинг бошқа фирмага муайян ҳудудда етакчи фирманинг савдо маркасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Халқаро технологияни узатишнинг муҳим шаклларида бири **халқаро техник ҳамкорлик ёки техник ёрдамдир**.

Халқаро техник ҳамкорлик дастурлари ривожланаётган ва ўтиш иқтисодийети мамлакатларига бозор иқтисодийети асосларини яратиш учун бериладиган ёрдам ҳисобланади. Халқаро техник ҳамкорлик дастурлари халқаро ташкилотлар томонидан ва икки томонлама шартномалар асосида амалга оширилиши мумкин. Техник ҳамкорлик техник ёрдам олаётган мамлакатнинг технологик ривожланиш даражасини оширишга йўналтирилади. Техник ёрдамни бошқа халқаро ёрдамлардан ажрата билиш керак. Чунки, бошқа турдаги иқтисодий ёрдамлар ривожланган мамлакатлар томонидан Осиё ва Африканинг камбағал мамлакатларига озик-овқат, ичимлик суви, ёқилги ва бошқалар билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан молиялаштирилувчи маблағлар шаклида бўлади.

**Халқаро техник ҳамкорлик** – мамлакатларга қайтариб олиш шarti билан ёки беғараз асосда технологик жараёнлар, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тўғрисида ёрдам кўрсатиш. Бу турдаги ҳамкорлик ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида амалга оширилиши мумкин. Иқтисодийёт соҳасида техник ҳамкорлик асосан иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, статистика, пул ва бюджет сиёсати, ҳудудларни ривожлантириш, лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш каби йўналишларда амалга оширилади. Техник ёрдамнинг қуйидаги ташкилий турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Технологик грантлар** – ривожланган мамлакатлар томонидан технологиялар, технологик сизимкорлиги юқори товарлар ёки молиявий маблағларни илғор технологияларни сотиб олиш, персоналларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун беғараз узатишдир. Грантлар донорлар томонидан техник ёрдам лойиҳалари доирасида технологиялар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш, мутахассисларни жўнатиш ва кадрларни қайта ўқитишни кўзда тутади.

**Техник ёрдамни молиялаштириш** – техник ёрдам олаётган томоннинг шартномага мувофиқ ташкилий вазифаларни бажариши билан биргаликда



мазкур лойихани молиялаштиришда ҳам иштирок этишини назарда тутати. Одатда, техник ёрдам олаётган томоннинг лойихани молиялаштиришдаги улуши кам бўлса-да, техник ҳамкорликнинг бу туридан фойдаланиш ҳукуматнинг техник ёрдамдан мамлакатда самарали фойдаланишдан манфаатдор эканлигидан далолат беради.

**Техник ёрдам механизмлари.** Лойихада қатнашаётган мамлакатлар сонига қараб икки ва кўп томонлама техник ёрдам турлари бир-биридан фаркланади.

**Икки томонлама техник ҳамкорлик** – донор мамлакат билан техник ёрдам олаётган мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

**Кўп томонлама техник ҳамкорлик** – техник ёрдам олувчи мамлакатга бир неча мамлакатлар томонидан қўшма лойиҳалар шаклида техник ёрдам кўрсатиш.

БМТнинг Тараққиёт дастури (NP) ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатишни бошлаган биринчи халқаро ташкилот ҳисобланади. Шунингдек, ХВФ, Жаҳон банки, ИХТГ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳам мунтазам техник ёрдам дастурларини амалга оширадилар.

### **29.3. Халқаро технологиялар бозорининг ривожланиш тамойиллари**

Халқаро технологиялар бозорини таркиби ва ривожланиш хусусиятларига кўра қуйидаги сегментларга бўлиш мумкин: патентлар ва лицензиялар бозори, фан сиғимкорлиги юқори технологик маҳсулотлар бозори, юқори технологик капиталлар бозори ва юқори малакали илмий-техник мутахассислар бозори.

Технологик бозорларнинг сегментларида юз бераётган савдо муносабатларининг ҳажми тўғрисидаги таҳлилларга мувофиқ XX асрнинг охирига келиб лицензиялар бозоридаги олди-сотди ҳажми 30 млрд. долларни, фан сиғимкорлиги юқори технологик маҳсулотлар бозоридаги ўртача йиллик кўрсаткич 2,3 трлн. долларни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таркибида юқори технологик капиталлар улуши тахминан 10–20% ни ташкил этади. Башоратларга мувофиқ юқори технологик маҳсулотлар бозоридаги талаб 2015 йилга бориб 3,5–4 трлн. долларни ташкил этиши кутилмоқда.

Технологиялар бозорининг тармоқ таркиби мамлакатларнинг илмий-техник ривожланиш мақсадига боғлиқ равишда ўзгариб боради. XX асрнинг 40–50-йилларида ҳарбий-техника тармоқлари устувор даражада ривожланган бўлса, 60–80-йилларида бу мақсад асосан иқтисодий ўсишни таъминлаш ва алоҳида тармоқларнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифалари билан боғлиқ бўлган. 90-йиллардан бошлаб эса илмий-техник ривожланиш соҳасидаги сиёсатнинг устуворликлари инфорацион хизматлар, тиббиёт, экология ва аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган соҳаларга қаратилди. Шунинг учун замонавий жаҳон технологиялар бозорининг тармоқ таркибини қуйидагича белгилаш мумкин: элетротехника, элетроника, кимё,

фармацевтика, алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, асбобсозлик, авиакосмик ускуналар, автомобилсозлик ва б.

Жаҳон технологиялар бозорида куйидаги ривожланиш тенденцияларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

– жаҳон технологиялар бозорининг жадал ривожланаётган бозорлардан бири сифатида товарлар ва капиталлар бозорига нисбатан юқори суръатларда ривожланиши;

– жаҳон технологиялар бозорининг миллий бозорларга нисбатан юқори даражада ривожланганлиги билан ажралиб туриши. Мазкур жараёнда халқаро корпорациялар етакчи роль ўйнайди;

– жаҳон технологиялар бозорининг икки поғонали таркибга эгаллиги:

а) юқори технологиялар асосан саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ўртасида айланади;

б) ўрта ва куйи технологиялар ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари бозорлари учун янги технология ҳисобланиши мумкин. Шу сабабли мазкур технологиялар ушбу мамлакатлар ўртасида айирбошлаш предмети бўлиб ҳисобланади;

– жаҳон технологиялар бозори технологик ресурсларнинг кам сонли ривожланган мамлакатларда концентрациялашганлиги билан тавсифланади (АҚШ – 40%, Япония – 30%, Германия – 13%);

– жаҳон технологиялар бозоридаги асосий рақобатчи мамлакатлар АҚШ ва Япония ҳисобланади;

– жаҳон технологиялар бозорида монополашув даражасининг жаҳон товарлар бозоридан ҳам юқорилиги. 90-йилларда трансмиллий корпорациялар улуши жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 1/3 қисмини, ташқи савдонинг 1/2 қисмини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич технологиялар бозорининг 80% ини ташкил этади;

– XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб жаҳон технологиялар бозорида трансмиллий корпорацияларнинг етакчилик мавқеи фирмалараро ҳамкорлик алоқаларида намоён бўла бошлади. Мазкур жараённинг яққол ифодасини автомобилсозлик соҳасидаги етакчи мамлакатлар ҳамкорлигини акс эттирувчи куйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин (29.3.1-жадвал).

Фирмалараро ҳамкорлик венчур келишуви, ҳамкорликдаги тадқиқотлар, технологияларни айирбошлаш, бевосита капитал қўйилмалар, технологияларни бир томонлама узатиш каби соҳаларни ўз ичига олади.

– “Янги иқтисодиёт”нинг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб технологик маҳсулотлар халқаро савдосининг жадаллашуви ва жаҳон бозорларидаги рақобат курашининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро савдо таркиби сезиларли даражада ўзгарди: жаҳон экспортда тайёр маҳсулотлар улуши икки бараварга ошган бўлса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш 2,4 бараварга, минерал хомашё ва ёқилги 3,3 бараварга қисқарган. XX асрнинг

**Автомобиль саноатида халқаро ҳамкорлик  
алоқаларининг ривожланиши<sup>1</sup>**

Фирма	Ҳамкорлар
Ровер	Хонда, Форд, Фольксваген, Крайслер, Жене́рал моторс, Сузуки
БМВ	Ровер – 80 % Дайхасту
Форд	Мазда – 25 %, КИА – 10 %, Фольксваген, Крайслер, Жене́рал моторс, Сузуки, Фиат, Рено, Ниссан
Мерседес-Бенц	БМВ, Мицубиси, Порше, Фольксваген
Хонда	Ровер – 20 %, Крайслер, ДЭУ, Жене́рал моторс, Мерседес, Пежо, Мицубиси
Мазда	КИА – 80 %, Ниссан, Исузу, Фиат, Мерседес, Мицубиси, Пежо, Порше, Сузуки
КИА	Дайхасту, Форд, Мазда, Рено
Жене́рал моторс	Сааб – 50 %, Сузуки – 2,5 %, Исузу – 37,5 %, Крайслер, Фиат, Форд, Мицубиси, Мазда, Пежо, Вольво
Исузу	Жене́рал моторс, ДЭУ, Мицубиси, Мазда, Пежо, Вольво
Вольво	Рено – 20 %, ДЭУ, Жене́рал моторс, Исузу, Мицубиси, Пежо
Фольксваген	Ауди, Сеат, Шкода, Порше, Мерседес, Ровер, Сузуки, Тойота, Ниссан, Вольво, Форд
Порше	Мерседес, Фольксваген
ДЭУ	Жене́рал моторс, Хонда, Сузуки, Вольво, Ниссан
Пежо-Ситроен	Сузуки, Хонда, Рено, Исузу, Ниссан, Ровер, Крайслер, Фиат, Дайхасту, Вольво
Тойота	Дайхасту – 14,7 %, Жене́рал моторс, Фольксваген, Ниссан, Форд, Рено
Мицубиси	Мазда, Сузуки, Жене́рал моторс, Мерседес, Крайслер, Хонда, Исузу
Фиат	Пежо, Крайслер, Форд, Ниссан, Мазда, Жене́рал моторс
Ниссан	ДЭУ, Форд, Мазда, Фиат, Жене́рал моторс, Тойота
Крайслер	Фиат, Форд, Жене́рал моторс, Хонда, Мицубиси, Пежо

90-йилларида тайёр маҳсулотларнинг жаҳон экспортдаги улуши 5% га ошган. Мазкур ўзгариш асосан машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари ҳисобига юз берган.

29.3.2-жадвалдан кўрииб турибдики, кўриб чиқилаётган даврда машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари экспортининг ўртача йиллик ўсиши 8% ни ташкил этган. Мазкур товарлар гуруҳида юқори ўсиш суръатлари юқори технологик офис ва телекоммуникацион асбоб-ускуналар ҳиссасига тўғри келади (12%). Умуман, 2000 йилда юқори технологик тармоқларда яратилган маҳсулотлар жаҳон товар экспортининг 16 қисмини ёки деярли 1 трлн. долларни ташкил этган.

“Юқори технологиялар” атамаси илғари ИТТКИ харажатлари юқори саноат тармоқларига нисбатан қўлланилган бўлса, ҳозирда бу атама кенгрок

<sup>1</sup> Пузакова Е.П. Мировая экономика и международные экономические отношения. –Ростов-на-Дону.: Феникс, 2004.

талқин этилади. Юқори технологиялар замонавий иқтисодиёт тармоқларининг технологик базаси сифатида амал қилади. Шунинг учун юқори технологик

29.3.2-жадвал

**Жаҳон қайта ишлаш саноати маҳсулотлари экспорти таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>2</sup>**

Товарлар	1990 й.	1999 й.	2000 й.	2010 й.
Қайта ишлаш саноати маҳсулотлари, жами	100	100	100	100
Қора металлар	4,4	3,0	3,1	4,2
Кимё маҳсулотлари	12,3	12,6	12,4	17,1
Бошқа ярим фабрикатлар	11,1	9,9	9,7	9,4
Машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари	50,8	54,8	55,4	51,0
шундан:				
– автомобилсозлик маҳсулотлари	13,3	13,1	12,3	17,0
– офис ва телекоммуникацион асбоб-ускуналар	12,5	18,4	20,3	16,1
– бошқа турдаги машина ва транспорт воситалари	25,0	23,3	22,8	17,9
Тўқимачилик маҳсулотлари	4,4	3,5	3,3	2,5
Кийим-кечак	4,5	4,4	4,3	3,5
Бошқа турдаги истеъмол товарлари	12,5	11,8	11,8	12,3

тармоқларга, одатда, машинасозликнинг қуйидаги тармоқлари киритилади – электрон-ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқариш, авиация ва аэрокосмик техника, саноат роботлари ва ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш воситалари, радиоалоқа воситалари, радиолокация ва радионавигация, мураккаб уй-рўзгор буюмлари, асбобсозлик. Мазкур тармоқларга фармацевтика саноати, кимё ва атом саноати кабилар қиради.

Юқори технологик маҳсулотлар бозорида иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар етакчи мавқега эга. АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия ва Франция мазкур маҳсулотлар бозорларининг 80% ини назорат қилишади. Бу соҳанинг баъзи йўналишлар бўйича Жаҳубий Корея, Малайзия, Сингапур, Гонконг каби янги индустриал мамлакатлар ривожланган мамлакатларга рақобатчилик қилмоқда (29.3.3-жадвал).

29.3.3-жадвалда ХХ асрнинг 90-йилларида юқори технологик маҳсулотлар бозорининг баъзи турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича етакчи мавқега эга мамлакатлар улуши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Бу ҳолат жаҳон хизматлар савдосида ҳам мамлакатлар ўрни тахминан юқори технологик маҳсулотлар бозоридаги каби кўринишга эга. 2000 йил маълумотларига кўра жаҳон хизматлар савдосининг 36% и юқори технологиялар (коммуникацион, информацион ва б.) билан боғлиқ,

<sup>2</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

хизматларнинг учдан бирини туристик хизматлар, 22% га яқинини эса транспорт хизматлари ташкил этади.

29.3.3-жадвал

**Жаҳон юқори технологик маҳсулотлар бозорларидаги айрим мамлакатлар ўрни (умумий бозор ҳажмига нисбатан %да)<sup>3</sup>**

Маҳсулот турлари	Мамлакатлар улуши			
Телекоммуникацион ва навигацион асбоб-ускуналар	АҚШ–20	Япония–17	Германия–7	Буюк Британия–6
Микроэлектроника маҳсулотлари	АҚШ–19	Япония–21	Жанубий Корея–10	Малайзия–8
Авиация ва ракета-космос саноати маҳсулотлари	АҚШ–40	Франция–20	Буюк Британия–9	Германия–7
Информатика воситалари	АҚШ–19	Япония–15	Сингапур–12	Тайвань–9,5
Тиббий асбоб-ускуналар ва материаллар	АҚШ–27	Германия–15	Япония–10	Нидерландия–6
Саноат материаллари ва илмий асбоб-ускуналар	АҚШ–27,5	Япония–17,5	Германия–14	Буюк Британия–6

Юқори технологик маҳсулотлар бозорида етакчилик қилаётган мамлакатлар тажрибаси технологик лидерлик билан боғлиқ қонуниятларни аниқлаш имконини беради:

*Биринчи қонуният -- илм-фан ва инновацион янгиликларнинг мамлакат рақобатбардошлигини ошириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш инструменти ва замонавий билимларга асосланган янги тизимдаги жамиятнинг базавий элементи сифатида баҳоланиши.* Инновацион тизим фаолиятини таъминлаш ривожланган мамлакатларнинг юқори технологик маҳсулотлар билан савдо қилиш имкониятларини кенгайтиради. Бу эса ялпи ички маҳсулотнинг 1,6% идан (Канада) 3,7% игача (Швеция). янги билимлар ва технологияларни яратиш учун катта ҳажмдаги маблағлар сарфлашни тақозо этади.

*Иккинчи қонуният – корпоратив тадқиқотлар ва ишланмаларнинг муҳим иқтисодий аҳамиятга эгаллиги.* Компанияларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг ривожланиши илмий янгиликлар ва янги техник имкониятларни яратади. XX асрнинг охириларида ривожланган мамлакатларда инновацион ривожланишга сарфланган умуммиллий харажатларнинг асосий қисми тадбиркорлик сектори томонидан молиялаштирилган. Бу кўрсаткич Францияда – 61, Буюк Британияда – 65, Германияда – 68, Японияда – 72, АҚШда – 74, Швецияда – 75% ни ташкил этган.

Корпоратив тадқиқотлар асосан юқори технологик тармоқларда олиб борилади. XX асрнинг 90-йилларида АҚШда инновацион ривожланиш

<sup>3</sup> Оболенский В. Технологическое соперничество на мировом рынке. /Мировая экономика и международные отношения, №7, 2003. С.4.

харажатлари ҳажми бўйича хизматлар соҳаси, асосан инфор­мацион технологиялар (23%), автомобилсозлик (11%) ва аэрокосмик саноат (10%), Европа Иттифоқида электротехника (15%), автомобилсозлик (13%) ва хизматлар (11%), Японияда электроника (18% дан юқори) ва электротехника (11%) соҳалари етакчи мавқега эга бўлди.

**Учинчи қонуният – замонавий билимларни эсамгарииш – кумулятив жараён ҳисобланади.** Илм-фан ва маорифга сарфланаётган маблағлар барқарор ва узоқ муддатга мўлжалланган бўлсагина самара беради. Мазкур соҳани молиялаштириш бирон босқичда тўхтаб қолса, уни кейинчалик кўпайтириш ўзини оқламайди. Давлатнинг илмий-техник сис­те­ма­сини молиялаштиришдаги асосий манба бюджет маблағлари ҳисобланади. Мазкур манбадан илмий харажатлар 15 дан 12 қисмигача молиялаштирилади. Таҳлиллар кўрсатишча, АҚШ ва Японияда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатлари ЯИМга нисбатан ўртача 3,0% ини молиялаштиради (29.3.4-жадвал).

29.3.4-жадвал

**Ривожланган мамлакатларда ИГТКИ харажатларининг молиявий таъминоти, ЯИМга нисбатан фонд ҳисобида<sup>4</sup>**

Йиллар	АҚШ	Япония	Германия	Франция	Буюк Британия	Италия	Канада
1985	22,8	2,6	2,7	2,3	2,3	1,1	1,4
1990	2,7	2,9	2,8	2,4	2,2	1,3	1,5
1995	2,6	2,7	2,5	2,4	2,2	1,3	1,5
2000	2,8	2,9	2,7	2,4	2,3	1,7	1,6
2015	3,0	3,0	2,9	2,6	2,5	2,3	1,9

XX аср охирига келиб жаҳон технологик бозорларининг ривожланиш даражаси ва динамикаси мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи асосий омил инновацион соҳанинг илмий ишлаб чиқаришга асосланган тармоқлари ҳамда компаниялари эканлиги яққол намоён бўла бошлади. Техник тараққиёт ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг миқёси ва структурасинигина ўзгартириб қолмай, балки аҳоли турмуш даражаси, кишиларнинг ўзаро ва ташқи дунёга бўлган муносабатларига ҳам сезиларли таъсир ўтказди.

<sup>4</sup> Иванова Н. Инновационная сфера: контуры будущего. /Мировая экономика и международные отношения, №8, 2000. С. 54.

## 29.4. Халқаро технологиялар савдосини тартибга солиш усуллари

Жаҳон бозорида технологиялар ҳаракатини тартибга солиш зарурияти жаҳон хўжалигининг глобаллашув жараёни билан боғлиқ. Халқаро технологиялар савдосини тартибга солиш халқаро ва миллий даражада амалга оширилади. Ихтиролар, янги саноат маҳсулотлари ва товар белгилари билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш халқаро тартибга солиш предмети ҳисобланади. Бу соҳадаги асосий келишув Саноат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси ҳужжатларида акс эттирилган.

Париж Конвенцияси ўз олдига ихтиролар, янги саноат маҳсулотлари, товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича имтиёзлар беришни мақсад қилиб қўйган.

Конвенциянинг асосий қоидалари қуйидагилар:

- миллий режим;
- конвенцион ҳуқуқларга устуворлик бериш;
- патент орқали берилган ҳуқуқларнинг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш.

Миллий режим аъзо мамлакатларнинг фуқаролари ва фирмаларига ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконини беради. Шунингдек Париж иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатлар фуқароларига ҳам ҳимоя таъминланади.

Конвенцион ҳуқуқларга устуворлик бериш аъзо мамлакат томонидан берилган ариза асосида бир йил давомида мавжуд устуворликдан фойдаланиш имконини беради. Конвенцион ҳуқуқларга устуворлик бериш ихтироларни мазкур мамлакатда ҳам патентлаш имкониятига эга бўлади.

Патент орқали берилган ҳуқуқларнинг бузилиш ҳолатларининг олдини олиш қоидаига мувофиқ патент эгаси мазкур ихтиродан фойдаланиш ёки бошқаларга ихтирони қўллашни ман этиши мумкин.

Халқаро технологиялар савдосини тартибга солиш билан шуғулланувчи навбатдаги ташкилот Европа патент ташкилоти ҳисобланади (European Patent Organization, ЕПТ). ЕПТ 1973 йилда имзоланган ва 1977 йилда ратификация қилинган Европа патентларини бериш тўғрисидаги Конвенция асосида ташкил этилган. Европа патент ташкилоти Германиянинг Мюнхен шаҳрида, бўлимлари Гаагада (Голландия) ва бюроси Вена (Австрия) ва Берлинда (Германия) жойлашган.

ЕПТнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- Европа патентларини бериш;
- Европа давлатлари ўртасида ихтироларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш;
- патентларни беришнинг ягона тартибини жорий этиш орқали патент ҳимоясини кучайтириш.

ЕПТ қуйидаги таркибга эга: Европа патент муассасаси; Маъмурий кенгаш.

ЕПТ ўзаро келишаётган давлатларнинг бадаллари ва ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Патентни расмийлаштириш жараёни уч босқичдан иборат:

1) Гаага, Берлин: ариза бериш, уни текшириш, патентни излаш, ариза ва патент натижаларини эълон қилиш;

2) Мюнхен: экспертиза — патентни бериш ёки рад этиш;

3) Мюнхен: учинчи томоннинг патент беришга қаршилик билдириши, норозилик хатини бериш, уни текшириш ва охириги қарорни чиқариш.

ЕПТ Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар билан тизимдан ҳамкорлик қилади. ЕПТ ривожланаётган мамлакатларда патент тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатади.

**Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти** (World Intellectual Property Organization, WIPO 1970 йилда ташкил этилган. WIPO БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари тизимига киради. Штаб квартираси Женевада (Швейцария) жойлашган. Интеллектуал мулк қўйидаги икки соҳани қамраб олади:

– саноат мулки – асосан ихтиролар, товар белгилари, саноат намуналари ва моделларига тааллуқли;

– муаллифлик ҳуқуқи – асосан адабий, бадний, мусикий, фотография, кинематография ва аудиовизуал асарларга тегишли.

WIPO турли соҳаларда ташкил этилган иттифоқлар ва шартномаларни бошқариш билан шуғулланади.

**Саноат мулкни муҳофаза этиш соҳасида:**

Саноат мулкни муҳофаза этиш бўйича Париж Конвенцияси, 1883;

Мадрид келишуви (товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги манбалар тўғрисидаги маълумотларнинг ёлғонлигига қарши кураш ҳақида), 1883;

Мадрид иттифоқи (товар белгиларини халқаро рўхатдан ўтказиш), 1891;

Гаага иттифоқи (саноат намуналари ёки моделларини халқаро жамғариш), 1925;

Ницца иттифоқи (товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларни халқаро тасниф), 1957;

Лиссабон иттифоқи (товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларни ҳимоя қилиш ва уларни халқаро рўйхатдан ўтказиш), 1958;

Локарн иттифоқи (саноат намуналари ёки моделларини халқаро тасниф), 1968;

Патент кооперацияси тўғрисидаги шартнома (ихтиролар бўйича ариза бериш ва экспертизадан ўтказиш), 1970;

Халқаро патент таснифи иттифоқи, 1971;

Вена иттифоқи (товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш), 1973;

Будапешт иттифоқи (микроорганизмларни патентлаш учун халқаро тан олиш жараёни), 1977;

Найроби шартномаси (олимпия символларини ҳимоялаш тўғрисида), 1981;



### **Муаллифлик ҳуқуқи ва у билан боғлиқ соҳаларда:**

Берн иттифоқи (адабий ва бадий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси), 1886;

Рим Конвенцияси (артистлар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва радио эшиттирилларини олиб борувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида), 1961;

Женева Конвенцияси (фонограммалар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоялаш тўғрисида), 1971;

Брюссель Конвенцияси (сунъий йўлдошлар орқали узатиладиган дастурларни тарқатиш тўғрисида), 1974;

### **Бошқа соҳаларда:**

Фильмларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида шартнома (аудиовизуал асарларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида), 1989.

WIPOнинг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

– давлатлараро ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик воситасида дунёда интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза этиш;

– иттифоқлар ўртасида интеллектуал мулк соҳасида таъмурий ҳамкорликни кенгайтириш;

– интеллектуал мулк соҳасида миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида янги халқаро шартномалар тузиш;

– ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш;

– ахборотлар йиғиш, тарқатиш ва бошқалар.

WIPOга Париж ёки Берн иттифоқларига, БМТ ёки МАГАТЭнинг ихтисослашган муассасаларидан бирига аъзо бўлган ҳар қандай давлат аъзо бўлиши мумкин.

Янги технологияларни яратипдан мақсад мазкур технология асосида яратилган маҳсулот билан жаҳон бозорига кириб бориш ва рақобатчиларни синдириш ҳисобланади. Халқаро технологияларни узатишда бошқа ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракати йўлидаги сингари тўсиқлар мавжуд. Жаҳон бозоридаги рақобат курашида технология мужим аҳамиятга эгалити туфайли ҳар бир мамлакат янги технологияни мамлакатдан ташқарига чиқаришни тақиқлаши ёки чегаралаши мумкин. Кўпчилик мамлакатлар эса хорижий рақобатни чеклаш ва иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида технологиялар импортини чеклайди. Шунингдек, миллий техник стандартлар ҳам хорижий технология билан мос келмаслиги мумкин.

Халқаро технологияларни узатишни давлат томонидан тартибга солиш ёки назорат қилишнинг қуйидаги сабаблари мавжуд:

**Технологик устунликни сақлаб қолишга интилиш.** Илғор технологияни мамлакатдан олиб чиқиб кетишни давлат томонидан чеклаш сиёсати технологик устунлик назариясига асосланади. У ёки бу соҳада технологик устунликка эга мамлакат бошқа мамлакатлар олдида технологик сифмкорлиги юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича устунликка эга бўлади. Аммо технологик устунлик доимий иқтисодий устунликни таъминлаб

бера олмайди. Технологик устунлик кутилган даромадни таъминлаб берар экан ишчи кучи, патентлар ва лицензияларни сақлаб туриш, кашфиётларни хорижда патентлаш учун катта харажатларни талаб этади. Технологик устунликка интилмаётган мамлакатлар эса тайёр технологияни ёки янги технология ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотни қалбакилаштириши мумкин.

**Миллий ҳавфсизликни таъминлаш.** Халқаро технологияларни узатишни давлат томонидан назорат қилишдан кўзланган яна бир мақсад курул-яроғ ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва «икки томонлама» мўлжалланган юқори технологияларнинг бир-бирига нисбатан душманлик сўбсатини олиб бораётган мамлакатларга етиб боришининг олдини олиш ҳисобланади. Мисол сифатида НАТО доирасида XX аср 80-йилларининг охирига қадар амалда бўлган технологияларни собиқ социалистик мамлакатларга экспорт қилишни назорат қилувчи Координацион кўмитаси (КОКОМ) фаолиятини келтириш мумкин.

**Халқаро шартномаларда белгиланган шартларга риоя этиш.** Кўп томонлама келишувларда иштирок этаётган мамлакатлар кимёвий, биологик, бактериологик курулларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган технологиялар савдоси бўйича давлат назорат тизимини жорий этишади. Бу турдаги курулларни ишлаб чиқариш умуман тақиқланган ёки бу фаолият халқаро миқёсда қаттиқ назорат қилинади. Халқаро келишувларга мувофиқ тинчлик йўлига хизмат қилувчи материаллар, асбоб-ускуналар яратиш учун қўлланувчи, аммо оммавий кирғин курулларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлган технологиялар ва илмий-техник ахборотларни четга чиқариш давлат томонидан назорат қилинади.

**Халқаро технологияларни узатишни тартибга солиш механизмлари.** Давлат томонидан технологияларни олиб кириш ва четга чиқаришни тартибга солиш экспортни назорат қилувчи органлар, божхона усуллари ва чегара назорати остида амалга оширилади. Кўпчилик мамлакатларда технологияларни узатишни билвосита тартибга солиш патентлар ва савдо белгиларини давлат томонидан рўйхатга олиш тизими орқали олиб борилади. Баъзи ҳолларда технологик сифимкорлиги юқори товарларни экспорт қилиш ҳуқуқини олишда ҳукуматнинг махсус рухсатномаси талаб этилади. Халқаро технологияларни узатишни тартибга солувчи қонунчиликнинг бузилиши давлат аҳамиятига молик жиноят деб баҳоланади ва қонунбузарлар жиноий жавобгарликка тортилади. Кўпчилик мамлакатларда бу ҳолат содир этилганда хорижий резидентга нисбатан қатъий чоралар кўрилади (бир умрлик қамок жазосидан тортиб ўлим жазосигача).

Хорижий технологияларни импорт қилувчи мамлакатлар технологияларни олиб киришнинг қонунийлигини назорат қилади ва жамият учун хавфли технология турларининг кириб келишини тақиқлайди. Кўпинча мамлакатнинг умумий технологик ривожланиш даражаси илғор технологияларнинг мамлакатга кириб келишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-маданий ва аҳолининг маълумотлилиги борасидаги фарқларнинг мавжудлиги кам тараққий этган мамлакатлардаги ишчиларнинг янги технологияларни эгаллаш ва ишлаб чиқаришда қўллаш имконини бермайди. Бу эса технологияларнинг халқаро ҳаракати йўлида жиддий тўсқинлик қилиши мумкин. Одатда, қурол-яроғ, кимёвий маҳсулотлар, наркотиклар, спиртли ичимлик ишлаб чиқариш билан боғлиқ технологияларни мамлакатга олиб кириш давлат томонидан назорат қилинади.

### Асосий тушунчалар

**Технологияни халқаро узатиш** – тижорат ёки беғараз асосда илмий-техника ютуқларининг давлатлараро ҳаракати.

**Нейтрал техник тараққиёт** – бир вақтнинг ўзида меҳнат ва капитал омиллари унумдорлигининг орттишини таъминловчи технологияга асосланган тараққиёт.

**Меҳнат омиллини тежовчи техник тараққиёт** – капитал унумдорлигининг меҳнат унумдорлигига нисбатан юқорироқ самара беришига асосланган тараққиёт.

**Капитал омиллини тежовчи техник тараққиёт** – меҳнат унумдорлигининг капитал унумдорлигига нисбатан юқорироқ самара беришига асосланган тараққиёт.

**Патент** – ҳукуматнинг мутасадди органлари томонидан ихтирочига бериладиган гувоҳнома бўлиб, у ихтиродан фойдаланишда монопол ҳуқуқни беради.

**Лицензия** – технология эгаси (лицензиар) томонидан манфаатдор томонга (лицензиатга) патент билан ҳимояланган ёки ҳимояланмаган технологиядан муайян муддат ва тўлов эвазига фойдаланиш учун бериладиган рухсатнома.

**Копирайт** (тақдим этиш ҳуқуқи) – адабий, аудио- ва видеоасар муаллифининг ўз ишини қўрсатиш ва тақдим этиш ҳуқуқи.

**Товар белгиси** – муайян ташкилот белгиси бўлиб, ундан товар ишлаб чиқарувчини индивидуаллаштириш учун фойдаланилади.

**Патент шартномаси** – халқаро савдо битими бўлиб, унга мувофиқ патент эгаси ихтиродан фойдаланиш ҳуқуқини харидорга беради.

**Лицензия шартномаси** – халқаро савдо битими бўлиб, унга мувофиқ кашфиёт эгаси технологияга бўлган эгалик ҳуқуқини харидорга муайян чегара ва шартларда фойдаланиш учун беради.

**«Ноу-хау»** – муайян ютуққа эришиш имконини берувчи техник тажриба ва ишлаб чиқариш сирларини тақдим этиш.

**Инжиниринг** – харид қилинган ёки ижарага олинган машина ва ускуналарни монтаж қилиш ҳамда ишлатиш учун зарур бўлган технологик билимларни тақдим этиш.

**Патентли лицензия** – патентдан фойдаланиш ҳуқуқининг «ноу-хау»сиз тақдим этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Патентсиз лицензия** – ихтиронинг патентсиз «ноу-хау»дан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

**Истисносиз лицензия** – лицензияларга шу технология ушбу ҳудудда жойлашган бошқа лицензиатларга ҳам тақдим этиш ҳуқуқини қолдирувчи лицензия.

**Истисноли лицензия** – лицензиатнинг технологиядан фойдаланиш монополь ҳуқуқи мавжудлигини ва лицензиарнинг ушбу ҳудудда патентланган технологиялар ҳамда «ноу-хау»лардан мустақил фойдаланиш ва уларни сотишни рад этганини назарда тутувчи лицензия.

**Тўлиқ лицензия** – шартнома амал қилиши даврида лицензиарнинг патент ёки «ноу-хау»дан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини ва лицензиарнинг улардан мустақил фойдаланишдан воз кечишини белгиловчи лицензия.

**Лицензион тўлов** – лицензиат томонидан шартнома предметидан фойдаланганлиги эвазига лицензиарларга тўланадиган тўлов.

**Роялти** – шартноманинг амал қилиш муддати даврида харидор даромадидан лицензиядан фойдаланишда оладиган фойдаси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган ажратмалар.

**Пауша тўлови** – шартномада қайд этилган бир марта тўланадиган тўлов бўлиб, лицензиядан фойдаланиш вақти билан боғлиқ бўлмай, эксперт баҳолаш асосида олдиндан белгиланади.

**Фойдада қатнашиш** – лицензия предметидан фойдаланиш эвазига олинган лицензиат фойдасининг бир қисмини лицензиарга ажратиш.

**Мулкда қатнашиш** – лицензиат томонидан лицензиарга лицензиядан фойдаланганлик учун ўз корхоналари акцияларининг бир қисмини бериши.

**Ишлаб чиқариш франчайзинги** – муайян маҳсулотни тайёрлаш технологиясига эга бўлган фирманинг мижоз фирмага мазкур маҳсулотни муайян ҳудудда тайёрлаш ва сотиш ҳуқуқини беради.

**Товар франчайзинги** – фирманинг бошқа фирмага муайян ҳудудда етакчи фирманинг савдо маркасидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

**Халқаро техник ҳамкорлик** – мамлакатларга қайтариб олиш шарти билан ёки беғараз асосда технологик жараёнлар, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тўғрисида ёрдам кўрсатишидир.

**Технологик грантлар** – ривожланган мамлакатлар томонидан технологиялар, технологик сиғимкорлиги юқори товарлар ёки молиявий маблағларни илғор технологияларни сотиб олиш, персоналларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун беғараз узатиш.

**Техник ёрдамни молиялаштириш** – техник ёрдам олаётган томоннинг шартномага мувофиқ ташкилий вазифаларни бажариши билан биргаликда мазкур лойиҳани молиялаштиришда ҳам иштирок этишини назарда тутати.

**Техник ёрдам механизмлари.** Лойиҳада қатнашаётган мамлакатлар сонига қараб икки ва кўп томонлама техник ёрдам турлари бир-биридан фарқланади.

**Икки томонлама техник ҳамкорлик** – донор мамлакат билан техник ёрдам олаётган мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади.

**Кўп томонлама техник ҳамкорлик** – техник ёрдам олувчи мамлакатта бир неча мамлакатлар томонидан қўшма лойиҳалар шаклида техник ёрдам кўрсатиш.

### **Назорат саволлари:**

1. Қайси ҳолларда технология ишлаб чиқариш омили саналиши мумкин?
2. Технологияларни халқаро узатиш нима ва у қандай шаклларда амалга оширилади?
3. Қайси техник тараққиёт нейтрал, қайси бири меҳнатни тежовчи ва қайси бири капитални тежовчи ҳисобланади?
4. Иқтисодий ўсиш ва технологик ривожланиш ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
5. Технологияларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари қандай ва улар қандай шаклларда халқаро узатилади?
6. Лицензион келишувларнинг иқтисодий шартлари нималарда акс этади?
7. Халқаро техник ёрдамнинг қандай шакллари мавжуд?
8. Халқаро технологиялар бозорининг ривожланиш тамойилларини аниқланг.
9. Жаҳон технологиялар бозорининг ривожланиши қандай хусусиятларга эга?
10. Юқори технологик маҳсулотлар бозорида етакчилик қилаётган мамлакатларнинг технологик лидерлиги билан боғлиқ қонуниятларни аниқланг.
11. Технологиялар савдосини халқаро тартибга солиш билан шуғулланувчи қайси халқаро ташкилотларни биласиз?
12. Технологияларни узатишни давлат томонидан тартибга солиш зарурияти ва сабаблари нимада?

## 30-БОБ. ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ТАШҚИ ҚАРЗ ВА ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ

### 30.1. Тўлов баланси

**Тўлов баланси** – бу мамлакатнинг маълум бир вақт мобайнида (ой, квартал ёки йил) бошқа мамлакатлар билан олиб борган иқтисодий операцияларини ўзида акс эттирувчи статистик тизим. Албатта, бу таърифда институционал бирликлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган операциялар тушунилади. Тўлов балансида мамлакатлар ўртасида товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ҳаракати, дипломатик ва бошқа ваколатхоналарни ушлаб туриш, туризм, халқаро форумлар, маданий алоқалар, спорт мусобақалари билан боғлиқ тўловлар акс эттирилади.

**Тўлов баланси** – бу миллий ва жаҳон ҳўжалиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар характери, таркиби ва миқёсини муайян муддат учун қаймат шаклида умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими.

Асосий элементлари

- мамлакат ва қолган мамлакатлар ўртасидаги товарлар, хизматлар ва даромадлар билан боғлиқ операцияларни акс эттириш;
- мамлакатга тегишли мулкчиликнинг алмашishi ва монетар олтин, қарз беришнинг махсус қондаси (СДР) ҳамда бошқа мамлакатларга висбатан молиявий талаб ва мажбуриятлардаги бошқа ўзгаришларни акс эттириш;
- бир томонлама ўлкамамар ва қопловчи (ўзаро тўловлар амалга оширилмаганлиги боис бухгалтерия нуқтаи назаридан баланслаштириш маъносида муҳим бўлган) ёзувларни акс эттириш.

Асосий муаммолар

- ҳисобга олиниши лозим бўлган мамлакат иқтисодий ҳудудини аниқлаш;
- резидент ва норезидентларни аниқлаш;
- халқаро операцияларни аниқлаш;
- халқаро операцияларни амалга ошириш нарҳини ҳисобга олиш;
- халқаро операцияларни амалга ошириш вақтини қайд этиш.

### 30.1.1-расм. Тўлов баланси

Тўлов баланси тушунчаси илк мартаба 1767 йили меркантилизм мактаби вакилларида бири Дж. Стюарт томонидан қўлланилган. Тўлов баланси биринчи марта 1923 йили АҚШ Савдо вазирлиги томонидан нашр этилган. Ушбу балансда барча операциялар уч гуруҳга бўлинган бўлиб, улар жорий ва капитал операциялар, олгин ва кумуш билан боғлиқ операцияларни қамраб олган.

Тўлов баланси ХВФнинг тўлов балансини тузиш бўйича 1993 йилда ишлаб чиқилган Услубий йўриқномасининг 5-нашри талабларига мувофиқ статистик ҳисобот шаклида тузилади. 2000 йилда ХВФ бу йўриқномага қўшимча равишда “Меълявий ҳосилалар” ни нашр этди.

Ушбу йўриқномага мувофиқ тўлов балансида мамлакатнинг фақат тўлов ва тушумларигина эмас, балки мамлакатдан четга чиқарилган ва мамлакатга хориждан олиб кирилган товарлар, хизматлар, капитал акс эгтирилади. Агар мамлакатга олиб кирилган товар учун тўловлар тўлов баланси тузилган вақтда (ой, квартал, йил) амалга оширилмаса, етказиб берилган товар қиймати мамлакатнинг пулли мажбурияти ҳисобланади. Бу тўловлар бошқа вақтда амалга оширилади. Шу тариқа тўлов балансида нафақат ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар ва тушумлар, балки келажакда амалга оширилиши лозим бўлган халқаро мажбуриятлар ва талаблар ҳам акс этади.

Статистик тўлов балансида (муайян вақт оралиғи учун тузилган) ташқари муайян сана учун тузилган тўлов баланси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тўлов баланси мамлакатнинг муайян санада тўланиши лозим бўлган пулли мажбуриятлари ва талаблари ўртасидаги нисбатни акс эгтиради. У хорижий валютага бўлган ҳақиқий талаб ва таклифни белгилайди ҳамда валюта курсининг шаклланишида асосий омил ҳисобланади. Муайян санага тузилган тўлов баланси бозор иқтисодиёти шароитида тузилиши мумкин эмас.

ХВФ тўлов балансини таҳлилий ва статистик вариантларда нашр этади. Улар бир-биридан моддаларининг жойлашуви бўйича фарқ қилади. Стандарт тўлов баланси таҳлилий вариантга қараганда тўлиқроқдир.

Таҳлилий вариантдаги тўлов баланси қуйидаги таркибга эга.

А. Жорий счёт – жорий операциялар баланси. Бу счёт савдо балансини ўз ичига олиб, унда ФОВ нархларида ҳисобланган экспорт/импорт ҳажми, ташқи савдо билан боғлиқ хизматлар баланси, туризм бўйича тўловлар, шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган пул ўтказмалари ҳамда инвестициялари бўйича даромадларини акс эгтиради.

В. Капитал счёт – капитал билан боғлиқ операциялар счёти. Бу счётда капитал трансфертлар – асосий фондлар ёки асосий фондларни сотиб олиш ва капитал қурилиш учун мўлжалланган маблағлар ҳаракати акс эгтирилади.

С. Молия счёти – молия дастаклари билан операциялар счёти. Унда тўғридан-тўғри, портфель инвестициялар, молиявий деривативлар, бошқа турдаги (нақд хорижий валюта, жорий ҳисоблардаги қолдиқлар ва депозитлар, ссуда ва займлар, муддати ўтиб кетган қарздорлик ва б.) инвестициялар акс эгтирилади.

Д. Соф катolikлар ва йўқотишлар. Ушбу моддага бошқа операциялар ва битимлар бўлими бўйича бир томонлама акс эттирилган эквивалентлар киритилади.

Е. Резерв активлар. Бу бўлимда захираларнинг ўзгариши, ХВФ кредитлари ва қарзларидан фойдаланиш ҳамда фавқулодда молиялаштириш (ташқи қарзни реструктуризациялаш) тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Тўлов балансининг йириклаштирилган схемасини қуйидаги 30.1.1-жадвалда кўриш мумкин.

30.1.1-жадвал

**Тўлов балансининг йириклаштирилган схемаси<sup>1</sup>**

Счет номи	Кредит (хорижий валюта тушуми)	Дебет (хорижий валютани сарфлаш)	Сальдо
Савдо баланси	Товарлар экспортдан келадиган тушумлар	Товарлар импорти учун харажатлар	Тушумлар минус харажатлар
Хизматлар баланси	Хизматлар экспортдан келадиган тушумлар	Хизматлар импорти учун харажатлар	Тушумлар минус харажатлар
Ўтказмалар баланси	Хориждан олинган ўтказмалар	Хорижга тўланган ўтказмалар	Хориждан олинган ва хорижга тўланган ўтказмалар ўртасидаги фарқ
Жорий операциялар (1+2+3)	Жорий операциялар счёти бўйича жами тушумлар	Жорий операциялар счёти бўйича жами тўловлар	Жорий операциялар счёти бўйича жами тушумлар ва тўловлар ўртасидаги фарқ
Капитал ва молиявий дастаклар билан операциялар	Капитал импорти	Капитал экспорти	Капитал экспорти ва импорти ўртасидаги фарқ
Марказий банкнинг валюта захиралари		Мамлакат валюта захираларининг кўпайиши	Валюта захираларининг ўзгариши

Тўлов баланси икки ёқлама ёзув усули бўйича тузилади. Икки ёқлама ёзувда резидент ва норезидентлар ўртасидаги ҳар бир битим дебет (харажат) ва кредит (тушум) бўйича икки ёқлама акс эттирилади:

	Кредит	Дебет	Сальдо (кредит-дебет)
I модда			
.....			
N модда			

<sup>1</sup> Баранов А.О. Платежный баланс России: от кризиса до кризиса. //ЭКО, №11, 2011. С. 109.



Ҳар бир модда бўйича тўловлар ва тушумлар (ёки активлар ва пассивлар) кўрсатилади. Беғараз асосда тақдим этилаётган товарлар, хизматлар ёки молиявий активларни икки марта акс эттириш учун алоҳида “трансфертлар” моддаси жорий этилган.

Тўлов балансини тузишда икки ёқлама ёзиш ҳар доим ҳам амалга ошавермайди. Баъзи ҳолларда битимларнинг молиялаштириш манбаи номатлум бўлса, баъзида операцияни рўйхатдан ўтказиш имкони йўқлиги сабаб қайта ёзишнинг иложи бўлмайди. Барча кредит ва дебетли ёзувларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида “Ҳатоликлар ва йўқотишлар” моддаси жорий этилган бўлиб, унда бир томонлама акс эттирилган битимлар тескари белги билан акс эттирилади. “Ҳатоликлар ва йўқотишлар” моддаси халқаро қисқа муддатли капиталлар ҳаракати, аввало хусусий шахслар ўртасидаги амалда рўхатга олиш кийин бўлган операцияларни акс эттиради.

Мамлакат тўлов баланси, агар хориждан келадиган тушумлар унинг тўловларидан кўп бўлса – актив (ижобий), агар хорижга тўланаётган тўловлар унинг тушумларидан кўп бўлса – пассив (салбий) бўлади. Назарий жиҳатдан жорий операциялар балансининг камомати капиталлар ва кредитлар ҳаракати (капитал ва молиявий дастаклар билан боғлиқ операциялар) балансининг қолдиги ҳисобидан қопланади. Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси ўзгармаган ҳолда эса мамлакат захираларида ўзгаришлар рўй беради. Ушбу ҳолат хорижий валютага бўлган талаб юқори бўлганда юз беради. Хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф валюта бозорида шаклланади ва Марказий банк миллий валюта курсининг бирдан ўзгаришига йўл қўймаслик учун хорижий валютани сотиши ёки сотиб олиши мумкин. Бу эса мамлакат валюта захираларининг ўзгаришига олиб келади.

Тўлов баланси мамлакатнинг халқаро иқтисодий, жумладан, валюта ва кредит муносабатлари орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашуви даражасини билдиради. Шунинг учун тўлов балансида акс эттирилган операциялар ҳажми мамлакат халқаро хўжалик алоқаларининг ривожланиш даражаси, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, ташқи савдо, валюта режими, носавдо муносабатларнинг эркинлашиш даражасини кўрсатади.

Тўлов баланси мамлакат валюта-молия ҳолатини таҳлил қилиш ва ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш асоси ҳисобланади. Баъзи ҳолларда ноқулай тўлов баланси айрим мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳлари ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқаради. Тўлов балансининг мунтазам тақчилликка эга бўлиши аксарият мамлакатларда валюта курсининг пасайиши ва олтин-валюта захиралари ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Натияжада мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банклари тўлов баланси тақчиллигини молиялаштириш учун валютада кредитлар жалб этишга ёки тўлов баланси камоматини қисқартиришга қаратилган валюта сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлишади.

Тўлов балансида қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

– иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг нотекислиги;

- халқаро рақобат;
- циклик тебранишлар;
- давлатнинг хорижий харажатларининг ўсиши;
- ҳарбий харажатларнинг ортиши;
- халқаро молиявий ўзаро боғлиқликнинг кучайиши.

Тўлов баланси барқарорлигининг муҳим омили экспортнинг, пировардида миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ҳисобланади.

Миллий валютаси захира валюта ҳисобланган мамлакатларда тўлов балансининг мунтазам тақчиллиги жиддий муаммо ҳисобланмайди. Чунки бу мамлакатларнинг хўжалик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятидаги халқаро ҳисоб-китобларнинг катта қисмини миллий валютада амалга оширишади.

Мутахассислар 2000 йилларда глобал иқтисодий вазиятнинг инқирозга учрашига олиб келган номутаносибликлар қаторига дунёнинг йирик худудлари ва мамлакатлари тўлов баланси мувозанатининг бузилишини сабаб қилиб кўрсатишади. Инқироздан олдинги ўн йиллик АҚШ тўлов баланси жорий операциялар сўғи тақчиллигининг ортиши, Шарқий Осиё ва нефть экспорт қилувчи мамлакатлар тўлов баланслари жорий операциялар сўғида ижобий қолдиқнинг жадал суръатлар билан ўсиши билан тавсифланади. АҚШ ташқи товар савдосидаги камомад 2006 йилга қадар барқарор ўсиш тенденциясига эга ва бу ҳолат хомашё, биринчи навбатда, ёқилги нархининг ошиши билан изоҳланади. Хитой товарлар савдосининг ижобий қолдиғи 2004 йилдан 2010 йилга қадар 5,5 мартага ортди (30.1.2-жадвал).

30.1.2-жадвал

**АҚШ, Евро зонаси, Хитой ва Япония товарлар савдоси, 2004–2010 йй.<sup>2</sup>**

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
<b>АҚШ, млрд. долл</b>							
Экспорт	819,9	909,0	1035,9	1160,4	1304,9	1068,5	1278,3
Импорт	1485,5	1692,8	1875,3	1983,6	2139,5	1575,4	1969,2
Қолдиқ	-665,6	-783,8	-839,5	-823,2	-834,7	-506,9	-690,9
<b>Хитой, млрд. долл</b>							
Экспорт	593,3	762,0	969,0	1220,5	1430,7	1201,7	1570,5
Импорт	561,2	660,0	791,5	956,1	1132,6	1005,6	1394,6
Қолдиқ	32,1	102,0	177,5	264,4	298,1	196,1	175,9

2008–2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жаҳон савдосининг йирик иштиракчилари тўлов балансининг мувозанатининг бузилишига олиб келди (30.1.3-жадвал).

<sup>2</sup> Соколов В. Тенденция развития мировой товарной торговли в 1990-2008 гг. //Мировая экономика и международные отношения, 2011, №2, С. 45; International Trade Statistics 2011. World Trade Organization. Switzerland, 2011. P. 236, 247.

**Жаҳон савдосида катта улусга эга мамлакатлар тўлов балансининг  
жорий операциялар счеги қолдиги динамикаси,  
ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида<sup>3</sup>**

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
АҚШ	-5,3	-5,9	-6,0	-5,2	-4,9	-2,9	-3,3
Еврозона	1,2	0,4	0,4	0,4	-0,8	-0,4	0,0
Хитой	3,6	7,2	9,5	11,0	9,4	5,8	6,2
Япония	6,7	3,6	3,9	4,8	3,2	2,8	2,8

Жаҳон савдоси ҳажмининг қисқариши олдинги ўн йилликда шакланган диспропорцияни юмшатишга сабаб бўлди. Жумладан, 2009 йилда АҚШ экспорти 18% га ва импорти 26% га қисқарди.

Жорий операциялар счегининг ижобий қолдиги ички жамғармалар ҳажми ички инвестициялар ҳажмидан ортиқ мамлакатларда кузатилди (30.1.4-жадвал).

**АҚШ ва Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида жамғармалар  
ва инвестициялар, ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида<sup>4</sup>**

	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
<b>АҚШ</b>							
Жамғармалар	14,5	15,1	16,2	14,5	12,6	10,8	12,2
Инвестициялар	19,7	20,3	20,5	19,5	18,2	15,0	15,7
Соф кредитлаш	-5,2	-5,2	-4,3	-5,0	-5,6	-4,3	-3,5
<b>Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари</b>							
Жамғармалар	38,4	41,5	44,1	45,0	43,9	43,6	45,4
Инвестициялар	35,8	37,3	38,0	37,9	38,2	39,5	41,3
Соф кредитлаш	2,6	4,2	6,1	7,1	5,7	4,1	4,1

Ушбу мамлакатлар ортиқча жамғармаларни хорижга инвестиция қилишда ва мутаносиб равишда улар халқаро меҳнат тақсимоли таркибида саноат маҳсулотлари ёки хомашё етказиб берувчилар сифатида қатнашадилар. Жорий операциялар счегидаги дефицит мавжуд мамлакатларга ички жамғармалар ҳажми ички инвестициялар ҳажмидан кам мамлакатлар қиради ва инвестициялар хорижий капитални жалб этиш ҳисобига амалга оширилади. Бу мамлакатларда дисбалансларни барқарор ўзгартириш жамғармалар ва инвестициялар ўртасидаги нисбатни ўзгартириш мумкин бўлгандагина амалга оширилади. Жорий операциялар счегининг ижобий қолдигига эга

<sup>3</sup> Соколов В. Тенденции развития мировой товарной торговли в 1990-2008 гг. //Мировая экономика и международные отношения, №2, 2011. С. 45.

<sup>4</sup> World Economic Outlook: Rebalancing Growth. April 2010. P. 182, 184.

мамлакатларда жамғармалар даражасининг пасайиши ички истеъмолнинг ортишини тақозо этади. Аксинча, жорий операциялар счёти тақчилликка эга мамлакатларда номутаносибликни юмшатиш жамғармаларни кўпайтириш ва истеъмолни чегаралашни тақозо этади.

ХВФ маълумотларига кўра, АҚШнинг Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдосидаги номутаносибликни камайитиришни фақат мамлакатда жамғармалар даражасини ошириш ва Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан, Хитойда жамғармалар ҳажмини пасайитириш орқалигина амалга ошириш мумкин.

### 30.2. Ташқи қарз

Иқтисодиётга ташқи ресурсларни жалб этиш халқаро амалиётда нормал ҳолат ҳисобланади. Ташқи молиявий ресурслар, одатда, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг кўшимча манбаи вазифасини бажаради. Ташқаридан қарз олиш давлат ва хусусий сектор томонидан амалга оширилади. Кўпчилик мамлакатлар учун ташқи қарз бюджет камомади ва давлат қарзини молиялаштириш воситаси ҳисобланади. АҚШ дунёда давлат қарзини ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштириш даражаси бўйича етакчи мамлакат саналади. Аксарият ривожланган мамлакатлар йирик ҳажмда ташқи қарзга эга бўлиб, улар АҚШ ғазначилик қарз дастаклари шаклида бошқа мамлакатларнинг марказий банклари томонидан сотиб олинган.

ХВФ 2003 йилда ташқи қарз статистикаси бўйича йўриқнома нашр этди<sup>5</sup>. Ушбу йўриқномада ялпи ташқи қарзга қуйидагича таъриф берилган: “Ялпи ташқи қарз – бу бир мамлакат резидентининг норезидентларга нисбатан қабул қилган асосий сумма ва фоизлар кўринишидаги шартлар билан боғлиқ бўлмаган жорий ҳақиқатда сўндирилмаган, шунингдек мамлакат резидентларининг норезидентларга нисбатан келажақда, муайян муддатда сўндирилиши лозим бўлган мажбуриятлари ҳажмидир”.

Мамлакатнинг ялпи ташқи қарзи давлат ва хусусий сектор (расмий ва хусусий) қарзларини ўз ичига олади. Давлатнинг ташқи қарзи қуйидагилардан иборат:

- давлат ва унинг ваколатли органлари томонидан олинган кредитлар ва қарзлар;
- давлат ва унинг ваколатли органлари томонидан халқаро капитал бозорларига чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар;
- давлат ва унинг ваколатли органлари қабул қилган кафолатлар ҳамда бошқа билвосита мажбуриятлар. Бу ҳолат учинчи томон мажбуриятлари бўйича масъулиятни тақозо этади.

Ташқи қарздорлик ва ташқи қарз қарз олувчи мамлакатнинг молиявий-иқтисодий ҳолатига тескари таъсир кўрсатади. Улар бир томондан кўшимча

<sup>5</sup> External Debt Statistics: Guide for Compilers and Users (The Guide). IMF. 2003. P.7.

молиявий ресурсларни жалб қилишни рағбатлантирса, иккинчи томондан ташқи қарзларнинг кўпайиши молиявий инқирозни келтириб чиқариши мумкин.

Давлатнинг ташқи қарзи унинг халқаро иқтисодий, шу жумладан, кредит муносабатлари миллий ва жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Қарз муддатини қайтаришнинг ўтиб кетиши ташқи қарз муаммосини чуқурлаштиради ва қарз олувчининг рейтингини пасайтиради. Бу эса, ўз навбатида, ташқи кредиторлар ва инвесторлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, ташқаридан жалб этилаётган молиявий ресурсларнинг қимматлашувига олиб келади. Юқори даражада муддати ўтиб кетган ташқи қарздорликка эга мамлакатлар учун халқаро молия бозорларига йўл ёпилади. Ушбу мамлакатлар учун ташқи ресурсларнинг асосий манбаи сифатида халқаро молия ташкилотларининг кредитлари хизмат қилади. Тахдидлар кўрсатишича, 2010 йилда муддати ўтиб кетган қарздорликка эга мамлакатлар ёки қарзлари 2004 йилдан 2008 йилгача қайта расмийлаштирилган мамлакатлар сони 44 тани, юқори даражада қарздорликка эга камбағал мамлакатлар сони эса 39 тани ташкил этган<sup>6</sup>.

Халқаро иқтисодий муносабатлар, валюта ва солиқ режимларининг эркинлашуви ташқи қарзнинг шаклланишидаги муҳим омиллардан ҳисобланади. Божхона тарифларининг пасайтирилиши, жорий операциялар бўйича валюта чекловларининг бекор қилиниши халқаро савдо ҳажмининг ортишига кўмаклашади. Халқаро савдо ҳажми дунё мамлакатлари томонидан халқаро капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича валюта чекловларининг бекор қилиниши туфайли ҳам ортади, чунки инвестицион ва истеъмол товарларининг бир қисми кредит бериш орқали тўловларни кечиктириш йўли билан сотилади.

Шуниси характерлики, дунёнинг кўплаб мамлакатларида хорикий валютатадаги захираларнинг таркибини ташқи қарзнинг таркибига мос равишда шакллантириш тенденцияси кузатилмоқда. Чунончи, Бразилияда халқаро захиралар учта валютада – АҚШ доллари, евро ва Япония иенасида шакллантирилган. Чунки мамлакатнинг ташқи қарзи мазкур уч валютадаги қарздан иборат. Жанубий Кореяда халқаро захираларнинг инвестицион таркиби ташқи қарзнинг валютавий таркибига ва жорий валюта операциялари бўйича тўловларнинг қайси валюталарда амалга оширилаётганлигига мос равишда шакллантирилмоқда. Чехияда эса расмий валюта захиралари АҚШ доллари ва еврода шакллантирилган. Уни шакллантиришда эътиборга олинмаган муҳим омиллардан бири ташқи қарзнинг валютавий таркиби ҳисобланади<sup>7</sup>.

Ташқи қарзнинг шаклланишида халқаро иқтисодий муносабатларнинг эркинлашуви, валюта ва солиқ режимларининг жаҳон стандартларига мувофиқлашуви муҳим ўрин эгаллайди. Божхона божларининг пасайтирилиши ва жорий операциялар бўйича валюта чекловларининг бекор қилиниши халқаро

<sup>6</sup> World Economic Outlook: April 2010. IMF, 2011. P. 171.

<sup>7</sup> Фаненко М. Международная ликвидность и диверсификация официальных резервных активов. //Мировая экономика и международные отношения, №6, 2007. С. 56.

савдонинг ривожланишига сабаб бўлади. Капитал операциялари бўйича валюта чекловларининг бекор қилиниши эса халқаро савдонинг янада ривожланишига олиб келади. Чунки бундай чекловларнинг бекор қилиниши инвестицион товарларни ва айрим истеъмол товарларни кредитга сотиш имконини беради. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда капитал ҳаракати операциялари бўйича валюта чекловлари 1980–1990 йилларда тўлиқ бекор қилинган. Жорий операциялар бўйича валюта чекловларини бекор қилган мамлакатлар сони 1990 йиллар бошида 67 тага етган бўлса, ХХІ асрнинг бошига келиб, бу мамлакатларнинг сони 148 тага етди. Бу ислохотлар импортёрларга товар ва хизматлар импорти бўйича тўловларни амалга ошириш учун миллий валютани эркин конвертациялаш имконини берди. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатди ва уларни маҳсулотлар таннархини пасайтиришга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга мажбур қилди.

Жорий операциялар бўйича валюта чекловларини бекор қилишда ХВФ муҳим ўрнига эга. Чунки ХВФ низомига биноан бу ташкилотга аъзо мамлакатлар жорий операциялар бўйича валюта чекловларининг бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишади. Жорий операциялар бўйича тўсиқларни олиб ташлаган мамлакатлар эса, бу жараёни янада ривожлантириш учун капитал операциялар бўйича ҳам тўсиқларни бекор қилишга ўтишади. Бу халқаро молиявий муносабатларнинг янада эркинлашишига олиб келади.

Халқаро капитал миграциясининг мамлакатлар томонидан эркинлаштирилиши ташқи қарз миқдорига ўз аксини топади. Ташқи қарзлар қарздорлик пасивларининг асосий қисмини ташкил қилади. 1998–2004 йилларда 24 та тараққий этган мамлакатда норезидентларга берилган қарзлар 7 баравар ўсган бўлса, норезидентлардан олинган қарзлар 3 баравар ўсган. Ривожланаётган мамлакатларда норезидентларга берилган ялпи қарзлар қиймати 1998 йилдаги 101 млрд. доллардан 2003 йилдаги 13,2 млрд. долларгача қисқарди. 2004 йилда эса ташқи қарзлар активи 28 млрд. долларга қисқарди. Бу мамлакатлар томонидан олинган қарзлар 1998 йилдаги 23 млрд. доллардан 2004 йилдаги 50 млрд. долларгача ўсди.

Ташқи қарзнинг шаклланишига жаҳон иқтисодиётининг ҳолати ҳам таъсир кўрсатади. Жаҳон иқтисодиётида ўсиш кузатилганида (1970 йилларнинг ўрталаридан 1980 йилларнинг иккинчи ярмигача) капитал таклифи ва бунга мос равишда ташқи молиялаштириш ҳам ўсиб борган. Жаҳон иқтисодиётида пасайиш кузатилганида (1980 йилларнинг бошидан 1990 йилларнинг охиригача) капиталнинг ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига ҳаракати кескин қисқарди.

Кредитор мамлакатлар учун кредитлар олиш экспортни қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим усулларидан биридир. Тараққий этган мамлакатлар ташқи ресурслардан бюджет камомadini ва давлат қарзини молиялаштириш учун фойдаланишади. Аммо бу мамлакатларда давлат қарзларини молиялаштиришнинг бошқа муқобил манбалари ҳам бор. Ривожланаётган ва

Ўтиш иқтисодийети мамлакатларидаги вазият тараққий этган мамлакатлардан кескин фарқ қилади. Бу мамлакатлар ташқи молия манбаларидан фойдаланишда катта қийинчиликларга дуч келишади. Ривожланаётган мамлакатлар даромадининг беқарорлигини ва молиявий захираларининг чекланганлигини инобатга олсак, уларда ташқи қарзларнинг ўсиши миллий иқтисодийетнинг барқарорлигига зиён етказиши ва сиёсий вазиятнинг беқарорлашувига олиб келиши мумкин.

Захира валюталарини эмиссия қилувчи мамлакатлар (АҚШ, ЕИ, Япония) ўз дефицитларини ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштиришлари мумкин. Бу мамлакатларнинг ғазначилик векселлари ва бошқа қарздорлик қимматли қоғозлари бошқа мамлакатларнинг Марказий банклари ва норезидентлари томонидан сотиб олинади. Мисол учун, АҚШ ўз ғазначилик векселларини норезидентларга сотиш орқали нафақат АҚШ давлат бюджети камомадини норезидентлар ҳисобидан молиялаштиришга эришади, балки шу билан бирга долларни жаҳон иқтисодийетида эркин муомалада бўлишига шарт-шароит яратади.

**Ташқи қарз инқирози.** Жаҳон иқтисодийети ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзи муҳим ўрик эгалайди. Бу мамлакатларда ташқи қарзнинг тез ўсиб бориши 1973–1974 йилларда бўлиб ўтган нефть инқирози билан боғлиқ. Нефть нархининг кескин ўсиб бориши бу мамлакатларда тўлов балансини молиялаштиришнинг ташқи манбаларига бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келди. Нефтьдолларларнинг катта қисми Ғарб тижорат банкларида сақланади. Бу банклар эса катта фойда олиш мақсадида, тез ўсиб бораётган мамлакатларга кредитлар беришган эди. Шу сабабли Лотин Америкаси мамлакатларида ва бошқа мамлакатларда ташқи қарз катта суръатлар билан ўсиб борди. Аммо бу мамлакатлар ташқи қарздан, асосан, жорий истеъмолни ва самарадорлиги паст инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун фойдаланди.

1979 йилдаги иккинчи нефть инқирози АҚШ пул сиёсатининг ўзгаришига олиб келди. Даставвал, АҚШ ва кейинчалик бошқа ривожланган мамлакатлар кредитлар бўйича фоиз ставкаларни оширишди. Бундан ташқари, асосан ривожланаётган мамлакатлар томонидан экспорт қилинадиган хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархи 1981–1982 йилларда кескин тушиб кетди. Шу билан бирга АҚШ долларининг жаҳонда қадри ошиши ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзлар қийматининг ошишига олиб келди. 1981 йилда ривожланаётган мамлакатлар ўз дефицитларини молиялаштириш учун қўшимча 24,6 млрд. доллар миқдорига ташқи қарз олишди.

Натижада, 1982 йилнинг августида бир қатор мамлакатлар ўзларини дефолт деб эълон қилишди. Даставвал, Мексика ўз ташқи қарзлари бўйича тўловларни амалга ошира олмаслигини эълон қилди. Кейинчалик Аргентина, Бразилия ва Чили ўзларининг дефолт ҳолатидалигини тан олишди. Охиروقибат бу инқироз Жанубий Осиёга ҳам (айниқса, Филиппин оролларида), Африкага ҳам, ўтиш иқтисодийети мамлакатларига ҳам (айниқса, Полша ва

Югославияга) кучли салбий таъсир кўрсатди. Лотин Америкасининг 3 та йирик мамлакатининг тўлиқ дефолт бўлиши АҚШдаги бир қатор йирик банкларнинг банкрот бўлишига ва шу орқали халқаро молиявий муносабатларнинг беқарорлашувига олиб келди.

1980 йилларнинг бошида ривожланаётган мамлакатлардан капиталнинг қочиши тенденциясини кузатиш мумкин. Бу ҳолат қисқа вақт ичида ривожланаётган мамлакатларни капитал нетто-импортёрларидан нетто-экспортёрларига айлантирди.

Инқироз таъсирини юмшатиш учун халқаро молия ташкилотлари томонидан молиявий ёрдамлар тақдим этилди ва ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзи реструктуризацияланди. Натижада 2008 йилгача ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзининг ўсиш суръатлари пасайиб борди. 2007 йилда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ташқи қарзи 4135 млрд. долларга тенг бўлди. Бу қарзнинг ўрғача йиллик ўсиш суръати 1998 йилдан бошлаб 3,7% га тенг бўлди. Бу қарзнинг ярмидан кўпрогини расмий кредитлар ташкил қилади. Бу умумий сумманинг географик таркиби куйидагича: Осиё – 1016 млрд. долл., Лотин Америкаси – 824 млрд. долл., Марказий Шарқий Европа – 1976 млрд. долл., МДХ – 671 млрд. долл., Яқин Шарқ – 389 млрд. долл., Африка – 824 млрд. долл.

Ташқи қарз таркибида жиддий ўзгаришлар бўлмоқда. Бу ўзгаришлар, биринчи навбатда, облигацияларнинг норезидентларга сотилиши билан боғлиқдир. 1990 йилларда норезидентларга сотилган облигациялар йилига ўрғача 23% га ўсган, тижорат кредитларида бу кўрсаткич 2% дан ошмаган. Бундан ташқари, қиммат кредитларнинг қисқариши кузатилган. Аммо бутунги кунда ташқи қарз муаммосининг оғирлашуви биринчи ўринда ривожланаётган мамлакатлардан капиталнинг катта ҳажмида чиқиб кетиши сабаб бўлмоқда.

**Ташқи қарзни тартибга солиш.** Ташқи қарзнинг мунтазам ўсиб бориши натижасида бу қарзлар бўйича мамлакатлар жорий тўловларни амалга ошира олмаслиги мумкин. Давлат ташқи қарзини ва унинг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш учун бир қатор кўрсаткичлар тизими қўлланилади:

- ташқи қарзда қисқа муддатли қарзларнинг улushi;
- ташқи қарзнинг экспортга ва ЯИМга нисбати;
- ташқи қарзга хизмат кўрсатишнинг экспортга нисбати;
- расмий захираларнинг ташқи қарзга нисбати.

Жаҳон банки маълумотларига биноан 1997–2007 йилда ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бу кўрсаткичлар ижобий тарафга ўзгариб борган, яъни бу мамлакатларда ташқи қарз юки енгиллашган. Фақат қисқа муддатли қарзларнинг ташқи қарздаги улushi деярли камаймаган ва 2007 йилда бу кўрсаткич 24% ни ташкил қилди.

Давлат ташқи қарзининг ўзгариши унинг тўлов қобилияти, иқтисодий ва молиявий барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Ташқи қарз қиймати ва уни тўлаш қобилияти мамлакатнинг халқаро капитал бозори дастакларидан фойдаланиш имкониятини белгилайди. Бу борада нуфузли халқаро рейтинг



агентликлари мамлакатнинг ташқи қарз кўрсаткичлари билан биргаликда ҳукумат томонидан халқаро иқтисодий, валюта, кредит муносабатлари соҳасида қабул қабул қиладиган қарорларини ҳам кузатиб боришади ва мамлакатлар рейтингига тегишли ўзгаришлар киритишади. Шу сабабли ҳукуматлар иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун ташқи қарз кўрсаткичларини белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслигини таъминлашга ҳаракат қилишади.

Тараққий этган мамлакатлар, жумладан, АҚШ учун давлат қарзининг ошиши ва бу қарзни молиялаштиришда норезидентлар улушининг ўсиши мамлакат миллий валютасининг халқаро иқтисодий муносабатларда тутган ўрнига салбий таъсир кўрсатади.

Ташқи қарзни давлат ёки хусусий сектор ҳисобидан ўсиб бориши ва белгиланган меъёрлардан ошиб кетиши аксарият мамлакатларда ташқи қарзга хизмат кўрсатиш жараёнининг мураккаблашишига олиб келади. Тўловларнинг кечиктирилиши эса янги қарзларни олиш имкониятини камайтиради. Хорижий кредиторлар халқаро судга мурожат этиш орқали давлатнинг иқтисодий ҳудудидан ташқарида бўлган мулкни мусодара қилишлари мумкин.

Ташқи қарзлар бўйича тўловларнинг кечиктирилиши қарздор мамлакатларни кредиторлар билан музокара олиб боришга мажбур қилади. Айрим ҳолларда кредитор қарз бўйича тўловларни кечиктириши мумкин ва ушбу операция пролонгация деб номланади.

Расмий ташқи қарзларнинг катта қисми Париж клубига аъзо мамлакатларда мужассамлашган. Хусусий сектор ташқи қарзлари катта бўлган мамлакатлар эса Лондон клубига аъзо бўлишади.

Ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзини кенг миқёсда тартибга солиш биринчи марта 1980 йилларда амалга оширилган. Ташқи қарз муаммосини тартибга солиш давлатларнинг, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг сиёсати объектига айланди. Ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кредиторлар ташқи қарз муаммосини халқаро форумларга олиб чиқишни бошлашган. Бундай форумлар Париж ва Лондон клублари фаолияти доирасида ташкил қилинади. Париж ва Лондон клубларининг асосий мақсади ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари томонидан кечиктирилган ташқи қарзлар бўйича кредиторларнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш ва кредиторлар фаолиятини тартибга солишдан иборат. Мамлакатларнинг ушбу клублар билан келишувлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ташқи қарз реструктуризацияси;
- қарзнинг бир қисmini облигацияларга алмаштириш;
- қарзнинг бир қисmidан воз кечиш.

Париж клубига аъзо бўлмаган мамлакатларнинг кредит муносабатлари икки томонлама музокаралар орқали тартибга солинади.

Париж ва Лондон клубларининг ташкил қилиниши ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг ташқи қарз муаммосини енгиллаштишига олиб келди. Чунки ташқи қарз муаммосини ҳал этиш жараёни тартибли,

тизимли кўринишга келтирилди ва қарздор мамлакатлар ўзларининг ташқи кредит муносабатларини барқарорлаштириш имконига эга бўлишди.

Париж клуби ва бошқа халқаро молия институтлари томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ташқи қарзининг камайишига олиб келди.

### 30.3. Олтин-валюта захиралари

Мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банклари ихтиёрида турувчи юқори ликвидли молиявий активлар захира активлар (олтин-валюта захиралари) деб аталади. Олтин-валюта захиралари миллий валюта курсини қўллаб-қувватлаш, молиявий барқарорлик ва мамлакат тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида зарурдир. Олтин-валюта захиралари таркибига монетар олтин, ХВФдаги резерв позиция, SDR ва валюта захиралари киради. Ҳозирда дунёнинг аксарият мамлакатлари олтин-валюта захиралари таркибида валюта захиралари устуворлик қилади ва унинг улуши ўртача 95% ни ташкил этади. Захира валюталарга Марказий банкда корреспондент счётларга ва хорижий банкларда депозитларга жойлаштирилган хорижий валюталардаги маблағлар ҳамда хорижий эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозларига инвестицияланган маблағлар киради.

Давлат олтин-валюта захиралари халқаро молия ташкилотлари захира активлари билан бирга жаҳон олтин-валюта захираларини ташкил этади.

Давлатнинг олтин-валюта захиралари қуйидаги икки вазифани бажариш учун хизмат қилади:

- мамлакатнинг ташқи тўлов қобилиятини таъминлаш;
- миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш.

Молия бозорларининг глобаллашуви шароитида халқаро капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг жадал суръатларда ўсиши кузатилмоқда. Натижада дунё мамлакатларида нодавлат секторнинг ташқи қарзини тўлаш учун зарур бўладиган хорижий валютага бўлган талабни қондириш Марказий банклар валюта захираларининг муҳим вазифасига айланиб борапти. Бу ҳолат, аввало, резидентлари хорижий валютада кредит ва қарзлар олаётган мамлакатларга тааллуқлидир.

Жаҳон иқтисодиётида захира валюталарни эмиссия қилувчи мамлакатлар – захира марказлари алоҳида ўринга эга. Ушбу мамлакатларнинг миллий валюталари халқаро пул, жумладан, халқаро кредит ва захира маркази вазифасини бажаради, уларнинг Марказий банклари эса валюта бозорларидаги операцияларга тез-тез аралашиб туришади. Шунинг учун етакчи ривожланган мамлакатларнинг Марказий банклари ва ҳукуматлари ўз валюталари курсини барқарор ушлаб туриш учун йирик валюта захираларига эҳтиёж сезмайди.

Таҳлиллар кўрсатишича, халқаро валюта операцияларининг таркибида АҚШ доллари юқори салмоқни эгаллайди. Бу АҚШнинг дунёда энг йирик

иктисодиётга эга бўлганлиги билан изоҳланади. Иккинчи ўринда евро туради ва бу ҳолат ЕИнинг катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлиги билан белгиланади. Фунт стерлинг ва иенанинг халқаро захиралар таркибида кичик салмоққа эга эканлиги ушбу валюталарнинг халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланилмаётганлиги билан изоҳланади. Мисол учун, 2010 йилда халқаро валюта захираларининг 95,5% и АҚШ доллари, евро, япон иени ва фунт стерлингга шакллантирилган. Шунингдек, АҚШ долларининг халқаро валюта захиралари таркибидаги салмоғи 2010 йилга нисбатан 9,5% га пасайган. Айни пайтда евро ва фунт стерлингнинг салмоғи мазкур даврда мос равишда 7,9 ва 1,3% га ошгани ҳолда, япон иенасининг салмоғи 1,2% га пасайган (30.3.1-жадвал).

30.3.1-жадвал

Дунё миқёсида халқаро валюта захираларининг таркиби<sup>8</sup>

Валюталар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўзгариш, + -
АҚШ доллари	71,1	66,9	61,5	-9,5
Евро	18,3	24,1	26,2	+7,9
Япон иенаси	5,0	3,1	3,8	-1,2
Фунт стерлинг	2,7	3,6	4,0	+1,3
Швейцария франки	0,3	0,1	0,1	-0,2
Бошқа валюталар	1,5	1,7	4,4	+2,9

Марказий банклар томонидан олтин-валюта захираларни жамғариш жаҳон молия бозорларининг ривожланишидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу активларни жамғариш бир текисда содир бўлмаяпти ва Осиё мамлакатларида молиявий ресурсларнинг концентрациялашуви даражасининг ўсиши билан амалга ошмоқда. Осиё минтақасининг 10 мамлакати ҳиссасига (Хитой<sup>9</sup>, Япония, Тайвань, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Гонконг, Сингапур, Таиланд, Малайзия, Индонезия) жаҳон олтин-валюта захираларининг учдан икки қисми тўғри келади (30.3.2-жадвал).

Таҳлиллар кўрсатишича, Осиё минтақаси мамлакатлари олтин-валюта захираларни фаол жамғаришни 1997–1998 йиллардаги молиявий инқироздан кейин бошлашган. Бу инқироздан кейин ташқи иқтисодий барқарорлик ва инқироз ҳолатларида мамлакатнинг тўлов қобилиятини таъминлашга йўналтирилган стратегик молиявий резервларни шакллантириш сиёсати олиб борилди.

Осиё мамлакатларида олтин-валюта захиралар ҳажмининг ўсиб бориши билан боғлиқ фундаментал сабабларни тушунтириб беришда, бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти қанчалик юқори бўлишига қарамасдан,

<sup>8</sup> Кондратов Д. Перспективы евро для России: плюсы и минусы. //Экономист, №12, 2011. С. 61.

<sup>9</sup> Хитойнинг олтин-валюта захиралари тўғрисидаги маълумотлар Тайвань провинцияси, Макао ва Гонконг (Сянган) маъмурий районларни ҳисобга олмаган ҳолда берилган.

Олтин-валюта захиралари ҳажми бўйича етакчи мамлакатлар<sup>10</sup>

	Олтин-валюта захиралари ҳажми, йил бошига нисбатан млрд. долл		
	2000 й.	2005 й.	2010 й.
Хитой	158,3	615,5	2346,2
Япония	288,1	835,2	1023,6
Россия	9,1	121,5	425,9
Тайвань	106,9	242,5	348,0
Корея Республикаси	74,0	199,0	270,8
Ҳиндистон	33,2	127,2	266,2
Гонконг (Сянган)	96,2	123,5	256,2
Бразилия	35,5	52,5	235,5
Сингапур	77,0	112,6	188,9
Жазоир	4,8	43,5	149,3

хорижий капитал учун ёпиқлигини эътиборга олиш муҳим. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб савдо операциялари ва молиявий активлар билан операциялар бўйича чекловлар босқичма-босқич бартараф этилди. Ушбу чоратadbирлар, бир томондан, товарлар ва хизматлар экспортининг ўсишига, иккинчи томондан эса, ривожланган мамлакатлардан тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг фаол кириб келишини таъминлади. Натияжада охириги ўн йилликда Осиёнинг аксарият мамлакатларида тўлов балансининг барқарор профицити кузатилди ва ички бозорларда хорижий валюта, аввало АҚШ долларининг таклифи ошди. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ушбу мамлакатларнинг Марказий банклари валюта интервенциясини амалга оширишга мажбур бўлишди. Бу эса мамлакат валюта захираларининг жадал суръатларда ўсишига олиб келди.

Мамлакат олтин-валюта захиралари ҳажмининг ортишидаги асосий омил валюта захиралари ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, 2000–2009 йиллар мобайнида Хитойнинг валюта захиралари ҳажми 15 бараварга ошган.

Мамлакатларнинг олтин-валюта захиралари бажарадиган вазифага ўхшаш тарзда жаҳон олтин-валюта захиралари жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Жаҳон валюта захиралари халқаро савдо ва иқтисодий муносабатларнинг бошқа шаклларида хизмат кўрсатиш учун етарли миқдорда бўлиши зарур. Бу захиралар халқаро валюта ликвидлигининг муҳим омилли ҳисобланади. Халқаро валюта ликвидлиги дегаанда мамлакатнинг ўз ташқи мажбуриятларини валюта чекловларига мурожаат этмасдан, кредиторлар учун мақбул тўлов воситаларида тўлай олиш қобилияти тушунилади.

<sup>10</sup> Малышев П. Особенности управления резервными активами в странах Азии. //Мировая экономика и международные отношения. №3, 2011. С. 29.

Халқаро валюта ликвидлигининг ҳолати қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- жаҳон валюта захиралари ҳажми;
- ташқи тўлов мажбуриятлари ҳажми.

Жаҳон олтин-валюта захиралари ҳажмининг йиллик импорт қийматига нисбати халқаро валюта ликвидлиги кўрсаткичи ҳисобланади. Мамлакатларнинг халқаро ликвидлик кўрсаткичи эса мос равишда миллий олтин-валюта захиралари ҳажмининг мамлакат йиллик импорти қиймати нисбати га тенгдир. Мисол учун, Россияда халқаро ликвидлик кўрсаткичининг минимал даражаси уч ойлик импорт қийматига тенг деб қабул қилинган.

Халқаро валюта ликвидлик кўрсаткичи ХВФ томонидан барча мамлакатлар жорий операциялар бўйича валюта чекловларини қўллаётган ва камсонли мамлакатлар (АҚШ ва Швейцария) миллий валютанинг эркин конвертацияга эга вақтда қабул қилинган.

Таҳлиллар ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида халқаро валюта ликвидлиги кўрсаткичи юқори эканлигини кўрсатмоқда (30.3.3-жадвал).

### 30.3.3-жадвал

#### Ривожланаётган мамлакатларда халқаро валюта ликвидлиги кўрсаткичи, олтин-валюта захираларининг йиллик импортга нисбати<sup>11</sup>

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Ривожланаётган мамлакатлар	67,2	75,5	86,9	80,0	109,1	102,4
шу жумладан:						
МШЕ мамлакатлари	36,1	37,8	37,5	30,5	49,6	48,0
МДҲ мамлакатлари	76,6	100,9	115,4	81,1	118,0	106,1
Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари	81,7	89,5	107,1	106,3	145,0	131,2
Хитой	115,5	125,4	148,0	158,2	217,2	190,0
Ҳиндистон	72,8	75,5	95,1	71,3	73,8	66,4
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари	43,4	44,8	53,9	49,8	70,4	65,2
Бразилия	54,4	70,7	113,8	87,6	135,9	117,7
Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари	90,0	104,3	113,6	104,5	115,8	118,9
Африка Саҳрои Кабиридан жанубда жойлашган мамлакатлар	31,4	39,8	41,3	35,0	39,6	40,2

**Олтин-валюта захираларини диверсификация қилиш.** Валюта захираларини диверсификация қилиш деганда тарихан бир вақтнинг ўзида бир

<sup>11</sup> Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011 йил маълумотлари асосида ҳисобланган.

нечта етакчи ва барқарор валюталарда захиралар ташкил қилиш тушунилади. Шунингдек, валюта захираларининг таркибини беқарор валюталарни сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш йўли билан янгилаш операцияларига валюта захираларини диверсификация қилиш дейилади. Чунки валюта захираларининг таркибини олди-сотди операциялари орқали янгилаш валюта захираларининг диверсификация даражасини оширади ва валюта захираларининг рискка учраш хавфини пасайтиришга хизмат қилади.

Олтин-валюта захираларини диверсификация қилишда валютавий своп операциялари муҳим урин тутати. Бунинг сабаби шундаки, валютавий свопда бир йил давомида валюталар спот шарти бўйича сотилади, форвард шарти бўйича сотиб олинади. Натигада хорижий валюталардаги захиралар таркиби сезиларли даражада ўзгаради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ликвидлилик муаммоларини юмшатиш мақсадида 2008 йилнинг 29 октябрида АҚШ Федерал захира тизими томонидан Бразилия, Корея Республикаси, Мексика ва Сингапур Марказий банклари билан ўзаро своп келишувлари йўлга қўйилди. Мазкур своп битимлари бозор муносабатлари шаклланаётган тўрт мамлакатда валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш ва ликвидлиликни ошириш мақсадларида своп линиялари бўйича 30 млрд. доллар миқдоридagi маблағларнинг ажратилишини кўзда тутати.

Демак, бундан кўринадики, МДҲ мамлакатлари Марказий банклари томонидан ўзаро своп келишувлари механизмнинг шакллантирилиши минтақада миллий валюталар алмашув курси барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, минтақадаги валюта бозорларида барқарорлик ва ликвидлиликни таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолдир.

#### **30.4. Тўлов баланси ва иқтисодий сиёсат**

Тўлов баланси азалдан давлат томонидан тартибга солувчи объектлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Биринчидан, тўлов балансига нотенглик хос бўлиб, у узоқ вақт йирик тақчилликка, баъзи мамлакатларда эса ҳаддан ташқари катта ижобий қолдиққа эга бўлиши мумкин. Халқаро ҳисоб-китоблар номувофиқлиги валюта курси динамикасига, капиталлар миграциясига, иқтисодиёт ҳолатига таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШ жорий ҳисоб-китобларидаги тақчилликни қоплаш учун ўз валютасида эмиссия қилади ва бошқа мамлакатларга инфляцияни экспорт қилади, халқаро айланмасида доллар ортиқчаллиги вужудга келиши натижасида Бреттон-Вудс жаҳон валюта тизими ишдан чиққан.

Иккинчидан, XX асрнинг 30-йилларида олтин стандартидан воз кечилганидан кейин тўлов баланси шартларини тартибга солишнинг стихияли механизми жуда суст ишларди. Шунинг учун тўлов балансида мутаносибликни таъминлаш масаласи асосий ўринни эгаллайди.

**Тўлов балансини тартибга солиш – давлатнинг тўлов балансини яқобий ўзгартириш ёки қўлаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган мақсадли фаолиятидир**

**Асоси**

- иқтисодий ривожланиш омилларини ҳисобга олиш – дунё мамлакатларининг нотекис иқтисодий ривожланишга эгаллиги, фан ва техника ютуқларини ўзлаштиришнинг турли суръатлари, миллий иқтисодиётлар томонидан глобаллашув ютуқларидан фойдаланиш қобилияти, иқтисодиётнинг циклик ривожланиши ва халқаро савдо соҳасидаги ўзгаришлар;
- валюта-молия омилларини ҳисобга олиш – жаҳон валюта тизимининг ҳолати, миллий валюта курсларининг тебраниши, валюта ва молия рискларининг мавжудлиги, капиталнинг оқиб кетиши;
- хорижий мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган харажатлар билан боғлиқ турли-туман иқтисодий ва сўвсий мақсадларни ҳисобга олиш;
- фавқулодда ҳодисаларни ҳисобга олиш – ҳосилнинг бўлмаслиги, табиий офатлар, курғоқчилик, техноген офатлар.

**Асосий хусусияти**

Тўлов балансини тартибга солиш қисқа ва узоқ муддатли характерга эга бўлши мумкин

**30.4.1-расм. Тўлов балансини давлат томонидан тартибга солиш**

Тўлов баланси тақчиллиги қуйидаги сабаблар туфайли юзага келади:

- ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва гиперинфляция;
- ҳарбий харажатларнинг кўпайиши;
- Марказий банк валюта захираларининг камлиги;
- давлат пул-кредит сиёсатининг беқарорлиги, четдан кредит ва инвестициялар оқимининг чекланганлиги;
- мамлакат миллий валютасининг беқарорлиги ва унга ишончнинг йўқлиги;
- миллий товарларнинг жаҳон бозорида йўқлиги ёки камлиги, сифати пастлиги;
- меҳнат унумдорлигининг пастлиги ва ҳоказолар.

Мамлакат тўлов балансининг сурункали тақчиллигини бартараф қилиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ошириш;
- четта товар ва хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳамда усулларини кўпайтириш;

– импортга бўлган эҳтиёжни камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш;

– протекционизм сиёсатини жорий қилиш;

– миллий валюта барқарорлигини ўрнатиш.

Куйидагилар тўлов балансини тартибга солишнинг моддий асослари бўлиб ҳисобланади:

– давлат мулки, шу жумладан расмий олтин-валюта захиралари;

– миллий даромаднинг ўсиб бориши (салмоғи 40–50% гача);

– капиталлар экспорти, кредитлар, гарант, заёмчи сифатида халқаро иқтисодий муносабатларда давлатнинг бевосита иштироки;

– норматив актлар ва давлат назорат органлари ёрдами билан ташқи иқтисодий операцияларни мувофиқлаштириш ва бошқалар.

Тўлов балансини тартибга солишда мамлакатлар турли чоралар кўришлари мумкин. Одатда, тўлов балансини мувофиқлаштиришнинг ички ва ташқи омиллари мавжуд. Халқаро ҳисоб-китобларда актив қолдиғига эга бўлган давлатлар “Ўз-ўзини тартибга солиш”: инфляцияни қисқартириш, дефляция сиёсат ўтказиш, экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини қисқартириш ва бошқа усулларни қўллаш мумкин. Бу каби талабларни Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ сурункали тўлов баланси дефицити бўлган Ғарбий Европа мамлакатларига эълон қилган. Тўлов баланси тақчил бўлган давлатлар, одатда, ўз шерикларидан (яъни актив қолдиққа эга бўлган мамлакатлардан) божхона ва бошқа хил чеклашларни заифлаштиришни, капитал чиқаришни кенгайтиришларини кескин талаб қиладилар. 60-йилларга ва 80-йилларнинг биринчи ярмига келиб вазият ўзгаради; Ғарбий Европа мамлакатлари, биринчи навбатда, Европа иқтисодий ҳамжамияти юқорида зикр этилган талаблар билан АҚШга ўз муносабат ва маслаҳатларини бердилар. Шундай қилиб, 70-йилларда АҚШ вакиллари собиқ ГФР ва Япониянинг иқтисодий ўсишини ва Америка товарларининг импортини рағбатлантиришга чақирдилар. Тўлов балансини давлат томонидан тартибга солиш бу – жами иқтисодий, шу жумладан валюта, молия, пул-кредит, яъни тўлов баланси асосий моддаларини шакллантириш, мавжуд тақчилликни қоплаш соҳасидаги давлат тадбирларидир. Тўлов балансини тартибга солиш усуллари орасида мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китоблардаги валюта иқтисодий ҳолатига қараб рағбатлантиришга қаратилган ёки чекланишга йўналтирилган услублари соҳасида фарқлар мавжуд.

Тўлов балансида тақчиллик мавжуд мамлакатлар томонидан куйидаги тадбирлар, яъни экспортни рағбатлантириш, товарлар импортини ушлаб туриш, хорижий капиталларни жалб қилиш, капиталнинг мамлакатдан чиқибшини чеклаш мақсадидаги тадбирлар ўтказилади.

Тўлов балансини бошқаришнинг дефляция сиёсат, девальвация, валютавий чеклашлар, валюта курсининг ўзгариши, молия, пул-кредит сиёсатини барқарорлаштириш ва бошқа тўлов балансини барқарорлаштиришга ёрдам берувчи махсус чоралар мавжуд.



1. Дефляцияон сиёсат. Бу сиёсат ички талабни қисқартиришга, устувор равишда фуқароларга йўналтирилган бюджет харажатларини, нархлар ва иш ҳақларини музлатишга йўналтирилгандир. Бу сиёсатнинг муҳим инструментлари бўлиб:

- бюджет дефицитини камайтириш;
- Марказий банкнинг дисконт сиёсати (фоиз ставкаларининг ўзгариши);
- кредит чеклашлар;
- пул массаси ўсиш чегараларини ўрнатиш хизмат қилади.

Иқтисодий турғунлик даврида, ишсизликнинг катта армияси ва фойдаланилмаган ишлаб чиқариш қувватлари захиралари мавжуд шароитда дефляция сиёсати бандлик ҳамда ишлаб чиқаришнинг келажақда янада пасайишига олиб келади. Агар компенсация қилувчи чоралар кўрилмаса, бу – ишловчиларнинг турмуш даражасини пасайтириш ва ижтимоий беқарорлик келтириб чиқариш хавфи билан боғлиқ.

2. Девальвация. Товарлар экспортини рағбатлантиришга ва улар импортини ушлаб туришга йўналтирилган бўлиб миллий валюта курсини тушириш билан боғлиқ чора-тадбирлар йиғиндисидир. Девальвациянинг тўлов балансини тартибга солишдаги ўрни уни амалга оширишдаги аниқ шарт-шароитлар ва кузатиладиган умумиқтисодий ва молиявий сиёсатга боғлиқ. Девальвация мамлакат рақобатбардош товарлар, экспорт салоҳиятига эга бўлса ва жаҳон бозори конъюктурасида яхши вазият бўлса, товарлар экспортини рағбатлантиради. Девальвациянинг импортни ушлаб туришга таъсири хусусида девальвация ишлаб чиқариш жараёни ва мамлакат жаҳон миқёсида байналмилаллашуви шароитида аксарият ҳолларда кескин товарлар кириб келишини қисқартира олмайди. Шунингдек, ҳамма мамлакатлар ҳам импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш сиёсатини изчил амалга ошира олмайдилар. Импорт қимматлашиб, девальвация миллий ишлаб чиқаришнинг ўсиши, мамлакатда нархларнинг ошиши, кейинчалик ташқи бозорларда қўлга киритилган рақобатбардошлик афзалликларининг йўқолишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун девальвация мамлакатта вақтинчалик нисбий афзалликлар берса ҳам, лекин аксарият ҳолларда тўлов баланси тақчиллигини йўқотишга сабаб бўла олмайди. Керакли самарани олиш учун девальвация ўлчов жиҳатидан етарли бўлиши шарт. Аксинча, у валюта бозоридаги чайқовчиликнинг кучайишига олиб келади, чунки валюта курсини қайта кўриб чиқиш имконини сақлаб қолади. Шунингдек, ҳаддан ташқари девальвация бoshqa валюталар курсининг занжирсимон пасайиш реакциясини келтириб чиқариши мумкин ва бу ҳолда ўз валютасини девальвация қилган давлат рақобатдош афзалликлардан жудо бўлади, ўзи мўлжалланган афзалликларни йўқотади. Баъзи давлатлар вақти-вақти билан валюта курсларининг кўпчилигини амалда синайдилар, баъзи вақтда икки валюта бозори шаклида беркитилган девальвация сифатида сузиб юрувчи валюта курсларининг амалда қўлланиши тўлов балансини мувофиқлаштиришга олиб келади. Кескин сакровчи девальвация тўхтатилиши билан

маълум даражада халқаро ҳисоб-китоблардаги капиталларга бўлган чайқовчилик босими йўқотилади, бироқ сузиб юрувчи курслар тизимида экспорт қилинадиган ва импорт қилинадиган товарларнинг бозор нарҳини пасайтиришга бўлган уларнинг таъсири камаяди. Шунинг учун девальвация самарали бўлганлиги учун кўп давлатлар, жумладан, ривожланаётган мамлакатлар экспорт ва импортга табақалашган божларни ва субсидияларни қўллайдилар.

3. Валютавий чеклашлар. Экспортёрларнинг хорижий валютадаги тушумларини блоклаш, импортёрларга хорижий валюта соғилишини лицензиялаш, ваколатли банкларда валюта операцияларини бирлаштириш, товар импортини ушлаб туриш, капитал экспорт қилишни чеклаш йўли билан тўлов баланси тақчиллигини бартараф қилиш мумкин.

Тўлов балансари ўз табиғига кўра доимий актив ва пассив бўла олмаса ҳам, уларнинг ўзгариши валюта курси ва капитал оқими, хусусан «иссиқ пуллар» оқимининг беқарорлигини кучайтиради. Бу ўз навбатида пул муомаласига, охир-оқибатда иқтисодиётга салбий таъсир этади. Шунинг учун халқаро ҳисоб-китобларнинг мувозанатини тиклаш мақсади давлат томонидан ташкилий ишларни амалга оширишни талаб қилади.

Халқаро ҳисоб-китобларни мувозанатлаштириш масаласи давлатнинг муҳим иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киради (иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляция ва ишсизликка қарши кураш билан биргаликда). Тўлов балансини давлат томонидан бошқариш – тўлов баланснинг асосий моддаларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий, шу жумладан валюта, молия, пул-кредит чора-тадбирлари билан биргаликда халқаро ҳисоб-китобларнинг валюта-иқтисодий ҳолатига мувофиқ ташқи иқтисодий операцияларни рағбатлантирувчи ёки чегараловчи усулларга бўлинади.

Тўлов балансларини халқаро усулларда бошқаришга қуйидагилар киради:

- экспорт кредитлари шартларини келиштириш;
- икки томонлама давлат кредитлари, своп келишувига мувофиқ Марказий банкларнинг миллий валютадаги қисқа муддатли кредитлари;
- халқаро валюта-кредит ҳамда молия ташкилотларининг кредитлари ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов балансининг ҳолати кўп жиҳатдан ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хатти-ҳаракатлари билан белгиланади. Шу сабабли мамлакат тўлов балансининг бўлиmlари ўртасидаги мувозанат тез-тез бузилиб туради. Бу ҳолат айниқса савдо балансида кўп кузатилади. Мисол учун, Германия, Япония, Хитой, Россия ва Ўзбекистон каби мамлакатларда, одатда, товарлар экспорти уларнинг импортдан катта бўлиб, бу мамлакатларда савдо баланси ижобий қолдиққа эга. АҚШ, Миср ва Марокаш каби бошқа мамлакатларда товарлар импорти экспоридан катта бўлади. Тўлов балансининг шу жумладан савдо балансининг салбий қолдиққа эга бўлиши мамлакатлардан бир қатор чора-тадбирларни қўллашни талаб

қилади. Чунки савдо балансидаги салбий сальдо кўп йиллар давомида сақланиб туриши мамлакатнинг молиявий ҳолатини беқарорлаштиради.

Тўлов балансини давлат томонидан тартибга солишнинг турли хил шакллари ва усуллари мавжуд бўлиб, уларни таъсир кўрсатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда қисқа ва узоқ муддатли дастакларга бўлиш мумкин (30.4.2-расм).

Қисқа вақт ичида тўлов балансига таъсир кўрсатишнинг энг муҳим дастакларидан бири – бу миллий валютани девальвация қилишдир. Миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қадрининг пасайиши экспортнинг хорижий истеъмолчилар учун арзонлашишига ва импортнинг ички истеъмолчилар учун қimmatлашишига олиб келади. Мисол учун, Ўзбекистон А товарни 100 доллардан импорт қилади ва айирбошлов курси 1700 сўм/долл. бўлган шароитда ички бозорда 170 000 сўмдан сотади. Фараз қилайлик, Ўзбекистон миллий валютаси курси девальвация қилинди ва 2000 сўм/долл. га тенглаштирилди. Бундай ҳолатда 100 доллардан импорт қилинган А товар ички бозорда 200 000 сўмдан сотилади, бу эса товарга бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади.

**Тўлов балансини тартибга солиш дастаклари – тўлов баланси ҳолатига таъсир этувчи қисқа ва узоқ муддатли воситалар тизими**

Қисқа  
муддатли  
дастаклар

- ички талабни қисқартиришга қаратилган дефляция сиёсати;
- миллий валюта курсини пасайтириш, экспортни рағбатлантириш ва импортни чеклашга кўмаклашувчи девальвация;
- экспортёрларнинг хорижий валютадаги тушумларини регламентлаш шаклидаги валюта чекловлари, импортёрларга хорижий валютани сотишни лицензиялаш, ушбу дастаклар товарлар импорти ва капитал экспортини чеклаш йўли орқали тўлов балансининг дефицитини баратараф этишга кўмаклашади;
- махсус молиялаштириш. Бу дастаклар экспортёрларга нисбатан бюджет субсидияларини кўзда тутади.

Узоқ  
муддатли  
дастаклар

- экспортёрларнинг товарларни олиб чиқиш ва мақсадли кредитлар ёрдамида ташқи бозорларни ўзлаштиришлари билан боғлиқ узоқ муддатли манфаатлари, иқтисодий ва сиёсий riskлардан сўғурталаш, асосий капитал амортизацияси учун имтиёзли режим жорий этиш;
- инвестицияларни узоқ муддат рағбатлантириш;
- миллий жамғармалар даражаси.

**30.4.2-расм. Тўлов балансини тартибга солиш дастаклари**

Миллий валютани девальвация қилиш орқали тўлов балансини тартибга солишдан олдин экспортга ва импортга бўлган талабларнинг эластиклик даражаларини таҳлил қилиш керак. Ушбу талабларнинг эластиклик даражаларининг йиғиндиси бирдан кичкина бўлса, девальвация орқали тўлов балансини тартибга солиш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бундан ташқари, бир қатор мамлакатлар бир вақтда валюта девальвациисидан фойдаланишса, бу уларнинг тўлов балансларига жиддий таъсир кўрсатмайди, аммо жаҳон валюта тизимининг беқарорлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ХВФ низомининг 4-моддасига биноан ХВФ аъзоларига валюта курсини ўзгартириш орқали халқаро савдода рақобатбардошлиklarини оширишлари ман қилинган.

Тўлов балансини қисқа муддатда тартибга солиш учун мамлакатлар ташқи савдонини тартибга солишнинг тариф ва нотариф дастакларидан фойдаланишлари мумкин. Импорт божларини ошириш ва ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қўшимча талабларни жорий қилиш орқали импортни камайтириш мумкин. Аммо Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо мамлакатларда тариф ва нотариф дастаклардан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Мисол учун, ЖСТ қоидаларига биноан субсидиялардан ва демпингдан фойдаланиш ман этилган.

Шунингдек, мамлакатлар жорий операциялар ҳисобига кирувчи “кўринмас” операцияларга таъсир кўрсатиш дастакларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. “Кўринмас” операциялар тўлов балансининг хизматлар экспорти/импорти ҳисобида ва даромадлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади. Бу операцияларга таъсир кўрсатиш мақсадида мамлакатлар кўп ҳолларда валюта чекловларидан фойдаланишади. Валюта чекловига мисол қилиб мамлакатдан жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши мумкин бўлган хорижий валюта миқдорининг чекланганлигини келтириш мумкин. Бундан ташқари, мамлакатлар туризмдан келиб тушадиган тушумларни кўпайтиришга ҳам ҳаракат қилишади. Мамлакатда туризм инфратузилмасини ривожлантириш орқали тўлов баланс сальдосига ижобий таъсир кўрсатади. Аммо жаҳон иқтисодиётида пасайиш кузатилганда халқаро туризм ҳам қисқариб боради. Шу сабабли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатлар ўз тўлов баланс сальдоларини туристларни кўпроқ жалб қилиш ҳисобига ижобий тарафга ўзгартиришлари кам кузатилган.

Тўлов балансини узоқ муддатли тартибга солиш ички талабни қисқартиришга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ. Бунинг учун ҳукумат давлат бюджети камомадини камайтиради, фойз ставкани ўзгартиради ва пул массасини қисқартиради. Шу билан бирга ҳукумат хорижий капитал импортини кўпайтиришга ва капитал экспортини қисқартиришга ҳам ҳаракат қилади. Аммо халқаро амалиёт кўрсатишича, капитални мамлакатдан олиб чиқишни маъмурий усуллар билан чеклаш, одатда, кутилган натижага олиб келмаган. Айрим ҳолатларда тўлов баланси камомадини молиялаштириш учун ХВФ каби халқаро ташкилотлардан қарз олиш мумкин.

Глобализация шароитида тўлов балансини давлатлараро тартибга солишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Тўлов балансини давлатлараро тартибга солиш ХХ асрнинг 70-йилларидаги нефть инқирози шароитида шакллانган ва замонвий молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бу усулдан фойдаланиш юқори самарадорликка эгадир. Мисол учун, Европа Иттифокида қарздорлик инқирозига учраган мамлакатларга бошқа мамлакатлар томонидан молиявий ёрдам берилмоқда. Бундан ташқари, клиринг иттифоқини ташкил қилиш ҳам тўлов балансини давлатлараро тартибга солишнинг самарали шаклларида бирдир.

Тўлов балансини тартибга солиш усулининг самарадорлиги бу усулнинг қўлланилиш шарт-шароитига боғлиқ. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, тўлов баланси билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш учун юқорида келтирилган усуллар билан бирга мамлакатда самарали таркибий сиёсат амалга оширилиши керак экан. Чунки таркибий ўзгаришларнинг самарали амалга оширилиши мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини юксалтиради.

### Асосий тушунчалар

**Тўлов баланси** – мамлакатнинг муайян даврий вақт учун ташқи дунё билан молиявий битимларининг натижаларини ҳисоблаш.

**Халқаро валюта захиралари** – бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган олтин, эркин конвертацияланадиган валюта ва бошқа активлар.

**Олтин-валюта захиралари** – мамлакатлар ҳукуматлари ва марказий банклари ихтиёрида турувчи юқори ликвидли молиявий активлар.

**Захира марказлари** – жаҳон иқтисодиётида захира валюталарни эмиссия қилувчи мамлакатлар.

**Халқаро валюта ликвидлиги** – мамлакатнинг ўз ташқи мажбуриятларини валюта чекловларига мурожаат этмасдан, кредиторлар учун мақбул тўлов воситаларида тўлай олиш қобилияти.

**Халқаро валюта ликвидлиги кўрсаткичи** – жаҳон олтин-валюта захиралари ҳажмининг йиллик импорт қийматиغا нисбати.

**Валюта захираларини диверсификациялаш** – бир вақтнинг ўзида бир неча етакчи ва барқарор валюталарда захиралар ташкил қилиш.

**Янги ташқи қарз** – бир мамлакат резидентининг норезидентларга нисбатан қабул қилган асосий сумма ва фоизлар кўринишидаги шартлар билан боғлиқ бўлмаган жорий, ҳақиқатда тўланмаган, шунингдек мамлакат резидентларининг норезидентларга нисбатан келажақда, муайян муддатда тўланиши лозим бўлган мажбуриятлари ҳажми.

**Пролонгация** – кредитор томонидан қарз бўйича тўловларни кечиктириши билан боғлиқ операция.

**Париж клуби** – расмий ташқи қарзларни тартибга солиш билан шуғулланувчи клуб.

**Лондон клуби** – хусусий сектор ташқи қарзларини тартибга солиш билан шуғулланувчи клуб.

**Тўлов балансини тартибга солиш** – давлатнинг тўлов балансини ижобий ўзгартириш ёки кўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган мақсадли фаолияти.

**Тўлов балансини тартибга солиш дастаклари** – тўлов баланси ҳолатига таъсир этувчи қисқа ва узоқ муддатли воситалар тизими.

### **Назорат саволлари:**

1. Тўлов баланси нима мақсадда тузилади?
2. Тўлов баланси ва ҳисоб-киоб балансининг фарқарини сананг.
3. Тўлов баланси операциялари хусусиятига кўра неча турга бўлинади?
4. Тўлов баланси моддаларини санаб ўтинг.
5. Жорий операциялар балансида нималар акс эттирилади?
6. Қандай ҳолда тўлов баланси ижобий ҳисобланади?
7. Тўлов баланси тақчиллигини қандай бартараф этиш йўлларини биласиз?
8. Ташқи қарз инқироzi ва уни тартибга солиш усуллари нималардан иборат?
9. Тўлов балансини давлат томонидан тартибга солиш зарурияти нимадан иборат?
10. Тўлов балансини тартибга солишнинг қандай усуллари мавжуд?

### 31.1. Валюта муносабатлари тушунчаси ва валюта тизими

Валюта – жаҳон бозорида, давлатлар ўртасида пул вазифаларини бажарувчи давлатларнинг миллий пул birlikлари. Масалан, Америка Қўшма Штатлари “доллари”, Буюк Британия “фунт стерлинги”, Канада “доллари”, Япон “иенаси” ва бошқа шу кабилар.

Муайян бир давлатнинг миллий пули – унинг миллий валютаси бўлади. Шу давлат учун бошқа давлатларнинг миллий пул birlikлари эса – хорижий валюталардир. Масалан, АҚШ “доллари”, Буюк Британия “фунт стерлинги”, Канада “доллари”, Япония “иенаси”, Туркия “лира”си ва шу каби эркин муомалада юрадиган валюталар Ўзбекистон Республикасида хорижий валюта бўлади, ўз навбатида, Ўзбекистон “сўм”и ушбу давлатлар учун хорижий валюта бўлиб ҳисобланади.

Хорижий валюта билан девиз тушунчаси боғлиқдир. Девиз – бу хорижий валютадаги ҳар қандай восита.

Валюталар жаҳон бозорида ўзларининг муомалада бўлиш хусусиятларига кўра эркин муомалада юрадиган, муомаласи қисман ёки бутунлай чекланган, ёпиқ валюталарга бўлинади. Баъзи бир давлатларнинг миллий пул birlikларини мазкур давлатларда валюта муносабатлари борасида мавжуд ва ҳаракатда бўлган қонун-қоидаларига асосан хорижга чиқиши ҳамда у ерда муомалада бўлиши чегараланади.

Халқаро валюта муносабатлари моддий ишлаб чиқариш жараёни, яъни бирламчи ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнларига алоқадор бўлган халқаро иқтисодий муносабатларни ўз ичига олади.

**Халқаро валюта муносабатлари** – валюталарнинг жаҳон ҳўжалигидаги ҳаракати натижасида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси.

Халқаро валюта муносабатлари такрор ишлаб чиқаришга нисбатан иккиламчи ҳисобланади, чунки ишлаб чиқарилган товарларни экспорт-импорт қилиш натижасида халқаро валюта муносабатлари юзага келади. Тарихан, халқаро савдонинг юзага келиши халқаро валюта муносабатларини юзага келтирган бирламчи омил бўлди. Аммо халқаро валюта муносабатлари такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир босқичига – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолга бевосита фаол таъсир кўрсатади.

**Валюта муносабатлари** ва такрор ишлаб чиқариш ўртасида бевосита (тўғридан-тўғри ҳамда тесқари) алоқалар мавжуд. Уларнинг объектив асоси бўлиб товарлар, капиталлар, хизматлар билан халқаро алмашувни вужудга келтирувчи ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади.

**Валюта муносабатларининг** шаклланиши, ўзгартирилиши ёки тугатилишининг ҳуқуқий асослари бўлиб халқаро келишувлар ва ички давлат қонун-қоидалари ҳисобланади.

Валюта муносабатлари нисбатан мустақил муносабатлар бўлган ҳолда тўлов баланси, валюта курси, ҳисоб-китоб операциялари орқали жаҳон иқтисодийётига сезиларли таъсир кўрсатади.

Валюта муносабатларининг асосий иштирокчилари сифатида халқаро молиявий ташкилотлар, мамлакатлар, мамлакатларнинг резидент ва норезидент шахслари майдонга чиқади.

Резидент шахс – муайян давлат ҳудудида яшаётган ва шу давлат фуқароси бўлган ҳамда мазкур давлат ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик ёки жисмоний шахс.

Норезидент шахс – муайян давлат ҳудудида яшаб фаолият кўрсатаётган, бироқ шу давлат фуқароси бўлмаган юридик ёки жисмоний шахс. Масалан, элчихоналар, ваколатхоналар, чет эл фирма ва корхоналарнинг бўлинмалари шулар жумласидандир.

Халқаро валюта муносабатларини юзага келтирувчи асослар куйидагилардир:

- товарлар экспорти ва импортининг мавжудлиги;
- хизматлар экспорти ва импортининг мавжудлиги;
- халқаро кредитларнинг жаҳон айланмасидаги ҳаракати;
- капиталларнинг жаҳон айланмасидаги ҳаракати;
- нотижорат тўловларнинг мавжудлиги (хорижий давлатларда савдо ва дипломатик ваколатхоналарни очиб ва сақлаш, хорижий давлатларнинг ҳудудида ҳарбий қисмлар сақлаш, туризм, спорт, маданий тадбирлар билан боғлиқ бўлган хорижий валютадаги тўловлар).

**Валюта тизими** деб, халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шаклига айтилади. Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат шакли дейилишига сабаб шуки, **миллий валюта тизими** ҳар бир мамлакатда давлат томонидан ташкил этилади ва тартибга солинади. **Жаҳон валюта тизими** эса, давлатлараро келишувларга асосан ташкил топади. Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ҳуқуқий шакли дейилишининг боиси шундаки, валюта тизими бўйича қабул қилинган қонунлар, халқаро қондалар ва бошқа меъёрний ҳужжатларнинг талабларини бажариш халқаро муносабатларнинг барча субъектлари учун мажбурийдир. Масалан, Ямайкада қабул қилинган тўртинчи жаҳон валюта тизимининг талабига асосан, олтидан давлатлар ўртасида тўлов воситаси сифатида фойдаланиш тақиқланди.

Валюта тизимининг уч асосий тури мавжуд:

1. Миллий валюта тизими.
2. Минтақавий валюта тизими
3. Жаҳон валюта тизими.

**Миллий валюта тизими** – бир мамлакат ҳудудида халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шакли. Миллий валюта тизими минтақавий ва жаҳон валюта тизимларининг юзага келиши учун асос вазифасини ўтайди. Миллий валюта тизимининг ривожланганлиги



мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

**Минтақавий валюта тизими** маълум бир минтақада жойлашган давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида тузилган шартномага асосан шаклланади. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақавий валюта тизими билан жаҳон валюта тизими ўртасидаги чегарани аниқлаш жуда мушкул. Бунинг сабаби шундаки, айрим минтақавий валюта тизимлари аллақачон жаҳон валюта тизими талаблари даражасида фаолият кўрсатмоқда.

**Жаҳон валюта тизими** – бу давлатлар ўртасидаги халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шакли бўлиб, давлатлараро келишувлар асосида юзага келади.

**Миллий валюта тизими** куйидаги элементлардан ташкил топади:

- миллий валюта;
- миллий валютанинг алмашиниш шarti;
- миллий валютанинг паритети;
- миллий валюта курсининг режими;
- мамлакатда валютавий чеклашларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- мамлакатнинг халқаро валютавий ликвидлигини миллий миқёсда тартибга солиш;
- халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилаш;
- мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартибини белгилаш;
- миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими.

### **31.2. Жаҳон валюта тизими ва унинг асосий элементлари**

**Жаҳон валюта тизими**, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, халқаро валюта муносабатларини давлатлар ўртасида ташкил қилиш шаклидир.

**Жаҳон валюта тизими** ўзининг ривожланишида тўрт босқични босиб ўтди ва улар куйидаги халқаро валюта тизимларини ўзида мужассамлаштиради:

1. Париж валюта тизими;
2. Генуэз валюта тизими;
3. Бреттон-вудс валюта тизими;
4. Ямайка валюта тизими.

**Биринчи жаҳон валюта тизими** 1867 йилда Парижда бўлиб ўтган давлатлараро келишув натижасида ташкил топди. Ушбу тизимда олтин-монета стандарти, яъни давлатлар ўртасидаги алоқаларда тўлов воситаси сифатида фақат олтиндан фойдаланиш жорий этилди.

Биринчи жаҳон уруши даврида юзага келган иқтисодий инқироз натижасида биринчи жаҳон валюта тизими барҳам топди ва унинг ўрнига

**иккинчи жаҳон валюта тизими** юзага келди. Мазкур тизим 1922. йилда Италиянинг Генуя шаҳрида бўлиб ўтган давлатлараро келишувнинг натижаси бўлди. **Учинчи жаҳон валюта тизимида** олтин-девиз стандарти жорий қилинди. Бунинг маъноси шуки, давлатлараро муносабатларда олтин билан бирга 30 та мамлакатнинг миллий валюталари халқаро тўлов воситаси сифатида эътироф этилди. Аммо ҳақиқатда Англиянинг фунт стерлинги ва олтин халқаро тўлов воситасига айланди.

Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, Биринчи жаҳон уруши оқибатида фунт стерлинг Европадаги бошқа валюталарга нисбатан оз миқдорда қадрсизланди, иккинчидан, XX асрнинг 20-йилларига келиб жаҳон савдосининг 60 фоиздан ортиқ қисми Англия банклари томонидан фунт стерлингга молиялаштирилар эди, учинчидан, Англия очиқ иқтисодиётга эга бўлиб, шу сабабли, Англия билан савдо-сотиқ қилиш осон эди, ўз навбатида, Англиядан товар сотиб олиш учун бошқа давлатларга фунт стерлинг керак эди, уни топиш учун эса, Англияга товар сотиш зарур эди.

**1944 йилнинг 22 июнида АҚШнинг Бреттон-Вудс шаҳрида учинчи жаҳон валюта тизимига асос** солинди. Мазкур тизимда эришилган муҳим натижалар куйидагилардан иборат:

– АҚШ доллари ва Англия фунт стерлингига расман жаҳоннинг захира валюталари деган мақом берилди;

– миллий валюта курсининг олтин паритетдан тебраниш чегараси манфий 1% дан мусбат 1% гача бўлган оралиқ сифатида белгилаб қўйилди;

– АҚШ долларидagi захираларни олтинга алмаштириш катъий белгиланган баҳода амалга оширилди, яъни 1 унция олтин 35 долларга алмаштириладиган бўлди;

– ХВФ давлатлараро валюта муносабатларини тартибга солувчи орган сифатида ташкил этилди.

XX асрнинг 70-йилларида АҚШ доллари курсининг кескин тебрана бошлаганлиги доллардан захира валюта сифатида фойдаланаётган давлатларнинг норозилигига сабаб бўлди. Натижада, АҚШ долларидан қочиб тенденцияси пайдо бўлди. Бундан ташқари, долларнинг олтинга алмаштирилиши натижасида АҚШ олтин захиралари миқдорининг кескин камайиши юз берди. Юқорида қайд этилган сабаблар АҚШ долларининг гегемонлигига асосланган учинчи жаҳон валюта тизимининг емирилишига ва тўртинчи жаҳон валюта тизимининг юзага келишига сабаб бўлди. Айниқса, АҚШнинг Вьетнамда олиб борган узоқ йиллик уруши натижасида Давлат бюджетининг дефицити миқдори кескин ўсди. Бу эса, доллар курсининг кескин тебраниши учун жиддий асос бўлди.

**Тўртинчи жаҳон валюта тизими Ямайка давлатининг Кингстон шаҳрида, 1976 йилнинг январь ойида** бўлиб ўтган давлатлараро келишув натижасида юзага келди ва 1978 йилнинг апрелида ратификация қилинди.

**Тўртинчи жаҳон валюта тизимининг муҳим натижалари** куйидагилардан иборат:

- олтинни демонетизация қилиш расман тугалланди;
- қатъий белгиланган курслар режими бекор қилинди;
- олтин-девиз стандарти СДР стандарти билан алмаштирилди;
- ХВФнинг валюта муносабатларини эркинлаштиришга кўмаклашишини кучайтириш белгиланди.

**Жаҳон валюта тизимининг элементлари:**

- захира валюталар, халқаро ҳисоб бирликлари – захира валюталар сифатида АҚШ доллари, евро, Буюк Британия фунт стерлинги ва Япония иенаси тан олинади. Халқаро ҳисоб бирлиги сифатида СДРни кўрсатиш мумкин. СДР валюта саватида 2006-2010 йилларда АҚШ долларининг улуши 44,0% ни, евронинг улуши 34,0% ни, фунт стерлингининг улуши 11,0% ни, иенанинг улуши эса 11,0% ни ташкил этгани ҳолда, ушбу таркиб 2011-2015 йилларда 41,9, 37,4, 11,3 ва 9,4 нисбатда бўлиши кутилмоқда (31.1.1-жадвал);

- валюталарни ўзаро конвертациялаш шартлари – фақат ички конвертацияга эга бўлган валюталар, ички ва ташқи конвертацияга эга бўлган валюталар;

- валюта паритетларининг умумлаштирилган режимлари – валюта паритетлари миллий валюталарнинг харид қобилиятини етакчи валюталардан бирининг тўлов қобилиятига нисбатан ҳисоблаш кенг қўлланмоқда;

- валюта курси режимларини тартибга солиш – қатъий белгиланган курслар режими барҳам топди ва давлатларга эркин сузиш режимидан фойдаланиш тавсия этилди;

- валютавий чеклашларни давлатлараро тартибга солиш – ХВФ жорий операциялар бўйича валютавий чеклашларини олиб ташлашни талаб қилади;

- халқаро валютавий ликвидликни давлатлараро тартибга солиш – халқаро валютавий ликвидлиги паст бўлган давлатларга ХВФ имтиёзли кредитлар бермади ва уларга техник ёрдам кўрсатади;

- халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланишнинг умумлаштирилган тартиби – халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланишнинг умумлаштирилган тартиби халқаро Женева конвенциялари, аккредитив ва инкассо бўйича умумлаштирилган қоидаларда ўз ифодасини топган;

- халқаро ҳисоб-китоб шаклларини умумлаштириш – халқаро ҳисоб-китоб шакллари икки йирик гуруҳга бўлинади: соф тўловлар ва ҳужжатлаштирилган тўловлар;

- халқаро валюта ва олтин бозорларининг режими – халқаро валюта ва олтин бозорлари валютавий чеклашлар мавжуд бўлмаган давлатларда жойлашган ва уларда эркин савдо амалга оширилади;

- валюта муносабатларини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар – ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро ҳисоб-китоблар банки бу соҳада нуфузли халқаро ташкилотлар ҳисобланади.

СДР валюта савати таркибида миллий валюталар улуши<sup>1</sup>

Валюталар	2006-2010 йй.	2011-2015 йй.
АҚШ доллари	44	41,9
Евро	34	37,4
Фунт стерлинг	11	11,3
Япон иеваси	11	9,4

Жаҳон валюта тизимида олтин узоқ вақт мобайнида муҳим ўрин эгаллаб келган. Замонавий жаҳон валюта тизимининг асосий хусусиятларидан бири – бу олтиннинг тўлик демонитаризациясидир. Шунга қарамасдан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида олтин халқаро валюта бозорларига ва валюта тизимларига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Ямайка жаҳон валюта тизимида олтинни демонетизация қилиш жараёни ниҳоясига етказилди. Бунинг маъноси шуки, олтиндан халқаро тўлов воситаси сифатида тўғридан-тўғри фойдаланиш тақиқланди. Олтинни жаҳон олтин бозорларида сотиш ва ундан тушган валюта тушуми ҳисобидан мажбуриятларни бажаришга рухсат берилди. Аммо бу билан олтинга бўлган талаб йўқолмади. Олтин ўзининг ноёб металл сифатидаги, жозибадор жамғарма воситаси сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. Олтин ижтимоий бойликни моддийлаштириш воситаси бўлиб қолаверди, жумладан, иқтисодий инқирозлар шароитида олтинга бўлган талаб кучаяди ва олтин жуда йирик миқдорда сотиб олинади. Олтиннинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги аҳамиятини тавсифловчи муҳим жиҳатлардан яна бири – унинг халқаро кредитлар учун юқори ликвидли гаров объекти эканлигидир. Бундан ташқари, олтин марказий банкларнинг асосий активларидан бири ҳисобланади ва муомаладаги пул массасини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Таҳлиллар, етакчи ривожланган мамлакатларда олтиннинг расмий мамлакат олтин-валюта захираларидаги улуши 70% дан кам эмаслигини кўрсатмоқда (31.2.1-жадвал).

2000–2011 йилларда олтин баҳосининг тебраниш даражаси сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, олтиндан халқаро валюта муносабатларида фойдаланишда сезиларли муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, олтиндан халқаро кредит беришда гаров сифатида фойдаланилганда, олтинни сотишдан олинган тушум унинг баҳоси тушиб кетиши натижасида, кредитни ва унга ҳисобланган фоизни қоплашга етмаслиги мумкин.

<sup>1</sup> Красавина Л.Н. Тенденции развития международных валютных отношений в условиях глобализации мировой экономики. //Деньги и кредит, №11, 2011. С. 20.

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида олтин захиралари, 2011 йил<sup>2</sup>

Мамлакат	Олтин захиралар ҳажми, тонна	Мамлакат расмий олтин-валюта захираларидаги улуши, %
АҚШ	8133,5	75,4
Германия	3401	72,7
Италия	2451,8	72,4
Франция	2435,4	68,2
Хитой	1054,1	1,6
Швейцария	1040,1	17,3
Россия	841,1	8,2
Япония	765,2	3,5
Жамия	30707,1	...

Хулоса қилиб айтганда, олтинни демонетизация қилиш жараёни тугалланган бўлса-да, олтин халқаро валюта муносабатларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда ва ўзининг иқтимоий бойликни моддийлаштириш объекти сифатидаги жозибadorлигини сақлаб қолди.

### 31.3. Валюта операциялари ва уларнинг асосий турлари

Валюта операциялари деганда, хорижий валюталар ва валютавий қимматликлар билан амалга ошириладиган олди-сотди операциялари тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига кўра, қуйидагилар валютавий қимматлик ҳисобланади:

- куйма олтин;
- чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар;
- чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари.

Валюта операцияларининг уч асосий тури мавжуд:

- спот операциялари;
- муддатли валюта операциялари;
- своп операциялари.

**Спот операцияси** – спот битими тузилгандан кейинги икки иш куни мобайнида амалга ошириладиган валюта операцияси. Шанба, якшанба кунлари, байрам кунлари ва битим тузилган кун бу икки кунлик муддатга кирмайди.

Спот операциялари **спот курслар** асосида амалга оширилади. Спот-курс спот битими тузилаётган вақтда белгилаб қўйиладиган курс бўлиб, икки иш куни мобайнида ўзгармасдан қолади. Жаҳон валюта бозорларида амалга оширилаётган спот операцияларининг 90 фоизга яқин қисми бешта валютада –

<sup>2</sup> Ўша манба. С. 19.

АҚШ доллари, евро, Япония иени, Англия фунт стерлинги ва Швейцария франкида амалга оширилади.

Етакчи валюталардан фақат фунт стерлинг эгри котировкага, қолган валюталар тўғри котировкага эга.

Агар миллий валютанинг курси аниқланаётганда бир бирлик сифатида миллий валютанинг ўзи олинса, бу эгри котировка дейилади. Агар миллий валютанинг курси аниқланаётганда бир бирлик сифатида хорижий валюта олинса, бу тўғри котировка дейилади.

Валюта операцияларининг иккинчи тури – бу муддатли валюта операциялари ҳисобланади. Ўз навбатида, муддатли валюта операцияларининг уч шакли мавжуд:

- форвард операциялари;
- валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар;
- валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар.

**Форвард операциялари** валюта захираларини валюта рискдан ҳимоя қилиш мақсадида қўлланилади. Форвард шартномалари тижорат банки билан экспортёр ўртасида, тижорат банки билан тижорат банки ўртасида тузилади.

**Форвард операциялари** деганда, маълум бир валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш тушунилади. Форвард шартномалари тузишнинг қуйидаги стандарт муддатлари мавжуд:

- 1 ҳафта;
- 1, 2, 3, 6, 9, 12 ой.

Форвард операциялари **форвард курслари** асосида амалга оширилади. Форвард курси – бу форвард шартномаси имзоланаётганда белгилаб қўйиладиган курс бўлиб, у шартнома ижросига қадар ўзгармасдан қолади.

Форвард шартномаси қуйидаги икки формула орқали аниқланади:

$$\text{Форвард курси} = \text{Спот курс} + \text{Устама} \quad (1)$$

$$\text{Форвард курси} = \text{Спот курс} - \text{Дисконт} \quad (2)$$

**Спот курс** тижорат банкларида доимо мавжуд бўладиган курс ҳисобланади. Шу сабабли, форвард курсини аниқлаш учун устама ёки дисконтни аниқлаш kifоя.

**Устама ва дисконт** ягона формула асосида аниқланади:

$$U / D = (СК \times \PhiС\dot{\Phi} \times \PhiШМ(\text{кунларда})) \times ((360 \times 100) = (БВ\PhiС \times \PhiШМ(\text{кунларда}))$$

бу ерда:  $U/D$  – устама ёки дисконт;

$СК$  – спот курс.

$\PhiС\dot{\Phi}$  – фоиз ставкалари ўртасидаги фарк;

$\PhiШМ$  – форвард шартномасининг муддати;

$БВ\PhiС$  – битим валютаси бўйича фоиз ставкаси.

Фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ аниқланаётганда баҳоловчи валюта бўйича депозитларнинг фоиз ставкаси олинади, битим валютаси бўйича эса, кредитларнинг фоиз ставкаси олинади. Кейин улар ўртасидаги фарқ аниқланади.

Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса, у ҳолда, олинган натижа дисконт дейилади. Агар битим валютаси бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан паст бўлса, у ҳолда, олинган натижа устама дейилади. Устама ва дисконтнинг ўлчов бирлиги «пипис» деб аталади.

**Валюта опционлари** қимматли қоғозлар бўлиб, маълум бир валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради. Валюта опционлари, форвард шартномаларидан фарқли равишда, ўз эгасига мажбурият юкламайди, фақат ҳуқуқ беради. Шу сабабли, валюта опционлари валюта захираларини валюта risksидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берадиган молиявий инструмент ҳисобланади.

Валюта опционларининг икки тури мавжуд:

- колл опционлар;
- пут опционлар.

**Колл опционлар** валюталарни сотиб олиш ҳуқуқини беради. **Пут опционлар** эса, валюталарни сотиш ҳуқуқини беради.

Валюта опционларининг иккита стандарти мавжуд:

1. Европа стандарти.
2. Америка стандарти.

Европа стандартида опцион эгаси валюта опционидан фақат опцион муддати тугагандан кейингина фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Америка стандартида опцион эгаси валюта опционидан опцион шартномаси муддатининг исталган вақтида фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Валюта фьючерси – шундай шартномаки, маълум бир валютани белгиланган курс бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради.

Валюта фьючерслари бўйича ҳисоб-китоблар клиринг палатаси орқали амалга оширилади. Клиринг палатаси иштирокчи банклардан аванс тўловларини ўтказишни талаб қилади. Бундан мақсад – фьючерслар бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш. Валюта фьючерслари бўйича ҳисоб-китоблар стандарт муддатларда амалга оширилади. Масалан, Ғарбий Европада валюта фьючерслари бўйича ҳисоб-китоблар бир йилда 4 марта, яъни март, июнь, сентябрь, декабрь ойларининг ҳар иккинчи пайшанбасида амалга оширилади.

Валюта фьючерслари стандарт суммаларга ёзилади. Масалан, 25 минг фунт стерлинг, 100 минг доллар, 12,5 млн. Япония иени.

Валюта операцияларининг учинчи тури *своп операциялари* дир.

**Своп операцияси** – маълум бир валютани спот шарти бўйича сотиш ва уни форвард шарти бўйича сотиб олиш ёки валютани форвард шарти бўйича сотиш ва уни спот шарти бўйича сотиб олиш.

Своп операциялари валюта захираларини валюта рискдан ишончли тарзда ҳимоя қилади, лекин катта даромад келтирмайди. Чунки своп операцияларида ҳар доим бир-бирига мазмунан тескари бўлган иккита операция мавжуд бўлади.

Тижорат банклари фаолиятида валюта rischi муаммосининг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаётганлигининг уч асосий сабаби мавжуд.

Биринчидан, халқаро валюта савдосининг асосий объектлари бўлган етакчи валюталарнинг эркин сузиб юрувчи курс режимида эканлиги. Расмий статистик маълумотларга кўра, ҳар куни жаҳон валюта бозорларида турли валюталарда 4 трлн. доллардан ортиқ миқдорда операциялар амалга оширилади. Шунинг 40% дан ортиқ қисми фақат АҚШ доллариди амалга оширилади. Доллардан кейинги ўринларда евро ва Япония иенаси туради. Ҳар учала валюта эркин сузиб юрувчи курс режимидадир. Бу эса уларнинг алмашув курсининг кескин тебраниш хавфини оширади. Масалан, 2002–2003 йилларда АҚШ доллари СДРга нисбатан 16% га, еврога нисбатан – 30%, швейцария франкига нисбатан – 26%, япон иенасига нисбатан – 19% га қадрсизланди. 2004 йилнинг 13 январиди 1 евро 1,2720 АҚШ долларига тенг бўлди. Бу эса, 2000 йилнинг 26 октябрдаги курсга нисбатан 55% га юқори. Де-мак, шу давр мобайнида АҚШ доллари еврога нисбатан 55% га қадрсизланди.

Иккинчидан, валюта операциялари даромадлилик даражасининг юқори эканлиги. Банклар юқори фойда олиш мақсадида тобора юқори рискли операциялар билан шуғуланмоқда. Валюталарнинг олди-сотди операцияларининг 90% ига яқини спот шарти бўйича амалга оширилади. Бу эса риск даражаси юқори бўлган операция туридир.

Учинчидан, тижорат банкларининг ўз миқозлари билан амалга оширадиган муддатли валюта операциялари ҳажмининг узлуксиз ўсиб бораётганлиги. Тижорат банклари валюта рискининг даражаси қисқа ва узун валюта позицияларининг миқдори билан белгиланади.

Агар банк маълум бир валютада қисқа позицияга эга бўлса, бу валюта курсининг ошиши натижасида банк зарар кўради, агар ушбу валютанинг алмашув курси пасайса, банк фойда кўради.

Агар банк маълум бир валюта тури бўйича узун позицияга эга бўлса, бу валютанинг курси ошиши натижасида банк фойда кўради, курснинг пасайиши натижасида эса, зарар кўради. Шу сабабли, ҳар бир тижорат банкида узун ва қисқа валюта позициялари миқдорини мувофиқлаштириш масалаларига катта эътибор берилади.

Агар банк маълум бир валюта тури бўйича узун позицияга эга бўлса, бу валютанинг курси ошиши натижасида банк фойда кўради, курснинг пасайиши натижасида эса, зарар кўради.



Халқаро андозаларга мувофиқ, ҳар бир тижорат банкида битта валюта бўйича очиқ позицияларнинг миқдори банк капиталининг 5% идан ортиқ бўлмаслиги лозим. Барча валюталар бўйича бу кўрсаткичнинг максимал даражаси 20% ни ташкил этади.

### 31.4. Ўзбекистонда валюта муносабатлари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётни, жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ҳисобланади. Бу масаланинг ечилиши бош мақсад қилиб қўйилган иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ўтказишда биринчи даражали аҳамиятга эга. Чунки амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзда тутилган мақсад мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш эди. Бу мавжуд ресурсларни тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини ошириш, жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини кучайтириш учун рағбатлантириш, жаҳон иқтисодий интеграциясини тезлаштириш билан боғлиқ бўлган жуда катта жараён ҳисобланади.

1996 йиллар охирларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида хорижий валютани чеклаш тартиби жорий этилди. Бу тадбирнинг амалга оширилиши импорт ҳажми ва таркибини назорат қилиш имконини берди, натижада умумий импорт ҳажмида инвестиция товарларининг улуши ошди.

Валюта тартибини чеклашдан кўзланган асосий мақсад миллий валютанинг айирбошлаш курсини ошириш ва валюта бозорида унинг бошқа валюталар билан параллел равишда муомалада бўлишини таъминлаш эди. Лекин бундай сиёсат муайян шарт-шароитлардагина қисқа муддатли ижобий самара бериши мумкин. Масалан, валютани чеклашнинг асосий шартларида бири – валютани айирбошлаш курсидан экспорт эгилувчанлиги коэффициентининг паст бўлишидир. Буни экспорт ҳажмида хомашё, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улуши асосий қисмини ташкил этганлиги билан изоҳлаш мумкин эди. Бундай вазиятда чет эл валютасининг маъмурий йўл билан тақсимланиши импорт ҳажмига ва таркибига таъсир этади. Қисқа ва узоқ муддатли истиқболда валюта курсига нисбатан экспорт эгилувчанлиги албатта ўзиб кетади. Юқори айирбошлов курси эса экспортни қисқартиришга олиб келди. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатига ва инвестиция ресурслар импортига салбий таъсир этади.

90-йилларнинг охирларида иқтисодиётда рўй берган ўзгаришлар сўмни девальвация қилиш ва валюта бозорини эркинлаштиришни тақозо этди. Валюта бозорини эркинлаштириш куйидагиларга асосланади:

- экспорт ҳажмини кўпайтириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- нархлар нисбийлиги таркибини такомиллаштириш;
- параллел валюта бозорини, импорт қилувчиларнинг фойда бермаётган ренталарини бартараф этиш ёки салмоқли қисқартиришни амалга ошириш;

- макроиктисодий барқарорликни таъминлаш;
- чет эл инвестициялар оқимини кўпайтириш;
- молиявий сиёсатни мустаҳкамлаш.

Чет эл валюта бозорини либераллаштириш жараёни 2000 йилнинг май ойидан бошланди. 2000 йилнинг май ойидан бошлаб амалда ва турли хил валюта операцияларини ўтказишда қўлланиб келинган биржа ва биржадан ташқари айирбошлаш курслари унификациялаштирилди. Бундай чора биржа курси сўмнинг девальвациясини биржадан ташқари даражага етказишга асосланган эди. Ҳамма операциялар учун МБнинг ягона курси ишлатила бошлади.

2000 йил 1 июлга келиб чет эл валюта бозори биржа ва биржадан ташқари бозорларга бўлинди. Сўмнинг конвертацияси, яъни чет эл валютасига алмаштириш операциялари биржадан ташқари бозорда ўтказила бошланди. Илгари бундай операциялар Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ўтказиларди.

Биржадан ташқари валюта бозорида сўмнинг курси девальвация қилинди, параллел бозордаги алмашинув курси даражасида қайд этилди. Чет эл валюталарини биржадан ташқари валюта бозорида сотиш қўйидаги операциялар бўйича амалга оширилган:

- давлат томонидан кафолатланмаган чет эл кредитларини, чет эл валютасидаги ваколатли банк кредитларини, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган кредитларни;

- МБ лицензияга эга бўлган корхоналарнинг импорт истеъмол товарларининг реализация қилиниши натижасида тушган пулнинг сўмдаги конвертацияси;

- ишлаб чиқариш техникаси учун белгиланган маҳсулотлар, товарлар, хизматлар импорти;

- инвестиция лойиҳаси асосида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар ва янги технологиялар импорти;

- лизинг берувчилар маблағларини тиклаш;

- дивидент ва даромадларнинг маълум қисми репортацияси;

- айирбошлаш шохобчалари орқали мавжуд чет эл валюталарини сотиш;

- ваколатли банклар орқали банклараро битим тузиш.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда экспорт ҳажмини ошириш ва чет эл валюта тушумини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил июндаги Фармонида асосан тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари экспортдан келган даромаднинг солиққа тортилишдан озод қилинганлиги, шунингдек, ишлаб чиқарган товарларида экспорт улуши 25% дан 50% гача бўлган тақдирда солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилганлиги, экспорт ҳажми 50 фоиз ва ундан ошиб кетганда эса мол-мулк солиғи олинмаслиги кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга асосий туртки бўлди.

1999–2001 йилларда қўрилган чора-тадбирлар натижасида сўм курсини айирбошлашда маълум даражада девальвация бўлди (МБ курси 5 марта, биржадан ташқари бозорда 3,5 марта). Шу давр ичида истеъмол баҳолари 26 марта, ЯММ эса 3 марта ошди. Бу – сўмнинг ҳақиқий айирбошлаш курси пасайганини ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги ошганини кўрсатади. Марказий банк ва параллел бозорнинг алмаштириш курсларини тенглаштириш ва миллий валютани мустаҳкамлаш йўлида қўрилган чора-тадбирлар етарли бўлмади. Бу – 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун иқтисодий ва молиявий сиёсат соҳасида Меморандум ишлаб чиқилишига ва ХВФ томонидан имзоланишига сабаб бўлди. Бу Меморандумда ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта режимини эркинлаштириш, жорий операцияларда миллий валютанинг конвертациясини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш масалалари кўриб чиқилди. Бу соҳада қўйилган навбатдаги қадам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва айирбошлаш курсларини унификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 11 июнда қабул қилган қарори бўлди. Бу қарорнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 12 июлдаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотди. Янги қабул қилинган қарордан кўзда тутилган энг асосий мақсад – ички валюта бозоридида алмашинув курсларини унификациялаш батамом охирига етказилди.

Кейинги йилларда нақд чет эл валютаси билан операциялар ўтказиладиган бозорларни эркинлаштириш, валюта алмаштириш операцияларини кенгайтириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон территориясида мингдан ортиқ айирбошлаш шохобчалари ва 26 та ваколатли банклар фаолият кўрсатиб турибди. Жисмоний шахслар – резидентлар томонидан нақд чет эл валюталарининг сотилиши билан бирга ваколатли банклар обрўли чет эл банклари ва чет эл молия институтлари томонидан чиқарилган эмитетли йўл чекларини сотиш йўлга қўйилган.

Юқорида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий халқаро операцияларда қатнаштирилаётган Ўзбекистон Республикасининг Миллий валютасининг конвертацияси таъминланди. Ҳозирги вақтда ушбу тамойилларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳақида гап борар экан, Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўрсатилган тамойиллар ХВФ низомининг VIII моддаси талабларига тўла-тўқис мос келишини айтиб ўтиш лозим.

### **Асосий тушунчалар**

**Жаҳон валюта тизими** – турли мамлакатлар ўртасидаги валюта-кредит муносабатларини ўзида мужассамлаштирувчи тизим.

**Олтин стандарт** – пулнинг асосий шакли олтин ҳисобланган ўзаро алоқалар амалиёти.

**Эркин конвертирланадиган валюта** – ҳар қандай хорижий валютага эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валюта.

**Қисман конвертирланадиган валюта** – хорижий валюталарнинг маълум бир қисмигагина айирбошланадиган, хорижий валютани сотиб олишда ва сотишда чеклашлар мавжуд бўлган валюта.

**Конвертирланмайдиган валюта** – хорижий валюталарга айирбошланмайдиган ва ички тўлов айланмасига хизмат қиладиган валюта.

**СДР (SDR)** – Халқаро валюта фондининг махсус пул бирлиги.

**Валюта курси** – бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигидаги баҳоси.

**Котировкалаш** – валюта курсини ўрнатиш.

**Тўғри котировкалаш** – хорижий валюта бирлигига тўғри келадиган миллий валюта миқдорини ўрнатиш.

**Тесқари котировкалаш** – миллий валюта бирлигига тўғри келадиган хорижий валюта миқдорини ўрнатиш.

**Девальвация** – миллий валюта курсининг камайтирилишига қаратилган тадбир.

**Ревальвация** – миллий валюта курсини оширишга қаратилган тадбир.

**Номинал валюта курси** – бир бирлик миллий валютага тўғри келадиган хорижий валютанинг қиймати.

**Реал валюта курси** – миллий товар бирлигига ҳамда хизматларга тўғри келадиган хорижий товар ва хизматлар қиймати.

**Валюта операциялари** – хорижий валютанинг олди-сотдиси бўйича операциялар.

### Назорат саволлари

1. Жаҳон валюта тизими шаклланишининг асосий шарт-шароитларини айтинг.

2. Олтин стандартга асосланган миллий валюта тизими хусусиятлари нимадан иборат?

3. Бреттон-Вудс валюта тизимининг хусусиятлари нимадан иборат?

4. Ҳозирги замон жаҳон валюта тизимининг хусусиятлари қандай?

5. Жаҳон валюта тизимининг қайси белгиларини ажратиш мумкин?

6. Қайси валюталар захира валюта сифатида қўлланилади?

7. Валютанинг конвертирланиши нима ва у қандай кўринишларда мавжуд бўлади?

8. Валюта курси ва котировка деганда нималар тушунилади?

9. Валюта девальвацияси нима ва у валютанинг оддий қардрисланишидан қандай фарқланади?

10. Валюта бозори деганда нима тушунилади ва у қандай функцияларни бажаради?

11. Муддатли валюта операцияларига нималар киради?

### 32.1. Жаҳон молия бозорининг моҳияти ва функциялари

Кенг маънода жаҳон молия бозори – мамлакатлар ўртасида капитал ресурсларини жамлаш ва тақсимлашни таъминлаб берувчи бозор муносабатлари йиғиндиси. Умуман, бу тушунча халқаро молиявий шартномаларнинг мазмунини ташкил қилувчи иштирокчилар манфаатларининг ўзаро таъсирини англатади.

Тор маънода жаҳон молия бозори – бу фонд бозори, яъни қимматбаҳо қозғалар билан операциялар амалга ошириладиган бозордир.

Жаҳон молия бозорини турли мезонлар бўйича таснифлаш мумкин. Жаҳон молия бозори унда амалга ошириладиган операциялар объектига кўра қуйидаги сегментларга ажратилади:

- валюта бозори;
- ссуда капиталлари бозори;
- фонд ва суғурта бозори;
- олтин бозори.

*32.1.1-жадвал*

**Жаҳон валюта, кредит ва молия бозорлари: иштирокчилари ва таркиби<sup>1</sup>**

Миллий иштирокчилар	Бозорларнинг таркиби	Халқаро иштирокчилар
Корпорациялар	Валюта бозорлари, шу жумладан свровалюталар бозори	Халқаро корпорациялар, ТМК
Банклар ва махсус молия-кредит институтлари, шу жумладан суғурта компаниялари	Ссуда капиталлари бозори: а) пул бозори; б) капиталлар бозори; в) свробозор.	Халқаро банклар, ТМБ Махсус молия-кредит институтлари, шу жумладан суғурта компаниялари
Фонд ва товар биржалари	Молия бозорлари	Йирик фонд ва товар биржалари
	Суғурта бозорлари	Давлат
Давлат	Олтин бозори	Халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари

Жаҳон молия бозорининг сегментлари ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ўртасида доимий равишда молиявий ресурсларнинг оқиб ўтиши содир бўлади.

Жаҳон молия бозорлари ташкилий жиҳатдан қуйидаги турларга ажратилади:

<sup>1</sup> Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник / Под ред. Л.Н.Красавиной. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2002. С. 332.

1. Расмий ташкил этилган ёпиқ молия бозорлари. Ушбу бозорларга кириш имконияти чекланган.

2. Норасмий ташкил этилган очик молия бозорлари. Ушбу бозорларга кириш имконияти чекланмаган.

3. Бирламчи бозор. Бу бозорда янги чиқарилган молиявий активлар савдоси амалга оширилади.

4. Иккиламчи бозор. Бу бозорда мавжуд молиявий активлар савдоси амалга оширилади.

5. Доимий бозор. Бу бозорларда операциялар махсус хоналарда, ускуналарда ва информация технологиялар ёрдамида хоҳлаган вақтда амалга оширилади ва доимий бўлмаган бозорлар, масалан, кимошди савдолар (аукционлар) ўтказилади.

Миқёсига кўра молиявий бозорлар: миллий; худудий ва жаҳон бозорларига бўлинади.

Жаҳон молия бозори жаҳон бозорининг рақобатчи субъектлари ўртасида товарлар, хизматлар ва капиталларнинг ҳаракатини таъминлаб беради. Бундан ташқари молия бозорлари конъюнктуранинг ҳолати тўғрисида менежерларга зарур қарорларни қабул қилишда ёрдам берувчи турли сигналларни беради.

Молиявий ресурслар қуйидаги каналлар бўйича ҳаракатланади:

– товарлар (махсус товар – олгини ҳам ҳисобга олган ҳолда) ва хизматлар савдосини амалга оширишдаги валюта-кредит ва ҳисоб-китоб хизматлари;

– асосий ва айланма капиталларга хорижий инвестициялар;

– кредит операциялари;

– валюта операциялари;

– қимматбаҳо қоғозлар ва ҳосилавий молиявий дастаклар билан амалга ошириладиган операциялар;

– ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам ҳамда халқаро ташкилотларга аъзолик бадали шаклида миллий даромаднинг давлат бюджети орқали қайта тақсимланиши ва бошқалар.

Жаҳон молия бозори турли миллий молия бозорлари асосида юзага келган бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғланган.

Жаҳон молия бозорининг таркибини ўрганиш ва таҳлил этиш жаҳон молия бозорининг моҳиятини тизимли ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон молия бозорининг таркибини савдо қилинадиган молиявий дастаклар, бошқарув ва назорат имкониятлари, молиявий операциялар амалга ошириладиган жой ва институционаллик каби омиллар асосида ўрганиш мумкин.

Институционал нуқтан назардан эса жаҳон молия бозорининг таркиби унда иштирок этиш характери, мақсади ва инвесторларнинг турига кўра таҳлил этилади.

Савдо қилинадиган молиявий дастакларга асосан жаҳон молия бозорининг таркиби валюта, кредит, инвестициялар, суғурта ва фонд

бозорларига бўлинади. Ушбу сегментларнинг ягона жаҳон молия бозорига бирлаштирилишига сабаб уларда амалга ошириладиган операцияларнинг барчаси молиявий ресурслар оқимини юзага келтириши билан боғлиқ. Жаҳон молия бозорининг барча сегментлари молиявий ресурсларнинг эркин ҳаракатини таъминлаб беришга хизмат қилади.

XX аср охири XXI аср бошларида жаҳон молия бозори жадал суръатларда ривожланиб, савдо операцияларида турли янги молиявий дастаклар пайдо бўлди. Ушбу молиявий дастаклар таркибига деривативларни киритиш мумкин. Деривативлар бирор-бир молиявий дастакнинг ҳосилавий шакли ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бир томондан деривативларнинг пайдо бўлиши валюта ва қимматбаҳо қоғозларнинг курслари бўйича юзага келадиган рискларнинг олдини олиш ҳамда рискларни қайта тақсимлаш имкониятини берган бўлса, бошқа томондан деривативлар жаҳон молия бозорида спекулятив савдолар ҳажмининг ортиб кетишига сабаб бўлди. Валюталар ва қимматбаҳо қоғозлар курслари бўйича юзага келадиган рискларнинг олдини олиш имкониятининг юзага келиши товар ва хизматлар бозорининг ривожланишига, бу эса жаҳон иқтисодийнинг реал сектори ривожланишига олиб келди. Спекулятив савдолар жаҳон молия бозорларида кунлик савдо ҳажмининг ортиб кетиши, бозорга қўшимча спекулятив ресурсларнинг кириб келиши, “иқтисодийда совун пуфағи”нинг пайдо бўлиши ва 1994, 1997–1998, 2002, 2008 йилларда халқаро молиявий инқирозларнинг юзага келишига сабаб бўлди. 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бугунги кунда жаҳон молия тизимини бутунлай танг ҳолатга келтириб қўйди.

**Бошқарув ва назорат имкониятларига кўра жаҳон молия бозорлари биржа, бошқариладиган бозорлар ва биржадан ташқари бошқарилмайдиган бозорларга бўлинади.** Жаҳон молия бозорида амалга оширилаётган операцияларнинг тахминан 10–12% и назорат остида, бошқа операциялар эса назоратсиз амалга оширилади.

Жаҳон молия бозорининг таркибини ўрганишда молиявий операциялар амалга ошириладиган жойни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мезонга асосан жаҳон молия бозорида қуйидаги икки сегментни ажратиш мумкин:

1. Халқаро молия марказлари (Лондон, Нью-Йорк, Токио, Франкфурт-на-Майне, Цюрих, Сингапур, Гонконг);
2. Оффшор<sup>2</sup> худудлар (Мэн ороллари, Кипр, Кайман ва бошқалар).

Жаҳон молия бозори институционал нуктаи назардан бу бозорда фаолият кўрсатадиган барча субъектлар мажмуидир (32.1.1-расм).

---

<sup>2</sup> Оффшор – кредит ташкилотлари (миллий ва хорижий) норезидентлар билан чет эл валютасида операцияларни амалга оширувчи жаҳон молия маркази. Суда капиталларининг ичкн бозори резидентларнинг ҳисоб-рақамларини норезидентлар ҳисоб-рақамларидан ажратиш йўли билан ташқи (халқаро) бозордан ажратиб қўйилади ҳамда норезидентларга солиқ имтиёзлари, валюта назоратидан озод қилиш ва бошқа шу каби имтиёзлар берилади.



32.1.1-расм. Жаҳон молия бозорининг асосий субъектлари

Жаҳон молия бозори субъектлари операцияларда иштирок этиш характерига кўра бевосита ва билвосита иштирокчиларга ажратилади. Биржа (бошқариладиган) жаҳон молия бозорларида бевосита иштирокчилар гуруҳига ўз ҳисобидан, миқозлар ҳисоби ва топшириқномаларига кўра операцияларни амалга оширувчи брокерлар, маклерлар қиради. Биржанинг аъзоси бўлмаган миқозлар брокерларга мурожаат қилинади ва улар ўз навбатида билвосита иштирокчилар гуруҳига қиради. Биржадан ташқари (бошқарилмайдиган) бозорларда бевосита иштирокчилар гуруҳига йирик маркетмейкерлардан<sup>3</sup> ташқари барча иштирокчилар билвосита иштирокчилар гуруҳига қиради.

Жаҳон молия бозори иштирокчилари иштирок этиш мақсадига кўра хеджерлар ва спекулянтларга бўлинади. Спекулянтлар ўз навбатида трейдерлар ва арбитражларга ажратилади. Хеджерлар – валюта курсларининг келгусида салбий томонга ўзгаришидан кўриладиган молиявий зарарнинг олдини олиш билан шуғулланувчи иштирокчилардир. Спекулянтлар – молиявий инструментларнинг курсларидаги фарқ ҳисобига фойда олишни кўзлаган иштирокчилар. Трейдерлар – молиявий инструментларнинг курслари ўзгаришидан фойдаланган ҳолда бир ёки бир нечта шартномалар асосида фойда олишни кўзлаган жаҳон молия бозори иштирокчилари. Бундай операциялар молиявий ресурсларнинг курси ошиши кутилаётган шароитда сотиб

<sup>3</sup> Доимий равишда валюталарни олаш ва сотиш курслари котировкаларини ҳамда шу котировкалар бўйича операцияларни амалга оширувчи молия ташкилотлари.



олиш ва кўзланган нуқтада сотиш, молиявий ресурсларнинг курси тушиши кутилаётган шароитда эса уни сотиш ва кўзланган нуқтада сотиб олиш каби шартномалар билан амалга оширилади. Трейдерлар бозорнинг ликвидлигини оширади. Арбитражчилар – бир вақтнинг ўзида турли бозорларда, турли нархлар асосида молиявий ресурсларни сотиб олиш ва сотиш орқали фойда кўрадиган жаҳон молия бозори иштирокчилари. Арбитражчи молиявий дастакларни юқори нарх бўлган бозорда сотади ва нархи паст бўлган бозорда эса сотиб олади. Нархлардаги фарқ эса унинг фойдаси ҳисобланади. Арбитражчи ўзининг фаолияти орқали турли молиявий бозорлардаги нархлар ва курсларнинг тенглашишига, шу билан бирга жаҳон молия бозорининг турли сегментларидаги ўзаро боғлиқ молиявий дастакларнинг паритет ҳисобларидаги даромадлигини тиклашга тurtки беради.

Жаҳон молия бозори **инвесторлар турига кўра хусусий ва институционал иштирокчиларга ажратилади**. Хусусий инвесторлар – молиявий инструментлар билан операцияларни амалга оширувчи жисмоний шахслар. Кейинги гуруҳ инвесторлари – институционал инвесторлар ёки жамоавий инвестициялаш билан шуғулланувчи молия институтлари гуруҳи. Охирги 20 йил давомида инвестицион фаолиятда тижорат банклари, пенсия фондлари, суғурта, инвестицион ва молия компаниялари, жамғарма банклари, ўзаро жамғарма компаниялари ва бошқа молия-кредит институтлари, халқаро молия институтларининг роли ошиб бормоқда.

Жаҳон молия марказлари халқаро молиявий ресурслар оқимларининг бир жойга жамланиши ва энг фойдали тармоқларга тақсимланишини таъминлаб берадиган марказлар ҳисобланади. Тарихан улар миллий бозорлар асосида, кейинчалик эса жаҳон валюта, кредит, фонд, олтин бозорлари асосида ташкил топган. Шунинг учун жаҳон молия марказлари таркибида жаҳон молия бозорининг барча сегментлари мавжуд.

### **32.2. Жаҳон молия бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятлари**

Жаҳон молия бозорининг шаклланиши миллий ссуда капиталининг халқаро операциялар орқали байналмилаллашуви туфайли юз берди. Бу жараён XX асрнинг 60-йилларига тўғри келади. Бунгача деярли 40 йил давомида 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози, Иккинчи жаҳон уруши, валюта чекловлари, бозор, депозитлар бўйича ставкалар ва бошқалар қаттиқ назорат остида бўлганлиги учун молия бозори деярли фаолият кўрсатмас эди. Буюк депрессия давридан бошлаб пул бозорлари қаттиқ назорат қилина бошлади. Масалан, АҚШда банклар депозитлари бўйича фоиз тўловлари 1% дан 2,5% гача чегаралаб қўйилган эди. Бунда кредитлар бўйича бозор ставкалари анча юқори бўлиб, капиталларни хорижий банкларга қўйилишига ундарди.

Жаҳон молия бозори ривожланишининг объектив сабаби хўжалик алоқаларининг халқаро даражага кўтарилиши ва миллий молия бозорларининг

халқаро операцияларни амалга ошириш имкониятларининг чекланганлиги ҳисобланади. Жаҳон валюта, кредит, қимматли қоғозлар ва олтин бозорлари ривожланишига асосий туртки рақобат муҳити бўлган. Айнан рақобат муҳити молиявий ресурсларнинг халқаро оқими ҳажмини, валюта-молия ва тўлов шартларини назорат қилиб, қайта тақсимлаб беради.

Лекин шунга алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, рақобат муҳити ҳар доим ҳам кутилган натижани беравермайди. Шунинг учун бозор назорати ҳукумат ва ҳукуматларга назорат тизимлари билан бирлашади. Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар жаҳон молия бозорини назорат қилишларидан кўзланган мақсад бу соҳада инқироз ҳолатлари юзага келишининг олдини олишдан иборат.

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, хомашё манбалари, фойдали инвестициялар, янги бозорларга бўлган рақобат курашининг ривожланиши жадал суръатлар билан молиявий ресурсларнинг бир мамлакатдан бошқасига оқиб ўтишига, бундай ресурслар миллий характерининг тобора йўқолиб боришига олиб келди. Миллий молия бозорлари ўзларининг нисбий мустақиллигини сақлаб қолишган бўлса-да, лекин жаҳон молия бозорлари билан чамбарчас боғланиб бормоқда. Жаҳон молия бозорларининг барқарор суръатларда ўсиши туфайли кенг имкониятларнинг мавжудлиги ва тобора мобиллашиб бориши халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидаги муҳим соҳалардан бирига айланди.

Маълумки, бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти чуқур тизимли инқироз шароитида бўлиб, фонд ва банк тизимининг инқирозга учраши туфайли иқтисодиётнинг барча тармоқларига таъсир кўрсатди.

Жаҳон хўжалигининг молиявий секторига кўрсатаётган таъсири инқирознинг миллий иқтисодиётга таъсирини минималлаштириш мақсадида марказий банклар томонидан молия бозорини доимий равишда кузатиб, таҳлил қилиб боришини талаб этмоқда.

Глобал молия бозори халқаро масштабда капиталларнинг ҳаракатини таъминлаб бериши билан жаҳон иқтисодиётининг муҳим элементи бўлиб хизмат қилади. XX асрнинг 60-йилларида жаҳон молия бозорининг вужудга келиши ссуда капиталлари бозори халқаро операцияларининг байналмиллатлашуви асосида рўй берди. Бу даврга қадар бир қатор сабаблар – 1929–1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози, Иккинчи жаҳон уруши, мавжуд валюта чекловлари ва бозорнинг қаттиқ назорат этилиши туфайли халқаро савдо фаол бўлмай, тўғридан-тўғри инвестициялар ва молиявий операциялар деярли йўқ эди.

Бреттон-Вудсда шакллантирилган институтларга (ХВФ ва Жаҳон банки) капиталлар оқимини халқаро миқёсда кенгайтириш ва жадаллаштириш орқали жаҳон савдоси ривожланишига туртки бериш мақсадида асос солинган эди. Жаҳон банки тўғридан-тўғри инвестициялар танқислигини тўлдириб туриши, Халқаро валюта фонди эса савдодаги дисбалансни бартараф этиш учун молиявий кредитларга бўлган талабни қондириши керак эди. Иккинчи жаҳон

урушидан кейинги даврда аста-секин ташқи савдо ва валюта чекловларини бекор қилиш сиёсати олиб борилди. Жаҳон молия бозоридаги операцияларга давлатнинг аралашув шакли ҳамда даражаси ҳар бир мамлакатнинг валюта-кредит тизими ва иқтисодийётининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб турар эди. Интеграцион жараёнлар ягона фоиз ставкалари тизимининг шаклланиши ва муомаладаги валюталар доирасининг қисқаришига олиб келди. Йирик миллий компаниялар ва банкларнинг трансмиллийлашуви содир бўлди. Айнан шулар кўшимча даромад олиш мақсадида бўш турган активларни хориждаги ишлаб чиқариш ва молия структураларини инвестициялашга туртки бериб зарурат туғилганда жаҳон молия бозоридан кўшимча капитал қарзга олинар эди.

Юқори ахборот технологияларининг ривожланиши турли молия бозорларининг бир-бирларига боғлиқлиги ҳамда уларнинг барчасининг АҚШ иқтисодиёти ва молиясига боғлиқлигини кучайтириб юборди.

Ўзига хос ривожланиш суръатларига эга бўлган интеграциялашган глобал молия бозори шаклланди. Унинг ичида капиталларнинг доимий ҳаракати рўй бериб, қисқа муддатли қўйилмалар ўрта ва узоқ муддатли кредитларга айланди, қимматли қоғозлар эмиссияси ўрнини оддий банк заёмлари эгаллади. Қимматли қоғозлар бозори ҳажми астрономик кўрсаткичларда ҳисобланадиган даражада спекулятив кенгайиши ва капитал қўйилмалари ҳажмининг кўпайиши юз берди.

Ишлаб чиқариш харажатлари ривожланаётган мамлакатлардаги арзон ишчи кучи ва ресурслар ҳисобига товарларнинг таннархига минимал даражада таъсир кўрсата бошлади. Молия бозорлари тобора иқтисодий реализмдан фаркланиб бориб, валюталар ва қимматли қоғозларнинг нархлари рамзий равишда сунъий яратилган нархлар асосида шаклланди.

Молия бозорида ноаниқликнинг юзага келиши, хусусан, валюта ва қимматли қоғозларнинг курсларидаги ноаниқлик рискларни бошқариш механизмларининг ривожланишига туртки берди. Анъанавий молиявий дастаклар янги турдаги қимматли қоғозлар ва мажбуриятлар – бошқа қимматли қоғозларнинг ҳосиласи ҳисобланган деривативлар билан тўлдирилди. Деривативлар валюталар, акциялар ва бошқа активларнинг курслари ўзгариши ҳисобига ўйнаш имкониятини очиб берди. Ушбу бозорнинг хусусияти шундан иборатки, молиявий операциялар олиб борадиган айрим иштирокчиларнинг рискларини қайта тақсимлаш ва пасайтириш орқали унинг фаолияти умумий тизимли рискнинг ошиб кетишига олиб келади. Деривативлар билан олиб бориладиган транзакциялар, амалда, ҳуқуқий бошқарув тизимига бўйсунмас экан, бу ҳолат кенг миқёсдаги спекулятив операцияларга йўл очиб, молия, валюта-молия соҳасининг реал иқтисодиётдан ажралиб чиқиши жараёнини жадаллаштиради.

Бу ажралиш улар ўртасидаги алоқанинг сусайганлигини билдирмайди. Аксинча, боғлиқлик даражаси кенгайди, лекин олдиндан айтиб бўлмайдиган характерга эга бўлиб борди. Молиявий операциялар соҳасида капитални

аккумуляция қилиш даражаси тобора ўсиб борди, натижада бундай аккумуляция оқибатида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг спекулятив активларга айланиши юз берди. Шундай қилиб жаҳон молиявий-иқтисодиёт дунёсида “Совун пуфағи” деб номланган феномен юзга келди.

Катта ҳажмдаги капиталларнинг назоратсиз ҳаракати асосан қисқа муддатли портфель инвестициялар шаклида юз беради ва уларнинг молиявий спекуляциялар соҳасида концентрацияланиши бутун молия бозори тизимининг беқарорлашувига олиб келади. Бунинг оқибатларини биз даврий равишда юзга келадиган валюта-молия инқирозларида кўришимиз мумкин.

XXI аср бошларида содир бўлаётган воқеалар глобал тенденциялар билан боғлиқ бўлган инқирозларнинг тизимли характерга эга эканлигини тасдиқлади. 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бутун халқаро молия бозори тизимини ларзага келтирган жараёнлар муомаладаги қимматли қоғозлар ва пул массаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жуда беқарор эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ва бу инқирознинг келгусидаги қайтарилишнинг олдини олиб бўлмайдиган қуйидаги муаммоларни санаб ўтиш мумкин:

- ҳосилавий қимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ бўлган муаммолар;
- *миллий валюта тизимлари билан* боғлиқ бўлган муаммолар;
- жаҳон қарздорлик инқирози билан боғлиқ бўлган муаммолар;
- товар ва хизматлар бозорининг очиклик даражаси билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Жаҳон молия бозорини бошқарувчи мавжуд дастаклар етарли эмас ва амалда инқироздан чиқишга ёрдам берадиган ёки келгусида рўй бериши мумкин бўлган инқирозларни олдиндан айтиб бера оладиган аниқ рецепт мавжуд эмас. Муаммони ҳал қилиш учун бутун жаҳон бўйича иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан юқори даражадаги интеграция бўлиши керак. Лекин, амалда жаҳон бозорида рақобатлашувчи Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Жануби-Шарқий Осиё худудлари бўйича халқаро худудий иқтисодий блокларнинг вужудга келиши юз бермоқда.

Блокларни шакллантириш жаҳондаги иқтисодий ҳолатнинг беқарорлашувига қарши ўзига хос химоя реакцияси ҳисобланади. Шу билан бирга Хитой ва Ҳиндистон сингари мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти ортиб, уларнинг яқин келажакда худудий блоклар билан тенглаштириладиган иқтисодий тизимларга айланиши кутилмоқда.

XX аср охири XXI аср бошларига келиб жаҳон молия бозори миқёси жуда катта ҳажмга эга бўлди. Халқаро ҳисоб-китоблар Банки ва ХВФ маълумотларига кўра, муомалага киритилган халқаро облигацияларнинг қиймати 2,3 трлн. долларни, бутун мамлакатларнинг ташқи қарз мажбуриятлари эса 3,2 трлн. долларни ташкил қилар экан. 70-йилларнинг охирида юзга келган ҳосилавий молиявий дастаклар бозори жадал суръатлар билан ривожланиб келмоқда. Улардан энг муҳимлари ҳисобланган фойз

своплари ва опционлари ҳамда заёмлар бўйича валюта свопларининг умумий қиймати 40 трлн. доллардан ошиб кетган. Бу эса, бизнеснинг нақд пулдаги операцияларнинг муддатли операцияларга ва реал соҳадаги операцияларнинг молиявий соҳадаги операцияларга кўчиб ўтишини кўрсатади.

Жаҳон молия бозорининг замонавий таркиби кредит ресурслари операцияларининг охириги иштирокчилари – кредитор ва қарздор – турли мамлакатларнинг резидентлари бўйича қайта тақсимлашни тақозо этар эди. Институционал нуқтаи назардан бозор иштирокчилари – бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ссуда капиталларининг ҳаракатини таъминлаб берувчи кредит-молия ташкилотларидир. XXI аср бошларида капиталларнинг истеъмолчилари (асосий қарз олувчилари) ҳисобланган корпорациялар ва банкларнинг капитал таркибида қарз дастакларининг улуши ошиб кетди. Қарз олувчиларнинг жаҳон молия бозорига кириши анча соддалаштирилди, операциялар олиб боришга кам харажатлар талаб этилар ва ахборот бериш масаласида талаблар соддалаштирилган эди. Бир вақтнинг ўзида йирик қарзларни ҳукуматлар оларди. Лекин улар ўзларининг статусига кўра жаҳон молия бозорига тўғридан-тўғри мурожаат қила олмайдилар ва бу масала акциядорлик жамиятлари орқали амалга оширилар эди.

Молиявий бозорлардаги охириги ўн йилликнинг муҳим тенденцияларидан бири – жамоа инвестициялаш бўйича институционал инвесторларнинг ёки молиявий институтларнинг миқдорий ва сифат ўсиши содир бўлиши ҳисобланади. Суғурга компаниялари, пенсия ва пайчилик фондлари, инвестицион компанияларнинг роли ўсиб бориб, инвестициялар узоқ муддатли характерга эга бўлган фонд бойликларига қаратилиши жараёни рўй берди.

Валюта захираларининг интенсив равишда жамланиши жаҳон молия бозорида марказий банкларнинг инвестор сифатидаги ўрни ва аҳамиятининг ошишига олиб келди. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, Марказий банклар мамлакатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқаради ва валюта интервенциясини юритади. Ҳар бир марказий банк ўзининг инвестицион сиёсатини олиб боради. Ҳозирда молиявий дастаклар доираси жуда кенг, ўз навбатида, марказий банкларнинг инвестицион портфели дифференциациялашмоқда.

Ҳосилавий молиявий дастаклар билан савдо динамик равишда ўсиб борди. Бу эса тез ўзгарувчи халқаро иқтисодий муносабатлар шароитида молия бозорининг ривожланишини таъминлашга қаратилган янги турдаги дастакларнинг жадал суръатларда пайдо бўлишига олиб келди.

Глобал молия тизимининг ҳосилавий молиявий дастаклар бозори жаҳон молиявий-иқтисодий тизимини издан чиқарувчи манба бўлиб қолди.

Жаҳон молия бозорининг ривожланишидаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қадар куйидаги тенденцияларни ажратиш мумкин<sup>4</sup>:

<sup>4</sup> Фролова Е.В. Мировой финансовый рынок: до и после кризиса. //ЭКО, №6, 2010. С.163–164.

**Биринчидан,** 1995–2005 йилларда акция ва облигация бозорлари жадал суръатларда ривожланди, банк депозитлари улуши эса қисқариб борди. Ушбу тенденция 2006 йилга қадар давом этди, аммо банк депозитлари одинги уч йилга нисбатан мутлақ қиймати бўйича ўртача икки баробарга ошган ва депозитлар ҳажмининг ўсиши асосан АҚШга тўғри келган. АҚШда аҳоли уй-жой қурилишининг жадал суръатларда ривожланиши сабабли акциялардан тушган тушумларни қурилишга сарфлашди. Инқироз эса вазиятни сезиларли даражада ўзгартирди ва банк депозитларининг истиқболдаги ўсиши Хитой иқтисодиётининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб қолди. Чунки бу мамлакатда депозитлар – жамғаришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

**Иккинчидан,** жаҳон молия бозорининг “молиявий чуқурлиги” ортди. “Молиявий чуқурлик” тушунчаси макроеқтисодиётда 1980 йилларда Жаҳон банки томонидан иқтисодий ўсиш суръатлари ва иқтисодиётнинг пул ресурслари билан тўйинганлиги, молия, пул-кредит тизимларининг мураккаблиги ва кенг тармоқлилиги ўртасидаги боғлиқликни ифодалаш учун жорий этилган. Макродаражада бу кўрсаткич молиявий бозорнинг капиталлашиш даражаси (қарз юқининг монетизация даражаси)нинг ялпи ички маҳсулотга нисбати орқали топилади. Микродаражада эса компаниянинг бозордаги капиталлашиш даражасининг компания капиталига нисбати сифатида баҳоланади.

Жаҳон молия бозорининг “молиявий чуқурлиги” кўрсаткичи 2006 йилда 345% га тенг бўлгани ҳолда 2007 йилда 359% га етди ва асосан акция, облигациялар бозори, баъзи ҳолларда давлат қарзининг ортиши ёки активлар бозорини нотўғри баҳолаш ҳисобидан юз берди. Молия бозорининг “чуқурлиги” уларнинг ликвидлигини оширди, қарз олувчилар учун кредит олиш имкониятларини яхшилади, молиявий активларни<sup>5</sup> самарали баҳолашга ёрдам берди ва иқтисодий ўсишни жадаллаштирди. Давлат қарзларидан ташқари барча турдаги активлар ҳажми ортиб борди. Жумладан, 1990 йилда молиявий активлар ҳажми 33 та мамлакатда ЯИМ ҳажмидан ошиб кетган бўлса, 2006 йилга келиб уларнинг сони 72 тага етди.

**Учинчидан,** хорижий инвестициялар миқдоси ҳажми ортди ва бу ҳолат молия бозорларининг бир-бирига боғлиқлигини янада кучайтирди. Ахборот олиш тезлиги, янги технология ва коммуникациялар глобал банклар ҳамда молиявий воситачиларни вужудга келтирди. Кўплаб мамлакатлар хорижий капитал ҳаракати йўлидаги тўсиқларни камайтирди, хорижий инвесторлар учун ички бозорларни очиб, ўз фуқаролари ва компанияларига хорижта капитал чиқариш учун рухсат беришди.

**Тўртинчидан,** инвесторлар ўз мамлакатларининг ички бозорларига қараганда ташқи бозорларга кўпроқ капитал сарфлай бошлашди. Таҳлиллар кўрсатишича, хорижий инвесторлар 1990 йилда жаҳон корпоратив


---

<sup>5</sup> Молиявий активлар – жаҳон молия бозори активларининг бир қисми бўлиб, ўзида банк депозитлари ва қимматли қозғолар каби молиявий ресурсларни ифода этади.

облигацияларининг 7% ига эгалик қилган бўлсалар, 2007 йилда бу кўрсаткич 21% га етди.

Бешинчидан, хорижий қарзлар ва кредитлар ҳажми жадал суръатларда кўпайди. 2002–2006 йилларда хорижий қарзлар ва кредитлар ҳажми 4 бараварга ошиб, жаҳон молия бозорининг йирик сегментига айланди. 2006 йилда хорижий облигацияларга капитал кўйиш ҳажми 2,5 трлн. долларни ташкил этиб, ушбу бозорнинг иккинчи сегментига айланди. Инвесторлар давлат облигацияларига эмас, балки корпорацияларнинг облигацияларига маблағ сарфлай бошлашди. Натижада давлат облигациялари улуши облигациялар бозорининг учдан бир қисмигача қисқариб, корпоратив облигациялар улуши икки бараварга ортди. Хорижий акцияларга инвестициялар 2006 йилда 926 трлн. долларни ташкил этиб, молия бозорининг 11% ини ташкил этди.

Жаҳон молия бозорининг географик таркибида ривожланган мамлакатлар етакчи мавқега эга. АҚШ қимматли қоғозлар бозори жаҳондаги энг йирик бозор ҳисобланади. Еврозона, Буюк Британия ва Япония бозорлари кейинги ўринларни эгаллайди ва уларнинг бу бозордаги улуши ортиб бормоқда (32.2.1-расм).



32.2.1-расм. Облигацион ва акционер капиталнинг дунё мамлакатлари бўйича тақсимланиши, 2009 й. жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>6</sup>

Таҳлиллар кўрсатишича, 2006 йилда АҚШда молиявий активлар миқдори 56,1 трлн. долларни, Буюк Британия ва Ғарбий Европа мамлакатларида эса 53,2 трлн. долларни ташкил этди. Бунда Европа мамлакатлари активлари ўсишининг 75% и акция ва облигациялар бозорига тўғри келади (Буюк Британияда асосан акциялар, Ғарбий Европа мамлакатларида облигациялар ҳисобита). Европа бозорларидаги молиявий чуқурлик кўрсаткичи АҚШга нисбатан икки баравар тезликда ортиб бориб, 2007 йилда еврода ҳисобланадиган облигациялар ҳажми доллардаги облигациялар ҳажмидан ошиб кетди (840 млрд. евро – 814 млрд. доллар).

<sup>6</sup> Фрдова Е.В. Мировой финансовый рынок: до и после кризиса. //ЭКО, №6, 2010. С.163–164.

Жаҳон молия бозорининг инқирозгача бўлган давридаги ривожланишида ривожланаётган мамлакатларнинг ўрни катта. Ривожланаётган мамлакатлар молиявий активлари 2006 йилда 5,3 трлн. долларга ўсди ва ҳажми 23,6 трлн. долларга тенглашди. 2007 йилда эса ривожланаётган мамлакатлар молия бозори 35% га ўсди, асосий инвестициялар Хитой ва Россия иқтисодиётига жалб этилди. Хитой молия бозори ҳажми жиҳатдан жаҳонда АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллади.

### 32.3. Жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келиш сабаблари ва ундан чиқиш йўллари

Юқорида қайд этилган сабаблар таъсирида вужудга келган жорий молиявий инқироз ва рецессия жаҳон молия бозориди деярли ўттиз йил мобойнида давом этаётган ўсиш суръатларининг тўхтатишига олиб келди. Таҳлилилар кўрсатишича, 2008 йилда жаҳон молиявий активлари 16 трлн. долларга (8%) қискарди ва 178 трлн. долларни ташкил этди. Дунёнинг барча йирик мамлакатларида молиявий активларнинг қисқариши юз берди, жумладан, энг катта пасайиш Шарқий Европа мамлакатлари (64%), Россия (40%), Ҳиндистон (23%), Хитойда (17%) юз берди. Мутлақ кўрсаткичлар бўйича энг катта йўқотиш АҚШга тегишли бўлиб, 2007–2008 йилларда мамлакат молиявий активлари 5,5 трлн. долларга камайди (32.3.1-жадвал).

32.3.1-жадвал

#### Дунёнинг айрим мамлакатларида молиявий активларнинг ўзгариши, 2007-2008 йй.<sup>7</sup>

Мамлакат	Ҳажми, трлн. долл.	Ўзгариш, %	Мамлакат	Ҳажми, трлн. долл.	Ўзгариш, %
АҚШ	-5,5	-9	Лотин Америкаси мамлакатлари	-0,2	-6
Евროзона мамлакатлари	-1,6	4	Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари	-0,4	-9
Япония	-2,4	-8	Россия	-0,8	-40
Хитой	-2,4	-17	Ҳиндистон	-0,6	-23
Буюк Британия	0,6	8	Шарқий Европа мамлакатлари	-2,8	-64

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи

<sup>7</sup> Уша мавба. С. 166.



фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»<sup>8</sup>.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, ипотека инқирози – айсбергнинг фақатгина тепа қисми, холос. Муаммоларнинг асосий манбаи бўлиб ипотека облигацияларини чиқариш билан шуғулланувчи йирик молия институтлари фаолияти ҳисобланади.

Шундай қилиб, экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра 2005 йилдан бошлаб то 2008 йилнинг биринчи ярми якулиригача Америка банклари 200 млрд. доллар миқдорига ипотека кредитлари беришган. Шу билан бирга бу йиллар давомида “Леман Бразерс”, “Голдмен Сакс” ва бошқа банклар фонд бозорларига ипотека кредитлари шартномаларига асосланган, умумий қиймати 8 трлн. долларга тенг бўлган даромадли облигациялар жойлаштирилди. Шундай қилиб, сотилган ипотека облигациялари ҳажми берилган кредитлар қийматидан бир неча ўн баробарга ошиб кетди. Бу масала юзасидан таҳлилчилар турлича фикр билдиришади. Бундан келиб чиқиб, сотилган облигациялар тўлиқ таъминланмаган ёки қисман таъминланган, деган хулосага келиш мумкин. Бунда молия бозори иштирокчилари юзага келган деривативларни сотиб олиш учун зарур бўлган эркин пул массасига эга эмас эди. Амалда молиявий институтлар кўп миллиардлик облигацияларни ўзларининг активларига қўшган ҳолда оддийгина ўзаро айирбошлашар эди. Банк активларининг рекорд даражада ўсиши юқори бўғинилардаги менежерларга катта мукофотлар тўлашни тақозо этар эди.

2007 йилда АҚШда олинган кредитларни қайтармаслик инқирози юзага келди. Бу жараёнда жисмоний шахслар етарли ресурсларга эга бўлмаган ҳолда банк кредитларини тўлашни кечиктиришар ёки умуман тўламас эдилар. Бу ҳолат Америка ҳукуматининг молиявий заифлашишига олиб келди. 2007 йилнинг ўзидаёқ Америка аҳолиси, ҳатто энг кичик фоизаларни ҳам тўлаш қобилиятига эга эмас эди, чунки банк кредитлари ҳисобига истеъмолни қўллаб-қувватлаш фонди ресурслари деярли тугатилган эди.

Бозорда бу хабарнинг пайдо бўлиши натижасида ипотека облигацияларини сотиш жуда қийин бўлиб қолди. Натижада триллионлаб активларга эга бўлган дунё банкларида жорий тўловларни амалга ошириш учун реал ресурсларнинг етишмовчилиги юз бера бошлади. Банк секторини инқироз камраб олди; компаниялар томонидан кўрилган зарарлар тўғрисидаги маълумотларнинг тарқалиши бутун дунё фонд бозорларида мувозанатсизликларнинг юзага келишига олиб келди.

Бутун дунё бўйича иқтисодий ҳолат ёмонлашди: энг йирик трансмилий институтларнинг тўлов ресурсларидаги камомад миллий бозорларни ҳам

<sup>8</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон широктада уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 4-б.

инқироз билан касаллантирди. Ликвидлик инқироzi бутун иқтисодиётга, хизмат кўрсатишдан то ишлаб чиқаришгача бўлган ҳар бир тармоққа таъсир кўрсатди.

Дунё молиявий ҳамжамияти томонидан кўрилган жиддий чораларга қарамаздан дунёнинг йирик мамлакатлари иқтисодиёти рецессия ҳолатига туша бошладилар<sup>9</sup>. Бунинг тасдиғи сифатида куйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Япония ҳукумати 2008 йилнинг 17 ноябрида ЯИМнинг 2008 йилнинг учинчи чорағида 0,1% га қисқарганлигини расмий эълон қилди. Бу ҳолат Япония иқтисодиётининг 2001 йилдан бошлаб биринчи марта техник рецессия ҳолатига тушганлигидан далолат беради.

Европа Иттифоқида 2008 йилнинг учинчи чорағида иқтисодий ўсиш олдингига нисбатан анча суст борди. Шу йилнинг иккинчи чорағи билан солиштирганда учинчи чорақда Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида ЯИМ 0,2% га қисқарган. Бу ҳам Европа Иттифоқида рецессия ҳолатининг бошланганлигидан далолат беради. Чунки иккинчи чорақда ҳам ЯИМ 0,2% га қисқарган эди.

Жаҳон иқтисодиётининг молия тузими жуда оғир ҳолатга тушиб қолди, чунки спекулятив капиталнинг ўсиб борувчи массасини ҳеч нарса таъминлаб бермас эди. Бу ҳолатда мувозанатнинг бузилишига сабаб фойдага интилиш, инвестицион капиталнинг бир бозордан бошқасига тез кўчиб ўтиши ҳисобланади.

Дунёнинг фонд бозорларидаги акциялар курсининг кескин пасайиши компанияларнинг паст рентабеллиги ва етакчи банкларнинг катта зарарлари тўғрисидаги маълумотларнинг тарқалиши оқибатида юзага келди. Акциялар нархлари кескин тушиб кетди, бозорда зарарлари ёки даромадлиги тўғрисида маълумот умуман бўлмаган айрим компанияларнинг ҳам қимматбаҳо қоғозлари нархлари пасайиб кетди. Фонд бозорлари мувозанатсизлик чизғига тушиб қолишди ва бу ҳолат товар бозорларига ўз таъсирини кўрсатди.

2007 йил давомида деярли барча жаҳон бозорларида ўсиш кузатилди. Дунёдаги энг йирик ҳисобланган АҚШ акциялар бозори 2007 йилнинг охирига келиб ипотека инқироzi туфайли издан чиқа бошлади. Фаол ўсиш немис фонд бозорида кузатилди: DAX индекси 22% ли энг яхши кўрсаткич берди. Британия акциялари 3,8% га, француз акциялари 1,3% га ўсди. Россия фонд бозори ҳам шу йили яхши ривожланди, жумладан, электроэнергетика компанияларида аҳвол жуда яхши эди. Лекин жаҳон иқтисодиётида тобора мувозанатсизлик ҳолатлари белгилари кузатила бошлади.

АҚШда инқирознинг биринчи белгилари пайдо бўлганидан кейин деярли бир йил вақт ўтди. 2008 йилнинг охирига келиб бу жараён Америка энг фаол ва энг оғир фазага кирди, яъни АҚШ фонд бозорларида кескин пасайиш

<sup>9</sup> РосБизнесКонсалтинг. Economics & Markets. WEEKLY. 24 ноябрь 2008. С. 1.

кузатилди, энг йирик инвестицион банклар инкирозга учради, “Фани Мей” ва “Фредди Мак” миллийлаштирилди. 2008 йилнинг охири ва 2009 йилнинг бошларида Европа ва Россияга инкироз кириб борди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, айрим аналитиклар, бу инкироздан Европа худуди мамлакатлари ва Россия фақат фойда кўради деб ҳисоблашар эди.

2008 йилда корпорациялар ўсиб бораётган қийинчиликлар туфайли ўзларининг зарарларини беркитишар ёки фойдаларини ошириб кўрсатишарди. Фонд бозорларидаги ноаниқликлар бутун жаҳон иқтисодиётидаги яширин муаммолар билан аралашиб, бу муаммоларнинг натижаларини прогнозлаш қийинлашиб бори.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2000 йилларда берилган истеъмол кредитларнинг фоизларидан келган маблағлар кўпгина ҳолларда банкларнинг инфляция натижасида кўрадиган зарарларини қоплаб бера олмасди. Жуда паст фоизлар асосида (3% гача) аҳолини кредитлаш капиталларнинг глобал миқёсда жамғарилишига олиб келди. Бозорларнинг имкониятлари даражаси жуда пасайгани ҳолатда жаҳон иқтисодиётида оғир, мураккаб аҳвол юзага келди. Корпорациялар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида катта маблағлар сарф қилишар, лекин ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни сотиш қийинлашиб борар эди. Шимолий Америка ва Европада талабнинг тушиб кетиши шароитида катта ички бозорларга эга бўлган мамлакатлар, хусусан Россия, Бразилия, Хитой ва Ҳиндистоннинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти ўсди. Бу мамлакатларда инкироз бошланганидан кейин ҳам анча вақтгача иқтисодий ўсиш кузатилди. АҚШдаги иқтисодий фаоллик пасайиш даврида бу мамлакатлар спекулятив капиталларни ўзига жалб қилувчи марказларга айланди.

2008 йилда жаҳон молия тизимига салбий таъсир кўрсатган кўшимча омиллардан бири – бу инфляциянинг кучайиши, хусусан, озиқ-овқат ва ёқилғига нархларнинг ўсиб кетиши ҳисобланади. Содир бўлган халқаро инфляциянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у глобал тарзда рўй берди. Бу инфляция дунёнинг барча мамлакатларига турли даражада таъсир кўрсатиб, барча пул бирликларининг харид қобилиятини пасайтириб юборди.

Инфляциянинг юзага келишига сабаб глобал ҳўжалиқда товар ва пул массасининг баланси бузилиши ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида пул массаси ошиб кетди, саноат маҳсулотларининг ҳажми эса деярли ўзгармай қолди. Бунда инкирознинг илк босқичлариданоқ товарларнинг нархлари тушиб кетди. Натижада ишчиларнинг иш ҳақлари ҳажмининг пасайиб кетиши кузатилиб, уларнинг харид қобилияти қисқариб борди. Истеъмол ҳажми аста-секин тушиб, талаб эса фақат бирламчи эҳтиёжларни қондиришга қаратилган эди.

2008–2009 йилларда бу жараён узлуксиз равишда давом этиб келди. 2010 йилда эса бирмунча яхшиланиш ҳолати кузатилди. Лекин инкироз жараёни ҳали-ҳамон давом этмоқда. Айрим таҳлилчиларнинг фикрича, бу жараён савдо инкирозининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида,

мураккаб иқтисодий ҳолатни янада ёмонлаштириши мумкин. Чунки 2008 йилдан 2009 йилнинг охиригача саноат ишлаб чиқариши тўлиқ қувваат билан ишламади, ишсизлар сони ортиб борди. Хусусан, ҳозирга қадар ишсизлик масаласи кўлгина мамлакатларда жуда оғир муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи нархлари, яъни истеъмол ҳажмининг қисқариши жараёнида тушиб борди. Яхши аграр шароитларга эга бўлган мамлакатлар (хусусан, Украина, Венгрия ва Болқон ярим оролининг бошқа мамлакатлари) ва нефть экспорт қиладиган мамлакат (Россия)нинг глобал инқироздан самарали фойдаланиш бўйича қилган прогнозлари нотўғри чиқди. Нефть нархи 2008 йилнинг сентябрь ойининг бошларигача юқори даражада бўлиб, сентябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб аста-секинлик билан тушиб борди. Бу эса бирданга катта қарзларга эга бўлган хомашё корпорацияларига салбий таъсир кўрсатди.

Инфляция билан боғлиқ бўлган умумжаҳон муаммосини ҳал қилишга мамлакатларнинг келишилмаган ҳолда олиб борган сиёсати тўсқинлик қилди. Миллий ривожланишни таъминлаш мақсадида пул-кредит сиёсатини юмшатишга ҳаракат қиладиган ҳукуматлар, ўз навбатида, инфляцияни кучайитиришга замин яратиб беришди ва натижада бу дунё иқтисодиёти бўйича иқтисодий фаоллик муҳитининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, ликвидлик инқирозининг олдини олиш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва марказий банклари томонидан иқтисодиётга катта ҳажмдаги молиявий ресурслар киритилди. Лекин бундай стратегия нисбатан қисқа муддат давомида молиявий мувозанатни таъминлашга кўмак берса-да, узок муддатда барибир пул массасининг қадрсизланишига олиб келарди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, инфляция глобал инқирознинг бир кўриниши бўлиб, бунда жаҳон қимматли қоғозлари, кўчмас мулклар (биринчи навбатда, АҚШда аҳолини оммавий кредитлаш жараёнининг тўхтатилиши туфайли истеъмол ҳажмининг тушиб кетиши оқибатида) асосий қисмининг нархлари тушиб кетиши рўй берди. Пулларнинг тобора товар билан таъминланганлик даражаси тушиб бориб, инқирознинг тарқалишини тезлаштириб юборди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетиши пул ва товар массаси ўртасидаги мувозанатли боғлиқликнинг бузилишига таъсир кўрсатди. Глобал хўжалик стагнация ҳолатига тушиб қолди. Жаҳон молия бозорларидаги оммавий пасайишлар дунё ҳамжамияти олдида янги муаммоларни келтириб чиқаришда давом этди. Кўлгина мамлакатлар ўзларининг молиявий захираларини АҚШ долларидан еврога, юаньга ўзгартира бошлашди. Бу эса айрим таҳлилчиларнинг фикрича, ривожланаётган мамлакатларда инфляциянинг кучайишига, бу мамлакатларнинг молиявий ҳолатининг янада ёмонлашишига олиб келиши мумкин экан.

АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари пулларнинг глобал равишда қадрсизланишига тайёр эмас эдилар ва аҳоли даромадларининг

инфляциян камайишига жавобгарликдан бош тортишар эди. Инфляцияга қарши олиб борилган чора-тадбирлар инфляциянинг юзага келишига сабаб бўлган асосий омилларга таъсир кўрсатмади. Натижада инфляция бартараф этилмай қолмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, инқирознинг юзага келишини олдиндан айтиш мумкин эди. Амалга оширилган кўпгина ишлар: ипотека кредитларини бериш жараёнининг либераллиги, уларни секьюритизация қилиш бозори ҳажмининг ошиб бориши, инвесторлар томонидан рисклар даражасини баҳолашда йўл қўйилган хатолар, рейтинг агентликлари томонидан ёлгон рейтингларнинг берилиши инқироз бошланишига олиб келди.

Шу ўринда айтиш жоизки, инқирознинг юзага келиш сабабларини олдиндан кўра билиш ёки унинг юзага келиш эҳтимолини прогностлаш имконияти бўлгани билан, айнан қачон юзага келиши ва миқёси қандай бўлишини олдиндан айтиб бўлмайди.

Ҳар бир янги юзага келган инқирознинг сценарийси деярли олдинги инқирозларни такрорламайди. Молия бозорларининг ҳолатини қузатиш билан шуғулланувчи марказий банклар ва бошқа назорат органлари инқирозга қарши курашишда кўпинча илгари рўй берган инқирозларнинг юзага келиш сабабларига қарши курашадилар, чунки янги юзага келган инқирозга қарши курашишга тайёр бўлмайдилар.

Бугунги кундаги инқироз, биринчи навбатда, банк ва кредит соҳасига, кейин эса корхоналарга таъсир кўрсатади ҳамда асосан кредитлаш тизими билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун бугунги кунда молия бозорларини, жаҳон иқтисодиётида рўй берадиган муносабатларни назорат қилишда ҳукуматлар асосий ролни ўйнаши кераклиги молиявий-иқтисодий муносабатларда ҳукумат бош ислохотчи сифатида иштирок этиши лозимлиги яққол кўзга ташланиб қолди.

#### **32.4. Ўзбекистоннинг халқаро молия муносабатларга интеграциялашуви**

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига интеграциялашувида унинг ҳудудий ва глобал даражадаги рақобатбардошлиги бўйича қиёсий устунлиги, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Амалга оширилаётган таркибий ислохотлар бўйича қизгин мунозараларнинг мавжудлигига қарамасдан, ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда, ҳукумат мамлакатнинг географик, ишлаб чиқариш ва технологик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарасини инобатга олмақда. Халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши халқаро молиявий муносабатлар иштирокчиларидан юқори даражадаги рақобатбардошликни талаб этади.

Шу жиҳатдан жаҳон хўжалигида Ўзбекистон қўшни МДҲ мамлакатларидан ўзининг қуйидаги халқаро устуворликлари билан ажралиб туради:

- қадимий бой маданият, тарихий ва диний ёдгорликлар халқаро туризм соноатини ривожлантириш учун қулай имкониятларни юзага келтиради;
- қулай табиий иқлим ва табиий бойликлар – ишлаб чиқариш, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида рақобатбардош муҳитни шакллантиради;
- “Буюк ипак йўли”да жойлашганлиги халқаро интеграцияда Европа билан Осиёни боғловчи “қўприк” вазифасини бажаришга етарлича имкониятни вужудга келтиради;

- Ўзбекистон Республикаси етарли даражада малакали мутахассислар билан таъминланган. Замонавий технология ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо қилиш бу соҳадаги имкониятларни кенгайтиради;

- мамлакат ҳукумати томонидан ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ва экспортни рағбатлантириш сиёсатининг юритилиши.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия муносабатларидаги иштирокида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Шунинчун олиб, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 633-ХП сонли “Ўзбекистон Республикасини Халқаро Валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликка аъзо бўлиши тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

ХВФ ва Жаҳон банки каби ташкилотлар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши нафақат республиканинг жаҳон бозорига интеграциясини тезлаштирди, балки амалга оширилаётган таркибий ислохотлар ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш самарасини оширди.

Халқаро молия институтлари билан алоқаларнинг салмоқли қисми халқаро кредитлар ва қарзлар масаласи билан боғлиқ. Ушбу муносабатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги, “Ташқи қарздорлик тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меъёрий актлар ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида олинган кредитлар ва қарзлар, асосан қисқа муддатли бўлиб, ички бозорни истеъмол товарлар билан тўлдиришга қаратилган бўлса, кейинги йилларда ҳукумат мазкур қарзларни жалб қилиш соҳасини таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш бўйича маълум ишларни олиб бормоқда.

Олинган қарзлар ва жалб қилинадиган узоқ муддатли кредитларнинг асосий йўналишлари сифатида экспорт салоҳиятини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳалари таъинланди. Минерал хомашё ресурсларини, шу жумладан нефть ва газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, машинасозликни ривожлантириш, телекоммуникация соҳасини замонавийлаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш – хорижий инвестициялар жалб қилинадиган устувор йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Хорижий инвестициялар миқёсининг кескин ортиши ва сифат даражаси амалга ошириладиган давлат инвестиция дастури ҳақида маълумот беради. Унинг мақсади – миллий ва хорижий инвесторларнинг инвестицион фаолиятини оптимал даражада ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Хорижий капитал оқимини рағбатлантириш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга хизмат кўрсатувчи молия-валюта инфратузилмасини ташкил этишга боғлиқ.

Молия-валюта инфратузилмаси хўжалик субъектлари билан жаҳон пул-капитал бозори ўртасидаги алоқаларни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу инфратузилмаларни ташкил этиш, қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

- банк тизимини такомиллаштириш;
- ички сугурта хизматлари соҳасини ривожлантириш;
- ички валюта бозори фаолиятини яхшилаш;
- лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш;
- аудит ва маслаҳат хизматлари бозорини ривожлантириш;
- миллий товарларни халқаро бозорлар томон ҳаракатини ташкил этиш

ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлиги ва иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгиланди, у мамлакатни халқаро бозорга қўшилишининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси табиий ресурсларга бой, саноат ва қишлоқ хўжалигида етарли даражада ривожланган айрим ишлаб чиқариш тармоқларига эга. Мисол учун, Ўзбекистон табиий газ қазиб олишда дунёда 9-ўринда, олтин қазини чиқаришда 7-ўринда, олтингургурт кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда ва пилла этиштиришда 7-ўринда туради.

Юқоридаги табиий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда республиканинг халқаро молия муносабатлари ва жаҳон хўжалигига интеграцияси мажмуи аниқ белгиланган мақсадлар ҳамда уларни амалга оширишга қаратилган асосий тадбирларни ўз ичига олади.

Биринчидан, республика миллий иқтисодиётининг кучли экспорт бўғинини ташкил этувчи ва унинг жаҳон бозорида муносиб ўринни эгаллашини таъминловчи бўғинларни аниқлаш;

Иккинчидан, иқтисодиётнинг экспорт соҳасида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланиш.

Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

– экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли фоизлар бўйича узоқ муддатли кредитлар ажратиш, мўлжалланган инвестицияларни сугурталаш;

– экспортёрларга миллий ишлаб чиқариш ва унинг хорижий рақобатчилари ишлаб чиқариши харажатлари ўртасидаги фарқни қоплаш;

– давлат томонидан республикага илғор технологиялар, тажрибалар ва билимларнинг кириб келиши учун субсидиялар ажратиш;

– экспорт ва импортни лицензиялаш ёки четга мол чиқаришга ва четдан уни олиб келишга рухсатномалар бериш;

– ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи, хориждан келтирилган хомашё ва материаллар, асбоб-ускуналар ҳамда жиҳозлар улушини босқичма-босқич камайтириш ва бошқалар.

Шу билан бирга халқаро молия соҳасидаги сиёсат миллий валютани мустаҳкамлаш ва уни бошқа валюталарга эркин алмашувини таъминлашни, ички нархларни жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш мақсадида баҳолар ислохотини тугаллашни, ташқи иқтисодий фаолиятнинг метъерий-ҳуқуқий асосларини халқаро талаблар даражасига етказишни назарда тутати.

Ўзбекистон учун бу соҳадаги асосий стратегик мақсадлар қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизими интеграциясига қўшилиб боришни таъминлаш;

– экспорт потенциалини ривожлантириш;

– импорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

– инвестиция сиёсатини такомиллаштириш;

– хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

– экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш зоналари ва эркин иқтисодий ҳудудларни ривожлантириш;

– ташқи иқтисодий фаолият инфрагузилмасини ривожлантириш.

Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим таркибий қисми — давлатларнинг турли халқаро минтақавий бирлашмалари, халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, НАТО, ЭКО, ОИК ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Булар орасида Европа Иттифоқи алоҳида ўрин тутати. 1996 йилда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди.

### Асосий тушунчалар

**Жаҳон молия бозори** – мамлакатлар ўртасида капитал ресурсларини жамлаш ва тақсимлашни таъминлаб берувчи бозор муносабатлари йиғиндиси.

**Халқаро ссуда капитали бозори** – бўш турган пул капиталларнинг тўпланиши ва мамлакатлар ўртасида қайта тақсимланиши бўйича муносабатлар мажмуаси.

**Пул бозори** – халқаро савдога хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қисқа муддатли операциялар бозори.

**Капиталлар бозори** – узоқ муддатли операциялар бозори.

**Деривативлар** – бирор-бир молиявий дастакнинг ҳосилавий шакли ҳисобланади.



**Оффшор** – кредит ташкилотлари (миллий ва хорижий) норезидентлар билан чет эл валютасида операцияларни амалга оширувчи жаҳон молия маркази.

**Хеджерлар** – валюта курсларининг келгусида салбий томонга ўзгаришидан кўриладиган молиявий зарарнинг олдини олиш билан шуғулланувчи иштирокчилар.

**Спекулянтлар** – молиявий инструментларнинг курсларидаги фарк ҳисобига фойда олишни кўзлаган иштирокчилар.

**Трейдерлар** – молиявий инструментларнинг курслари ўзгаришидан фойдаланган ҳолда бир ёки бир нечта шартномалар асосида фойда олишни кўзлаган жаҳон молия бозори иштирокчилари.

**Арбитражчилар** – бир вақтнинг ўзида турли бозорларда, турли нархлар асосида молиявий ресурсни сотиб олиш ва сотиш орқали фойда кўрадиган жаҳон молия бозори иштирокчилари.

**Хусусий инвесторлар** – молиявий инструментлар билан операцияларни амалга оширувчи жисмоний шахслар.

**Институционал инвесторлар** – жамоавий инвестициялаш билан шуғулланувчи молия институтлари гуруҳи.

“Молиявий чуқурлик” – иқтисодий ўсиш суръатлари ва иқтисодиётнинг пул ресурслари билан тўйинганлиги, молия, пул-кредит тизимларининг мураккаблиги ва кенг тармоқлилиги ўртасидаги боғлиқлик.

Макродаражада “молиявий чуқурлик” – молиявий бозор капиталлашиш даражасининг (қарз юкининг монетизация даражаси) ялпи ички маҳсулотга нисбати.

Микродаражада “молиявий чуқурлик” – компаниянинг бозордаги капиталлашиш даражасининг компания капиталига нисбати.

### Назорат саволлари

1. Жаҳон молия бозори нима ва у операциялар объектига кўра қандай сегментларга ажратилади?
2. Жаҳон бозорлари ташкилий жиҳатдан қандай турларга ажратилади?
3. Жаҳон молия бозорининг институционал таркиби қандай?
4. Жаҳон молия бозорининг иштирокчилари қайси мезонларга кўра гуруҳланади?
5. Жаҳон молия бозорининг таркиби қандай ва ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг вужудга келиш сабаблари нималардан иборат?
7. Халқаро ссуда капитали бозори деганда нима тушунилади. У ўз ичига қайси бозорларни олади?
8. Ўзбекистоннинг халқаро молия муносабатларига интеграциялашув хусусиятлари нималардан иборат?

## 33-БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

### 33.1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар: моҳияти, зарурияти, функциялари ва гуруҳланиши

Халқаро иқтисодий ташкилотлар – бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳамкорликдаги қарорларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш, бирхиллаштириш (унификациялаш) мақсадида халқаро келишувлар асосида ташкил этилган ташкилотлардир.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро иқтисодий муносабатларни давлатлараро тартибга солишнинг объектив зарурияти сифатида юзага келган.

Халқаро иқтисодий муносабатларни давлатлараро тартибга солиш – бу турли мамлакатлар томонидан жаҳон ҳўжалик алоқалари соҳасида ихтиёрий равишда қабул қилинадиган умумий мажбурият ва қоидалар йиғиндисидан иборат.

Бу заруриятнинг шаклланиш шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

– божхона тарифларини пасайтириш орқали халқаро савдони эркинлаштириш;

– жаҳон мустамлака тизимининг парчаланиши ва мустақил бўлган мамлакатларнинг ривожланишини таъминлаш;

– XX асрнинг 70–80-йилларидаги нефть экспорт қилувчи мамлакатлар сиёсати туфайли содир бўлган хомашё ва энергетика инқирозлари, ривожланаётган мамлакатлардаги таркибий инқирозлар;

– жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқаларнинг чуқурлашуви, миллий иқтисодий тизимларнинг жаҳон ҳўжалигида рўй бераётган ўзгаришларга мослашиши;

– трансмиллий корпорациялар ролиянинг ортиши;


– халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг интенсив ривожланиши;

– жаҳон социалистик тизимининг парчаланиши;

– глобал муаммоларнинг чуқурлашиши.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг асосини аъзо бўлган мамлакатларнинг фикр-мулоҳазаларини ошкор қилиш, бир-бири билан келиштириш, бу асосдаги вазиятларни бир мақсадга айлантириш, шунингдек, келиб чиққан вазифаларни аниқлаштириб, уларни ҳал этиш, чоратадбирларини ишлаб чиқишдан иборат. Ташкилотларнинг асосий фаолияти муҳокама, қарор қабул қилиш ва уларни амалга ошириш, ижросини назорат кабиларни ўз ичига олади. Юқоридагилардан халқаро ташкилотларнинг қуйидаги вазифалари келиб чиқади: тартибга солиш, назорат қилиш, амалга ошириш.

Тартибга солиш вазифаси (энг асосийси) қарор қабул қилишдан, аъзо мамлакатлар фаолиятини, мақсадини аниқлашдан иборат. Халқаро ташкилотлар резолюцияси бевосита халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид келмайдиган, лекин ҳуқуқни амалга оширувчи жараёнларга ўз таъсирини ўтказди. Халқаро ҳуқуқнинг кўпгина қоида ва меъёрлари дастлаб резолюцияларда ифодаланган эди. Уларга халқаро муаммоларни тасдиқлаш ва аниқлаш йўли билан халқаро ҳаётга татбиқ этиш хос: ташкилотлар аниқ вазиятларга нормаларни татбиқ этиб, уларнинг моҳиятини очиб беради. Назорат қилиш вазифаси мамлакатларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, резолюцияларга бўлган муносабатини назорат қилишдан иборат. Шу мақсадда ташкилотлар тегишли ахборотномани йиғиб, уни текшириб, муҳокама қилишга ва резолюцияларда ўз фикр-мулоҳазаларини биддиришга ҳақлидирлар. Кўп ҳолатларда мамлакатлар маълум бир миқдосга доир бажарилаётган вазифалари ҳақида доимий равишда маърузалар топширишлари шарт.



33.1.1-расм. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг функциялари

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг оператив вазифалари ташкилотларнинг ўз мақсадларига хусусий маблағлари ҳисобига эришишдан иборат. Кўпгина ҳолатларда ташкилотларнинг аниқ бир мақсадга етишишида мустақил аъзо мамлакатлардан фойдаланилади. Шу билан бирга бевосита фаолиятнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Ташкилотлар иқтисодий, илмий-техник ва консалтинг ёрдам кўрсатадилар.

Халқаро иқтисодий ташкилотларни турли мезонлар асосида таснифлаш мумкин.



### 33.1.2-расм. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг гуруҳланиши

1. Халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолият йўналишлари бўйича универсал ва ихтисослашган ташкилотларга бўлинади.

Универсал халқаро ташкилотлар барча мамлакатларнинг иштирок этиши учун мўлжалланган. Универсал халқаро иқтисодий ташкилотларга БМТнинг Иқтисодий ва иқтимоий кенгаши (ЭКОСОС), ЖСТ, ИХТТ, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги (АТЭС), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Халқаро савдо палатаси ва бошқалар қиради.

Ихтисослашган халқаро ташкилотларга фаолият соҳаси тор иқтисодий муносабатларни тартибга солишга ихтисослашган қуйдаги ташкилотлар қиради: ЮНИДО, ФАО, ВОИС, МАГАТЭ, ХМТ.

Халқаро ташкилотлар ташкилий белгиларига қараб бўлинади:

- БМТ тизимидаги халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- БМТ тизимига кирмайдиган халқаро иқтисодий ташкилотлар;
- Минтақавий иқтисодий ташкилотлар.

Халқаро ташкилотлар халқаро тартибга солиш доирасига қараб ҳам таснифланади:

1. Жаҳон иқтисодиётининг иқтисодий ва саноат тармоқларини тартибга солувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар (БМТнинг саноатни ривожлантириш – ЮНИДО, Умумжаҳон туризм ташкилоти, Умумжаҳон Денгиз ташкилоти ва бошқалар).

2. Жаҳон савдосини тартибга солувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар (Умумжаҳон савдо ташкилоти, БМТнинг савдо ва тараққиёт конференцияси – ЮНКТАД, хомашё ва озик-овқат мақсулотларини ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг халқаро ташкилоти);

3. Халқаро молия-кредит ва валюта ташкилотлари (Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки институтлари);

4. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар (ТМК бўйича БМТ комиссияси);


5. Жаҳон хўжалик алоқаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи нодавлат халқаро бирлашма ва ташкилотлар (савдо палаталари, тадбиркорларнинг халқаро иттифоқлари, тармоқ федерациялари). Халқаро ташкилотлар аъзолари фақат мустақил давлатлар бўла олади. Мамлакатларнинг бир қисми халқаро ташкилот аъзоси бўла олмайди. Ташкилотнинг ҳамма аъзолари тенг иштирок этадилар ва унинг фаолияти учун жавобгардирлар. Улар ташкилот бюджетига аъзолик тўловлари ўтказишади ва бу тўловлар миқдори ҳар хил бўлади. Масалан, БМТ харажатларини молиялаштиришда АҚШга – 25%, Японияга – 19,9%, Германияга – 9,8%, Францияга – 6,5%, Италияга – 5,4%, Буюк Британияга – 5,1%, Испанияга – 2,6%, қолган мамлакатлар ҳисобига – 25,7% тўғри келади.

Халқаро ташкилотларда кузатувчи мавқеи мавжуд. У ташкилот органига кирмаган мамлакатлар учун берилади. БМТнинг Бош Ассамблеясининг кўпгина сессияларида Швейцария кузатувчи сифатида иштирок этган. БМТнинг кўпгина аъзолари Хавфсизлик Иттифоқи мажлисларига ўз кузатувчиларини йўлайдилар. БМТнинг бир қатор миллий-озодлик ҳаракатларига ҳам кузатувчи мавқеи берилди. БМТ органларига махсус уюшмалар ва минтақавий ташкилотлар ҳам ўз кузатувчиларини юбордилар. Улар асосий мажлисларда иштирок этиш ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

### **33.2. БМТнинг ихтисослашган иқтисодий ва молия ташкилотлари**

БМТнинг штаб-квартираси Нью-Йоркда жойлашган бўлиб, унинг таркибида 190 дан ортиқ аъзо мамлакат мавжуд. БМТ низомининг 1-моддасида ташкилот фаолиятининг асосий мақсадлари ичида, “иқтисодий,

ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик қилиш” мақсади етакчи ўринда туради.



### 33.2.1-расм. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ): мақсади, принциплари ва таркиби

БМТ иқтисодий соҳада қуйидаги гўртта йўналиш бўйича фаолият олиб боради:

- глобал муаммоларни ҳал этиш;
- давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигига кўмаклашиш;
- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги инқирозлардан чиқилишига ёрдам бериш;
- минтақавий ривожланишни рағбатлантириш.

Юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг ҳар бири БМТ муассасаларининг фаолиятидаги ахборот, техника-маслаҳат ва молия соҳасида

хамкорликларни ўз ичига олади. БМТ бош ва ёрдамчи органлари, шунингдек, 18 та ихтисослашган институт ва бир қатор автоном тузилмалар бўлимлари Бош Ассамблея (БА), Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС), Секретариат ҳисобланади.

Бош Ассамблея ҳар йили сессиялар ўтказди (сентябрь, декабрь) ва жаҳон иқтисодиётидаги асосий масалалар умумий мажлислар ҳамда махсус иккинчи кўмита доирасида муҳокама қилинади.

ЭКОСОС 1946 йилда ташкил этилган бўлиб, 54 мамлакат унинг аъзолари саналади ва аъзоларнинг учдан бир қисми (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франциядан ташқари) уч йил муддатга қайта саналади. Юқоридаги бешта давлат уруш ва тинчлик масалалари билан шуғалланувчи Хавфсизлик кенгашида бўлгани каби доимий равишда ЭКОСОС таркибига киради. Кенгаш, одатда, бир йилда икки марта (ижтимоий-ҳуқуқий ва гуманитар, иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича) сессия ўтказди. ХИМ муаммолари бўйича қарорлар ва тавсиялар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти ҳам ЭКОСОС зиммасига юклатилган. Ҳозирда ЭКОСОС олтита доимий кўмита, еттига функционал ва бешта худудий комиссияларни таъсис этган. Булардан ташқари 18 та ихтисослашган муассаса, Жаҳон озиқ-овқат дастури ва ЮНКТАД/УСТ Халқаро савдо маркази ҳам ЭКОСОС патронажи остида фаолият олиб боради. БМТнинг иқтисодий органлари тизимида учинчи бўғин сифатида Секретариат фаолият олиб боради. Секретариат бир неча бўлимлардан (иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Департамент) таркиб топган бўлиб, маъмурий-ижрочий тузилма сифатида иш олиб боради.

Жаҳон ҳўжалиги муаммоларини ҳал қилишда БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича Анжумани (ЮНКТАД) ва БМТнинг саноат гаракқиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО) тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

1964 йилнинг охирида БМТнинг Бош Ассамблеяси халқаро савдо бўйича ҳамкорликка кўмаклашиш учун ЮНКТАДни таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Анжуманнинг олий органлари тўрт йилда бир ўтказиладиган сессия ва йилда икки марта тўпланадиган Кенгаш ҳисобланади. Кенгаш назорати остида доимий кўмиталар, вақтинчалик ишчи гуруҳлари ва Секретариат фаолият кўрсатади. ЮНКТАДга 186 та давлат аъзо бўлиб, унинг штаб-квартираси Женевада жойлашган. ЮНКТАД ўтказган ҳукуматлараро маслаҳатлар натижасида бир қатор муҳим савдо битимлари имзоланди, хомашё товарлари савдоси соҳасидаги ҳолатларни ўрганиш учун эксперт гуруҳлари ташкил этилди. Анжуман Европа ва Америка бозорларида ривожланаётган мамлакатларнинг маҳсулотлари учун махсус имтиёзлар бериш режимини қувватлаш йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

1967 йилда ташкил этилган ЮНИДО 166 та давлатни бирлаштирган бўлиб, унинг штаб-квартираси Вена шаҳрида жойлашган. Бу

ташкilotнинг бош вазифаси Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океаниядаги қашшоқ ва ривожланмаган камбағал мамлакатлар гуруҳини иқтисодий қолоқликдан олиб чиқиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида БМТ доирасида саноат ривожланишини мувофиқлаштиришдан иборат. ЮНИДОнинг олий органи икки йилда бир марта чаққирилган Бош Анжуман саналади. Бошқарув тузилмалари эса саноат тараққиёти бўйича кенгаш ва бюджет масалалари бўйича қўмита ҳисобланади. ЮНИДО фаолияти ҳукуматлар ва хусусий тармоқ билан ҳамкорлик асосида қурилган. Ташкilot инвестициялар, техник ва саноат ҳамкорлиги масалалари бўйича форумлар ўтказилади. Хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга, ривожланаётган мамлакатларга юқори технологиялар етказиб беришга қўмақлашади. Бу масалаларни амалга оширишда ЮНИДОнинг Саноат ва технологик ахборотлар банки (СТАБ) самарали фаолият кўрсатмоқда.

Молиялаштиришдаги муаммолар, бюрократизм ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилишнинг кучсизлигига қарамасдан, замонавий халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида БМТ тизимидаги иқтисодий ташкilotларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. БМТнинг ихтисослашган муассасалари ролининг кучайиб боришида халқаро меҳнат тақсимооти тузилмасининг мураккаблашуви, ахборот-технологик айирбошлашнинг янги каналларининг вужудга келиши жаҳон хўжалик ҳаётининг жадаллашуви ва инсоният олдида турган жиддий глобал муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда.

**Халқаро молия ташкilotлари.** Жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва халқаро капитал ҳаракатини рағбатлантириш мақсадида кўпсонли халқаро ва худудий молия-кредит институтлари ташкilot этилган (33.2.2-расм).

Халқаро иқтисодий ташкilotлар ичида халқаро молия ташкilotлари алоҳида ўринга эга. Ушбу гуруҳга қуйидаги ташкilotлар киради: ХВФ, Умумжаҳон банки гуруҳи, Халқаро ҳисоб-китоблар банки, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Осиё тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Араб валюта фонди, Ислом тараққиёт банки, Америкалараро тараққиёт банки, Қора денгиз савдо ва тараққиёт банки, Евроосиё тараққиёт банки, Банк назорати бўйича Базель қўмитаси ва бошқалар.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)** 1945 йилда ташкilot этилган ва унга 187 та мамлакат аъзо. ХВФнинг мақсади аъзо-мамлакатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш, тўлов балансини тартибга солиш ва валюта курсининг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш учун қарз бериш ҳисобланади. Бунинг учун фонд тўлов балансида қийинчиликлар сезаётган ўз аъзоларини молиялаштиради, уларнинг хўжалик юритиш усулларини яхшилашга қаратилган техник ёрдам кўрсатади.



<b>Халқаро молия ташкилотлари – фаолият доираси ва хусусияти, аъзолар таркиби, вазифаларидан келиб чиқадиган ихтисослашган ҳукуматлараро ташкилотлар</b>	
<i>Ташкил этиш асослари</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– жаҳон ҳўжалик алоқалари глобаллашувининг кучайиши;</li> <li>– валюта-молия муносабатларини давлатлараро тартибга солишнинг ривожланиши;</li> <li>– жаҳон валюта тизими барқарорлиги, халқаро ҳисоб-китоблар ва халқаро кредитлаш муаммоларини биргаликда ҳал этиш зарурияти.</li> </ul>
<i>Асосий вазифалари</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– жаҳон ҳамжамиятининг халқаро валюта-молия муносабатларини барқарорлаштириш мақсадидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;</li> <li>– давлатлараро валюта, валюта ҳисоб-китоби ва валюта-кредит муносабатларини тартибга солишни амалга ошириш;</li> <li>– жаҳон валюта, ҳисоб-китоб ва кредит сиёсати стратегиясини ва амалга ошириш тактикасини ишлаб чиқиш.</li> </ul>
<i>Асосий шакллари</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Халқаро валюта фонди.</li> <li>– Умумжаҳон банки гуруҳи.</li> <li>– Халқаро ҳисоб-китоблар банки.</li> <li>– Минтақавий ривожланиш банклари.</li> <li>– Халқаро кредиторлар клублари.</li> </ul>

### 33.2.2-расм. Халқаро молия ташкилотларининг вазифалари ва шакллари

Охириги ўн йилда ХВФнинг молиявий воситачи ва йирик кредитор сифатидаги роли ошди. Қарзлар аъзо мамлакатлар бадалларидан ташкил топган умумий ресурслар ҳисобидан ҳамда СДР<sup>1</sup> шартли бирликларидаги махсус ҳисобдан берилиши мумкин (33.2.1-жадвал).

ХВФ халқаро валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги механизмлар бўйича қарз беради:

**1. Қарз олиш тўғрисидаги бош шартнома.** Ушбу шартнома 1962 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 11 та иштирокчи қатнашади.

**2. Қарзлар тўғрисидаги янги шартнома.** Ушбу шартнома 1997 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 25 та давлат ва муассасалар иштирок этади.

ХВФ аъзо мамлакатларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун турли қондалар ёки “механизмлар” доирасида кредитлар беради.

<sup>1</sup> СДР – XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб халқаро резерв тўлов манбалари ва қиймат ўлчови сифатида олтин ўрнига чиқарилган шартли жамoa халқаро валюта бирлаги бўлиб, 2009 йил 30 апрелда 1 СДР=1,49 АҚШ долларига тенг бўлди.

**ХВФнинг қарз олиш тўғрисидаги Бош шартнома иштирокчилари,  
млн. СДР<sup>2</sup>**

Қатнашчилар	Дастлабки ҳолати (1962–1983 йй.)	Ҳозирги ҳолат (1983–2008 йй.)
Швед Рискбанки	79	383
Белгия	143	595
Нидерландия	244	850
Канада	165	893
Швейцария миллий банки	–	1020
Италия	235	1105
Франция	395	1700
Буюк Британия	565	1700
Япония	1161	2125
Немис Бундесбанки	1476	2380
АҚШ	1883	4250
<b>Жами</b>	<b>6344</b>	<b>17000</b>
Саудия Арабистони (ассоциациялашган кредит шартномаси)		1,500

Кредитларни бериш ва қайтариш тўлов баланси муаммосининг хусусиятлари ҳамда ҳолатларига боғлиқ тарзда фарқланади (33.2.2-жадвал).

**ХВФ кредитлаш шартлари (2008 йил 1 январь ҳолатига)<sup>3</sup>**

Кредитлаш механизми ёки сиёсати	Тўлов шартлари	Муддати (йил ҳисобида)		
		Эвг узок муддат	Қутилаётган муддат	Даврийлик
«Стэнд-бай» кредити	Асосий ставка + маржа	3,25–5	2,25–4	Ҳар кварталда
Кенгайтирилган кредитлаш	Асосий ставка + маржа	4,5–0	4,5–7	Ҳар ярим йилда
Қопловчи молиялаш	Асосий ставка	3,25–5	2,25–4	Ҳар кварталда
Фавқулодда ёрдам	Асосий ставка	3,25–5	–	–
Қўшимча захираларни қоплаш	Асосий ставка + маржа	2,5–3	2–2,5	Ҳар ярим йилда
Камбағалликка қарши ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш	Йиллик 0,5%	5,5–10	–	–

– «Стэнд-бай» кредитлар. ХВФ кредитлаш сиёсатининг асосини ташкил этади (33.2.3-жадвал).

<sup>2</sup> [www.imf.org](http://www.imf.org)

<sup>3</sup> [www.imf.org](http://www.imf.org)

**“Стенд-бай” кредити тўғрисидаги шартномага мувофиқ берилган кредитлар, млн. СДР (2010 йил 7 январь ҳолатига)<sup>4</sup>**

Аъзо мамлакатлар	Тақдим этилган сана	Қайтарилган санаси	Кредит миқдори	Тўланган қисми
Ангола	23.11.09	22.02.12	859	630
Арманистон	03.06.09	07.05.11	534	232
Беларусь	01.12.09	04.11.10	2 270	438
Босния	07.08.09	30.06.12	1 015	832
Коста-Рика	04.11.09	07.10.10	492	492
Доминика Республикаси	11.09.09	03.08.12	1 095	895
Эл-Сальвадор	16.01.09	31.03.10	514	514
Габон	05.07.07	05.06.10	77	77
Грузия	15.09.08	14.06.11	747	365
Гватемала	22.04.09	21.10.10	631	631
Венгрия	11.06.08	10.05.10	10 538	2 901
Исландия	19.11.08	31.05.11	1 400	735
Латвия	23.12.08	22.03.11	1 522	808
Малдив ороллари	12.04.09	12.03.12	49	45
Монғолия	04.01.09	10.01.10	153	46
Покистон	24.11.08	30.12.10	7 236	3 067
Руминия	05.04.09	05.03.11	11 443	5 355
Сербия Республикаси	16.01.09	15.04.11	2 619	1 598
Шри-Ланка	24.07.09	23.03.11	1 654	1 240
Украина	11.05.08	11.04.10	11	4
<b>Жами</b>			<b>55 845</b>	<b>24 899</b>

“Стенд-бай” кредити тўғрисидаги шартномага асосан аъзо мамлакатлар тўлов балансида қисқа муддатли муаммоларни бартараф этиш учун одатда 12–18 ойга белгиланган миқдорда кредит олиш ҳуқуқига эга.

– **Кенгайтирилган кредитлаш механизми.** ХВФ кенгайтирилган кредитлаш механизми бўйича аъзо мамлакатлар белгиланган миқдорда кредит олиш ҳуқуқига эга бўлиб, одатда, уч-тўрт йилга берилади. Ушбу механизм асосида ажратилган маблағлар аъзо мамлакатларда тўлов баланси ҳолатига сезиларли салбий таъсир кўрсатувчи тузилмавий хусусиятга эга муаммоларни бартараф этишга йўналтирилади.

– **Камбағалликка қарши ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш механизми.** 1999 йил ноябрида жорий этилган бўлиб, дастлаб амал қилган тузилмани қайта қуришни кенгайтирилган молиялашнинг давоми ҳисобланади (33.2.4-жадвал).

<sup>4</sup> [www.imf.org](http://www.imf.org)

**Камбағалликка қарши ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича ажратилган кредитлар, млн. СДР (2010 йил 7 январь ҳолатига)<sup>5</sup>**

Аъзо мамлакатлар	Такдим этилган сана	Қайтариш санаси	Кредит микдори	Тўланган қисми
Афғонистон	26.06.06	31.03.10	81	11
Буркина Фасо	23.04.07	22.04.10	48	1
Бурунди	07.07.08	07.06.11	46	26
Мярказий Африка Республикаси	22.12.06	30.06.10	70	9
Коморос	21.09.09	20.09.12	14	9
Конго Демократик Республикаси	12.11.09	12.10.12	346	297
Конго Республикаси	12.08.08	12.07.11	8	5
Кот де Ивуар	27.03.09	26.03.12	374	179
Джибути	17.09.08	16.09.11	13	7
Гамбия Республикаси	21.02.07	20.02.10	20	2
Гана	15.07.09	14.07.12	387	320
Гренада	17.04.06	16.04.10	16	2
Гвинея	21.12.07	20.12.10	70	45
Ганти	20.11.06	31.01.10	115	8
Либерия	14.03.08	31.03.11	239	13
Мали	28.05.08	27.05.11	28	8
Никарагуа	10.05.07	10.04.10	78	24
Нигерия	06.02.08	06.01.11	23	13
Сан Томе	03.02.09	03.01.12	3	2
Серра-Леоне	05.10.06	05.09.10	52	7
Тожикистон	21.04.09	20.04.12	78	52
Того	21.04.08	20.04.11	84	26
Замбия	06.04.08	06.03.11	220	55
<b>Жами</b>			<b>2 414</b>	<b>1 122</b>

— Қопловчи молиялаш 1963 йилда жорий этилган бўлиб, жаҳон бозорларида товар хомашё нархининг ўзгариши натижасида экспорт тушуми камомати вужудга келган ёки озиқ-овқат импорти қийматининг ўсишига дуч келган мамлакатларга такдим этилади.

— Фавқулудда ёрдам. Бу тартиб фавқулуддаги ҳолатлар туфайли тўлов балансида юзага келган муаммоларни бартараф этишда аъзо мамлакатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1962 йилда жорий этилган. 1995 йилда аъзо мамлакатларда ҳарбий можаролар туфайли уларнинг институционал ва маъмурий салоҳиятига путур етказилгани сабабли мазкур тартибни қўллаш миқдоси янада кенгайтирилмоқда.

ХВФ кредитлаш тизими қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

— ХВФ ёрдам бериш агентлиги ёки ривожланиш банки ҳисобланмайди;

<sup>5</sup> [www.imf.org](http://www.imf.org)

– ХВФ кредитлари белгиланган сиёсатга асосланади: қарз олувчи мамлакат тўлов баланси муаммосини бартараф этишга қаратилган сиёсатни қабул қилиши лозим;

– ХВФ кредитлари бўйича тўловлар молиялаш механизми шаклларида келиб чиқиб, ҳар олти ёки тўрт ойда амалга оширилади;

– ХВФ мамлакатдан олинган қарзни биринчи навбатда тўлашни талаб этади. Қарз олган мамлакат ХВФнинг тўлов балансини молиялаш эҳтиёжига эга бошқа мамлакатларни кредитлай олиши учун белгиланган тартиб бўйича қайтариб бориши лозим;

– ХВФдан кредит олган мамлакат стандарт, имтиёзсиз молиялаш механизмлар доирасида бозор шартлари асосида фойзаларни, комиссия ҳақлари ва мажбурият бўйича йиғимларни тўлаб боради;

– молиявий маблағлардан фойдаланиш бўйича кафолатни кучайтириш мақсадида ХВФ 2000 йил март ойида марказий банклар томонидан риюз этиладиган олтин валюта захираларини баҳолаш талабини жорий этган;

– аксарият ҳолларда ХВФ мамлакатни ташқи молиялаш бўйича эҳтиёжларининг бир қисmini қондиради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқаро валюта-кредит муносабатларини тартибга солувчи бош давлатлараро ташкилот бўлган ХВФнинг ташкилий тизими ва фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. ХВФнинг кредит бериш механизми «Вашингтон консенсуси»га асосланган бўлиб, кредит олмакчи бўлган мамлакатлардан корхоналарни хусусийлаштириш, бозор талаблари асосида нарх белгилашни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш каби чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Юқоридаги тартибга солиш сиёсати асосида анъанавий монетар назарияси ётар эди. Ушбу услублар халқаро молия бозорини тартибга солиш ўрнига фонд аъзолари ўртасидаги боғлиқликни кучайтирди.

XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб ХВФ тавсияларининг асосини «неортодоксал, институционал» концепцияси ташкил эта бошлади. Ушбу монетаризм концепциясига асосан халқаро молия бозорини тартибга солиш схемаларида устувор ўринни кредит ва банклар ташкил этади. ХВФ томонидан қўлланилаётган янги монетар сиёсатга мувофиқ халқаро молия бозорини тартибга солишда асосий урғу кредит фондлари тақлифига берилди бошланди. ХВФ тавсиялари универсал характерга эга бўлиб, 2002 йилдан бошлаб институционал монетаризм тавсиялари берилди бошланди ва валюта курсларини тартибга солишнинг капитал оқимлари ҳаракатидаги турли чекловларни бекор қилган ҳолда валюталарнинг сузиб юрвучи курсига устуворлик бериш сиёсати ишлаб чиқилди.

2004 йилдан бошлаб ХВФнинг глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш стратегияси ва ўрни қайта кўриб чиқила бошланди. Натижада ХВФ фаолиятининг анъанавий йўналишларига жаҳон молия архитектурасининг асосини ташкил этадиган турли стандарт ва

кодексларни ишлаб чиқиш, жаҳон мамлакатларидаги молия секторларини баҳолаш ва мониторинг ўтказиш, терроризмни молиялаштириш ва жиноят йўли билан топилган пулларни ювишга қарши курашлар кўшилди. 2007 йилда ХВФнинг бошқарув директори Доминик Стросс-Кан фонднинг ўрта муддатга бағишланган стратегиясини эълон қилди. Яқин 5 йилга мўлжалланган фонд стратегиясининг йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— жаҳон молия бозорини назорат қилиш (мониторинг) самарадорлигини оширишни глобал ва айрим мамлакатлар даражасида амалга ошириш;

— ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги кризисларнинг олдини олиш ва содир бўлган тақдирда ундан чиқишга бағишланган аниқ таклифлар тизимини ишлаб чиқиш;

— ХВФнинг кам даромадли мамлакатларда камбағаллик даражасини икки марта қисқартиришга қаратилган фаолияти самарадорлигини ошириш;

— ХВФнинг ички ташкилий фаолиятини ислоҳ қилиш.

ХВФ фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва легитимлигини таъминлаш мақсадида устун даражада ўрта ҳажмдаги Европа мамлакатларидан иборат бўлган ривожланган мамлакатлар квоталарини катта олтин-валюта захираларига эга бўлган йирик, барқарор суръатларда ривожланаётган, шаклланаётган бозор иқтисодиёти мамлакатлари фойдасига қайта тақсимлаш лозим. 25 та ривожланган мамлакатнинг ХВФдаги квоталарининг улуши 60% дан ортиқ бўлиб, шу жумладан АҚШ – 17,1%, Япония – 6,1%, Германия – 6,0%, Буюк Британия – 4,9%, Франция – 4,9%, Хитой – 3,7%, Италия – 3,3%, Канада – 2,9%, Россия – 2,7% улушга эга. ХВФда энг муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун 85% овоз олиш зарур бўлгани учун АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари фонд устидан назорат ўрнатган<sup>6</sup>.

2009 йил октябр ойида Истанбул шаҳрида ХВФ ва Умумжаҳон банкининг йиллик Саммити мажлисида 2011 йилнинг январига қадар ХВФ квоталарининг 5% ини барқарор суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фойдасига жаҳон иқтисодиётида тутган ўрнига мувофиқ равишда қайта тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинди<sup>7</sup>:

— жаҳон молияси архитектурасининг мустаҳкамланишига қаратилган макроиқтисодий институтларни яратиш;

— ХВФнинг ўрта муддатли бюджетини қайта кўриб чиқиш.

2009 йил 2 апрелда Лондон шаҳрида G20 мамлакат раҳбарлари Саммитида қабул қилинган «Халқаро молия институтлари орқали ресурсларни бериш декларацияси» қарорига мувофиқ ХВФ ва бошқа халқаро молия институтларига кризисга қарши чора-тадбирлар дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида зудлик билан 850 млрд. доллардан иборат маблағ жамланди.

<sup>6</sup> Аваньев А. Противоречивость роли МВФ в современной мировой экономике. // Международная экономика, №5, 2008. С. 67.

<sup>7</sup> Стамбульские решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. №80 (1189).

ХВФ акционерлари ўртасида 250 млрд. СДР жойлаштирилиб, унинг 100 млрд. доллар эквивалентига тенг қисми бевосита бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилди. Кўп томонлама ривожланиш банкларига кам даромадли мамлакатларга кредит бериш мақсадида 100 млрд. доллар ажратилди. Осиё тараққиёт банкининг молия ресурслари 200% га, Америкалараро тараққиёт, Африка тараққиёт ва Европа тикланиш ва тараққиёт банклари молия ресурслари оширилди<sup>8</sup>.

ХВФ фаолиятини ислоҳ қилиш ва унинг устав капиталини 250 млрд. доллардан 750 млрд. долларга етказиш вазифаси қўйилди. ХВФни турли шаклда молиялаштиришда G20 давлатларнинг фаол катнашуви кўзда тутилган. Молиявий барқарорлик форумини (МБФ) «Молиявий барқарорлик кенгашига» (МБК) айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. МБК таркиби ва ваколати кенгайтирилди. МБК жаҳон молия тизимининг кучсиз томонларини аниқлаш, молиявий барқарорлик бошқарув органлари ўртасидаги координациялашувни таъминлаш ва ахборотларни айирбошлаш, стандартларни ишлаб чиқувчи институтлар фаолиятини мониторинг қилишдан иборат.

Шундай қилиб, ХВФни ислоҳ қилиш яқин беш йил ичида умумлашган ҳолда куйидаги тўрт йўналишда олиб борилади:

— биринчидан, ХВФ мандатини қайта кўриб чиқиб, унга қатор макроиктисодий сиёсат ва глобал барқарорлашувга таъсир этувчи молиявий секторга оид чоралар киритилди;

— иккинчидан, ХВФнинг ресурс базаси етарли бўлмаганлиги учун кўп сонли мамлакатларга кредит бериш талабидан келиб чиққан ҳолда, унинг молиялаштириш дастакларини такомиллаштириш;

— учинчидан, ХВФ томонидан 20 талик мамлакатлар амалга ошираётган сиёсатни ўзаро баҳолашда ёрдам бериш орқали кўп томонлама назоратнинг янги турини амалга ошириш;

— тўртинчидан, 20 талик мамлакатлар гуруҳи билан келишилган ХВФ квоталарини барқарор суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш орқали фонднинг бошқариш тизимини такомиллаштириш.

**Умумжаҳон банки гуруҳи.** Умумжаҳон банки гуруҳига Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (МIGA) ва Инвестицион низоларни тартибга солишнинг халқаро маркази (ICSID) киради. ХТТБ ва ХТА Жаҳон банкни ташкил этади.

**ХТТБ** – Умумжаҳон банки гуруҳининг асосий ташкилоти бўлиб, ўрта ва кам даромадли, тўлов қобилиятига эга мамлакатлар ҳукуматларига кредит беради. ХТТБ 1944 йилда ташкил этилган ва ҳозирда аъзо мамлакатлар сони 187 тани таъкил этади.

<sup>8</sup> Миллия Б.В., Таранкова Л.Г. Деятельность «Группы 20» по преодолению мирового финансового кризиса. // Деньги и кредит, №5, 2009. С. 35.

ХТТБнинг мақсади – аъзо мамлакатлар иқтисодийтини қайта қуришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш, хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш орқали қўллаб-қувватлаш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдан иборат.

2010 йилда банк томонидан берилган жами кредитлар ҳажми 523,6 млрд. долларга етди. Банк 2010 йилда 46 та мамлакатга 164 та янги лойиҳалар бўйича жами 44,2 млрд. доллар миқдорига кредит ажратди.

ХТТБ, одатда, 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йилгача муддатда узок муддатли кредитларни беради. Банкнинг ресурс базаси икки манбадан шаклланади. Шу жумладан асосий қисми жаҳон молия бозорларида турли хил қарз мажбуриятларини жойлаштиришдан шаклланади (33.2.5-жадвал).

33.2.5-жадвал

**ХТТБнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл.<sup>9</sup>**

	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад	1,7	1,7	2,3	0,6	0,8
Тўламаган қарзлар	103,0	97,8	99,1	105,7	120,1
Жами активлар	212,3	208,0	233,3	275,4	283,0
Ўз капитали	36,5	39,9	41,6	40,0	37,6

ХТТБ аъзо мамлакатларга ҳукумат кафолати асосида қарз беради. Қарзни одатда 10–15 йил муддатга 5 йил имтиёзли давр билан ажратилади. ХТТБнинг фоиз ставкаси ҳар 6 ойда ўзгаради ва ўртача 7% атрофида белгиланади. ХТТБ уставига мувофиқ аҳоли жон бошига 5055 долларгача ЯИМ тўғри келадиган мамлакатларгина банкдан қарз олиш ҳуқуқига эга. Йирик тараққий этган мамлакатлар, хусусан, банкнинг 5 та энг йирик акционерлари қарз олиши мумкин эмас.

Жаҳон банки қарийб 70 йиллик фаолияти мобайнида 140 та мамлакатда қиймати 300 млрд. долларга тенг 6 мингдан ортиқ лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Умумжаҳон банки гуруҳи ўз фаолияти самарадорлигини ошириш, ривожланаётган мамлакатлар ишончини мустаҳкамлаш мақсадида кенг миқёсли ислохотлар дастурини амалга оширмоқда. Умумжаҳон банки гуруҳи Президенти Р.Зеллик фикрича, банк тизимидаги ислохотлар ривожланиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини ошириш, масъулиятни кучайтириш ва бошқарувни такомиллаштириш, сарфланаётган инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилган.

XXI аср сиёсий иқтисоди жаҳонда ривожланаётган мамлакатлар ўрнининг барқарор ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда янги иқтисодий тартибни ишлаб чиқишни талаб этади. 2009 йил октябрда Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Умумжаҳон банки гуруҳининг йиллик Саммитида акционер

<sup>9</sup> Всемирный банк, Годовой отчет 2010 год. Обзор деятельности за год. Вашингтон, 2011. С. 1.



мамлакатлар Жаҳон банкида ривожланаётган мамлакатлар овоз бериш квотасини минимум 47% га ва яқин келажакда 50% га етказиш тўғрисидаги ислохотлар режасини маъқуллади<sup>10</sup>.

Умумжаҳон банки гуруҳи акционерлари 2010 йил апрелда охириги 20 йил ичида биринчи марта Банк капиталини 86 млрд. долларга ошириш таклифини қўллаб-қувватлади. Қўшимча молиялаштириш янги иш ўринларини яратиш, инфратузилма, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришга сарфланади. Ушбу йиғилишда Жаҳон банкида ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг овоз бериш квотаси 3,13% га оширилиб, 47,19% га, Халқаро молия корпорациясида эса бу кўрсаткич 6,07% га оширилиб, 39,48% га етказилди.

ХТА – 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, унга аъзо мамлакатлар сони 170 тани ташкил этади. ХТА узоқ муддатга фойсиз, кредит қўринишида ва бозор шартлари бўйича қарз олиш имконига эга бўлмаган дунёнинг энг паст даромадли 79 та мамлакатларига грантлар беради. ХТА кредит операцияларини донор мамлакатга бадаллари, ХТТБнинг соф фойдасини ўтказиш, ХМКнинг грантлари ва уюшма томонидан ажратган кредитларидан келадиган тушумлар ҳисобига молиялаштирди (33.2.6-жадвал).

33.2.6-жадвал

#### ХТАнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. доллар<sup>11</sup>

	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Ривожланиш мақсадида берилган, сўндирилмаган кредитлар	127,0	102,5	113,5	112,9	113,5
Ривожланиш мақсадида ажратилган ресурсларнинг жами манбаси/ ўз капитали	102,9	110,2	123,6	127,9	128,3

ХТАнинг мақсади ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли кредитлар беришдан иборат бўлиб, захираларга айлантирилган кредит маблағларининг жами ҳажми 221,9 млрд. долларга етган. 2010 йилда 66 та мамлакатда 190 та янги операциялар бўйича захирага айлантирилган кредитлар ҳажми 14,5 млрд. долларни ташкил этган.

ХТА кредитлари 10 йиллик имтиёзли даврни камраб олган ҳолда 35–40 йилга берилади. Кредитлар ҳажми СДРда акс эттирилади, лекин молиялаштириш лойиҳа харажатлари амалга ошириладиган валютада берилади. Олинган қарз бўйича фойз ҳисобланмайди, аммо кредит бўйича хизмат кўрсатишдан кредитнинг 0,75% миқдоридан комиссия ҳақи олинади. Жаҳон ҳамжамияти ХТАни кам ривожланган мамлакатларга ёрдам берувчи энг самарали ташкил этилган молия институти сифатида тан олади.

<sup>10</sup> Стамбульские решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. № 80. (1189).

<sup>11</sup> Всемирный банк, Годовой отчет 2010 год. Обзор деятельности за год. Вашингтон, 2011. С. 1.

ХТАга аъзолик ХТГБга кирган барча мамлакатлар учун очик ҳисобланади. ХТАда молиялаш хусусиятидан келиб чикиб, аъзолари икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга Россия, АҚШ, Канада, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка ва Қувайт киради. Уларнинг аъзолик бадаллари эркин алмашинадиган валютада тўланади.

Иккинчи гуруҳ ривожланаётган мамлакатлардан ташкил топган бўлиб, улар бадалнинг фақат 10% ини эркин алмашинадиган валютада, қолган 90% ини ўз валюталарида тўлайдилар. Иккинчи гуруҳ иштирокчиларининг бадаллари фақат ҳукумат билан махсус шартномага мувофиқ лойиҳаларни молиялаштиришда фойдаланилиши мумкин.

ХМК – ривожланаётган мамлакатлар хусусий секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1956 йилда ташкил этилган. Аъзо мамлакатлар сони 182 тани ташкил этади. Захирага айлантирилган ресурслар портфели 34,4 млрд. долларни ва синдициялашган кредитлари 8 млрд. долларни ташкил қилади (33.2.7-жадвал).

33.2.7-жадвал

ХМКнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл<sup>12</sup>

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Асосий фаолиятдан олинган даромад (зарар)	2,0	1,4	2,7	2,0	0,2	1,8
Қарзлар, акциядорлик капиталига инвестициялар, қарз қимматбаҳо қоғозлари, нетто	11,5	12,8	15,8	23,3	22,2	25,9
Жами активлари ҳажми	-	-	40,6	49,6	51,5	61,1

2010 молиявий йилда 103 мамлакатда 528 та янги лойиҳа бўйича захиралашган маблағлар ҳажми 12,2 млрд. долларни ташкил этди ва 6,5 млрд. доллар маблағ ривожланаётган мамлакатларда хусусий секторни ривожлантириш учун сарфланди. Бу маблағнинг 4,9 млрд. доллари ХТА талабларига жавоб берадиган мамлакатларга йўналтирилди.

ХМКнинг асосий вазифаси бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда хусусий инвестор ва молия институтларига капитални самарали жойлаштиришга қўмаклашишда воситачилик қилиш ҳисобланади. ХМК бозор ҳолатига яқин шартлар бўйича 12 йил имтиёзли давр билан 3 йилдан 15 йилгача қарз беради. Қарийб 80% пассивлари молия бозорларидан жалб этилади, қолган 20% и эса ХТГБдан қарзга олинади. Одатда, ХМК бошқа инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни молиялаштиради, унинг улуши 25 – 35% ни ташкил қилади. Биргалиқдаги молиялаштириш ХМК фаолиятининг

<sup>12</sup> Ўша манба. С. 10.

ўзига хос жиҳати бўлиб, қарз беришдан ташқари, хусусий корхоналар капиталига ҳам пул қўйишни амалга оширишда намоён бўлади.

MIGA – 1988 йилда аъзо мамлакатларга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. Ҳозирда агентликка 175 та мамлакат аъзо бўлиб, 1990-2011 молия йилларида жами ажратилган кафолатлари ҳажми 23,8 млрд. долларга тенг. Агентлик томонидан 2011 молия йилида 38 та лойиҳа бўйича 2,1 млрд. доллар миқдоридида кафолатлар берилган (33.2.8-жадвал).

33.2.8-жадвал

MIGAнинг асосий молиявий кўрсаткичлари, млрд. долл.<sup>13</sup>

	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	1990-2011 йй.
Қўллаб-қувватланган лойиҳалар сони	29	24	26	19	38	651
Шундан:						
Янги лойиҳалар	26	23	20	16	35	-
Олдинги йиллар қўллаб-қувватланган лойиҳалар	3	1	6	3	3	-
Тақдим этилган кафолатлар сони	45	38	30	28	50	1030
Янги кафолатларнинг ялпи қиймати, млрд. долл.	1,4	2,1	1,4	1,5	2,1	23,8

Ушбу агентлик ривожланаётган мамлакатларга йўналтирилган ТТХИни рағбатлантириш мақсадида сиёсий рисклардан суғурталаш ёки кафолатлаш хизматларини таклиф этади.

ICSID – 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб этувчи мамлакатлар ўртасида юзага келган халқаро инвестицион низоларни арбитраж кўриб чиқиш ва тартибга солиш механизмини таъминлаб беришдан иборат. Бундан ташқари, бу марказ хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчилик актлари ва халқаро низоларни арбитраж тартибга солиш соҳасида тадқиқот ишларини олиб боради. Ҳозирда марказга 157 та мамлакат аъзо ва фаолияти мобайнида 300 дан ортиқ, жумладан, 2011 молиявий йилда 32 та арбитраж ўтказилди.

### 33.3. Халқаро минтақавий молия ташкилотлари

Хорижий инвестицияларни халқаро миқёсда тартибга солишда минтақавий молия институтлари ҳам муҳим роль ўйнайди (33.3.1-расм).

<sup>13</sup> MIGA Годовой отчет 2011. Вашингтон, 2011. С. 2.

## Минтақавий ривожланиш банклари

Маъсул иқтисодий-географик маконлар доғрасида чегараланган халқаро валюта-молия ташкилотлари

### Асосий хусусиятлари

- минтақавий банклар тегишли иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб борадилар ва бу минтақанинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқадиган мақсадларни кўзлашади;
- минтақавий банклар аъзо мамлакатларга нисбатан уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига кўра табақалашган кредит сиёсатини олиб борадилар;
- минтақавий банклар ўртасида энг обрўлиси ЕТТБ ҳисобланади;
- ЕТТБга 56 та мамлакат аъзо;
- ЕТТБ фаолияти аъзо мамлакатларда кўппартиявийлик, плюрализм ва бозор ислохотларининг мавжудлигини назарда тутувчи сиёсий жиҳатларга эга;
- Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг йирик минтақавий банклари Америкалараро тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкларидан иборат;
- Осиё, Африка ва Лотин Америкасида йирик минтақавий банкларнинг ташкил этилиши мустамлака тизимининг таназзулга юз тутиши ва бу ҳудудларга хос иқтисодий муаммоларни ҳал этиш заруриятидан келиб чиққан;
- минтақавий банклар учун махсус имтиёзли кредитлаш фондларини ташкил этиш хос.

### 33.3.1-расм. Минтақавий ривожланиш банклари

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) – 1991 йилда ташкил толган ва унга 56 та мамлакат аъзо. ЕТТБ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган (33.3.1-жадвал).

33.4.1-жадвал

### ЕТТБ фаолиятининг молиявий натижалари, млрд. евро<sup>14</sup>

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Устав капитали	5,2	5,2	5,2	5,2	5,2	6,2
Бошқарув кенгаши қарори бўйича қиланадиган ажратмаларгача бўлган соф фойда (зарар)	1,5	2,4	1,9	0,6	0,8	1,4
Бошқарув кенгаши қарори бўйича қаланган ажратмалар	–	–	–	0,1	0,2	0,2
Резервлар ва тақсимланмаган фойда	4,7	7,0	8,7	6,6	6,4	6,8

<sup>14</sup> ЕТТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

ЕТТБнинг асосий фаолият доираси қуйидагилардан иборат:

- инфратузилмани ривожлантириш;
- турли хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш. Бунда ресурсларнинг 60% и хусусий секторга, 40% и давлат секторига мўлжалланган;
- хусусий капитал қўйилмаларга кафолатлар бериш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини қайта қуриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
- аниқ лойиҳаларга маслаҳат-техник ёрдам бериш.

Хусусий секторнинг ривожланиши, хусусийлаштириш жараёни, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия муассасалари ҳамда sanoat секторини ташкил этиш ва мустақкамлаш, кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа ва дастурлар ЕТТБ учун устувор ҳисобланади. Банк хусусий ва хусусийлаштирилган корхоналар таклифи, ҳомийлар салоҳияти юқори бўлиши ва бизнес режаларининг ишончли бўлишини талаб қилади.

Бошқа ривожланиш банкларидан фарқли равишда ЕТТБ сиёсий тузилмаларни кредитлашда иштирок этмайди ва хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ҳамда лойиҳавий молиялашга ихтисослашган.

Банк берадиган кредитининг энг кам миқдори 5,0 млн. евро ни ташкил этади. Фоиз ставкалари асосий бозор ставкаси (одатда, ЛИБОР) ва маржадан ташкил топади. Кредитлар бўйича фоиз сузиб юрувчи (своп операцияларини қўллаган ҳолда) ёки қатъий ставкаларда белгиланади. Маржа миқдори кредит шартларидан келиб чиқади.

ЕТТБ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони 2005–2010 йилларда 267 тадан 386 тагача ортган. 2010 йилда ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 22,0 млрд. евро ни ташкил этган (33.3.2-жадвал).

33.3.2-жадвал

**ЕТТБ томонидан амалга оширилган лойиҳалар динамикаси<sup>15</sup>**

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.
Лойиҳалар сони	276	301	353	302	311	386
Лойиҳаларнинг умумий қиймати, млрд. евро	9,8	12,0	13,8	12,9	18,1	22,0
ЕТТБ томонидан ажратилган маблағлар, млрд. евро	4,3	5,0	5,6	5,1	7,9	9,1
ЕТТБ томонидан жалб қилинган маблағлар, млрд. евро	5,9	7,7	8,6	8,4	10,3	13,2

<sup>15</sup> ЕТТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

2010 йилда ЕТТБ томонидан ажратилган маблағларнинг 34% и молия секторига, 25% и корпоратив секторга, 20% и инфратузилма соҳасига ва 21% и энергетика соҳасига йўналтирилган.

**Осиё тараққиёт банки (ОТБ)** – 1966 йилда ташкил топган ва унга 67 та мамлакат (48 та худудий ва 19 та худуддан ташқари мамлакатлар) аъзо. ОТБга аъзолик БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича комиссиясидаги барча мамлакатлар ва Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлари (агар улар БМТ ёки унинг ихтисослашган агентликларига аъзо бўлсалар) учун очик. Аъзоликда мавжуд бундай кенг имкониятлар ОТБда Осиё минтақасидан ташқари мамлакатлар улушининг ортшига олиб келди, уларга банк акцияларининг қарийб 37% и ва овозларининг 35,0% и тўғри келади.

Япония, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Австралия, Индонезия, Канада, Жанубий Корея ОТБнинг йирик акциядорлари (акциялар пакети 5% дан кўп бўлган) ҳисобланади. Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Бангладеш каби мамлакатлар асосий қарз олувчи мамлакатлар саналади.

ОТБнинг мақсади Осиё қитъасидаги ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ривожланишда кўмаклашиш, худудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришдан иборат.

ОТБ транспорт ва коммуникация, энергетик лойиҳалар, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар, молия, ижтимоий инфратузилма соҳаларини молиялаштиради.

ОТБда Осиё ривожланиш фонди (20,5 млрд. долл.) ва Махсус техник ёрдам фонди (721,7 млн. долл.) мавжуд<sup>16</sup>. 1988 йилда Банк ва Япония ҳукумати ўртасида Техник ёрдам кўрсатиш бўйича Япония махсус фонди ташкил этилди.

ОТБ ривожланаётган мамлакатларга қуйидаги фондлар ҳисобидан кредитлар беради:

1) оддий фонд ҳисобидан тижорат шартлари асосида 25 йил муддатга (барча кредитларнинг қарийб 2/3 қисми);

2) Осиё ривожланиш махсус фонди ҳисобидан имтиёзли 1–3% ставкалар бўйича камбағал мамлакатларга 40 йилгача муддатга.

Бошқа ривожланиш банклари каби ОТБда ҳам кредитлашда балансни таъминлаш мақсадида давлат секторига берилган кредитлар жами лойиҳаларининг 20% и дан ошмайди.

ОТБ фаолиятининг хусусияти шундан иборатки, у ўз кредитларининг 30% ини имтиёзли шартларда махсус фонддан беради. Банк бу маблағларни Европа бозорларига йўналтириб, уларни ривожланаётган мамлакатларга 25 – 40 йилга мўлжалланган узок муддатли кредитларга айлантиради. Бунда банк имтиёзли фойз ставкаларини кўзда тутди. Кредитлар, шунингдек, тижорат

<sup>16</sup> <http://www.adb.org/About/members.asp>

шартларида ёки юқори бозор фоииз ставкаси бўйича 10–25 йил муддатга оддий жамғармалардан ҳам берилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, 1967–2010 йилларда ОТБ томонидан берилган кредитлар ва молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар сони 2 328 тани ташкил этди. Жумладан, банк лойиҳалари сони 2010 йилда 106 тани ташкил этиб, берилган кредитлар ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш миқдори 11 млрд 462 млн. долларга тенг бўлди. Ушбу ҳолат, ОТБнинг мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ролининг ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, ОТБ томонидан берилаётган кредитларнинг аксарият қисмини инвестицион кредитлар ташкил қилади. Бу эса ОТБнинг тижорат банкларидан фарқлангирувчи муҳим жиҳат ҳисобланади. Чунки тижорат банкларида узоқ муддатли ресурслар тақчиллиги мавжуд бўлганлиги туфайли улар томонидан берилган кредитларнинг асосий қисмини қисқа муддатли кредитлар ташкил этади. Шунинг учун ОТБнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги роли тобора ошиб бормоқда.

ОТБ томонидан 1967-2010 йилларда берилган кредитларнинг аксарият қисми энергетика, транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш мақсадларига берилган кредитлар ҳиссасига тўғри келди. Бу даврда ушбу соҳаларга берилган кредитларнинг миқдори 74,1 млрд. долларни, жами кредитларга нисбатан эса 45% ни ташкил қилди (33.3.3-жадвал).

33.3.3-жадвал

**ОТБ кредитларининг иқтисодий секторлари бўйича тақсимланиши<sup>17</sup>**

Сектор	2010 й.		1967-2010 йй.		
	Лойиҳалар сони	Миқдори, млрд. долл.	Лойиҳалар сони	Миқдори, млрд. долл.	Улуши, %
Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	11	0,6	523	19,6	12
Таълим	1	0,07	146	6,2	4
Энергетика	20	2,5	356	33,0	20
Молия тизими	12	1,3	268	20,3	12
Ижтимоий инфратузилма	2	0,2	68	3,8	2
Саноат ва савдо	-	-	107	4,6	3
Давлат сектори	11	0,9	84	14,0	8
Транспорт ва коммуникация	27	3,8	416	41,1	25
Сув таъминоти, инфратузилма ва хизматлар	9	0,6	245	14,1	8
Бошқалар	13	1,6	115	10,4	6
Жами	106	11,57	2 328	167,1	100,0

<sup>17</sup> ОТБ ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

1967-2010 йилларда ОТБ томонидан жами 362 та лойиҳа бўйича 6,21 млрд. долларга тенг грантлар ва , давлат кафолатлари асосида 61 та лойиҳани молиялаштириш учун 9,2 млрд. доллар миқдоридан кредитлар берилди.

**Ислом тараққиёт банки (ИТБ)** – 1974 йилда ташкил топган. Унга ислом динига эътиқод қилувчи 35 та мамлакат, яъни Ислом анжуманининг деярли барча аъзолари қиради. Низом капиталининг миқдори ОТБ дан 5 марта кам (33.4.5-жадвал).

33.4.5-жадвал

### ИТБ фаолиятининг асосий кўрсаткичлари<sup>18</sup>

Кўрсаткичлар	2008 йил	
	Ислом динори	АҚШ доллари
Лойиҳаларининг умумий қиймати, млрд.	1,9	3,1
Техник ёрдам, млрд.	22,7	36,2
Савдони молиялаш, млрд.	1,7	2,6
Махсус ёрдам, млн.	13,0	20,1
Аъзо мамлакатлар сони	56	
Ходимлар сони, киши	1014	

ИТБнинг мақсади аъзо мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташки савдони кредитлаш ва савдо, саноат компаниялари капиталларини инвестициялашдан иборат.

1976–2008 йиллар давомида ИТБ томонидан 56,9 млрд. доллар қийматидаги 6103 та лойиҳа молиялаштирилган. 2008 йилда банк томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, техник кўмак бериш, савдони молиялаш каби йўналишлар бўйича 399 та лойиҳага 5,7 млрд. доллар маблағ йўналтирилган.

2008 йилда ИТБ томонидан молиялаштирилган лойиҳаларнинг 35,8% и давлат секторига, 30,9% и транспорт ва алоқа тизимига, 12,5% и саноат ва табиий ресурслар секторига, 11,3% и қишлоқ хўжалиги тармоғига, 5,8% и ижтимоий соҳага ва 3,8% и молиявий хизматларга тўғри келган.

### 33.4. Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар

Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда йирик халқаро ва минтақавий молия институтлари, жумладан ХВФ, Жаҳон банки, ОТБ ва ИТБ билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириб боришга катта аҳамият берилмоқа.

**Ўзбекистон ва ХВФ.** Ўзбекистон 1992 йил 21 сентябрдан ХВФга аъзо бўлган. Ҳозирда Ўзбекистон 2003 йил октябрдан ХВФнинг VIII моддасига мувофиқ миллий валютани жорий операциялар бўйича эркин конвертациялаш мажбуриятларига эга.

<sup>18</sup> Ислом тараққиёт банки ҳисоботлари ва маълумотлари асосида ҳисобланган.



Ўзбекистоннинг аъзолиги 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра 275,6 млн. СДР миқдоридagi квотаси билан белгиланади. Ўзбекистоннинг ХВФ билан охирги молиявий шартномаси 1995 йил 18 декабрда 124,7 млн. СДР миқдоридa “стэнд-бай” кредитини олиш тўғрисида тузилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХВФ олдидa ҳеч қандай молиявий мажбуриятларга эга эмас.

**Ўзбекистон ва Умумжаҳон банки гуруҳи.** 1992–2009 йиллар мобайнида Умумжаҳон банки гуруҳи томонидан Ўзбекистонда қиймати 800 млн. долларга тенг 15 та лойиҳа амалга оширилди<sup>19</sup> (33.4.1-жадвал).

33.4.1-жадвал

**Жаҳон банкининг Ўзбекистонда амалга оширган йирик лойиҳалари,  
млн. долл<sup>20</sup>**

Лойиҳа номи	Лойиҳа ҳажми
Саломатлик- 2	39,48
Дренаж, ирригация ва тупроқ ҳосилдорлигини ошириш	74,55
Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш	40,0
Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш	36,14
Фарғова водийсида сув ресурсларини бошқариш	65,54

Ушбу банк томонидан ажратилаётган кредитлар иқтисодийда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жумладан, хусусийлаштириш, молия секторини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилашга йўналтирилди.

2008–2010 йилларда ХТБнинг Ўзбекистонга нисбатан ишлаб чиққан стратегиясида соғлиқни сақлаш, мелиорация, суғориш инфратузилмалари, ижтимоий ҳимоя, коммунал хизматлар сифатини ошириш, агроф-муҳит ҳимоясига йўналтирилган умумий қиймати йилига 90–100 млн. доллардан иборат учта лойиҳани амалга оширилди. Бу лойиҳаларни кредитлаш Халқаро тараққиёт ассоциацияси маблағлари ҳисобидан 40 йил муддатга (шундан 10 йили имтиёзли давр) йиллик 0,75% ставкада амалга оширилади<sup>21</sup>.

**Ўзбекистон ва ЕТБ.** Ўзбекистон 1992 йилдан ЕТБга аъзо. ЕТБ Ўзбекистонда хусусий секторни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни амалга оширувчи энг йирик инвесторлардан бири ҳисобланади. ЕТБ 1992 йилдан то ҳозирги вақтга қадар иқтисодийнинг турли соҳаларида 1,5 млрд. евро миқдоридa 56 та лойиҳани молиялаштирди<sup>22</sup>.

<sup>19</sup> Кредит Всемирного банка для улучшения водоснабжения Сырдаринской области //Банковские ведомости, №12-13 (723-724), 24.03.2010.

<sup>20</sup> Умумжаҳон банки гуруҳи ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилган.

<sup>21</sup> Новая стратегия Всемирного банка для Узбекистана. // Банковские ведомости, № 28, 16.07.2008.

<sup>22</sup> Абдуллаев Р., Астафев А. ЕБРР расширяет финансирование частного сектора в Узбекистане. //ЕВВ, №102 (1211). 24.12.2009.

ЕТБ томонидан амалга оширилган йирик кредитлар иктисодиётнинг реал секторига йўналтирилган.

**Ўзбекистон ва ОТБ.** Ўзбекистон ОТБга 1995 йилда аъзо бўлган, 2010 йилда банкнинг минтақавий аъзолари рўхатида 15-ўринни, йирик акционерлар рўйхатида эса 21-ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ОТБнинг 0,765% акциясига ва 0,910% овозига эга<sup>23</sup>.

ОТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги самарали икки томонлама ҳамкорлик натижасида ОТБ томонидан умумий қиймати 8,6 млрд. долларга тенг 35 та қўшма лойиҳа маъқулланди. Ушбу лойиҳаларни молиялаштиришда ОТБнинг улуши 3,8 млрд. долларни ташкил қилди. ОТБ 1995 йилдан 2010 йилга қадар Ўзбекистонга 35 та лойиҳа учун умумий суммаси 1,9 млрд. доллардан ортиқ кредитлар ажратди. Шунингдек, бу даврда ОТБ Ўзбекистонга 40,75 млн. доллар миқдорида техник ёрдам кўрсатди<sup>24</sup>.

Тахлиллар кўрсатишича, 1996 йилдан 2006 йилгача кредитлар ОТБ банк капиталининг оддий ресурслари ҳисобидан берилган. Бу эса кредитларни имтиёзли шартлар асосида жалб этиш имкони бўлмаганлигини кўрсатади. 2006 йилдан бошлаб, ОТБ Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар бўйича кредит беришни бошлади. Аксарият кредитлар инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, молия, транспорт ва коммуникация соҳаларига ҳам катта эътибор қаратилаётганини кўришимиз мумкин (33.4.2-жадвал).

33.4.2-жадвал

**ОТБнинг Ўзбекистонда йирик инвестицион лойиҳалар учун ажратаётган кредитларининг тармоқ таркиби (2010 йилнинг 31 декабрь ҳолатига)<sup>25</sup>**

	Лойиҳалар сони	Кредитлар ҳажми, млн. долл.	Жамига нисбатан фондда
Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	8	345,4	17,8
Таълим	8	290,5	14,9
Молия	3	420,0	21,6
Энергетика	2	70,0	3,6
Соғлиқни сақлаш, овқатланиш ва ижтимоий ҳимоя	1	40,0	2,1
Саноат ва савдо	1	50,0	2,6
Давлат секторига бошқариш	1	20,7	1,1
Транспорт ва алоқа	5	380,3	19,5
Сув таъминоти ва санитария	6	329,0	16,9
Жами	35	1 945,9	100,0

<sup>23</sup> <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>

<sup>24</sup> <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>

<sup>25</sup> <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>

Шуниси муҳимки, 2008 йилда ОТБ Кенгаши 2008–2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантиришнинг узоқ муддатли Стратегияси – “Стратегия-2020” Дастурини маъқуллади. ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолияти мазкур Стратегия ва Дастурга асосланади. ОТБнинг бу Стратегияси устувор соҳалар сифатида қишлоқ хўжалиги, хусусий сектор, транспорт коммуникациялари ва божхона тизими, умумий таълим, мактабгача тарбия тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришни кўзда тутди.

ОТБ ва Ўзбекистон ўртасида 2011–2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури доирасида Мароканд – Қарши участкасида темир йўллари электрлаштириш учун 100 млн. долларлик; қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш дастури доирасида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича қиймати 200 млн. долларлик; Андижон шаҳрида сув таъминоти ва санитария хизматларини яхшилаш, жумладан, канализация тармоқларини реконструкция қилиш, Жиззах вилоятининг Зафаробод ва Арнасой туманларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш учун 58 млн. долларлик; электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, жумладан, электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш учун 150 млн. долларлик заём битимлари имзоланди<sup>26</sup>.

Бундан ташқари ОТБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Куёш энергияси бўйича қўшма халқаро илмий тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисида Меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжатда ОТБ томонидан куёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун 200 млн. доллар ажратиш кўзда тутилган.

33.4.3-жадвал

### ИТБнинг Ўзбекистондаги кредит линиялари

Лойиҳа номи	Ҳажми, млн. долл.	Лойиҳанинг ҳуқуқий асоси
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки		
ИТБнинг иккинчи молия линияси	20,0	ИТБ билан ҳамкорлик Дастури 2007–2009 йй.
Ўзсаноатқурилишбанки		
ИТБнинг глобал молия линияси	1,0	2007 йил 7 сентябрда имзоланган Глобал шартнома
Ипотека банки		
ИТБнинг глобал молия линияси	3,0	2007 йил 3 июлда имзоланган Глобал шартнома

<sup>26</sup> Халқ сўзи, 17.02.2012.

**Ислом тараққиёт банки (ИТБ).** Ўзбекистон ИТБга 2003 йил 3 сентябрда аъзо бўлган бўлиб, ушбу банк томонидан 2003–2009 йиллар мобайнида умумий қиймати 150 млн. долларга тенг молиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, ИТБ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзсаноатқурилишбанки ва Ипотека банки орқали 2007–2009 йилларда ИТБ билан ҳамкорлик дастурлари доирасида умумий қиймати 24,0 млн. долларлик кредит линияларини амалга оширди.

### **Асосий тушунчалар**

**Халқаро иқтисодий муносабатларни давлатлараро тартибга солиш** – турли мамлакатлар томонидан жаҳон хўжалик алоқалари соҳасида ихтиёрий равишда қабул қилинадиган умумий мажбурият ва қондалар йиғиндиси.

**Халқаро иқтисодий ташкилотлар** – бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳамкорликдаги қарорларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш, бирхиллаштириш (унификациялаш) мақсадида халқаро келишувлар асосида ташкил этилган ташкилотлар.

**Халқаро валюта-молия ташкилотлари** – жаҳон валюта тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон молиявий ресурслар бозорини барқарорлаштириш ва капитал айланишини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар.

**Халқаро валюта фонди (ХВФ)** – 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади аъзо-мамлакатлар валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш, тўлов балансини тартибга солиш ва валюта курсини барқарорлаштириш учун қарз бериш ҳисобланади.

**Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ)** – 1946 йилда ташкил этилган мақсади аъзо-мамлакатлар иқтисодиётини қайта қуришга ва ривожланишига капитал қўйилмалар бериш, хусусий хорижий инвестицияларни рағбатлантириш орқали кўмаклашиш, тўлов баланси мувозанатини таъминлашга қаратилган қарз беришдан иборат.

**Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА)** – 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, узоқ муддатга фойзсиз, кредит кўринишида ва бозор шартлари бўйича қарз олиш имконига эга бўлмаган дунёнинг энг паст даромадли мамлакатларига грантлар беради.

**Халқаро молия корпорацияси (ХМК)** – ривожланаётган мамлакатлар хусусий секторини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1956 йилда ташкил этилган халқаро ташкилот.

**Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик (MIGA)** – 1988 йилда аъзо мамлакатларга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган ташкилот.

**Инвестицион низоларни тартибга солишнинг халқаро маркази (ICSID)** – 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, мақсади хорижий инвесторлар ва инвестицияларни жалб этувчи мамлакатлар ўртасида юзага келган халқаро

инвестицион низоларни арбитраж кўриб чиқиш ва тартибга солиш механизмини таъминлаб беришдан иборат.

**Хорижий инвесторларга маслаҳат бериш агентлиги** – Умумжаҳон банкининг бўлинмаси бўлиб, аъзо мамлакатлар ҳукуматларини хорижий инвестициялар масалалари бўйича конфиденциал маслаҳатлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ташкилот.

**Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ)** – 1991 йилда ташкил топган. ЕТБ Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ёрдам бериш мақсадида тузилган.

**Осиё тараққиёт банки (ОТБ)** – 1966 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади қитъанинг ривожланаётган мамлакатларига иқтисодий ривожланишда кўмаклашиш, ҳудудий ҳамкорликни рағбатлантириш, аъзо-мамлакатларга техник ёрдам кўрсатиш ва уларнинг иқтисодий сиёсатини мувофиқлаштиришдан иборат.

**Ислом тараққиёт банки (ИТБ)** – 1975 йилда ташкил топган бўлиб, мақсади аъзо-мамлакатларнинг ривожланиш лойиҳаларини, ташқи савдони кредитлаш ва савдо ҳамда саноат компаниялари капиталларини инвестициялашдан иборат.

#### **Назорат саволлари:**

1. Халқаро иқтисодий ташкилотларни ташкил этишнинг зарурияти нимада ва улар қандай функцияларни бажаришади?
2. Халқаро иқтисодий ташкилотлар қайси мезонлар бўйича гуруҳланади?
3. Халқаро молия ташкилотларининг мақсади ва вазифаларини санаб ўтинг.
4. ХВФнинг мақсади нима ва қандай вазифаларни бажаради?
5. Умумжаҳон банки гуруҳи нечта ташкилотдан иборат ва улар қандай вазифаларни бажаради?
6. Халқаро минтақавий иқтисодий ташкилотларга қайси ташкилотлар киради ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?
7. ЕТБ қачон ташкил этилган ва вазифалари нималардан иборат?
8. ОТБ қайси мақсадда ташкил этилган ва қандай вазифаларни бажаради?
9. ИТБ бошқа халқаро минтақавий молия институтларидан нимаси билан фарқ қилади ва вазифалари нималардан иборат?
10. Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни баҳоланг.

### 34.1. Халқаро иқтисодий интеграция: зарурати, мазмуни ва ривожланиш омиллари

Жаҳон хўжалигида ўзаро бир-бири билан боғлиқ куйидаги икки тенденция ҳаракат қилмоқда:

- жаҳон хўжалиги яхлитлигининг шаклланиш жараёни – глобаллашув;
- минтақавий иқтисодий интеграция.

Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) атамаси XX асрнинг 30-йилларида немис ва швед иқтисодчиларининг асарларида биринчи марта ишлатилган. Интеграция сўзи латин тилида “integratio” сўзидан олинган бўлиб, “қўшилиб кетиш”, “бирлашиш”, “қисмларнинг бир бутунликка айланиши” деб таржима қилинади.

Халқаро иқтисодий интеграция деганда миллий хўжаликлар ўртасида чуқур барқарор ўзаро алоқалар ва меҳнат тақсимоли асосида ишлаб чиқаришнинг юқори даражадаги байналмилаллашуви тушунилиб, у қатор мамлакатлар такрор ишлаб чиқариш таркибининг аста-секин қўшилиб кетишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда мутахассислар ўртасида интеграция жараёнларига нисбатан ягона нуқтаи назар йўқ. Иқтисодчиларнинг бир гуруҳи интеграция жараёнида мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш ҳисобига “ресурсларнинг чекланганлиги” омилини бартараф этишни энг муҳим ҳолат деб биладилар ва бу алоҳида олинган бир мамлакат ичида бир-бирига ўхшаш қимматроқ товарлар ишлаб чиқаришни бартараф этиш ёки илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган маблағларни тежаб имконини берадиган технологик ўзаро алмашувларни кенгайтиришга имкон туғдиради деб ҳисоблайдилар.

Олимларнинг бошқа гуруҳи устунлик қилувчи шарт-шароитлар сифатида ташқи иқтисодий омиллар, масалан, коллектив мудофаа қобилиятини оширишни илгари сурадилар. Учинчи гуруҳ олимлар эса, интеграцион гуруҳлар тузилиши – бу уларнинг аъзоларига ишлаб чиқаришнинг бирдек ўсиши, ижтимоий барқарорлик ва шаклий мақсадларга осон, тезроқ эришиш имконини беради деб ҳисоблашади. Интеграцияга нисбатан ҳамма назарий ёндашувларни умумлаштириб, шунини таъкидлаш жоизки, интеграция-минтақавий миқёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик комплексларининг яқинлашуви ва бир-бирига кириб, боришини ифодалайди.


Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнлари ҳар бир давлат учун фақат “ўз ишлаб чиқаришига” эга бўлиш самара бермайдиган бўлиб қоладиган вазиятни келтириб чиқаради.

Демак, ХИИ – миллий иқтисодиётларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлик шакли бўлиб, ҳамкор мамлакатлар иқтисодиётининг техник, технологик ва

иқтисодий жиҳатдан узоқ муддатли боғлиқлигининг чуқурлашуви билан ажралиб туради.

ХИИнинг мақсади истиқболда товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракатланишига тўсиқ бўлаётган чекловларни бартараф этиш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш, илмий-техник ҳамкорлик ва айирбошлаш предмети ҳисобланган товарлар, хизматлар, пул ва меҳнат ресурслари ХИИ объектлари ҳисобланса, халқаро ишлаб чиқариш, илмий-техник ҳамкорлик ва айирбошлашни амалга оширувчи иқтисодий томонлар ХИИ субъектлари ҳисобланади.



**34.1.1-расм. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, мақсади ва босқичлари**

Интеграцион тузилмаларни ишлаб чиқаришнинг интеграциялашишида эришилган даражасига қараб ажратиш лозим. Бунда интеграциялашиш расмий ва реал ҳусусиятга эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Расмий интеграциялашув ишлаб чиқаришни халқаро даражада умумлаштиришдан иборат бўлиб, унинг асосида мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар халқаро меҳнат тақсими асосида ташкил этилади.

Реал иқтисодий интеграция эса ишлаб чиқаришнинг иштирокчи мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари паритети асосида халқаро умумлаштиришдан иборат бўлади.

Иқтисодий интеграция, ўз навбатида, иштирокчи мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг яхшиланиши учун шароит яратди. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, интеграциядан ички бозори кичик, ресурсларга бой бўлмаган, жаҳон ЯММида кам улушга эга бўлган мамлакатлар кўпроқ самара олади.

Таҳлиллар кўрсатишича, ХИИ куйидаги объектив омиллар ва сабабларга асосланади:

- хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг ўсиб бориши;
- халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашуви;
- умумжаҳон илмий-техника тараққиётининг ўзига хослиги;
- миллий иқтисодиётлар очиқлиги даражасининг ортиши;
- интеграциялашаётган мамлакатларда даромадларнинг ортиши;
- янги савдо оқимларининг пайдо бўлиши;
- ишлаб чиқариш харажатлари, товарлар ва хизматлар нархининг пасайиши туфайли иқтисодий фаровонликнинг ўсиши;
- интеграцион бирлашмага аъзо мамлакатларнинг учинчи мамлакатларга нисбатан иқтисодий позициясининг мустаҳкамланиши;
- минтақада сиёсий ҳамкорликнинг ривожланиши ва интеграцион бирлашмага аъзо мамлакатларнинг учинчи мамлакатларга нисбатан сиёсий позициясининг мустаҳкамланиши.

Ушбу омилларнинг барчаси ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, интеграция мамлакатлар ўртасидаги (халқаро меҳнат тақсимои асосида) барқарор иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва қайта ишлаб чиқаришнинг миллий хўжалик доирасидан четга чиқиши жараёнидир.

### **34.2. Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт-шароитлари ва ривожланиш босқичлари**

Иқтисодий интеграция шаклланишининг шарт-шароитлари куйидагилардан иборат:

– интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши ва бозор муносабатларидаги етуқлиги даражасининг яқинлиги. Аксарият ҳолларда мамлакатлараро интеграция саноат жиҳатдан тараққий этган ёки ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ривожланади;

– интеграциялашаётган мамлакатларнинг географик яқинлиги, аксарият ҳолларда умумий чегара ва тарихан шакланган иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги. Дунёдаги интеграцион бирлашмаларнинг аксарияти географик жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган, чегарадош, транспорт алоқаларига эга бўлган, кўпинча бир тилда сўзлашадиган қўшни мамлакатлардан бошланган;



– интеграциялашпаётган мамлакатлар олдида турган иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги. Иқтисодий интеграция мамлакатлар олдида мавжуд бўлган аниқ муаммолар тўпламини ҳал қилишга қаратилади;

– устунликни намойиш қилиш самараси. Интеграцион бирлашмаларни тузган мамлакатларда одатда ижобий иқтисодий ўзгаришлар (иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлашуви, инфляциянинг пасайиши, иш билан бандликнинг ўсиши ва шакллар) содир бўлади ва бу ҳол, шубҳасиз, ўзгаришларни кузатиб бораётган бошқа мамлакатларга муайян руҳий таъсир кўрсатади;

– “домино самараси”. Минтақа мамлакатларининг кўпчилиги интеграцион бирлашмага аъзо бўлгач, бирлашма доирасидан четда қолган мамлакатлар айрим иқтисодий муаммоларга дуч келишади. Бу муаммолар мазкур гуруҳга кирувчи мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг узвийлиги билан боғлиқ. Бу кўпинча интеграция доирасидан ташқарида қолишдан кўриб, интеграция доирасидан четдан қолган мамлакатлар билан савдони қисқартиришга ҳам олиб келади.

Ҳозирги кунда халқаро иқтисодиётда юзага келаётган ва ривожланаётган кўплаб интеграцион бирлашмалар аслида ўз олдига бир-бирига ўхшаш куйидаги вазифаларни кўядилар:

1. Кенг кўламли иқтисодиёт афзалликларидан фойдаланиш. Кенг кўламли иқтисодиёт назарияси асосида бозорлар ҳажмини кенгайтириш, трансакцион харажатларни камайтириш ва бошқа қатор афзалликлардан фойдаланиш. Бу, ўз навбатида, катта ҳажмдаги бозорларга катта иштиёқ билан кириб келадиган тўғридан-тўғри чег эл инвестицияларини жалб қилишга бевосита имкон беради.

2. Қулай ташқи сиёсий муҳитни яратиш. Аксарият интеграцион бирлашмаларнинг муҳим мақсади уларда иштирок этувчи мамлакатларнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий, маданий ва бошқа ноиқтисодий соҳаларда бир-бирини тушуниши ҳамда ҳамкорлигини мустаҳкамлашдир.

3. Савдо сиёсатидаги вазифаларни ҳал қилиш. Минтақавий интеграция, кўпинча, ГАТТ/ЖСТ доирасида иштирок этаётган мамлакатларнинг музокараси нуқтаи назаридан олиб қаралади. Мамлакатлар блоки номидан келишилган ҳолдаги баёнот анча жиддий ҳисобланади ва савдо сиёсати соҳасида қўтилган натижаларни беради.

4. Иқтисодиётни таркибий қайта қуришга кўмаклашиш. Ўз миллий иқтисодиётини интеграция жараёнларига қўшар эканлар, ривожланганроқ давлатлар ҳам ўша мамлакатлардаги тўлақонли ва катта ҳажмли бозорларни яратиш ҳамда улардаги бозор ислохотларининг ривожланишидан манфаатдор бўлади. ЕИнинг у ёки бу шаклига қўшила туриб, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатлари шу мақсадларни кўзлаган эди.

5. Миллий sanoatнинг ёш соҳаларини қўллаб-қувватлаш. Ҳатто, интеграцион бирлашмалар учинчи мамлакатларга нисбатан камситувчи чораларни назарда тутмаганларида ҳам, улар фаолияти учун кенгрок

минтақавий бозор очиладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш усули сифатида қаралади.

Тарихан интеграцион жараёнлар ўз ривожланиш босқичларига эга. Уларнинг ҳар бири унинг ривожланишининг маълум даражага етганлигини ифода этади. Интеграцион гуруҳлар типологиясининг асослари иштирокчи мамлакатлар миллий иқтисодиётининг макро ва микро даражада ўзаро яқинлашиши ҳамда бир-бирига иқтисодий жиҳатдан қанчалик чуқур кириб боришини баҳолашда намоён бўлади (34.2.1-жадвал).

34.2.1-жадвал

**Интеграция жараёнларининг шакллари ва босқичлари**

Интеграция босқичлари	Тавсифи				
	Савдода чекловларни бекор қилиш	Умумий ташқи савдо чекловлари	Ишлаб чиқариш омиллари­нинг эркин ҳаракати	Мувофиқ­лаштирилган фискаль сиёсат	Ягона макросиёсат ва уни амалга оширишнинг умумий ташкилотлари
Эркин савдо зонаси	х				
Божхона иттифоқи	х	х			
Умумий бозор	х	х	х		
Иқтисодий ва валюта иттифоқи	х	х	х	х	
Тўлиқ интеграция	х	х	х	х	х

ХИИ назариясида америкалик иқтисодчи Б.Баласса иқтисодий интеграциянинг куйидаги бешта шаклини ажратади.

Эркин савдо зонаси – мамлакатларнинг ўзаро савдода боғжона боғлари ва миқдорий чекловларни бекор қилиш мақсадидаги бирлашуви. Иштирокчи мамлакатлар бу босқичда ўзаро савдо тўсиқларини бекор қилади, лекин учинчи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда тўла эркинликни сақлаб қоладилар (масалан, боғжона боғларини ёхуд бошқа чеклашларни бекор қилиш ёки янгиликларни киритиш ва савдо-иқтисодий шартномалар, битимлар тузиш ҳуқуқлари). Бунинг оқибатида мамлакатлар ўртасида чегараларни кесиб ўтаётган товарларнинг келиб чиқишини назорат қиладиган ва тегишлича учинчи мамлакатлардан имтиёзли равишда товарларни олиб киришга тўсқинлик қиладиган боғжона чегаралари ҳамда постлари сақланиб қолади. Эркин савдо ҳудудлари аъзо мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларга жалб этилиш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради.

Эркин савдо ҳудудларининг салбий томонларига келадиган бўлсак, улар ички бозор рақобатининг кучайиши билан белгиланади, чунки бу миллий ишлаб чиқарувчиларга салбий таъсир этиши ва банкротлик хавфини кучайтириши мумкин. Бу босқичда миллатлараро тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш кўзда тутилмайди. Бу эса, ўз навбатида, биргаликда қарорлар қабул қилиш жараёнларини секинлаштиради.

**Божхона иттифоқи** – ўзаро савдода тўсиқлар бекор қилинган ва аъзо бўлмаган мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифлари асосида умумий ташқи савдо сиёсати олиб бораётган мамлакатлар гуруҳи. Интеграциянинг бу босқичида давлатлар фақат ўзаро тўсиқларни бартараф этибгина қолмай, балки ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини ва учинчи мамлакатларга нисбатан божхона божларининг ягона тизимини ташкил қиладилар. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади.

**Умумий бозор** – аъзо мамлакатлар ўртасида товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлашга эришишга ҳаракат қиладиган мамлакатлар гуруҳи. Бу босқичда мамлакатлар ўз миллий чегаралари орқали нафақат товарлар, балки барча ишлаб чиқариш омиллари – капитал, ишчи кучи, технология ва маълумотларни эркин ҳаракати ҳақида келишадилар. Божхона иттифоқини умумий бозорга айлантириш жараёни фақат савдони эмас, балки иқтисодий сиёсатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олувчи қонуний меъёрларни уйғунлаштириш масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ички божхона тўсиқлари ва бошқа чеклашларни бартараф этиш орқали учинчи мамлакатлар билан савдода умумий таъминларни ишлаб чиқиш зарур, натижада миллий чегаралар орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг ҳар қандай тўсиқларсиз ўтишига шарт-шароит яратилади. Умумий бозорни шакллантиришда ижтимоий фондларни яратиш зарурияти тугилади. Бундан ташқари, миллатлараро мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи тажрибасидан маълумки, бундай ташкилотларни ташкил этмасдан туриб миллий қонунчилик меъёрларини соддалаштириш ва интеграцион бирлашма иштирокчиларининг умумий қарорларининг бажарилишини назорат қилиш тизимини жорий этиш мумкин эмас. Бунда иштирокчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади.

**Иқтисодий ва валюта иттифоқи** – ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати таъминланган, ижтимоий-иқтисодий, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, валюта-молия соҳаларида ягона сиёсат амалга ошириладиган, умумий валюта муомаласа киритилган мамлакатлар гуруҳи.

**Тўлиқ интеграция** – ягона иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқнинг шаклланиши, жумладан, ташқи сиёсат, қонунчилик ва ички ишлар соҳасида умумий сиёсатнинг амалга оширилиши, ягона фуқароликнинг жорий этилиши. Тўлиқ интеграция шароитида миллий даражадан устун турадиган тартибга

солувчи институтлар шакллантирилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир аъзо мамлакат ва иттифоқ имкониятларини ўзаро манфаатли асосда бирлаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Шундай қилиб, ХИИ ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг қуйи шаклидан нисбатан юқори шаклига қараб босқичма-босқич ҳаракатланиш жараёнини акс эттиради.

Иқтисодий интеграцияга киришаётган мамлакатлар қуйидаги афзалликларга эга бўлади:

- миллий бозорларнинг бирлашиши мамлакатлар ички бозори ҳажмининг кенгайишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, умумий ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишини рағбатлантиради;

- аҳоли харид қобилиятининг ўсиши жон бошига тўғри келувчи ўртача даромадларнинг ўсиши ва товарлар нархининг пасайишига олиб келади;

- ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги ортади;

- ишлаб чиқариш ихтисослашув даражасининг чуқурлашуви натижасида юзага келадиган “миқёс самараси”нинг ортиши;

- аъзо мамлакатларнинг рақобат афзалликларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришнинг нисбатан самарали таркибини шакллантириш;

- бозорларни бирлаштириш, ишлаб чиқариш таомилларининг эркин ҳаракатини таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва даромадларни ошириш ҳисобига инвестиция жозибадорлигини ошириш;

- иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштириш.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, аксарият мамлакатлар бир ёки бир нечта интеграцион бирлашмалар аъзоси ҳисобланади. Дунёдаги 170 дан ортик интеграцион бирлашмаларнинг 84% и эркин савдо зонаси ҳисобланади. Ушбу ҳолат ЖСТ доирасида кўп томонлама келишувлар даражасида савдо ва инвестицияларни эркинлаштириш жараёнларининг қийин кечаётганлиги билан боғлиқ. 1990 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли минтақалардаги мамлакатларни жалб этган ҳолда минтақалараро эркин савдо зоналарини ташкил этиш жараёни кучайди ва дунёнинг асосий минтақаларини қамраб олган йirik интеграцион бирлашмалар пайдо бўлди (34.2.2-жадвал).

34.2.2-жадвал

### Айрим иқтисодий интеграцион бирлашмаларнинг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>

	Майдони, млн. кв. км	Аҳолиси, млн. киши	ЯИМ (ХҚП), трлн. долл.	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ХҚП), минг долл.	Аъзо мамлакатлар соғи
ЕИ	4,3	501,1	15,2	30,4	27
НАФТА	21,8	457,3	17,2	35,5	3
АСЕАН	4,5	601,0	3,1	5,1	10*
ЕврОИХ	20,4	182,3	1,7	9,3	5

<sup>1</sup> Красавина Л.Н. Тенденции развития международных валютных отношений в условиях глобализации мировой экономики. //Деньги и кредит, №11, 2011. С. 17.

Халқаро иқтисодий интеграцион бирлашмалар ичидаги алоқаларнинг ривожланганлик даражасини ақс эттирувчи муҳим кўрсаткич аъзо мамлакатларнинг ўзаро савдо кўрсаткичи ҳисобланади. Мисол учун, интеграциянинг юқори босқичига эришган ЕИда бу кўрсаткич 2010 йилда 65,3% га тенг бўлди (34.2.3-жадвал).

### 34.2.3-жадвал

#### Жаҳондаги етакчи интеграцион бирлашмаларда ўзаро савдода товарлар экспорти, жамига нисбатан фоиз ҳисобида<sup>2</sup>

	1990 й.	1995 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.
ЕИ	–	–	67,5	66,8	65,3
НАФТА	42,6	46,0	55,6	55,8	32,3
МЕРКОСУР	8,9	20,5	21,0	12,9	15,7
АСЕАН	20,1	25,5	24,0	24,9	24,6

Жаҳон тажрибаси, ХИИ миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига кўшилишини рағбатлантиришда самарали восита, барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадларини ошириш, инсон капиталини ривожлантириш, иқтисодиётда таркибий силжишларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш, инвестицияларни бошқариш ва сифатини оширишни таъминлаш имконияти эканлигини кўрсатмоқда.

### 34.3. Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг ривожланиши

Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг шаклланиши ва ривожланиши халқаро иқтисодий интеграциянинг яққол намунаси ҳисобланади. Ғарбий Европа интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлар билан биргаликда В.Гюго, И.Кант каби Европа сиёсий ва жамоат арбоблари, мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ягона Европа ғоялари билан суғорилган эди. ЕИнинг ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий тарихи 1951 йилдан бошланади. 1951 йилда Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург давлатлари томонидан Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) тўғрисидаги Париж шартномаси имзоланди. Бу Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясининг ўзига хос ибтидоси эди. Умумий кўмир ва пўлат бозорининг муваффақиятли ва тезда шаклланиши 1957 йилда Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИҲ) ва Европа атом энергияси ҳамжамиятини (Евратом) ташкил этиш тўғрисидаги Рим шартномаларининг имзоланишига олиб келди. Шу тариха юқоридаги олти мамлакат ҳудудда ЕКПБ, ЕИҲ ва Евратом интеграция бирлашмалари ташкил этилди. ЕИҲ эса асосий иқтисодий интеграция бирлашмасига айланди.

<sup>2</sup> Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. –М.: Магистр, 2010. С. 167; International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида тузилган.

1957 йилдаги Рим шартномасининг мақсади умумий товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучи бозорини яратиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, миллий иқтисодиётларнинг ривожланиш даражасини яқинлаштиришдан иборат эди. Бу мақсадга эришишнинг дастаклари сифатида божхона иттифоқини шакллантириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ижтимоий соҳаларда умумий сиёсат олиб бориш, миллатлараро институционал таркибни барпо этиш кабилар белгилаб олинди.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йилларнинг охиридан ҳозирги вақтга қадар нотеқис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шунга қарамасдан ЕИХни ташкил этишда қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақиятли амалга оширилди.

Ғарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич (50-йилларнинг охири 70-йиллар ўртаси) ҳамжамият фаолиятидаги “олтин аср” ҳисобланади. Ушбу босқич божхона иттифоқининг муддатидан илгари шакллантирилиши, ягона аграр бозорнинг муваффақиятли ривожлантирилиши, ЕИга унга янги мамлакатлар – Буюк Британия, Дания, Ирландиянинг аъзо бўлиб кириши билан тавсифланади.

Кўпинча “Умумий бозор” деб аталадиган ЕИХни ташкил этишнинг аниқ мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

– аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш;

– учинчи мамлакатлар билан ташқи савдода умумий божхона тарифини белгилаш;

– “инсонлар, капиталлар, хизматлар”нинг эркин ҳаракат қилиши учун чеклашларни бекор қилиш;

– транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ягона, умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– валюта иттифоқини ташкил этиш;

– солиқ тизимини бирхиллаштириш (унификациялаш);

– қонунчиликни яқинлаштириш;

– келишилган иқтисодий сиёсат тамойилларини ишлаб чиқиш.

ЕИХ аъзо мамлакатларда товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучи ҳаракатини эркинлаштириш, умумий бозорни ташкил этиш вазифасини биринчи даражали мақсад қилиб қўйди. Шу мақсадда божхона иттифоқи ташкил этилди ва қуйидаги вазифалар ҳал этилди:

– аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдодаги савдо чекловлари бекор қилинди;

– учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи белгиланди;

– капитал, кредитлар ҳаракати, пул ўтказмалари, хизматлар кўрсатиш эркинлигига эришилди;

– иш кучининг эркин миграцияси ва яшаш жойини эркин танлаш имконияти таъминланди.

Юқорида қайд этилган чоралар ЕИХ мамлакатларида саноат интеграциясининг жадаллашувига кўмаклашди. Шу билан бир вақтда компенсация йигимлари ва қишлоқ хўжалиги жамғармаси орқали молиялаштириш, умумий протекционизмни қўллаш шаклида аграр интеграцияни амалга оширишга уриниб кўрилди. ЕИХнинг аграр сиёсати аъзо мамлакатларнинг аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бирдек минимал нархлар белгилашни кафолатловчи нархларнинг ягона тизимига асосланади.

Умумий бозорнинг шакллантирилиши миллий монополияларнинг трансмиллий монополияларга айланиши жараёни тезлаштирди ва уларнинг ҳамкор мамлакатлар иқтисодига кириб боришига кўмаклашди. ЕИХнинг ривожланиши аъзо мамлакатларнинг яққаланиб қолган миллий хўжаликларидан ташқи бозорга йўналтирилган очиқ турдаги иқтисодийга ўтиш жараёни тезлаштирди.

Иккинчи босқич 1960 йилларни ўз ичига олади ва ЕИХнинг барқарор, жадал суръатларда ривожланиши билан ажралиб туради. 1968 йилда юқорида қайд этилган учта интеграция бирлашмаларининг маъмурий бошқаруви ва бюджети Европа ҳамжамияти (ЕХ) номи остида бирлаштирилди ҳамда божхона иттифоқи амал қила бошлади.

Иккинчи босқич (1970-йиллар ва 1980-йилларнинг биринчи ярми) 1970 йилларнинг биринчи ярмида ва 1980 йилларнинг бошида рўй берган иқтисодий инқирозлар туфайли “Европессимизм” деган номни олди. Бу даврда ЕХ Буюк Британия, Дания, Ирландия ва Грециянинг қабул қилиниши натижасида 10 та мамлакатга кенгайди. 1979 йилдан бошлаб эса шартли ҳисоб-китоб валютаси ЭКЮга асосланган Европа валюта тизими (ЕВГ) амал қила бошлади.

Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми – 90-йиллар боши) – ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи бўлди. 1986 йилда ЕИГА Испания ва Португалиянинг кўшилиши илгари мавжуд бўлган мамлакатлараро номуносибликларнинг кескинлашувига олиб келди. Шу билан бирга бу давр Ягона Европа Акти (ЯЕА) қабул қилиниши туфайли Ғарбий Европа интеграцияси ривожланишининг янада кучайиши билан тавсифланади.

Тўртинчи босқичда (XX асрнинг 90-йиллари ўртаси – XXI аср боши) ЯЕАга мувофиқ 1993 йил 1 январдан бошлаб ҳамжамият чегаралари доирасида ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракат қилиши жорий этилди. Амалда ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий макон пайдо бўлди ва бу ҳолат ЕИ иқтисодий интеграциясининг сифат жиҳатдан янги боқичга кирганлигини англатар эди.

Маастрихт шартномаси асосида (1992 йил февраль) 1994 йил 1 январдан бошлаб ЕИХ аъзолари сони 15 тага етди ва ҳамжамият ЕИГА айлантирилди. ЕИ доирасида тўлиқ ягона ички бозор шакллантирилди. Навбатдаги муддатга интеграция ҳамкорлиги мақсадлари эълон қилинди. Улар ягона валюта – евро

эмиссияси хуқуқи билан ягона Европа банки, ички чегараларсиз ягона Ғарбий Европа мақони барпо этишни ўз ичига олар эди.

Маастрихт битимлари Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланишида сифат жиҳатдан янги босқич ҳисобланади ва ушбу босқичда мамлакатлар иқтисодийетини микро даражада бир-бирига яқинлаштириш вазифаси қўйилди.

Маастрихт битимлари ЕИ олдида қуйидагиларни ҳал этиш вазифасини қўйди:

- ягона валюта иттифоқини шакллантириш ва уни бошқариш;
- ягона иқтисодий сиёсат, жумладан, ягона бюджетни мувофиқлаштириш, назорат қилиш;
- эркин рақобатга асосланган ягона бозорни шакллантириш ва ҳимоя қилиш;
- бой ва қашшоқ минтақалар ўртасида тенгликка интилиш ва маблағларни қайта тақсимлаш;
- қонунчилик ва тартиб-қондани қўллаб-қувватлаш;
- фуқароларнинг ҳуқуқларини эътироф этиш ва ривожлантириш;
- учинчи мамлакатларга нисбатан келишиб юритиладиган савдо, умумий иқтисодий сиёсатни олиб бориш.

“Ягона”, мувофиқлаштирилган умумий иқтисодий сиёсатни амалга оширишни тақозо этувчи мазкур қоидаларни рўёбга чиқариш учун эса ижроия – мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган халқаро давлат ташкилотларига эҳтиёж туғилди.

ЕИ ривожланиш тарихи давомида олти марта кенгайган бўлиб, 2004 йилдан бошлаб кенгайиш асосан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига юз берди (34.3.1-жадвал).

34.3.1-жадвал

### Европа Иттифоқининг кенгайиши

Ташсича мамлакатлар (1957 й. 25 март)	Биринчи кенгайиш 1973 й.	Иккинчи кенгайиш 1981 й.	Учинчи кенгайиш 1986 й.	Тўртинчи кенгайиш 1995 й.	Бешинчи кенгайиш 2004 й.	Олтинчи кенгайиш 2007 й.
Бельгия Франция Германия Италия Люксембург Нидерландия	Буюк Британия Дания Ирландия	Греция	Испания Португалия	Австрия Финляндия Швеция	Венгрия Кипр Мальта Латвия Литва Польша Словакия Словения Чехия Эстония	Болгария Руминия



Ҳозирги вақтда 27 мамлакатдан иборат бўлган ЕИ АҚШ ва Япония билан бирга жаҳондаги асосий ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи халқаро марказлардан бири ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, 2010 йилда жаҳон товарлар экспортининг 15,1% и ва товарлар импортининг 16,5% и ЕИ ҳиссасига тўғри келади. ЕИ ҳудудида 502,1 млн. киши истиқомат қилади. ЕИ мамлакатларида харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган йиллик ялпи миллий маҳсулот миқдори ўртача 19,9 минг долларни ташкил этади. ЕИга товарлар экспортида ўзаро савдонинг улуши юқори бўлиб, 2010 йилда бу кўрсаткич 65,3% ни ташкил этди (34.3.2-жадвал).

34.3.2-жадвал

**ЕИ товар экспортининг географик таркиби ва ўзгариши<sup>3</sup>**

	Қиймати, млрд. долл. 2010 й.	Таркиби, жамига нисбатан % да		Ўзгариши, % да	
		2005 й.	2010 й.	2009 й.	2010 й.
Жами	5153,2	100,0	10,0	-22	12
Европа	3682,6	73,5	71,5	-23	10
шундан жумладан:					
ЕИ-27	3365,2	67,8	65,3	-23	10
Осиё	473,0	7,5	9,2	-13	23
Шимолий Америка	377,8	8,9	7,3	-23	13
МДҲ	162,2	2,5	3,1	-39	22
Африка	162,2	2,6	3,1	-14	10
Яқин Шарқ	137,7	2,7	2,7	-18	8
Жанубий ва Марказий Америка	90,1	1,3	1,7	-23	31
Бошқа минтақалар	67,6	1,0	1,4	-	-

ЕИ миллий ҳукумат органларидан юқори турувчи давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эгаллиги билан ажралиб туради. ЕИнинг маъмурий бошқаруви ЕИ Кенгаши (ҳукуматлар ва вазирлар даражасида амал қилади), Европа Парламенти (ЕИ қонунлари ва бюджетини тасдиқлайди), Европа Комиссияси (ЕИнинг доимий ижро органи ҳисобланади) ва Европа судидан иборат.


ЕИнинг ягона бюджети 2000 йилдан бошлаб ҳар етти йил учун белгиланади (ҳозирги вақтда 2007–2013 йилларга мўлжалланган 1025 млрд. евро ҳажмидаги бюджет амал қилади). ЕИ бюджетининг даромад қисми божсиз божлари, товарлар импортидан турли йиғимлар, ҚҚСдан ажратилмалардан ташкил топса-да, асосий даромад манбаи аъзо мамлакатлар ЯИМнинг 1,24% ига тенг ажратмалардан иборат.

<sup>3</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 30.

ЕИ бюджети харажатлар қисмининг ҳажми ва улуши истиқбол учун белгиланган мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Охириги бир неча ўн йилликда ЕИ бюджетининг катта қисми аграр сиёсатни амалга оширишга йўналтирилган. Жумладан ҳозирда амалда бўлган бюджетнинг 35% га яқин қисми аграр сиёсатни молиялаштиришга, 10% и эса қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит муҳофазасига, 38% и минтақавий сиёсатни амалга ошириш учун сарфланади.

ЕИнинг молия институтлари Европа инвестиция банки (ЕИБ), Европа инвестиция фонди (ЕИФ) ва Европа Марказий банкдан (ЕМБ) иборат.

Ғарбий Европада иқтисодий интеграция жараёнлари фақат ЕИ худуди билан чекланиб қолмайди (34.3.1-расм).



**34.3.1-расм. Ғарбий Европада интеграция жараёнлари**

Ушбу худудда 60-йиллардан бошлаб Европа эркин савдо уюшмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) ЕИдан фарқли равишда миллий манфаатлардан устун турувчи функциялар ва

давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. ЕЭСУ иқтисодий ҳамкорликни асосий мақсад қилиб қўйди ва биринчи навбатда, савдонинг эркинлаштириши ва божхона тўсиқларини бартараф этишга қўмақлашди. ЕЭСУ аъзолари (80-йилларда улар еттига, 90-йиллар ўртасида тўртта – Норвегия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария) учинчи мамлакатлар билан савдо-иқтисодий битимларга ихтиёрий қўшилидилар, ЕЭСУ қатнашчиларидан ҳар бири бу мамлакатларга нисбатан исталган божхона тарифларини белгилашга ҳақлидир. ЕЭСУ аъзолари ўртасидаги савдода божсиз, эркин савдо режими фақат саноат товарларига нисбатан амал қилади, чунки ЕЭСУ конвенция-сининг амал қилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига жорий этилмайди.

Умуман, ягона иқтисодий макон божхона иттифоқи ҳисобланмайди. ЕИ ва ЕЭСУ тузилмаси доирасида аъзо мамлакатлар ягона савдо сиёсати ва учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларига эга эмас. ЕЭСУ аъзолари иқтисодий ривожланиш даражасининг юқорилиги ва ўзаро иқтисодий алоқаларига қарамай тўлақонли интеграция гуруҳига айланмади. Амалда ЕЭСУ ЕИХ ва ЕИнинг янги аъзолари учун ўзига хос “тайёргарлик синфи” бўлди.

**БЕНИЛЮКС** – 1960 йилда Бельгия, Нидерландия ва Люксембург ўртасида имзоланган иқтисодий иттифоқ. Ушбу иттифоқда товарлар, хизматлар, капитал ва инсонларнинг эркин ҳаракати таъминланган бўлиб, учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо ва иқтисодий сиёсат олиб борилади.

**Марказий Европа эркин савдо уюшмаси (МЕЭСА)** – 1993 йилда Венгрия, Польша, Словакия, Чехия, Словения томонидан имзоланган эркин савдо уюшмаси. Кейинчалик бу мамлакатлар ЕИга аъзо бўлганларидан кейин МЕЭСАдан чиқиб кетишди. Ҳозирда Албания, Босния ва Герцеговина, Хорватия, Македония, Молдова, Сербия, Косово ва Черногория МСЕЭА аъзолари ҳисобланади.

**Бундан ташқари, ЕИ томонидан Африка, Кариб ҳавзаси, Осиё–Тинч океани (АКҲОТ)** мамлакатлари (69 та) учун Ломе конвенциясига мувофиқ товарларни бож тўлмасдан олиб кириш бўйича имтиёзлар, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари (Жазоир, Марокаш, Тунис, Миср, Иордания, Ливан, Сурия) учун ЕИга саноат ва анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин олиб кириш ҳуқуқи бўйича имтиёзлар белгиланган.

#### **34.4. Америка қитъасида интеграция жараёнларининг ривожланиш хусусиятлари**

Жаҳон хўжалигида амал қилаётган интеграцион марказлардан бири Шимолий Америка ҳудуди ҳисобланади. 1992 йилда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида Шимолий Америка Эркин савдо ассоциациясини (North American Free Trade Area – NAFTA) ташкил этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди ва у 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди.



**34.4.1-расм. Шимолий Америка иқтисодий интеграциясининг ҳамкорлик йўналишлари**

Мазкур интеграцион блок ҳудудида 456,6 млн. киши истиқомат қилади ва қудратли иқтисодий салоҳиятга эга. НАФТАга аъзо мамлакатлар томонидан йиллик товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 1992 йилда 7 трлн. долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 17,2 трлн. долларга тенг бўлди (34.4.1-жадвал).

*34.4.1-жадвал*

**НАФТАга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари<sup>4</sup>**

	Аҳоли, млн. киши		ЯИМ млрд. долл.		Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ҳажми, долл.		Экспорт, млрд. долл.		Импорт, млрд. долл.	
	1992	2010	1992	2010	1992	2010	1992	2010	1992	2010
Канада	27,4	34,1	493,6	1574,1	20710	46161	150,5	455,5	153,7	492,2
Мексика	89,5	113,4	329,0	1039,6	3470	9168	42,8	313,7	52,7	332,9
АҚШ	255,0	309,1	5920,2	14582,4	23240	47177	640,5	1796,6	670,1	2327,3

<sup>4</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011 йил маълумотлари асосида тузилган.

НАФТАга аъзо мамлакатлар томонидан имзоланган шартноманинг асосий вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади (бу вазифаларнинг айримларига эришиш учун 10 йил, айримлари учун 15 йил режалаштирилган эди):

- эркин савдо зонасини шакллантириш асосида аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо ва инвестицияларни рағбатлантириш (10 йил ичида божхона қондалари уйғунлаштирилди, шакар, пахта, сут маҳсулотларидан ташқари барча маҳсулотлар бўйича микдорий чекловлар ва божхона божлари бекор қилинди);

- компаниялар учун келишилган тadbиркорлик фаолияти ишлаб чиқиш (ўзаро инвестицияларда кўпсонли чекловлар бекор қилинди);

- минтақада ҳалол рақобатни таъминлаш (ҳаво транспорти, телефон алоқаси ва айрим телекоммуникация хизматларидан ташқари хизматлар савдоси, жумладан молия, банк хизматлари савдоси эркинлаштирилди);

- Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қўмаклашиш (ушбу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича умумий сиёсат олиб борилади);

- Ўзаро иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантириш (низоларни ҳал этиш механизми яратилган).

НАФТАнинг амал қилишидаги муҳим ижобий натижалардан бири самарали савдони ташкил этиш ҳисобланади.

34.4.2-жадвал

### НАФТА товарлар савдоси таркиби<sup>5</sup>

	2010		Ўзгариши, %	
	Қиймати, млрд. долл.	Улуғи, %	2009 й.	2010 й.
<b>Экспорт</b>				
Жами	1278	100,0	-18	21
НАФТА	413	32,3	-19	24
Бошқа минтақалар	66	67,7	-17	20
<b>Импорт</b>				
Жами	1969	100,0	-26	23
НАФТА	512	26,0	-27	26
Бошқа минтақалар	1457	74,0	-26	22

Ривожланаётган мамлакатлар ва Лотин Америкаси интеграция гуруҳлари ўртасида Жанубий Америка умумий бозори ёки МЕРКОСУР (Mercado Común de Cono del Sur – MERCOSUR) жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. МЕРКОСУР 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай томонидан ташкил этилган бўлиб, 2006 йилда унга Венесуэла ҳам қўшилди. Бундан ташқари МЕРКОСУРда Боливия, Колумбия, Перу, Чили Эквадор ассоциациялашган аъзо сифатида қатнашадилар. Мексика эса кузатувчи

<sup>5</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 36.

мақомига эга. МЕРКОСУРнинг стратегик мақсади минтақада умумий бозорни шакллантириш (Божхона иттифоқи эса ўтиш босқичи ролини ўтайди) ҳисобланади.

1995 йилда Божхона иттифоқи ташкил этилганлигига қарамасдан ҳозиргача нотариф чекловлар сақланиб қолиши, демпингга қарши чоралар олиб борилиши, товарнинг келиб чиқиш мамлакатининг фарқлиниши товарлар савдоси ва транзитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари 2001 йилдан Аргентинадаги иқтисодий инқироз ва Бразилиядаги миллий валюта девальвацияси туфайли МЕРКОСУР доирасида ўзаро савдода божлар жорий этилди.

34.4.3-жадвал

#### МЕРКОСУР мамлакатлари товар экспорти<sup>6</sup>

	2010		Ўзгариш, %	
	Қиймати, млрд. долл.	Улуғи, %	2009 й.	2010 й.
<b>Экспорт</b>				
Жами	281	100,0	-22	29
МЕРКОСУР	44	15,7	-21	34
Бошқа минтақалар	237	84,3	-22	29
<b>Импорт</b>				
Жами	266	100,0	-28	43
МЕРКОСУР	44	16,5	-25	35
Бошқа минтақалар	222	83,5	-28	45

МЕРКОСУРнинг вужудга келиши ўзаро савдо ҳажмининг кескин кўпайишига, бошқа минтақавий савдо гуруҳлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик миқёсининг ўсишига олиб келди. Ўзаро инвестиция фаоллиги сезиларли равишда ўсди, хориждан жалб этилган инвестициялар ҳажми ўсмоқда. МЕРКОСУРнинг муваффақиятли фаолияти минтақада сиёсий барқарорликни таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ғарбий Европа интеграциясидан фарқли равишда, Жанубий Америка бирлашмаси иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатлар ҳам ягона ташкилотда фаолият кўрсатишдангина эмас, балки муваффақиятли ҳамкорлик қилишдан далолат беради.

#### 34.5. Осиё–Тинч океани минтақасида интеграцион жараёнларнинг хусусиятлари

Осиё–Тинч океани минтақаси жаҳон хўжалигидаги интеграцион жараёнларнинг учинчи йирик маркази ҳисобланади. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (Association of South East Asian Nations – ASEAN)

<sup>6</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 37.

1967 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ва Филиппин киради.

АСЕАНнинг асосий мақсади 1967 йилда Бангкок декларациясида белгиланган қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган: Жануби-Шарқий Осиёда ҳарбий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, божхона иттифоқини шакллантириш, мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига қўмаклашиш. 1992 йилда Сингапур Саммитида кейинги 15 йил ичида Эркин савдо зонасини (ASEAN Free Trade Agreement – AFTA) ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди (34.5.1-расм).



34.5.1-расм. АСЕАН доирасида халқаро иқтисодий интеграция

Ушбу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти АСЕАН катнашчилари бўлган мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ўсиши, улар ривожланишини қиёсий таққослаш мумкинлиги, яхши йўлга қўйилган узок, тарихий аъёналарга эга бўлган ўзаро савдо алоқаларининг мавжудлиги, ҳамкорлик шаклларининг тартибга солиниши билан мустаҳкам боғлиқдир. АСЕАН режаларида 2000 йилгача бўлган муддатда қатнашчи

мамлакатларнинг божхона божларини 38 минг турдаги товарлар бўйича ўртача 5% га пасайтириш режаси мавжуд эди ва 2002 йилда эркин савдо зонаси барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

34.5.1-жадвал

### АСЕАН мамлакатлари товарлар савдоси<sup>7</sup>

	2010		Ўзгариши, %	
	Қиймати, млрд. долл.	Улуғи, %	2009 й.	2010 й.
<b>Экспорт</b>				
Жами	1052	100,0	-18	29
АСЕАН	265	25,1	-20	31
Бошқа минтақалар	788	74,9	-17	29
<b>Импорт</b>				
Жами	950	100,0	-23	31
АСЕАН	234	24,6	-22	31
Бошқа минтақалар	716	75,4	-23	31

Осиё-Тинч океани минтақасида 1989 йилдан бошлаб ҳукуматлараро иқтисодий ташкилот Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти (Asia Pacific Economic Cooperation – АРЕС) фаолият олиб боради. АРЕС 1989 йилда Австралиянинг таклифи билан Тинч океани ҳавзасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, дастлаб унга АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Филиппин, Индонезия ва Бруней кирган. Кейинчалик АРЕС таркибига Хитой, Гонконг, Тайвань, Вьетнам, Папуа-Янги Гвинея, Мексика, Чили, Перу ва Россия қўшилди.

АРЕС кўпинча “АРЕС Форуми” деб аталади, чунки бу ташкилот маслаҳат бериш мақомига эга. Форумнинг фаолият мақсади 1991 йилда Сеул декларациясида белгиланган бўлиб қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аъзо мамлакатлар иқтисодий ривожланишига қўмақлашиш;
- аъзо мамлакатларнинг юқори даражада иқтисодий ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда кўптомонлама савдо тизимини мустаҳкамлаш;
- савдо ва инвестиция соҳаларини эркинлаштириш.

1996 йилда АРЕС аъзолари 2010–2020 йилларда эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисида келишиб олдилар. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти расман маслаҳат мақомига эга, бироқ унинг ишчи органлари доирасида савдо, инвестиция ва молия фаолиятини юритишнинг минтакавий қондалари белгиланади, у ёки бу соҳаларда ҳамкорлик масалалари бўйича тармоқ вазирилари ва экспертларнинг учрашувлари ўтказилади.

1993 йилда Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари ҳукуматлари раҳбарларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди (Сизэтл, АҚШ).

<sup>7</sup> International Trade Statistics. WTO. Geneva, 2011. P. 39.



Учрашув давомида минтақада ривожланаётган интеграция жараёнларидан кутилаётган фойда олишнинг тақсимланиши юзасидан жиддий тафовутлар борлиги аниқланди. Экспертларнинг фикрича, Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида савдони эркинлаштириш аъзо мамлакатларнинг реал даромадларининг 2% га ўсишига олиб келиши керак. Бироқ кутилаётган фойдани биринчи навбатда юқори рақобатбардош мамлакатлар оладилар.

Кўпчилик мутахассислар Осиё–Тинч океани минтақасидаги иқтисодий интеграция жараёнларига баҳо берар эканлар, унинг ривожланишининг ўзига хос шарт-шароитга эгаллиги ва ўзига хослигини кўрсатдилар. Осиё–Тинч океани минтақаси интеграция жараёнининг муҳим хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Биринчидан, Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотидagi интеграция жараёни давлатлараро ҳамкорлик учун негиз ярагувчи трансмиллий корпорацияларнинг етакчилик роли шароитида юз бермоқда.

Иккинчидан, интеграция жараёни иқтисодий ривожланиши даражаси жиддий равишда фарқланувчи маданий ва ижтимоий-сиёсий тизимлари турлича бўлган мамлакатларни қамраб олади. Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг ноёблиги шундаки, унда XX асрнинг икки буюк иқтисодий давлати – АҚШ, Япония ва XXI асрнинг иқтисодий гиганти – Хитой иқтисодиёти бирлашади.

Учинчидан, Осиё–Тинч океани минтақаси кўламидаги интеграция субминтақавий иттифоқларни (АСЕАН, НАФТА, Жанубий Тинч океани форуми ва бошқалар) ўз ичига олади;

Тўртинчидан, АТЭС ва Осиё–Тинч океани минтақасида Тинч океани “очиқ” регионализм мафкураси минтақавий интеграцияни иқтисодий глобализм элементи сифатида қарайди. Бунда жаҳон иқтисодиёти эволюцияси минтақавий иқтисодий иттифоқларнинг аста-секин бирлашиши ва ўзаро бир-бирига қўшилиш жараёни сифатида қаралади. “Очиқ регионализм” концепцияси, шунингдек, Тинч океани минтақаси ичида товарлар, инвестициялар, иш кучи ҳаракати, чекланиши олиб ташланишини ҳам назарда тутаяди, протекционизмдан воз кечиш бўйича мажбуриятлар қабул қилинади, ички минтақавий иқтисодий алоқалар рағбатлантирилади. Умуман олганда, Осиё–Тинч океани минтақасида интеграция муносабатлари ривожланишининг етуклиги ҳали юқори даражада эмас. Жумладан, АСЕАН тизимидаги савдо зонаси иқтисодий интеграция ривожланишининг биринчи босқичига, яъни савдо тарифлари ва бошқа нотариф чеклашлар олиб ташланадиган эркин савдо зонасига киритиш мумкин. Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятига нисбати ҳозирча эркин савдо зонаси сифатида эмас, балки “очиқ иқтисодий уюшма” сифатида муносабатда бўлиш мумкин.

Ушбу ташкилот доирасида Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ва интеграция жараёнларини ривожлантириш истиқболлари яқин йилларда уч вариантда кўриб чиқилади.

Биринчи вариант – Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантириш Багордаги (1994 йил Индонезия) кенгашда қабул қилинган сценарий бўйича амалга оширилади. Унга мувофиқ эркин савдо зонаси ташкил этилади ва 2020 йилда (саноати ривожланган мамлакатлар учун 2010 йилгача) инвестициялар ҳаракати соҳаси эркинлаштирилади. Божхона тарифларини пайсатириш ГАТТ/ЖСТ доирасида эришилган битимларга мувофиқ юз беради.

Иккинчи вариант – мутахассисларнинг фикрича, энг эҳтимоли юқори вариант Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти учун минтақада савдо муаммоларини муҳокама қилиш форуми ролини мустаҳкамлайди. Бу ҳолда мавжуд келишувларни бажаришнинг ижроси муносабати билан низолар келиб чиқиши шубҳасиздир. Ушбу ҳолатлар ташкилотнинг кучсизланишига олиб келади. Бундай шароитларда бошқа интеграциялашган минтақавий гуруҳларнинг роли опади, чунки субминтақаларда ва Осиё–Тинч океани минтақаси гуруҳларидаги айрим мамлакатларнинг интеграциялашув даражаси нисбатан юқори бўлиб, минтақада интеграция жараёнлари жадал ривожланишининг ўзига хос ячейкалари бўлиши мумкин. Жумладан, “ўсиш учбурчаги” – Жанубий Хитой иқтисодий зонаси (Хитой, Гонконг, Тайвань), “ўсиш олтин учбурчаги” (Индонезия, Малайзия, Сингапур), Япон денгизи ҳавзаси мамлакатлари иқтисодий зонаси, Ҳинди-Хитой иқтисодий зонаси мавжуд.

Учинчи вариант – АҚШ ва ЕИда протекционистик кайфиятлар устунлик қилишини истисно этмайди, бу жаҳон савдосининг жадал суръатларда эркинлашишига тўсқинлик қилиши ва Осиё–Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида интеграция жараёнлари миқёсини Осиё мамлакатлари билан чеклаши мумкин.

#### **34.6. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, сиёсий ва иқтисодий соҳада улкан ютуқларга эришди. Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиши ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама иқтисодий сиёсат юритиши давлатимизнинг жаҳон ҳўжалигида тутган ўрнини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий интеграциялашуви миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, миллиятлар ва элатларнинг яқинлашувиغا, аҳолининг турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

XXI аср бошларида жаҳон ҳўжалигидаги ҳар қандай мамлакат иқтисодий интеграциясиз барқарор суръатларда ривожлана олмайди. Иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси сиёсати миллий иқтисодиётнинг юксак даражада ва жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторига киришига қаратилган.

Иқтисодий интеграция иқтисодиётга бевосита қуйидаги натижаларга эриш имкониятини беради: товарлар, капиталлар, хизматлар эркин ҳаракат қилади; рақобат кучаяди; ишлаб чиқариш кучлари ривожланади; ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади; сифатли ва арзон товарлар ишлаб чиқарилади; истеъмолчиларнинг талаби ортиб боради; таклиф қилинадиган товарлар номенклатураси кўпаяди; бозорларнинг ривожланган шакллари пайдо бўлади ва умумий бозорлар ташкил қилинади; ишсизлик даражаси пасаяди; миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасидаги фарқлар йўқолиб боради; янги кучли умумий иқтисодиёт шаклланади; миллий иқтисодиёт ривожланиб боради; энг муҳими аҳолининг турмуш даражаси ўсади ва сифати яхшиланади.

Юқоридagi мақсад ва вазифаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё, МДҲ давлатлари, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириши керак.

Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашиб борар экан, унинг халқаро иқтисодий алоқалари узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар билан тараққий этиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг МДҲ ва Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти каби интеграция уюшмаларида иштирок этиши мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада оширади.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари билан алоқаларга катта, устувор аҳамият бериб, МДҲ тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади. Бундай ҳамкорликка ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги, нафақат боғлиқлиги, балки чуқур тарихий, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда.

Ҳамдўстлик бирлашмаси мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– демократик ҳуқуқий давлатлар тузиш, улар ўртасидаги муносабатлар давлат мустақиллигини ҳамда суверен тенгликни ўзаро тан олиш ва ҳурматлаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, тенг ҳуқуқлилиқ ва ички ишларга аралашмаслик, ҳар қандай тазйиқлардан воз кечиш, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан кичик миллатлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, мажбурияларини ва бошқа умум тан олинган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларини ҳалол бажариш;

– бир-бирларининг ҳудудий бутунлиги ва мавжуд чегараларнинг бузилмаслигини тан олиш ва ҳурмат қилиш;

– чуқур тарихий илдизларга эга бўлган халқларнинг туб манфаатларини ҳамда қўшничилиқ ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш;

– фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш.

**Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграцион  
бирлашмалардаги иштироки**

Интеграцион бирлашма	Ташкил этилган ва Ўзбекистон аъзо бўлган вақти		Таркиби	Мақсади ва вазифалари
МДҲ	1991	1991	Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Грузия*, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Украина	Ҳамдўстлик доирасида эркин савдо худудини яратиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, товарларнинг эркин ҳаракатлигинини таъминлаш.
Иқтисодий ҳамкорлик ташқилоти (ИҲТ)	1964	1992	Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон	Ўзаро савдоини кенгайтириш; барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун шароит яратиш; савдо тўсиқларини бекор қилишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолият; халқаро форумларда умумий ёндашув орқали жаҳон савдоси ҳажминини ошириш.
Марказий Осиё ҳамдўстлиги (МОҲ) 2004 йилдан ЕОИҲ билан бирлаштирил ган	1994	1994	Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон	Сув, ёқилғи ресурслари ва сув ҳўжалиғи объектларидан барча мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш; минтақанинг умумий транспорт инфратузилмасини яратиш; ишлаб чиқариш кооперацияси ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш; гуманитар соҳада ўзаро ҳамкорлик ва экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш; хавфсизликни таъминлаш масалаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш.
Шаңхай ҳамкорлик ташқилоти (ШҲТ)	1996	2001	Россия, Ҳитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон	Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш. Ягона иқтисодий бозорни яратиш.
Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕОИҲ)	2000	2005	Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларус, Тожикистон, Ўзбекистон*	Ягона иқтисодий маконни шакллантириш. Аъзо мамлакатларда иқтисодийда таркибий ислохотларни келишиб олиш; ягона транспорт таркиби ва транспорт бозорини яратиш; ягона божхона тарифини жорий этиш; миллий қонунчилиқни уйғунлаштириш.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг МДХга аъзолиги унга бир қатор муҳим вазифаларни миллат, иқтисодиёт манфаатларига мувофиқ ҳал этиш имконини беради:

- ишлаб чиқаришни, аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлашни қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи кооператив хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- МДХнинг бир қатор товарларини миллий бозорда, жумладан, анъанавий маҳсулотларни сотиш соҳасида етакчи мавқени сақлаш;

- собиқ иттифокчи республикалар эга бўлган хомашё ресурсларидан фойдаланиш;

- Ўзбекистоннинг учинчи мамлакатларга экспорт-импорт товар оқимига хизмат кўрсатувчи транспорт коммуникацияларидан кафолатли ва хатарсиз фойдаланиш.

Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари иқтисодий эркинлаштириш, уни бозор тамойилларига изчиллик билан ўтказиш, хўжалик тузилмасини қайта қуришдан иборат умумий йўл билан белгиланади.

МДХ мамлакатлари Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Уларнинг ҳиссасига республика ташқи савдо умумий ҳажмининг 30% дан ортиғи тўғри келади. Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари товар айирбошлаш динамикаси тенглик ва ўзаро фойдали тамойилларга асосланган, савдо-иқтисодий муносабатларнинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради. Россия, Қозоғистон ва Украина 2000–2010 йилларда Ўзбекистон билан йирик савдо алоқаларини олиб борган мамлакатлар ҳисобланадилар.

Иқтисодий муносабатларнинг шакли ва таркиби МДХ мамлакатлари билан тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон МДХнинг аксарият мамлакатлари билан савдо-тўлов балансида ижобий сальдога эга.

Россия Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо ҳамкори ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасидан Россияга асосан пахта толаси, озиқ-овқат, машина ва ускуналар, ёнилғи маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари экспорт қилинади.

Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш минтақанинг ривожланиши ва давлатлар иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов интеграция ҳақида гапирар экан, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланади: “Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Факат ўзининг тор миллий қобигида қолиб кетмаган бозоргина хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жалб қилиб, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлай олади»<sup>8</sup>.

Ўзбекистоннинг мавқеи минтақада аҳамиятли бўлишига қарамай, айрим географик-сиёсий омиллар мамлакатнинг стратегик имкониятларини чеклаб қўяди. Мамлакат қолган Марказий Осиё давлатларининг барчаси сингари денгизга чиқиш йўлига эга эмас жаҳон транспорт коммуникацияларига эркин кира олмайдиган давлатлар билан қуршаб олинган. Аммо шулар билан бир қаторда сув ресурсларининг чекланганлиги, Фарғона водийсида аҳолининг заълиги, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли салмоғи катта эканлиги республикамизда интеграция жараёнларини ривожлантиришга маълум даражада таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ)га аъзо бўлди. ИХТ Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон каби давлатларни бирлаштиради. 1992 йилда Техронда олий даражадаги ИХТ учрашуви жараёнида эълон қилинган ахборотда ИХТ аъзоларининг иқтисодий ривожланиши йўлида кўптомонлама минтақавий ҳамкорликни кўзда тутувчи мақсадлар ва вазифалар эълон қилинди.

Минтақада газ ва нефть ўтказиш тармоқларини ривожлантириш режалари ишлаб чиқилди ва маъқулланди. Бунда Туркменистондан Ўзбекистон ва Қозоғистон орқали Хитойга ўтадиган газ қувурларининг ишга туширилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. ИХТ аъзоси бўлган Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ҳам бу газ қувурларидан фойдаланишлари мумкин.

ИХТ аъзоси бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдони янада ривожлантириш мақсадида бошқа минтақалардаги ва жаҳон савдо амалиётидаги тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда эркин савдо минтақаси (ЭКОФТА) тузишга аста-секин ўтиш кўзда тутилмоқда. ИХТ минтақасида жойлашган мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ва уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришда тобора кўпроқ роль ўйнамоқда.

2002 йил 10 июнда Қозоғистон, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқлари томонидан Шанхай ҳамкорлик Ташкилотининг Хартиясига қўл кўйилди. Ўзбекистон бу ташкилотга 2001 йилда аъзо бўлган эди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон ва ташкилот аъзолари учун икки томонлама манфаатли ҳисобланиб иштирокчи мамлакатлар учун Ўзбекистон муҳим стратегик шерик бўлиб ҳисобланади. Чунки тарихий “Буюк ипак йўли”нинг қайта тикланишида Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон учун эса бу Европа ва Осиё-Тинч океани минтақасига

<sup>8</sup> И.А.Каримов "Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этгидир". –Т.: "Ўзбекистон", 2005. 96-б.

чиқиш учун ишончли йўл ҳисобланади ва иштирокчи мамлакатлар билан турли йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш имкониятини беради.

Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантирилиши унинг жаҳон хўжалиги интеграциясида самарали иштирок этишини таъминлайди. Бундай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини ҳал этишни, жумладан, ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигини шакллантиришни энгиллаштиради. Ушбу ҳолат халқаро кредитлар олишда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда, миллий маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқаришда катта ёрдам беради.

### Асосий тушунчалар

**Халқаро иқтисодий интеграция** – миллий иқтисодиётларнинг ягона ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиш жараёни.

**Эркин савдо зонаси** – тариф ва бошқа чекловларни бекор қилган ҳолда эркин савдо олиб бориш.

**Божхона иттифоқи** – ўзаро савдода тўсиқлар бекор қилинган ва аъзо бўлмаган мамлакатларга нисбатан ягона бојхона тарифлари асосида умумий ташқи савдо сиёсати олиб бораётган мамлакатлар гуруҳи.

**Умумий бозор** – аъзо мамлакатлар ўртасида товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлашга эришишга ҳаракат қилаётган мамлакатлар гуруҳи.

**Иқтисодий ва валюта иттифоқи** – ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати таъминланган, ижтимоий-иқтисодий, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, валюта-молия соҳаларида ягона сиёсат амалга оширилаётган, умумий валютани муомалага киритилган мамлакатлар гуруҳи.

**Тўлиқ иқтисодий интеграция** – ягона иқтисодий сиёсат юритиш, умумий валюта ва миллий бошқарувдан юқори ташкилотларни жорий этиш.

**БЕНИЛЮКС** – 1960 йилда Бельгия, Нидерландия ва Люксембург ўртасида имзоланган иқтисодий иттифок.

**Марказий Европа эркин савдо уюшмаси (МЕЭСА)** – 1993 йилда Венгрия, Польша, Словакия, Чехия, Словения томонидан имзоланган эркин савдо уюшмаси.

**НАФТА** – 1992 йилда АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида тузилган Шимолий Америка Эркин савдо ассоциацияси.

**МЕРКОСУР** – Жанубий Америка умумий бозори ёки Жанубий конус мамлакатлари умумий бозори.

**АСЕАН** – 1967 йилда Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ва Филиппин томонидан ташкил этилган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси.

АРЕС – 1989 йилда Австралиянинг таклифи билан Тинч океани хаврасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти.

### Назорат саволлари:

1. Халқаро иқтисодий интеграция зарурияти нимада ва у қандай шарт-шароитларга эга бўлиши керак?
2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий ривожланиш омиллари нималардан иборат?
4. Халқаро иқтисодий интеграция нечта ривожланиш босқичларига эга?
5. Жаҳонда фаолият олиб бораётган қайси халқаро иқтисодий интеграция бирлашмаларини биласиз?
6. ЕИ қачон ташкил этилган ва ривожланиш жиҳатдан интеграциянинг қайси босқичида турибди?
7. Шимолий Америка минтақасида қайси иқтисодий интеграцион бирлашма амалда?
8. Лотин Америкаси минтақасида қайси интеграцион бирлашмалар мавжуд?
9. Осиё минтақаси интеграциясига хос хусусиятлар нималардан иборат?
10. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграция бирлашмаларидаги фаолиятига баҳо беринг.



# ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

## I. Расмий ҳужжатлар

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни, 2001 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни, 2003 йил.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, 2008 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги» Қонуни, 2009 йил.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, 2009 йил.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 09.02.1998 й. ПФ-1924-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 11.04.2005 й. ПФ-3594-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув

тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 21.07.2005 й. ПФ-3631-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги 3594-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 - 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 20.07.2007 й. ПҚ-672-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги 18.11.2008 й. ПФ-4053-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 28.11.2008 й. ПФ-4058-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24.07.2008 й. ПҚ-927-сонли Қарори.

10. Распоряжение Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации инвестиционных соглашений, подписанных по итогам международной конференции «Свободная индустриально-экономическая зона в Навои: новые инвестиционные возможности для корейских партнеров» от 25.03.2009 г. № Р-3147.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги 28.10.2009 й. ПҚ-1213-сонли Қарори.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида»ги 336-сонли Қарори, 02.07.1997 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 205-сонли Қарори, 02.05.2003 й.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 58-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «Дженерал моторс пауэртрейн - Ўзбекистон» корхонаси қурилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 279-сонли Қарори, 26.12.2008 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги 120-сон Қарорига 2-илова «Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисида Низом».

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудда алоҳида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 23.04.2009 й. 120-сонли Қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 апрелдаги 105-сон қарорига 2-илова «Навойй» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлаштириш учун инвесторларни танлаш тартиби тўғрисида Низом».

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкларига кредит линияларини очиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 10.03.2009 й. 61-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 йилда Ўзбекистон Республикасига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг беғараз техник кўмагини (грантларини) жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 9 мартдаги 40-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солиқ кўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 3 августдаги 61, 2005-40, 60-сон қарори билан тасдиқланган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом».

## II. Махсус адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. -48 б

3. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш - фаровон ҳаётимиз гаровидир. - Т.: «Ўзбекистон», 2007. -64 б

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. - Т.: «Ўзбекистон», 2008. -48 б

5. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. - Т.: «Ўзбекистон», 2008. - 64 б.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон ша-роитида уни бартароф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2011.
10. Абдуллаев Р., Асташев А. ЕБРР расширяет финансирование частного сектора в Узбекистане. //БВВ, №102 (1211). 24.12.2009.
11. Абдурасулова Дж. Республика Корея: промышленная политика в условиях глобализации. //Мировая экономика и международные отношения, №5, 2009. с. 100-107.
12. АБР и Узбекистан готовиться к утверждению новых проектов. //БВВ, №21 (1234), 23.03.2010.
13. Андрианов А.Ю., Валдайцев С.В., Воробьев П.В. Инвестиции: учебник. -М.: Проспект, 2007.
14. Аганбегян А. О месте экономики России в мире. //Вопросы экономики. №5, 2011.
15. Александр С. Деньги от председателя, или финансовая стабилизация в Китае. //Центразия, 07.04.2003
16. Ананьев А. Противоречивость роли МВФ в современной мировой экономике. // Международная экономика, №5, 2008. С. 67.
17. Стамбульские решения будут в центре внимания в будущем году. // БВВ, 13.10.2009. №80 (1189).
18. Минин Б.В., Таранкова Л.Г. Деятельность «Группы 20» по преодолению мирового финансового кризиса. // Деньги и кредит, №5, 2009. С. 35.
19. Баранов А.О. Платежный баланс России: от кризиса до кризиса. //ЭКО, №11, 2011. с. 109-120.
20. Бардацци Р., Грассини М. Европейский Союз в кризисе: что дальше? //ЭКО, №12, 2011. с. 63-81.
21. Булатов А. Россия в международном движении капитала: сравнительный анализ. //Вопросы экономики, №8, 2011. с. 66-76.
22. Бутрин Д., Нетреба П., Сапожков О. Обязательства длительного срока хранения. //Коммерсантъ, №238, 20.12.2011.
23. Березина А. Структурные изменения в мировой экономике и смена технологических укладов. //Международная экономика, №9, 2010. с. 26-34.
24. Бергер Я. Китайская модель развития. // Мировая экономика и международные отношения, №9, 2009. с. 73-81.

25. БРИК — политическая реальность посткризисного мира? Новые возможности для России. Аналитические доклады. Выпуск 1(24) декабрь 2010. —М.: МГИМО-Университет, 2010.
26. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. I часть. — Т.: «Университет», 2006.
27. Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. II часть. — Т.: «Университет», 2006.
28. Вахабов А.В. Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасидаги молия-кредит муносабатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари. // Халқаро муносабатлар, №2, 2010.
29. Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане. / «Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — М.: МГЭИ, 2008.
30. Вахабов А.В., Хажикабиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорийжий инвестициялар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., проф. А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. —Т.: “Молия”, 2010. -328 бет.
31. Васильев В.С. Мировой финансово-экономический кризис: фаза 3 (пирамиды долга). //США \* Канада: экономика, политика и культура, №3, 2011. с. 3-22.
32. Вашанов А. Распад СССР и его последствия для постсоветских республик. //Экономист, №11, 2011. с. 79-86.
33. Визит Резидента АБР в преддверии 43-го Ежегодного заседания Совета директоров банка. // Деловой партнер, №7(828), 18-24.02.2010.
34. Вишневская Н. Проблемы и перспективы рынка рабочей силы. // Мировая экономика и международные отношения, 2000.
35. ВТО: механизм взаимодействия национальных экономик. Угрозы и возможности в условиях выхода на международный рынок. /под ред. С.Ф.Сутырина. -М.: Эксмо, 2008. -400 с.
36. Гаврилова А.В. Сравнительный анализ иммиграционных моделей США и Канады. //США и Канада: экономика, политика и культура, №11, 2010. с. 116-126.
37. Гельбрас В. Тридцатилетие эпохи «реформ и открытости» в Китае. //Мировая экономика и международные отношения, №6, 2009. с. 73-83.
38. Гельбрас В. Россия и Китай: неизбежность судьбоносных перемен. //Вопросы экономики, №11, 2011. с. 109-121.
39. Гельбрас В. Россия и Китай в условиях глобального кризиса. //Мировая экономика и международные отношения, №11, 2011. с. 63-71.
40. Григорьев Л., Иващенко А. Мировые дисбалансы сбережений и инвестиций. //Вопросы экономики, №6, 2011. с. 4-19.
41. Грегори Н. Мэнкью. Макроэкономика. — М.: МГУ, 1994.

42. Груздев А. «Финансовые платформы» местных правительств и их роль в кредитном буме в Китае (2009-2011 гг.). //Вопросы экономики, №11, 2011. с. 122-132.
43. Губайдуллина Ф.С. Иностранные инвестиции в мировой экономике: тенденции, структура, регулирование: учеб, пособие. Екатеринбург: У ГЭУ, 2002.
44. Гурова И.П. Мировая экономика. Учебник. –М.: Омега-Л, 2007.
45. Гусев К.Н. Иностранные инвестиции как фактор развития инноваций в России. //Банковское дело, №4, 2011. с. 23-28.
46. Дементьев В. Догоняющее развитие через призму теории «длинноволновой» технологической динамики: аспект «окон возможностей» в кризисных условиях. //Российский экономический журнал, №1-2, 2009. с. 34-48.
47. Давыдов А. Структурные изменения в американской экономике. //Мировая экономика и международные отношения, №11, 2009. с. 35-47
48. Дилип Р. Денежные переводы мигрантов - живительный источник развития. //Финансы & развитие, Декабрь 2005.
49. Дюмулен И.И. Международная торговля услугами. –М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2003.
50. Научные публикации. Банковский вестник. Красавик 2007.
51. Ермолов М.О. Деятельность международных институтов развития в России. //Бизнес и банки, №42 (1071), 2011. с. 4-8.
52. Ерошкин А.М. Современные тенденции финансирования инноваций в ведущих зарубежных странах. //Экономический анализ: теория и практика, № 21(228), 2011.
53. Ершов А. Интеллектуальная собственность – золотой запас Узбекистана. 2007.
54. Зайцева Ю. Межрегиональная дифференциация в странах БРИК. //Мировая экономика и международные отношения, 2010, №5, с. 44-51.
55. Ивасенко А.Г. Иностранные инвестиции: учебное пособие / А.Г.Ивасенко, Я.Н.Никонова. –М.: КНОРУС, 2011. -272 с.
56. Иванова Н. Инновационная сфера: контуры будущего. //Мировая экономика и международные отношения, №8, 2000.
57. Иванов Н., Гоффе Н., Монусова Г. Глобализация и бедность. Мировая экономика и международные отношения, №9, 2010. с. 29-412.
58. Иванюк И.В. Международная трудовая миграция: Учебное пособие. - М.: ТЕИС, 2005.
59. Инаба Х., Цуцуми С. «Японское чудо» и советская экономическая реформа. -М.: «Шелковый путь», 1991. с. 67.
60. Иши Т. Промышленные инновации в Японии и роль систем: конкретное исследование на примере Тойота. Сент-Луис, Миссури, 2000.
61. Карчевский Л. Ответственность фирм: пример Японии. //Журнал экономической теории, №2, 2009. с. 99-103.

62. Киреев А.П. Международная экономика. В 2 ч. Ч. I. Международная экономика: движение товаров и факторов производства: учеб. пособие для вузов. -М.: Междунар. Отношения, 2000. -416 с.
63. Классенс С., Коуз М.Э. Что такое рецессия? //Финансы & развитие, №3, 2009.
64. Клинов В.Г. Проблемы регулирования экономики США в исследованиях Пола Кругмана. //Вопросы экономики, № 8, 2009. с. 28.
65. Клинов В.Г. Особенности современной динамики мирового хозяйства. //Вопросы экономики, №9, 2010. с. 78-92.
66. Клинов В.Г. Экономика России: итоги роста в контексте международных сопоставлений. //Международная экономика, №7, 2010. с. 16-25.
67. Клинова М. «Возвращение» государства: «скорая помощь» в кризис или устойчивая тенденция? //Мировая экономика и международные отношения, №5, 2010. с. 18-32.
68. Кондратьев В. Автопром: кризис и инновации. //Мировая экономика и международные отношения, 2011, №3, с. 12-21.
69. Ковалев Е. Обострение мировой продовольственной ситуации. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2009. с. 21-29.
70. Кондратов Д. Перспективы евро для России: плюсы и минусы. //Экономист, №12, 2011. с. 57-74.
71. Козе М.А., Лунгани П., Терронес Е.М. За границами стадиона //Финансы & развитие, №6, 2009.
72. Кокушкина И.В., Воронин М.С. Международная торговля и мировые рынки. –СПб.: «Техническая книга», 2007.
73. Красильников А. Эволюционные модели в теории экономического роста. //Вопросы экономики, №1, 2007. с. 66-81.
74. Кредит Всемирного банка для улучшения водоснабжения Сырдаринской области //Банковские ведомости, №12-13 (723-724), 24.03.2010.
75. Красавина Л.Н. Тенденции развития международных валютных отношений в условиях глобализации мировой экономики. //Деньги и кредит, №11, 2011. с. 13-21.
76. Кузьмин Д.В. Глобализация и мировая валютная система. //Международная экономика, №11, 2011. с. 13-27.
77. Куликов А.Г., Куликова Е.Г. Россия и Китай: пути модернизации //Деньги и кредит, №5, 2011. с. 27-36.
78. Кириченко Э.В., Кулакова В.К. Результаты антикризисной политики США. //Международная экономика, №11, 2011. с. 47-56.
79. Курманалиева Э. Международные потоки капитала в странах СНГ. //Международная экономика, №10, 2011. с. 28-30.
80. Ливенцев, Н. Я., Костюнина, Г. М. Международное движение капитала. (Инвестиционная политика зарубежных стран): учебник. -М.: «Экономист», 2004. - 254 с.

81. Линецкий А.Ф. Внешнеэкономическая деятельность регионов России в постцентрализованной экономике. //Международная экономика, №11, 2011. с. 77-81.
82. Ломакин В.К. Мировая экономика: учебник. /М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. -671 с.
83. Лучко М.Л. Международная конкурентоспособность государств-реципиентов на мировом рынке прямых иностранных инвестиций. // Вестник Московского университета. Серия 6. Экономика, №3, 2007.
84. Люкевич И.Н. Мировая денежная система: проблемы и новый финансовый порядок. //Международная экономика, №11, 2010. с. 48-57.
85. Люкевич И.Н. Мировая денежная система как совокупность валютных регионов. //Международная экономика, №10, 2011. с. 67-81.
86. Мау В. Экономическая политика 2010 года: в поисках инноваций. //Вопросы экономики, №2, 2011. с. 4-22.
87. Мальшев П. Особенности управления резервными активами в странах Азии. //Мировая экономика и международные отношения, 2011, №3, с. 28-36.
88. Мансуров Р. Передовой опыт создания индустриальных парков в зарубежных странах и возможная адаптация некоторых их элементов концепций в Республике Узбекистан. //Иностранные инвестиции в Республике Узбекистан. 2010 г., №1-2, с. 25-30.
89. Международные экономические отношения: учебник / под ред. Б.М. Смитиенко. – М.: ИНФРА-М, 2007.
90. Международные экономические отношения: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям /под ред. В.Е. Рыбалкина. – М.: ЮНИТИ-ДАТА, 2008. - 591 с.
91. Международный финансовый рынок: Учеб. пособие /Под ред. д.э.н., проф. В.А.Слепова, д.э.н., проф. Е.А.Звоновой. – М.: Магистр, 2007. С.339.
92. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: Учебник / Под ред. Л.Н.Красавиной. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2002.
93. Мельянцеv В. Экономический рост Китая и Индии: динамика, пропорции и последствия. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2007.
94. Медовников Д. Одного азарта мало. //Эксперт, №46, 2011. С. 61.
95. Мировая экономика и международный бизнес: учебник. Коллектив авторов. /Под общ. ред. В.В.Полякова и Р.К.Щенина. 5-е изд. – М.: КНОРУС, 2008.
96. Мировая экономика и международный бизнес: учебник. Коллектив авторов. /Под общ. ред. В.В.Полякова и Р.К.Щенина. 5-е изд. – М.: КНОРУС, 2008.



97. Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. /под ред. Проф. А.С.Булатова, проф. Н.Н.Ливенцева. –М.: Магистр, 2010. –654 с.
98. Мировой опыт антикризисной политики: уроки для России. Под ред. акад. РАН ДА Дынкина. - М.: изд. ИМЭМО. 2009.
99. Михеев В., Луконин А., Сафронова Е. Дальше – без заветов. //Мировая экономика и международные отношения, №12, 2011.
100. Михеев В. Китай: новые компоненты стратегии развития. // Мировая экономика и международные отношения, №7, 2004
101. Михайлушкин А.И., Шимко П.Д. Международная экономика. Учебник. –М.: “Высшая школа”, 2002.
102. Модернизация России: условия, предпосылки, шансы. /Под редакцией В.Л.Иноземцева. Вып. 1. Стратегические проблемы модернизации. - М.: Центр исследований постиндустриального общества, 2009.
103. Московкин В.М., Тенг Делокс, Бадер Эддин Альхадид. Развитие методологии оценки экономики знаний //Международная экономика, №4, 2011. с. 59-75.
104. Мозис П. Китай в период мирового кризиса: бенефициар, жертва или виновник? //Вопросы экономики, №9, 2010. с. 93-114.
105. Муродов Ч., Саатова Х., Ильина Д. Обеспечение продовольственной безопасности: суть и значение осуществляемых мер по повышению эффективности сельскохозяйственного производства. //Экономический вестник Узбекистана, №4, 2011. с. 70-72.
106. Надырханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. –Т.: «Fan va technology», 2011. 184 с.
107. Надырханов У.С. Прямые иностранные инвестиции и их роль в экономическом развитии национальных государств. //Экономика и финансы, №10, 2010. с. 57-59.
108. Нешитой А.С. Императив смены экономического курса. //Бизнес и банки, №08 (1037) март 2011. с. 1-8.
109. Ниязов Ф. Узбекистан и Германия: перспективы экономического развития. //Бозор, пул ва кредит, №8, 2011. с. 66-68.
110. Новая стратегия Всемирного банка для Узбекистана. // Банковские ведомости, № 28. 16.07.2008.
111. Новоселова Л. КНР: инвестиции в преодоление кризиса (о концепции и направлениях реализации китайской антикризисной политики) //Российский экономический журнал, №1-2, 2009. с. 61-73.
112. Новоселова Л. Сможет ли Китай стать локомотивом глобального экономического роста? //Российский экономический журнал, №1, 2010. с. 66-77.
113. Новиков М.М. Необходимые объемы инвестиций и фондовый рынок как потенциальный источник финансирования будущего роста. // Международная экономика, №11, 2009.

114. Оболенский В. Технологическое соперничество на мировом рынке. //Мировая экономика и международные отношения, №7, 2003.
115. Основы торговой политики и правила ВТО. -М.: Междунар. отношения, 2006.
116. Овчинников Р., Полякова Ю. Вступление в ВТО должно снизить ценк. //Известия, 19.12.2011.
117. Петрикова Е.М. Платежный баланс стран БРИКС. //Вопросы статистики, №1, 2012. с. 69-79.
118. Петров М., Плисецкий Д. Трансформация глобальных финансов. //Мировая экономика и международные отношения, №7, 2010.
119. Плисецкий Д.Е. Ключевые тенденции развития национальных и международных финансовых рынков в 2009-2010 гг. //Бизнес и банки, №16, 2011. с. 6-8.
120. Нешитой А.С. Инвестиции: учебник. 7-е изд. -М.: Издательско-торговая корпорация "Дашков и К0", 2008.
121. Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения, 1993.
122. Потапов М. Вступление КНР в ВТО: условия присоединения и последствия для китайской экономики// Внешнеэкономическая модель развития стран Восточной Азии. -М.: Международные отношения, 2004.
123. Проблемы привлечения иностранных инвестиций в Россию. /Бизнес и банки, №35 (1064), сентябрь 2011.
124. Пузакова Е.П. Мировая экономика и международные экономические отношения. -Ростов-на-Дону.: Феникс, 2004.
125. Расулова Д.В. Ищчи кучи миграцияси ривожланишпининг назарий асослари. -Т.: Молия, 2010. 276 б.
126. Расулев А.Ф., Тростянский Д.В. Развитие инновационной деятельности национальной экономики в посткризисный период. // Экономика и финансы, № 1, 2011.
127. Раковский С.Н. Китай в современном мире. //География, №18, 2007.
128. Райская Н., Рощина Л., Сергиенко Я., Френкель А., Мальцева И., Баранов Э. Экономика в 2009-2011 гг. //Экономист, №8, 2010. с. 18-54
129. Росту В. Стадии экономического роста. — Нью-Йорк: Издательство «Фредерик Прегер», 1961.
130. Рудь Н. Механизмы государственной поддержки ПИИ в сферу высоких технологий. //Мировая экономика и международные отношения, №8, 2008.
131. Рыбак О. Основные тенденции инвестиционной активности. // Экономист, №12, 2002.
132. Салимова Г. СИЭЗ «Навои»: Уникальность. Развитие. Беспрецедентность. /Биржа, 24.10.09.
133. Савельева А.В. Традиционные и новые факторы нестабильности на мировом рынке продовольствия. //Международная экономика, №11, 2011. с. 69-76.

134. Саркисянц А.Г. Проблемы привлечения иностранных инвестиций в Россию. //Бизнес и банки, №35 (1064), 2011. с. 1-3.
135. Севастьянов С. Новые проекты Азиатско-Тихоокеанской интеграции. //Мировая экономика и международные отношения, №1, 2011. с. 48-54.
136. Сидорова Е.А. Антикризисные программы в Германии и Великобритании. //Международная экономика, №4, 2010.
137. Сидорова Е.Ю. Международная торговля. –М.: «Экзамен», 2006.
138. Сменковский В.Н. К проблеме ускорения экономического роста в России. //Деньги и кредит, №1, 2012. с. 13-19.
139. Смирнов А. Китайская экономика: секреты восходящего мирового лидера. //Международная экономика, №10, 2011. с. 31-41.
140. Смыслов Д.В. Глобальные дисбалансы и согласование национальных макроэкономических политик в рамках «Группы 20». //Деньги и кредит, №8, 2011. с. 7-12.
141. Смыслов Д.В. Реформирование Международного валютного фонда: проблемы и решения. Регулятивные аспекты. //Деньги и кредит, №1, 2012. с. 36-43.
142. Соколов В.В. Зона евро: современный этап. //Деньги и кредит, №8, 2011. с. 46-52.
143. Соколов В.В. Тенденции развития мировой товарной торговли в 1990-2008 гг. //Мировая экономика и международные отношения, №2, 2011. с. 36-47.
144. Спартак А. Современный регионализм. //Мировая экономика и международные отношения, №1, 2011. с. 3-15.
145. Стиглиц Дж. Сравнение китайской и зарубежной экономических систем //Цзинцзисюэ дунтай, №5, 2001.
146. Стрельцова Я. Интеграция иммигрантов в условиях экономического кризиса (Европейский и российский опыт). //Мировая экономика и международные отношения, №1, 2011. с. 55-68.
147. Стрелец И. Новая экономика: гипотеза или реальность? //Мировая экономика и международные отношения, №3, 2008. с. 16-23.
148. Супян В.Б. США: уроки кризиса. // США \* Канада: экономика, политика и культура, №7, 2010. с. 3-18.
149. Теперман В., Шевакина О. Мексика в поисках баланса внешнеэкономических связей. //Мировая экономика и международные отношения, №9, 2007. с. 82-90.
150. Теперман В.А. Бразилия – «восходящий гигант» мировой экономики. //Международная экономика, №8, 2011. с. 4-13.
151. Тулин Д.В. Трансграничное движение капиталов, инвестиционный климат и возможности увеличения инвестиций в российскую экономику. //Деньги и кредит, №6, 2011. с. 3-13.
152. Тюрюканова Е, Россия будет все сильнее зависеть от труда мигрантов. //Демоскоп Weekly, №315–3161. 20.12.2008.

153. Узбекистан 2009 в цифрах: действенность антикризисных решений // Экономическое обозрение, №3, 2010.
154. Улашев И.О., Ашурова Н.Б. Свободная экономическая зона – путь к инновационному предпринимательству в регионе. // Экономика и финансы, №11, 2010. с. 2-7.
155. Федяшева Г. Международные финансовые институты на рынке Узбекистана: инвестиции и приоритетные проекты // Биржа-Эксперт, №3, 2009.
156. Федяшева Г. Развитие инновационного потенциала Узбекистана в условиях модернизации экономики // Рынок, деньги, кредит, № 08(171), 2011.
157. Фролова Е.В. Мировой финансовый рынок: до и после кризиса. // ЭКО. 2010 г., №7, с. 160-171.
158. Фаненко М. Международная ликвидность и диверсификация официальных резервных активов. // Мировая экономика и международные отношения, №6, 2007.
159. Хейфец Б.А. Мировой опыт успешных модернизаций. // Международная экономика, №6, 2011. с. 21-28.
160. Ходжаев Р. Узбекистан: возможности для привлечения иностранных инвестиций есть. // БВВ, №7 (733), 16.02.2008.
161. Хорошилов Е.Е. Финансовый сектор Канады и мировой экономической кризис. // США \* Канада: экономика, политика и культура, №8, 2010. с. 67-82.
162. Шапаров А.Е. Иммиграционная политика Канады: генезис и современное состояние. // США \* Канада: экономика, политика и культура, №7, 2010. с. 47-59.
163. Швандар К.В. Прямые иностранные инвестиции в странах BRIC. // Банковское дело, №02, 2008. С. 46 - 48.
164. Шипков Ю. Уровень бедности в современном мире: методологические споры. // Мировая экономика и международные отношения, №1, 2006.
165. Шипков Ю. Государство и догоняющее развитие. // Мировая экономика и международные отношения, №6, 2011. с. 15-29.
166. Шумский Н. Содружество независимых государств: первые двадцать лет. // Вопросы экономики, №12, 2011. с. 90-101.
167. Шуркалин А.К. Финансовая глобализация и мировой финансово-экономический кризис. // Международная экономика, №11, 2011. с. 5-12.
168. Шейхова У.Д. Экономика Японии: современное состояние и тенденции развития. // Международная экономика, №11, 2011. с. 28-46.
169. Щербакова Е. В 2010 году в России легально трудилось 1641 тысяча иностранных работников. // Демоскоп Weekly, №315–3161. 20.12.2008.
170. Шохазамий Ш.Ш. Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане. Автореферат на соискание уч. степ. д.э.н. –Т.: «HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MO'JIZASI», 2011.

171. Юнусова Д. Всемирный банк и Узбекистан: сотрудничество укрепляется. //Рынок, деньги, кредит, №19 (173), 2001. с. 35.
172. Цаголов Г. Великая китайская конвергенция. //Вопросы экономики, №11, 2011. с. 133-141.
173. Цапенко И. Экономический цикл и международная миграция населения. //Мировая экономика и международные отношения, №8, 2011.
174. Цветков В.А. Причины, развитие и последствия экономического кризиса для России. //Международная экономика, №3, 2010. с. 5-12.
175. Цапенко И. Экономический цикл и международная миграция населения. //Мировая экономика и международные отношения, №8, 2011. с. 31-42.
176. Паньков В. Глобализация экономики. //Мировая экономика и международные отношения, 2011, №1, с. 16-24.
177. Пискулев Ю.В. Международная торговля товарами и услугами (участники, структура, динамика, география). //Международная экономика, №10, 2011. с. 56-66.
178. Петров М., Плисецкий Д. Трансформация глобальных финансов. //Мировая экономика и международные отношения, №7, 2010. с. 3-22.
179. Покровская В.В. Характер современного развития мировой торговли и участие в ней России. //Международная экономика, №10, 2010. с. 5-16.
180. Пылин А.Г. Кризис в странах СНГ на фоне глобального спада: механизмы и факторы распространения. Международная экономика, №10, 2010. с. 62-69.
181. Доклад Стиглица. О реформе международной валютно-финансовой системы: уроки глобального кризиса. Доклад Комиссии финансовых экспертов ООН. –М.: Междунар. отношения. 2010. – 328 с.
182. Ўзбекистон – Япония: самарали ҳамкорликнинг 20 йилли /Халқ сўзи. 26.01.12.
183. Яков Б. Инновационные перспективы Китая. //Отечественные записки, №3 (42), 2008.; Кокшаров А. Внутреннее развитие через глобальную экспансию. //Эксперт, №46 (540). 11.12.2006.
184. Ни Сюялинь. Расширять внутреннее потребление! //Китай, №9 (47), 2009.
185. Энрю Берг и Энн Кригер. Что будет означать вступление в члены ВТО для Китая и его торговых партнеров? //Финансы и развитие, №3, выпуск 39, 2002.
186. The Truth About Industrial Country Tariffs. //Finance and Development, Volume 39, Number 3 September 2002.
187. Стеркин Ф. Проще меняться, когда ты маленький. //Ведомости, 9.11.2011.
188. Лютова М., Трифанов А. Конец истории успеха. //Ведомости, 29.12.2011.

189. Интеллектуал мулк конун химоясида// Халқ сўзи. 24 январь 2008 йил.
190. Иноземцев В. Локомотивы роста. //Ведомости, 20.04.2009.
191. Овчаренко М. Америка сдулась /Ведомости, №242 (2512), 22.12.2009
192. Баранов С.В., Скуфьина Т.П. Землетрясение 11.03.2011 вблизи Восточного побережья Японии: последствия для мировой экономики (по данным статистики). //Вопросы статистики, №11, 2011. с. 64-71.
193. Оверченко М. Три угрозы мировой экономики. /Ведомости, 14.03.2011.
194. Минь Чжу. Появление новых задач. //Финансы и развитие, Июнь 2011.
195. Ведомости, №214 (2980), 14.11.2011.
196. Милов Г. Инновации без денег,9г. /Ведо23,2мости5,9, 26.11.2011.
197. Махонин А. Отлучить от казны. // Ведомости, 26.12.2011.
198. Товкайло М., Лютова М. Наконец-то ВТО. //Ведомости, 30.12.2011.
199. Аутсорсингу ищут замену.//Коммерсантъ, 30.01.2012.
200. Кокшаров А. Европа на игле миграции. //«Эксперт», №37 (343), 7.10.2002.

### **III. Халқаро молия институтларининг ҳисоботлари, статистик тўпламлар**

1. Asian Development Bank. Annual report, 2007.
2. Bilateral Investment Treaties 1959-1999. UN, New York and Geneva, 2000.
3. UNCTAD/DITE. International Investment Instruments: a Compendium. Vol. I- IX. UN, New York and Geneva, 2002
4. Bilateral Investment Treaties 1959-1999. UN, New York and Geneva, 2000.
5. International Financial Statistics Yearbook/IMF..Wash. 2000-2008.
6. Balance of Payments Statistics Yearbook. Parts 1&2. Washington, 1995.
7. Schumpeter J. Essay on Economic Topics N.Y. 1969.
8. IMF, World Economic Outlook, 2011.
9. R&D Magazin. 2011 Global R&D Funding Forecast.
10. World Investment Report 2000. UNCTAD. New York and Geneva, 2001.
11. Word Investment Report. 2004: Trend and Determinants. UNCTAD. New York and Geneva, 2004.
12. World Investment Report 2007: Transnational Corporations, Extractive Industries and Development. UNCTAD. New York and Geneva, 2007.
13. World Investment Report 2009: Transnational Corporations, Agricultural Production and Development. UNCTAD. New York and Geneva, 2009.
14. World Investment Report 2010: Investing in a Low-carbon Economy. UNCTAD,-New York and Geneva, 2010.
15. UNCTAD HANDBOOK OF STATISTICS 2010.
16. World Economic Outlook: Rebalancing Growth. April 2010.

17. External Statistics: Guide for Compilers and Users (The Guide). IMF. 2003.
18. Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank - Washington, 2011.
19. РосБизнесКонсалтинг. Economics & Markets. WEEKLY. 24 ноября 2008.
20. The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. p. 492.
21. Global Employment Trends 2011: The challenge of a jobs recovery / International Labour Office. - Geneva: ILO, 2011.
22. World Economic Outlook: September 2003. IMF, 2003
23. World Economic Outlook: Slowing Growth, Rising Risks. September 2011. IMF, 2011.
24. World Economic Outlook: October 2001. IMF, 2001.
25. World Development Report 2006. World Bank.
26. World Development Report 2012. World Bank.
27. World development report 2011. Conflict, Security, and Development. The World Bank. Washington. 2011.
28. Trade Profiles 2011. WTO. Geneva, 2011.
29. Economic Report of the President. Washington. 2010.
30. ECB Convergence Report. May 2010.
31. United Nations. 1975. Report of the World Food Conference, Rome 5-16 November, 1974. New York.
32. Barroso, J. M. D. Counting the Cost of Counterfeits: Fakes Cost More: Speech at the Global Anti-Counterfeit Summit, Brussels, 10 March 2008.
33. FAO. 2002. The State of Food Insecurity in the World 2001. Rome.
34. Measurements: A Technical Review. New York and Rome: UNICEF and IFAD.
35. Migration and Remittances Factbook 2011. Second edition. The World Bank – Washington, 2010.
36. Migration and Development Brief 13. November 8, 2010.
37. Положение дел в связи с отсутствием продовольственной безопасности в мире, 2010. FAO, Рим, 2010. -70 с.
38. Доклад о мировом развитии 2004. Улучшение инвестиционного климата в интересах всех слоев населения. Всемирный банк. – М.: 2005. -
39. Доклад о мировом развитии. 2005. Как сделать инвестиционный климат благоприятным для всех / Пер. с англ. - М.: 2005.
40. Доклад о мировых инвестициях 2005 год. Транснациональные корпорации и интернационализация НИОКР. Нью-Йорк и Женева, 2005.
41. Доклад о мировых инвестициях 2007 год. Транснациональные корпорации, добывающая промышленность и развитие. Нью-Йорк и Женева, 2007.
42. Доклад о торговле и развитии, 2006 год. Глобальное пространство и национальная политика в целях развития. ООН Нью-Йорк и Женева, 2006.

43. Доклад о мировом развитии 2007. Развитие и новое поколение. Всемирный банк. – М.: 2007.
44. Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие / Пер с англ.; ПРООН – М.: Издательство «Весь мир», 2009. -232 с.
45. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН – М., Издательство «Весь Мир», 2010.
46. Идрис К. Интеллектуальная собственность: мощный инструмент экономического роста. Обзор. 2003.
47. Международный валютный фонд. Годовой отчет 2009. Преодоление глобального кризиса. Вашингтон, 2010.
48. Практическое руководство по Уругвайскому раунду, выпущенное совместно Международным торговым центром ЮНКТАД/ВТО (МТЦ) и Секретариатом Содружества. Женева, 1995.
49. Деловая Япония, тома XIV-XV. Экономика и связи с Россией в 2007-09 гг. -М.: «ПОЛПРЕД Справочники», 2009. -488 стр.
50. Мировой кризис и Япония / Рук. проекта Э. В. Молодякова. –М., АИРО-XXI. 2009 – 256 с.
51. Способы организации международного производства, не связанные с участием в капитале, и развитие. Обзор. ЮНКТАД. Нью-Йорк и Женева, 2011.
52. Перспективы развития мировой экономики. Замедление роста, увеличение рисков. Обзор. Сентябрь 2011. МВФ. Вашингтон, 2011.
53. От плана к рынку. Отчет о мировом развитии – 1996. МБРР/Всемирный банк, 1996.
54. МIGA Годовой отчет 2011. Вашингтон, 2011.
55. Руководство по статистике международной торговле услугами. ООН: Нью-Йорк. 2004.
56. Россия в цифрах. 2011: Крат. Стат. Сб./Росстат. –М., 2011.
57. Асосий йўналишлар ва фаолият натижалари. Йиллик ҳисобот. 20 йил. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, 2011. –Т., 2011. 116 б.
58. Ўзбекистоннинг йиллик статистик тўплами 2008. – Т.: «Nur poligraf» МЧЖ, 2009.
59. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. – Т.: 2009.
60. Узбекистан в цифрах 2009. Статистический сборник. – Т., 2009. -179 с.
61. Узбекистан в цифрах 2010. Статистический сборник. – Т., 2009. -176 с.
62. Узбекистан 2011. Альманах. – Т.: ЦЭИ, 2011. -124 с.
63. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Стат. сб. – Т.: Узбекистан, 2011. -136 с.



#### IV. Интернет ресурслари

1. [www.unctad.org](http://www.unctad.org).
2. [www.oecd.org](http://www.oecd.org).
3. [www.doc.gov](http://www.doc.gov)
4. [www.itd.org](http://www.itd.org)
5. [www.opic.gov](http://www.opic.gov)
6. [www.unctad.org/fdistatistics](http://www.unctad.org/fdistatistics)
7. <http://www.adb.org>
8. [www.ft.com](http://www.ft.com).
9. [www.cisstat.org](http://www.cisstat.org)
10. [www.recovery.gov/](http://www.recovery.gov/)
11. [www.oecd.org/std/TISclass.pdf](http://www.oecd.org/std/TISclass.pdf).
12. [www.e-forecasting.com/US Economic Forecasts.htm](http://www.e-forecasting.com/US_Economic_Forecasts.htm).
13. European Commission ([http://ec.europa.eu/economy\\_finance/euro/index\\_en.htm](http://ec.europa.eu/economy_finance/euro/index_en.htm))
14. <http://www.cisstat.com/rus/Evrostatbooklet.pdf>
15. [http://www.oecd.org/document/25/0,3746,en\\_2649\\_37443\\_47675097\\_1\\_1\\_1\\_37443,00.html](http://www.oecd.org/document/25/0,3746,en_2649_37443_47675097_1_1_1_37443,00.html)
16. <http://top.rbc.ru/economics/14/02/2012/637788.shtml>
17. <http://www.centrasia.ru/newsA.php?strk1049697540>
18. <http://geo.1september.ru/article.php?IDк200701906>
19. <http://www.uniastrum.ru>
20. [http://mirec.ru/index.php?option=com\\_content&task=view&id=101](http://mirec.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=101)
21. [http://www.chinawindow.ru/?/ru/news/kitaj\\_i\\_wto](http://www.chinawindow.ru/?/ru/news/kitaj_i_wto)
22. [www.economist.com](http://www.economist.com)
23. <http://www.china.org.cn/russian/31516.htm>
24. [http://www.russian.xinhuanet.com/russian/2009-01/15/content\\_800925.htm](http://www.russian.xinhuanet.com/russian/2009-01/15/content_800925.htm)
25. <http://russian.sme.gov.cn/huanjing/gaikuang/20081105/033829.html>
26. [http://russian.china.org.cn/business/txt/2009-05/12/content\\_17765725.htm](http://russian.china.org.cn/business/txt/2009-05/12/content_17765725.htm)
27. <http://www.uzinform.com/ru/news/20110929/09167.html>
28. [www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2002/09/smith.htm](http://www.imf.org/external/pubs/ft/fandd/2002/09/smith.htm).
29. [www.rhd.uz](http://www.rhd.uz)
30. [http://europa.eu.int/comm/internal\\_market/en/intprop/indprop/922.htm](http://europa.eu.int/comm/internal_market/en/intprop/indprop/922.htm)
31. [www.patent.uz/istoriya\\_uz](http://www.patent.uz/istoriya_uz)
32. [www.patent.uz/uzb/stasi](http://www.patent.uz/uzb/stasi)
33. <http://www.ft.com/reports/ft-500-2011>
34. [www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2008/article\\_006.html](http://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2008/article_006.html)
35. [www.vedomosti.ru](http://www.vedomosti.ru)
36. <http://demoscope.ru/weekly/2010/0431/tema03.php>
37. <http://www.adb.org/About/members.asp>
38. <http://www.adb.org/Documents/Translations/Russian/Factsheets/UZB-Fact-Sheet-RU.pdf>

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I ҚИСМ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ</b> .....	5
<b>I БЎЛИМ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИ</b> .....	6
<b>1-БОБ Жаҳон хўжалигининг моҳияти, вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари</b> .....	6
1.1 Жаҳон хўжалигининг моҳияти.....	6
1.2 Жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари.....	9
1.3 Жаҳон хўжалигининг ривожланиши тўғрисидаги илмий концепциялар.....	14
1.4. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви.....	16
<b>2-БОБ Жаҳон иқтисодиётининг марказлари. Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш жиҳатдан гуруҳланиши</b> .....	22
2.1. Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш жиҳатдан гуруҳланиш асослари.....	22
2.2. Халқаро молия институтлари томонидан гуруҳланиши.....	24
2.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) ёндашуви.....	32
<b>3-БОБ Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш ва унинг циклик ривожланиш хусусиятлари</b> .....	37
3.1. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш муаммоси.....	37
3.2. Жаҳон конъюктурасининг замонавий ҳолати ва иқтисодий ўсиш омиллари.....	44
3.3. Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш.....	50
3.4. Инсон тараққиёти индекси ва турмуш сифати.....	52
<b>4-БОБ Макроиқтисодий ривожланишнинг асосий моделлари ва жаҳон иқтисоднётида мамлакатлар рақобатбардошлиги</b> .....	58
4.1. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий моделлари.....	58
4.2. Неолиберал иқтисодий ривожланиш модели.....	63
4.3. Иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий бозор хўжалиги модели.....	65
4.4. Иқтисодий ривожланишнинг Шарқий Осиё модели...	66
4.5. Иқтисодиётнинг очиклиги ва рақобатбардошлиги.....	67

<b>II БЎЛИМ</b>	<b>ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА САНОАТ ЖИХАТДАН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАР.....</b>	<b>77</b>
<b>5-БОБ</b>	<b>Жаҳон иқтисодиётида саноат жихатдан тараққий этган мамлакатлар.....</b>	<b>77</b>
5.1.	Саноат жихатдан тараққий этган мамлакатларнинг умумий тавсифи, белгилари, гуруҳланиши ва ривожланиш моделлари.....	77
5.2.	Саноат жихатдан тараққий этган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари....	82
5.3.	Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг тарки- би.....	85
5.4.	Ривожланган мамлакатларда “янги иқтисо- диёт”нинг шаклланиши.....	90
5.5.	Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлат- нинг роли.....	94
<b>6-БОБ</b>	<b>АҚШ иқтисодиёти.....</b>	<b>99</b>
6.1.	АҚШда бозор иқтисодиётининг ривожланиш омил- лари ва хусусиятлари.....	99
6.2.	АҚШ иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш динамикаси.....	102
6.3.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг АҚШ иқтисодиётига таъсири ва ундан чиқиш йўллари.....	107
6.4.	Ўзбекистон ва АҚШ ташқи иқтисодий алоқалари... ..	114
<b>7-БОБ</b>	<b>Ғарбий Европа иқтисодиёти: таркиби ва интеграция жараёнларининг чуқурлашуви.....</b>	<b>117</b>
7.1.	Ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий ри- вожланиш даражаси бўйича гуруҳланиши ва интеграция жараёнлари.....	117
7.2.	Европа Иттифоқи иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш тенденциялари.....	120
7.3.	Европа Иттифоқи иқтисодиётига жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозининг таъсири ва ундан чиқиш йўллари.....	123
7.4.	Евро худудининг ривожланиш истиқболлари.....	126
7.5.	Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ташқи иқтисодий алоқалари.....	130
<b>8-БОБ</b>	<b>Япония иқтисодиёти.....</b>	<b>134</b>
8.1.	Япония макроиқтисодий ривожланиш моделининг босқичлари, омиллари ва хусусиятлари.....	134
8.2.	Япония иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш динамикаси.....	136

8.3.	Япония иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ва ундан чиқиш йўллари.....	142
8.4.	Ўзбекистон ва Япония иқтисодий ҳамкорлиги.....	147
<b>III БЎЛИМ</b>	<b>ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ.....</b>	<b>150</b>
<b>9-БОБ</b>	<b>Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг ҳолати, таркиби ва ривожланиш тенденциялари.....</b>	<b>150</b>
9.1.	Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий белгилари ва гуруҳланиши.....	150
9.2.	Ривожланаётган мамлакатларда саноатлаштириш моделлари.....	154
9.3.	Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнининг ортиб бориши.....	158
9.4.	Ривожланаётган мамлакатларда камбағаллик муаммоси.....	162
<b>10-БОБ</b>	<b>Жаҳон хўжалигида янги индустриал мамлакатлар иқтисодиёти.....</b>	<b>166</b>
10.1.	Янги индустриал мамлакатларнинг умумий таъсири ва гуруҳланиши.....	166
10.2.	Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари.....	169
10.3.	Латин Америкаси янги индустриал мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.....	175
<b>11-БОБ</b>	<b>BRIC мамлакатлари иқтисодиёти.....</b>	<b>182</b>
11.1.	BRIC мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги ролининг ортиб бориши.....	182
11.2.	BRIC мамлакатлари иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш тенденциялари.....	185
11.3.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг BRIC мамлакатлари иқтисодиётига таъсири ва ривожланиш истиқболлари.....	189
<b>12-БОБ</b>	<b>Хитой иқтисодиёти.....</b>	<b>196</b>
12.1.	Хитой иқтисодий ислоҳотларининг моҳияти, босқичлари ва омиллари.....	196
12.2.	Хитой иқтисодиётининг таркиби ва ривожланиш динамикаси.....	202
12.3.	Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни.....	208
12.4.	Хитой иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари...	218
12.5.	Ўзбекистон ва Хитой иқтисодий алоқаларининг устувор йўналишлари.....	222

<b>IV БЎЛИМ</b>	<b>ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИДА ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИ.....</b>	<b>226</b>
<b>13-БОБ</b>	<b>Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг хусусиятлари ва иқтисодий ислоҳотлар йўналишлари.....</b>	<b>226</b>
13.1.	Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти, мақсади ва принциплари.....	226
13.2.	Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар моделлари ва уларнинг натижалари.....	229
13.3.	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари иқтисодиёти.....	233
13.4.	Ўзбекистон ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик алоқалари.....	238
<b>14-БОБ</b>	<b>Россия иқтисодиёти.....</b>	<b>241</b>
14.1.	Россиянинг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари....	241
14.2.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Россия иқтисодиётига таъсири ва инқирозга қарши чоралар дастури.....	246
14.3.	Россия иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимидаги ўрни ва ривожланиш истиқболлари.....	251
14.4.	Ўзбекистон ва Россия иқтисодий алоқаларининг ривожланиши.....	259
<b>15-БОБ</b>	<b>Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги ўрни. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви.....</b>	<b>262</b>
15.1.	Бозор иқтисодиётига ўтишнинг “Ўзбек модели”: моҳияти, принциплари ва босқичлари.....	262
15.2.	Ўзбекистон иқтисодиётининг таркиби ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни.....	265
15.3.	Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг таркиби ва ривожланиш динамикаси.....	269
15.4.	Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялашнинг устувор йўналишлари.....	275
	<b>II ҚИСМ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР.....</b>	<b>283</b>
<b>V-БЎЛИМ</b>	<b>ХАЛҚАРО САВДО.....</b>	<b>284</b>
<b>16-БОБ</b>	<b>Халқаро меҳнат тақсими.....</b>	<b>284</b>
16.1.	Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти.....	284

16.2.	Мамлакатларнинг ХМТда қатнашишларига таъсир қилувчи асосий омиллар ва унинг ривожланиш кўрсаткичлари.....	286
16.3.	Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашуви.....	288
16.4.	ХМТнинг замонавий Ғарб назариялари.....	290
<b>17-БОБ</b>	<b>Халқаро савдо назариялари.....</b>	<b>294</b>
17.1.	Меркантилизм ва эркин савдо ғояси.....	294
17.2.	Мутлоқ ва nisбий афзаллик назариялари.....	296
17.3.	Хекшер-Олин назарияси. В.Леонтьев парадокси.....	297
17.4.	Халқаро савдонинг янги ва ўта янги назариялари.....	301
<b>18-БОБ</b>	<b>Халқаро савдо: таркиби ва ривожланиш босқичлари.....</b>	<b>316</b>
18.1.	Халқаро савдонинг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари.....	316
18.2.	Жаҳон савдосининг таркиби ва унинг ўзгариш тенденциялари.....	319
18.3.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро савдога таъсири.....	323
18.4.	Ўзбекистон ташқи савдосининг таркиби ва ривожланиш омиллари.....	327
<b>19-БОБ</b>	<b>Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва халқаро савдо.....</b>	<b>333</b>
19.1.	Тариф ва савдо бўйича бош келишув (ГАТТ): ташкил топиши ва фаолият кўрсатиш принциплари.....	333
19.2.	ГАТТ/ЖСТ доирасида амалга оширилган музокаралар эволюцияси.....	334
19.3.	ЖСТга аъзо бўлиш босқичлари.....	338
19.4.	Ўзбекистон ва ЖСТ муносабатлари.....	341
19.5.	Ўзбекистон ташқи савдосини эркинлаштириш йўллари.....	344
<b>20-БОБ</b>	<b>Ташқи савдони тартибга солишнинг тариф методлари.....</b>	<b>347</b>
20.1.	Ташқи савдони тартибга солиш зарурати ва ташқи савдо сиёсати.....	347
20.2.	Божхона тарифининг турлари ва ҳисоблаш усуллари.....	349
20.3.	Божхона тарифларини қўллашнинг жаҳон тажрибаси.....	352
20.4.	Тарифли бошқарувнинг афзаллиги ва камчиликлари.....	361

<b>21-БОБ</b>	<b>Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф методлари.....</b>	<b>365</b>
21.1.	Нотариф методларнинг гуруҳланиши.....	365
21.2.	Микдорий чекловлар.....	366
21.3.	Савдо сиёсатининг молиявий методлари.....	369
21.4.	Савдо сиёсатининг яширин методлари.....	374
21.5.	Тартибга солишнинг ноиктисодий методлари.....	377
<b>VI-БЎЛИМ</b>	<b>ХАЛҚАРО ТОВАРЛАР, ХИЗМАТЛАР ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК САВДОСИ.....</b>	<b>381</b>
<b>22-БОБ</b>	<b>Жаҳон тайёр маҳсулотлар бозори.....</b>	<b>381</b>
22.1.	Жаҳон бозори конъюнктураси ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар.....	381
22.2.	Тайёр маҳсулотлар бозорида нархларнинг шаклланиш хусусиятлари.....	384
22.3.	Жаҳон қайта ишлаш саноати маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари.....	387
<b>23-БОБ</b>	<b>Жаҳон хомашё ва озиқ-овқатлар бозори.....</b>	<b>394</b>
23.1.	Жаҳон хомашё бозорларининг ривожланиш хусусиятлари.....	394
23.2.	Жаҳон озиқ-овқат бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятлари.....	398
23.3.	Жаҳон озиқ-овқат инқирози ва уни ҳал этиш йўллари.....	403
23.4.	Ўзбекистонда озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ривожланиш тенденциялари.....	408
<b>24-БОБ</b>	<b>Халқаро хизматлар савдоси.....</b>	<b>413</b>
24.1.	Халқаро хизматлар: моҳияти, турлари ва гуруҳланиши.....	413
24.2.	Халқаро хизматлар бозори: таркиби, омиллари ва ривожланиш тамойиллари.....	420
24.3.	Халқаро транспорт ва туризм хизматлари.....	429
24.4.	Халқаро хизматлар савдосини тартибга солиш усуллари ва йўллари.....	433
24.5.	Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиш истиқболлари.....	435
<b>25-БОБ</b>	<b>Интеллектуал мулк савдоси.....</b>	<b>441</b>
25.1.	Интеллектуал мулк тушунчаси.....	441
25.2.	Интеллектуал мулк савдосининг тартибга солиниши.....	443
25.3.	Жаҳонда интеллектуал мулк савдосининг ривожланиш тенденциялари.....	446

25.4.	Ўзбекистонда интеллектуал мулк савдоси ҳуқуқий-институционал асосларининг такомиллашуви.....	450
<b>VII-БЎЛИМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ҲАРАКАТИ.....</b>		
	<b>26-БОБ Халқаро капитал миграцияси.....</b>	<b>457</b>
26.1.	Халқаро капитал миграцияси: сабаблари, омиллари ва кўрсаткичлари.....	457
26.2.	Халқаро капитал миграциясининг шакллари ва уларнинг гуруҳланиши.....	460
26.3.	Халқаро капитал миграциясининг таркиби ва ривожланиш тенденциялари.....	465
26.4.	Халқаро капитал миграциясини тартибга солиш усуллари.....	472
26.5.	Ўзбекистон халқаро капиталлар миграцияси жараёнида.....	477
<b>27-БОБ</b>	<b>Халқаро корпорациялар халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида.....</b>	<b>486</b>
27.1.	Халқаро корпорацияларнинг вужудга келиш сабаблари функциялари ва гуруҳланиши.....	486
27.2.	Трансмиллий корпорацияларнинг ривожланиш кўрсаткичлари.....	491
27.3.	Трансмиллий банклар фаолиятининг ривожланиш йўналишлари.....	500
27.4.	Ўзбекистонда трансмиллий корпорациялар фаолияти.....	504
<b>28-БОБ</b>	<b>Халқаро ишчи кучи миграцияси.....</b>	<b>510</b>
28.1.	Халқаро ишчи кучи миграциясининг назарий асослари.....	510
28.2.	Халқаро ишчи кучи миграциясининг моҳияти, омиллари, сабаблари ва турлари.....	513
28.3.	Халқаро ишчи кучи миграциясининг таркиби ва динамикаси.....	519
28.4.	Халқаро ишчи кучи миграцияси ва пул ўтказмалари.....	526
28.5.	Халқаро ишчи кучи миграциясини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.....	532
28.6.	Ўзбекистон халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнида.....	541
<b>29-БОБ</b>	<b>Технологияларни халқаро узатиш.....</b>	<b>544</b>
29.1.	Техник тараққиётнинг халқаро савдога таъсири назариялари.....	544



29.2.	Технологияларни халқаро узатиш шакллари ва механизмлари.....	548
29.3.	Халқаро технологиялар бозорининг ривожланиш таъмоийллари.....	553
29.4.	Халқаро технологиялар савдосини тартибга солиш усуллари.....	559
<b>VIII-БЎЛИМ ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ.....</b>		<b>566</b>
<b>30-БОБ</b>	<b>Тўлов баланси, ташқи қарз ва олтин-валюта захиралари.....</b>	<b>566</b>
30.1.	Тўлов баланси.....	566
30.2.	Ташқи қарз.....	572
30.3.	Олтин-валюта захиралари.....	578
30.4.	Тўлов баланси ва иқтисодий сиёсат.....	582
<b>31-БОБ</b>	<b>Халқаро валюта муносабатлари.....</b>	<b>591</b>
31.1.	Валюта муносабатлари тушунчаси ва валюта тизими.....	591
31.2.	Жаҳон валюта тизими ва унинг асосий элементлари... ..	593
31.3.	Валюта операциялари ва уларнинг асосий турлари....	597
31.4.	Ўзбекистонда валюта муносабатлари.....	601
<b>32-БОБ</b>	<b>Халқаро валюта-кредит ва молия бозорлари.....</b>	<b>605</b>
32.1.	Жаҳон молия бозорининг моҳияти ва функциялари... ..	605
32.2.	Жаҳон молия бозорининг таркиби ва ривожланиш хусусиятлари.....	609
32.3.	Жаҳон молиявий инқирозининг юзага келиши сабаблари ва ундан чиқиш йўллари.....	616
32.4.	Ўзбекистоннинг халқаро молия муносабатларга интеграциялашуви.....	621
<b>33-БОБ</b>	<b>Халқаро иқтисодий ташкилотлар.....</b>	<b>626</b>
33.1.	Халқаро иқтисодий ташкилотлар: моҳияти, зарурияти, функциялари ва гуруҳланиши.....	626
33.2.	БМТнинг ихтисослашган иқтисодий ва молия ташкилотлари.....	629
33.3.	Халқаро минтақавий молия ташкилотлари.....	643
33.4.	Ўзбекистон ва халқаро иқтисодий ташкилотлар.....	648
<b>34-БОБ</b>	<b>Халқаро иқтисодий интеграция.....</b>	<b>654</b>
34.1.	Халқаро иқтисодий интеграция: зарурати, мазмуни ва ривожланиш омиллари.....	654
34.2.	Иқтисодий интеграция шаклланиши шарт-шароитлари ва ривожланиш босқичлари.....	656
34.3.	Ғарбий Европада интеграция жараёнларининг ривожланиши.....	661

34.4. Америка қитъасида интеграция жараёнларининг ривожланиш хусусиятлари.....	667
34.5. Осиё–Тинч океани минтақасида интеграцион жараёнларнинг хусусиятлари.....	670
34.6. Ўзбекистоннинг интеграцион ташкилотлардаги иштироки.....	674
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	<b>681</b>



**ВАХАБОВ АБДУРАХИМ ВАСИҚОВИЧ,  
ТАДЖИБАЕВА ДИЛДОРА АСОМУТДИНОВНА,  
ХАЖИБАКИЕВ ШУҲРАТ ХУЖАЁРОВИЧ**

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ  
ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ  
МУНОСАБАТЛАР**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент – 2011 й.**

Муҳаррир – А. Зиядов  
Техник муҳаррир – Ё. Иноғомов  
Компьютерда саҳифаловчилар – Р. Шарипов, Д. Абдурахманов

Босишга рухсат этилди 26.12.2011 й. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>.  
«TimesNewRoman» ҳарфида терилди. Шартли б.т. 44,25. Нашр т. 42,03.  
Адади 180. 37-сонли буюртма. Шартнома № 14.

Оригинал-макет Банк-молия академиясининг нашриёт бўлимида  
тайёрланди. Тошкент ш., Ҳ. Арипов, 16-уй.

«EXTREMUM PRESS» ХК босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Боғишамол 57 б.